


МИРЗО МУХАММАД
ХАЙДАР АЁЗИЙ

ТАРИХИ
РАШИДИЙ





МИРЗО МУҲАММАД
ҲАЙДАР АЁЗИЙ



ТАРИХИ РАШИДИЙ







94/5)	2016/91	
A-34	3807	
	Абзес М.М.к.	
	старшина	
	94/5/91	
-2011		2170000.
706	24	06.16
1111		1105.8
		1205.19
		7.19

2016/91
3807X
3M.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

**МИРЗО МУҲАММАД
ҲАЙДАР АЁЗИЙ**

**ТАРИХИ
РАШИДИЙ**

ТОШКЕНТ — «O'ZBEKISTON» — 2011

УДК 94(575)

ББК 63.3(5У)

A34

Нашрга тайёрловчи, сўз боши, тадбил, изоҳлар ва қўрсаткичлар муаллифи
тариҳ фанлари номзоди **ЖАЛИЛОВ** Омонбек Ҳусайнбек ўғли

Масъул мұхаррир:

филология фанлари доктори, профессор С. ҲАСАНОВ

Махсус мұхаррир:

филология фанлари номзоди В. РАҲМОНОВ

Тақризчила:

тариҳ фанлари доктори Д.ЮСУПОВА,

филология фанлари доктори К. СОДИКОВ

Икки дафтардан иборат бўлган ушбу китобда XIV—XVI асрларда Марказий Осиё ҳудудида яшаган халқлар, ҳуқмронлик қилган хон ва подшолар хонадони тарихи, сиёсий, ижтимоий-иктисодий, маданий ҳёти, шу жумладан давлатчилик тизими, халқаро муносабатлари, географик жойлашуви, этнографияси, этногенези акс этган.


Китоб ўлка тарихи билан қиёниувчиларга ҳамда мутахассисларга мўлжалланган.

ISBN 978-9943-01-372-8

ISBN 978-9943-01-372-8



9 789943 013728



© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2011

Taghoniqi

W 25252
439



НАШРГА ТАЙЁРЛОВЧИДАН

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий (1499—1551) томонидан 1541—1546 йилларда форс тилида ёзилган тарихий-мемуар асар «Тарихи Рашидий»нинг Хожа Муҳаммад Шариф томонидан 1837—1838 йилларда амалга оширилган туркий таржимаси сақданиб келмоқда.

«Тарихи Рашидий» XIV—XVI асрлар Марказий Осиё, жумладан, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон, қисман Тибатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёти, чунончи, давлатчилик тизими, халқаро муносабатлари, журналистикаси, этнографияси, этногенезини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

Асар икки дафтардан ташкил топган. Биринчи дафтарда Мовароуннаҳро ва Шарқий Туркистонда ўтган Чингизхон, Мўрулистан хони Туғлуқ Темур авлодларининг XVI аср ўрталаригача бўлган давр тарихи, соҳибқирон Амир Темур ва унинг авлодлари ҳамда Бобурийлар, қолаверса, Шайбонийлар, Амир Ҳусайн, дуғлот амирлари, улус бекларининг фаолиятлари ёритилган.

Иккинчи дафтар муаллифнинг саргузаштлари, замонасининг буюқ сиймоларидан эшитганлари ёзилган далиллар билан тўлибтошган кундалик дафтари ҳисобланади.

«Тарихи Рашидий»да Марказий Осиё маданий ҳаёти, у давр намояндадарига алоҳида тўхталиб ўтилган. Жўмладан, минтақада яшаб ўтган уламо, машойихлар, мутафаккир олимлару шоирлар, мусаввир, хаттот, накъош ва ҳунармандлар ҳақида ажойиб библиографик маълумотлар келтирилган. Мавлоно Саъдуддин Тафтазоний (1322—1392), Хожа Алоуддин Аттор (вафоти 1400), Мир Саййид

Шариф Журжоний (1339—1413), Хожа Муҳаммад Порсо (1348—1420), Мавлоно Низомуддин Ҳомуш, Мавлоно Яъқуб Чархий (вафоти 1447), Саъдуддин Кошгарий (вафоти 1456 й.), Мавлоно Лутфий (1366—1465), Хожа Убайдуллоҳ Аҳроор (1404—1490), Султон Ҳусайн Бойқаро (1438—1506), Мавлоно Абдураҳмон Жомий (1414—1492), Ҳазрати Алишер Навоий (1441—1501), Мавлоно Абдуғафур Лорий (вафоти 1506), Захириддин Муҳаммад Бобур (1483—1530), Камолуддин Беҳзод (1455—1537), Камолуддин Биноий, Мавлоно Шамсуддин, Мир Ҳусайн Муаммойи, Ҳожа Абдуллоҳ Марворид, Шайх Музаффар Мир Жалолуддин мұхандис, Мир Муҳаммадий, Мир Юсуфий (вафоти 1543—1544), Сайфий, Оҳий, Аҳлий, Фироқий кабилар шулар жумласига киради.

«Тарихи Рашидий»нинг инглизча (1895, 1898, 1972, 1996 й.), хитойча (1985 й.), русча (1996, 1999 й.) ва қозоқча (2003 й.), туркча (2006 й.) ва ҳозирги замон уйғурча (2007 й.) ҳамда ўзбек тилидаги бадиyllаштирилган таржималари нашр этилган. Маданий меросимизниң Марказий Осиё, Туркистан, чунончи, Ўзбекистон тарихи ва унинг қўшни мамлакат ҳалқлари билан бўлган муносабатларини акс эттирувчи ушбу намунаси — ўзбекча-уйғурча таржимасининг қўлёзма матни эса ҳалигача нашр этилмаган. «Тарихи Рашидий»нинг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган бошқа туркий нусхалари билан қиёслаб, камчиликларини тўлдириб, асарнинг деярли тўлиқ нусхаси матни нашрга тайёрланди. Бу нашр ҳалқимиznинг тарихий онгини шакллантиришга, тарихий хотирасини тиклашга, ўз тарихини, ўзлигини билишга, Республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, ҳал-қимизниң маърифий маънавиятини бойитишга катта ҳисса қўшишга хизмат қилиши шубҳасиз. Ҳалқимиz ўзининг олтин меросини она тилида ўқишига муюссар бўлиши ҳам дикқатта сазовор. Ўзбекистон тарихини ёритувчи китобларга муштоқ бўлиб юрган ҳалқимиz, айниқса, илм шайдолари, тала-баларимизга бу китоб арзигудай армурон бўлади, деган умиддамиз.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Кўрагон ибн Мирзо Муҳаммад Ҳусайн Кўрагон (1499—1551)нинг 1541—1546 йиллар Каширида форс тилида ёзган машҳур «Тарихи Рашидий» асарининг битта туркий таржима нусхаси 10191/II рақамда сақланмоқда.

«Тарихи Рашидий» туркий таржимасининг тўлиқ ва тўлиқсиз 10 та қўлёзма нусхалари бизгача етиб келган бўлиб, уларнинг еттита нусхаси Россия Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлими қўлёзмалар фондида D 120, (590of), D 121 (590oe), D 122 (590od), D 138 (590o) D 192, C569 (590oe), ва C 570 (590od) тартиб рақамида сақланмоқда¹.

«Тарихи Рашидий» туркий таржимасининг D 138 (590o) рақамили қўлёзма нусхаси ишлов берилган яшил чарм муқовалидир. У 246 вараги бўлиб, бичими 42x28 см., юпқа сарғиш маҳаллий қоғозга настаълиқ хатида, матн қора сиёҳда, мавзулари, фаслларнинг номлари эса қизил сиёҳда ёзилган. Асарнинг таржимони ва таржима қилинган йили номаълум. «Тарихи Рашидий» тўрт қисм (руқн)га бўлинган ҳолда қисқартирилиб таржима қилинган. Унинг устига 11, 12, 13, 53—65- фасллар ва 14- фаслнинг боши тушириб қолдирилган. Қўлёзма 1308/1890—1891 йилларда кўчирилган. К. Залеман таржимон Муҳаммад Содик Кошғарий бўлса керак деб фараз қиласа, А.М. Мугинов асарни

¹ Мугинов А.М. Описание уйгурских рукописей Института Народов Азии. — Москва: Изд-во восточной литературы, 1962. — С. 37 — 44.

бошқа таржималарга солиштириб, унинг таржимони Мұхаммад Ниёз бин Абдуғафур, деган фикрға келган¹. Биз А.М. Мугинов фикрига қүшиламиз.

«Тарихи Рашидий» С 569 (590о) рақамли қўлёзма нусхаси-нинг туркӣ таржимаси уйғур тарихчи олимни ва шоири Мұхаммад Содиқ Кошғарий (1725—1849) томонидан Кошғар ҳокими Юнус Тожибек бин Искандарбек бин Эмин ҳожа фармони билан амалга оширилган. Аммо, бу қўлёзмага «Тарихи Рашидий» нинг I, II, III рукнларининг таржимасигина жойлаштирилган. Демак, С 569 (590о) рақамли қўлёзмани ҳам «Тарихи Рашидий» туркӣ таржимасининг тўла нусхаси деб бўлмайди.

Қўлёзма матни қора, сарлавҳалари қизил сиёҳда, настаълиқ хатида, бичими 31x21 см. қоғозга ёзилган. Матнининг бичими 22x13 см., ҳар бетига 19 қатордан ёзилган, жами 315 бет, XIX асрда кўчирилган².

D 0192 рақамли қўлёзма «Тарихи Рашидий» IV қисмининг туркӣ таржимасидан иборат. Уни Ҳўтан ҳокими Мұхаммад Азиз Вонгнинг фармони билан Мұхаммад Ниёз охунд Ниёзий ҳижрий 1253 (1837—1838) йилда таржима қилган ва ўз қўли билан ёзиб чиққан. Қўлёзма чиройли настаълиқ хатида, сифатли маҳаллий қоғозга, матн қора, мавзулари қизил сиёҳда ёзилган. Қўлёзма муқоваси қизил чармдан, нақшланган варарининг бичими 38x34 см., матнининг бичими 26x14 см., ҳар варагида 15 қатордан ёзилган³.

D 120 (590о) рақамли қўлёзма «Тарихи Рашидий» 1 дафтарининг Мұхаммад Ниёз бин Абдуғафур тарафидан 1837—1838 йиллари қилинган туркӣ таржимаси эканлиги олимларимиз томонидан аниқланган. Қўлёзма муқаддимасида таржима Ҳўтан

¹ Мугинов А.М. Описание уйгурских рукописей Института Народов Азии.
— Москва: Изд.-во восточной литературы, 1962. — С. 37.

² Ўша жойда. — С. 38.

³ Ўша жойда. — С. 40—41.

ҳокими Мұхаммад Азиз Вонг фармони билан наср ва назмда бажарилғани түғрисида маълумот берилған. Құләзма нақшланған қизил чарм қопланған қаттиқ картон билан муқоваланған, бичими 37x23 см., шарқ қофозига, матни қора, сарлавҳалари қизил сиёҳда чиройли настаълиқ хатида, ҳар варагига 15 қатордан ёзилған, жами 111 варақ. Демак, бу нусха ҳам «Тарихи Рашидий»ни туркій таржимасининг тұла пусхаси әмас.

D 121 (590of) рақамли құләзма ҳам «Тарихи Рашидий» III ва IV қисм (руқн)ларининг Мұхаммад Ниёз томонидан үтирилған туркій таржимаси бұлса керак. Құләзма қофозининг бичими 38x26 см., қалинроқ шарқ қофози бұлғып, матнининг бичими 25x18 см., ҳар варагига 15—18 қатордан ёзилған. Ұша құләзмалар фондида сақланыёттан D 122 (590°) рақамли құләзма «Тарихи Рашидий»-нинг түрт қисм (руқн)га бүлинған ҳолда қисқартириб үтирилған туркій таржимасидан иборат. Таржиманинг айрим жойлари асарнинг юқорида әслатиб үтилған С 569, D 138 рақамли құләзмалари таржималарига үшшаб кетади, деган холосага келинди. Бирок таржимони номаълум. Бу құләзма ҳам нақшланған қизил чарм қопланған қаттиқ муқовали, маҳаллий ва хитой қофозига, настаълиқда чиройли, үртача ва хунук хатларда, бир варагига 19 дан 23 қаторгача ёзилған, жами 212 варақдан иборат¹.

C 570 (590 od) рақамли құләзма эса «Тарихи Рашидий»нинг I, II ва IV қисмларининг жуда ҳам қисқартириб қилинған таржи-ма нусхасидир. У 1160 ҳижрий, яъни 1747 милодий йили үтирилған. Ҳожи Юсуф ибн Мулло Ашур халифам ибн Қурбон Сұфи ибн Давлат Сұфи томонидан 1322 (1904—1905) йили қүчирилған, жами 330 варақдан ташкил топған. Құләзма варагининг бичими 26x17 см., матнининг бичими 12x12 см., ҳар варагига 16 қатордан қора сиёҳда, сарлавҳалари қизил сиёҳда роят хунук ва құримсиз настаълиқ хатида ёзилған².

¹ Ұша жойда. — 41—42-бетлар.

² Ұша жойда. — С. 42—43-бетлар.

Хулоса қилиб айтганда, Россия Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлими қўлёзмалар фондида «Тарихи Рашидий» туркий туржимасининг тўлиқ ва тўлиқсиз жами 7 та қўлёзма нусхаси мавжуд. Улардан D 138 (590o) рақамли нусха асарнинг тўрт қисмга бўлиб, қисқартирилиб туркий тилга ўтирилган тўлиқроқ нусхаси бўлиб, Муҳаммад Содиқ Кошғарий ёки Муҳаммад Ниёз ибн Абдуғафур Ниёзий таржима қилган, деб фараз қилинади. С 569 (590 o) рақамли деб топилган нусха ҳам тўлиқроқ нусхаси бўлиб, унинг таржимони Муҳаммад Содиқ Кошғарийдир. D 192 рақамли нусха «Тарихи Рашидий» IV қисмининг, D 120 (590 of) рақамли нусха I қисмининг, D 121 (590 of) рақамли нусха III, IV қисмларнингтина таржимасидир. D 122 (590od) ва С 570 (590 od) рақамли нусхалар эса «Тарихи Рашидий»нинг жуда ҳам қисқартирилиб, шошилинч ўтирилган ва қўчирилганлиги олимлар томонидан аниқланган¹. Биз ҳам мазкур нусхаларни вараклаб кўриб, солиштириб, қўлёзмаларни бизгача ўрганган ва тавсифлаган шарқшунос олимларнинг хулосаларига қўшилдик.

Санкт-Петербургда сақланаётган «Тарихи Рашидий» туркий таржималарининг тўлиқ нусхалари деб топилган Муҳаммад Содиқ Кошғарий ва Муҳаммад Ниёз ибн Абдуғафур Ниёзий таржималарида араб-форс тиллари элементлари анчагина сақланиб қолган, бунинг устига айрим фасллар тушиб қолган.

Мирзо Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» асарининг форсчадан туркий тилга ўтирилган тўла ва энг чиройли таржима нусхаси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида 10191/II рақамда сақланмоқда. Биз мана шу қўлёзманинг матнини рус графикаси асосидаги ўзбекча транслитерация қилинган версиясини нашрга тайёрладик.

10191/II рақамли қўлёзма сариқ чарм қопланган қаттиқ картон муқовали, қофози Қўқонда тайёрланган, сарғиши рангли, бичими

¹ Мугинов А.М. Описание уйгурских рукописей Института Народов Азии.
— Москва: Изд-во восточной литературы, 1962. — С. 37—44.

20, 5x30 см., жами 422 ваққ, ҳар варагида настальиқ хатида 19 қатордан ёзилган, матни қора, сарлавҳалари, фасл рақамлари қизил сиёҳда, бироқ қўллэзма варакларининг ўнг ёки чап ҳошиясига ёзилган. Қўллэзманинг 62^а—65^а- варагларига «Тарихи Рашидий» ва унинг иловасига тузилган мундарижа — фиҳристи, 66—69- бетларига таржимоннинг муқаддимаси, 69—344- бетларига «Тарихи Рашидий» нинг туркӣ таржимаси ва 344—416 варагларига Ҳожа Муҳаммад Шариф томонидан ёзилган илова жойлаштирилган.

Қўллэзманинг 69^а варагида маэкур асарнинг туркӣ таржимаси ва унинг таржимони ҳақида насрий ва шеърий маълумот берилган. Жумладан, «Тарихи ҳижрати Набавий соллаллоҳу вассаллам тўқкуз юз эллик биро әрдиким, Муҳаммад Ҳайдар ибн Ҳусайн Кўрагон бу тарих интизомини порсий алфоз бирлан мураттаб айлаб эканлар, ногоҳ сурур ҳавоқин сипеҳро иқтидор ва меҳтари салотини олий миқдор, соҳиби зилли шавкат ва иқболи ҳумоий макон, теран саодат, ажлол тарвот бахш дорулфайз Кошғар санаҳо Оллоҳу таоло ин ал-офт ва ал-зарар, шоҳ соҳиби яқин, соҳиби таҳт-у бахт тоҷу нигин, насли Тоҳир Амир Зуҳуриддин зода Оллоҳу таоло иқболаҳу явма фаюиван ва рафаъа рутубатаҳу саотан фа саотан авлоду аҳфод шиҷоат паноҳ нара шер ҳақойиқ эрод ва равшан замир Ҳожа Муҳаммад Шариф пирдурлар. Вобираи Эмин ҳожа Вонг хонликким, бу навеъ шаҳаншоҳ адолат паноҳ, хотир фотир, дарё муқотирлари қўзгусида бу хаёл хутури ва бу тахайюл муттасхил авҳоли муттасаввир бўлуб эрканкин, бу «Тарихи Рашидий» ба тариқи порсий марқум бўлубдур. Атрок, мӯғулия аҳоли мунинг заминидин бехабардурлар. Лозим ва лобудди ким, туркӣ алфози бирла оғоз қилингой, токи авом ароziли ва ҳавосу афозилнинг тилларига жорий ва қўнгулларига осори тушмакдин истифода айлагайлар.

Тарихга минг икки юз эллик уч (1837—1838) эрдиким, бу фақири бебизоат ва ҳақири кам иститоат бу ҳукм хитобига маҳкум ва бу хитоб амриға маъмур бўлуб эрди; агарча бу кори

узмо сори даст узотмоқға ҳадду ёро йўқтур, имтисол ал-амри вожиб иқтизоси «Атиъу-ллоҳа ва атиъу-р-расули ва ули-л амри минкум» («Оллоҳга итоат қилингиз ва пайғамбарга ҳамда узларингиздан бўлган мусулмон ҳокимларга бўйсинингиз!» 4; 59) тақозосидин ночор бу хизмат вуқуъига шурув қилинди¹, дейилади «Тарихи Рашидий» туркий таржимасига таржимон томонидан ёзилган муқаддимада. Келтирилган парчадан маълум бўлдики, «Тарихи Рашидий»нинг туркий тилга таржимаси Эмин Вонгнинг эвараси Мир Тоҳирнинг ўғли, Қашқар ҳокимбеги Зуҳуридин ҳокимбекнинг фармонига биноан Ҳожа Муҳаммад Шариф томонидан ҳижрий 1253 (1837—1838) йили амалга оширилган ва қўшимча ёзилган. Бунга Қашқар ҳокимининг «Тарихи Рашидий» форс тилида ёзилганлиги учун туркий ҳалқлар бундан хабарсиз, уни туркий тилга ўтиromoқ лозим ва зарур, токи оддий авомдан то олим ва амалдор давлат арбобларигача ундан хабардор топсин, кўнгилларида шундан хабарсиз қолдим, деган шубҳа ва афсус пайдо бўлмасин, деб берган фармони ва уни бажариш вожиб бўлганлиги учун бу ишга қўл урганлигини таржимон ёзиб қолдирган. Ҳожа Муҳаммад Шарифнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида маълумотга эга эмасмиз. Юқорида келтирилган парчадаги «Ҳожа Муҳаммад Шариф пирдур», деган жумладан унинг умри устоз ва кексалик даврига етиб келганлигини англаймиз, мазкур асарни туркийга ўтираётган ҳамда унинг қўшимчасини ёзаётганида (1837—1838 йиллар) 50—60 ёшларда экан, деган фикрга олиб келади.

Қўлёзмалардан олинган маълумотларга қараганда, Қашқар ҳокими Зуҳуридин ҳокимбек ҳалқнинг маданий, маърифий, маънавий савиясини ошириш ишларига катта эътибор берган илғор фикрли шахс бўлгани учун, ўз девонхонасидаги Абдураҳим Низорий (1770—1848), Турди Ноэим Фарибий (1802—1862), Ҳусайн Сабурий (XIX аср), Неъматулло Кошғарий ва Наврӯз охунд Зиёни-

¹ ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинаси. 10191/II рақамли қўлёзма, 69-6.

ларга буйруқ ва топшириқлар бериб, бадиӣ ва фалсафий ижтимоий-ахлоқий, тарихӣ асарлар ёздиран. Бу ҳолатга асосланиб Ҳожа Муҳаммад Шариф ҳам Зухуриддин ҳокимбекнинг сароида бирорта вазифада ишлаган уламолардан бўлса керак, шунинг учун унга ҳам вазифа сифатида «Тарихи Рашидий»ни туркӣ тилга таржима қилишни буюрган, деган хulosага келдик. Ҳожа Муҳаммад Шариф берилган вазифани жонғидолик билан юқори савияда бажарган. Таржиманинг ютуқларидан бири унда араб, форс тили элементлари имконият борича кам ишлатилганлигида эди. Иккинчиси — матндаги форсча назмларни туркӣлаштириб, уларнинг гўзаллиги, равонлиги ва бадиийлигини сақлаб қолишга ҳаракат қылган, учинчидан, бу таржима «Тарихи Рашидий» асарининг тўла матнини қамраб олган. Таржимоннинг яна бир ютуғи унинг «Тарихи Рашидий» таржимасига илова сифатида қўшимча ёзганлигидадир. Таржимон Мирзо Ҳайдарнинг Марказий Осиё, айниқса, Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон тарихини баён қилиб тұхтаган 1546 йиллар воқеаларини тарихчи сифатида давом эттириб, XIX асрнинг 40- йилларигача олиб келиб тамомлайди.

«Тарихи Рашидий» туркӣ таржимасининг 10191/II рақамли нусхаси ҳақидаги маълумот биринчи бўлиб «Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалар тавсифининг тўплами» («СВР АН УзССР») VII жилдида эълон қилинган. Бироқ, бу тавсифда асарнинг таржимони номаълум, деб ёзилган ва «Тарихи Рашидий» таржимасида айрим фасллар тушиб қолганлиги таъкидланган¹. Чунончи, «Лашқар қашидани Юнусхон жиҳати қўмаки Муҳаммад Ҳайдар Мирзо Ёрканд бор-и дуввум ва шикаст ёфттан аз Мирзо Абу Бақр» 1430 рақамли қўлёзма бўйича 54- фасл давоми — 58^а-варақ, «Зикри жанг ва ваҳшати, ки дар миёни Юнусхон ва Муҳаммад Ҳайдар мирзо дар Оқсу воқеъ шуд» (1430 қўлёзма бўйича 57- фасл, 60^{аб}-варақ) ҳамда «Зикри рафтани Ҳайдар Мирзо ба Кошғар пеши Абу Бақр ва дар

¹ Собрание Восточных рукописей АН УзССР. Т. VII. — Т.: Изд-во «ФАН», 1964.— С. 25—29, №5014.

банд кардани Мирзо Абу Бакр Мұхаммад Ҳайдар Мирзоро» (1430 бүйіч 58-фасл, — 62^а-варақ), деб аталған фасллар түшириб қолдирилған, деб ёзилған. Биз улардан охирғи иккі фаслнинг 10191/II құләзманинг 139^б ва 243-варақларда берилганини аниқладик, әнд мұхими, 10191/II рақамли құләзмадаги «Тарихи Рашидий» туркій таржимасининг таржимони, юқорида айттанимиздай, Ҳожа Мұхаммад Шариф эканлыгини аниқладик.

10191/II рақамли құләзманинг 62^а—65^а варақларда берилған мундарижадан маълум бўлишича, «Тарихи Рашидий»нинг туркій таржимаси 191 фаслдан иборат бўлиб, улар кетма-кет рақамланган. Бироқ ушбу құләзмадаги ортиқча фаслларни қисқартириш ва тушиб қолған фаслларни бошқа құләзмалардан олиб қўшиш жараёнида фасл номлари сақлаб қолинган бўлса ҳам, фасл рақамлари ўзгарди. Ўқувчиларга тушунарли бўлиши учун фаслларни биринчисидан охирисигача янгидан рақамлашни маъқул топдик.

«Тарихи Рашидий»нинг 10191/II рақамли туркій таржимаси-нинг ўзига хос хусусиятларидан бири таржимоннинг асарга ижодий ёндашганлигидир. У тарихни Одам Алайхиссаломдан бошлаб, Чингизхон, унинг фарзандлари Ўқтой, Жўчи, Тўлди, Чифатой хоқонлар тарихи түгрисида етти фасл қўшган. Бундан ташқари «Тарихи Рашидий»га XVI асрдан XIX асрнинг 40-йилларгача бўлган даври тарихига бағишлиланган қўшимча илова ёзган. Илованинг ўзи бир тарихий асардир.

Таржимон Ҳожа Мұхаммад Шариф асарга ўз муқаддимаси-ни қўшиб, унда асарнинг таржима қилинишининг сабаблари каби масалалар ҳақида фикр юритган.

Таржимада асарнинг айрим фаслларидаги баъзи форсча шеърлар, воқеалар баёнидаги бадиий тасвиrlар ва муболагаларни қисқартириб, асли воқелик баёнига алоҳида эътибор қараттан. Таржимоннинг шу каби хусусиятларини тадқиқ этишни кейинга қолдиридик.

«Тарихи Рашидий»нинг бу таржимаси қайси бир форсча нусхадан таржима қилингани, яъни аслияти бизга маълум эмас. Лекин құләзмада асарнинг 1—2-дафтарларидаги фасллар биринчи фаслдан охирғи фаслгача кетма-кет рақамланган. Фасллар маз-

мунан бошқа, айниқса, р.1430 ва С 0759 рақамли қўлёэмадагига деярли ўхшаш тартибда жойлаштирилганлиги аниқланди.

«Тарихи Рашидий»нинг 10 га яқин форсча ва 10 дан кўп туркий таржима нусхалари бўлишига қарамай, уларнинг танқидий матнлари ҳозиргача туэилмаган. Демак, бу асарнинг танқидий матни ҳам, аслияти ҳам мавжуд эмас. Шунинг учун асарнинг Р. 10191/II рақамли туркий таржимасини нашрга тайёрлашда Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланабўтган р. 1430 рақамли форсча қўлёзма нусха ва унинг русча таржимаси, Санкт-Петербургда сақланабўтган D138, C569 рақамли туркий қўлёзма нусхалар ҳамда С0759 рақамли туркий нусханинг ҳозирги замон уйғурча таржимасидан фойдаланилди. 10191/II рақамли нусхада тушиб қолган 53-фаслинг давоми, 55—64 ва 100—106-фасллар D138, C569 нусхалардан олиб тўлдирилди. Қўшилган матнларнинг қўрсаткичларида қўлёzmанинг варақ ва бетларининг рақами, сўнгра қавс () ичida қўлёzmанинг рақами 123a (D138) ёки 119(C569) каби берилди.

Қўлёэмадаги ўқилиши қийин бўлган айrim киши номлари ва жуурофий номларни юқоридаги таржима нусхалар ва 0759 рақамли қўлёzmанинг уйғурча таржимаси билан қиёслаб аниқлаб олишга муяссар бўлдик. Бироқ у номларнинг қайси нусхада қандай ёзилганлигини изоҳлаб ўтирадик. Бу борада асосий мақсад «Тарихи Рашидий»нинг биттагина нусхаси матнининг транслите-рациясини нашр этиш эканлигини ёдда тутдик.

Матни нашр этилаётган нусхада баъзи номларнинг ҳар хил ёзилишини учратдик. Ундаи ҳолларда матнда тўри ёзилишини бериб, бошқача ёзилишини қўрсаткичда () қавс ичida бериш усулидан фойдаландик.

«Тарихи Рашидий» асарининг илмий-танқидий матни ҳозирча яратилмаганлиги сабабли ушбу нашрда айrim кам-кўстликларга йўл қўйилган бўлиши табиийдир. Мазкур асарнинг ишончли ва муаллиф қаламига яқин нусхасининг илмий муомалага киритилиши натижасида бундай камчиликлар келгуси нашрларда барта-раф қилинади, деган умиддамиз.

«Тарихи Рашидий»нинг муаллифи ва асарнинг мазмуни устидаги қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Мирзо Муҳаммад Ҳайдар таниқли тарихчи олим, истеъододли лирик шоир ва давлат арбоби. У 1499—1500 йилда Тошкентда туғилган. Отаси Муҳаммад Ҳусайн Қўрагон Шарқий Туркистоннинг Манглай суби, яъни офтобрўй деб аталган кун чиқиши қисмини Чингизхон давриданоқ бошқариб келган туркийлашган мўғул-турк дуғлот қабиласидан чиқсан улусбеги Амир Бобдоғон ва Буложи (Пулодчи) авлодларидан эди. Мирзо Муҳаммад Ҳусайн 1493—1494 йилларда Мўғулистан хони Султон Маҳмудхоннинг (1487—1502) синглисига ўйлангандан сўнг Қўрагонлик мансабига эришган. Хон уни 1494 йил Ўратепанинг ҳокими әтиб тайинлади, 1502 йилгача ҳокимлик қилди.

Мирзо Ҳайдарнинг онаси Ҳуб Нигор хоним эса, Чифатой хонлиги емирилгандан сўнг ташкил топган Мўғулистанда 1456—1487 йилларда ҳукмронлик қилган Юнусхоннинг қизи эди.

Шайбонийхон (1450—1510) буйруғи билан 1509 йили Мирзо Муҳаммад Ҳусайн Ҳиротда қатл этилади. Шайбонийхоннинг тазиикидан қўрқкан Мирзо Ҳайдар отасининг дўстлари ва ўз тарбиячиси Муҳаммад садр билан қочиб, аввал Бухорога, кейин у ердан Қоратегин орқали Бадаҳшонга Қалъай Зафарга боради. Мирзоҳон ибн Султон Маҳмуд Мирзо ибн Султон Абу Саъид Мирзо Ҳайдарга ҳам ота, ҳам она томонидан қариндош бўлгани учун у ерда бир йил яшайди. Бироқ Бадаҳшонга Шайбонийлар хавф солаёттани учун Мирзо Ҳайдар холасининг ўғли, яъни Юнусхоннинг ўрганчи қизи Қутлуқ Нигор хонимнинг фарзанди Захириддин Муҳаммад Бобур уни Кобулга чақиртириб олади ва саройидан уй-жой ажратиб беради. У ерда уч йил яшайди.

Мирзо Ҳайдардан 17 ёш катта бўлган Бобур унга оталарча ғамхўрлик кўрсатади, тарбиялайди, билим-хунар ўргатади. Бобур кўрсатган ғамхўрликни тарихчи ўз асарида чуқур миннатдорлик билан бир неча бор эслаб ўтади. Тахминан 1512 йилда Мирзо Ҳайдарнинг тоғаси Султон Аҳмадхон (1484—1504)нинг ўғли Султон Саидхон Кобулга келганида Бобурдан рухсат олиб, Мирзо

Ҳайдарни Андижонга олиб кетади. 1512—1513 йилларда у хоннинг ҳокимият учун курашларида қатнашади. Хон 1513 йили Мирзо Ҳайдарга синглисини никоҳлаб, ўзига куёв қилиб олади, шу билан Мирзо Ҳайдар ҳам Кўрагонлик унвонига эришади. 1514 йили Шарқий Туркистонда 1465 йили ташкил топган Ёрканд хонлиги тахти учун Султон Саидхон олиб борган жангларда иштирок этади. Султон Саидхон 1514 йилда Ёрканд хонлиги тахтига чиққанидан бошлаб Мирзо Ҳайдарнинг обруйи яна ҳам ошади. Хон уни ўз фарзандларидан ҳам яхшироқ тарбиялаб, илм-хунар ва ҳарбий санъатдан сабоқ бериб, давлат арбоби дараҷасига эриштиради. Мирзо Ҳайдар «Тарихи Рашидий» асарида бу ҳақда тўхтаби, 13 ёшида Султон Саидхоннинг хизматига келгани, хон оталик шафқати билан етимлик машаққатидан улуғлик маснадига етказгани, 24 йил унинг хизматида бўлиб, хондаги барча фазилатларни ўзлаштиргани хусусида ёzáди. Мирзо Ҳайдар Султон Саидхон ҳукмронлиги даврида (1514—1533) вазир ва ҳарбий саркардалик амалларида хизмат қиласи. Хон ўз фарзанди Абдурашид Султонни тарбиялашни энг ишончли шогирди Мирзо Ҳайдарга топширади. Мирзо Ҳайдар хоннинг деярли барча ҳарбий сафарларида, жумладан, Тибат, Балур, Кофиристон, Ладоқ, Бадаҳшон ва Кашмирга юришларида саркардалик қиласи. Султон Саидхон 1533 йил қишининг 16 куни бўғма касали оқибатида вафот этди. 1533 йил Абдурашид Султон Ёрканд хонлиги тахтига чиққанда Мирзо Ҳайдар ва Искандар Султон Тибат юришида эди. Абдурашидхон отасининг содик дўстлари дуғлот амирларига ва улусбеги Саид Муҳаммад мирзо, устози Мирзо Ҳайдарга душманлик қилиб, ёмон муносабатда бўлди. Амакиси Саид Муҳаммад мирзони Абдурашидхон қатл этганини эшитгандан кейин Мирзо Ҳайдар Искандар Султонни Абдурашид ҳузурига қайтариб юбориб, ўзи Мўгулистонга Ёркент хонлигига қайтишга журъат қилолмай, бир қанча вақт Бадаҳшонда юрди, сўнг у ердан Лоҳурга, Бобурнинг ўғли Комрон мирзо ҳузурига, 946/1539—1540 йили эса Аграга, Ҳумоюн мирзо (1530—1550) хизматига борди, унинг Шерхон билан ҳарбий тўқнашувларида қатнашди. 1541 йил Ҳумоюн номидан Кашмирни қай-

тадан забт этиб, 1551 йилгача мустақил сиёсат юргизди. Бироқ 1551 йили Кашмира кўтарилиган бир ғалаёнда унга суиқасд қилинди.

Мирзо Ҳайдар юксак билимли, кенг тафаккур, катта ҳаётий тажрибага эга, қўзга қўринган, кучли давлат арбоби, етук саркарда бўлибгина қолмай, балки истеъодли тарихчи ва моҳир шоир ҳам эди. У муаррих сифатида машхур мемуар асар «Тарихи Рашидий»ни битган бўлса, шоир сифатида Аёз, баъзан Аёзий тахаллуси билан «Жаҳоннома», «Махмуднома» достонлари ва қатор ғазал, рубоий, маснавий, қитъя, фардларни яратди. Аёзийнинг шеърлар тўплами — девони ҳам бўлгани, у Шарқий Туркистонда топилгани ҳақида маълумотлар мавжуд.

«Жаҳоннома» 2650 мисрадан ташкил топган бўлиб, маснавий жанрида ёзилган. Достоннинг Аллоҳга, Пайғамбаримиз саллаоҳи алайҳи вассаламга ва чаҳорёrlарга бағишланган ҳамду саноли қасида қисми 60 мисра, достоннинг ёзилиши ҳақидаги муқаддимаси 160 мисра, муаллифнинг хиссиятларга бой хотимаси 32 мисра, достоннинг асосий маъмуни эса 2396 мисрадан ташкил топган.

Аёзий «Жаҳоннома» достонини мумтоз адабиётимиз достончилик анъанаси бўйича, муқаддимасида Аллоҳга, пайғамбар ва чаҳорёrlарга мадҳиядан бошлайди. Аллоҳнинг табиат ва коинотни яратгани, охири уларнинг заволга юз тутиб тугаши ҳақида фикр юритар экан, бу хусусият инсонга ҳам хос эканлиги тўғрисидаги фалсафий хуносаларини қўйидагича баён этади:

Яратмоқда ҳар бирни бор ҳикмати,
На ҳикмат қиласай дер етар қудрати.
Эрур одам ўғлиға ҳам ушбу ҳол.
Бирига камолу, бирига завол.
Завол ўлмаса қани бўлғой эди,
Жаҳон одами бирла тўлрой эди.

Яна:

Уларга вафо қилмади бу жаҳон,
Сену мендек авлодларга на сон.
На шоҳу, на дарвишу на ому хос,
Фалак жавридин бўлғон эрмас ҳалос, —

каби мисраларда фалакнинг жабру жафосидин ҳеч бир зот омон-эсон қола олмаслигини изхор этади.

Аёзий узликсиз юз бериб турган олам ўзгаришларининг муқаррарлиги тўғрисидаги қонуниятни, яъни ҳаётлик, гулланиш, хушҳоллик, висолга эришиш кабиларнинг мангу эмаслиги, унинг оқибатида ўлим, ҳаробалик, қайғу, ҳижрон каби омилларнинг яширинганини билаолган.

Шоирнинг фалсафий қарашлари қўйидаги мисраларда ўз ифодасини топган. Агар достоннинг бир жойида:

Ўлум бордур, то жаҳон бордур.
Фироқу бу оҳу фифон бордур, —

деб ёёса, иккинчи бир жойида:

Илоҳи, не йўлдур буким, одами,
Ўтардин эмас ҳеч холи дами.
Бино бўлғони бу работи жаҳон,
Ўтарлар келиб тинмайин карвон,
Бириси хабардор эмаским қаён
Борурлар не йўлу, не манзил аён.
Бири бирининг сўнгича дам-бадам,
АЗимат қилибон бўлурлар адам.
Хабардор эмас ҳеч улардин киши,
Ки не бўлди эркан, уларнинг иши.
Туман минг бориб бири ёнмайдур,
Бориб ул, тўлуб бу туганмайдур, —

деб ёзади.

«Жаҳоннома»да шоирнинг табиат ва жамиятдаги воқеа ва ҳодисаларга қарashi, яъни дунёқарashi акс этдирилган. Достон шоирнинг шеъриятдаги юксак бадиийлик ва маҳоратига баҳо беришимизга имкон яратиб беради.

Мирзо Ҳайдар Аёзийнинг «Жаҳоннома» достони образлари гўзал ва мукаммал, тили нафис, ифодалаш воситалари ранг-бараңг бўлган бадиий юксак асардир. Биз уни XVI асрда туркий ҳалқларнинг чигатоий тили деб аталган адабий тилида ёзилган адабиёти — достончилиги ривожига ҳисса қўшган асарлардан деб ҳисоблашга ҳақлимиз.

«Тарихи Рашидий» XIV—XVI асрлар, Марказий Осиё, айниқса, Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон халқларининг тарихи, маданий, этник муносабатларини ўрганишда жуда муҳим ноёб манба ҳисобланади. Асар икки дафтардан ташкил топган бўлиб, биринчи дафтарда Шарқий Туркистон, Мўгулистоннинг Туғлуқ Темурхон (1347—1363)дан Абдурашидхон (1533—1560)гача бўлган давр тарихи ёритилган. Чигатой авлодларига мансуб хонларнинг ҳаёт фаолияти бир бошдан баён этилган. Иккинчи дафтар муаллифнинг деярли мемуар-кундалик дафтари ҳисобланади. Унда муаллиф Марказий Осиё мамлакатларида бўлган пайтларида қўрган, билган ва бевосита ўзи иштирок этган воқеаларни баён этади. Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон ва Тибатнинг сиёсий, ижтимоий-иктисодий, маданий аҳволи, жуғрофияси, халқаро муносабатлари тўғрисида янги маълумотларни келтиради. «Тарихи Рашидий»да ўзидан олдин ва ўзи билан бир даврда Марказий Осиёда ўтган атоқли тарихчилар асарларидан фойдаланиб, ўзи қўрган-билган ва иштирок этган воқеалар ҳақида ёзгани учун бу асар кўп ўтмай Шарқ ва Фарб тарихчи, шарқшунослари дикқатини жалб этди.

Асарнинг биринчи фаслида Ҳазрати Одам алайҳиссаломдан то Ҳазрати Муҳаммад Расулulloҳгача ўтган ажам подшоҳлари ҳакида қисқача маълумот берилади. Асарнинг 2—7-фаслларида Темучин — Чингизхоннинг насли, унинг авлоди Угадай (Ўла)қоон, Жўчихон, Чигатойхон, Тўлдихон, Фозонхонлар тўғрисида маълумот берилса, 8-фаслида (80⁶—81⁶ варақ) мазкур асарнинг ёзилиши ва унинг «Тарихи Рашидий» деб аталиши сабаблари қўйидагича баён этилади:

«Зафарнома»нинг муқаддимасида ул қудватул муҳаккин ва зубдат ус-соликин ҳазрати мавлоно Шарафуддин Али Яэдий наввараллоҳу марқадаҳу Мўгулия хоқонлари зикрини Чингизхондин Туғлуқ Темурхонча фитубдурлар. Туғлуқ Темурхондин кейинги хоқонлар аҳволини шурӯй қилмобдурлар. Балки, ҳар ердаки сўзининг сиёқи хоқонлар аҳволларига таваққуф топрон бўлса, ул миқдори сўзининг сиёқи низомга келгучалик футуб, зиёдасини назарға олмобдурлар. Бас, факир бу тарихнинг ибтидосини Туғ-

луқ Темурхондин ибтидо қилдим. Уч сабабға бино қўйуб, аввал улки Туғлуқ Темурхондин илгариғи хонлар тарихларда фитулибдур ва булардин кейинки хонлар шарҳи мазкур топмобдурлар, бас ул сўзларики тарихларда шарҳ топмобдур, анинг футумаклик лойик кўринди. Иккинчиси улки, Туғлуқ Темурхондин ўзга хонларга ул миқдор улуғ мамлакатлар мусаххар бўлмобдур. Учинчиси улки, Мўгулияларнинг хоқонларидин аввали Туғлуқ Темурхон исломга мушарраф бўлубдур. Ва анингдин кейинки мўгулийларнинг гардани куфрнинг бандачилигидин халос бўлуб, исломнинг озодлиги бирла ўзга халқларға ўхшаш аҳли исломга дохил бўлубдурлар.

Ушбу лозималар сабаби бирла бу тарихнинг ибтидоси анинг оти бирла сабт тобди ва уч муносиб бирланки бу тарихни «Тарихи Рашидий» аталинди. Аввали улки Туғлуқ Темурхоннинг ислом келтирмаклиги Мавлоно Аршадиддиннинг қўли бирладурки, фот фурсат шарҳ тобғусидур. Яна бири улки Туғлуқ Темурхондин илгари Бароқхон ва Бароқхондин кейин Кепекхон^(и.57) мусулмон бўлрон эканлар. Аммо хоқонлар ва ҳам мўгулия халқларига исломда рушду ҳидоят бўлмогон экан. Ражаъ ал-қаҳқаро ило маншур ал-табиъа кейинча манғиб жаҳннамға илгари кетибдурлар. Аммо бу хоқони давлатманд, фуқарои саодатманларға рушду ҳидояти тамом ҳосил бўлибдур. Вақтеки бу тарихнинг ибтидосини Туғлуқ Темурхоннинг зикрига боғланиб эди. Филожарам Рашидий от қўймоқ муносиброқ кўринди. Учинчиси улки, Мўгулия хоқонларининг охири бу кунларда Абдурашидхондур. Ва бу тарих анинг отига ва анинг учун фитулинибдур. Ул уч муносабат бирла бу тарихни «Тарихи Рашидий» бирла аталинибдур».

Асарнинг 7, 9—30-фаслларида (70^6 — 80^6 в, 83^6 — 112^a в.) Чигатой давлатининг парчаланиши Туғлуқ Темурхон (1348—1363) бошчилигига Мўгулистон ва Амир Темур бошчилигига Мовароуннаҳр давлатининг шаклланиши, улар ўртасидаги муносабат масалалари ўз аксини топган. Жумладан, Туғлуқ Темурхоннинг Чигатайхоннинг вориси сифатида у бошқарган ҳудудларни бирлаштириш мақсадида Мовароуннаҳрга юриши, Амир Темур, Амир Ҳусайнлар билан ҳокимият учун курашлари, Чингизхон давридан давлат тўнтаришида катта ҳуқуқларга эга бўлиб келган дуғлот Амир Бобдоғон ва Амир Буложи авлодларининг Чигатой авло-

дидан ҳокимиятни тортиб олиш йўлидаги уринишлари ҳикоя қилингандан. Чунончи, дуғлот Қамариддин Түғлуқ Темурнинг Хизр Xожадан бошқа меросхўрларидан 18 шахсни ўлдириб, ўзини Мўғулистон хони деб эълон қилгани, Соҳибқироннинг унга қарши беш марта юриш қилиб ғалабага эришиб, Хизр Xожанинг Мўғулистон тахтига чиқишига кўмаклашгани баён этилган.

Асарнинг 31—41-фасллари (112^а—134^а в.) Мўғулистон хонлари Шермуҳаммад (1420—1427), Увайсхон (1418—1420, 1427—1429), Муҳаммадхон (1408—1416), Эсан Буғоҳон (1429—1462), Юнусхон (1468—1487), Дўстмуҳаммадхоннинг (1462—1468) ҳукмронлик даври, ўша даврдаги ҳалқаро муносабатлар ҳақида ёzádi. Муаллиф 35, 36 (123^а—124^{ав}), 39—41 (127^а—134^ав), 44 (131^б—133^ав), 60, 61 (160^а—162^бв), 110, 111- (243^б—245^бв) фаслларда Юнусхон, унинг дуғлот амирлари ҳамда Темурийлар билан дўстона ва қариндош-уругчилик муносабатлари, жумладан, Юнусхон Вайсхоннинг иккинчи ўғли эканлиги, отасидан сўнг акаси Эсан Буғоҳон тахтга чиққанидан кейин у қўзга кўринган амалдорларидан Эрозон Бойрин ва Мирак Туркманлар ҳамда 30 минг киши билан ўн уч ёшида Самарқандга келиши, Улурбек уни Шоҳрухга олиб боргани, Шоҳрух Юнусхонни Шарафиддин Али Яздий тарбиясига топширгани, мавлонодан 12 йил таълим, илмхунар ўргангани, мавлоно вафотидан кейин Ироқ, Форс мамлакатларида бўлиб, фозил, олим ҳам устодлик даражасига эришганини ёzádi. Султон Абу Сайд Мирзо Шероздан чақиртириб олиб келиб, Юнусхонни илтифот билан Мўғулистонга хон қилиб қўйган. Юнусхон қизларини Абу Саъид Мирзо ўғлилларига — Мехр Нигор хонимни Мирзо Султон Аҳмадга, Қутлуқ Нигор хонимни Умар Шайхга бериб, Темурийлар билан қудалашгани, олтинчи фарзанди Султон Нигор хонимни Султон Маҳмуд мирзога бергани, Умар Шайх мирзодан Захириддин Муҳаммад Бобур ва Хонзода бегимлар туғилгани ҳақида ёzádi.

Носириддин Ҳожа Аҳрор Валининг Юнусхонга бўлган муносабати, Юнусхоннинг 1487 йили 74 ёшида Тошкентда вафот этгани, пири қошига дағн этилгани ҳақида ёzádi.

Шу фаслларда Юнусхоннинг дуғлот амирлари Мирзо Мұхаммад Ҳайдар, Сонсиз мирзо, Абобакр мирзо кабилар билан алоқалари ҳам баён этилган.

«Тарихи Рашидий»нинг 48—61-фаслларида (136⁶—162⁶) Шарқий Туркистанда 1465 йили ташкил топган Ёрканд хонлиги, унинг биринчи хони Абобакр мирзо (1465—1514), унинг дуғлот улус беклари Мұхаммад Ҳайдар мирзо, Сонсиз мирзо ва Чигатой авлодларидан Юнусхон, Султон Саидхон ва Темурийлар билан муносабатлари түғрисида маълумот берилган. Асарнинг 62—100-фаслларида (162⁶—233⁴ в) Темур авлодлари, жумладан, Мирзо Султон Абу Саъид авлодлари Захириддин Бобуршоҳ, Мирзо Ҳусайн Кўрагон ва Шайбонийлар Шоҳибекхон (Шайбонийхон), унинг авлодларининг ҳокимият учун курашлари, Шайбонийларнинг Мовароуннаҳо ва Ҳурисонни эгаллаши, Мирзо Ҳусайн Бойқаро даврида Ҳурисонда яшаб ижод этган олим, машойих, шоир, созанда ва хонанда, сураттири, мусаввир, наққош, хаттот, заргар каби (188⁶—203⁴ в), жумладан, Мавлоно Садуддин Кошфарий, Абдураҳмон Жомий, Ҳожа Алоуддин Аттор, Ҳожа Алоуддин мактабдор, Мавлоно Шамсиддин, Мұхаммад Румий, Мавлоно Жалолиддин Пуро-ний, Мавлоно Муиниддин, Мавлоно Ҳожа Қўхий, Мавлоно Мұхаммад Қозий, Ҳофиз Маҳмуд, шоирлардан яна Абдураҳмон Жомий, Мир Алишер Навоий, Ҳусайн Жалойир, Восифий, Оҳий, Суҳайлӣ, Ҳилолий, Сайфий, Биноий, Мавлоно Соҳиб Муаммойи, устод хаттотлардан Мир Али Табризий, Мавлоно Жаъфар, Мавлоно Абдулло Ҳофиз Нават, Мавлоно Мұхаммад котиб Самарқандий, Абдулҳай, сураттири, наққош, зарринкорлардан устод Бобо Ҳожи, устод Шайх Аҳмад, Мавлонолар Жунаид, Ҳилолуддин, Вали, Мулло Юсуф, Мавлоно Дағвиш Накқош, Камолиддин Беҳзод, Мулло Ёрий, Мавлоно Маҳмуд Музахҳиб, муғанийлардан Ҳофиз Басир, Ҳофиз Ҳасан Али, Ҳожа Абдуллоҳ Марворид, Уста Саййид Мұхаммад Чангий, Мазҳари Удий, Уста Ҳайдар, Уста Шайх Нойи кабилар ҳақида маълумот бериб, булатнинг етишиб чиқишида Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқароларнинг катта хизматларини таъкидлайди.

«Тарихи Рашидий»нинг 100-фаслидан (231^a варагдан) муаллиф Шарқий Туркистон тарихи баёнини давом эттиради. Султон Саидхоннинг Фарғонадаги фаолияти, 1514 йили Ёрканд хонлиги таҳти меросхўри сифатида Мирзо Абобакр устидан ғалаба қозониб, таҳтга ўтиргани, хонликда амалга оширган ислоҳотлари, акаси Мансурхон Эмин Ҳожа Султон, Шоҳ Муҳаммад султон, Захирiddин Муҳаммад Бобур бошлиқ Бобурийлар, Шайбонийлар, Қозоқ хонлари, Қирғиз бийлари ва Шимолий Ҳиндистон, Афғонистон, Тибат билан муносабатлари, жумладан, Султон Саидхоннинг Мирзо Ҳайдар, ўғиллари, Рашид Султон, Искандар Султонлар билан Сариф ўйғур, Тибат, Лодах-Болти, Кашмир, Бадаҳшонларга юришлари, у ерлардан кўриб, сўраб йикқан жуғрофий, этнографик маълумотларни, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаёти ҳақида ажойиб янги маълумотларни беради.

«Тарихи Рашидий»нинг муқаддимаси 8- фасли (80^b—83^b в), 58 (149^a—157^a в) 65 (165^b—167^a в), 91 (210^b—213^a в), 109 (243^{a,b}), 117 (252^{a,b}), 150 (294^b—295^a), 160 (306^a—306^b), 169 (316^a—316^b), 171—179 (319^a—327^b), 186 (341^a—341^b)-фаслларида муаллифнинг таржимаи ҳоли, унга алоқадор воқеа, шахслар ҳақида маълумотлар берилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

«Тарихи Рашидий»нинг ўрганилиши ҳақида турли тиллардаги таржимасини нашрға тайёрлаган олимлар кириш сўзларида анча тұхталиб ўтишгани учун биз у ҳақда икки оғизгина сўз күшімча қиласиз.

Мирзо Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» асари ёзилганидан кейин бир аср ўтар-ўтмас Шарқ тарихчилари ва географлари ўз асарларини ёзишда ундан фойдалана бошлиганлар. Натижада бу муҳим манбанинг кенг тарқалишига замин ҳозирланган эди. Фикримизни асар нусхалари кўпгина қўлёзмалар хазиналарида сақланаётганлиги ҳам тасдиқлайди.

Жумладан, XVI—XIX асрлар Марказий Осиёдаги Шарқий Туркистон, Ҳиндистон, Тибат, Афғонистон каби мамлакатларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёти, тарихи, этнографияси ва географиясини ёритишда ўрта асрлар олимларидан Амин Аҳмад Розий, Ҳайдар бин Али Розий, Ҳайдар Малик, Маҳмуд ибн Вали, Шоҳ Маҳмуд Чурос, Мулла Мирсолих, Ҳофиз Таниш Бухорий,

Мулло Мусо ибн Мулло Иса Сайромий, Мухаммад Аълам, Ч.Ч. Валихоновлар «Тарихи Рашидий»дан фойдаланишган.

Европа олимларидан В. Эрскине, Х. Эллиот, Е.Д. Росс, В.М. Таксон. Н. Илайес, Рене Грассе, В.В. Бартольд, В.В. Вельяминов-Зернов, А.Н. Кропаткин, В.И. Масальский, П.П. Иванов, В.Л. Вяткин, О.Ф. Акимушкин, К.А. Пишулина, Л.Б. Ерзакович, А.Н. Берништам, А.М. Мутинов, С.Н. Дмитриев, К.И. Петров, С.М. Абрамзон кабилар бу асардан фойдаланишган, парчалар таржима қилишган.

Е.Д. Росс «Тарихи Рашидий»ни инглизчага таржима қилиб, 1895 йили чоп этдирган.

Хозирги замон уйғур, ўзбек, қозоқ, қыргиз, хитой олимларидан Б.А. Ахмедов, С.А. Азимжонова, А.У. Үринбоев, Р.П. Жалилова, Л.М. Елифанова, М. Қутлуқов, О.Х. Жалилов, М.К. Қўзибоев, С. Муқонов, Т.И. Султонов, В.П. Юдин, С.М. Абрамzon, Анвар Бойтур, Хайринисо Сиддиқ Ҳожинур Ҳожи, Люзишиёв, Вей Лёнгтов, Иброҳим Ниёз, Уйғур Сойроний каби олимлар Марказий Осиё, Шарқий Туркистон тарихини ёзишда «Тарихи Рашидий»дан фойдаланишган.

«Тарихи Рашидий»нинг инглизча (1895, 1972, 1998 й.), хитойча (1985 й.), русча (1996, 1999 й.) ва қозоқча (2003 й.), туркча (2006 й.) ва уйғурча (2007 й.) таржималари нашр этилган. Афсуски, Марказий Осиёда қадимдан бирга яшаб келаётган ўзбек, уйғур, қозоқ, қыргиз, қысман туркман, ҳинд, мӯғул, манжур каби халқларнинг XIV—XVI асрлардаги тарихига бағищланган, бебаҳо далиллар ва ўзи кўриб эшитганлари асосида ёзилган асарнинг туркий қўлёзма матни ҳозиргача Ўзбекистонда нашр этилмаган эди.

Мустақиллик даврида олтин меросимизга бўлган эътибор кучайгани бизни бу ноёб асарни нашрга тайёрлашга отлантириди. Асарни ўқиган киши Марказий Осиё халқлари тарихини, ўз Ватани тарихини, ўзлигини танишга ёрдам берадиган ноёб тарихни англай олади.

* * *

«Тарихи Рашидий»нинг нашрга тайёрланган туркий таржимаси матнидаги айrim шахсий, жукрофий ва этник номлар ва баъзи бир атамалар изоҳини ёзишда «Тарихи Рашидий»нинг

1996 йил Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти чоп этган русча таржимасига Р.П. Жалилова ва Л.М. Епифановалар томонида тузилган изоҳлардан имкон борича ижодий ёндашиб фойдаланганимизни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Мазкур туркий таржимада учраган ўйғур тили элементларини ўз ҳолица қолдирикким, ҳозирги замон ўзбек тилида ҳам шунга ўхшаган сўзлар бот-бот учраб турибди. Қолаверса, бу ҳол кела-жакда «Тарихи Рашидий» туркий таржимасининг тилини ўрганиш учун ҳам хизмат қилиши мумкин.

Асарда тарихий шахсларнинг исми-шарифларида учраган та-фовутларни уларни бирликка келтириш йўли билан йўқотишга ҳаракат қилинди. Аммо матннинг ўзида қўлёзмада қандай ёзилган бўлса, уни бузмай-ўзгартмай, ўз ҳолати (ёэилиши)ни сақлаб қолишини, айни маҳалда тўғри ёэилишини кўрсаткичда қавс ичида беришни маъқул топдик.

Асарда Қуръони карим оятлари аввал кирилл алифбосида қўштироқ ичида берилиб, кейин қавс очиб, юқорида ёзилган оятнинг мазмуни таржимада қўштироқ ичида берилгач, рақам вергул билан ажратилиб, сўнг Қуръони каримнинг қайси сурга ва ояти эканлиги сон билан ёзилиб, қавс ёпилди.

Қавс ичида берилган рақамларнинг биринчиси сурга, иккинчиси оятга оид. Матнда учраган ҳижрий йил ва ойлар милодийга айлантирилиб, қавс ичида ёзилди.

«Тарихи Рашидий» туркий таржима версиясини нашрга тайёрлашда бегараз ёрдам берган мутахассисларга, жумладан, китобнинг масъул муҳаррири филология фанлари доктори С.Р. Ҳасановга, филология фанлари доктори, профессорлар Ҳ.Ҳ. Ҳомидов, Қ. Со-диқовларга, тарих фанлари докторлари Д.Ю. Юсупова, Б.А. Абду-ҳалимовга, фан номзодлари А.А. Айтбоев, Ф. Бобоёровларга, кичик илмий ходимлар М. Боубоева, М. Обидов, Ҳ. Аминовга, катта лаборантлар М. Абдуллаева, М. Баратовларга, шунингдек, нашрга тайёрлашга ҳар томонлама ёрдам қўлини чўзган рафиқам Насима-хон бошлиқ фарзандларимга миннатдорчилик изҳор этаман.



ТАРИХИ РАШИДИЙ

БИРИНЧИ ДАФТАР





БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

666

*С*ипоси бекиёс ва ситоиши беиктибос, подшоҳи бениёз ва султони беанбозғаким, зоти вужуди ва вужуди зоти бемисолдур ва бешибҳу безаволдур. Бешарикким, мубарроӣ шакки райбдур. «Ваҳдаҳу лошариқа лаҳу лаҳу-л-мулқу» («У ягонадир, унинг шериги йўқ, (бироқ), унинг мулки бор!» ҳамду сано) сифоти аъёний ва аъёений сифоти покдур. Муарроӣ нуқсу айбким, воҳидун мин қилла ва мавжудун мин ъилла ва саноий мустадом ҳакими лам язал ва ҳокими бебадал, коргоҳи тақаддас, обод, воло асоси, жаноби нисоридурким, «ё ман тақаддасат ани-л-ишбоҳи зотуху ва таназзаҳат ан мушобаҳати-л-амсоли сифотух». («Эй, зоти шубҳалардан тоза зот, сифатлари мисолларга ўхшатишдан пок зот!!!», дую).

Назм:

Эй сандин ўлуб асоси бунёди жаҳон,
Ул навки малики мулк кавну макон.
Ҳамдингни на тил айлай олур арзи баён,
Макшуфдурур шаънига пайдову ниҳон.

Латойифи амимий ва шаройифи қарими инъоми касиру-л аснофи бемунтаҳосидин «Ва мо мин доббатин фил арзи илла алаллоҳи ризқуҳо» («Ўрмалаган нарса борки, барчасининг ризқи Оллоҳнинг зиммасидадир» 11; 6), замзами кафил алал итлоқ ва мутакаффил мо-ло йутоқдур. Ва доги рубъи масқун ақолими маъмурасин ва ақолими сабъа маълумасин ас-султону зиллуллоҳи

жавохиридин музайян ва мукаллал: «Атиъ-уллоха ва атиур Расула ва уул амри минкум» («Оллохга итоат қилингиз ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган мусулмон ҳокимларга буйсунингиз!» 4; 59) завохиридин мурассаъ ва музайян қилди. Баъзи бесару сомон курраи хок залили бевоя ва ҳақири бесармоясин атоси хонидин баҳраманд ва инъоми суфрасидин аржуманд қилмоқдин қабулийати сахифасига мақбуллук муҳори саодатфаржомин урди. Ва Қаҳҳориким баъзи сарири маорижи камол гарданига мардудлуғ тавоийиқин ташлаб сусидин мардуди азалий ва малъуни абадий айламак бирла «Фа-хруж минҳа фа

67а иннака ражимун (Бас, ундан (яъни жаннатдан) чиқ! Энди сен, шак-шубҳасиз, (менинг даргоҳимдан) қувилган-маль-унсан» 15; 34)// ва лиъонига (лаънатнинг кўплиги) сазовор айладиким, сарвари соҳиб иқтидорони жаҳон ва беҳтари олий-жаҳони замон улухияти атабаси остоноига тазарруъ илкин ва тахашшуъ панжасин урмоқдин ўзга чора тобмас. Ва Жабборики Баҳроми жангжуйи туркий андозин бешинжи анжуман аморатига лойиқ ва сазовор ва ҳиндуйи тундхўй Кайвонин еттинчи нишиман салтанати сародики гардиши талойиясига муқаррар этди. Абад девони авроқи сафҳасин кунфаякун туғроси бирла музайяну мужалло ва азал расойили авроқин «Нун, вал қалами вамо йастуруна» («Нун, қалам ва (у билан фаришталар) битадиган битикларга қасам» 68; 1) шарофати бирла мушаъян ва муъалло қилдиким.

Наэм:

Сари подшоҳони гарданфароз,
Жанобингда фарши губори ниёз.
Агар шоҳдур, в-ар гадои ҳақир,
Гар озод эрур, хоҳ банду асир.
Бори хони лутфунг била аржуманд,
Бу тавқеъ умиддин судманд.

Ла ли саловати мутахҳарот бо — аъдоди таҳийёти муқаддасот зотининг жаноби туҳфасидурким, нубуввати саҳифаси садрин «Инналлоҳа ва малоикатаҳу йусаллуна ъалан Набий» («Албатта, Оллоҳ ҳам, унинг фаришталари ҳам пайғамбарларга дуюо саловат айтурлар 33; 56) тавқии тӯғроси бирла мувашшах ва музайян қилинди.

Назм:

Нуридур машъала-и партави қудс-и малакут,
Файзиidor қоиман арши жабарут.

Ва саловоту зокийёт дари султони салотини тожи таҳт, кишвари «Ли маъаллоҳ вақтун» Мен учун Аллоҳ билан бирга бир (муайян) вақт бор! (Ҳадис) нисоридурким, ливоий давлати шуққаси «Инна Одама ва мийн дунихи таҳта ливои» Албатта Одам ота ва ундан кейингилар менинг байроримни остидадир (Ҳадис) маҳчасидин муламмаъ ва мутарраз бўлдиким: «Буъисту илал асвади вал аҳмар» қора (танли)га ҳам, қизил (танли)га ҳам (Пайғамбар қилиб) юборилдим. (Ҳадис) асобаси сояси жиҳоти ситта маърази ва ақолими сабъа мамоликиға партав солди. Ва кўси давлати шаҳаншоҳи навбатин «Ва рафаъно лака зикрак» («Ва биз сизнинг зикрингизни (яъни мартабангизни) баланд қилиб қўйдик» 94; 4) кунггурасида урмоқ бирла дабдабай азаматин гумбази ложувард мужалласидин ўткарди.

«Кунту Набийян ва Одама байнал moi ват-тийн» Одам ота билан лой орасида эканида мен Пайғамбар эдим! (Ҳадис) овозасин саро коргоҳидан боргоҳи рафъиъул афлок арсасиға еткузди.

Назм:

Шаҳаншоҳи сарири қоба қавсайн,
Имоми анбиё, султони кавнайн.
Савори арсаи майдони таҳқиқ,
Уружи нашъи меърожи тадқиқ

676 //

Малоик хокруби пойгохи.
 Сулаймони жаҳон камтар сипоҳи,
 Сарири арш узра наълайнидур тож.
 Амини вахӣ соҳиб сайри меъроҷ.

Дӯстнавози «Инна арсалнока шоҳидан» («Эй пайғамбар, дар-ҳақиқат, Биз сизни (қиёмат қунида барча умматлар устида) гувоҳлик бергувга ... қилиб юборгандирмиз» 33; 45) ва душмангудози «Арсала Расулаҳу бил-ҳудо» («У (Аллоҳ) ўз пайғамбарини ҳидоят ва ҳақ дин билан ... юборган зотдир» 9, 33) даргоҳи мулоэими ва боргоҳи ҷовуши «...уқтуул мушрикина» («...Мушрикларни топган жойингизда ўлдирингиз» 9; 5) тифи-обдори зарбидин рубъи маскун фазосин қуфру ширк ғубори лавсидин пок ва жаҳду залолат туфроғи олойишидин мұъарро қилди.

Наэм:

Шаҳаншоҳи иқлими иззу камол,
 Сазовори авранги жоҳу жалол.
 Лабинг мұъжизаорий файзу ҳузур,
 Юзунг равнақафзорий ранги зуҳур.
 Кетур, соқий, саҳбойи ишратпаём,
 Гули гулшани маърифат, яъни жом.
 Агар пиrsan, андин ор айлама,
 Манга тарки май ихтиёр айлама.
 Шабоб ичра эрдим насими баҳор,
 Етурди манга пиrlig рўзгор.
 Ва лекин қўнгул сўзиши тифл эрур,
 Ки боғи ҳаётимға нам еткуур.

Байт:

Ул шоҳи Батҳоки Сулаймон гадойидур,
 Марва Сафонинг ҳурмати анинг сафойидур.
 Одамки, ул муқаддимаи жайши асфиё,
 Ҳошокрӯб-и боргҳи истафойидур.
 Жоми жаҳоннамойи зарандуди офтоб,
 Партоби хонаи ҳарами кибриёйидур.

Онаи Сикандару зулумоти Хизри Ҳак,
Моҳ узори гисуйи хуршидсойидур.
 Ул дамки урди навбати шоҳаншахини шоҳ,
 Юз Кисро-ю Сикандару Хоқон гадойидур.
 Мақсад бу тоқи манзар ила мумкинотдин
 Фарри ҳумоий давлати бемунтаҳоидур.
 Товуси бўстони рисолатки Жибрийлдур,
 Ҳангоми ваҳий булбули достонсаройидур.

Олийҳазратики нубуввати пояси мадорижи улувви меърожи камол ва самурифъати мояси рутбаи уружи курсийи жалол.

Фард:

Муҳаммад нури чашми аҳли биниш,
 Гули бўстонсарои оғариниш.
 Саловотуллоҳ васаломуҳу алайҳим ажмаин.

Подшоҳиким, мумкинот ажноси ва мукаввинот анвои аниг вужуди

68а //хилқати туфайлидурким, «Лав лока ламмо азҳарту-р рубубията» Агар сен бўлмасайдинг, ҳаргиз Парвардигорликни зоҳир қилмас эдим! (Ҳадиси қудсий) олий жаноби шаънидадурким, нозилдур. Шафеъи инсу жон ва шафоатҳоҳи жони жаҳон бу шоҳи воложоҳ ҳақоийқ сипоҳ, маони баргоҳдурким, мундин ўзга эрмас. Қавлуҳу таоло: «Валасавфа йўътика раббука фатарзо» («Яқинда Парвардигорингиз сизга (шундай неъматлар) ато этурки, сиз (у илоҳий марҳаматлардан рози бўлурсиз» 93; 5) ва нуфуси нотиқаи суханпардози дурри олу ва асҳоб авлоди аҳфоди ҳадиясидурким, садрнишинони маснади ижтибо ва баргузидагони арсаи «Қул ло асъаликум алайҳи ажран иллал маваддата филқурбо» («Эй Муҳаммад, Макка мушрикларига айтинг: Мен сизлардан бу (даъватим) учун ажр-мукофот сўрамайман, фақат қариндошлиқдаги дўстлик-яқинликнигина сўрайман» 42; 23) дурлар. Ва атбоъи муҳожиру ансорки, турктози майдони ҳақиқат

ва покбози меъмори тариқатдурким, алал-хусус вал-хулус қудуватул ахёр ва зубдатул аброр, соҳиби «Сонийи иснайн из ҳумо фил фор» («Икки кишининг бири бўлган ҳолида форда...» 9; 40) шафиқу атиқ амирул мұмминин Аби Бакр Сиддиқ ризвонуллоҳи ва саламуҳу алайҳи.

Назм:

Улки султони Рұсулағ ёрдур,
Сонийи иснайн из ҳумо фил-фордур.
Аввал ул олам әлига раҳнамун,
Келди чун вас-собиқун ас собиқун.
Фор аро ёриға жон айлаб нисор,
Ёри онинг отин айлаб ёри фор.

Моҳи фалак каромат, хуршиди сипеҳро валоят, манбаи улуми руҳониййа, мажмаъи фуюзи субҳония, қулзуми маъдалат гүхар, Ҳазрати Умар разиаллоҳу анҳу.

Назм:

Рубъи маскун адли меъморига паст,
Шоҳлар бир хишт янглиғ зердаст.
Қаҳрои Кисролар бошидин олди тоҷ,
Ваҳми Қайсаrlарға ҳамл этти хирож.

Жомеъул Қуръон, мои ҳилму ҳаё фи қулли ҳийн ва овон, амирул мұмминин Усмон ибн Аффон алайҳир раҳма вар-ризвон.

Назм:

Васфида неча дейилса маъни,
Гардунни бийик демак на яни.
Зотига сиришта иззу тамкин,
Ҳам лутф ичида ҳаёву ҳам кин.
Султони замон, аниси ул шоҳ,
Ким чарх анга келди хоки даргоҳ.

Имоми соҳиби асрор, сармояи тамкину виқор, молики Дулдулу Зулфиқор, маншурдори аҳли ато, машҳури диёри ло фато, нашъяи 686 муруват, жавҳари // футувват, шужоъи сафдар, дарёйи ҳамият гуҳар, Асадуллоҳ ал-ғолиб Али ибн Аби Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу.

Назм:

Ҳотами ҳилму ҳаёву илми тамкину виқор,
Аммизоди Ҳазрати Шоҳаншаҳи гардун сарир.

Авсофи ҳамида симот ва маддоҳи хужаста сифот, қуррати айнайни Расули акрам саллаллоҳу алайҳи ва салламки, гӯшворони арши барин ва жигаргушагони Расули раббил оламиндуллар. Ва амми бузругвори саййиди аброр ва санади ахёрки, имоди хаймаи шаръи дин ва сутуни боргоҳи асоси яқин амирул мўъминин Ҳамза вал-Аббос ризвонуллоҳи таоло алайҳим ажмайн.

Аммо баъд. Арбоби басорат маоб ҳазратида ва асҳоби назорат иктисоб хизматида маъруз бу булаолғойким, Каломи мажиди осмоний ва танзили ҳомиди фурқоники, аъзами муъжизоти Муҳаммадий ва афзали эъжози Аҳмадий мавсуф сифоти «Утийту би- жавомеъил калим» Мен сўзларнинг тўпламлари билан келтирилдим! (Ҳадис) дуур. Аммо уч қисмга мунқасим қилинди. Аввал — тавҳид илоҳийи аҳадий жалла жалолуҳу. Иккинчи — аҳкоми шариати Муҳаммадий саллаллоҳу алайҳи ва саллам. Андин сўнг таворихиким, савоири уммам афозилу, арозил аро бу улум аҳкоми ва бу аҳком улуми маъмул ва мақбулдуур. Саволифи замон ва ҳаволифи жаҳон таърихи улумий тавқиъи тўғроси бирла мамнун ва мавзундурларким, ривоёт ва ҳикоётин қилмоқдин мутамассикдурлар. Бу паришон ажзоронинг варакнитори ва бу ошуфта авроқнинг қиссангузори, муҳаббат паймонасининг журъачаши ва маломат хумхонасининг сабукаши андоғ арз қиладурки, Искандар Зулқарнайн ва Баҳроми олийжоҳ ва сойир салотин тарихи таъйини ало қадри маротибиҳим, ҳар бири ўз ерида мураттабдурлар, то явмул-қиёма жаҳон сафҳаси ва замон авроқидин салтанати авозаси шуҳрати

муртафий бўлмас. Ҳавоқини мугулия ҳаводиси рўзгор ва навойиби чархи беихтиёр, яъни бу олами ҳодис ҳодисоти ва олам ҳодисасидин фано сарманзиласига аёф торти. Ва

69а адам лаҳадида // ором тутти. Лозимдурки, булар тавориҳи доғи марқум тобғай.

Бу муддао — иқтизосидин тарихи ҳижрати набавий саллаҳоҳу алайҳи ва салламга 951 (1534) эрдиким, Муҳаммад Ҳайдар ибн Ҳусайн Кўрагон бу тарих интизомини порсий алфоз бирлан мураттаб айлаб эканлар. Ногоҳ сарвари ҳавоқини сипехро иқтидор ва меҳтари салотини олиймиқдор, соҳиби зилли шавкату иқбол ҳумои макони тайрони саодат ижоли тароватбахш дорул файи Кошқар санаҳаллоҳу таоло анил офт ваз-зарар, шоҳи соҳиби яқин, соҳиби тахту бахту тожу нигин, насли Тоҳир амир Зухирилдин зодаллоҳу таоло иқболаҳу ёвман фа ёвман варафаъа рутбатаҳу соатан фа соатан авлоди аҳфоди шужоат паноҳ, нарра шери ҳақойиқ, ироди равshan замир Ҳожа Муҳаммад Шариф пирдурлар. Вобираи Эмин Ҳожа Вонг хонлиқким, бу навъ шаҳаншоҳи адолат-паноҳ хотири фотир дарё муқотирлари кўзгусида бу хаёл хутури мутахаййил ва бу тахаййул авҳоми мутасаввири бўлиб эрканким, бу «Тарихи Рашидий» ба тариқи форсий марқум бўлубдур. Атроки муғулия аҳоли мунинг зимнидин бехабардурлар. Лозим ва лобудурурким, туркий алфози бирла оғоз қилингай, тики авом арозили ва ҳавос афозилининг тилларига жорий ва кўнгулларига осори тушмақдин истифода айлагайлар. Тарихқа минг икки юз эллик уч эрдиким, бу фақири бебизоат ва ҳақири кам иститоат бу ҳукм хитобига маҳқум ва бу хитоб амриға маъмур бўлиб эрди; агарчи бу кори узмо сори даст узатмоқка ҳадду ёро йўқдур. Имтисол ал-амр вожиб иқтизоси

69б «Атиъуллоҳа ва атиу-р-расула ва улил амри //минкум («Оллоҳга итоат қилингиз ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган мусулмон ҳокимларга бўйсунингиз!» 4; 59) тақозосидин начор бу хизмат вуқуъига шурӯъ қилинди.

БИРИНЧИ ФАСЛ

**ҲАЗРАТИ ОДАМ САФИОЛЛОҲНИНГ
ЗАМОНАЛАРИДИН ТО ҲАЗРАТИ
МУҲАММАД РАСУЛУЛЛОҲГАЧА ЎТГАН
АЖАМ ПОДШОҲЛАРИНИНГ БАР
САБИЛИ ИЖМОЛ ЗИКРИ**

Буларнинг оралиқида подшоҳларики ўтубдурлар, улар тўрт табақадурлар: Пешдодий ва Кайоний ва Ашконий ва Сосоний деб лақаб бўлибдурлар. Аммо Пешдод табақаси ўн бир подшоҳдурки, булар бу қавмларнинг муқаддамроқи эрдилар. Аввали Каюмарс, иккинчи Ҳушанг, учинчи Тахмурас (Гамхурас), тўртинчи Жамшид, бешинчи Захҳок, олтинчи Феридун, еттинчи Манучехр, саккизинчи Навдар, тўққизинчи Афросиёб, ўнинчи Тамҳос, ўн биринчи Шосдурлар.

Иккинчи табақадаги подшоҳларки ўтубдурлар, буларни Каёний дерлар. Ва улар саккиз подшоҳдурлар. Аввал Кайқубод ва анинг паҳлавонлари Рустам ва Тус ва Гударз ва Фаромиздурлар. Кайқубод бу паҳлавонлар ила жаҳондорлик қилур эрди. Иккинчи Кайковус, учинчи Кайхусрав, тўртинчи Баҳросиб, бешинчи Баҳт ан-Наср, олтинчи Күштост, етгинчи Баҳман, саккизинчи Ҳумойдурлар.

Учунчи табақада подшоҳларики ўтубдурлар, буларни Ашконий дерлар ва улар ўн уч подшоҳдурлар. Аввали Доро, иккинчи Искандар, учунчи Ашконий, тўртинчи Баҳром, бешинчи Шофур, олтинчи Ялош бин Баҳром, етгинчи Ҳармиз бин Ялош, саккизинчи Шоҳ бин Ялош, тўққизинчи Яна Ҳармиз, ўнунчи Ҳусрав бин

Ялош, ўн биринчи Ардувон, ўн иккинчи Ашфон, ўн учинчи Шоҳ Гударзурлар.

70а // Тұртунчи табақада подшоҳларики үтубдурлар, булати Сосоний атабдурлар ва улар подшоҳдурлар. Аввали Ардашер бин Бобак, иккинчи Шофур ибн Ардашер, учунчи Баҳром бин Ҳармиз, тұртунчи Нарсо, бешинчи Ҳармиз бин Нарсо, олтинчи Шофур бин Ҳармиз, еттинчи Ардашер бин Ҳармиз, саккизинчи Феруз бин Яздижард, тұққузинчи Шайлош бин Феруз, ўнинчи Қубод бин Феруз, ўн биринчи Жомосп, ўн иккинчи Нушировон бин Қубод, ўн учинчи Ҳармиз бин Нушировон, ўн тұртинги Парвіз бин Ҳармиз, ўн бешинчи Шеруя, ўн олтинчи яна Ардашер, ўн еттинчи Касли, ўн саккизинчи Озарм, ўн тұққизинчи Фаррух, йигирманчи Яздижардтурлар. Яздижард Шаҳриёр лақаб бирла машхұр бұлубдур. Бу подшоҳларни Мир Алишер Навоий наввараллоҳу марқадаҳу ўз «Ҳамса»лари «Искандарнома»да батарики ижмол зикр қилиб эканлар. Шул «Искандарнома»дан ахэ қилиб бу сафҳа авроқыға марқұм қилинди. Мундин кейин то Чингизхонғача үтган подшоҳларнинг таворих китoblари ал-хол мавжуд әмас. Бу боисдин бу тули замон оралиқидаги подшоҳларнинг асоми ва ахволини бу китобда зикр қилинмади.

ИККИНЧИ ФАСЛ

ДОСТОНИ ҚООН ЖАҲОНГИР ЧИНГИЗХОННИНГ ЗИКРИ

Жлар Ясукай баҳодирнинг ўғли. Улар Бартон баҳодирнинг ўғлидур. Андоғ нақл қилибдурларким, Тангри таало құдрати комиласи бирла ҳар бандасини жаҳондор ва соҳиби шавкат яратидур, ул бандасыға бало

70б ва меҳнат бисёр йибарибдур. Анинг учунки басе озмуда бўлғайлар.// Ва давлату иззатнинг қадрини билгай; балову меҳнат ичидағи бандаларнинг ахволидин хабар олғай. Андоғки, Чингизхон ўн ёшида отаси Ясуқай баҳодирдан кейин қолди, ҳамма уруғ-қаёшлари мухолифат бўлдилар ва адоват боғладилар. Аммо Чингизхоннинг волидаси тұла оқила киши эрди. Фарзандининг тарбиятиға машғул бўлиб, хонлик қилди. Аммо Ясуқай баҳодирнинг уруғ түкканлари басе жафолар қилди. Ровий андоқ айтурким, Чингизхоннинг оти Темучин эрди. Вақтеки Ясуқай баҳодир тотор қавми билан жанг қилиб, ғолиб келиб, ул қавмларнинг тұрасини үлдирди, оти Темучинарка эрди. Ясуқай баҳодир бу черикдин ёниб келса, хотини ўғил туғибдур. Бу ўғилға Темучин отқўйди. Шул Темучинни Чингизхон атабдурлар. Вақтеки отасидин кейин қолди, йигирма саккиз ёшга киргунча, Темучиннинг бошиға на балолар келди. Кишининг қўлиға тушди, бандга солди. Ўлтургунча Худойи таоло халос қилди. Шул вақтда Каротнинг тұраси Ўнгхон деган улуғ подшоҳ эрди. Ясуқай баҳодир бирла дўст эрди. Темучин Ўнгхоннинг қошиға борди. Темучинни ўз фарзандидек тарбият қилди. Тұла маҳлакалардин халос қилди. Ўнгхоннинг ўғли Санқун Темучиндин рашидор бўлиб, Ўнгхонга ёмон билдириди. Андин Санқун Темучинга қасд қилди. Темучин бу воқеани англаб, Оқ уй боргоҳини ташлаб тоғқа йўланди. Ўнгхон ўғли Санқун лашкари фаровон бирла келиб ул хайма боргоҳни тирборон қилди. Маълум бўлдики, хайма

71а боргоҳда киши йўқ. Санқун хижолат бўлуб кейнидан юруб, // Темучинға етди, ул ерда қаттиқ жанг қилиб ҳар иккала лашкар оромгоҳлариға ёниб тушди. Темучин Болжуна деган чашма ёқасига равон бўлди. Ўнгхон бирлан Санқун туфасига бориб тушди. Темучин жангда бор халқларнинг ҳаммасига инъом-эҳсон қилди. Тўрт минг уч юз киши эрди. Ул жумладин икки ёш ўғил Ўнгхон бирла Санқуннинг қасдиға тушди. Уларни дархон қилиб, Ҳумаро қаториға олди. Темучиннинг иниси Жўчи Ҳисорни Ўнгхоннинг

лашкари форат қилиб эрди. Темучин Үнгхонга нома этуб, бу нома Жүчи Ҳисордин деб элчи иборди. Чурос аймоқидин Колбудор отлиқ хон отамға арз улки хонимонимни лашкар форат қилди. Оғам Темучинни тополмадим. Йироқ ерларга бош олиб кетубдур. Агар хонимонимни ёндириб берсалар, жон баданда бор, ёрлик эшитиб хизмат бажо келтурсам, — деб. Үнгхонга бу нома ажаб писандида келиб ғофил турууб эрди. Элчининг орқасидин Темучин етиб келиб, андоғ қаттиқ жанг қилдики, охирул амр Темучин ғолиб келди. Үнгхон ўғли Санкун бирла босруқ бўлди. Үнгхон қочиб боргунча Тоянгхоннинг икки умароси қоровулда эрди, бирининг оти Хурибосужу, яна бирининг оти Тотиксол, Үнгхонни улар тутиб ўлтириди. Бошини Тоянгхонга олиб борди. Үғли Санкун қочди, Тоянгхон бу икки умарони қўп айблар қилди. Үнгхон басе улуғ хон эрди, нима учун тирик олиб келмадинглар, бу ёмон иш бўлибдур, — деб писанд қилмади.

716 Үнгхоннинг бошини кумуш бирла қофлаб неча муддат // таҳтнинг ёнида қўйди. Санкун қочиб боргунча Қилич Қора отлиқ бир умаро тутиб ўлтурди. Чин билан Тибатнинг орасидаги шоншавкат ва азамат бирла Кирайитнинг давлати охир бўлди. Ондин акобир ва ашрофлар жам бўлиб, Темучинга Чингиз от қўйуб, тўқкуз поялиқ оқ туғ рост қилиб хон кўтардилар. Андин кейин Чингиз от бирла машҳур бўлди. Андин Тоянгхоннинг умаролари Үнгхоннинг умаролари бирла бирлашиб, Чингизхон тарафига муҳолифат қилди. Чингизхон ҳам отланиб жанги саҳт қилдилар. Охир то Тоянгхон шикаст топди. Андин Тоянгхоннинг юртиға мутасариф бўлди. Тоянгхоннинг Буйруқхон деб бир иниси бор эрди. Чингизхонға эл бўлмаган халойиқ анга қочиб кирди. Андин Чингизхон Макритнинг тўраси уза отландилар. Макритнинг тўраси Тўқобек Буйруқхонға қочиб кирди. Макрит аймоқининг наслининг уруғи ва Айровсуннинг қизи Қулон хотинни Чингизхонға атаб ўн саккиз минг аймоқни бошлаб, кўрунушга келди. Чингизхон бу қавмларнинг ўзасига черик бормоқса машваратда эрди. Тангфут аймоқи ёғий бўлди, деб хабар бўлди. Тангфутни

қошин ҳам дебдурлар. Тұрасининг оти Шайдарқуның үн беш лак черики бор эрди. Чингизхон Бурғул нүён бирла Жуматойни сипоҳсолар қилиб буюрди. Бу умаролар икки улуғ шаҳарни олди. Бири Сакий, яна бирининг оти Каланглуши. Шайдарқуни Чингизхонга әл қилиб ёндилар. Буйруқхоннинг қасдида Чингизхон отланды. Чингизхонға Худойи таоло ёр бўлди. Буйруқхон шикорда эди. Чингизхоннинг бир умаросига учради. Шул ерда тутиб ўлтурди.

72a // Чингизхон Буйруқхоннинг мамлакатини ўз тасарруфига олди. Тұқобек Таёнхоннинг ўғли Кушлук қошиға қочиб борди. Чингизхон Тұқобек, Кушлук тарафига отланди. Кушлук Иртиш мавзеида эрди. Вақтики Иртишга етдилар. Ўрот қавми пешкаш бирла Чингизхонға бош булиб Кушлук қошиға етказиб борди. Анда қаттиқ жант бўлди. Тұқобек жантда ўлди. Кушлук қочиб кетди. Чингизхон Тұқобек бирла Кушлук хоннинг мамлакатига эга бўлди. Ул замонда Туркистон Қорахитойнинг қўлида эрди. Қорахитойнинг хонини Гўрхон дер эрдилар. Бунинг пойтахти Болосақунда эрди. Кейин мўғул Олмалиқ атади. Уйғурнинг тұраси Йидиқут Гўрхонга хирож берур эрди. Чингизхоннинг дабдабасини англаб Гўрхоннинг қўйғон шаҳнасини ўлтуриб, Чингизхонға тобе бўлди. Гўрхонға Хоразм подшоҳи ўттис минг мисқол олтин хирож берур эрди. Самарқанд подшоҳи насли Афросиёб Усмон ҳам хирож берар эрди. Гўрхон баси улуғ подшоҳ эрди. Тұққиз ёшида хон бўлиб, тўқсон беш йил подшоҳ бўлди. Кушлукхон Гўрхон қошиға қочиб борди. Ондин Чингизхон Хитой үзасига отланди. Хитой хони Олтойхон бисёр пешкаш бирла қизини иборди. Чингизхон шаҳри Намкинг ва Жангду деган икки улуғ Хитойнинг шаҳрини олиб, шундин ёнди. Алқисса Чингизхон, тамоми машириқ вилоятларини мамлакати Хитой ва Олмалиқ ва мамлакати Уйғур ва Тотор ва Қароқурум ва Кошқарғача Чингизхонга соғ бўлди. Алқисса Қароқурум ва Келуронға еткурдилар.

72б Ўрдахон // шул мамлакатда эрди. Чингизхоннинг беш хотуни бор эрди. Гумоси бирла беш юзга ёвук хотини бор эрди.

Ҳаддин фузун мамлакатлар аниңг мутасаррифида бўлди. Охирул амр бу фалаки вожгун ва чархи буқаламун бевафолиқ ва пуржавалиқ расмини оғоз қилди. Чингизхон қаттиқ оғриди. Ўғлонлари Чигатайхон, Ўқтайхон, Тулуйхон оғон мамлакатларға ўз умароларидин киши қўйиб ёндилар. Хабар бўлдики, Тангфут Шайдарқу ёйи бўлди деб, Шайдарқунинг ўн беш лак лашкарлари бор эди. Тангфутни Қошин ҳам атабурлар. Шайдарқу ўн беш лак киши бирла келиб, Чингизхон бирла жанг қилди. Ҳон басруқ қилди. Шайдарқу шаҳарга беркиди. Чингизхон элчи киргуди. Шайдарқу ҳам элчига киши қўшуб чиқарди. Бир ой муҳлат тилади. Бир ойдин кейин кўрунушга чиқмоқ булиб, элчиси ёнди. Вақтики, Чингизхон тұла бетоб бўлди, ўғлонлариға ва умаролариға васият қилдиким, Тангфут мамлакатиға даст топмоқ баси мушқул иш, менинг ўлганимни махфий тутинглар, йифи-зори қилманглар. Шайдарқу чиқсин, андин халқи бирлан Шайдарқуни ўлдурунглар. Мамлакатига эга бўлунглар. Сандуқумни Ўрдага еткузуб бориб, ондин аза тутинглар деб оламдин борди. Чингизхон оламдан кетиб, ўн беш кундин кейин Шайдарқу пешкаши бениҳоя олиб чиқди. Шайдарқуни тутиб ўлтирилар. Бузруклар айтибдурларки, агар юз минг киши ўлса, бир кишидек туради, агар ўн минг киши ўлса, бир улус қўл кўтарур деб. Шайдарқунинг халқини ўлтирилар. Беш улус тек турибдур, саккиз улус қўл кўтарибдур.

73а // Мундин қиёс қилдиларки, беш лак яна беш юз минг, яна саксон минг киши қатл топибдур. Ушоқ аҳли аёlinи улашиб олиб, Чингизхоннинг сандуқини шаҳзодалар ва умаролар олиб равон бўлди. Алқисса Қароқурум ва Келуронға етдилар. Ўрдайи ҳон шул мамлакатда эрди. Ҳар бир хотуни бир ўрдасида аза тутдилар. Аввал Бўрта қужин ғунграт аймоқининг тўраси Нуённинг қизи эрди. Анингдин торт ўғли бор эрди. Аввали Жўчихон, иккинчи Чигатайхон, учинчи Ўқтайхон, тўртинчи Тулуйхон эрди, иккинчи Қўлон хотун Макрит тўраси Тойрасуннинг қизи эрди. Учинчи Ясукот тотарниң улуғининг қизи эрди, тўртинчи Кунжу хотун Хитой хонининг қизи тұла хушсурат эрди. Бешинчи Қўрбосун

хотун, ул хотуни Таёнгхон найман эрди. Вақтики аза тамом бүлди. Сарупои тоза кийиб, мажлис ороста қилдилар. Жүчихон Чингизхондин олти ой илгари фавт бүлди. Чингизхон үрнида иккинчи үғли Ботуни наасб қилди.

Чингизхоннинг ўғлонлари Чигатайхон, Тулуйхон, Кўлган, Жодар, Жўржи, Бўйта үғли тамом биродарзодалари бирла умароларнинг баъзиси Ўктойхонни хон кўтардилар. Чингизхон айтиб эрди: «Эй ўғлонларим! Агар подшоликдин бархурдор булай десанглар, Ўктайни менинг үрнимда билинглар, ҳар иш буюрса тажовуз қилманглар. Бир илоннинг бир боши неча қуўруғи бўлса, агар боши бир тешикка кирса, қуўруқлари кейиндин кирап. Боши ўн, қуўруғи бир бўлса, ҳар боши

736 бир тешукка кирса, қуўруғи ташқарида қолиб // совуқға ҳалок бўлур. Яна Чингизхон етти уқни бир боғлаб ўғлонлариға берди: Синдиринглар, — дебди. Ҳеч қайсиси сингдира олмадилар. — Бундан қиёс қилинглар. Мухолиф бўлманглар, деб васият қилиб эрди. Ўктайхонни хон кўтардилар. Чингизхон етмиш уч йил умр кўрди. Йигирма беш йил хон бўлди. Жасадини Бурҳон Қолдун деган ерда дағн қилди. Чингизхоннинг беш қизи бор эрди. Улуг қизи Қужпин беки, ани Некун Тукурхоннинг үғлиға берди. Иккинчи қизи Жажкон, ани Тўролжи кўрагонга берди. Ул уйрот қавмининг подшоҳи эрди. Учинчиси Алоқон беки, ани Анкут подшоҳи Чингқўйга берди. Тўртинчи Тумолун Қўнгротнинг тұрасига берди. Мунинг оти Қўрагон эрди. Подшоҳларнинг домодини ҳам кўрагон дерлар. Бешинчи қизи Ойтолун, ани Алқонут қавмининг подшоҳи Жождор жийжонға берди. Алқисса Чингизхон тамом Мўғалистон, Қорақурум ва Келуронки пойтахти Мўғалистон эрди, тамоми Хитой ва Туркистанки пойтахти Балосоқун эрди ва Олмалиқ, Бешбалиқ ва Қиёлиқ, Эмил ва Иртиш то Кошқару Ҳутан, тамом Мовароуннаҳори Бухоро ва Самарқанд, Шош, Ҳўжанд, Фанокат ва тамоми Турон, Балх ва Толикон, Қундуз ва Газнин ва Кобул, тамоми Эронки, Ҳурсон, Ироқ ва Форс Чингизхонга яққалам бўлиб эрди. Бу мамлакатларга доруға ва

шахналар қўниб эрдики, Хурносонга Амир Аргун Оқони қўйди. Ироқ ва Форсга Чин Темур хитойни, Хоразм, Бухороға ва Самарқандға ва Ҳужанд ва Фанокат ва Шошға ва Ўтрор, Балосоқун ва Олмалиқ, Қиёлиқ, Эмил ва Иртиш ва Кошқар

74а ва Ҳўтанға Масъудбекни // ва тамоми мамлакати Хитойға Махмуд Яловачнинг ўғли Муҳаммад Яловачни ҳоким қўйиб эрди. Муҳаммад

Яловач басе қобил киши эрди. Чингизхон тамоми мамлакатларини ўғлонлариға қисмат қилиб бериб эрди. Тамоми Қипчоқ ва Сарой, Бўлғор ва Урус ва гайруҳумни Жўчихонга бериб эрди. Ўзининг пойтахтиға Қорақурум ва Келурон ва гайруҳумни Ўқтой қоонға берди. Тамоми вилояти Хитойни Тўлуйхонга берди. Бешбалиқ ва Олмалиқки Туғлук Темурхоннинг марқади шундадур, Кошқар ва Ҳўтан ва тамоми Туркистонни, Мовароуннаҳрони иборати Бухоро ва Самарқанд ва тобиоти, Шош ва Фанокат ва Ҳужанд ва Ўзганд ва Ўш, Учбалиқни Чиратойхонга тайин қилди.

УЧИНЧИ ФАСЛ

ЎҚТАЙ ҚООННИНГ ЗИКРИ. УЛАР ЧИНГИЗХОННИНГ ЎҒЛИДУР

Ўқтай қоон андоқ подшоҳ эрдики, жувонмард ва сахий эрди, лак-лак олтинни бир баҳона бирла халойиққа эҳсон қилур эрди. Аммо бисёр шаробға мойил эрди. Нақлидурки, Бағдоддин бир кимарса келди. Ўқтойхон шикорга чиқиб эрди, ёниб келадур деб англаб бу киши дуо қилиб ўлтуурурди, сўрдики бунинг арзи нима деб? Бу киши айтдики, Бағдод деган шаҳардин келадурман, ўн қизим бор, анинг жабдуқиға ожиз келдим, сенинг сахийлигингни

англааб келдим, деб эрди. Ўктой қоон халифаи Бағдод ҳеч нима бермамдур деди. Бу киши айтдики, эй подшоҳ, ҳар бораки халифаға арз еткурдим, ўн дирам берди. Ул ҳеч нимага етмади деди. Ўктайқоон анга раҳми келди. Минг бош кумуш буйурди, ҳар бош юз мисқол

746 дебдурлар. Ул киши арз қылдики, мунча молни // мен қандоқ уйимга олиб кетурман деди. Ўктай қоон мұтабар икки киши құшди, бу бобони уйига еткуинглар, деб. Бобо йүлда үлди. Бу бобонинг үлган хабарини Ўктай қоонға еткурди, Ўктой қоон буюрдики бобо үлган бұлса, ул молни уйига еткурууб болалариға бергил деб. Булар Бағдодға олиб бориб ул кишининг болалариға берди. Нақлидурки, Чингизхон амр қилиб эрдики, ҳеч кимарса қўйини забҳ қымасун, ҳар киши бисмил қиласа гуноҳкор деб. Бир мусулмон бозори Қорақурумдин бир қўй олиб, ўз уйига олиб борди. Дарвозасини этиб андин қазноқининг эшигини маҳкам қилиб ул қўйни бисмил қилди. Бир мӯғул ул мусулмонни ўқзадин тушиб боғлаб, Ўктой қоон қошига олиб борди. Тамаъи улки ўзини үлтурууб молларини олғай. Қоон сўрди: «Қайдоқ топдинг?» деб. Ул нобакор айтдики, бозордин қўй олди, ман билдимки, бу мусулмон қўйни бисмил қилур деб, кейнидан эрашиб келдим. Қўйни бисмил қилача ман тутиб боғлаб келдим. Ўктой айтдики, бу киши амрга мухолифат қымабдур, уч эшикни этиб бисмил қилубдур, сен ўқзасидан тушмакинг тағири амрдур. Ўзинг гуноҳкор бўлибсен, деб ул малъунни юз таёқ сўқиб, тевага миндириб бозорни жуйрултуб мунодий қылдурдики, ҳар киши қўй ва қулоини ўз динида үлтурууб есин деб. Ўктой қоон подшоҳи одил ва раҳмидил ва сахий ва жувонмард ва хушхўй киши эрди. Чингизхон үлуб икки йилдин кейин бақар йилида подшолиқ тахтида үтириди, ўн уч йил хонлик қилди. Бисёр шаробдўст эрди. Чингизхон ўлиб, ўн беш йилдан кейин қоон оламдин

75а борди. Чингизхоннинг қошида // Бурҳон Қолдун деган ерда дағн қилди.

ТҮРТИНЧИ ФАСЛ

**ЖЎЧИХОННИНГ ЗИКРИ.
УЛАР ЧИНГИЗХОННИНГ ЎГЛИДУР**

Вақтики Чингизхон тамоми Даشتি Қипчоқни берди. Ўзбек-қозоқнинг туралари Жўчихоннинг авлодидур. Чингизхондин олти ой илгари фавт бўлди. Ўрнида ўғли Ботуни насл қилди. Ботуҳондан кейин Беркахон Даشتি Қипчоқга хон бўлди. Ҳазрати Шайх Сайфуддин Боҳарзий қуддиса сирруҳу олдида мусулмон бўлди. Ул кишики Жўчихоннинг авлодидин мусулмон бўлди, Берка хон эрди. Ул кишики Тулуйхоннинг авлодидин мусулмон бўлди, Гозон эрди. Султон Маҳмуд Гозон шуҳрат топди. Чигатойхоннинг авлодидин мусулмон бўлғон Туғлук Темурхон эрди. Мавлоно Аршадуддин наввараллоҳу машҳадаҳунинг қўлида дину исломга мушарраф бўлдилар. Бу воқеа тафсил бирла баён топгусидир, иншоолло.

Алқисса Жўчихоннинг авлодидин ўттиз саккиз киши хон бўлди. То Султон Аҳмадхон замонигача. Орада баъзи мусулмон, баъзи кофир эрдилар. Аввали Боту, иккинчи Беркахон, учинчи Мунко Темур, тўрtingчи Мунко, бешинчи Тухтағон, олтинчи Ўзбекхон, ўзбек шундин қолди, еттинчи Жонибекхон подшоҳи мусулмон ва жувонмард, неку афъол киши эрдилар. Алқисса, Жўчихон бисёр шикордўст киши эрди. Жўчихоннинг авлодида еттинчи хон Жонибек хон эрди. Бисёр ҳамида хисол неку афъол эрдилар. Булар ҳам ўз маҳаллида зикр топгусидур.

БЕШИНЧИ ФАСЛ

ТҮЛДИХОННИНГ ЗИКРИ. УЛАР ҲАМ ЧИНГИЗХОННИНГ ЎГЛИДУР

Мўлдихон Бўртақўжиндин туфулғон. Чингизхоннинг тўртинчи ўғлидур. Нўёнда улуғ нўён дер эрдилар. Ўзидин кам жудо қилур эрди.

756 Тўлдихон Ўктай қоондин // илгари оламдин ўтди. Нақлидурким, Ўктой қоон ранжур эрди, ўз расмида бир нима деб сувға дам қилиб қоон деб қўйуб эрди. Тулуйхон черик борғон ердин ёниб, оғасиға — қошиға келди. Кўрдики, оғаси касал бўлибдур, айтдики эй тангри жовидо! Агар гуноҳ учун итоб қилсанг, оғамдин ман тўлароқ киши ўлтурдум, бола-барқасини йифлатдим, агар сурат учун ўлтурсанг, анингдин ман хушсуратдурман, мени олиб борғил, деб ҳамон сувни ичди. Оғасидин рухсат олиб ўрдасиға ёнди. Йўлда ранжур бўлиб бориб ўлди. Ани ҳам хоннинг оёғида дағн қилди. Тўлдихоннинг тўрт ўғли бор эрди. Аввали Мункахон, иккинчиси Қубулайхон, учинчиси Ҳалогухон, тўртунчиси Ариқбуқа. Вақтики Ўктайхон фавт бўлди, Куйукхон таҳтда ўлтурди. Отасининг ўрнида ўлтуруб бир йил тамом мамлакатта хонлик қилди. Куйукхон ҳам оламдин ўтди. Буларнинг орасида Мункахондин подшоҳлиқға лойиқроғи йўқ эрди. Қурултой қилдилар, яъни турклар йигин қилғонни қурултой дебдурлар. Чигатойхоннинг авлоди жамъ бўлиб, Мункахонни хон кўтардилар, ул ҳолда Чингизхоннинг олған мамлакатларини баъзиси ёғий бўлди, баъзиси Чингизхоннинг қўлида ҳам фатҳ бўлмаб эрди. Бу шаҳарларга лашкар юбормакка муқаййад бўлди, иниси Қубулай қоон, иккинчи иниси Ҳалогухонларни че-

рик йиборур бўлди. Чингизхоннинг черикларидин ўн кишидин икки киши чиқарди. Бирини Қубулайхонга, бирини Ҳулогухонға қўшти. Қубулайхонни машриқ

76а сарҳадига буюрди. // Боши Ҳитой ва Мочин ва Қоражонак ва Тангфут ва Тубат ва Жур ва Жета ва Сулунқо ва Қули ва баъзи Ҳиндистонға ва Ҳитойига пайваст эрур, буларнинг фатҳига номзад қилди. Тамоми Эрон заминни Шом ва Миср ва Рум ва Арман ва Яманга Ҳулогухонни түқсон етти минг киши бирла юборди. Гарихга олти юз қирқ тўққиз (1251—1252) барс иили эрди. Ҳулогухон Қорақурмдин Эронға юз қўйди. Бу мазкур лашкар бирла Мавороунаҳрга келди. Масъудбек бу хабарни англаб Самарқанднинг шаҳридин бори истиқболига келиб пешкаш қилди. Ҳурросондин амир Аргун бошлиқ умаролар ва шаҳналар Эронға таклиф қилдилар. Пешкаши лойиқлар бирла кўриниш қилдилар, андин Ҳурросон тарафиға равон бўлди. Вақтики Ҳурросонга етди, неча кун анда айшу ишратта машғул бўлди. Малоҳаданинг подшоҳи Ҳўршоҳ эрди. Басе фасод ва фитна бу малъуналардин ўтди, акобир ва ашрафларни шаҳид қилди. Ҳулогухон Малоҳаданинг шаҳарларини фатҳ қилиб, Ҳўршоҳни Мункахон қошиға юборди. Ул Малоҳадани нобуд қилди. Ҳулогухон басе шужъоъ, баҳодир ва хушхўй киши эрди. Ҳурросон ва Форс ва Кермон мулҳидларининг мамлакати Қазвин ва Азарбайжо ва Ироқ ва Ажам мусаххар бўлди. Андин Бағдодға элчи юборди. Бағдоднинг халифаси Мустаъсим халифа эрди. Вазири Муъинуддин Аҳмад бин Али Алқамий шийъа эрди. Халифа пок дин ва аҳди сунний эрди. Вазир ёмон сўзлар бирла элчини ёндириди.

76б Ал-қисса Ҳулогухон тўқсон етти минг киши бирла Бағдод // устиға равон бўлди. Ҳалифаи Мустаъсим мансабдоридин бўлак йигирма тўрт минг кишига улуфа берур эрди. Вазир Муъинуддин Аҳмад ибн ал-Алқамий вазири пуртазвир халифани тоғиф қилди. Кун туғишидан кун ботишиғача ҳамма мусулмони худопарастки борбандаи бу даргоҳ ҳаммаси амирул-мўмининга жон фидо қиласур. Бу муштию бединлардин нима парво деди.

Амир Сайд Сулаймон умарои халифа эрди. Булар мунажжими мохир эдилар. Нечанд умаролар бирла айтдиларки, эй амирулмъминин, олтунни киши ушбу кун учун йигар. Лашкар йиголи, мол бероли, деди. Вазир Аҳмад ал-Алқамий айдики, элга мол бериб навкар қилмоқ лозим эмас, тул хотун етим ўғуллар ҳар бири бир овучдин туфроқ олиб урса, кофиirlар ер бирлан яксон бўлур деди. Амир бу сўзга мағрур бўлди. Алқисса Ҳулогухон дабдабаи азamat бирла Бағдодга равон бўлди. Халифа яна элчи иборди. Ҳулогухон ёнсун, келмак лозим эмас деб, Ҳулогухон бовар қилмади. Ҳулафои Аббосий ўттиз етти киши эрдики, уларнинг охири Бани Аббос эрди. Давлати охир бўлиб, улки маъқул сўзлар ҳаргиз маъқул бўлмади. Вазири ҳаромнамак халифани мағрур қилди. Вақтики Ҳулогухон Бағдодни муҳосара қилиб тушди, Бағдоднинг лашкарининг ҳадди йўқ эрди. Аммо халифа бетад-бир содда киши эрди. Яхши сардор, сипохийи йўқ эрди. Муҳосара узоқ бўлди. Давондор Кучак, Фатҳуддин курд, Қорасанқурлар чиқиб шабихун келтуруб қаттиқ жанг қилди. Фатҳуддин бирла Қорасанқур ўлди. Давондор неча киши бирла қочиб келди. Лашкар бартараф бўлди.

77a // Уч ой муҳосара бўлди. Бағдод басе танг бўлди. Халифа акобир ва содот ва умаролар бирла чиқдилар. Халифани бошқа чодирға туширдилар. Алҳол хуб азиз тутди. Сулаймоншоҳ амир Саъдни, Давондорни тутдилар. Булар бирлан етти оғанисини боғлаб олиб келди. Ҳулагу сўрди: Эй Сулаймоншоҳ, сенингдек ахтаршунос, мунажжим халифани рост йўлға бошламадинг, деб Сулаймоншоҳни халқи бирла ўлтурди. Амир Саъд бирла Давондорни ҳам ўлтурди. Икки кундан кейин халифани икки ўғли бирла ўлтурди. Давлати бани Аббос охир бўлди. Буларнинг аввали Абдулло Саффоҳ, охири Мустаъсим халифа эрди. Жами ўттиз етти кипининг муддати халофат ва ҳукуматлари беш юз йигирма уч йил эрди. Давлати оли Аббос охир завол бўлди. Ҳар махлуқки бордур, охири заволи бор. Улки подшоҳи безавол, подшоҳи беинтиқол Ҳудойи таолодур. Алқисса Бағдодда саксон минг

киши қатл бўлди. Хулогухон таҳти Эрон ва Ироққа муқаррар бўлди. Хулогухон Элхон шуҳрат топди. Хурхонки Хулогухон-нинг ўрнида үлтириди, ани Элхон атадилар. Алқисса эллик олти қалъаи номи Хулогухонға мутиъ ва мусаххар бўлди. Хутба ва сикка Элхоннинг отига зебу зийнат топди. Хулогухон саккиз йил Эрон, Турунға хонлиқ қилди. Қирқ саккиз йил умр кўрди. Вақте-ки Хулогухон вафот бўлди, акобир, ашрофлар жам бўлуб Абоқо-хонни хон кўтардилар. Хожа Алоуддин Атомаликни Бағдодга ҳоким қилди. Румға Муъинуддин Парвонани ҳоким қўйди. Алқисса Абоқохон ўн етти йил хон бўлди. Андин Бароқхон Мова-роунинаҳдин лашкар жамъ қилиб келиб

776 босруқ бўлиб ёнди. Бир кун Абоқохон Ҳамадонда шароб // ичиб үлтурур эрди, айттики, манга ўқ-ёй беринглар, бир улуғ куч қасд қиласур, — деди. Ўқ-ёйни олиб келиб берди, қўрқунчи-дин ёни қўлиға оолмай йиқилиб жон берди. Ўғли Аргунхон Хуросонда эрди. Иниси Накдорки Султон Аҳмад деб машҳур-дур, илгари Ўрдаға келди. Умарои нўён йигилиб Султон Аҳмадни хон кўтардилар. Аҳмадхоннинг мусулмон бўлғали кўнгли мойил эрди. Махфий мусулмон бўлди. Исломға тамом ривож ва равнақ берди. Аргун бузулуб Аҳмадхонни үлтурди. Умаролар Аргунни хон кўтардилар. Аргун исломға басе душман эрди. Вазир Хожа Шамсуддин Муҳаммад девонни шаҳид қилди. Ҳеч мусулмон ўрдаға келмасун деб амр қилди. Аҳли исломға танглик тұла бўлди. Фот фурсатда Аргунға бир касал ориз бўлди. Шул касалда ўлди. Икки ўғли бор эрди: яна бири Гозон, яна бири Ўлжайту. Гозон Хуросонда эрди. Иниси Кунжайту Румдин келди. Умаролар Кун-жайтуни хон кўтардилар. Кунжайту забти мамлакатға машғул бўлди. Вақтеки Бойдухон ибн Тарақой ибн Хулогухон хуруж қилди, охирил амр Кунжайтухон қатл бўлди. Кунжайту уч йил хон бўлди. Андин улуғ кичиклар жам бўлуб, Бойдухонни хон кўтар-дилар.

ОЛТИНЧИ ФАСЛ

ПОДШОҲИ ИСЛОМ ГОЗОНХОННИНГ ЗИКРИ. УЛАР АРҒУНХОННИНГ ЎҒЛИДУР

Ҳақтики Арғунхон үлди, ул ҳолда Ҳурсонда эрди, Кунжайтухоннинг вақтида ҳам Ҳурсонда эрди. Кунжайтухоннинг қатлини, Бойдухоннинг хонлиқини англади эрса амир Наврӯз ибн Арғун ақо Ҳурсонда шаҳзода Гозоннинг хизматига келиб эрди, аниг бирла аҳди паймон қилиб, яқдил,

78а якжиҳат бўлиб, // Бойдунинг устига черик отландилар. Икки лашкар муқобила бўлди. Бойдунинг черики тұла эрди. Гозонхон вахм қилди. Амир Наврӯз айтики, эй подшоҳ, асло вахм қилмангки, агар мусулмон бўлсангиз, албатта бу душманларни олурмиз, — деди. Гозон қабул қилди. Ондин Амир Наврӯз элчиликка бориб, Бойдуға қўриниш қилди. Тоғожар бошлиқ неча умароларни бузуб ёнди, алқисса икковлан жанг қилиб Бойдухон шикаст еди. Бойдуни тутиб ўлтириди. Гозонхон таҳтда ўлтириди. Икки кундин кейин Амир Наврӯз айтики, Ҳудойи таоло бизга фатҳи нусрат берди, эмди ваъдага вафо қилмоқ керак, — деди. Гозонхон айтики, бир комил киши бўлғайки, ман аниг илкида имони ислом ўргангайман, — деди. Шул замон ҳазрати шайх Садруддин Иброҳим ибн шайх Саъдуддин Ҳамавий раҳимаҳумулоҳни олиб келдилар. Ҳаэррати Шайх Султон Маҳмуд Гозонга аҳкоми исломни таълим бердилар. Гусул қилиб мусулмон бўлди. Шул куни етмиш минг киши мусулмон бўлдилар. Тоғожар уч хонға мухолифат қилиб эрди, тутиб ўлтурдилар. Султон Маҳмуд Гозон подшоҳ эрдики, мусулмони пок эътиқод, одилу баҳодир, хушсурат ва сахий. Амир Наврӯз хизмати шоиста бажо келтурди. Исломға боис бўлди. Улуғ ҳашамат топди. Андин умаролар ҳасад едилар. Амир

Наврӯзи фирузбахтга ёғи бўлди. Миср подшоҳига хат ва нома юбориб, Эронға таклиф қилди. Кутлуқшоҳ Нўён келиб, шикаст еб ёнди. Яна умаролар, Амир Наврӯздин ҳасад еб, Миср

78б подшоҳига яна хат берди. // Мисрнинг подшоҳи Малик Ашраф эрди. Амир Наврӯз хизматига ишониб, хонға басе тааддийлар қилур эрди. Хоннинг мизожи Амир Наврӯз бирла табдил топди. Амир Наврӯз Хуросонда эрди. Хуросондан Каратга йиборди. Гозонхон Амир Наврӯзнинг таҳаккумига танг бўлди. Охири аҳли фитнанинг сўзига кирди. Амир Наврӯзни даражай шаҳодатта еткузди. Амир Наврӯзга вакътнинг фузалолари тарих айтибдурларки, башашсаду нуваду шаш даруни шаҳри Ҳирот гузашта аз маҳи шаввол бисти бояк рӯз ду ҳафтаи рӯзи душанба миёнаи ду намоз расид лашкари Гозон шаҳид шуд Наврӯз. Яъни тарихқа олти юз тўқсон олти шаввол ойининг йигирма бири душанба куни Ҳиротда шарбати шаҳодат ичдилар. Амир Наврӯзнинг ўрнида Үлжайтуни насл қилди. Үлжайту Гозоннинг иниси эрди. Султон Маҳмуд Гозон тамом Ҳулогухоннинг юртиға саккиз йил подшоҳ бўлди, ўттиз тўрт йил умр кўрди. Ўз ўрнида Үлжайту султонни васият қилди. Хуросондин олиб келиб, шаҳзодалар ва умаролар жамъ бўлиб, Үлжайтуни хон кўтардилар. Үлжайту султон дод-адл бирла исломга ривож берди. Султон Муҳаммад Худобанда деб шуҳрат топди. Ҳўжа Алишоҳ Хатлонни вазир қилди. Кутлуқшоҳ нўённи сипаҳсолор қилиб, Султон Муҳаммад Худобандахон Мисрға лашкар юборди. Миср подшоҳи Малик Носир ҳам асбоб муҳайё қилиб жангнинг хаёлида эрди. Вазири соҳиб тадбирлари бирла кенгаш қилиб, пешкашлар бирла сулҳ тилади. Султон Муҳаммад Худобандахон Малик Носирға

79а инояти фаровон қилиб // ёндуурди. Султон Муҳаммад Худобандахон исломга ривож бериб, дини шаръи миллати ҳанafiyни қавий қилдилар. Ҳожа Рашид алайҳираҳмани вазир қилди. Бу вазир ҳам одилу олимни сахий эрдикни, ҳадди-ҳисоби йўқ. Аввалики, Ҳулогухоннинг мамлакати Рум, Ироқ, Ажам, Араб, Озар-

байжон, Форс ва Хуресонга ўн икки йил хон бўлди. Баъзи ривоятда ўттуз саккиз йил ҳам дебдурлар. Хон бўлиб, бир йилдин кейин, шаҳри Султонияни бино қилди. Охири шул иморатда мадфун бўлди. Султон Муҳаммад Худобандахоннинг ўғли Абу Саъидхондур. Ўн уч ёшида Хуресонга подшо бўлди.

Вақтики Султон Муҳаммад Худобандахон ранжур бўлди, Султон Саъидхонга киши йиборди. Ул келгунча Султон Муҳаммад Худобандахон вафот бўлди. Умаролар ва акобирлар жамъ бўлиб, Султон Абу Саъидхонни хон кутардилар. Амир Жубонни вазир қилдилар. Ҳам Хуресонга ҳоким қилди. Улуф ўғли Темуртош Румга ҳоким бўлди. Амир Жубон ҳарна иш қилса, хон ани афв қилур эрди. Охирул амр аҳли фитналар фитна қилиб, хон бирла амир Жубоннинг орасида адоват пайдо қилди. Вагарна хонда ихтиёр йўқ эрди, улуф ўғли Темуртош Рум ҳокими ўз отига хутбаи сиккани ўқитиб, ёғий бўлди.

Амир Жубон бориб, боғлаб олиб келди, яна афв қилиб, Румга ҳоким қилиб йиборди. Амир Жубоннинг Дамашқхўжа деб бир ўғли бор эрди. Хон ани қатл қилди. Амир Жубон Хуресонга бориб эрди, ўғлининг қатлини англади. Умарои Хуресон бирла иттифоқлашиб, хон ўзасига келдилар.

796 // Хон чиқиб муқобила бўлди, умаролар бузулуб хонга кирди. Амир Жубон ҳазимат топиб Ҳиротға ёнди. Малик Гиёсуддин кўрнамакни амир Жубон тарбият қилиб эрди, Малик Гиёсуддин амир Жубонни ўлтирамакчи бўлди. Амир Жубон Малик Гиёсға киши йибордики, мулоқат бўлсақ деб. Малик унамади. Охирул амр Малик амир Жубонни ўлтурди. Ўғли Жаллодхонни ўлтириди. Жаллодхоннинг тобутини ҳазрати Маккага олиб бориб, дағн қилдилар. Андин хабар келдики, Мовароуннаҳорин Хуресонга черик келди деб. Султон Абу Саъидхон ночор душман тарафига равон бўлди. Икковлан муқобила бўлиб жанг қилди. Мовароуннаҳор лашкарининг сардори шаҳзода Чигатой эрди. Охир шикаст еб ёнди. Султон Абу Саъидхон ўн уч ёшида хон бўлди. Ўн тўққуз йил хонлиқ қилди. Ўттуз икки йил умр кўрди. Султон

Абу Саъидхон подшоҳзодаи хушсурат, жувонмард эрди. Ёш оламдан ўтди. Эрон ҳалқи бир йил аза тутиб, минорларға қора кийдуруб, кўчаларға гул сочдилар.

ЕТТИНЧИ ФАСЛ

ЧИҒАТОЙХОННИНГ ВА АНИНГ АВЛОДЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Чигатойхон Чингизхоннинг иккинчи ўғлидур. Чигатойхон басе бо сиёsat, қоҳир киши эрдилар. Чигатойхоннинг валиаҳди ўғли Момакай басе муқбил, хушхўй, зебоманзар, чобуксувор, тирандоз эрдилар. Синни-соли йигирма бир ё йигирма иккида эрди. Чингизхон ўзидин асло йироқ қилмас эрди. Чигатойхон Жўучихон, Ўқтай қоонларни фатҳи Хоразмға буюрди.

80а Чингизхон Балх ва Толиқон узасига// юрди. Йўлда Бомиён қалъасини мухосара қилди. Қалъадин Момакайнин отди. Шунда Момакай ўлди. Чингизхон басе паришон бўлди. Буюрдики Момакайнинг ўлганини ҳеч киши Чигатойга айтмасун деб. Чигатойхон Хоразмни фатҳ қилиб, Ўқтай қоон бирла Чингизхоннинг қошиға келди. Жўчи келмай ўз юриға ёнди. Чингизхон Жўчидин басе оғриди. Чингизхон Чигатойға аттики, сизлар менинг сўзумга унамайсизлар бурно манга ўхшаш хонларнинг ўғлонлари бир оғиз сўзига жон берибдурлар деб. Чигатой аттики, эй хони оламгир, агар ман сизнинг сўзунгизни қабул қилмасам, аввал ман ўлай, деб. Чингизхон бу сўзни такрор қилди. Чигатойхон яна такрор бирла агар амрингизга хилоф қилсан, ман ўлай деб. Чингизхон аттики, эй Чигатой, агар андоқ бўлса, Момакай оламдин ўтди, йигламагил деб. Чигатой сабр қилиб аттики, саодатманд экан, олдингизда ўлубдур, деб ҳеч тафийр

топмади. Бир фурсатдин кейин баҳона бирла ташқари чиқиб, бир хилватта бориб нолаю зори қилиб йиглаб, яна юзини ювиб, күзини ёшидан пок қилиб, Чингизхон қошига кирди. Алқисса Чингизхон онча киши үлтурмас эрди, Момакай үлди. Шул қалъада ҳеч жондор қўймай үлтурди. Чигатойхоннинг пойтахти Бешбалиқ эрди. Турфонни, Учни фитубдурлар. Қораҳалокудин Қаро Бойсу илгари оламдин ўтди. Қораҳалоку оламдин ўтгандин кейин бир ўғли бор эрди, Муборакшоҳ деб, Чигатойхон ўрнига хон бўлди.

806 Неча йилдан кейин Бойфур // хон бўлди. Золим ва ғофил эрди, нобуд бўлди. Андин барлос аймоқидин Байсуқаронинг ўғли Бароқхон хон бўлди. Охир мусулмон бўлуб, Султон Фиёсиддин от қўтарди. Улар оламдин борди. Ўғли Дувохон хон бўлди. Дувохон одил ва подшоҳи ислом эрди. Вақтеки Дувохон оламдин борди, эчи Кофуртўра хон бўлди. Андин кейин навбат Эсан Буғохонға етди. Неча кундин ул ҳам бартараф бўлди. Андин ўғли Туғлуқ Темурхонни олиб келиб хон қўтардилар. Буларнинг зикрини «Тарихи Рашидий»да баён қилинур.

САККИЗИНЧИ ФАСЛ

САБАБИ ТАСНИФИ «ТАРИХИ РАШИДИЙ»

«Зафарнома»нинг муқаддимасида ул қудват ал-муҳаққиқин ва зубдат ус-соликин Ҳазрати Мавлоно Шарафуддин Али Яздий наввараллоҳу марқадаҳу Мўгулия хоқонлари эзкирини Чингизхондин Туғлуқ Темурхонғача фитубдурлар. Туғлуқ Темурхондин кейин хоқонлар аҳволини шарҳ қилмамдурлар. Балки ҳар ердаки сўзнинг сиёқи хоқонлар аҳволлариға таваққуф топған бўлса, ул миқдорки сўзнинг сиёқи низомға келгучалик фитуб, зиёдасини назарға олмабдурлар. Бас, фақир бу тарихнинг ибтидосини Туғ-

лук Темурхондин ибтидо қилдим. Уч сабабқа бино қўйуб. Аввал-ки улки, Туғлук Темурхондин илгариги хонлар тарихларда фитулубдур ва булардин кейинги хонлар шарҳ мазкур топмабдурлар, бас ул сузларига тарихларда шарҳ топмабдур, ани фитумаклик лойиқ курунди. Иккинчиси улки, Туғлук Темурхондин ўзга хонларга ул миқдор улуғ мамлакатлар мусаххар бўлмабдур. Учунчиси улки, Мўгулияларнинг хоқонларидин аввали Туғлук Темурхон исломга мушарраф бўлубдур. Ва анингдин кейинги муғулийларнинг гардани куфрнинг бандачилигидин халос бўлуб, исломнинг озодлиғи бирла ўзга халқларға ўхшаш аҳли исломға доҳил бўлубдурлар. Ушбу лозималар сабаби бирла бу тарихнинг ибтидоси анинг оти бирла сабт тобди ва уч муносиб бирланки бу тарихни «Тарихи Рашидий» аталинди. Аввал улки Туғлук Темурхоннинг

81а // ислом келтирмаклиги мавлоно Аршадуддиннинг қўли бирладурки, фот фурсат шарҳ тобғусидур. Яна бири улки, Туғлук Темурхондин илгари Бароқхон ва Бароқхондин кейин Кепакхон мусулмон бўлғон эрканлар. Аммо хоқонлар ва ҳама мўгулия халқларига исломда рушду ҳидоят бўлмағон экан. «Ражаъал қаҳқари ило маншур ил-табиқа» кейнича мангигиб [юриб] жаҳданнамга илгари кетубдурлар. Аммо бу хоқони давлатманд, фуқарои саодатмандаларға рушду ҳидояти тамом ҳосил бўлубдур. Вақтеки бу тарихнинг ибтидосини Туғлук Темурхоннинг зикрига боғланиб эди, фаложарам Рашидий от қўймоқ муносиброқ кўринди. Учунчиси улки, Мўгулия хоқонларининг охири бу кунларда Абдуррашидхондур. Ва бу тарих анинг отига ва анинг учун фитулинибдур. Ул уч муносабат бирла бу тарихни «Тарихи Рашидий» бирла аталинибдур. Ва бу тарихнинг боблари фиҳристи икки дафттар бирла мураттабдир. Аввалки дафттар Туғлук Темурхоннинг аҳволи, ибтидосидин то Абдуррашидхоннинг зикригачаки, бу кунларда хонлиқ маснадининг таҳти анинг вужуди бирла музаййан ва мушаъандур. Иккинчи дафттар бу фақирнинг аҳволи ва анчаки ўзбек ва чигатой ва андин ўзгаларнинг подшоҳлар ва хоқонларидин кўруб ва билубдур ва ул тоифаларнинг воқеларига фақир уларға ҳамаср эдим,

ҳарчандки бу бандай фәқир биҳамдуллоҳ, ҳаққи субҳанаҳу ва таоло инояти беиллати бирла мӯғул халқлари доирасидин хориж ва мустасно, балки мумтоз ва мустағни қилиб жудо ва беҳожат айлабдур. Мӯгулия халқлари ва хоқонларидинки ўз жинсимнинг болалари, балки тоға-амакимнинг болалари эдилар, ёмонтурлар ва носоз тарикалар ва ноҳамвор муомалалар сурати содир бўлибдур. Шулардин ҳам шаммаи дафтари сонийда зикр қилинадур.

816 Бовужуди // шунчалик бирла уларнинг дилларининг қаттиқлиғи ул мартабададурки, масалан менинг отим Ҳайдардур, кинояти анингдинки, ҳаётлик асари манда бордур. Агар бу маънони фаҳм айласалар, албатта менинг зиддимда ўлимни манга ихтиёр қилурлар.

Фард:

Хоҳласанг сен беҳиштға бормоқ,
Ўзгалар хоҳниши сақар бормоқ.

Ушбу жонибдиндурки, рубоий:

Сенингки дарду ғаминг ёри ногуэиримдур,
Жафову жабр етар барча дилпазиримдур.
Ушбу саодат етар бас мани агар кўрсанг,
Ки хотирингға кечар, бу гадо асиримдур.

Бу фәқирнинг отаси ва отамнинг отаси шундоғ то бачанд мартабағача ҳаммаларининг онаси хоқонларнинг аммаларидур ва ул тарафдин ҳам ушбу нисбат бордур. Бовужуди шумнинаклиқ билан фәқир ўн уч ёнда ниҳояти етимлиқда Султон Сайдхоннинг хизматларига еттим. Ул хон оталиқ шафқати бирла етимлик ма-шаққатидин улуғлик маснадига еткуздилар. Дўстлук тариқаси ва ошнолиқ робитасини шундоқ маҳкам ва мустаҳкам айладиларки, ул хоннинг болалари ва биродарлари ҳасад эттилар. Йигирма тўрт йил ул хоннинг хизматларида фазилатларини касб қилмоғлиқига ул хоннинг тарғиб ва таълими бирла азamat ва ҳашамат чашмасига чўмдум. Ҳат-савод этмак ва шеър айтмоқ ва ул шеърнинг фаннида ва иншони сурат қилмоғлиқ ва зийнат бермакликда

уз ҳамасримларнинг аросида мумтоз, балки моҳир булдим. Ва узга ҳунарларда, муҳр ўймоқ ва тош тешмак ва заргарлику хунё-гарлик ва мазуқа ва ҳаккоклик ва бино қилмоқ ва навъи-навъи касбларки ани баён қилмоғлиқ узоққа анжом тоғусидур. Ҳамма-да шундоғки, ул ҳунарварларнинг устозлари бу фақирнинг шогирдлиқиға ожиз келдилар. Бу ҳамма ишлар хоннинг саълари ва жаҳду жиддлари юмни ва баракотидин

82а эрди, бовужуди // шунинг била мулкнинг ишларида, жангнинг муҳимлари, кенгашларида, қароқидин ва шабравлук ва ўқ отмоқ ва шикор қилмоқ ва миришкорлиқин ва ончаки давлатнинг ишларида корға келур эрди, ушбу ҳаммада менинг устоду мураббийим эди. Ушбу мазкурларнинг куллисида хоннинг шогирди эдим, агарчи ул хоннинг ўғлонларидин ҳар нимаки анингдин ёмонроқ бўлмағай, манга етди. Аммо уларнинг ҳамма ёмонлиқини хоннинг ўбданлиқиға баробар қилдим. Агар бу муҳтасарни хоҳ қабул қилса, хоҳ рад қилса, хоннинг фарзандининг отига қилдим. То мандин анга ва анингдин оламдагиларға ёдгор бўлғай. Ва бу китобнинг отики муштақ анинг оти ва алқоби киромидин-дур ижмол тариқаси бирла Хоқон ибн ал-Хоқон ас-Султон ибн ас-Султон ал-мутаваккил аоллоҳил малик ал-маннон Абулму-заффар Абдуррашидхон ибн Султон ал-мабурор ва хоқон ал-мағфур ас-саид аш-шахид Абул Фатҳ Султон Сайдхон.

Китъа:

Тилим йўқтур тӯла сўзларга бори,
Ки Ҳайдарға не сўзларга ҳад ўлғай.
Ки шоҳ Абдуррашид аъзам мухити,
Жалолат тогига ул сармад ўлғай.
Бу шаҳ авсофи-ю жоҳи жалолин,
Демак мундин эйёда абрاد ўлғай.

ОФОЗИ ТАРИХИ РАШИДИЙ. Офаридгори таоло ва тақаддаса мабдаъи фитратда, арвоҳларни мавжуд қилур вақтда «Аласту бираббикум» нидоси била жамиъ арвоҳларга овози омм берди. Баъзисини «Ва ллоҳу яҳди ман яшаъ» саодатига

мушарраф қилиб, бале жавобини тавфиқи ҳидоят қилди. Ва фирқаини («Мен Парвардигорингиз эмасманми?» 7-сурә 171-оят). («Оллоҳ хоҳлаган кишиларга беҳисоб ризқ берур», 2-сурә, 212-оят), «Хатама ллоҳу ъала қулибихим ва ъала самъиҳим ва ъала абсориҳим фишаава» («Оллоҳ уларнинг дилларини ва қулоқларини муҳрлаб қўйган. Кўзларини эса парда қоплаб олган» 2;7). («Зулматларда қолган кар-сақовдирлар» 6; 39) шақовати била хол сифат доғни уларнинг пешоналариға қўйди. «Суммун ва буқмун» ояти уларнинг вужудига тушди. Ул тавфиқнинг ҳикмати фирмәи аввалға ушбу сарзаниш ва маломатнинг сабаби фирмәи сонийға бовужуди

826 // иллатисиз ақлнинг андоғасидин ташқаридур. Зиёда тафаккур қилмоқ бу ишда мониъдур. Ва банда мунинг таслимига маъмурдур. Ва ул жиҳатидиндурки имон агарчи дил била тасдиқ қилмоқ ва тил бирла иқорор қилмоқдур, аммо имоннинг ҳақиқати ғайбға имон келтурмакликдур ва бу давлат ақл йўлидин мұяссар бўлмас.

Фард:

Ақл йўли барча гиреҳ печдур,
Файри Худо ҳар неки бор ҳечдур.

Ҳидояти азалий ва инояти лам язалийдур ва ҳидоят иборатдур ғайбға имон келтурмакликдин ва ул ғайбға имон келтирмак баҳшиши илоҳийдур на касби абадий. Соҳиби «Кашф ул маҳжуб» айтур: амирул мўминин Али каррамаллоҳу важҳаҳудин сўрдилар. «Кунту ъарафту ллоҳа биллоҳи ва ъарафту мо дуна ллоҳи бинури ллоҳи», яъни Худони Худо била танидум ва Худонинг ғайрини Худонинг нури била танидум, бас Худойи таоло тани оғарида қилди ва танинг тирикчилиги ҳаволасини жонға қилди ва дилни оғарида қилди, дилнинг тириклиги ҳаволасини ўзига қилди. Бас ақлга тани тиргузмакликнинг қудрати бўлмаса, маҳол бўлғайки дилни тиргузмак. Чунончи айтибдур: «Авман каана маййиттан фа аҳиянааху» («Аввалан ўлик (кофир) бўлган, сўнгра

биз уни динга ҳидоят қилиш билан тирилтиридик». 6;122) ул жумланинг тириклиги ҳаволасини ўзига қилди. Ул вақтда айтди: ва жаъално лаҳу нурдан ямши биҳи фи иноси («Унга одамлар орасида ўзи билан бирга олиб юрадиган нурни (иёмонни) бериб қўйғанмиз». 6; 122). Офариждор айтти: Нурики мұъминларнинг юриши аниңгдадур, мендурман. Ва ҳам айтти: «Ва лаа тутиъ ман аффалнаа қолбаҳу ъан зикринаа» («Ва биз қалбини Бизни зикр этишдан ғофил қилиб қўйған, ҳавоий нафсига эргашган ва қиласи иши исрофгарчилик бўлган кимсаларга итоат этманг!» 18, 28). Бас вақтеки дилнинг қабзи ва бости ва шарҳи ва хатми аниңг била бўлса, маҳол бўлғайки, киши анга раҳнамолиқ қилолгай. Билгайки ҳар нимаки аниңг файдидур, ҳаммаси иллат ва сабабдур. Ҳаргиз иллат ва сабаб муаллал ва мусаббабнинг иноятисиз йўл кўрсатаолмас, балки роҳбарга ҳижоб бўлғайки роҳбар бўлолмагай. То ушбу ергача «Қашфул-маҳжуб»нинг иборатидур. Бас, банданинг насл қилмоқлиги аниңгдин қосирдур. Вақтеки ҳидояти азалийнинг

8За насими етса дил гулшанидин // имоннинг фунчаси очилур. Ва агар ҳидоятнинг инояти бўлмаса, ҳамма Од қавмининг шамоли бўлур, дил гулшанини йилдизидин қўмарур, варақи очилмоқлиқга пайдо бўлмас.

Фард:

Саҳар вақти очилмай гул не чора,
Табар айлар ўтунни пора-пора.

Чунончи, Пири Ҳирот алайҳираҳма айтур: Абу Жаҳл Каъбадин чиқди ва Иброҳим бутхонадин. Иноят ишини, ул билур, ўзга барчаси баҳонадур. Мақсад бу муқаддиманинг тамҳидидин улдурки, Туғлуқ Темурхоннинг исломининг сабаби улдурки, Шайх Жамолиддинни олдиға келтурди. Кўрдиларки ул хон итларни тўнғиз гўшти бирла тўйғозиб туродур. Хон айтди: Сен ўбдонроқми ё ушбу итму? Шайх айтдилар: Агар имон менинг бирла бўлса, ман ўбдонроқдурман, агар имон менинг била бўлмаса, ит

мандин ўбданроқдур. Ушбу сўздин хонға асаре юз келтурди ва исломнинг муҳаббати дилида қарор олдики, бунинг шарҳи фот фурсатда келур, Худо хоҳласа. Тұғылқ Темурхон Эсан Буғохоннинг ўғлидур ва Эсан Буғохоннинг насаби ушбуудур: Эсан Буғохон Дувожихоннинг ўғлидур, улар Бароқхоннинг ўғли, улар Қора Байсуниг ўғли, улар Момакайнинг ўғли, улар Чигатойнинг ўғли, улар Чингизхоннинг ўғли, улар Юсуқайнинг ўғли, улар Бартоннинг ўғли, улар Қабилнинг ўғли, улар Туминанинг ўғли, улар Пойсунғурнинг ўғли, улар Қайдунинг ўғли, улар Думаниннинг ўғли, улар Буқонинг ўғли, улар Бузанжирхоннинг ўғли, улар Алонқу кўрклукнинг ўғлидур. Алонқу бир мазлумае эди, афиға ва порсо. Муқаддимаи

836 «ЗАФАРНОМА» нинг иборати аниг ҳикоясида // ушбу тарзе биладурки бир нуре ва равшанилиге аниг кулвасиға тушти. Анигдин ўзида ҳомиладорлик асарини топти, чунончи Марямки Имроннинг қизи Жаброил алайҳиссаломнинг дамлари бирла ота восита бўлмай ҳомила бўлдилар ва ҳар иккаласи Ҳудойи таолонинг қудратидин ажиб ва ғариб эмасдур.

Фард:

Агар Марям ҳикоятин эшилдинг,
Алонқу ҳолига бори инондинг.

Мақсад бу китобда бу ҳикоялар эмасдур. Бу Бузанжирхон отасиз онадин туғулди, аммо онасининг насаби Алонқу кўрклук била шарҳ ва сабт топибдур. Ҳамма тарихларда Ёфасғаки, Нұх алайҳиссаломнинг ўғлидур, шул ерга етар. Алонқу кўрклукнинг боболарининг ҳар бирининг аҳволи тафсил бирла таворихларда бордур. Бу ерда узоқға тортрон жиҳатидин келтурулмади ва шарт қилинубдур бу китобда аники мӯғулийларнинг ислом келтурганидан кейингини зикр қилинур ва исломдин илгаригиларини зикр қилинмайдур. Ва маънонинг тамҳид ва тавтиаси аввал китобда ўтти.

ТҮҚКИЗИНЧИ ФАСЛ

ГУФТОРИ ТУҒЛУҚ ТЕМУРХОННИНГ ИБТИДОЙ ҲОЛЛАРИ БАЁНИДА

*М*үғулнинг сақотлари тилларидин фақир шундоғ эшитиб-дурманки, отам ва амаким асканаҳумоллоҳу таоло фи риёзи жинониҳи, яъни ӯлтурғузгой Оллоҳу таоло уларни биҳишт бўстонларида шундоғ ривоят қилибдурларки, Эсан Буғохонки Туғлук Темурхоннинг отасидур, чўнг ҳарамларининг оти Сотилмиш Хотундур, ва яна бир ҳарамларининг оти Менгликхон эди. Сотилмиш Хотун туғмас эди, хон бир вақтда лашкаркашликка бориб эдилар, чунончи мұғул ҳалқининг расми қадимийларидурки, ҳарамлар орасидин ихтиёр чўнг ҳарамдадурлар. Ҳар кимарсаники хоҳласа, қошида сақлар эди ва ҳар мазлуманики хоҳласа кишига берур эди. Бу Сотилмиш Хотунга билиндики

84а Менглик Хотун // хондин ҳомиладордур, деб анингдин рашк әлтиб, ани Шировул духтуйга берди. Шировул Духтуй улуғ умаролардин эрди. Вақтеки хон лашкардин ёниб келиб, Менгликнинг ҳолидин сўрди Сотилмиш Хотун жавоб бердики мен ани кишига бердим. Хон айдики ул мендин ҳомиладор эди деб. Ушбу сабабдин тўла аламнок эдилар. Анинг учунки мұғулнинг расми эди, ҳеч нима демади, фот-фурсатда Эсан Буғохон оламдин борди. Оламда мұғуллардин хон қолмади. Ва мұғулий ҳалқлар ҳар қайсиси ӯзича бўлиб қолдилар. Жаҳонга хароблиқ йўл топди. Амир Буложи дуғлотки, бу каминанинг бобосидур, ул ишга муҳайё бўлдиларки, бир хон пайдо қилғай ва мулкнинг низоми яна интизом топғай. Тоштемур отлиғ бир кимарсани йиборгайларки, Духтуй Шировулни топиб Менгликнинг ҳолидин ва ҳамлидин хабар олғай. Агар ӯгул туғулған бўлса, ӯғурлаб келтургай. Тоштемур айттики, бу ишни вуқуъга келтирмак зиёда мушкилдур. Бу сафарга

зоди роҳила вафо қилмас, уч юз киши иноят қилғайсиз, то улар била кент-кентларни кезиб халойиқлардин сўраб, бу матлубни қўлга келтургаймиз. Амир Буложи анчаки Тоштемур талаб қилиб эди, қабул қилиб юргузди. Узоқ муддатлар Мўгулистан атрофларини кезиб, Широнул Духтуйнинг халқларига етдилар. Менгликнинг аҳволидин ва фарзанди аҳволидин сўрдилар. Айдилар, Менглик бир ўғул туғди ва Духтуйдин ҳам бир ўғул туғди. Ҳоло ҳар иккаласи бор. Ҳоннинг боласига Туғлуқ Темур от қўйди. Широнулинг ўғлиға Инжу Малиқ от қўйди. Алқисса бир тавре била Туғлуқ Темурни топиб олиб қочиб, амир Буложининг тарафига юз келтурди. Амир Буложи Оқсуда эди. Тоштемур Оқсуға яқин етиб эди, бир мунча

846 савдогарларга ҳамроҳ бўлдилар. // Вақтеки, Музот дабонидин ўтиб эдилар, хон тирқиши яхға тушиб кетди. Тоштемур жазаъ ва фазаъ қилди. Ҳеч киши аниг ҳолига қарамади. Карвон дабондин ўтиб эдилар, Тоштемур бу савдогарларнинг орасида бирининг олдиға бордики, аниг оти Бекчик эди. Ҳоннинг қиссанини анга шарҳ била айтти. Ул Бекчик ҳамроҳларининг бир мунчасига айтиб Тоштемур била ҳамроҳ бўлиб, ул тирқиши яхнинг бошиға келиб, Бекчик тубан тушиб хонни саломат топди. Ҳон била шу ерда аҳду шарт қилишдилар. Андин кейин хонға узр айттики, агар аввал сизлар чиқсалар, мени чиқаришнинг эҳтимоли бўлмагай эрди, аввал ман чиқсам, сизларни чиқармоғлиқ ҳаммага лозимдур деб бу узрларини туттагандин кейин қичқирдики, арқом ташланглар. Арқом ташладилар. Аввал Бекчик чиқди, андин кейин хонни чиқардилар. Ҳамроҳ бўлишиб Оқсувға амир Буложининг олдиға келди. Амир Буложи ани у ерда хон кўтарди.

Нечанд кун ўтгандан кейин, тамоми Мўгулистан, балки Чифатой юртининг тўлароқини мусаххар қилиб ўзи ёлғиз бир гушага кириб бир кимарсани буюрдики, фалон шайхни ўз отингға миндуруб, иззат била келтургил. Ул кимарса келиб ўз отини шайхнинг олдиға тортиди. Шайх кўрдики, аниг эгари тўнғуз қони бирла олудадир. Шайх айдики, пиёда борарман деди. Ул кимарса муболага била айдики, хукм шундоғдур, отға мининг деди. Шайх таҳоратнинг лунгисини

эгарға ёғиб отланди. Келиб күрдикі, хон бир гүшада танҳо турубдур. Шайхдин сүрдикі, ул нима нарсадирки, агар ул бұлмаса одамидин ит үбденроқ бұлғай. Шайх ул имондур деб имон ва

85а исломнинг таърифини камойанбағий баён қилди. Хон йиғлаб айтдикі, агар ман // хон бұлсам ва үзимча иш пайдо қылсам, албатта менинг олдымға келгайсиз. Мен мусулмон бұлғаймен, деб шайхни иззат-хурмат билан ёндуруди. Бу воқеалардин кейин шайх оламдин бордилар. Бу шайхнинг бир үғли бор эди. Бағоят рушд ва ҳидояти бор эди. Мавлоно Аршадуддин отлиқ бу киши ҳам аҳли ҳол эди. Анга отаси васият қилдикі, мен тушимда күриб әдимки, бир чирогени бир әгиз дубанинг үзасига ёндурудум. Тамоми машриқ тарафи равshan бұлди. Андин кейин Гүфлүқ Темур манга Оқсуга учради. Ва анчаки, мазкур топиб эди, ҳаммасини айтди. Вақтеки мен бу оламдин борсам, албатта күз тутғилки, ул йигит хон бұлса, анинг олдига борғилки, ул йигит үз ваъдасига вафо айлагай ва ислом келтургай. Бу саодатманликка саъй күрсатгувчи бұлғилки, бир оламе сендин мунаvvар бұлғай. Вақтеки шайх бу васиятни тамом қилиб оламдин борди, яқин муддатда хон бұлди. Вақтеки мавлоно Аршадуддинға хон бұлғон хабари етди, Оқсудин Мұғалистонға борди. Хоннинг подшолиқи ниҳояте улуғ, анча саъйлар қилди. Хонга мулоқот бўлмоқ мұяссар бўлмадики, үз арзларини айтғай. Ва ҳар сахар хоннинг ўрдасига яқин аzon айтди. Бир сахарда хон хизматкорларидин бирини қичқириб айттиki, бу овозни эшитасен нечанд сахардурки бир кимарса шумдоқ фарёд қиласадур, борғил ани келтургил. Ҳазрати Мавлоно ҳануз аzonни тамом қилмаб әдиларки, ул киши келиб, мавлононинг гулуни сиқиб судрай-судрай хоннинг олдига олиб келди. Хон мавлонони қичқириб айттиki: «Сан нима киши ҳар сахар уйқунинг үбденлиқ вақтида фарёд қиласен». Мавлоно айттиларки, ман ул

85б кишининг ўғлидурманки, фалон вақтда мусулмончилик // ваъдасини қилиб экансиз деб, ўтган ҳикояларни бирин-бирин баён қилди. Хон айтти: яхши келибсен, доданг на ердадур? Айтти, вафот қиласа. Ва манга бу ишни васият қилиб айттиki, албатта анинг олдига борғил. Хон айттиki анинг бу ерига хон бўлуб

эдим, ҳамиша хотиримға кечар эдики, шундоғ ваъда қилғон эдим. Ул кимарса келмади деб. Энди хуш келибсан, нима қилмоқ лозим деди. Чунки ҳидоятнинг офтоби иноят машриқидин ул саҳарда чиқиб куфрнинг қоронғу кечасини йўқ қилди. Ҳазрати Мавлоно хонни фусл қилдуруб, имон арз қилдилар. Хон мусулмон бўлди ва яна имоннинг ошкоро ва исломнинг ҳувайдо бўлмоғлиқнинг тарҳифа қадам қўйди. Қарор шунға қилдиларки, умароларни бир-бирин чорлағайлар. Ҳар кимарсаки, имонни қабул қилса, фаҳувал мурод, магар, қабул қилмаса, оятеки далили қатъийдур. «Фақтулу ал-мушрикийна ҳайсу важдатумухум» («Мушрикларни қаерда топсангиз ӯлдирингиз». 9; 5)ға амал қилғайлар. Яъни кофирларни ӯлтиргайлар. Вақтеки кундуз бўлди, амир Тўлакки бу факирнинг амаки бўлғай, шул замонада дуғлотнинг мансабига барқарор эди, аввал ани танҳо чорлади. Хоннинг олдиға келиб, кўрдики, бир тоҷике бирла чодирда рўбару ӯлтурубдур. Амир Тўлак ҳам келиб ӯлтурди. Хон сўзни ибтидо қилиб, исломнинг даъватини еткурди. Амир Тўлак йиғлаб айттики, ман уч йилдин илгари Кошқарнинг сулаҳоларининг қулида мусулмон бўлиб, имон келтурган эдим. Сиздин қўрқуб ошкора қилмай эдим. Қайси яхши иш имон айтмоқдин ўбдан бўлғай деди. Хон дарҳол қўфуб аниңг бирла қучоқлашди. Учовлан бўлдилар. Яна ушбу тариқа бирла бирин-бирин умароларни чорладилар. Ва имон арз қилдилар.

86а То навбат // умарои Чуросга етди. Ул унамади. Бир шарт ораға солдики, менинг Санғуйбу отлиқ бир кишим бор. Агар ушбу тоҷик шуни чалса, имон келтурамен деди. Хон ва ўзга умаролар айттиларки, бу нима номаъқул шартедур. Ҳазрати мавлоно айдилар, ўбдан шундоғ бўлғай. Агар ман ани чаломмасам, сени исломға таклиф қилмағайман. Хон Мавлоноға айтти, ул кишини ман биламан икки ёшқа кирган тевани кўтарадур, ул кофиридурки, одам жумласидин эмастур. Ҳазрати мавлоно айдиларки, агар Ҳудойи таало хоҳлаган бўлса, бу мўғул исломға мушарраф бўлғай. Бу саодат менинг отимға бўлғай. Албатта Ҳудойи таоло манга қувват берур деди. Хон ва ул умаролареки, мусулмон бўлиб эдилар, бу ишға ризо бўлмадилар. Ул ҳолда улуғ жамоалар ора-

сида ул кофирни олиб келди. Бу кофир илгари келди. Ҳазрати Мавлоно ҳам ўринидан қўпуб, илгари юрдилар. Ул кофир ўз кучига мағрур булиб, такаббур ва фурур юзидин илгари юрди. Мавлоно анинг назарига зиёда ҳақир кўринди. Вақтеки бир-бирларига қўл узатдилар, мавлоно қўлларини бу кофирнинг сийнасига қўйғон замон беҳуш булиб йиқилди. Соатедин кейин ҳушига келиб, калимаи шаҳодатни тилига жорий қилиб, йиғлаб, қўфуб ҳазрати Мавлононинг оёғлариға йиқилди. Ҳалойиқлардан фарёду фирев чиқди. Шул кунда юз олтмиш минг киши баякбор имон айтиб мусулмон бўлдилар. Хон ўзини ўзи хатна қилди. Исломнинг нури қуфрнинг қаронгулукини йўқ қилди ва ислом хоннинг ютида ошкоро бўлди, Алҳамдулилоҳи валминна то бу

866 кунларғача бу хонадони олий мақомда // исломнинг давлати барқарор бордур. Андин кейин хони давлатманд халаф ва салафларға бир-бир орқа диннинг қавий бўлмоқлигига саъйлар қилди. Чунончи зикр топғусидур. Туғлуқ Темурхон мавлоно Аршадуддиннинг қўлида мусулмон бўлғонидин кейин анинг хусусиятларини киши билмабдур. Аммо Туғлуқ Темурхоннинг боқий ҳоллари мӯғуллар тилида мутлақо йўқ эди. Аммо «Зафарнома»да ани жинс бирла нақл қилинур.

ЎНИНЧИ ФАСЛ

**НАҚЛ «ЗАФАРНОМА»ДИН: ТУҒЛУҚ
ТЕМУРХОННИНГ МОВАРОУННАҲР
МАМЛАКАТИҒА ЛАШКАР
ТОРТҒАНИНИНГ БАЁНИ**

Вақтеки Мовароуннаҳрнинг мамлакатининг: вазълари зикр топғон воқеалар пайдо бўлмоқидин бир ерга еттики, Туғлуқ Темурхон Эсан Буғоҳоннинг ўғли, улар Дувожихоннинг ўғли, Чигатойхоннинг наслидинки, Жетанинг подшоҳи эди, анга ҳасаб ва

насаб билан ул мамлакатларнинг подшоҳлиқи етар эрди, ўзининг аҳли ҳашамат ва тобеларини йиғиб лашқар тайёр қилиб, тарихқа етти юз олтмиш бир мувофиқки сочқон (сичқон) йили рабиул охирда, кишварқушолиқ расми бирла Мовароуннаҳр тарафига юз қўйдиларки, Тармасаринхоннинг вафотидин то бу вақтгача ўттуз йил ўтиб эди. Бу қарнинг ичидаги олтмиш хон Чифатойхоннинг шаҳрларида подшоҳлиқ қилдилар. Вақтеки Түғлуқ Темурхон Ҳоқмалоқ кентига еттиларки, Хўжанднинг суйига яқиндуру, Тошкантнинг саҳросидин умаро ва аркони давлатлар бирла кенгаш қилиб, умаролар салоҳияти анингда кўрдиларки, Иғтақ Темурки анинг аймоқи Угротийдир ва Ҳожибекки, анинг аймоқи Канутдиндур ва Танқхилки анинг аймоқи Қонеъли эди, мангалой расми

87а бирла илгари юргайлар. Бу уч умаро фармонбардорлиқни // зоҳир қилдилар. Вақтеки, Хўжанддин ўтдилар Амир Боязид Жалойир байтифоқ буларға мутобаат қилдилар. Ўз қавми бирла уларға уландилар. Ондин Шаҳрисабз тарафига юрдилар. Амир Ҳожи Барлос Қаршининг лашкаркашларини ва ул кентнинг лашкарларини йиғиб улар бирла хусуматни даф қилмоқ учун отландилар. Ва булар бу маслаҳатни билмай анингдин илгари икки тарафнинг сипоҳлари бир-бирлари бирла мулоқот бўлдилар. Андин таважҷухнинг жиловини Ҳурсон тарафига ўйрудилар.

Назм:

Чу келгай ҳар иш токи тадбир ила,
Тариқи саломат эмас зор ила.

ЎН БИРИНЧИ ФАСЛ

СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР КЎРАГОННИНГ ҲАСАБ ВА НАСАБЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Баъзи подшоҳи зулиқтидор ва авлиёи кибор ва фузалои номдорлар бар сабили ихтисор андоқ айтибдурларки, Соҳибқирон

Амир Темур Кўрагоннинг ҳасабу насаблари Чингизхонга ушбу тартиб бирла мураттаб қилинурки, Амир Темур соҳибқирон Амир Тарагойнинг ўғли, булар Амир Буркулнинг ўғли, булар Амир Илингирнинг ўғли, улар Ижилнинг ўғли, улар Қарожар Нуённинг ўғлидур. Қарожар Нуён Чингизхоннинг амакийидур ва Қарожар Нуённинг насаби бу тартиб бирладурки, Қарожар Нуён Суужаминнинг ўғли, улар Эрумчи Барлоснинг ўғли, улар Қожуи Баҳодирнинг ўғли, улар Тўминахоннинг ўғли, улар Пойсунғурнинг ўғли, улар Қайдухоннинг ўғли, улар Думанихоннинг ўғли, улар Бузанжирхоннинг ўғлидур. Чингизхоннинг насаби Тўминахонга етадур. Тўминахон Чингизхоннинг тўргинчи бобосидур. Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг онаси Такинафону улар ҳам подшоҳзодадиндорлар.

876 Соҳибқирон // таърихқа етти юз ўтгуз тўрт, моҳи шаъбоннинг йигирма бешинчи (1336 йил 9 апрел) кечаси, Шахрисабзда вужудлариға келдilar. Асли Мовароуннаҳоннинг вилояти Кешидиндур.

ЎН ИККИНЧИ ФАСЛ

НАҚЛ «ЗАФАРНОМА»ДИН: ГУФТОРИ

**ҲАЗРАТИ СОҲИБҚИРОННИНГ АМИР ҲОЖИ
БАРЛОС БИРЛА МАШВАРАТ ҚИЛИБ ДАРЁЙИ
ЖАЙҲУНДИН ЁНИБ ТУГЛУҚ ТЕМУРХОННИНГ
УМАРОЛАРИ БИРЛА МУЛОҚОТ БЎЛГОНЛАРИ**

Вақтеки ҳазрати соҳибқирон Жета тарафига отландилар, амир Ҳожи Барлос Жетанинг сипоҳлариға мулоқот бўлмоқдин ғамнок бўлиб ўз юртини ташлаб Хуросон тарафига юди. Соҳибқирон жазман билдиларки, агар бу сафарда узоқ турса, ватани аслий зерзабар бўлиб, мулк қўлдин кеттай. Онинг учунки Соҳибқироннинг оталари Амир Тарагай оламдин бориб эрди бовужуди Соҳибқироннинг соли йигирма бешдин ўтмаб эрди, кенгашни амир Ҳожи-

га қўйдилар. Амир Ҳожи айтти, эй подшоҳ, сизлар Кеш тарафига борсалар, мен Ҳурросон тарафига борсам, токи юрт хароб бўлмаса, раъиййалар Ҳудои таалонинг омонатидур, захмат ва ташвишликка қолмаса, деди.

Амир Ҳожининг бу сўзини яхши кўриб, ҳазрати соҳибқирон отнинг жиловини вилоят тарафига тортиб равон бўлдилар. Вақтеки Зарозкентига етдилар ҳожи Маҳмудшоҳ Басурийни кўрдиларки, Жетанинг лашкарларини жамъ қилиб, анбуҳ гуруҳ бирла турибдур. Ҳазрати соҳибқирон халойиққа таскини хотир бердиларки, сизлар бу ерда таваққуф қилингларки, ман бориб Туғлук Темурхоннинг умаро ва сипоҳлариға мулоқот бўлиб, уларға савоб ва рост йўлни айтиб адо қиласай дедилар. Ҳазрати Соҳибқироннинг сўзлари камоли давлатнинг талқини эрди, аммо қазонинг ҳукмини ҳеч боб бирла ёндиrolмади, бу ҳалқнинг

88а юрмакка // тақозоси бор эди, ночор шул ерда туриб қолди. Ҳазрати Соҳибқирон юриб кетдилар. Вақтеки Кешга етиб эдилар, Жетанинг умаролари ҳам ул ерга етган эди. Ва ул уч умароларға мулоқот бўлғайлар. Умаролар дарҳол етиб келиб, Соҳибқироннинг муборак пешоналарида фармонбардорликни мушоҳада қилиб, эъзоз ва икром бирла туштилар. Ва уларға хоннинг мутобиатини изҳор қилмоқ учун яхши сўзларни қилдилар ва тумон амир Қарожар Кеш вилоятининг умаро ва тёбеълари бирла уларға муқаррар бўлди. Қаҳри ва балонинг сели ул диёрға юз келтуруб эди. Соҳибқироннинг юмни баракотларидин тўхтади.

Назм:

Гар ғаме етса бировга шодмонлик бўлғуси,
Умр агар топса назарким жовидонлик бўлғуси.
Гар ели дўзахқа элтса кавнингизнинг тупроги,
Сув ўлиб ўтлар, ўликлар барча жонлик бўлғуси.

Ҳазрати Соҳибқирон Жетанинг умароларининг олдидин ёниб келиб Шаҳрисабздин то Жайхун лабигача лашкар жамъ бўлмоқ-

ликка фармон қилди. Фот фурсатда тұла лашкар жам бұлды. Ул ердин юриб Амир Хизр Басурийнинг қошиға келди. Бу аснода Жетанинг умароларининг орасида мухолафатлик тушиб, үзининг ҳамма лашкарлари бирла ул кентлардин күчиб ёниб Туғлуқ Темурхоннинг үрдасиға уланиб эди ва амир Боязид Жалойир үз тобелари бирла ҳазрати сохибқиронға ва амир Хизр Басурийға лохиқ бұлдилар.

ҮН УЧИНЧИ ФАСЛ

НАҚЛ «ЗАФАРНОМА»ДИН: ТУҒЛУҚ ТЕМУРХОН МОВАРОУННАҲРНИНГ ВИЛОЯТИҒА ИККИНЧИ НАВБАТ ЛАШКАР ТОРТМОҚИНИНГ БАЁНИДА

Вақтеки Туғлуқ Темурхон Мовароуннаҳрнинг вилоятиға иккинчи

886 маротаба бормоқни ихтиёр қилди. Ҳаддин // фузун лашкар жамъ қилиб, жумодиул аввалда, тарихға етти юз олтмиш икки, уй йили эди. Таважжуҳнинг юзини ул дарёға қўйдилар. Вақтеки Ҳўжандга етдилар, амир Боязид Жалойир ва Амир Баён Сулдуэлар итоат қилиб, пешвоз олдилариға келдилар. Ва амир Ҳожи Барлос аввалқи навбатда мухолифатчилик қилиб эди. Таваккал қилиб хоннинг олдиға борди. Бу аснода хон амир Боязида буюрдиларки, муни тутиб ўлтириинглар. Амир Барлос қочмогликини ихтиёр қилди ва юзин Кеш вилоятиға қўйди. Ўз тобеларидин баъзиларини Жайхун сийидин ўтказди. Жетанинг сипоҳлари жамъи касир била амир Ҳожининг орқасидин қуғлаб келдилар ва жанг қилишиб Жуғом Барлос үлди. Ва Амир Ҳожи қочиб Ҳурнос тарағыға юз келтирди. Вақтеки Ҳарошага етдики, ул бир кентdir, Жувайин шаҳрида вилояти Сабздин жамъе ёмон

халқдар у ерда йиғилишиб, олдини түсіб тутуб үлтурди. Хурсонни фатх қылғондин кейин Соҳибқирон Кетистоннинг^{*} интиқомларини талаб қылғай. Жамоалареки уларнинг тифи бирла үлиб эдилар, Сұрғол деган кентта, Амир Ҳожининг ворисларининг пораи кентидин эди, ул ерлар уларнинг боркаш ва коргузарларидиндер. Жетанинг умароларидин амир Ҳамидки анинг аймоги курлакут эди. Үз асрларида қамоли ақл ва фаросатнинг зиёдалигига илғонған эди. Ҳоннинг олдида ҳам ҳар нимаки десалар маъқул тушар әрди. Ушбу ҳолатда ҳазрати Соҳибқироннинг улуғлары ва покизаликларини хонга арз қилди. Ва вилоятнинг бобида мерос ҳасаби

89а бирла ҳазрати Соҳибқиронға // таалуқлари бор эди. Амон талаб қилди. Ҳон анинг сүэини ризо қулоги бирла англа-ди. Элчи буйурдиларки, ҳазрати Соҳибқиронни чорлаб келгай. Вақтеки Соҳибқирон ишорат ҳасаби бирла хоннинг олдига келди, хон булаарнинг қадам келтурганларига турлук-турлук наво-зишлар билан икром қилди. Иёлати вилояти Кеш ва туманки мероси әрди, тобелари бирла әхсон қилиб бердилар. Ва хон шул зимистонда Амир Ҳусайннинг азми размини жазм қилиб, анинг тарафига юз келтурди. Амир Ҳусайн ҳам лашкар тортиб, Вахш сүйи лабига келди. Ва ул ерда лашкарларни турғузди. Вақтеки хон Дарбанди Оҳанин деган ердин үтиб ул ерга етди, икки тарафнинг сипоҳларини бир-бирлари кўришиб, саф туздилар. Кайхусрав Ҳутталони үз тобелари бирла Амир Ҳусайндин юз ўйируб сафни вайрон қилиб хоннинг лашкариға уланди. Амир Ҳусайн бу ҳолни кўруб қочмоқликга юз қўйди. Ҳон анинг орқасидин равон бўлди. Жайҳундин үтиб то Қундузга келди. Амир Ҳусайннинг лашкарлари эл бўлди. Ул мавзенинг халқини то Ҳиндукушнинг добонигача горат қилдилар. Ва қиш ёзни шул атрофларда үтказдилар.

* Санкт-Петербургда С. 0759 рақамли қўлёзмада «Амир Ҳожи барлоснинг интиқоми учун» деб ёзилган.

ЎН ТЎРТИНЧИ ФАСЛ

**НАҚЛ «ЗАФАРНОМА»ДИН: ТУГЛУҚ
ТЕМУРХОННИНГ ЎЗ ТАХТГОҲЛАРИФА
ЁНМОҚЛАРИНИНГ БАЁНИ**

Вақтеки хон Понир деган ерга келиб, Самарқанд тарафига юз келтурдилар. Йўлда буйурдиларки, то Амир Баён Сулдузники ясоқға еткургай. Вақтеки Самарқандга етдилар, Мовароуннаҳонинг ҳамма мамлакати анинг таҳти тасарруфиға кирган эди. Ҳамма умаро ва 896 ҳокимлари кому ноком бошларини фармоннинг хатига // қўйғон эдилар. Бир гуруҳ ҳалқ уларнинг ёмон ишларидин андиша қилур эрдилар. Амир Баён Сулдузни ясоққа олиб келди. Баъзи ўбдан ҳалқларға илтифотлар қилиб ўз ўғлонлари Илёс Ҳожани ул диёрнинг ҳокимлиғига қўйдилар. Жетанинг лашкарларидин ва улуғ умароларидин ҳаммасидин муқаддамроқи Бекчик эди. Анинг мулозиматига музлар бериб ҳазрати Соҳибқиронни синф-синф тарбиятлар, турлук-турлук меҳрибонликлар қилиб ўғлонлари Илёс Ҳожанинг олдида қўйди. Вақтеки Соҳибқироннинг аҳвол ва авзоъларидин улуғлув ва покизалиқ асарини мушоҳада қилиб, ул мамлакатнинг забт ишларини анга тофшурдилар ва ўзлари комкорлиқ бирла подшоҳлиқ қароргоҳига ёнди.

Назм:

Зафар мулозиму нусрат қарин, давлат ёр,
Ки толии улуғу хушлук эттуси изҳор.

Хон Мовароуннаҳо диёридин ёниб Жетанинг ҳалқининг пешқадамлигини Амир Бекчикга таслим қилиб ул мамлакатларнинг ҳалқининг маслаҳатларини соҳибқироннинг яхши тадбирифа топшуруб ёндиilar. Амир Бекчик хоннинг амрларича юрмай зулм ишларини тўла қилиб, гумроҳлиқ ва душманликка қадам қўйди.

Ҳазрати Соҳибқирон буни куриб билдиларки, хоннинг ёрлигини бузуб, мамлакатнинг ҳоли бузуклуғға анжом топди. Ул диёрда турмоқлиғни хўб кўрмай, Амир Ҳусайнни истамакликка жазм қилди. Ва қочмоғлиқға юз қўйди. Вақтеки Амир Ҳусайндин ҳеч хабар зоҳир эмас эди, аниг ҳолини жустужу қилмоқ учун юзини биёбон тарафига қўйди. Филжумла, бу аҳвол

90а мазкур // мӯгулийлар тилларида бор эдики, то Самарқанд-ғача Туғлук Темурхоннинг таҳти тасарруфида дер эдилар. Бундин зиёда ҳеч аҳвол маълум эмас эди. Ва Амир Буложики илгари Туғлук Темурхонни хон қилишда мазкур бўлиб эди. Амир Буложи учун хондин бир нишон ва ёрлиқ воқеъ бўлиб экан ушбу жиҳатдинки, илгари Чингизхон Амир Буложининг ота-бобосиға берган экан. Булар ўтиб ул нишон мерос тариқаси бирла факирнинг хонадонлариға қолғон эди. Қундузда мӯгулий иборати бирла футулган, мақсад улки мӯгулий ул нишоннинг ҳужжати бирла то Қундузғача хоннинг тасарруфида дер эрдилар. Ва «Зафарнома»нинг таҳдиридин шундоқ маълум бўладурки, тарихқа етти юз олтмиш тўртда хон вафот бўлубдур. Мӯгулийлар тилларида мундоқ зикр бўлубдурки, хон ўн олти ёшқа кирганда қолмоқдин Амир Буложи келтурубдур. Андоғки мазкур бўлуб эди ва ўн саккиз ёшға кирганда хон бўлубдир. Йигирма тўрт ёшга кирганда мусулмон бўлуб, ўттуз тўрт ёшга кирганда вафот бўлубдур. Хон вужудга келганда тарихқа етти юз ўттуз экандук.

ЎН БЕШИНЧИ ФАСЛ

ИЛЁС ХОЖАХОННИНГ ЗИКРЛАРИ

*И*лёс Хожаҳондин мӯгулийлар орасида ҳеч ному нишона ўқдур. Фақирнинг хотириға шундоқ кечадурки, отам навварал-

лоҳу марқадаҳудин Илёс Ҳожаоннинг отини англағон эдим. «Зафарнома»да аниң ахволини ул миқдорки сўзининг зайди анга тааллуқ топиб эди. Ани яна шумдоқ бу ерда нақл қилинур.

**НАҚЛИ «ЗАФАРНОМА»ДИН: ГУФТОРИ
АМИР ҲУСАЙННИНГ ВА ҲАЗРАТИ СОҲИБҚИРОН
ТОЙХОН ВА БАДАХШОН ТАРАФЛАРИГА ЮЗ
КЕЛТУРГАНЛАРИ ВА ПОДШОҲЛАР // СУЛҲ
ҚИЛИШҚАНИНИНГ БАЁНИ**

906

Вақтеки булар Қундуз тарафига азм қилдилар, ул диёрнинг халойиқларини йигиб андин Бадахшонга юз қўйдилар. Вақтеки Толихонға етдилар, Бадахшон подшоҳлари маслаҳат бирла буларнинг истиқболлариға чиқдилар. Ваҳшат ва мухолифатнинг ҳаммаси кўтарилиб кетди. Ул ердин Арҳанг тарафига ёндилар. Андин ўтуб Моли сарой деган ерга юруб Ҳатталон тарафига юз келтуруб, чўлға кириб, чўлдин ўтуб, Даشتி Кулак деган ерга чодир тикдилар. Бу ерда табиатлари ором олмоғлиқға майл қилди. Ондин кейин ҳазрати Соҳибқирон истироҳат қилмоқлиқға игинларини солиб ва ўтукларини тортиб эдилар, Амир Ҳусайн Соҳибқиронни чарлаб келгали киши буйруди. Вақтеки Амир Ҳусайн тарафига равон бўлиб келиб мажлисға кирдилар. Ҳозирлардин Фўлод бўға ва Шербаҳром бор экан. Амир Ҳусайн ҳазрати Соҳибқиронға Шербаҳромнинг шикоятини ибтидо қилди. Шундоқ вақтдаки душмандин халос бўлиб ўз диёrimизға азм қилоли десам, жудолиқни истаб вафову мурувват йўлиға манголи унамайдур. Соҳибқирон анга нечанд насиҳатларни қилдилар. Сарзаниш ва маломатлар қилди. Аммо аниң жавоби, мисраъ: «Ман эшитмайман кишининг сўзин» ушбу мисраъ мазмунига боғлиқ эди. Амир Ҳусайн ҳарчанд ул Шербаҳромга қаттиқ газаблар қилди, вақтнинг тақозосига боқиб бу ишға сабр қилдилар.

Қитъа:

Ҳарчанд киши қодиру тавоно ўлса,
Ҳам гоҳи ғазаб ўтини ютмоқ лозим.

Охирул амр Шербаҳром Толихон тарафига равон бўлди. Ушбу 91a ҳолда // бу хабарни англофон эрдики, Туғлуқ Сулдуз ва Кайхусрав Жетанинг лашкарлариға бош бўлуб, Жетанинг умароларининг тўласи бирла илгари келибдурмиш деб, Темур Тумаконнинг ўғли Сариф ва Танкум ва Туғлуқ Ҳожа, Ҳожибекнинг биродари ва Кучтемур Бекчикнинг ўғли ва яна Ҳазоранинг умаролари ва черики, жамиъи йигирма минг киши, Жолоно йўлидин Тошқўпрукда ўлтуриб эди. Бу тарафда олти минг кишидин зиёда лашкар ҳозир эмас эди. Соҳибқироннинг ақидаларининг поклиқи қавий эди, «Кам мин фиатин қалилатин голабат фиатан касийротан» («Қанчадан-қанча кичкина гуруҳлар Оллоҳнинг изни билан катта гуруҳлар устидан ғолаба қилган». 2; 249), яъни оз лашкар ғолиб бўладур, тўла лашкарга Худойи таолонинг изни бирла.

Байт:

Агар баҳри гетий бўлур пур наҳанг,
Яна тоғу саҳро бўлур пур паланг.
Бўлур кимсага ёр баҳти баланд,
Ки етмас анга бир сари мӯ газанд.

Икки минг диловар эрлар бирлан Ҳудоға таваккал қилиб душман тарафига илгари юруб Тошқўпрукнинг бошида икки тарафнинг лашкари мулоқот бўлиштилар. Чошт вақти эдики жангнинг аламини тикдилар, то ул вақтгачаки кун кеч бўлди. Андоғ жанг қилдиларки, зиёда қаттиқ жанг бўлди. Ул кун то кечгача иккала тарафнинг баҳодирлари Тошқўпрукнинг бошида андоқ қушиш қилдиларки, ҳеч баҳодирнинг жигарида нам қолмади. Андин жангнинг майдонидин ёндишлар. Мухолиф лашкарининг тулалиқи ҳаддин зиёда эрди. Ҳазрати Соҳибқиронға давлатнинг илҳоми ҳосил бўлдики, баҳодирлук шамширини то ақли комилнинг сайқали бирла эритмағунча фатҳ-нусратнинг юзини ул шижаотнинг шамширида кўргали бўлмас.

ЎН ОЛТИНЧИ ФАСЛ

916

**// НАҚЛ «ЗАФАРНОМА»ДИН: ГУФТОРИ
ҲАЗРАТИ СОҲИБҚИРОННИНГ ТОШҚЎПРУК
ЛАБИДИН ЎТГАНЛАРИ ВА ЖЕТА
ЛАШКАРИНИНГ ҚОЧГОНЛАРИНИНГ ЗИКРИ**

*Ҳ*азрати Соҳибқирон амир Мусо ва амир Муаййад арлот ва Учқора баҳодирларни минг беш юз отлиқ киши билаки, бири минг кишига тегадурғон бўлғай, Тошқўпрук бошида душман лашкари бирла баробар тўхтаттилар. Бу беш юз кишини гүёки кўзларига сурмаи билур эдилар, сув юқорисидин майдон тарафига юз келтуб нисф кечада favvoslik била сувдин ўтиб тоғ тарафига юрдилар. Тонглasi отларининг изидан қоравулчиларға маълум бўлди-ки, лашкар сувдан ўтубдур деб. Бу сабабдин уларға ҳам дағдаға пайдо бўлди. Вақтеки яна кеча бўлди, «Жаҳон бошға келтурди қуҳли язид». Ҳазрати Соҳибқирони кишвар кушой, адувбанди мушкин каминаға буюрдики, икингиз тоғлар устига тўла ўт ёқинглар деб. Мухолифат лашкари буни кўриб, қўрқунч ва вахшат ғолиб бўлди. Бу ерда туролмай ўз жойидин қўзғалиб изтироб бирла қочишга турди. Ва ёнмиш тарафига юз қўйди. Парвардигори оламнинг инояти бирла шундоқки бир отлиқнинг баробарида ўн жангжўй тифсан, найзагузорлари бор эрди. Жангу машаққат тортмай қўғлади. Ажабо ул кимарсағаки, Парвардигори оламнинг инояти жорий ва ёварлик қиласа киши анга баробарлик қилолғой ва кимарсани Ҳудо азизу аржуманд қиласа, анга бадҳоҳлик қиласа, ул кишининг баҳти ёниб, жаҳонда хорлук бўлғай.

Фард:

Бад андишлиқ эттан ул шоҳға,
Нечук қолмасун хор ила зорға?

Вақтеки душманлар бир бўлушуб қочдилар, ҳазрати Соҳибқирон лашкарлари бирла гүёки пили дамон хурушлар чиқариб, ноғоралар уруб,

92а шоду хуррамлик била тоғ устидин // от ҷоғтилар то Майдонғача журъатлар кўргузуб душманлар умрини нобуд эта-дурғон тиғлар ва жон қирадурғон найзалар бирла уларнинг рўзғоридин димор чиқардилар.

Фард:

Чу ул йўлда қўпрак адувлар ўлуб,
Биёбон ҳама пушта барпушт ўлиб.

Шул маҳалда фатҳу нусрат тоғиб, шод ва масрурлиқ бирла оромгоҳларига тушдилар. Амир Ҳусайн ҳам қолғон лашкарлар бирла орқадин еттилар. Бу фатҳи аржуманд насимидин иқбол кўчнатининг шохи бош кўтариб, амонлиқ бўстонига беандоза тароват юз келтурди. Подшоҳлику сипоҳлик шаъну шавкати бири минг бўлди.

Фард:

Дилу қўл сипаҳларга бўлди қавий,
Ки Соҳибқирон топди иззат нави.

Вақтеки Соҳибқироннинг улуғлук ва баландлик мартабаси таҳаққуқ топди, яна икки минг киши бирла илгари юруб Кешнинг қалъасига етдилар. Кешнинг халқи ва атрофидаги одамлари фавж-фавж, гуруҳ-гуруҳ келиб Соҳибқироннинг истиқболига келдилар. Соҳибқирон икки минг кишики ўзлари бирла ҳамроҳ келтуруб эрдилар, бунингдин уч юз кишини илфор олиб йўлға равон бўлдилар.

Ва ўзгаларни шул ерда турмоқликға ҳукм қилдилар. Ул уч юз отлиқдин икки юз кишини амир Сулаймон барлос ва амир Жоку барлос ва Баҳром Жалойир ва амир Жалолиддин барлос ва амир Сайфиддин ва Йўлтемур бирла Кеш тарафиға юргузуб буйурдиларки, тўрт қўшин бўлғай, ҳар отлиқ икки бояшни маҳкам қилиб,

отни иккала ёнидин оссин, то ғуборлар үрлагай ва зиёда туғлар қўпғай. Агар ул ерларда қаровулчилар бўлса, қочқайлар. Булар буйруғонларидек ишни бажо келтурдилар. Ва тадбир-

92б тақдирға мувофиқ тушди. Вақтики Кешнинг қаровулиға // яқин келдилар, Жетанинг сипоҳлари ул ғубордин қўрқуб, улар Кеш шаҳрига кириб, ул шаҳрнинг забтиға машғул бўлдилар. Ажабо, Худонинг лутфу инояти подшоҳлиқ арконининг улуғлиқи борасида гоҳе ўт ёндумоқлиқдин лашкарларени синдирур, гоҳе бир ғубор қўзғомоқлиқдин диёрини мусаххар қилдирур.

«Чашми бад бўлрай йироқ, мундоқ баландлик бўлмағай.» Шул вақтда Илёс Хожаҳоннинг иқомат қиладурғон ери Тошарифи эдики, Кешға тўрт фарсанг ердур. Умаро ва аъёнлари ва акобиру сипоҳларининг тўлалиқи ҳаддин бешумор эрди. Ул вақтда Туғлук Темурхон хонлик тахти қароргоҳидин ўтган эрди. Улуғ Туғтемур ва амир Ҳамидлар Илёс Хожаҳонни ўз юртиға олиб борғали келган эрди, токи отасининг ўрнида ўлтуруб забти мамлакат қилғай. Ва ҳазрати Соҳибқирон юз отлиқ бирла кечалаб юриб, Ҳарроға келди. Вақтеки кундуз бўлиб эди, ҳалойиқлар ҳаракат-ға келдилар. Ҳазрати Соҳибқироннинг етиб келганларидин хабар топиб, остонасининг заминбўслиқиға изтироб айладилар. Соҳибқирон Ҳарроғ ва Кешнинг ҳамма сипоҳлариға ҳукм қилдиларки, Ҳожа Солирийни жандовул қилиб лашкарлари бирла Чигролик тарафига равон бўлдилар. Ул ерга етиб тушдилар. Шайх Муҳаммадки, Сулдузнинг ўғли, етти қўшин лашкар билан Соҳибқиронға уланди. Шул ерда етти кун тўхтадилар. Амир Ҳусайн ва сипоҳлар ва анчаки Соҳибқирон қалъада қўйғон эди, барчалари етиб келди. Ва Шербаҳромки Даشتி Қўлакда жудо бўлиб, андин ўз элига борғон эди. Ҳатлон лашкарлари бирла қирқ уч кундан кейин шул ерда буларға қўшилдилар. Амир Ҳусайн ва соҳибқирон жамъи лашкарлари бирла

93а ул ердин кўчиб, // Ҳарроға келдилар. Ул ерда Ҳожа Шамсиддин наввараллоҳу марқадаҳунинг мозори мутабаррукала-

рига кириб, ул бузрукнинг руҳи покларидин мадад ва истионат талаб қилиб, иттифоқнинг гириҳини аҳду паймон риштаси бирла маҳкам айладилар. Илгаргидек дўстлуқни қавий қилдилар. Мисраъ: «Мувофақат била оламни олғали бўлгай».

ЎН ЕТТИНЧИ ФАСЛ

**НАҚЛ «ЗАФАРНОМА»ДИН: ГУФТОРИ
СОҲИБҚИРОННИНГ ТУШ КЎРМАКЛИКЛАРИ
ВА УЛ ТУШДИН ФОЛ ОЛИБ ИЛЁС ХОЖАХОН
БИРЛА ЖАНГ ҚИЛМОҚҚА ШУРУЬ
ҚИЛГОНЛАРИНИНГ БАЁНИ**

Қола ан-набиййу ъалайхис салом: «ар-рӯъё ас-солиҳату жузъун мин сittati арбаъийна жузван мин ан-нубуввати».

Яъни пайғамбар саллаллоҳу алайҳи вассаллам айтибурларки, солиҳ мўминнинг кўрган туши пайғамбарликнинг қирқ олти жузвиининг бир жузвидур. Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг инояти хослиқ рақамини некбаҳт бандасининг пешонасига тортиб, аниг дилининг ойинасини тавфиқнинг сайқали бирла эритиб, ҳақиқатнинг нурларидин мунаvvар қилса, токи асрори ғайбийнинг аруси ул ерда юз кўрсатур.

Фард:

Ҳаёлимға бу маъни нақш этибдур,
Ки дилбар нақшини сурат сизибдур.

Ҳазрати Юсуф сиддиқуллоҳ ва алайҳис салот вассалом оталири ва биродарларининг кейин фармонбардорлиқ қилиб сажда қиладурғон суратини йиллар бу воқеадин илгари ғайб даражасидин кўрган эди. Ва бу каромат подшоҳлиқ мұхимлари ва умаролиқ маслаҳатлари, чунончи, ҳазрат Соҳибқиронға юз келтурди. Шул ҳолатда андоқ ваҳшатнок ишлари пеш келди. Озғина лаш-

кар била душманлар сипоҳи била жанг ва мұқотала қилмоқ лозим бўлди. Бир куни чошт вақтида тафаккур қилиб ултируб эдилар, шул аснода қўзлари уйқуға борди. Бир овозени забони фасих бирла эшитдики, шод бўлу ғам емагилки, Аллоҳу таоло сизларга фатху нусратни

93б каромат қилди. Вақтики // уйқудин бедор бўлдилар, халойиқлардин сўрди, сизларму онгладингизларму? Ҳаммалари айдиларки, биз эшитмадук. Жазман билдиларки хотифи ғайбий экан. Эътимодлари Парвардигори оламнинг фазли карамиға ниҳояти маҳкам бўлуб ақидалари зиёда бўлди. Андин Амир Ҳусайн-нинг олдига келиб, сурати воқеани баён қилди. Бу башоратни англамоқ бирла ҳаммаларининг ҳиммати ниҳояти зуҳурға келди. Ҳамма тобеларнинг кўнгли ғамдин фунчадек чекилган эди. Бу огоҳлиқдин гулдек очилди.

Байт:

Чу шоҳу сипоҳ кўнгли ғамгин эди,
Бу тушдин ҳамма кўнгли тамкин эди.

ЎН САККИЗИНЧИ ФАСЛ

**НАҚЛ «ЗАФАРНОМА»ДИН: ГУФТОРИ
АМИР ҲУСАЙН ВА Соҳибқироннинг жета
лашқари бирла жанг қилмоқлари
ва уларға зафар топмоқнинг баёни**

Амир Ҳусайн ва ҳазрати Соҳибқирон Ҳақ субҳонаҳу таолоға шукру ситоиш адo қилғондин кейин Жетанинг лашкарларининг узасига отландилар. Ҳамма умаро ва сипоҳларига азми шароитларини ораста қилиб тартиб бердилар. Амир Ҳусайн ўнг қўлға оройиш бериб, барқпайкар аламларини тикди. Ҳазрати Соҳибқирон жанг вақтларида ҳамма таран эди. Чап тарафга нусрат

аламларини тикди. Ушбу тариқа бирла сафларини рост қилиб равон бўлдилар. Ва душман лашкари Тошаригида эди. Ушбу аснода икки черик яқин келиб бу тарафдин Илёс Хожа ва амир Ҳамид ва ўнг тарафдин амир Тўқ Темур ва Амир Бекчик улуғ ҳайбатлар била ойин боғлади. Ва иккала тарафдин лашкар ясол қилиб майдон ичига кирдилар.

Назм:

Чу жунбишга келди замину замон,
Дер эрди бузулғай бу дамда жаҳон.
Сипоҳ гардидин, отлар овозидин,
Кўринмас эди меҳр ғавғосидин.
Сипаҳ барчаси наърае қилдилар,
Булут устиға найзасин тикилар

94а // Қаба Матин деган ерда иккала тарафнинг сипоҳлари бир-бирларига тегиб фарёд ва наърлари гардунга етти. Ҳазрати Соҳибқирондин лашкари мухолифнинг қаровулчиларининг тўла-роқи кийна тутар эрди. Баҳодирлуқ маркабини жангнинг майдониға секриттилар. Ҳазрати Соҳибқирон от узасида устувор бўлиб, жанг тарафиға юзланиб, қўллариға ўқ-ёй олиб чапни алиф ва ўнгни дол қилур эрди.

Фард:

Алифдек ўқин нуну дол печидин
Ки душман ичига отар кийнидин.

Ва сипоҳлар подшоҳнинг мувофиқати бирла ойнинг атрофида-ги юлдузлардек душманларнинг жониға ўт равон қилди. Ва мухо-лиф лашкарининг баҳодирлари кийнанинг ўтининг тезлиқидин шамолдек келиб эди. Ёмғир суйидек маркази тупроқга чиқарди-лар, баъзини фанонинг шамолида совуруб, нечасининг сийнаи пур-кинасини тупроқка қўйдилар.

Назм:

Гар сипоҳ пиндор елидин кийн ўтини ёндуур,
Обруйин захм еган қонга үхшаш оқтуур.

Авлуклар машхурроқи икки фаҳлавон эди. Баҳрин гуруҳидин-ки кийна дарёсида наҳанги мардумхор эди. Шоҳу сипоҳдин ани фаҳру санад мойаси билур эрди. Ва афтолалар тарафидин Түқ Темур ва Беги Бекчикнинг биродари ва Давлатшоҳ ва яна икки шаҳзодаки ҳар бири сарвар эди. Яна бир лашкарнинг сипоҳини табоҳ қилур эди.

Фард:

Сипаҳлар ҳама қолмайин барқарор,
Ки барча ўлуб хаставу хору зор.

Иккала тарафнинг сипоҳлари баякбораги қўзғолиб бир-бирла-рига отилдилар. Мухолифлар харобликдин зор-зор йиглашдилар.

Назм:

Чу барча ериндин юруб тоғ каби,
«Босинглар» чиқиб икки ёндин баси.
Биёбон ўлуб қонға оғушталар,
Дер эрди заминдин унуб лолалар.

946 // Вақтеки жангнинг дарёсининг мавжи талотумға келди, башорати ғайбийдин ҳазрати Соҳибқирон ва сипоҳу паҳлавонлар фатҳу зафар топиб, озгина лашкар бирла мухолифлар лашкарини япроқдек титратиб, ёмғурдек тараф-тарафларга пароканда қилдилар. Илёс Ҳожа ва Амир Бекчик ва Искандар ўғлан ва амир Ҳамид ва амир Юсуф Ҳожа буларни тутуб эди. Аммо Бекчик вағодорлиқи турилар орасида ҳонға қилиб эди, танудилар ва бу жиҳатдин сипоҳларнинг улуғлари хабар топғучча ани отлантуруб халос қилдилар. Ўзгаси тутғунлар қайдига гирифтор бўлди. Шул кеча Соҳибқирон шабгириңқ қилиб, то Бом суйигача сурдилар. Шул ерда неча душманларнинг йўлини тўсуб тўлароқини ўлтурдилар.

Фард:

Чу қондин ариғларда май оқдилар,
Симон лаъллар бирла ранг олдилар.

Ва амир Жоку амир Сайфуддин фармон тақозоси бирла Самарқандға равон бўлди. Ва бу фатҳи аржуманд тарихҳа етти юз

олтмиш беш болиқ йили эрди, Ҳазрати Соҳибқироннинг ҳимматлари ҳар ишда баланд эрди. То ҳар ишни мурод орзусига еткурмагунча ором олмас эрди. Амир Ҳусайнни Шербаҳром била илфор қилиб душманнинг орқасидин равон қилди. Ҳўжанд сўйидин ўтиб, Тошкандга тушуб дафъи малол учун неча кун анда ётдилар.

Фард:

Куз ҳар нимани писанд эттай,
Куз захми анга газанд эттай.

Ҳазрати Соҳибқирон ва Амир Ҳусайн ҳар бирлари бир жойеда эдиларки, андак касал ориз бўлуб, фот фурсатда яна сиҳҳатта мубаддал бўлди. Ва ҳазрати Соҳибқирон ёнишининг қасдида Ҳўжанднинг 95а сўйидин ўтилар. Ва шикор қасдида лашкарларга // тартиб бердилар.

Ва Амир Ҳусайн ҳам Дизақ булбул шикор деган ерга келиб, булар ҳам шикор қилдилар. «Вақтни ғанимат бил, ул қадар бўлолгайсан». Ва нечанд кунни ишрат ва комронлиқ бирла ўткардилар. Ул ердин юруб Самарқанд тарафига келдилар. Ва ул фирдавс сифат манзилга қадамлари шавкатидин шодлиқ ва афзолиқ етти. Ул диёрнинг халойиқлари умид қўзини шикасталик бирла йўл бериб эди, уларға меҳрибонлиқ ва навозишлар қилди. Алҳамду-миллоҳи ўало инъомихи.

ЎН ТЎҚКИЗИНЧИ ФАСЛ

**НАҚЛ «ЗАФАРНОМА»ДИН: АМИР ҲУСАЙН
ВА СОҲИБҚИРОН МАШVARAT ҚИЛИБ
КОБИЛШОҲ ҮГЛОННИ ХОН
КЎТАРГАНИНИНГ БАЁНИ**

Вақтеки Мовароуннаҳоннинг мамлакати Туркистон тобелари бирла Жетанинг қавмининг ғолиблигидин халос бўлушуб, умаро-

ларнинг улуғлари ва акобирлари бир-бирининг ҳукуматига фармонбардорлик қилмадилар. Ҳар бир қабилалар бепарволик қилиб, бир кишига бошини тубан қилмади. Ушбу одатлари жорий бўлуб, мамлакатлар фасодга анжом топди. Ҳар мамлакатдаки волий бўлса, ул мамлакатнинг ҳамма ҳалқи ул волийнинг амру нахий фармонбардорлиқини ўзига вожиб санағай ва аниг ҳукмидин ҳеч важхда тажовузни раво тутмағай. Албатта ул мамлакатнинг аҳволи ва авзойи халал топмас.

Фард:

Жаҳон шоҳсиз боши ўйқ тандуурур,
Ки бошсиз улус барчадин камдуурур.

Бинони шумға қўйуб Амир Ҳусайн ва ҳазрати Соҳибқирон бир-бирлари била кенгашиб, маслаҳатни шунга қарор бердиларки, Чифатойхоннинг наслидин бирини хон кўтартгаймиз ва ул ишни адо қилмоқ учун таърихқа етти юз олтмиш бешда (1363—1364) жамиъ умаро ва акобирлар

956 // жамъ бўлиб кенгашиб, подшолик маслаҳатида ва мамлакатнинг мушкул ишларининг кифоятларида сўзлар қилишиб, ҳаммаларининг раъий шунга қарор топдики, Кобилшоҳ ўғлан Дуржининг ўғли ул Элчиқдининг ўғли ул Дувохоннинг ўғлидурки, булар дунёнинг бевафолик ва қажрафторлик ваҳмидин ўзларини фақир тутуб дарвишликни ихтиёр қилиб эди. Аммо бу умаро ва акобирларнинг маслаҳати Кобилшоҳни хонлиқ тахтида ўтургугзгайлар ва бу мамлакатларнинг муҳимлари саранжом топғай.

Назм:

Бири жашн бетин зеб этибдур бурун,
Анинг васфида қисса бўлғай узун.

Анинг хильягин сийму зардин этиб,
Ҳамма саҳни четига зийнат бериб...

Охирул амр иттифоқо Кобилшоҳни салтанат тахтида ўлтурғуздилар. Турк подшоҳларининг расми қоидаси бирла акосада тўхтатти.

Фард:

Ҳама сарафрозону гардунсарор
Баякбор тиз буқди түккүз қатор.

Амир Ҳайдар Андхуйики бандда эди. Подшоҳларға топшуруб эди шул кеча аниң ишини қилиб вужуди тахтини ҳаёт мамлакатидин чиқарди.

Байт:

Қўполмас йиқилса назардин бару,
Бало аждари этгай ани фуру.

Ул диёрнинг вужуди қадимдин Соҳибқиронға нисбат топғон эди. Подшоҳзодалар ва амирзодалар зиёфат ва иқромлар қилиб Амир Ҳусайнға тўй бердилар. Соҳибқиронға ҳам улуғ иззату ҳурматлар ва базмлар қилиб, хушлуқ ва масрурлиқ навосини тараннум айладилар.

Назм:

Ул на базмики магар гулшан жом ўлғай ул,
Журъа май шавқидаким Ҳиэр пайём ўлғай ул.
Неъмат омодаву асбоби танаъум воғир,
Мажлиси хосс тарабхонаи ом ўлғай ул.
Нағмаи созу саодат тарабафзо ул кун,
Гардиши согари инъом мудом ўлгой ул.

96а // Вақтеки амир Ҳамидинг отасининг ҳазрати соҳибқироннинг отаси бирла дўстлуқ ва маҳбублуқ робитаси бор эди. «Маваддат ул обояи қаробатул абноъи» (Оталар севгиси болалар яқинлигидир)нинг ҳукми бирла ул тўйда амирул Улжайтубердики ниҳояти ёшининг улуғлуқидин гуногун тажрибалар ҳосил қилғон эди. Ҳарчанд мушкул ишларга ақлини ройича қадам қўяр эрди. Амир Ҳамид ва Искандар ўғлоннинг халослиқиға кенгаш кўрсатти. Ва уларнинг умрининг бунёдини Амир Ҳусайндин илтимос айлади. Амир Ҳусайн ҳарчанд ўз раъйининг тақозоси бу назмнинг фаҳвосида эди.

Фард:

Күлүнгө келса душман ос футидин,
Иликинг тишламассан ҳасратидин.

Лекин ҳазрати Соҳибқироннинг хотири шарифлари учун Амир Улжайтубердининг сўзини қабул қилиб, уларнинг халослиқига рухсат бердилар. Бовужуди шунчалик бирла вақтеги уларға «Ликулли ажалун китаабун» («Ҳар бир вақт учун (муносиб) китоб-хўқм бордир». 13; 38) ажал китобининг ваъдаси яқин етган экан, ул тилаган фойда кўрсатмади. Вақтеги Амир Ҳусайн қадимки юртларига азм этиб Соли сарой деган ерга юзландилар. Соҳибқирон Амир Довуд, Амир Сайфуддинни юбордиларки амир Ҳамидни банддин халос қилиб, эъзозу икром бирла келтурунглар деб. Амир Ҳамидни Боязид билан эмин олиб келур эрди, ул амирларни йироқдин кўриб гумон қилдиларки амир Ҳамидни ўлтурмак учун келган бўлғай, деб диловарлик кўрсатиб, бири анга гурзи урди, яна бири шамшир солди, амир Ҳамиднинг ҳаётлиқ шаҳдига улимнинг заҳрини жон томроқига қўйди. Лаа мурру лиқазоо-лааҳи (Оллоҳнинг қазосини қайтара олмайсиз).

Фард:

Қазо жўйдин борлар оби ҳаёт,
Хизэр жомидин кўрмагай жуз мамот.

966 Вақтеги // Амир Ҳусайн бу ҳолдин огоҳ бўлиб, айттики паст навкарнинг иши бу қазияда улугнинг ишидин ўбданроқ. Иэтироб бирла киши юргуздики Искандар ўғланни тилаб ясоқра олиб келинглар деб. Мисраъ: «Қазонинг ўқига сипар бўлмагай».

Шул зимистонда Амир Ҳусайн ва Соҳибқирон ҳар бирлари ўз давлат ва комронлиқлари қароргоҳида ором топдилар. Йашлари ва аҳволлари жорий бўлуб, умид ва амонлиқ мувофиқати бирла иқболу давлатлари моломол бўлди. Алхамду-лиллоҳи л-мунъиму вал-афзол.

ЙИГИРМАНЧИ ФАСЛ

**НАҚЛ «ЗАФАРНОМА»ДИН:
ГУФТОРЛАРИНИНГ ЛОЙ ЖАНГИДА ВА
АНИНГ КАЙФИЯТИ ШАРҲИДА ВА
СОҲИБҚИРОННИНГ ҲОЛЛАРИ
ЖОРИЙ БЎЛМОҚЛИҚИ**

Вақтеки ушбу мақомда зимиston фасли эди. Соҳибқирон давлат қароргоҳида иқболи саодатга муқорин бўлиб, ўз оромларида қишини охираға етказдилар. Гуллар очилиб сабзаву гиёҳлар униб, боғу бўстонлар тароватлар пайдо қилди.

Назм:

Боди сабо чаман тарафига тортти лашкари,
Омода қилди олоту асбоб ҳар бири.
Гулдин сипарни этти мураттаб, ғунчадин башоқ.
Сув бирла қилди зарраву тикти хор найзаси.

Хабар келдики, Жета лашкари яна бу тарафга қасд қилиб юзландилар деб. Ҳазрати Соҳибқирон ҳиммат юзини лашкарга келтуруб ҳаммага киши юбордилар. Бу ҳолдин Амир Ҳусайнга ҳам хабар бердилар ва Амир Ҳусайн буйурдики Бўғо, Зинда Чашм Муҳаммадхожанинг ўғли эди, Малик баҳодир сипоҳларни илғор қилиб ҳар нимаки бўлса ботроқ Соҳибқиронга қўшулғайлар. Вақтики улар Соҳибқиронга уландилар, бу навъ лашкарлар билаки фалак сифат ҳамлалар қилиб, юлдузлардек итиқ сайр этиб, иттифоқ бирла таважжухнинг юзини душман тарафига қўйдилар. Вақтики

97а Ақор // деган ерга етдилар, от-улоғларининг аҳволини мулоҳаза қилиб, нечанд кун шул яйлоғда турдилар. Ва ул ердин кўчиб юриб Сайҳуннинг суйидин ўтиб тушдилар. Ва Амир Ҳусайн ағир лашкарлар била уларнинг орқасидин изтироб бирла юрдилар. Вақтеки сунинг лабига этиб эди, ул ерда Манғалай лашкари

мухолиф яқин экан, Ҳазрати Соҳибқирон Чиноз ва Тошканднинг майдонида сунинг лабига тушдилар ва лашкарларға буйрудики, ҳар қайсизлар ўз қаторингларни мустаҳкам қилуб, ҳазм ва эҳтиётнинг шартларини бажо келтуринглар деб ва Амир Ҳусайн ҳамма лашкарлар бирла орқада эдилар. Сайхун сўйидин ўтиб ўз мўлжаллариға тушдилар. Ул тарафдин ҳам муҳолиф лашкари Кандибодомнинг канорасиға етиб тушдилар. Амир Ҳусайн ва Соҳибқирон ул ердин қўзғолиб юрдилар. Вақтеки иккала тарафнинг лашкари бир-бирининг қаровулларини кўрди. Лашкар тартиб бермакликка машғул бўлиб, сафларини орастга қилдилар. Ўнг қўллариға Амир Ҳусайн шавкат аламини баландлик бирла тикдилар. Олдиларида Тилончи арлот, арқоларида Улжойту эрди ва Шербаҳром ва Бўғо ва Фарҳод эдилар ва Малик Баҳодир ва номдор баҳодирлар бор эди. Ва Соҳибқиронки оламнинг жони эрди, дилсифат пайқарларини сўл тарафда дабдаба ва асъасалар бирлан тикдилар ва сардорлардин олдиларида Амир Сори Бўғони қипчоқ қавми бирла тайинладилар ва орқалариға Темур Ҳожа ўғлан муқаррар бўлди. Ва Амир Жоку ва Амир Сайфуддин ва Амир Мурод барлос ва Аббос

976 баҳодирни ўзга диловарлар ва шамширгузорларни қўл лашкарида / туттилар. Ушбу тариқа бирла нечанд жалодатлик сипоҳларни илгари юриттилар. Шумра ушшаки «Иза аъжабаткум касротукум» (Хунайн кунини (эсланглар)! Ўшанда сизлар кўп экандингиз, мағрур қилиб қўйган эди». 9; 25.). нинг мувофақати бирла бумлар ажиб бургутидин саломат қолмади. Анинг учунким Жетанинг лашкари Қайматиннинг жангидаги бовужуди тўла ва зиёда эди. Бу тарафнинг сипоҳларидин улуғ шикаст топқон эди. Ва бу навбатки бу тарафнинг лашкари улардин зиёда эди. Ишнинг бунёдатини ҳийланинг узасига қўйиб пайдо қилмоқ билан васила истаб чора иzlадилар.

Назм:

Жета ҳалқига йўқ эди тоби жанг,
Ки афсун била истади чора санг.

Ядо тошиға қилди афсун ясоб,
Жаҳон елу ёмғурдин үлди хароб.
Фирев этти абр, фиғон қилди ел,
Ки бир соиқа олама тушди бил.

Бовужудики офтоб жавзо буржида эди, ногоҳ булат лашкари-нинг сипоҳи қазо камингоҳидин ҳаво майдонига от солди. Ҳаво гуркираб соиқалар пайдо бўлиб, ёмғир ёға бошлаб гўёки тӯфон қўпди. Жанги силоҳнинг асбоблари андоқ оғир бўлубдурки, на от била ҳаракатнинг қуввати бор ва на пиёданинг юрмакликка қудрати бўлғай. Бовужуди ушбу ҳол била бу тарафнинг сипоҳлари жамият ва диловарлари тўлалиқидин илгари юрдилар. Мухолиф лашкари ўз жойида қарор олиб, кигизларни бошиға тортиб бақадри имкон игин ва силоҳларини ёмғур тегмаклиқдин сақлади. Вақтеки лашкар уларга етиб эди, кигизларни бошидин ташлаб олуда отлариға миниб ва силоҳларини кийиб жангта турдилар.

Назм:

Фиреву фиғон қўбти икки тараф,
Тутунларға пур бўлди ҳар бир тараф.
Хуруш этти // отларки сурнай каби,
Фалак жойидин қўзролиб эй, ахий!
Бу турлик қиёмат дами замҳарир,
Ки ўқ ёмғури ёғди айлаб далер.
Қилиб мўйини поралар ўқлари,
Мухолифларнинг йўқ қочар ерлари.

98a

Алқисса ҳаэррати Соҳибқирон Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг нусрати бирла майсарадин ҳамла қилиб, мухолиф майманасигаки аниг бошчиси Шанкум нўёнки амир Ҳамиднинг биродари эди, шикаст берди. Ва Илёс Ҳожаҳон бу ҳолни кўриб қочмоқлиқка юз кўйди. Аммо вақтеки замона футини ростлиқдин кажравлукга қадам қўйғон эди, лашкари мухолифнинг чап тарафидаги сардорлари Шировул ва Ҳожибек эди, бу тарафнинг ўнг тарафиға ғолиб келди, ва Тиланчи ва Зинда Чашмни суруб Амир Ҳусайнға еткурди. Ва аниг лашкари бир-бириға урунушуб тафриқа булиб,

қочмоқлиқға юз келтурдилар. Ва Шербаҳром ва Бўло ва Бўғо ва Ҳожибек ўнг тарафнинг лашкарини илгари юритуб сурди ва Фарҳод ва Бектемур ул ҳолни кўруб ҳайратзада бўлиб туриб қолди. Ва ул тарафдин амир Шамсуддин ҳам гуруҳи анбуҳ била баҳодирлиқ жилвасини курсатди. Ҳазрати Соҳибқиронға ҳимматнинг ўти шуъла урдики, ўн етти қўшун бирла уларға от солди. Ва ҳамланинг шамолидин уларнинг қарори хирманиға ўт ёқди. Амир Шамсуддин Соҳибқироннинг дабдаба қўрқунчидин қувватнинг жиловини жангтоҳ тарафидин уйируб ожизлиқ ва шикасталиқ юзини қочмоқлиққа қўиди.

Фард:

Жазм ўлуб ҳар кишиға ҳамлалари,
Ёрилур қўрсоқиу заҳралари.

Амир Ҳусайн Соҳибқироннинг зафар топғон хабарини англаб шоду хуррам бўлиб, яна ўз сипоҳларини йигиб тўхтади.

986 //Фард:

Шоҳи лашкаршикан саодатидин,
Жон кириб бу сипоҳға янгидин.

Соҳибқирон ўз навкарлари Тобон баҳодирни Амир Ҳусайннинг олдиға юбордики, Амир Ҳусайн илгари келсун, ҳаммамиз душманга бир йўла ҳамла қилиб, уларнинг аркони давлатини зилэзилага солғаймиш, дедилар. Амир Ҳусайннинг уларға муқобала бўладурғон қуввати асло йўқ эди. Аммо Соҳибқироннинг кавқаб иқбол толелари қувватидин Амир Ҳусайн ёниб эди вагарна Амир Ҳусайннинг давлатининг куни сарнигуналук кечасиға яқин бўлуб эди. Бу кунларда аният табиати аҳд этган қароридин тағаййур топиб, нописанд хулқлар ва номақбул феъллар зуҳурга келиб эди. Вакътеки Тобон баҳодир амирға яқин келиб тилида сўзларини адодиланганидин кейин Тобон баҳодирни шундоқ урдики йиқилди. Соҳибқирон яна Малик Ҳамидаки Амир Ҳусайннинг баҳодирларидан бири эди, шуни юбордики албатта, илгари келмак лозим, то фурсат қўлдан кетмагай. Дигар бора эшитди, дашном қилиб ани

ҳам урди. Ҳайрат ва қўрқунч тилини очдики, [гўиё] ман қочибдурманки мени илгари чорлайдурлар. Агар сизларга душман ғолиб бўлса, гумон элтмангларки ҳеч киши интиқом қулидин жон қутқарғай. Малик ва Ҳамидаи озор еб, амирнинг олдидин ёниб, изтироб [бирла] Соҳибқироннинг олдига келди. Уларнинг муборак жиловлариға осилиб, айттики, асло бу жанг корида саъй қўрсатмак лозим эмас. Бу бобда мундин зиёда саъй ва қўшиш ҳам даркор бўлмоудек. Соҳибқирон уларнинг сўзларидин чиқолмай, саъю қўшиш қўлини йигдилар. Алқисса, ҳар икки тарафнинг

99а майсараси ўз муқобиласини сурган эди. Кейнидин // юриб лашкар бир-биридин ўтушуб, икки тарафнинг сипоҳлари бир-биirlарининг жойиға етган эди. Ҳар киши ул ердаки эди, тушди.

Назм:

Жаҳон қилғон эрди ҳамма бораки
Ки борча сипаҳ тушти яқбораки.
Тафаккур била барча мидронмади
Ки кун чиқугучча балки тебронмади.

Шул кеча Малик Ҳусайн неча навбат ҳазрати Соҳибқирон ҳузурига киши йиборди. Соҳибқирон жавоб бермади ва илтимослари мақбул тушмади.

Назм:

Яна тонглasi шоҳи олийсипаҳ,
Ки Чин баҳридин боғлади қўп гириҳ
Чу икки тараф барчаси хун бўлуб,
Ки ҳама сутундек магар нун бўлуб.
Қиёматга ўхшаш чиқиб най уни,
Ўлим найзаси рост ўлуб ул куни.
Қазо найза бирла бўлубдур шерик,
Балонинг наҳанги оғиз очди лек.

Вақтеки жанг қиладурғон диловарлар иккала тарафдин бир-биirlарига тегди, шикаст лашкари Жетага тушди. Орқасини уруб қочишға юз қўйди ва бу тарафнинг сипоҳлари орқасидин қуғлаб

равон бўлдилар. Бу ҳол амир Шамсуддиннинг туғики қочқувчилардин жудо қолиб эди, бир гурӯҳ сипоҳлар била пайдо бўлди. Бу тарафнинг лашкарлари қочқувчиларнинг орқасидин изтироб бирла юриб эдилар, жиловини уйириб шикаст топғон сипоҳлар яна жамъ бўлуб келиб, баякбора ҳамла келтурдилар. Замину замонга зилзила тушди.

Назм:

Таковар тарафларға қўп сурдилар,
Ки шамшир ила бир-бирин қирдилар.
Бошоқдин ўлиб гарқ қонға ҳама,
Қўнгул кўзида найзалардур гириҳ.

Шундоғки, улар саботлиқ аламини давлатдин тикиб эдилар, ифлослиқ ва танглиқда нигунсор айлади. Ва бу тарафнинг лашкарлари

99б ғолиб келиши ҳамон // улар қочмоққа юз қўйди.

Назм:

Бу янғлиғ иш эрур бу чархфанга,
Олиб роҳатни еткургай миҳанга.

Тўла лашкарлар от чопмоқлиғда лойға чўқдилар. Ва ўн минғга яқин киши ҳалокат майдонига бордилар. Бу воқеа рамазоннинг аввалисида тарихқа етти юз олтмиш олти йилон йилида юз келтурган эди. Баҳасби иттифоқ мусалсила ҳавойининг қиронларидин саккизинчи қирон эдики, ақраб буржида воқеъ бўлди, ва мунажжимлар бу қиронни «Қирони мустақарна» дейдурлар. Вақтеки амир ул ердин ёниб, Кешга етдилар ва ҳар киши улардин ул қасдни қилдиларки, ўз элимизни Жайхундин ўтқарсан деб. Амир Ҳусайн ҳазрати Соҳибқирон қошиға келиб айдики, ўз элимизни судин ўткарғандин яхшироқ маслаҳат йўқдур. Соҳибқирон айдиларки, улар судин ўтмакликнинг қасдига турубдурлар, аммо манга ҳиммат рухсат бермайдурки, яна бир пора черик йиғиб мухолифлар била муқобила бўлмоқ лозим. Ва Амир Ҳусайн ул ердан юриб Соли саройға юз келтурдилар. Вақтеки ул ерга етиб тамоми

эл ва тобеларини күчиреб сувдин ўткариб, пушта ва давонлардин ўтиб Шибарту деган ерга тушдилар ва хабардор бўлғоли киши қуидики, Жета сипоҳларидин огоҳ бўлғайлар, токи **Хиндустон** тарафиға борғайлар. Амир **Хусайн** Кешдин юриб эди, Соҳибқирон ҳиммат юзини лашкар тарафиға келтуруб тадбирнинг таҳмини бирла ўн икки қўшун тартиб қилди. Темурхожа ўғлон ва **Жоваржи** ва Аббос баҳодирни етти қўшин бирла Мангалай расми бирла Самарқандга юргуздилар. Ва ул ерда **Жоваржи** шаробға / / машғул бўлуб, шаробнинг

100а мастилиғи анга таъсир қилди.

Таржима:

Роҳ елға ұхшаш ўтса атреға бўйи етар,
Гар најкосатға ёвуғлук этса бадбўйлук этар.

Ва Довуд хожа **Хинд шоҳини қўрқутдикি**, Соҳибқирон сизларни тутуб Амир **Хусайннинг** олдиға юборғай. Ул амир бетаваққуф сизларни ийқ қилғай деб, буларға хавф ва ваҳшат ғолиб бўлиб, қочмоқлиғни ихтиёр қилиб, душманлар тарафиға изтироб айладилар. Вақтеки **Қўктак мавзейига** етдилар. Лашкари **Жетадин Кепак** Темурки, Улуғ Темурнинг ўғли ва Шировул ва Ангиржоқ ва **Хожибек** Мангалай расми била илгари келиб эдилар. Уларни бошлаб Темурхожа ўғлон ва **Жоваржи** ва Аббоснинг бошиға келдилар ва уларга шикаст берди. Ул сипоҳлар жамиати бирбиридин узилди. Алқисса Соҳибқирон ҳам ул ҳолдин огоҳ бўлди, билдики Амир **Хусайн** давлатнинг корида ҳануз боқийдур. Анга зиёда дурушлук фойда қилмас деб, Амуя суйидин ўтиб Балхқа иқомат қилдилар. Туман ўз эллари била пароканда бўлиб эди, жамъ қилдилар ва Туман Кепакхон ва Туман Элчи Буғо Сулдузни ҳам йиғиб келмакка буйурдилар. Бир жамоа ҳалқ сунинг канорасини муҳофазат қилмоққа қўйдиларки, токи ишнинг душворлиқидин боҳабар бўлғайлар ва Темурхожа ўғлондин бир гуноҳе содир бўлиб эди, анга сиёсаллар қилиб ўзлари ишрат ва комронлиқ майиға машғул бўлдилар.

Фард:

Эй хожа, бу оламда фурсатни ғанимат бил!
Ҳар дамки булаолсанг ишрат била ўткарғил!

Вақтеки лашкари Жета Самарқандға етдилар, ул вақтда ҳисор ва қўрғони йўқ эди. Мавлонозодаи Самарқандий ва Мавлоно Хурдаки Бухорий ва Абубакр Калавий шаҳар ҳалқини бошлаб кўчаларни банд

1006 қилмоққа ва шаҳрни сақламоқлиққа // машгул бўлди. Неча муддатдин бори бир подшоҳнинг дабдаба ва шукуҳисиз раъиялари марданалик бирла шундоғ лашкари жарори ғаддор била ҳам доругирлик қилишиб, муҳолифлар муқоталасига бир нави била турушиб, ул шаҳронинг молу аҳли аёлига қўл узата олғон эмас эди. Аммо ҳалойиқлар қабал қунларининг узоқлиқидан зиёда танглиқда қолиб эди. Ҳақ Субҳонаҳу ва таоло бу дармондаларға чора ва лутф айлаб, ҳолига етиб: «Фа инна маъал ъусри юсрон, инна маъал ъусри юсрон» («Бас, албатта ҳар бир оғирлик- машаққат билан бирга бир енгиллик ҳам бордир». 94; 5,6.) нинг руҳи яхши насиме раҳмати илоҳий даргоҳидин эсди. Жета ҳалқининг отларига бовоқиъ бўлди. Ва анча отлари ҳалок бўлдики тўрт отлиқдин бир отлиқ қолди. Шул сабабдин ожизу ҳайратзада бўлиб, ул ердин зарурат била ёнди. Ва уларнинг тўлароқи учосига тиркаш боғлаб пиёда ёнди. Вақтеки мамлакатни сақламоқлиқ, бундек лашкар бирла баробарлик қилмоқлик бу қисм ишлар подшоҳларнинг ва уларнинг нойибларининг иши эди. Аммо раиялар қўлидин келди. Алқисса Жета лашкари ёнмоқлиқнинг қасдини қилиб эдилар. Ҳазрати Соҳибқирон ул воқеаларни англаб келмак учун Аббос баҳодирни қалъага юборган эди. Улар кетгандан кейин уларнинг ҳолаҳволларини таҳқиқ сурати бирла баён қилиб Соҳибқирон арзадош қилди. Вақтеки Жетанинг лашкари ёнғонидин хабаре топиб Амир Ҳусайннинг олдига киши юборди, токи анга бу ҳолдин огоҳлик бергай. Лозимдурки, албатта бу тарафга ёниб келгай. Вақтеки йиборган киши бу хабарни еткурди, Амир Ҳусайнга хушлуқ ва суур-

лук ҳаддидин зиёда юз келтуруб, дарҳол Шибартудин кўчиб Соли сарой тарафиға юз қўйди.

101a // Ҳазрати Соҳибқирон уй ва аҳли аёлларини судин ўтказиб қадимги юртига юборди ва Амир Ҳусайннинг истиқболиға бормоққа азм қилиб отланди. Жилкоби Бақлон бошида мулоқат бўлиб, бир-бирлари билан қучоқлашиб кўришиб, ўткан ва келадурғондин сўзлашдилар. Охирул амррайлари шунга қарор топдики, аввал баҳорда иттифоқ бирлан Самарқанд тарафиға юз келтургайлар ва Ҳазрати Соҳибқирон бирла ёниб, Жайхундин ўтиб манзил-мароҳилларни тай қилиб, Қаршиға тушдилар. Ул шаҳрнинг Қарши била шуҳрат топғоннинг сабаби улки, Кепакхон Насаф ва Нахшабнинг икки фарсанглиқ ерида бир қасре бино қилиб эди. Мўғул қасрни Қарши атар эдилар. Ва Соҳибқирон зимиston фаслида ул ерда туруб Қаршининг қўргонини таъмир қилмоққа буюрудилар ва давлатлари шон-шавкати бирла ул зимиston тамом бўлди.

Фард:

Кўнгул хоҳлоғонни қазо рост этиб,
Умид тухмини тикса, ул ҳам этиб.

ЙИГИРМА БИРИНЧИ ФАСЛ

ГУФТОРИ ИЛЁС ХОЖАХОННИНГ ИШИ
ХАТМ БЎЛМОҚЛИГИ ВА АНЧА УЛ ВАФОТ
ҚИЛҒОНДИН КЕЙИН БЎЛГОН ВОҶЕАЛАР,
АМИР ҚАМАРУДДИН ГОЛИБ БЎЛМОҚЛИКИ
ВА МУХОЛИФАТЧИЛИГИ БАЁНИДА

Мўгулийлар тилларида Илёс Хожаҳондин ҳеч ҳикоят ва ривоятлар мазкур эмасдур. «Зафарнома»нинг таҳриридин анинг аҳволи шундоқ маълум бўладурки, Туғлук Темурхон вафот қилғондин кейин хонлиқ иши анга муқаррар бўлубдур. Анинг хонли-

қининг муддати отасидан кейин ва Лой жангидин кейин зафар топмоқлиқи Самарқандни қабомоғлиқи ва улоқларининг ҳалокати жиҳатидин ёнмоғлиқлари воқе бўлибдур. Ва анча мўгуллар Туғлук Темурхон вафот қилғондин кейин ривоят қиласурларки,

1016 фот фурсат шарҳ қилинур. Аммо // воқеалареки Туғлук Темурхоннинг вафотидин кейин бўлуб эди мўгуллар тилларида мазкурдур. Андоқки Амир Буложининг зикри Туғлук Темурхоннинг аҳволи тақрири асносида зикр топиб эди. Беш уйлон бир туққон эдилар. Уларнинг аввали амир Тўлак эди. Аниг зикри ҳам Илёсхоннинг ҳикоясида мазкур бўлди. Иккинчиси амир Буложи зикр қилинғон. Учунчиси амир Шамсаддиндур, аниг зикри «Зафарнома»да жангига Лойда зикр қилинғон эди, бу ерда накл қилинди. Тўртунчиси амир Қамаруддиндур, аниг ҳоли шарҳ топғусидур. Бешинчиси Шердавлат эди. Аниг асари қолмабдур. Амир Тўлакдин кейин улуснинг беклик мансаби амир Буложига қолиб эди. Амир Буложи чўнг биродарларининг орқасидин дорул-қарорга риҳлат қилди. Ва улуснинг беклик мансабини амир Буложининг ўғли Амир Ҳудойдод қуддиса сирруҳуға топширдилар. Ва амир Қамаруддин хонга таъзим бажо келтириб айтти, биродаримнинг мансаби манга лойиқ бўлғай. Ва аниг ўғли етти ёшдадур. Бу ишға лойиқ эмасдур, деди. Туғлук Темурхон албатта ул ёрлиғидин ёнмади. Амир Ҳудойдод етти ёшда эди, бекликка қарор топди. Амир Қамаруддин машҳур киши эди. Аниг машҳурлиги андоқ эрдики, кийган ўтукига етти ёшдаги бола сифар эди, бу ишға зиёда малул бўлди. Аммо ҳеч иложи бўлмади. Вақтеки хон вафот топди, ул хуруж қилди, аммо «Зафарнома»нинг тақоридин шундоқ маълум бўладурки, Илёс Ҳожаҳон вафот бўлғондин кейин хуруж қилғон бўлғай. Ривоятларнинг хилоғи била вактеки ўзича ҳукм қиласурғон хон ва соҳиби қудратлар

102а қолмади. Амир Қамаруддиннинг гинаси таҳи сийнасида бор эди, // ани изҳор қилди. Мўгулийлар тилларида шундоқдурки, ўн саккиз хонзодаларни бир кунда ўлтурди. Ва хонлиқ отини ўзига итлоқ қилди. Мўгулийларга муҳим ишлар тўла бўлди. Туғ-

луқ Темурхондин бир ўгул сут эмиб юрган маҳалда қолиб эди. Амир Худойдод Мир Оғо отлиғ онаси бирла иттифоқлашиб пинҳон қилди. Амир Қамаруддин анинг талабида неча киши юборди. Ҳар мартабада бир навъи бирла пинҳон қилдиларки, амир Қамаруддиннинг жосуслари тополмадилар. Амир Қамаруддин мұғулда хонлиқ ишиға машғул бўлди. Мухолифат жиҳатидин умаролар Кеш ва Фархишга тушган эди. Ул аҳволда Амир Темурнинг лашкарлари Мұгулистонда бор эрди. Амир Қамаруддин ишлари хонлиққа мақбул бўлмай амир Худойдод ҳазрати Ҳожа Ҳизрхонни Кошқар ва Бадаҳшоннинг орасидаги тоғлар тарафига иборди. Шул ерларда юриб, амир Қамаруддиннинг оғатидин ҳалос бўлиб, саломат қолғай деб. Бу аҳволнинг шарҳи фот фурсатда шарҳ топур. Ва амир Қамаруддиннинг иши тутамақлиги ва анинг аҳволининг зикрини аввал зикр қилмоқлиқ сўзнинг сиёқига муносиброқ кўринди.

ЙИГИРМА ИККИНЧИ ФАСЛ

ГУФТОРИ АМИР ҚАМАРУДДИННИНГ АҲВОЛИ ЗИКРИ

Вактеки амир Қамаруддин подшоҳлик ишиға саъийгир кўргузди ва умаролардин ҳар кишики бор эди, ба қадри ҳол мухолифат саъини изҳор қилди. Ушбу жиҳатдин Куфра ва Ўзбек Темур кироит Амир Темурға уландилар. Ва яна Амир Темурға мухолифат зоҳир қилдилар. Амир Темур лашкар тортиб, ўз вилояти атрофидин ташқари чиқиб, Амир Баҳром жалойир ва Хитой баҳодир ва Шайх Али баҳодирни йиборди. То Олмоту рафта* ҳудудигача Ойшахотун суйининг лабида кироит халқи бирла жанг

* Кўлёзмада шундай ёзилган.

1026 иттифоқи // тушди. Жангдин кейин сулҳ қилишиб, ёнишдилар. Вақтеки Амир Темурнинг олдига келдилар, бу сулҳни қабул қилмай, ўзи ул тарафга азм қилди. Ва ул воқеани «Зафарнома»да шундоқ келтурубдурки, вақтеки «Инна ллоҳа юхиббу маолил ҳимами ва яғазу сағиҳуҳо» деганинг тақозоси билаки, яъни таҳқиқ Ҳудойи таоло дўст тутадур ҳимматларнинг баландракини ва душман тутодур ул ҳимматларнинг пастини, деган бўлур. Соҳибқироннинг баланд ҳимматлари ҳар ишефаки шурӯъ қилсалар, ул ишнинг ниҳоятига еткурмагунча ризо бўлмас эдилар. Умаролар ишини саҳдлик бирла тутуб, жанги муориза майдонига келиб эди, Соҳибқирон буларни сулҳга келтурдилар.

Назм:

Айтай, ким тулки бирла ҳарба эттай,
Ки йўлбарс анинг дафъини эттай.

Ул тарафга азм қилиб сипоҳиларни жамъ қилмоқ учун ҳар тарафнинг сипоҳилариға ёрлиқ юритдилар. Атрофларининг лашкарлари ҳаракатта келди.

Назм:

Сипаҳ мажлиси бўлди даргоҳи шоҳ
Ки жанг қилғучиларга нусрат паноҳ,
Биёбон қумидин зиёда шумор,
Ки жанг қасдида шери душманщикор.
Сипаҳлар саросарки файратдадур,
Ки жанггоҳ аро тиги буррандадур.
Юруб лашкари барчаси некбахт,
Биёбон тоши ёки барги дарахт.
Сипаҳларки жунбиш қилиб тоғ каби,
Қочиб шавкатидин мухолиф баси.

Вақтеки фатху зафарнинг алами Сайром ва Танагирдин ўтиб эди, Соҳибқироннинг тавалло ва илтижоларининг ўумни баракатидин мухолифлар бир-бирларидин жудо бўлиб қочдилар. Соҳибқирон лашкари жаррор била то Санкиз ёғоч мавзеига етиб эдилар, лашкарлар нусрат топиб, тўла асиirlар ва ададсиз фаниматлар қўлга тушди. Ҳадсиз ва ададсиз

103а ўлжаларни олиб Парвадигори оламнинг // муҳофазат пардасида шод ва хуррам ёндилар. Ва Увункури деган ерда амир Мусо ва Зинда Чашмлар учради. Бовужуди Ҳазрати Соҳибқирон уларнинг борасида неча маротаба лутф собықаси ва меҳрибонлик лозимасини ато қилиб эдилар. Яна мақру узр андишасини оғоз қилди. Ҳиэр Басурийнинг ўғли Абу Исҳоқ ҳам ушбу бобда машварат қилишиб, аҳд боғладилар. Бир-бирлари бирла онд ичишлиларки, Қароймон деган ерга етиб, Ҳазрати Соҳибқиронни шикорга чиққан ерларида ҳийла бирла тутғойлар. Бовужуди ақл уларға ва уларнинг паришон андеша ва хаёллариға қуладур.

Фард:

Тийра рой ұлмағилки шери ғаррон,
Тулкис логарға бүлмағайки забун.

Ва хонзода Абул Маоний Термизий ва Шайх Абу Лайс Самарқандийки мунингдин илгари Соҳибқиронға мухолифат қилмоқ бобида бир-бири бирла аҳд қилишиб эдилар, уларга иттифоқ кўрсатдилар. Кимарсаики ул маънидин огоҳлиқи бор эди, сурати ҳолни арз қалами бирла Соҳибқироннинг диллариға битуди. Ҳукмларини жорий қилиб, уларни ҳозир қилмоқлиқка буюрдилар. Ва ҳаммани олдуруб келуб, таъзиму тавозеъ бирла турғузуб сўз сурдилар. Ва уларнинг гумроҳлиқ ва бадандишиллари ва мақрлари собит бўлди. Вақтеки маҳди улё Сарой Мулк хоним ва амир Мусонинг акасининг қизлари эди, поклиқ ва порсолиқ пардасининг мастураси Акабегини Амир Мусоға ақд қилинғон эди. Ҳазрати Соҳибқирон анга айтдилар: «Ҳар неча гуноҳ сендин изҳор бўлубдур, лекин сенинг ва бизнинг аромизда риштае бордур, ул жиҳатдин афвнинг қаламини тортдим ва анинг интиқомидин кечдим», — дедилар.

Назм:

Риоя этиб риштаи пайвандини,
Ҳаётингға // бердим бу умидини.

Бадандеши тезни жудо айлангиз,
Вагарна дер эрдим бошин кесингиз.

Ва Хонзодаға айттиларки вақтеки насабнинг силсиласи муттасидур, ахли байти Расул саловотуллохи васалому алайхим ажмай-инға ҳеч ҳолда раво күрмайманки, бир осибининг губори сенинг этагинге құнғай ва сен соддаликни ташламадинг. Маслаҳат улдурки, бу вилоятдин ташқари чиқғайсен деб, Шайх Абу Лайсни сиз ҳаж қилиб келинг деб буйурдилар. Ва Хиэр Басурийнинг ўғли амир Сайфуддиннинг хотинининг биродари эди, марҳамат қилиб тилади. Ул бу балодин халос бўлди. Андин ёрлиғ қилдики, Зинда Чашмни боғлаб Самарқандға олиб бориб зинданда сақлангларки, ташқари чиқолмағай, деди.

Фард:

Тутуб душманин банд этар яхшидур
Ки панжасини юлар яхшидур.

Аннинг учунки ақл дурнамосининг құзидин шакнинг бандини очиб ва йироқнинг йүлини қўргали бўлур. Йилонни яқосида сақлағон душманни дўст гумон қилғон оқибатандишлиқнинг ҳисобидин йироқдур.

Қитъа:

Қилмағай бир ямонлиғидин ул тавба,
Бўри то синмағунча дандони.
Қилмағай тарки захм токи йилон,
Янчимабдур бошини сандони.

Вақтеки Соҳибқирон подшоҳлиқнинг тахти қароргоҳига уланиб ёниб тушдилар ва Шубурғоннинг ва Зинда Чашмнинг жойи ҳукуматини Баён Темурға Оқбуғоннинг ўглидур, шунга илтифот қилдилар.

Фард:

Аннинг саодати рўйи заминни сабз этадур,
Ки шоҳдин олибон бандаларға баҳш этадур.

ЙИГИРМА УЧИНЧИ ФАСЛ

**НАҚЛ «ЗАФАРНОМА»ДИН: ГУФТОРИ ЖЕТАГА
УЧИНЧИ НАВБАТ ЮЗ КЕЛТИРМАКЛИКЛАРИ,
ЖЕТА ИБОРАТИ МҮГУЛИСТОНДИНДУР**

104а

Барот ойининг аввали, панжшанба куни эди, тарихқа // етти юз етмиш олтида (1375 йил 5 январ) Ҳазрати Соҳибқирон лашкар жам қилиб Жета тарафиға юз келтуруб Работи Қатағонға тушдилар. Ҳаво ниҳояти совуқ бўлиб қор, ёмғур ёға бошлади. Қишининг қаттиқлиқи ул мартабага еттики, пуruz баҳодирлар қила-дурғон ишларидин қолуб, қўл олиш-бериш ишини қилаолмади ва на фут келиш-боришига қадам қўяолмади ва лашкарлар улоғлари муҳофазатидин ожиз бўлдиларки, жони ширинлари хатар устида қолди ва бу боисдин неча ҳалқлар үлди. Баъзи чаҳорпойлардин ҳам үлди. Соҳибқироннинг раҳм-шафқатлари келиб ул ердин ёнди-лар. Ва икки ой муддатда Самарқандда тұхтадилар токи ҳавонинг совуқлиқи паст бўлғай ва яна душанба куни шавволнинг ибтидосида, араб ҳалқлари ҳисобида товушқон йили эрди, умаролар билан лашкарларни бошлаб Жета иборати Мўгулистондин-дур (тарафиға юзландилар) ва амирзода Жаҳонгирни манғлай расми бирла илгари юргиздилар. Ва шайх Муҳаммад Сулдуз ва Одилшоҳ ва Баҳром Жалойирнинг ўғлики отаси вафот қилғондин кейин Ҳазрати Соҳибқирон Жалойир ҳалқининг бекликини анга топшириб эдилар, буларни шаҳзодаи зафарқариннинг хизматла-рига таъйин қилдилар. Вақтеки Сайрамдин ўтиб Чорун мав-зеъиға етиб эдилар, Жета ҳалқидин бирини Ҳазрати Соҳибқи-роннинг олдига йибордилар. Вақтеки Қамаруддинға анинг ай-мори дурлат эди, анинг ҳол-аҳволини сўрадилар, хабар бердики амир Қамаруддин ўз лашкарини йиғиб Кўктуба деган ерга бориб

Ҳожибекка мунтазир турадур ва сизларнинг лашкар била юз келтурганларидин хабари

104б йўқ эди. Шул соат ёрлиқ қилдиларки, манғлай // тавақ-қуфсиз юргайлар ва ўзлари ҳам орқадин изтироб била юрдилар. Вақтеки амир Қамаруддин Соҳибқироннинг етгандаридан хабар топиб тўхтаб туролмади. Ҳасингаки ани Аршал атар эдилар. Анинг майдонининг уч ўнгури бор эрдики, бағоят чуқур. Амир Қамаруддин ўз сипоҳлари бирла икки ўнгурдан ўтиб, учинчи ўнгурнинг узасига тушиб, йўлларини маҳкам қилди. Шаҳзода Жаҳонгир лашкари адувбанди кишваркушойга жустужу қилиб, анинг узасига юрдилар. Нақора, карнай ва дабдаба тантанаси гардунға ўрлади. Баҳодирлар илгари юриб, душман муқобиласида тушдилар. Қамаруддиннинг сипоҳлари кеча бўлиши ҳамон ҳаммаси қочмоққа юз қўйди. Чунончи, субҳ вақтида Жета лашкаридин ҳеч киши ул ерда қолмабдур. Фатҳойин баҳодирлар диловарлик курсатиб орқасидин тегиб ул лашкарлардин тўласини қатл қилдилар. Вақтеки Соҳибқирон боқий қолған лашкарлар бирла ул лашкарларга етиб, амир Сайд Довуд ва Ҳусайн ва Учкора баҳодирларни ёғийнинг орқасидин йибордилар. Ва улар фармонларини тутуб, сув оқишиға юруб ва Ҳусайн шу сувда ғарқ бўлуб, ҳаётлиқ шуъласи ўчиб кетди. Вақтеки улар ёғийнинг халқлариға етиб мол-амволларини ва чаҳорпойларини бўлиб олдилар. Баъзи халқларики эл бўлиб эди, буларни кўчуруб Самарқандға йибордилар. Ва Ҳазрати Соҳибқирон мухолифларға етмакликнинг қасдида Пойтоқ деган ерга тушиб, амирзода Жаҳонгирни бир мунча лашкар бирла йибордилар, токи Қамаруддиннинг талабида ани йўқ қилмоқликка саъй қилғайлар ва қўллариға туширгайлар, шаҳзода фармонларини тутуб лашкар билан

105а равон бўлдилар. Ва Жета сипоҳларини // ғорат қилдилар. Ва Қамаруддинни Кўҳистонда топиб орқасидин юрдилар. Ўз аймоқларидин сўруб, ташқари чиқариб тамом манзилу мавзеларини чопиб олдилар. Ул жумладин Амир Шамсуддиннинг хотуни Туман Оғо била қизи Дилшод Оғони тутуб олиб, шаҳзода киши юборуб бу сўзни Ҳазрати Соҳибқиронға арз этдилар. Ул Ҳазрати Соҳибқирон ул ерда эллик уч кун таваққуф қилиб

эдилар. Вақтеки бу хушхабарни англаб, ул ердин күчуб Қорақас-моқнинг устига чиқдилар. Ва амирзода Жаҳонгир ёниб, ул ерда Соҳибқироннинг пойбўслиқлариға мушарраф бўлиб, тўла эъзозлаб, банда ва от, қўй пешкашлик қилдилар. Дилшод Оғони Соҳибқироннинг хизмати шарифларига бердилар.

Фард:

Шод бўлди доимо Соҳибқирон,
Чун канизак айлагач Дилшодни.

Бовужуди шаҳзоданинг ёшлари кичик эди. Аммо Соҳибқироннинг иқболлари шавкатидин мундоқ улуғ иш анинг қўлидин келди. Ҳазрати Соҳибқирон ул ердан кўчиб Отбошиға тушдилар. Ва ул ердин Арфаёзи саҳросиға чиқиб, неча кун ул ерда тўхтаб, ишрат ва комронлиқ қилдилар, ва Муборакшоҳ бақрит ҳазораларнинг умароларидин эди, тўй ва пешкашлик расмларини адо қилиб, навъ-навъ ишлар билан хизмати шоиста қилди.

Назм:

Боғлади хизмат белини устувор,
Комкор даргоҳиға фархундавор.

Ўғлон ва Ҳусайннинг ҳалқ ва сипоҳлариға илтифотлар қилдилар. Бу сафардаги пешкашлиқнинг тўласини Худойдод деган кишиларига бердилар.

ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ ФАСЛ

1056 НАҚЛ «ЗАФАРНОМА»ДИН: ГУФТОРИ
СОҲИБҚИРОННИНГ ДИЛШОД ОҒО БИЛАН
ТЎЙ ҚИЛМОҚЛАРИНИНГ БАЁНИ

Қолаллоҳу ва таборака ва таоло:
«Фанкиҳу ма тоба лакум минан- ниса и масна ва суласа ва
рубаъя» («Сизлар учун никоҳи ҳалол бўлган аёлларга иккита, учта,

түрттадан уйланаверинглар». 4;3). Вақтеки **Ҳақ** субҳонаху ва таоло бандалариға раҳму иноят қилиб, никоҳдариининг ададининг жойизлиқини ва мазлумларни жамъ қилмоқлиқнинг раволиқини амр сурати бирла қаромат қилибдур. Ва Соҳибқиронға шул манзилда «Танокаху такассару!» (Никоҳданинглар, кўтиясиэлар!) анинг фармони бирла Дилшод Оғоға никоҳ бошладилар. Ва ул даргоҳнинг хизматкорлари тўй асбобининг тартибу расмларига бел боғладилар.

Назм:

Бири жашни фархунда оро қилиб,
Майу дурдини макридин билиб.
Ёруб жашнниким мисли хуршеду маҳ,
Назора қилиб барча ул жашнга.
Кунидаки толеъ саодат эди.
Назарлар сазовори улфат эди.
Ато расми бирланки Соҳибқирон,
Паричехрани қилдилар меҳмон.

Халойиқлар бу тўйнинг шодлиқидин муборакбодлиққа тил очдилар.

Назм:

Бу ҳумоюн базмда гавҳар сочар деб осмон,
Пуржавоҳир этди домонин бўлубон шодмон.

Шодкомлиқ давлати бирла хос ва омфа айшу комронлиқ асбобларидин ҳар нимаки умид ва амонлиқ хаёлиға етса, кўнгулнинг муродича тайёр бўлиб тураг эди. Ва соғари зарнигорники шароби арғувонийдин пур қилиб, бир-бирларига оёқ тутар эдилар. Ҳар тарафга қулоқ солсалар, май сўзидин овозлар келур эди. Ишрат қонунининг садосидин гардунға саргашталик етти.

Фард:

Шод бўл Соҳибқироним жовидон,
Мулкунгиз обод бўлсун, дил амон.

106а Андин кейин ул ердин кўчуб Ўзгандга бориб// ул ерга тушуб эдилар. Маҳди улёйи Қутлуқ Туркан Оғо умаро ва акобир

ва тобелар бирла Самарқанддин истиқболлариға келиб, останбұс-
луқ қилиб, тұхфа ва нисорлар расмини адо айлаб, түйу ишратға
машғуллуқ қилдилар. Вақтеки Үзганддин юруб Ҳұжандға етди-
лар, Одилшоҳ Баҳром Жалойирнинг ўғли хизматларига келиб,
Ҳазрати Соҳибқиронға түй бердилар. Аммо күнглини ўзгача
қилиб, хоҳладики түй асносида мақрини пайдо қылғай. Аммо Со-
ҳибқиронни Ҳақ таало ўз муҳофазат пардаси ичидә сақлағон
әрди. Давлати илхомий бирла ул мажlisнинг авзөй аломатлари
асаридин ул пинҳон мақрни фаросат бирла билиб, уларни хубси
ботинини топдилар. Дархол мажлисдан құфіб отланиб, Ардуйға
ёниб тушдилар. Ул вақтда Соҳибқирон Қамаруддин тарафига юз
келтуруб әди, Шайх Мұхаммад Миён Сулдуз ва Одилшоҳ Жа-
лойир ва Туркин Арлотлар аҳд қилишғон әдиларки, агар қувват
ва маҳал топсалар Соҳибқиронни тутғойлар.

Наэм:

Ул эрники сақлар ҳамиша Худо,
Киши етқуролмас заарни анго.
Аннинг корида бұлғуси яхши баҳт,
Ҳасад ғүссанинг жонин олғайки саҳт.

Ночор Соҳибқирон саодати азалий бирла тахти салтанатлари-
нинг қароргохыға ёниб тушдилар ва лашкарларга ёнмоғиқға рух-
сат бердилар. Занжир Саройки Қаршиға икки манзиллік ерда-
дур, ул ерда зими斯顿ни үткардилар. Ушбу зими斯顿да Одилшоҳ
даргоҳи олийларига остан

1066 бүсликқа // келди. «Фаътарафу би занбиҳим» («Мана
улар ўз гуноҳларини эътироф этдилар!» 67; 11) нинг мувофақати
бирла фосид хаёл ва андишаи ботинлар қылғонини Соҳибқиронға
ўз тили бирла баён қилди. Аммо Соҳибқирон ўз раъий тадбир-
лари бирла бу асрордин хабар топғонларини ошкора қилмадилар
ва Одилшоҳни подшоҳона илтифотлар бирла сарафроз қилдилар.
Вақтеки зими斯顿 охирига етди ва баҳористонға мубаддал бұлды.
Ёрлиғ қилдиларки, атрофи жаҳондаги сипоҳлар жамъ бўлиб Хо-

размга азм қылғайлар. Вақтеки умаро ва акобирлар үз лашкари бирла атроф ва жавонибдин йиғилиб келдилар.

Фард:

Синах қилди шаҳ даргахин анжуман,
Ки жанг қылғучи барча лашкаршикан.

Ҳазрати Соҳибқирон шайх Мұхаммад Сулдузни тутмоқлиққа ва анинг мақри бадандешалиқини сүрмоқлиққа фармон қылдилар. Вақтеки тутдурууб сүрғондин кейин анинг гуноҳи ошкора бўлди. Ва баҳтипинг рӯзгори қоронғу бўлуб, умрининг риштаси узилгали турди. Шайх Мұхаммад Сулдуз Ҳари Малик Сулдузниң биродарининг туғишиқони эрди, ани шайх Мұхаммад Сулдуз тиф бирла ўлдирган эди. Шул Ҳари Малик Сулдузниң биродарига топширилар, то ани биродарининг қасоси учун ўлтурди.

Мисра:

Йиллар сотибон бир кун ўзунга олакўр.

Ва Али Дарвеш Боязид Жалойирниң ўғли эди, ани ҳам ўлумга еткурдилар. Туман Сулдузниң мансаби ва забти мамлакатини Оқтемур баҳодирға топширилар.

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ ФАСЛ

**НАҚЛ «ЗАФАРНОМА»ДИН: ГУФТОРИ
ҲАЗРАТИ СОҲИБҚИРОННИНГ УЧУНЧИ
НАВБАТ ХОРАЗМГА ЮЗ КЕЛТУРГАНЛАРИ
ВА ҲАМ ЙЎЛДАН ЁНГОНЛАРИ**

Сарбуғо ва Одилшоҳ ва Баҳром Жалойирниң ёрий бўлғон воситаси бирла вақтеки баҳор фаслиниң аввалидаки жаҳон сабзавор 107а ўлуб, // борларда сечаклар очилғон эди. Ҳазрати Соҳибқирон ўзларининг иқболойин ва тадбири дурбинлари бирла Амир

Оқбуғони Самарқанднинг забтиға ёндирилар. Ва амир Сорбуғо ва Одилшоҳ Жалойир ва Хитой баҳодир ва Элчи Буғони ва яна ҳазораларнинг умароларини ўттиз минг отлиқ киши бирла Жета тарафига йибординар ва ёрлиқ қилдиларки, амир Қамаруддинни истамакликда зиёда саъю қўшиш қилғайсизлар ва ани ҳар ерда топсанглар ўқ этгайсизлар.

Назм:

Черик сони ўттиз мингдин эрди ошиб,
Юруб эрдилар душманин исташиб.

Ва нусратшиор аламларини Парвардигори оламнинг муҳофазатига йўланиб, Хоразм тарафиға юзландурдилар.

Назм:

Беадад лашкари саодатманд,
Ҳамма ўз вақтида шижоатманд.
Бешаи жангда барча шер, паланг,
Тиф уруб, саф бузуб, қилурлар жанг.

Вақтеки Жайҳун сўйи лабиға етиб, Сепоя деган мавзеға тушиб эрдилар, Туркон арлат ўз лашкари бирла сув тарафидин Соҳибқироннинг лашкари тарафига юз келтуруб эди, умри муқаддари охирига етган экан. Яна хато ва андешалиқ қилиб ўз юртиға қочди. Соҳибқирон Пўлодни бир гурӯҳ лашкар бирла анинг орқасидин йибординар. Булар кечаю-кундуз Андхуд деган ердин ўтиб, Қорбобсуйи деган ерда еттилар. Туркон ва биродари Нармиш ўз тобелари бирла сувнинг лабини олиб жангга машғул бўлдилар. Вақтеки улар шикаст топиб пароканда бўлиб қочдилар. Ва булар фатҳ зафар топиб

1076 уларнинг орқасидин юрдилар.// Пўлод ёлғуз Турконға етди ва Турконнинг оти ҳориб қолғон эди. Отдин тушди ва Пўлоднинг отиға бир ўқ отиб эди Пўлод ҳам илгари туруб бир ўқ анга ҳавола қилиб эди, ўқ кулоҳидин ўтиб бошиға ҳеч асар қилмади. Пўлод дарҳол баҳодирлуқ юзини анга қўйуб бир-бирлари бирлан тутишдилар ва Пўлод Ҳазрати Соҳибқироннинг иқбол

давлатлари бирла Түркөнни ерга уруб бошини кесди. Ва Амон сарбадол анинг биродари Нармишнинг қасдида юруб истаб охир ани ҳам топиб ишини саранжом қилди.

Фард:

Бошини танидин жудо айлади,
Доду домлардин хало айлади.

Ҳар иккаласининг бошини Соҳибқирон тахти салтанатларининг оёқлариға ташлади. Уларнинг остоналари даврон сарварларининг бошининг ҳаволагоҳи эдилар.

Фард:

Ҳар боши ул остонға пўя баским қилмади,
Жавр тошин чарх анинг бошиға отмай қўймади.

Алқисса бир жамоа лашкарларни умаролардин Жета тарафиға йибориб эдилар, Сарбуғо ва Одилшоҳлар вилюятни холи топиб хато андишаларни қилиб Хитой баҳодир ва Элчи буғони тутди. Ва Ҳамидники Ҳазрати Соҳибқирон Андижонда доруғалиққа қўйғон эди, уларға мувоғиқ бўлди. Ва улар үз элида Жалойир ва Қипчоқ эди йиғиб Самарқанд тарафиға азимат қилдилар. Шаҳарнинг ҳисорини қабоб тушдилар. Ва шаҳар ҳалқи ўқ отиб буларни шаҳарга яқин келгали қўймади ва амир Оқбуғо шаҳарга ҳоким эди, бу воқеаларни Соҳибқироннинг остоналариға айтиб юбордилар.

108а Лашкарлар Кот деган ердин // ўтиб Хос деган ерга етиб эдики, бу хабарни эшитиб шул ердин ёниб амирзода Ҳаҳонгирни манғлай қилиб илгари юритдилар. Ўзлари лашкарлар бирла орқадин юрдилар. Вақтеки Бухороға етганларида лашкарларга тартиб бериб ораста айлаб, Бухородин қўчуб Работи Малиға тушдилар. Шаҳзода Кармана мавзиъида душманларға етдилар ва иккала тарафдин саф боғлаб жангга турдилар. Амирзода Ҳаҳонгир фатҳу нусратга уланиб, мухолифларга голиб бўлди. Улар қочиб Қипчоқ даштига юзландилар. Ва Урусхонга паноҳ элтиб анинг даргоҳига мулоғизм бўлди. Ҳазрати Соҳибқирон сарири салтанатда қарор олиб тушиб, Жалойирнинг кент-кесаклари-

ни умароларға улаштириб бериб тафриқа ва парокандалар қилдилар. Ва амирзода Умар Шайхни Андигоннинг ҳокимлиқиға йибординлар ва Одилшоҳ ва Сарбуғо Урусхоннинг мулизиматида рўзгор кечирдилар. Ва охирил амр уларнинг фасод шарбатининг ирқи ҳаракатга келди ва вақтеки Урусхон яйлоққа борган эди, қочишни қасд этиб маккорлик бирла хоннинг гумаштаси Ужибий била жанг қилди. Ужибийни ўлтуриб, ул ердин қочиб Жета тарафиға юруб Қамаруддиннинг олдига борди. Ани фитна-фасодга рағбат қилиб саъйлар кўргузди.

Фард:

Ямон жавҳаридин эиёнлик етар,
Фасоду маноҳи ёмонлик етар.

ҶИГИРМА ОЛТИНЧИ ФАСЛ

НАҚЛ «ЗАФАРНОМА» ДИН: ГУФТОРИ
СОҲИБҚИРОН ЖЕТА ТАРАФИҒА ТЎРТУНЧИ
НАВБАТ ЮЗ КЕЛТУРМАКЛАРИНИНГ БАЁНИ

Вақтеки Сорбуғо ва Одилшоҳ Қамаруддинға қўшилди, ҳар вақт ва

1086 ҳар маҳалда қадимқи гина // ўтики аниг вужудида бор эрди, фасод ва гумроҳлик ели бирла улғайтур эрди. Вақтеки Қамаруддин лашкар тортиб Андигонда келди ва қозоқнинг ҳазоралари амирзода Умар Шайхдин юз уйириб Қамаруддинға уланди. Ва шахзода тоғда қаболиб Саман отлиқ бир кишини Соҳибқироннинг олдига йиборди. Ва сурати ҳолни арза этди, ёғий эиёда голиблиқ била етди ва Андигонни зер-забар қилди. Соҳибқирон бу хабарни эшитмоқдин ғазабларининг ўти шуъла уруб, дарҳол ул тарафга изтироб бирла азм қилдилар. Вақтеки Қамаруддин Соҳибқироннинг юз келтирганидин хабар топди, бу ерда туролмай

бетаваққуф Отбоши мавзейдин аҳли хонумонларини ўтқазиб, ўзи тўрт минг отлиқ киши бирла камингоҳида ороста бўлиб буқиб турди. Вақтеки Соҳибқирон ул мавзега етдилар, Қамаруддиннинг каминдорлиқидин хабарлари йўқ эри, умароларни тамоми лашкар бирла орқадин юритдилар. Ва номдор сипоҳлардин етмиш минг отлиқ ҳамма сардорлар била, чунончи амир Муаййид ва Хитой баҳодир ва Шайх Али баҳодир ва Оқтемур қолдилар. Хитой баҳодир ва Шайх Али баҳодир муҳолифларға етмаклиқнинг бобида сўзини эшитдилар. Баҳодириқ ва паҳлавонлиқ ҳикояси ўртаға тушибди, ғазабнинг ўти ўрлаб улар ҳам душманларнинг орқасидин чоғдилар. Ва ўзгалар ҳам мувофақатлик қўрсатдилар. Чунончи Соҳибқирон била икки юздин зиёда қолмади. Ушбу ҳолатда Қамаруддин фурсатни ғанимат санаб, тўрт минг тифгузор отлиқ киши бирла камингоҳдин чопуб чиқуб, бепарво тиғ тортиб интиқомнинг юзини Соҳибқиронга қўйди.

109а // Соҳибқирон ўз халқлариға таскини хотир бериб муло-йимат била кўнгил бердиларки, фатҳи зафар топмоқ Маликул Ваҳ-ҳобнинг атосидур, лашкару асбобнинг тўлалиқидин эмас, мардана бўлмоқ лозимки, агар андак сустлуқ қиласақ иш қўлдин кетадур.

Наэм:

Деди ушбу сўзни суруб маркабин,
Ки майдонға кирди Ҳудо авнидин.
Уруб тифни гурзилар ишлатиб,
Ки маркабларин ҳар тараф ҳамла этиб.
Чу ҳар ҳамлада нечани захм этиб,
Ки ҳар захмида жўйи қондин оқиб.
Ҳаммалар баябораги тегдилар
Кесиб бошини кейнидин сурдилар.
Ушбу тарзида Ҳусрави аржуманд,
Уруб тифу, гурзи, синону каманд.
Шикаста этибон, тутуб, боғлатиб,
Улар бўйинни осибон, паст этиб.

Вақтеки Ҳазрати Соҳибқирон ўзлари диловарлик қўрсатиб андоқ саъй қилдики, мунга ўхшаш ишлар Парвардигори оламнинг

ёрмандлиги бўлмай, вуқуъға келмас. Сипоҳ ва нусратпаноҳлар ҳам мардоналик ишлатиб, озфина лашкар билан тўрт минг тифгузор отлиқларни барҳам бериб, шикаст берди ва пароканда қилдилар.

Фард:

Бу янғлиғ эмас ҳар нечук шоҳ иши,
Худо берган эрмиш бу нусрат иши.

Аммо Соҳибқироннинг аҳволу авзоларидин ажойиб ишлар ва фаройиб асарлар зоҳир бўлиб, ҳаммалари ҳайрат ва таҳсинлар қилур эрдилар. Ул бузрукворнинг вужуди шарифлари Ҳақ субҳонаҳу ва таалонинг қувват бермаклиқининг нурлари бирла муттарраҳ ва мушаъян бўлғондур. Нечук қудрат ва зўрки Соҳибқироннинг аъзойи саврияларидин мундоқ ишлар зуҳурға келди. Замири мунирлари ойинаси сафосидин Шайх Бурҳонуддин Қилич раҳматуллоҳи алайҳи ва ризвонуҳунинг суратларини рўйёйи солиҳ

109 // тариқаси бирлаки пайғамбарлик жузвининг қирқ олти жузвидин биридур, уйқуда мушоҳада қилдиларки, фарзанди аржумандлари амирзода Жаҳонгирни Самарқандда касал қўйуб келиб эдилар, ҳимматнинг мададини илтимос қилиб айттиларки: эй шайх, ўғлимни Худойи таолодин тилагил. Шайх айди, Худо била бўл! Василаи фарзандлари эикрини этмади, вақтеки уйқудин бедор бўлдилар, билдики ул муддао кўнглулари хоҳлагандек мувофиқ бўлмади. Ниҳояти хотираларининг ногиронлиқидин Навқутлуғ Ҳазрати Соҳибқироннинг хос битукчилари эди. Анга бир хат футутуб изтироб бирла Шангқўлдин йибордилар. То хабарини таҳқиқлаб келгай. Вақтеки ул Навқутлуқ юруб эди, яна фарзандлари борасида туш қўруб хотирлари зиёда малул бўлиб, умаро ва мулоғимларга айттилар гумон қиласенки, фарзандимдин жудо бўлғон бўлгаймен. Анинг ҳолини сизлар мандин яшурасизлар. Умаро ва мулоғимлар адаби тавозе бирла қўпуб онт ичиб айдиларки, бизнинг ул ишдин хабаримиз йўқ. Шаҳзоданинг ҳоли нечук экан билмаймиз — дейишдилар. Дарҳол у ердан кўчуб, равон бўлиб, яна Сакизёчда Қамаруддинга етдилар ва жанг қилдилар. Яна шикаст еб қочди.

Амир Учқаро уларни суруб ғазаб бирла равон бўлдики, бир мунча йўл юруб эрдилар. Камаруддин саккиз навқари бирла ёниб ароға олиб отини ўқнинг захми бирла йиқитти, ўзи ҳам тўла захмлар еб, оқибат пиёда жароҳатнок амон топти. Ва Пўлод баҳодирнинг қули ул жангда ўқнинг захмидин жароҳатнок бўлиб, қазодин ул ранж бирла оламдин борди.

ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ ФАСЛ

НАҚЛ «ЗАФАРНОМА»ДИН: ГУФТОРИ АМИРЗОДА ЖАҲОНГИРНИНГ ВАФОТЛАРИ ЗИКРИДА

110a

Вақтеки Соҳибқирон Атоқумдин ёниб Сайхундин ўтиб, до-
руссалтанаи Самарқандға еттилар, тамоми аркони давлат ва аъёни
мамлакатлар ва акобириу ашрофлар ҳаммалари мотамсаро қилиб
пешвоз олдилариға чиқдилар. Ва мотам эгинларини кийиб.

Назм:

Дареғ, эй Жаҳонгир мирзодамиз,
Йигитликда келдик, тўэуб кетдингиз. —

деб хуруш нолаларини фалақдан ўтказдилар.

Фард:

Дареғ, ул сифат хусрави комкор,
Қилур эрди душманға ул корзор.

Ҳазрати Соҳибқирон ул ҳол мушоҳадасидин ончаки замири
илҳомларининг гувоҳлиқи бирла гумон элтиб эдилар, шундօғ бўлди.

Назм:

Ўғул кеттанидин хабар топди шоҳ
Ки равшан жаҳон бўлди андоғ сиёҳ.

Юзи ёшға тұлди, ғами мотами,
Қаронғу қилиб күзни фарзанд ғами.

Вақтеки Соҳибқироннинг қадамлари шавкатидин мамлакатга шоду масрурлиқ әди, аммо ул воқеаи жонгудознинг жиҳатидин ҳаммаларининг ҳоли йифи зори бирла паришонлиқ бўлди. Ҳазрати Соҳибқироннинг кўнгиллари нихояте ғамгин бўлди. Аммо райлари шунға бордики, ҳар маҳлуқотнинг фано бўлмоқлиқи вожибот қабиласидинdur, деб яна сабру таҳаммул қилдилар. Ва шаҳзоданинг руҳи футухлари ҳақида турлик-турлик хайру эҳсонлар қилиб, синф-синф садақалар мустаҳқиларға еткуруб фақир ва мискинларға бисёр обу ош бердилар. Ва жасадларини Кешға еткариб ул ерда дағн қилдилар ва қабрлари устига бағоят баланд ва дилкаш иморатлар қилдилар. Умрлари муддати йигирма ёшқа кириб әди, улардин икки ўғил қолди. Бири амирзода Муҳаммад Султонки, Хонзодадин, бири амирзода Пирмуҳаммад Баҳт Малик оғадин, (Баҳт Малик Оға Илёс Басурийнинг қизи әди),

1106 // Шаҳзода вафот бўлғач, қирқ кунда вужудга келди. Амир Жаҳонгирнинг вафотлари воқеасида тарихда етти юз етмиш етти уй йилида (1375—1376) воқеъ бўлди. Амирзода Сайфуддин бу ҳодиса воқе бўлғонидин кўнгиллари паришон бўлиб, Соҳибқирондин ижозат олиб, хонаи Каъба тарафига юзландилар. Раҳматуллоҳ алайҳи.

ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ ФАСЛ

**НАҚЛ «ЗАФАРНОМА»ДИН: ГУФТОРИ
ҲАЗРАТИ СОҲИБҚИРОН ҚАМАРУДДИННИНГ
УЗОСИГА ЛАШКАР ЙИБОРГАНЛАРИ БАЁНИ**

Вақтеки Соҳибқирон фарзанди аржумандлари малолатидин лашкаркашлиқдин ва умурни забти мамлакатдин ўзларини тўхтатдилар.

Назм:

Бақо айламасдур бу дунёи дун,
 Нега тортаман онча ранжи забун.
 Ҳама қолғуси тұда тупроқ аро,
 На лозимдурур боғламоқ дил анго.
 Нега шүнчалик мухтасар боғқа,
 Югурмоқтурур дашту туфроғқа.

Умаро ва акобирлар Соҳибқироннинг тахти салтанатларининг оёқларида ҳозир бўлиб, эъзозу икром бирла таъзимлар бажо келтуруб давлатхоҳлиқ тили бирла арз эттиларки, Ҳақ субҳонаху ва таоло бу жаҳонни оғарида қилиб аниг низомини подшоҳларнинг вужудига вобаста қилибдур. Ва бани одамнинг амну амонлиқини адли ва сиёсатига побаста қилибдур. Агарчи, Парвардигорнинг ризову хушнудлиқини истасанг, ҳеч васила додгустар ва раийяпарварликдин ўбданроқ эмасдур. Аниг учунки, беҳтарини ҳар ду саро ҳазрати Мұхаммад Мустафо солла ллоҳу алайҳи васаллам бир соат адл бирла сўрмоқни олтмиш йиллиқ берийо ибодатға таржих ва зиёда қилибдурлар. Вақтеки буларнинг сўзлари нихояти ихлос ва давлатхоҳлиқ эди, мақбуллук бирла англадилар, ҳиммат юзи бирлан лашқар йиғмоқлиққа ёрлиқ қилдилар. Ушбу вақтда хабар етдики, Одилшоҳ

111а Жалойир // нечанд одамлар бирла Қарожиқ тогларида саргашта бўлиб юрубдур деб. Соҳибқирон Одилшоҳқа Ҳўжакўнгилдош ва Элчи Буғони ўн беш отлиқ бирла истамакликка йибордилар. Булар Самарқанддин кеча билан юруб Ўтрорға етиб, Одилшоҳни изламакка машғул бўлиб, тоғиб Оқсамун мавзеида ясоққа еткуздилар. Ва у ердин Даشتни Кипчоқ тарафига эҳтиёт кўргузди. Алқисса, Сарбуғо футини роҳи ростдин йўтқаб эгру босиб ёғий бўлиб қочрон эди. Икки йилдан кейин ақлнинг ҳидояти бирла Соҳибқироннинг даргоҳларига келиб эди. Подшоҳона марҳаматлар қилиб, гуноҳларини афв қилиб ўз қавмининг беклигини бердилар. Андин амирзода Умар Шайхга Оқбуғо ва Хитой баҳодир ва яна умаролар била амр қилдиларки, Қамаруддиннинг

қасдида равон бўлғайлар. Ва ани юлуб, қўзғаб Жета томон саъи эҳтимомлар қилиб қудратининг етишича ул бобда сайъ қўрсатгайлар. Булар фармонларини тутуб изтироб бирла равон бўлуб, Қароту деган ернинг аёрида Қамаруддинга етдилар. Ул ерда жанг қилиб, ҳаммалари тафриқа бўлиб, Қамаруддин қочди. Лашкари мансур анинг халқ ва элларини ғорат қилиб бисёр мол, ғаниматлар олиб ёндила.

Байт:

Сипоҳи шоҳи раийятпаноҳи ҳасмгудоз,
Ки ҳар ерга борур олгуси ғанимат боз.

ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИ ФАСЛ

**НАҚЛ «ЗАФАРНОМА»ДИН: ГУФТОРИ ҲАЗРАТИ
СОҲИБҚИРОННИНГ ҲУМОЮН ДАБДАБАЛАР
ВА ГАРДУН АСЬАСАЛАР ВА ЮЛДУЗ СИФАТ
ЛАШКАРЛАР БИЛА ЖЕТА ТАРАФИГА
БЕШИНЧИ НАВБАТ ЮЗ КЕЛТУРГАНЛАРИ**

Вақтеки сипоҳлар тўла ғаниматларни олиб, Жета тарафига ёниб туғдилар, Соҳибқирон ҳам шул йилда дигар бора ул тарафга азм

1116 //эттилар. Амир Мусонинг ўғли Муҳаммадбек Соҳибқироннинг күёв ўғлонлари эди, ани амир Аббос ва Оқтемур баҳодирни илгари юритдилар. Улар фармонбардорлик қилиб кечаю кундуз юруб Иссиккўлда Қамаруддинга етдилар. Ва Муҳаммадбек мардана жанг қилиб келган халқларни торожу асир қилиб олдилар. Соҳибқирон ўзлари то Қўчқор мавзейигача суруб етмадилар ва шул мавзе эшиттики Гўқтамиш ўғлон Ўрусхондин андиша қилиб, ўзларининг даргоҳи олампаноҳларига келгудек, деб. Ҳазрати Соҳибқирон амир Туман Ўзбекни истиқболларига бормоқга буйрудиларки, то ани эъзозу иқром бирла олиб келгайсиз-

лар, деб ва ўзлари Юмғол йўлидин ёниб, Ўзгандга тушдилар ва ул ердин юруб давлати иқбол била Самарқандга тушдилар. Ва амир Туман Темур Тўқтамиш ўғлонни келтурди. Ва анинг умаро ва аркони давлатларини Ҳазрати Соҳибқиронга еткурдилар. Соҳибқирон қадам келтурганини азизу мукаррам тутуб подшоҳона илтифотлар қилиб, анинг иззату ва ҳурматида ҳеч дақиқани риоя қилмай қўймадилар. Ва тўй расмини барпо қилғондин кейин ончунон мол-олтун ва жавоҳири либос ва камару салоҳ ва матоъ, от, тева чодир, нақора ва алам, мундин ўзга сипоҳгарчиликнинг улуғ асбобларидин анга ва анинг тобелариға инъом қилдилар.

Мисраъ: Васфи баёнға сиғмағай, шарҳи қаламға келмағай.

Ва ул Тўқтамиш ўғлонни эҳтирому эҳтином жиҳатидин ўғлим деб атадилар.

ЎТТИЗИНЧИ ФАСЛ

ГУФТОРИ АМИР ҚАМАРУДДИННИНГ РЎЭГОРИ ИХТИТОМИ БАЁНИ

*А*мир Қамаруддиннинг рўэгорларининг ихитомини сақоти мўғулдин андоқ эшишибурманки Кўлма Қочурода анга истисқо 112 а // ориз бўлиб, зери нофнинг устидин ёрилиб зардоб оққали турди. Ушбу ҳолда Амир Темурнинг лашкари юз келтурган хабари етди. Отнинг жиловини тутуб, тўхтагунчалик мақдури йўқ эрди. Минган оти тортиб жангл тарафига олиб юрди. Ва бирорикки ҳамроҳлари кейнидин излаб юрди, бир неча кундин кейин ул жанглни ончунон истадилар, аниндян ва ҳамроҳларидин на ўлган ва на тирик хабарини топмадилар. Ва анинг ёмонлиқидин ҳамма халойиқлар халос топдилар. Андин кейин Амир Темур Мўгулистондин эмин бўлдилар. Олтинчи мартаба Мўгулистанға юзланмади. Мўгулистанда филжумла амонлиқ пайдо бўлди.

ЎТТИЗ БИРИНЧИ ФАСЛ

ЗИКРИ ҲАЗРАТИ ХОЖА ХИЭРХОН

Булар Туғлуқ Темурхоннинг ўғлиидур. Ибтидойи ҳолларининг зикри илгари қалам зимнида ўтуб эдики, Туғлуқ Темурхоннинг фарзандларининг охири Хизр Ҳожаондур. Булар эмчакда қолиб эди. Мир Ороқи амир Ҳудойдоднинг онасиidor, Хизр Ҳожаонни Қамаруддиннинг таъризидин халос қилди. Вақтеки Хизр Ҳожаоннинг умрлари ўн икки ёшқа етиб эди, Амир Шамсуддиннинг қўрқинчисидин Кошқардин қочурди. Амир Ҳудойдод ҳоҳладики эътимодлиқ одамларни ҳамроҳ қилиб бергай. Мир Оғо ман қилди. Ва айттики, ўз тобеларингиздин киши ҳамроҳ қилманлар, анинг учунки, хон вақтеки хонлиқ таҳтида ўлтурса, бу тобеларингизлар, албатта, мўътабар бўлур. Вақтеки мўътабар бўлғондин кейин сизга ва сизларнинг фарзандларингизга душман бўлур ва гумон қилурларки, бу одамлар бизларни эътибор қилмаслар. Буларнинг асли сизларнинг навқарларингиздур. Ушбу жиҳатдин душманликка рағбат 1126 қилур. // Бегона одамлардин қўшиб беринглар, деди. Бас ўн икки мўътабар одамлардин ҳамроҳ қилиб берди. Бу ўн икки кишининг ҳар қайсилари подшоҳ бўлдиларки, бу маҳалда уларнинг авлоди бордур. Ул жумладин бири Чироқдин эди. Умаройи Итойчи анинг авлодидундур. Яна бир Тожиреки Хоразмдиндур. Умаройи Кунжи анинг авлодидундир. Яна бири Чолиш, Сайёди қабиласидундур. Анинг фарзандлари ҳам подшоҳ бўлдилар. Қушчи уларнинг лақабидур. Аммо Қўкалдош ҳам, дер эдилар. Анча подшоҳлиқ ҳаддига еттилар. Ушбу қавм эдилар, бу ўн икки кишидин ҳам қолғонлари ҳам мансабдор эдилар. Ҳосили сўз, Ҳожа Хизрхонни амир Ҳудойдод онаси бирла олиб қочиб Кошқар, Бадахшоннинг орасидаги тоғларда жон элтиб юрдилар.

Бегона одамлардин қўшиб беринглар, деди. Бас ўн икки мўътабар одамлардин ҳамроҳ қилиб берди. Бу ўн икки кишининг ҳар қайсилари подшоҳ бўлдиларки, бу маҳалда уларнинг авлоди бордур. Ул жумладин бири Чироқдин эди. Умаройи Итойчи анинг авлодидундур. Яна бир Тожиреки Хоразмдиндур. Умаройи Кунжи анинг авлодидундир. Яна бири Чолиш, Сайёди қабиласидундур. Анинг фарзандлари ҳам подшоҳ бўлдилар. Қушчи уларнинг лақабидур. Аммо Қўкалдош ҳам, дер эдилар. Анча подшоҳлиқ ҳаддига еттилар. Ушбу қавм эдилар, бу ўн икки кишидин ҳам қолғонлари ҳам мансабдор эдилар. Ҳосили сўз, Ҳожа Хизрхонни амир Ҳудойдод онаси бирла олиб қочиб Кошқар, Бадахшоннинг орасидаги тоғларда жон элтиб юрдилар.

Амир Қамаруддининг халқи истаб булардин хабар топдилар. Андин у ердин қочиб Ҳұтан тоғларига кетди. Андин ҳам вахма қилиб Сариф үйфур, Чурчан ва Луб, Катак тарафига бордилар. Анда үн икки йил жон сақлаб рұзгор үтказдилар.

Вақтеки Амир Қамаруддининг зулми ва фасод ишлари зиёда бўлди, давлати заволига етди. Бу золими хунхорни Ҳақ субҳонаҳу ва таало салтанат тахтидин ҳалокат чохига ташлади. Ном-нишонаси қолмади. Ҳалойиқлар хон талабида бўлдилар. Амир Ҳудойдодға киши буйруди Ҳожа Хизрхонни бу ердин олиб келди. Ҳалойиқ жамъ бўлиб хон қутардилар. Муғулларнинг хонига қундин-кунга салтанат корининг юзида обруйи зиёда бўлди. Ҳалойиқнинг муҳим ишлари равнақ топди. Ҳосили сўз

113а улдурки, Хизр Ҳожаҳон салтанат тахтида ўлтурғон // кунларда Ҳитой тарафига бориб ғазот қилдилар. Турфон ва Қораҳожа Ҳитойға дохил шаҳарларнинг улуғроқидур. Ўз нафаси мубораклари бирла ғазот қилиб фатҳи нусрат бирла исломға келтурдилар. Ҳоло ҳам дорул ислом ва уламо ва умаро, салотини завиос эҳтиром хонларнинг пойтахти, дорул салтанати Кошқардин кейин диёри Турфондур. Нақедурки, ул ғазотдаги ғанойим молларни шаръи шарига ҳукми бирла тақсим қилдилар. Ҳоннинг авқига бир атлас, бир кўк коло тушди. Ҳон ҳам рози бўлди. Бу ниҳояти адолатнинг нишонасидур. Султон Мақсад отлиқ бир хон бор эрдики, Туғлуқ Темурхон янги ислом давлатига мушарраф бўлғон вақтда Амир Темур аниңг замонасида дорул фирордин дорул қарорға риҳлат қилиб эдилар. «Зафарнома»да футулибдурки, Амир Темур вақтики шимол, мағриб, жануб мамлакатларидин хотирларини жам қилиб, Машриқ диёриға юз келтурди. Ул диёрларнинг улуғроқи Ҳитойдур. Лашкарга тартиб берди, бу тартибининг ҳаммасини баён қилсак сўз узоққа торталдур. Мухтасари улки, олтмиш юз минг лашкарга тартиб берди, бу лашкарларга етти йиллиқ улуфа бердилар. Рум ва Ироқнинг лашкарига шундօғ берур эрдилар, аниңг учунки Мовароуннаҳо ва Ҳитойнинг орасида ободонлик кам эрди. Бу жиҳатдин зоди роҳилани ниҳояти тўла жам қилиб олдилар.

Алқисса Самарқанддин юриб зими斯顿да Туркистонға келиб **Хожа** Хизрхонға киши юбордиларки, бу йил зироатта **ниҳоятсиз** күшиш қылсунки, лашкарларга озиқ тұла

113б ростланғай. Соҳиби китоб айтибдурки, додам анораллоху марқадаҳудин // неча маротаба эшитдимки, баҳорнинг аввалида Күкдубаки мавзейи машҳурдир. мұғулийлар қадимги расми билан түй қилиб әрдилар. Амир Худойдоднинг сұхбатида қимиз ичишиб үлтириб әди, бир киши Амир Темурнинг әлчиси келибдур, деб сұзнинг мазмунини арз қылды ва айттики, мушкулдурки улар бирла баробарлик қылгани бұлмас. Түшкун құналға бермак лозимдур, деди. Бу андишадин хоннинг құлидаги коса тушуб кетди. Амир Худойдод айттики, эй хон, ғам емагилки, ҳоло роҳат косасини ичмак лозимдур, деб бу байтни аниңға фахвосида арзадошт тутди.

Байт:

Келмаган ғамни емак ҳолига урғой барҳам,
Хұброқ, әрта ишин әртага қўй, эй ҳамдам.

Ва айдикі, бир олмани осмонға ташлаб ёниб тушгунча Худойи таолонинг юз минг раҳмати бордур. Келадурғон йилғача **Ҳақ** таолонинг неча раҳмати бордур. Бу дамни ғанимат санаб, вақтни хушлуқ бирла үтказмақ лозим, деб ҳануз тамом бұлмоб әрдики, дарёйи Қарёзниң канорасидин бир киши оқ либос бирла қаро отға миниб изтироб бирла келадур. **Ҳалқ**нинг тушадурған ерига тушмай маъракадаги ҳалқларнинг қошиға етди. **Ҳар** тарафдин ясовуллар манъ қылдилар, отдин тушмай хоннинг қошиға етиб қичқирдікі, Амир Темур Үтрор деган ерда үлди, деб ёниб кетти. Орқасидин ҳалқларни йибөриб, ҳарчанд қувлади, етолмади, мундин бұлак ҳеч хабарнинг асари бўлмади.

Яна қирқ беш кундин кейин хабар келдікі, Амир Темур Үтрорда үлди деб, илгарити хабар рост экан, деб Хизр Хожағон ғамдин ҳалос

114а бўлди. Хон туғулғонда тарихқа етти юз етмишдин // илгари әди. Бу зикрнинг воқеаси саккиз юз еттида (1404—1405) мазкур бўлди. Ва ул маълум эмаски, Хизр Хожағон Амир Темур-

дин кейин неча йилда вафот бўлди. Вақтеки Хизр Xожаон салтнант таҳтида ўлтурди, Амир Қамаруддин мусаллат бўлғонида хонлиқ бунёди Амир Темурнинг ҳукми бирла табдил тобғон эди. Xонлиқнинг қоидаларини дигарбора тартиб бердилар. Мир Ҳудойдоднинг қадимқи бобосидинки Муҳимми Мир Ҳудойдод эди. Чингизхоннинг замонасида Муҳимми Мир Ҳудойдодга етти мансаб бериб эрдики, ани Уртубуро от бирла тутиб эрди. Ул етти мансаб будур: аввали — табл, иккинчи — аламдор, туркий иборатда туғбеги дейдурлар, учунчи — ўз тобелари бирла түф қўшин тутмокка қўйди, тўртунчи — қурбардор эрди, мўгулнинг расмисида хоннинг мажлисида андоқ эрдики, хондин ўзга киши аниг таркашини қўли бирлан тутмас эрди, бешинчи — миршикор, ҳар кимарса аниг шикорининг сафига кирса, ҳар киши бир нарсани сайд қиласа, аниг навкарларининг бўлғай, олтинчи — мўгулнинг ҳалқига мансаб бермакликда аниг отини улусга сардор деб битибдур, еттинчи — девонхонада ўзга умаролар икки тарафида ёй бўйи йироқ ўлтурғай. Бу етти мансабнинг отини Чингизхон Уртубуро қўйғон эди. Вақтеки Амир Буложи Туғлуқ Темурхонни қалмоқ заминидин келтурди, хон бўлғонда бу етти мансабга яна икки мансаб қўшуб тўққуз мансаб берди. Аввалқиси умаройи қўшинки, аниг минг навқари бўлғай, мансаб қўймоқлиқда ва олмоқлиқда хонга айтмай ўз ихтиёрича бўлғай. Иккинчи улки, Амир Буложини ва

1146 авлодини то тўққуз гуноҳ қилмағунча сўрмағай, мабодо тўққуз // гуноҳ қиласа, ани сўрмоқ ул тариқа бирлаки сўроқ ерида аниг сўзини хонга барлос англатғай. Тўққуз гуноҳни гарданида тўхтатиб ўлумга таъйин топса, умаролардин икки киши шаҳрагидин қон олғой то қон паст бўлғунча. Икки амир тутуб туруб қон тўхтағонда ҳалок бўлса бу икки амир олиб чиқрай. Аммо вақтеки Хизр Xожаонни амир Буложининг ўғли амир Ҳудойдод амир Қамаруддиннинг ҳалок қилмоғидин халос қилиб хонлиқ ерида ўлтурғузуб эди, бу ҳам отасидек ул тўққуз мансабга яна уч мансаб зиёда қилиб, ўн икки мансаб берди. Ул мансаблар буки, мажлис кунлари хоннинг уч ясовули саф тортиб турғай, амир Ҳудойдод-

нинг бир ясовули саф тортиб турғай. Ўнг тарафида хоннинг пиёласини тутиб турғай, сўл тарафида амир Ҳудойдоднинг пиёласини тутиб турғай. Хонға пиёла тутадурғон вақтда иккаласини teng олиб келиб тутғай. Амир Ҳудойдод аввал муҳре босғай, ондин ул хатнинг устига хон муҳре босғай. Бу ўн икки мансабни мӯғулийлар ушбу тариқада шарҳ қилибдур. Бу мансаблар амир Ҳудойдоддин кейин ўғли амир Муҳаммадшоҳ кўрагонга қолибдур, ондин биродарзодаси амир Сайд Али Кўрагонға етибдур, анингдин ўғли Муҳаммад Ҳайдар кўрагонға ва анингдин ўғли Муҳаммад Ҳусайн мирзо кўрагонга қолибдур. Муҳаммад Ҳусайн Мирзо Кўрагон бу фақирнинг отасидур. Ўз ақраболарининг орасида мени Муҳаммад Ҳайдар мирзо дер эрдилар. Отам шахид бўлғондин кейин аммим Сайд Муҳаммад мирзо Султон Сайдхонға уланди. Хон аммимга бу мансабларни бердилар. Бу

115а аҳволларнинг зикри «Тарихи Рашидий»нинг // иккинчи дафтарида мазкурдур. Бу мансаблар Чингизхондин бошлаб то тарихга тўқкуз юз йигирма беш эрди аммим вафот бўлғонича бор эрди, токи хонлиқнинг навбати Султон Рашидға етди, ота-боболарнинг қоидалариға барҳам берди. Булар ўзича бўлак қоидалар тузди. Ҳадсиз ҳамду сано ул Ҳудойи вожибул вужудға бўлсунки, бу фақирни маҳлуқнинг бандачилигидин озод қилиб, хонларға муҳтоҷ қилмай, мансаб ҳавасини димоғимдин билқуллия чиқорди. Илоҳиё, инояту раҳматингки ҳаммага омдур. Агар бир бандангга зарраи тавфиқ ато қилсанг, дунёнинг меҳнатидин, охиратнинг азобу уқубатиндин халос топғусидур. Бу бандангнинг зоҳирини караминг бирла маҳлуқнинг қайдидин чиқординг, ботинини ҳам ўз муҳаббатингға гирифтор қилғайсен.

Рубоий:

Ё Раб, ҳамма мардумни манга бадхӯ қил,
Ҳам жумлаи жаҳон аҳли аро яксў қил!
Кўнглумни бу дуннинг ғамидин ҳам совутуб,
Ўз айши нишотимга яна яқру қил!

ЎТТИЗ ИККИНЧИ ФАСЛ

МУҲАММАДХОННИНГ ЗИКРИ

Муҳаммадхон Ҳизр Ҳожаоннинг ўғлидур. Ҳизр Ҳожаоннинг Муҳаммадхондин бўлак фарзандлари ҳам бор эрди. Шамъи Жаҳонхон, Нақши Жаҳонхон ва анингдин ўзга аввалқи маротабада Эсан Бўғохондин кейин Туғлуқ Темурхондин бўлак мўгулий юртида Чигатой хонларининг наслидин киши қолмағон эрди. Ул аҳволларни зикри қилинғон. Туғлуқ Темурхондин кейин амир Қамаруддин золим Туғлуқ Темурхоннинг фарзандларини батамом ўлтурди. Ҳизр Ҳожаондин бўлак киши қолмаб эди. Буни ҳам зикр қилинғон. Ҳизр Ҳожаондин кейин фарзанд ва набиралари тұла бўлди. Ҳар бирларининг ҳол-аҳволларини ёдида тутғон

1156 киши мўгулияларда қолмабдур. // Аммо Муҳаммадхон андоқ хон бўлдики, давлатманд, мусулмони комил, жаҳондорликни адли била ишоятига етқузди. Уларнинг замонларида мўгулия халқининг тўласи мусулмон бўлди. Мўгулийларнинг борасида андоқ қаттиқ ҳукм қилдики, агар мўгулийлардан бир киши бошига дастор киймаса, темир мих қоқар эрди. Дини исломнинг ишларида тўла саъӣ қилдилар: «Жазоҳу млоҳу хайран қасиран». Мўгулийларнинг тарихида машҳурдурки, амир Худойдод олти хонни ўз қўли бирла кўтарди. Булардин бирлари Муҳаммадхондир. Муҳаммадхон Чодир қўлининг ёнида шимолий тарафида бир работ қилибдурки, андоқ чўнгтошларни ишлатдики, Кашмир иморатидин ўзга ерларда мундоқ иморатни киши қўрмаган бўлрој. Ул работ олтига тоқ бирладурки, мато газида йигирма газдир. Вақтеки анинг дарвозасидин кирсалар, ўнг тарафида бир кўча бордур, у ерда бир гумбазе бордур, йигирма газ бўлғай. Ниҳояти ўбдон, ани Тошработ дейдурлар. Бафотларининг ва туғилган кунларининг тарихи маълум эмас. Улар аҳдларининг тарихига боқсақ, саккиз юз олтмишдин юқорироқ маълум бўладур. Валлоҳу аълам.

ЎТТИЗ УЧИНЧИ ФАСЛ*

ШЕРМУҲАММАДХОННИНГ ЗИКРИ**

Шермуҳаммадхон Муҳаммадхоннинг ўғлидур. Шермуҳаммадхон отасидин кейин қолиб, салтанат таҳтида ўлтурди. Буларнинг замоналарида ҳам ҳаддин зиёда омонлиқ бўлди. Ҳалойиқларга шодлуқ юз келтурди. Шермуҳаммадхоннинг биродарлари Шерали ўғлон буларнинг замоналарида ўн саккиз ёшда қазо бўлди. Ҳонлиқ мартабасига етмади. Шерали ўғлондин Вайсхон отлиқ бир ўғли қолди. Вайсхон ва

11ба // Шермуҳаммадхоннинг орасида андак мухолифат бор эрди. Филжумла зикр қилинур. Аниг салтанати Муҳаммадхондин зиёдароқ эрди. Бу ҳам Мирзо Шоҳрухга ҳамаср эрди. Султон Увайсхон отаси Шерали ўғлон вафот бўлғондин кейин камолира етди. Амакисики Шермуҳаммадхондур ёнида туруб хизмат қилмоқ анга оғир келди. Бўлак ерга бориб макон тутди. Ҳар тарафларда мансаб ишиға қўнгулли киши бўлса, аниг қошиға борди. Бу каминанинг жадди аълоси Мир Сайд Али ушбу жумладиндор. Ва яна она тарафидин Увайсхонга бир набира бўлурман. Бу Мир Сайд Али, Сайд Муҳаммад Мирзонинг ўғли, Сайд Муҳаммад Мирзо Амир Ҳудойдоднинг ўғлидур. Мир Сайд Алининг ҳоллари бу ерга муносиб келгани жиҳатидан шарҳ қилмоқ лозим келди.

* Бу фаслда Шермуҳаммадхон билан Мир Сайд Али, Шермуҳаммадхон билан Вайсхоннинг орасида ўтган воқеаларнинг зикрлари келтирилган. Рус тилидаги нашрда уларнинг ҳар бирига алоҳида фасл ажратилган.

** Бу ўринда Шермуҳаммадхоннинг биродари Шерали ўғлоннинг ўғли Вайсхон зикри ҳам келтирилган. Рус тилидаги нашрда Вайсхон зикри алоҳида фаслда баён этилган.

МИР САЙИД АЛИНИНГ ЗИКРИ ВА АНИНГ ҲИКОЯТЛАРИНИНГ БАЁНИ

Амир Худойдод Мұғалистонда хонларининг хизматида эди, Кошқар амир Худойдоднинг юртидурки, боболариға Чингизхон беріб экан. Юқори мазкур бўлди. Амир Сайид Аҳмаднинг тилининг калолати бор эди. Анинг сўзини сұхбатида ҳамиша бўлган киши фаҳм қилур эрди. Бўлмаса фаҳм қилолмас эрди. Қулоқида ҳам оғирлиқи бор эрди. Урфада сўзлашадурган сўздин зиёдароқ сўзни англар эди. Ҳукумат жиҳатидан падарлариға қўшуб Кошқарға йибордилар. Нечанд муддат Кошқарда ҳукмронлиқ қилди. Кошқарнинг акобирларидин Ҳўжа Шариф отлиқ бир киши бош кўтарди. Тамом ҳалқ ушбу Ҳўжа Шарифга тобе бўлиб кетди. Бу Ҳўжа Шариф хуштабъ, зийрак киши эрди. Сайид Аҳмад Мирзодин малул бўлди. Малул бўлғонини Улуғбекка арз қилиб илтижо келди. Кошқарни Ҳўжа

1166 Шарифга берди. Амир Сайид Аҳмад // Кошқардин қочиб оталарининг қошиға бориб, фот фурсатда шунда вафот бўлди. Сайид Аҳмад Мирзо ҳам Мир Сайид Али оталари олдида чўнг эди. Амир Худойдод Амир Сайид Алиға муҳаббатининг зиёдалигидин ўзга фарзандларидин илғаб олди, анинг учунки, ҳашаматда ва ақл-донишда ва баҳодирликда ҳам тенги йўқ эрди. Амир Сайид Али Эсан Буғонинг қизини ўз ўғли Муҳаммад Ҳайдар Мирзо учун тутуб туруб эдики, зикр қилинур. Алқисса Аҳмад Мирзо отлиқ бирор Темур Мирзонинг наслидин эди, Мирзо Шоҳрухнинг қотидин қочиб келиб эди. Бир ҳамшираси бор эрди, Амир Сайид Али анга шаниқа ва шайдо бўлиб қолди. Ул миқдорки, амир Худойдод ва ўзга одамлар амир Сайид Алиниң никоҳиға олмоққа ароға тушди, рози бўлмади. Айдики, Мұғалистонда бўлмоқни хоҳламайман, агар ман бирла вилоятта борса, анда бу мұяссардур. Озгина кунда вилоят тарафига юз келтурди. Амир Сайид Али бирла вилоятта борди. Вақтеки Андижонга етдилар, Мирзо Улуғбек киши йиборуб Аҳмад Мирзони ўлтурди. Ва ҳамширасини

Мирзо Улугбек ўз никохига олди. Амир Сайид Алини Самарқандда бандга тортди. Бир йил бандда турди, охири ҳолда анга касал ориз бўлди. Шу мартағага етдики, ўлмакка яқин бўлди. Мирзо Улугбек табибларни йиборди. Ҳарчанд илож қилдилар, фойда қилмади. Ул вақтдаки, бир куни бир киши қимиз олиб келди. Табибдин илтимос қилдиларки, даво кор қилмади. Қимизни кўнглум тортадур агар табиблардан ижозат бўлса, корим тамомига етса. Табиблар ижозат бердиларки, шояд табиати қимиз бирла ором олғай деб. Қимизни хоҳлаганича бердилар. Қимизни ичган замон

117а сиҳат бўлди. Ул вақтларда // Мирзо Улугбекнинг отаси Мирзо Шоҳрухнинг хизматида Ҳурсонга борур эрди. Мир Сайид Али сиҳат топрондин кейин айтдики, Амир Сайид Алиға от-яроғ беринглар, ҳамроҳ Ҳурсонга борсун! Мирзонинг мақсади Амир Сайид Алини Ҳурсон ҳалқига кўрсатмак эдики, бизга Мўғалистонда ғаниматлар бордур. Бир кечада Мирзо Қаршида кетиб борур эдики, бир мунча ўқ-ёй кўтарган одамлар билан Мир Сайид Али ҳам борур. Мирzonинг назари маҳофанинг ичидин Мир Сайид Алиға тушди. Боқса Мир Сайид Алиниң ўқи ўн тўрт қабза эрди. Мирzonинг хотириға етдики, мабодо манға ўқ отмағай деб. Мирзо бу ваҳм била Мир Сайид Алини олдиға чорлади ва айтдики, сизнинг Ҳурсонга бормоқингиз чарҳдур, ман Ҳурсонга бориб келгучалик ўбдан мақдурингизга келгайсиз. Ёниб келгандин сизни Мўғалистонга юборгумдур, токи бизнинг Шермуҳаммадхоннинг ярашмоқлиқига боис бўлгайсиз, деб. Қаршидин ёнмоқлиққа рухсат қилди ва Самарқанд ҳокимиға киши юбордики, Мир Сайид Алини ман Ҳурсондин ёниб келгунча иззат-обруй бирла тутғай. Аммо пинҳон киши юбордики, Самарқанд ҳокими Мир Сайид Алини бандга солсин. Вақтеки Мир Сайид Али қўшиб берган одамлар била йўлда келиб уларнинг авзойини фаросат бирла билдики, булар иззат учун бормайдур. Вақтеки Самарқандға етдилар, Мир Сайид Алини бир манзилга тушуриб улар Самарқанд ҳокимининг олдиға кетдилар. Мир Сайид Али дарҳол чиқиб Тошкент тарафиға пиёда равон бўлди. Вақтеки ул

одамлар Самарқанд ҳокимини бошлаб амирни тушурган манзилга келсалар, оти ва яроғи

117б турадур, Мир Сайд Али // ўзи йўқ. Соатнинг ичида на ерга борғондур деб ҳарчанд истадилар, ҳаргиз тополмадилар. Аммо амир йўлға чиқиб, қаландарларга қўшулуб эди, қаландарлар суратида Тошкентта келди. Қаландарлар амирни Аштури Абдол атадилар. Анинг учунки бу қаландарлар зоду роҳиласини амирға юклар эрди. Қаландарлик суратида Асҳобул каҳф минорининг шайхининг қошиға келди. Ул шайхни Мўғалистонда Мулкат ота дер эдилар. Амирни тонидики, Шайх Шодибек отлиқ ўғлини ҳамроҳ қилиб Мўғалистонға йиборди. Шодибек Шайх амирни Амир Худойдоднинг олдиға етқуриб қўйди. Шодибек Шайх Амир Худойдодға муқарраб бўлди. Шодибек Шайхга «Вафодор» деб лақаб қўйди. Алқисса, амир вақтеки амир оталарининг хизматига улонди, ул вақтда Султон Увайсхон аммиси Шермуҳаммад хондин гина тутиб қазоқда эрди. Амир Худойдод амир Сайд Алиға айтдики, манга маслаҳат андоқ қўринадурки, Увайсхоннинг олдиға борғайсенки, бу ерда зоеъ бўлғунгдур. Амирға ўзининг ҳамтенгларидин неча кишини ҳамроҳ қилиб бериб Увайсхоннинг олдиға йиборди. Амир бориб ўбдан лойиқ хизматлар қилди. Ҳон ҳамшираси Узун Султонхонни Мир Сайд Алиға берди. Мир Сайд Алиниң яхши сифатлари Увайсхоннинг борасида бағоят баланддур. Бунинг зикри Увайсхоннинг зикрида келур. Иншооллоҳ.

ШЕРМУҲАММАДХОН ВА ВАЙСХОННИНГ ОРАСИДА ЎТГАН ВОҚЕАЛАРНИНГ ЗИКРИ

Вақтеки Увайсхоннинг ўз аммиси Шермуҳаммадхондин канора тутди, бу сўз юқори мазкур бўлди. Увайсхонга тўла жамият пайдо бўлди. Қазоқнинг расми билан Шермуҳаммадхоннинг мамлакатининг атрофида юруб эрди.

118а Луб, Катак ва Сариф уйғур // деган ерларда рўзгор ўткарди. Ул вақтда Узун Султонхонни амир Сайд Алиға бердилар. Амир Сайд тўйнинг лозимаси учун шикорға чиқди. Икки

гавазн тутуб келиб аниг гүшти бирла тўй қилди. Ул ерларда ҳеч иш ўзи хоҳлағонидек бўлмади. Ул ердин Туркистонға бордилар. Ул вақтда Туркистонға амир Шайх Нуриддин, Амир Сари Буғо қипчоқ Амир Темурнинг умароларидин ҳоким эрди. Аниг бирла бориш-келиш қилдилар. Аниг орасида Шермуҳаммадхоннинг адовати бор эрди. Бу жиҳатдин Увайсхонға ўз қизи Давлат Султон бегимни берди. Увайсхонга мададкорлик қилиб токи аммиси Шермуҳаммадхон бирла муҳораба қилғай. Ва нечанд муддат хоннинг ва аммининг орасида тўла низоъ бор эрди. Ва тўлароқ Шермуҳаммадхон голиб бўлиб эрди. Ва ул жанг низоъдин бири улки Мўғалистон заминидин Карангқоянглиғ отлиқ бир ер бор эрди. Ул ер бирла Увайсхон илғор қилиб, тун нисфида Шермуҳаммадхоннинг ўрдасининг устига келиб тушди. Тўрт юз киши эдилар. Favolap чиққондин кейин Шермуҳаммадхон ўзини кандининг суйига ташлади. Увайсхон Шермуҳаммадхоннинг ўрдасини қуршаб тушди. Ҳарчанд ўрда ҳалқини қийин қилди. Аммо Шермуҳаммадхондин асар топмади. Яна қундуз бўлғонда қочиб кетди. Шермуҳаммадхон лашкар жам қилиб, кейнидин қуғлаб юрди. Бу борада бисёр машаққат бирла ҳалос топди. То Шермуҳаммадхон ўз ажалида ўлмагунча, Увайсхонға хонлиқни бермади.

ЎТТИЗ ТЎРТИНЧИ ФАСЛ*

УВАЙСХОННИНГ ЗИКРИ

Вақтеки хонлик навбати Увайсхонға етди, Увайсхон ниҳояти мусулмон ва вилоятта мансуб, баҳодирлуқда беназир эрди, мўгулий ҳалқарини қалмоқ кофирлари ғорат қилолмас эрди.

* Бу фаслга рус тилида 33, 34-фаслларни ташкил этган Амир Ҳудойдоднинг Маккага қилган сафари ва умрининг сўнгти йиллари ҳамда Вайсхоннинг шаҳодат топгани зикрлари ҳам киритилган.

1186 // Қалмоқ кофирларға яқин эрди. Ул кофирлар бирла ҳамиша жанг-жадал қилур эрди. Бовужуди тұлароқ мағлуб бұлуб эрди, аммо ҳаргиз жангдин құл һигмас эрди. Шундоққи, кофирлар құлиға икки маротаба гирифтор бұлды. Яна халос топдилар. Аввалқи маротаба тутилғонида Минглоқ деган ерда Эсон Тайши билан қылғон жангда әди. Вақтеки Увайсхонни тутуб Эсон Тайшининг қошиға олиб борди. Эсон Тайши күнглида кечурдикі, агар таҳқиқ Чингизхоннинг наслидин бұлса, манга таъзим қылmas. Мени навкарларнинг үрнида құрар. Вақтеки хонни олиб келди. Эсон Тайши отдин тушуб Увайсхонға бosh урди. Таъзими тамом бирла илгари келди. Хон аниңгдин юз уйурди, құл узатмади. Эсон Тайшининг зәтиқоди хонға зиёда бұлды. Хонға тұла таъзимлар қилиб құя берди. Хондин сұрдикі, ҳеч таъзим бажо келтүрмадингиз. Хон айди, агар Эсон Тайши улуғлиқ тарзи бирла келса эрди, ҳар ойина жоннинг құрқунчидин таъзим қылур эрдим. Аммо ул куффорнинг расми бирла бosh уриб келди. Хотиримға етдіки, шаҳодат вақтидур. Кофирнинг куффор феълиға юз ошмоқлиқ ва таъзим бажо келтурмоқ мусулмончилиқдин бұлмағай, деб ушбу жиҳатдин таъзим бажо келтурмадим. Вақтеки хон диндорлық корида рост эрди, аниң баракотидин ул вартадин халос топди. Яна бир маротаба Қабо деган ер Мұғалистаннинг бир канорасидур, яна Эсон Тайши бирла жанг қилишиб, хонға шикаст етти. Хоннинг отини үқнинг захми бирла йиқитиб эрди, хон пиёда қолди. Мир Сайд Али отидан тушуб, үзининг отига миндуруб қўйди. Ўзи юз тубан йиқилиб ётди. Кофирлар үлди деб гумон қилиб, амирнинг тұфасига келди. Амир дарҳол

119a қўфиб, уларнинг // бир чўнгини тутуб олиб жеба бирла кўтариб юрди. Ҳар тарафдин үқ келса, ани сипар қилиб хоннинг жиловида юрди. Ушбу жиҳатдин амирға үқ тегмади. Ушбу тариқада жанг қилиб, жебалиқ кофирни кўтариб, то Или дарёсига етдилар. Қалмоқни чўлға ташлаб, хоннинг жиловини тутуб, дарёға кирдилар. Сув ғарқ қылроли турди. Ўзга халқ сувда ғарқ бўлды. Хоннинг оти ўзгали турди. Амирхон отининг бошини әгри тутуб пиёда жеба

билан хонни сувдин ўтказди. Накл қилибдурларки, хоннинг икки амакизодаси бор эрди. Бирининг оти Ҳасан Султон, бирини Луқмон Султон дер эрди. Бирининг қизил яқоси, бирининг яшил яқоси бор эрди. Ҳар иккаласи ғарқ бўлди. Мир Сайд Али хоннинг жиловини тутуглуқ бир қўл солиб боқди. Аммо ҳеч қайсисини тутолмади. Ондин кейин Мир Сайд Алига Увайсхон беш жулду бердики, беш хизмати учун. Аввалқиси улки, ўз отини хонға бериб, ўзи пиёда монгди. Иккинчиси, қалмоқни олиб берди. Учунчиси бир фарсах ергача хонға сипар бўлди. Тўртунчиси Или суйидин жебалиқ от бирла ўтказди. Бешинчиси хонни сувдин халос қилиб, яна ул икки амакизодасини халос қилмоққа сайъ қилди. Хон борҳо айтур эрдики, мабодо ул иккисидин бири қўлиға кирса, ани ҳам ўтказадурғон қуввати бор эрди. Бу беш хизмати учун беш аймоқни жулду қилиб берди. Бири Туркот, иккинчиси Ҳайбат широнут, учунчи Ўзбек аймоқи, тўртунчи Доруға, бешинчи Кукумат аймоқ. Бу аймоқлар Хўтандадур. Султон Вайсхон яна бир

1196 маротаба Турфонда қалмоқлар бирла жанг қилдилар. // Яна шикаст бўлуб, хонни тутуб олди. Бу борада бекор қўя бергали бўлмас деб, Эсон Тайшига ўз ҳамшираси Махтумхонни берди. Андин қўя берди. Алқисса халқнинг орасида машҳурдурки, Увайсхон хони қалмоқ бирла олтмиш маротаба жанг қилиб бир маротаба ғолиб бўлди. Ўзга маротабада шикаст топиб, ёнди. Мавлоно Ҳожа Аҳмаддин неча маротаба эшитдимки, хон зиёда тақводор киши эрди. Андоқки, ҳар йили Торим ва Луб ва Катак қаторлиқ тева бор саҳроларга шикорға чиқиб, ул тевадин ўзи сайд қиласа, анинг юнгини оналариға юборур эрди. Оналари Султон хотун ўз қўли бирла игириб, томбал ва қўнглак қилиб берур эрди. Муни кийиб устига пурбаҳо эгнлар кийар эди. Турфон ерида сув камдур. Хон ўзи зироат қилиб, ариқдин сув қўймас эрди. Қудуқ қўрлаб, анинг суюи бирла сувориб, зироат қилур эрди. Ҳазрати Мавлоно ривоят қилурларким, ман неча маротаба кўрдум, хон ўзининг зироатига тобелари бирла, қизиқ ҳавода қудуқдин сув тортиб қуйиб қилғон зироатининг ҳусули ўн хирманға етмас эрди,

солиёнаси шул эрди. Мавлоно **Хожа Аҳмад** хожа Мұхаммад Косонийнинг муриллари туур. Буларни **Хожа Ҳасан** Аттор раҳматуллоҳи алайҳи тарбият қилиб әдилар. Булар маснади иршод **Ҳазрати Хожа Баҳоуддин Нақшбандий** қаддасаллоҳу сирраҳу муриллари эрди. Увайсхон бовужуди подшоҳ бўлмоқ била умри шарифларини ушбу тариқада ўтказдилар. Амир **Худойдод** бу хоннинг замонасида Маккан шарифға кетган эди. Мўгулийлар зикрида амир **Худойдод** олтита хонни ўз қўли бирлан хонлик маснадида ўлтурғузди. Аввал **Ҳизр** **Хожаҳонки**, зикр

120а қилинди, Шамъи Жаҳонхон ва Нақши // Жаҳонхон ва Мұхаммадхон ва Шермуҳаммадхон ва охириси султон Увайсхондир.

Амир **Худойдоднинг** Маккага борғон ва рўзгорининг тамомига етканининг ҳол-аҳволлари мазкур топти. Аммо бу фаслда амир **Худойдоднинг** умри шарифларида ўтган аҳволни зикр қилинур. Мўгулийлар амир **Худойдоднинг** валийликлариға иттифоқ қилибдурлар. Сийратда ва суратда мўгулийларнинг эътиқоди бор эрди. Сақотлардин соҳиби китоб айтадурки, додам ва амакиларим **Таъаффараллоҳу** би-ғуфрониҳимлардин эшитдимки, амир **Худойдод** аксари муддат подшоҳлиқ ишларида эрди, бовужуди йигирма тўрт минг киши хизматларида эрди. Бу воқеа тарихқа етти юз олтмиш бешдин (1363—1364) илгари эрди. Муддати тўқсон йил Кошқар, Ёрканд ва **Ҳутан** ва Оқсу, Бой ва Кучор ушбу қаторлиқ шаҳарларнинг подшоҳлиқи амир **Худойдодға** мустақбал эрди. Бовужуди шунча улуғлуқ бирла бошлариға тож тақмадилар, балки тўла вақтларда отга минмади. **Ҳар** вақтеки, бир ердин кўчар бўлса, ўз тобе халқлари улоғ олиб келиб, кўчурур эрди. Яна кишига улоғ демас эрди. Пул топсалар асиirlарни халос қилмоқликка харж қилур эрди. Илгариги замоналарда мўгулийлар алад-давом Туркистон ва Шош ва Андижон қаторлиқ шаҳарларни чопиб, торож қилиб мусулмонларни асири қилиб олиб келур эрди. Мўгулийлардин ул асиirlарни пул бериб согиб олиб, зоди роҳила бериб қўяберур эрди. Анчаки, тааллукотида борини асиirlарга сарф қилур эрди. Умри шарифларини ушбу тариқада ўтказур эрди. Мусофиirlару хизмат-

корларға намоз үқумоқ учун жайнамозлар тайёр қилдуруб қўяр эрди. Бу амир Худойдоднинг кашфи-

1206 кароматлари тұладур. // Бири улки, Ҳазрати Мавлоно Ҳожа Аҳмаддин әшитибдурманки, Ҳожа Зоҳид Кошқарий пархезкор улуғ киши эди. Амир Худойдодға Ҳожа Зоҳид бир ёғлиқини ниёз қилғоли уйига киши йиборди. Ҳожа Зоҳиднинг маҳрами хотирида кечурдики, Ҳожанинг ёғлиқини Мўғулияға юбормак муносиб эмас, ҳайф деб бўлак ёғлиқ йиборди. Вақтеки амир Худойдод бу ёғлиқни кўруб, табаррукан юзига суртуб, яна шу соат ул ёғлиқни олиб келган кишига берди. Айтдики, агар ушбу ёғлиқ таҳқиқ Ҳожанинг бўладурон бўлса, манга мундоқ ёғлиқнинг ҳожати йўқ, деб ёндуруб берди. Ул киши ёғлиқни Ҳожа Зоҳиднинг маҳрамиға олиб бориб берди. Ҳожа Зоҳиднинг ҳарами таажжуб қилиб бу воқеани Ҳожа Зоҳидға айтибдур. Ҳожа Зоҳид маҳрамиға аччиғлаб айтдики, амир Худойдод тоифаи аҳдуллоҳдин бўлса, нима учун шундоқ ғаддорлик қилдинг деб. Ҳожа дарҳол ўзининг ёғлиқини йиборди. Вақтеки бу киши ёғлиқни еткуруб бориши ҳамон ёғлиқни юзларига суртуб айттики, ори, ушбу ёғлиқ Ҳожанинг ёғлиқидур, деди. Вақтеки амир тўқсон етти ёшга етиб эди, ҳажнинг орзуси тўла бўлди. Ҳарчанд Вайсхондин ижозат тилади, рухсат бермади. Мир Худойдод Мирзо Улугбек-ға маҳфий киши йибордики, Мирзо келсалар ман Мўғулийни вайрон қилиб берсам. Вақтеки Мирзо Улугбекка мўғулийлардин зарар етган эди, ҳамиша мўғулийларнинг қасдида эди, филҳол отланиб Чу деган ерга етиб эдики, Мўғулистаннинг машҳур мавзеларининг биридур, амир [Худойдод] қочиб Мирзо Улугбекнинг олдига борди. Аҳли мўғулийлар ҳар қайсилари бир тарафга тарқаб кетдилар. Вақтеки

121a Мирзо Улугбекнинг қошиға // етиб эди, Мирзо Улугбек айтдики, бизни олиб келмак мақсади ушбуму эди. Мир айтдики, ори, мақсад ушбу эдики, хон ҳажга ижозат бермаб эди, ушбу баҳона бирла чиқиб келдим. Алҳол маслаҳат йўқдурки, мундин зиёда ерга борилғай. Мирзо Улугбек ул ердин ёнди. Амир Ху-

дойдодга тұла иззату икромлар қилди. Вақтеки Самарқандға етти. Мирзо Улугбек амир Худойдоддин илтимос қилдиди, Чингизнинг ислохини ҳеч киши сизга үхшаб билмайдур. Ҳамма ислохини бизга айтиб берсангизки, бизнинг дунёning ишларида анго ҳожатимиз бор, деди. Амир айттики, биз Чингизнинг ислохини ёмон деб, ҳаммасини тарқ қилиб, шаръи шариф бирла иш қилиб юрур эрдук. Агар Мирзо Улугбек Сиз бовужуди донишмандлик бирла Чингизнинг ислохини үбден деб шаръини тарқ этиб, Чингиз ислохига муқайяд бўлсангиз, ўргатиб қўёлиқ, деди. Мирзо Улугбек бу сўздин хижолат бўлди. Амир ислохи Чингизни ўргатмадилар. Алқисса, амир Маккага борди. Шунда оламдин борди. Вақтеки отам анараллоҳу марқадаҳу Ҳурсонға бориб эдилар, анинг шарҳини иккинчи дафтарда шарҳ қилинур. Ҳурсонда Султон Ҳусайн мирзонинг сипоҳларидин, оти Султон Али барлос эди, умрининг ҳәёти юз йилға яқин әдики, Султон Ҳусайн мирzonинг олдида мўътабар киши эрди, Али барлос айттики, ман кичик эдим. Мир Худойдод отлиқ бир киши Мўгулистоннинг мўътабар кишиларидин экан, менинг отам Шоҳ Ҳусайн барлосму мўгулийларнинг барлосларидин эрди, отам бирла ҳамроҳ бўлдилар. Шаҳар башаҳар юруб, то Маккан муззаманинг зиёратига мушарраф бўлдуқ. Вақтеки ёндуқ, неча кун йўл юрганда, амир

1216 Ҳудойдод сўрдики, Мадинага // қачон етамиз? Эшиттиларки, Мадина бўлак тарафда қолди. Амир Худойдод тұла ғамнок бўлиб, айттики, ман йироқ йўлдин зиёда меҳнатлар бирла келдим. Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи васалламнинг равзаи муборакларини зиёрат қилмай, ёнмасмен деб. Тобе ҳалқларини каравонларға қўшуб, ижоза бериб, Мўгулистондаги аҳли аёлларига хат-китобат қилиб бериб, амир Худойдод ўзи Мадинаға аэм қилиб юрди. Алқисса Мир Худойдод ва уларнинг бор ҳарамлари тарки тааллуқ қилиб Мадинаға юз келтурди. Бир арабни йўлбошчи қилиб олди. Бизму ота-бала амир Худойдоднинг мулизиматида равон бўлиб, узоқ йўлларни тай қилиб Мадинаға еттук. Амир Онҳазрат саллаллоҳи алайҳи васалламнинг равзаи мутабарракаларига мушарраф бўлди. Кеч

бўлғонда бир манзилға тушдук. Вақтеки кечаси амирнинг ҳоли тағъирир топди, отамға сурай ёсинни хатм қилинг деди. «Мислихим бало»ға етганда нафаси мунқатеъ бўлди. Бу воқеадин ажаб бир ҳолате юз келтурди. Ҳаммамиз ҳайратда қолдуқ. Вақтеки тонг отти Мадинанинг улуғлари ва ўзга халойиқлардин тўла киши жам бўлди, ва сўрдики, бу кеча бу ерда ҳеч киши вафот бўлдиму? Хабар бердукки амир Ҳудойдод отлиқ бир киши вафот бўлди. Ҳаммали-ри жам бўлуб келиб, таҳзийатларини тутуб фарёду фифонлар қилди. Айттики, бу кеча Онҳазрат саллоллоҳи алайҳи васалламни тушумизда кўрдук, башорат бердиларки, бу кеча мени зиёрат қилголи йироқдин меҳмон келиб вафот бўлди. Ани амирул мўъминин Усмон разиаллоҳу анхунинг марқадларининг тубанида қўйунглар, деб. Асоларининг учидаги тортаб қўйдилар. Уйғониб кўрсак, ул хат тортиғлиқ турадур. Ҳаммамиз кўрдук зихи саодатманд бандадурки, бу даражага

122а мушарраф бўлибдур. Мадинанинг улуғлари // амир Ҳудойдодни Ҳазрати Усмон разиаллоҳу анхунинг марқадларининг оёқларида дағн қилдилар. Яна бир кечаси амирнинг ҳарамлари вафот бўлди. Уларни ҳам амирнинг ёнида дағн қилдилар.

Эй толиби содиқ, огоҳ бўлғилки, зихи давлату саодатдурки, кимарсае тўқсон етти йил салтанат маснадида ўлтуруб, мамлакатнинг ишлариға саранжом бериб, умр ўтказса, охири Ҳақ таолонинг карами бирла ҳарамайнинг зиёратига мушарраф бўлиб, Расул саллоллоҳу алайҳи васалламнинг башоратлари бирла Мадинаи мунавварада мадфун бўлса, ҳар кимарсага Ҳудойи таоло тавфиқ бериб, адл ва инсоф бирла умр ўткарса, давлат ва иззатга мағрур бўлмай, бақадри имкон амрларини бажо келтуруб, ғафлат уйқусидин бедор бўлуб, ғариб-бечораларға адлу навозишлар қилса, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ўз фазли карами бирла бу даражага мушарраф қилса, ҳеч ажаб ва ғаройиб эмасдур.

Вақтеки Султон Али барлос бу сўзни бу ерга еткурди, отам тўла шодлиқ қилиб қўпуб қучоқлашиб кўрушди. Вақтеки Ҳурсондин ёндуқ, неча муддат Ироқда ўлтурдуқ. Ҳеч киши бу хабар-

ни Мұғалистонға еткүрмади. Шукр алхамдуиллоҳки амир Ҳудойдод бу фақирнинг улуғ бобосидур, Ҳудойи таоло бундоқ улуғ даражаларга еткүзді. Вақтеки амир Ҳудойдод Маккага юрдилар, Увайсхон амирнинг мансабларини үғли амир Мұхаммадшоҳға муқаррар қилди.

ВАЙСХОННИНГ ШАҲОДАТ ТОПГОНИНИНГ ЗИКРИ

Ҳ замонеки, Мир Ҳудойдод Маккага кетдилар Мир Мұхаммадшоҳ отасининг мансабида үлтурди. Неча вақт муниңг бирла рўзгор ўтди.

1226 Вайсхоннинг салтанати // охириға етди. Аниң шарҳи бу тариқа бирладурки, Сатуқхон Амир Темурнинг хонларидин эрди. Мұғалистонға йиборди. Ул вақтда Вайсхон Иссиққўл ҳаддидада эрди. Соҳиби китоб айтур, мен Ҳазрати мавлоно Ҳожа Мұхаммаддин эшииттимки, улар айттики, Ҳожа Абдулкарим отлиқ бир аммзодам бор эрди. Вайсхонға муқарраб эрди, ҳикоят қилдики, жумъя куни намози жумадин илгари гусл қилиб ва сочларини олдиради. Манга айттики, мениңг бу бошим нимага лойиқдур. Ман айттим, подшоҳлиқ тожига лойиқдур. Вайсхон айттики, тожға лойиқ эмас, балки шаҳодатга лойиқдур. Тағи ушбу сўэда эдики, бир киши изтироб бирла, кириб айттики, Сатуқхон етиб келди деб. Дарҳол амр қилдиларки, нақора чолинглар деб. Ўзлари салоҳларини кийгали машғул бўлди. Анча тобе ҳалқлари бор эрди. Жамъ бўлдилар. Вақтеки лашкарлар бир-бирлариға рўбарў бўлди. Орасида бир ариқ бор эрди. Ҳон ўзи илгари юрди. Ул ариқдин отини сакратиб эди, отниңг оёри ариқға тойиб кетди. От боши бирла йиқилди. Ҳоннинг Чоқар отлиқ бир кишиси бор эрди. Амир Мұхаммадшоҳнинг мулоғизими эрди. Ўқни зиёда ўбдан отар эрди. Бу ҳалқнинг орасида аниң ҳам тенги йўқ эрди. Ушбу жиҳатдин муни ҳон амир Мұхаммадшоҳдин тилаб олиб эрди ва ўзига мулоғизм қилиб эрди. Ҳон ариққа тушган вақтида Чоқар

етиб келиб, хонни ёгий гумон қилиб ўқ отди. Хон учаси бирла йиқилди. Чоқар кейин түниб, үзини хоннинг тұғасига олиб

123а урди. Бу хабар Сатуқхонға // етти. Ул келиб хоннинг бошини қучоғига олиб үлтурди. Ул ҳолда рамақи жон эрди. Фурсатдин кейин тамом бұлды. Мұғулий халқлари тамом пароканда бўлиб, Сатуқхонға фармонбардор бўлмади. Мұғулистонда турғали бўлмай Кошқарға бордилар. Анда амир Ҳудойдоднинг набираси Қароқул Аҳмад Мирзо Сатуқхонға душах* бўлди. Фот фурсатда Мирзо Улугбек лашкар йиборди. Қароқул Аҳмад Мирзони тутуб Самарқандга олиб бориб, икки пора қилдилар.

ЎТТИЗ БЕШИНЧИ ФАСЛ

ВАЙРОНИ ИРОЗОННИНГ ЗИКРИ

Вайсхон шаҳодат топрондин кейин, халойиқлар жам бўлдилар. Вақтеки Сатуқхоннинг қатли воқеъ бўлғонини англаб халойиққа филжумла таскини хотир бўлди. Вайсхондин икки ўғул қолиб эрди. Бирининг оти Юнусхон, бирининг оти Эсан Буюхон, Юнусхон чўнг ўғли эрди. Ўн уч ёшқа кирганда умаролардин навъи ихтилоф воқеъ бўлди. Ирозон бойрин ва Мирак туркман Амир Ҳудойдоднинг тобеъ халқларидин эрди ва мўътабар халқи эрдики, амир Ҳудойдод вафот бўлғонидин кейин ўғли Мир Муҳаммадшоҳнинг қотида эрди. Вайсхоннинг воқеъаларидин кейин бу икки киши тобеъ халқи бирла Мир Муҳаммадшоҳдин жудо бўлуб, Юнусхонға қўшууб, фитнанинг бунёдини зохир қилдилар. Шунга ўшаш ўзга халойиқлардин ҳам булағға қўшууб эрди. Вақтеки тўла умаролар Эсан Буюхоннинг тарағига бордилар, халойиқлар Мұғулистонда туролмадилар. Ирозон бойрин, Мирак туркман ўттуз

* Душах — қотил маъносида келган.

123б минг уйлик кишини бошлаб, Юнусхонни // тутуб, Самарқандга юрдилар. Эсан Буғоҳон қолган мӯғулийлар бирла Мӯғулистонда қолдилар.

ЎГТИЗ ОЛТИНЧИ ФАСЛ

ЮНУСХОН ВА ИРОЗОН САМАРҚАНДГА МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ ОЛДИГА БОРҒОНИНИНГ ЗИКРИ

Вақтеки Мирзо Улуғбек Ирозон бойрин ва Мирак турқманнинг хабарини эшитиб, Самарқанддин Ўзбек олдиға келди. Мӯғулий ҳалққа улуфа беринглар деб. Яна буйрудики, ҳар бир уйлик кишини жудо-жудо қалъадин ўтказиб оти-оти бирла футуб олсунлар! Мӯғуллар улуфанинг жиҳатидин ҳар ўйлук бир-биридин жудо бўлиб шаҳарга кирди. Яна бир дарвоза бирла чиқорди. Бир гуруҳ ҳалқни ул дарвозада қўйиб эди, ҳар уйлик кишини бир-бир тутиб, ўлтурди. Аҳли авлодини асир қилди. Ҳар киши бир қалъага кетди. Андин ҳеч хабаре бўлмади. Ушбу тариқа бирла Мирзо Улуғбек нечанд кунда бу ишни тутатди ва Юнусхонни хумс ғанойим бирла отаси Мирзо Шоҳрухнинг олдиға пешкаш юборди. Юнусхон ўн уч ёшда эди. Вақтеки Мирзо Шоҳрухнинг олдиға олиб келди, Мирзо Улуғбекни хон жиҳатидин гуноҳкор қилди. Ва хонни асиrlарнинг қаторидин чиқариб отадорлиқ сифати бирла навозишлар қилиб Мавлоно Шарафуддин Яздийга топшурди. Ҳазрати Мавлонодин фазилатлар касб қилғай. Ва мавлононинг ва хоннинг отида муаммолар тўладур ва ашъор қасидалари ҳам бордур. Муддати ўн икки йил хизматида бўлдилар. Анчаки фазллар ҳосил қилди. Модомики Ҳазрати Мавлоно бор эрдилар, хон

124а ҳамроҳ эрдилар. Вақтеки мавлоно вафот бўлди, Язддин Ироқ, // Порс тарафлариға сафар ихтиёр қилдилар. Йигирма тўрт

ёшигача мавлоно хизматида эрдилар, қирқ бир ёшга кирганды яна Мұғулистонда подшоҳ бўлди. Фотина шарҳ қилинур. Иншооллоҳ,

ЎТТИЗ ЕТТИНЧИ ФАСЛ*

ВАЙСХОННИНГ ЎҒЛИ ЭСАН БУГОХОН ХОН БЎЛҒОНИНИНГ ЗИКРИ

Вақтеки Ирозон ва Мирак туркман Юнусхонни Самарқандға олиб борди, Мұғулистон тамом Эсан Бугохонға таъйин тобти. Умаролар хизматида бўлдилар. Хоннинг муҳимлари тамом топти. Амир Сайд Али жангга саъй қилди. Вақтеки хон барқарор бўлди, Мир Сайд Али хондин Кошқарға рухсат тилади, анинг учунки Кошқарни илгари Ҳожа Шариф Кошқарий Улуғбек Мирзоға бериб эрди. Хон ижозат берди. Тафсили китобда мастиурдур. Мир Сайд Али Кошқарға борди. Кошқар ул кунларда аксари Манғлай субе деб машҳурдур, Дуғлотнинг таҳти тасарруфида эрди. Кошқар ва Андижон Самарқанднинг тобиидин Иссиққўлнинг ҳудуди тарафи вайрон бўлиб эрди. Ўзга тарафларининг тўлароги Дуғлот подшоҳларининг таҳти тасарруфида эрди. Ул вақтда Оқсу ва Кусан ва Бойда Мир Сайд Алининг амакзодаларининг биродарлари бор эрдилар. Мир Сайд Али Оқсуга кириб эди, аҳлияларини Оқсуда қўйуб Кошқарға юзланди. Мухталаф сўзларнинг борасида эшитилибдурки, вақтеки Мир Сайд Али Оқсуга кирдилар, биродарлари Одил Мўмин мирзо, Сайд Махмуд мирзоларнинг орасида мунозаат пайдо бўлди. Охирул амр ҳаммага ғолиб келди. Бир-бирларини ўлдурмақ тўла воқеъ бўлди. Бу сўзларнинг шарҳида мухталаф сўзлар эшитилди. Бас ложарам бу сўзларнинг

* Рус тили нашридаги Мир Сайд Алининг Кошқарга юриш қилиб, уни эгаллаганлиги ҳақидаги фасл ҳам шу фаслга киритилган.

1246 // шарҳига қадам қўйулди. Аммо ҳосили калом улки, Мир Сайд Али ғолиб келгандин кейин Кошқарға юз келтурди. Етти минг киши амирнинг мулоғиматида эрди. Вақтеки Кошқарнинг ҳудудига етди, Кошқардин Ҳожи Муҳаммадий Шоиста ўттуз минг киши бирла отлиқ ва пиёда Учбурҳонга Кошқарнинг уч фарсангидур, жанг учун рӯбарӯ чиқди. Ул ҳамлада амир қочмоқлиқға юз қўйди. Мўғул Чифатойнинг кейнидин етти. Мўғул қўл қўйишдин илгари силоҳни ташлаб, зорига машғул бўлди. Ушбу жиҳатдин ул жангга «Салой бегим» от қўйулди, ул ҳудуднинг масофларининг машҳурлари диндор. Ва ул тарихе бўлди. Кошқар халқи аҳли қарорлар қалъаға кирдилар ва Мир Кошқарнинг қалъасининг тошида қолганларни талон, форат қилиб ёнди. Яна бир йили, асад вақтида, ҳаддин зиёда кишилар бирла келди. Ҳожи Муҳаммад Шоиста қалъаға қабалди. Кошқарнинг ташқарисини чофти. Кошқарнинг қалъасики маҳкам қалъа эрди. Алику деган келиб, жанг қилиб олиб, ҳар нимарсаеки бор эди торож қилиб, олиб кетди. Ҳожа Шариф Самарқандға бориб Мирзо Улугбекка арз қилиб, нолаю зори қилди. Ҳожа Шариф Мирзо Улугбекнинг хизматида эканида бир куни сўрдики, Кошқарда ўбдонлиқ борму деб. Ҳожа Шариф айттики, Кошқарға Чифатой келиб жабр-ситам тўла бўлди, деб айди. Мирзо Улуг Пирмуҳаммад барлосни Кошқарға йиборди. Ҳожи Муҳаммад Шоистани Самарқандға элтди. Вақтеки Пирмуҳаммад барлос Кошқарға келди. Кошқар халқи анга Пирмуҳаммад банги от қўйди. Ўзидин ҳеч сўзу ҳасаб сўрмади. Ҳожа Шариф Чифатойдин қутулди, гумон қилди. Вақтеки

125а учунчи йили яна Кошқарға юзланди, // Кошқарнинг улуғлари Ҳожа Шарифга ғирев қилиб айттики, икки йил ошлиқимиз зое бўлди, агар бу йил зое бўлса, Кошқар қаҳат бўладур деб. Вақтеки Кошқар ҳудудига етиб эди, Кошқар халқи Пирмуҳаммадни тутуб боғлаб Мир Сайд Алиниңг олдилариға олиб чиқди. Мир Пирмуҳаммад барлоснинг ҳаётлиқ хилъатини солдурди.

Ўзи Кошқарға кириб доду адл қилиб, раийятпарвар бұлуб, ёмонларни нобуд қилуб, һигирма түрт йил ҳукumat маснадида ұлтуруб, ободонликни ҳаддига еткүзді. То бу замонғача аниң юмни баракоти бордур. Мир Сайид Али бу муддатда мулкка омонлиқ, зироатнинг кенгравлукини, яйлоғларни ҳадди ниҳоятсиз қилдики, Мирдин уч үгул, икки қиз қолди. Бир үғлиниң оти Мұхаммад Ҳайдар Мирзодир, бу банданиң бобосидур. Бир юз олтмиш минг қўй мерос тегиб экан, Ҳожа Фахруддин Ортужий раҳматуллаҳи алайҳи тижорат маоб ва тақво интисоб ва мақбулұл-қавл киши эрди, шунингдин эшитдимки, Мир ҳар қишида уч ой шикор қилур эрди. Ул шикорға ўз сипоҳидин бұлак кишига таклифи йўқ эрди. Сипоҳларидинму Мирға қўнолға бергудек кишиларни ҳамроҳ қилур эрди. Бу уч ойда ҳар кишига еткунча ун, гүшт ҳар манзилда берур эрди. Баъзи кунларда беш юз қўй харж бўлур эрди. Баъзи йилларда уч минг киши Мирнинг мулоғиматида бўлур эрди. Ҳаммасига Мирдин улуфа берур эрди. Ҳожа Фахруддин айтдики, бир маротаба қиши вақтида Мир Ортужға тушиб эрди, Мирнинг қушбегиларидин бири бир хотунға ун берди айттики, муни нон этиб келиб, олти нондин бирини ўзинг олғил деб. Нон этиб

1256 келгандин кейин // айттики, ўтун, туз ҳаммаси мендин бўлса мунча хизмат қилмобсен деб нон бермаб эди. Бу хотун Мир Сайид Али отланишида доддоҳлиқ қилди. Мир ул қушбегини чорлатиб сўраб эди, иқор бўлди. Мир дарғазаб бўлиб айттики, нима учун нонни ўзунг пиширмай ожиз мазлумни хизматға буйрудинг деб. Шул ерда тўхтатиб туруб анбур олдируб келиб тишларини торттуруб бошиға қоқди. Амирнинг адолати бу миқдор эди. Амирдин нечанд яхшилиқ ва тузаткан кент ва иморатлар бу вақтғача Кошқарда боқийдур. Бу ерда бақадри вусъат ривоятлар бирла шарҳ қилинди.

ҮТТИЗ САККИЗИНЧИ ФАСЛ

МИР ЭСАН БУГОХОН МУХОЛИФАТИ ВА УЛ КУНЛАРДА БЎЛГОН ВОҚЕАЛАР ЗИКРИ

Аммо вақтеки Юнусхон кетти, тамоми улус Эсан Бугохонга фармонбардор бўлиб, тўла жамиятлар даст бериб нечанд ўйл ушбу тариқада ўтти. Хоннинг ёши кичикликдин умаролар ёник санаб уйғур турфон қабиласидин Темур отлиқ бир кишини илғаб қўйди. Темур ноиблиқ тартибида ҳадди эътидолидин ўтказиб иш қилди. Умаролар аниг улуғлиқидин ва ўзларининг хор бўлғонлигига тоқат қиломай, бир кун хоннинг мажлисида ғалаба қилиб Темурни пора-пора қилдилар. Баяк бораги тафриқа бўлдилар. Хонму баоят қўрқти, улар ҳам қочти. Вақтеки бу хабар Кошқарға Мир Сайд Алиға етти, Мир Сайд Али Мўгулистонға келиб, хонни Оқёсда топти. Неча ҳалқ бирла хонни Оқсуга олиб келиб, Оқсуни хонға берди. Аммо мўғулнинг умаролари ҳар киши бир иш тутиб Мир Муҳаммадшоҳ Отбошида мутаваттин бўлди. Мир Сайд Али, уларнинг биродарзодалик воситаси

126а // бирла неча маротаба аҳд йиборишкандин кейин, Оқсуга хоннинг қошиға келди, то охири умригача Оқсуда мақом тутдилар. Ва яна Мир Абдукаримберди дуғлот эди, Мўгулистон ҳудудида Андижон ва Фарғона тарафида Алобуга деган ерда Эгиз дубанинг тӯфасида қалъа рост қилди. То бу замонгача ул қалъанинг асари бордур. Андижон мусулмонларини чопмоқ ва олмоққа машғул бўлди. Ва амир Ҳақберди ва Бекчик Иссиққўлда Қўйсуй деган ерда қалъа қилди. Ва аҳли аёlinи Иссиққўлнинг биёбонида қалмоқнинг зараридин эмин бўлсин деб анда қўйди. Ўзи Туркистон ва Сайрамнинг чўлларига борди. Чурос умаролари бойрин бешқавми ва Эсон Тайши Амасанжи Тайши қалмоққа борди. Ва яна

Қолужи ва Боғлажи нечанд бўлак қабилалар бирла Абулхайрхоннинг қошиға Ўзбекастонга бордилар. Кунжи умаролари нечанд кишилар бирла саҳрода Мўғулистонда тафриқа бўлдилар. Мўғулистонда халал ва паришонлиқ юз келтурди. Аммо Эсан Буғоҳон Оқсуда қарор топди. Аввал Мир Муҳаммадшоҳ келди. Андин ҳалойик хонға ружу қилдилар. Ҳон ҳам ўз қилмишидин пушаймон бўлди. Одамийларга яхшилик қилиб, қувват топти. Ондин Сайром, Туркистон, Тошкент тарафлариға бориб чопиб, тўла вайрон қилиб ёнди. Бу воқеада тарих саккиз юз эллик беш (1451) дин илгари эрди. Яна бир пора шундоқ чопти, ул замонда Мовароуннаҳрга Султон Сайд мирзо подшо бўлиб эрди, Ҳонни қўғлаб етти. Бу воқеа тарих китобларида равshan футулибдур. Охирул амр жанг бўлмаслиқға қарор бериб, ўз вилоятига ёнди. Вақтеки Султон

1266 Сайд Хурсонни олди. // Хурсонга борди. Эсан Буғоҳон Андижонға келди. Андижонда Мирзо Султон Абу Сайддин илгари Мирзо Али Кўчак деб амири бор эрди. Қалъага қаболди. Ҳоннинг лашкарининг тўлалиқи ул ҳад бирла эдики, Андижон қалъасини уч саф ҳалқа қилиб тутдилар. Ҳар тарафдин лахим сўқиб, ташқариқи қалъасини олдилар. Арқда Мирзо Али Кўчак ёлғуз қолди. Охирул амр сулҳ бирла тўла пешкашлик бирла кирди. Ҳон Андижон вилоятини тамом асир қилиб ёнди. То бу замонғача хон асир қилғон халқнинг наслидин Кошқарда ва Мўғулда бордур. Вақтеки Султон Абу Сайд мирзо бу хабарни эшитди, Эсан Буғоҳоннинг дафъиға ожиз келди. Онинг учунки Султон Сайд мирзо Мўғулистонға юз келтурса, Эсан Буғоҳон Мўғулистоннинг бир канорасиға борадур. Самарқанднинг лашқари ул ерларга бормоқи мумкин эмас деб ёнди. Эсан Буғоҳоннинг қуввати ул нав эдики, умароларини Султон Сайд мирзонинг уҳдасидин чиқар эрди. Султон Сайд Ироқға лашқар юборадурган муддаоси бор эрди, аммо Эсан Буғоҳоннинг қўрқинчисидин боролмас эрди. Ироққа киши йибориб, Эсан Буғоҳонни чўнг акасини олдуруб келди. Оти Юнусхон эрди. Муни илгари шарҳ қилинғон, яна фотфина зикр

қилинур. Эсан Бугохонга киши йибордини, икки биродарлар мунда тушсунлар деб. Токи бу сўзлар бирла ул мамлакатларнинг ҳудуди амон бўлғай. Онинг учунки, мўгул умаролари хондин тафриқа бўлиб, ҳар киши бир қалъа этиб, хонга камо янбағий итоат қилмаб эрди. Хон ҳам буларнинг бу ишига эътиroz ҳам қилмаб эди,

127a //ул умид билаки, халойиқ яна хонга итоат қилиб, фармонбардор бўлғай деб. Ул қунларда Абулхайрхон Даشتி Қифчоқни тамом олғон эрди. Жўчи нажоднинг умаролари Жонибекхон ва Гираіхонлар эътиroz қилишиб, улардан қочиб Мўгулистонга келдилар. Эсан Бугохон Чу ва Қўзибоши деган диёрни илтифот қилиб берди, Мўгулистоннинг қибла тарафидур. Вақтеки улар шул ерларда ёйладилар, вақтеки Абулхайрхон вафот бўлди, ондин улуси ўзбек бирла тўла мухолифат қилишиб, халқнинг тўлароқи Гираіхон, Жонибекхон қошиға борди. Анинг учунки уларнинг тобелари икки юз минг кишига етиб эди. Ва исми ўзбек ва қазоқларни қўлиға тушурди. Қазоқ тобе бўлғоннинг ибтидоси саккиз юз етмишинчи йили эди. То тўқкуз юз қирқинчи йилиғача қазоққа мутасадди бўлдилар. Ўзбекистоннинг тўлароқиму тобе бўлиб эди, вақтеки Гираіхондин кейин қолиб, Бурундуқ хон бўлди. Ондин кейин Жонибекхоннинг ўғли Қосим хон бўлди. Охирул амр Даشتӣ Қигчоқни забт қилиб, лашкарларининг тўлалиқи минг-мингдин зиёда бўлди. Жўчихондин кейин ул юртларда ҳеч киши бунингдин улуғроқ хон бўлғон эмас. Қосимхондин кейин ўғли Мамошхон бўлди. Онингдин кейин биродарзодаси Тоҳир хон бўлди. Тоҳирхоннинг вақтида қазоққа вайронлик юзланди. Онингдан кейин биродари Бўйлаш хон бўлди. Аммо Бўйлашнинг замонида қазоқ йигирма мингча киши қолиб эди, тўқкуз юз қирқ (1523)дин кейин улар ҳам қолмади. Қазоқнинг ҳаммаси вайрон бўлди. Билжумла Эсан Бугохоннинг

1276 // вақтидин Рашидхоннинг замонигача мўгул ва қазоқнинг орасида дўстлуқ ва ошнолиқ бор эрди. Аммо Рашидхон уларни қўғлади. Ошнолиқ кетти. Муни Рашидхоннинг тазкирасида зикр қилинур. Инишоолоҳу таоло.

ЎТГИЗ ТЎҚҚИЗИНЧИ ФАСЛ

ЮНУСХОННИНГ ХОН БЎЛГОН ИБТИДОСИНИНГ ЗИКРИ

Султон Абу Саъид мирзо Султон Муҳаммад мирзонинг ўғли. Улар Султон Маҳмуд мирзонинг ўғли, улар Мироншоҳ мирзонинг ўғли, булар Амир Темурнинг ўғли. Вақтеки Султон Абу Саъид мирзо ўз аммисига ғолиб келди Самарқандни Абдуллоҳ Мирзо Широзийдин олди. Мирзо Шоҳруҳ вафот бўлғондин кейин Ҳуросонни Мирзо Бойсунғурдин тортиб олди. Мирзо Бойсунғур Мирзо Шоҳруҳнинг ўғли, Мирзо Шоҳруҳ Амир Темурнинг ўғли. Андоқ улуғ подшоҳ бўлдики, Амир Темур подшоҳнинг наслида мундоқ забти мамлакат бўлмағон эрди. Вақтеки Ҳуросонни олди, аниг баланд ҳиммати Ироқни тасарруфига олди. Бу сўз Эсан Бурохоннинг таарзузи жиҳатидин зикр топибдур. Вагарна лозим эмас эди, вақтеки Султон Абу Саъид мирзо Эсан Бурохоннинг чўнг акасини Ироқдин олиб келгали киши буйуруди ва Ҳуросонда бое-роғларда бир таҳт қўйуб ўлтурғузуб подшоҳона саруполар кийдуруб тухфалар тортди. Ва нечанд аҳду шартлар қарор қилдилар. Ул жумладин бири ушбу эрдики, Султон Абу Саъид мирзо хонга айттики, Амир Темургаму аввалқи хуружда бу ерларнинг умаролари камо янбагий итоат қилиб бўйунсунғон эмас. Ва агар ҳаммани истисол қиласа, лашқар тўла бўлмоқлиқга боис бўладур. Умаролар айттилар, бизга хон қўймок лозим, токи хонга итоат қилиб бўйунсунғаймиз деди. Амир Темур Суюр-ғатмишхонни хонликка ўлтириздилар. Ондин халойиқ итоат қилиб

128а фармонбардорлиқ // қилди. Мир Темур хонни ўбдан тутти ва иззатни сақлади. Туғро ва қаромин ва туркий Сўйурғатмишхоннинг тасарруфига кирди. Вақтеки ул вафот топти, ўғли Султон Маҳмудхонни ўрнига тиклади. Амир Темурдин кейин то

Мирзо Улубекниң замонасигача ҳукумат ишларини маърий тутти. Аммо хонлиқ отидин үзга муддаоси йўқ эди. Анинг учунки, хон охир ҳолида тўлароқ Самарқандда бандда маҳбус бўлиб эди. Айтур эдик, менинг хонликка эҳтиёжим қолмаб эди, ҳоло подшоҳлик навбати манга етти, эмди ман сизнинг факирлиқ энгингизни солдуруб, подшоҳона эгинлар кийдуруб, ўз юртингизга йибораман. Аҳду шартлар улдурки, мундин кейин мутақаддамиларнинг хилофи бирла ўтган ҳоқонлар даъво қилур эрдиларки, Амир Темур ва Амир Темурнинг ўғуллари бизнинг навкарларимиздур, дер эрдилар. Сиз бу даъвони қилманг, анинг учунки, агарчи қадимда шундоқ эди, аммо ҳоли анга үхшаш эмас. Ҳоло мен ўзумга подшоҳ ўзгалар манга навкарлиқ даъво қиладур. Лозимки қуллуқ ва хожалиқ отини ташлаб дўстлуқ отини итлоқ қилинг! Ҳоқонларнинг тариқасидек Амир Темурнинг мирзолариға бегоналик хати футуманг, балки дустона хатни маръий тутунг, бундин кейин бу амрни авлодингиз ҳам шундоқ маръий тутсун, деб бу сўзларни айтти. Юнусхон ҳам қабул қилиб, бу аҳду шартларга қасамёд қилди. Ва хонга рухсат бериб ҳар мўгулийки, ул диёрларда бор эрди, ҳамроҳ қилиб қўшуб бердилар.

ҚИРҚИНЧИ ФАСЛ

ЮНУСХОННИНГ АҲВОЛЛАРИНИНГ ТАФСИЛИНИНГ ЗИКРИ

128 6

*А*гарчи Юнусхоннинг ибтидоий аҳволи мужмалан илгари // футулди. Аммо тафсили улки, Юнусхон Увайсхоннинг ўғли, улар Шерали ўғлоннинг ўғли, улар Муҳаммадхоннинг ўғли ва улар Хизр Ҳожахоннинг ўғли ва улар Туғлуқ Темурхоннинг ўғлидур. Агарчандеки Юнусхоннинг туғулған тарихи маълум эмас, аммо вафоти тарихидин қиёс қилинубдурки, анинг туғилиши саккиз юз ўн тўртунчи йилда экан. Вақтеки отаси Вайсхон ўлди, Юнусхон

хонлиқ тахтида ўлтирди, анинг орасида оғаси Эсан Буғохоннинг орасида мухолиф ишлар пайдо бўлди. Эразон ва Мирак туркманлар мўғулларни бошлаб Юнусхонни тутуб Самарқандга Мирзо Улугбекка олиб бориб берди. Юнусхон ул замонда ўн уч ёшда эди. Бу вайроналиқ мўғуллар тилида бу вақтгача бордур. Алқисса Мирзо Улугбек хонни отаси Мирзо Шоҳрухни қошиға юборди. Ул навъ бирлаки зикр қилиниб эди, отаси Мирзо Шоҳрух Юнусхонни иззат-икром бирла тутуб, Мавлоно Шарафуддин Али Яздий раҳматуллоҳи алайҳифа топшириди. Хон улардин фазилатлар касб қилғон эрди. Анинг учун илгари ва кейин анга ўхшаш мўғул хоқонлари орасида киши пайдо бўлғон эмас. Вақтеки Мавлоно Шарафуддин вафот топти, хон Язддин форс тарафиға бориб мусофиратлик ихтиёр қилиб, рӯзгорининг тўлароқини касб бирла ўтказдилар. Ондин Шерозда ватан тутуб, уламолар мажлисида бўлди. Неча қисми ҳунарларни қилиб Шерозда уста Юнус деб отанди. Бу ҳол орасида Мирзо Султон Абу Саъид Ҳурносонни олиб, Ироқ доясини тутти. Фарғона ва Шош Туркистон тасаруфида эрди. Аммо Ироқ Эсан Буғохоннинг

129а // заҳмати жиҳатидин орада қолиб эди. Мирзо Султон Саъид Шерозра киши йиборди. Неча аҳд-шарт бирлаки йўқори зикр қилинди. Мўғулистонға келганда Юнусхон қирқ бир ёшқа кирган эди.

ҚИРҚ БИРИНЧИ ФАСЛ

ЮНУСХОН МЎҒУЛИСТОНҒА КЕЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Вақтеки Мўғулистонда умаролар ҳар киши бир ерда маҳкам бўлиб эди, Юнусхон Мўғулистонға келди. Аввал Мир Каримбердихонга улашиб фармонбардор бўлди. Ондин Кунчи умаролари

баъзи тафриқа бўлрон халқлар бирла хоннинг мулоzиматига кирдилар. Мир Пир Ҳожи Кунчи амири эди. Ул мақбулул қавл истеъодлиқ киши эрди. Анинг қизини хон ақди никоҳига олди. Оти Эсан Давлат бегим эрди. Анигдин хон уч ўгул^{*} топти. Ҳар қайсини ўз маҳалида зикр қилинур. Бекчик умаролари Иссиккўлда эрди. Мир Пирҳақберди ўлиб эди, аниг ўрнига биродарзодаси Мир Иброҳим ўлтуруб эди, улар ҳам келиб хонга қушулди. алоҳазо хонға жамийят даст берди. Ул вақтеки умаролар неча муддат бебош умр ўткаруб эдилар. Хоннинг мулоzимлиқини тартиб-коидалар бирла бажо келтиролмай, хон ҳамиша ҳолига навозишлар қилур эрди. Неча йил ушбу тариқада ўтди. Охир хон Кошқарға юз келтурди. Ул замонда Мир Сайд Али узун ёшлиқ киши эрди, ўлтуруб қўпмоққа мажоли йўқ эди, Эсан Бугохонға киши йибордики, Юнусхон Кошқарға келди деб. Ўзи Кошқарнинг қалъасига қаболди. Ул замонда Эсан Бугохон Юлдузда эди, Мўгулистоннинг машриқ тарафидур, андин Салоҳқа кетиб эди. Вақтеки бу хабар Эсан Бугохонға етти, олтмиш минг лашқар жам қилиб эди, ўн бир минг киши бирла Кошқарға етти. Яна олти минг киши ҳамроҳ етти.

1296 // Ўзгаси йўлда қолди. Мир Сайд олдиға чиқиб ҳамроҳ бўлиб келди. Ўттуз минг киши Мирнинг мулоzимати бирла чиқди. Хон Солорга, Кошқарға уч фарсаҳдур, Оқсу тарафиға ниҳояти мушкуллик бирла масоф тутдилар. Охирул амр зафар Эсан Бугохон, Мир Сайд Алиға бўлди. Юнусхон қочиб кетти. Юнусхоннинг ҳамма аҳли авлоди Мир Сайд Алининг қўлиға тушди. Ул замонда Юнусхоннинг Мехр Нигор хоним отлиқ боласи Эсан Давлатбегимдин эмчакда эди, Мир Сайд уларга жабдуқ бериб, хоннинг кейинидин йиборди. Вақтеки Юнусхон Мўгулистонға келди, халқлари анигдин жудо бўлдилар. Анда ҳам туролмай аҳлиясини Мўгулистонда қўйуб, ўзи Ҳурсонға Мирзо Султон Абу Саиднинг хизматига борди. Хоннинг ҳоли андоқ хароб бўлиб

* ўгул — фарзанд, қиз маъносига.

эдики, Мирзоға пешкаш қилиб киргали ҳеч нимарса тополмади. Бүёнқули деб бир яқин хизматкори бор эрди, Сизни гуломим деб Мирзоға пешкаш қилсам, деб тұла хушомадлар қилиб әди. Бүёнқули ҳам ризолик берди. Хон ани Мирзоға пешкаш қилиб мuloқot қилди. Мирзоға нола қылдикі, бир вилюят берсалар, бизларға турмөклиқта боис бұлса, мүғул халқи мендин умидвор бўлсалар. Мирзо Андижон кентларидин бериб хон бирлан хўблашди. Юрайдурғон вақтда Бүёнқули йиглади. Мирзо Султон Абу Саъид анингдин сўрдики, нима учун йиглайсен. Бўнёқули ўз ҳолини айтти. Мирзонинг раҳми келиб анга жабдуқ бериб, хонға ҳамроҳ қилиб йиборди. Хон билжумла халқлар бирла Мўгулистанға келди. Тафриқа бўлған одамлар яна хоннинг хизматига жам

130а бўлдилар. // Бу аснода Кошқарда Мир Сайд Али вафот бўлди. Мир Сайд Алиниң мақбараси гунбазидадур: Тарихқа саккиз юз олтмиш иккода (1457—1458) воқе бўлди. Мир Сайд Али вафот бўлғондин кейин Юнусхонға филжумла қувват бўлдики, зикр қилинур.

ҚИРҚ ИККИНЧИ ФАСЛ

СОНСИЗ МИРЗОНИНГ КОШҚАР ТАХТИДА ЎЛТУРҒОНИ ВА ОТАСИ МИР САЙИД АЛИНИНГ ИШИ ТАМОМИҒА ЕТҒОНИНИНГ ЗИКРИ

Вақтеки Мир Сайд Али вафот бўлғондин кейин анингдин икки ўғул қолди. Чўнгги Сонсиз мирзо әди. Онаси чурос қабиласидин әди. Яна бири Мухаммад Ҳайдар мирзо, анинг онаси Ўрун Султон хоним Юнусхоннинг аммаси әди. Мўгулийларнинг расми бирла Мир Сайднинг ўрни чўнг ўғли Сонсиз мирзоға бўлди. Бароят машҳур, карамлик киши эрди. Султон хонимнинг ҳурмат ва таъзими учун ва биродарининг

мехро-шафқати ҳаққи жиҳатидин Кошқар ва Янги Ҳисорни хонимға ва Муҳаммад Ҳайдар мирзоға қўйуб, ўзи Ёрканднинг пойтахтида ўлтурди. Агарчи Муҳаммад Ҳайдар мирзо Юнусхонға аммазода эди, Эсан Бугохон Давлат Нигор хонимга икки тараф баробар эрди. Аммо Мир Сайд Али ўз ҳаётлиқ вақтида Эсан Бугохоннинг қизи Давлат Нигор хонимни Муҳаммад Ҳайдар мирзо учун олиб эди. Бу жиҳатдин Муҳаммад Ҳайдар мирзо Эсан Бугохоннинг табақаларига илтижо келур эди. Мир Сайд Алининг вафотидин кейин Эсан Бугохон ҳам вафот бўлди. Тарихқа саккиз юз олтмиш олтинчидаги хонлик ўрли Дўстмуҳаммадхонға қарор топти. Шунга ўхшаш зикр қилинур. Муҳаммад Ҳайдар мирзо Эсан Бугохонга куёв ўғуллуқ учун адаб сақлар эрди. Эсан Буғаҳондин кейин қолронда Дўстмуҳаммадхонға

1306 // адаб сақлар эрди. Муҳаммад Ҳайдар Сонсиз мирзоға адаб сақламай, анинг хилофида иш қилғоч, Муҳаммад Ҳайдар мирзо Кошқарда туролмай Оқсуға қочиб бориб Дўстмуҳаммадхоннинг хизматида турди. Сонсиз мирзо Кошқарни андоқ забти адолат қилдиги, ўтган замонлар ҳасудидай. Мир Сайдиддин кейин етти йил ҳукумат сурди. Тарихқа тўққуз юз олтмиш тўққузунчи (1561—1562) йили вафот қилди. Сабаби ул бўлдики, бир кун шикорға чиқиб, отдин йиқилди. Юлғун ёғочи ёниға фотиб жароҳат қилди. Ул жароҳат ёмон бўлиб, ҳалок бўлди. Вақтеки Сонсиз мирзодин кейин Муҳаммад Ҳайдар мирзони Кошқарға олиб келди. Дўстмуҳаммадхон Ёркандга борди. Сонсиз мирzonинг ҳарами Жумок^{*} Оғони ақдиға олди. Сонсиз мирзодин икки ўғил, бир қиз қолиб эди. Ўғлонларининг оти Мирзо Абобакр ва Умар Мирзо, қизи Ҳон Султоним. Буларни олиб Оқсуға борди. Буларнинг шарҳи фотрина келур.

* Жумок — илмий матнда «Жамол».

ҚИРҚ УЧИНЧИ ФАСЛ

ДҮСТМУҲАММАДХОННИНГ ХОН БЎЛГОН ЗИКРИ

Вақтеки Эсан Буғоҳон марги табиий бирла ўлди, ўрнига ўғли Дўстмуҳаммадхон подшоҳ бўлди. Ўн етти ёшда эди. Оқиллар доирасидин ташқари эрди. Тўлароқ иши ақл қоидаси бирла эмас эди. Давом ҳушёр киши эмас эрди.

Мисраъ:

Девона масть бўлдики, оқил канора тут.

Анииг қаландарликка майли бор эрди. Ўзига ва умаролариға қаландарона от қўйуб эди. Ўзига Шамси абдол от қўйуб эди. Умаролариға ҳам «фалон

131а абдол», «фустон абдол» деб от қўйуб, шул от бирла чорлар // эрди, аммо бағоят сахий эрди.

Мисраъ:

Подшоҳлик қолди бу девонага.

Билки расо девона эрди. Бовужуди муниглиқ бирла етти ўйл подшоҳлиқ қилди. Ул кунларда бир маротаба Ёркандга лашкар тортти. Аввал Ёркандга келди, Сонсиз мирзонинг вафотидан кейин бунинг умаролари қалъанинг эшикини боғлади. Хон уларга Сонсиз мирzonинг ҳарамларини чиқориб бергил, деб эди, ани йибордилар. Яна чўнг ўғли Мирзо Абобақриму ҳамроҳ йиборди. Ондин зиёда тааруз ҳам еткурмади. Ўзи Кошқарға кетти. Вақтеки Ёркандга юз келтурушида Кошқарни эл қилмоқ учун Муҳаммад Ҳайдар мирзони Кошқарға юрутуб эди, вақтеки Дўстмуҳаммадхон Кошқарға келди, Муҳаммад Ҳайдар мирзо олдига чиқди. Хон Муҳаммад Ҳайдар мирзони Янги Ҳисорға йиборди.

Ўзи Кошқарға кириб, Кошқарни горат қилиб Оқсуга кетти. Бу жиҳатдин Ҳайдар Мирзо оғриниб Юнусхонға илтижо қилдики, шарҳ қилинур. Вақтеки Дұстмуҳаммадхон Оқсуга келди, неча вақт үтти, ондин ҳамширлари Ҳусн Нигор хонимни Мирзо Абобакрға берди. Аммо Мирзо Абобакр хоннинг беэътидоллиқ жиҳатидин вахшатлик эди. Охирол амр қочиб чўнг амаки Мұхаммад Ҳайдар мираннинг қошиға Кошқарға келди. Ҳусн Нигор хонимни ҳам орқасидин йиборди. Ондин кейин Дұстмуҳаммадхонға неча воқеалар пеш келди. Ондин ўз отасининг ҳарамларидин бирига майли пайдо бўлди. Ақд қилмоққа уламолардин фатво сўрди. Ҳеч қайси рухсат бермади. То уламолардин етти кишини ўлтурди. Охир Мавлоно Мұхаммад Атторни чорлаб сўрдики, ул киши мутаҳаййир, дарвеши бадҳол эрди. Хон маст бўлуб,

1316 // шамшир қўлида, Мавлоноға айттиким, эй мулло, отамнинг ҳарамларидин бирини оламен, менга равому ё йўқму? Мавлоно айттики, сизга раводур, хон филҳол никоҳ қилдурди. Шу кечаси отасини тушида кўрдики, қаро отға миниб етиб келди. Эй бадбаҳт, менинг мусулмончилиқимға юз йил ўтубдур. Эмди сен ёниб кофир бўлдунгму, деб фолту бирла ёниға уруб ондин отдин тушуб қўлини қозоннинг қўнгиға суваб, қорасини юзига сувади. Юзи қора бўлди. Ул тушидин қўрқуб уйғонди. Пушаймон бўлуб, онасининг уйидин чиқиб, фусл қилиб эди, ёниға хала турди. Эртаси жиқ тутти. Ҳалойиқ Мавлоно Мұхаммад Атторға гирев қилдики, Сиз фатво бердингиэ деб. Хон айтти: Таарруз қилманглар. Мен Мавлонодин илгари етти муллони ўлтурдум. Ондин Мавлонодин сўрдим, муллаи фақир нечук қилсун? деди. Мавлоно айди: Мен фатво бермадим, сизга раводурки кофир бўлибсиз дедим, — деди. Дұстмуҳаммадхон зотилжам бўлуб, олтинчи куни ўлди. Йигирма тўрт ёшға кириб эди, саккиз юз етмишинчи йилида эди. Анинг учун Ҳожа Шариф Кошқарий «тўнгуз ўлди» деб от қўйуб экан. Ондин кейин халойиқлар жамъ бўлуб Кебек сulton отлиқ бир ўғул қолиб экан, баъзилари ани тутуб Турфон, Чолишға кетдилар. Ондин Юнусхон Оқсуга келди. Тамоми халойиқ тасарруфига кирди.

ҚИРҚ ТҮРТИНЧИ ФАСЛ

**ЮНУСХОННИНГ ИККИНЧИ МАРОТАБА
СУЛТОН АБУ САЪИДНИНГ ОЛДИДИН
МҮГУЛИСТОНҒА КЕЛГАНИ ЗИКРИ**

Вақтеки Юнусхон яна иккинчи маротаба Мүгулистанға келди, 132а Мүгулистаннинг умароларининг ҳаммаси яна хонга // ружу қилиб жамъ бўлуб келдилар. Филжумла вақт ўтказиб хун қилфай. Филжумла вақтму ўтти, хун қилолғоли бўлмади. Эсан Бўрохонға тааллук юртларға борди. Вақтеки Эсан Бўрохон, Мир Сайд Алилар ўлди, подшоҳлик Дўстмуҳаммадхонға қолди. Муҳаммад Ҳайдар Мирзо билан Сонсиз мирзонинг орасида низо воқе бўлди. Ани зикр қилинур. Муҳаммад Ҳайдар мирзо Оқсуға Дўстмуҳаммадхоннинг қошиға борди. Сонсиз мирзо Юнусхон тарафиға юзланди. Хонға филжумла қувват ҳосил бўлди. Ул кунларда Юнусхон Кошқарда туролмади. Яна ночор бўлуб келур эрди. Неча маротаба мундоғ воқе бўлди. Бу ривоят муҳталиф ривоятлар бирла масмӯъ бўлди. Ҳаммани баён қилса сўз узоққа тортадур. Аммо хулласи калом улдурки, Юнусхон ҳамиша шаҳар ва диёrlар орзусида юрур эрди. Аммо умаролари ва лашкарлари қочиб юрур эрди. Анинг учунки хон ҳамиша Мүгулистанда авқот кўчурур эрди. Вақтеки Сонсиз мирзо ҳам ўлди, Муҳаммад Ҳайдар мирзо ҳам Юнусхонға улашти. Бу ҳол орасида Дўстмуҳаммадхон ўлди. Юнусхон Оқсуға келди. Дўстмуҳаммадхоннинг тамом нарасасига мутасариф бўлди. Дўстмуҳаммадхоннинг ўғли Кебек Султон ўғлонни давлатхоҳларидин тутуб Турфон тарафиға олиб қочди. Аммо Юнусхон хоҳладики Оқсуда бўлғай, нечукки Мүгулистанға Оқсуни нисбат берса, шаҳарга ўхшайдур. Аммо хонға мўгулнинг феъли-авторидин андоқ маълум бўлдики, агар Кебек Султон лашкар бирла келса, халойик анга кириб кеттудек деб. Юнусхон ночор бўлиб

132б тамом мӯгулларни олиб Мӯгулистанга // келди. Ул замонда Амосонжи Тайшики Эсон Тайшининг ўғли эди, анинг зикри Вайсхоннинг зикрида шарҳ қилинди. Вақтеки Мӯгулистанга келди, сабаб ул бўлуб эдики, илгари зикр қилинди. Эсон Тайши Вайсхоннинг синглиси Махтум хонимни хоннинг жонининг бадалига олиб эди. Вайсхон Махтум хонимни берган вақтида қуёв ўғлини мусулмончилик ақди бирла никоҳ қилиб бериб эди. Махтум хонимдин икки ўғил, бир қиз бўлди. Махтум хоним ўз тобеларини мусулмон қилиб, бу икки ўғулга Иброҳим ва Илёс от қўйуб эди, қизларини Мир Каримбердининг ўғли Қодирберди Мирзоға бериб эди. Буларнинг мусулмон бўлғони жиҳатидин Иброҳим ўнг ва Илёс ўнг дер эрди. Анинг учунки қалмоқ тилида хонзодани ўнг дейдур. Амосонжи Тайши уч юз минг киши бирла булардин қочиб Мӯгулистанга келди. Ва яна юз мингча киши Иброҳим ўнг ва Илёс ўнглар бирла қолдилар. Охирал амр Иброҳим ўнг ва Илёс ўнг бирла қалмоқ хони орасида адоватлар пайдо бўлди. Қалмоқ хонидин қочиб, қирқ минг киши бирла Хитой тобеига кирди. Бу икки биродарнинг орасидаги вайрончилик Дўстмуҳаммадхоннинг вафотидин илгари эди. Дўстмуҳаммадхоннинг вафотидин кейин тўқкуз юз ўнунчи (1493) йилидин илгари Хитойга кирди. Ҳар иккаласи Хитойда ўлди. Иброҳимдин Бобўлай деб бир ўғил қолиб эди, ҳали анда бордур. Ва ул қавм Бобўлай от бирла машҳурдур. Вақтеки Мансурхон Хитой ғазотига борғонда ул қавм бирла жанг қилишибдур, анинг шарҳи Мансурхоннинг зикрида келур. Амосонжи Тайши Иброҳим ва Илёслардин айрилиб

133а Мӯгулистанга келди. Юнусхон Оқсудин // мӯгулларни кўчуруб Мӯгулистанга келди. Или суйи кентида жангта саф тортилар. Юнусхон тарафига шикаст етти. Ул жангда мӯгулнинг умароларидин тўла киши шаҳид бўлдилар. Вақтеки қалмоқ ғолиб бўлғондин кейин тамоми мӯгулнинг ҳалқи Туркистонга бордилар. Туркистоннинг ҳудудида Сайхун суйининг лабида Қаротўқай деган ерда қишлиди. Туркистонни Буруж ўғлон чопуб, мӯгул ҳалқини чопроли келди. Чунончи ани ҳам шарҳ қилинур.

ҚИРҚ БЕШИНЧИ ФАСЛ

**ДҮСТМУҲАММАДХОН ЎЛГАНДИН КЕЙИН
БЎЛГОН ВОҶЕАЛАРНИНГ ЗИКРИ ВА
ЮНУСХОН МУСТАВЛИЙ БЎЛГОН ВОҶЕАСИ
ВА БУРУЖ ЎГЛОННИ ЎЛТУРГАНИ ЗИКРИ**

Вақтеки ўзбек тарихида саккиз юз эллик бешда (1451) Чингизхоннинг ўғли Жўчихоннинг юрти Даشتি Қипчоқдур, Жўчи наслидин Абулхайрхон подшоҳ эди, ул замонда ул юртларда анингдин улуғроқ подшоҳ ийӯқ эди. Анинг вафотидин кейин Урдуйнинг халқининг тўласи Гирайхон, Жонибекхон қазоқийларники зикр қилинди, анга қўшилди. Гирайхон ва Жонибекхонларнинг Абулхайрхоннинг фарзандларининг орасида қадимдин қаттиқ адовати бор эрди. Бу жиҳатдин Абулхайрхоннинг фарзандларига Мўгул хони ҳам адовати бўлди. Анинг учунки мўгул хони Гирайхон Жонибекхонларнинг мураббийси эди. Абулхайрхоннинг халқлари Буруж ўглонға йигилдики, Абулхайрхоннинг чўнг ўғли эди. Вақтеки Гирайхон, Жонибекхон қуввати тамом топти, Буруж ўглонлардин йироқ бўлмоққа саъй қилиб Туркистонда бўлди. Мўгулнинг Туркистонга келган хабари эшитилди. Тахқиқ бўлғондин кейин Юнусхон Қаротўқайдин ўрдуихонга юзланди. Қазоро ул куни // тамоми халқ шикор

1336 қилмоқға Сайхуннинг музининг тўфасидин ўтиб эдилар, ўрдуйхон холи эрди, чошгоҳ била Буруж ўглон йигирма минг киши бирла етти. Ул замонда мўгул олтмиш минг уйлук эди. Ҳар киши ўз уйига эга бўлолмади. Вақтеки Буруж ўглон хоннинг ўрдасига тушди, халқнинг молини олмоқлиққа машғуллук қилди. Ҳар киши уйида ушбу муҳим бирла қолди. Юнусхон шикорға борғон ерида бу хабар етти. Шикорни ташлаб ўрдасига юзланди. Лашкар жамъ қилмай сувнинг канорасига етти. Сув муз тутғон

вақт эди. Ўрдуйхон ҳам сувнинг канорасига келиб эди, Юнусхон келди. Ўзи сурнай чаладурғон киши эрди. Нихояти устод эди. Ўзи сурнай чалди, ҳамма кишилар хонининг сурнайини танудилар. Юнусхон олти киши бирла эрди, бириси туғчи эди, сувдин чопиб ўтилар. Мир ўзбекларнинг уйига тушуб эди, мазлумларе ёшуриб эди. Вақтеки Буруж ўғлон сурнайнинг овозини эшитиб қародики, туғ бирла олти киши кўринди. Қўфуб отиға мингай, яшурғон кишилар чиқиб оти бирла Буруж ўғлонни тутди. Бу ҳолда Юнусхон етти. Буйрудики, бошини кесинглар! Дарҳол бошини кесиб найзага олдилар, йигирма минг ўзбекдин озфина киши халос бўлди. Хон музaffer ва мансур бўлуб ўрдасиға тушди. Вақтеки эртаси лашкар жамлаб орқасидин юрдилар. Абулхайрхондин ҳар кишики қолиб эди, тамом тафриқа бўлиб кетти. Ҳар бирининг зикри алоҳида келур.

ҚИРҚ ОЛТИНЧИ ФАСЛ

134a

// ШАЙХ ЖАМОЛНИНГ ВА
ЮНУСХОН АНИНГ ҚЎЛИДА БАНДГА
ТУШКАНИНИНГ ЗИКРИ

Вақтеки хон ул қишини Қаротүқайда ўтказдилар, баҳорда Тошканд тарафига келдилар. Анда амири бор эрди. Мирзо Султон Абу Саъиднинг умароларидин Шайх Жамол ҳар дер эрди. Ул замонда Султон Абу Саъид Ироқда ўлуб эди. Ҳуросоннинг подшоҳлиқи Султон Ҳусайн мирзоға бўлуб эди. Самарқанднинг подшоҳлиқи Султон Абу Саъид мирzonинг ўғли Султон Аҳмад мирзоға қарор тоғифиб эди. Ҳисор, Қундуз, Бадахшоннинг подшоҳлиқи Султон Абу Саъид мирzonинг яна бир ўғли, Султон Маҳмудға қарор тоғифиб эди. Андижон, Фарғона Султон Абу Саъиднинг яна бир ўғли, Мирзошайхра қарор тоғифиб эди, бу уч мирзони

Юнусхон күёв ўғил қилиб эди. Ҳар қайсининг зикри ўз маҳалида қилинур. Шайх Жамол хар Тошканднинг ҳокими Мирзо Султон Аҳмадга ўзини таалуқ тутар эрди. Аммо камо янбагий итоат қилмас эрди. Хон Тошкандга келди. Аммо Жўра хўжанинг жиҳатидин Мўгулистанға бора олмас эрди. Вақтеки Амосонжи Тайши Тошканднинг ҳудудига келди, хоннинг зикр қилғон мирзоларнинг ва ҳалқларнинг орасида бир-бирига эътимод қилишиб, келмак ва бормоқ бўлуб, бир-бирига ҳеч тараддуд тутмас эрди. Хон бетараддуд Тошкандга тушди. Ва мўгулийлар хоннинг мулоэзиматида эрди. Аммо махфий Шайх Жамолға киши йиборди. Шайх Жамол хоннинг мухолифатини бўйнига олиб, ишни маҳкам қилиб, ондин хонға юз келтурдики мулоэзимат қиласман деб. Вақтеки Шайх Жамол хар хоннинг қошига кирганда хоннинг

1346 олдидағи ҳалқи ҳаммаси бир тарафга кетти. Хон ўзи // ёлғиз қолди. Сўрдики, булар на ерга борадур деб, айттики Шайх Жамолға истиқбол қиласадур. Шайх Жамол хоннинг туғ нақорасига этиб отлиғ турди. Хоннинг қошида ҳеч киши ўқ эрди. Шайх Жамол киши ибориб хонни тутти. Балки ушбу мулоэзимлар тутти. Шайх Жамол хонни шумдоқ осон тутуб бандга тортти. Бир йил бандда бўлди. Тамом мўғулнинг улуслари Шайх Жамолға тобе бўлди. Хоннинг ҳарами Эсан Давлат бегим фарзандларининг онаси эрди. Мехр Нигор хонимни ул замонда Султон Аҳмад мирзоға бериб эрдилар. Кутлуқ Нигор хонимни Умар Шайх мирзоға бериб эди, Эсан Давлат бегимни Шайх Жамол ўзининг мўътабар кишиларидин бирига буюруб бериб эди. Бу хабарни Эсан Давлат бегим англаб, ҳеч жазаъ қилмай қабул тутти. Ул кишининг оти Ҳожа Калон эди, бегим қабул тутти, деб ниҳояти хуш бўлди. Охшомда Ҳожа Калоннинг мулоэзимлари ташқари турди, Ҳожа ўзи кирди. Эсан Давлат бегим югуруб қўфуб иззат қилди. Куёв эшикни маҳкам этиб эди, Эсан Давлат бегимга маълум бўлди, эшиклар беркитилди. Дарҳол қўфуб таёқ бирла уруб, Ҳожа Калонни ўлтурди. Саҳар ўликини ташқари ташлади. Ҳалқанинг ўлигини кўриб Шайх Жамолга билиндириди. Шайх Жамол

чорлатиб сўрди. Айттики, ман Юнусхоннинг ҳарами бўлсам, мени бўлак кишига берса шаръийда бу иш мусулмончиликдин бўлмай деб ўлтурдум, токи Шайх Жамол мени ҳам ўлтургайсиз деб эди, шайх Жамол хар туман минг оғаринлар қилиб, эъзозу

135а икром бирла хоннинг қошига // йиборди. Хон бандга тушуб бир йил бўлғондин кейин Амири Абдулқуддус Мир Каримберди дуғлотнинг биродарзодаси эрди, иттифоқ қилишиб Шайх Жамол харнинг бошини кесиб хон қошига олиб келиб банддин халос қилди. Шайх Жамолнинг хизматида турғон умарои мӯғулларнинг ҳаммаси хоннинг қошига келиб мулоэматида туруб айттиларки, хонға мухолифатимизнинг сабаби улки хон бизни шаҳар ва вилоятлар тасарруфиға сайъ қиласадур, бу иш бизга оғир келадур. Хон тавба қилиб мундин кейин шаҳар ва вилоятларға юз келтурмас ва орзу ҳам қилмаслар.

Мисраъ: Абдулқуддус олдилар келган эшакнинг бошини.

Бу воқеалар тарихи бу тариқа бирла таъмийа қилинадурки, харнинг бошига «х» фитулубдур. «Абдулқуддус олди» тарих буладур. Бу ахвол орасида қалмоқлар она юртиға кетиб эрди. Мӯгулистон холи қолибдур, деб хон мӯғул халқини қўчуруб Мӯгулистонға келдилар.

ҚИРҚ ЕТТИНЧИ ФАСЛ

ШАЙХ ЖАМОЛ ХАРНИ ЎЛТУРГАНДИН КЕЙИН БЎЛГОН ВОҚЕАЛАРНИНГ ЮНУСХОННИНГ ВА УМАРОЛАРИНИНГ ОРАСИДА... ВА МОВАРОУННАҲР ПОДШОҲЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Вақтеки хон яна хонликка ўлтурди, мӯғул халқи ва Мовароуннаҳрининг умаролари хондин аҳду паймон олдиларки, минбаъд хон шаҳар ва вилоятнинг тасарруфиға сайъ ва таклиф қилмагайки, хондин мӯғулларға фитна ва озор ушбу жихатдиндур. Хон ҳам

ночор бўлиб ваъда берди. Мўгулистонга келганда Амосонжи Тайши қалмоқлар бирла ўз жойига ёниб келиб эди, Мўгулистон қалмоқлардин холи қолиб, неча йил мўгулийлар Мўгулистонда бўлди.

1356 Ҳеч шаҳар ва диёр орзусини қилмади. // То мўғул халқи хонга ўбдан итоат қилдилар. Муҳаммад Ҳайдар Мирзо Кошқарда эди, хонга итоати бор эрди. Ҳон ҳам хонлиқ меҳрини маръий тутуб оталиқ шафқати бирла навозишлар қилур эрди. Мўгулистанда ва Кошқарда рафоҳияти тамом бор эрди. Дўстмуҳаммадхоннинг ўғли Кебек сulton үглонни Турфон тарафиға олиб қочиб эди. Анинг мулоғимлари ўлтуруб, бошини олиб келиб хонга тутди. Хонга Кебек Султон ҳарчанд душман эди, аммо биродарлик жиҳатидин аза тутуб, ўлтургучиларни қасос қилди. Ва яна ҳеч тарафдин хонга мунозиат қилғуси йўқ эди. Ул вақтғачаки бир Буруж ўглонни ўлтурди. Чўнг фарзанди Мехр Нигор хонимни Султон Саид мирзонинг ўғли Султон Аҳмад Мирзага йибориб айттики, Султон Саид мирзо мўғулу чигатойдин душманлиқни дўстликка келтирди. Ва мен бу дўстлукни турончиликка келтурамен, деб қизлари Мехр Нигор хонимни Мирзо Султон Аҳмадға ҳарам қилиб иборди. Мехр Нигор хонимнинг шарҳи ва аҳволи иккинчи дафтарда шарҳ қилинур. Султон Аҳмаднинг охири ҳаётигачалик зикри бу тарихда келур. Вақтеки хон Шайх Жамол ҳарни ўлтурғандин кейин Мўгулистонга келиб Мехр Нигор хонимнинг синглиси Қутлуғ Нигор хонимни яна Абу Саъид мирzonинг ўғли Мирзо Умар Шайхга берди. Хоннинг ва Умаршайхнинг орасидаги ростлик андоқ даст бердики, гўёки ота-боланинг ростлиқидек даст берди. Умаршайх мирзо борҳо Мўгулистонга келур эрди, бир ой туруб гоҳе хонни Андижонга олиб келур эрди. Бир ой иккиси Умаршайх мирzonинг уйида бўлур эрди. Ул кунларда хонга тўла рағбат қилиб айттики, Самарқандга боргай, чўнг ўғли Султон

136а Аҳмад Мирзодин // Самарқанднинг подшоҳлиқини тортиб олиб, Мирзо Умар Шайхга бергай. Аммо хон ризо бермас эди. Мирзо Умар Шайхнинг бу хаёлини Султон Аҳмад мирзо эшилти. Умар Шайх мирzonинг қасдида бўлди. Умар Шайх

лашкар муддаосини қилиб эди, хон ўзининг баъзи вилоятларини берди. Бу жиҳатдин Султон Аҳмад мирзоға таарруз қилолмас эрди. Неча маротаба ушбу сурат рў берди. Охири ҳол андоқ бўлдики, хон ҳар зимиstonда ҳамма мӯғул ҳалқларини Мӯғалистонда қўйуб, ўз аҳли хизматлари бирла Андижонга келур эрди. Мирзо Умар Шайхнинг ўз вилоятларининг баъзисини хон ихтиёр қилур эрди. Хонға берур эрди. Баҳор бўлиши билан яна хон Мӯғалистонга ёниб бориб, ўз вилоятиға мутасарриф бўлур эрди. Бир маротаба чўнг биродари Мирзо Султон Аҳмаднинг таваҳхумидин Юнусхонни чарлади. Ахсини хонға берди. Хон Ахсида қишлоқ солди. Вақтеки бу хабар Султон Аҳмад мирзоға етти, Султон Аҳмад мирзо таарруз қилди. Вақтеки Умар Шайх мирзонинг хотири миরза Султон Аҳмад мирzonинг тааррузидин жамъ бўлди, анинг учунки хонни Ахсида охир билур эрди. Ахси шаҳарларнинг улуғи ва балки Фарғонанинг уммул билоди эди. Яъни шаҳарнинг онаси, деган бўлур. Бу жиҳатдин хонға ёғий бўлиб Текаску ва Теку кўфрутининг бошида жанг бўлди. Хон ҳарчанд насиҳатлар қилди, Мирзоға судманд бўлмади. Охири жангда шикаст Мирзоға бўлди. Мирзони тутуб боғлаб хоннинг олдиға олиб келди. Хон дарҳол қўтуб Мирзони ешиб инъом ва эҳсонлар қилиб, ўз юртиға ёндуруб айттики, сизнинг ҳалқингизни вайрон қилмасун, мен ҳам орқангиздин етамен деди. Вақтеки Умар Шайх миরзо

136 // Андижонға борди, мӯғул ҳалқига ижозат бердики, Мӯғалистонға ёнинглар деб. Ўзи неча адад ҳалқ бирла Андижонда Мирзо Умар Шайхнида меҳмон бўлди. Ҳеч кулфат бўлмади. Яна бир навбат хонни чорлаб Марғilonни берди. Хон Марғilonда эрдики, ул иршод доирасининг қутбиси ва аҳли иршодлар қибласи мақбули илоҳ Ҳазрат Шайх Носируддин Убайдуллоҳ қаддаса ллоҳу сирраҳул азиз Мирзо Умар Шайх ва Мирзо Султон Аҳмаднинг орасида сулҳчи бўлиб яраштурмоқ учун Марғilonға келдилар. Алқисса, Ҳазрати эшон қаддаса сирраҳул-азиз Марғilonға яқин етиб эдилар, мӯғул ҳалқи тамом истиқболиға чиқди. Мӯгулларнинг ҳеч қайсиси густоҳлиқ қилмай гуруҳ-гуруҳ эр-маз-

лум йироқдин отдин тушуб бошини тупроққа қўйуб турдилар. Вақтеки Ҳазрати эшон яқин еттилар хонни танийдурғонлардин бир муриди айттики ана шул хондур, деб хабар қилди. Ҳазрати эшон дарҳол отдин тушуб, хоннинг бошини тупроқдин кутардилар. Фақир ман банда Ҳазрати маҳдуми иршодланоҳ Мавлоно Мұхаммад Қозидин эшитиб эрдимки, вақтеки Ҳазрати Эшон Марғилонға бордилар айттиларки, мен Юнусхонни мұғул, деб эшитиб эрдим, хаёл қилур эрдимки хоннинг вазъи атвори турклардек саҳройидур деб. Вақтеки хонни қўрдум хушмуҳовара, соқоллиқ, тожик чехра, ниҳоят тавозелик киши әкан. Хушмуҳоваралик ва тожик орасидаму мунга ўхшаш киши бўлмағай деб, хонни кўриб атрофнинг салотинлариға киши ва хат, макотиб юбордиларки, биз Юнусхонни қўрдук. Мунга ўхшаш подшоҳларнинг тобеъ ҳалқини банда

137а қилиб сотғали // бўлмайдур. Бу одамлар аҳли исломдурлар. Мундин кейин Мовароуннаҳрда, Ҳурросонда мўгуллардин киши олмағай ва банда деб сотмағай деб, мундин илгари мўгулларни ўзга коғирларға ўхшаш сотар эрди.

ҚИРҚ САККИЗИНЧИ ФАСЛ

СОНСИЗ МИРЗОНИНГ ВАФОТИДИН КЕЙИН
МУҲАММАД ҲАЙДАР МИРЗОНИНГ КОШҚАРДА
СОҲИБРОЙ БЎЛГОНИНИНГ ЗИКРИ

Вақтеки Мұхаммад Ҳайдар мирзо Кошқарда мутамаккин бўлди, Дўстмуҳаммадхон ва Юнусхонларнинг мўгул халқларини тамом Мўгулистанға келтурди. Буруж ўғлон ва Шайх Жамол ҳарлар зикр бўлғондек воқе бўлди. Ондин кейин Юнусхон мўгул халқларининг ризолиқини истаб шаҳар ва вилоят муддаосини қилмади. Мұхаммад Ҳайдар мирзо Кошқардин хонға итоат қилди.

Хон ҳам фарзандлик кўзи бирла кўрди. Тарихқа саккиз юз олтмиш тўққуздин то саккиз юз саксон беш (1464—1481) гача Муҳаммад Ҳайдар Кошқарда фароғату рафоҳияти тамом бирлан кун ўткузди, анинг подшолиқининг аввали ва охири бўлуб Кошқарда йигирма тўрт йил эрди.

ҚИРҚ ТЎҚҚИЗИНЧИ ФАСЛ

МИРЗО АБОБАКРНИНГ ИБТИДОЙ АҲВОЛИНИНГ ЗИКРИ

Вақтеки Сонсиз мирзо ўлди, Дўстмуҳаммадхон Ёркандга келди. Сонсиз мирзонинг ҳарамларини ақди никоҳга тортти. Сонсиз мирzonинг чўнг ўғли Абобакрни Оқсуға бирла олиб борди. Неча кундин ўз синглиси Ҳусн Нигор хонимни анга берди. Абобакр мирзо Дўстмуҳаммадхоннинг беэътидоллиқ жиҳатидин қочиб Кошқарға ўз аммиси Муҳаммад Ҳайдар мирzonинг қошиға келди. Кейнидин Дўстмуҳаммадхон Ҳусн Нигор хонимни йиборди. Бу сўз илгари зикр топиб эди. Шижаотда ва саховатдаму ниҳоятсиз эди. Ул миқдор узун эрдики, агар юз кишининг

1376 орасида пиёда келса кўрган киши бариси отлиқ гумон қилур эрди. // Аммо Муҳаммад Ҳайдар мирзо соҳибдавлат, озода киши эрди. Сипоҳлар қадр- қимматини билмас эрди. Амир Сайид Алининг сардор ва умароларининг тўласи Муҳаммад Ҳайдар мирzonинг замонида фоний бўлуб эди. Колғонлариму куҳансол бўлуб Муҳаммад Ҳайдар мирzonинг олдида яқин бўлолмади. Ҳамма ёшлар ва мирзодалар Мирзо Абобакрнинг хизматиға майл қилдилар. Бу жумланинг тафсили узун, ондин кейин уларнинг тартибу мартабалари ҳеч кишининг хотирида қолмаб эди. Ончаки улардин аввал замонда бор эрдилар, бу замонда мута-

ғаййир эшитилди. Ҳоло ул муддатлар фаромуш бўлубдур. Аммо хуллас сўз улдурки, Мирзо Абобакр Муҳаммад Ҳайдар миরзодин қочиб бориб Ёрканд ҳокимиға маҳосиллик нишони кўрсатиб мақре бирла Ёркандга мутасарриф бўлди. Ӯз аммисининг қошиға киши юборди, хизматкорлиқ итоатини бўйниға олиб. Муҳаммад Ҳайдар Мирзо ҳам итоатни қабул қилди. Уч минг киши Кошқарнинг ёш миrzоларидин аниг хизматида жам бўлди. Мунинг орасида биродари Умар Мирзо Кошқарда эди, қошиға борди. Бу икки биродарлар ул ҳудуднинг забтида ёварлик қилишдилар. Ондин Ҳўтанни тасарруф қилмоққа тадбирлар қилди. Вақтеки сўз бу ерга етти Ҳўтан ахволини шарҳ қилмоқ лозим келди.

ЭЛЛИГИНЧИ ФАСЛ

ҲЎТАН МИРЗОЛАРИНИНГ ЗИКРИ ВА ҲЎТАН МАШРИҚ ШАҲАРЛАРИНИНГ МАШҲУРЛАРИДИНДУР, АНИГ ШАРҲИ

Ончаки тарихларда ва китобларда бор, иккинчи дафтарда футулур. Аммо вақтеки дуғлот қабиласининг амирилиқи Мир Ҳудойдод алайҳирраҳмага етти, ани зикр қилинур. Ҳар вилоятки дуғлотга тааллуқ эди ани биродарларига ва фарзандларига қисмат қилиб берди. Масалан Кошқар ва Ёркандни ўзининг кичик ўғли Саид Аҳмад мирзога қўйди. Амир

138а Ҳудойдоднинг // икки биродари бор эрди. Умми вала-ди Илёсшоҳ ва Хизршоҳ. Оқсуни Илёсшоҳнинг отиға, Ҳўтанни Хизршоҳнинг отиға қилиб, бу ҳар иккаласини Саид Аҳмадга тобе қилди. Уларнинг азлу насбини Саид Аҳмад миরзонинг ихтиёриға қўйди. Бу ҳар иккаласи ўзга мулоzимлардек ҳар йил келиб хизматда бўлиб, яна рухсат бирла ўз юртиға ёнар эрди. То Мир Саид Алиниг замонасигача ушбу иш бор эрди. Вақтеки Мир

Сайд Али Эсан Бугохонга Оқсуни берди, бу Илёсшоҳдин бўлак яна Илёсшоҳ отлиқ Эсан Бугохоннинг хизматида киши бор эрди. Оқсунинг ҳукумати ва қалъаси то Дустмуҳаммадхоннинг замонаси-фача анингда эди. Аммо Мир Сайд Алидин кейин Ҳазрати Шоҳ мирзонинг наслидин Ҳўтандада икки биродар бор эрди. Ҳонназар мирзо ва Қулназар мирзо деб. Ҳонназар мирzonинг қувват ва зўри анча бор эдикни, ўзини Мирзо Абобақрдек, балки Мир Сайд Алиниг баробарида тутар эрди. Ва дами истиқлол ураган эрди. Қадамини Кошқар тарафиға қўймокқа ихтиёр қилиб эди. Мирзо Абобақр Муҳаммад Ҳайдар мирэодин Ҳўтан тасарруфига рухсат тилади. Ҳонназар мирзо уларнинг даъби мавридииятидаги итоат жодасидин гарданкашлик қилди. Муҳаммад Ҳайдар мирзоғаму улардин озоре бор эрди. Дарҳол фармонлади, Мирзо Абобақр андин фориғбол Ҳўтанинг корига машғул бўлди. Алқисса Ҳонназар мирзо темурдан бир асо қилдуруб эрди, ани ҳеч киши икки қўли бирла қўтаролмас эрди. Ҳонназар бир қўли корға келтуур эрди. От ва коло [мол] ҳар нимарсага урса албатта йиқилур эрди. Кичик биродари Қулназар мирзому ёш, ҳилмда қўй киши эрди. Ҳар икки биродар салтанат доясини тутар эрди.

ЭЛЛИК БИРИНЧИ ФАСЛ

1386

// МИРЗО АБОБАҚР ҲЎТАННИ ОЛИБ
ВА ҲЎТАН МИРЗОЛАРИНИНГ НАСЛИНИ
ЙЎҚ ҚИЛГОНИ

Вақтеки Мирзо Абобақр Ҳўтани тасарруфига олди, акаси Мирзо Умар ҳамроҳ эрди, қилған ишни писанд қилмас эрди, ул жиҳатдин акасида мухолифат даъвоси бор эрди. Бу Мирзо Абобақра маълум бўлди. Ани бир наъви бирла қўлга келтууб, қорғу қилиб Муҳаммад Ҳайдар мирzonинг қошиға йиборди. Кошқар вайрон

бўлғондин кейин Умар Мирзо Самарқандга кетти. Анда неча замон туруб, тарихқа түккүз юз йигирма бир (1504) бўлғонда яна Кошқарға келиб, вафот бўлди. Мир Сайид Алиниң мақбарасида дафн қилинди. Мирзо Абобакр филжумла биродарининг коридин фориг бўлди. Хўтанга юз келтурди. Аввалғи мартабада сулҳ бирла ёнди. Иккинчи маротабада яна муҳимни сулҳга қарор қилиб, ҳар иккаласи отланиб бир-бирига мулоқот бўлдилар. Умароларнинг маслаҳатида нечанд сўзлар зикр бўлғондин кейин Каломуллоҳдин қасам қылмоққа қарор топти. Мирзо Абобакр ўз мулоғимлариға қарор бериб эди, Каломуллоҳни хосларидин бирига бердики Хонназарға сунғай.

Қўлини узатишиға бу киши ҳам иккала қулиға осилғай, ҳар тарафлардин шамшир ҳавола қилғай. Мирзо Абобакрнинг мулоғимлари тайёр бўлуб турди. Хонназар анингдин ғофил эрди, Мирзо Абобакр бу қарорни вуқуъға келтурди. Хонназарнинг мулоғимларидин ҳеч киши қўл ёндирилмади, қоча бошлади. Яна бўлак неча киши биродари Қулназарға муқаррар қилиб эди. Улар Қулназарни борлади. Бу икки биродарни шамшир захми бирла ўлтурди. Бу макр бирла уларнинг тухумини Хўтан вилоятидин айритдилар ва Хўтанини ўз тасарруфига олди. Қуввати тамом топиб, ондин ўз аммиси Муҳаммад Ҳайдар мирзога хуруж қилди.

ЭЛЛИК ИККИНЧИ ФАСЛ

**АБОБАКР МИРЗОНИНГ МУҲАММАД
ҲАЙДАР МИРЗОҒА МАКР ҚИЛМОҚЛИҚИНИНГ
ЗИКРИ ВА МУҲАММАД ҲАЙДАР МИРЗО
// ўЗ УМАРОЛАРИНИ МИРЗО АБОБАКРНИНГ
СЎзи БИРЛА ҚЎГЛОГОНИНИНГ ЗИКРИ**

139а

Вақтеки Сонсиз мирзонинг вафотидин кейин Дўстмуҳаммадхон хон бўлуб, Муҳаммад Ҳайдар мирзога Сонсиз мирzonинг ҳарами Жумок Орони олди деб юқори мазкур бўлди. Ул ҳолда Кошқарни

Мұхаммад Ҳайдар мирзога бериб әди, бу воқеада тарихга саккиз юз олтмиш түккүзинчі (1464—1465) йил әди. Жумок Оғонинг Сонсиз Мирзодің иккі үғли бор әрді. Мирзо Абобақр, Мирзо Умар, яна Ҳайдар миңзодин иккі үтгүл бўлди. Отам Мұхаммад Ҳусайн кўрагон ва аммим Сайид Мұхаммад миңзолар. Вақтеки Мирзо Абобақр Ҳўтанин тасарруфиға олиб, қувват топрондин кейин ҳарчанд умаролар андиша қилдилар. Ва айттиларки, Мирзо Абобақрнинг аввалин ва охирин қилрон ишлари мухолифат бирла бўлғудек. Ёркандин үғурлаб олди. Номасмуть уэрларни айтти, ондин иниси Умар миңзонинг қўзини қўр қилди. Ва яна Ҳонназар, Қулназарларни ўлтурди. Мунга үхшаш кишидин нечук вафо қўз туттали бўлур. Ул ҳамиша Кошқарнинг орзусида. Анинг ҳиммати, умиди улки, ҳамма мамлакатларни яққалам қылғай деб ҳарчанд бу бобдин Мұхаммад Ҳайдар мирзога арз қилдилар. Мұхаммад Ҳайдар миңзо аммилик шафқати бирла анинг фикрини саҳл тутти. Жумок оғо умаролар хилофи бирла арз қилдики, ул сизнинг фарзандингиз, Ёркандин сизнинг умароларингиздин бири тутти. Ёрканд отасининг пойтахти әди. Ҳақдор шул әди, анга бермадингиз, ӯзи кара-мингиға эътимод қилиб густохлиқ бирла Ёркандин олди. Нима бўладурки умароларингиз ёмон демаса. Ҳўтан ҳам бўлак кишида әди. Бўлак

1396 кишининг ўрнида ул бўлса // нима айб, умароларни мухолифат қиладур, деб сизга ямон қўрсатадур, деб шунга үхшаш Мирзо Абобақрни ҳар бир феълини навъе бирла тақрир қилиб әди. Мұхаммад Ҳайдар миңзога тасаллии хотир бўлди. Махфий Мирзо Абобақрға айтиб йибордикни нима ишға мухолифат қила-сенки ман мухолифатнинг узрини этиб миңзога тасаллии хотир бердим деб әди. Мирзо Абобақр мақсудиға мувофиқ сўзлар айтиб йибордикни тики умаролар бўлса ман хизматта мубодарат қилолмайман. Анинг учунки, улар манга бадҳоҳ бўлубдур, менинг ҳолимни таҳқиқ қилиб арзимни еткурсунлар. Агар умароларни ҳайдаб чиқорсалар, мен аввалқи фарзандларидурман, балки бандалари деди. Мұхаммад Ҳайдар содда кўнгул киши әди. Анинг

ёлғон сүзини рост билиб умароларға ижозат бердики, мұътабар умароларни ҳайдаб чиқорди. Мұхаммад Ҳайдар мирзонинг қувват ва шавкати синди. Мирзо Абобакр Кошқар, Янги Ҳисорнинг атрофларини чопиб олди. Вақтеки мұътабар умароларни ҳайдаб чиқориб әди, ҳеч киши юртни сақламоқлиқта хохиш қилмади.

ЭЛЛИК УЧИНЧИ ФАСЛ

ЮНУСХОН МУҲАММАД ҲАЙДАР МИРЗОНИНГ МАДАДИ БИРЛА МИРЗО АБОБАКРНИНГ ТҮФАСИГА БОРИБ ШИКАСТ ТОПГОНИНИНГ ЗИКРИ

Амир Абдулқуддуски зикри йүқори айтилди, Шайх Жамол харни үлтүруб хонни банддин халос қилди. Хон анга беҳад, бегоят риоятлар қилиб құрагоний атади. Тамом тумани дуғлот мансабини анга топширди. Бу ишлардин анга ужб ва ғуур пайдо бўлди. Хонға ул навъ муомала қилдики, қилғон муомаласидин ўзи қўрқар эрди, мунинг шархи узун учун зикр қилинмади.

140а Охир хондин қочиб // Кошқарға Мұхаммад Ҳайдар мирзонинг қошиға келди. Мұхаммад Ҳайдар мирзо ўз умароларини ҳайдаб чиқориб әди, анинг учун ҳар ишда паришонлиқ юзланди. Ондин пушаймон бўлиб эрди. Вақтеки Мир Абдулқуддус келди, анга тўла марҳаматлар бирлан фарзанди Оғо Султон хонимни ҳарам қилиб берди. Тўла тарбиятлар қилиб, Мирзо Абобакрнинг баробарида қўйди. Бир маротаба Мирзо Абобакр Янги Ҳисорнинг кентларини чопти. Мир Абдулқуддус рўбарў чиқиб, тўла қўшишлар қилиб жанг қилди. Мир Абдулқуддус шикаст еди, бовужуди Мир Абдулқуддуснинг лашқари Мирзо Абобакрнинг лашқаридин тўла эрди. Мир Абдулқуддус шарманда бўлиб, Мирзонинг олдиға боролмай ўзини Шаҳбоэзға суқуб Бадахшон йўлини тутти.

Уч юз киши бирла Мирзо Султон Маҳмуднинг хизматига борди. Мирзо Султон Маҳмуд Бадахшоннинг улуг вилояти Қундуз эрди, марҳамат қилиб шунга берди. Мир Абдулқуддус Қундузға кетур кофирларнинг қулида шаҳодат топти. Мир Абдулқуддус кетгандин кейин билжумла Мирзо Абобакрнинг қуввати зиёда бўлди. Макр-айёрлик бирла Мухаммад Ҳайдар мирзонинг мӯътабар сардор умаролариши ҳайдаб чиқортиб эди. Мир Абдулқуддусни ушбу жиҳатдин шикаст берди. Мухаммад Ҳайдар мирzonинг корида онча равнақ қолмади. Жумоқ Оғому пушаймон бўлди. Фойда бермади. Охирул амр Мухаммад Ҳайдар мирзо отлиқ-пиёда бўлуб, уттуз мингга яқин лашкар тартиб бериб, Мирзо Абобакрнинг тӯфасига борди. Ул уч минг лашкар бирла олдига рўбарў чиқди. Жанг қилишиб охир Мухаммад Ҳайдар Мирзоға шикаст етти, у Кошғарға келди.

Бу аҳволнинг шархини холи бузруквори^{*} Юнусхонга айтди. Андин мадад талаб қилди. Ўн беш минг киши лашкаридин интихоб қилиб эрди, шафқати ҳолият жиҳатдин Мирзо Абобакрнинг тарафиға мутаважжих бўлуб Мухаммад Ҳайдар мирзо мартабай дигар тартиби лашкар қилди. Хон бирлан ҳамроҳ Ёрканда мутаважжих бўлди. Мирзо Абобакр Ёрканд қалъасига қаболди. Хон Ёркандинг машриқ тарафиға нузул қилди. Бир кун Мирзо Абобакр қалъа тошида сувора пиёда хонни тартиб кўрсатди, шул минг киши эрдики барча мирзо ва баҳодирзодаҳо Мир Сайд Али эканларки, Мухаммад Ҳайдар мирзо улардин ғофил экан. Мирзо Абобакр уларни жам қилиб хон ҳам лашкари жаррор бирла ва Мухаммад Ҳайдар мирзо бир тарафдин мутаважжих бўлдилар. Аввал Мирзо Мухаммад Ҳайдар мирзоға чандон мутаважжих бўлмади. Хонга рўй келтурди. Карраи дафъадин сўнг хонга ҳазимат берди ва хон ҳазимат бирлан борди.

Мухаммад Ҳайдар мирзо ҳам бир тарафга // қочти, бу азимат лашкарни шикаст берди ва хон Мухаммад Ҳайдар мирзо Кошқарға етдилар. Хон Мухаммад Ҳайдар мирзоға айтди, анинг муҳимини осон тутуб лашкари кам олиб келиб эрдук. Бу йил саъй

* 1430 ва 0759 қўлёзмаларда «бузруквон тораси» деб ёзилган.

кўрсат, ўз вилоятининг сақлағил, яни йил лашкари тамом бирлан келоли. Ани муҳимини қилоли. Ҳон Мўғулистанга борди ва Мухаммад Ҳайдар мирзо Кошқарда қолди.

ЭЛЛИК ТЎРТИНЧИ ФАСЛ*

**ЮНУСХОННИНГ ЎЗ ҚЎШИНИ БИЛАН
ИККИНЧИ МАРТА ЁРКАНДГА МУҲАММАД
ҲАЙДАР МИРЗОҒА ЁРДАМГА БОРИБ,
МИРЗО АБОБАКРДАН ШИКАСТ
ТОПГОНИНИНГ ЗИКРИ**

Ва яни йилки тарих саккиз юз саксон беш (1480—1481) эрди, хон тамом лашкари бирлан Мўғулистандин олтмиш минг киши эрди, Кошқарға келди. Ва Мухаммад Мирзо ҳам тартиби лашкарини ўтган йиллардин беҳроқ қилиб эрди, ҳамроҳ бўлди. Ёркандга мутаважжих бўлдилар. Султон Юнусхон ва Мухаммад Ҳайдар мирзо тўқсон минг лашкари сувора ва пиёда Ёркандга таважжуҳ кўрсаттилар. Мирзо Абобакр шу йилки ўtti, Ёрканд қаъласига таҳсин кўрсатиб эрди, бу йил ҳам у шундоғ тартиб таҳсин кўрсатти. Ул лашкарини пиёда ва сувора беш минг киши тартиб кўрсатти. Уч минг сувора ул ҳалқға амир Сайид Алиниңг мирзодалари ул ўйигитларга Мухаммад Ҳайдар мирзо бекадршунослиқдин қўлидин бериб эрди ва минг пиёдан тийрандоз вилоятдин бу гуруҳдин ваъда ва умидворлиқи тамом бирлан уларни жам қилиб эрди. Ҳоннинг лашкари ҳалқа қилиб нузул қилдилар. Ҳон ўзи, Колугоч ёри деб мавзеи туурур анда нузул қилдилар ва намоз дигар хон лашкаридин мардуми ғайри мўътабар

* 54, 55, 56-фасллар матни «Тарихи Рашидий»нинг Россия Шарқшунослик институти Санк-Петербург бўлими қўлёзмалар фондидаги С. 569 (590o) раками қўлёзмасидан олинди. Воқеалар давомийлигида мазкур фасллар рус тилидаги нашр билан айнан мос, асл нусха давоми С. Петербург нусхасидан олинган фасллардан кейин келтирилади. (Карант: 173 сахифа.)

119 ва ҳар то байнал қалъа олдига бордилар, урушға // машғул бўлдилар. Қалъадин Мирзо Абобакр ҳар суворийнинг орасида бир пиёдаи тирандоз, ҳар пиёданинг олдиға пиёдаи дигаре тўра қўтариб пеш келдилар. Ҳонға таърифи жанг бисёр қилдилар, тарғиб қўрсаттиларки тафарруж қилмоқ керак. Ҳон бир неча киши бирлан силоҳ киймай равон бўлдилар, аммо ёрнинг устунидин хўб мушаххас бўлмадики хон ёрдин тушти. Тафарруж жиҳатдин хон тушти. Ҳоннинг пиёдалари далеррак бўлдилар. Уруш саҳт туттилар. Бу аснода хоннинг мўътабар баҳодирларидин Алим Шайх баҳодир деб бор эрди, әшиттики хон тафарружка бориб туур. Анинг хотириға еттики, бу замонда бориб туур, жалодатлик қўрсаткай, то байн илло қирон мумтоз бўлғай. Ул аслаҳа рост қилиб хоннинг қошиға келди ва пиёдалар орасига етти. Уруш қилур эрдилар, хон пиёдаларининг Мирзо Абобакр орасида ёр бор эрди, икки тарафдин том бор эрди. Бу икки том [девор] орасида кўчай ҳамвора бор эрди. Алим Шайх баҳодир етти шул кўчаға, Мирзо Абобакрнинг пиёдалариға тоҳт қилди. Ўзини етқурди. Пиёдаеки тўрадор эрди. Тўрадор тоб келтурмади. Тўрани Алим Шайх баҳодирнинг отига ташлади. Оти турадин ўркти, баҳодир ўзини сақлаётмай боши тубан йиқилди. Пиёдаларки паси деворда бор эрдилар, чуст бўлдилар. Баҳодирни туттилар ва суворийлар Мирзо Абобакрга олиб бордилар. Мирзо Абобакрга хоннинг

120 пиёдасидин уч киши тоҳт қилдилар. Ҳоннинг // пиёдалари рў ба гурез қўйдилар. Ул ҳалқки тафарружка келиб эрдилар барча орқага ёндилар. Ул кишиларки хонға ҳамроҳ эрдилар, айтдиларки филҳол ёрнинг устунига чиқмоқ керак. Ҳон филҳол суръат билан ёрнинг йўлиға равон бўлди. Ҳалқ хонники кўрдилар суръат билан равон бўлдилар. Ҳар кишики ёрнинг бошида эрдилар, барча гуризон бўлдилар. Ҳон ёрнинг устунига чиқди. Кўрдики ҳалқ барча фирор қилиб туур. Лашкар барҳам еб туур. Ҳон ўрдаға мутаважжих бўлди. Элни таскин бергали ўрдаға етди. Ҳалқни урғали ва сўғали машғул бўлди. Ҳеч киши ўрнидин тебрамади. Бу аснода Мирзо Абобакрнинг пиёдаларики ёрдин тушуб уруш қилур эрдилар, сувора-

лар билан тафарруж кўрганларни, бешижоатларни уруб, сўқуб келур эрдилар. Уларнинг орқасидин суворалар пайдар-пай овихта бўлуб, тутушуб чиқар эрдилар. Бу ҳолни лашкари барҳам хўрдаки кўрди, баяқбораги юз ҳазиматга келтурдилар. Хон чандон саъй кўрсатди, мұяссар бўлмади. Мирзо Абобақрнинг суворалари яқин етдилар. Кўрдиларки, хоннинг қошида киши йўқ. Хон ҳам равон бўлдилар. Лашкар ул ҳазимат бирла бир саот шикаст топти. Хон қочиб Кошқарға борди. Хоннинг аксар лашкари хонга муқайяд бўлмай Мўғалистонға чиқиб кетдилар. Муҳаммад Ҳайдар мирзо билан хон машварат қилди. Муҳаммад Ҳайдар мирзо Кошқарда

121 бўлмоқининг суратини тополмай хон ҳамроҳи қўч қўчман Оқсуга беш минг киши бирла қочиб бордилар. Жамъи касир Кошқардин Андижонға кеттилар. Кошқар Мирзо Абобақрнинг бўлди. Бу тарих саккиз юз саксон беш (1480—1481) эрди, бу воқеа бўлди. Падар [им] Муҳаммад Ҳусайн Кўрагон ўн икки ёшда эрди, Юнусхон Муҳаммад Ҳайдар мирзо бирла Оқсуга борди. Падаримни Юнусхоннинг ўғли Султон Маҳмудхон ўзи бирла Мўғалистонға олиб борди. Бир-бири бирлан андоғ дўст бўлубдур, то охири ҳаёт падарни адаш, дер эрди. Мўғул забони бирла адаш, яъни дўст.

ЭЛЛИК БЕШИНЧИ ФАСЛ

СУЛТОН МАҲМУДХОН БИН ЮНУСХОН УМРИНИНГ АВВАЛҒИ ДАВРИ

Мундин сўнг сўз Султон Маҳмудхоннинг зикрига етса кепрак. Ани ибтидоий ҳолидин баён қилмоқ лозим келур эрди. Вақтеки Султон Юнусхон Ҳурсондин иккинчи маротаба келди, Амир Сайид Али вафот қилиб эрди. Ва Сонсиз мирзо Юнусхонға илтижо келтуруб андоғи мазкур бўлибтурур. Юнусхон ул замонда Кошқар келиш-бориши бисёр бўлди. Ул замонда Амир

Зиёуддинники Кошқар мўътабар содотлари динтуур Бадахшонга Шоҳ Муҳаммад Султон Бадахшийға йибордики, духтари сарпўшидаи ақубат ўзига нисбат бергай. Шоҳ Султон Муҳаммад Бадахший Искандар Зулқарнайн, Файлақус Румийнинг наслидин туур. Искандар Румий олами мусаххар қилғондин кейин ҳука-молар бирла машварат қилиб туур. Ере пайдо қилсунларки салотини рӯзгорнинг илки ондин кўтоҳ бўлгай, то наслини анда қўйғай. Ҳукамолар Бадахшонни ихтиёр айлаб дастурул амал қилдилар. Модомики, дастурул амални корға

122 келтурдилар //. Киши булардин вилоятни низо қиломаслар. Искандар замонидин то Шоҳ Муҳаммад замонигача ҳеч киши Бадахшонга таарруз бўлмади. Андоғки батнан баъда батнин таҳти салтанатда бўлур эрдилар. Шоҳ Султон Бадахшийнинг даври етди. У дастурул амали Искандарни ташлади ва ул шоҳе эрдики, ғояти табъда ва ниҳояти зарофатда. Шеърий девони бор ва ғояте ҳубида, Лаъл тахаллус қилибтур. Анга зарофату латофат бу мартабада тутубдур, то ул дастурул амални ба муқтазои табъ фуру гузашт қилди. Анинг олти қизи бор эрди. Бирини Султон Масъуд Кобулийға бердики, Мир Темурнинг наслидин эрди. Ва яна бирини Султон Абу Саъид мирзоға берди. Ондин ўғул бўлдики Абобакр мирзо отлиқ, Султон Ҳусайн мирзонинг падаридин сўнг масофлар қилди. Султон Ҳусайн мирzonинг мулкига халаллар еткуурурки, унинг шархи Хованд Ҳиравийнинг тарихида машруҳтуур. Ва учинчи қизини Иброҳим барлосға бердики ондин Жаҳонгир барлос бўлди. Чигатойнинг охир давлатида ул рукни аркони салтанат эрди. Ва тўртунчи қизини, Шоҳбегим бўлгай, ани ба далолати Сайид Зиёуддин Кошқарий Юнусхонга йиборди. Ва бешинчи қизини Сайид Шоҳ Бузург Архангийға, анинг зикри ҳам мундин сўнг келса керак, анга берди. Олтинчи қизини Шайх Ибодуллоҳға берди, андин Султон Увайс ва Муэрб Барлос ва Султон Санжар бўлдилар. Бу жумлани зикри маҳалида келур бўлгай. Аммо уларнинг шархи ахволи Мирхонд Ҳиравийнинг тарихида машруҳ туур.

123 Билжумла Сайд Зиёуддин // Шоҳбегимни Кошқарга келтурди. Ҳонга таслим кўрсатди. Бу Шоҳбегимдин Юнусхонга икки ўғул, икки қиз бўлди. Баридин улуғроқ Султон Маҳмудхон турур анинг валодати тарих сана саккиз юзу олтмиш саккиз (1463—1464) эрди. Андин кичикрак Султон Аҳмадхон турур, анинг аҳволи алоҳида келса керак. Ва уларнинг шарҳи аҳволлари маҳалида келур. Қабл аз онки, Султон Маҳмуд писар ҳадди тамизға етти мӯғул умаролари андоқ машруъ бўлубтуурки, Юнусхонға беандоми ва ноҳамворлиқ қилур эрдилар. Султон Маҳмудхон сарҳади тамизға етди, ул мӯғул умароларидин аксари ўлубтуурлар. Аввалки қолиб эрдилар, Юнусхон ўғлининг қуввати бирла мӯғул ва умарои мӯғулға қудрат ва истилои тамом топди ва Юнусхон Ёркандин шикаста бўлуб Кошқарға келди. Султон Маҳмудхон ул лашкар бирла кўнгли йўқ эрди. Мӯғулистонда халқнинг забти учун қолиб эрди. Юнусхон ҳам Мухаммад Ҳайдар мирзонинг тасаллии хотири учун ва ўзи хотирхоҳ жиҳат учун ул зимиston Оқсуға борди. Мухаммад Ҳайдар мирzonинг ўғлики, Мухаммад Ҳусайн мирзо бўлғай, ул айёмда ўн икки ёшда эрди. Султон Маҳмудхоннинг қошиға ибордилар. Султон Маҳмудхон, Мухаммад Ҳусайн мирзо бисёр-бисёр хуш бўлдилар. Бир-бири бирлан дўст бўлдилар. Ва бир-бирини адаш хитоб қилдилар яъни дўст. Мухаммад Ҳусайн мирзо, Султон Маҳмудхон бирла Мӯғулистонда бўлур эрди. Фояти таъзим ва мукаррам бирлан.

ЭЛЛИК ОЛТИНЧИ ФАСЛ

**ЮНУСХОН БИЛАН МУҲАММАД ҲАЙДАР МИРЗО
ОРАСИДА ОҚСУДА СОДИР БЎЛГАН ЖАНГ
ВА ВАҲШАТЛИ ВОҚЕАНИНГ ЗИКРИ**

124

// Зимиston Ҳон Оқсуға борди. Оқсу ёрнинг канорида воқеътурур. Ва икки қалъаси бортурур. Бирини Ҳон Мухаммад Ҳайдар

мирзога берди. Ва яна бир қалъада үзи мақом қилди. Ул зимистон фарофат бирлан үтди. Баҳор бўлди. Юнусхон Мӯғулистанға чиқарға қарор бериб эрди, мирзога муқаррар қилдики, ҳоло аввали баҳортурур, Мӯғулистанға ман чиқай. Ва сен муңда қолғил! Сенинг элинг зироат қилсунлар. Ва Оқсу вилоятини санга бердим, то ул замон зироатининг натижаси зоҳир бўлғой, яйлоқ ҳам охирға етар ва от фарбех бўлур ва Кошқарға ҳам Мирзо Абобақрга мутаважжих бўлоли. Ман мундин Кошқарға кирай, сен андин мутаважжих бўлуб Кошқарда мулҳақ бўлғил! Ҳар маслаҳатки бўлса, анда тақдимфа еткуруб келсунлар! Сўзни мунга муқаррар қилиб хон Мӯғулистанға киши йиборди, то ҳалқнинг қуллиси келсун ва куч қилиб Мӯғулистанға чиқсунлар! Аммо жамиики аҳли фитнарак Муҳаммад Ҳайдар мирzonинг раку пайига кириб эрдилар, хон Мӯғулистанғаки келсун! Чиқар вақтда ҳалқни форат қилгайлар. Ва андоқ муҳолот чандеки неча киши зиминасидаги маҳзи васвасаи шайтон эрди. Муҳаммад Ҳайдар мирзоий дардмандга ва Муҳаммад Ҳайдар мирзоки соддадиллиқдин ул муҳолотни эшилти. Шаётин айттиларки хоннинг калласи етти кўч маҳалли бўлди. Хоннинг кичик ўғлики Султон Аҳмадхон ҳамроҳтурур. Хондин жудо қиласи! Бу қалъани маҳкам қилиб Юнусга ёғий бўлали! Ва вақти кўч бўлди. Хон ҳеч важҳи бирлан рози эрмас эрдики, Мӯғулистандин борғаймен.

125 // Оқсуда мутамаккин қолай. Бу амри номаъқулни усули Муҳаммад Ҳайдар мирзога мақбул бўлубтурур. Ва вақти кўч бўлди. Баяқбор Оқсунинг дарвозасини боғладилар. Ва Султон Аҳмадхон қочиб Муҳаммад Ҳайдар мирzonинг қошиға борди. Ва бунёди ёғийгарликлар қилдилар. Юнусхон Муҳаммад Ҳайдар мирзога киши йиборди. Насиҳати бисёр қилдилар. Ҳеч судманд тушмади. Охирул амр Юнусхон кўч қилмади. Яна бир қалъага кирди ва маҳкам бўлди. Ва Султон киши йиборди. Ўн саккиз кунда үттуз минг киши бирлан етди. Ҳар жонибда ҳар кун уруш солур эрдилар. То қирқ кун Муҳаммад Ҳайдар мирzonинг қалъасида қахат чиқти. Борча аҳли фасодки, фитна қилиб эрдилар, кечалаб қочарға туштилар. Ва Султон Аҳмадхон ота-онасининг озоридан қўркти.

Падару волидасининг қошиға истиғфор бирлан кирди. Мұхаммад Ҳайдар мирзо оми хужум бирла умарони йиборди. Қалъани туттилар. Ҳон суръат бирлан умарони йиборди. Жаҳд қилсунлар, ғорат қилмасунлар! Умаролар бордилар ва чандонки саъй күрсаттилар, мұяссар бұлмади. Ҳалқ онинг издиҳомидин ва хужуми омдин ул мартабада әмас әрдики, аниң маньи сурат топғай. Юз ташвиш бирла Мұхаммад Ҳайдар мирзони олиб хоннинг қошиға олиб келдилар. Вақтеки хоннинг қошиға тилар қасд қилдиларки, Мирзонинг қулини боғлагайлар. Юнусхон маньи фармои қилдики, андоғи хоннинг қошиға олиб келдилар. Ҳон олдига қарлади. Анга бир сарзаниши бисёр қилдики, нега мундок қилдинг! Бар тақдидириki доийи ёғийгарлик бор экан. Қўпғил

126 ман борай. Сен қолғил. Ул мартаба // ёғийгарлик қылғил! Ва на тавр бұлур? Мұхаммад Ҳайдар мирзо шарманда бұлды. Афъоли беоқилюна сабабдин сар пас солиб турди. Ҳон айтдики, акнун ҳам бұлса, Оқсуни санга бердим. Оқсада үлтурғил! Мұхаммад Ҳайдар мирзо айттики, бу замонда Оқсада бұлмоқ на тавр бұлғай? Барча менинг кишиларим ғоратта бордилар. Ҳон Мұхаммад Ҳайдарға уч юз от берди. Айтди, манга ҳамроҳ бұлғил, ва Мұғалистонға борғил, яна маслаҳат шултууркі, нечук иртифою ва ғаллоту зироат бұлсун, Кошқарға борали ва навъе қилоли. Санга Кошқарни олиб берай. Улки хон, бор берди. Ва подшоҳлик мархуми ва тариқаи бузругти уларда бор әрди, әлға андоқ муюмала қилур әрдилар, иззат хешу, обрүйи хоҳарзодаликни андоқ манзур туттур әрди. Агар улардин хатое ва гуноҳе содир бұлса әрди, шул лаҳза оби мағфират ва марҳамат билан андоқ туттики, хеч хижолат анда қолмади. Балки ва яна юз марҳамати дигар навозишлар қилдики, ул хоҳарзодамтуур әзтимод бирла мундок қиладур, агар ани бу миқдор бирлан үқубат қилсам, бас хешлиқ ва хушомандлықимнинг на миқдор қадри бұлғой. Хешдин то бегонағона на миқдор тағовут бұлғай. Бу замон менинг ишим салотин бирла тушубтууркі, ҳарчанд бегуноҳ бұлсам, гуноҳ исбот қилсунлар. Ва ул гуноҳни бегонага нисбат қилсунлар. Ва ул гуноҳ бирла маъхаз қилмасунлар! Бу салотин бирлан аҳди хешованди ва ҳуқуқи хизмат онча Мұхаммад Ҳайдар

127 мирзонинг, хоннинг аросида бор экан, банда // икки ҳисса, балки икки минг ҳиссадин зиёда эрди ва барчани воис тутуб ва қатлда андоғ таъкид бирла саъий қўрсатурларки, ҳеч душманни андоғ қўлмағай. Ба маъа ҳазо ул дутои балодин ҳалослиқ топиб ва Ҳақ субҳонаҳу ва таоло маҳзи инояти бирла беиллат бирла анга қувват бергай. Бу киши барчани воис қилиб дўстлуқ эшикини ва хешовандликни тебратди ва элчилар йиборди. Муттамиз момазо бу жавоби носавоб бергайлар. Бу салотинни чигуна салолаи ул салотин деб бўлур. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло соҳиби мурувватларини ва салафни маҳзи иноятда раҳмат қилғай. Муқтазойи арҳами тараҳҳум бирла андоқ улар аҳли жаройимга раҳм қилибтуурлар. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ҳам жаройимлариға андоқ қилғон бўлғай. Омин ё раббил оламийн. Иншоолоҳу таоло.

Ва сultonи замонки мурувват уларнинг диёрларидин чун анқо нопайдо бўлубдур, тавфиқи мурувват анга арzonий тутғой. Баҳаққи Муҳаммад ва олиҳил имдод, билжумла, Муҳаммад Ҳайдар мирзо Юнусхонға ҳамроҳ бўлди. Мўгулистанға чиқди. Баҳор охириға етди. Хонға доъияи Кошқар бўлди. Бу аҳволнинг хилолида Султон Аҳмад мирзо Самарқанддин доъияи вилояти Фарғона қилди. Ва хоҳлаб эрдики, биродари Умаршайх Мирзонинг ул вилоятдин ҳаль ва азимат қилғай. Бу хабар Умаршайх Мирзоға етди. Умаршайх Мирзо суръат билан келиб, Юнусхонға илтижо элитди. Хонни

128 талаб қилди. Андоқ доимул авқот улуг биродари Султон/ / Аҳмад мирзонинг савлату қаҳридин пушкида бирлан ҳалослиқ топар эрди. Андоқки, собиқан барсабили ижмол воқеъ бўлиб эрди. Бу хабар хонға етди. Андижонға мутаважжих бўлди. Умаршайх Мирзо истиқбол қўрсатди. Ва Умар Шайх мирзо хонни анвоғи эъзозу икром бирлан талақкий қўрсатти. Ўш вилоятини хонга таслим қўрсатти. Ул зимистон Ўшда бўлдилар. Ва сойир мўгулни Султон Махмудхонға сипориш қилди, Мўгулистанға йиборди ва ўзи Ўшда қишлоқ қилди. Ва Ўш вилоятини хон Муҳаммад Ҳайдар мирзоға берди. Султон Аҳмад мирзо хоннинг келганидин хабар топти. Фатҳи азимат қилиб Умар Шайх мирзо

бузрук тарафдин эмин бўлди зимишон чиқти. Юнусхон яна Мўгулистанга чиқти. Муҳаммад Ҳайдар мирзога айтдики, сен бултур Мўгулистанда ташвишлик тортдинг. Вилояти Ӷунис санга бердим. Менинг тилимдин ҳукумат қилғил ва хон Мўгулистанга чиқиб борди. Ба Муҳаммад Ҳайдар мирзо Ӷунис қолди. Муҳаммад Ҳайдар мирзо ўғли Муҳаммад Ҳусайн мирзони хондин илтимос бирлан талаб қилиб, ўзи бирлан сақлади.

ЭЛЛИК ЕТИНЧИ ФАСЛ

243а

МУҲАММАД ҲАЙДАР МИРЗОНИНГ КОШҚАРГА БОРИБ МИРЗО АБОБАКР МУҲАММАД ҲАЙДАР МИРЗОНИ БАНДГА СОЛҒОНИНИНГ ЗИКРИ

Вактеки Султон Юнусхон Мўгулистанга келди, Умар Шайх мирзони Ӷунис доруга йиборди. Муҳаммад Ҳайдар мирзо ва анинг ҳалқларининг Мўгулистанга келмакликка қуввати ўйқ эрди ва турмоқлиқ ҳам душвор эрди. Ӷунис фарзандлари Муҳаммад Ҳусайн мирзо ва Сайд Муҳаммад мирзони Умар Шайх мирзога сипориш қилиб ва ўзи Кошқарга бормоқликни ихтиёр қилдики, Мирзо Абобакр биродарэода ва фарзанддур, анинг қошира борғай, шоядки манга бир жойе берур, деб. Бу хаёл бирла келиб эрди. Мирзо Абобакрнинг яқинлиқи йироққа кетди. Дарҳол бандга тортти. Бир йил бандда қолди. Бир йилдин кейин Бадахшон тарафиға йиборди. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Бадахшонга келди. Ул замонда Бадахшон Мирзо Султон Маҳмуднинг қўлида эрди. Мирзо Султон Абу Сайднинг ўғли ва Мир Абдуқодирки Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг куёв ўғли эрди. Илгари зикр қилинғон Мирзо Султон Маҳмуднинг олдида неча вақт меҳмондорлиқ тариқаси бирла турди. Яна

Самарқандға келиб Ҳазрати қутби доирайи иршод муқарраби даргоҳи илайҳ Ҳожа Носириддин Убайдуллоҳ қуддиса сирру-хунинг мулоғиматига мушарраф бўлиб, Мирзо Султон Аҳмадга мулоқот бўлди. Мирзо Султон Аҳмад андоқ риоят қилдики, бир йилда икки ийд Мирзонинг олдида бўлди. Мирзо Султон Аҳмаднинг уч биродари бор эрди, Усмон мирзо, Султон Валад мирзо, Малик Муҳаммад мирзо, Малик Муҳаммад Усмон мирзодин тубан ўлтурди. Султон Валад мирзо Мирзо Малик Муҳаммаддин йуқфори ўлтурди. Ушбу аснода Султон Юнусхондии Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг талабига киши келди. Ҳеч қайсиси Султон Муҳаммад мирзонинг

2436 риоятларидин муқайяд эрмас эрди. Ҳоннинг // олдига борди ва ул аҳволни хоннинг аҳволининг шарҳида ва анинг Тошкандга келмаклигининг зикрида шарҳ қилинур.

ЭЛЛИК САККИЗИНЧИ ФАСЛ

ЮНУСХОННИНГ ВА УЛУСИ МЎҒУЛИЙНИНГ ТОШКАНДГА КЕЛИБ СУЛТОН АҲМАД МИРЗО ВА СУЛТОН МАҲМУДХОННИНГ ОРАСИДА СУЛҲ ҚИЛГОНИ

Вақтеки жадал ва мухолифат Умар Шайх мирзо ва Султон Аҳмад мирзо бу икки биродарнинг орасида ўтти, дароэдур ва ул Мирзохоннинг тарихида футулгандур, бу тарихқа дохили йўқ. Аммо бу тарихда лозими зикр улдурки, Шайх Жамол хар Тошкандни Умар Шайх мирзоға ҳукм қилғондин кейин қалъяи Шоҳрухия ҳам Мирзо Умар Шайхнинг забтиға кирди. Бу икки вилоятнинг тӯфасида Мирзо Султон Аҳмад ва мирзо Умар Шайх муъораза қилишиб, қаттиқ низо қилди. Вақтеки мирзо Султон Аҳмаднинг тааррузи Тошканд тӯфасида бўлди Умар Шайх мирзо Юнусхонни Тошканд тарафига тарғиб қил-

ди. Ул ўили хон Ўшға келиб Ўшни Мұхаммад Ҳайдар миrzоза бериб эрди, хон келгандин кейин Мұхаммад Ҳайдар миrzоза Мирзо Умар Шайх узрхоҳлиқ қилиб эрди, Мирзо Умар Шайхға бериб ўзи Кошқарға борди. Хон Мұғулистонда бандга тушуб эрди, тийрамоҳда Мирзо Султон Аҳмад Тошкандга таарruz қилди. Умар Шайх миrzоз хонни Тошканд тарафига тарғиб қилиб, кейин Сайромни хонға берди.

Вақтеки хон Сайромға юз келтурди, аммо мұғуллар ҳеч шаҳарни хоҳламас эрди. Хоннинг кичик ўғли Султон Аҳмадхонни ёмон йўлға солиб қочди ва Мұғулистон тарафига юрди. Хон ҳам орқасидин қуғлаб борди, ани учунки, Мұғулистонда мұғул хоқонларининг наслидин қолмаб эрдики анингдин андиша қилғай.

244а Мұғулларни // Мұғулистон тарафига қўя бериб, ўзи Сайрам тарафига юз келтурди. Ул зимиston Сайрамда бўлуб, ўзининг чўнг ўғли Султон Маҳмудхонни ўттуз минг киши бирла Султон Аҳмад миrzонинг муқоталасига йиборди, етиб келиб жанги азим пайдо қилдилар. Вақтеки бу хабар Ҳазрати қутби доираи иршод, маҳбуби Ҳазрати илаҳ Ҳожа Носириддин Убайдуллоҳға етти, улар киши йибордиларки, бизлар ҳам борамиз, деб. Ондин бу хабар уч султонға етти. Ҳамма ўз жойларида турдилар. Вақтеки Ҳазрати Эшон етиб келиб, Мирзо Султон Аҳмаднинг лашкарига тушдилар. Ва хон ва Умар Шайх Мирзо анинг олдиға киши йибордилар, сулҳға турдилар. Ва уларнинг муборак наfasларини ҳеч киши рад қилолмади, анинг учунки, аҳдуллоҳға фано даст бериб ўзлукидин чиқибдурлар, ҳар нарсаики улардин вужудға келса, ани қилғучи ҳақиқатда Ҳақ таоло ўзи бўлғай. Қандоқ кишики Ҳақ таолоға саркашлиқ қилмоқлиқға мажол бўлғай, ҳосил улки, бу уч подшоҳки ҳар қайсиси ўз мақсадининг пайида лашкар рост қилибдурлар, ул Ҳазрат келиб ҳаммаларига таскин берди. Бу уч подшоҳни ўлтурғузуб ҳар бирига аҳд ва шарт буйрудиларки, қилдилар. Тошкандни Юнусхонга бердилар. Султон Аҳмад миrzоза Самарқандни бердилар. Ва Умар Шайхга Фарғонани амр қилдилар. Бу икки биродарки, Тош-

канда тұғасида низоъ қилиб әрди, ҳар иккаласи низоъдин халос бүлди. Ҳазрати Мавлоноки бизнинг саййидимиз ва хожамиз, Мавлоно Қози Мұхаммад алайхир раҳма ва-л-мағфират «Силсилатул орифин»да бу қиссани уларнинг караматларининг зикрида андоқ футубдурларки, уларнинг мажлислари

2446 андоқ ҳайбат бирла әрдики, фақир ниҳояти // ваҳшатдин дастурхонни вожгун солибдурман.

Вақтеки мажлис охирига етти, Ҳазрати Эшон амр қылдиларки, хұб бүлди дедилар. Мен таъзим бажо келтурдим. Алқисса бу уч подшоҳ үз лашкарига юз келтурди. Ҳазрати Эшон диёри Ҳұжанд тарафига юрдилар. Дарёning канорасида таҳорати тоза қилиб, фақирға илтифот қилиб айттиларки, Мавлоно Мұхаммад бизнинг коримизни үзи футусун деб. Мавлоно айттиларки, «Силсилатул орифин»ни футумаким Ҳазрати Эшоннинг амрлари бирла әрди. Андин Султон Ахмад мирзо Самарқандга борди ва Умар Шайх Мирзо Фарғонага борди. Султон Маҳмудхон Тошкандга Юнусхон қошиға келди. Ҳазрати Эшон ёниб Тошкандга кирдилар. Юнусхон бирла яна бир бора мулоқот бүлдилар. Фақир аммимдин эшиздимки, бир куни Ҳазрати Эшон қуддиса сиррухунинг мажлиси шарифларида әрдим. Асхоблардин бири ҳикоя қилибдурларки, Султон Маҳмудхон ажаб подшоҳзодадурки, мутакаббир, шунинг олдида этакимни тұфоға^{*} очсан тақбир Ҳудоға хосдур деб әрдилар. Шул соат Султон Маҳмудхон Ҳазрати Эшоннинг қошларига кириб келди. Намоз вақти әрди, Ҳазрати Эшон намозга қўбдилар. Намозгоҳнинг олдида бир үчөк бор әрди, анингда ўт бор экан. Ҳазрати Эшон амр қылдиларки, олдимиздаги үчоқнинг ўтини тұфа бирла кўммак лозим дедилар. Бовужуди халойиқ тұла әрди, хон секриб қўфуб әтагига тұфани олиб туриб ўтға қўйдилар, то у кўмилгунча үзи тұфа олиб келиб кўмди. Хон ўзга халойиқта айттиларки, бу хизматни манга ёлғуз қўйунглар. Хон келгандин кейин ҳамма асхоблар таажжубға қолдилар. Бу сұлҳда хон

* Тұфа — тупроқ.

245а // Тошканда ўлтириғонда тарихқа саккиз юз түқсонда әрди. Ҳазрати Эшон неча вақт Тошканда әрдилар, ондин Самарқандга ёндилаар. Ул вақтта подшоҳларнинг даъби шумдоқ әрдики, ҳар киши Ҳазрати Эшоннинг бир муридларидин илтижо келса, уларнинг муҳиммларини арз қилиб, кифоят қилур әрдилар. Султон Маҳмудхон Мавлоно Муҳаммад Қозини Ҳазрати Эшонға восита қилиб әдилар. Бу бобда Ҳазрати Мавлондин әшитиб әрдим. Ўз жойида келур, иншооллоҳ.

ЭЛЛИК ТҮҚҚИЗИНЧИ ФАСЛ

ЮНУСХОННИНГ КОРИНИНГ ТАМОМ БЎЛГОНИНИНГ ЗИКРИ. ХОН ТОШКАНДА МУТАМАККИН Бўлиб ўз ўғли СУЛТОН МАҲМУДХОН УЧУН СУЛТОН АҲМАД МИРЗОНИНГ ҚИЗИ ҚАРОҚЎЗБЕГИМНИ ХОСТКОРЛИҚ ҚИЛГОНИ

Қарокўзбегимнинг келмаклиги бундин кейин келурки, аммо Султон Юнусхонга жангда қилич тегиб, икки йилга яқин бисот узра ётиб, охир ул заҳмат бирла оламдин борди. Ёшлари етмиш турт ёшга кириб әрди. Чигатой хонларининг орасида ҳеч қайси бу миқдор ёшга кирган эмасдир, балки уларнинг тўлароқи қирқдин ўтган эмасдур. Тугулрон тарихи саккиз юз ўн саккизида әрди. Вафот тарихи саккиз юз тўқсон иккисида әрди. Шайх Ҳовантажурниң Тошканнадаги мозори пур анворларининг ёнида дафн қилдилар. Баланд иморатлар қилдики, ҳоло ҳам машҳурдур. Ҳоннинг касалининг орасида әшитилдики, Муҳаммад Ҳайдар мирзо Бадахшон тарафидин Самарқандга келибдур деб. Ҳон киши йибордики, Муҳаммад Ҳайдар мирзоны чорлатиб келинглар, деб. Муҳаммад Ҳайдар мирзо Самарқанддин ҳоннинг қошига келди. Ҳон касал кунларида ҳонға // мулоэзимат қилди.

2456 Мұхаммад Ҳайдар миrzонинг жарроҳликдин филжумла табибчилик тажрибаси бор әрди. Касал кунларида бир соат қошидин жудо бўлмабти ва аниңт үғли Мұхаммад Ҳусайн миrzо Умар Шайхнинг қошида қолиб эди. Мұхаммад Ҳайдар миrzо келишидин илгари Андижондин Султон Маҳмудхон олдига келиб, хон бирла ҳамхона бўлди. Аниң шархи фотфина келур.

ОЛТМИШИНЧИ ФАСЛ

СУЛТОН АҲМАД МИРЗО БИРЛА СУЛТОН МАҲМУДХОННИНГ ОРАСИДА ЖАНГ ВОҚЕЬ БЎЛҒОНИНИНГ ЗИКРИ

Вақтеки Юнусхон тарихқа саккиз юз тўқсон иккида вафот бўлди, ул йилда Султон Маҳмудхонни мӯфул расми бирла хон кўтардилар. Вақтеки хоннинг вафот хабари ошкора бўлди, Мирзо Умар Шайх, Мирзо Султон Аҳмад ҳар тарафдин мухолифат қилди. Умар Шайх миrzо ўз мулоzимларининг хосларидин сардор қилиб, жамъи касирни йиборди. Тошканднинг Аштар деган шаҳрига кирдиларки, бу шаҳарнинг қалъаси маҳкам эрди. Андин Султон Маҳмудхон лашкар бошлаб бу шаҳарга юзланди. Қаттиқ жанг бўлди. Охири зўр базўрлиқдин олдилар. Мирзо Умар Шайхнинг умароларининг чўнгларини ўltурди. Тўла халқ чиқмай, жанг қилиб ўлиб кетди. Бу шаҳарни олиб хонга қуввати ҳосил бўлди. Мирзо Умар Шайх яна юз ўғирмакка қуввати қолмади. Яна бир йили Султон Аҳмад миrzоға умаролари айттиларки, Тошкандни урушмай хонга бердилар. Агар улар шаҳарда бўлса, бизга ҳам андиша ва заҳмат тўлароқ бўлур. Ҳазрати Эшон Умар Шайх миrzоға айтиб йибордилар бу муносиб сўз әмас, хон бирла сулҳ қилишмоқ лозим. Улардин бизларга

ташвиш етмайдур. Сизлар уларға нима учун ташвиш берасизлар. Ҳосили калом Мирзо юз эллик минг киши жамъ қилиб Тошканд узасига келди. Ҳон Тошкандин чиқиб, рұбарў бўлиб турди. Үтрода бир устанг бор эрди,

246а анингдин ўтолмай турдилар. // Уч кун ул ерда турди. Султон Аҳмад мирзонинг лашкарининг ичидә Шоҳибекхон бор эрди. Шоҳибекхон Шоҳ Будоғ ўрлоннинг ўғли, булар Абулхайрхоннинг ўғли. Шоҳибекхон бир овуч ўғлон вафот бўлғондин кейин кичиклигига подшоҳлар бирла тафриқа бўлиб кетиб эрди. Шоҳибекхон тўла меҳнатлар тортиб, охирул амр саҳрооларда юролмай, Мовароуннаҳора кирди. Султон Аҳмад Мирзога навкар бўлди. Уч кун туриб Шоҳибекхонга киши йибордики, Султон Маҳмудхон бирла мулоқот қиласи деб. Шул кеча келди. Икковлан мулоқот бўлдилар. Аҳди шарт қилишиб қарор қилдиларки, тонгла Мир Абдулалибек тарафиға зўр уралики, ул Шоҳибекхон Абдулалибекнинг ҳам навкари эрди. Шоҳибекхон айттики мен эрта лашкарга шикаст бериб қочай, деди. Эртаси саф тузди, ҳар икки тараф рост бўлди. Абдулалибекнинг пиёда лашкарлари сувдин ўттилар, отлиқлар сувнинг ичига кирди. Ул тарафдин ҳам пиёдалар жангга кирди. Охир Мир Абдулалибекнинг тарафиға зўр бердилар. Бу аснода Шоҳибекхон уч юз киши бирла қочмоққа қадам қўйди. Андин ўз лашкарларини талон қилмоқға машғул бўлди. Ҳар ердаки, авбошлар бу баҳона бирла лашкарларнинг талонига турди. Ондин Султон Аҳмад мирzonинг лашкарига шикаст етиб, Мирzonинг тўла лашкари дарёning суйига фарқ бўлди. Мирзо шикаст топиб, Самарқандга қочди, бориб Ҳазрати Эшонра тўла маъзиратлар қилди. Ҳазрати Эшон амр қилдиларким Ҳоннинг ва Султон Аҳмад мирzonинг орасида сулҳ бўлсун!, деб Қарокўзбегимнинг муҳимини бошлаб, неча навъ такаллуфлар бирла Қарокўзбегимни хонга бердилар. Бу фатҳдин атрофнинг подшоҳларининг

246б // қўнглига хондин қўрқунч пайдо бўлди. Ҳонга қудрати тамом ҳосил бўлди.

ОЛТМИШ БИРИНЧИ ФАСЛ

**ОТАМ МУҲАММАД ҲУСАЙН КЎРАГОН
СУЛТОН МАҲМУДХОНҒА МУНОСИБ ИШЛАР
БИРЛА МУЛОЗИМАТИДА БЎЛГОНИНИНГ ЗИКРИ**

Отам Муҳаммад Ҳусайн Кўрагон анораллоҳу бурҳонаҳу Кошқардин чиқиб Султон Маҳмудхоннинг мулозиматида бўлди. Ҳоннинг ошнолиқ тариқаси андоқ эрдики, ҳамиша ҳамхужра эрди. Ҳар нарсаики хонға келтурсалар отамға ҳам шундоқ олиб келур эрди. Ҳон отланур бўлса teng отланур эрди. Агар хон янги эгин кийса, отамга ҳам янги эгин берур эрди. Алоҳазалқиёс ҳеч ишда хондин кам қилмас эрди. То хон Қарокўзбегимни никоҳига олгунча отам бирла ҳамхона эрди. Агар хон тахтда ўлтирса отамга ёнидан бисот солдуур эрди. Ушбу дўстлуқ ва ошнолиқ бирла Ҳўб Нигор хонимни отамга нисбат қилмоққа буйруди. Ҳўб Нигор хоним Султон Юнусхоннинг учунчи қизи эрди. Улар Давлатбегимдин вужудга келиб эрди. Давлатбегимнинг чўнг қизи Мехро Нигор хонимдур. Ани Султон Аҳмад мирзоға бериб эрди. Ул мазкур бўлди. Анингдин кичиги Қутлуқ Нигор хонимни Мирзо Умар Шайхға берилган эканки, Захириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ ва Ҳонзодабегим анингдиндур. Буларнинг аҳволи кейин мазкур бўлур. Ушбу қизларнинг учунчисини отамга бердилар.

Бу банданинг онасидур. Буларнинг аҳволиму мазкур бўлур. Султон Юнусхоннинг яна икки қизи Шоҳбегим, Султон Нигор хонимдур. Буларни Султон Маҳмуд мирзо Ҳисорга йиборган Мирзоҳон анингдин вужудга келган. Ҳаммасидин кичиги Давлат Султон хонимдур. Ҳосили қалом хон отамға уэрлар қўлар эканки, ўбдонлиқ бирла мен кечалар ҳамиша ҳарамлар

247а қошида бўлсам, // сиз менинг эшикимда ётсангиз дўстлуқнинг лойиқи бу эмас, деб буйрудики, навъ-навъ такаллувлар бирла тўй рост қилинглар, деб алоҳазо тўй асбоби рост бўлғондин кейин Хўб Нигор хонимни отамга нисбат қилиб бердилар. Бу замонда Мирзо Султон Аҳмад ва Мирзо Умар Шайх ва Султон Маҳмуд мирзо вафот қилдилар. Бу фотина шарҳ қилинур. Ўратепа шаҳри хонга бўлди, отамга берди. Бу шаҳарда барқарор бўлди. Бу Ўратепанинг атрофида тўла музофотлар бор эрди. Бу шаҳарга дохил қилдилар. Бу ҳам иккинчи дафтарда мазкурдур.

ОЛТМИШ ИККИНЧИ ФАСЛ

СУЛТОН МАҲМУДХОНФА ТОШКАНДДА БЎЛГОН ВОҚЕАЛАР ЭЗИКРИ ВА АНИНГ ИШИ ХАЛАЛ ТОПГОНИНИНГ ВА РЎЗГОРИНИНГ ТАМОМИФА ЕТТАНИНИНГ БАЁНИ

Вақтеки хон Туркистонни олди, Туркистоннинг ҳокими Муҳаммад Мазид тархон эрди, ани бандга тортдилар. Тўлароқи сулҳ қилмоққа турди, ани учунки Муҳаммад Мазид тархон Мирзо Султон Аҳмаднинг амакиси эрди. Вақтеки хон Туркистонни олиб эрди, Шоҳибекхон хонга хизмат қилғон эрди. Йуқгори мазкур бўлди. Ани учун Туркистонни Шоҳибекхонга берди.

Алқисса Гирайхон, Жонибекхон қазоқларнинг Султон Маҳмудхоннинг ўғлонларининг аросида адовати қадимий бор эрди. Бу низоъни иъода қилдики, Шоҳибекхон бизнинг душманимиз эрди. Ани хон олиб келиб, бизнинг баробаримизда Туркистонда қўйди, деб. Ҳосили калом ушбу муноқашаларнинг тўфасида Султон Маҳмудхон, ўзбек, қазоқнинг орасида икки бора жанг бўлди. Ҳар икки борада хонга шикаст

247б етди. Бу шикастнинг важҳи ул эрдики, хонға // Юнусхондин мўътабар подшоҳзодалар қолиб эрди. Бу ҳалқларни ўз жойидин тубан туширди. Ҳоннинг одати ушбу эрдики, мўътабар ҳалқларнинг қадрини билмас эрди, балки пиндош қилур эрдики, ман кимни тарбият қилсам, шул ўбдан бўлур дер эрди. Бу маҳолдур, ушбу хаёли фосид бирла одамларнинг ёмон арозилларини тарбият қилур эрди. Бу арозиллар давоми илгарики подшоҳи мўътабарларнинг қасдиға күшиш қилиб, ул ерга еткурдиларки, мўътабар сардафтарлардин беш кишини хонға чоқиб ўлтурутди ва авлодларини асир қилдурди. Буларнинг ўрнида арозиллардин беш кишини тарбият қилди. Вақтеки Султон Маҳмудхон ўзбек, қазоқнинг орасида Шоҳибекхоннинг жиҳатидан низоъ тушиб жанг булиб эрди, бу беш арозил лашкарларнинг сардори эрди. Бу жиҳатдин хонға шикаст етди. Бу беш подшоҳзодани ўтиргандин кейин атрофдаги подшоҳларнинг қўнглига қўрқунч пайдо бўлди. Ҳеч қайсиси қошида қолмади. Бунинг орасида Умар Шайх Мирzonинг бошиға кабутархонаси йиқилиб, анинг бирла ҳалок бўлди. Тарихқа саккиз юз тўқсон тўққуз (1493—1494) эрди. Вақтеки бу хабар Султон Аҳмад Мирзоға етди, Андижонға лашкар тортиб келди, мабодо мўғул ҳалқининг қўлиға тушмайли, деб Умар Шайх Мирzonинг подшоҳзодалари мардоналик қилдилар, Умар Шайх Мирzonинг ўғли Захириддин Мухаммад Бобур подшоҳ ўн икки ёшда эрди, ани подшоҳ кўтардилар, Султон Маҳмудхонға илтижо қилдилар. Султон Аҳмад мирзо Марғилоннинг атрофига келиб касал бўлиб, сулҳ бирла ёниб йўлда вафот топди. Мирзо Умар Шайх

248а вафот бўлиб, // қирқ кундин кейин Султон Маҳмуд Мирзо Ҳисордин келиб Самарқанд таҳтига биродарининг ўрнида ўтириб, олти ой подшоҳлик қилди, андин вафот бўлди. Анинг ўрнида Бойсунғурки Мирzonинг ўғлиидур, ул подшоҳ бўлди. Ондин Султон Маҳмудхон Самарқанд таҳтини тамаъ қилиб Самарқандга келди. Бойсунғур мирзо Камей деган мавзеида рӯбарў бўлди. Вақтеки лашкарнинг сардори ушбу беш арозил эрди, хонға

шикаст етди. Мунин мۇгул халқи ва Самарқанд халқи тарих қилиб-дур. Хон ёниб Тошкентта келди. Бу арозиллар хоннинг хотириға етқурдик, муносиб улки, Шоҳибекхон бирла Самарқанд, Бухорони олиб берсак, подшоҳликнинг нашъу намоси анга бўлса, биз Тошканда фароғат бирла ётсақ дедилар. Бу сўз хонға маъқул булиб, яна айттики, отам бу раъйини хато деб эрдилар деди. Булар яна муболага бирла айттики хон охир бу маслаҳатта унади, лашкар бирла Шоҳибекхонни йиборди. Самарқанд бирла Бухорони олди. Бунинг шархи узоққа тортадур. Бобур подшоҳнинг ҳоли ҳам бу шарҳда мазкурдур. Ҳосили калом улки, ушбу мадад бирла Шоҳибекхон Самарқандни олиб қаттиқ забт қилди ва лашкари эллик мингта етди. Ҳар ердаки ўзбек бор эрди, анга қўшулади. Ондин аввалан хоннинг қасдиға машғул бўлди. Хон дармонда бўлди. Ҳар нечаки пушаймону надоматлар қилди, фойда бермади. Бу ҳолнинг аросида Султон Аҳмадхон Мўғулистанда эрдики, мазкурдур Хоннинг музтарлигини англаб биродариға ёрийлашқали келди. Бу икки хон Шоҳибекхон бирла жанг қилди. Ҳар икки хонға шикаст етди, Шоҳибекхон ҳар иккала хонни

2486 олиб Мўғулистанга йиборди, аммо мۇгул халқининг қошида // сақлади. Вақтеки Султон Маҳмудхон ва Султон Аҳмадхон бу икки биродар Мўғулистанға келдилар, Султон Аҳмадхон вафот топди. Бунинг шархи яқинда Султон Аҳмадхоннинг зикрида келур. Султон Маҳмудхон Мўғулистанға келиб неча кун қаттиқлиғ бирла турди. Охирул амр Шоҳибекхоннинг олдиға эътимод қилиб келдики, ул тарбиятники аниг ҳақида қилиб эрди. Шоҳибекхон Султон Маҳмудхонни тутуб айттики, бир маротаба муруват қилдим, иккинчи маротаба бирла муруват қилғон мулкнинг заволига сабаб бўладур, деб Султон Маҳмудхонни чўнг-кичик бола барқаси бирла Ҳўжанд дарёсининг лабида шаҳид қилди. «Лаби дарё-и Ҳўжанд»ни анга тарих қилибдур. Бу ҳолнинг шархи иккинчи дафтарда мазкур бўлди. Тақрор бўлмасун деб муҳтасар қилинди.

ОЛТМИШ УЧИНЧИ ФАСЛ

СУЛТОН АҲМАДХОННИНГ ЗИКРИ

Султон Аҳмадхон Юнусхоннинг ўғлидурки, йуқори мазкур бўлди. Вақтеки Юнусхон Тошкандга кириб эрди, ондин отасидин қочиб мўгул халқи бирла шаҳарларда пароканда бўлиб, Мўгулистанда қолиб эрди, бунинг шархи узоққа тортсаму, хулласи калом улки ўн йил, ё йигирма йилга яқин Мўгулистанни қаттиқ забт қилди. Подшоҳзодалардин пастлатди, арлот халқларидин улуғ подшоҳзодалар бор эрди, анга муҳолифат қилиб охир жанг қилиб, ҳаммасини ўйқ қилди. Амир Султон Али чурос умаролари бирла Буғоҳонга муҳолифат қилиб эрди, ани ҳам ўлтурди. Мунинг орасида қолужи қавмики ани Мўгулистанда тўла қавм дерлар, ҳамма сардорлари бирла иттифоқ қилиб кечаси хонға шабихун урди. Ўрданинг чўрасидаги ётғон халқларини ўлтурдилар,

249а хоннинг боргоҳини тирборон қилди. Хонға нечанд ерда заҳм // етқурди. Булардин бири боргоҳнинг ичига кирди, токи хоннинг ишини саранжом қилрай. Хон дарҳол қўфиб анга шамшир солди, ул киши заҳмнок бўлиб қочиб чиқди. Яна бир навбат неча киши отдин тушиб киргали турди. Хоннинг мўътабар кишиларидин Сутойим Баҳодирнинг қошиға келганда отиға миниб жанг қилиб Сутойим баҳодирни ўлтурди. Ондин хоннинг қошиға келди, равғо тўла бўлди. Ҳар тарафдин сипоҳлар хоннинг ўрдасига жамъ бўлди. Қолужи халқи пароканда бўлиб қочди. Бу келганларнинг ҳаммаси хоннинг яқин халқларидин эрди. Ҳеч қайсисида мундоқ гумон йўқ эрди. Вақтеки хон заҳмдин сиҳат бўлуб қолужи халқининг орқасидин қуғлаб, икки йилнинг ичида топиб ҳаммасини асир қилди. Ондин кейин хон муҳими тамом ҳосил бўлди. Ҳеч кимда

хонга мухолифат қилмокқа қувват қолмади. Неча маротаба қалмокқа бориб ҷоғиб тұласини үлтурді. Иккі маротаба қалмоқнинг чүнглари жанг қилиб, ҳар борада хон зафар топди. Қалмоқлар хонни Олачахон, дер эрди, Мұғул иборасыда Олачанинг маъноси үлтургучи деган бўлур. Ул важҳдин Олачахон атади, мұғул аросида Султон Аҳмадхон дер эрди. Бу воқеалардин ўзбек, қазоқ бирла мухолифат қилди. Ул жиҳатдинки, Султон Маҳмудхон ўзбек, қазоқ бирла иккі маротаба жангда шикаст топиб эрди, анинг учун Султон Аҳмадхон ўзбек, қазоқни чопиб, уч маротаба буларга шикаст берди. Ончаки булар биродари Султон Маҳмудхонга қилиб эрди, буларға андин зиёдарак қилди.

2496 // Мұғулистанни андоқ забт қилдикি, Мұғулистаннинг атроғидин етти-саккиз ойлиқ ерга қалмоқ, ўзбеклар киролмас эрди. Мұғулистандин хотири дилжамъ бўлуб, Мирзо Абобақрнинг ишиға Кошқарға юзланди. Тарихқа түққуз юз бешда хон Кошқарға келди. Мирзо Абобақр Кошқар ва Янги Ҳисорни лашкарлариға топшируб ўзи Ёркандға бориб эрди. Неча маротаба Мирзо Абобақрнинг лашкарлари хон бирла саф туэди. Охири Янги Ҳисорнинг қалъасини олди. Мирзо Абобақрнинг лашкарлари Кошқарни қўйиб қочиб кетди. Кошқар ва Янги Ҳисорни халос қилдилар. Зимистанда Кошқарда туриб аҳли аёлларини Мұғулистандин олиб келди. Ондин Ёркандга Мирзо Абобақрнинг тұғасига борди. Мирзо Абобақр шаҳардин ташқары чиқмади. Күрдиларки, шаҳарнинг қалъасига яқин бормоқ маслаҳатдин эмас деб, Ёркандинг тоғ тарағига борди. Бир мунча мол-ғанимат олиб, Кошқарға ёнди. Мирзо Абобақр Ёркандин қочиб чиқиб, лашкарлари бирла тоғда хоннинг йўлини тўсди. Қаттиқ жанг қилиб, охир хоннинг лашкарига шикаст етди. Хон шикаст еб, Кошқарға келди. Яна Кошқарда туролмай Мұғулистанға қочиб кетдилар. Андин Шоҳибекхон Султон Маҳмудхоннинг тұғасига лашкар тортиб келганининг хабари келди. Султон Аҳмадхоннинг биродарчилик меҳри ҳаракатта келиб, биродарининг хизматига юз келтиреди. Ўзининг ўғли Мансурхонни ўз ўрнида үлтурғизиб, яна иккى ўғли Султон Саид, Бабожоқ султонни ўзи

250а бирла Тошкандга олиб борди. Бу икки хон Тошканда // топишиб кўришдилар. Навъ-навъ зиёфатлар қилдилар ва аниг шарҳиму иккинчи дафтарда мазкурдур. Ҳосили қалом Шоҳибекхоннинг фикрида бўлиб, охирул амр Аҳсида Шоҳибекхон бирла жанг бўлди. Ҳонларға шикаст етди. Ҳар иккала хон Шоҳибекхоннинг қўлиға тушди. Шоҳибекхон бу хонларға риоя қилиб қўя бериб, мўгулларнинг чўнгларини олиб қолиб, иккавланни Мўгулистонға йиборди. Бу икки хон Мўгулистонға келди. Оқсуда Султон Аҳмадхонға касал рўй берди. Табиблар илож қилмоқдин ожиз келди. Охир ул амр тарихқа тўққуз юз тўққуз (1504—1505) эрди, Султон Аҳмадхон вафот бўлди, анораллоҳу бурхонаҳу. Султон Аҳмадхон бағоят диндор, мусулмончилиқи қавий эрди, тўла ишларни шаръ бирла айируг эрди. Ӯзи мард, гайр киши кўрса, қўрқар эрди, шижаатлик, ақли комил. Ҷарвишларға ва солиҳларга ва авлиёларға тавозеъ қилур эрди. Олим ва солиҳларға бағоят илтижо қилур эрди. Аниг авқотининг тўласи тоатларнинг вазифаси бирла ораста эрди. Ҳамма намозларда жамоатга келур эрди. Ҳешу ақраболариға силаи раҳмни интиҳоси бирла лозим тутар эрди. Нихояте хушгўй, хушхўй эрдилар.

ОЛТМИШ ТЎРТИНЧИ ФАСЛ*

141а

СУЛТОН АҲМАДХОННИНГ ЧҮНГ ЎГЛИ МАНСУРХОННИНГ ЗИКРИ

Вақтеки Султон Аҳмадхон Тошкандга биродарлари Султон Маҳмудхоннинг мулозаматига юз келтурди, ани ўз юртида хонлиқға қўйди. Тарихқа тўққуз юз тўққузда (1503—1504) ўн олти

Ушбу нашрга асос қилиб олинган қўлёзма нусхада рус тилидаги нашрда мавжуд бўлган 58—64 фасллар номаълум сабабларга кўра 350—364 сахифалардан ўрин олган. Бу сахифалардаги матн ўз ўрнига кўчирилди.

йил хон бўлди. Ул замонки оталари Султон Аҳмадхон яна Оқсуға келди, оталарининг мулизиматига мушарраф бўлди. Султон Аҳмадхон ул кунларда вафот бўлди. Султон Маҳмудхон Оқсуни қўйуб, Мўғулистанга келди. Оқсуда Мансурхон мутамаккин бўлди. Мансурхоннинг, Мир Жабборбердининг орасида низо воқе бўлди. Мир Жабборбердини үлтиромак фикрида бўлди. Ул жон қутғармоқга чорагар издаб Мирзо Абобакрға киши йиборди. Мирзо Абобакр бу маънини ёлғиз Худодин тилаб, ўттуз минг киши бирла Оқсуға юзланди. Мир Жабборберди Мирзо Абобакрнинг маркаби истиқболига олдираб чиқди. Мирзо Абобакрнинг лашкарининг умаро ва улувлари шаҳарга тикланди. Вақтеки бу хабар Мансурхонға етти, қалъани маҳкам қилиб лашкарни Оқсу қалъасида қўйуб ўзи Бой, Кусан тарафиға борди. Мир Жабборберди эътимод жиҳатидин Уч қалъасики, ўзининг юрти эди, Мирзо Абобакрға таслим қилиб берди. Оқсуға бирла ҳамроҳ бўлиб келиб жанг қилиб Оқсуни олди. Ул замонда Султон Аҳмадхоннинг йигирма беш йилгача йиккан мол-хазина ва дафинасига эга бўлди. Оқсу халқини ва мўгул халқини тамом қўчуруб Кошқарға юрутти. Мир Жабборберди ҳаммадин илгари хотунини юритти. Мирза Абобакр муболага бирлан сўрдики, сизнинг хотунингиз на ерга борадур?

1416 Айттики хотунни кейин элтмаклик // мушкул бўладур. Хотиним кетадур, мен бунда неча қун туруб, атрофакнофда олмоқ ва чопмоқ бирла сизнинг лашкарингизни ўлжадан тўйғораман. Ондин кейин лашкар бирла ҳамроҳ Кошқарға етаман. Мир Жабборбердининг бу замзамасига Мирзо Абобакр футти. Хотуни тамом халқи бирла Кошқарға келди. Мирзо Абобакр Мир Жабборбердига ўн минг киши қўшуб бериб айттики, бу кент-диёrlарда ҳар нимаики қолиб эрди, чопиб олиб келгил, деб ўзи Кошқарға юзланди. Мир Жабборберди лашкарни бошлаб Бой ва Кусанга элти. Ул кент диёrlарини чофти қиёс бирла чандон хаёл қил-

дики, Мирзо Абобакр Кошқарға етгунча андин кейин лашкардин айрилиб қочди. Мирзо Абобакрнинг лашкари хафа бўлуб ёнди. Мир Жабборберди Оқсунинг обшорасида бўлди. Бу ҳолдин Мансурхонға паришонлиқ йўл топти. Бир навъи бирла тўла ожизлиқ рӯ берди. Мир Жабборбердининг қасдидин пушаймон бўлди. Мир Жабборберди Мансурхонға хол эрди. Уларнинг синглиси Соҳиб Давлат бегимдин Мансурхон туғулуб эрди. Бу аснода Мансурхон охир аҳдлар бирла узр айтиб киши йиборди. Ончаки отаси Султон Аҳмадхон риоялар қилур эрди, ондин зиёда риоялар қилди. Ондин кейин Мир Жабборберди Мансурхоннинг мулоғиматига борди. Мансурхоннинг муҳимлари филжумла равнақ топди. Бу кунларда ўзга ҳалқдин мухолифат зоҳир бўлса, бир навъи бирла мұяссар бўлур эрди. Бу жумланинг тафсили мундин кейин хотирда бор, муфассалан тамом бўлур. Мунинг орасида Мўғулистонда Султон Маҳмудхон, Султон Сайдхон, Султон Халил султонлар орасида мухолифати азим воқе бўлиб етти.

142а Мансурхон Мўғулистонға келди, яна бир маротаба // ўз аммам Султон Маҳмудхонға мулоқат қилди. Ондин кейин бир-биридин жудо бўлдилар. Султон Маҳмудхон Мўғулистонда бўлиб, Мўғулистоннинг муҳимларини қилолмади, Мовароуннаҳода шаҳид бўлди. Вақтеки Мансурхоннинг вилоятида Султон Маҳмудхоннинг борғони англанди, биродарлари қошиға юз келтурди. Ҳар иккала султон қирғизлар бирла ва қолғон мўғуллар бирла Мўғулистонда жамъ бўлиб эрдилар, Мансурхон етиб келди. Мир Жаббор Чолак деган ерда саф тортиб, қаттиқ жанг қилдилар, охир Мансурхон ғолиб келди. Бу ҳар иккала биродар қочиб, ўз вилоятига бордилар. Вақтеки Андижонға бориб Андижон ҳокими Султон Халилни ўлтироди, Султон Сайдхон қочиб Кобулға борди. Бунинг шарҳи иккинчи дафтарда маэкурдур.

ОЛТМИШ БЕШИНЧИ ФАСЛ

143а

МАНСУРХОННИНГ ЎГЛИ ШОҲХОННИНГ ЗИКРЛАРИ

Вақтеки Мансурхоннинг ҳаётлиқи охириға етганда чўнг ўғли Шоҳхонни подшоҳликга кўтариб эди ва ўзи гўшани ихтиёр қилиб эди. Мансурхондин кейин истиқболи тамом топди. Таъриҳда тўққуз юз эллик иккинчи (1545) йили эрди, Турфон, Чолишда гоҳи хоннинг ўғли бўлуб ва гоҳи отасининг мулоғимлиқи сабаби бўлуб хонлиқ амрида ва подшоҳлик атворида атони норози қилди. Андоқ эшитилдики, даъби машҳурлуқи бадхўйлук бирла шуҳрат топти. Ва ҳам ўз атосининг ҳаётлиқи вақтида поклик либосини атоға оқ бўлмоғлиқ бирла нажосатға муваввас қилиб падари бузрукворининг иззатини қилмади. Ва фарзанди солиҳга атосининг хизматкорлиқи ризо ва хушнудлиқи бирла дунё ва охиратнинг озодлиқи ҳозир ҳосил бўлур эди, Шоҳхондин вужудга келмади. Ҳарчандки шундоғур. Аммо, таърих айтрувчиларнинг расмлари улдурки, тазкира ва силсилалар ончаки зикр бўлубдур, ўзларига лойиқ эмас бўлсаму зиёда таъриф қиласурлар. Уларнинг тарзи андоқдурки, подшоҳларнинг ҳусни хулқини футубдурлар. Қабоҳат феълларини тарқ қиласурлар. Балки ҳар нимарсаки бор эди футубдурлар. То олам ҳалқига тарих боқий қолғай. Ва ҳар киши улардин кейин завқлуқ тоифалардин, хоҳ анинг ғайридин назари тушса насиҳати бўлғай ва билгайларки, ёмон ишларнинг на меваси ва нима фойдаси бордур. Ҳар кишики ҳар нечук иш қилибдур жазосун қўрадур. Бўлғайки бу насиҳатларни қабул қилиб, яхши амалларга қўшиш айлаб, ёмон феъллардин парҳез қилғай.

ОЛТМИШ ОЛТИНЧИ ФАСЛ

1436

СУЛТОН АҲМАДХОННИНГ ҮҒЛИ СУЛТОН САИДХОННИНГ ЗИКРИ

*С*ултон Аҳмадхоннинг ўн саккиз үғли бор эрди. Ҳаммадин чўнг үғли Мансурхон эдики, йуқори зикр қилинди. Онингдин кейин Искандар султон эди. Отасидин кейин марги табиий бирла ўлди. Онингдин кейин Султон Сайдхондур. Қолғон ўн беш үғлининг шарҳи... Аммо Султон Сайдхон ўн тўрт ёшда эрдики, Султон Аҳмадхон чўнг акаси Султон Маҳмудхонға юз келтурди. Үгуллардин икки үгулни ҳамроҳ қилиб олиб, бориб эди, оти Султон Сайдхон ва Бобоҷоқ султон эди. Ул кунларда хонлар бирла эрдилар. Султон Сайдхон падари бузрукворларининг турбат ҳужрасида амми саодатёрнинг қошида неча замон ўбдонлиқ бирла рӯзгор элти. Ул вақтгачаки бу икки хоннинг ва Шоҳибекхоннинг орасида Аҳсида жанг воқе бўлдики шарҳ қилинди. Ул вақтда Султон Сайдхоннинг устихонининг бошига ўқ тегди. Устихоннинг боши синди, ўзини пинҳонға ташлади. Юрт қарор топғондин кейин, ул ернинг халқи топтилар. Ул жихатдин фути синиб бўлак ерга боролмаб эди, неча кун ўтиб филжумла сиҳат бўлиб эди, Султон Сайдхонни Аҳсининг ҳокими Шайх Боязиднинг олдиға олиб келди. Шайх Боязид бирла биродари Султон Аҳмад Танбалнинг зикрини иккинчи дафтарда шарҳ қилинур. Ва бу Шайх Боязид Султон Сайдхонни бандда сақлади. Вақтеки иккинчи йил, асад вақтида, Шоҳибекхон яна Фарғона вилоятига Султон Аҳмад Танбалнинг тўғасига келди. Султон Аҳмад Танбал ва Шайх Боязид ва тамом биродарлари бирла Шоҳибекхоннинг қўлида ўлдилар. Фарғона

144а вилоятига Шоҳибекхон мутасарриф бўлди. Султон Сайдхон // Аҳсида Шайх Боязиднинг бандидин Шоҳибекхон олдига келтурди. Шоҳибекхон Султон Сайдхонни фарзандларининг қатарида кўрди ва шафқатлар қилди. Ва Самарқандга бирла олиб борди. Ул ердин Ҳисор лашкарига элтти. Вақтеки Ҳусравшоҳ Ҳисор, Қундуз, Бадаҳшон вилоятларини ўзига тобе қилди, Султон Сайдхон Шоҳибекхонга ҳамроҳ эди. Вақтеки ул муҳимдин фориғ бўлиб, ёниб Самарқандга тушди. Ул ердин Ҳоразмга борди. Султон Сайдхон Шоҳибекхондин қочиб Мўғулистанга борди. Узун [Аҳмаднинг ери] йўли бирла Мамокандга етти. Ул замонда амма бузруквори Султон Маҳмудхоннинг қошида бўлди. Мулк ишларида касолат жиҳатидин Султон Маҳмудхонга бир одати бор эрди. Султон Сайдхонга мулоқат бўлди. Вақтеки неча кун амми бузрукворнинг хизматида пос тамом даст берди, Султон Маҳмудхоннинг қошидин қочиб, Мўғулистанга келди. Биродари Султон Халил Қирғизға ҳоким эди, анинг олдига борди. Тўрт йил муддат ичида тўла воқелар бу икки султон бирла Мансурхоннинг орасида воқе бўлди. Охир кор бир навъ бўлдики, Султон Маҳмудхон биродарзодаларининг жиҳатидин Туркистонда бўлолмади. Шоҳибекхон ани Ҳўжандда шахид қилди. Анга ўхшашки зикр бўлди. Вақтеки Султон Маҳмудхон Шоҳибекхоннинг қошига борди, бу икки биродар Мўғулистанда ва Қирғизда қолдилар. Бу ҳолда Мансурхон Чолиш, Турфондин лашкар тортиб Қирғиз, Мўғулистанни забт қилғоли биродарларига юзланган хабари етти. Султон Сайдхон, Султон Халил ҳар иккаласи тамом Қирғиз Мўғулийларни жамъ қилиб Чорун Чолак

144б // деган ерда маҳкам жой ихтиёр қилиб, жангта ясов кўрсатиб турдилар. Мансурхон ҳам лашкар тайёр қилиб келди. Қаттиқ жанг бўлди. Охирул амр Султон Сайдхонларға шикаст етти. Мансурхон қирғизларни кўчуруб Чолишға элтти. Анга ўхшаш Мансурхоннинг зикрида айтилди. Султон Халил жангдин қочиб

нече агад киши бирла Фарғонаға юзланди. Султон Маҳмудхон амакининг қошиға борғай, шоядки Шоҳибекхон риоя қилғай. Вақтеки Аксига етти, Жонибекхонки Шоҳибекхоннинг амакининг ўғли эди, Фарғона вилоятига ҳоким эди, ани шаҳид қилди. Аммо Султон Сайдхон жанггоҳдин келди. Ўзига қарор бердики, Мӯғулистонда қазоқни жамъ қилиб, бош элтгай. Аммо бир ише даст бердики, Мӯғулистонда бўлмоқ мұяссар бўлмади. Ул ишнинг шарҳи иккинчи дафтарда шарҳ қилинур. Такрори узоқ учун мужмалан айтилди. Султон Сайдхон ҳам бечора бўлуб Андижонға борди. Яна бир навъи бирла ул ердин Кобулға Умаршайх Мирзонинг ўғли Бобур подшоҳга, Султон Сайдхоннинг холазодасидур, анинг қошиға борди. Бобур подшоҳ ани бағоят азизу мукаррам тутти. Муддати уч йил Кобулда бўлди. Вақтеки Шоҳибекхонни Исмоил Марвда ўлтурди, Бобур подшоҳ Кобулдин Қундузга юзланди. Султон Сайдхон Қундузга бирла келди. Бу аснода Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг ўғли Сайд Муҳаммад Мирзо, тарих айтгучининг амакидур, Андижонға хуруж қилиб Жонибек султонни Андижондин ҳайдаб чиқариб, Фарғона вилоятини мусаххар қилиб, Бобур подшоҳнинг олдиға киши йиборди. Неча ишларини гарданига олиб Бобур подшоҳ

145а Султон Сайдхонни // мӯғул умаролари бирла мулози-матда ҳамроҳ қилиб Андижонға йиборди. Вақтеки Султон Сайдхон Андижонға келди, амми Сайд Муҳаммад мирзо олдиға чиқди. Тамом мусаххар бўлғон вилоятларни булағра таслим қилиб берди. Ҳон аммига иззат-икромлар қилди. Қадимқи қоида бирла улус мӯғулнинг подшоҳлики мансаби мерос эди, ани ҳам топшуруб берди. Бу аснода Мирзо Абобакрки Кошқардин лашкар ясаб, Фарғона мулкига тамаъ келтурууб, Андижонға юзланиб етти. Султон Сайдхон минг беш юз киши бирла истиқболиға чиқди. Андижонға икки фарсах Тутлуқ деган ерда икки сағ мулօқот бўлди. Йигирма минг лашкарга Ҳудойи таолонинг инояти бирла минг беш юз киши ғолиб келди. Кўшиш ва кушишлар тўла воқе бўлди. Бу фатҳи нусратдин атрофи оламнинг султонларининг дилида

Султон Саидхоннинг сиёсати ўлтурди. Фарғона ҳудудида ўзбек султонларининг захматини кўтардилар. Ўзбек тамом Самарқанду Тошкандда жам бўлдилар. Бу ҳолдин кейин Бобур подшоҳ хушлуқ бирла Ҳисорда ул тарафларнинг султонлари бирла жанг қилиб, фатҳу нусрат топти. Ушбу синдумроқ бирла тамом ўзбекни Мовароунинаҳордин қуғлади. Самарқанднинг таҳтида ўлтуруб тўккуз юз ўн еттинчи йили ражаб ойида Андижонда қарор олдилар. Вақтеки аввали баҳорда яна бир бора Туркистондин жам бўлиб, ўзбек султонлари тамом Тошкандга келдилар. Убайдуллахон Бухоро тарафига жангга иттифоқ бўлуб эди, зафар топти. Бобур подшоҳ шикаст еб, Самарқандга келди. Ул ердин

1456 кўчуб тоғқа чиқиб, // Ҳисорға қочди. Яна ўзбек истило топти. Ҳон Андижонда эди, подшоҳ Бобуршоҳ Исмоилға илтижо этиб эди, ул ўз умаросидин Мир Нажмни олтмиш минг лашкар бирла Кўҳакка юборди. Бобур подшоҳ уларға ҳамроҳ бўлуб, Самарқандга юзландилар. Тошканд тарафида хоннинг баробарида Суйунч хожаҳон деб бор эди ва яна неча хоқон ва султонлар Самарқанд, Бухорода Бобур подшоҳнинг баробарида жам бўлиб эрди. Аммо Султон Саидхоннинг Суйунч хожаҳоннинг орасида Тошканд ҳудудида жангта саф туздилар. Ҳон беш минг киши бирла эди. Суйунч хожаҳон етти минг киши бирла эди. Қаттиқ жанг бўлуб, охири Суйунч хожаҳон зафар топти. Султон Саидхон қочиб Андижонға келди. Бу ҳолдин кейин Бобур подшоҳ ҳам Бухоро ва Фиждувонда ўзбек султонларидин қочуб, Ҳисорға келиб эди. Бу бандани муаллифи тарих ул вақтда Бобур подшоҳдин рухсат олиб, Мир Нажмни қўшулуб хон Суйунч хожаҳондин шикаст еган вақтда хоннинг мулизиматига бориб эдим.

Вақтеки баҳор бўлди, Даشتি Қифчоқнинг подшоҳи Қосимхоннинг олдига борди. Ул вақтда лашкарининг адади уч юз минг киши эди. Қосимхон Султон Саидхонға иззат-икромлар қилди.

Вақтеки Бухородин ёниб келди, бу бандани кўрагон ҳамтанглари орасида ҳаммадин мумтоз қилди. Бунинг шарҳи иккинчи дафтарда зикр қилинур. Вақтеки баҳорнинг аввалида ўзбек султонла-

рининг улуг жамиатлари бирла бегарон оғир лашқар бирла Андижонга юзландилар. Ҳон муқоталага муқобала бўлмоғлиқға маслаҳат кўрмади. Бегонанинг лашқари Фарғона

146а // ҳудудига етишидин илгари Мўгулистонға бордилар. Айтикент деган ерга еттилар. Иттифоқлар қилиб маслаҳатни хўб кўрди. Аммим Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг саъий бирлаки Мирзо Абобакрнинг биродаридур, Кошқарға юз келтурдилар, Кошқарда қаттиқ жанг бўлуб Кошқар лашқари қочуб шаҳарнинг қалъасиға қаболди. Ҳон Янги Ҳисорға ўтти. Уч ой Янги Ҳисорни қабади. Охир Янги Ҳисор халқи аммимга улашиб, қалъани таслим қилдилар. Бу хабар Кошқарға етти. Кошқарнинг лашқарлари Кошқарни қўйиб кетти. Вақтеки қочқон халқ Мирзо Абобакрнинг қошиға Ёркандга борди, Мирзо Абобакр ҳам қочмоқни ихтиёр қилиб, Ҳўтанга борди. Ҳон кейнидин Ёркандга етти. Мирзо Абобакрнинг кейнидин лашқар йиборди. Тибат тоғида етиб, бекиёс моллар ва либослардин улоғлари бирла мўғуллар қўлиға тушди, иккинчи дафтарда шарҳ қилинур. Ҳоннинг Кошқар тахтида үлтурғонида тўққуз юз йигирманчи йили эди. Ул зимистоннинг охирида хоннинг онасининг додасининг биродари Эмин хожаҳон Турфондин келди, шарҳи йуқғори ўтти. Ва ул Мансурхоннинг тамом умароларининг беху бунёдини юлмоқға саъӣ қилди. Мансурхоннинг қувватини йўқ этмакнинг сўзини баён қилди. Уларнинг адоватларига Мўгулистанда қилиб ўтиб эди, санодилар. Ҳон айттики, ул биродари калондур, биздин анга хизматкорлик ва итоат лозим эди. Бу ишлар вужудга келмади. Ночор улар бизга адаб ўргатти, бу ишдин адоват қилмоқ лозим эмас. Балки муносиб улдурки, уэри тақсир қилмоқ

146б лозим деб мулоқотиға элчилар йиборди //. Маслаҳат ва итоат сўзин ароға солди. Ҳоннинг ваҳму ҳаросидин Мансурхоннинг жони лабига келиб эди, бу хабардин жони тоза ва беандоза бўлди. Ва тарсону ларzon юруб келиб, Оқсу ва Кусаннинг орасида мулоқот қилди. Ҳутба ва сиккани унинг отиға қилди. Камоли итоатни бажо келтурди. Мансурхондин ул адоват ва хусу-

матлар илгари воқе бўлиб эди, ҳамманинг бадалида яхшилик ва фармонбардорлик қилди. Бу икки давлатманднинг бу сулҳ иттифоқидин халойиққа андоқ амният ва рафоҳият бўлдики, одамлар Хитой Қамулидин Фарғонағача зоди роҳила, ҳамроҳсиз беташвиш ва бедўға борур ва келур эрди. Ва бу икки лашкарнинг сулҳини афозил шогирдлар тарих нишоти топиб айдилар. Яна бир йил Мұхаммад Қирғиз Туркистон, Сайрам тарафини чофиб кетди. Исломга ҳимоя қилмоқ жиҳатидин анинг бу феъли қаттиқ кўринди. Мұхаммад Қирғизнинг бошиға чофиб, ул қулфатники улар аҳли исломга қилиб әдилар, андин эзиёда қирғиз халқига қилдилар, ва Мұхаммад қирғизни тутуб бандга торттилар. Муддати ўн беш йил бандда қолдилар. Тарихқа тўққиз юз йигирма саккизинчи (1511) йилида ўз ўғли Рашид султонни Мўғулистанга йиборди. Ва тамоми Мўғулистан қирғизни забт қилғоли Мўғулистанда Рашид султонға тўла жамият даст берди. Охирул амр бу навъи бирла келиб ўзбек-қазоқлар Даشتி Қифчоқдин Мўғулистанга келдилар. Икки минг киши бор эрди. Улар бирла бир мақомда бўлмоқлиқнинг имкони бўлмади. Рашид султон ўз халқи бирла ёниб Кошқарға келдилар. Ҳон Бадахшонға юзланди. Бориб Бадахшоннинг

147a нисфини тасарруфига олди. Анга ўхшашки // бизнинг вақтимизғача Кошқарнинг девонига тааллуқи бор. Бунинг шарҳи узокқа тортадур. Алқисса, ҳон икки маротаба бирла лашкар жам қилиб Бадахшонға борди. Иккинчи маротаба борғонда бу бандани Рашид султонға ҳамроҳ қилиб Фаранг, Кашмирнинг оралиқидаги Болур, Коғиристонға йибориб эди, жанг қилиб фатҳу нусрат топиб, ғанимат бирлан ёндуқ. Вақтеки неча вақт шундоқ ўтги, Ҳубслиқдин ва хубслар саъидин одамий-шайтонлар бир навъи бирлан Эмин Ҳожа султонға Оқсуни берган эди. Ва Оқсу тарихқа тўққуз юз тўққуз (1492)да Мирзо Абобақр ғолиб бўлуб, вайрон қилғондин то тўққуз юз йигирма учунчи (1506) йилғача вайрон эди, Эмин Ҳожа султон Оқсуни таъмир қилиб, ўз ҳолига келтуруб эди. Бу бандани Рашидхонға ҳамроҳ қилиб қўшуб Оқсуға йиборди. Эмин Ҳожа султонни аҳли-авлоди [билан] кўчуруб Кошқарға йибордуқ. Бу

бандада Рашид султонни Оқсуда қўйуб, ани муҳимларини сипоҳликдин раийат ясақ муомаласини тузуб, ёниб хоннинг мулоғиматига келдим. Эмин Ҳожа султонни Ҳиндустон тарафига юрутдилар. Ва Ҳиндистонда марги табиий бирла үлди. Вақтеки хон Тибат коғирлари бирла ғазот қилмоққа юзланди, бу бандани ўзидин илгари юритдилар. Тибат баъзи шаҳар қалъаларини олиб, тўлароқ вилоятни забт қилиб эдим, хон кейнимдин етиб борди. Вақтеки икки лашкар қўшулуб эди беш минг киши бўлди. Аммо Тибатта беш минг киши сифиб зимиstonни ўтказмак имкони йўқ эди. Бас маслаҳатни шундоқ кўрдики, бу бандани

1476 Искандар султонга // ҳамроҳ қилиб Кашмирга йиборди. Хон ўзи тўрт минг киши бирла Болтига юзланди. Болти вилояти Тибат Кашмирнинг оралиқидадур. Ул зимиstonда хон Болти бирла ғазот қилиб, эрта ёзға ёниб Тибатга келди. Фақир банда мен ҳам ул қиши Кашмирга келдим. Қишининг охирида Кашмир подшоси бирла жанг қилдуқ. Ҳақ таоло зафар берди. Кашмир подшохини тамом лашкарлари бирла мусаххар қилуб эдук улар ҳам мусаххарликка муқаррар бўлиб, ондин Кашмир подшохи Мухаммадшохнинг қизини Искандар султонга нисбат қилиб, хон отига хутба ва сикка қилди. Кашмир молини ончаки жам қилиб, ул қишининг баҳорига хоннинг мулоғиматига Тибатга келди. Хон неча навъи илтифотлар қилиб эъзоз-икромлар бирла сарафroz айлади. Андин бу бандани Ҳитой ва Тибатнинг оралиқидаги Урсанг тарафига бутларни синдурғоли буйруди. Ўзи Кошқарға юзланди. Хон Кошқарға келгунча дами сиқиб ҳадсиз заиф бўлиб эди, Тибатдаму сиҳат тамом эмас эди. Бир таври бирла йўл манғиб эди, вақтеки Тутак мавзеига дам тутодур, ул мавзеега еттилар. Хон ул дам сиқғон касал бирла руҳи поки ҳисори қуддусийга парвоз қилди. Тўққуз юз саксон тўққузунчи йилида (1581—1582*) бу воқеа иккинчи дафтарда бу тарихдин тафсили бирла шарҳ қилинур.

* Қўлёзмада Султон Сайдхон вафот йили нотўри берилган. Тўғриси 939-Ҳижрий 1533-милодийда вафот этган.

ОЛТМИШ ЕТТИНЧИ ФАСЛ

СУЛТОН САИДХОННИНГ ЎБДОН ФАЗИЛАТ ВА ХИСЛАТЛАРИНИНГ ЗИКРИ

*С*ултон Сайдхон подшоҳи аржуманду саодатёр, давлатманди бархурдор эрди. Анвойи фазойил бирла ораста ва ахлоқи ҳамида бирла пироста эди. Ва ёши қирқ саккизда яқин эдики, Худойи таолонинг раҳмат жаворига улошти. Ҳушгўйлиқда ва фасоҳатда беғоя эрди.

148а // Ҳар кишига илтифот қилур бўлса, сўздин илгари кулар эрди. Ва ҳамиша табъи хуш ва хотири очуқ эрди. Қарам ва мурувватда ул миқдор эрдики, Мақсуд Али деган бир киши жангда ўқ отиб хоннинг чап мўрисига сўқиб эди. Икки йил дард тортиб, охири ҳалокат бўлмоғлиқ етиб эди. Бир жаъми ҳалқ ул Мақсуд Алини тутуб хоннинг олдиға олиб келди. Ҳон анга илтифот қилиб, ўз эгниларини солиб бериб ўзига ҳамсуҳбат қилдилар. Ва айттиларки мен ғамгин эдим, хўб келдинги, деб охир умригача илтифот қилди. Бундоқ ишлар хондин тўла воқе бўлрон, аксари иккинчи дафтarda мазкурдур. Ва тўла сахий эрди. Мен банда йигирма тўрт йил хизматида бўлдум. Атода ул миқдор эдики, гоҳо уй ичидаги нарса қолмайти. Ало ҳозал қиёс ўз тасарруфидаги мамлакатлардин кирган моллар кишиларга бериб етишмас эрди. Баҳодурликда ҳам ҳамтенглари йўқ эрди. Андоқки бир маротаба мулозиматларида эдим, ўз зоти била ҳамла келтурди. Шарҳи иккинчи дафтардадур. Ўқ отмоқда мўгул, ўзбек, чигатойда улардин илгари, кейин анга ўхшаш киши йўқ эрди. Борҳо мушоҳада қилур эрдимки, етти-саккиз ўқ хатосиз тегар эрди. Ҳоҳ кийик адри бўлсан, ҳоҳ товушқон, ҳоҳ муши дашти бўлсан ҳаммани баробар сўқар эрди. Мўгулистонда ул жангларда воқе бўлди. Қирғизнинг

ва ғайрининг орасида отғон ўқлари шул замонларда машҳур бўлуб эрди. Карамзотлиқда хонға ўхшиашни кўрмадим. Бир маротаба Фидоний деган хонға макр қилмоққа келиб анга фурсат тополмай, хоннинг ахтахонасидин хос отини олиб қочди.

1486 Ани йўлдин от бирла тутуб келди. Ва ул ўзи // хонға айттики ман даъвоға келиб эдим, аммо фурсат тополмай, айттимки ахтахонасидин хоннинг хос отини элтгайман деб, отни олиб кетдим, деди. **Ҳамма** мулоғимлар ани ўлтирамакка иттифоқ қилдилар. **Ҳон** фақир мен бандага айттики, сен ани ўз мулоғимларинг топшурғул соқласун, мен нечук ҳукм қилсан, шундоғ қилсун, деди. Ва қетеки ҳалқининг издиҳоми камрак бўлди, хон манга айттики, **Ҳақ** субҳонаҳу ва таоло мени анииг шарридин сақлабдур. Анинг шукронасига отни шунға беринглар ва мулоғимларинг ани лашкар орасидин ташқари чиқориб қўйсун, токи шарманда бўлмағай, деди.

Ва яна илмда ниҳояти уламо эдики, хоҳ форсий, хоҳ туркий бўлсун шеър айтмоқда ва ишо ростламоқда беназир эрди. **Ҳон** мажлисларда шеърлариники айтиб эди, ул жумладин мен банда бу байтни ёд олиб эдим, бу ерда футулди.

Байт:

Қайси гулшанинг юзингдек бир гули раъноси бор,
Қайси гулнинг бир менингдек булбули шайдоси бор.
Ҳур бирла жаннат ул-маъвони қўнглум найласун,
Ёрнинг куйида юз минг жаннат ул маъвоси бор.
Юзи узра кокили зулфи паришон бўлғуси,
Эй Сайд ошуфта қўнглумнинг ажиг савдоси бор.

Бу ҳам шуларнинг байтлариидур. Ва лаҳу айзан:

Шукрилллоҳ ҳолатим зоҳир бўлубдур ёрға.
 Эмди ёр оллида ўзни кўрсатай ағёрга.
 Сайр учун кирса гулистон ичра ул сарвиравон.
 Банда бўлсун сарви озод ул қаду рафторға,

Ва лаҳу айзан:

Аҳд қилдингки вафо қилғайсен,
 Йўқки жонимға жафо қилғайсен.

Отма сен ғамза үқи бирла мени,
 Құрқадурманки хато қилғайсен.
 Манга дерсенки вафо қылғумдур,
 Элга қылғонча манга қилғайсен.

Бир куни мен баңда айттимки, форсий бадиҳа айтсалар, деб. Тұла
 149а муболага қылғандин кейин хон айттики, **Хожа Ҳасаннинг**
 // китобини очинглар, деди. Очиб әдим бу ғазал чиқдики, матлаи
 будур: Байт:

Эй зи сар то ба қадам жони каси.

Бу ердаги ҳуззори мажлислар бадиҳа ибтидо қылдиларки, хон
 буюрди:

Чанд гүйики биғү жони каси.

Хон айттики:

Рост гүймеки туи жони каси.

Мундин илгариму форсий байтлар айтғон әрди. Уд, барбат
 қаторлық неча қисми нағмаларни рухафзо чекар әрди. Миришкор-
 лиқ тариқасини үбден билур әрди. Ҳамма ишларда устоди мохир
 әрди. Аммо аввалқи ҳолларида ҳамиша майхұрлик қилиб, рамазон-
 дин бұлак күнларда үзида ҳүш күрмалғы. Давоми айшу ишратта
 қүнгүллік әрди. Вақтеки ёши үттіз еттига етти, тавбаи Насуҳ қилиб
 сурати салоҳни илгари тутти. Аммо мускиротлардин тавба қылғон
 жамии мунхийотдин әмас әрди. Вақтеки Ҳазрати маҳдуми иршод-
 паноҳ **Хожа Баҳоуддин Маҳмуд** салламаҳ уллоҳу ва абқоҗи **Хожа**
Хованд Маҳмуд исм бирла машхұрдир, булар Кошқарра келдилар,
 хон уларға иродат қылдилар. Ва ул бузургворнинг мулоғимлари-
 нинг силкига құшулуб жамии мунхийотдин тавба қилди. Бу ажо-
 үиб латифадурки Ҳазрати Ҳожагон қаддасаллоҳу арвоҳаҳумнинг
 тариқи алайхүяларига дохил бұлуб, тавбаси тамом бұлди. Андин
 кейин ҳамиша адолат ва суннати тариқаи марзияда бұлди. Ҳулқу
 карам атворида мундин илгари хоқонлар орасыда Увайсхондин
 бұлак бу мартабанинг чошнига еттан әмас. Буларнинг шарҳларини
 иккінчі дафттарда тағсили бирла зикр қилинур.

ОЛТМИШ САККИЭИНЧИ ФАСЛ

СУЛТОН САЙДХОННИНГ ҮГЛИ АБДУРРАШИДХОННИНГ ЗИКРИ

Вақтеки тарихға түккүз юз әллик учунчи (1546—1547) йили әрдіки, ул хоқон

1496 жонишин Султон Сайдхоннинг // зұбда фарзанди Абдуррашидхондур ва бу тарихни бандай ҳақари Мұхаммад Ҳайдар буларнинг оти ва алқоби кироми бирла музаййан ва мураттаблар қилинди. Бу тарихнинг ибтидоси мұғулнинг хоқонларидин ислом давлатига мушарраф бүлғон Туғлуқ Темурхоннинг зикридін то Юнусхонғача сағих әътимодлық ривоятларига әшитилиб әди, ани китобнинг қайдыра келтурулди. Ва ул ривоятларының ихтилоф бирла әштилди, ани футулмади, токи ёлғонға әхтимол бүлмасун, деб. Алқисса, ул күнларда хон Мұғулистанда әди. Үз биродары Султон Халил бирла Мансурхон келди. Чорун Чолакда жанг вөкө бүлиб, икки биродар қочтилар. Қочғондин кейин ҳам Мұғулистанда бүлмоқ мұяссар бүлмади. Охирул амр бечора бүлиб Андижонға келиб, хон бандга түшди. Ул ердин қочиб Кобулға борди, аммиздаси Бобур подшохнинг олдига, бу жумланинг шархи иккінчи даftарда мазкурдур. Вақтеки аммим Сайд Мұхаммад мирэо Фарғона вилоятіда үзбек Жонибекхон бирла мухолифат қилишиб үзбек шойибасидин Фарғона вилоятини пок супурди. Қундузға Бобур подшохнинг олдига киши йиборди. Ва Султон Сайдхонни келтуруб, банддин халос қилди. Ва падары бузруквори бирла құшулди. Вақтеки факир банданинг синглиси Ҳабиба Султон хоним Самарқандин келди, хон үз никохыға олди. Ва бу Абдуррашидхон Султонни уларға топширди. Тарбият ҳужрасида үз оналиқ мәхри канорида сақлади. Ва амир Гурий барлосни Абдуррашид Султонға

отабек қилдилар. Ул қунларда уч ёшда эди. Икки йилдин кейин амир Гурый барлос вафот қилди. Мұғул расми бирла аниг мартабасини амми Али Мирак барлосга топшириди.

150а // Абдурашидхоннинг отабеклик мансаби Али барлосға қарор топди. Мавлоно Мұхаммад Шерозий фозилниҳод үбдон киши эди. Тамоми умрини мұғул хоқонлари хизматгузорлигига сарф қылғон эрди. Анга топшириди, таълим қылғай ва мавлоно Мұхаммад Шерозий соврунбоши эрди. Султон Сайдхоннинг саркорида макнати тамоми бор эрди. Рашид султонға филхақиқат мавлоно Мұхаммад отабеги эди. Али мирак барлосға отабеклик отидин бұлак зиёда нисбати үйік эди. Рашид султоннинг туғулғон тарихи тұқкуз юз үн бешинчи (1498) йилда эди. Вақтеки үн уч ёшға кирди, Рашид султонни Мұғулистонға йиборди.

Бунинг шархи андоқдурки, Султон Халилнинг үғли Бобо султон ул вактидаки Султон Халилни Ахсида Жонибек султон үлтириди. Андоқки шархи үтти. Бобо султон сут әмадурғон вакти эди, Фарғона вилоятини мусаххар қылғон вактда хоңға құшулди. Бу биродарәодасини фарзандларидин азиз тутти. Ҳожа Али баҳодирки, Султон Сайдхонға тұла хизмати бор эди, анга топшурди. Бобо султоннинг отабегилик мансабини Ҳожа Али баҳодирға топшуруб берди. Ҳожа Али мұғулий эди. Мұғулистонда авқот кечиур әрди, үз юртиға майли хотири тұла эрди. Ушбу жиҳатдин хон илтимос қилиб айттики, Мұғулистоннинг қирғизларини Бобо султонға бергайлар. Ҳожа Али баҳодир Бобо султон бирла Мұғулистонға борғай. Мұғулистон ва қирғизнинг мұхымларини саранжом қылғай. Ҳон ҳам рози бўлиб рухсат бергай. Ондин кейин аммим айттики, Бобо султон анга күев үтилди. Давлатхоҳлик хаддидин тажовуз қилмағай, деб мунга рози

150б бўлмади. Яна арз қилдики, мұғулиниң // Мұғулистонға борғали майли беҳад тұла. Қачон Бобо султон Мұғулистонда қарор олса, ҳамма мұғуллар Мұғулистонға майл қилурлар. Ани манъ қиласа, Бобо султонни аз озурдаликка солур. Ва агар манъ қилмаса сизларға тамом халойиқнинг Мұғулистонға кетмаки ми-

зожига мувофиқ эмас. Бу бино бирла губори хотир пайдо бўлуб ишкал пайдо бўлур. Бунинг хилофида Рашид султонни йиборсалар, ул ўз фарзандлари дур, ҳар қанча одам аниг бирла борса, узларига ёмон келмайдур ва агар ёмон келса, манъ қилсалар анга ёмон эшитилмайдур. Ҳар қанча Рашид султон кичик бўлсаму маслаҳат андоқдурки, улар Мўгулистанга боргай. Бу ишда аммимдин бўлак киши ҳамдостон бўлмагай. Алалхусус Мирзо Али Тоғай, Бобо султон тарафигадур, ул бормагай. Бу аснода Ҳожа Али баҳодир марги табиий бирла ўлди. Ул жиҳатдин бу азиматда халали тамом даст берди. Ҳоннинг раиي Рашид султонга қарор топди. Аммо аниг маслаҳатида доим сўзлаб ўтар эрди. Аммим саъӣ қилиб Рашид султоннинг ишининг ривожида эҳти моми бор эди.

Аммим арз қилдики, Муҳаммад қирғиз неча муддатдин бери бандда. Ани банддин чиқориб, мўғул ҳалқини илғаб ҳар кишининг Мўгулистанга майли бўлса, коло ва қўйлуқ молдор бўлгай. Умаролардинму мўътабар кишиларни ҳамроҳ қилиб йиформак лозим, деб охир аммимнинг бу раъийи хонга мувофиқ тушди. Мирзо Али Тоғайнин мирбоши қилиб, Муҳаммад қирғизни қирғизга амир қилиб, равон қилдилар.

Ул кунларда Али Мирак барлос ўлиб эди. Муҳаммадий бу Али Мирак барлос Рашид султоннинг мулозаматида машгул бўлди. Ул ҳам бирла ҳамроҳ келди. Алқисса, аммимнинг саъӣ бирла ўзининг подшоҳлиқ

151a // саркоридин уч ҳиссанинг бирини хоҳ сипоҳи, раият, хоҳ уй, саранжоми чодирборгоҳ бўлсан Рашид султонга берди. Ва Мўгулистанга юрутти. Юруйдурғон вақтида хон саройида ҳамма асбобу олотни йиғиб, бу бандага буюрди. Ва шамшир таркашини бердиларки сен бунинг белиға боғлаб, отландурғилки муборак бўлгай. Сипоҳгарчиликда сенинг шогирдинг бўлгай. Банда бу хизматни бажо келтурдим. Ҳон ўзи қўпуб фотиҳа ўқиди. Ва неча маротаба такрор бирла айттики, ёдингда тутқил, фаромуш бўлмағилки, ул шамширники сенинг белингга Мирзо Ҳайдар боғлаб

эди, сен анга шогирд бўлдинг, кимарсае агар сендин сўрса сипоҳгарчиликда сен кимнииг шогирди, деса нима дерсен? Рашид султон айдики, фалон кишининг шогирди, дерман. Хон айтти бу менинг шогирдимдур, неча маротаба бу сўз такрор топиб, фотиҳа ўқиб равон қилди. Вактеки Рашид султон Мўғалистонга келди, Мұхаммад қирғиз тамом қирғизларни йиғди. Мўғалистон забти тамом топти. Ул муддатда Мўғалистонда лашкар тўла бўлди. Тафсил қилса сўз узоқка тортадур. Рашид султон узбек, қазоқнинг тааррузидин ва қирғизларнинг мухолифати жиҳатидин тобелари бирла ёниб Кошқарға келдилар. Бобо султони, Шоҳ Мұхаммад султоннинг воқеалари иккинчи дафтарда шархи тамом бўлур. Бир воқеаи бўлиб эрдики, Мұхаммад барлос ул воқеага дохил эрди. Шоҳ Мұхаммад султоннинг варасалари муболага бирла хондин тиладики, қасос қилғайлар. Ман банда ва аммим манъ қилдуқ. Алқисса, хон яна бу бандани Рашид султонга ҳамроҳ қилиб Балурға йиборди. Балурға

1516 бордим ва ул лашкарда хиэммат илгари келтурдим // ва ул кунларда Рашид султон ўн саккиз ёшда эди. Ани хизматида карвонкаши йўқ эрди. Касб муҳовара қилмағон, балки Мұхаммад қирғиз бошлиқ ҳаммасининг сурати одам, сийратда ҳайвон эдилар. Ул ҳайвон сийратлардин нима ўрганадур. Ман банда бо вужуди иститоатсилиқим бирла яна ул қавмлардин иститоатлиқ эдим. Бир-биrimizга алишдуқ. Аввал дўстлукни Шоҳмуҳаммад султон бирла Бобо султон бирла тутиб эдим. Уларни Рашид султонға қўйдим, неча вақт ўтти. Ондин ёниб хоннинг хизматига келдук. Хон фарзандини бўлак навъда кўрди. Неча маротаба фойибона ва зоҳирона хон айтур эрдики, мен сиздин тўла миннатдор бўлдим, Рашид султонни манга сиз фарзанд қилдингизки, бу лашкарда анга фатҳи нусрат тўла даст берди.

Алҳамдуиллоҳ, ул нимарсанники кўнглумда хоҳлаб эдики анга яқин бўлубдур деди. Бу ҳол орасида Оқсуда Эмин Хожа султондин хабарлар етти. Ул замон Оқсуга юбормакни ихтиёр қилди. Анга бу банда аммим чандон нафи сайъ қилдуқ, бўлмади. Мирзо

Али Тоғайнинг шарҳи иккинчи дафтарда футулур. Охирул амр хон мен бандани Рашид султонга қўшуб Оқсуға йиборди. Вақтеки бордук, тамом одамлар истиқболимиға келдилар. Эмин Хожа сulton хоннинг олдига кетти. Мен банда олти ой Оқсуда бўлдум. Оқсунинг раият сипоҳийининг муҳимларини тартиб бердим. Мундин илгари Мўгулистанда хон бир куни бодом тановул қилиб, бир бодомни тиши бирлан сундурууб эди, икки мағизи чиқди. Рашид сultonни мен бандани қичқириб, ул икки мағизни иккимизга

152а бирдин бердилар ва айттиларки, // расми муайян мужтаҳидлар қоидасидурки икки киши дўст бўлишса, бу навъи бодомнинг мағзини ҳар бири тановул қилишадур, бир-бири бирла дўст бўлишадур. Мунинг маъниси шундоқдурки, икки мағиз бир пустда ҳеч ишда бир-бирдин жудо бўлмайдур. Зоҳирда иккилик мавжуд эмас, маҳз бирлик маротабасида кўринадур. Ман сизларни бу ишларға буюрудумки, бир-биринглар бирла дўст бўлинглар, деб эдим дедилар.

Андин ҳар иккимиз хонға остоңбўслиқ қилиб, отланиб юриб Оқсуға келдик. Дўстлуқнинг эътимоди ул ерга еттики, мундин эиёда тасвир қилолмоғудек бўлди. Алқисса, олти ойдин кейин юз орзу умидлик бирла бир-бirimиздан жудо бўлиб, хоннинг мулоэзиматига юз келтурдим. Видо қилишур вақтида бу тўрт байтни айтиб эрдим:

Байт:

Зи куи ту бо дарду ғам меравем,
Жудо аз ту бо сад алам меравем.
Ту ҳампои Лайли ба ҳуснию мо
Ба Мажнун қадам барқадам меравем.
Нагўики танҳо ту чун мерави,
Фамат ҳамраҳ асту баҳам меравем.
Муҳити қарам шоҳ Абдурашид,
К-азў гарқи баҳри қарам меравем.

Алқисса, хоннинг мулоэзиматига мушарраф бўлғондин кейин яна бир йилға хон Тибат разотига юзланди. Бу бандани илгари йиборди. Мен Тибатнинг баъзи вилоятларини саранжом қилиб эдимки, хон ҳам етиб келди. Тибатда беш минг лашкар жам

бўлди. Бу беш минг лашқар Тибатда сиғмай ночор бўлиб, хоннинг кичик ўғли Искандар султон бирла Кашмирга кирдук. Ул қишини Кашмирда ўтказдук. Эрта ёзга хоннинг қошиға келдук. Бу сўз йуқғори шарҳ топти. Биз Тибатга келганда хон

1526 Ёркандга юзланди. Бу бандани // Урсангга бутхоналарни хароб қилғоли юрутти. Бу банда тўрт ойлик йўлни тай қилдим, аммо хон ёнур вақтда вафот топибдур. Хоннинг мулоғиматидаги умаролар Рашид султонга ва аммимга суръат бирла киши йибориб, бу воқеани хабар берибурлар. Аммим хоннинг турбатига келиб тафритлар тутуб йифи-зори қилибдур. Тўққуз юз қирқинчи йили мухаррам ойининг ўни кунида (1533 йил 23 июль) Рашид султон келибдур. Аммим йирлаб олдиға чиқса, дарҳол туттуруб ўлтурубдур. Ва Али Сайд аммимга қўкалдош эди, ани ҳам аммимга қўшиб шахид қилибдур. Аҳли муруват мазҳабида ва асҳоби футувват қоидасида бу икки сифатка мавсуфдурки, агар кишидин вақтида хизмат вужудға келса, аниң баробарида караму инъом қиладурлар. Аммим Юнусхоннинг хоҳарзодасининг ўғлидур. Ота-бобомиздин тортиб мўғул улус хоқонларининг саркорида бек эдилар. Улусбеги мансабининг маъниси иккинчи дафтарда футулубдур. Аммо Рашидхоннинг отасининг назаридаги кишиси эди. Ҳеч кишининг қадрқимматини анга ўхшаш кўрмас эди. Султон Сайдхоннинг мулоғиматида тўла хизматлар қилғон, Андижонни мусаххар қилишда хонға аммимнинг мадади бирла подшоҳ бўлғон эди. Иккинчи хизмати Кошқарға келмаклик аниң саъий бирла мавжуд бўлиб эди, агар ул ҳамроҳ бўлмаса Кошқарға келмак умиди бўлмас эди. Хон аниң хизматлариға борҳо писанд қилиб, тўла риоялар қилур эрди. Агар Рашидхонга ҳеч хизмат қилмасаму, балки гуноҳлар қилсаму гуноҳини ўтиб инъом қилмоқ лозим эди. Ул кайфият бирлаки Андижонда Рашидхоннинг

153a // ўзбекнинг қўлидин халослиқи аниң хуружи эди. Хоннинг давлатининг ибтидоси ва баланд мартаба топмоқлиғи Мўғулистонға келмаки бўлуб ва агар Мирзо Али Тоғай ва

Хожа Али баҳодирнинг сўзи бирла бўлса, Рашид султоннинг ўрнига Бобо султон бўлур эрди. Ҳамиша Рашид султоннинг корининг ривожида тўла саъйлар зуҳурга келтуруб эрди. Андоқки Эмин Хожа султон анинг қизининг қуёвиси эди. Эмин Хожа султондин беш набираси бор эрди. Бовужуди ушбу воситалар бирла маслаҳат қилдиларки, Эмин Хожа султоннинг ўрнига Рашид султон бўлғай ва Эмин Хожа султонни аввора қилғойлар. Вақтеки булар бу ишда ҳеч монеъ қилмади, балки жаҳдга саъӣ қилишдилар. Сизлардин мундоқ иш ани хизматига лойиқ эмас эди. Шунча хизматни орқада қўйуб, бегуноҳ ўтирумак ажаб бўлғай. Бу мӯғулияларнинг варакларини дарҳол ёпиб этмак лойиқроқ кўринди. Андоғму эмас, ҳар нимарсанники Ҳақ таоло хоҳдайдур, шундоқ бўладур. Аниг қудратининг яхшилиқида тадоруки ҳам бор ва оятки «Инна лиллаҳи ва инна илайҳи роожиъун» («Албатта биз Оллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз У зотга қайтувчиларимиз». 2; 151.) бўлсаму ажаброқ улки, ул аҳли нифоқларига Рашидхоннинг ишларида нифоқ сўқуб эди, уларни мўътабар қилди, билжумла Мирзо Али Торайни аммимни ўрнида ўлтурғузуб Кошқарға йиборди. Ул Кошқарға бориб аммимнинг авлод набираларини ўтирумаклиқдин ҳеч дақиқани номаръий қўймади.

Шайх Саид Козаруний «Сияр ун-набий»да нақл қилибдурки жанги Бадрда

153б етмиш киши Қурайш // сардорларидин асир бўлдилар. Уларнинг фидяси учун қурайшилар Маккадин фидялар келтурди. Ва асирларни халос қилдилар. Абил Ос разиоллоҳу анҳу Расул алайҳиссаломга қуёв ўғил бўлди. Зайнабни Расул саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларға бериб, айдиларки буъсатдин илгари Расул алайҳиссаломға Абил Ос ислом келтирмаб эрди, Маккадин Қурайш асирлари учун фидя келтуруб эди. Вақтеки Расул алайҳиссалом ани кўрдилар, Расул саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг дийдори шарифлари куфрнинг зангини Абил Оснинг кўнглидин эритти. Абил Ос асҳобларға айттики мени кўнглумға

ислом қарор олди, Маккага бориб ёниб келиб ислом келтирамен, деди. Саҳобалар айттиларки дарҳол имон келтургилки, дунё манфаати ҳам ҳосилдур. Фидяга келтурган амвол хотирдин Ҳудойи азза ва жалланинг фармони бирла Ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллаллоҳи алайҳи ва салламнинг ҳукмлари бирла сенга ҳалолдир, дедилар. А бил Ос жавоб бердиларки агарчандеки ҳалол бўлсаму мусулмончиликнинг аввали хиёнат бирла бўлғай назарда саҳл келадур, деб Маккага борди. Одамларнинг омонати бор эрди, эгаларига топшурди, ондин жамининг орасида қичқирдики, менда ҳеч кишининг омонати борму, деб. Ҳаммалари айттиларки, бизнинг омонатимиз қўлимиизга тегди. Сенда омонатимиз қолмади, дегандин кейин ошкора имон келтуруб, Мадинага Онҳазрати саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хизматлариға келди. Ҳазрат Муҳаммад Мустафо саллаллоҳи алайҳи ва саллам Зайнабни шул аввалқи ақд бирла аниңг уйига йибордилар. Бул нақлдин мақсад улки, Рашидхоннинг аввал жулуси хуни ноҳақ бирлан ва мурувватсиэлиқ бирлан воқе бўлди.

Назм:

Ба пеши хирадманди неку ниҳод
Худованди ақлу худованди дод
Ҳама мулки олам ба чархи барин,
Најараздки хуне чакад бар замин.

Ахли вафоларни қатл қилғондин кейин хонлиқ тахтида ва хоқонлиқ маснадида қарор топти. Вақтеки хоннинг вафотининг хабари Мансурхонга етти, Оқсу тўфасига етти. Рашидхони амаки бузрукворнинг олдига рўбарў борди. Мансурхон Рашидхоннинг мақсадини ҳосил қилмай ёнди. Рашидхон ҳам ўз салтанат тахтида ёниб қарор олди. Хоннинг умаролари Рашидхоннинг мулоэзиматида таваҳхумлуқ бўлдилар. Аниңг учунки аммимнинг қатли бесабаб воқе бўлди. Ушбу жиҳатдин тинч омонлиқ орадин қўпрай, деб Мирзо Али Тоғай Қора Тегин тарафига қочди. Андоқки шеър айтибдур.

Рубой:

Эй пушти зи пушт гуша далола,
Дар маддии худ ту модаи муҳтола.
Гуфтики: чу некон набошад, ман бошам,
Некон ~~хама~~ рафтанд, ту аз дунбала.

Мирзо Али Тоғай шайтони маржув ўхшаш қарор курсатиб, хоннинг қолған жами умаролари бирла иттифоқ қилдилар. Хоннинг фарзандларининг баъзисини олиб Ҳўтан тарафларига бориб, мухолифатни ошкора қилди. Рашидхон кейнидин борди, ўзга ҳамма ҳалқлар Рашидхонга истиқбол қилди. Неча адад умаролардин қалъада қолдилар, ҳаммани боғлаб Рашидхоннинг олдиға олиб чиқди. Рашидхон уларни ўлтурушидин ўтти. Ҳаммани ҳукми ихрож қилди. Бу жамики гуноҳ қилиб эдилар, қатлга лойиқ бўлиб эрди, ўлтурмадилар, бовужуди хизмат қилмағони событ бўлди. Аммимнинг хилоғидаки бовужудики анча яқинлик бирла хизматни тўла қилса бегуноҳ ани қатли ом қилди.

Hasm;

Доимо бошад, // Илохи, сарнигун.
Ҳар кас аз аҳли вафо бошад ҳароб,
Ҳар муноғиқ бошад, аз вай қомёб.

Умаролар мұхымларини саранжом қылғондин кейин амма ва хола оналари Зайнаб султон хонимки Султон Сайдхоннинг қўнглидаги кўчи эрди, ҳаммани ихроj қилди. Ўзбек Шайбон бирла дўстлуқ ва ошнолик қилди, улар душмани қадим эрди. Аниng зикри шарҳ топти. Ўзбек бирла пайванд бўлғон вақтда қазоқ улар бирла дўстони қадим эрди. Ўзбек бирла Рашидхон ҳар икки тараф сингилларини нисбат қилиб әдилар. Вақтеки ўзбек-қазоқка Шайбон душмани қадим эрди, Залолнинг тақозоси бирлан муомала қилиб, билжумла Шайбон била иттифоқ қилдилар. Ўзбек-қазоқка шикаст берди, андорки мунинг бу юзи қадимғи қоидалар мулоҳазасига қарамағай, ўзбек-қазоқка

шикаст бермаки улуғ иш эди. Алқисса Қоратүқайда Юнусхон Буруж ўғлонға шикаст бергандин кейин то бу вақтгача мўул-ўзбекииң орасида тўла жанг воқе бўлди. Батамом ўзбек ғолиб бўлди. Ҳеч мўфул ўзбекка бу муддатда зафар топмаб эди. Аммо Рашидхон ўзбекка зафар тобти. Рашидхоннинг бу иши улуғ ишдурки, агарчи бобоси Султон Аҳмадхон ўзбекка ғолиб келиб эди, андоқки футулди. Аммо булар чопиб ўзбекни хароб қилди, лекин масофни синдурулмаб эди. Рашидхон ўзбекнинг масофини синдуруди. Ҳиндустонда ва Кашмирда бу ергача Рашидхоннинг аҳволини эътиимодлиқ ривоятлардин эшлиб эрдимки футулди. Аммо ўзбек фатҳ бўлғондин кейин Андижон ва Турфон

155а тарафлариға борди. Ул ердаги хусусиятларини // эътиимодлиқ кишилардин эшлилмаб эди. Ароғифлар сўзини футумакка лойиқ кўрмадим. Бас noctor қаламни анингдин ёндурудим. Ҳар не лойиқ амрларики Рашидхонға халойиқ таъна қиласурлар, Муҳаммад барлоснинг саъий хотири учун бўлур эрди. Муҳаммадий барлосни қошида тўхтатмоқиға ҳеч сабаб маълум эмас эрди. На лойиқ хизмат бўлрой анинг бу даражага етгай ва на шиҷоатлик бўлғай ва на фазл бўлғайки бу фазлга етгай ва на шакл-шамойил бўлғайки, бу мартабани топғай. Рашидхоннинг раи анинг раи бирла бўлди. Агар шарҳ қилса, бу мусаввадани мутолаа қилғучи ўқиб тугалгай. Ёхуд хаёл қилғай барлос қавмига лақаби харидур, онинг мақсади онинг камол топғон ва тамомега етгани Муҳаммадий барлос бўлубдур. Улар Рашидхоннинг амма ва хола ва эна ва мўма умароларини қатлдин ихрож қилмоқликка таклиф қилиб, лозим кўрди. Анинг шарҳи маҳзи ҳужжат бўладур. Бас noctor ул сўздин парҳез қилмоқ лозим кўринди. Бу рўзгорда Ҳақ субҳонаҳу ва таоло Абдуррашидхонни ул ибтилодин халослиқ берди, умид улки бу борада улуғлиқ инонини ақлнинг қўли бирла тутуб, озори халқлардин парҳез қилғай. Ота-боболарининг хушнудлиқини кўнглида қўчируб, аҳли мулоғимлар хотирлари учун узиб айтмагай, аҳли салоҳ одамларга

фисқ аҳлининг забардаст бўлмоқини раво тутмағай. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ҳамиша адлнинг тавфиқи бирла жаҳонбонлик тахтига ва хоқонлиқ маснадига солҳо сол барқарор қилғай ва ҳар нимарсадинки Ҳудо

1556 ва Расул рози бўлмайдур, онингдин йироқ бўлғай // фавт бўлғон нимарсаларнинг тадорикининг тавфиқини бергай. Омин раббул оламин.

Ондин кейин Абдуррашидхоннинг қуввати мумайизаси заиф бўлди. Ва гарна ўз зотида қувватлику ва саломатлик ва латофатликда ўз ҳамтенгларининг орасида бемисол эрди, тийрандозлиқда атосидин кейин анга үхшаш киши кам эди. Шиҷоат бешасида ҳизабри даррон, шершикор, аждаҳоҳор, табъи дур тизфувчи ва қаломи гавҳар сочқувчи эди. Латофат даражасида дурри ягона, малоҳат дарёсида гавҳари фарэона эрди. Қайдоғки ҳунар қиласа деса аниг камолига еткузиб қилур эрди. Мусулмон ниҳод, доду адлнинг талабида эрди. Аммо андоқки Мусофа Ҳорундек вазир бўлғай, Ҳомондек бўлмағай. Ҳомонки Фиръавн бирла ҳамқарин бўлди, балки Ҳақ таолонинг инояти бирла ҳидоят динида эди. Даъвои пайдо эмас эди.

Назм:

Қўшулсанг яхшиға, эй ақли сода,
Бўлур таъсиридин ақлинг зиёда.
Бўлур мушқул ишинг тадбиридин ҳал,
Ёрутғай жисми айвонингға машъал.
Агар бўлсанг ёмонлар сухбатида,
Қолурсен ўтган ишнинг фурқатида.
Кетар қўлдин шаҳаншоҳлиқ иони,
Кетургай юз навкарликни замони.

Мақсад улки Абдуррашидхон ўз зотида адлу додни талаб қилур эрди. Аммо қароғу Мұхаммадини табиатида юрур эрди. Ҳамма ҳолда аниг сўзини маръий тутар эрди. Аниг учун Рашид сultonдин қабиҳ ишлар суратта келди, вақтеки ул ишларини ташлаб, маъдалат иёбу жамиятмаоб ва саодат иктисоб бўлғай. Иншооллоҳу таоло.

ОЛТМИШ ТҮҚҚИЗИНЧИ ФАСЛ

ТАРИХИ РАШИДИЙДАН ДАФТАРИ АВВАЛНИНГ ТАМОМИНИНГ СЎЗИ

Бу фақири бебизоат ва адим ул-иститоатта нима маҳал бўлгайки 156а бебизоатлик хома саводини // иститоат ва рақиға тасниф қилолғай. Аммо ул зарурат бирлаки аҳли ислом бўлғон мӯғул хоқонларининг нақларини эътиимодлик ровийлардин эшлишиб эрдим ва ҳам бу бандада ўзум уларнинг ахволини кўруб эрдим, бу замонки ўзимга чирмониб, ўз абнои жинсларимни кўрдимки, бу ривоятларни билиб ва бу ахволни ўқийдурон киши қолмабдур. Агар мунга журъат қилмасам, мӯгуллар ва мӯгул хоқонлари батамом ўофил қолур эрдиларки балки ўз нисбатларини ҳам гум қилур эрди. Анинг учунки бу ўтган ахвол авзоидин бехабар эрдилар. Бу амрларни футуб, қороз қаро қилмоқга иззатманд фозилларни таклиф қилсан тақлифга таваҳхум қилди.

Анинг учунки уларға мӯгул хоқонларининг ахволини билмакка анча баҳралари йўқ эди. Мӯғул хоқонларидин бўлак кишиға бу сўзлардин баҳра бўлмағай. Зероки ҳали қавмларнинг камраки ташқароқи мӯғулға муставлий бўлубдур. Мундин илгари олам шаҳарларининг иморати ва рубъи масқун саҳролари Чингизхоннинг атбоъу насл уруғига қарор топилғон эди. Чингиҳоннинг тўрт ўғли бор эди. Оламни бу тўрт ўғлига бериб эди. Ва ҳар фарзанди оламнинг шаҳар, саҳролари халқларини тўртнинг бирига муставлий бўлиб эрди. Тарихда ҳар ерда улуси арбаъа деб зикр топибдур, мақсад ушбу тўрт қавмдурки мазкур бўлди. Мирзо Улуғбек донишманд тарихе футубдур, ул тарихни отини ҳам «Улуси арбаъа» қўюбдур. «Улуси арбаъа»-дин бири мӯғулдур ва мӯғул ҳам икки қисмға

1566 тааллук бўлубдур. Бу икки қисмдин // бири мӯғул, яна бири чигатой, аммо бу икки фирмә бир-бирига адоват жиҳатидин аз рўйи истиҳроф бир-бирларини бир от бирла отабдурларки андоқки чигатой мӯғулни «Жета», дер эрди. Мӯғул чигатойни «Қаровуннас», дер эрди.

Ҳали чигатойдин уларнинг подшоҳларидин бўлак киши қолмабдур. Улар Бобур подшоҳнинг фарзандлари дур. Чигатойнинг ўрнига аҳод ун-носдин уларнинг мерос шаҳарларига жам бўлубдурлар. Аммо мўғул Турфон, Кошқар ҳудудида ўтгуз мингта яқин киши қолғон бўлғай. Ва Мўгулистанни ўзбек, қирғиз тортиб олибдурлар. Агар қирғиз ҳам мўғул қавмидиндур, хоқонларга муҳолифатни тўла қилрон жиҳатидин жудо бўлубдир. Ва мўғул тамом мусулмон бўлиб, аҳли исломга дохил бўлубдур. Аммо қирғиз андокки куфрида қолибдурлар, бу жиҳатдин мўгулдин хориж жудо бўлубдур. Бу матлабдин мақсад улдурки, ҳали мўғул халқлари халқнинг канора яқороқи бўлибдурки, уларнинг ахволлари ва сўзлари мўгулдин бўлак кишиларга баҳра эмас. Бас ночор иззатманд фозил ва асилларга мунинг таклифини қулфат билдум. Бу жиҳатдин бебизоат ва беиститоатлигимни монеъ қилмай имкон борича бебизоатлик сафҳасига камбағаллик қаламини жорий қилдим. Мусаннифларнинг даъби улдурки, узр қўлғайлар ва илтимос қилғайларки, агар хато ва халале бўлса афв зайди бирла ёғрайлар. Анинг салоҳига қўшиш қилғайлар ва эътиroz қилмағайлар. Бу бандани ушбу узридин бўлак узриси йўқ. Анинг учунки улар айтурлар хато ва

157а ҳалали бўлғон банда таҳқиқ биламанки // бошдин аёф хато ва халалдур.

Ҳар эътирозеки қиладурлар, жойи бор. Бу китобдин мақсад изҳори фазл эмас, балки ёдномайдурки, ўтган мўғул хоқонларининг исмлари даҳронинг сафҳаларидин музкаррад кўтарилиб кетмагай, мўғул хоқонларининг ўз нисбатларини билмасликка ҳожати тушса ва ўтганларнинг ахволини билай деса, бу ердин маълум қилғай ва онча ўтган хоқонлардинки исломдин ташқари эдилар, уларнинг отидин бўлакни зикр қилинмади, анинг учунки коғир агарчандеки иззу шавкатда Жамшид, Захҳокдек бўлсаму таэкирага лойиқ эмас. Ул малъун лаънат кардадур, Ҳак субҳонаху ва таолонинг ғазаби уларга бўлғай. Мисраъ:

Мо наҳоҳемки номаш ба забон меронем.

Бу «Тарихи Рашидий»дин ихтитоми тарихқа тўккуз юз эллик иккинчи йили зулхижжа ойининг охирида (1546 йил 3 март) балдаи тайибиба Кашмир сонаҳо ллоҳу таоло аниллофат ва ттадмирда воқе бўлди.



ТАРИХИ РАШИДИЙ

ИККИНЧИ ДАФТАР





ЕТМИШИНЧИ ФАСЛ

ИККИНЧИ Дафтардаги Ҳикоятлар

Донишмандларнинг ва хизмат ойинларнинг ҳузурларида бандаларнинг ҳақири Мұхаммад Ҳайдар, машхурдур Мирзо Ҳайдар исми бирлаки Мұхаммад Ҳусайн Құрағон ўғли, мағфират қылғай Оллоху таоло, ул Мирзо Ҳайдарни ва оталарини. Пас андин арза қыладурки ҳамиша құнглумда бор әди ва хотиrumда кечдикі ҳарчанд ахли тарихларнинг улуғлуқ мақомининг иззатининг пояси ул баланд мартабада әмаски истеъдод расоларининг мартабасига етгай, беиститоатликнинг жүйбөридаким бизоатликнинг канорасига фурурнинг тундбодидин жаҳолатнинг

1576 // мавжидин сұзламасликка тушдукки, сұз баҳридаги ғаввослар садафнинг ичиғаги марваридларни тишиб әдилар, бизда уларға ўхшаш на миқдор құдрат бордурки, сұз тартиб бергеймиз. Лекин «Аз-зарурийот тубихул маҳдурот» ҳукми бирла заруратдин мань ишларни мубоғ билиб Мұғалистон хонларини ажойиб воқеотлари, баъзисининг ўтган кунлари саҳифаларда боқий қолмағон экан, биз бу ерда халойиқнинг хотирида пүшида қолмағай, деб аз важҳ зикр қылдуқ.

Байт:

Ноз қилма, эй күнгил, чин қолмади,
Бу жаҳоннинг ҳам мадори қолмади.
Ухлади вайрона ахли марғдин,
Подшоҳлар тахт уза ҳам қолмади.
Жоми Жамшид қолмади, ҳам нақши нигин,
Марғ боди урди, барҳам, қолмади.

Нола айларки бу боисдин Ҳасан,
Қўрқаманким рўзгорим қолмади.

Бинони ушбу байтга қўйубки вақт топғонимға, Мўгулистан хонларининг эътиомодлиқ ахволларидин шарҳ қилмоққа, анча ўтган аҳл тарихларининг китобидаги печон қабиҳ сўзларики менинг назаримга келиб эди, ани ясад ва яна ўтган таснифот аҳли тарихларининг таснифларидин анчаки мумкинот ғайбидин зоҳир оламфа юз келтуруб эди, анга илҳоқ қилинди. Мўгулистаннинг ободонлиқ вақтида аҳли фазл, сохибкамол халқ тўла эдилар. Тарихот ва таснифларни улар ясағон эканлар, ҳоло юз йилдин зиёда бўлубдурки, на ул эранлардин асар қолғай ва на уларнинг таснифот китобларидин асар қолғай ва балки ул вақтдаги шаҳар ва ободонлиқлардин бўлак баъзи жойларида вайронлиқдин бўлак ҳеч асар қолмағон экан. Ва баъзи шаҳарларда хонақоҳ ва масжид ва мадраса ва пештоқ ва минораларки аввалини тошдин қилиниб экан, андак асаре қолибдур.

Байт:

Эранлардин анда асар қолмади,
158a // Киши ул асардин хабар олмади.

Узоқ муддатлар ўтиб кетиб ҳеч ободонлиқ қолмади. Мўгулистан халқининг ҳаммалари бири-бири бирла бегона бўлиб кетиб, аҳли фазл ва аҳли камол халқидин қолмай, балки фазлу камолнинг исми халойиқ хотиридин маҳв бўлуб, фаромуш бўлуб экан.

Мисраъ:

Қолмамиш фазлу камолдин ҳам оти.

Алалхусус Мўгулистан халқи ислом келтурганидан кейин, шу шаҳарнинг ободонлиқи йўқ бўлуб, вайрон бўлишидин илгари тарихи тайин эмас экан. Мовароуннаҳрининг ва Ҳурросон ва Ироқ заминининг фозил халқлари ўз замонасидағи подшоҳлари учун анча тарихнома қилиб эканлар. Агар уларнинг сўзининг сиёқи Мўгулистан хонларининг ахволига мувофиқ ва мураттаб бўлса, ани олиндилар. Ва анча буларнинг ахволларидин хориж бўлса, ани

олинмадилар. Хоси калом Хожа Рашидуддин Фазуллохнинг тарихларидин, Хожа Ҳамидуллоҳ Муставфийнинг тарихларидин илғоб тарих қилинди. Мавлоно Шарафуддин Али Яэдийнинг «Зифарнома»си, Мавлоно Абдураззоқнинг назм қилғон тарихлари, түрт Мўгулистоннинг халқи^{*} Мирзо Улубек ва уларнинг файрининг тарихи Мўгулистон хонларининг ҳар қайсисининг ахволларидин истаб ва саъӣ қилиб аниңгдин тартиб бермаклик маълум бўлмади. Бу камина аҳқарул ибод ёшлиқи бирла андоқ ҳаваси бўлдиким, ўтган муқаддамларнинг ахволидин хабар олғай. Ул қунларда Мўгулистоннинг бор умароларидин қарилари бор эрдики, уларнинг ёшлари юздин зиёда. Анораллоҳу бурҳонаху.

Назм:

Отамнинг руҳи мандин шод бўлғай
Манга шуҳрат отамнинг панди бўлғай.

1586 // Отам ҳам манга ўтган ривоятларнинг ҳақиқатини, хоқонларнинг ахволини тамом ўз мартабаси бирла тақоир қилиб кўрсатиб эдилар. Ҳоло неча муддат бўлубдурки, ул халқлардин ҳеч қайсиси қолмабдур. Менинг хотиримға шундок еттики, анча ривоятларнинг ҳақиқатини англаб эдим, ани назм қилмоқ ҳаваси манга тушуб эди, анга қўшдум, аммо ўзумнинг ожизлиқимдин бу улуғ амрни камо янбағий қилолмаслиқимни топдим. Имтиҳон қилиб ниҳояти раъйим бирла қаламға келтурдум.

Рубоий:

Кўргилки мани на мубтало қилди фалак,
Юз ранжу балога ибтило қилди фалак.
Мен арз қиласай агар ани чин демасанг
Боқғилки на ғам кўнглима жо қилди фалак.

Андоғки бу сўзнинг таҳтида асл мақсад Мўгулистон хонларининг тарихи эди, андак мазкур бўлғай, анинг учунки бу каминанинг тўла

* Бу ерда Мирзо Улубекнинг «Тарихи арбаъа улус» асари эслатиласпти. Тўрт Мўгулистон — тўрт улус деган маънода.

ишлари анга вобаста эди. Шояд бу нусха **Ҳақ** таолонинг инояти бирла охириға етса ва соҳиби назарлар раҳмат назари бирла қаросалар ва улуғлар қабул қилиб, афиннинг этаги бирла ёпсалар, бу фақир каминанинг хотириға ва қўнглиға шодлик ҳосил бўлса, ул вақтда асл тарихни футумакка ружу қилинур. Иншооллоҳу таоло.

**«ТАРИХИ РАШИДИЙ»НИНГ ИККИНЧИ ДаФТАРИДА
ЮЗ ЙИЛДИН КЕЙИН МЎҒУЛИСТОН ҲАЛҚИДА
ВА ЎЗБЕК ҲАЛҚИДА ВА ЧИФАТОЙ ҲАЛҚИДАГИ
БЎЛГОН ВОҚЕАЛАРНИНГ БАЁНИ**

Ҷу камина таваллуд қилғон вақтда тарихқа түққуз юз беш (1499—1500) экан. Шул замоннинг фузалолари «Шаҳзодаи шараф»ни «Нури чашми шоҳ»дин тарих олибдурлар. Мўғулистон хоқонларининг давлати ўтган подшоҳларнинг давлатидин зиёда бўлубдур. Анинг учунки шул замондин шаҳарларики Қарохитойдин иборатдур. То Юнусхон таҳтда

159а // ўлтиргувчилик Мўғулистоннинг тўлароқ юртида дарахтлари ўйқ эрди, балки ободонлиқ юзини қўрмаган эдилар.

Мисраъ: Тоғ бўрисидек эди одамлари.

Шарҳи улки Тошканд вилоятининг кент саҳролари мўғул хоқонларининг таҳти тасарруфиға кирдилар, тамоми саҳроларини ва музефотларини тасарруф қилғонини зикр қиласақ сўз узаб кетадур. Худо хоҳласа, асл тарихда шарҳ қилинур. Ҳосили калом зикр қилинган тарихдин кейин түққуз юз саккизинчи йилининг аввалисида (1502—1503) Мўғулистон ҳалқларининг аҳволи омонлиқ бирла эди. Мухтасари калом ушбуки, ман бандай бечора Муҳаммад Ҳусайннинг отам Муҳаммад Ҳайдар Кўрагон, уларнинг отаси амири кабир соҳиб ул сайф ва сарир амир Саид Али, уларнинг отаси амир Саид Муҳаммад, уларнинг отаси амир соҳиб ат-тасир ҳожиюл ҳарамайн ал-мувоғиқ боинояти ллоҳи таоло Ҳудойдод, уларнинг отаси Амир Буложидур, анораллоҳу бурҳонаху. Ва бу амир Буложи ислом келтуруб қаро юзини имоннинг нури бирла оқарттуруб эканлар. Ондин кейин менинг отам Султон Маҳмудхоннинг хизматла-

риға мушарраф бўлиб экан, Султон Махмудхоннинг насаблари ушбуки, Султон Махмудхоннинг отаси Султон Юнусхон, аниг отаси Увайсхон, аниг отаси Мухаммадхон, аниг отаси Хизр Жожаҳон, аниг отаси Туғлуқ Темурхон анондоҳу бурҳонаҳу. Бу Туғлуқ Темурхон Машриқдаги диёрларнинг куфрининг қоронгулиқини исломнинг тулуи бирла мунаvvар қилғон эдилар. Бу тарихдин тўла-роқ мақсаднинг бири улки, ушбу хоннинг ҳидоят, саодатининг таажжуб ҳикояларидур. Алқисса Султон Махмудхон

1596 (наввараллоҳу марқадаҳу) отамға ҳамиша // навъ-навъ марҳаматлар қилиб синиф-синиф илтифотлар қилиб эканлар. Бунинг шарҳини асл тарихда футурмиз, иншооллоҳ. Ушбу лутфу марҳамат бирла фаҳр-санад қиласурроғон лиbosларни кийдуруб Хўб Нигор хонимға уландурдилар. Хўб Нигор хоним ёшлари зикр қилғон хондин зиёда эди, бу нисбатда ғолибан Тошқанд вилоятида Астарушанаки, Ўратепа от бирла машҳурдур, ҳамма тобелари бирла таҳти тасарруфиға олиб топшурди. Ушбу Ўратепада тўккуз ўйлар үлашдилар. Мунинг ичидаги тўла воқеалар юз келтуруб бу тўккуз ўйларнинг олтинчи ўили факир туғулубмен. Аҳли басоратларга махфий қолмағайки, бу воқеанинг ўттани равшан бўлмай, модомики бар сабили ижмол ўтган подшоҳларнинг аҳволидин ҳар қайсилари наерда бўлуб эканлар, мазкур бўлмай қолмағай. Ҳосили қалом бу зикр бўлғон муддатда Фарғона заминики уларнинг подшоси ўлтурадурроғон жойи Андижондур, Султон Абу Сайд Кўрагоннинг ўғли Мирзо Умар Шайх Кўрагоннинг вафотидин кейин, уларнинг ўрнида Мухаммад Бобур подшоҳи ғозий ва Мир Жаҳонгир ноиб бўлуб ўлтуруб эканлар. Уларнинг бовужуди ёшлари кичиклики бирла умаро ва акобирларға мухолифат бўлғон жиҳатдин, доим жангжадал уруш қилиб зафар топтилар. Уларнинг охирқи воқеаларини бу ерда зикр қилинур. Самарқанд ва Бухоро вилоятларида Бойсунғур мирзо ва Султон Али мирзоқи, Султон Махмудхоннинг фарзандларидур, буларнинг оталари Султон Абу Сайд Кўрагондир ва Шоҳибекхон отаси Шабдоқ [Шоҳ Будоқ] Султон, аниг отаси Абулхайрхонки, буларнинг ўз замоналарида Жўчининг

160а тахтида анингдин улуғроқ // киши йўқ эди, бу учларининг орасида ўбдонлиқ ва хушвақтлиқ тўла ўтиб эди, бу воқеанинг охирисини ҳам зикр қилинур. Ҳуросонда Султон Ҳусайн Мирзо камоли истиқоматда ва улуғлуқда подшоҳлиқ тахтида барқарор эрдилар. Ва гоҳи фарзандларининг ва оталарининг орасида қўрқунч ваҳшати бор эрди. Аммо ани Мирзо Жаҳон оралиқни тўла яхши билган жиҳатидин эзулмнинг тиғларини орадин қутариб оттилар. Ва Ироқ замини Султон Ёқубнинг вафотидин кейин, анинг отаси Узун Ҳасандурлар. Ёши кичик жиҳатидин подшоҳлиқда ўлти-ролмади. Ва Шоҳ Исмоил деганнинг вужудида қаҳронинг асари зоҳир бўлуб, оламнинг мизожини табдил бериб, хуруж қилдилар. Ўзга подшоларнинг тутунидин туғ чиқардилар. Дин миллатни, уларнинг давлатини ва уларнинг таҳти тасарруфидаги ҳамма ишларини барҳам бердилар. Даشتি Қипчоқда Жўчихоннинг халқи Бурундуқхон бор эди. Улар Жўчихоннинг ҳукми тасарруфида эди. Уларнинг жамийатлари ниҳоятсиз тўла эди. Уларнинг ва мӯғулларнинг орасидаги бўлғон воқеаларни зикр қилинур ва Тошканд вилоятида Султон Маҳмудхон эдилар, то Юнусхоннинг аҳволларига Султон Маҳмудхоннинг оталари дур, ижмолан уларнинг сўзларини таҳзири берулмаб эди, анинг учунки уларнинг тўла ҳикоятлари вақтиға мавқуф қолғон эди, ижмолан зикри будур.

ЕТМИШ БИРИНЧИ ФАСЛ

ЮНУСХОННИНГ ХОН БЎЛГОН ЗИКРИ ВА
УЛАРНИНГ АҲВОЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ
ФАРЗАНДЛАРИНИНГ АДАДИНИ ИЖМОЛ
ТАРИҚАСИ БИРЛА ЗИКР ҚИЛМОҚ

1606

Вақтеки Султон Юнусхон // ва чигатой хонлари бош кўтарди, илгариларда буларнинг вақтидаги ишлардек ишлар воқе бўлғон

эмас эрди. Чигатой хонларининг умри қирқдин ўтган эмас ва балки тўлаларининг умрлари қирқга етганму эмас эрди. Ва бу Юнусхон етмиш тўрт йил умр кўрган эди. Охир умрида тавба қилиб солики тариқат бўлиб эдилар. Уларнинг нисбати иродатлари Ҳазрати Носируддин Ҳожа Убайдуллоҳ наввараллоҳу марқадаҳуға етадурлар. Ушбу тарихномада ҳар ерда лафзи Ҳазрат келса, ушбу Ҳазрат хожадурлар. Ўз эътиқодида инчунон маҳкам эдиларки, үзини хизматкорларининг қаторида тутар эрди. Ва тўла машойихлар бирлан сұхбат қилғон эдилар. Ҳар навъи фазлдин тўла фазллар тоғғон эди. Чунончи илми қироат ва хушсаводлик ва нозик табиатлик ва хушхўйлуқ ва илми муаммо ва хушхатлик ва баъзи ҳунармандлар табъига лойиқ нарсалар олиб келса, тўла инъом ва эҳсонлар қилур эрди. Ўн икки йил Ҳазрати Мавлоно Шарафиддин Али Яздийнинг сұхбатларида туруб, уларға шогирд бўлуб эдилар. Мусофирчилик ва ғариблик тўла кўрган эрди. Ғарибликнинг ва фазл қасб қилмоқлик ва подшолиқни тасарруф қилмоқликининг сабабини асли тарихда шарҳ қилинур, иншооллоҳ. Улар яхши сифат бирла ораста ва писандида бўлғон. Бовужуди ушбу фазлу камол ва улуғлуқ бирла ниҳояти фаросатлик эдилар. Уларға ўхшаш ақлу фикрода, жаҳондорлиқда ва шижоатда тирандозлиқда беназир эрди. Хоннинг етти фарзандлари бор эрди: уларнинг биринчиси Мехр Нигор

161а хоним, буларни Султон Аҳмад Мирзоға // нисбат қилиб берган, уларнинг фарзандлари йўқ эрди. Иккинчи Қутлук Нигор хоним. Ани Умаршайх мирзоға нисбат қилиб берган, улардин икки фарзанд қолиб экан: бири Ҳонзода бегим ва яна бир фарзандлари Бобур подшоҳдур. Булар олам аҳли ба ҳиммат эрди ва яна асли тарихнинг шарҳига келдуқ, ушбу мухтасарда анчаки тааллуқи бордур, ани зикр қилинур. Учунчи фарзанди Ҳўб Нигор хоним. Уларни менинг додамға нисбат қилиб берган, йўқори мазкур бўлиб эди. Тўртунчи фарзанди Султон Махмудхон. Анинг аҳволини зикр қилинур. Бешинчи фарзанди Султон Аҳмадхонки Олачаҳон оти бирла машҳурдур. Муни бар сабили

ижмол зикр қилинди. Олтинчи фарзанди Султон Нигор хоним, уларни Мирзо Султон Маҳмудға нисбат қилиб берган, уларнинг бир фарзандлари бор эрдики, Мирзохон исми бирла машҳурдур, аниг ўғли Сулаймоншоҳ мирзо. Ўз вақтида Бадахшонға подшоҳ эди. Еттинчи фарзанди Давлат Султон хоним Тошканд вайрон бўлғонда Шоҳибекхоннинг ўғли Султон Темурнинг қулиға тушиб қолган экан, уларнинг аҳволини кейин шарҳ қилинур.

ЕТМИШ ИККИНЧИ ФАСЛ

**ЮНУСХОННИНГ ХОНЛИҚ КОРИНИНГ
ТАМОМ БЎЛҒОНИНИНГ ЗИКРИ ВА УЛАРНИНГ
ФАРЗАНДЛАРИНИНГ АДАДИ ВА СУЛТОН
МАҲМУДНИНГ ПОДШОҲ БЎЛҒОНИНИНГ
ВА АНИГ ПОДШОҲЛИҚИҒА ХАЛАЛ
ЕТКАНИНИНГ ЗИКРИ**

Юнусхоннинг хон бўлғонининг аввалисида Мўғулистон халқи аввалқи одатида эрдилар. Обод шаҳарлардин қочиб юрур эрди ва бу халойиқда лафзи мусулмончилиқдин бўлак ҳеч иш йўқ эди. Балки ул ҳам йўқ эди. Баъзида бу халқларни ўзга диёриқлар банди қилиб сотар эрди.

1616 // Вақтеки Юнусхон Ҳазрати Эшоннинг хизматлариға етиб эканлар, Ҳазрати Эшон ислом подшоҳлариға хат юбордиларки биз Юнусхонни кўрдик, бир қавмнинг подшоси мусулмон бўлса, ани сотмоқ раво эмас, деб хат бердилар. Мақсад ушбуки, Мўғулистон халқи ушбу қисме халқ әдилар хон ҳиммат қилдиларки то бу халқ шаҳар қилиб ўлтурмаса, ҳаргиз мусулмон чаргасида бўлмас экан, деб шаҳарларни таъмир қилиб бердилар, бу жиҳат ўбданликка улашдилар, ҳарна хоҳлари муюссар бўлди. Бу ҳолнинг аросида хон мўғул халқини Тошкандга жам қилдилар. Султон Аҳмадхон кичик ўғли эди. Хонлиқни талашиб Мўғулистонға қочиб

келди. Хон чўнг ўғли Султон Маҳмудхон бирла мўғул халқининг қолғонини қўчуруб Тошкандга олиб келди. Анинг воқеасини шарҳ қиласақ, сўз узоққа тортадур, бу мухтасардаги асл мақсадга парда бўлуб қоладур, иншооллоҳ шарҳ қилинур. Вақтеки Султон Юнусхон вафот бўлди, наввараллоҳу зариҳаҳу мулкини ўғли Султон Маҳмудхонга топшурди. Мўғулистаннинг ўз расми бирла Султон Маҳмудхонни хонлик таҳтида ўлтурғузди, шундоқ расмеки отадин қолғон нарсанинг қадрини бола-бориқа билмаслар. Султон Аҳмадхон умарои бузрукларнинг хизматига юз келтурган жиҳатидан улуғларнинг қоидасини билмай, улуғлукни синдурди, дўсти қадимийни душман ва душмани қадимийни дўст билиб, мулкни тутушдин ожиз бўлиб қолдилар. Вақтеки бу хабар Олачаҳоннинг самъига еттики, Мўғулистан халқининг ва анинг тасарруфидагиларга фитна ва фасодлар пайдо бўлди,

162а деб. Ул фитна ву фасодни паст қилмоқнинг борасидин / / ўрнида чўнг ўғли

Мансурхонни насл қилиб йиборди. Булар ҳам биродарларининг хизматига юз келтурди. Ва икковлон қўришдилар, ҳол-аҳвол сўрашдилар. Бу боисдин ҳануз аҳли мухолифатларнинг узасига келмай туруб вахшат тушди ва бир ярим йилдин кейин бу банданинг онаси вафот бўлди, олти фарзанди бор эрди. Иккиси кичикликда ўлган, қолрон тўрт фарзанднинг аҳволини алоҳида зикр қилинур. Бири бу каминанинг воқеаларидин ушбуки, онам тўрт ожиза таваллуд қилиб ўғул фарзанднинг орзусида мазороти машойихларга назр-ниёзлар қилиб Ҳазрати Воҳаб ул-атоёдин тилаб мени тоғиб экан, мунга тўла хушвақт бўлуб юрганида манга бавосир касал ориз бўлуб, касалим зиёда бўлғонида Мавлоно Қози Муҳаммаднинг қадами шарифлариға илтимос қилдики, улар Ҳазрати Эшоннинг улуғ асҳобларидин бири эрди. Ҳазрати Эшоннинг силсилалариму шуларға қолиб эди. Тўла халқлар Мавлононинг воситалари бирла ушбу силсилаи олияға мушарраф бўлғон эди. Мавлоно қадам келтурдилар, бу каминани уларнинг назарлариға келтурди. Зиёда тааммул қилдиларки, ҳеч даво буй-

румадиларки, магар парҳез бўйрудилар, уйларига бориб таважжуҳ қилиб эканлар, аз рўйи башорати сеҳро ўз кишиларидин бир кишини ота-онамнинг қошиға юборибдурларки, бориб Мирзоға ва хотуниға башорат бергилки, Ҳақ таолонинг фарзандига ўз фазл-карамининг дорусидин сиҳатликнинг шарбатини ва ҳайётлиқнинг физосини берди, деб эканлар. Ота-онам бу башоратни англаб ҳар иккаласи уларнинг хонақоҳлариға бориб, назр-ниёз

1626 // бериб, дуо олиб келдилар, шул куни сиҳат топғонимча бавосир касал бўлмадим. Бу ишда икки каромат зоҳир бўлди: бири даво қилмай соқайдим, яна бири андин кейин бавосир касал бўлмадим. Мундоқ улуғ кароматлар тўла бўлғон Ҳазрати Мавлоно бу каминанинг охир умриғача зоҳирда ва ботинда тарбият қилур эрдилар. Ҳар қайсисининг шарҳи ўз маҳалида келур.

ЕТМИШ УЧИНЧИ ФАСЛ

ШОҲИБЕКХОН САМАРҚАНД ВА БУХОРОҒА СУЛТОН МАҲМУДХОННИНГ МАДАДИ БИРЛА МУСТАВЛИЙ БЎЛГОНИ, ТЕМУРИЯЛАР СУЛТОНЛАРИНИНГ ШИКАСТ ТОПҒОНИ

Алалхусус Бобур подшоҳки, уларнинг ҳамширазодалариудур, ўз фарзандлариdek эди ва Шоҳибекхон итоат дўстлукини саркашликтининг дабдабаси бирла тақобул қилиб, муҳолифатнинг таблини ошкоро сўқди. Бу ҳолнинг орасида хоннинг бежуръатлигидин Султон Аҳмад Танбал деган Мирзо Умар Шайхнинг хизматкорларидин эди, агарчи анинг асли мўғул умароларидин бўлсаму, Андижон мулкиға фитнабоши шул бўлди. Ҳамма тарафдаги подшоҳларнинг салтанатига муҳолифатнинг ўқини отти, ани дафъ қилмоқ учун иккала хон бордилар. Тошканда Султон Маҳмудхоннинг ўғли Султон Мухаммад султонни лашкари жаррор бирла

хийлагар душманларнинг баробарида қўйиб эди, менинг додамни ҳам Шоҳибекхоннинг баробарида Ўратепада қўйиб эди, тасаввур қилдики бу икки лашкарнинг орасидин ўтмагай, ваҳоланки, ул бул вақтни ғанимат санади. Мен ҳаргиз бу икки хонни мундоқ оз лашкар бирла тополмасман деб Самарқанддин ўз лашкари бирла Фарғонаға юруб келиб, Ўратепанинг бошиға етти. Бу халқ гумон қилдики бизни қабамоқ учун келди бўлғай, деб ўз ишиға машғул бўлдилар. Улар намози дигар вақтида шаҳарга яқин

163а келиб тушти. // Андин кейин кун ўлтируб кеч бўлди. Тонгласи шаҳар халқи гумон қилдиларки булар қаён қеттилар экин, кейин билдиларки Фарғонага кетибдур. Бир-бир арқа киши йибордиларки, уларнинг келмакидин хонға хабар бергай. Андин кейин хабарға борған кишиларнинг ҳар иккаласи етиб келди, Тошканд ва Ўратепанинг лашкарига ҳаракат қилгунча фурсат қолмади. Бу хонларға ўн беш минг киши ҳамроҳ бор эрди. Сабаб ул эрдики аввалқи йилида Танбалнинг тӯфасига бориб, уларга барҳам бериб, уларда қувват ва шавкат қолмаб эди. Таҳқиқ билдиларки, қарорни ўз ихтиёри бирла қўйуб Бобур подшоҳга ҳамроҳ қилиб бериб эрдики, қарордин кейин подшоҳни отасининг тахтида ўлтурғузуб ёнгай. Ва хонлар ҳануз Андиконға етмаб эди, ул маҳкам қалъаларнинг бир пастроқ қалъасини Танбалнинг биродари Шайх Боязид маҳкам қилиб охир итоатнинг сўзини айтиб эди. Ушбу жиҳатдин ул қалъага яқин бориб тўхтаб турдилар. Шоҳибекхон ўттуз минг киши бирла етиб келди. Кучум султон ва Суйинчик султон ва Жонибек султон қаторлик неча киши иккала тарафдин саф ораста қилиб жангта кирдилар. Вақтеки муҳолифларнинг лашкари тўла учун хонларға шикастлик етиб эди.

Мисраъ:

Мабодо дардманларға шикаст узра шикаст етса.

Хонларнинг отлари қордин қолиб ҳар иккаласи тўхтаб турдилар. Ва Бобуршоҳ Фарғонанинг жануб тарафидаги торқа кетти. Шоҳибекхон ўзига таманно қилиб Тошкандни тасарруф қилиб

хонларға миннат қилди. Сизларнинг мадад ва ёри бермакинглар бирла келиб ғолиб бўлуб сизларни ва юртунгларни олдим. Сизларни үлтурмай қўйдум, деб хонларни

163б доругаларға туттурди. Амалдорлардин // ҳоким бўлғонларға қаттиқ азоблар қилмоқ лозим эди, бу аснода Ҳожа Карим ал-Нафснинг раҳми келуб доругаларнинг қўлларидин халос қилиб, ўз уйига олиб борди. Буларға навъи-навъи илтифот қўрсатиб анчаки каримлиқни уларнинг жонлариға қўйуб, халос қилиб олдилар. Ал-қисса бу хабарни Султон Маҳмуд англаб анча аҳли аёллардин ва муғуллардин бор эди, Мўгулистонга олиб юрди. Хонларнинг гирифтор вақтида Шоҳибекхон айттики бу нисбат бирла бўлмас, мунга яна уч нисбат лозим, деб кичик ҳамшираси Султон Давлат хонимни, Юнусхоннинг фарзандларининг қаторига зикр қилиниб эди, ани ўғли Темур султонға ақди никоҳ қилиб бердилар. Колғон икки қизининг бирини Жонибек султонға бердилар яна бирини, ўзига нисбат қилғон Ойиша султон хоним эди, улар Мўғул хонимлақаб бирла машҳурадур, яна бири Жонибек султон Кутлук хоними олдилар. Бу замонгача уларнинг фарзандлари бордурки, Мовароуннаҳода подшоҳлиқга машғул бўлдилар. Вақтеки хонлар Мўгулистон шаҳрига еттилар, хон ўзлари кичик эдилар, касал орис бўлуб олами фонийидин олами боқийға риҳлат қилдилар. Бу воқеада тарихқа тўккуз юз тўккузунчи йилининг (1503—1504) охирида эди.

ЕТМИШ ТЎРТИНЧИ ФАСЛ

**БУ КАМИНА ҲОЖА ТОЖИДДИН МУҲАММАД
РАҲМАТУЛЛОҲИ АЛАЙХНИНГ ХОДИМЛАРИДИН**

Жарнинг боболари Шайхул исломдир, уларға ёру мададкордир. Улар ўз вақтларида тўла улуғ киши эрди. Навъи фазилатлар бирла ораста эди. Эшитиб эрдимки, касал кунларида холи

вақтда арз қилдимки: Шоҳибекхон сизларнинг таомларинға бир нарса қўшиб берган бўлғай. Айтди: — ори, Шоҳибекхон манго заҳар берибдур. Бу заҳар қайси мартабага

164а етқузур экин, // бизлар биродарчиликдан халос бўлдук ва бу икки мараз мизожға голиб келди. Агар бу заҳардин тарёқ бўлса эди, фойда қилур эрди, — деди. Султон Аҳмадхоннинг ўн саккиз ўғли бор эрди. Ҳаммадин чўнги Мансурхондур. Тарихқа тўққуз юз тўққузунчи йилидин бошлаб тўққуз юз етмиш йилгача (1503—1563) оталарининг ўрниға подшоҳ бўлдилар. Анинг воқеасига тааллуқ топадурғон сўзлар мазкур бўлди.

Иккинчиси Искандар султондур, андак замондин кейин вафот бўлди. Учунчиси Султон Сайдхондур. Худо хоҳласа бундин кейин зикр қилинур. Тўртунчиси Бабожоқ султон, ўз вақтининг улуғидур. Мансурхоннинг хизматида бўлди. Бешинчиси Шоҳ Шайх Муҳаммад султондур, бир маротаба ер тебраганда болабарқаси билан том босиб ўлди. Олтинчиси Эшон Султон Ҳалил султондур уларнинг баъзиси аҳволоти Султон Сайдхоннинг зикрида мазкур бўлди. Еттинчи ўғли Эмин Ҳожа султон, уларнинг ҳам баъзи аҳволоти Султон Сайдхоннинг зикрларида мазкур бўлди. Саккизинчиси Чин Темур султондур, неча муддат Мансурхоннинг хизматида бўлиб, охиrlарида Султон Сайдхоннинг хизматига келди. Буларни Мансурхон чорлаб яна хизматларига буйруди. Қочиб Ҳиндистонга бордилар. Бобур подшоҳнинг хизматларига қанча туҳфалар бирла пешкаш қилдилар. Подшоҳ бениҳоят иззат-хурматлар қилиб риоялар қилди. Охир Чин Темур султон исҳол касали бўлуб, шунинг бирлан вафот бўлди.

164б Тўққузунчиси Темур султондур, булар ўзидек биродар эди, // бу иккисининг орасида танглик бўлиб, Қайроқ тарафиға кетиб, у ердин қазоқға бордилар. Андин Бухороға Убайдуллахоннинг хизматига бориб, у ердин қочиб Бобуршоҳнинг хизматига бориб бообрўй боиззат бирла Ҳиндистонда бўлдилар. Ўнунчиси Тўхта Буғо султондур, булар ҳам Ҳиндистонда вафот бўлдилар. Колғон саккиз ўғли ҳар қайсилари кичикликда вафот бўлиб эрди.

Ва тўрт қизлари бор экан, аввалқиси Лаълшод хоним, онаси Умму Валаддур. Буларни Амир Жабборбердининг ўғли Мухаммад Эмин мирзоға нисбат қилиб бердиларки, дуғлот халқларидиндур. Уларнинг саркори Олачаҳон улусбеги эрди. Уларга тааллуқи бор. Иккинчи қизлари Моҳим хоним, буларни Уяқ Султоннинг ўғли Бобуялашхонға бериб эдилар. Учунчи қизини бу каминага нисбат қилиб бериб эдилар. Тўртунчи қизлари Ҳадича султон хонимдур. Султон Аҳмадхон ўлгандин кейин Мирзо Абобақрки, анинг қиссаси Султон Сайдхоннинг зикрларида мазкур бўлур. Улар Олачаҳоннинг пойтахти Оқсуга келдилар. Буларни ўбдан тутти. Ўз ўғли Жаҳонгир мирзоға берди. Улар ўлгандин кейин Султон Маҳмудхоннинг набираси Шоҳ Мухаммад султонга берди. Буларнинг ахволотларини зикр қилинур, иншооллоҳ.

ЕТМИШ БЕШИНЧИ ФАСЛ

СУЛТОН МАҲМУДХОННИНГ ВА ФАРЗАНДЛАРИНИНГ ШАҲОДАТ ТОПҒОНИНИНГ ЗИКРИНИНГ БАЁНИ

Вақтеки Олачаҳон оламдин борди, Султон Маҳмудхон Олачаҳоннинг тобе халқларини то сарҳади Ҳитой, Кошқар ва Турфон ва Чолиш ва Кучо ва Оқсу ва Учгача биродарининг фарзандлариға топшурууб берди, ўзига тобе халқлар бирла Мўғалистонға бориб, беш йил анда бўлди. Ҳеч муҳими

165а тамомига етмади.// Ул арозилларики беш кунлук хоннинг давлатхоҳликини кейинга солиб хоннинг димогига паришонлик етказди. Шоҳибекхон уларға айттиларки, сизларни риоя қиласа ниҳояти хўп, агар риоя қилмаса, бир гўшага бориб гўшанишинлик қилурсизлар. Аммим тагаммадаллоҳу би-ғуфронихи айтибдурларки, бир куни Оқсуда Султон Маҳмудхоннинг олдида Олача-

хоннинг вафотидин кейин бир киши, мен ҳозир эдим, манга илти-фот қилиб айтдиларки, Оқсунинг подшоҳлиқидин Тошканднинг лунгиси афзалму, деб. Ман айтдим: — Оре, афзалтур. Бу сўздин хон баоят ранжида бўлди. Ҳосили калом арозиллар хонни Фарғонага олиб келди. Вақтеки бу хабар Шоҳибекхонга етти. Шу Рудконда ўлангзордан бор эди, шул замон йибориб эди анинг кишиси кириб келди ва хон ўзи, беш норасида фарзандлари бирла Ҳўжандда мулоқот бўлди. Буларнинг болалари бирла Ҳўжанд дарёсининг лабида шаҳодат топғонининг зикрини, уларнинг аҳволларининг зикрини мундин кейин баён қилинур. Султон Маҳмудхоннинг беш фарзандлари ўзи бирла шаҳодат топтилар. Чўнг ўғли Султон Муҳаммад султон, вақтеки хон Мўғулистан шаҳридин Шоҳибекхоннинг риоя умиди бирла бориб эдилар, Султон Муҳаммад султон ончунон оталарини манъ қилдилар, оталари унамади, ўзи айрилиб Мўғулистанда қолди. Уларға ҳам воқе бўлған ишларни асли тарихда зикр қилинур, иншооллоҳ. Охирул амр Мўғулистанда турғоли бўлмай, nochor Даشتி Қипчоқ тарафидаги Бурундуқ ва Қосимхоннинг олдига равон

1656 бўлдилар, ушбу умид бирлаки Шоҳибекхон // Султон Маҳмудхонни риоя қилур. Улар йўлини ғалат қилиб Тошкандга етиб қолдилар ва ўзбек уларни оталариға еткурдилар. Улардин бир ўғул қолди. Оти Шомуҳаммад султондур. Уларнинг аҳволларини хоннинг тазкираларининг зимнида баён қилинур.

ЕТМИШ ОЛТИНЧИ ФАСЛ

ОТАМ МИРЗО ҲУСАЙН КЎРАГОННИНГ БОҚИЙ АҲВОЛЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Вақтеки хонлар Шоҳибекхоннинг қўлига гирифтор бўлди, отам Ўратепада қолди. Шоҳибекхон орада келиб эди, отамнинг

хонлар бирла кўришмаклиги мушкул бўлиб, очор Коратегинга келдилар. Шул замонада Қундуз, Бадахшонда Хусравшоҳ деган, Абу Сайдхоннинг ўғли Мирзо Султон Маҳмуднинг халқлари-нинг бири эди, Мирзо Султон Маҳмуд ўлгандин кейин ўғли Султон Масъуд мирзони кўнгли торти. Вактеки Султон Маҳмуд мирзонинг ўғли Бойсунғур Мирзо Самарқандин қочиб эди, орқасидин Хусравшоҳ киши йибориб, пушаймон ва надомат бўлғонни изҳор қилиб, арзадошт туттики, анчаки воқе бўлиб эди, ўз қўрқунчидин бўлиб эди. Зероки Султон Маҳмуд мирзо ўладурғон халқнинг қаторида эди. Ҳоло ул банданинг мулоқот бўлмоқлиги бирла анинг давлатининг ривожи анча зуҳурға келдики, қабиҳ ва ёмон ишлар бу сабаб бирла ўбдонликка мубаддал бўлди. Шундоқ вассаса фиреб бердики, Бойсунғур мирзо ҳам фирефта бўлди. Ул Мирзои Фозилни рўзгорининг ўқи бирла дорулфандин дорулбақога риҳлат қилдилар. Султон Маҳмуднинг тамоми вилоятларини ўзининг таҳти тасарруфига киргизди. Анчаки улуғлиқда фурур кеттики, камолиятда ҳеч киши баробарлик қиломади.

166а Отам Коратегинга кетти, Хусравшоҳ // кўришаман деганида Хисорға кирдилар. Улар Чинор боғ деган ерга олдилариға келди, ончунон лутфу марҳамат қилиб айттики, бу сизнинг қадами шариф келтурганингиз Ҳақ таолонинг иноятидур, зероки Шоҳибекхон бизнинг тўғамиэга ғолиб бўлғон вақтидур. Зоҳири ушбуки Шоҳибекхоннинг бу тарафдин хотирлари дилжамъ бўлиб қолди. Мундин илгари бизлар ўзбек халқи бирлан жанг жадал қилған эмас, уларнинг кибру фиребини билмаймизки нимадур. Ҳар қавмнинг бир тарзи бор жанг қилмоқда ва тарқ қилмоқда, анинг учунки ҳар қавмнинг истилоҳи ва авзойи бўлақдур. Ҳар ишни ўз вақтида боқиб қиласадур. Ҳар қавмнинг ҳол-аҳволоти осонлик бирла билгали бўлмайдур. Анинг учунки сизларнинг орангларда жанг воқеаси ва сулҳ ўтган ва зафару қўрқунчлар ҳам бўлғон. Ҳоло ҳар нарса билаки салоҳи билсанглар бизга тайин қилинглар, биз шунга амал қиласиз. Бизнинг аҳли авлодимизни изҳор қилмоқлик сизларнинг қувватларингизлар бирла зоҳир бўладур. Буни Султон Аҳмад мирзонинг

қизи Султон бегим, биэниг подшоҳзодамиздур, уларға қўйсунлар, ишимизни қабул қилғайлар. Икки тарафнинг эътимодини изҳор қилмоқни лойиқ кўргайлар. Мунингдин хушвақтилик ва фараҳлик юзланғай ва бу нисбатни ҳар нима балоки гўнграв вақтида сифдуруб олса, ўбданлиқ бирла қарор топиб қоладур. Тошканд ва Ўратепанинг вайрону хароб бўлмоқуни тўлароқи саратон вақтида ва мезоннинг охирқи вақтида бўлур. Бу аҳволнинг орасида Шоҳибекхоннинг чопқон хабари Хусравшоҳнинг жамийатига англаниб

1666 тафриқа бўлуб // ҳар бири ўз уйига йўлланди. Уйи йўқлар тоғ тарафига қочишдилар. Киши-кишидин хабар топмади. Вақтеки Хусравшоҳнинг халқига паришинлиқ етиб эди, менинг додамму Қоратегинга қочиб бориб анда қарор олди. Қоратегиннинг қиши андоқки ҳамиша қор ёғиб турадур. Додам борғон маҳалда андоқ қор ёғдики, уйидаги ҳар ерда ўлтироғонлар, яна бўлак ерга чиқишига мажол бўлмади. Шоҳибекхон Хусравшоҳни тутуб ололмай, биз билан баробарлик қиломдур ё қилолмамдур, деб имтиҳонга турди. Келган вақтда ончунон аъроз қилдики, ҳар нарсаки ўлжа тушуб эди, олиб қочди, билдики яна келадур. Йириғон чибинни қуйруғонга ўхшаш бу қиши Хурросонлиқни ҳам имтиҳон қилмоқни хоҳлади. Ушбу олғон ўлжа мол билан Балх тарафига кетти, ул ҳолда Султон Қулунчоқ Балхнинг ҳокими эди. Султон Ҳусайн мирзонинг ўели Бадиузвазмоннинг ўлтурганидин кейин ҳоким бўлуб эди. Қабофали буюрди. Ушбу қиши қабоқ бирла ўтти. Ҳар қанча Хурросон халқи лашкар йиғиб тўғасига келиб Балхни халос қилолмади. Ушбу қиши Хусравшоҳ Хурросон халқини ончунон имтиҳон қилдики, ҳеч қайсиси тенг келолмайдур. Аммо вақтеки Шоҳибекхон Балхни қабофали машғул бўлди, Хусравшоҳга зиёда таарруз қилмади. Халқини ҳам жамъ қилиб, бирла келди. Пайдарпай Шоҳибекхон Балхга элчи йиборди. Ушбу вақт маслаҳатни билдики сўз йиборгай ул ҳам, сўз бирла мол йиборди. Вақтеки Хусравшоҳга ушбу қиши андак хотиржам даст берди. Қоратегиндин хабар

167а топтики, қор тўла ёғиб ҳеч қиши ҳаракат қилолмади, деб. Ўзининг // бир туққони Мир Валини йигирма минг киши бирла

йиборди. Буларнинг хотири ул тарафдин эмин бўлди. Йироқ-яқинда ўлтуруғлуқ халқ лашкарнинг хабарини англади, дарҳол беш юз киши жам бўлуб йўлни тусди. Кор ул тариқалиқ эрдикি йўлдин чиқишининг эҳтимоли йўқ эрди. Иккала тарафдин пиёда бўлуб, жангга машғул бўлдилар. Субҳ вақтидин то шомғачалик жанг бўлди. Охирул амр бу халқларда отғоли ўқ қолмади, анинг учунки отғон ўқлари қорға чўмиб кетти. Душман тўла эди, навбат бирла келиб жанг қулади. Ҳар қавмнинг ўқи тугаса, яна бир қавм келиб жанг қиласдилар. Бу тарафдаги қавмнинг ўқи тугаб, қўрқуб қочдилар ва менинг отамнинг умароларидин нечанд кўнгуллик хушройилар ўқ бирла кеттилар. Додам олти киши бирла Фарғона тогига кеттики, кун чиқиши тарафида Кошқар ва Андижоннинг орасида, шу топлар орасида, чирак ном одамлар бор эди. Чорпой ҳайвонотлар ҳам тўла эди. Бу тарихдин кейин Мирзо Абобақр андак замонда уларни тўхтатиб эди, аммо Ҳусравшоҳ уларнинг хизматидагиларни Қундузға чиқордилар. Бир йил умрини бу тариқа бирла шунда ўтказди. Вақтеки Шоҳибекхоннинг аҳволотидин сўз бу ерга еттики, муҳтасар қилсоқ сўзни англафони бўлмас эди.

ЕТМИШ ЕТТИНЧИ ФАСЛ

ВА ЯНА ШОҲИБЕКХОННИНГ АҲВОЛЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Вақтеки Ҳақ субҳонаҳу ва таоло бир кишини подшоҳлиқ тожи бирла сарафроз қилмоқни ирова қилса, аввалан буларга бир сабабени муҳайё қилиб, ондин кейин қилур. Ҳосими калом ушбу тариқада сурат бўлурким

1676 ҳар ердаги корзор эранлардин ва жаҳондор оқиллардин // бир-бири бирла мулоқот бўлсалар, шул ерда ўз ароларида муҳо-

лифат пайдо бўлур. Оқибат баййинларни ва сўз онглайдурғонларни сақов қилур. Худойи таалонинг корсозлиқи улки, отасининг таҳтида ўлтурушқа бир түққонни бир түққонға хасм қилиб, душман қиласадур. Мақсад бу муқаддимадин улки, Шоҳибекхон Шоҳ Будоқ Султоннинг ўғлиидур, бунинг отаси Абулхайрхондур. Абулхайрхон ўлгандин кейин Шоҳибекхон бирла Шоҳ Будоқ Султоннинг орасида душман бўлмоқлиқ боқий қолиб эдики, ҳар киши бир тарафга тушуб кетиб ўбдан аслзодалар ва султонзодалар ва амирзодалар ушбу важҳдин одамиларнинг орасида тафриқа бўлиб кетдилар. Бу ҳикоятнинг ижмол тариқаси улдурки, Шоҳибекхон тафриқа ва аввора бўлронидин кейин тўла бечоралик тортиб, ночор Мовароуннаҳора келди. Шу вақтда Султон Абу Саъид мирзонинг ўғли Султон Аҳмад мирзо Мовароуннаҳора подшоҳ эрди. Ўзлари тўла улуғ давлатманд киши эрди. Бу жиҳатидин ҳар тариқалиқ подшоҳ ва беклар бу подшоҳнинг хизматлариға роғиб эрди. Бу жумладин Амир Абдулали тархон Бухоро шарифға подшоҳ эрди. Шоҳибекхон уларнинг хизматига борғанда ани мулоғимлари қаторида қилиб эрди. Мундин бўлак подшоҳлар ҳам аниг хизматини ихтиёр қилиб эрди. Султон Аҳмад мирzonинг ниҳоят улуғлиқини шу ердан қиёс қилғали бўлур, токи Мирзо ҳаёт эрди Шоҳибекхон Амир Абдулали тархоннинг мулоғимларининг қаторида турди. Мирзо Абдулали ҳам қолғон халқлар бирла уларнинг олдига келиб әдилар. Ондин кейин Шоҳибекхон Туркистонға бориб, Султон Махмудға улашди.

168а Хон ончаки // кўмақ бўлуб, ёрий берадурғонларни дариф тутмади. То бу ерга еттики, хоннинг мададу имдоди бирла Шоҳибекхон Бухоро ва Самарқандни олди. Аниг лашкари эллик минг, балки олтмиш мингта етиб эди. Ул вақтдаки, Туркистонға етиб эди, Султон Махмудхоннинг мадади бирла кундан-кунга қуввати зиёда бўлиб, Абулхайрхоннинг халқларидин умаро ва салотиннинг ўбдонлари Дашибекон Шоҳибекхон ва саргардон бўлуб юрганлар, буларга қўшулуб на ерга борсалар шу ерга бордилар. Шоҳибекхон Бухоро ва Самарқандни забт қилғондин ўзининг ўрнида яна бир кишини мураббий қилди. Вақтеки бу хабар Олачаҳонға

етиб эди, биродарига мадад бермоқ учун Мұғалистондин келдилар. Мунинг зикри үуқори мазкур бұлуб эдики, хонни тутуб қўйуб эдилар, анчаки мұғул ҳалқидин бор эди, хондин ёниб уч мингта яқин мұғуллар ўзбек лашқарига бориб қўшилди. Мисраъ:

Гул бўлдию ҳам сабза намудор бўлди.

Тошканддин ёниб, Самарқандда турмай, Балх шаҳрини қабоғони мазкур бўлуб эди. Вақтеки зимистон бўлуб эди, тарихқа тўққуз юз тўққуз эди, Балхни қабаб шунда ётти. Баҳор вақти бўлиб эди, Самарқандга келди. Самарқандда бир-икки ой юруб, ондин Андижон тарафига боришқа ихтиёр қилди. Ул йилики хонларни тутуб эди, Танбал Андижонға қарамади, анинг учунки Тошкандни олмокни муҳим билди. Бовужуди шунинг бирла Шайх Боязид Тошкандни фатҳ қилишнинг олдида бетаваққуф олдига чиқиб эди, ниҳояти давлатхоҳлиқ эзҳуриға келди. Танбал тарафидин ҳам анчаки

1686 маслаҳат бор эди, // уларға кўрсаттики, ушбу йил булар Тошканддин ёнди. Вақтеки Тошканд ва мұғул тарафидин хотиржам бўлуб, ҳисорлик ва хурсонлиқларни истади, уларға айттики, аввалан Танбал ва Андижондин фориғ бўлали, ондин Ҳусравшоҳнинг шаҳри Ҳисорға боралики Ҳурсонни олмокни муқаддимаси ушбу бўлғай. Вақтеки Марғилон Фарғона шаҳарларининг мўътабар шаҳри эди, анда бориб Танбал шу ерда туриб, Фарғонанинг қалъаларини қўйиб, Андижонни обод қилдилар. Вақтеки подшоҳқа хабар еттики, Шоҳибекхон ўз ҳалқлари бирла маслаҳат қилдики, подшоҳ батамом жамийатларини бир ерда қилибдур, эмди бизларга иш осон бўлибдур. Бу сўздин филҳол подшоҳ суръат бирла бу тарафга юзланди, ва қарор бердиларки, улар ўз қалъаларига сўланур. Шоҳибекхон ўзи бир жойға сўланур ва яна Андижон атрофидаги салотин ва умароларни чопиб олиб шаҳарни бузуб одамларни тутуб олиб ёндиларки, яна бир йилға келамиз деб бориб эди, ажал анга қўймай яқосини тутти. Шундоқки Андижон қалъасидин чиқиб ҳалқларини санаб эди, ўн мингдин тўла чиқди. Вақтеки Шоҳибекхон етти, лашқарнинг тўлалиқидин кўзи-

га тўфа тўлаб ёнди, то қалъага етгуича тиф захми бирла тўла халқ ярадор бўлди. Танбал ўз биродари бирла шикаст топиб, Шаҳри Хариданда қарор топдики, бу йил анинг вилояти хароб бўлди, деб ёндилар. Токи яна бир йилда мухими осон бўлур, деб дарҳол ўзини йуқори олди. Бир йилға қарор берган куни қирқ қунга тұхтатти. Вақтеки Шоҳибекхон кўрдикى нечанд киши жон ваҳмидин қўрқуб қўргонға сўланибдур, ўзи ишини

169а маҳкам тутиб шаҳарга сўламоқни қавий билди. Отам // Қаротегиндин шикаст топиб келиб жирак бирла бўлди. Ҳаммадин ажаброқ улки, Шоҳибекхоннинг келишининг хабарини англаб туриб анинг келишига илож қилмади. Бунинг дафъи учун отам жирак қошиға борди, жирак бирла иттифоқ қилдики, Тўруқшорон деган ўнгкурга маҳкам бўлуб, эдилар. Танбал келиб уч кунгача қаттиқ жанг қилди, отамдин сўраб эдим, айттики уч кунгача юз ҳийла бирла ўзумни сақлаб кеч бўлронда ончунон фикр қилдимки, агар тонгла жанг бўлса бизнинг ҳолимиз нечук бўлур экин. Анинг учунки ул кунларда кишининг ўлик-тириги бирла кишининг иши нўқ. Вақтеки тонг отти ҳайрат юзланди, йуқоридин қараладимки анинг лашкари фавж-фавж суръат бирла ярағ жабдуқ бирла ўтуб борадур. Буни кўриб манга тўла хушлук юзланди. Филҳол бир кишини хабар олраги йибордим. Сўз бу ерга еттики Шоҳибекхон Кандибодомға борибдур, бу важҳдин олдираб кетган экан, ушбу хабарни англаб манга янги жон пайдо бўлди. Дарҳол Шоҳибекхоннинг олдиға киши йибордимки, бу ерда замонанинг бевафолиқидин ончунон саргашта бўлуб эдим, бу келган хабарингизни англаб янги жон топдим, ҳар тариқада ёриқ бўлса, фотроқ йиборинг. Ул киши иккинчи куни Андижонға етти, дарҳол рухсат олди. Ҳосили калом сен тезроқ боргил, додами кўрмаклиқдин бўлак орзум йўқ, деб йўлға солди. Вақтеки ҳоло борадурғон ерининг тайини йўқ, агарчи борсақму сизнинг маслаҳатингиз бирла борурмиз. Вақтеки хонни қўруб эдим манга подшоҳона илтифотлар қилди, батамоми шоҳ ва умароларға ҳукм қилдики, Муҳаммад Ҳусайн Кўрагон бизнинг меҳмонимиз,

169б ҳамманглар // меҳмондорлик қилинглар деб ҳаммалари меҳмои қилдилар. Қирқ биринчи куни Танбал боз буржининг тӯфасига чиқиб фарёд қилдики, эй умаролар в-ей ходимлар, чўнг-кичик келингларки, нима дейсизлар, манга ҳукм бўлдики, Танбал отамнинг кўкаaldoши эди, анингдин манга тўла номаъқулу нописанд ишлар етиб озор бўлуб, хотирим беғоят фамгин бўлиб эди, ҳоло иш қулдин кетти, бечоралик етти. Ул вақт Темур султон ҳозир бўлиб, ҳамма биродарларимиз саросимага келди, мени қучоқлаб, яна ишқа фурсат бермай, бир соатда ҳаммани тиф бирла ўлтуруб, қалъанинг дарвозаларини маҳкам этиб, форат қилиб тарож қилмағон ҳеч киши қолмади. Ул вилоятларни Жонибек султонга бериб ёнди. Отам ўзи Шоҳибекхон бирла ҳамроҳ Самарқандга бориб, лашқар асбобини тайёр қилиб Ҳусравшоҳ бекнинг тӯфасига равон бўлдилар. Вақте-ки шаҳарга етиб эдилар, Ҳусравшоҳнинг тарбияткардаси Ширам чехра деган Ҳисорнинг қалъасини сақлар эди. Шоҳибекхон ўзи келиб Ҳисорни қабади. Неча кун ўтиб эдики, Ширам чехра амон тилаб тушди. Қалъани анга берди ва хон ўз аҳди бирла шаҳарни Ширам чехрага берди. Ширам чехра хоннинг қошида жуврулур эрди. Басойир уннос деб ўз ватани аслийси бор эди, анга лоҳик бўлди. Маълум бўлмадики нима бўлди, аммо хон ўзи муҳосарага машғул бўлди. Шул куни Маҳмуд султонга буйрудики, ҳар киши лашқар бирла юурман деса, ўзи бирла ҳамроҳ қилиб Қундузга юзлансун. Ҳусравшоҳ қалъайи Қундузни муддатлар ўтуб эрдиким, навъ-навъ захира ва хазиналардин

170а пур қилибдур, деб ғулғула оламга тушубдурки // йигирма йил асбоб муҳайё қилдим, агар ҳамма йўлдин қолсамму, йигирма йил шаҳарнинг ичиди умр ўтказурман, то йигирма йилгача ҳамма ҳалқ ушбу ишга машғул эдики, Шоҳибекхон Ҳисорни қабобдур ва яна Султон Маҳмуд Амуя дарёсидин ўтубдур деб, хабаре келиши ҳамон шул соат бу асбобларни қўйиб чиқиб кетти. Ва асбобларга барҳам бериб, тоғ тарафига қочиб кетти, ондин уч кундин кейин Маҳмуд султон Қундузга келди. Бу камина соҳиби китоб ва биродарим бирла ва ҳамшираларим бирла Қундузда

эдим, йуқғори китобда футулиб эдики, Султонбегимни отамға нисбат қилиб, ўбдан асбоблар бирла түйни мұхайё қилиб, анингдин кейин бўлган ишларму мазкур бўлиб эди, ва мени Қундузда қўйиб эди. Шу кунларики Қундузда эрдим, бу Султонбегимдин фарзанд туғилди, отини Абдуллоҳ қўйди. Ва анинг аҳволини бўлак зикр қилинур. Отам Маҳмуд султон бирла ҳамроҳ эди, улар аросида ошнолиқ ва робита қанча зиёдароқ бор эди, сабаб ул эдиким, ул ҳолда Шоҳибекхон ҳамма ишда риоя қилур эрди. Подшоҳлиқ ишида анга қўйиб бермас эди, қилғон аҳдига турмас эрди. Ҳаргоҳки фурсат топса, узрини индамакка тақсир қилмас эди. Агар ул умаронинг муродида бўлса эди, фаҳувал мурод магар бўлмаса, деб юз узрлар айтур эрди ва баҳона қилотти. Бу ишдин неча маротаба анинг орасида Султон Маҳмуднинг орасида ўтти. Ажаброқ улки, гар мартабайеки бу амрда воқе бўлса, анинг узриси сурати уэр бирла айтур эрди, қабул қиласр эрди. Бунинг шарҳи узоқка тортадур. Тарихда шарҳ

1706 таподур. // Ул жумладин бири ушбуки айни дўстлук ва давлатхоҳлиқда Туркистонда Султон Маҳмуд Танбал бошиға лашқар тортиб эди. Вақтеки уч кун йўл юрдилар маслаҳати носавоб учунки асл тарихда мазкурдур, Султон Маҳмудхоннинграйи ёнди. Ҳар кишики умаролардин ушбу сарҳадда лашқар бирла жам бўлуб эрдилар, ёниб сарҳадга тушти. Ҳоннинг лашкарларини яна отланғони Туркистонда Шоҳибекхонға етти, дарҳол тамаънинг қувватини жидду жаҳднинг ўзангусиға қўйди, отланди. Ўзи Тошкандга чопиб кетти. Маҳмуд султонни, Сайромнинг бошидаги, илгарики китобларга битилиб экан эрди, йўлда хабар топтики, хон ёнибдур. Дарҳол киши юбордики, эшитар эрдим, хоннинг фидоийлари давлатнинг жиловини бу банди осийнинг бошиға меҳрибон қилиб бериб эдилар. Тошкандни сақламоқ учун ва аҳли аёли учун келур эрдим. Ҳарчандки анинг ғайрида ҳеч муҳолифат бўлмасаму, вақтеки хоннинг тушадурғон хабарини англадим ва ёндим. Ёниб Туркистонға борди. Илдом хабар олғучини Маҳмуд султоннинг орқасидин йибордики ҳеч ерга мўътариғ бўлмасун, ёнсун деб ва

ёнди. Ушбу хабар келишдин илгари Сайром холидур, деб фикр қилиб Сайромни чопти. Сайром ҳокими Амир Аҳмад эди. Иторчининг подшоҳларидин Танбалнинг амаки эди, аммо биродарзодаси маҳобаднинг хилофида улуғ хизматлар Султон Маҳмуднинг гарданида бор эрди. Маҳмуд султон чиқишиндин илгари олдиға чиқди, шикаст бериб Маҳмуд султонни олиб муқайяд бўлди. Ва мӯгулни

171а хоннинг даргоҳига // олиб келдилар. Отамға киши йибордики отам бу ҳолни ўзига олиб бориб анинг хунини тилади. Улуғ илтифотлар бирла анга рухсат бериб эрди. Мақсад бу жиҳатдин Маҳмуд султоннинг аросида отамнинг ошнолиқи бор учун Маҳмуд султон бирла ҳамроҳ Қундузға келиб, мени ўзига қўшиб эди, уй, боқий аҳли аёлни Шаҳрисабзда Шоҳибекхоннинг кишиларига бериб Балҳдин ёнғонининг бу ери то бу замонғача мазкур бўлуб эрди. Баҳор вақти эди, зимистоннинг аввалида Ҳоразмга бормоқ боис бўлди. Отам Ҳуросонға қочиб кетти. Бу маҳалда Бобур подшоҳнинг ҳоли ва Султон Сайдхоннинг ҳоли агар тақрири китобатга келсаму, сўзнинг ҳавосини бир-бирига боғламоқдин ёниб қоладур. Бу ижмол сўзнинг тавсили узоққа тортадур, асли сўзнинг тарихида келур, иншоolloҳ.

ЕТМИШ САККИЗИНЧИ ФАСЛ

БОБУР ПОДШОҲНИНГ ВА УРУҒ ҚАЙОШЛАРИНИНГ ВА МЎГУЛ ХОҚОНЛАРИНИНГ АВВАЛҚИ ҲОЛИНИНГ ЗИКРИ

Алқисса қадимда Чигатойнинг ва мӯгулнинг орасида улуғ адовати бор эрди. Бовужуди ушбу иш бирла Амир Темурнинг замонидин то Султон Абу Саъид мирзонинг замонигача бир

киши Чигатайхон ибн Чингизхоннинг авлодидин подшоҳлиқ тахтида ўлтирмадилар. Подшоҳлиқ отини анга атаб маҳбус қилғон эрди. Чунончи буларнинг тафриқа бўлғонларидин маълум бўладур. Вақтеки подшоҳлиқ даври Султон Абу Саъид мирзоға етиб эди, бу расм қоидани ташладилар. Ва киши юбордиларким, Юнусхонни Шероздин келтуруб Мўгулистанда биродари Эсан Буғохоннинг баробарига йибординар. Хоннинг Шерозга боргани

1716 Эсан Буғохоннинг // хон бўлғони ва Султон Абу Саъиднинг подшоҳ бўлғони бу муҳтасар китобга сифмайдур. Ҳосили қалом Султон Абу Саъид мирзо Юнусхонга айтти: — Қадимда сизларнинг даъвонглар бўлак навъ эди, бу замонда ул муддаони хотирингиз канорасига йўл берманг, яъники подшоҳлиқ ёрлиқи бу табақанинг отида бўлсун, энди дўстлуқнинг оти ўтрода бўлсун. Ва ошнолиқ тариқаси ришта бўлсун деди. Вақтеки Юнусхон Мўгулистанга келди, ўттуз йил машаққат тортрондин кейин Эсан Буғохонга ғолиб келди. Мунинг шарҳиму Султон Сайдхоннинг ҳолининг орасидаги Мирзо Абобақрнинг зикри маэкур бўлуб эрди, баён қилинур. Мундин кейин Юнусхоннинг хотири филжумла фароғат топти. Айттики, наssi қадимға боқмоқлиқ бирла подшоҳи Олим ул-Руйуб жалла ва аззамаҳу айтибдурки «Ва иза хийитум би таҳтийатин фа ҳайуу би аҳсани минҳаав руддуухаа» («Қачон сизларга бирон ибора билан салом берилса, сизлар ундан чиройлироқ қилиб алик олинглар ёки (ҳеч бўлмаса) ўша иборани қайтаринглар». 4; 86.). Султон Абу Саъид Мирзонинг душмани қадимлиқи янги дўстлуққа мубаддал бўлди. Бизлар неча яхшилиқ бирла бу нарсаларни қилолмаймиз. Магар улки ул душманликни дўстлуққа мубаддал қилиб, биз дўстлуқни туққончилиққа мубаддал қилсак, — деб. Мирзо Султон Сайднинг уч ўғли ва уч қизи бор эрди, отлари Султон Аҳмад мирзо ва Султон Маҳмуд мирзо ва Умар Шайх мирзо, қизлари Мехро Нигор хоним ва Султон Нигор хоним ва Кутлук Нигор хонимдурлар, берилдилар. Уларнинг шарҳиму мазкурдур.

Вақтеки Умар Шайх мирzonинг подшоҳлиқи Фаронада эди, Мўгулистанга яқин, бу жихатдин бу уч мирэодин Мирзо Умар Шайхга

172а кенгрүлик ва ошнолиқ тұлароқ әди. // Чунончы Юнусхоннинг фарзандларидин имтиёз топмас әрди. Ҳар вақтеки хоҳласалар бир-бирларининг шаҳрига келишур әрди, онча ҳозир бұлсалар зиёда такаллуф қилмас әрдилар. Вақтеки Бобур подшоҳ туғилди аниңгашорати учун хон олдига киши йибординдер. Хон Мұғулистондин келди. Муддатлар анда бұлды. Подшоҳнинг бошини тушурмакка ҳар қайсилари тебрашдилар. Вақтеки Юнусхоннинг Умаршайх бирла ошночилиқи бор әрди, ҳеч подшоҳқа мұяссар бұлмади. Филжумла подшоҳ муҳаррам ойининг олтиси тарихқа саккиз юз саксон саккизида туғулди. Мавлоно Мунир Марғилоний Улугбекнинг уламойи муттахирларидин бири әрди, «шашуми муҳаррам» деб тарих тоptti. Ҳазрати Эшон қаддаса ллоху сиррахудин от қўймоқни сўрадилар. — Захириддин Мұхаммад деб от қўйинглар, — дедилар. Шул замонда Чигатой беги тұла улуғ әди. Буларнинг тилида Захириддин Мұхаммад душворлық бирла жорий бұлды. Бобур деб от қўйдилар. Бобур подшоҳ деб машхур бұлды.

Аниңг нисбати Умар Шайх Кўрагон ибн Султон Абу Сайд Кўрагон ибн Султон Мұхаммад Мирзо ибн Мироншоҳ Мирзо ибн Амир Темур Кўрагондор. Онаси тарафидин Қутлуқ Нигор хоним бинти Юнусхон ибн Увайсхон ибн Шералихон ибн Мұхаммадхон ибн Ҳизэр Ҳожахон ибн Туғлуқ Темурхондор. Бобур подшоҳ андоқ подшоҳ әрдики, навъ-навъ фазллар бирла ораста, шижаатда ғолиб әрди. Ва шеъри туркийда Амир Алишер раҳматуллоҳ алайҳидин кейин ҳеч киши андоқ шеър айттолмабдур. Айтғон китоби бор, туркий. Бениҳоят хұб. «Мубаййин» деб

172б от қўйубдур. // Фикҳда рисоланинг интиҳоси бирла ифода берибдур ва мақбули халойиқ, арзи туркий бирла айтилибдур. Ҳазрати Эшоннинг «Рисолайи волидия»ларини манзум қилибдурлар. «Вақойиъ» ном деб туркий таърих қилинибдур. Иборати хушфаҳмга яқиндур. Ва илми мусиқийда аниңгдин ўзга ва мұнингдин илгари аниңг қабиласидек киши ўтмабдур. Ул ғаройиб воқеаларда инкор берибдурки, аниңг афродидин кишига рў бермабдур. Үн икки ёшида отаси Мирзо Умар Шайхдин кейин

қолди. «Тарихи вақоийъ»ки аниң тарихидур, анга тартиб берилб саңъатта келтирулубдур. Ҳарчанд туркийдур, аммо таяммунан аввалига келтируладур. Рамазон ойининг тўрти, душанба куни, Мирзо Умар Шайх ўттуз тўқкуз ёшида олами фаноға парвоз қилди. Саккиз юз тўқсон тўққузунчи (1493—1494) йили отасидан кейин қолиб, ўн икки ёшида подшоҳлиқ (тактифа) ўлтурғуздилар. Вақтеки Бойсунғур мирзо ва Султон Али Мирзонинг аросидаги, булар Султон Маҳмуд, Султон Сайд мирзонинг ўғлидур, муҳолифат тушди ул тариқадаким, ҳар иккаласининг Самарқанд шаҳрини тутқучилиги қолмади. Вақтеки бу хабар Андижонға етти, подшоҳ Самарқандға бормоққа қасд қилди. Бовужудики бу мирзолар ожиз бўлиб қолиб эди, тўла саъйлар қилди. Охирул амр Бойсунғур мирзо тоқат келтиrolмай шаҳарни қўйуб, Ҳисор тарафига кетти. Ҳусравшоҳнинг қўлида ўлди. Бу сўз йуққори мазкур бўлуб эрди. Подшоҳ Самарқандни олди, Андижон лашкарини анда тўхтатти. Қолғали ижозат бирла Андижонға ёнди. Танбалнинг зикрики мазкур бўлди,

173а подшоҳнинг кичик биродари Жаҳонгир мирзони // подшоҳ ҳамма умароларнинг иттифоқи бирла подшоҳлиққа ўлтириғизди ва Андижоннинг қозиси бафоят порсо ва парҳезкор киши эрди, подшоҳлиқ ишида подшоҳға яхши саъйларни бериб арз қилиб эди, ани бегуноҳ ўлтурди. Қозини шаҳид қилишидин илгари озроқ замонда Андижон шаҳрини подшоҳ давлатхоҳлари маҳкам қилиб эди. Муболага бирла подшоҳқа арзадош йибордики агар фотроқ бизнинг фарёдимиэра етмасангиз, Андижоннинг иши вайрона бўлмоққа яқиндур, Самарқанднинг ишиму бузулуб кетадур. Вақтеки Самарқандга подшоҳ қошиға арзадош етти эрса, Самарқандни қўйуб Андижонға юз келтурди. Ҳўжандга етиб эдикни, хабар келдики булар ўз муҳимларини қилибдурлар. Подшоҳ бу ердан ёнди, шу ерда ҳайратда қолди. Тогаси Султон Маҳмудхонға илтижо келди. Подшоҳнинг онаси ва онасининг онасики Давлат бегимдур ўғлининг олдига ва ҳамширасининг олдига бандай менинг онам келдилар. Ул муносабат бирлаки, подшоҳ бизнинг вилоятимизда эди, ончаки мумкин бор эрди, меҳ-

мони азизга риоя қилмоқни кўшиш қилдилар. Ва подшоҳ яна бир маротаба машаққати тамом бирла тўла зафар ва шикаст топуб, ондин Самарқандни тасарруф қилди. Самарқандни сақламоқ учун Самарқанднинг муддаийлари бирла жанг қилдилар. Гоҳ шикаст, гоҳи зафар топур эдилар, охирол амр Самарқандга суландилар. Тоқатлари танг бўлди, ўзларининг ҳамширалари Хонзодабегимни анга бериб эдилар, бу сўз йўқори мазкур бўлди, сулҳ бирла кириб Самарқандга яна Шоҳибекхон қарор топти.

1736 Бу мужмал сўзниң тафсили ҳарчанд // узоқроғдур. Билжумла подшоҳ яна ўз тоғаси қошиға келди. Хотирини Самарқанднинг муҳимидин кўтарди. Андижонға саъй қилмоқни пеша қилди. Ҳонлар ҳам озроқ жидду жаҳдини отасининг меҳро-шафқатини ўтроба солиб Андижонни подшоҳға олиб бермакни саъй эттилар. Йўқори зикр қилиндики, жангларда хонлар Шоҳибекхоннинг қўлига тушдилар, подшоҳ ўзини Фарғона вилоятининг тоглари тарафиға олди. Бисёр мешаққатлар торттилар. Шунунг бирла буларнинг онаси ҳамроҳ эрди. Подшоҳнинг тўла мулоғимлари, ҳама аҳлу аёллари, бирла эдилар. Ул сафардаки «ас-Сафару қитъатун мин ас-сақар» (Сафар дўзахдан бир парча) лафзибур бор, гуҳарнисор имоми ахёр ва мубтадойи аброр амир ул-мұъминин Али каррамаллоҳу важҳаҳу айттилар — агар Пайғамбари Ҳудо мундоқ буйрумасалар эрди, ман айттур эрдим «ас-Сақар қитъатун мин ас-сафар» (Дўзах сафардан бир парча) дебдурлар. Бу ҳадис бу сафарға муштамил эрди. Куллий ва жузвий жафо ва жафокори бу чархи қажрафтор ва фалаки ғаддордин анча мумкин бор эди, гинагузорлиқни ҳар диёрнинг азизларининг хорлиқида ва беэътибор қилмоқда эрди. Ҳаммани бу фалаки ғаддор бу йўлда подшоҳларға нисор қилур эрди. Навъ-навъ уқубатлар бирла ва танглик бирла Ҳусравшоҳнинг дорул мулки Ҳисор шаҳрига еттилар. Анинг одамиятчилигини кўз туттиларким, одамиятчиликни бирла машҳур эрди, фалак юз уйурди, одамиятчиликнинг юзини эвруди. Бемурувватликнинг орқасини анинг юзига қилдилар. Аммо бу миқдор қилдики, зиёда таарруз қилмади, бу ваҳм-қўрқунчлук бирла Гўри

174а ва Бақлон тарафига ўттилар. Вақтеки ул ҳудудға еттилар-ким, қуввати фирмени ташлаб неча кун бу ерда турдилар.

Мисраъ:

Эй тұло // нұқсон аниңг зымниадур, бир навъ суд.

Агарчи бу ерда турмөклиқ мушкул құрингсаму аммо Ҳазрати ҳакими Мутлақ жалла жалолаҳунинг бу интизорда лутфи бор әрді-ки һироқни құрадурғон аҳли маслаҳатнинг қўзи қўрмас эрди. Бу ҳол орасида Шоҳибекхоннинг Ҳисорға келадурғон кавкабаси ва Махмуд Султоннинг илгорининг дабдабаси Қундузға хабари келди. Ҳусравшоҳнинг ғурурининг замзамаси сарнигун бўлди. Ул шарҳ бирланки йуқори мазкур бўлуб эрди. Билмай ул ҳам Ғўри тарафига бориб тоқға яқин етиб әдики, подшоҳнинг Ғўрида туряонининг хабари етти. Ҳалқнинг тилига жорий бўлдики, шул кеча тамом ҳадам ва ҳашамлари бирлан улуғ-кичик ҳаммаси подшоҳнинг даргоҳларига етдилар. Ҳусравшоҳ мулојаматдин бўлак ҳеч ишға қаролоёлмади ва чора тополмади. Бовужудики подшоҳнинг амакзодаси Султон Масъуд мирзо ёруғ оламни аниңг қўзига қоронғу қилди ва биродари Бойсун-ғур мирзони таҳтта ўлтурғузуб эди, таҳтай тобутға тортти. Ул вақтда-ки подшоҳ бу ҳолда аниңг олдиға бориб эди, бемурувватлик қилиб қуғлаб чиқорди. Бовужуди шунинг бирла Мирзохонки, мирзолар-нинг кичик биродари эди, аниңг ота-онаси подшоҳнинг ота-онаси бирла бир туққон эрди. Сўз ародаки Кўҳистонга кириб кетиб эди подшоҳлар бирла эди. Вақтеки Ҳусравшоҳ подшоҳнинг баргоҳининг ишига етиб эди. Мирзохон арз қилдики, биродарларимнинг қасосиға Ҳусравшоҳни буйрусангиз, ман қасос қилсан. Подшоҳнинг зотида мурувват сифати бор эрди.

174б Мирзохонға лутф қилиб буйрудики, ҳайф, // минг ҳайф малакайни кироман котибайнни деву шаётин тақобул қиласиз-лар. Чандон бу мурувватдин подшоҳ қарамни илтимос қилиб айттики, Мирзохон рози бўлди, ҳеч нима демади. Ҳусравшоҳ подшоҳни ва Мирзохонни анча қоида расми бирла туттики, эъзозу икром бирла кўрди, ҳар лаҳза хижолат тери бирла ғарқ бўлуб

кетур эрди. Ва подшоҳ ҳам ани афв қилур эди. Вақтеки мажлис охирига етдиким, ҳукм қилдиларки, олиб борадурғон халқлар ўйлар ва хазиналарни ва отхона ва анинг ўзгаларини қандоқ анинг олдига солиб эдилар, шул тариқада олиб боринглар, бовужуди улки муруватнинг рикобида подшоҳнинг маносибида бир от бор эрди, аниму ҳам буларнинг волидасига миндурдилар. Боқий харожотни мунга қиёс қилмоқ лозим, анинг молидин ҳеч нарсани олдирмадилар. Магар улки янги келганида бовужуди улки анинг тасарруфида ҳеч нарса йўқ эди, пешкашлар арэ қилиб юборуб эди. Бу ҳам подшоҳнинг берганидин минг-мингдин бири ва тӯладин андаки эди. Хурсонга рухсат тилаб, айрилиб кетти. Ажаброқи улки ушбу тӯла жамийат бирлан ўз юртини сақлай олмабдур ва Хурсондин озроқ кўмак тилаб Қундузга келди. Саҳулат бирла ҳар неча озроқ юрсаму ҳар ойини оқибати ҳамманинг маҳдуми бўлди. Аммо подшоҳ бир кечада йигирма минг кишига эга бўлди. Ва яхши умаролар пур асбоб Боқи Чараниёндек ва Султон Аҳмад қаровулдек, Боқи тиллофуруш ва бунинг ғайридин подшоҳга мутасадди бўлдиларки, Кобулга қасд қилдилар. Кобулда подшоҳнинг амакидин кейин Улугбек Мирзо Кобулий бор эрди.

175а // Муқим ибн Зуннун Аргунки, Султон Ҳусайн Мирзонинг авлодидин бири эрди, Кобулға мутасадди эди, подшоҳнинг муҷарради давлати етган ҳамон ул рӯбарӯ келди. Зиёда жанг ўтмай, ул шикаст топти, қалъанинг ичига сўланди. Охири тоқат келтиролмай омон тилаб қалъани подшоҳга берди. Подшоҳ ўз аҳдига вафо қилиб, жамиъ асбоби тааллуқоти бирла саломат Қандаҳорға рухсат берди. Тарихқа тўққуз юз тўққуз эди, то тўққуз юз қирқ саккизгача Кобул подшоҳнинг қўлида, тобелари бирла анда қарор топдилар. Сўз бу ерга еттиким, Султон Сайдхоннинг воқеалари ва отамнинг ҳикоятлари ва анинг Хурсонга борғони ва воқеаларики подшоҳнинг ҳолига мундин кейин бўладур, мавқуф турубдур. Бу мухтасарнинг тӯлароқи хоннинг улуғ манқабатларини футумакка мазкурдур. Бас анинг аввалқи аҳволи ижмол тариқаси бирлан охириқи аҳволини тафсили тариқаси бирла баён қилинур. Иншооллоҳ,

ЕТМИШ ТҮҚҚИЗИНЧИ ФАСЛ

**СУЛТОН САЙДХОН СУЛТОН АҲМАДХОННИНГ
ЎҒЛИ, БУЛАР СУЛТОН ЮНУСХОННИНГ ЎҒЛИ
БАЛО ВА МЕҲНАТЛАРИКИ УЛАРҒА АВВАЛҚИ
ҲОЛЛАРИДА ПЕШ КЕЛИБ ЭДИ, АНИНГ
ШАРҲИНИНГ ЗИКРИ**

Вақтеки Ҳазрати Малик мулук ал-оғоқ ва Молиқул мулк бил истиҳқоқ жаллат азаматуху ва амма наволуҳу иродати азалий ва ҳикмати лам язали бирла мақбуллукни бандаларидин қароматнинг натижаси бирла сарафroz қилибдур, ҳар кимки бу бандаларидин қобилроқдур, иноятнинг хилъати бирла ҳамасрларидин мумтоз қилибдур. Ва илло навъ-навъ меҳнатлар ва ранг-баранг фитна ва воқиоти ғаройиблар тажрибаси бирла мужарраб қилибдурлар ва 1756 озроқ ҳикмати мунингда улким // дармондаларнинг аҳволига огоҳ қилибдур.

Воқеа ва ҳодисаларнинг пайдо бўлмоқида то марҳамат ва раҳм кўзини заиф ва нотавон ҳалқининг аҳволига очғай ва ақлу киёсат бирла мулку миллатнинг туэгувчиси эрди. Шундоғки Ҳазрати вожибул вужуд даргоҳининг муқарраби Ҳазрати Мусо алайҳис-саломға ва бизнинг пайғамбаримизга «Силсилат ал-заҳаб»да Ҳазрати маҳдуми фахрул аноми, яъни Ҳазрати Мавлоно Абдураҳмон Жомий назм бирла ҳикоят қилибдурлар.

Ҳикоят бутурур:

Рўзе аз рўэҳо Калими Ҳудо,
Ки зади гом дар ҳарими вафо.
Дар шубони бараҳ ниҳод қадам,
Бара кард ногаҳ аз рама рам.
Бара ҳар су давон ў дар пай,
Кард бисёр кўҳу ҳомун тай.
Охиращ суст шуд зи сахти раг,

Даству по боз мондаш з-он так.
 Мұсо ўро гирифту пеш нишонд,
 Ашки раҳмат ба рүи хеш фишонд.
 Ҳўйи ў ғазаб нагашта дурушт,
 Нарм-нармак қашид даст ба пушт.
 К-ин рамидан наи чи буд охир?
 З-ин давидан туро чи суд охир?
 Қушиши манки дар қафои ту буд,
 На барои худ, аз барои ту буд.
 Гар туро бо ту во гузаштаме,
 Лутғи худ аз ту боз доштаме.
 Ба ҳар гуриги палиди хуношом,
 Тўъмаи чошт мешуди ё шом.
 Он гаҳаш жо багардани худ кард,
 Азми рафтсан ба сўн мақсад кард.
 Нест дар вақти нохуши ва хуши,
 Ҳеч кори фузун эи боркаши.
 Боркаш бош то барўзи шумор,
 Дар сарои сурур ёби бор.
 Ҳақ таоло чу дар шубонии ў,
 Диид ойини меҳрибонии ў.
 Гуфт бо қудсиёни карруби,
 Он гаҳ лутфашиб бувад бадин хўби.
 Шояд ар қадри ў баланд шавад,
 Дар жаҳон шоҳи аржмандин шавад.
 Бар сари ҳалқ сарвариаш диханд,
 Раҳ ба кўйи паямбариаш диханд.
 Ҳама дар сояаш биосоянд,
 Сояваш сар ба пои ў боянд.

Ушбу жиҳатдин сахих хабарда келтурубдурларки, ҳеч пайғамбарга нубувват ва хилъати рисолатнинг тожини бошига қўймади. Магар 17ба фаточилиқ // корини тоғшурмогунча то ул ишида уларни келтурдиларки, умматларининг қавий ва заифлариға меҳри шафқатлари зиёда ҳосил бўлгай. Акосиранинг тарихи бу эрдики Қубод деган акосиранинг улуғларининг бири эрди. Қубод деган Нушировоннинг отасидур. Ақл ва ирфоннинг рўшнолиқи бирлан

мушоҳада қилиб хоҳладики, они оқил ва олимроқ кишига тофшурғай, токи кичиклиқдин ўбдан илм ва ҳикмат биладурғон кишилардин, илм ҳикмат ҳосил қиласа, тошға нақш қылғондек бўлур. Бир ҳаким бор эрди, оти Жамҳар эди. Жамҳарни чорлатиб, Нўширвонни анга тофшуруб, айттики: мақсад бу тофшурмоқдин маълумдур. Агарчи Кисро тоифасиға ҳикмат ишлари кутахназарларнинг назарида ихонат кўрунсаму лозимдурки, шул ҳикматдин хатарлик хотирининг тахтасида шубҳа этмаса, ул ҳикматнинг туфайлидин бир нарса ҳосил бўлса керак. Қубод айттики, бу топшурмоқдин мақсад будур. Бас, Бузуржмехро... Нўширвон бирла ҳикмат қила дурғон уйига равон бўлди. Вақтеки уйига етиб эрди, отни тортти. Ҳожа миниб Нўширвонға айтдики зинпӯшни устунгга солиб пиёда юргил! Ҳожа гоҳи отиға қомчи уруб тез юур әрди, гоҳи жиловини тортиб, оҳиста юур әрди. Вақтеки уйига етиб саройнинг саҳнасидағи бўстонда туруб ғазабини изҳор қилиб буйрудики, Нўширвонни таёқға ётқузунглар деган замон, таёқ сўқадурғонлар уйидин таёқ олиб

1766 чиқғон ҳолатда Нўширвон // зор ва тазарру қилди. Ҳожа айттики, қўйинглар, ўттум. Нўширвонға ҳадсиз шодлиқ рў берди. Ондин кейин уйига олиб кириб, қисме-қисме навозишларни қилди. Нўширвонға ҳеч киши мундоқ одамиятчиликни илгари ва кейин қилғон эмас әрди. Муни кўруб ҳайрон бўлиб қолди. Бузуржмехро доно айтдики, аввал сени пиёда йўл юргузганимдин мақсад ул әрдики, пиёда юрганларга огоҳ қиласай дедим, токи сенинг олдингда юрганларга на меҳнат юз келтурадур, улоқка мингандар воғил юруб, улоқнинг тўғасида ҳавоға минганидек бўладур. Уларнинг хотириға пиёда юрганларнинг ғуборидин заррача ғубор ўлтурмайдур, токи сен ушбу ҳолни ўбдан мулоҳаза қилғайсан. Ваяна сени ғазаб қилиб таёқға ётқиздим, ондин кейин афв қилдим, ул жиҳатдин таёққа тортимки, ул фам-ғуссадин халос топдинг. Сенга ул халослиғдин нечук шодлиқ бўлди. Ул ишлар бу жиҳатедин бўлурки, агар бечора ожизени раҳм айламай ожизлиқ ерига ташлаб, азоб-уқубат остиға тортсанг, сенга бу ахвол мушкулдур, ул

ҳолки, анинг бирла қўнглиға ором ҳосилдур, ани қилғайсан, писанд қилмағайсан, ҳар ишеки лозиму лойиқ эмас эрди, ул ишни ўзингга лойиқ кўрмайсан, кишига ҳам лойиқ кўрмагайсан. Мен сенга қаҳразаб қилиб андин кейин илтифот айлаб маснади иззатда ўлтурғуздим. **Хулқи** хуш ва ҳукми дилкашлиқ бирла хотирингни ўзимга торттимки, сенки одамларнинг подшоҳидурсен, ҳалойиқлар сенга муҳтоҷдурлар. Ҳамма ҳалойиқ сендин бу марғуб ишларни ва маҳбуб феълларни кўрсалар, ўбданлиқ бирла ахволингни

177а // ёд қилғайлар, ожизларга андоқ қилғилки, ман санга қилдим. Бу ҳикмати нақдиналар ҳамиша Нўшировоннинг хотираиди бор эрди, то ул замонеки, подшолиқ ҳашамати кетти, анинг борасида замони мўъжиз баёни ҳадиси Ҳазрати афзали мавжуудот ва сайди коинот алайҳи афзал ал-саловот саллаллоҳу алайҳи васалламнинг каломи хужаста пайомлари Нўшировоннинг саодати сафҳасига футулиб ўзга куфффору, фужжорлардин имтиёз топти. Бовужуди куфрнинг зулмати анга ҳамроҳ эрди. Доги кофириларнинг қароргоҳи жаҳаннамдур, анингдин ҳалос бўлуб, аърофки азобуқубатнинг дорул омонидур, анда жой топти. Бу ҳикоятлардин мақсад улдурки, ҳикмати азалий ва иродати лам язали ҳоҳладики, тожу хилофотки анинг пояси эҳсону адолат жинсиға вобаста эрди, ани ранго-ранг ҳамида хислатлар, навъ-навъ писандида афъоллар бирла музаййан ва мураққаъ айлади ва подшолиқ хилъатики синф-синф фазилат ва камоли лутфу зарофат бирла мураттаб эрди, хоннинг сарафroz саодаттироz бошлари узра қарор олдики, улар подшоҳларнинг подшоҳидурлар. Саодат нури лутфи иноятнинг равзанидин равшанлик солғоч, Султон Саидхон от қўйдилар, токи соҳиби давлат ва раиятпарвар фуқаро аҳвол бўлиб, Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг бандачилигини қилиб, берган неъматига шукргузорлиқ қилғай. Анинг баракотидин бу рўзгорларда дину дунёга оид ва фоид бўлғай. Аввалан анвоъи меҳнатта аҳли оламнинг тоифалари анга

177б мубталодур, ул тоифаларнинг ахволларининг ҳақиқатга камо янбағий // огоҳ бўлмоқ лозимдур. Подшоҳлиқ вақтида ҳар

ишининг миқдориға боқиб, муомала қилғайки, улуг мартабаларга тараққий қилмоққа сабаб улдур.

Шеър:

Марди ҳунарманди хирад пешага,
Умр икки берса эди рўзгор.
То бирида тажриба ўрганса ул,
Бори дигар умри агар қилса кор.

Бу мухтасарда ҳар ердаки хони мутлақ мазкур бўлса, мурод Султон Саидхондур. Уларға ажойиб воқеалар юз келтурган эди, мақсад бу мухтасарда тўлароқ Султон Саидхоннинг маноқибатларини баён қилмоқдур. Мунинг тафсили улдурки, шариф насаблари йуқори таҳрир топиб эрди. Туғулғон замонидин то ўн тўрт ёшга киргунча давлат ва саодат маснадида ўлтуруб рўзгори фархунда осорни ўтказдилар. Ўн тўрт ёшга киргандин кейин оталари, Султон Аҳмадхон Олачахон оти бирлан машҳурдур, чўнг оғалари Султон Маҳмудхоннинг олдига бордилар, уларнинг чўнг ўғлонлари Мансурхондир, ўз ўринларида ўлтурмоққа муқарорар қилдилар. Мансурхондин кичик икки ўғлонлари бор эрди. Бирининг оти Султон Саид султон, бирининг оти Бобожоқ султон эрди, ҳамроҳ қилиб Тошкандга келдилар. Ахсининг жангиди хонлар гирифтор бўлдилар, муниг зикри мазкурдур, хон оталари бирла ҳамроҳ эрди. Вақтеки лашкарга тафриқалик тушди, ҳар ким жойида ўз жони бирла дармонда бўлдилар. Хон ҳам бир тарафда қарор олди. Бу аснода бир ўқ тегиб, зирҳдин ўтиб устихонға етти. Вақтеки лашкар бу ахволга қолиб эди, қочмокқа қувват бўлмади.

178a Вақтеки бу ахволни қўриб ул навохининг одамлари // буларни тутиб ҳеч кишининг олдига олиб бормай нечанд кун сақлади. Шоҳибекхон Тошканд жонибидин фот фурсат ёниб келди. То ул вақтеки хонға қувват ҳосил бўлди, Шайх Бояэид Ахсида барқарор эрди, Хонни анинг олдига олиб борди. Ул бандга тортти. То бир йил бўлғунча бандда эрди. То ул вақтеки, Шоҳибекхон келиб Танбални олиб ёнди. Андижон вилоятини Жонибек султонға берди. Жонибек султон Ахсиға келиб хонни Жонибек

Султоннинг олдига йиборди. Шоҳибекхон отасидек навозишлар қилиб сақлади. Ҳисор ва Қундузни фатҳ қилғон лашкарга ҳам ҳамроҳ бориб эрди. Ҳондин мундоқ эшиттимки таажжуб таҳсинлар қилиб айтур эдиларки, вақтеки Ҳисорни фатҳ қилғондин кейин, Султон Маҳмуд Қундузни фатҳ қилғон хабари келгандин кейин, оҳисталик бирла ёндилаар. Ҳисорни Ҳамза Султонга ва Ҷағонни Маҳдий Султонга топширдилар. Вақтеки Банди Оҳанинда йўл тор эрди, лашкарнинг тўлалиқидин Буя ва Тирмиз тарафи бирла юрдилар. Ул аснодаки Буядада боргоҳлар тикдилар. Туш вақти эрдики, мен мажлисда ҳозир эрдим, бир киши изтироб бирла келдики, ваҳшат асари зоҳир эрди. Бир хат олиб келиб бериб, тахтнинг поясида қўйди. Вақтеки хатнинг мутолаасига машғул бўлиб эрди, тағирири ҳол бўлуб, хатни тамом қўрмай, қўпуб ҳарамлари тарафиға юрди. Буюрдик, отни келтиринглар, ҳарамхонада бир муддат туруб намози пешиндин кейин отланди, қўп одамлар ҳам мулоэмматда бирла юрдилар. Бас, маълум

1786 бўлдики, Султон Маҳмуд Қундузда ўлубдур. Анинг жанозасини // олиб келибдур. Вақтеки лашкаргоҳдин чиқиб бир соат юргандин кейин кўп халойиқлар қирғиз ранглик сипоҳий либос бирлан жанозани қўйиб атрофида, саф-саф турубдурлар, буларни кўргандин кейин бу иш муояна бўлди. Ишорат қилдиларки, ҳамма халойиқ хоҳ подшоҳ бўлсун, хоҳ раиййат жанозанинг орқасидин пиёда равон бўлдилар. Ҳалойиқлар фарёд-фиғон қилдилар ва бу одамлар ҳам нолау хурушлар қилдилар. Вақтеки яқин еттанди ишорат қилди, ҳамма одамлареки ҳамроҳ эди, саф тузуб турдилар. Ўзи от бирла яқин борди, андоқки отнинг боши жанозага яқин турди. Буйрудики халойиқ паст бўлғай, ҳамма халқ таъзиятдин тўхтади. Маҳмуд Султоннинг умароларидин бир одамни қичқириб таъзиат воқеаларини сўраб соате сукут қилди. Ҳеч тағирири ҳол бўлуб, йиғламай бир соатдин кейин бошини қўтариб: «Маҳмуднинг ўлгани ниҳояти ўбдан бўлубдур, элтиб дафн қилинглар, деб ёнди. Ҳалойиқ айттики, Шоҳибекхоннинг давлати Маҳмуд Султон бирла барподур, дер эрдилар. Бу замон маълум бўлдики,

Шоҳибекхон ул миқдор Махмуд Султонга дилбаста ва муқаййад эмас экан. Онча сабру таҳаммул қилдики, ҳамма халқлар ҳайрон қолдилар. Махмуд Султоннинг ўлганидин мӯғул аҳлига зиёда мушқуллик юз келтурди. Анинг учунки Мӯгулистон халқига ҳамма ахволда Махмуд Султон ҳомий эрди, ул яхшилиқлареки уларға қилиб эди, зикр қилинди. Вақтеки Самарқандга еттилар, Мӯгулистон тарафидин Шоҳбегим келди. Бу мужмалнинг тафсили улдурки, Шоҳбегим хонларнинг волидасидур, Султон Махмудхоннинг қизидурки, Бадаҳшоннинг подшоҳи эрди.

179а Искандар Зулқарнайнинг наслидин эрди, // Султон Махмуд деган ўғлини ҳамроҳ қилиб, Мӯгулистонга бориб эрди. Мазкур бўлғон нечанд арозили бадгўй одамларки, она ва ўғулнинг аросида эрди, ушбу сабабдин бир-бирларига ҳаргиз мутиъ ва фармонбардор эрмас эрди. Ул навъ малолат фуборини қўпордики, ҳаттоқи фишт ҳам суда бўлди. Аҳли раияткни фитнаҳоҳ эрди, сўзни бу ерга еткуздиларки, бегимни Шоҳибекхоннинг олдига йиборгайлар. Бас Шоҳбегимни Мӯгулистон ерида турғузғайким, анда авқоти мушқуллик бирлан ўтгай, деб бу хаёли маҳол бирла бегимни йиборгайлар. Аммо бегим зиёда оқила эрдики, мунингдин илгари бир баҳона бирла ўғлидин жудо бўлуб, Самарқандга келиб, яна бир фарзандлари олдидаги масрур бўлди. Аммо сўз мардумлар орасида улдурки, ўғли карҳан йиборди. Ушбу ишлар аросида Хоразмга лашкар келди, отам Ҳурносонга қочди. Мунинг шархи фот фурсат келур. Ҳон айттики, Мирзо қочрондин кейин манга таваҳхум тўла бўлуб, ўн олти киши иттифоқ қилиб, Самарқанднинг ичидин қочиб келиб, Ҳўтук йўли бирла Қаротуқай Сайрамни босиб Мӯгулистонга келиб, Узун Аҳмад йўли бирлаки Еттикенд бирла машҳурдур. Еттикендда Султон Махмудхон бор эрди, аввал бу ҳол мазкур бўлдики, Султон Аҳмадхон вафот бўлди, Султон Махмудхон Мӯгулистонга келди. Султон Махмудхон нозикмизож эрди, салтанат ишида тўла бепарвонлик қилди. Ҳамма эл бунингдин шиква қилур эрдилар. Мӯгулистон андоқ саҳроедурки, бу навъ оғирлиқу бепарвонлик бирла анинг

1796 мухимлариға тоқати йўқ эрди. // Бу жиҳатдин хон Мўгулистанда туролмай Еттикендга келди. Анда зироат оз бўлуб эрди. Овқати ҳам филжумла ўтди. Султон Маҳмудхон уларнинг амаклари эрди, келиб уларга қўшилдилар, неча вақт амаклари олдида рўзгорлари ўтти. Нихояти қаттиқлиғ бирла Султон Маҳмуднинг сустлиқ ва бепарволиқиға хон тоқат қилолмай, ондин қочди, орқасидин неча кишилар йиборди. Уч кунда етиб жанг қилмоққа турди. Вақтеки жангнинг қаттиқлиқи охириға етти. Мақсад Али отлиқ бир киши Султон Маҳмуднинг кишиларидин эрди, хушвозлиқ, бирор нарса деб нағма тариқи бирла ғазал ўқур эрди. Жанг воқиъ бўлмоқнинг тўлароқи шунинг хоҳиши бирла экан деб, шунинг қасдига от югуртти. Кочиб ўзини рўяга тортти. Рўянинг орқасидин чиқиб ўқ отти, ўқ бориб хоннинг чап кифтига тегиб, устиконини синдурууб чап долусининг остидин ўтуб, ўнг долусининг тӯфасига борди.

Аммо чандон саъй қилдики, хоннинг қўлларининг қуввати тир сурмакка вафо қилмади. Захмдор бўлиб қочди, то икки йилғача хоннинг ўнг кўзи ва ўнг қўли кордин қолиб, эрди, аммо оз фурсатдин кейин жангда Мақсад Али деган мулозимларнинг бирининг қўлиға тушди. Хоҳладики, ани қилған гуноҳи жиҳатидин ўлтургай. Бирор айттики, агар буни хонни олдига олиб борсанг, ўз қўли бирла ўлтурса, мўъжиби миннат зиёда бўлур, деган сўз бирла тирик хоннинг олдига олиб борди. Хон шоду

180а хуррам бўлуб олдига қичқириб, на ўбдан // бўлубдурки, қўлға саломат тушибсен, мен тўла дилгир эрдим деб, бовужуди бир эгиндин зиёда, эгини йўқ эрди, ани бериб неча от ҳам берди. Анинг учунки, Мўгулистанда эгин кам эрди, аммо от, коло қаторлик жондор тўла эди. То охири ҳолгача иноят қилур эрдилар. Хоннинг бундоқ хулқи хуш ва макорими дилқашлари тўла эрди. Ҳар бири ўз маҳалида воқиъ бўлса керак. Хон бунча захмнок машаққати бирлан ўзининг биродари Султон Халил султон қошиға борди.

Султон Халил султон отаси ўлганидин кейин Мансурхондин қочиб Мўгулистанга келиб, Шерпеша деган ерга келиб, подшоҳ

бўлуб эрди. Неча муддат биродари бирла турдилар. Охири ҳолда Султон Маҳмудхон Мансурхон орасида ажойиб жанг ва гаройиб фитналар юз келтурди. Ул жангларда неча захмлар еттики, ул захмларнинг таъмини ақл бирла демак монеъ эрди. Тарихқа тўқуз юз ўнидин тортиб, то ўн тўртигача (1504, 1505, 1508, 1509) бу иккисининг орасида Мўгулистанда кўп жанг-жадаллар воқе бўлди.

То ул вақтеки, Султон Маҳмудхон ўз биродари ва Мўгулистаннинг тафриқа одамлари орасида танг бўлуб, Шоҳибекхоннинг олдига бордики, бу қисса мазкур бўлди. Вақтеки Мансурхон Султон Саидхон ва Султон Халил қолиб эрди, Мансурхон биродари-нинг тўғасига бориб, уларнинг орасида ҳам жанг воқе бўлди. Бу воқеа Мўгулистаннинг Олмоту деган ери машҳурдур, шу ерда қаттиқ жанг бўлуб, охирул амр Султонлар тарафига шикаст бўлди.

1806 Султон Халилнинг Мўгулистандин // умиди узулуб, амаки Шоҳибекхоннинг қошиға Аксига келдики, риоят айлагай, деб. Жонибекхон тутуб амаки Саид мирзо, Султон Али мирзо Бекчик, Тўбра Нуягутға тоғшурди, ки ани оби раҳматда ғарқ қилғай. Токи ул тарафдин эътимод ҳосил бўлрай. Ночор Султонни Аҳси дарёсида, оби раҳматта ғарқ қилди. Ондин кейин неча муддат тарбият ва иноятлареки бу жамоанинг борасида қилдиларки, биродарини ўлтуруб эрди. Мунинг баёни келса керак.

Аммо хон бу муҳорабадин қочди, эллик нафарга яқин одамлари бирла лозимлиқ от, коло қаторлиқ нарсасини олиб Олмотудин Дўлонға келди. Бунинг оралиқи ўн беш кунлиқ йўл бўлрай. Ул ерга келиб душманнинг ваҳмидин андак ором бўлди. Яна шул кунда яна бир киши келди. Ани тутуб аҳволидин тафаҳҳус қилдилар. Айттики, Ўзук деган ерга ўтра ҳол юрса, уч кунда борадур. Бир мунча жамоалар анда ўлтурубдур. Баҳрин қабиласидин келиб хоҳишлари улки, Кошқарға бориб Мирзо Абобакрға қўшулғайлар, мен улардин қирғизға бораман, деб қочиб келдим. Ондин булар ўлтуруб маслаҳат қилдиларки, ўзи борғали бу одамлар орасиға киргай, шояд ушбу раият бирла филжумла ором ҳосил бўлгай, деб бу бобда Ҳожа Али баҳодир зиёда муболага қилдики, Ҳожа

Али Баҳрин одамларидин эрди, аммо шиҷоатда ва тирандозликда беназир эрди. Вақтеки, хон Самарқанддин қочиб ўзининг амаки Султон Маҳмудхоннинг қошиға келди, бу Ҳожа Али баҳодир Еттикендда Султон Маҳмудхон

181а халқининг // бирининг қошида эрди. Вақтеки хон келиб эрди, ихлос ақидасини жон-дили аросида маҳкамайлаб, хонга мулоэзим бўлди. Ул кунки хон қочиб, Мақсад Али созанда захмнок қилиб эрди ва неча жангларки Мўғалистонда воқеъ бўлди, тўлароқ бунинг қулидин таажжуб ишлар пайдо бўлди. Ақлу фаросат бирла ҳам мумтоз бўлуб эрди ва ул кунларда тўла ишлар анинг маслаҳати бирла бўлур эрди. Ул Ҳожа Али бу ишда муболага қилди. Колғон аҳли маслаҳатларнинг раъийи бу ишқа йўқ эрди. Ҳожа Али арз қилдики, агар бу жамият борса, эҳтимолеки улар таваҳхум қилғай. Бу хил ҳашам бизларга барҳам бериб тутуб олмоқ тамаъида бўлғай. Бу муҳдол ишлар уларнинг димогига дев васвасасининг жойидур. Ондин чиқмаса сабаби тафриқаи ваҳшат бўлғай, маслаҳат будурки, бу банда рикоби ҳумоюн жанобингизда хизматкорлик қилиб қолғон халқингиздин мумтоз бўлса, қолғонларнинг ҳаммаси бу ерда беш кун таваққуф қилса, агар улар насиҳат бирла бандавор фармонбардор бўлиб, хаёли фосидасарлари тасалли бўлиб, ваҳми ботиллари сафойе ақидаси бирла ҳазратга мубаддал бўлуб вафодорлиқ айласалар, фахувал мурод агар андоқ бўлмаса, зиёда суръатлар бирла ёниб келсак, манфаатга яқинроқ бўлса керак. Анинг учунки бу вақтда лашкарни риоя қилмоқ лозим. Агар ҳамма лашкар мулозамат қилса, лашкарнинг қувватининг йўқ бўлмоқиға сабаб бўлур, деди. Бас бу сўз аҳли маънилар хотириға маъқул тушуб, хону Ҳожа Али равон бўлдилар. Уч кунлик йўлни

181б бир кечакундузда // босиб, чошт вақтида еттилар. Ул жамоатнинг яхши ва ёмонлари олдилариға чиқиб тавозеъу таъзимки мўғул аҳлиниң расми эрди, бажо келтурди. Андин беадаблик ва густоҳлиқ бирла сўз бошладилар. Ҳожа Али мулоиматлик бирла насиҳатлар қилиб айттики, жами аҳли мурод мақсудиға

етти ва матлуб нақдини талаб илки бирлан тутти. Бир соҳиби давлатнинг этагини икки умид қўли бирла маҳкам тутубдур, деб сўз **Хожа Алиниг** оғзида тамом бўлмаб эрди, улар айттилар бу бетаъм сўзки, умоч ўхшашдур. Умоч миқдорича мазаси йўқдур. Ани айтмағил, хоннинг сўзининг нима иши бор, биэларнинг хонфа мутеъ ва фармонбардор бўлғунчалик истеъдодимиз йўқдур, деб эди. **Хоннинг** отининг жилови **Хожа Алиниг** қўлида эрди, тортиб олиб хон тарафга ташлаб, хонни қўябериб **Хожа Алини** тутуб, ўз уйлари тарафига олиб юрдилар. Хон жон ваҳмида хайрон бўлиб, суръат бирла мурожаат қилдики, мабодо тутиб Мирзо Абобакр қошиға олиб бормагай, деб камоли ҳайратда изтироб бирла юрдиларки, ўз лашкарига етгай, олди-орқасига қараб зиёда эҳтиёт қилди. **Ҳар** борада хон бу ҳикоятни қилди. Мен айттимки, танҳолиқдин вахшат зиёда юз келтурди бўлғай. Айтти онча эмаским мундин илгари ҳам Мўгулистонда танҳо қолиб кеча-кундузларни ўтказдим, яна халқимиға қўшуладум деди. Вақтеки пора йўл юрдилар йироқдин сипоҳий пайдо бўлди. Хон ўзини бир гўшага олиб отини ҳам шул гўшада маҳкам боғлади, ўзи йўл узасида

182а яшунуб // турди. Вақтеки етти, қўрдики бир одамдур, сабр қилди токи яқин келди, камингоҳ ўқни ёнинг қабзасига қўйуб аниг олдига тушди. Ул одам камоли вахшатидин ҳаракат қилғунчалик мажоли қолмади, ўзини отдин ташлади, хон тануди, ул одамки ушбу халқлардин қочиб, қирғизларға борран эди. Ушбу номардумларнинг хабарини ул айтиб эрди, ул ҳам хонни тануб узангусини бўса қилди. Хон анигдин ўз халқининг аҳволини сўрдики, на ерда турибдур. Айттики, ул кун сиз **Хожа Али** бирла юрдингиз ул жамоат орасида ихтилоф пайдо бўлди. Сўз улки фалони айтадурки, кеча хоннинг боргоҳининг ташида туриб эрдим. **Хожа Али** баҳодир хонфа айттики, бу жамоаки бизларнинг эрди от-улоғ, асбоб, олот ҳосиллари анча йўқ ва ул одамларнинг саранжомлари тайёрдур. Агар булар бирла борсақ бу мулоғизмларнинг ҳар бирлари мирзодадирлар. Уларға тақдими таҳаккум бирла зиёдалигини хоҳиш қилурлар. Уларнинг бу навъ ишларига

тоби тоқат қымоқлари маҳолдирлар. Бизнинг булар бирла ҳеч мурод-мақсудимиз ҳосил бўлмас. Биз булардин жудо бўлиб, бориб уларға қўшилсан, булар на ерга хоҳиш қылсалар борурлар. Биз ул жамоанинг қуввати бирла бир иш тутғаймиз деб эрди, хон бу маслаҳатни бағоят писанд қилди.

Андин эмди хон бу ерга келмайдур, деб бу сўзни фош қилди. Улар бу сўзларни эшитиб, ноумид, ранжида хотир бўлуб, ҳар қайсалири ўзича тафриқа бўлуб ҳар тарафга юрдилар. Бир мунча уларнинг сардорлари Муҳаммад мирзо ва Шоҳ Мирак мирзо ва Зигул баҳодирлар эрди. Улар

1826 Турфон тарафиға юрдиларки, Мансурхон // нинг пойтахти эрди. Яна бир мунча одамларки сардорлари Қароқулоқ мирзо эрди, Андижон тарафиға юрдилар, ул умид бирлаки шояд Шоҳибекхоннинг олдира борди бўлғай. Яна бир мунча жамоатки Хушкелди Кўнгилдош, Азиэберди уларнинг улуғи эрди, Кошқарға Мирзо Абобакрнинг қошиға борурға аэм қилдилар, деб бу тафсилни баён қилди. Хон доим айтур эрдиларки, бу паришон сўзларни эшитгандин кейин мутаҳаййир бўлуб вахшати азим юз келтурди. Сўрдимки, неча кун бўлди? Айтти: — Ул лаҳзаки сиз уларнинг назаридин ғойиб бўлдингиз, бу гўфтугўларни қилишиб тафриқа бўлдилар. Соате ўзлукимдин кетиб узоқ тафаккурға қолиб ўзумни бу ишға муқаррар қилдимки, Нориннинг жангалида отни бир жойда қўяйки, ондин қочиб чиқолмагай, ўзим пиёда кийикнинг камингоҳида туруб гўштини еб, терисини кийиб, неча йилни ўтказай, то улки олами ғайбдин на тариқалиқ иш юз келтурса анга боқиб амал қилсан, деб равон бўлдум.

Мўғулистан одамларининг орасида расмдурки, ёш баҳодир одамлардин бирда бири ёлғуз саҳроларға, ё тоғларға, ё жангалларға бир ой ёки икки ой одамлардин йироқ ерларга борур эрдилар. Уларнинг бу пўшишу хуришлари кийикнинг гўшти ва пўсти эрди. Бу ранг ишни камоли марданалиқдин санар эдилар. Бу ишнинг воқеъ бўлмоқлиғи мушкулдур, деб ўзини мундоқ ажойиб пурхатар ишларға қарор қилиб, ғуломи мазкурға рухсат бериб ўз ишиға юз

келтуруб, бир муносиб ер топиб анда кечани ўткарди. Вақтеки субҳ бўлди, мўғул одамларининг расми бирла

183а эҳтиёт қоидасини лозим тутуб, келган йўлига ёниб, бир баланд ерга// чиқиб турдики, келган борғонлар кўрунгай. Ул ерда икки тарафга наззора айлади. Мақсад бу эҳтиётдин ул эрдики, то киши орқадин келиб, ул ерда камин қилин бўлса, ўз ишининг фикрини қилғай. Кўрдики, ҳеч тарафдин одамидин асар мавжуд эмас.

Чошт вақтида юруб то нисф кечагача юрдиларки, ҳеч киши ётғон ерини ва ўзини билмади. Мундоқ эҳтиёт қилмоқ мўғулийларнинг расмидур. Бас хон бир ерга тушуб ҳар тарафга қараб ўлтуруб эрди, бир замондин кейин хоннинг ёниб келган йўлидин бир сипоҳ пайдо бўлдики, хон анингдин таваҳхум қилдики, орқадин қуғлаб келди бўлғай. Аммо яқин етти, кўрдики бир кишидур, анчаки эҳтиёт қилди орқасида киши йўқ. Ўз қоидаси бирла камин қилиб ўлтурди, эшиттики ул киши фарёд қиласидур. Андоқки бирорни қичқирғай, овозидин танудики Хожа Али баҳодир экан. Ул ҳам хонни тануб, отдин ўзини ташлаб келиб, кўришиб қучоқлашиб йиглашдилар. Билдики шумдоқ мушкул вақтда ўбдан марғуб иш бўлди.

Байт:

Жудо бўлғонда ёри бирла ёре,
Ани издаб кўрушмак турфа коре.

Кўрушгандин кейин сўрдики: Қаён олиб борди, нима ахвол юз келтурди? — деб. Хожа Али айттики вақтеки мени олиб боруб отимни бир ерга йибориб, мени ўз ошноларидин бирорнинг уйига йиборди. Бир соатдин кейин бир кампир пайдо бўлди, анинг манга ошнолиги бор эрди. Бир холи ерга келиб манга тўла таънамаломатлар қилиб айттики, мардонавор бўлғилки, хон онасининг қўрсоқида ва бешукда эди, сен

183б мақсадидагидек хизмат қилмай, беҳимматлик қилиб, шундоқ // тахт- тожлиқ улуғ хонни қўюб ўзунгни ниҳояти паст ҳимматликдин тубан ташлабсен. Энди қўпғил, агар отинг бўлмаса фалон ерда менинг отим бор, олиб келгилки, қадимдин сенинг дўстлукунг менинг

қўнглимда бор эрди, ҳаракатга келди, деган замон бориб ул ердин отни топиб олиб келиб эдим, манга навозишлар қилиб айттики, раҳмат сенга, мардоналик ишини шумдоқ қилмоқ керак. Ўбдан хаёл қилингки бу сўзнинг ниҳоятида хўблуқ мұяссардур. Манга неча йилдурки, ушбу тариқада оламни ўтказдим. Ҳар вақтда оламдин хабар олдимки, бу фалак бир ҳолда қўймайдур, албатта огоҳ бўлмоқ лозим, деди. Аңдин ўзумнинг кору борима машғул бўлуб, ниҳояти мардоналик бирла ва дилнинг қувватида ва хушҳоллиқда равон бўлдум, деб бўлғон воқеаларни баён қилди.

Алқисса хон ҳамроҳлари бирла кетиб борур эрди, бир қуни олдидин неча қаро кўрунди. Мунингдин эҳтиёт қилдилар. Вақте-ки яқин етти, Ҳожа Алининг икки биродари: бири Така, яна бири Али мирак дер эрдилар ва икки қуёв ўғул: бирининг оти Асил Фўлод, бирининг оти Бузана эрди. Яна улар бирла бирининг хизматкори ҳамроҳ эрди, етиб келди. Ҳонға аввалқи подшоҳлиқи юз келтурди, ҳол-аҳвол сўрдилар, ушбу тариқа бирлаки, зикр қилиниб эди. Айтти: Ҳушкелди ва Азиэберди Кошқарға азми сафар қилиб эрди, улардин жудо бўлди. Қолуж деган заифаларнинг хўброқи эрди, хон анга Маҳдум оти қўйиб эрди, Мўгулистанда замона уйрилган вақтда хон никоҳига олиб эрди,

184а неча отлиқ бирла ҳамроҳ бўлиб хоннинг хабарини англаб илдам // орқасидин юриб кеча бўлғонда етиб борди. Буларнинг оти товушини англаб дарҳол уларға ташвиш пайдо бўлди. Ҳонға нечанд қиши ҳамроҳ эрди, қичқирдилар. Улар хоннинг овозини эшитиб хушҳол бўлиб дарҳол юз келтуруб, хоннинг узангусини бўса қилиб, шукргузорлиқ қилишдилар. Ажиб ҳолдурки, фалак кажрафторлиқ тариқаси бирла ўйнатадур. Умид ушбуки, хушҳоллиқка охир фалак бедодлиқ заҳрини торттурмай қўймас.

Байт:

Фигонким, бу фалакнинг дастидин ҳар лаҳза бедодин
Ки тегурмиш гириҳ дилларни бир қун очмагай ҳаргиз.
На ерда топса бир вайронга дилни бўлса бир доғи,
Қилур минг дорлиқ, ҳеч шод дуррин сочмагай ҳаргиз.

Бу сүзларнинг тимсоли мақсуд ушбу ҳолдиндур. Ҳон Ҳожа Алиға улашмоқлиқ бирлан филжумла ваҳшатдин ором топти. Андин Така бир гуруҳ жамоалар бирла етиб келди. Ҳамма пароканда бўлган жамоалар жам бўлмоқлигидин ҳон таскини хотир бўлди. Ул хизматкор бирла ҳоннинг ҳарами бор эрди, васл бўлди. Шодхуррам бўлиб, ҳаммалари бир-бири бирла кўришдилар, умид туттики бу кеча фароғат бирла уйқулағаймиз деб. Ҳон эгин, оёқ ўтигини солиб эрди, Азизберди келиб эгин оёғини кийдурди, ҳарчанд оғир келди, ночор бовар тутти ва эгин оёғи бирла ёттилар. Неча қундин бери осойиш бирла ётмаб эрди, йўлнинг машаққатидин, уйқусизлиқдин бисёр ранжу машаққатлар тортиб эди, ҳануз уйқуси охирига етмаб эрдики, бир бева заннинг, яна бир кишининг овози чиқди. Ҳон уйқудин тебранди. Кўрдики, ғаним теваларнинг аросида ўт ёндурубдур,

1846 равшан бўлди. // Үрмокқа ва тутмоққа машғул бўлди. Ҳожа Али дарҳол тиркашни боғлаб етиб келди. Ҳон ўзини рўшнолиқдин қоронгулиққа олди. Ганим рўшнолиқда ўз ишиға машғул бўлиб тийрборон қилди. Андоқки ҳар тарафдин эранлар ва бевалар ўзини қоронгулиққа олиб, ўқ отмоққа машғул бўлди. Ганим ўзини рўшнолиқдин ташқари олиб отланди ва бу жамоаларму ҳар тарафдин пиёда ўқ отмоққа машғул бўлдилар. Аммо қоронгулуқ жиҳатдин бир-бирини таҳкиқ қилолмади. Неча ҳалқлар ҳонға мувофақатлик қилиб ўқ отдилар қолғон ҳалқлар отига миниб ёнди. Бу жамоалар Мирзо Абобакрнинг ҳалқи эди. Уларни Мўғалистонға буйуриб эрди. Ҳар вақтеки Мўғалистоннинг саҳроларида топилғон кишиларни тутар эрди, ёмонларни ўлтурур эрди. Ва бу Мирзо Абобакрнинг ҳалқи ҳамиша Мўғалистон ҳалқига барҳам ураг эрди. Намози дигар вақти бўлиб эрди, бир жамоа ҳалқлар келиб тушдилар. Ул ердин табаеға борди, кеча охирига етмаб эрди. Ҳар киши отини ўтга бойлаб эрди, олиб қочдилар. Ондин кечаси шабихун урди. Ҳеч от қолмаб эрди магар бир неча семиз отларини ўтга қўймай совутиб қўйиб эрди, ул отларни ҳоннинг ҳалқи ва ҳарамлари ва куёв-ўғлонлари миниб

юрдилар. Хоннинг отини ҳам тутиб олиб келди. Тонг отди. Хоннинг ахволи танг бўлди. Ҳарна борийки, аҳли аёл бу жамоалардин эрди, мазкур бўлған икки ҳарамдин ўзгаси ғанимнинг қўлиға тушди. Бир-бирлари бирла кўришолмай қолдилар. Аммо

185а анча қочдиларки, // зуафолар эр-хотунидин отини илгари юритди. Хон тафаккур қилиб мардоналик бирла қуввати бозулуқға ишониб тўхтаб турди. Ғаним уларнинг орқасидан юриб эрди, ҳар киши ноумидлиқдин қочмоқлиқға юз қўйди. Нечанд суръатлар бирла юриб яқин етти. Хон тадбир бирла уларга ўқ отиб тўхтатди. Тоинки жамияти ороқадин етиб келгай деб, яна қочмоқлиқнинг жиловини қўя берив, ёнинг юзини ёронлари тарафиға орқасини ғаним тарафиға қилиб ўқ отдила. То намози хуфтанғача бу тариқада эрди, шабихун урғон ерни Чўлғайдага Ўтмуқ, Мангун Арча дер эрдилар. То намози хуфтанғача Кумала Қожуроға етдилар. Бу ернинг масофоти беш кунлик йўлдур. Эру мазлумалар жангалинг пинҳон ерларига тушиб қарор олиб, ўзларини эҳтиёт бирла махфий тутдилар. Хоннинг хотуни, яна икки-уч мазлумалар бир неча эр-халқ қолдилар. Ўзгалар ғанимнинг қўлиға гирифтор бўлди. Андак халос топгандин кейин намози хуфтан бўлди. Ғанимнинг қўрқунчидин бир ерда жам бўломай тафриқа бўлиб, Кумала деган жангальда Қожуро ичидан пинҳон ётдилар. Фоят ваҳшатдин баъзиларнинг оти ҳориб эди, отларини бошлаб пиёда жангаль орасига кирдилар. Вақтеки субҳ бўлди ҳар ким жангальларда эгиз ерларга чиқиб қароладилар. Ҳеч душманнинг асари қўринмади. То туш вақтиғача ҳар ердаки бор эрдилар қичқиришиб бир-бирларини топиб, баъзиларики узоқ ерларга кетиб эди, уларнинг ҳолидин хабар ололмадиларки, оё балоға гирифтордурлар, ё йўқ ондин тафаҳҳус қилдилар.

185б Хоннинг // ҳарамлари яна икки-уч кишиидин бўлакларини топтилар. Ул кун ушбу ерда турдилар. Андоқки юргунчалик қувват қолмаб эрди ва дағи маълум эмас эрдики, қаён борғаймиз деб фикру хаёл қилдилар. Ҳар киши ўз ройи бирла маслаҳат

қилур эрди. Ҳар қайсилари бир андиша қылсалар ондин бир истиҳола бўлур эрдики, ақл ондин ожиз келур эрди. Неча навъ маслаҳатларни муқаррар қилдилар. Аввалиси улки жангл ичига кириб кетгайлар, ободонлик ерга бормоқнинг ҳавасини бошдин чиқарғайлар. Ул бобда асбоби ҳарбга сархисоб бердиларки хоннинг сағдоқида бир ўқ қолибдур. Ўзгаларнинг қўлида газ ўқидин бўлак ҳеч нарса йўқ, яроқсиз биёбонга кирмақ мушкулдур дедилар. Қипчоқ тарафига бормоқлиқки, мұғул хоқонлари омон оладурғон ерлари улдур, анда ҳам ўқсиз, асбобсиз бормоқ мутааэзирдур. Кошқарға бормоқ ўз аёfi бирла тирик гўрга борғонга ўхшашдур. Мансурхоннинг қошига борғоли ҳам бўлмас. Анинг учунки анинг бирла ҳам жанг воқеъ бўлуб эрди. Шунча меҳнату бало Мансурхоннинг сабабидин эрди. Охири маслаҳат шунга бордики, Андижонға борғаймиз, шоядки, Шоҳибекхон, Султон Махмудхонға риоя қилди бўлғай, деб хон бу воқеани неча тақрор бирла бу каминаға тақрир қилиб эрдики, ҳар киши Шоҳибекхоннинг олдига борурни хоҳиш қилса, Шоҳибекхоннинг мизожини билмаган киши хоҳиш қилса, керак деди. Ҳар нечаки донолар манъ қилдилар. Неча муҳол ишларники ўз олдиларида маъқул

186а қилиб эрдилар, ҳаргиз монеъ бўлмади. Мен уларнинг // ишларига юз инкори эътиroz қилур эрдим. Андоқки мен бир йил Шоҳибекхоннинг қошида туруб эрдим, тамом анинг мизожини ва умароларининг ниятини ўбдан кўриб билиб эрдим. Манго яқин эрди. Анчаки қилурман деганини қилурлар. Ҳар неча мен бу сўзларни буларға айтдим, улар айттилар ҳар навъ маслаҳатлареки қиласизлар ҳар жумласи маҳолат жумласидур. Аммо ушбу тарафда бормоқдин ҳеч ўбданлик маълум эмас. Бундин бўлак анчаки хотирға етти, айтмоқ лозим токи бизлар жами ишларда жону дилимиз бирла мутеъю фармонбардордурмиз дедилар. Хон айтти мен ҳам чандон тааммул қилдим, бундин бўлак ҳеч сурате топмадим. Субҳона зилқудрати вал жабарут. Анча мен одамларни сарзаниш қилдим. Ўзим билиб кўриб, ул ишни лозим тутдим. Мундин бўлак ҳеч чора йўқдур.

Мисраъ:

Күргачу, билгач, балоларға үзимни ташладим.

Эртаси үзимизга үлимни муқаррап қилиб, Жонибек Султоннинг олдиға юз келтурдикки, Шоҳибекхоннинг мулоғиматининг аввалқи пояси эрди. Аввалқи поянинг то лаҳаднинг қаъриға келгунча ҳеч тафриқаси йўқ эрди. Бу воқеада тарихға түққуз юз ўн тўрт эрди. Султон Маҳмудхон шаҳодат топғондин кейин бир ой ё икки ой илгари Султон Ҳалил султон ҳам раҳмати Ҳакқа ғарқ бўлди. Буларнинг жумласи илгарироқ кетиб эрди. Бу тарихда Бобур подшоҳ Кобулда бир мунча истиқорор пайдо қилиб эрди. Вақтеки хоннинг ҳикояти бу ерга етти, додамнинг, Бобур подшоҳнинг сўзини қилинмаса сўзниң тарзи зийнатдин қолғусидур.

САКСОНИНЧИ ФАСЛ

1866

**ДОДАМ МУҲАММАД ҲУСАЙН КЎРАГОН
АНОРАЛЛОҲУ БУРҲОНАҲУ ШОҲИБЕКХОННИНГ
ҚОШИДИН ХУРОСОНҒА БОРҒОНИ ВА НЕЧАНД
СЎЗ АНИНГ ИНГИЗОМИҒА ТААЛЛУҚДУР,
АНИНГ ЗИКРИ**

Мунингдин илгарироқ сўз тарзини бир тариқа бирла тақрир ва таҳрир қилинуб эрди. Вақтеки Султон Маҳмуднинг лашқари Қундузға етти муноқаша ва мунозаат қилмай халос тоғтилар. Менки бир йилға Така ва Ҳусравшоҳнинг қайдида асир эрдим, халос бўлиб бориб, отамға қўшуладимки, Шоҳибекхон отамни қўчурриб Шаҳрисабзга элтиб эди. Қавснинг аввалида Шоҳибекхон Ҳоразмға юрди. Мўғулнинг улуғлари хоҳ подшоҳ, хоҳ умаро тобелари бирла үзбекнинг аросида эрдилар. Давоми хавфу вахшатни кўнгилларида сақлар эрдилар. Маҳмуд Султонки ҳамма

ишларда мұғул халқыга ҳомий әрди, бу ахволнинг аросида вафот бўлди. Мўгулнинг тамоми бу воқеадин зиёда ғамнок ва вахмнок әрди. Алалхусус додам анораллоҳу марқадаҳуға андоқ меҳро-му-ҳаббатлиғи бор эрдики, агар Шоҳибекхоннинг аркони давлатининг бирда-бири додамнинг ҳаққига ҳасуд қиласа, додамға риоя қилиб, бир тариқада сиёsat бирла уларнинг синаи пуркиналаридин бад андешаликни йўқ қилур әрди. Ҳамма умаролар додамнинг хотириға риоя қилмоқни ўзига лозим тутар әрди. Султон Маҳмуднинг ўлганига Мўгулистон ҳалқи, хусусан, додам тўла зиёда вахмнок ва ғамгин бўлиб эрдилар. Аммо Шоҳибекхон амир Жонвафо додамнинг ошноларидин әрди, маҳфий айтибдурки Ҳоразмни олиб ҳалос бўлғали бўлмайдур. Ҳеч важҳида ёнғоли ҳам бўлмайдур. Шумдоқ маълум бўладурки, ҳали бизга тобе ўзбек, мўғул бўлуб, ўттуз мингра яқин киши бор. Модомики мўгулнинг умаролари бўлса, ҳаргиз ақида ихлос бирла

187а тобе бўлмайдур. Агар қўлиға вақти // фурсате келса, улар ҳам бизга ул ишни қилодурларки, биз уларға қилдуқ. Уларнинг аввалиси Муҳаммад Ҳусайн Кўрагонийдур, аниг фикрида неча кунлардурки фикри тааммул қилибдурман. Аниг учунки ани ўлтурган хонларнинг бирини ўлтирмақдур. Бу амрға қадам қўймоқлик хонларнинг ҳаммасини ўлтиргандек бўладур, деб хонларнинг жиҳатидин ўтказдим. Аввалиси улки, сен уларға бу маслаҳатдин бир хабар йиборгилки, жидду жаҳд қилиб то қуввати борича қочсунким, ажалга қўшуулмоқ хўб эмас. Анингдин кейин мўгулнинг умароларининг ҳаммасини ўлтуруб саранжом қиласиз деб. Амир Жонвафо ушул соатда изтироб бирла киши буюрудики, намози пешин вақтида додам фарзандларининг орасидин мени айриб олиб, ходимларнинг орасидин ўн олти кишини ҳамроҳ қилиб, Ҳурсон тарафиға қочиб юрдилар. Бу камина бу воқеани хобу хаёлча биладурман. Ул кунларда Султон Сайдхон ҳам Самарқандда эди. Бизлардин уч кундин кейин Мўгулистон тарафиға қочдилар. Бу ҳикоя сабит бўлиб эрди. Аммо онча додамнинг фарзандларидин Шаҳрисабзда қолиб эди, уларнинг чўнгроқлари Ҳабиба

Султонхон эрди. Шоҳибекхон Тошканда ҳарамининг олдида қолиб эрди, Султон Махмудхоннинг қизи эрди. Анинг оти Ойша Султон хонимдурки, бу замонада Мӯғул Султонхон от бирла машҳурдур. Неча муддатдин кейин Абдуллохонки Султон Махмуднинг ўғли эрди, анга анча такаллуфлар бирла нисбат қилдилар, улардин кичиклари Гавҳаршод бегимдурлар. Уларни амир Жонвафонинг ўғли Амир Ёр эрди ўзбекнинг

1876 // улуғларидин эрди, анга бердилар. Улардин кичикларики ман банда эрдим. Яна Мухаммад Шоҳ деган додамға қайош эрди. Ани орқамиздин Ҳурносонға олиб келиб эрди. Яна Абдулла мирзонинг йуқори зикр қилиниб эрди, анинг онаси Султоним бегим ҳамроҳ эрди. Уларнинг ахволларини ҳам айтилса керак. Бу жамоалар Шаҳрисабздин қундузнинг охирида юруб, Аму дарёсининг лабиға еттукки, ҳаво зиёда совуқ эрди, анча машиққатлар бирла Аму дарёсидан ўтуб, Балхга бормай, Ҳурносон тарафига юрдук. Султон Ҳусайн мирзо давлати умрининг охири эрди. Аммо Мирзо Султон Ҳусайн Мирзо Жаҳонгирнинг ўғли, улар Амир Темур Кўрагоннинг ўғли эрди. Анингдин то Амир Темурғача буларнинг аждодидин ҳеч кимга салтанат мусассар бўлмади. Аммо бу Мирзо Султон Ҳусайн шамширнинг зарби ва ижтиҳоднинг қуввати бирла нечанд йиллар анча меҳнату мешқат бирлан Ҳурносонни олиб, қирқ саккиз йил шаҳри Ҳиротнинг таҳтида барқарор бўлуб, Ҳурносоннинг тўрт юз шаҳрига подшоҳлиқ қилди. Аҳли оламнинг тоифаларининг аснофлариға тартиб айламакка қўшиш айлаб, токи корини ул ерга еткуздики, ҳар фурсатда ва ҳар замонда олим одамларнинг орасидин бир-икки кишини тарбият айлаб, олимгирилик ишида андоқ моҳир қилдики, ул охир замонда уларнинг ўҳашши йўқ эрди. Вақтеки ҳикоя бу ерга етти, ҳарчанд тааммул қилдим ва мутаҳаммил қўрсаттимки бир мунча арбоби мушоҳада ва асҳоби мукошифаларнинг ҳол-аҳволларини тақорир ва таҳрир айласам, ўшал замонда бор эрдилар.

188а //Инститоатимнинг озиқи, муносабатимнинг камлиқининг жиҳатидин ўзлугимча қилолмадим. Ажиб улки ҳеч тариқа бирла ўз

ботинимдин ҳам бир рухсат топмайманким, бу мусаввада уларнинг зикрларидин холи қолгай ҳар ҳол бирланки бўлсан уларнинг зикрлариға шурув қилдим. Умидим улки, уларнинг зикрларининг юмни баракотидин қаламимнинг хатосининг қаролики аройизлар сафхалариға етмаклик бирла оқариб аҳли диллар ҳузурларида манзур ва соҳибназарларнинг олдида мақбул бўлса керак. Ва уларки бузургони ҳақ ва баргузидағони мутлақурлар, уларнинг ахволларини мазкур ва авсофларини мастур айламақдин бу хоксорнинг ихлоси бошиға ҳам зарраи хосият етгай. Ва ўтган неча вақтлардаги асҳоби жоҳ ва арбоби дунёнинг тазкиралари мусаввадаси бирла умрни зое қилиб эрдим филжумла кафорат ва тадорук бўлгай. Байт:

Тогмасам шукр отидин ўзга баҳр,
Яхшироқ ондинки қилсан ёди заҳр.

Пири Ҳири: зубдаи ансордур,
Рахмати Ҳақ анга ҳардам ёрдур.

Ул пири Ҳирот ва соҳиби мақомот, мақбули ҳазрати Борий Ҳожа Абдуллоҳ Анзорий қуддиса сирруҳу айтибурларки, жидду жаҳд қилғилки, Ҳудонинг дўстларининг жумласидин бўлгайсен, агар бўлолмасанг Ҳудонинг дўстини дўст тутғонларнинг жумласидин бўлғил, агар улардин бўлолмасанг ҳар вақтеки аҳлулоҳ тоифасининг сўзларини эшитсанг, агар таъсир қилмасаму бошингни ирратиб таслиму таҳсин қилғил. Агар муни ҳам қиломасанг, уларга душманлиқ қилишни ташлағил, аниг учунки тўла одамлар душманлар суратида келдилар. Вақтеки улар олдилариға

1886 // яқин етсалар, дўстлуқ либоси бирла кирдилар. Яъни ҳар ахвол бирла бўлсанг, уларнинг атрофларидин йироқ бормагил! Андоқки, саҳобаи киромлардин тўлароқи мусулмон бўлишидин илгари Ҳазрати Расулулоҳ алайҳи ва саллам ҳузурлариға душманлиқ йўли бирла келдилар. Аммо он Ҳазрат саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг суҳбати софий сийратлари баракотларидин душманлиқ дўстлукқа, куфр исломга мубаддал бўлди. Андоқки, тўлароқ мункирлардин инкор учун бузрукларнинг олдиға бордилар. Улар-

нинг ишларига айни инкор қилдилар. Бу маънининг борасида бу тоифаларнинг китобларида ҳикоятлар ва ривоятлар бисёрдур. Бас агар ул жумладин бўлолмасаму, уларнинг авсофларини зикр қилғучи бўлғаймен, рости улдурки бу ҳам улуғ давлатдур. Анинг учунки, дасти қўтаҳларнинг қўли бу давлатнинг доманига етмайдур. Ва бу тоифаларнинг зикрини фикру тахайюл қилмоқ ўзга ишлардин хўброқ қўринадур. Байт:

Фикрим ўлсанг сен, нечук кўргум висоли ўзгани,
Бил хаёлингга тенг этманким жамоли ўзгани.

Вақтеки бу каминанинг ҳадди ул ишфа етмайдурки, бу тоифаларнинг зикридин андак коғаз сафҳасини қаро қилингай. Бас ичор бу мухтасарда бу тоифаларнинг сўзларини филжумла тайаммунан ва табаррукан нечанд сатр узра рақам қилинди. Хурсандии хотир ва тасаллии ботин учун. Рубоий:

Дилбаро, зикринг лабимдин лаҳза хомуш ўлмағай,
Ёдинг ҳам хотир хаёлимдин фаромуш ўлмағай.
Иштимолингдин агар ҳар ерда бир гуфтор ўтар,
Ким вужудим зурриётидин бехабар гўш ўлмағай.

САКСОН БИРИНЧИ ФАСЛ

**МАХДУМИЙ ШАЙХУЛИСЛОМ ҲАЗРАТИ
МАВЛОНО АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ
АЛАЙҲИ РАҲМА ВАЛ МАҒФИРАНИНГ ЗИКРИ**

189a

Ҷулар Султон Ҳусайн Мирзонинг замонларида авлиёи // бузруквор ва муршиди олий миқдорки бор эрдилар, ҳаммадин афзалу олимроғи Мавлоно Абдураҳмон Жомийдурлар, наввараллоҳу марқадаҳу. Уларнинг овоза ва шуҳратлари ул мартабадурки, таъриф қилмоқға ҳожат йўқдур. Булардин баъзи ахвол ва силси-

лаларини баён қилинур. Ҳазрати Мавлавийи Жомий Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин Кошқарийнинг муридлари дурлар. Булар Ҳазрати Мавлоно Низомуддин Хомушнинг муридлари, булар Ҳожа Алоуддин Атторнинг муридлари ва булар Ҳожа Баҳоул хаққаваддин, яъни Ҳазрати Ҳожа Накшбанд алайҳи раҳма ва-ла-мағфиранинг муридлари дурлар.

САКСОН ИККИНЧИ ФАСЛ

ҲАЗРАТИ МАВЛОНО САЪДУДДИН КОШҚАРИЙ АЛАЙҲИ РАҲМАНИНГ ЗИКРЛАРИ

Мавлоно Саъдуддин Кошқарий Кошқар вилоятининг ако-бирзодалари дин дурлар. Уларнинг табақаларида тақвадор уламолар ва солиҳлар ва авлиёлар бор экандурлар. Ул жумладин Шайх Ҳабиби, Шайх Сайид Кордгарнинг муридлари дур. Ва Амир Саид Аҳмадки бу каминага тўртунчи бободур, фарзандлари Мир Сайид Алини шайх Ҳабибининг хизматларира олиб борубурлар. Ёшлари кичик эканлар вақти субҳда андоқки кичик болаларнинг расмидек, чандон изтироби нон деб йиглади. Оталари чандон шафқат бирла таскин берди, унамади, Шайх сўрадиларки, бу фарзанд нима дейдур деб. Саид Аҳмад айттики, оч қолибман дейдур, деди. Бу мажлис бир тути азимнинг остинда эрдики, ҳоло ҳам бордур. Бу фақир ани зиёрат қилиб эрдим, ул дараҳт муаййян ва машҳурдур. Ҳар кишики, Ҳазрати Шайхнинг марқадлариға зиёратқа борса, бу ҳикояни ва ул дараҳтни биладур. Ул ҳолатда Шайх муроқабаға бордилар, ул дараҳтдин иссиқ нон тушди.

1896 // Шайх ул нонни олиб Мир Сайид Алиға бериб айтиб-дурларки, бу нон Сайид Алининг насибасидур, ҳеч кишини бу нонға ширкат қиласун деди. Мақсад будурки, Мавлоно Саъдуддин табақаларида Кошқар вилоятида бу навъ бузруклар бор эканлар. Ҳаз-

рати Мавлоно ёшлиқ вақтларида Кошқардин чиқибдурлар. Мавлоно Мұхаммад Аттор Кошқардин эрди. Айтибдурларки, Самарқандда ҳамшаһарлик учун ҳамиша Мавлоно бирла ҳамнишинлик қилур эрдим. Иковлан илм таҳсил қылмоққа машғул әдик. Илмнинг тұлароқини үтказиб әрдүк. Бир күн толиби илмлар айдиларки, фалон маҳаллада бир шайх пайдо бўлубдур, оти Шайх Сирож. Одамлар боришкелиш қиласурлар. Мухозирнинг тұлароқига нон ва душоб келтурадур. Зиёда покиза ва латофатлик дейдилар. Мавлоно билан иттифоқлашиб, нон ва душоб емак учун иковлан бордик. Бизни тавозе ва адаб бирла үлтурғуздилар. Ондин моҳазар келтурдилар. Бу нону душобнинг таърифи рост экан. Мен нон емакка машғул бўлдум, ул Шайх ва Мавлоно Мұхаммад Аттор ҳикояга машғул бўлдилар. Ул нон бирла душобнинг лаззати мени уларнинг сўзларидин гоғил қилди. Муддатдин кейин ҳозир бўлдимки, кўрсам Мавлоно йиғлабдурлар. Ва Шайх сўзга андоқ қизибдурларки, ҳар вақтеки қўлини кийгизнинг устиға қўйсалар, дуд чиқадур, шул ер куядур. Вақтеки бу ҳолни кўрдим, сўнг кўнглимга қўрқинч вахшати зоҳир бўлди. Ўлтиромокқа тоқатим қолмади. Ташқари чиқдим ва мундин кейин Мавлоно кўринмади. Ва ҳужраларининг эшиги нечанд вақт этиклиқ^{*} қолди. Нечанд йилдин кейин уларнинг шуҳрати Ҳуросонда пайдо бўлди.

САКСОН УЧИНЧИ ФАСЛ

190а

**ҲАЗРАТИ ХОЖА // АЛОУДДИН АТТОР
НАВВАРОЛЛОҲУ МАРҚАДАҲУНИНГ ЗИКРИ**

Булар Бухоройи шарифнинг мақбулларидин эрдилар. Либосини покиза киймақда ниҳояти қўшишлари бор эрди. Фақир камина уларнинг фарзандларининг бирларидин эшиттимки, вақте-

* Этиклиқ — бекикли, берк, ёпиқ.

ки **Хожа Алоуддин** **Ҳазрати Хожа Нақшбанднинг мулозиматларига** мушарраф бўлдилар ва уларнинг ботинлариға талаби дағдағаи азим пайдо бўлди. **Ҳазрати Нақшбанднинг қабул қилмоқлиқларини** илтимос қилди. **Хожа Нақшбанд** айттиларки, менинг қабул қилмоғимни хоҳиш қилисанг, қассобнинг дўконига бормоқ лозим ва бир говнинг қоринининг ичидин чиқариб олиб бошингда кўтариб келмак керак, дедилар. **Хожа Алоуддин** говнинг қоринини бошига кўтариб олиб дастор ва тоқийи такаллуфдорнинг устига қўйиб бозордин ўтиб келди. Говнинг қоринининг ичидаги нажосатлар ҳар тарафга оқиб турди. **Ҳалойиқ** таъна ва тамасхурлар қилиб, уларнинг орқаларига кириб, **Хожа Баҳоуддин** **Нақшбанднинг** олдига келдилар. **Хожа Баҳоуддин** **Нақшбанд** уларни бу ҳолда кўриб раҳм қилиб қабул қилди. Бас булар аввал ул мартабага еттиларки, **Хожа Нақшбанд** охири ҳолда толиби муридларининг тўласини уларнинг суҳбатига бормоқка амр қилдилар. Ва айттиларки, **Хожа Алоуддин** менинг юкимни енгил қилди, дедилар. Бу нақл «Нафоҳот»да бордур. Китоби «Силсилатул орифин» да борки, **Хожа Нақшбанддин** кейин **Хожанинг ҳамма асҳоблари** **Хожа Алоуддинға** дasti байъат қилдилар. Токи **Хожа Муҳаммад Порсо алайҳи раҳматлача** **Хожа Нақшбанднинг** баъзи аҳволлари ва уларнинг машойихларининг

1906 аҳволлари **Ҳазрати Эшоннинг // зикрларида** баён қилинур, иншооллоҳ. Бу камина **Ҳазрати маҳдуми Нура** **Хожа Шаҳобиддин** маҳмуд **Хожа** **Хованди** маҳмуд деб машҳурдурлар ва бу китоблар ҳар ердаки **Ҳазрати Маҳдуми Нура** деб келса, мақсад улардур. Эшиттимки, улар айтибдурларки, **Ҳазрати Мавлоно Жоммий** **Ҳазрат Эшоннинг** қошиға иродат қилмоқ учун келиб эканлар, бу байтни машқ қилиб келтирубдурларки. Байт:

Пирона саркашидам сар дар раҳи сагонат,
Мўйи сафед кардам жоруби оstonат.

Ва «Нафоҳот ул-унс»да бир ерда келтирубдурларки **Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ** қадда саллоҳ ул-азиз бу фақирга ўэзининг **Хурсондин** **Ҳисорға** келганларини ҳикоя қилдилар. Ва айтти-

ларки, вақтеки Ҳазрати Мавлоно Ёқубнинг мулозиматига Ҳисорнинг тобеи Ялафтуға дохил бўлдим, аввалқи мартабада хизматлариға мушарраф бўлдум. Ниҳояти дуруштлуқ бирла чиқди ул мартабадаки ботиним мунқатеъ бўлгай. Аммо тааммул қилдим ва айттимки, йироқ йўллардин меҳнат билан бузуркворнинг хизматлариға келдим. Бу дуруштлуқнинг сабаби бордур. Чагониёнда баъзи бадандеша одамлар бор, нолойиқ сўзларни айтибдур бўлгай. Эҳтимоли эшитган бўлсалар, ул сўзлар сабаб бўлон бўлса деб. Ушбу хаёlda эрдимки, Ҳазрати Мавлоно чиқдилар, онча маҳбубу дилрабо назаримга кўринидики, беихтиёр хоҳладимки уларға ёпишгаймен. Вақтеки сўз бу ерга етти Ҳазрати Ҳожа менинг назаримға Мавлоно Саъдуддиннинг суратларида зоҳир бўлди.

Мавлоно Саъдуддин менинг пиrim эрди ва муддате бўлиб эрдикни, оламдин интиқол қилиб эрдилар. Бу мушоҳададин манга ажойиб ҳолате даст берди. Ҳазрати Эшоннинг ҳам Ҳазрати Мавлоноға зиёда назари

191a илтифотлари бор эрди. Ва Ҳазрати Мавлоно // ёшлиқ вақтларида илм талаб қилмоққа зиёда кўшишлари бор эрди. Ул мартабага еттиларки, Мирзо Шоҳрухнинг замонасида, жамиъи Моварооннаҳода ва Хуросонда беш кимарса бор эрдикни, уламолардин «Ҳамсан мустажарра» дер эрдилар. Ул беш кимарсанинг аввалқиси Ҳазрати Мавлоно Абдураҳмон Жомий, иккинчи Мавлоно Довуд Ҳисорий, учунчи Мавлоно Шайх Ҳусайн Муҳтасиб, тўртунчи Мавлоно Шамсуддин Баҳрободий, бешинчи Мавлоно Бурҳониддин. Ул замонда ҳамиша сурати мажозига таашшуқ қилур эрдилар. Ҳаргиз бундин холи юрмас эрдилар ва уларнинг аввалқи девонида буларнинг завқ-шавқларини топғали бўладур. Ва Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин ҳамиша Гузари Бодғиздаги Ламкон масжидининг ёнидадур. Бу масжиднинг бир эшики бордурки, ул эшикни Бодғиз атабдурлар. У ерда ўлтурур эрдилар. Аксари авқот Ҳазрати Мавлоно ул гузарда эрдилар. Ҳазрати Мавлоно Саъдуддиннинг баъзи муҳлис ва мўътакидлари уларнинг ул гузарда ўлтиromoқларининг боисини сўрабдурлар. Ҳазра-

ти Мавлоно айтибурларки, бу ерда бир шаҳбозе бордурки, ҳамиша бу ердин ўтадур, қайси соҳиби давлатнинг домиға тушган бўлғай. Ва Ҳазрати Мавлоно Абдураҳмонға ишорат қилдилар, токи Ҳазрати Мавлоно қайди иродатга тушдилар, ҳаммани тарк қилдилар. Андоқ машғуллук қилдиларки, айттиларки, олти ойнинг муддатида ҳаммани тамому фаромуш қилдилар. Андин кейин пирларининг ижозати бирла Каъбайи мутабарриканинг сафарига иродат қилдилар. Ҳарамайни шарифайнинг

1916 тавофиға мушарраф бўлиб, ул ерда қасидалар ва шуаролар // ғоят латофат ва назокатда бордур. Ул жумладин аввал қасидаки Мадинаи мутабаррикаи мунавварага таважҷух қилғон вақтларида айтибурлар. Ул қасиданинг ибтидоси будурки, байт:

Бу ажаб жой эрур, манзили жонон бўлғай,
Ёки бу раҳгузари сарви хиромон бўлғай.

Хусусан Ҳазрати Эшоннинг мулоғиматлари учун икки маротаба Мовароуннаҳрга келдилар. Ҳазрати Эшонға бир зъёфे ориз бўлиб, даво истамак учун Ҳурсонға бордим. Ул вақтда Мавлононинг хизматларида эрдим ва уларнинг олдида дарс ўқур эрдим. Ул вақтда манго жароҳат ориз бўлди. Ул вақт Мавлоно Қутб деган кимарса табибларнинг устоди эрди. Ул киши манга илож қилмоққа машғул бўлди. Менинг жароҳат-касалимнинг шиддати зиёда бўлди. Охир менинг бу аҳволимни Ҳазрати Мавлоноға айтибурлар. Ул маҳалда Ҳазрати Мавлоно ҳаммомға кириб эканлар, шу ердин изтироб бирла етиб келиб, қошимда ўлтурдилар. «Эй маҳдумзода, ҳеч тараддуд қилмангки ҳеч воқеа йўқ», деб бошларини тубан солиб ушбу ҳайъат бирла узоқ ўлтурдилар. Фурсатдин кейин ўзимга мулоҳаза қилсан, менда ҳеч касалнинг ташвиши йўқ, дармаҳал қўфуб ўлтиридум. Ҳазрати Мавлоно бошларини кўтардилар ва табассум қилиб айттиларки: «Эй маҳдумзода, ман ҳеч воқеа йўқ деб айтмадумму», дедилар. Ва яна айттики, «алҳамдуиллоҳ сиз сиҳат бўлдингиз, мени ҳўб изтироба солдингиз» деб қўфиб кетди.

Менинг Мавлоно Қутбга ҳеч әхтиёжим қолмади ва Ҳазрати Мавлоно бафоят хомуш киши эрди. Баногоҳ сўз қилсалар, аксар сўзлари латифалик ва зарофатлик сўз эрди. Ва ҳам Ҳазрати маҳдуми

192а Нуран айтибдурларки бир маротаба Ҳазрати Мавлоно // Самарқандға Ҳазрати Эшоннинг мулоzиматлариға келиб эканлар. Ҳазрати Эшон Мавлонони Мотрудға олиб бордилар. Ва айттиларки, Самарқанднинг ангуларининг шуҳрати бордур деб. Мавлоно Қосим деган боғбонлари эрди, буйрудиларки, Мавлоноға ангулардин ҳусайний ва соҳибий ва фахрий келтургил, деб. Мавлоно Қосим ангуларни олиб келдилар. Бу узум ниҳояти латофатда эди. Айттики, ангури фахрий Ҳурросонда стилиб эди, бафоят яхши экан, бу жиҳатдин ангури фахрийни Ҳурросондин олиб келиб, бу ерда парвариш қилдим ва лекин анча үхшамади, шунча бўлдики сиз кўрдингиз, ледилар. Ҳазрати Мавлоно Мавлоно Ҳожи Қосим тарафига равон бўлдилар. Айттики, Самарқанд ери мусо-фир, ғарибпарвар эмас. Аввал маротабадаги Самарқанд ғора бетаал-луқлук сурати бирла келиб эканлар, уларни самарқандликлар бир ҳаммомда айтибдурларки, «Эй ҳурросоний, ҳаммомға жубба бирла кирасизму?» Ҳазрати Мавлононинг баданлари мўйдор экан. Ҳазрати Мавлоно айтибдурларки, ори, Самарқанд ҳалқининг совуқлиқидин жуббани ташлагали бўлмай, ҳаммомғаму жубба бирлан кирдим, деган латифавор сўзлари оламга машҳурдур.

Бу муҳтасар китобда бундин зиёданси сирдурғали бўлмайдур. Ҳазрати Мавлоно роҳи сулукларини ниҳояти маҳфий тутар эрдиларки, хожагон тариқининг даъвидур, қаддасаллоҳу арвоҳаҳум бу жиҳатдин мурид олмоқни ирова қилмадилар. Охир ҳаётларида айттиларки, бузрукларнинг нисбатлари бизга амонат эди, пинҳон сақламоқ учун ҳеч кишига изҳор қилмадум дедилар. Аммо охир маълум бўлдики, яхши қилмағон эканман.

192б Бу силсилани // уландурмоқ лозим экан дедилар. Мавлоно Абдуғафур шул асрнинг олимроқи эрди. Ва Ҳазрати Мавлоноға шогирд эрдилар. Мундоқ машҳур бўлдики, Ҳазрати Мав-

лоно Абдуғафурни қабул қилиб эканлар, Мавлоно Абдуғафур «Нафаҳот ул унс»ни шарҳ қилиб охирини Ҳазрати Мавлононинг зикрлари бирла тамом қилибдурлар. Ул китобда неча ерда ўзининг Мавлоноға иродат қилғонларини ва Мавлоно қабул қилғонларини изҳор қилибдур. Ул жумладин айтибдурки: Бир куни бир хилватда Ҳазрати Мавлононинг мулоғиматлариға мушарраф бўлдум. Арз қилдимки, «олим ҳалқи келиш-бориш қилиб, дарс талаб қилмоғидин малоллик торттим, ул иш бу бандани сарафroz қилди. Менинг вақти фурсатимни толибул илмлар машғул қилиб, ҳалал еткурадур, — деб. Ҳазрати Мавлоно айттики, олим ҳалқини сиз учун Ҳудонинг оламидин чиқариб эттали бўлмайдур. Ба ҳар ҳол бўлса, ўз корингизға машғуллук қилмоқ лозим. Бу саҳар ҳаммомға бордим, «Юсуфу Зулайҳо»дин икки юз байт назм қилдим. Уйга келиб вазифа-дарсға машғул бўлдум. Ондин кейин назм қилғон байтларни мусаввада қилиб «Нафаҳот ул-унс»дин бир жузв битудум. Аммо бир лаҳза ўз шуғлимин ҳам форир бўлмадим. Ва қалам батариқи одат жорий бўлиб турадур. Сиз ҳам ўз корингизға машғул бўлмоқ лозимки, ҳалқларни бартараф қилғоли бўлмайдур, дедилар. Ва Ҳазрати Мавлоно тарихқа тўқкуз юз саксон саккиз (1580—1581) дин кейин олами хокийдин олами покийға хиром қилдилар, раҳматуллоҳи алайҳи. Ҳазрати Мавлононинг машҳур таснифотлари «Шавоҳидул нубувват» ва «Нафаҳот ул-унс» ва «Ҳафт авранг» ва «Шарҳи кофия»ки Шарҳи Мавлонодур ва «Назми арбаъйин»

193а ва «Лавойиҳ» ва «Шарҳи ламаъот» // ва «Шарҳи фусус» ва «Шарҳи қасида мимия ва ҳамрияи Ибни Фориз» ва «Шарҳи рубоиёт» ва уч девон ва муаммо рисолалари ва яна тұла таснифотлари борки, «Шарҳи нафаҳот»нинг охирида Мавлоно Абдуғафурни зикр қилибдурлар ва яна ҳалойиқ орасида китоблар бордурки, Мавлоно вафотларидин кейин түшакларининг остидин нечанд мусаввада варақлар чиқибдурки, ҳеч киши кўрмаган экан. Ва ул жумладин икки пора сўздурки, Ҳазрати Маҳдуми Нура салламаҳуллоҳу таоло бу каминага битиб юбориб эканлар, ул сўз хоннинг ахволининг баёнининг охирида келур.

САКСОН ТЎРТИНЧИ ФАСЛ

ҲАЗРАТИ МАВЛОНО АЛОУДДИН МАКТАБДОРНИНГ ЗИКРИ

Ҳл жумладин бири Мавлоно Алоуддин мактабдордурлар. Булар ҳам Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин Кошқарийнинг муридлари дур. Ҳурсоннинг ҳамма халқи буларнинг бузрукворлиқларига қойилдурлар. Мавлоно Али Бовардий раҳматуллоҳи алайҳи бу кунларда Бухорода мушорилайхидур. Аҳли олам уларнинг бузрукворлиқига ҳамиттифоқдурлар. Улар Мавлоно Алоуддиннинг муридлари дур. Улар силсилаи хожагоннинг аҳволларини Ҳожаи Жаҳон Ҳазрати Абдухолик Фиждувонийдин ўз пирлариға футуб юборибдурлар. Ва ул силсилада қаромат ва аҳволи ажибаи гарифаи Мавлоно Алоуддин тарафларидин футубдурлар. Улар шайх Абдулкарим Яманий бирла суҳбат қилиб, Каъба сафари қилибдурлар.

САКСОН БЕШИНЧИ ФАСЛ

МАВЛОНО ШАМСУДДИН МУҲАММАД РўМИЙ РАҲМАТУЛЛОҲИ АЛАЙҲИННИНГ ЗИКРЛАРИ

Ҳл жумладин бирлари Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Рўмийдурлар. Булар ҳам Мавлоно Саъдуддин Кошқарийнинг муридлари. Бу силсилийи алайҳининг аҳлларидин эшитилибдурки, бир маротаба Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин Ҳазрати Шайх Баҳоуддин Умарнинг хизматларига

1936 борибдурлар. Ва Мавлоно Мұхаммад Рұмий ҳам // ҳамроҳ бориб әканлар. Вақтеки суҳбат қилибдурлар, Мавлоно Мұхаммаднинг хотириға кечибдурки, вақтеки бизнинг мутаважжих илайхимизға таважжух вақтида Ҳазрат бечундур. Бас бизларга бечуну бечугуна таважжух мұяссар бўлур. Неча муддат Мавлоноға бу маъни хотирларида эрди. Вақтеки бу маъни Мавлононинг хотирлариға етгай, Шайх Баҳоуддин Умар айтибдурларки, бизнинг таважжухимиз бечуни ва бечугунағи бўлмоқ керак. Ҳар вақтеки бу таважжухдин бир ҳузуре ҳосил бўлса, ул киши дигар бора этса нима қилмоқ лозим, дедилар. Мавлоно масрур ва хушҳол бўлиб ташқари чиққандин кейин Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин айтибдурларки, Шайх мажзуб әканлар. Тариқи сулукни билмайдурлар. Менинг олдимда неча муддат бўлиб әдингиз, сизнинг бу сўзингиз маълум бўлиб эди. Аммо ман ҳеч нима демаб эдим. Анинг учунки сизнинг тааммул бирла юрганингиз бу ишда сизнинг таважжухингиз зиёда бўлмоққа боис бўлур эрди. Ул жиҳатдин айтмаб эрдим. Бу маъни хотирингизға мужаррадий етмак бирла, деб эрдилар. Шайх филҳол жавоб берди ва ул саъӣ ва ижтиҳодки сизда бор эрди бартараф бўлди. Агар чандеки масаланинг жавоби зоҳир бўлди. Аммо ижтиҳод ва тараққийға нуқсон бўлди дедилар.

САКСОН ОЛТИНЧИ ФАСЛ

ХОЖА АБДУЛАЗИЗ ЖОМИЙНИНГ ЗИКРИ

Ҳул жумладин бирлари Хожа Абдулазиз Жомийдурлар. Вақтеки булар нечанд фозил ва акобирларни ҳамроҳ қилиб Каъбага бордилар, ул сафарлари машҳурдур раҳматуллоҳи алайҳи.

Шайх Пуроннинг зикри.

Ул жумладин бирлари шайх Пурондурлар. Булар Мавлоно Жалолиддин Пуронийнинг ўрлонлари дур. Буларнинг зикрлари

«Нафаҳот»да бор. Анда футубдурки, Мавлоно Жалолиддин айтибдурки, шаҳардин бу тарафга ҳар кишики мутаважжух бўлса, аксари манга маълум бўлур эрди. Ул кишининг хотирларида ҳар нарсаеки бўлса

194а // мен ул кишининг хоҳишини жам қилиб мунтазир турар эрдим. Качон ул киши келса интизор қилмай олдиға ҳозир қилур эрдим. Бир куни бир турке нечанд равғани жўший келтурди. Мени муболага бирла таклиф қилдики бир мунча егайсиз, деб. Мен чандон узр айтимки, қабул қилмади. Ногоҳ бир равғани жўшни олиб икки пора қилдим, бу поранинг яна нисфини едим. Ондин кейин бу йўл манга боғланиб қолди. Ҳоло ҳар кишики келса, мен ани билмайман. Келгандин кейин ўзидин сўраб ондин кейин анинг ишини саранжом қилиб бераман дедилар. Ва уларнинг расмилари андоқ эрдики, ҳар кишики келсаму, моҳазар келтуруб ондин сўрап эрдиларки, нима қилмоқ лозим, деб. Даъблари андоқ эрдики, ҳар киши лозим нарсани айтса, улар ниҳояти тезлик бирла тайёр қилиб берур эрдилар. Балки эиёда такаллуфлар бирла келтурур эрди. Вақтеки менинг отам Ҳурсонга борди, неча маротаба шайхнинг мулозаматлари га бориб мени ҳам аз рўйи табаррук бирла олиб борур эрди. Ондин дуо илтимос қилур эрди. Вақтеки Шоҳибекхон Ҳурсонни эгаллади Мир Мӯғул деган, Султон Аҳмад Мирзонинг мирзодаларидин эрдики, илгари зикр қилинди, шуаролардин эрди айтиб эканки, шеър:

Олма оламники оламда басе ғамлар бор
Ол кўнгул мулкинию кўрки на оламлар бор.

Бу шеърни Шоҳибекхоннинг олдида үқибдур. Бағоят завқ қилибдур. Ва айтибдур, Мулла Фирдавсий Султон Маҳмуд Фазнавийга олтмиш минг байт «Шоҳнома» айтти, Султон Маҳмуд ўттуз минг тилло инъом қилди. Ва сен бир байт айтибсенки, мен олтмиш минг динори шоҳрухий инъом қиласман, деди. Ул вақтда Шайх олтмиш минг шоҳрухий Шоҳибекхондин

1946 қарз олиб экан, ҳануз олғали киши бормасди // Мир Мұғул арз қылдикі, агар амр бўлса, ул динорки бу каминага инъом бўлди, шайх берадурғон динорининг миқдоридур. Мен Шайхдин олиб, ўз ҳожатимға сарф қилсам деди, Шоҳибекхон айттики: «Мен хазинадин нақд бермоқни хоҳиш қилиб эрдим, сен агар ул динорни олмоқни қабул қиласанг, ўз ихтиёргача бўлсин», деб фармон хати битуб қўлиға берди. Мир Мұғул бу сўзни ҳеч ерда изҳор қилмади. Ва хатни ҳам қўрсатмади. Неча вақтдин кейин шуҳрат бўлдики, Мир Мұғул бу навъ мардлик ва инсониятлик қилибдур.

САКСОН ЕТТИНЧИ ФАСЛ

МАВЛОНО АБУ САИД УБЕҲИЙНИНГ ЗИКРИ

Ҳл жумладин бири Мавлоно Абу Сайд Убехийдурки, Ҳазрат Эшоннинг муридлариidur. Ва ул вақтда Ҳурросоннинг зудба ва афзали эрди. Бу камина неча маротаба отам бирла уларнинг остоңбўслиқлариға бориб эрдим. Бу каминага дуо қилмоқ бирла сарафroz қилиб эрди. Ҳаэрлати Махдумий Нурандин эшишиб эрдимки, айтиб эрдиларки, Ҳиротда Мавлоно Сайд бирла жамъи ҳамроҳ бир тоннинг доманасида эдук, ул ерда ўлтурдуқ. Ул маҳалда Мавлоно Сайд тоннинг тӯфасига чиқди. Ва ҳар тарафга сайр қилди, уларнинг ёронларидин баъзилари густохона сўзлар қиладурғон эрди. Ва тариқи мутойиба айттики, Мавлоно тоғ тӯфасида гўёки тоғ такасидек юрурлар, деди. Бир муддатдин кейин тоғдин тушиб, ул кимарса тарафиға боқиб, табассум қилиб, мен тоғда тоғ такасидек юрдим, сизлар ҳам кўрган бўлғайсиzlар, — деди.

САКСОН САККИЗИНЧИ ФАСЛ

МАВЛОНО МУИН ВОЪИЗНИНГ ЗИКРИ

Жул жумладин бирлари Мавлоно Муин Воъиздурларки, Мавлонозода Фароҳий, деб машҳур бўлибдур. Уларнинг мурид ва асхоблари кўп эрди. Аҳли Ҳуросоннинг ҳаммаси буларнинг бузрук ва

195а пешволиқифа // қойил эрдилар.

САКСОН ТЎҚҚИЗИНЧИ ФАСЛ

МАВЛОНО ХОЖА КЎҲИЙНИНГ ЗИКРИ

Жул жумладин бири Мавлоно Хожа эрди. Бир маротаба хотиримда бордурки, Маликоннинг масжидида намоэдин кейин таҳоратнинг лунгисини ушниларига солиб, қиблаға боқиб мутаважжих бўлиб муроқабага ўлтуруб эдилар, осори ҳол ва ҳузур улардин зоҳир бўлди. Мажлисда бор ҳозир одамлардин отам сўрадики, «булар ким бўладур?» деб. Ҳалқ айттики, Мавлоно Хожа Кўҳий деган зот бўладур, деди. Отам бир гўшада турди. Чандон интизор бўлдики, Мавлоно ташқари чиқмоқ учун қўпдилар. Отам олдиға келди, ниёзи тамом бирлан қўришдилар. Бу каминани дастбўслиққа мушарраф қилдилар. Отам фотиҳа илтимос қилди, дуо қилди. Ондин кейин неча маротаба мулозаматларига бордуқ.

ТҮҚСОНИНЧИ ФАСЛ

ХОФИЗ МАҲМУД ЗИЁРАТГОҲИЙНИНГ ЗИКРИ

Ҳл жумладин бири Ҳофиз Маҳмуд Зиёратгоҳийдурлар. Булар Шайх Зайниддин Ҳавофий халифаларидиндур ва Шайх Зайниддин Шайх Нуриддин Абдураҳмоннинг муридлариидур. Булар неча восита бирла Шайх Шаҳобиддин Суҳравардийнинг муридлариидур. То Шоҳибекхон муставлий бўлғунча ҳаёт эрдилар. Бу камина отам бирла мулоғиматлариға борган эрдим. Султон Мирзо Ҳусайннинг вақтларида Ҳуросонда авлиё ва бузруклар тўла эрди.

Мен уларнинг ҳаммасининг хизматларига етган эмас. Уларнинг аҳволларини таҳқиқ билмайман, аммо уларнинг таъриф ва тавсифларини эътимолдиқ ҳалқдин эшитгандурман. Мавлоно Абдураҳмон Кордгар ва Бобо Алишоҳ ва шайх Ҳожи Муҳаммад Қужоний ва Мавлоно Шамс Муҳаммад Мурғобий ва Дарвеш Саръамод ва Габийға ўхшаш

1956 бузрукворлар қаддасоллоҳу арвоҳаҳум // ул жумла уламоларидиндурлар. Аммо уламолареки Мирзонинг замонларида эрди, тўладирлар. Уларнинг аҳволларини шарҳ қилмоқ бу муҳтасар китобға сифмайдур. Аммо табаррукан бир мунчаларини зикр қилмоқ лозимдур.

Уларнинг улуғроғи ва олимроқи Шайхул исломдурки, Мавлоно Тафтазонийнинг набиралариидур. Мавлоно Саъдуддин Амир Темурнинг замоналарида бор эрди. Уламоларнинг устоди эрди. Улардин кейин Мир Саид Шариф Журжонийдурлар. Булар жавон ва тозарӯй эрдилар. Охири умрида Мавлоно Саъдуддин Амир Темурнинг мажлисларида неча маротаба баҳсу мунозара қилди. Гоҳи Мирға ғолиб келди. Бу ғайратдин Мавлоно касал бўлди. Мир касалларини кўргали борди. Бир мушук келиб Мир

Сайд Шарифға ўзини суркади, Мир Сайд Шариф мушукни олдидан қуғлаб әрди. Мавлоно Саъдуддин Мирға айттики; расули Ҳудонинг ҳадисларини эшиитмадингузму: «Ҳуббул ҳиррати минал имон», яъни, мушукни дұст тутмоқлиқ нишонаи имондиндер, нима боисдин мушукни қуғлайсиз, — деди. Мавлоно бу жавобдин бағоят мутагаййир бұлди ва бу касалда оламдин борди.

Шайхул ислом Султон Мирзо Ҳусайнни аввалқи замонидин то Шоҳ Исмоил Шоҳибекхонга ғолиб бўлғон замонғачалик шайхулислом эрди. Истилоъ вақтида шаҳодат топди. Бу муддатнинг ичида ул миқдор тақво ва диёнат бирла бўлдики, шайхға ҳеч ким эътироэздин дам уролмас әрди. Ул вақтнинг аксари уламолари шогирдлари әрди. Бу факир уламолардин эшитиб әрдимки, уламолар айтиб әдиларки, шайх ғоят бузруклуқларидин муайян дарс этмас әрди. Аммо донишмандларки

196а Шайхул исломнинг шогирдлари // әрди, Мавлоно Асомиддин Иброҳим ва Мир Мухаммад ва Мир Юсуф ва Мавлоно Шамсуддин Мухаммад Баҳрободийға ўхшаш, ва булардин ўзга ҳам то йигирма беш донишмандки оламнинг зубдалари әрдилар, ҳар бирлари мутолаа бирла сўзлар тасниф қилур әрдилар. Шайхнинг мажлисларида баҳс-мунозаралар қилиб, икки тараф бўлуб, сўз арз қилур әрди. Аксари андоқ бўлур әрдикни, Шайхул ислом ҳар икки тараф маъқул эмас деб, бўлак тариқа сўз баён қилур әрдилар. Ҳаммалари қабул қилур әрдилар. Йигирма тўрт йил уларнинг дарслари бу тариқалик әрдикни, донишмандлар ҳеч важҳда шайхдин беҳожат бўлолмас әрди. Вақтеки отам Ҳурсонға борди, неча кун ўтти, андоқ қоида расмедини, кичик болалар тўрт ёш, тўрт ойға етса мактабға берурлар. Аммо табаррукан ул Шайхул исломнинг олдига олиб борур әрдиларки, токи таълим илтимос қилрай. Шайх шафқат юзидин қучоқларида ўлтурғузуб ниҳояти мулоҳиматлик бирла таълим қилур әрди. Бу йил ул тарихдин ўттуз саккиз йилдурки, шайхнинг муборак жамоллари ва қилғон таълим ва шафқатлари нақши ҳажардек хотиримда бор, умидвордурманки, қайдоқки бу вақтгача уларнинг баракотлари етуб

турадур. Мундин кейин охиратда ҳам баракотлари етгай, иншо-оллоху таоло.

Ва дигар Муртазодурки, донишманди мутабаҳхир эди. Ва Ҳожа Али ва Мавлоно Исфаҳоний ҳам илмда беназир эрдилар. Булар Ироқдин қочиб келиб эрди. Сабаб улки, Шоҳ Исмоилки, зикри ижмолан йүқгори ўтти, ул бадмаэҳаб аҳли суннат ва жамоалардин хоҳ салотин, хоҳ умаро, хоҳ

1966 уламо, хоҳ раия, ҳар қандоқ кишини топса, ўлтурур эрди. // Мавлоно ул қатли омдин қочиб Ҳурсонға келди. Охир вақтда Мовароуннаҳро борди. Ул ерда оламдин борди. Мир Абдуқодир Машҳадий ва Мир Жамолиддин муҳаддис ва Мир Атоуллоҳ ва Мир Иброҳим ва Мир Муҳаммад Юсуф ва Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Баҳрободий ва Мавлоно Фиёс Баҳрободий ва Мавлоно Иброҳим Ширвоний ва Мавлоно Аҳмад Румий ва Мавлоно Муҳаммад Кенжা, ва Мавлоно Аҳмад Хайбарий ва Мавлоно Аҳмад Амир Калоний Табиб ва Мавлоно Ҳожи Табризий ва Мавлоно Муин Табризий ва Мавлоно Садриддин Муҳаммад Қандаҳорий ва Ҷаноби Бандаги Мир Абдулбақоки, бу замонада олам уларнинг вужуди шарифларидин мунаvvар эрди. Уларнинг зикрлари Ҳиндустоннинг воқеаларининг ичидагеладур. Вақтеки улар аввал вақтда Ҳиротда ягонаи замон эрди, отам борҳо уларнинг ва уларнинг додаларини мулизиматларига борур эрдилар ва Мавлоно Абдуғафурки уларнинг исмларини Мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг зикрларида келтирилди. Мавлоно бегоя бетакаллуф ва бетааллуқ эрди. Ҳаргиз бир донишмандлик руъунатининг ғубори хотириға ўлтурмаған эрди. Уламолардин атрофи оламдин келса, ул уламоға ривож бермак учун агарчандеки Мавлоноға шогирдликка лаёқати бўлмасаму, ул уламонинг олдига бориб, неча кун китоб ўтказур эрди. Шаҳар ва бозорларнинг ҳангома-тамошалари учун пиёда сайр қилур эрдилар. Ҳурсонда уламолар тўла эрди. Уларнинг исмларини ва аҳволларини баён қилмоқда сўз узун бўладур. Уламоларнинг зикрларини бу навъ бирла ихтисор қилинди.

ТҮҚСОН БИРИНЧИ ФАСЛ

ШУАРОЛАР ЖУМЛАСИДИН

Жл шуаролареки ул замони жаннатнишонда бор эрдиларки, Мавлоно Абдураҳмон Жомийга ўхшаш агар такрор топмоққа эътироz бўлмаса эрди,

197а лойиқ бу эрдики, Ҳуросоннинг авлиё ва уламоларининг // ва шуароларининг нечук сардафтари эрдилар. Буларнинг муборак отларини ҳар бирларига сардафтар қилиб футулур эрди. Аммо муқаррар ва муҳаққақ улдурки, уларнинг номи муборакларини ҳар бора зикр қилмоқ яхши келадур. Ҳар ердаки аҳли фазл ва аҳли камолни санамоқ лозим келса, неча маротаба бўлса, уларнинг номи муборакларини ибтидо ва интиҳода зикр қилинадур. Мавлоно Абдуғафур Лорий «Нафаҳот»нинг шарҳида айтибдурларки, Ҳазрат Мавлоно Абдураҳмон Жомий аввалки ҳолларидин то охириги ҳолларигача сурати мажозийга муқайяд бўлмадилар. Ҳамиша ишқнинг жўшиши дилларида муҳаббатнинг дабдаба қўсини урур эрди. Охир ҳолларида бир куни уларнинг олдилариға кирдим, улар таҳорат қилдилар, мен илгари кўрганимда уларнинг муборак билаклари мўйдор ва доғдор эрди, кўрдимки, билаклари ажаб покиза ва латофатлик, нуроний зоҳир бўлди. Ҳеч ким бу навъ латофатни кўрмагандур. Манга бу воқеадин таажжублар пайдо бўлди. Мавлоно ул ҳолда менга назар солиб айттиларки, муддатедурки мен ошиқлиқни бу навъ қарор бериб эрдимки ўз хотиримда сурати хуши, табъоҳ сувратни хаёл қилғайман. Ва бошқа тарафга таважҷуҳ қилғайман, дер эрдим. Муддатедурки гарди ишқ мисли сурати хуш бирла ишқ варзиш қилур эрдим. Бу вақтда Ҳақ субҳонаҳу таоло менинг қўлларимни ул хаёл қилғон сурати хуш бирла мусаввар қилди, мен ўз қўлларимға ишқибоэлиқ қилур эрдим. — Ажаб маҳалда менинг қошимға дохил бўлдингиз, — деди. Яна қарадимки, Ҳазрати Мавлоно-

нинг қўллари илгариғи аслига ёнибдур. Ҳазрати Мавлоно Абдураҳмоннинг ашъорлари андоқ машҳурдурки, бу ерда зикр қилмоққа ҳожат йўқдур. Аммо бир

1976 ғазаллари бордурки, машҳур бўлмағондур. Ул ғазалнинг аввалқи // байти фардурки, ҳеч ҳарф ўзга ҳарфга мураккаб эмас, иккинчи байти икки ҳарф, мураккабдур. Ушбу тариқада то беш ҳарфча машиқ қилибдурлар. Ул ғазал будур.

Байт:

Рухи зард дорам з-даври он дар,
Зада доғи дардам даруни дил озар.
Чу тан кост гўйи шаби фурқати ту,
Маҳи навки бошад бадин гуна лоғар.
Хатат Ҳизр, жаъди қажат мушки Тибат,
Танат сийм, лаъли лабат тунги шаккар.
Ба жаннат наими, шаҳди мұхаббат,
Беҳишти мухаллад, насиби мұхакқар,
Ба лабҳо малиҳи, ба гуфтаи фасихи,
Ба талъат сабиҳи, ба гесу муанбар.

«Нафаҳот»нинг шарҳида Мавлоно Абдуғафур Лорий ўттуз жузъ бирла тамом қилибдурлар. Ва уэр айтибдурки, агар сўз узун бўлмоқдин андиша қиласам эрди Ҳазрати Мавлононинг маноқибатлари тўла эрди. Бу миқдор бирла сўэни ихтисор қилинди. Чароки мақсуд бу китобда бўлакдур. Агар сўзни мундин зиёда қилунса, мақсудга ҳижоб бўладур.

ТЎҚСОН ИККИНЧИ ФАСЛ

МИР АЛИШЕР НАВВАРАЛЛОҲУ МАРҚАДАҲУНИНГ ЗИКРИ

Мир Алишер тахаллуслари Навоийдур. Туркий шеърда булардин хоҳ илгари, хоҳ кейин ҳеч киши бу мартабада шеър айтмабдур. Булар шеър илмида устоддурлар. Уларнинг туркий шеър-

ларининг шуҳрати ул навъедурки, Мулла Амодийнинг форсий шеърларининг шуҳратидекдур. Аммо Мир Алишернинг форсий шеърлари ҳам тўладур. Форсий шеърларида ўзларини Фоний бирла тахаллус қилибдурлар ва Ҳожа Ҳофизнинг девонлариға жавоб айтибдурлар. Ва «Қасидаи аброр»ни Ҳожа Ҳусравдин кейин ҳеч киши ул мартабада айтибдурлар. Ул қасиданинг матлаъи будур. Байт:

Оташин лаълеки тожи хусравонро зевар аст,
Ахгаре баҳри хаёли хом пухтан бар сар аст.

Вақтеки Ҳазрати Мавлоно Абдураҳмон Жомий Каъба сафаридан ёндилар. Мир Алишер бу рубоийни уларнинг олдига йиборибдурлар.

Рубоий:

198а

Инсоф бидех // эй фалак минофом
То з-ин ду кудом хўбтарак кард хиром.
Ё меҳри жаҳонтоби ту аз жониби субҳ
Ё моҳи жаҳонгарди ман аз жониби Шом.

Уч девони туркийлари бор ва бир форсий девонлари бор. Ва «Тазкиратул авлиё» ни туркий футубдурлар. Ва «Ҳамса»ни туркий айтибдурлар. Мундин бўлак таснифотлари тўладур. Бир девондин ўзгаси туркийдур ва уларнинг асли уйғурдиндур. Уларнинг оталарини «андаккина бахши» дейдурлар. Одами расмий экан, Мир Алишер Мирзо Султон Ҳусайнга кичикларида ошно эканлар. Вақтеки Мирзо Ҳусайн подшоҳ бўлдилар, уларнинг мулозовиматларида бўлдилар. Мир Алишерни Мирзо Ҳусайн бағоят риоя қилур эрдилар. Ул навъеки ул миқдор аҳли фазллар ва беназирлар ул замонда ҳалойиқдин пайдо бўлибдурлар, тўласи Мир Алишернинг саъии бирла жамъ бўлибдурлар. Улар амирлик замонларида деҳқончилик асбобига жидду жаҳд қилдилар. Андоқки ҳар йил бўлғон ҳусулни ўн саккиз минги динори шоҳруҳийга яратур эрди. Ўзларининг амирлик асбоблари хизматкор ва ҳашами йилки ҳамма подшоҳона иморатлар бирла тайёр қилиб

эрдилар. Ва аҳли фазлларни тарбият қилур эрдилар. Бу миқдор ҳосилу мулкларини хайроти охиратға сарф қылдилар. Ва бұқъя ва хонақоҳ ва масжидлар, тұла иморатларни бино қылдиларки, бу замонда ҳам Ҳурсонда бордурки, киши топилғайки бу навъ иморатлар мұяссар бүлғон әмас. Аҳли фазллардин ҳеч киши йүқтүрки, аз важхи улар мураббий бүлмағон бүлғай. Амир Алишер бағоят зарофатлик киши әрди. Ҳамма кишини үзлари үхшаш бүлмоқни хошиш қилур эрдилар. Бу навъ

1986 ретиш қилмоқ одамларга мушкул келур // әрди. Бу сабабдин одамлардин ранжиш топар әрди ва Мир Алишернинг нозиклуқидин кишидин фот ранжиш топмоқдин үзға айблари йүқ әрди. Бовужуди бу хулқ бирла басе давлатманд ва фозил әдилар. Тамоми умрларини жаридалик бирла ва хайрот ишлари бирла үтказур эрдилар.

Зикри Амир Шажам Аҳмад: тахаллуслари Сұхайлийдур. Булар ҳам Султон Мирзо Ҳусайннинг улуғ умароларидин әрди. «Ҳамса»га ҳам жавоб машқ қилибдурлар.

ТҮҚСОН УЧИНЧИ ФАСЛ

ҲУСАЙН ЖАЛОЙИРНИНГ ЗИКРИ

Махаллуслари Туфайлийдур. Булар ҳам Султон Ҳусайннинг умароларидин әрди. Неча вакт парвоначи әрди. Қасида айтмоқда беназир әрди. Ул қасидалари будур. Байт:

Қаддингнинг нахли жилва айлагач синди санавбарлар,
Лабинг қылғоч табассум бебаҳолиғ үлди гавҳарлар.
Қўзингнинг мардуми андоғ хирадни тийра айлабдур,
Бало яъжуҗига сад боғлагон янглиғ Искандарлар.

Қаддингнинг ёдидин гулшан аро қумри эрур гирён,
Ки охи сарсаридин учди чун боғ ичра аръарлар.
Шаҳоким ҳомии амни амон Бадиъуззамондурсан,
Чу адлинг қувватидин синдуруб пушти ситамгарлар.

Осафийки вазирзодадур, яхши шеърлари бордур. Ул жумладин бу байт уларнингдур.

Байт:

Бар сари кўйи рақибон зикри он маҳ чун кунам,
Кофиристонаст онжо Аллоҳ-Аллоҳ чун кунам?

Ва яна Оҳий, уларнинг шеърлари бағоят покизадур. Уларнинг девонлари бор, бағоят соғ, уларнинг шеърларидин бу бир байдурким, байт:

Нозам ба чашми худки жамоли ту дида аст,
Уфтам бапои худки бакўяд расида аст.

Ва яна Биноийдурки булар ҳам фозил ва шоир эрдилар. Буларнинг Мир Алишернинг орасида ҳамиша баҳслар ўтар эрди. Ва ул

199а зарофатки буларнинг орасида ўтибдур // машҳурдур. Ул жумладин будурки Мир Алишер Мавлоно Соҳибининг икки матлаъ туркий байтларини Мавлонодин илтимос қилиб сотиб олиб, Мир Алишер охирини тамом қилибдур. Ул матлаъ будирки:

Кўкракимдур субҳнинг пироҳанидин чокрок
Кифриким шабнам тўкулган сабзадин намнокрок.

Ва яна бир матлаъи туркий Мавлоно Лутфийнингдурки Мир Алишердин илгари андоқ киши ўтмабдур. Бу матлаъни тамом қилғон эканлар Мир Алишер ул матлаъни хуш кўрубдур. Ва охирини тамомига еткузубдур. Ул матлаъ будир:

Бошимиздин сояи сарви қадинг кам бўлмасун
Зоти покинг бўлмаса оламда одам бўлмасун.

Биной айтибдурки, Мир Алишернинг бошига зарофатнинг ҳавоси тушибдур. Мир Алишер ҳам зарофатлик бўлғайму деб экан. Мир Алишер айтибдурки, Биноий девона бўлубдур. Биноийни дорушшифоға олиб бориб даво қилинглар ва нуҳудоб беринглар дебдур. Бу жихатдин Биноий қочиб Ироққа борибдур, Ироқда Султон Ёқуб тарбият қилибдурлар. Неча муддатдин кейин яна ёниб Ҳиротға келибдур. Мир Алишер киши йибориб чорлаб олиб келибдур. Лутфу марҳамат бирла ошнолиқ қилибдурлар. Ва инъому эҳсон ҳам қилибдурлар. Ва ўтган воқеаға узр айтибдурлар. Ондин Мир Алишер сўрабдурки, Ироқ вилояти қайдоқ жой экан деб? Биноий айттиларки, ироқийларнинг бир қисми иши манга ҳуб кўриндики, улар асло туркий шеър айтмас эканлар. Мир Алишер айттиларки, сиз ҳануз ҳушёр бўлмаган экансиз, мундоқ тааррузни тарқ қилинг. Ошнолиқ ва ёрлиқ аросидаги иттиҳоднинг сўзини айтинг, рост сўз айтингки, менинг

1996 девонларимнинг // орасида қайси матлаъни яхши кўрдингиз.
Биноий айттики, халқ аросида ҳаммаға бу матлаъ марғубдурки:

Кўкракимдур субҳнинг пироҷанидин чокрок
Кифриким шабнам тўкулган сабзадин намнокрок.

Мир Алишер айттики, сиз ажаб эътироэчи одам экансиз, бу матлаъни мен Мавлоно Соҳибдин сотиб олиб эдим, бу жихатдин бу сўзни айтасиз деди. Биноий айттики, манга мундоқ сўзни раво кўрманг, менинг сизда таарruz қилғали ҳаддим борму? Мен бу воқеани билмас эрдим. Мундин бўлак яхши матлаъларингиз ҳам бор. Бу матлаъ ҳам ондин яхшироқдурки:

Бошимиздин сояи сарви қаддинг кам бўлмасун,
Зоти покинг бўлмаса, оламда одам бўлмасун.

Мир Алишер айтти, бу матлаъ Мавлоно Лутфийнингдур. Сиз ҳаргиз тааррузни тарқ қилмабсиз, деб яна икковлан озор юзидан жудо бўлишдилар.

ТҮҚСОН ТҮРТИНЧИ ·ФАСЛ

САЙФИЙНИНГ ЗИКРИ

Шахаллуслари Күйийдур, Түсийнинг байтлариға татаббұз айтибдур. Булар ҳам фозиллардиндур. Буларнинг ҳам девонлари халойиқ орасыда машхурдур. Уларнинг шеърларидин бу байт-дурким.

Байт:

Эй, туро чун дили ушишоқ паринен кокул,
Қоматат фитнаву сарфитнаи даврон кокул.
Ҳамчу дудестки бар гирди сари шамъ бувад,
Ҳалқа-ҳалқа ба сари он мөхи тобон кокул.

Ва шеърлареки улардин девонлар бордур, бу замонда халқнинг орасыда машхурдурки, құпдурлар. Уларнинг орасидин Ахлий ва Наргисий ва Ҳажрий, Мир Мұхаммад Солиҳ ва Шаҳидий ва Шуҳудий ва Гулханий ва Гулшаний ва Паёмий ва Ҳожа Абул Барака аниң тахаллуси Фирокийдур. Ва Ҳайдар Колича. Булардин үзга ҳам аксари акобир ва афозиллар, муаммоийлар ҳам бордурки муаммолиқда машхурдир. Аммо Мир Ҳусайн Муаммоийки, муаммо илмида беназирдур. Буларнинг

200а муаммо рисолалари бор, бағоят хұб, бу муаммо // ондиндур: Ба исми Сұхроб:

Ёфтам аз дари майхонаи тарсо шарафе,
Ҳосило, мадраса акнун тарафе, мо тарафе.

Мавлоно Мұхаммад Бадахший Муаммоий ва Мавлоно Камол Муаммоий ва Мавлоно Шаҳоб Муаммоий ва булардин үзга ҳам жамъи касирлар бордурки, муаммо илмида беназирдурлар. Уларни зикр қылмоқда сүз узоққа тортадур.

Ул жумладин хат илмидур: хатти насхтаълиқки ул вақтда ри-вож топиб эрди. Мир Али Табризий ҳам бу хатни тасниф қилдилар. Амир Гемурнинг замонаси эрди уларнинг шогирди Мавлоно Жаъфар эрди. Аммо устодлари неча қисм хат билур эрди. Хатти сулс ва насх ва риқоъ ва мухаккақ. Мавлоно Абдуллоҳ уларнинг шогирди эрди. Буларнинг шогирди Яэдий эрди. Ва Ҳофиз Нура ва Мавлоно Муҳаммад Котиб Самарқандий булардин ўзга ҳаммалари Мавлоно Абдуллонинг шогирлари эрди. Бундан кейин хатти насхда комиллар бу жамоанинг шогирдидур. Хатти таълиқда Абдулҳайнинг шогирдидур. Аммо насхтаълиқда Мавлоно Азҳар ва Мавлоно Шайх Абдуллоҳ Хоразмий ва Мавлоно Шайх Муҳаммад Ҳанафий ҳаммалари уларнинг шогирдидурлар. На тариқадаки Мавлоно Жаъфар яхшироқ футурлар. Мавлоно Азҳар андин яхшироқ футур эрди. Ва Мавлоно Жаъфар Мирзо Шоҳрухнинг замонида эрди, Мирзо Бойсунтур китобхоналарининг аҳли эрдики, Мирзо Бойсунтур Мирзо Шоҳрухнинг ўғли ва Мирзо Бобур Қаландарнинг отасидур. Ва Мавлоно Азҳар Мирзо Султон Абу Саъид Қўрагоннинг мулоzимларидин эрди. Мавлоно Азҳарнинг неча шогирлари бор эрди. Мавлоно Султон Али Машҳадий ва Шайх Боязид Пуронийки Шайх Пуроннинг набирасидур. Мавлоно Султон Али Қоиний ул нарсаларки Мир Али Табризий ва Мавлоно Жаъфарнинг орасида нисбат берилди. Мавлоно

2006 Азҳарнинг // ва Мавлоно Султон Али Машҳадийда ул нисбат бордур. Китъа ва китоб ва хафий ва жалий балки насхтаълиқ якқалами уларга таслимдур. Ҳеч киши улардин илгари ва кейин андоқ хат қилмабдур. Ҳамма авсофда беназир эрди. Ва улар хат одобида рисола тасниф қилибдур ва ул рисолада айтибдурки, ибтидои машқ қилмоқда, мен Равзан муқаддасай Машҳади Тусда эрдим, алайҳи аттагиёту вассалом ул ҳолда бир туш кўрдимки Ҳазрати имом ал-муттақин, вахҳи Ҳазрати раббул оламин, Асадуллоҳ ал-ғолиб амирул мульминин Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу менинг қўлумға бир қалам бердилар. Уйқудин бе-

дор бүлдим, мундин кейин манга бу хат ҳосил бүлди. Мавлоно аввалқи ҳолида машқ қилиб үзидин чиқориб хатта зийнат боғлар эрди. Авомписанд эрди. Аммо котибисанд эрмас эрди. Мавлоно Жаъфар «Хамса» ибтидо қилиб эканлар, то тамом қолғонида Мирзо Султон Абу Саъид айтибдурки, кимарсае борму экин, бу «Хамса»ни тамомига еткурса, деб эканлар. Арз қилибдурки, бу замонда Мавлоно Султон Али деган бир жавоне шуҳратдор бўлибдур. Шоядки ул жавон бу «Хамса»нинг уҳдасидин чиқса керак, деган замон Мавлоно Султон Алини олиб келиб Мавлоно Жаъфарнинг «Хамса»сини кўрсатибдурлар. Мавлоно Султон Али филҳол қабул қилиб, бир жузъ китоб қилиб олиб келибдур. Ул ҳолда Мавлоно Азҳар эшигига үлтурғон экан, ул китобни Мавлононинг олдига олиб келиб кўрсатибдур. Мавлоно Азҳарнинг ғазаби келиб сен бу қоида бирла Мавлоно Жаъфарнинг «Хамса»сини тамомига еткузамсен?! деб Мавлоно Султон Алини икки кун бандға солиб сулаб қўйубдур. Ондин кейин банддин чиқариб айтибдурки, эй фарзанд сизнинг

201a қобилияtingиз баланд экан, аммо худрўй хатингиз // бор экан, насхтаълиқнинг қоидаси будур, деб бир қитъа берди ва айттики, бу қоида бирла футумак керак деб. Мавлоно Султон Али айттики, мен ул қитъани олиб машқ қилиб насхтаълиқнинг қоидасини ўргандим, дедилар. Ва уларға Мулла Боқий таълим қилғондурки, аксари олимнинг диёрларида аҳли қаламдин кам киши бордурки, Мулла Боқийнинг қитъа ва китоботларидин қолмағон бўлғай. Мулла Боқийнинг шогирдлари кўпдур. Ул жумладин Мавлоно Аловуддиндур. Хати Мулла Боқийнинг хатига ӯхшабдур. Ва яна ул жумладин Муҳаммад Султон ва Муҳаммад Хандондурки хатлари бағоят малоҳатликдур. Ва яна Мавлоно Муҳаммад Абрешимийдур хати бағоят пухта эрди, аммо хатти шикаст қилур эрди. Ва дигар Мавлоно Зайнiddин Маҳмуддурки, булар Мулла Боқийнинг шогирдиidur. Ва Султон Муҳаммад Нур ва Қаландар котиб, Мулла Қосим Шодий булар ҳам бағоят соғ, баржаста хат футур эрди.

Улар жумладин мусавиirlардур: Шоҳ Музаффар Усто Мансурнинг ўғлиидур. Султон Абу Саиднинг замонасида мундин комилроқ киши иўқ эрди. Ва яна Беҳзод мусаввир, Мулла Рӯй ва Абдулҳай Вали, булар Мир Алишернинг тарбияткардалариidур. Ва дигар Қосим Али Чехракушойки, Беҳзоднинг шогирдидур. Мавлоно Мирак Наққош ҳам рӯзгорнинг ажойиблариidинур, Беҳзоднинг устоди эрди.

ТЎҚСОН БЕШИНЧИ ФАСЛ

УСТОД БОБО ҲОЖИНИНГ ЗИКРИ

Бобо Ҳожи сураттарликда пухта эрди. Устод Шайх Аҳмад Бобо Ҳожининг биродариidур. Ва Мавлоно Жунайд ва устод Ҳисомуддин ва Мавлоно Вали булар ҳаммалари устоди комилдурлар. Ва Мулла Юсуф ва Мавлоно Дарвиш ҳам наққошлика беназир эрди. Мавлоно Дарвиш бу

2016 фақирнинг устозидур. Аммо наққошлар қўп эрди. // Аммо анча устодларни зикр қилинди. Ул жумладин зарринкордур: Мавлоно Ёрийки олтинни ранг қилмоқда устод эрди, Валининг шогирди эрди. Ва Мавлоно Маҳмуд Тазҳиб Мулла Ёрийдин устодроқ эрди. Ул замонда музахҳиблар тўла эрди. Бу икковланни зикр қилинди.

Ул жумладин муғанийлардур: Ҳофизи Басирки ҳофизликда беназир эрди. Боғларда байт ўқуса булбул ва қумрилар, жониворлар атрофиға келиб эшитур эрди. Ҳофиз Ҳасан Али Ҳофиз Басирнинг шогирди эрди, ниҳояте хушвовоз эрди. Ҳофиз Ҳожи ва Ҳожа Абдулла Марворид қонунда мисли йўқ эрди. Қонун буларнинг ихтироидур. Булар бу тойифанинг сардаftариidур. Уста Саид Муҳаммад Чангий, Мутахҳири Удий, булар моҳирдуrlар.

Уста Кулмуҳаммад ва Уста Ҳайдар, булар ҳам устод эрди. Уста Шайх Найики най чалмоқ бирла машхур бўлубдур. Аммо бу қисм аҳли фазл ва аҳли ҳунармандлареки Ҳуросонда бор эрди, ҳаммалари Мир Алишернинг саъӣ ва тарбияти бирла эрдилар.

Бу ҳикоятларнинг маржити улдурки ва мақсад бу муқаддимотни тартиб қилмоқдин улдурки, додам анораллоҳу бурҳонаҳу Ҳуросонда эрди, Ҳуросоннинг латофати ва ободлиқи ва Ҳиротнинг шуҳрати ва Ҳирот ҳалқининг шуҳрати бу мартабада андак ихтисор бирла зикр қилинди. Ул вақтда Султон Ҳусайн Мирзонинг бир фарзанди отасига оқ ва осий бўлган экан, яна тавба қилиб отасининг пойбўсига мушарраф бўлибдур. Ондин ҳар бирлари отасининг тахти равонларини дасти таъзим ва гарданни инқиёд бирла кўтарибдурлар. Уларнинг орасида иттифоқи тамом ҳосил бўлибдур. Вақтеки отам наввараллоҳу марқадаҳу Ҳиротта келганида

202а одамлар олдига чиқдилар ва эъзозу икром // бирла бир муносиб ерга туширилар. Вақти мулоzиматда Мир Муҳаммад Бурундиқ барлос ҳасаб ва мартабада муқаддам киши эрди. Улар зиёда эъзозу икром бирла таклиф қилиб, Султон Ҳусайн Мирзо қошиға олиб кирди. Султон Ҳусайн Мирзо анвои марҳамат ва шафқат бирла анда турмоқлиқфа таклиф қилди. Отам анда турмоқлиқни маслаҳат кўрмади. Онинг учунки, Мирзонинг ёшлари улуғ бўлиб, фалаж касалиға мубтало бўлиб, ўлтуруб қолиб эрди. Мирзонинг фарзандларининг орасида ул мартабаликлари йўқ эрдики, Мирзонинг ўринларида жойнишин бўлиб Шоҳибекхонга тақобиlliқ қилмоқ ва журъат қилмоқ андоқ эмас эрди. Аммо уларнинг риояларини сақлаб қабул қилиб экан. Бу орада Шоҳбегимки илгари зикр қилиниб эрди, Мўгулистандин Самарқандга Шоҳибекхоннинг олдига келиб экан. Шоҳибекхон ирова қилиб эрдики, Ҳоразмни ажратиб олғаймен деб. Ҳоразм Султон Ҳусайн Мирзонинг тааллуқида эрди. Отам унинг ишораси бирла Ҳуросонга қочди. Султон Сайдхон Мўгулистанда қарор тутди. Қолғон мўгулларнинг аксари улугларини қочганларға қўшиб баъзисини зиндонға ва баъзисини бандга тортти. Ва Шоҳбегимни Ҳуросон-

га юборди. Ўзга муғулнинг ҳамма одамларини ўзи бирла Ҳоразмга олиб борди. Юнусхоннинг фарзандларининг отини ҳисоб қилғонда зикр қилинибдурки, аввалқи фарзандларики Мехр Нигор хонимни Самарқандда Султон Аҳмад подшоҳга нисбат қилиб эканлар. Вақтеки Шоҳибекхон Султон Али

2026 мирzonи тутиб ўлтириди ва Самарқандни // ажратиб олди. Шул маҳалда Мехр Нигор хоним никоҳида эрди. Вақтеки охирқи қаболда Бобуршоҳ Самарқандда эрди. Ҳаёл қилдики, бу ишнинг охири сулҳга рожиъ бўлур. Ва Ҳонзода бегимни аваз хонға топширди. Ва саломат чиқиб кеттики, йўқғори зикр қилинди. Вақтеки Мехр Нигор хонимни талоқ қилди. Ҳонзодабегимни ақди никоҳиға олди. Ва хоним Самарқандда бўлдилар. Вақтеки Шоҳбегимни Ҳурсонға йибординлар. Ҳоним меним биродарим Муҳаммадшоҳни бирла олиб, бегим ва хоним Ҳурсонға келдилар. Бу жамоа келишидин илгари отамға қўшулди. Уларни диёри фурбатда ташлаб кетмак муруватдин эмас, деб муқаррар қилдики, уларни Кобулга еткургайлар. Кобулда Бобуршоҳ бор эрдики, ҳикояси илгари мазкур бўлди. Шоҳбегим волидаи сабаби бўлди. Бу сафарға азм қилмоқда Султон Мирзо Ҳусайндин рухсат олиб Кобулға келиб эдук, ул маҳалда Бобуршоҳнинг волидаси Қутлуқ Нигор хоним вафот бўлиб экан. Бобур подшоҳ таъзият бирла олдимиизга чиқди. Бу келган жамоаларни ҳаддин фузун эъзоз ва икромлар қилди. Неча вақт роҳат ва осойишлар бирла рўзгор ўтказдилар. Бу ҳолда Султон Ҳусайн мирzonинг вафот бўлганларининг хабари етти. Ул вақтда Мирзо Бадиузвамон отасининг таҳтида барқарор бўлди. Ҳадичабегим Султон Ҳусайн мирzonинг ҳарамларидин ҳаммасининг сардафтари эрди. Мундок маслаҳат қилиндики, буларнинг ўғли Ҳусайн Музаффар мирзо ҳукумат ишида Мирзо Бадиузвамонға шерик бўлгай деб. Бовужуди аҳли замоннинг оқил ва донолари ул вақтда бор эрди, бу ишни қабул қилишдилар. Бу ҳолда

203а Жаҳонгир мирзо Газнинда эрди. Вилоятнинг танглигини // Ҳурсонға келиб эди. Подшоҳ Бобурға арз қилдики, Сул-

тон Ҳусайн фанодин бақоға риҳлат қилибдур, хотиримға келадурки, бу маҳалда Султон Ҳусайн Мирзонинг ўғлонлари бирла кўмак булишиб, қўпилинигудек бўлса эҳтимоли борки, ҳар важҳеда муҳим ишларни қўлға келтирур деди.

Бу арзни Бобур подшоҳ эшишиб дарҳол равон бўлдики, ҳар ерда Мирзо Жаҳонгирға етса ёндургай, агар етишмаса кейинидин Хуросонға борғайлар. Ул нарсаеки Жаҳонгир Мирзони хотириға кечмишдур йироқ эмастур. Ул вақтеки Подшоҳ жазм қилди, отамнинг уйига келди ва илтимос қилдики, Кобулға ҳозирлиқ қилмоғиға ва тааллуқотға хабардор бўлмоққа мутасадди бўлғай. Аммо отам қабул қилмодилар. Ва узр айттики иродай ҳаж қилиб эрдим бу ишга мутасадди бўлсам, ҳаж иродасиға футур бўладур. Умароларнинг орасида мўътабар одамлар борки, бу ишга лойиқ деб эрди. Подшоҳ Низомиддин Али халифа, Мавлоно Пашогарий ва Амир Аҳмад Қосимларға мамлакат кор-борини топширди. Ва айттики ман сизларга эътимод қилғон жиҳатдин борамен деб. Ўзи Хуросонға юрди.

ТЎҚСОН ОЛТИНЧИ ФАСЛ

БОБУР ПОДШОҲНИНГ ХУРОСОНҒА БОРМОҚИНИНГ ВА МУНОҚАША ВА ВАҲШАТЛАРИНИНГ БАЁНИКИ, ВОҚЕЪ БЎLDI, АНИНГ ЗИКРИ

Вақтеки подшоҳ Бобур Хуросонға борди, то зимистоннинг нисфигача Кобул жамиятда эрди. Бобур подшоҳ Хуросонда узоқ турди. Ҳар навъ ишлар пайдо бўлди ва йўлларға қароқчилар пайдо бўлуб боғланди. Йуқори Юнусхоннинг фарзандларининг зикрида шарҳ қилиниб эрдики, Юнусхоннинг беш қизи ва икки ўғли бор эрди. Аммо уч қизининг бири

2036 Мехр Нигор хоним // Кобулда эди ва Шоҳбегим Самарқанддин келиб эрди. Ва яна Қутлуқ Нигор хоним Бобур

подшоҳ онаси дурки Шоҳбегим ва Мехр Нигор хоним ва отам келишларининг олдида вафот бўлиб эрди. Бу уч қиз Юнусхонға Давлат бегимдин эрди. Ўғилари Султон Маҳмудхон ва Султон Аҳмадхон ва Султон Нигор хоним Султон Маҳмуднинг ҳарамлари дур. Султон Маҳмуд Султон Абу Саъиднинг ўғли Темур Султоннинг ҳарамлари дур. Буларнинг зикри илгари ўтти.

Булар тўртовлан Шоҳбегимдин эрди. Гараз улдурки, Шоҳбегим Бобур подшоҳга бу каминага модари калон сабабидур, Мирзохоннинг турқон онаси эрди. Ул вақтеки подшоҳ хонларнинг шикастидин Ҳисорнинг кўҳистон тарафиға бордилар. Мирзохон ул Кўҳистонда подшоҳга қўшулди. То охири вақтгача ҳамроҳ эрди. Подшоҳ шафқат ва иноят юзидин фарзанд атадилар. Аниг учунки, буларнинг отаси подшоҳнинг ота-онаси бирла бир ерда туғилғон эрдики, баёнини қилиниб эрди. Иститоатларининг камлиги дин ва ул сафарда подшоҳнинг мулоғиматлари дин қолиб эрди, ва Шоҳбегимнинг мулоғиматларида туриб эрди. Вақтеки ҳар навъ хабарлар зимистоннинг ичида Подшоҳдин ва Ҳурсоннинг мирзоларидин баробар қайтишиди. Оналиқнинг меҳри Шоҳбегимдин шуъла ура бошлади. Андоқ ирова қилдиларки, вақтеки подшоҳ Ҳурсонда мирзоларнинг қўлиға тушса, Султон Ҳусайн мирзо ва Султон Абу Саъид мирзонинг

204а ароларидаги адоватнинг // жиҳатидин хунрезлиқ бўлғондур. Подшоҳ уларнинг дастидин қутулмай мумкин эмас. Вақти улдурки, Мирзохонни подшоҳнинг ўрнида подшоҳ қилғаймиз, деб бу маслаҳатни отамға ораға солдилар. Отам бу маслаҳатни қабул қилмади. Ва бу жадал ҳаддан ўтти. Озор ва безорликка етишди. Шоҳбегимға етган озор Мирзохонға озор этмакка ҳам сабаб бўлди.

Бу иш отамға мушкул кўринди. Вақтеки иш бу ерга етти отам хаёл қилдики менинг манъ қилмоқимни бовар қилмайдур. Борий бу ишға эгадорлиқ қилмағоним беҳроқ, деди. Подшоҳнинг умаролари ҳар куни Кобулнинг қалъасидин чиқиб, отамнинг мулоғиматига келур эрди. Бу расм бирла умаролар отамнинг олдига келдилар.

Отам пинҳон умароларға айттики, минбаъд менинг қошимға келмакликинглар ҳўб эмас, дедилар. Вақтеки умаролар қалъага кирди, отам Оби Борон деган ерга борди. Ул ер Кобулдин бир кунлик йўлдур ва узини бу ишдин ташқари олди. Ва Шоҳбегим ва жамиъ дигарки муғулдин эрдилар, Мирзохоннинг отига хутба ўқидилар. Кобулнинг қалъасини олмоқ мунозаатга етти. Орада жанг-жадал кўп бўлди. Ва Шоҳбегим отамға тұла илтижо қилиб кипи йиборди ва чорлади. Отам ночор келди. Йигирма түрт кун Кобулнинг қалъасини қабади. Бу аснода подшоҳ етиб келдики, баён қилинур.

ТҮҚСОН ЕТТИНЧИ ФАСЛ

БОБУР ПОДШОҲНИНГ ХУРОСОНҒА БОРМОҚИ ВА ХУРОСОНДИН ЁНИБ КОБУЛҒА КЕЛМАКИНИНГ БАЁНИ

Вақтеки подшоҳ Жаҳонгир Мирзонинг орқасидин борди. Ҳазора деган ернинг тоғларида мулоқот бўлди ва кенгаш қилдилар. Маслаҳат ул ерда қарор топдики, Хуросонға борғон беҳроқдур. Шоядки буларнинг

2046 қуввати бирла яна Шоҳибекхонға тақобуллук қилғали бўлур, // деб бу важҳ бирла Хуросонға юз келтурдилар. Вақтеки етиб борди, Хуросоннинг ҳалқи бу икки биродарни бафоят хуш курдилар ва мирзолар ҳам буларнинг келганларига ниҳояти хуш бўлди. Аммо Хуросоннинг мирзоларини орасида иттифоқ бўлмоқнинг сурати йўқ. Буларнинг беиттифоқлиқи бирла ҳеч иш футмайдур. Бовужуди Жаҳонгир мирзо ҳаддин зиёда шароб ичганидин исҳол хуни таби ҳарорат ориз бўлди. Аммо ҳалқнинг оғзида шуҳрат бўлдики, Ҳадичабегим одати қадим бирла шаробқа заҳар қўшиб берибдур, деб. Бу боисдин ижозат тилаб Кобулға равон бўлдилар. Ҳазоранинг кўҳистонида хабар топдиларки, Мирзохон

ва Мұхаммад Ҳусайн Мирзо Кобулни қабоб турибдур деб. Аńча оғир-енгил юкларини Мирзо Жаҳонгирға топширди. Бир мунча лашкар бирла чиқдилар. Ҳиндүқуш деган давонда тұла қор ёқсан экан, зиёда маشاққат бирла үтуб лашкарни тез юрдириб Кобулға юз келтурді. Саҳарға яқин Кобулға еттилар. Кобул халқини тангликка солиб эрди, ҳар тарафға қочдилар. Кобулнинг ичидаги халойиқ ташқари чиқдилар. Халойиқни торож қилди. Подшоҳ соҳиби муруватт әрди, фоят хушлук бирла чунг оналарининг олдига кирдиларки, булардин меҳро-муҳаббатлари қўтарилиб набираларини буларнинг ўрнида подшоҳликка ултурғузуб эрди. Шоҳбегим изтироб ва хижолат бирла билмадиларки на тариқалиқ жавоб бергай. Ул ҳолда Подшоҳ муҳаббати тамом бирла мулоқот бўлди. Ва айттики, кишининг волидаси бир фарзандига шафқат қилса, яна бир фарзандига нечук ҳадду ёро бўлғайки ранж ва малоллиқ тортгай. Ва айттиларки, кеча уйқусиз эрдим, деб бошлирини Шоҳбегимнинг қучоғига қўйуб

205а уйқуладилар. Бу ишлари // Шоҳбегимнинг хотирлариға таскин бермоқ учун эрди. Ҳануз уйқуға бормаб эрдиларки, подшоҳнинг холалари Меҳро Нигор хоним келди. Подшоҳ қўбдилар. Меҳро-муҳаббат юзидин холалари бирла кўришдилар. Хоним айттиларки, фарзанду аҳл аёллари ниҳояти муштоқдурлар. Алҳамду-лиллоҳ биз дийдори муборакларига мушарраф бўлдук, қўғил, аҳли аёлларнинг олдига қальға борғил, биз ҳам борали деди. Ул вақт қальға борди. Умаролар ва ҳамма халқ Ҳудои таолоға шукргузорлиқ қилди, ҳамма Подшоҳнинг аёқига кўзларини сурди. Хонимнинг орқасидин Мирзохонни отам била бирла олиб борди. Яқин етганда подшоҳ хонимнинг олдига чиқди. Хоним айттики, эй жони модар, гуноҳкор набирангизни, нолойиқ ишлар қилғон биродарингизни олиб келдилар. Нима ҳукм қиласиз, деди. Вақтеки подшоҳ отамға назар солди. Илгарикидин зиёдарак тавозеъу мөҳрибонлиқ бирла шод бўлуб қучоқлашдилар. Зиёда сўраб ва истаб Мирзохон бирла ҳам кўришдилар. Ва яхши мажлис қилдилар. Ҳарчандки, подшоҳ муруватт юзидин инсоният қилди. Аммо

булар ўзининг ноанжом ишлар қылғон хижолатидин чиқолмай, Мирзохон Қандаҳорға бормоққа ижозат тилади. Шоҳбегим ва Меҳр Нигор хоним ҳаддин эйёда такаллуф ва таъзимлар қилиб, подшоҳ қошида турғиздилар. Вақтеки булар Қандаҳорға борди, Мирзохон Қандаҳорда қолди. Биз отам бирла Фараҳ ва Сеистон тарағифа кетдук. Бу ният бирлаки, Ҳуросонда Каъбаға бормоқни ният қилиб эрди. Вақтеки Фараҳнинг тобеига етдилар, Шоҳибекхон Ҳуросонни ажратиб олғон хабарини эшигдук. Ва йўллар хавғинок бўлди. Каъба сафари мұяссар бўлмади.

ТЎҚСОН САККИЗИНЧИ ФАСЛ

ПОДШОҲ УЛ ВАҚТЕКИ КОБУЛДА ЭРДИ БЎЛГОН ВОҚЕАЛАРНИНГ БАЁНИ

2056

Подшоҳ Кобулда эканда // бўлғон воқеаларнинг ижмоли ўйқори зикр қилиниб эрдики, тарихқа тўққуз юз тўққуз (1503—1504) эрди. Кобулни Муқим ибн Зуннун(дин) халос қилди ва Ҳусравшоҳнинг лашқари йигирма мингта яқин эрди ва Кобулға сифмайдурғон эрди, ночор Ҳиндустонға азимат қилдилар. Йўлни билмай озуқи йўқ ерга тушуб қолиб тўла улоқлари нобуд бўлди. Агарчандеки, бу лашқарда жанг бўлмади, лекин шикасти азим юз келтурди. Ондин Кобулга ёниб келдилар. Ҳусравшоҳнинг лашқарларининг тўлароқи тафриқа бўлиб кетти. Бу аснода Шоҳбегимнинг келмаки ва отамнинг Кобулға келгани ва подшоҳ Ҳуросонға бормоқлигининг баёни илгари ўтти. Ул замонеки мен Қандаҳорға кетдим, бу ишдин подшоҳ халқининг аҳволига заифе ва футуре ҳосил бўлди. Вақт ниҳояте танглиқка юз қўиди. Бовужуди Жаҳонгир Мирзо ул замонда подшоҳнинг муҳиммотларида хизмат камарини боғлағон эрди, булар вафот бўлди. Бу воқеалар бўлғондин кейин хоҳладики, баҳар тариқ бўлса бир ишни қилмоқ

лозимдурки, Кобулда қарор олиб ўлтиromoққа жоиз бўлғай деб, Қандаҳорга Шоҳбекхонга киши йиборди. Шоҳбекхон Зуннун Аргуннинг ўғлидур. Ва Зуннун Султон Ҳусайн мирзонинг умароларидин эрди. Ўттуз йил Султон Ҳусайн мирзо тарафидин ва Замини Доварда ҳукуматда туриб эрди. Одами шужоъ ва бузрук эрди. Аммо мумсиклик бирла тұла хазиналар жамъ қилиб эрди. Ўзи мирзоларнинг мулоzиматига Ҳурсонға бориб эрди. Вақтехи Шоҳибекхон Ҳирот устига борди, бу киши танҳо Шоҳибекхоннинг муқобиласиға чиқди. Ул ерда филжумла жанг қилди. Ва ул жангда вафот

206а топди. Қандаҳорда отасининг ўрнида ўғли Шоҳбекхон ўлтурди. // Подшоҳ Шоҳбекка киши йиборди. Бу сўзларни айттики, авлоди Мирзо Султон Ҳусайнга албатта итоат ва хизмат қилмоқ лозим ва муносибдур. Бу замонда салтанат ва амирликка улардин лойиқроқ киши йўқтур. Чандон бу сўзларни айтти қабул қилмади, анинг учунки ўзини мартабаи баландда хаёл қилур эрди. Алқисса иш жанг ва жадалга турди. Подшоҳ Қандаҳорга борди. Қандаҳорнинг атрофида жанг азим бўлди. Охир подшоҳқа фатҳ ва зафар юзланди. Шоҳбекнинг лашкарига ҳазимат юзланди. Анча ҳодисалар пеш келдики, Қандаҳорнинг қалъасига ўзини еткураолмадилар. Ҳар тарафга пароканда бўлди. Подшоҳнинг дастиға анча хазина тушдикӣ, ҳаммасини лашкарға тақсим қилди ва Мирзоҳон Қандаҳорда қолиб эрди яна подшоҳга қўшилди. Подшоҳ давлат ва ғаниматлар бирла Кобулға тушди ва Қандаҳорни Жаҳонгири мирзонинг укаси Султон Носир мирзоға топширди. Вақтехи Кобулға келдилар Бадаҳшондин хабар келдики Ҳусравшоҳнинг мамлакати ўзбекка таалуқ бўлди, деб. Аммо Бадаҳшоннинг баъзи тобелари фармонбардор бўлмай, ўзбекнинг лашкарини неча маротаба пароканда қилди. Ва Зубайр Рогий сардор бўлубдур, деган хабарни англаб Шоҳбегимга Бадаҳшоннинг дағдағаси тушди. Бу са-бабдинки менинг уч минг йиллиқ мулки маврусимдур, агар чандеки ман заифадурман, менинг набирамки Мирзоҳондур, халойиқ мендин

ва фарзандларимдин ибо қилолмайдур, деди. Подшоҳ ижоза берди. Шоҳбегим ва Мирзохон Бадахшонға бордилар. Ва Мирзохонни Зубайр Рогийнинг олдига йибордик бегимнинг хабарини еткузгай ва анчаки аниң хаёлидагини билгай. Вақте-ки Мирзохон

2066 // айрилиб эрдикি Кошқардин Мирзо Абобакрнинг лашкари етти. Аниң ҳалқи Бегим ва Хоним бирла ҳар киши бирла эрди. Уларни олиб кеттилар. Мирзо Абобакрнинг шархини фотфина зикр қилинур. Мирзохон Зубайрнинг олдига қочиб кетди. Зубайр аввалида филжумла эъзоз қилди. Ва охирида ул навъда сақладики, икки-уч хизматкордин бўлак кишини уларнинг олдига киргузмади. Неча муддатдин кейин Мирзохоннинг қадим мулоzимларидин Юсуф Али Кўкалдош девона буларнинг қошига кириб яна ўн саккиз киши бирла иттифоқ қилдиларки, кечаси шабихун уруб ўлтургайлар. Ва Мирзохонни подшоҳ қилғайлар. Ул вақтда тарихқа тўққуз юз ўн уч (1507—1508) эрдикি, то охир вақтгача Бадахшон Мирзохоннинг қўлида эрди. Аммо подшоҳ Қандаҳорни фатҳ қилғондин кейин Кобулда эрди. Ҳусравшоҳ бир жамоа мўғул бирла қолиб эрди. Уч минг кишига яқин киши бирла Абдураззоқ мирзоға, Улуғбек мирзонинг ўғлидур, ани Кобулға подшоҳ кўтариб мухолифат қилди. Андоқки подшоҳ бирла беш юз кишидин зиёда киши қолмаб эрди. Подшоҳ беш юз киши бирла чиқиб масоф туздилар. Ул куни мухолифларнинг тўлароқини тутуб шикаст берди. Андин подшоҳ баҳодирлардин беш киши бирла мухолифнинг лашкари Али, Сайд кўр ва Али Сино уч кишига муқобала бўлуб, диловарлик бирла уларни қочуруб, Абдураззоқ мирзони қўлға тушириб эрди. Яна подшоҳ мурувват қилиб, қуёберди. Андин кейин подшоҳнинг муҳим ишлари кифоят тоғиб Кобулда бўлдилар. Тарихқа тўққуз юз ўн олтисида (1510) Шоҳибекхон вафот бўлди. Бунинг ахволини зикр қилинур.

ТҮҚСОН ТҮҚҚИЗИНЧИ ФАСЛ

ШОҲИБЕКХОН ХОРАЗМГА БОРГОНИ ВА МОВАРОУННАҲР ТАРАФИГА ЁНГОНИ ВА ХУРОСОН ТАРАФИГА ЮЗ КЕЛТУРГОНИ

207а

Вақтеки Шоҳибекхон мӯғулнинг ишларини // саранжом берди, Султон Саидхон Мӯғулистанга қочиб кетди. Баъзини ўлтуруб баъзини қайдга тортти. Ва Шоҳбегимни Хуросонга йиборди. Мӯғулнинг ўзга халқлариниму Хоразмга ҳамроҳ олиб юрди. Хоразмни ўн бир ой қабал қилди. Ва Хоразмда Ҳусайн Сўфи* отлиқ бир киши бор эди. Мирзо Султон Ҳусайндин илгари ул мамлакатга ҳоким эрди. Бу ўн бир ой муддатида ҳеч киши унинг фарёдига етмади. Ажаб жангларни қилдики, ўзбеклар аросида то бу замонгача аниг мисли боқийдур. Охирул амр шаҳарнинг ичидагиларнинг егани ҳеч нарсаси қолмади, тўла халқ очиликга ўлди. Жанг қилмоқнинг мажоли қолмади. Ул вақтда Шоҳибекхон Хоразмнинг қалъасини олдилар. Ва Ҳусайн Сўфини тутуб ўлтурди. Ва Шоҳибекхон ёниб Самарқандга келди. Хоразмни фатҳ қилишидин Балхни олти ой қабал қилиб эрди ва мунинг муҳимини билкуллия саранжом бермаб эрди, мундин илгари андаке таҳорир қилинди. Балхнинг фатҳига саъӣ кўргузиб фатҳ қилиб, Самарқандга ёниб келди. Ул зимистонни Самарқандда ўтказди. Яна баҳорда Хуросонга азм қилдилар. Мирзо Султон Ҳусайн илгариги йили вафот қилиб эрди ва Мирзонинг фарзандлари бовужуди сустрайлик ва камденишлиқдин ҳеч киши била иттифоқи йўқ эрди. Шоҳибекхоннинг келур хабарини эшитди ва ҳар бирлари бир

* ЎЗРФАШИР. Р./430 рақами қўлёэмада Чин Сўфи. (1316- бетда).
Санкт-Петербург В 648 рақами қўлёэмада Ҳусайн Сўфи (122а бетда).

маслаҳат қилдилар. Ҳануз маслаҳатлар бир ерга қарор топмаб эрди, Шоҳибекхоннинг Ҳиротға келган хабари Англанди. Ва Мирзо Зуннун пешвоз лашқар чиқарди. Аммо селни тупроқ бирла турғузмоқ, ўтни хасу хошок бирла ўчурмак мушкулдур. Ва маслаҳатнинг хомлиқидин ўзбек сипоҳлари Мирзо Зуннунни шаҳид қилди. Ондин Ҳиротнинг ичига торож

2076 ва ғорат қыммоққа машғул бўлдилар //. Ва Мирзонинг тобелари ҳар тарафга қочишиб кетди. Ваҳоланки лашкарнинг тұла-роқиға маълум бўлмадики, Ҳиротни нечук олдилар. Бу тариқалик одамлари тула қалъаси маҳкам ва ниҳояти чўнг шаҳарни мундок осон олганлариға басе шодмон бўлдилар. Султон Сайднинг умароларидин Мир Муҳаммад Солиҳ отлиқ бир кимарса бор эрдики, «Тазкиратуш шуаро»да ҳам мазкурдур. Ҳуросоннинг фатҳига лафзи «Ҳуросон»ни тарих қилибдур, яъни түққиз юз ўн икки бўладур.

ЮЗИНЧИ ФАСЛ

**ОТАМ МУҲАММАД ҲУСАЙН КЎРАГОН
АНОРАЛЛОҲУ БУРҲОНАҲУ ШОҲИБЕКХОННИНГ
ОЛДИҒА БОРҒОННИНГ САБАБИ ВА АНГА
ТААЛЛУҚИ БОР СЎЗЛАРНИНГ БАЁНИ ВА СУЛТОН
МАҲМУДХОННИНГ ВА ОТАМНИНГ
ШАҲИД БЎЛГОНЛАРИ**

Вақтеки отам ва Мирзоҳон Кобулдин Қандаҳорға келдилар ва Мирзоҳон Қандаҳорда туриб қолди ва отам ҳажга азм қилиб Сеистон била бормоқни жазм қилди. Ва агар Ҳуросон бирла борсалар Ҳуросон мирэолари такаллуф қилиб зиёда иззатлар қилур эрди. Ани хоҳламай, Фараҳ деган мавзеға етиб эди, бир мунча шикаст топиб, ҳорғон жамоалар қочиб келадур. Шоҳибекхон Ҳуросонни олғонини ул жамоалар бир-бирин тақрир қилди. Бўлак йўл бирла юрмақдин ўзга чора тополмай, Фараҳда уч ой

туруб қолди. Шоҳибекхон буни эшитиб, киши йиборди. Ва Фарахнинг акобирларини ҳамроҳ қилиб, Шоҳибекхоннинг олдига борди. Шоҳибекхон азamat бирла ўлтурубдурки, аниг шархи бу китобга сифмайдур. Ва аниг корига нечанд ўйлар халал ва ўул топмоғи ҳеч инсоннинг хаёлиға етмагай. Аммо тақдирни Ҳудованд андоқдурки, андак замонда аниг давлату азмати ночиҳ бўлуб, ҳеч асари қолмади. Фотина таҳрир қилинур. Алқисса отамни навъ-навъ икромларга маҳсус қилди. Ва Қандаҳор устига

208а // келди. Ва Қандаҳорда Султон Носир мирзо бор эрдики, илгари мазкур бўлди, қирқ кун қабал қилди. Охир сулҳ қилишдилар. Ва ғаниматлар олиб ёндилар. Ул ўйлда Машҳадда ва Нишонурда ва Астрабодда ва Туршизда Мирзо Султон Ҳусайннинг фарзандлари бирла Шоҳибекхоннинг аросида муҳорабалар воқеъ бўлди. Ҳама жангларда нусрату зафар ўзбеклар тарафиға ва хатару ҳазимат Чигатой тарафиға бўлди ва тұласини ўлтурди, қолрон хаста ва мажруҳ бўлуб тафриқа бўлиб кетдилар. Ва ул замонда Убайдулло отлиқ бир киши бор эрди, султонзода эрди ва фатҳонинг тўлароқи Бухорода ул кишига эрди. Сабаби ул эрдики, отамнинг фарзандларини тафсилида зикр топибдур. Уларнинг улуғ фарзандининг оти Ҳабиба Султон хон эрди. Шаҳрисабздин қочқондин кейин Шоҳибекхон Убайдулло Султонга нисбат қилиб берган эрди ва менинг отамдин тилаб хоннинг ҳамширасининг олдига олиб келди. Ул ўйлнинг зимистонида Шоҳибекхон Мовароуннаҳрга азм қилди. Даشتি Қипчоқ деган мавзедаги қазоқ лашкарини тобе қилмоққа қасд этдилар. Отам Шоҳибекхон бирла Бухороға келдилар. Шоҳибекхон ўтиб, қазоққа кетди ва отамни Самарқандда қўйди. Баҳорнинг аввалида ёниб келиб, Ҳуросонға кетди ва Самарқандни ўғли Темур Султонға топшируб эрди. Отамни аниг бирла қўйди. Ул баҳорда отам Самарқандда эрди. Ва мен ҳамшира бирла Бухорода эдим. Ул замонда Султон Маҳмудхоннинг Мӯгулистондин Андижонға келган хабари келди. Ва Шоҳибекхон киши юбориб, отамни Ҳуросонға таклиф қилди. Вақтеки отам Ҳуросонға юз

208б келтурди, аммо бу ишлар хотимасини басийрат // назари бирла кўур эрди ва шаҳодат рангини ажал лавҳида мушоҳада қилур эрди. Аммо менинг коримда баоят жидду жаҳд этар эрдики ба қадри имкон саъй-кўшишлар қилиб, агар анинг жон нафаси шаҳодат гирдобида фариқи раҳмат бўлса, бори ман ҳам саломат соҳилида қолғайман. Аввали маротабаки Ҳиротға бориб эрди, манга таълим қилмоқ учун бир солиҳу фозил киши топди. Оти Ҳофиз Мирраҳим эрди. Алҳақ солиҳ ва фозил киши эрди. Ҳофизи Қуръон ва котиби беназир эрди. Аммо отам Ҳофиз Мирраҳимдин на сафару на ҳазарда ва на хатару на аламу меҳнат кунларида, на роҳату фароғат кунларида бир соат айрилурға тоқати йўқ эрди. Ва пинҳон манга лутфу марҳаматлар қилур эрди. Ва отамнинг ҳам зиёда анга меҳру муҳаббати бор эрди. Ва айтур эдики, тоғанг Султон Маҳмудхон келибдур неча маротаба хат ўибордим бу мазмун билаки, Мир Темур ғолиб бўлуб, Мўгулистанни хароб қилғондин кейин, сизнинг або ва аждодингиз Мўгулистанда вайрон эрди, фурсатни ғанимат билур эрди. Оз либосга ва таомнинг ҳам қандоғи то-пилса, қонеъ эрди. Ва ўз ҳалқини билур эрди. Аммо ҳазратингизнинг вақти андоқки навъ-навъ покиза матоларда либос қилмоқ бирла қисм-қисм шароб ва гуногун физони тотмоқ бирла умри даргузарондур. Мўгулистанки диёри шарқийдур, хужастаҳол хоқонларнинг нури ёруйдирғон фархундафол подшоҳлар макон тутқон ердур. Узоқ замон вайрон эрди. Ҳазратингиз бирла обод ва маъмур бўлди. Ҳар бораки, Шоҳибекхоннинг олдига отингиз мазкур бўлса, ўрнидин қўпуб турадур. Ва фақир зиёда дархост қилдим, аммо бўлмади. Нечанд ароziлиki бир дона хаҳшош фойда бўлса, олами вайрон қилмоққа қасди бор этадурлар. Булар ҳам сизнинг борангиздин

209а // зиёда душманлиқ қиласадур. Шоҳибекхон ҳам ўзига душмани қадимий биладур. Баҳар навъ бу тарафларга азм қилмасангиз, деб. Мунинг жавобида ўиборибдурки, агар даҳр ажал шаробини манга берса, ани ичмай иложи йўқ. Агар марг

заҳарини Шоҳибекхонға ҳавола қилса, аниг ҳам тотмай чораси йўқдур. Шоҳибекхон сизни зиёда тарбиятлар қилибдур. Агар ул вилоятлар қўлумға келса, ондин баландроқ тарбият қилурмен. Эмди сизни Ҳудоға топшурдум. Ҳудо хоҳласа, кўришурмиз.

Мисраъ:

Сабр аччиқдуру лекин меваи ширини бор.

Андоқ билгайсенки, отаси үлмак ҳам фарзандларға меросдур. Ва агар жон қуши Шоҳибекхоннинг домидин қутулса, мулоқот бўлурмиз. Вассалом.

Ва устодинг Ҳофиз Мирраҳим тула дарвеш ўбдон кишидур. Агар санга бир воқеа келса, анингдин бекенгаш иш қилмағайсан. Ҳали Ҳофиз Мирраҳим менинг бирла борадур. Ва сени Мавлоно Муҳаммадға топшурдум. Зинҳор ҳеч ишни анингдин сўрмай, қилмағил! Ва ани сенинг учун ўз ўрнимда халифа қилдим. Ва аниг отаси менинг устодимдур. Ва онасидин туғулғондин бери менинг бирла ҳамроҳ ва ҳамсуҳбатдур. Ва умидим борки сени ҳам бало юз келтурган кунларда халос қилмоққа саъйлар кўргузгай. Ушбу тариқада нечанд маслаҳатандишлиқ насиҳатларни менга гўшвор қилдилар ва Шоҳибекхоннинг тарафига равон бўлдилар. Ул вақтда Шоҳибекхон Кўлобни қабал қилиб эрди. Зоҳиран отамга шафқат қилиб кейнидин киши йибориб Ҳурсонда шаҳид қилди. Ва Султон Маҳмудхонни фарзандлари бирла Ҳўжандда шаҳид қилди. Султон Маҳмудхонни

2096 қутбул Ҳақ ваддин Ҳазрати Шайх Муслиҳиддин Ҳўжандий // раҳматуллоҳи алайҳининг мазоротларида дағн қилдилар. Бу воқеа тўққуз юз ўн тўртунчиси (1508—1509)да эрди. Ҳазрати ғоғирул зунуб ва сатторул уюб жалолаҳу ҳар иккилари ни равзаларини раҳмат ва мағфират нурлари бирла мунаvvар қилғай. Ва уларни аҳли сунна ва жамоаларнинг қаторида ҳашр қилғай, ба ҳаққи Муҳаммад ва олиҳи вал-амжад.

ЮЗ БИРИНЧИ ФАСЛ

БУ КИТОБНИ ТАСНИФ ҚИЛГУЧИННИГ ВОҚЕАЛАРИНИНГ БАЁНИ

Вақтеки Шоҳибекхон отамни шаҳид қилди. Менинг учун Бухороға киши йиборибдур. Муроди улки сувға ташлағай ва Ҳўжанд дарёсида фарқ қилғай. Ҳарчандки Амир Убайдуллоҳ сultonки ҳамширамнинг ақди никоҳида эрди. Ҳарчанд бу иш анга оғир келур эрди. Аммо дам урмоққа мажоли йўқ эрди. Зиҳи қодири Ҳудовандеки, ул қаҳҳорлареки фалак қалъасини газабидин суст қилғунча қудрати бўлғай ва ул жабборлареки замин саҳнини кўтариб ташлаб отқунча қуввати бўлғай, аммо бир мўйини беирода хам қилаолмаслар. Бу сўзининг гувоҳи бу шикастаҳолнинг аҳволидурки Шоҳибекхон Парвардигори жаллат ва азаматнинг жалол сифатининг мазҳари эрди. Анинг учунки, салтанат корхоналаридин тўлани вайрон қилди. Ва подшоҳ хонадонларини йўқ этди. Бу жумладин Султон Ҳусайн мирзонинг авлодидин ва умароларидин икки юз минг кишига яқин ҳалқини йўқ этди. Ва Султон Маҳмуд мирzonинг тобеларидин эллик мингча кишини ултириди. Ва Мирзо Султон Аҳмаднинг тобеларидин ҳам тўла одамларни нобуд қилди. Ва Самарқанднинг тахти ва баҳтини ва яна тўла шаҳарларини вайрон қилди. Ул жиҳатдин арбоби дил ва асҳоби амаллар бу дунёйи фанонинг шамолининг учқуни, дебурларки, ҳар соат вужуднинг фуборини адам саҳросиға ташлағусидир.

210а // Алқисса подшоҳеки бу навъ қаҳҳорлик ва жабборлиқ бирла мавсуфдур, мени ултурмакнинг қасдиға тушди. Ҳануз тифлиқ мартабасида эрдимки, ўнгни чапдин, яхшини ёмондин фарқ этолмас эрдим. На отам бўлғай ва на онам бўлғайки, ўэимни шаҳидликка муҳайё қилиб турад эрдим. На биродари ғамхор ва на ёри

ғамгусор ажаб ҳолдурки, амакзодаларим ҳар бирлари оқил ва доно эрди. Беихтиёр ва ночор балонинг үтросиға тушдилар. Ва мен ҳаммаларидин ожизроқ эрдим. Ва шаҳри Бухороки Шоҳибекхоннинг қаламравининг жумласидиндур, ичида эрдим. Бовужуди Шоҳибекхондек азamatлик подшоҳ мени үлтурмаклик қасдида бўлмоқ бирла подшоҳи азалий ва иродати лам язалий мени фоний қилмоққа жорий қилмоб экан. Сари мўйимни кам қилолмади Субҳона зилмулки вал малакут. Бу қиссанинг тавсиғи будурки, отамни Ҳуросонда Шоҳибекхон шаҳид қилди. Андоқки тақрир қилинди. Ва менинг учун Бухороға киши йиборди. Ҳарчанд бу корни Убайдуллоҳон пинҳон тутай дер эрди. Аммо Шоҳибекхоннинг фармонига тажовуз қилмоқ мумкин эмас эрди. Ночор мени ул кишиға қушдилар. Муродлари улки Аму дарёсиға ташлағайлар, анда ғарқ қилғайлар. Отамдин қолғон ашёларни ҳар ердин истагали турди. Бу жиҳатдин неча кун тавакқуф қилди. Ва бу вақтда Мавлоно Муҳаммадки отамнинг халифаси ва менинг устозим эрди, уларнинг олдиға борибдур. Мавлоно сўрабдурларки, Ҳуросонға қачон юурсизлар, агар ушбу кунларнинг ичидаги юрсанглар, мұнтақидлар ўйига тарқағондин кейин келинглар, менинг андаке сизларга сўзим бор, дебдур. Мұнтақидлар тарқағондин кейин Мавлоно қошлириға келиб экан,

2106 айтибдурки Муҳаммад Ҳусайн мирзонинг Ҳуросонға // бормоқиға рози эмас эрдим. Ҳоло ҳам Мирзо Ҳусайннинг ўғлини Ҳуросонға олиб борманг, деб яна айтибдурларки, таваккал қилурмиз. Ҳарна келса Ҳудодин билурмиз. Ҳазрати Пайғамбар саллоллоҳи алайҳи васаллам коғирлар қасд қилғонда ҳижратта таваккал қилмоққа амр қилибдурлар. Балоға гирифтор бўлмоққа амр қилинмабдур. Маслаҳат улки, таваккални Ҳудоға қилиб қочғайсизлар ва йўлда ҳар хавф-хатарки бўлса, мен зоминдурман дебдурлар. Мен Мавлононинг бу сўзларини эшитиб, кўнглимга бир қуввати азим пайдо бўлди. Уларнинг олдиғин чиқиб, қочмоққа қасд қилдим. Вақтеки сўз бу ерга етти, мундин йўқғори сўзлар мазкур бўлди. Бу мажмуани тавсиғ қилмоқ лойиқ кўринди.

ЮЗ ИККИНЧИ ФАСЛ

МАВЛОНО МУҲАММАД ҚОЗИ АЛАЙХИР РАҲМА ВАЛ МАҒФИРАНИНГ ЗИКРИ

Жарнинг исмлари Мавлоно Муҳаммад Бурҳониддиндур. Отапарни қози Имодиддин Самарқанднинг маҳсусларидин эрди. Ушбу жиҳатдин Мавлоно Муҳаммад Қози деб шуҳрат топибдурлар. Булар илми зоҳирийни таҳсил қилғондин кейин сулук қилмоқ орзуси бўлди. Бу орзу бирла Ҳурросонга бормоққа қасд қилдилар. Самарқанддин чиқиб аввал қутбул ақтоб, маҳбуби ҳазрати раббул арбоб, қудваи асҳоб, улул албоб Ҳожа Носириддин Убайдуллоҳнинг мулоғиматлариға бордилар. Улар сўрдиларки, на ерга борасиз деб, — Ҳурросонга, — деди. Яна сўрдиларки, орзуни таҳсилдин ўзга ҳам ҳавас борму деб. Бир толибул илм улар бирла ҳамроҳ эрди, ул айттики, буларға дарвешлик орзуси зиёдароқдур деди. Яна айттиларки, бир соат таваққуф қилинглар деб, ўзлари боғнинг тарафиға бориб, икки хат олиб келдилар. Бирисини Мавлоно Саъдуддин Кошқариййнинг ўғли Ҳўжа Калонга бердилар. Ва яна бирики сулук тариқаси ва баланд табақанинг

211a // нисбатининг варзиши эрди, ани Ҳазрати Мавлоноға бердилар. Мазмуни ушбуздурки, бандачиликнинг ҳақиқати Ҳақ таолонинг улуғлуқини мушоҳада қилмоқдин дилға пайдо бўлғон хавфу шикасталик ва ожизлиқ хузуъу хушуъидур. Шикасталик саодати муҳаббат пайдо қилмоққа мавқуфдур. Муҳаббат пайдо қилмоқ Муҳаммад расууллоҳға мутобаат қилмоққа мавқуфдур. Мутобаатнинг тариқини билмакка ва бу маъноларнинг ҳусули улуми динийни ҳосил қилмай маҳолдур. Уламойи диннинг мулоғиматида бўлмоқ лозимдур. Ва илмни маоши дунёвий васила қиласурғон уламоларнинг мажлисидин эҳтиroz қилмоқ вожибдур.

Ва дарвешлареки, рақс ва самоъ қиладурлар, уларнинг сұҳбати барфайз бўлса, олғай ва ҳар таоме бўлса егай. Аҳли суннат ва жамоатнинг мазҳабидин ташқари қилғон маърифатларни англамоқ ҳаромдур. Илмни Ҳазрати расул саллоллоҳи алайҳи васалламнинг мутобаатлариға вобаста маърифатларнинг нурини ҳосил қилмоқ учун ўқимоқ лозимдур.

Ҳазрати Мавлоно тасниф қилғон китоблардин бирики, «Силсилатул орифин»дур, ул китобда айтибдурки, бовужуди бу илтифотлар бирла Ҳурносон сафарининг орзуси дилимдин кам бўлмади. Ҳазрати Эшондин рухсат олиб, Ҳурносонга юз келтурдум. Аммо йўлда андоқ воқеалар юз келтурдики, асло бормоқнинг имкони бўлмади. Яна ёниб Ҳазрати Эшоннинг мулоэзиматлариға келдук. Муддати мадиддин кейин [Муҳаммад Қози] хос физога мутасадди бўлдилар. Ниҳояти ихлосдин физога лозим нарсаларни рикобдана ерга борсалар пиёда кўтариб юрур эрди. Бориб-бориб зиёда яқинлик ҳосил қилдилар. Андоқки уламоларига акобирлар бирла ултурғон вақтда

2116 Мавлоноға хитоб қилиб сўзлар эрди. Ҳазрат // Эшоннинг назари марҳаматлари буларға ул миқдор эрдики, асҳоблар ва фарзандлари ҳасад қилур эрди. Мавлоно Муҳаммад Амин отлиқ бир муридлари бор эрди, уларға бир малоллиқ юз келтирууб эрди, улар ҳам Ҳурносонга юз келтурди. Аҳли сулуклар аросида муқаррардирки, Ҳурносоннинг ҳавоси ярим пирлиқ тарбият қиласадур. Ва ярим пирлари Ҳазрати Мавлавии Жомий эрди. Сулукларини Ҳурносонда тамом қилдилар. «Силсилат ул-орифин» Ҳазрати Эшоннинг хориқ одатларининг баёнида келтирубдурки, ул кунеки Ҳурносонга бормоқ ботинимда қарор топиб эрди, Ҳазрати Эшоннинг мулоэзиматлариға бордим. Бир маротаба марҳамат назари бирла қарадилар. Яна бир қараб айттиларки, ҳеч билурсенму, такрор бирла қароронимдин ғаразим нимадур, деди. Айтдимки, Аллоҳу аълам ва набийиху ва валийуху яъни Ҳудо билур ва пайғамбари билур ва дўсти билур, дедим. Айттики, сизнинг ҳолингизга назар қиласадур. Яна истиқоматда мустақимдурсиз.

айттиларки, уйқуда андоқ күрдүмки, Мавлоно Мұхаммад бир жойни макон қилур, аммо бунёди бўлмас. Ҳазрати Эшоннинг одатлари ул эрдики, хориқ одатларини тушумда күрдум дер эрдилар. Бовужуди ижозат бермаслик бирла Ҳуросонға бордилар. Ҳуросонда олти ой турдилар. Бу олти ойнинг ичидаги ҳамиша Ҳазрати Мавлоно Абдураҳмон Жомий бирла суҳбат тутдилар. Аммо Ҳазрати Эшоннинг мулоғиматлари андоқ ғалаба қилдики, охир ёнмай, иложи бўлмади. Яна ёниб келиб, Ҳазрати Эшоннинг мулоғиматларида бўлдилар. Ва ҳам «Силсилат ул-орифин»да мазкур дур. Тошканда Ҳазрати Эшоннинг мулоғиматларига еттим, муқаррар қилиб эрдимки, қолғон умрумни Ҳазрати Эшоннинг тавиладаги отларининг хизматларида

212а ўткаргайман деб. // Бордим ва бир гўшада ўлтурдум. Ва бу андишада эрдим, киши келдики, сизни Ҳазрати Эшон чорлайдур деб. Ҳушум кетди. Ва хижолатдин тер аъзоларимдин оқди. Ушбу хижолат бирла Ҳазрати Эшоннинг олдига кириб эрдим, аммо Ҳазрати Эшон андоқ марҳаматлар қилдиларки, мендин асло нолойиқ иш ўтмабдур. Балки тўла хизматлар қилибдурман. Бебоис Ҳазрати Эшоннинг олдилариға киролмас эрдим. Муборак тилларидин маърифатлар жорий бўлғонда бу фақирни мухотаблик шарафиға лойик кўрган эканлар, ҳозири мажлислардин сўрабдурларки, Мавлоно Мұхаммад қайдадур? — деб, молики аниш арз қилибдурки, ҳамиша ташқари юруйдур ва айтадур, ул ишлареки мендин зуҳурға келди, йироқдин дийдорларини кўрганим басдур. Бу юзум бирла суҳбати шарифлариға нечукдин кираолғайман. Анда Ҳазрати Эшон айтибдурларки, анга айтингларки, илгари менинг олдимда бўлсин, агар бир нарса анингдин ўтган бўлса, биз кечурдик ва агар биздин содир бўлса ҳам афв қилғай дебдурлар. Вақтеки Ҳазрати Эшоннинг лутфу марҳаматлари бу миқдорға етти, ул остоинанинг хизматини кундин-кунга зиёда қилдим. Ва ул Ҳазрат ҳам зиёда марҳаматлар қилур эрдилар. Ва бир куни айттиларки, жувонмардларнинг одати ул бўлғайки, гуноҳ қилғучиларни ўзига андоқ чорласунки, асли узрга ҳожат

қўймасун. Алҳақ бу каминанинг гуноҳини шундоқ афв қилдилар. Модомики Ҳазрати Эшон қайди ҳаётда бор эдилар, уларнинг камари хизмат белларига боғлоғлиқ эрди. Муқаррабларининг

212б ҳаммасидин муқарраброқ эрди. Андоғки // замоннинг подшоҳлари бор эрдики, ҳар бириси бир муридни васила қилиб, арзини Ҳазрати Эшоннинг самъи шарифларига етқузур эрди. Мавлоно Қосимни Султон Абу Саъид мирзо васила қилур эрди. Мавлоно Ҳожа Алини Султон Аҳмад мирзо васила қилур эрди. Султон Маҳмудхон Ҳазрати Мавлонони васила қилур эрди. Бу фақир Ҳазрати Мавлонодин эшитдимки, Султон Маҳмудхонни тұла таъриф қилур эрдики, Султон Маҳмудхон тұла қобилицілхон-дур дер эрдилар. Аммо ҳар қайсиси бордурки, баландлигига монеъдур. Ҳизматкор хожасининг олдида андоқ бўлмоқ лозимдурки, ҳарна буйурса ани қилғай, ваҳми хаёл бирла иш қилмағай. Лочинга ўхшаш ҳар нарсага солса, қуввати етсун ва етмасун югурмоқи лозимдур. Андоқки бу китобнинг аввалида филжумла зикр қилинди. Бу сўзнинг мақсади улдурки, Ҳазрати Эшоннинг риҳлат қилғонларидин кейин Ҳазрати Мавлоно Тошкандга бордилар ва аҳли Тошканд ҳам бориси ниёзу иродатни тамом бажо келтурдилар. Тошканд вайрон бўлғонда Бухороға бордилар. Ул замонда Убайдуллохоннинг отаси Маҳмуд Султон Шоҳибекхоннинг биродари эрди, Бухороға подшоҳ эрди. Ва ул Ҳазрати Мавлононинг мулозиматининг шарафини топди, «Ан-Носу ало дини мулукиҳим» (Одамлар подшоҳи динида бўлур)нинг мазмуни бирла. Вақтеки Маҳмуд Султон иродат қилиб эрди, дарвешларнинг аросиға сулукнинг шуғли андоқ зиёда бўлдики, ондин кейин ул вақтдаги лаззат топилмади. Отамни Ҳуросонға олиб бориб, шаҳид қилғон вақтда Ҳазрати Мавлоно Бухорода эрди. Бу фақирнинг воқеасида зикр қилинди. Бу фақирға Ҳазрати Мавлононинг мададлари Бухорои шарифда воқеъ бўлди. Тарихқа түккуз юз ўн олтиси (1510—1511) фача Бухорода эрдилар. Ул вақтдаки қизилбош лаанаҳумуллоҳ ғолиб бўлди, Андижонға иқомат қилдилар. Уларнинг қадамининг баракоти бирла ул диёрда тұла халқлар тариқаи

213а хожагоннинг // давлатига мушарраф бўлиб, баланд мартабаларни тоғдилар. Бу вақтда ҳам уларнинг шарофатлари зоҳиру ҳувайдодур. Бу жамоа саодатмандларининг шархи Ҳазрати Махдуми Нуроннинг тазкираларида ҳам мазкурдур. Ва бу китобнинг аввалида мазкур бўлдики, ҳар ердаки, Ҳазрати Мавлоно келса, булар мақсаддур. Ҳазрати Мавлононинг ўзга ахволларини ўз маҳалида зикр қилинур.

ЮЗ УЧИНЧИ ФАСЛ

**ЭМДИ ҚИССАНИНГ АВВАЛИГА ЁНМОҚ
ЛОЗИМКИ ҲАЗРАТИ МАВЛОНОНИНГ
АХВОЛИЯТИНИ ЗИКР ҚИЛИШДИН ИЛГАРИ
СҮЗ БУ ЕРГА ЕТИБ ЭРДИКИ**

Менинг устозим Ҳазрати Мавлоно Мұхаммадга амр қилиб эканларки, мени олиб қочғай. Мундин илгари қочмоқнинг ҳаваси йўқ эрди. Уларнинг нафаслари бирла бу ҳавас зиёда ғалаба қилди. Манга бир хилватеда айттиларки, ҳоло сиз Ҳурсонға борурсизму, айтдим, ори, чорлайдур бормоқ лозим. Улар айттиларки, Мирзони бандға тортғони маълум бўладур. Сиз борсангизму, нима қилур экан? Охирул амр айттики, бир оз пинҳон борки, кишига айтмасангиз ани дегайман.

Мирзони Ҳурсонда шаҳид қилибдур. Ҳукм қилибдурки, сизни ҳам дарёи Амунинг қаърига ташлаб халос қилғай. Агар бир киши чиқиб қочали деса, қочиб кетинг, — деди. Бу сўзни эшитиб, кўнглимда ваҳшат пайдо бўлдики, ушбу умид бирла бир ҳамроҳи қобил истар эрдим. Бухоронинг ичиди бир ошное бор эрди. Ул ўз уйида неча кун маҳфий тутди. Отамнинг мулоэзимларидин нечасига хабар қилибдурки, қочадурғон кунларида от олиб келиб бергай. Истагучилар шаҳар ичида дур, деб гумон қилмағай ва шаҳарнинг тошини истагай. Бу

тадбирлар тақдирга мувофиқ экан. Ҳамма одамлар гумон қилибдурларки, отлиқ қочибдур деб. Шаҳарнинг ичини асло истамади. Мен ул ошононинг уйида бу ҳийла бирла ўн беш кун турдум.

213б Ўн беш кун утгандин кейин // кирокашлар бирла шоду хуррам Ҳисорға келдук. Ҳисорнинг бозорида отамнинг мулоғимларидин бири Мавлоно Муҳаммадни тануди. Ул кишини ҳам душманға хабар қилмағай, деб Ҳисордин ҳам илдам қочмоқға турдуқ. Йўлда отдин йиқилиб, чап қўлим синди. Шаҳарга бормоқдин қўрқуб икки ой машаққат бирла йўл юриб Ҳутталон деган шаҳарнинг Пушанг деган кентига кирдук. Анда Ҳўжа Ҳабибуллоҳ отлиқ бир кимарса бор экан. Анда тушиб бир неча кун турдук. Ўбдан киши экан. Қўлимни тангдурди. Неча кеча уйқусиз эрдук, ул кеча тоза уйқуладик. Бир куни бир сипоҳи ҳуззори мажлисдин тиркашини қўйди. Айттики, Мавлоно Муҳаммадни танумайдурман, мен фалон вақтда Мирзо Муҳаммад Ҳусайннинг баковули эрдим. Тўла хизматларни қилиб эрдим, деб нишонани баён қилди. Анинг бирла сўрашдук. Мавлоно Муҳаммадга тўла хушлуқ юз келтурди. Бир кеча кундуз ҳамроҳдорлик бирла мажлис ўтди. Вақти субҳда айттики, эй, Мавлоно, Муҳаммад Ҳусайннинг намакини ҳалол қилибсизки, Мирзонинг ўғлини ўбдан олиб қочибсиз. Агар дунёлиқда бир нарса бўлса эрди, хиэмат бажо келтуур эрдим деб кетди. Ҳоло ҳам ул хиэматеки мумкиндур, қилғумдир деди. Бир соатдин кейин хожанинг маҳрамларидин бири Ҳожанинг қулогига бир нарса деди. Ҳожанинг ранги дув тағийир топди. Биздин ҳам ҳуш кетди. Бир соатдин кейин уй хилват бўлди. Ул кимарса чарлаб, яна сўрдики, шайх нима деди? Ул кимарса айттики, Ҳўжа Ҳабибуллоҳга айтғилки, бу киши Мирзо Муҳаммад Ҳусайннинг ўғлини олиб қочибдур. Мирзоҳон Бобур

214а подшоҳнинг холазодасининг // ўғли бўладур. Ҳожа ани уйида сақлабдур. Ҳамза Султонға муҳолифатлик қилибдурмен. Мен бориб Султоннинг одамлариға айтиб, Ҳожа Ҳабибуллоҳнинг хонумонини андоқ тарож ва барож қилдурғайменки, тупроқини кўкка совургай, деб шитоб бирла кетди. Ҳамза Султон андоқ

кўр эрдики, ботинини қўзини зулми зоҳир қўзидин зиёдарак кўр қилиб эрди. Аҳли мамлакат анинг зулмидин ҳамиша барги беддек титрар эрди. Ҳожа Ҳабибуллоҳ бир соат тафаккур қилиб айттики, сизларни ҳеч киши мангға боқғали бермадики, кейин талаб қилиб топширгай. Бир кичик болани золимга тутуб бермаклик шариатда жойиз эмас. Энди қўпинглар ва жонинглар ором топадурғон ерда жой тутинглар! Агар сизлар учун мени тутиб ҳар на зулм қиласа ул ҳам манга захираи охират бўлғусидир, деди. Ул Ҳожа бирла видолашуб чиқиб кетибдур. Бизни фаразимиз Мирзоҳоннинг қошиға бормоқ эрди. Аммо ул замонда Бадахшонда Шоҳ Розиуддин Чироқкуши деб кимарса бор эди. Мирзоҳоннинг тобеларидин ҳар кишини топса, ўлтурур эрди ва ўзига василяи охират билур эрди. Ул жихатдин йўллар итиклик эрди. Бизнинг Бадахшонга бормоқимиз душвор бўлди. Кўҳистоннинг мулоҳидаларидин эрди. Ул малъуннинг ҳикояси ҳар қайси тарих китобларида бордур. Кўҳистоннинг тўла ҳалқи ул маҳаббадур. Оламни қадим эътиқод қилибурлар. Беҳиштга ва дўзахга ва қиёмати ҳашрга қойил эмасдурлар. Ва айтадурларки, шариатнинг ҳукмининг ичидаги бўлмоқ пайғамбарнинг замонида фарздор. Пайғамбар риҳлат қилғондин кейин калимаи таййибани айтмоқдин ўзга ҳукмлар кўтарилгандур. Жимоъ қилмоқ ўзи ҳалолдур. Никоҳ қилмоқка ҳожат йўқ. Ҳар нарсанники жимоъ қилғали

2146 бўлса хоҳ онаси бўлсун, хоҳ ҳамшираси, // хоҳ ўғли, хоҳ ҳайвонот бўлсин, жимоъ қилмоқ жоиздур. Ҳар кишининг моли яна бир кишига ҳалолдур. Бу фирмәни мулоҳиданинг мазҳаби оламдаги ҳамма куфрнинг ёмонроқидур. Шоҳибекхон ғолиб бўлғондаму Бадахшон ўз боиҷа эрди. Шоҳ Розиуддин мулоҳидаларнинг пирзодаси эрди. Ҳар йилда наэр йиғиб берур эрди. Бадахшонга Мирзоҳон ғолиб бўлуб, Зубайрни ўлтурууб, ул вилоята подшоҳ бўлиб эрди. Аммо Шоҳ Розиуддинга бу ҳалқнинг эътиқоди тўла эрди. Вақтеки Ҳутталоннинг кентидин Ёвли деган кентга етиб бордук. Бу ахвол маълум бўлдики, бу ердин чора элтмакнинг иложини топмадуқ. Баъзилар маслаҳат кўрсаттики, Шоҳ

Никпой Янжиirkондадур, Розиуддиннинг анинг бирла робитаси бор, агар Шоҳ Никпойга илтижо қилсанглар, Шоҳ Розиуддиндин халос қилиб Мирзохонға еткузур, деди. Мавлоно Муҳаммад мени бир кишининг уйида қўйуб, ўзи Шоҳ Никпой қошиға бориб бу ҳолни тақрир қилиб экан. Айтибдурки, мен Мирзохоннинг устодидурмен, ўзбекнинг қўлидин қочиб қутулуб, Мирзонинг паноҳига сифиндим. Агар бу борада саъӣ қилсалар, савоби азим бўладур ва ҳам Мирзохонға давлатхоҳлиқ қилғонларнинг ўзиға арз қилғаймен, деб бу сўзни айтғонида Шоҳ Никпой Мавлоно Муҳаммадга зиёда икромлар қилиб, эътимодлик беш кимарсани қўшди. Ҷарёи Амудин ўтуб, Рустоқға келгунча ул беш киши ҳамроҳ эрди. Агар чандеки вайрон бўлсаму, Чироқкушнинг шарриндин омон жой эрди. Вақтеки кеча бўлди, ул беш киши кечада арбада қилмоққа турди. Яна бизга уч фақир ҳамроҳ бор эрдики, Қалъаи Зафарда суд қўрмак ҳавасида олиб келиб эрди. Ул фақирларға айттики, бож бермак лозимдур. Ўзи хоҳлағанча нарсаларни олди, ҳар қайсимиизнинг андак

215а нарсамиз бор эрди, ҳаммасини йиғиб олди. Охирул амр // ул беш киши айттики, югурошали. Биз айтиқки: биз ожиз, сизлар бирла тенг йуғурғоли бўлмайдур дедук. Ондин кейин ўлтирмакка қасд қилиб ҳар биримизни боғлади. Навбат Мавлоно Муҳаммадга етти. Мавлоно Муҳаммад сиёsat бирла айттики, сизлар бизларга таъарруз қилсанглар бўлмайдур. Манга ишорат қилиб айттики, бу кишини танурмусизлар, бу киши Мирзохоннинг биродари дур. Бухородин ўзбекдин қочиб, Мирзахоннинг қошиға борадур. Ва неча киши йўлда хизматкорлардин қолиб эрди. Улар ҳам ҳоло етиб келур, агар Қалъайи Зафарға бориб, Мирзохонға айтса, сизларни зеру забар қилгусидур. Мавлоно Муҳаммад бу сўзни айтғондин кейин ул ғалчалар паст бўлиб қолди. Ул олғон нимарсаларни бергил, деб эрдук, ёндируб бериб, ёниб кетди. Андин кейин Худоға таваккал қилиб, бир кеча-кундуз юрдуқ. Субҳ вақтида Рустоқға етиб бордик. Ул малъун мулоҳидалардин эмин бўлдуқ. Яна бир кун юруб, Қалъаи Зафарға етдук. Ўзбеклар ғолиб бўлғон вақтда Бадахшон ҳалқи ҳар қайси бир гүшада жой тутғон эрди. Ва

ўзбек неча маротаба лашкар тортиб борди, аммо оолмади. Ул вақтда Бадахшоннинг улуғларидин бири Муборакшоҳ эрди. Ул бир маҳкам жойни ўзига топиб эрди. Ул маконға киришдин илгари ўзбеклар ҳозир эрди, от солди. Аммо Муборакшоҳнинг қўлидин шикаст еб ёнди. Ул жиҳатдин Қалъай Зафар деб от қўйғон эрди. Ва яна бир муносиб улдурки, бир тоифа халқ бордурки, музafferиён дейдурлар. Бу Муборакшоҳ ул халқдин эрди. Бу Қалъай Зафар Бадахшоннинг дорул мулкидур. Бу Муборакшоҳни Зубайр Рофий үлтуруб, ғолиб бўлғон эрди. Зубайрни Мирзохон үлтуруб, хон булиб эрди. Андоғки йўқғори ўтти. Мирзохон

2156 // ондин кейин ул Қалъай Зафарда эрди. Ҳазоротнинг тўлароқики Бадахшонға тобе эмас эрди. Ани Мирзо Абобакр олиб эрди. Бадахшоннинг тубан тарафи ҳамвора эрди. Ани ўзбек үзига тобе қилиб эди. Мунинг орасидин Бадахшон вилоятининг убдонроқи Шоҳ Розиуддиннинг тасарруфида эрди. Мирзохон орада қолиб, танглик бирла авқот кечиурр эрди. Ул ҳолда бу бандада Мирзохоннинг олдиға кириб бордим. Мехр-шафқатлар бирла олдимға чиқди. Мен келишдин илгари Султон Сайдхон ҳам келиб, ўтиб кетган экан, фотина шарҳ қилинур. Бир йил Мирзохоннинг хизматида турдум. Колғон аҳволимни хон Кобулға борғонда зикр қилурмиз, иншоолло.

ЮЗ ТЎРТИНЧИ ФАСЛ

СУЛТОН САЙДХОН АНДИЖОНҒА КЕЛГАНИ,
БАНДГА ТУШУБ БАНДДИН ХАЛОС БЎЛГОНИ
ВА ОНДИН ЎТУБ КОБУЛҒА БОБУР ПОДШОҲНИНГ
ҚОШИҒА БОРҒОНИНИНГ ЗИКРИ

*И*укғори ўттики, Шоҳибекхоннинг аркони давлати иккинчи маротаба мӯгулнинг подшоҳлариға ўтмайдур. Султон Махмудхонни үлтуруб, тобеларини ўз халқига навкар қилиб бериб эрди, ҳар

киши Султон Сайдхонни Шоҳибекхоннинг ҳавосидин манъ қилур эрди, аммо ҳеч важҳ бирла бўлмади. Охири Андижонга келдилар. Фарғона вилоятининг ҳуқумати Жонибек Султоннинг қўлида эрди. Шоҳибекхоннинг эътимодлиқ халқидин Ҳожа Али Баҳодир отлиқ бир киши бор эрди, анга топшуруб эрди. Оталиқ эрди. Ҳожа Али Баҳодир ўзи девонавор киши эрди, аммо сипоҳгарлиқда ягона эрди. Вақтеки хон Сўлот кентига борди, Сўлот Андижоннинг тобеъиси эрди, ўз ному насабини баён қилиб, ул кентнинг халқидин сўрдики, Султон Маҳмудхонни ва тобеъларини нима қилди³ — деб.

216а Ул кентнинг // халқи айттики, Султон Маҳмудхон ва ҳар хоники мӯгуллардиндур, уларни ўлтурди, — деди. Муни эшитиб, хоннинг умиди ўргумчи торидек тамом узилди. Бу келганидин пушаймон бўлолмас эди анинг учунки, кўриб-билиб туриб келган эди. Ҳожа Али Баҳодир киши йибориб хонни, тобелари бирла олиб бориб, Андижоннинг арк дарвозасининг устида бир ҳужрага маҳбус қилди. Бир кеча анда турди. Эртаси Жонибек султоннинг қошиға олиб борди. Аммо Ҳожа Али Баҳодир бу борадин ғамлик эрди, ва ҳайф, дер эрди. Шоҳибекхондин қўрқуб хонни халос қилишнинг иложини топмади. Буларни Жонибек султонга йиборишдин илгари киши йибориб эрди, ул вақтда Жонибек султон отдин йиқилиб, бошининг мағзи халал топғон эрди. Тўла иши ақлға мувоғиқ эмас эрди. Мабодо хоннинг хабарини олиб, борғон куни шариат ва мусулмончиликнинг ҳавоси димогифа тушган эрди. Ҳақ таоло бу маънини хонни халос қилмоққа сабаб қилди ва айттики, мен жаллод эмас-дурмен, кишини ноҳақ ўлтурмайдурмен, деб буйурдики, Ҳожа Алиниңг отиға нишон футунгларки, мӯгулнинг хонларидин ҳар кишики келса, ани ўлтурмакка шариатнинг ҳукми йўқ. Ани омонлиқ бирла қўя беринглар. Ҳар ерга борса борғай, — деб. Бу воқеани хон манга неча маротаба айтиб эрди. Мӯгулнинг хонлари, бундин боқи қолмоқлиғи таъйин эрди. Мен Андижонга келганда баъзи соҳиби дуолар битиб йиборибдурларки, бу дуони ё ул дуони ўқусун! Мен айтур эрдимки,

216б вирд ўқимоқнинг // бир шарти маҳол нарсанинг тала-бида ўқимаслиқ, менинг бу вартаи ҳалокатдин халос топмоқли-ғим маҳолдир. Яна улар илтижо қилдиларки, агар бу дунёда хосият бермаса, охиратда савоб бўлур, деб эрди. Савобнинг уми-дидага баъзи дуоларни ўқир эрдим. Аммо ҳеч важҳ бирла халос топмоқлиқи қўнглим лавҳида кўринмас эрди. Агар Шоҳибекхон ўлсаму, мени Аксига олиб борадур. Жонибекхон менинг ишимни саранжом берадур, агар Жонибекхон ўлса ҳам, ўзбекнинг кори анинг бирла халал тоғмайдурки, манга халослиқ бўлғай. Ушбу хаёллар бирла Ахсининг қошиға етиб эрдукки, бир кимарса от югуртиб чиқиб келди. Мен гумон қилдимки, мени қатл қилмоқнинг хабарини олиб келган бўлғай. Яқин еттандин кейин танудимки, Мавлоно Ҳайдар Ҳарсувор экан. Отдин тушиб, хушвақтлиқ бирла сизга хушхабар деб айттики, Жонибекхон сизнинг халос-лиқингизга ҳукм қилди ва бу саодатнинг хабарини яна Али Чулоқ ҳам олиб келди. Мен футмас эрдимки, булар маҳфий манга тасалли бермак учун бундоқ дейдур, деб гумон қилур эрдим. Ва айтур эрдимки, Худо сизларга яхшилиқ бергай, аммо мен тасалли берадурғон вақтдин ўтдим дедим. Мавлоно Ҳайдар агар ушбу сўз ёлғон бўладурғон бўлса Ҳудонинг ғазаби бўлсун деб, қасам қилиб берди. Алқисса мени ул ердин ёндириди. Жони-бекхон берган нишон бирла Андижонға олиб борди. Нишонни Ҳожа Алининг қўлиға бердим. Нишонни ўқиб айттики, мен ҳам мунча баҳона тополмай туриб эрдим. Энди роҳати шаробни ичиб, истироҳат бистари

217а узра уйқуламоқ лозимдур. Шаробнинг қадаҳини тутуб, базмни // гарм қилиб, бир-икки кун ўтказиб эрдукки, Оллоберди отлиқ Жонибек султоннинг ясавули бор эрди, ул кириб келди. Ва айттики, бу хатни ўқунг! Ўқидим, улдурки, аввал қилғон ҳукмимдин ёндим. Султон Саидхонни борғон ҳалқи бирла йибормак лозим ва ани Мўғалистон тарафиға йибормак керак. Бу номай паришонни ўқуб, чиройим тафийр топди. Ҳужа Али Баҳодир айттики, тафийр мизожнинг сабаби нимадур? Мен айттимки, бу хатни ўқунг!

Ул ҳам ўқуб хайрон қолди. Айттики, ҳар нарсани яхшилиқ хаёл қиласа, ёмонлиқдин ўзга эрмас, деб.

Яна айттики, тифи обгардин халос бўлғон киши бу диёрлардин симобдек пинҳон буладур. Мен уларни на ердан топай. Ясавул айттики, эй баҳодир, давлатхоҳлик сажжодасидин юткармак савоб эрмас. Симобдек пинҳон буладур, дегани киши ёнингизда ҳозир турибдур, деди. Ҳожа Али Баҳодирнинг вужудидин оташи ғазаб ўртади ва айттики, мен нечанд йилдин бери Жонибек сultonнинг хизматида жон нисор қилгандурман. Сен энди мени ёлғончи қилғайсен. Сени ҳар нима қилиб, Сultonнинг олдида ўҳдасидин чиққумдур деб, бир яғочни тешиб гарданидин ўтказиб қўйди. Кейин Сulton Сайдхон Андижонни олғонда Оллоберди ясавулни хоннинг олдига олиб келди. Анинг илгари қилғон қабиҳ ишларини хонға арз қилди. Ҳон илтифот қилиб айттики, бизнинг имтиҳонимизни ул куни Ҳожа Али Баҳодир гарданига ёғоч солиб, олиб бориб экан, энди яна шу ясавулликда турсин деб, ясавуллик мансабини нисбат қилиб бердилар.

2176 Илоҳий эҳсоннинг // нури аввалин ва охирин бани одам, балки ҳамма мавжудотфа партав солибдур. Биз бечораларки қўҳ-қўҳ гуноҳлар қилибдурмиз, гуноҳимизга боқмай, фаффорлиқ сифати бирла тажаллий қилиб, биҳишти анбарсириштка кирғузуб, ўз дийдорингға восил қилғайсен. Омин ё раббул оламин. Алқисса ул кечани ўтказдук. Эртаси неча эътимодлик кишиларни қўшиб берди. Қойир Таркин йўлиға кирдук. Бир кун йўл юриб, ҳамроҳлар йўлини ютуруб, ёниб Ҳожанинг қошиға келибдурмиз. Ҳожа уларға ғазаб қилиб, яхши одамларни чарлатиб келибдур. Буларнинг аввалиси Мавлононинг ҳалқи эрди. Ўзи фозил толибул илм киши эрди. Яна бири Ҳожа Сомиҳ. Бу ҳам Андижон вилоятида фозил киши эди ва савдогарларнинг улуғи эрди. Ҳамма йўлларни хўб биладурғон киши эрди. Яна бири Мавлоно Юсуф Кошқарий. Яна бири Мирзо Аҳмад турк, яна бири Жалол, буларни йиборибдурлар. Мавлоно Юсуф савдогарлик суратида, Жалол савдогарнинг чокари суратида, Мав-

лононинг халқи дарвешлик ва пирлик либосида, хон толибул илм, қаландарлик суратида эрди. Бу тариқада йўлға кирдилар. Омонлиқ ва осудалик бирла Қалъай Зафарга еттилар. Мирзохон истиқбол қилди ва хизматкорлиқни камо янбаги адо қилди. Үн саккиз кун турдилар. Мирзохон ожиз эрди. Баъзида мош қайнатиб ичар эрди. Қалъай Зафарнинг подшоҳлиқини ҳеч бир киши ярим нонға олмас эрди. Хонға арз қилди. Хон анга илтифот қилмадилар ва айттиларки, Мирзохон аммазодамдур, чархи қажрафторнинг ҳаводисидин юз меҳнат бирла авқот кечириб турибдурмиз. Эмди мунингдин ҳукуматини олмоқ жувонмардлиқ мазҳабида мамнуъдур, деди. Бу жиҳатдин хон илдам ўтиб кетиб эканлар.

218а Мен үн саккиз кундин Мирзохоннинг // олдига келиб эканмен, илгари мазкур бўлди. Ондин кейин хон Кобулға борибдурлар. Подшоҳ Бобур ниҳояти эъзову икром бирла хонға мулоқот бўлубдур. Борҳо хон айтур эрдики, ул фароғатки Кобулда ўтти, ҳеч вақтда андоқ фароғат бирлан авқот ўткармагандурмен, деб эрди. Анинг учунки, юрт ишиға подшоҳлиқи бор эрди. Подшоҳлиқдин халос бўлмоқ ҳам бир навъи фароғатдур. Анинг учунки, подшоҳға яхшию ёмон, ҳамвору ноҳамворлар бирла ҳамсуҳбат бўлмай чора йўқдур. Агар бир кишига хуши келса, анинг бирла сұхбат қилур. Ва кишининг такаллуфи йўқдур ва ҳар нарсани табиати хоҳласа муҳайёдур. Ва яна айтур эрди, ушбу тариқалик подшоҳона беғамлик бирла умр ўтказур эрдимки, ушбу андиша кўнглимда бор эрдики, мабодо мундин кейин, нима меҳнатларга қолурмен экин. Ул вақтларда хуморлиқдин ўзга дардисар, зулфи ёрдин ўзга паришонлиқ йўқ эрди. Агар шароб ичсам, ёрнинг лаби майгунигининг ёдида эрдим. Ва агар кабоб тановул қилсам, ёрнинг оташи шавқидин эрди.

Байт:

Шароби ноблар ичсам, бошим ичра хуморингдур,
Чаманлар ичра юрсам ҳам дилимда хорхорингдур.

Алал хусус, мүғул Бекчикнинг уруғидин бир парирўйи ҳурниҳоде, лоларўйи гуландоми жафопеша ву дилозор бор эрдики, жамиъ малоҳат анинг бир сабоҳатида бор эрди. Балоғатта етишидин илгари жафокорликни интиҳосиға еткурган эрди. Аммо ул манго озор бермақдин асло бок тутмас эрди.

Ва анинг васли манга асло мұяссар бўлмас эрди. Агар мабодо васл бўлса, ноз этагини андоқ силкир эрдики, васлда менинг қўлимдин чиқар

218б эрди. Балки сабр-тоқат // ҳамма барбод бўлур эрди. Васлининг таманносининг ҳавосидин озорнинг губори чиқар эрди. Ҳомушшуқ гўшасида сабрнинг аччиқ заҳарини тортар эрдим. Баъзи кечада хотиримға тасалли бермакка анинг уйининг чўрасига борур эрдим. Ва қундузларни боғ-гулистон тамошоси бирла кеч қилур эрдим. Анинг хати рухсори ёдимға келиб, абри баҳордек йиглар эрдим. Анинг зилоли хотиримға етиб, ҳазор-ҳазор аффонлар қилур эрдим. Энди қиссаға ёнмоқ лоэимки, бу икки олийжанобнинг ишқи ва шавқи ўбданлиқ бирла турди. Ҳон тарихнинг тўққуз юз ўн тўртидин бошлаб то тўққуз юз ўн олти (1508—1510) бўлғунчаки, Шоҳибекхонни Шоҳ Исмоил ўлтурди, Кобулда эрди.

ЮЗ БЕШИНЧИ ФАСЛ

МИРЗОХОННИНГ БАДАХШОНДАГИ АҲВОЛИ, БАДАХШОНДИН КОБУЛҒА КЕЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Иуқори мазкур бўлдики, Бадахшоннинг баъзи ерлари Чироқкушиға тобе ва баъзи тарафи ўзбекнинг тасарруфида, баъзиси Кошқарға тобе эрди деб. Алқисса Мирзоҳон танглик бирла авқот кечиурор эрдики, Шоҳ Розиуддин Чироқкушини Сеистонға под-

шоҳ қилди. Ва мулоҳида мазҳабини ошкора қилди. Баҳар навъ Мирзохоннинг рӯзгори танглик бирла эрди. Ул зимиstonнинг баҳорида Чироқкушининг муътакидларининг орасида ихтилоф пайдо бўлди. Чироқкушини ҳам тобелари бошини кесиб Мирзохонга олиб келиб берди. Тирамоҳ эрдики, подшоҳ Бобурдин Мирзохонга фармон еттики, Мирзо Муҳаммад Ҳусайннинг ўғли сенинг қошингда эрмиш, дарҳол менинг олдимға йиборгил, деб. Мирзохон мени Кобулға бормоққа ижозат бериб, либоси фохирапар кийдурди. Йуқори мазкур эрдики, қўлум синfonда, Пушанг

219а деган диёрда тонгиб эрди. // Аммо сўнроли ва йиқғали бўлмас эрди. Бир баҳорда бир бадахший ўзбекнинг йилқисидин икки ёшлиқ от ўғурлаб экан, Мирзохонга тухфа қилиб эрди, ани манга илтифот қилиб эрди. Бир куни сайр қилмоқ учун Мирзохон отланди. Мен ҳам ул отға миниб, кейинча борур эрдим, бир ерда ҳурқуб сакраб эрдики, жиловини тортиб, тұхтатмокқа қўлимнинг қуввати етмади. Яна йиқилиб, қўлимдин бир овоз чиқди, ҳушимдин кетибдурман. Бир соатдин кейин, ҳушимға келиб қарасам, Мирзохон бошимни тизира олиб, ўлтирадур. Мендин ахвол сўрди. Қўлимни кўтариб, Қалъаи Зафарға келдим. Ва шикастабандларни олдириб келди. Мулоҳаза қилдиларки, қўлим ўз ўрнига келган экан. Фот фурсатда тутуб, сиҳат бўлиб қолди. Ражаб ойининг аввалида Қалъаи Зафардин Кобулға юз келтурдум. Ўн олти киши бирла ҳамроҳ бўлуб йўлга чиқдуқ. Мавлоно Муҳаммаднинг бир эски шолдин ўзга ҳеч нарсаси йўқ эрди. Вақтеки Кобулға етдук, Ширин торайики, бу банданинг ва анинг подшоҳга хешлуқи баробар эрди. Ва вазири Ҳужжат ул-мулк эрди, олдимизға чиқди ва ўз уйига тушурди, зиёда зиёфатлар қилди. Подшоҳ киши йибордики, уч кундин кейин кўришмакка хўб экан. Ондин кўришали, деб уч кундин кейин, фармон бўлдики, кирсун кўришали, деб. Вақтеки подшоҳнинг олдиға кириб эдим, зиёда марҳаматлар қилди. Бир маротаба айттики, отангиз шаҳид бўлғониға, ғамғин бўлманг! Улар бўлмаса, сизни ман фарзандимдин зиёда лутфу марҳаматлар қилғумдур.

Ва яна сўрдиларки, сизни ким бирла олиб қочди, деб. Мен айттим,

2196 // устодим Мавлоно Муҳаммад Садр. Айттики, ул ҳам кирсун, кўришали, ул ҳам кирди. Ани ҳам навъ-навъ икромлар бирла сарафroz қилди. Яна айттиларки, хон бирла кўришдунгузму, мен айттим, кўрмадим деб.— Бориб хонға таъзим қилинг! — деб буюрудилар. Ҳар икковлан бориб хонға таъзим қилиб, ёниб подшоҳнинг қошифа келдук. Ондин бир кишиникида тушқун буюруди. Ул киши бошлаб уйига олиб борди. Ва гуногун муҳозирлар тайёр қилиб берди. Ул навъ танглиқдин бу навъ осойишға чикқонимиэга Ҳақ таолоға шукргузорлик қилдик. Алалҳазо ушбу тариқада, подшоҳнинг хизматида умр ўтказдук. Ҳамма яхши ишларға амр қилиб, зиёда илтифотлар қилур эрди. Ондин кейин бир ерга отланса, бирга олиб бориб, суҳбатлар қилиб, ҳеч ҳолда ўзидин жудо қилмас эрди. Магар ўқийдурғон вақтда бориб, ёниб келиб, бирла бўлур эрди. Ҳамиша отамдин зиёда тарбият қилур эрди.

ЮЗ ОЛТИНЧИ ФАСЛ

ШОҲИБЕКХОННИНГ ҚАЗОҚҚА БОРГОНИ ВА АНИ ИШИННИНГ ХАЛАЛ ТОПГОНИНИНГ ЗИКРИ

Вақтеки Шоҳибекхон шарбати шаҳодатни отамға ва ўзга ҳалқларға ичурди, ўзи ҳам ичгусидур. Анинг умрининг паймонаси тўлиб эрди. Ва давлатининг соғари сарнигун бўлиб эрди. Ул нимарсанники ҳалойиқға ичируб, охири ўзи ҳам ичди. Вақтеки Шоҳибекхон ҳар тарафда давлат отини югуртиб ва сиёсатнинг ўқини отар эрди. Алқисса ул йилнинг зимиштонида қазоқлар устига борди. Агарчи рост хон Бурундуқ эрди, аммо ҳукуматнинг иши Қосимхонға эрди. Шоҳибекхон шунча салтанат бирла,

анга баробар бўлғунчалиги йўқ эрди. Қосимхоннинг лашкари икки юз

220а мингдин тўла эрди, ва зимистонда // ҳар киши алаф учун ё шикор учун уларға қўшилур эрди. Шоҳибекхон айни зимистонда борди. Бир неча кундин кейин отларининг улафаси тугади. Бир мунча семиз отлиқ кишини илгари йиборди. Улар бориб, бир мунча оз халқни ва чаҳор бекларини ўлжа қилиб олиб келди. Аммо Қосимхонни яқин эрмиш деб, қўрқунчиси бор эрди. Бўйўнсиз Ҳасан Қосимхоннинг умароларидин эрди. Бу воқеадин хабар топиб етиб келди. Қосимхон келур, деган овозани солди. Шоҳибекхоннинг лашкари ҳам йироқдин Қосимхон гумон қилиб, ўлжа олиб келган нарсаларни ташлади. Шул соат Шоҳибекхон табл сўқди, ҳеч нарсага қарамай, қочғали турди. Қолғони қолиб, қочрони қочиб шикаст еб, ул зимистонда Самарқандга келиб, Самарқандда турмай, Хурсонга кетди. Баҳорни Хурсонда ўтказди. Яна тирамоҳиға, Ҳазорага отланди. Ҳазорага келиб, чандонки юрди, ҳеч нарсадин асар топмади. Анинг учунки, Ҳазора деган тоғ ва кавок жойлардур. Уларни топғали бўлмади. Ночор Ҳазорадин ёнди. Андоқ ерга ёндиларки, остидин Ҳамлиннинг сўйи оқиб турадур. Анча кенгрөв лашкар бир йўл бирла, ё икки йўл бирла ўтдилар. Сувнинг ичи бирла ўтмакнинг иложи бўлмади ва у сувдин олиб, ичмак ҳам тўла душвор эрди. Ушбу тариқада лашкарларнинг тўласининг оти ҳалок бўлди, бемаслаҳатликдин беобрў бўлди. Мунда ҳам шикаст еганинг маънисида бўлиб ёндилар. Ондин лашкарларига рухсат берди. Баъзиси Туркистонга,

220б баъзиси Ироққа, баъзиси // Хурсонга бориб, ўз жойларида ватан тутди. Ондин кейин, Шоҳ Исмоилнинг келган хабари келди. Ҳиротда туролмай, Марвга келди. Анда туруб атрофларға лашкар жамъ бўлсун деб, киши чиқарди. Ангорача Шоҳ Исмоил Марвга кейнидин етиб келди. Буни фотгина шарҳ қилинур.

ЮЗ ЕТТИНЧИ ФАСЛ

ШОҲИБЕКХОН ШОҲ ИСМОИЛ БИРЛА ЖАДАЛ ҚИЛҒОНЛАРИНИНГ ИБТИДОСИ ВА ШОҲИБЕКХОН ШОҲ ИСМОИЛНИНГ ҚЎЛИДА ЎЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Бу китобнинг аввалида подшоҳларнинг зикрида мазкур бўлдики, тарихнинг тўқуз юз бешинчи (1499—1500) йилида ҳар диёрда ҳар қайси шаҳриёрлардин бор эрди. Ул жумладин, Шоҳ Исмоил Ироқға ғолиб бўлиб, бу қавми шариати шардиййани Ироқ шаҳрида қўймади ва қатли ом қилди. Анинг шархи бу муҳтасарда сифмайдур. Вақтеки, Шоҳибекхонға Ҳурросон ҳам тобеъ бўлиб эрди, аксари ҳудуд Ироқға улонгон эрди. Шоҳ Исмоил Шоҳибекхоннинг олдиға тухфа ва ҳадялар бирла киши йибориб, айтиб эрдики, агар оталиқнинг йўли бўлса, бу тарафдин биз фарзандлик хизмат камарини боғладуқ. Ҳар губори хотирики, иккимизнинг орасида бўлса, кўтарсан деб. Вақтеки Шоҳибекхон қошига келди, жавоб бердики, муносаб ушбуки, ҳар киши ўз отасининг ҳунарини тутсун. Отасининг ҳунарини ташламасун. Нима учун ул жиҳатдинки, Узун Ҳасан қизини ва Султон Ибн Ҳасан ҳамширасини ул вақтда маликалик доирасидин чиқариб, отангға бериб эрди. Бизки, обо ва аждодимиэдин султондурмиз, санга даъвои салтанат дуруст эмасдур.

Чунончи, масалларда келибдурки, ўғил отанинг корин қилсун, қиз 221а онанинг корини қилсун деб. Бир асо, бир качқулни тухфа йиборди // ва айттики, агар отангнинг корини унугон бўлсанг, ёдинга келсунки, ушбудур. Агар оёғингни салтанат поясига қуяй десанг, ўз бошингдин андиша қилрил деб. Ироқнинг элчисини ёндуруди ва лашкари бирла кетди.

Вақтеки, элчи бу сүзни Шоҳ Исмоилга еткурди Шоҳ Исмоил жавоб бердики, ҳар ўгул отанинг корини қилмоқ лозим бўлса эрди, ҳамма инсон Ҳазрати Одам алайхиссаломнинг фарзандлари дур. Ҳаммасига пайғамбар бўлмоқ лозим эрди. Агар подшоҳлик мерос қолса, Пешдодийлардин Каёнийга етмас эрди ва подшоҳлик Чингизга қайси дин дур ва сенга на ердиндур деб Шоҳ Исмоил Шоҳибекхонни тухфасини баробарида чарх ва ипак йиборди ва айтти, ул номада на нимарса айтиб экансен, мен ҳам айтармен. Агар жанг қилмоққа ростлансанг ҳам ростландим. Жанг ерида сен ва менлик даъвоси дуруст эмас дур. Агар жанг қилмасанг, чарх эгириб ұлтурғайсан, деб бу байтни футуди:

Байт:

Бас тажриба кардем дар ин дайри ҳаробот,
Ба Оли або ҳарки дарафтод барафтод.

Шоҳибекхон тамом лашкарга рухсат бериб, ўзи Марвда эрди, бу нома етти. Шоҳибекхон ҳар тарафга лашкар учун киши йиборди. Атрофларнинг лашкари етишидин илгари Шоҳ Исмоил Марвнинг ёнига бориб тушди. Уч кунғача ҳар икки тарафдин жанг асбобини туздилар. Шоҳибекхоннинг лашкарлари ҳар тарафдин етиб келди. Шоҳ Исмоил ул манзиллари дин ёниб, ҳамвора ерга тушди. Шоҳибекхоннинг қаровулдаги лашкари бу воқеани кўруб гумон қилдики, Шоҳ Исмоил келганидин пушаймон бўлуб дур, ушбу ёнғонича келмайдур. Бу воқеани Шоҳибекхонға

2216 хабар қиласи. Бу воқеа // тарихнинг тўққиз юз ўн олтинчи ўили рамазоннинг шак куни (1510 ўйл 1 декабрь) эрди. Шоҳибекхоннинг йигирма минг лашкари бор эрди. Арбоби ройининг баъзилари дин Амир Қанбар ва Амир Рой арз қилдиларки, бу кун жангдин таваққуф қилсак, Убайдулло султон ва Темур султонлар бир фарсаҳ ерга келиб дурмиш. Йигирма мингча кишиси бор дейдур. Улар бизга қўшулса ва Шоҳ Исмоилдинму хабар олсоқ, ёнғонича ёниб дурму ё фиреб бериб дурму? Агар фиреб берган бўлса, жамъ бўлғонимиз ўбдан. Агар ушбу ёнғонича ёнғон бўлса, хоннинг қувфамоқи ҳожат эмас. Убайдулло султон ва Темур Султон ва баъзи

умаролар қўғласаму бўладур. Хон жамъият бирла оҳиста юрсалар, Шоҳ Исмоил Ироқка борса, анда ҳеч киши тобе бўлмайдур, деди. Шоҳибекхон жавобини айттики, подшоҳлик расми бу эмасдур. Мардана бўлмоқ лозимдур. Кейинча қуғлағаймиз ва етган ерда жанг қылгаймизки, бу бизларга жанги акбардур, деб аъёни мамлакат бирла қуғлаб юрдилар. Бир манзил юрганидин кейин Шоҳ Исмоилни қўрдиларки, саф тортиб ётибдур. Шоҳ Исмоилнинг лашкарини қирқ мингта сарҳисоб бердилар. Ўзбек лашкарининг сафини рост қылғунча, туркман ҳамма қилди. Зафар ва нусрат туркман тарафига бўлди. Ўзбекнинг сардорларини тутуб ўлтирилар. Андин Шоҳибекхонни тутиб ўлтурди. Ҳеч кишидин англанмабдур. Ва ҳеч тарихда футулмабдурки, ҳеч жангда лашкарнинг улуғлари бу тариқада ўлгай. Вақтеки, қочрон лашкарлар Марвга келди, қудрати етгани бола-борқасини олиб қочди. Қудрати етмагани бола-борқасини ташлаб қочди.

222a Ва мўгулларнинг // тўлароқини Шоҳибекхон Ҳурсон тарафига чиқориб эрди, хонлардин ва Мўгулистондин йироқ бўлсун деб, бу қочронлар дарёйи Амунинг лабира етиб эрди. Мўгул халқи тамоми учрағонларни тутиб олди. Ва йигирма минг мўгул айрилиб, Қундузга келди. Аммо Убайдулло султон ва Темур Султон Марвга яқин етиб эрдики, лашкарлари қочди деган хабарини англади. Дарҳол шаҳарга кириб, Шоҳибекхоннинг учрағон халқларини тутуб, эр халқини шаҳодатга еткурди, хотин халқларни асир қилиб, Марвнинг тўла халқини қатлиом қилиб, Шоҳ Исмоил ёниб Ҳиротга келди.

Ҳукм қилдики, Ҳиротнинг халқи масжиди Маликонда жамъ бўлсун ва хутба ўқусун, деб. Ва хутбанинг орасида асҳоби Расулиллоҳ ва Ойиша разиоллоҳу анҳони дашном қилди. Вақтеки, Ҳиротнинг акобирлари жамъ бўлди, Ҳофиз Зайниддин деб хатиби бор эрди, минбарга чиқардилар. Ҳофиз Зайниддин раҳматуллоҳи алайҳи ҳақ субҳона ва таолоға ҳамду сано, саййиди койинотга дуруд айтғондин кейин хотирлариға маъқул қилдики, неча йилдан бери суннат тариқаси бирла хутба ўқиб эдим, бугун ҳам умрим охириға етиб дарҳол ҳам суннат тариқасида ўқуғаймен деб саҳо-

баларнинг исмларини таъзиму тақрим, одати қадим бирлан ўқиди. Қизилбош лаънаткардалар қўпди. Минбарнинг тӯфасидин Ҳофиз Зайниддиннинг ёқасидин тутуб, ўйқитиб пора-пора қилди, ва ақобирлар тафриқа булишиб кетдилар. Ва яна бир куни Шайхул исломни Шоҳ Исмоил

222б чорлатиб келди. Шоҳ Исмоил // айттики, эй шайх, ўзинг донишманд бўлсанг ҳайфки, ғалат йўлга кирибсен, саҳобаларға лаънат айтғил, шианинг мазҳабини ихтиёр қилғил! деди. Шайхул ислом айттики, эй ўғил, сен нима балосенки, мени далолат қилғайсан ва сенинг донишманд халқингки ўзи кофурдур ва сени шумдоқ йўлға бошлабдурки, ани келтургил, агар уларнинг сўзи қавий бўлса, мен уларнинг динига кирай. Ва гар менинг сўзим қавий бўлса, сен менинг динимга киргайсан, деди. Шоҳ Исмоил ўзининг уламолариға боқиб айттики, сизлар нима дейсизлар? Улар айттики, бу жамоаға сўз топиб бергали бўлмас. Ондин Шоҳ Исмоил айттики, ўзингдин ёнғил ва бизнинг динимизға киргил. Шайх дашном қилиб айттики, эй лаънатнинг туфроқи ва лаънатнинг тоши оғзингда бўлсунки, ботининг ниҳояте қоронғулиқидин ва нафсингнинг матлуби зиёдалиқидин рост йўлни ботилдин имтиёз қиломайсан ва сен дину мазҳабни нима биласен?! Шайтонни Раҳмондин нечук танурсен ва Ҳақни ботилдин қайси илм бирла айирансенки, мени ўз динингға бошлиғайсан, деди. Шоҳ Исмоил ўқ-ёйни қулиға олиб, Шайхни отди. Ва Шайх баданидин ўқни тортиб олиб, оқғон қонларини юзига ва соқолига суртуб айттики, алҳамдуиллоҳ, саксон ёшға киргандин кейин Ҳақ динни исбот қилмоқ учун соқолимни шаҳодат қонига бўядим. Ул рўсиёҳ яна бир ўқ Шайхقا отди. Буюрудики, бу Шайхни дарахтнинг шохига осинглар!

223а Дарахтнинг // йилдизини кўрлаб, ўйқитинглар деб. Шоҳ Исмоилнинг халқи буйруғондек қилди. Андин шайхни бозор ўтросида куйдурди. Ул лаънат кардаларнинг отининг аёрида қолди. Ва Шайхул исломни бу тариқа балоға гирифтор қилмоқда ҳикмат улдурки, Ҳазрати Зулжалол ўз дўстларини балову меҳнат бирла имтиҳон қиласадур. Ул жиҳатдинки, инсонға лозим ишларни

қилмасдин ўзга чора йўқ. Бу ишни қилғон бўлғай. Ул иш лимаъ-аллоҳда ҳижобий бўлғай. Анга ӯхашки, нафснинг хоҳишиға филжумла кирмаклик шаръийдур. Бу нафснинг хоҳишиға кирган бўлғай, нафси шаръийдаки лозимлиқдин зиёда қувват олған бўлғай. Нафснинг бу қувватини олғани Ҳазрати Зулжалолға таважжуҳ қилмоқлиқда заифлиқни еткурган бўлғай. Ва Ҳазрати Зулжалол бало ва риёзатни бу нафснинг қувват олғанининг кафорати қилған бўлғай. Ва яна бир ҳикмат улдурки аҳли давлатманднинг бу мартабаи олийға етмаклигини азл қилмай бу бадбахтнинг зулми-нинг сабаби бирла футуган бўлғай. Ва мундин бўлак айбларда ҳикматлар бордурки, киши анга воқиф бўлолмайдур. Вақтеки, Шоҳ Исмоил бу қабоҳат ишларни қилиб бўлондин кейин Хуросонға келди. Мунинг боқий аҳволини Ҳудо хоҳласа ижмол тариқаси бирла келтуурмиз.

ЮЗ САККИЗИНЧИ ФАСЛ

ШОҲИБЕКХОННИНГ ШОҲ ИСМОИЛНИНГ ҚЎЛИДА ЎЛГАНИНИНГ ХАБАРИ ЕТГАНИ ВА ПОДШОҲ БОБУР ҚУНДУЭЗА АЗИМАТ ҚИЛҒОНИ

Марихнинг тўқкуз юз ўн олтинчисида рамазоннинг аввалиси (1510 йил декабрь)да Кобулға

2236 Мирзохоннинг // қошидин киши келиб, дармаҳал арз қилдики, Шоҳ Исмоил Ироқдин келиб ва Шоҳибекхон бирла жанг қилиб, Шоҳибекхонға шикаст берибдур. Шоҳибекхоннинг бори ё ўлганининг таҳқиқ хабари йўқ деб. Ўзбек Амудин ўтиб Қундуздаги Амир Урус қочибдур. Марвдин йигирма минг мўғул ўзбеклардин айрилиб Қундуэзға келибдур. Мен Қундуэзға бордим. Агар ўзларидин Қундуэзға илтифот бўлса, мен ҳам хизмат

камарини боғладим. Умид маҳкамадирки, подшоҳлиқ осон қўлға келадур деб. Вақтеки бу хабарни эшишиб шумдоқ зимиston қорда суръат бирла Қундуз тарафига юрди. Рамазон ийдени Бомиён деган шаҳарнинг атрофида ўқиди. Ва шаввол ойининг аввалида Қундузға етти. Мирзоҳон келган мӯғуллар бирла олдиға чиқди, Қундузда неча кун ором олдилар. Шумдоқ маслаҳат қилишдиларки, ҳоло Ҳамза султон ва Маҳдий султон үзбек султонларининг улуғларидир. Ҳисорнинг подшоҳлиқи ушбуларға эрди. Ҳисорға бориб уларни тобе қилғоли!, деб равон бўлдилар. Зимиstonнинг охирида дарёи Амунинг кечикидин ўтиб эрдилар. Вақтеки Ҳамза Султон бу хабарни эшигти, бу ҳам Ҳисордин отланиб, Вахшға келди. Бу тарафдин подшоҳ Ҳутталоннинг Даشتி Кулак деган мавзейига келди. Бу хабарда эшигтики, Ҳамза султон Вахшга келибдурмиш деб. Шул кеча йуқорки йўл бирла черикни Ҳамза султоннинг бошиға йиборди. Кун чиққон маҳалда Ҳамза Султоннинг жойига еттилар. Боқсалар ҳеч киши йўқ. Бу манзил атрофини боқиб

224а раъиятларидин бир мунча // киши топди. Ҳамзанинг хабарини сўрди. Улар айттики, тунов кун намози дигар бирла хабар бўлдики, Бобур подшоҳ Даشتி Кулакка тушди, шул соатда тубангига йўл бирла черикларни отлантуруб Даشتி Кулак тарафига равон бўлди. Бу лашқар Ҳамза султоннинг кетган йўлини излаб юрди. Намози пешин маҳали бўлиб эрдики, тунокунги манзилиға етти. Ҳамза султон ҳам субҳ вақтида подшоҳнинг лашқари бирла анинг манзилиға етти. Ҳабар эшигтики, подшоҳнинг лашқари бизнинг манзилиға кетибдурмиш, деб. Лашқарнинг орқасидин намози пешин вақтида Ўро манзилиға етти. Подшоҳнинг лашқари у тарафда, булар бу тарафда турдилар. Ҳамза султоннинг гумони улдурки, мӯғулларнинг саранжоми росттур. Бизнинг яргимиз адо бўлди. Ва мӯғуллар андоқ гумон қилурларки, Ҳамза султон тўла халқи бирла келгандир, деб. Ҳар иккаласи фосид гумон бирла қочмоққа юз қўйди. Ҳамза султон Ҳисорға қочиб кетти. Подшоҳ Қундузға қочиб келди. Ҳар иккаласи бир неча кундин кейин бир-бирининг қочронини англаб таажжубларга қолди. Вақтеки подшоҳ Қундузға

етти, ондин Шоҳ Исмоилнинг элчиси яхши хабарларни олиб келди. Ушбу ҳолда Хонзода бегим Ҳурсондин келди. Бу подшоҳнинг хоҳари эрдикি йукори зикр қилинди, Самарқандни қабоғонда подшоҳ бағд ўз қизи [ҳамишираси] Хонзода бегимни Шоҳибекхонга бериб эрди. Баромада бегим Шоҳибекхоннинг никоҳида эрди ва Ҳораэмшоҳ мунингдин вужудга келган эрди. Ондин кейин Хонзода бегимдин ваҳм қилдики, биродари учун

2246 манго қасд қилурмикин, деб. Бу жиҳатдин буни талоқ // қилиб, Саид Ҳодига барив эрди. Ва Саид Ҳоди Марвдаги жангда ўлуб эди. Бегимни жангда туркманлар асир қилиб тутиб кетив эрди. Андин Шоҳ Исмоил билдики, Бобур подшоҳнинг хоҳари экан деб. Бир элчи бирла қўшуб, шоҳ Бобурға йиборив эрди. Ва Хонзода бегим келиб Мирзохонға тухфа ва ҳадялар бирла Шоҳ Исмоилнинг қошиға йиборди ва фармонбардорлиқни ўз гарданига олиб борди. Ва Мирзохонни Шоҳ Исмоил хуб курди. Олиб келган тухфаларини олди. Ондин ёнмоқлиқра ижозат берди. Ушбу ҳолатда аммимдин киши келдики, Фарғона вилоятини тамом ўзбекдин холи қилдуқ. Бу бобда ул нимарсанники ишорат қилди, бажо келтурди.

ЮЗ ТЎҚКИЗИНЧИ ФАСЛ

ВАҚТЕКИ СЎЗНИНГ СИЁҚИ АММИМ МУҲАММАД МИРЗОҒА ЕТТИ

*А*аввалки ҳолини зикр қилинди. Энди вилояти Фарғонани фатҳ қилронини тафсили бирла зикр қилинур. Тошканд вайрон бўлган замонда отамнинг биродари Саид Муҳаммад Мирзо Султон Махмудхоннинг хизматида эрди. Бу тафсиlda бир ҳарвоки аммим келса мақсад бўладур. Хон Андижонға бориб, аввал Косонни олди ва

аммимни аниңг тұғасида қүйдилар. Оңдин кейин Ахсиға бордилар. Шохібекхон бирла жанглар қылди. Қылғон жаңғ үкіғори мазкур бўлди. Шикастнинг хабари аммимға етти. Аммим Косондин чиқиб кетти. Ва улар шикаст емай, қутулдилар. Мўгулистанға қочиб келган ҳалқлар бор эрди, анга қўшилдилар. Султон Маҳмудхон Мўгулистанға ёниб келганида яна тоғишилар. Султон Аҳмадхон вафот бўлғунча Султон Маҳмудхон бирла эрди. Султон Аҳмадхоннинг вафотидин кейин андоқ мазкурдурки, хон Оқсу ва Мўгулистаннинг зиммасида аммимға хитоб қилибдурки, бизлар

225а Мўгулистаннинг// подшоҳлиқидин илкимизни ювсоқ. Тошканд ўбданроқ. Аммим жавоб берибдурки ори, ўбданроқ, агар қўл ювиб, ўтсак, деб экан. Хон бу сўздин ранжур ўлубдур. Аниңг учунки, арозилларики бор эрди уларнинг шеваси аҳли асолатларнинг ахволини фатҳ қилмоқнинг тақририда сўзни топиб, суханчинлик қилур эрди. Хоҳлар эрдики, аммимнинг ва хоннинг орасида пайвандлик бўлмасун деб. Аммо хон айтибдурки, аниңг қаро бетини яқинлиқи бирла ушбу амрега қадам қўйуб эрди. Вақтеки улар аммимни Мансурхоннинг олдиға Турфонға борсун деб Турфонға юз қўйди ва хон ўзи Мўгулистанға борди. Аммим Оқсу ва Турфонға борди. Бизлар Султон Аҳмадхоннинг қолғон ҳалқи бирла Оқсуда қолдуқ. Вақтеки Султон Маҳмудхон Оқсуда биродарининг олдиға келди, Султон Маҳмудхоннинг ўғли, Султон Муҳаммад ва Амир Аҳмад андак Мўгулистанда туриб эрди, улар киши йибордилар, аммимни элттилар. Султон Муҳаммад ва Амир Аҳмадлар ўбданлиқ бирла келдилар. Ошнолик илтифотини қилди. Тоинки Амир Аҳмад хизматкори Фазосан бирла бир кеча ўлтурди. Ҳеч маълум эмаски, Мўгулистаннинг муҳимларида Султон Муҳаммад аммимсиз муқаррар бўлғай. Илгари лашкарнинг йўқлуқ жиҳатидин соҳиби одамлар аммимнинг хоҳишини қабул қилмади, аниңг учунки, қадимий тамом ҳалқ ва соҳиби умаролардин ҳар ким бўлса отам бирла эрдилар. Отам бирла Ҳисор тарафиға борди. Аммим бирла икки юэча киши қолиб эрди. Мақсад улардин кушода бўлиб

2256 эрди. Султон Саидхон ва Султон Халил султоннинг // орқасидин қирғизлар келиб Мұғулистандин улоқларини олиб қочди. Султон Маҳмудхоннинг муқарраблари бордилар. Ул арозиллар яна ямонлиқ мақомида бўлибдур. Андоқ қилдиларки, аммимни олиб ўзбакка йибордилар. Жонибек султон Андижонда эрди. Уларнинг олдига келди. Ҳеч нарса демади. Балки илгариги раҳм-шафқатни кўргузди. Жонибекнинг олдига Султон бор эрди то Шоҳ Исмоил ғолиб бўлғунча, подшоҳнинг Кобулдин хуружигача. Ул эзимистоннинг баҳорида Шоҳибекхон ўлиб эрди, ўзбекнинг султонлари, султонларнинг ҳаммаси Самарқандда жамъ бўлғонларини кўриб айттики, анча мӯғулдин Мовароуннаҳоннинг ичидаги қолғон бўлсалар, улардин ҳеч нарса қўйманглар! Аммо Жонибек султон амр қилдики, Андижонга бориб, ўз қўшиға лоҳиқ бўлсин деб. Аммо Жонибекнинг аммимга эътиқоди бор эрди. Султон пушаймон бўлиб, мӯгулларнинг орқасидин киши йибордикни, ҳар кимни топсанг, ўтиргил, деб. Аммо аммим бўлак ерга қочиб эрди. Андижонга етган вақтда мӯгулнинг қолғонлари Андижон халқи бирла иттифоқ қилиб, чиқиб вилояти Фарғонадин тамоми ўзбекни қурглаб подшоҳнинг олдига киши йиборди, илгариги талаби имдодни қасд қилиб. Вақтеки бу хабар Подшоҳга етиб подшоҳ шоду хуррам бўлди.

ЮЗ ЎНИНЧИ ФАСЛ

**САИД МУҲАММАД МИРЗОНИНГ ФАТҲИНИНГ
ХАБАРИ ПОДШОҲГА ЕТКАНИ, СУЛТОН
САИДХОННИ АНДИЖОНГА
АММИМНИНГ ОЛДИГА ЙИБОРГАНИНИНГ ЗИКРИ**

*А*лқисса бу хабар Қундузға келишдин илгари баъзи мӯгулнинг 226а соҳиброй халқидин пинҳон хонга арз еткурдиларки // умаролардин Мир Ширимға ўхшаш ва Мир Фаридун^{*} ва Қулна-

* 0759, 1430 рақамли қўлёзмаларда Фаридун әмас, Мазид.

зар мирзо ва Жоника мирзо ва Мир Аюб ва Мир Мұхаммад ва Мир Иброҳим ва Ёдгор мирзо ва Қора Султонали мирзо ва Мир Аваз барлос ва Мир Доим Али ва Мирзо Мұхаммад ва Мир Бекмуҳаммад ва Мир Қанбар ва Шоҳ Назар мирзо ва Қутлуқ Мирак мирзо бошлиғин мирзолар бор эрди. То йигирма мингта яқын киши истимдодға ҳозир ва тайёр эрди. Айттиларки, Чигатойнинг беш минг кишисини ҳаммасини беш минг кишиси бирла ўлтирасак, агар хон ризолиқ берса подшоҳни ародин кўтарсак. Подшоҳлиқнинг кор-борини ва тахтини хонға сипориш қислоқ деб. Хон амр қилдики, душворлиқнинг мавжиди талотум урғонда биз хонға подшоҳлиқ муставли бўлиб қолғон умрида мӯгулнинг хонлиқ давлатиға барҳам бериб мен ўзим Кобулнинг жазирасидаги пўшида тутғон тахта порамни ҳаводис мавжининг талотумида сақлаб, подшоҳлиққа етиб эдим, андоқ танглик жазирада фурқатнинг алами бирла навъи фароғатда етиб иқболнинг канорасига восил бўлиб эдим, қайси бемуруват бу қабиҳ аламни лозим тутар. Амир Қосим қавмига подшоҳ эрди. Арз қилдики, биҳамди лиллоҳки бир-икки кунликнинг даъваткори иқболдадур. Бир тоифа ҳалойиқлар ҳалойиқпаноҳнинг даргоҳиға юз келтурубдурлар. Алалхусус мӯгул тоифалирининг тўлароқидин қувват ва қудратнинг тўлалиқида мумтоздурлар, уларнинг подшоҳи подшоҳларнинг аросида сарафрозидурлар ва ҳамиша ҳиммати бинои жинскорнинг авжи бирла масруф. Ҳоло менинг подшоҳнинг

2266 ҳамсоялигида бўлоним // қадим иттиҳодатни жудо-лиқға табдил қиласадур. Ва агар мени бир тарафга равон қиласалар, то муҳаббатнинг риштаси маҳкам қолса, икки тарафнинг давлатиға муносибиқ қўринадур деди. Бу маҳалда Андижоннинг хабари, аммимнинг арздош хати етти. Филҳол ҳар киши ўзининг маслаҳатига лойиқ ҳамроҳ қилиб, Андижонға равон бўлди. Бу аҳволнинг шарҳини фотғина шарҳ қилинур, иншоолоҳу таоло.

ЮЗ ЎН БИРИНЧИ ФАСЛ

МОВАРОУННАҲРДА БОБУР ПОДШОҲНИНГ ЎЛТУРМОҒЛИФИНИНГ ЗИКРИ

Вақтеки хонни Андижонға равон қилғондин кейин, Мирзоҳон қўмаги Шоҳ Исмоил бирла ҳамроҳ бўлиб етти. Қуввати тамом даст берди. Подшоҳ Бойғурға қасд қилиб, Ҳисор вилоятини хўб билиб, жиловисини тортти. Вақтеки бу хабар ўзбекка етти, улар ҳам ўбдан жамийатни етқуздилар. Уларнинг улуғларидин Ҳамза султон ва Махдий султон ва Темур султон нечанд подшоҳлар бирла подшоҳнинг муқобаласига келди. Кучум деган бир хоннинг ўрнида подшоҳликқа ўлтириб эрди ва Суйунчик султон ва Жонибек султон ва Абдулла султон ва султонларнинг тамоми Қаршидаки анинг асли номида Нахшабдур, жамийатни йифиб ўлтирибдурлар. Вақтеки Подшоҳ Пули Сангин бирла етти. Ҳамза Султон олдига келиб Пули Сангинда ўлтурди. Охири маълум бўлдики, ўзбекнинг лашкари тўладур. Анинг номдор подшоҳлари бор. Анинг бирла баробарчилик қилмоқ кори душвордур деб. Вақтеки бу маънини ўзбек маълум қилдики, подшоҳ анинг баробарида турмади, Пули Сангиннинг аёғидин шинолик бирла сувдин ўттилар. Вақтеки бу хабар намози дигар вақтида етти ул соат

227а // кўчдилар. Сув бор тарафидаги йўлда бир маҳкам төғ бор эрди, равон бўлиб кечалаб йўл юрдилар. Ул куни намози пешин бирла илдам юруб бир жойе еттилар. Анинг маҳкамлигидин аҳли ройларнинг хотирлари қаро олди. Кечасининг ҳаммасида бошга келиб эрди, ўзбек тамоми жамийати бирла етиб келди. Шу соатда тавожилар тамоми лашкарга хабар қилдилар, то субҳ вақтида ҳамма киши жангнинг асбобини тайёр қилмоққа машғул

бўлдилар. Вақтеки шомнинг сипоҳлари мансурнинг лашкаридин кундуз аниг нури бирла мағрибға ҳазимат қилди, офтобнинг аломатининг тасарруфининг соҳиблари субҳнинг тасарруфининг аламини ёйди. Шамснинг шаҳаншоҳи жаҳоннинг шамширининг шуои бирла лашкарнинг сардорининг найзаларини осмондаги юлдузлар деб эрди, маҳв қилди. Лашкарнинг қаровуллари еттиларки Подшоҳи давлатнинг оқ аламини нусратнинг рикобида қилиб сувора бўлдилар. Бир ерга келиб мухолифларнинг тарафида бўлиб, бир баланд ерга чиқдилар. Бир йўлдин бўлак ер йўқ эрди. Бу чиқиб ўлтурғон ердин ўзга яна ер йўқ эрдики, бунинг орасида оқиб турадурғон сув бор эрди. Вақтеки мухолифлар саф тортилар, бу баланд ерга чиқмоқни душвор кўрдилар. Ва яна баланд ерда Темур Султон, баъзи бўлак подшоҳлар, ўн минг киши бирла келдилар. Подшоҳ уларнинг баробарида Мирзохонни шижаотлик лашкарлар жамийати бирла йибордилар. Ушбу аснода баланд саодатлик эранлардин жавоғега қўзига тушди. Сўрдики, бу қайси

2276 жамоадирлар // деб. Вақтеки отамнинг мерос хизматкорларидин Кобулдин келдилар, уч минг кишига яқин эрдики, тўласи Ҳурросондин келган мўгуллар эрди, уларнинг улуғини Подшоҳ ходим қилди. Баъзиси улардин қолғони манга қўшилдилар. Бу жамъе Подшоҳнинг назарига келди. Улар жавоб бердиларки, биэлар Мирзо Ҳайдарнинг мулоғимлари деб. Подшоҳ буйрудики, ҳануз сен кичик экансен бу меҳмонни санга ёндургали бўлмайдур, менинг олдимда бўлғил, деди. Мавлоно Муҳаммад бирла яна нечанд кишини Мирзохон қўмагининг олдиға йиборди. Вақтеки менинг ходимларим Мирзохоннинг қошифа борсалар айтибдур, ўзбекнинг ҳаммасини олиб келсун ва ҳар кишики Мирзохоннинг олдида эди, уларни қуғлаб Мирзохоннинг олдиға еткуриб қўйсун, дебдур. Бу ҳолда мен ходимларим бирла еттук. Уларнинг сардорлари, факир эрдим, аниг оти Жонаҳмад эрди. Мундин кейин аниг оти кейин келса ани қўйурлар. Аниг учунки бу қочқучилар ўз одатини қилди, қочқучиларнинг бирини менинг мулоғимларим

олиб юрди. Подшоҳнинг олдиға олиб келганда буйрудики, муни Мирзо Ҳайдарнинг отиға жулду қилиб тутунглар деб. Жулду қилиб бердилар. Алқисса ул ерда карру фарни сақлаб, Подшоҳ тарафига ҳеч ёмон иш ўтмади. Аниң учунки, йўл тор осонлиқ бирла икки тарафдин бўлак мұяссар эмас эрди. Намози пешинда беадабларға тозиёна урмоққа буйрудилар. Вақтеки кеч бўлуб эрди андоқ ерга тушдиларки, ул ерда

228а мухолифлар сувни // яқинда топғай. Сув бир фарсах йироқ эрди. Шул боис бирла ёниб сувга яқин тушдилар. Пиёдалар ҳам тушиб эрди, «ҳай-ҳай» деб уларнинг орқасидин югардилар. Ул жамоаларики Мирзохоннинг баробарида эрди кўрдиларки, Ҳамза султон ҳам ёнди. Улар ҳам ёнмоқлиққа қасд қилдилар. Вақтеки уларнинг муқобил турғонларининг бир-бирларига рожиҳ эмас эрди, вақтеки мухолифлар жиловини уйрудилар, Мирзохоннинг халқига уларнинг баробарида эрди, жумласини юргуздилар. Баяқбора ҳар куни ҳазимат топдилар. Вақтеки ул жамоатнинг лашкарини ҳазимат қилдилар, ўзлари ҳам жиловини торттилар. Ушбу ҳазимат бирла уларнинг лашкари узасига тушди. Намози шом эрди, Ҳамза султон ва Маҳди султон, Мамоқ султонни олиб Подшоҳнинг қошиға етқуэди. Улар ҳар нимарсаки мӯғул ва чигатойнинг подшоҳиға қилиб эрди подшоҳ уларғаму қилди. Андин уларнинг орқасидин кечани кундузга улаб юриб то Банди Оҳанингача қуғладилар. Лашкарлар нусрат топиб Ҳисорда жамъ бўлдилар. Шоҳ Исмоилнинг олдидин яна лашкар келди. Оламнинг тоифаларидин жамийат жамъ бўлди. Лашкарнинг қароси юз мингта етиб эрди, Ҳисордин юриб, Қаршига етдилар. Ўзбекнинг подшоҳларининг тўласи Самарқандда эрди. Убайдуллахон Қаршининг қалъасига кириб, тамоми оқиллар бирла кенгашиб Қаршининг қалъасига суланмоқлиқни маслаҳат кўрмай, айттиларки, Бухороға бормоқ муносиб кўринадур, аниң учунки, ўзбеклар ушбу қалъада турмоқлиқни ихтиёр қилдилар ва Бухоро осонлиқ бирла қўлга келур. Ўзбеклар Қаршида турғон бирла ҳеч мақсади ҳосил бўлмас.

2286 // Магар қалъа қолур, узи кетарлар. Бу кенгаш подшоҳларга мувофиқ бўлди. Қаршидин ўтуб, Ажлолға тушдилар. Орқасидин қаровулчилар келдики, андин Бухороға юрдилар. Ўзбекнинг орқасидин келганларни Бухородин ўтказиб то Туркистон еткуздилар. Уларнинг мол-амволини олдилар. Ўзбекнинг подшоҳларининг ҳаммаси Самарқандда жамъ бўлиб эрди. Булар бирла баяқбора талоше бўлиб, атроф жавониблардин қочдилар. Булар Туркистонға етганда Подшоҳ Бухорога келдики, нечанд такаллуфлар бирла кўмаки Шоҳ Исмоилға ижозат бериб, узи Самарқандға юрдилар. Бу шаҳардаги халойиқ, улуг-кичик хосу ом ёшу ва қариларидин ҳаммаси Подшоҳнинг қадам еткурконига шоду хуррам бўлиб, буларнинг улуғлари ва умаролари Подшоҳнинг олдига юри. Қолғонлари шаҳарнинг ороишига машғул бўлди. Бозору қўчаларга навъ-навъ зийнатлар бердилар ва томлариға нақшу нигор боғлади. Тарихқа тўқкуз юз ўн еттида, ражаб ойида (1511 й. IX—X ой) Подшоҳ ҳайбат ва салобат бирла шаҳарга кирдилар. Ул вақтдаки Подшоҳ қизилбош либоси бирла эрдики, бидъат, балки куфрға яқин, маҳзи Самарқанднинг таҳтиға ўлтурмоқлиқ бирла шариати набавийнинг таҳтига ўлтурди, суннати набавийанинг тожини бошиға қўйди. Илгари подшоҳлиқининг тожи ва сийрати бидъат ва сурати қазбул ҳимор эрди, ани бошидин олиб орқасидаги нечанд ит-эшақдин пастрақ шиаларнинг бошиға қўйди. Аммо бу Самарқанд ҳалқининг умиди зоҳир бўлмади. Сабаб улки, ҳануз ўзларини кўмақдин ва Шоҳ Исмоилнинг мададидин беҳожат билмадилар. Ўзининг қувватини ўзбек бирла

229a // муқотала қилмоқни адабдин кўрмадилар. Ушбу жиҳатдин иккинчи амрга борди. Қизилбошнинг қаттиқлиқи бирла мадоро кўрсатди. Ушбу жиҳатдин Мовароуннаҳо ҳалқининг бундин илгари подшоҳлари бор эрди, ани шикаст берди. Андоқки, Подшоҳ туркманлар бирла мадоро кўрсатди.

ЮЗ ЎН ИККИНЧИ ФАСЛ

**ХОН АНДИЖОНГА БОРИБ АНДА БЎЛГОН
ВОҚЕАЛАРНИНГ ЗИКРИ**

Андоқки илгари таҳрир топиб эрди, Подшоҳ хонга Андижонга рухсат берди ва мӯғулнинг умароларини бирла йиборди. Мир Фўри барлос ва Мир Доим Али духтуй ва Аҳмад Али ва Маҳмудқули ва Мирза Муҳаммад бекчик, Шоҳ Музaffer мирзо ва Мирзо Али ва Қутлуқ Мирак мирзо, ўз умароларидин қўнжи Қулназар мирзо ва Жонка мирзо ва Амир Қанбар қўкалдошнинг ўғли Ҳайдар ва буладдин бўлаклари ҳам хоннинг мулоzиматида равон бўлдилар. Вақтечи Андижонга еттилар, аммимнинг аҳли ройлари мувофақат қилиб Фарғонани халос қилмоғига саъй кўргуздиларки, Султон Али мирзо бекчик ва Пешки мирзо иторчи ва ўзгалари истиқболлариға чиқиб, хоннинг қошлариға келди. Вақтечи хон Андижонга етти, хоннинг Андижонга келганини Андижоннинг мӯғуллари Самарқанддаги ўзбекнинг подшоҳлариға англатди, андоқки илгари футулиб эрди. Ҳамза султон ва Маҳдий султон ва Темур султон нечанд султонлар бирла Подшоҳда жангу муқотала қилмоқлиқра Ҳисорда жамъ бўлдилар. Ва Убайдулла султон ҳар чанд маълум қилдики Шоҳ Исмоил Мовароуннахорнинг подшолиқиға ружуъ қилди. Ўзи келомасдур, аммо шоду хуррамлик учун Убайдулла султонни эҳтиёт қилиб Қаршида Кучумхон

2296 ўлтирибдур, аниңг аҳволи мазкур бўлди. Жонибек султон // ва Кучумхон ва Суюнчик Фарғонанинг халалини дафъ қилмоқ учун Аҳси ва Андижонга юз келтурдилар. Хон ҳануз Андижонда ҳеч нарса жамъ қилмағон эрдики, уларнинг юз келтурганининг хабари етти. Ва Губра мирзонинг Косонга тааллуқи бор эрди, ани йиборди. Вақтечи Косон қалъасини маҳкам

қилиб әдилар, ўзбекнинг султонлари ул Косонни халос қилмоқлиқға юз келтурди. Косонни ўбдонлиқ бирла қабодилар. Косоннинг тангликка қолғонининг хабари хонға етти. Тамом лашкарнинг қуввати бўлмасаму, ўзбек улардин қочғай. Аммо уларнинг лашкари тарафиға бориб филжумла ташвишлик еткуролмасаму Косоннинг халқига қувват ҳосил бўлғай деб. Вақтеки хоннинг лашкари Косонға борди, бу хабарни Абобакр мирзо англаб, ул замонда Фарғона мамлакатини халос қилмоқлиқнинг боиси учун Кошқардин келди. Ҳар нарсаеки Андижондин йукғори эрди, Ўзган бирла машҳурдур ва Ўш, Фарғона вилоятининг ўбдонроқидин ани олиб Андижонға юз келтурдики, сархисоб боргай. Вақтеки Андижоннинг қалъаси чўнг қалъадур, икки-уч минг киши билан сақламоқ мумкин эмас, деб қалъа олмоқлиқнинг асбобини жамъ қилиб, равон бўлди. Вақтеки бу хабар хонға етти, ушбу ҳолга Андижоннинг халқи йўл топди. Мунинг орасида ўзбекнинг подшоҳлари баякбора ҳужум қилиб, Косоннинг қалъасининг бир тарафини тешиб ва шотуларни қўйуб эрдики, Косоннинг халқи қўрронини сақламоқлиқға тоқат қилолмади. Ҳасак тарафининг

230а дарвозасидин кирдилар. Вақтеки ўзбекнинг // лашкарининг ҳаммаси пиёда бўлиб эрди, булар юк қўйиб отланғони турғонда шаҳарнинг атрофиға келдилар. Баъзилари қочиб кетди, кейин қолғонини аҳли қалъа бирла қатл қилдилар. Ул ҳалқлареки қалъадин чиқиб эрди, қўмакнинг жиҳатидин Косоннинг төгларига келган лашкарга улашдилар, токим ўзларини Андижонға еткургай. Бир ерга келдиларки, Мирзо Абобакрнинг лашкари Андижонға ярим фарсанг ерга тушиб экан, қалъа олмоқлиқнинг асбобларини муҳайё қилиб, қарор қилиб эрдики, тонгла саҳар ҳар тарафдин зўр келтурингларки Андижонни олраймиз, деб. Ул кеча бу лашкар Косондин келиб қалъа олмоқлиқнинг хаёлиға юз келтурди. Аммо хоннинг лашкари келганидин бехабар эрди. Ва хон ўзи тонг отғон вақтда юриб истеъдодини тайёр қилиб эрдики, Тутлук деган ерда икковлан мулоқот бўлдилар. Ҳар тарафдин саф тортиб

жанг қилдилар. Бу жанг узоқда тортти. Хон филжумла уларға шикаст бериб бир мунча душманнинг лашкарини ўлтурди. Бовужуди душманнинг лашкари тұла, хоннинг лашкари оз эрди. Охир Мирэо Абобакрнинг лашкарига улуғ шикаст берди. Ва ҳар кишики ахли бидъат бұлса тамоми жамъ қилиб, Андижоннинг қўруқида қатлға ҳукм қилдилар. Ва йилқиларға бостириб ўлтиридилар. Ул аснода айттиларки, алҳамдуиллоҳ миннаки бу фатҳ Кошқарнинг мамлакатини очқусидур, менинг умидимнинг тўлароқи улки, осонлиқ бирла Кошқар мұяссар бўлур. Бу жамиъки уларнинг бу замонда ўлмаклиги бу диёрнинг

2306 ҳамма ҳалқининг марғуб интиқомидур. Ва агар улардин // боқий қолмаса, гүёки Кошқар қатли ом топғандек бўлур деб, бу ишдин пушаймон бўлиб боқий қолғонларнинг миқдори уч мингча киши эрди, баҳшиш қилиб, гуноҳини ўтдилар. Булар ўлмакликдин халос топдилар. Бу ғавғойи ом қўлларини дуоға қўтардилар ва шукру сано айттилар. Бу улуғ фатҳ юз келтуриб эрди ўзбакму таани қилиб, ўзини тортти. Бу иш воеъ бўлғондин кейин Ҳамза сultonнинг шикастининг хабари ва Бобурхон анинг қўлида ўлганинг хабари келди. Яна андак замондин кейин Подшоҳнинг Самарқандга юз келтурганининг хабари келди. Уларнинг келмаклиги бирла Самарқанд ҳалқи ва ўзбек ҳаммалари андоқ қочдиларки, ҳеч киши уларнинг гардига етмади. Подшоҳ Самарқандда ва хон Андижонда қарор топдилар. Ва Шоҳ Исмоил ёниб Ироққа борди. Ва Кобул ва Фазнинни Подшоҳ Султон Носир мирзога Подшоҳнинг кичик биродари эрди анга берди. Ва ўзбек батамом Туркистанға жамъ бўлдилар. Қолғон ахволларини бунингдин кейин шарҳ қилурмиз, иншооллоҳ. Илгари таҳрир топиб эрдикси хон ва Султон Ҳалил Андижоннинг қошига етиб келиб эрдилар. Султон Ҳалилни бир жойининг бошига йиборганида Қутлугхоним отлиқ бир заиф бор эрди, хоннинг ҳарами деб илгари зикр қилиниб эрди. Вақтеки хон ҳарамини Ҳожа Али Баҳодир бирла ўзбекка ўтказганида ул мазлума ўзбекдин ҳомила бўлиб эрди. Неча замондин кейин ўғил фарзанд вужудға келди. Хон Кобулга етганда бу хабар етти.

Подшоҳ хонға айттики, анча ном-номи Сайдур агар анга Абдуррашид от қўйсалар муносибдур ва ул от қарор

231а топди. Бу ҳар иккиси Бобо султон Султон Халихоннинг ўғли // ва Абдуррашид султон Султон Сайдхоннинг ўғли бўлғайлар. Кутлуқ Нигор хоним Султон Муҳаммадхоннинг қизи Тошкандинг вайроналигида Жонибек султонға тушиб сақлаб эрди. Вақтеки Гутлуқнинг урушида ва аниг фатҳи воқеъ бўлғонда буларнинг орқасидин ўзбек Фарғонадин қочди. Бу икки султонни хонлиққа олиб келди. Бу икки султоннинг зикри бундин кейин келур. Вақтеки сўзнинг тарзи воқелари бирла хоннинг ва мирзо нинг аросида воқеъ бўлиб эрди, ошкора бўлур. Агар Мирзо Абобакрнинг ахволи мужмалан таҳрир топса...

ЮЗ ЎН УЧИНЧИ ФАСЛ

МИРЗО АБОБАКРНИНГ АМИР САЙИД АЛИФА НАСАБИНИНГ АҲВОЛИНИНГ ЗИКРИ

Бу каминанинг учунчи жаддининг ахволи асли тарихда шарҳ бирла келур, иншооллоҳ таоло. Амир Сайид Алининг икки фарзанди қолиб эрди. Бири Сонсиз мирзо, аниг онаси чарос умароларининг табақасидин эрди, яна бири Муҳаммад Ҳайдар мирзодурки бу каминанинг жаддидур. Аниг отини табаррукан манга қўйубдурлар. Аниг онаси Султон Юнусхоннинг аммасидур. Амири кабир Сайид Али вафот ўғондин кейин мӯгулнинг қадим расмиси бирла Сонсиз мирзо зиёда улуг эрди, отасининг ўрнига жонишин бўлди. Етти йилдин кейин булар ҳам вафот бўлди. Анигдин икки фарзанд қолди. Аввали Абобакр мирзо, иккинчи Умар мирзо. Бу икки фарзанднинг онасини мӯгулнинг расмлари бирла Муҳаммад Ҳайдар мирзо ўз никоҳига олди. Муҳаммад Ҳайдар мирзоға ҳам бу ҳарамдин икки фарзанд бўлди.

Аввали отам Мұхаммад Ҳусайн мирзо, иккинчisi амаким Сайд Мұхаммад мирзо. Соңсиз мирзодин кейин Кошқарнинг тамоми Мұхаммад Ҳайдар мирзоға қарор топди. Йигирма түрт йил

231б үбденлиқ бирла // адолатнинг мезонини қадимиға еткүзди. Мұхаммад Ҳайдар мирзо давлатманد киши эрди. Давоми комронлиқда шоду хуррам эрди. Ёшлиқнинг нигоҳдошлиқида йингичкаликидин шижаат ва каёсатнинг ҳулласи бирла ораста эрди. Ва Амир сохибіл рой Сайд Али саксон ёшга кириб эрди то онинг замонининг охиригача, Мұхаммад Ҳайдар мирзо ҳам аксари улар бирла үтуб эрди. Аммо аниңг ақын ва қўлидин ҳеч нарса келмас эрди. Аниңг фарзандлари ўз таври бирла эрди ва аниңг ризоси бирла әмас эрди. Бу аснода Мирзо Абобакр йигирма ёшға етиб эрди, отасининг ва амакисининг хизматида эрди. Мирзодалар ва ёшлар бирла олишиб юрур эрди. Улар ҳам ёшининг яқинлиқининг муносабати бирла Мұхаммад Ҳайдар мирзоға мулозаматни ҳамиша қилур эрди. Мирзо Абобакр саховатнинг қўлида андоқ очуқ бўлдики, ҳар нарсаеки бор эрди тарожға берди. Айтибдурларки, аниңг мулозиматидин бир киши тарожни англаб келиб қўрдики, ҳеч нарса қолмабдур. Тарожга келган ҳалойиқ фориғ бўлибдурлар. Мирзо Абобакр ўз уйининг эшикида туриб эрди, ул мулозим Мирзо Абобакрни тутиб айттики, агарчанд мен кейин келибдурмен, сизни топдим, деди. Мирзо Абобакр қулиб энди ўзимни тўла маблағқа сотайки, ондин олғил! деди. Саховатнинг қўлининг кушодалигидин тамом ҳалойиқ анга ружу қилдилар. Бу аҳволнинг орасида Дўстмуҳаммадхоннинг мулозиматигаки Буғоҳон Эсаннинг ўғлидур, Оқсу ва Мўғулистонға борди. Дўстмуҳаммадхон ани азиз тутиб, ўзининг ҳамширасини унинг ақди никоҳиға бериб, ёнмоғлиққа рухсат берди. Бу

232а аҳволнинг шарҳи дароэздур. Аниңг // тафсили асли мақсадни пўшида қиласур.

Ёркандки Кошқарнинг мўътабар вилоятларидиндур, ул кунларда дорул мулк Кошқар ва Ёрканд эрди, ҳар нечукки бўлса қўлга келтурсак деб. Андоқ бўлдики, Мирзонинг мулозиматида уч

минг киши эрди, ўттуз мингга яқин бўлди. Вақтеки жамийат бу ҳудудға етиб эрди, улуғлиқнинг таблини ошкора сўқди ва Муҳаммад Ҳайдар мирзо ўттуз минг киши бирла бориб шикаст еб ёнди. Юнусхон Муҳаммад Ҳайдарнинг холайиси эрди, анга илтижо қилди. Юнусхон ҳам Мирзо Абобакрони саҳл гумон қилиб, ўзининг лашқарининг тамомини йигиб, ўттуз минг силоҳдор кишини ҳамроҳ қилиб бориб эрди, Муҳаммад Ҳайдар мирзо яна бир маротаба ўзининг лашқарига анча тартиб бериб юз келтурдилар. Ондин кейин Ёркандинг дарвозасининг олдиға келди. Ул уч минг киши ҳар иккаласининг лашқарига шикаст берди. Юнусхон ва Мирзо Муҳаммад Ҳайдар, ҳар иккаласи шикаст еб, Кошқарга ёниб келди ва яна хон ондин Мўгулистонға борди. Яна бир йили хон ўз лашқарларини жамъ қилиб, Мирзо Ҳайдар ҳам ўз лашқарларининг истеъдодини ростлаб, иккинчи маротаба юз келтурдилар. Бу маротабада ҳам Мирзо Абобакр ўз асбобини зиёда тартиб бериб, отлиқ ва пиёда тирандоzlарни жамъ қилиб юз келтурди. Бу навбатда яна ул тўла лашқарга шикаст берди. Хон ва Муҳаммад Ҳайдар мирзолар яна Кошқарга ёниб келдилар. Бу мартабада Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг Кошқарда турмоқлиқи мушкул бўлиб, тобе ва аҳли аёлларини қўчириб Юнусхон бирла ҳамроҳ бўлиб Оқсуға борди. Ондин Мирзо Абобакр Кошқарнинг тамоми мамлакатини қўлиға олди. Ондин кейин

2326 биродари // Мирзо Умарнинг кўзини кўр қилиб шаҳардин чиқорди. Бу Мирзо Умар Самарқандда эрди, Юнусхон Кошқар ва Ёркандин олганда, яна Кошқарга келиб эрди хон ани ўбдан азиз тутар эрди, то вафот бўлғунча Муҳаммад Ҳайдар мирзо ва хоннинг воқелари асли тарихда маэкур бўлур. Бу фаслдин мақсад Мирзо Абобакрнинг аҳволининг воқеасидур. Қирқ йилнинг муддатида бу юртларга юз келтуруб охирул амр йигирма йил Кошқарда қарор топди. Яна бир бора Султон Аҳмадхон, Юнусхоннинг ўғли Олачахон исм бирла машҳур эрди, тарихқа тўқкуз юз бешинчи йили (1499—1500) келиб, ул ҳам лашқари бирла шикаст топиб эрди, асли тарихда зикр қилинур. Султон Аҳмадхон шикаст

топғондин кейин атрофни тасарруф қилмоққа турди. Аввал Тибат тарафиға бориб ани фатҳ қилиб, то Каширгача тұласини андоқ забун қилдіки, ҳеч кишиға тақрир қилишға мажол үйк. Ондин Болур тарафиға лашқар үйборди. Тұла мол ғаниматлар олиб саранжом қилиб Бадахшон тарафиға лашқар үйборди. Бу лашқар бориб Бадахшоннинг тұласини забт қилиб, ул замонда Шохидекон тамом оламни тангликка келтириб әрди, Мирзо Абобакрнинг лашқари Андижон ва Жонибек султонни тангликка келтурди. Үш ва Моду ва Үзгандни ўзбекнинг тасарруфидин чиқориб, Мұғалистоннинг тамомини андоқ қилдіки, ҳеч мұғул Мұғалистонда қолмади. Андоққи илгари хоннинг ахволининг зикрида уларнинг Андижонга келмаклиги ўз шарҳи бирла мазкурдур. Андоққи тамоми Мұғалистондаги халқ аниң лашкарининг тұлалиқидин қочди, ҳаттоқи, Мұғалистоннинг биёбонларидаги қырғизлар

233а ҳам қолмади. // Ондин кейин Мансурхон ўз жойиға ёниб кетди. Яна бир бора Ахмадхон вафот бўлғондин кейин Султон Маҳмудхон Мұғалистонға келмак бирла Оқсура бориб Оқсу ва Турфонни олиб аниң халқининг ҳаммасини кўчирди. Ондин Үшнинг қалъасини маҳкам қилди. Бу ҳикоятни тақрир қилмоқдин мақсуд улки, Мирзо Абобакрнинг атроф жонибиға юз келтурмаклиги бу мушобаҳада әди, мужмалан тақрир топди.

ЮЗ ЎН ТЎРТИНЧИ ФАСЛ

**МИРЗО АБОБАКРНИНГ КИЧИКЛИГИДАГИ
АХВОЛИНИНГ ГУФТОРИ, БУЙРУГОН
ИШЛАРИНИНГ ИЖМОЛИНИНГ ЗИКРИ**

Алқисса бу муҳтасарда сўз улдурки, анчаки халқлардин англонрон сўз бетавотур собит бўлди, аники ўзим кўзим бирла кўриб эрдим, ул воқеаларни шарҳ бирла таҳрир қилдим. Аммо Мирзо

Абобақрнинг ғаройиб ахволларини уч қисм бирла мунқасим қилдим. Бири улки, ҳалойиқдин эшитганим тавотур бирла событ бўлди, тариқаси бирла футулур. Яна бири улки, ўзим мушоҳада қылғонимга ақл ани қабул қилишдин тўхтар, лекин ул ҳам событдур. Ва ул нимарсаеки бу муҳтасарда футулибдур, мингдин бири ва тўладин андакедур. Вақтеки Мирзо Абобақрнинг салтанатининг муддати қирқ йилдин ўтказди, охири ҳолда анинг ботинида андоғ ёмонлик галиб бўлдики, ҳар ким анинг робитасида бўлса, гуноҳжор бўлди. Агарчи анинг гуноҳи шарънинг тариқаси бирла ҳеч хатоға лойиқ бўлмасаму Мирзо Абобақрнинг ботинида баяқбора ўлтурмакка рози бўлур эрди ва оташи ғазаби ҳаргиз паст бўлмас эрди. Агар кишидин андаке хилоф зоҳир бўлса, ўн йилдан кейин англаса, албатта у кишининг

2336 тобеъ фарзандлари бирла андоқ қилур эрдики, ани // ҳеч киши тасаввур қилолмас эрди. Вақтеки анинг ахволи ушбу тариқада истеҳком топди, молу ҳазойину дафойинларининг тўлалики ҳаддин зиёда бўлди, ўз аҳли ҳарами учун андоғ ишлар пайдо қилдики, қаттиғлиқда йўлбарс бир-бирига ҳамла қилишрондек, қазиқ отлиқ. Бир кўхна шаҳарга буйрудики, муни қозинглар, тупроғини ювинглар. Агар чўнг нарса чиқса қўрламоқда топарсизлар, агар кичик бўлса, юмоғлиқ бирла топарсизлар, — деди. Мундоғ қилдилар, бу навъ жавоҳир, тилло ва нуқрани топдиларки, ҳисобдин тошқари. Мўътабар ҳалқлардин эшиттимки, Ҳўтанинг қалъасида йигирма етти қуп топибдурлар. Айтибдурларки, муни қўрламил, ичга кирсанг бир ерда куф[хум]га етарсен, ул қуфларнинг ичиди мисдин обтобалар бор, деб. Вақтеки бу обтобалардин бир обтоба чиқдики, суроҳийвор узун, баландлиги бир ярим газдин зиёда. Ҳар обтобани сув олғонда икки киши кўтарур эрди. Ўзини тиллодин этган ва тошини нуқродин сирлагон. Таворих китобларда айтибдурларки, бу обтобаларнинг тарихи сифатга рост келмас ва киши эшитмаган бўлғай. Қуфларнинг ичидаги обтобаларнинг тошида ҳам нечанд ҳазиналарни қўйуб экан, лашкарининг қўлира тушди. Ҳар обтобаға туркий хат фитубдурки, Ҳумор

хутуннинг ўғли нима киши эрдиким ва қойда эрдиким, бул ажабки бовужуди ушбу ишларни мушоҳада қилмоқ бирла ҳирс ва хаёлотини носирадин тұхтатмас эрди деб. Бу ганжлар чиққондин кейин Мирзо Абобакр ниҳоят издиҳом қилди. Мундин бұлак ганжларниму Кошқар ва Ерканд ва Хўтанларнинг қалъасида тоptи. Ул халқларнинг

234а ахволи андоқ эрдики, йигирмадан тұлароқ кишини бир занжирға // солиб зимиstonда қўллариға фолту, кирки бериб, ер қазитур эрди. Ҳар ойда қозғон тўфаларини ғалвирларда тосқотур эрди ва агар бир кишига бир гуноҳе бўлса, ҳеч киши анга хешу ақраболари бўлсан ҳеч нима беролмас эрди. Ва ул кишиларки Мирзо Абобакр билан бир силсилада эрди, анга ҳеч киши сўз айттолмас эрди. Ҳар занжирға бир кишини муаккил қилиб эрдики, сўқмоқда ва қуғламоқлиқда ва зинданға солмоқлиқда ҳар иш учун бир жаримани таъйин қилғон эрди. Агар бир мўйча иш қолса, ушбу занжир бирла гуноҳкор қилур эрди. Бу жиҳатдин ҳеч муаккил тағири бўлак сўзларни айттолмас эрди. Андоқки ҳар ишда бир амр қилибдурки, ул мартабада бехукм бир сари мўй зиёда ва кам қилолмабдурлар. Эр ва мазлумаларнинг пайдо қилган ишлари шумдоқ эрди. Яна тўла бордурки, ани баён қилишға қўнгилга тағиир ҳосил бўладур, балки ақл қабул қилишдин ҳам тўхтайдур. Илгари мазкурдурки Шоҳбегим ва Мехро Нигор хоним ва биродарим Муҳаммадшоҳ, отамнинг ҳамширасики, аниңг отасининг ҳамшираси Мирзо Абобакрга тушган эрди, Мирзо Абобакр уларни Кошқарға олиб келибдур. Мирзо Абобакрнинг ҳамширасини Хон Султон Султоним деб эрди. Ул андор заифа эрдики, тамом умрини вазифаи ибодат бирла ўтказиб эрди. Анга нечанд ҳеч шароб бермаган эрди. Вақтеки ўлар ҳолатида ташналиги зиёда бўлиб, шаробдин бир журъя берди. Ушбу уқубат душворлиқи бирла үлди. Биродарим Муҳаммадшоҳни ўзи ахта

234б қилғон ғуломларининг орасида сақлади. // Ўн беш ёшға кирганда буйрудики, кабоб сихини меъдасига қўйуб, тўқмоқ бирла

қоқинглар деб. Андоғ қилди, орқасича йиқилди, ондин томга йўллаб сих бирла санчиб пора-пора қилди. Бегим ва хонимнинг ҳоли иффат қабобининг ҳужрасида пўшида эрди, нималар бўлди, уларнинг аҳволини тақрири бирла хоҳламадимки, бу мухтасарни мутолаа қилғучиларнинг хотири ул пок доман заифаларнинг аҳволини англаб бир лаҳза осуда бўлинмас.

Ҳамиша улуғлар ва масъаладонлар мажлисига ҳозир бўлур эрди. Бу амрларнинг ҳаммасига фатво бермакликка ружу қилур эрди. Ҳар ишни ишларнинг тўхлукки бўлса ани тамом қилур эрди, анинг суратини филжумла тақрир қилур эрдикни сурати андак шаръга келур эрди. Агар бир фатво берса хўб, магар фатво бермаса урмоқлиқни ва ўлтурмакликни лозим қилур эрди.

Ва миннатдор қилур эрдикни, шаръян ани ўлтурмаклик лозим бўлдиму, аммо ниҳояти муруватдин муни ман ўлтиромайман, бир ишға амр қиласанки, ул иш ани ўлтиромакликдин ёмондур, деб ани истифодисидин бири улки фатво бир киши бирорвни ўлтиромаклик учун ул бирорга ҳамла қилиб сўқса, ул бирор ўзидин мазарратни дафъ қилмоқ учун анчаки ул кишига яхши ва ямонлиқдин қиласурки, ўз жонини халос қилгай. Баййину тужиру! Яна бир сурат улки, бирор аҳли фитна ва фасоддиндур. Анинг бир мулкка бормоқлиқи ул мулкнинг фитнасига сабаб бўлур. Подшоҳга етадурки, фитнаи омни дафъ қилмоқ учун ул бирорвни бир навъ бирла яна бир мулкка йиборгай, то халқ анинг муҳаббатини лозим тутмагай. Баййину тужиру! (Баён этиб ажр олинглар). Бу икки фатво бирла Чагирак ва

235а Ўзганд ва Мозунинг уч минг кишисини // ўлтурдики, улар мени ўлтиромакка қасд қилғон эканлар деб. Яна неча минг кишиларки, қочиб бўлак вилоятларга борса, фитнани лозим тутар. Уларни бир навъ бирла қочқали қўймай, бу мулкларда тамом зулмларни анга қўймоқ керак деб, зулм қилур эрди.

Анинг аҳволининг шархи бу мухтасарға сизмайдур. Бу миқдор бирла шарҳ қилинди. Анинг қолғони Мирзо Абобакрнинг яна аҳволида фотина шарҳ бирла келур.

ЮЗ ЎН БЕШИНЧИ ФАСЛ

**УБАЙДУЛЛОХОННИНГ ТУРКИСТОНДИН
БУХОРОҒА КЕЛГАНИ. БОБУР ПОДШОҲНИНГ
МУҶОТАЛАГА БОРИБ КЎЛ МУЗОФОТИДА
ШИКАСТ ЕГАНИ ВА АНЧАКИ АНИНГДИН
ДАСТ БЕРГАНИ**

Вақтеки Подшоҳ мөҳи ражабда тарихга тўққуз юз ўн еттида (1511—1512) Самарқанд таҳтида ўлтурди, андоқки илгари таҳорир қилиниб эрдики, Мовароуннаҳонинг улуғ-кичилари Шоҳ Исмоилдин қочиб эрдики, зимиston охирига етганда бороннинг тӯлалиқидин заминларда сув турди. Ўзбек Туркистондин юз келтуруб, уларнинг тамоми Тошканд тӯфасига келдилар. Убайдуллохон Етти Кудук йўли бирла Бухорога кетди. Вақтеки амир Аҳмад Қосим Тошканднинг қалъасини маҳкам қилиб эрди, яна бўлак жамъи, Амир Дўст, Носир Султон, Муҳаммад Дўлонийларни Тошкандга йиборди. Ўзи Бухорога равон бўлиб, яқин етган вақтда подшоҳнинг юз келтурган хабарини англаб таважжухнинг жиловини ёндуруб, келган йўли бирла ёнди. Подшоҳ орқасидин келиб Кўли Маликка етди ва ани ёндиromoқликка ночор бўлди. Убайдуллохон уч минг киши бирла эрди, Подшоҳнинг лашкари 40 минг киши эрди. Убайдуллохон айттики, ояти «Кам мин фиатин қолилатин»-ни охиригача ўқуб, улуғ муомалалар воқеъ бўлди. Ҳақ субҳонаҳу 2356 ва таоло аҳли илмга ва соҳиби дилга // ўз қудратини кўрсатиб озгина лашкар тўла лашкарлар бирла жанг қилса Ҳақ таоло қайсисига хоҳласа шунга ғалаба берур. Убайдуллохон илгари уч минг киши бирла қочиб эрди. Яна қочғон халқ қингчоқнинг қирқ минг салоҳдор отлиққа шикаст берди. Бу воқеа тарихқа тўққуз юз ўн саккизи, мөҳи сафарда (1512 й. 4-5 ой) воқеъ бўлди. Подшоҳнинг Самарқандда подшоҳ бўлғонининг муддати саккиз



ой эрди. Подшоҳ Самарқандға етганда иқоматнинг футини таҳтнинг поясига қўёлмоб эрди. Ул ерда халал етиб, Ҳисорға кетди. Пайдар-пай элчиларни Подшоҳ Исмоилнинг олдига йиборди. Бу ҳолни баён қилемонда лашкар илтимос қилиб эрди. Ўз умароси Мир Нажми олтмиш минг лашкар бирла йиборди. Шул зимистоннинг аввалида ўзбек тұфасига бордилар. Қаршига етган вақтда Шайхим мирзо айттики, ҳоло Убайдуллохон бұлса, Қаршининг қалъасини маҳкам қилиб, Қаршини мұхосара қылмоққа машғул бўлди деб. Қаршида андак замонда олиб Шайхим мирзо бирла Қаршининг тамоми вазъи шарифларини қатли ом қилдилар. Аммо ўзбекнинг сultonлари ҳар киши бир жойда ўз қалъасини маҳкам қилиб эрди. Жонибек сulton Гиждувоннинг қалъасини маҳкам қилиб эрди. Вақтеки Қаршининг қатлидин фориғ бўлғонини гумон қилиб, Мовароуннаҳрнинг қалъасининг аҳволини Подшоҳдин сўрди. Подшоҳ ҳар бирини баён қилди. Гиждувон қалъасини ҳаммадин осон гумон қилиб Гиждувонға юрдилар. Вақтеки бу хабар Сultonларға етти, вақтеки Подшоҳ Гиждувонға кечаси келиб тушди, шул кеча қалъа олмоғлиқнинг сабабларига машғул бўлдилар. Сultonларнинг ҳаммаси ул кеча

236а Гиждувонға келиб // субҳ вақтида саф ораста қилиб, маҳаллаларнинг ўтросида туриб, бир тарафдин жангга юз келтурди. Вақтеки ўзбек маҳалланинг ўтрасида эрди, жангнинг майдонига чопти. Охири танг бўлиб, пиёда ўқ отғали турди. Бир соатдин кейин исломнинг панжаси куфру билъятнинг қўлини ёндуруб, исломнинг алами баланд мартабага етиб, аҳли билъят ва аҳли зулматнинг аламини нигунсор қилиб, баякбора ҳазимат топди, андоқки уларнинг тўласини ўлтиридилар, Подшоҳ шикаст еб, қочиб Ҳисорга келди.

Мўгулнинг умароларидинки, хоннинг ҳамроҳларидин қолиб эрди, Подшоҳнинг орасида ихтилоф пайдо қилди. Бу воқеаларнинг тафсили узоқдир. Унинг мужмали улки, Бекчик ва Мирмуҳаммад Ёдгор мирзо қолғон мўгуллар бирла иттифоқ қилиб, бир кеча Подшоҳнинг ўзини баражна қилиб юз меҳнат бирла Ҳисор-

нинг қалъасига ташлади. Ҳар нимарсаики, ташқари топиб эрдилар ани супурдилар. Ва Назар Мирзо пинҳон тоғларға келди. Ва Подшоҳ уларнинг дафъига ожиз келди. Ҳисорнинг қалъасини ўзининг эътимодлиқ умаролари бирла маҳкам қилиб, Қундузга равон бўлдилар. Ҳисор вилоятининг тамоми ўзга қалъалар бирла ҳаммаси мӯгулнинг тасарруфига келди. Мӯгул тамсилида борки, мисраъ:

Жойи холий топса, тўнғуз пештоқга чиқмоқ бўлур.

Зулму тааддининг қўлини адоватнинг енгидин чиқарди. Фиску фужурнинг сарпанжасини раъиятларнинг аҳли аёлининг панжасига ташлади. Мӯгулнинг мўътабарларидан бирики мулоzим эрди, ҳикоят қилдики, менинг улуфам аҳли ҳашамларнинг бирига футулган экан. Анинг уйига тушдим ва анга

2366 изҳор қилдим. Андин // бир соате ташқари чиқдим. Икки юзга яқин от, қўй, тева олиб келиб, уйининг ҳамма асбобу лозимасини олдимга олиб келди ва айттики, менинг илтимосим улки, менинг фарзанд, аҳлу аёлим бирлан қўйунг вагарна ижозат беринг, ул нимарсаики ушбу ерда бўлса, ҳаммасини ўзунгиз тасарруф қилинг ва мени анингдин озод қилинг деди. Вақтеки мен сархисоб қилдим, анча мол-мулкларига анинг халослиқининг нисфи бўлмайдур. Мақсад бу навъ зулму адоват ва таалди ҳаддидин ошти. Ҳар нарсаеки Ҳисорнинг халқларида эрди, жондор, гайри жондордин ҳаммасини олдилар ва зоеъ қилдилар. Мусулмонларнинг орасида қаҳати азим бўлди. Ҳисорнинг тамомисида олтмишча киши қолди. Халқларнинг тўласи ўзи ўлган ўликларни еди, андин тирикларни топса ҳам еди. Оқибат кор уларнинг амалининг шумлуқидин эрди. Андоқки қирқ уч минг кишининг жумласидин икки мингта яқин киши халос бўлди. Ўзгаларнинг ҳаммаси қаҳронинг дарёсида фарқ бўлдилар. Уларнинг заифалари ва кичик болалари ўзбекка асир бўлубдурлар. То бу вақтгача шуларнинг хорлиқидадурлар. Бу мужмалнинг тафсили улки, ул зимиstonда

қор пайдар пай ёғиб, саҳролар тоғларга ўхшаб тоғлар саҳроларга ўхшаш бўлди. Бу гумроҳ қавмлареки боғларнинг тўнғузи, тоғларнинг бўриси эрди. Ҳарчанд зулмни зиёда қилиб олиб эрди, баракат топмай тангу ожиз бўлдилар. Вақтеки саҳроларда ўт қорнинг тахтида қолиб, отлари егали ўт топмади, ош ҳам тугади. Уларнинг ожизлиқининг хабари Убайдуллахонға етти. Хоннинг

237а // амалларининг тұлаresoқи яхши ниятга яқин эрди. Бу ёмонлиқларни дафъ қылмоқлиқни мулку давлатнинг низомида лозим билиб, зими斯顿нинг охирида Ҳисорға юэ келтурдилар. Бу гумроҳ қавмлар бу хабарни англади, аммо кетишнинг иложи йўқ эрди, анинг учунки йўллари йўқ эрди ва ҳам Подшоҳ тарафиға юзини қаро қилиб эрдилар. Андижонга хоннинг олдига келмакни маслаҳат билмади. Бу жиҳатдин хоннинг даргоҳига келмакдин қочур эрди. Бовужуди қорнинг тўлалиқидин йўллар душвор эрди. Бу душворлиқдин тоғларда қўргон қилдилар, тоғ бир тарафиға жой қилиб, маҳкам қилиб олди. Вақтеки ўзбекка яқин келди уларнинг атрофини мулоҳаза қилиб маҳкам кўрди. Аммо устод айтадурки, мисраъ:

Умр барғ асту офтоб — тамуз.

Вақтеки улар бир тарафини қорга эътимод қилиб эрди, баногоҳ ҳаво исиб, икки-уч кунда қор эриб, кенграв йўллар пайдо бўлди. Буларға хушлуқ, ул муфсидларга танглик юз келтириб, саҳар вақтида ўзбек ул йўллардин от чопиб чиқиб келди. Вақтеки буларни қўриб ўзини сувга ташладилар.

Байт:

Гулистон қилди оташни Ҳалилға
Гурӯҳе оташға отти оби Нилдин.

Ул золимларнинг тўласи сувга фарқ бўлди. Озроқи халос топти. Қолғонларини тутиб асир қилдилар. Анчаки улар Ҳисорнинг халқига қилиб эрди, Ҳазрати Қодир ўз қудрати бирла Убайдуллохоннинг воситаси бирла уларға қилди. Ва ҳар кишики Ҳисор-

нинг сүйидин ва хоннинг тифи обдоридин қутулуб эрди, Андижонга хоннинг мулоzиматига келдилар.

Банда мен, амир Бекчиқдин эшиттимки, вақтеки уларнинг роили-лиқини

237б // ва қилғон амалларини мушоҳада қилиб, борҳо Ҳудоға нола қилдимки, фотроқ бир балоени нозил қилғай, токи мусулмонларнинг халослиқига сабаб бўлғай, деб. Мақсад бу ҳолни шарҳ қилмоқлиқдин улки, амалдорлар бу нусхадин ибрат олғай, зулм умр давлатининг носихидур ва адлки умр давлатининг очқусидур, ани олғай. Билжумла ул қавмнинг шумлуғидин Ҳисор Подшоҳнинг қўлидин чиқиб, ўзи Қундузға борди. Ўз зотининг тақозоси бирла ул тангликка қолиб, ҳеч важъе бирла кирадурғон дарвозаларни Мирзоҳон очмади. Вақтеки Ҳисорнинг муҳимидин ноумид бўлиб, Кобулға келиб Мовароуннаҳони олиб Кобулни Султон Носир мирзоға бериб эрди, Султон Носир мирзо Кобулда эрди, Подшоҳнинг келган хабари етти. Султон Носир мирзо Подшоҳнинг истиқболига олдиради. Навъи ихлос бирла арз қилди ва айттики мен ҳамма хизматкорларининг наълайнини эътиқодимнинг бошиға тож қилиб сарафroz бўлрайман. Ва яна бу Кобул подшоҳларининг ўлтурадурғон жойлари эрди мен бандага топшируб эрдилар. Вақтеки чархнинг тақозоси бирла гардуннинг гардишидин бу пояки улуғларнинг манэили бу мулки омиранинг ҳазонаси эрди, ушбу аблажлар учун соқладим. Агар ҳукми олийларининг шарафи содир бўлса, ўз қарори аслимки Фазниндур, ёнсам. Баъзи умароларнинг жиҳатидинки, улар мулоzимларидин бири ўлтурса зиёда ризодур, деди. Подшоҳ бу инсониятдин Султон Носир мирзоға ниҳояте миннатдор бўлиб, улуғ ерда жой бериб, навъ улуғлиққа муқаррар қилди.

238а Фаэнинга рухсат берди. Ул кунларда Султон Носир // мирзо юткалди. Фаэниннинг аросида мухолифатлар пайдо бўлди-ки, ўз жойида айтилур. Подшо ўзи Кобулда эрди. То Қандаҳор фатҳ бўлғунча ондин кейин Ҳиндистонни фатҳ қилдики, ҳар қайсиси ўз маҳалида келур.

ЮЗ ЎН ОЛТИНЧИ ФАСЛ

**АММИМ САИД МУҲАММАД МИРЗО ТАҒАММАДА
АЛЛОҲУ БИ-ФУФРОНИҲИНИНГ АҲВОЛИНИНГ
ЗИКРИ**

Бар сабили ижмол илгари ўтиб эрдики, хон мөҳи сафарнинг ўн тўртуда тарихда тўққуз ўн еттида (1511 йил 13 май), подшоҳлиқдин жудо бўлиб, Андижонга бориб Кошқарийнинг музофотини фатҳ қилиб, ушбу ибтидода Подшоҳ Самарқандни олди. Андижон вилояти хоннинг қўлида қолди. Султон Аҳмадхоннинг фарзандларининг аҳволининг шарҳида шарҳ қилинибдурки, Султон Халил султон бечора бўлиб Андижонга келди. Жонибек султоннинг димогига отдин ўйқилиб халал бўлиб эрди, ул замонда Султон Халил султон келди. Жонибек султонни айттики, Сайд Муҳаммад мирзо ва Султон Али мирзо Бекчик ва Тубра нўёфтут бу уч киши ул султонни ўлтиридилар. То биламанки ўзини мўғулдин узибдурлар. Ва илло ҳамоноки вақт фурсати фитналар қўпариб, мўғул хоқонларига етказубдурлар. Бу уч киши ўз жонидин қўрқуб Султон Халил султонни, ўзининг биродари хоннинг отасининг онасидин эрди, Аҳси суйига ғарқ қилдирилар. Модомики душманларнинг ташвиши ва муҳолифларнинг машварати ҳар тарафлардин бор эрди, бу уч киши филжумла таскин топдилар. Вақтеки ўзбекларнинг душманларининг қавийроқи бор эрди, ўзбеклар захматнинг раҳтини мулкнинг майдонидин

2386 ташқари тортди, бу уч кишидин // тараддуд қилдики, магар хон ул адоватдин камин қилурлар. Бу ҳолнинг орасида хон Тубра нўёфтуни ўлтириди. Сабаб ул эрдики, Тубра марди рустойи эрди. Ҳеч вақтда хонларнинг мулоэзиматида бўлмас эрди. Ҳамиша Мўгулистонда ва Ўзбекистоннинг саҳрооларида қазоқ ва қаровулчи русуми бирла рўзгор элтур эрди ва ҳеч вақт футини амирлар-

нинг мартабаларини адносига қўймағон эрди. Бу вақт үзини салтанатнинг арконидин руқнларини билди ва хаёл қилдики, подшоҳларга юмшоқ сўз ва мулоҳимлиқ хуш келадурғон экан. Аммо үзининг хушомад этмоғлиқини ўзига ёмон хислат билди ва дурушт айтмоқлиқ тавонолиқнинг нишонасиdir. Бу дурушт айтмоқлиқ подшоҳнинг ҳурматини сақламоғондин чиқадур. Ҳалойикнинг назарида бу хаёлот аниг димогида йўл топиб эрди. Бовужуди ваҳм бирла дурушт айтмоқлиқни ва қаҳро этмоқлиқни, қабиҳ ҳўйни албатта үзининг шиори қилиб эрди. Вақтеки давлат юз келтиրмак бирла ақлнинг йўли банд булиб, димогини хабти паришон сўз айтмоқлиқка турди. Ҳон чандон анга лутф бирла айттики, бу ҳар ранг сўз айтмоқнинг маҳали эмас. Дурушт айтмоқ, тундхўйлуқ қилмоқ фойда қилмас, деди. Аниг баробарида айтибдурки, бутун қайси фарзандингиз халафдурки ота ва онаси ҳабашийликни фоёнига еткuzган бўлса, бу улуғ амрларга мутасадди бўлмоқни даъво қиладур. Бу ўғулнинг қўлидин неча нарсалар келур ва уларнинг кейнидин неча нимарса очилур, деди.

239а Вақтеки хонға бу тариқадаги сўз жавоб кўринди. // Ҳоннинг ғазаб ўти шўъла урди. Ҳукм қилдики, Тубрани ўлтириб, бошини дарвозага осингларки, ҳалойикка ибрат бўлиб, ҳеч киши ёмонлиқни ўзига шиор қилмасун ва ўз мақсадуни адабсиз айтмасун. Вақтеки бу иш воқеъ бўлғондин кейин буларнинг учунчиси Султон Али мирзо Самарқандға подшоҳнинг олдиға борди. Мир Аюб ва Мир Муҳаммад ва Мир Иброҳим бирла қўришди. Ва аммим Саид Муҳаммад мирзо Андижонға хоннинг қошиға, Мир Қанбарни Аҳсидин издиҳом бирла йибордики, Тубра андоқ эшакедурки ҳеч эшак ани тубралиқға қабул тутмас эрди. Бовужуди мунинг бирла ҳурмат зотининг эшикини анга очди. Ул Тубра беадабликнинг тариқасини сулук қилғон, аниг ишининг саҳиҳлиғи подшоҳлиқнинг ҳурматини саҳл қилди. Зинҳор бу ишни кинаға ҳамл қилмасун. Анча кеттани кетибдур, ўтган ишни унутмоқ лозим. Ва ўтган нафасни иода қилмоқ лозим эмас. Ул Тубра ул нафас бирла андоқ ўтадурки, ҳаргиз аниг ёнмоқлиқи хотириға келмагай деб.

Вақтеки Мир Қамбар борди, бу сўз бирла филжумла тасалли берди. Ҳон улуг лутф ва инъом бирла аммимнинг хатига рақамни андоғ тортики, ҳароснинг мадорининг қаросидин хоннинг кўнглида ҳеч нарса боқий қолмади. Андин аммим бирла андоқ маҳкам бўлдики, то ҳаётлиқнинг охиригача кўзининг мардумакининг тӯфасида тутар эрди. Гүёки аммимнинг ати бирла кўзи бино эрди.

Байт:

Карам кўрсатуб, лутфи Парвардигор,
Килибдур гуноҳ бандалар шармсор.

Карам андоқ сифатедурки, анинг зотининг муруввати бу мушобаҳада бўлурки, қотилеки биродарининг тириклигининг шевасини йўқ қилур. Агар

2396 Ҳазрати Карим ул-Гаффор мағфират дарёсида // фарқи раҳмат қилса ажаб эмас. Инсоф аммим тарафидин улдурки ва ҳар нарса хондин зоҳир бўлса, анингдин зиёдароқ зоҳир бўлур эрди. Аммо хоннинг муҳаббат вафоси андоғ эрдики, ўлукка тирикликни ихтиёр қилур эрдики, бу аҳволнинг шарҳи келур. Бу амрлар таскин топрондин кейин хон хонлиқ маснадида мақом тутти. Ул ҳолда ўзбекнинг Мовароуннаҳога истилоси воқиъ бўлди. Ва Подшоҳ Шоҳ Исмоилга илтижо қилиб, кўмаки Мир Нажмни олиб келди. Ондин Самарқандга юз келтириб эрдики, анинг баёни илгари ўтиб эрди. Вақтеки бу хабар хонга етти, хон ҳам Андижондин азм қилди. Подшоҳ ва Мир Нажм Банди Оҳаниндин ўтгантур, деб пешвоз келди. Ва хон Суюнчик хоннинг тұфасига борди. Ва ул ўзбек улуғи эрди. Суюнчикхон Пискант деган мавзега истиқбол қилиб ул мавзеда икки сабаб бўлиб улур жанг бўлди. Аммо хонга шикаст бўлди. Ул жангда хон шижаатлик кўрсатиб, ул захмлареки хонга етиб эрдики, ул ердин Андижонга келди. Подшоҳ Мир Нажмнинг хабарига мунтазир эрди. Ўзбек ҳам анинг орқасида зиёда таъарруз қиломади. Подшоҳ ва Мир Нажм Самарқандга юз келтуруб эрди, ул жангни қавий билиб, бу жиҳатдин хон Андижонда Подшоҳнинг хабарининг интизорида эрди.

ЮЗ ЎН ЕТТИНЧИ ФАСЛ

МУСАННИФИ КИТОБНИНГ БАР САБИЛИ ИЖМОЛ АҲВОЛИНИНГ ЗИКРИ

Илгари тақрир топиб эрдики, бу камина моҳи ражабда сана тўқкуз юз ўн беш (октябрь — ноябрь 1509) эрди, Мирзохоннинг олдидин Кобулға келди. Подшоҳнинг назарига мушарраф бўлиб, ўз ҳужрасида ўлтурғузуб эрди, зоҳирида биродарзодаларнинг қаторида қилиб эрди, аммо, ботинда оталиқ қўзи бирла

240а қўрар // эрди. Ҳамма бобда меҳро-шафқат бирла навозишлар қилур эрди. Қамоли фароғатда рўзгор ўтказур эрдим. Бу аҳволнинг орасида Подшоҳ Қундузға лашкар йибормакка қасд қилди, андоқки тақрири ўтди. Жадийнинг фасли ниҳояти совуқ эрди. Манга лутф бирла айттики, бу зимистон Кобулда турунг, совуқдин қўрқманг. Аммо мен бу диёрда подшоҳона меҳрибончиликни бирла кўтарурмен деди.

Аммо ман айттим, вақтеки ўзларидин қолсам, ким бирла фурбатликнинг душворлиқини кўтарурмен. Подшоҳ менинг сафаримнинг асбобини тайёр қилиб мени ўзига ҳамроҳ қилиб, Қундузға олиб келди. Вақтеки мўгулнинг орасида отамнинг мулоэзимларидин тўла киши бор эрди. Ҳар киши менинг мулоэзимим бўлса филжумла яроқ ва жамъиятсиз бўлур эрди. Ҳусусан падари ризоим Жон Аҳмад атакаки анинг зикри мундин кейин маэкур бўлур, отамнинг яқин мулоэзимлари бирла менинг мулоэзиматимни лозим тутди ва Атака комил киши эрди. Ҳамма иш анинг қўлидин келур эрди. Яқин замонда жамъият пайдо қилиб, яхши от ва яхши яроқларни қўлиға келтириб, ҳаммани манго сарф қилди. Ул зимистонда Ҷашти Қўлакга лашкар тушган эрди, анинг зикри ўтди ва ман ул лашкарда ҳамроҳ эрдим. Баҳор вақтида лашкардин ёнди-лар. Ҳонға Андижонга рухсат берди. Ҳон мени ўз мулоэзиматига

тарғиб қилди. Манга ҳам зиёда боис бор эрдики, хоннинг муло-зиматига борсам деб Подшоҳдин ижозат тиладим. Подшоҳ ниҳояте ранжида бўлиб, тўла яроқ тутди. Хон Андижонға кетди. Мен Подшоҳнинг мулоzиматига қолиб, Ҳисорнинг лашкарининг орқасидин равон бўлдук. Ва ул лашкарда ва жангда Ҳамза Султон ва ўзбекка шикаст воқеъ бўлди. Ул жангда Жон Аҳмад атака

2406 менинг мулоzимларимға // саркарда бўлиб борди. Ўзбекнинг мўътабарларидин бирини тутиб олиб келди. Анга тўла ваъдаларни зоҳир қилди. Ва айттики, бу Мирзо Ҳайдарнинг ишининг аввалидир. Тафовул бирла Жишон дулдулни анинг оти бирла дафтарға футунглар, деди. Вақтеки Подшоҳ Самарқандни олдилар, мен подшоҳнинг мулоzиматида эрдим. Отамнинг фарзандларининг зикрида ўтиб эрдики, Ҳабиба Султон хоним Убайдуллахонға тушиб эрди. Вақтеки Убайдуллохон Қаршидин қочиб Бухороға бориб, Туркistonға чиқиб кетди, ўз аҳли ҳарамини эҳтиёт қиломади. Ҳар кишики йўлнинг жабдуқини топди, душворлиқ бирла борди, ҳар кишики, тополмади, қолди. Ҳамширам Ҳабиба Султон хоним ҳам қолди. Мен Бухорода уларға қўшулдим. Вақтеки Самарқандга келдим, ул зимистон аммим хоннинг маслаҳати учун Самарқандға келди ва бор нарсаики ўз муҳиммотига муюссар эрди, қилди. Ҳамширамни Андижонға олиб келиб, хонға нисбат қилди. Ул йилда, подшоҳ Кўли Маликнинг жанги бирла Убайдуллахоннинг муқоталаси учун бориб эрди. Манга таб орис бўлиб, Самарқандда қолдим. Вақтеки Подшоҳ шикаст бўлиб экан, Подшоҳнинг мулоzиматида Ҳисорга келдим. Ва хон неча маротаба менинг учун подшоҳнинг қошиға киши йиборди. Охирул амр Подшоҳ ранжида бўлиб, манга ижозат берди. Мен ҳам кичиклигимдин Подшоҳнинг хотирини риоя қиломадим. Вақтеки, Мир Нажм келиб айтти, Подшоҳ лашкар бирла келди. Мен Андижонға юз келтурдум. Подшоҳ бориб Мир Нажмга улашди, бу ҳикоят илгари ўтиб эрди, ва мен Андижонға келдим. Мен етишдин илгари хон Суюнчикхондин шикаст еб Андижонга келиб

241а эрдики, мен еттим. Бу иш мохи ражабнинг аввали, тарихнинг // тўққуз юз ўн саккизинда воқеъ бўлибдур. Бу тарихдин то зулхижжагача тўққуз юз ўн тўққизида хоннинг куни тамом бўлди. Ҳамиша мен аниг мулозиматида эрдим, бу мужмал биланки Кўрагонни мураттаб қилишидин илгари ҳеч вақтда хизматининг ҳузуридин фойиб эмас эрдим. Агар кеча бўлса, ўзи тахти хобгоҳи узра фарорат қиласа, менинг учун бир тарафга фароратнинг бисотини тайёр қиладур эрди ва мажлисларда менинг бирла ўлтурур эрди. Маслаҳатнинг суҳбатида аммимдин зиёда билур эрди ва мени аммимга муқаддам қилур эрди. Борҳо хонға аммим арз қилур эрдики, Мирзо Ҳайдарнинг яқинлиқи Ҳазратлариға ул мартаба биландурки, ҳар нечаки бу менинг биродарзодамдур, аниг тақаддумлуқини ўзимга лойиқ, балки лозим биламан.

Агар суворбоши бўлсан, албатта ҳамжилов бўлурман ва агар шикорбоши бўлсан, шикорни албатта анга нисор қилурман, деб бу амрлар бирла мени тарбият қилур эрди ва ҳаргиз ўзидин жудо қилмас эрди. Навъ-навъ хизматларга буйурур эрди. Аниг фойдаларини баён қилур эрдики то хизматга ёшлар қадам қўймай, пок бўлмас, дер эрди. Ва улуғ маъракаларда ҳалойиқнинг улуғлари хоқон ва салотин ва умаро ва нақиблар жамъ бўлсалар улуғлар ишини кичиклар қилубдур, деб эъроз қилур эрди. Ва уларнинг хизматига ман мустақир бўлмай, буларнинг кўнгли ором топмас эрди. Бу фойдаларки, обид ва олимлар хизматда амал қилмай, ўзгалар хизматига буйурмас ва анга айб билурлар ва аниг тариқини билмаслар. Ман ҳам ота ва онам ва аммимнинг хизматида бўлиб эрдимки, буни

241б дилимда тошдаги нақшга ўхшаш // қилиб эрдим. Хизматларининг тўласига буйурур эрдилар. Аниг фойдаси манга бўлур эрди. Ушбу тариқада то йигирма беш ёшгача хизматини одат қилиб эрдим. Бу вақтларнинг ичida кулли ва жузвий хизматларни ул хужаста сифотга бевосита қилдим. Умаролар

мажлисида ўз ўрнида мартабани риоя қилиб, жой олмоқликни ўргатди. Ва агар фурсатда хизматини топиб анга журъат қиласам, мени манъ қилур эрдики, маъракаларда мартабаларни риоя қилмоқ лозимдур, то халойиқнинг назарига енгил кўринмагай, деб. Вактеки йигирма беш ёшга кирганимда бу хизматлардин мени манҳий қилдилар ва айттики у нарсаедаки хизматни камолига еткурдунг, энди кўнгуулунг нимарсани умид тутадур, ани қилғил деб. Ўттуз ёшда лашкарнинг муҳиммотларини манга топшурди. Аммо маслаҳат бирла халқини ва улуф умароларини менга ҳамроҳ қилди ва айттики, ҳеч бобда бу маслаҳат кўргузгучиларнинг эшикидин тажовуз қилманг. Ҳамма ишларда мўтєвва фармонбардор бўлинг деб. Вактеки нечанд лашкарлар иши воқеъ бўлди. Кенгаш ва ройларда ҳукм қилдики, ул нимарсаеки хотиринга етадур, арз қилғил, то ўттуз ёшгача ҳаргиз хоннинг мажлисида ройи маслаҳатдин забон очмадим. Кенгаш ва маслаҳатларида сукут қилдим. Андин кейин сўз этмоқлиқка ҳукм бўлди. Агар мажлисларда сўз ва рой этсам, айтур эрдики, анинг баёни қайси далил бирла маъқулдур. Ва анинг важхи нимадур, деб. Вактеки айтсам ниҳояти ўбдан айтингиз дер, эрди. Неча муддат мунинг билан ўтди. Яна айтур эрдики, ўз раъйингни филжумла сақламоқ лозим деб. Яна салтанатнинг ишларини ҳам топшурди. Ва мени ҳар ишда мутлақул ион қилди.

242а Ва яқинчилиқни // манғо исбот қилиб, бир ваъзни қўйдики, саломнома бирла мултабас хитоб қилди. Вактеки Кашмир сафаридин ёндим, Тибатда улуғнинг пойбўсиға мушарраф бўлдим. Мени ошкора ва пинҳон ўзга биродарларсиз ҳеч чорламади. Бунинг тафсили бундин кейин хоннинг аҳволининг шарҳида келур. Бундин кейин мен банданинг аҳволининг тақрири тамоми бирла хоннинг аҳволи бирла келур, алоҳида келмас, анинг учунки, хоннинг аҳволида ҳам мени шарҳ қилинур.

ЮЗ ЎН САККИЗИНЧИ ФАСЛ

СУЛТОН САЙДХОН СУЮНЧИКХОНДИН ШИКАСТ ТОПГОНДИН КЕЙИНГИ ВОҚЕАЛАР ЗИКРИ

Вақтеки мен хоннинг мулоэзиматига мушарраф бўлғондин ке́йин Подшоҳ ва Мир Нажмларнинг шикастининг хабари келди. Ул зимиstonда Подшоҳнинг аҳволининг зикрида мўғул мухолифатининг зикри андоғ мазкурдурки, Ҳисорда зимиston қаттиқ совуқ ва қаҳати азим ул вилоятларда бўлди. Ушбу аснода Суюнчикхоннинг хабари еттики, то мунингдин уч ой илгари анингдин шикаст топиб эрди. Баробарчилик қилмоқнинг қуввати қолмаб эрди. Тўла кенгаш қилғондин кейин анга қарор топдики, Андижоннинг қалъасини аммим мустаҳкам қилсан, Ахсининг қалъасини Мир Фурий барлос маҳкам қилсан! Марғиноннинг қалъасини Мир Доим Али забт қилсан. Хон қолғон лашкарлар бирла уйларини қўчириб Андижон вилоятининг шимол тарафидаги тогефа борсун! Ўзбекнинг тогقا келмаклиги хатар бўлур. Хон ўзи ташқари бўлса, қалъаларни муҳосира қилмоқ мушқул бўлур деб, ушбу ишга қарор қилдилар. Вақтеки бу хабарлар Суюнчикхонга етти, ўзининг

2426 келмаклигини маслаҳат қўрмади. Ул зимиston // амният бирла ўтди. Баҳорда Қосимхоннинг хабари келди. Ул ҳолнинг шарҳи улдурки, вақтеки Подшоҳ Мовароуннаҳрони олиб Тошкандни Мир Аҳмад Қосим Кўҳбурга берди ва Сайрамни биродари Каттабекка берди. Вақтеки Подшоҳ Самарқанддин Ҳисора келди, яна ўзбек келиб Тошкандни қабоб тангликка келтирди. Подшоҳ бир кеча ўзини ўзбекнинг лашкарининг гўшасига уриб чиқиб кетди. Ўзбек уларнинг кеттанига улуғ миннатдор бўлиб, орқасидин бормай Тошкандни халос қилишга рози бўлди. Мир Аҳмад Қосимхоннинг олдига Андижонга келди, ондин ўтиб Ҳисора келди. Аммо биродари Каттабек Сайрамга сўланиб ҳеч ерга ке-

тишга йўл топмади. Ушбу зимистонда муҳосара бўлиб қолди. Баҳорнинг аввалида Қосимхонға илтижо қилиб, Сайрамнинг қалъасини Қосимхонға сипориш қилиб рағбат қилди. Қосимхонни Тошканд тұфасига олиб келди. Вақтеки сўз Қосимхонға етти, агар анинг ахволини мужмалан футулмаса сўз мубҳам қолур.

ЮЗ ҮН ТҮҚҚИЗИНЧИ ФАСЛ

ҚАЗОҚ ВА АНИНГ СУЛТОНЛАРИ ХУСУСИЯТИ ВА УЛАРГА БУ ОТНИ ИТЛОҚ ҚИЛМОҚНИНГ САБАБИ ВА УЛАРНИНГ КОРИНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Вақтеки Абулхайрхон Даشت қипчоқнинг тамомисида голиб бўлди, баъзи султонлардин Жўчинажод ва ҳар кишига анингдин фитнанинг ривожи улдур, андишларининг димогифа етса, ани йўқ этмакликни хоҳлар эрди. Султонларнинг жамъидин Гираҳон ва Жонибекхон ва улардин ўзгаси андак эранликнинг моясини Абулхайрхондин топиб Мўгулистон тарафига қочиб келди. Хонликнинг навбати ул замонда Эсан Бугохонға етиб эрди.

ЮЗ ЙИГИРМАНЧИ ФАСЛ

СУОНЧИКХОН ЖАНГИ МУҲОРАБАГА ЮЗ КЕЛТУРГАНДИН КЕЙИН БЎЛГОН ВОҶЕАЛАРНИНГ ВА СУЛТОН САИДХОН ҚОСИМХОННИНГ ОЛИҒА ҚАЗОҚКА БОРГАНИНИНГ ЗИКРИ

Вақтеки тарихқа тўққуз юз үн саккиз (1512—1513) эрди, ўзбек Мовароуннаҳроға ғалаба қилди. Буларнинг қўрқунчилигин (эл) нинг кўнглиға вахшат пайдо

250б бўлди. // Бу қиши ул ҳоила бирла ўтказдилар. Баҳорда мунинг фикрида эрдики, қандоқ қилса бўлур экин деб. Қосимхоннинг хабари пайдо бўлди. Ул келишдин илгари хон бориб Тошкандинг Оҳангарон деган мавзеида чопдилар. Ман бандай соҳиби китоб ул чопғон ерда ҳозир эрдим. Яна саҳар вақти ул халқларнинг тӯфасига чопадурғон халқлар етиб келди. Улар молларини ва аҳду аёлларини жангальда маҳкам қилдилар. Уларнинг бир тарафида чўнг дарё, бир тарафида Иғиз ёр^{*} бор эрди. Яна бу йўлдин бўлак йўл йўқ эрди. Чопадурғон халқларни ўтказиб қўймай, яқин етиб келди. Бу хабар хонга етди. Ман бандани Ҳожа Алиға топшириб, муни сен сақлагил, токи хатарға яқин бормағай деб, ани учунки мен кичик эрдим. Вақтеки етиб келдилар, Хон иккала тарафга баҳодир диловарларни буйруди, айтики, ҳар қайсинглар олдираб ёлиз кирманглар. Ҳамманглар тенг ҳамла қилинглар! Баҳодирлар бир-бирининг жиловида кирмакни хоҳлаб, ушбу ишнинг тартибида эрди, ғофил бўлиб, Хон танҳо кириб кетибдур. Хоннинг мақсуди баҳодирларни ғофил қилиб, илгари кириб молғаниматни ўзи олмоқда эрди. Уч киши буқулиб туриб эрди, уччалиси Хонга ўқ отди. Хон давлати қоҳираси бирла уч хато бўлди, ўқ тегмади. Хон зийрак душманнинг нишонасини бу уч кишидин зоҳир қилди. Булар жон ваҳмидин қочиб, Хоннинг отининг аёғифа кирди. Онгача хоннинг баҳодирларидин Абдулвоҳид баҳодир етиб келиб, шамшир бирла андоқ урдики, бу уч кишидин бирининг боши танидин жудо бўлди. Қолғон

251а шамширдорлар баробар орқа келиб қолғонларини ҳалок қилди. // Вақтеки бу маъракада марданалик сафида ҳеч ким Хонга ўхшаш иш қилмади. Ҳаммалар ҳамду санога тил очиб таҳсину офаринлар ўқиди. Хон бу лашкардин сиҳат-саломат ёнди. Ондин пайдар-пай хабар еттики, Қосимхон Тошкандга Суюнчикхоннинг тӯфасига келибдур деб. Филҳол Тошкандга келдилар. Кандирлик давонига еттики, Фарғона ва Тошкандинг аро-

* Иғиз ёр — баланд жар.

лиқидадур, ондин Қосимхоннинг ёнғон хабари келди. Ёниб Оқсуга келдилар. Шаҳарнинг қалъасини маҳкам қилиб, ондин қазоққа юзландилар. Шоядки дуввум бора Тошканднинг тұфасига қазоқ келмагай деб. Мен банда ул сафарда мизожим тағийр бўлиб бирла бормай, Жавод деган Мұғулистоннинг машхур мавзеидур, ул ерга бордим. Хон кетди ва Қосимхоннинг ёши олтмищдин үтиб эрди, Хоннинг ёши жувонлиқ авжика эрдики, ҳануз бир ерга тұхтамағон эрди, Қосимхон қаримиқдин озор етиб, үзи истиқбол қилолмай подшоҳзодаларини буйрудиким, Хонишхон, Субишхон ва Мамошхон ва Ҳайдар султон ва Қарши султон қаторлиқ ўшлардин үттуз-қирқ подшоҳларни буйруди то хонға таъзим бажо келтургайлар. Бу жумладин Хонишхон ва Субишхон булаңнинг ёши чүнгроқ эрди, Хон ура қўпти*. Колған ҳаммалари ёш эрди, хон қўтмай үлтуруб кўришди. Қосимхон андоқ пеш келдики, мунинг қилғонини Хон асло унутмади. Хон буйрудики, Қосимхон бағоят мард одамий экан, деб, аниңг ошнолиқини ва қайфиятини баён қилиб эрди, Хонға мулоқот

2516 бўлғондин // мутаважжиҳ бўлиб айтур эрдиким, бизлар мардуми саҳроидурмиз, ўбдан матоъ, ўбдан нарсалар бизларда йўқ. Бизни ўбдан матоимиз от ва ейдурғон нарсамиз гўшт, ичадурғон сут-қатиқдур. Боғу иморатларимиз йўқ. Икки ўбдан отим борки, ҳамма амволимча қўрамен, деб, икки отини тутди. Хон икки отининг бирини олиб, бирини ўзига ёндуреди. Бу отга Ўғлон Гуруқ от қўйди. Воқеъ бу қаторлиқ отни ҳеч киши қўрмаган бўлғай. Бир косада қимиз араки олиб келиб, Хонға тутди. Хон озроқ ичиб, ондин маст бўлардурғон нарса деб, ичмади. Мундин илгариму Хон кайфкунандани ичмас эрди. Бу аҳдини тарқ қилиб, бу қимиэни ичмакига боис ул эрдики, Қосимхон бизнинг ичадурғон нарсамизнинг ўбдени ушбу отнинг сутидур, агар бу менинг илтимосимни қабул қилмасалар яна меҳмондорлик қилмоққа мен ожиздурмен. На иш қилсан сизнинг хизматингизнинг уҳдасидин чиқғайменки йиллар үтиб сиздек меҳмони азиз менингдек фаттохининг ўйига келгай,

* Қўпти — тикка турди.

деб бошини тубан солиб малолатнинг асари зоҳир бўлди. Ҳон мазҳабни кенг тутиб, Қосимхоннинг хотири учун арак-қимиэни ичдилар. Қосимхон тўла хуш бўлиб сухбати барқарор бўлди. То йигирма кунгача ушбу тариқалиқ машрабга машғул бўлдилар. Ёзниг охир вақти эрди, ҳон қазоқ қишлоқлариға бордилар. Қосимхон айттики, бу замонда Шайбонға бормоқнинг ишколи бор. Саҳро ҳалқи бу замонда қишининг фикрини қилмаса бўлмайдур. Бу замонда лашкар тортиб бормоқнинг сурати йўқ деб

252а мулоимлиқ бирла ҳоннинг ёнишиға рухсат берди. // Ҳон анингдин яхши ризолиқ бирла ёниб Андижонға тушуб, қишини анда ўтказди. Ушбу боргоҳи олиянинг бири бу воқеани очди «Қазоқ» деб тарих футуди.

ЮЗ ЙИГИРМА БИРИНЧИ ФАСЛ

МАВЛОНО МУҲАММАД ҚОЗИ АЛАЙҲИР

РАҲМАТА ВА-Л-МАФФИРАНИНГ

**КАРОМАТЛАРИНИНГ ЗИКРИ ВА АНЧАКИ ВОҚЕА
БУ ҲИКОЯТТА ТААЛЛУҚДУР, АНИНГ БАЁНИ**

Ҳазрати Мавлоно Муҳаммад Қози алайҳи раҳмата ва-л-ризвон Шоҳ Исмоил Шоҳибекхонга ғолиб бўлонда подшоҳ анинг лашкари бирла Самарқандға келиб ва Самарқанддин Андижонға келганда буларнинг аҳволи зикрида ўтиб эрди. Ушбу мазкур замонда Мавлоно Фарғона шаҳрида эрдилар ва подшоҳлардин ҳар киши ҳазрати Эшоннинг хизматларига борур эрди, буларнинг сухбатидин истифода олур эрдилар. Бу банда аладдавом Ҳазрати Эшоннинг сухбатини ўзимга лозим тутар эрдим. Буларму раҳм-шафқат назари бирла манга боқар эрди. Бовужуди кичиклик ҳолатимда уларнинг олдида тавба қилиб эрдим. Бухорода бир балоға гирифтор бўлиб, мени Бухоро ҳокими қошиға олиб борди. Бу воқеанинг ҳақиқатини Бухоро ҳокимиға англатиб, Ҳазрати Эшоннинг

баракотларидин ул балодин халос булиб эрдим. Ҳазрати Эшоннинг кароматлари тұла эрди. Ул жумладин бири менинг отамнинг хизматида турғон Күкалдош отлиқ бир киши Ҳазрати Мавлоонинг муридлари эрди, бир куни Ҳазрати Мавлоононинг хизматлариға бориб эрди. Ҳазрати Мавлоно аниң башарасыда ғамғиңлик нишонасини құрди, ва сұрдикі, нима ғамғиң бұлдинг? Ул арз қылдикі, фалон кишики, аниң мақсуди ман эрдим. Ҳисордан келибдур, мұддаоси ушбуки, Хон хоҳарзодасини құрагонга

252б никоҳ // қилиб берса, ҳоло ҳамма подшоҳлар анга иттифоқ қилибдурлар, анга бермайдурлар. Хон подшоҳларнинг иттифоқларидин чиқмоқлиги мушкулдур. Бу жиҳатдин ғамғиндурман, деди. Ҳазрати Мавлоно Мұхаммад Қози буйрудиларки, мунингдин илгари бұлғон никоҳларни Ҳақ субҳонаху ва таоло тақдир қилибдур. Подшоҳларнинг қушиши ҳеч нағы қымайдур. Албатта бу никоҳ иши бұлур дедилар. Бу сұзни Мавлонодин әшитиб келиб манга айтти ва хабари хуш еткүзді. Ушбу күнларда Хон қазоққа кетиб эрди неча кундин кейин келди. Үмаролар маслаҳатига Ҳазрати Эшон ишорат қилиб әрдилар. Ражаб ойида тарих түккүз юз ыйиғрма түккүзида құрагонлик мартабасини менинг отимға тартиб бердилар.

ЮЗ ЙИГИРМА ИККИНЧИ ФАСЛ

БАЪЗИ АҲВОЛНИНГ ХОСИЯТЛАРИКИ БУ ҲИКОЯТЛАРНИНГ ЗИЙНАТИҒА ТААЛЛУҚ БҰЛҒАЙ, АНИҢ ЗИКРИ

Китобнинг аввалида Султон Аҳмадхоннинг ўғлонларининг зикрида тақоир қилиниб әрдікі, Хоннинг түрт қыздары бор әрди. Учунчи қызини Султон Маҳмудхон вафот топғондин кейин сақлаб әрди, оти Мухиб Султонхоним әрди. Андин кейин Султон Маҳмудхон Ахсиға келиб Шоҳибекхоннинг ҳукми бирла шарбати шаҳодат ичиб әрди. Бу Мухиб Султонхоним Қутлуқ хоним-

нинг олдида қолиб эрдики, Султон Махмудхоннинг ҳарамлари эрди, Тошканд бузулғонда Жонибек султонға беріб әрдиларки, мунинг шархи мазкур бўлди. Ондин кейин амаким муҳолифат қилиб Жонибек султонни Фарғона вилоятидин чиқориб итти.

253а Бу Муҳиб султонхоним Қутлуқ хонимдинки амакзодаси эрди, // айрилиб қолиб яна Хон Андижонға келганда қўшилиб эрди. Хоннинг мунга тўрт ҳамширасидин зиёда муҳаббати бор эрди. Хон ани манға нисбат қилиб берди. Бу қиши Аҳсининг тоғидин Ҳавон деган мавзеда ўлтиридилар. Қишининг ўтросида Аҳсининг ҳокими МирҒўрий барлос ўз ажалида ўлди. Хон Аҳсига келиб анда турдилар. Вақтеки баҳор бўлди, мўғуллар Мир Айюб бирла Ҳисорда эрди, Убайдуллахоннинг шикаст еганиники зикр қилинди, Хон Аҳсини Мир Аюб Бекчикка берди. Мунинг орасида ўзбекнинг келганининг хабари келди. Ўзбекнинг келмаклигининг сабаби улдурки, ўтган йил Қосимхон баҳор вақтида хабар олиб туриб эрди, ангача зимистон бўлди ҳам, Шоҳ Исмоилдин қўрқинчиси бор эрди. Вақтеки Аму дарёсининг сўйи оз қолса, Мир Нажмнинг интиқоми учун бу тарафга келгай. Бу сабабдин бир йил Шайбонга бормоқдин тўхтаб эрди. Вақтеки Шоҳ Исмоил ушбу кунларда Ироқга борди. Бобур подшоҳ Кобулға борди. Қосимхон ҳам ўз жойига ёнди. Ўзбек Шайбоннинг Андижоннинг ва хоннинг муҳимидин ўзга ҳеч иши қолмади. Вақтеки ул баҳорда ўзбек жамияти бирла Андижонға юз келтурди, Хон Фарғона вилоятини қўйиб чиқиб кетди. Анинг шархи мазкур бўлур.

ЮЗ ЙИГИРМА УЧИНЧИ ФАСЛ

ШОҲ ИСМОИЛНИНГ КОРИ ТАМОМИФА
ЕТГАНИНИНГ ЗИКРИ

Вақтеки Шоҳ Исмоил Ироқдин келди, Марвда Шоҳибекхонни ўлтириди. Шоҳибекхоннинг қўрқинчисидин атрофнинг под-

шоҳларининг кўнглида кушойиш қарор топди. Бу сиёсат бирла озроқ лашкар бирла Подшоҳ Бобур Ҳамза Султон бирла жанг қилиб, ул ҳам фатҳ бўлди.

2536 Сиёсати илгарикидин зиёдароқ бўлди. Бухоро ва Самарқандни // халос қилди, анинг шарҳи мазкурдур. Бобур подшоҳ яна бир навбат Самарқанддин Ҳисорга келди. Шоҳ Исмоил Мир Нажмни олтмиш минг киши бирла йиборди. Бобур подшоҳ Фиждувонда шикаст топди. То бир ойгача асбоб ва яроқсиз эрди. Аммо ҳамма киши анингдин қўрқар эдики, Мир Нажмнинг интиқоми учун Мовароуннаҳора келур деб. Шул йили ўзбек ушбу ишнинг тафаккурида бўлиб ҳеч ерга бормаб эрди. Бу кунларда Шоҳ Исмоил Ироқда эрди. Румнинг подшоҳи Султон Салим Шоҳ Исмоилнинг тепасига неча лак лашкар бирла етиб келди. Шоҳ Исмоил ўттуз минг киши бирла эрди, рўбару бўлиб қаттиқ жанг қилди. Охир Шоҳ Исмоил олти киши бирла қочиб, машаққат бирла халос топди. Қолғон ҳамма лашкар Рум халқининг қўлида нобуд бўлди. Султон Салим мундин зиёда ишға боқмай, Румға ёниб кетди. Ва Шоҳ Исмоил шикаст топиб Ироқда қолди. Фот яқинда ҳамроҳлари Фиръавн ва Намрудларга лоҳиқ бўлди. Анинг ўрнида ўғли Шоҳ Тахмосп подшоҳ бўлди. Ул ҳам неча маротаба Румдин шикаст топиб, охир Румнинг лашкари исломийига навкар бўлди. Мунинг буюзи Рум халқидин қўрқуб, дигар бора ўз мазҳабини муболага қилолмади. Тинч турди.

Байт:

Пиркидур уларнинг лашкари, Рум аскари аъсор,
Ва ё ҳасдур вужудин қўймайин ғарқ айламиш абгор.

[Тахмосп] то бизнинг вақтимизғача отасининг ўрнида Ироқда подшоҳ эрди.

ЮЗ ЙИГИРМА ТҮРТИНЧИ ФАСЛ

**МОВАРОУННАҲРДА ШАЙБОННИНГ ПОДШОҲ
БЎЛГОНИ, ОНДИН КЕЙИН БУ КУНЛАРГАЧА
БИР-БИРЛАРИ БИРЛА САЛТАНАТ
ИШЛАРИНИ ҚИЛМОҚЛАРИНИНГ ЗИКРИ**

254а

Вақтеки ўзбек Шайбоннинг // подшоҳлари Мир Нажмни ултиридилар ва туркман ва Бобур подшоҳларға зафар тобтилар, бу воқеа зимиштоннинг аввали тарихга тўқкуз юз йигирма саккиз эрди. Ушбу йилнинг баҳорида ўзбек Шайбон Шоҳ Исмоилнинг интиқомидин ва ҳам Қосимхонинг ғалабасидин зиёда атрофдаги шаҳарларга бормаб эрди. Вақтеки Шоҳ Исмоил Ироққа борди Қосимхон ўз мамлакатини забт қилмоқ учун Ибир Субир тарафига кетди. Бу икки ғаними пурэўр заҳмат берадуғонлар Шайбоннинг атрофидин йироққа кетиб эрди, ўзбек Шайбонға фароғи хотир ҳосил бўлди. Андин ўзбек Шайбон Андижонға юз келтурди. Ҳон тааммул қилиб эҳтиёт қилдики, ўзбек бирла Андижон тўғасида жанг қилмоқ малолиқ ва халалдин ўзга эмас. Ул кишилареки баробар туруб урушғоли қуввати бор эрди, Шайбоннинг атрофидин кўчиб кетиб эрди. Филжумла Бобур подшоҳнинг ўзбек бирла муориза қилғали қуввати бор эрди. Ул ҳам ноумидлиқ бирла Кобулға ёниб кетиб эрди. Ҳон ҳам вақтни ғанимат санаб, улар яқин келишидик илгари чиқмоқ лозим деб, Мўғулистон йўли бирла Кошқарға кетиб қолди. Ўзбеклар келиб илгарики подшоҳларни русуми бирла, подшоҳларнинг ёши чўнги Кучум сultonон эрди, Фарғонани Мовароуннаҳрға қўшиб, хонлиқ мұхиммини Кучум сultonға қарор қилди. Ондин Қоонғаки ани Суюнчик сulton дер эрди, ул ўлтурди. Ондин кейин Жонибек сulton бўлди. Суюнчик сultonнинг орқасидин ул ҳам кетди.

254б Ондин Кучумнинг ўғли Абу Саидға қарор тобди. // Вақтеки ул ҳам хонлиқнинг тахтини холи қилди. Убайдуллохон келиб аниг ўрнида ўлтурди. Агарчи тарихдин түккүз юз ўн бир (1505—1506) эрди то зикр қилғон хонларнинг охири вақтиғача Шайбон ҳам муҳим кор-борини ул Убайдуллохон тузатиб юрур эрди. Убайдуллохон хонлик ишини қабул қилса, ҳаммалар инсоф қилур эрдики, ҳеч ким аниг бирла мұьориза ва мужодала қилмас эрди. Аммо ул Убайдуллохон қадимги русумни риоя қилиб, қайсинг ёши чүнг бўлса, хонлик ишини анга топширур эрди. То Абу Саид хонғача ондин анигдин ёши чүнгроқ киши қолмади. Хон тахтига ўлтироди. Адлу әхсон насими бирла оламнинг димогини муаттар қилди. То тарихқа түккүз юз қирқ олтиғача (1539—1540) андин фоний оламдин боқий оламға риҳлат қилди, анораллоҳу бурҳонаҳу. Фақирнинг заъму гумоним ушбудурки, ушбу юз йилнинг муддатида оламнинг ҳамма шаҳарларидағи подшоҳлар ўтибдурлар, ул подшоҳларни әшитилиб ва қўрилибдурки анга ўхшаш подшоҳ әшитилиб ва қўрилмаб эрди. Убайдуллохон подшоҳ эрдики соҳибиёнат ва парҳезкор, ҳамма — дин, миллат, мулк, давлат, сипоҳ ва раийатлар ишини шарънинг андозаси бирла файсал берур эрди, бир тори мўйча шарънинг ташидаги ризо бўлмас эрди. Шижаот майдонида ҳунар пеша, шери шикор эрди. Нихояти сахий, навъ-навъ фазллар бирла ораста эрди. Ўз қўли бирла неча қаломуллоҳ футуб, ҳарамайни шарифайн зода ҳумоллоҳу таъзиман ва ташрифандаги йибориб эрди. Етти қисм бирла хат футур эрди. Шеър ва девонлари арабий ва форсий ва туркӣйдин

255а айтибдурлар ҳоло бордур. Илми мусиқа илмиға қўшиш айлар эрди. // Ал-ғараз подшоҳ эрдики, жамиъ сифатларда баркамол эрди. Аниг тириклиқ вақтида Бухородаги фузало ва булаголар, халойиқ ва алойиқларнинг ҳаммаси Ҳиротдин Мирзо Султон Ҳусайннинг замонидин ёд берур эрди. Ва ҳар нечаки Бобур подшоҳ ва хонлареки Убайдуллохондин илгари

оламдин ўтибдурлар, Убайдуллохоннинг ишининг хатм бўлмоқлиқининг зикрини улардин кейин қилмоқлиқ лозим эрди. Аммо подшоҳлар воқеалари ва хонлар ҳикояларини шарҳ қилмоқлик бирла сўз узоқка тортди. Ул ўзга ҳикоялар бирла ўзбекнинг ҳикоясининг дахли йўқдур. Агарчандеки Убайдуллохоннинг аҳволининг мужмали ўз маҳалиға мавқуф бўлсаму ўз мавриди ва жойида келтурулмаса ҳикоянинг асли равshan бўлмайдур. Бинони шумфа қўйуб ўзбек Шайбоннинг аҳволини ижмол тариқаси бирла футулинди. Бу мусаввада, Ўзбек ҳикоясиға ружуъ қилинмайдур.

ЮЗ ЙИГИРМА БЕШИНЧИ ФАСЛ

СУЛТОН САЙДХОН ВИЛОЯТИ ФАРГОНАДИН ЧИҚИБ КОШҚАРФА ЮЗ КЕЛТУРМАКИНИНГ САБАБИНИНГ ЗИКРИ

Марихға түқкуз юз йигирмада ўзбек Шайбон Тошкандда эрдики, уларнинг сардори Суюнчикхон эрди, Андижон тарафиға юз келтурди. Вақтеки хонға етиб эрди, тамоми амирлар ва аҳли машваратлар жамъ бўлиб фикри тааммул бирлан йироқни кўзлайдурғон хаёл бирла кенгашни тўхтатдилар. Менинг амаким арз қилдики, атрофнинг подшоҳлари шакнинг хасу тупроғини номус саҳнисидин супурмабдур, лекин ўз ишига муқайяд бўлибдурлар. Бизнинг баробарлигимиз қуввати шайбонийларнинг тўлалиқи бирла вафо қилмайдур ва жангнинг асбоби

2556 // уларнинг ададига ҳам кифоя қилмайдур. Агар биз уларнинг жамиятига муқотала айламак бирла муқобала бўлсак, давлатхоҳлиқ важҳи даст берса, ниҳояти ўбдан ва агар наузу биллоҳ ишимиз бар акс воқеъ бўлса қазову қувватнинг ҳаммаси соқит бўлур, ул қунларнинг интиқомини ёндурууб олғали бўлмас. Ўтган иш ҳеч важҳ бирла ўз ўрниға келмас, деди. Бовужуди

Фарғона вилояти Чигатойнинг юрти қадимий ва мақоми аслиси эрди Шайбон зўрлуқ ва диловарлик бирла улардин тортиб олди. Вақтеки рӯзгорнинг подшоҳлари, хусусан Чигатой подшоҳлари муҳофазатнинг қулини иҳтиrozнинг енгига тиқиб мунозаатнинг футини хилват этагига тортидилар ва Мўғалистон тарафига аэм қилдилар. Ва яна мулоҳаза қилдиларки, Мирзо Абобакрнинг нусрати марқаблари захм устида бўлғайки бундин илгари Тутлуқда жангга саф боғлаб, шикаст еб эрди. Агар анинг вилоятига борилса, Мирзо Абобакрға мардоналик жон-жигари қолмас, шоядки бир маротаба саф тузар ва анинг масоф қўрсатгани ўзбек масофлари олдида саҳл ва осондур. Анинг бирла жанг қилмоқда зарари озу нафълари тўладур. Ва яна бир маслаҳат ушбуки, Умар Мирзонинг ёши олтмишдин ўтгандур. Ани подшоҳлиқининг муддати эллик йилга ёвуқдур. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло анинг зулмининг қаттиқлигини қирқ йилға тортибдур. Анинг вақти бўлғон бўлғайки анинг қоронғу кунларини муфлислиқ кечасиға еткургай. Ва яна бири улки ўзининг умароларини қўзғаб, уларнинг ўринлариға ароziл ун-нослардин ўлтироғузибдур ва қўзғагон умароларидин қўрқиб, жони омонда эмасдурки, ҳар зўр ва қувват

256а бўлса ани Кошқарнинг // эшикларини очмоғлиққа сарф этгаймиз. Шоядки, Ҳазрати муфаттиҳ ал-абвоб фатҳнинг эшигини давлатнинг рӯзгорига оброў ва нусрат бирла очғай, беминнатиҳи ва қарамиҳи. Бовужудий ман Мирзо Абобакрға мушорик биродар эрдим. Вақтеки хон бирла борсам, эҳтимоли борки, манга юз келтургай, бу иш улуғ ишдур. Ҳар чандки Мирзо Абобакрға менинг биродарчилигим бордур. Андоқки айтибурлар, назм:

Бўлса ғофил ақрабо Ҳақ наздида бегонадур,
Кимки огоҳ бўлса турғон, балки ул жононадур.

Фақир ҳамма бобда сизнинг давлат эшикингиэга ҳалқанинг пайвандлиқини урармен ва ҳар кишики сизнинг эшикингиэга келмабдур. Агар ҳаммаси менинг биродарим бўлсаму, даргоҳи саодатпаноҳингизга анинг бошини тубан қилмоқни хоҳлармен. Ва

давлатхоҳлиқ бобида биродарлик тарафини мутлақ назаримға келтирмағаймен, балки сизнинг муҳимларингизни саботи давлат биладурманким, агар бу зикр қилғон сўзлар раъйнгизға мувофиқ бўлса, давлатнинг зиёдалиқиға муносиб кўринадур, деб аммим бу муколамани Хоннинг самъиға етқуэди. Бу ҳамма сўзларни ризо қулоқи бирла англаб, таҳсину офаринлар қилиб айттики, энди менинг раъйим Сайд Мұҳаммад мирзонинг раъйидур, агар ҳар кимға бу бобда сўзи бўлса арз этгайлар, деди. Ҳамма умаролар иттифоқ қилиб, бу раъйнинг ростлиқи ва ўбданлиқиға муболага қилдилар. Вақтеки ҳаммаларининг раъий ушбу ишга иттифоқ бўлди. Алқисса Хон чиқиб Мўғалистон йўли бирла Кошқарга юзландилар. Бу хабар Мирзо Абобакроға етти. Мирзо Абобакрнинг ажойиб ишларидин бири улки, мусаннифи китоб мен ўзим кўргандурмен, унинг ростлиқида ҳеч шакқу ва шубҳа йўқдур. Мирзо Абобакр Кошқарнинг қалъасини неча муддат илгари вайрон

2566 қилғон эрди. Ва Кошқарнинг // кент диёрларини макр бирла вайрон қилиб, ҳалқарини уйларидин кўчуриб Ёркандга бўлуб юборған эрди. Баъзи ерларини зироат қилғон эрди. Вақтеки Хоннинг юз келтурони таҳқиқ бўлди. Тиманинг лабида Кошқарнинг илгариғи қалъасидин баландроқ қалъа бино қилди. Фақир ул қалъани неча маротаба масоҳат назарига келтурдим. Тахминан эллик жариб бўлғай, қалъанинг иқиэлири матоҳ газида йигирма газ, буржларининг чўраси зиёда баланд улуғ эрди. Ҳар зилида ўттуз жувохонадин тўлароқ ё камрак бўлғон бўлғай. Ва сафилининг устида тўла ерларида тўрт отлиқ юргали бўлғай. Шундоқ маҳкам қалъани етти кунда тамомига етқуэди. Бу иш Мирзо Абобакрнинг робит ва зобитасининг ажойибларидиндурки муболагаси илгари зикр топди. Бу ҳикоят гувоҳи одилдур. Вақтеки сўз бу ерга етти агар Кошқар мамлакатларининг вазълари таркида зиёда кўшиш бирла шуруъ қилмаса, бу тақрирларни мутолаа қилғучиларнинг дилиға шубҳае юзланурки, воқеаларнинг хусусияти хотирлариға ўбдан ўлтирумасдур.

ЮЗ ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ ФАСЛ

КОШҚАРНИНГ ВАЗЪЛАРИНИНГ ГУФТОРИ

Кошқар қадим ва машҳур шаҳарларнинг жумласидиндуру. Қадим ул-айёмда Кошқар подшоҳлари Афросиёб туркнинг наслидиндуруки, бу Афросиёбни мӯғуллар Буқохон, дер эдилар. Ва Афросиёбнинг насаби ушбуудурки, Афросиёб Пишангнинг ўғли, улар Дод Нишиннинг ўғли, улар Турнинг ўғли, улар Афридуннинг ўғли ва бу ривоят тарихларда маэкурдурки, «Мажмаут тавориҳ»дин Ҳожа Рашидуддин Фазлуллоҳ нақл қилур ва яна баъзи тавориҳларда мундин илгарироқ ҳам айтибдурлар, ал-илму биллоҳи. Кошқарнинг подшоҳларидин Сатуқ

257а //Буғрохон кичикликларида исломнинг шарафига мушарраф бўлиб эрдилар. Ондин подшоҳ бўлиб тамоми Кошқарни исломга келтурдилар. Ондин кейин нечанд курсийлик Кошқар подшоҳлари балки Мовароуннаҳр подшоҳлари уларнинг наслидин қолдилар. То Чингизхоннинг муставли бўлғонидин илгари Тоймонхоннинг ўғли Кушлук Чингизхондин қочиб келиб Кошқарни Гўрхон Қорахитойнинг гумашталаридин олди. Гўрхон Қорахитой Афросиёбнинг насли ва авлодидин олиб эрди. Ул вақтда ул авлодлар жумласидин Султон Усмон Самарқандга ва Мовароуннаҳр шаҳарларининг тўлароқиға подшоҳ эрди. Ул воқеаларки аниг орасида Хоразмшоҳнинг орасида воқеъ бўлибдур, ҳаммаси тарихларда шарҳ бирла мастурдур. Кушлукнинг фитнаси, мӯғулларнинг Кошқарға ғолиб бўлмоқлигини, бу жумлани «Тарихи жаҳонкушой»дин нақл қилинибдур.

ЮЗ ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ ФАСЛ

«ТАРИХИ ЖАҲОНҚУШОЙ»ДИН НАҚЛДУРКИ

Вақтеки Чингизхон машриқ диёrlариға ғолиб бўлди, Тоймонхоннинг ўғли Кушлук қочиб Бешбалиқнинг йўли бирла юриб Гўрхоннинг вилояти тарафиға келди ва тоғларда барг ва навосиз саргашта бўлиб юрди. Нечанд қавмлар ҳамроҳ бўлишиб келиб эрди, пароканда ва тафриқа бўлди. Ва баъзилар айтурларки, бир жамъ Гўрхоннинг лашкарларидин тутуб Гўрхоннинг олдига олиб келди. Яна бир ривоятда улар ўзлари борди.

Ҳар жумлада бир неча муддат Гўрхоннинг хизматида тўхтаб турди. Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ Гўрхон бирла муҳораба ва мужодала оғоз қилди ва ўзга умаролари машриқ тарафида эрди, саркашлиқ қилиб Чингизхоннинг ҳимоятида паноҳ истадилар.

2576 Гўрхоннинг шарридин // Чингизхоннинг инояти бирла омон топди. Кушлук Гўрхонға айттики, менинг ҳалқларим ва қавмларим тўладур, Эмил ва Қаёқ ва Бешбалиқ тарафларида парокандадурлар, ҳар киши уларға тааруз етқуур әҳтимоли бор. Агар ижозат бўлса мен уларни жамъ қилсан, ул ҳалқларимнинг мадади бирла ёримандликни изҳор этсан, сизнинг доирангиздин ташқари иш қилмасам, токи мумкин бўлса анчаки буйурсангиз гарданимни ҳаргиз уйрумасам, деб ушбу иш ва фириб бирла Гўрхонни қудуқка ташлади. Ондин кейин нечанд тухфаларни олиб келдики то Кушлукхонлиқ лақабини анга бергай. Вақтеки хонлиқ лақабини анга берди, ўқға ўҳшашиб ёдин қаттиқ сақради, аммо Кушлукнинг хуруж қилғонининг овозаси ошкора бўлди. Кушлук Эмил ва Қаёқ тарафига етди. Карабатнинг амири Тўқтой Чингизхоннинг дабдабасидин илгари қочғон эрди, анга улонди ва анинг ҳалқлари ҳар ердаки

бор эрди, чұрасига йиғилди. Оңдин ҳар ерларни чопиб ва булаң ғорат қилди. Ушбу қисм ишларни қилиб равон бўлди. Вақтеки Мұхаммад Ҳоразмшоҳнинг ғолиб бўлғонини эшитди, элчилар йибордини. Мұхаммад Ҳоразмшоҳнинг олдига келиб сўзларни баён қилди, токи мағриб тарафидин Султон Мұхаммад Гўрхонға юз келтургай, Кушлук машриқ тарафидин юз келтурууб, икковлан бўлиб орадин Гўрхонни кўтартгайлар. Агар Султон Мұхаммад Ҳоразмшоҳ қаҳри ва сиёсатини илгари ишлатса аниңг мамлакатидин то Олмалиқ Кошқар ва Ҳұтан Мұхаммад Ҳоразмшоҳка мусаллам бўлғай ва агар Кушлук илгарироқ юз келтурууб ғолиб бўлса, Қорахитойни ародан кўтариб, то Фанокатғача

258а Кушлукға бўлғай. Ушбу ишга ҳаммалари қарор қилишдилар. // Ва маслаҳатни ушбу ерга тўхтатди. Фанокатдин мурод шаҳри Қубодир, ушбу қарор бирлан иккала тарафдин Қорахитойга лашқар юритди.

Кушлук илгари даст тобди. Гўрхоннинг лашқаридин шикаст еди. Ўзганндан хазиналарини тарож-тарож қилди. Ул ердин Балософунға келиб, яна Гўрхон бирла Жинужда саф тузиб жангга машғул бўлди. Кушлук шикаст еди, тўлароқ ҳалқини тутиб олди. Кушлук ёниб келиб яна лашқар жамъ қилди. Ул вақтда эшиттики, Гўрхон Мұхаммад Ҳоразмшоҳнинг жангидин ёниб тушибдур, раоё ва вилоятларға қасд қилиб юргудек, деб. Вақтеки Кушлук яна лашқарини ўз мақомида турғузуб булатдин қор ёғқондек аниң қасдида юриб йўлини тўсуб, забту қайдға киргуэуб, лашқар ва мулкларини мусаххар қилди. Бир қизини улардин хостторлиқ қилди. Найман қабиласининг тўлароқи тарсо эрди, Кушлук қизни ўз қучогига торти. Ул ҳам бутпараст бўлди. Ва тарсолиқдин интиқол қилди.

Байт:

Ишқ ўтиға куйған ул иззат топар
Бутпарастлар дўзаху лаънат топар.

Вақтеки Кушлук футини Қорахитой мамлакатлариға маҳкам қилди, неча навбат муҳораба ва мужодаға қилди, оқибат ани ши-

корга чиққон ерда тутуб ҳалок қилди. Кошқар ва Ҳўтанинг улуғлари ҳам ёғий бўлған эрди. Кошқар хони ўғлини зинданға солған эрди. Ани банддин чиқариб яна Кошқарға йиборди. Яна зироат оладурғон фаслда лашкар йиборди, токи егай ва куйдургай. Вақтеки уч-тўрт ойнинг ичида ошлиқлар булардин мунқатеъ бўлди, гулгулайи азимлар пайдо бўлди.

2586 Аҳли аёл, // ҳалқ ва ҳалойиқлар қаҳат балосидин ожизу саросима бўлдилар.

Гўрхоннинг ҳукмига бўйунсундилар. Ҳар кишики уйланган бўлса, лашкарлари ул уй эгаси бирла ҳамхона бўлиб ўлтириди. Жавру ситам, зулм, фасодлар тўла бўлди. Ҳар нимарсанники ул бутпарастлар ҳоҳиш қилди, булар ҳам қилди ва ҳеч кишига мажоли қудрат йўқки маънъ қилолғай, ондин бориб Ҳўтанин олди. Ондин кейин бу вилоятларнинг ҳалқини дини Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламдин ёндуруб икки ишға мухаййар қилди. Ё мазҳаби насроний, ё бутпарастлик, ё хитойча либос киймакни жорий қилибдур. «Фаман изаурра ғайра боғин вало ъодин фа инналлоҳа ғафурур раҳим» алоя, мұмминлардин имони ислом ва аizon мунқатеъ бўлди. Ва масжид ва мадрасалар эшики боғланиб, вайрон бўлди. Бир куни Ҳўтанда охунд ва имомларни бир саҳроега олиб чиқиб баҳсу мунозарага овоз айлади. Уларнинг орасидин Имом Алоуддин Муҳаммад ал-Ҳўтаний анинг бирла савол ва жавоб адо қилдилар. Савол-жавобни адо қилрондин кейин имомни мадрасанинг эшикига осди. Имомнинг зикри бу гуфтордин кейин таҳдири бўлғусидир. Мусулмончилик иши билкуллийа равнақсиз қолдики баяқбора маҳв бўлди. Зулм ва фасод ҳаддиға еттанидин кейин булар дуо ва талаб бирла осмон тарафига қўл кўтардилар. Гўёки дуонинг ўқи ижобат ва қабул нишонасига тегди. Вақтеки мамлакатлар қасдида Султон Чингизхон ҳаракат қилди, Кушлук Кошқарда эрди, ҳануз Чингизхоннинг йиборган лашкари саф тузмаб эрдики Кушлук қочди. Ва ҳар қавмики мўғуллардин бир-бирининг орқасидин етдилар, аммо Чингизхоннинг лашкари Кушлукдин ўзга нарсани талаб қилмади. Аizon ва такбир ва намозга ижозатлар бердилар. Шаҳарда мунодий қилдурдики, ҳар киши ўз қоидасини

259а маҳкам тутуб, ўз русумича юргай, деб. Вақтеки Кушлук // қочиб кетди, ҳар кишики Кушлукнинг халқидин мусулмонларнинг уйида ўлтурғон эди, бир лаҳзада йўқ бўлди ва мӯғул лашкари орқасидин Кушлукни ғажур итдек суреб то Бадахшон ҳудудига етдиларки, ани Дарвозаҳон атар эрди. Андин Сариқжуёнга етиб йўлини итурди, тоғнинг ўнгуридин ўткали бўлмас эрди, бир мунча Бадахшон сайёдлари ул тоғда сайд қилур эрди. Кушлукни кўриб мунинг тарафига юрди. Ангача бир тарафдин мӯғулийлар етиб келдилар. Булар ҳам ул ўнгурға чиқмоқлиқни ташвиш кўриб шикорчиларға қарор бердики, Кушлук бир мунча жамоати бирла биздин қочиб бу ерга келди. Муни тутиб берсанглар, бизнинг сизлар бирла ҳеч ишимиз йўқ, дедилар. Ул сайёдлар Кушлукни тутиб мӯғулийларга берди. Мӯғулийлар анинг бошини кесиб олиб келди. Ул шикорчилар ҳам нечанд мол-ғаниматлардин олиб ёнди. Аммо маҳфий қолмағайки ҳар кишики дини ахмадий шаръи Мұхаммад Расулуллоҳга таарруз еткурса, ҳаргиз саодатмандлик йўлини топмас, ул кимарсаеки дин ва шаръи рисолатпаноҳга тарбият қилса, агар чандеки муқаллид бўлсаму анинг рўзгори эиёда баландлик ва ниҳоят аржумандлик топғусидур.

Назм:

Чирогиники Ҳақ ёндуруди қўиди,
Ани ким «пуп» деди, соқоли кўиди.

ЮЗ ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ ФАСЛ

**НАҚЛИ «ТАРИХИ ЖАҲОНҚУШОЙ»ДИН,
ИМОМ АЛОУДДИН МУҲАММАД
АЛ-ХЎТАНИЙНИНГ РАҲМАТУЛЛОҲ
АЛАЙҲИНИ КУШЛУК ЎЛТУРГАНИНИНГ ЗИКРИ**

Вақтеки Кушлук Кошқар ва Ҳўтанни ўзига ихлос қилдириди, ўзи шаръи исоийдин бутпарастлик ашъору ва афъолига ўйрилған

эрди токи халойиқнинг ҳаммасини дини ислом йўлидин куфру бидъат ва

2596 бутпарамтлик йўлиға индади. Булар // динларини маҳкам қилиб, ночорлиқдин хитой либосларини кийиб, бошлариға насорий тоқиясини кийдилар.

Азон, такбир ва намоз муртафиъ бўлди. Ул аснода хоҳладики гумроҳлик йўлидин ҳужжат ва далиллар баён қилиб, Ҳазрати Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи васалламнинг динларидағи имом ва раҳбонларни мулзам қилғай.

Шаҳарларда қичқириттики, ҳар кишики аҳли илм ва аҳли солиҳ либосида бўлсалар саҳроға ҳозир бўлғайлар деб. Бу хабарларни англаб бузруквор пешволардин уч мингга яқин киши жамъ бўлдилар. Кушлук уларға қараб айттики, қайси кимарсадурки дини миллатлар ишида мунозара қилолғай ва сўзини мандин ўткаргай, деб ўз кўнглида хаёли фосидни маҳкам қилдики бу жамоадин ҳеч қайси менинг сўзумни рад қилмоқликка ҳужжатининг имкони бўлмағай. Ҳар кишики сўз тарафига шурӯъ қилай деса, анинг дабдаба ва асъасасидин эҳтироэни тасаввур қилолмағай ва бало ўтини ўз нафсига урмағай, балки анинг ёлғон сўзини рост ва ботил ишларини таҳқиқ гумон қилғай. Улар орасидин имоми Алоуддин Муҳаммад Аттор раҳматуллоҳу алайҳи қўпдилар. Кушлукнинг олдиға келиб ўлтириди. Дини исломнинг камарини белига боғлаб дини аҳмадий борасида сўз ибтидо қилдилар. Баланд овоз бирла далили қатъийлари бирла далил келтурди. Ҳақ ботилга, олим жоҳилга ғолиб қелди. Кушлукнинг ғазаб ўти шуъла урдики, аммо тили гунгу лол ва сўзи банд бўлди. Имом ҳақгўйлиқ ва зўрлуқ юзидин айттилар, «Лав қашафтул ритоа фа азидту яқинан» агар очсан эдим пардаларни албатта ҳар ойина эзида қилур эрдим яқинни, дин тақозоси бирла деган бўлур. Айттики оғзингра тош, туфроқ, эй адувви дин ва Кушлук лаъян, дедилар.

Вақтеки бу сўз ул кофиру фожир ва ножинснинг қулоғифа дурушт

260а англанди, аммо тутмоғлиққа ишорат қылдикі, // мулзам бўлиб ўз динидин ёнфай. Ал-оят: **Ҳайҳота, ҳайҳота лимо туадун».**

Мисраъ:

Дев уйига тушмагай нури илоҳий дилрабо.

Неча кеча-кундуз яланғоч боғлаб, очлиқу ташналик бирла тутди. Азоб ва мубталолиқда Жиржис алайхис саломға имтиҳон дарёсида меҳнатга чўмдилар. Қолан-набий алайхис салом: «Албалоу мувассил бил анбиёи сумма бил ал-авлиёи сумма бил амсал», яъни бало етқусидур пайғамбарларга, андин авлиёларга, андин кейин уларға ўхшашларға. Дар бадарча Аюбвор сабр кўргуздилар. Мисраъ:

Ҳар на сандин келса хуштур хоҳ дарду хоҳ даво.

Ҳар заҳреки жононанинг қўлидин муштоқларнинг жони томроқиға етса, тотлиғлиқидин шаҳду шакар ҳаловати ҳаётি жовидонлиқ лаззатини топғусидур.

Рубойй:

Висоли ёр тиласен балони кўп тортил,
Ки хору гул, ҳаммани барча ишда тенг тутғил.
Ўзингни йўқ қилибон, ёр кўйига етгили,
Ки ранжалар чекибон шаҳд завқини тотғил.

Вақтеки бу ишнинг оқибати шул ерга еттики, И момни мадрасанинг олдида чормих қилиб дорға осди. Тилида калимайи шаҳодат ва калимайи тавҳидни вирд қилиб қичқириб ҳалойиққа айттики, бу хокдон тийра дунё ўткучидур, анинг уқубатларидин динни елга бериб мунинг қўрқинчидин оташи дўзахга гирифттор бўлса бўлмас, бу жаҳоннинг замин сабзаларики ушоқ бачаларнинг ўйинидур, они жиноннинг нозу неъматлариға бадал қиласа бўлмас. «Қолаллоҳу таоло: Ва мал ҳайвату д-дуня илла лаъибун ва лаҳвун...» («Бу ҳаёт-дунё фақат (бир нафаслик)

үйин-кулгидир, холос». в; 32) яъни дунёнинг зиндакорлиқи зиндакорлиқ әмасдур. Магар лаҳув ва ўюндур, «Ва ло дор улохирати хайрун лиллаэзийна яттақун», яъни ҳар ойинадор охират ўбданроқидур ул

2606 зотларегаки парҳез қилибдурлар, деб жон ба Ҳақ таслим // қилди, наввараллоҳу таоло марқадаҳу ва кассара ажраҳу.

ЮЗ ЙИГИРМА ТҮҚКИЗИНЧИ ФАСЛ

ЧИНГИЗХОННИНГ ҲИКОЯТИ

Вақтеки бу воқеалар пайдо бўлиб, фот фурсатда Кошқар вилояти Чингизхонға мусаххар бўлди, ондин кейин Эрон ва Туров балки атроф оламнинг кору борига қарор топди. Ўзининг ватани аслига ёниб таскин топиб, ондин ҳамма мамлакатларни тўрт ўғлиға улаштириди.

«Жомеут таворих»да келтурубтурки, қипчоқ жузвлари ва даштларининг ҳаммасики бир тарафи Румғача ва бир тарафи Мухитғача ва бир тарафи Мовароуннаҳогача ва бир тарафи Мўгулистонғачадур, чўнг ўғли Жўчихонға берди. Ва Мўгулистаннинг ҳаммасини ва Қорахитойғача ва Туркистон, Мовароуннаҳони Чигатайхонға берди. Ва Қорахитойнинг ҳаммасини Тулиға берди. Ўзининг асли ватани Қорақурум ва Қалмоқдур, Ўқтойға топшириди. Ва шумға ўхшаш лашкар ва умароларининг ҳаммасини ҳам улаштириди. Ул қисматда дуғлот Чигатайхоннинг ҳиссасига тушди. Дуғлотға Манглай субени топшириди. Манглай субенинг маъноси офтоборўй ерлари бўлғай ва анинг бир тарафи Шошғача, бир тарафи Чолишғача ва бир тарафи Иссикқўл ва бир тарафи Сарик ўйғурғачадур. Бу тўрт тарафининг ичida Кошқар ва Ҳўтан

воқеъ бўлубдур. Ул кишики дуғлотда, бу мамлакатларга қудрат топибдур, Амири Бобдоғон эрди. Амир Бобдоғондин батн баъдан, қарнан баъда қарнин фарзанддин фарзандга мерос қолибдур. То Мирзо Абобакргача. «Жоми гетинамой» деган тарихда келтирубдурларки, Кошқар туркнинг улуғ шаҳарлари жумласидиндур. Нечанд нимарса ул ерда баён қилинибдурки, ҳоло ул ерда ул нарсалардин асаре йўқдур. Ул жумлалардин айтурларки ул матолники Кошқардин ҳамма ерларига

261a // олиб борур эрдилар, Қоқум ва Синжобдур, ҳоло ул ерларда мутлақо бўлмас. Кошқарнинг шимолий тарафи Мўгулистон тоғларидур. Ул тоғлар мағриб тарафидин машриқ тарафига узунига тушибдур. Ул тоғлардин дарёлар жануб тарафига жорийдур. Ул тоғнинг узуни бир тарафи Шошгача борур, анинг интихоси Турфондин ўтиб, Қалмоқ заминига киарки ул тарафини қалмоқлардин ўзга ҳеч киши кўрмагандур ва билмагандур ва баъзилар ул тарафдин андаке кўрган эрди. Фуқаронинг шархини сўрдим, уларнинг тақорири бирла факирнинг қўнглига равшан маълум бўлмадики битигали ярафай. Ва Мўгулистаннинг шархи фот фурсат келур. Худо хоҳласа ул ердинки Шошдур, то Турфонгача уч ойлиқ йўлдур. Кошқарнинг мағриб тарафидин яна бир узун тоғ воқеъ бўлибдурки, Мўгулистан тоғлари бу тоғдин чочилиб, пароканда бўлур. Яна шимолий тарафдин жануб тарафига воқеъ бўлубдурки, факир ул тоғлар тепасида олти ой йўл юрдум, ани ниҳоясига етолмадим. Шунинг шархи Тибатнинг зикрида шарҳ топғусидур. Бу тоғдин ҳам мағрибдин машриқ тарафига жорийдур.

Кошқар вилоятининг ободлиқи ушбу дарёлардиндур. Кошқар ва Ҳўтан вилояти ушбу тоғларнинг доманасига тушибдур. Кошқар ва Ҳўтанинг машриқ ва жануб тарафларида саҳроиедурки, қум ва тош, жангалу биёбондин ўзга ҳеч нарса йўқдур. Қадим ул ерларда улуғ шаҳарлар бор экан. Ул жумладин икки шаҳар боқий қолибдур, Луб ва Катак деб. Ўзга шаҳарлардин на от қолибдур ва на нишон, ҳаммаси қумнинг остида

2616 қолибдур, баъзи сайёдлар // саҳро теваси учун ул ерларга бориб ҳикоя қилурларки, гоҳе шаҳарларнинг биноси пайдо бўлурки, баланд иморатлардин қалъя ва минора ва масжид ва мадрасаларға ўхшаш кўринур. Муддатедин кейин борилса анингдин асаре ва ном нишоне йўқдур. Яна қумнинг тагида пинҳон бўлур. Бу навъ шаҳарлар бор эканки, ҳоло анингдин ному нишона қолмабдур. Мақсад улдурки, Кошқар ва Хўтанинг маъмуру обод ерлари узунига мафриб тоғининг доманида воқеъ бўлибдур. Кошқарнинг сарҳадида Ортуж отлиқ бир вилояте бордур. Онингдин Хўтанинг ниҳоятигача бир ойлиқ йўлдур. Кошқарнинг ободонлиқининг тўғроси агар суръат бирла юрса бир — икки кунда обод ерларидин чиқфали бўлур. Бу зикр қилиғон тоғлардин ҳар суйики келадур, анинг жумласидин Тиман суйидурки бу сўй Кошқарнинг қадимқи қалъасининг ичидин ўтадурки, ани Мирзо Абобакр вайрон қилибдур.

Бу зикр қилинган қалъя Мирзо Абобакрнинг таъмир қилиғон қалъасидур, ушбу сунинг лабидадур. Кошқар бу сўйдин маъмурдур. Иккинчи дарё Қаротозғун бирла аталинибдур. Кошқар халқининг тилида Тозғун дарёси дерлар. Бу мазкур қалъанинг уч фарсаҳлик еридин ўтадур. Кошқар вилоятининг тўлароқ ерини ушбу су бирла зироат қилинадур. Ул сўйнинг уч фарсаҳлик ерида яна бир дарё бордурки, ани Қусантозғун дерлар.

Янги Ҳисорнинг қўргони ушбу дарёнинг лабидадур. Ушбу қўргоннинг тобеълари бу су бирла ободондур. Кошқардин Янги Ҳисор олти фарсаҳи шаръийдур. Янги Ҳисордин Қорачаноқ деган ер тахминан олти фарсаҳдур.

Қорачаноқнинг олдидағи сўй Шаҳнозга борур. Ул сўй бирла нечанд мавзелар ободдур. Қорачаноқдин то Калифжук деган ерғача беш

262а фарсаҳдур. // Ул ерда бир лангар бордурки, ани Қўшгумбаз атайдурлар. Ушбу лангарнинг вақфидур, яна бир манзилни Қизил атабдурлар, бу ерда бир қўргон бор. Бу ернинг сўйи шўрдир. Бу манзилни Янги Ҳисордин Ёркандга ўтро дейдурлар.

Қизилдин то Кўқработгача ўн фарсаҳдур. Кўқработдин Ёркандинг Работчи деган ериғача қиёсан етти фарсаҳдур. Ёрканд қадим вақтдаги шаҳар экан. Ани Мирзо Абобакр гурлатибдур. Ганж хазоналарини топиб олибдур. Аммо маълум эмаски, Кўҳна шаҳарнинг оти Ёркандум ё бошқа оти борму? Бу камина боболаримдин эшитдимки, Ёркандинг қалъаси кичикроқ экан, Янги Ҳисорчалик. Мирзо Абобакр Ёркандин пойтахт қилди, устанглар чиқорди, ариқлар қазиди, ва боғлар қилди. Ҳалқнинг сўзларида андоқ машҳурдурки, Мирзо Абобакр ўн икки минг боғ қилибдур. Бу боғларнинг тўласи Ёрканнададур. Мирзо Абобакр бир шаҳар бино қилдики, ул шаҳарнинг сифлийнинг иқизлиги шаръий газда ўттуз газ, ичи тахминан юз жарига яқин бор эрди. Бу шаҳарга олти дарвоза қўйди. Бу тариқадаки дарвозаларни юз газ ичкари қўйди. Ҳар иккала тарафнинг сафилларининг буржини бир-биралига яқин келтурди. Андоқки ҳар кимарса бу дарвозага яқин бормоқни қасд қилса, ул буржлардаги одамлар ул кишининг орқасида қоладур. Анинг олди ва кейинидин ўнг ва сўл тарафидин ўқ ва тош баробар келадур. Ҳеч шаҳарнинг дарвоэаси мунға ухшаш эмас эрди. Бу шаҳарда қилғон баланд иморатлар тўла эрди, ани баён қилса, сўз узоққа тортадур. Ҳар маҳалласида ўн боғ бордур. Ҳар қайсида юз котибхона ҳаммаси токчабанд коши ва

2626 наққошигирлик ўтар. Ом йўлларнинг икки тарафиға // терак қўйғон, шаҳарнинг ҳар тарафидин келган ҳалқ бу тераклардин соя олур эрди. Ва ариқларида суй жорий, Тибатнинг тоғларидин қору ёмғирдин пайдо бўлиб келадур. Ондин ўтса Сариққўл деган вилоятга Кошқарнинг эътимодлиқ ютидур, анга етадур. Ёркандинг вилоят музофотларининг зироатлари ушбу суй бирладур. Ёркандин тева мангишида уч кунлик тамоми қўргонгача ободонлиқдур. Яна бир суйи етти фарсангик ерда қолғон. Вилоятлари ул суй бирла зироат қилур. Ул ерни Лоҳуф атайдурлар. Ул ердин Ҳўтанга улоқ бирла ўн кунда етадур. Бу ўн кунлик ерда Муборалдин бўлак ободонлиқ йўқ. Ўзга ободонлиқ Ҳўтандадур. Рудхона Қароқош ва Аврангқош отлиқ қош

тоши ушбу рудхонадин пайдо бўладур. Оламда бу ердан бўлак ерларда қош тоши чиқмайдур. Ҳутан ҳам оламнинг шаҳарларининг машҳуридур. Аммо бу замонда қош тошидин бўлак ўбдан нарсаси қолмабдур. Ул Алоуддин Ҳутаний тамом таворихларда машҳурдур. Ул кишининг қабрисини балки отини Ҳутанда ҳеч киши билмайдур. Мунингдин ўзга мазоротлар ул ерда тўладурки, уларнинг ахволлари маълум эмас.

Ҳалқнинг офицерларида ҳар навъда ривоятлар бор. Ул ривоятларнинг сахих эмаслиги таворихларда мазкурдур. Айтибурларки, қавми шаҳидоннинг жумласидин И мом Забиҳа ва машҳади Жаъфари Тайёр ва И мом Жаъфари Содиқ разиоллоҳу анҳум баъзи халқ ушбуларнинг саҳобаларидин дебдурлар.

Бу ривоятнинг сахих эмаслиги зоҳирдир. Эҳтимоли борки, бу отлиқ бир киши табиъу тобеъиндин келиб шаҳодат топғон бўлгай. Анинг

263а учунки Кошқар исломға келишдин // илгари табиъу тобеъиндин келиб Кошқарда ғазот қилибдурлар. Аммо Ҳутан вилоятидаги шаҳидлар ушбу қумда мадфундурлар.

Ногоҳ қумни шамол учирив кетса, шаҳидонлар зоҳир бўладур. Уларда ҳеч тағиیر йўқ. Еттан захмлар маълум бўладур, балки тифтеккан ерларидин чиққон қонлар қуруб қолибдур. Ҳар кишики, бу мозоротларни зиёрат қилса, бу сифатларни кўрадур. Аммо Ёрканд мозоротлари тарих китобларида мазкур эмас. Анчаки, халқ эътиқод қиласур, хафт Мухаммадондур, анинг ахволларини ул навъда баён қиласурки, сатрға олмоққа қобил эмас. Аммо, Ҳазрати Эшоннинг Мавлоно Ҳожа Аҳмад деган муридлари мӯгулнинг кўхна сол азизларидин эрди. Улардин ривоятларни эшийтдимки, айттилар: Ҳафт Мухаммадон автодлардин эканлар, аммо маълум эмаски, китобда кўрганлари ё кашф бирла билганлари. Яна бир мозори Дувохон подшоҳдур. Уларнинг ахволлариму, масмуш эмас. Бир бора Ҳазрати маҳдуми иршодпаноҳ Шаҳобиддин Ҳожахованд Маҳмуд қуддиса сирруҳу ушбу мозорнинг олдидин ўтдилар ва манга айттиларки, бу бузрукворнинг жазбалари қавий экан, ҳар

вақтдаки ушбу ердин үтсам манга жазбайе ҳосил бўладур дедилар. Уларнинг иморатлари бор. Фишти пухта ва хатти нақш қилиғлиқ. Ман ул хатларни үқурға саъй қилдим, мұяссар бўлмади. Анинг учунки, ул хат хатти кўфийдур; бу замондаги хат хатти кўфийға ўхшаш эмас. Ул иморатнинг ёнида яна бир гумбаз бор экан, анинг тоқиға туркӣ хат футибдурки, ул бузрукворнинг тарихи олти юз эллик экан.

2636 Дувохоннинг тарихида Жаноҳоннинг тарихига // яқин келадур. Бу бандани гумони улки, ул зот мозори Дувохондур. Яна бир ривоят улки, Дувохон Бароқхоннинг ўғли эрди, Бухорода мусулмон бўлиб, Султон Фиёсиддин лақаб топибдурлар. Ўғли Дувохон анингдин кейин подшоҳ бўлибдур. Мунингдин маълум бўладурки, Дувохон аҳли сунна ва жамоалардиндур. Таворихда Дувохонни тўлароқ таъриф қилибдурлар. Дувохон мусулмон бўлмоқлиқ бирла хислати ҳамидага етган бўлса ажаб эмас. Агарчи бу мозорки воқеъда Дувохон подшоҳ деб машҳурдур, шул Дувохон бўлғай. Тарихларда мазкурдурки, «Зафарнома»нинг муқаддимасида Мавлоно Шарафуддин Али Яздий раҳматумлоҳ алайҳи андоқ келтирубдурларки, Дувохон Бароқхоннинг ўғли, улар Қароясунинг ўғли, ул Манконнинг ўғли, бу Чигатойнинг ўғли, бу Чингизхоннинг ўғли, улар подшоҳи комкор, рафиъул миқдор, ҳусрави сарири комроний, афсар жаҳонбоний подшоҳгиз Тубоннинг ўғли, ул амир Ҳилнинг ўғли, ул Маҳуннинг ўғли, ул Қарожар нуён барлоснинг наслидин эрди. Ўттан аҳдларга табъиат қилиб ота-боболарининг роҳи расми бирла үттуз йил подшоҳлик маснадида ўлтуруб раиййатнинг додига етиб, комронлиқда умр ўткарди. Яхши тадбирлар бирла Лангари нуён улуси Чигатойни обод қилди. Ҳар кишининг муроди бўлса, еткурди.

Назм:

Ки ул шоҳдин ҳар киши матлабин —
Талаб айлади, топди ўз мақсадин.

То бу ергача «Зафарнома»нинг нақлидур. Аммо Кошқарнинг мазоротларидин аввали Султон Сутук Буғрохонки, Афросиёбнинг

наслидин эрди. Юсуф Қодирхон Султонул Мулк мозийнинг бобосидур.

264а Ул аввал кишики турқдин мусулмон // бўлубдур, ул эрди. Ҳадисда ҳам ривоят қилинибдурки, «Аввалу ман аслама минат турк Сутуқ», яъни аввал кишики ислом келтирубдур, турқдин Сутуқ эрди. Дарвишлардин англадимки, уларнинг руҳи покларидин тўла файз бўладур, яна мазоротлари ҳам тўладур. Уларнинг аҳволотлари яхши сифат бирла мазкурдур. Ривоятларда нақл қилибдурларки, ул жумладин Ҳусайн Фазлуллоҳ хожа ва Қутби Олам ва Шайх Ҳижозий ва Шайх Ҳабиб ва Таъба Абу Бакр улардин ўзгалари ҳам бор. Ул жумладин Ҳусайн Фазлуллоҳхожада бир улуғлуқ бордурки, ани муфтиларнинг хатираси дейдурлар. Улар қабрларида юзларининг рӯбарусида бар шикоф қўйибдурлар. Ҳеч киши ани билмайдур ва кўрмайдурлар. Кошқар уламоларидин андоқ англадимки, ҳар вақтеки бир мушкул масала бўлса, сурати масалани футиб, қабрнинг тӯфасида қўядурлар. Эртаси борса, ул масаланинг жавобини футулик топадурлар. Бу мужарраб азмудадур ва тамоми Кошқар ва Хўтан ҳалқи неча қисмдур. Бир қисмини туман дейдурлар. Туман деб раийатни айтур ва ул раийат хонга тобеъдур. Уларнинг моли ҳар йили хонга тейиб турадур. Иккинчиси қавчиндур. Қавчин деб шу ернинг сипоҳларини айтур. Учинчиси аймоқдур, ҳар қайсиси соҳиби заминдур.

Галладин ва матоъдин мунингдин ўзга банданинг бобосининг тааллуқотидиндур. Тўртингчиси шариатнинг мансабдорлари масжид ва мадраса ва авқофларнинг мутасаддиси. Буларнинг тўлароқи ҳам яна бу банданинг боболариға тобеъдур. Бу вилоятларнинг мевалари тўла, гулининг гулоби зиёда хушбуй гўёки Ҳиротға ўхшаш. Ул вилоятнинг

264б зимистони эътидолида емишлари совуқ, ҳўл. // Аммо Кошқарнинг ҳавосининг латофати зиёда бўлғон бирла айблари ҳам тўладур. Тўла вақтларда қаттиқ бўрон бўлиб, тӯфа ёғадур, ҳавотутилиб қоронғу бўладур, агарчи Ҳиндустон бу сифат бирла маш-

хурдур, аммо Кошқарда тұлароқдур. Зироатларининг мاشаққати тұла, ҳосили кам бүладур. Кошқарнинг Даشتі Қыпчоқ ва Қалмоқ ва Мұғулистан ва Шошгача шаҳарлари бор. Аммо ҳосили кам, сипохларининг овқатини нисбат бермаклик бирла сахроларийға дұзах нишондур. Аърофнинг ҳукми бор. Дұзаңдагилар айтадур: «Аъроф беҳиштдур», ҳосили қалом аҳли қаноатларға тұла гүшаларда мақом берибдурлар. Үтган мө тақаддумларнинг баракотидин аҳли сулукларға сафойи дил ҳосил бўлибдур. Тұла аҳли сулукларни кўрдимки, вақтеки ул ердин бошқа ерга борса, бу жамийати сафои дил топмайдурлар. Ушбу жиҳатдин «Модари Кошқар», дебдурлар. Бу шараф Кошқарға кифоядур.

ЮЗ ЎТТИЗИНЧИ ФАСЛ

ҲАЗРАТИ ХОНИ ХУЖАСТА МАОЛНИНГ ЗИКРЛАРИНИ ТАҲРИР ҚИЛМОҚДА СҮЗ БУ ЕРГА ЕТИБ ЭРДИКИ

Вақтеки хон Фарғонадин чиқди, Мұғулистан ўюли бирла Кошқарға юз келтурди. Ондин бу хабар Мирзо Абобакрға етди. Кошқар шаҳрини етти қунда тамом қилди. Минг кишини отлиқ ва пиёда озуқини бериб, ўзининг Юсфон отлиқ бир бегини уларға сардор қилиб, ўзи Янги Ҳисорға бориб, Янги Ҳисорни ҳам озуқ, от улоқ, силоҳ ва қалъадорлиқ асбоби бирлан орастта қилиб Ёрканға кетди. Бу ҳолда эрдики Ботурбоши бир неча мұғулистанликлар бирла Кошқарға юрди. Ондин хон етиб келиб, уларни Кошқарға юритиб, орқасидин хон лашкари жаридай жаррор бирла равон

265а бўлиб Ортужға етдилар. Мазори пур анвор // Шайх Ҳабибки кубравиянинг машойихларидин эрди, уларни зиёрат қилдилар, хатми қуръон обу ош қилиб мадади истионат тилаб, эртаси Ортуждин равон бўлдилар. Учбурхон деган мавзеки, мунинг суйи Туйунбошининг ўюли бирла келиб, бу Учбурхондин үтадур, анинг

олдида бир баланд пушта бордур. Анинг тұфасига чиқса Кошқар күринадур, ароси уч фарсахдур. Шаҳарнинг бир дарвозасини дарёning лабида қўйғон экан, амр қилдиларки, тавочилар ул тор ердин бирин-бирин ўтсин. Тавочиларни санаб қаламга олинглар деб. Тўрт минг етти юз йигит қаламга олинди. Уларнинг ҳар бириси сарвиравон номдор ва умаройи олиймиқдор ва тифгузар эрдилар. Замоннинг тажрибасида мужарраб бўлиб бу фалаки кажрафторлиқни ўтказган Тошканд вайрон бўлғондин тортиб то тарихга тўқкуз юз саккиз хўк йили то бу тарихгачаки тўқкуз юз йигирма (1514) эрдики, бу ўн икки йилда бу мардумкуш рўзгорнинг улуғлукини давлати нопойдор ва меҳнати инқилобни кўриб жангу жадалнинг қоидасини ўрганган эрдилар. Ҳар бирлари улардек чандон тажрибадор эрдиларки, ёлғиз бу умароларға хос эмас эрди. Уларнинг улуғ сардори Сайд Муҳаммад мирзо эрдики, шу кунларда умрлари қирқ бир эрди, бу лашқарларға мутасадди эрди. Анинг ахволи шарҳ бирла мазкурдур. Ўзи ҳамасрларининг ичидаги мумтоз эрдики, тўла киши улардин неча қисм ишларни таълим олур эрдилар. Иккинчиси Қароқулоқ мирзо эрдики, анинг зикри йўқғори мазкур бўлди. Ўшал воқеада бу амир Қароқулоқ гоҳе амирлиқ

2656 мартабасида мутасадди эрди, гоҳе фалокатнинг // поясида қарор олур эрди.

Ул вақтики Хондин жудо бўлди, Андижонға кетди. Ўзбекнинг қошида ҳар нечукки бўлса, умр ўтказди, андин кейин Хон Андижон олди яна мулоғиматига уланди. Мақсад улки, бу Қароқулоқ мирзо баҳодир киши эрди, бу жиҳатдин Хон анга яқин эрди. Юз навкар ул кишига тобеъ эрди, бири Шоҳ Назар мирзо, яна бириси Мирзо Али Тоғай буларнинг хотириға яхши таомиллар етар эрди. Бириси Қутлуқ мирак мирзо, ўзи номдор, улуғ ҳиммат киши эрди. Бириси Баҳриқа мирзо. Булар қирқ кишининг боиси номдор улуғ ҳиммат киши эрди. Мусаннифи китобнинг ҳануз ақли камолига етиб, жавонлиқ мартабасига етмаб эрдим, ҳаёти умрим ўн бешға етиб эрдики, хон кўрагонликка мушарраф қилиб

эрди, аммо ул мансабнинг лозимасига ҳануз ёшимнинг кичиклиги-дин ҳавас зоҳири ва ботиннинг нотамомлиқи бирла камо янбаги саранжом топди. Ул ишнинг зуҳурининг саъйида эрдим, ул муло-зим ва навкарларики додамдин қолиб эрди, ҳаммалари менинг рўзгоримнинг зийнатида саъйлар қилур эрди. Юз йигирма киши манга тобеъ эрди. Яна дуғлот мирзолари тўла эрдики, ҳалқ аро-сида якка эрдилар. Андоқки умаройи мӯфулларнинг табақоти ушбу тариқада зикр топадур. Яна бир табақаки духтуй эрди. Ул таба-қада лашкарбоши Амир Али Доим эрди. Бу Амир Доим Али умаройи азим эшоннинг баттолларидин эрди. Мунинг бу юзи анинг ва барлосларнинг орасида йуқори ва тубан мазкур бўладур. Яна бири дуғлот табақасидин Амир Жабборбердиурки, анинг зикри йуқори мазкур бўлди. Яна бири табақай барлос эрдики, уларнинг сардори Али Мирак мирзоки, менинг аммим эрди. Анинг ўғлонлари ва биродарлари бор эрди. Бир ўғли

26ба Муҳаммадийдурки, анинг зикри келадур, яна бир ўғли Мирзо // эрди. Ўзгасининг оти Кокибек ва Қаробошбек ва Саидали оғо ва Оллоқули қўкалдош Абдулазиз бу жамиъ ўғлон-лари эрди, ҳаммаси қувват ва шижоатда барқарор эрди. Яна бири табақай ёрқий эрди. Бу табақай ёрқий бирла нечанд мўътабар одамлар Қундуздин Хон бирла ҳамроҳ Андижонға келдилар. Андижон жангига ҳаммаси базарби шамшир ўлган эрдилар.

Буларнинг амалини Мир Қамбарға топшириб эрди, биродар-лари Мақсуд Ҳофиз ва Тулаклар ҳам Хоннинг хизматида эрди. Мир Қамбарнинг жамъияти Ҳожи мирзодин тўла эрди. Яна бир табақа ўрдубеги эрди. Уларнинг улуғи Қаробош мирзо эрди. Анинг ўғлонлари мўътабар эрдилар. Гадой ва Сабур мирзо ва Муҳаммадхожи мирзо ва Муҳаммад Вали мирзо. Яна бир та-бақа иторчи эрди. Уларнинг улуғи Бишқа мирзо ўғли Рашидбек, жамъийати юз кишига яқин эрди. Яна бир табақай кунчи. Ул кунда амирлиқ Мирзо Ҷонакаға эрди. Буларнинг жамоати Бишқа мирзодин тўла эрди. Яна бир табақи чурос, Мунқабек шижоатда ҳам тенгларидин зиёда эрди. Ҳалқи юздин тўла эрди. Анинг

биродари Бобо Сариқ мирзо, анинг жамъияти ҳам тұла әрди. Яна бир биродари, Шағбоз мирзо, ул киши биродари бирла ҳамроҳ әмас әрди. Яна бир табақа бекчик, Мир Аюб Аъзам, анинг воқеъаларининг қиссасини Убайдуллахон ва Бобур Подшоҳнинг қиссаси бирла шарҳ қилинди. Улар мұғул бекларининг машхур ва мұттарароқи әрди. Бу үн икки йилнинг ичида уларники зикр қилинди, ҳар ердаки бұлсалар улуғ ва сардор әрдилар, мансабга лойиқ ва амирлиққа мавсуф әрдилар. Икки юзга яқын киши уларнинг тобеъида әрди. Бу табақадин Мұхаммадбек андоқ киши әрдики, илм ва адабда барқамол,

2666 асл насада // онаси Термизиянинг саййидаларидин әрди. Яна бири Султон Али мирзо, анинг зикри йүқтори хоннинг зикрида мазкур бўлди. Яна бири Ёдгор мирзо, неча вақтдин кейин Хоннинг мулоғиматини ташлаб, ҳажнинг шарафига мушарраф бўлди, яна ёниб келиб, Хоннинг хизматида турди, Хон зиёда яхши билур әрди, яна ҳажга борди. Икки маротаба ҳаж қилиб гўшаи фароғатни тутди. Ҳеч киши бирла иши қолмади. Яна бири Назар мирзо, анинг ҳам юз навкари бор әрди. Яна бири Мирзо Мұхаммад Туманбеги әрди. Яна бири Бекмуҳаммад, бу андоқ киши әрдики, хон Кобулда эканида анинг сифати шарҳ бўлиб әрди, шиҷоатнинг асари ва шароғатнинг нишони зоҳир әрди, анинг ҳам юз киши тобеъи әрди. Табақай чурос бирла бекчикнинг аросида йүқтори тубанликдин низоъ бўлди. Ҳон амр қилдики, бу замон мен сизларнинг йүқтори ва тубанликингларга ёрий бермайман. Йүқтори тубан ўлтиromoқлиқинглар ўзингларнинг қўлинглардадур. Ҳар йилда навбат бирла биринглардин йүқтори ўлтириинглар! Ҳар қайсингларнинг шиҷоати йүқтори қилур, деб ушбу амрни қабул тутдилар.

То ушбу кунларгача ушбу жадал боқийдур. Ушбу умаролареки мазкур бўлди, ҳар бириси бир гуруҳ лашкарнинг әгаси әрдилар. Ва яна ўзга жамоати бор әдики, агарчи Мир ва Мирзо әмас әрди, аммо ҳар қайсилари мұғул қавмларидин бир жамоатта сардор әрди. Ул жумладин Ҳожа Али баҳодирки, анинг зикри Хон-

нинг аввалқи ҳолида Мұғалистанда үтди. Яна бири Бекқули Шохібекхоннинг вақтида Бекхон от чиқарып әрди, Подшоҳ ҳам Құли Малиқда Убайдуллахондин шикаст топғонда Самарқанд-дин чиқиб, уч минг кишига бош бўлиб Хоннинг қошиға келиб

267а әрди, ул яхши одам әрди. Яна бири Исҳоқ баҳодирки, // кенгашлик киши әрди. Яна Ёдгор баҳодир ва Путожи ва Қаров жунғор ва Шаъбон ва Султока ва Тўхтақул ва Узунсоқол Тўхтақулилар ҳам қавмларнинг сардори әрди. Яна Туман баҳодир ва Сархил қолужи ва Маликали ва Умар Шайх ва Шунқорчи, буларнинг ҳаммаси лашкарбоши әрди. Ва яна Микада ва Абдулвоҳид ва Ҳудоқули шифовул ва Юсуф баковул ва Мұхаммадали Тўман Кушкашуй девона, Парвонақули ва Шайх Назар ясовул ва Барка ясовул ва Ҳақназар девона ва Али қурчи ва Шоҳ Мирак қаландар ва Бобоқулон ва Тангриберди ва Ҳақназар Қуғучи, Жибок миromoҳур ва Поячи миromoҳур булар ҳар бирларини Рустами Зол билур әрди. Буларнинг отлари зикр топди. Мундин зиёда зикр қилинса, сўз узоққа тортадур. Асли ҳикоятга анинг дахли йўқ.

ЮЗ ҮТГИЗ БИРИНЧИ ФАСЛ

СУЛТОН САИДХОННИНГ КОШҚАРДА МИРЗО АБОБАКРНИНГ ЛАШКАРИ БИРЛА МАСОФ ҚИЛҒОНИНИНГ ЗИКРИ

Вақтеки лашкарнинг тартиби ушбу тариқа бирла мураттаб бўлди. Учбурҳоннинг пуштасидин ясол қилиб, равон бўлдилар. Мирзо Абобакрнинг лашкарининг беклари сипоҳларни йироқдин кўрди. Ўн беш минг киши қиёс қилди. Вақтеки қутби олам Ҳожамнинг мозори пур анворларига етдилар, Хон жиловларини ўнг тарафега тортиб Сарманд, деган мавзеға юз келтурдилар. Сўғун-

лиқ деб бир жоёе бордурки, ул ерда Мирзо Абобакр бори бүстон иморатлар қилиб әкан. Ул боқға тушдилар. Баъзи умаролар ўз лашкари бирла Кошқар шаҳрига яқин борди. Ул қасд бирла мухолифларни сақлағай, қалъадин чиқиб кетмагай. Яқин бориб қалъани қўргайларки, анинг маҳкамлики на миқдордур? Мухолифлар ўзи қалъадин чиқиб, саф тортди. Умаролар етиб келиб, жанг қилмоққа турди. Табл жонг сўқдилар. Душманларни чопиб, шамшир уриб, ҳар тарафдин губор ўрлади.

2676 Вақтеки // бу хабар Хонга етди. Хон лашкарлари бирла равон бўлдилар.

Йўлнинг ноҳамвораликидин саф ясол туэолмадилар. Баъзи умароларға армон бўлдики илгари борғай ва гўл орқасидин келгай, деб. Бу умаролар саҳар вақтида юрур эрдилар. Вақтеки яқин етдилар, Хон айттики ясол оҳиста келгай, мен илгари бориб ахволини маълум қиласай, деб, илгари юрдилар.

Вақтеки Хон етиб келиб эрди, ҳаммалари йиқилиб, хизматга мунтазир турди. Хоннинг амри бирла ҳаммалари баякбора ҳамла қилдилар. Гул лашкар етиб келишидин илгари ул одамлареки илгари етиб келиб эрди, мухолифнинг лашкарларини кўтардилар. Ҳожа Соқий Али Мушриф девони олий эрди. Анинг асли Ҳурросоннинг уйғурларидин эрди. Ул киши ҳамиша шижоатни орзу қилур эрди. Камоли орзусидин ҳаётлиқининг риштаси узилганини билди. Ул киши илгари юриб эрди, мухолифлар пиёда ўқ отрали Сарманнинг ўстангининг ичидагамин қилиб эрди. Бу Ҳожа Али Соқий вахшат қилмай ул ўстангдин ўтиши, ўстанг ичидагамин қилиб ўлтурғон халқининг бирлигига қўзига ўқ бирла урди. Бошининг орқасидин чиқди, шул ерда йиқилди. Охирул амр мухолифларнинг лашкари шикаст еди. Хоннинг баҳодирларининг қувватидин қарор оладурғон ерлари қолмади. Лашкар илгари юриб, дарвозагача ўлтиридилар. Ҳазрати Маликул мулук ал-афоқ бил истехқоқнинг инояти бирла мухолифнинг лашкари ва асбоблари бирла фарсадаи ҳалок ва тўдаи хок бўлди.

Ондин шаҳарниг дарвозасини итиб биркиб олди. Ул кечадан шаҳарга яқин тушдилар. Вактеки субҳ бўлди, дуввум бора ясол қилиб, шаҳарга яқин бордилар. Вактеки қалъада лашкар жаридадин булак ҳеч

268а нимарса йўқ // экан, ёниб Тўққизоқға тушдилар. Иккинчи куни Қоратоззундин ўтиб Янги Ҳисорнинг Буря деган мавзеига тушдилар. Эртаси Янги Ҳисорнинг шаҳрига бордилар. Янги Ҳисор халқи шаҳардин ташқари чиқмади магар нечандишидада халқ шаҳарнинг олдида туриб эрди, мазкур бўлғон Микада баҳодир хоҳладики, ҳамла қилғай, яна муҳолифнинг жойи маҳкам экан, деб ёнди. Неча кун Янги Ҳисор ҳар ерда юткалиб юрди. Гумонлари Мирзо Абобакр лашкар йиборур, деб. Икки ойгача ушбу ерда турдилар. Мирзо Абобакрдин ҳеч хабар бўлмади. Бу ҳолда Мирзо Али Тоғай ва Ҳожи мирзолар неча киши бирла Сариққўлни чопиб, бисёр молу амволини олиб келдилар.

Ондин Муҳаммад қирғиз келди. Камоли фароғат бирла сарафroz бўлиб рухсат талаб қилдики, Ёркандга бориб хабар олиб келгай. Неча маротаба неча мўътабар одамларни анга қўшиб йибордилар. Ёркандинг Арслонбоги деган ери икки фарсаҳлиқдур, ани чопиб, ўлжак молларни олиб келди.

Мирзо Абобакрнинг лашкарининг хабарини саъй қилиб хабарини ололмади. Вактеки бу хабарни Хон англади, Ёркандга юз келтурдилар.

ЮЗ ҮТТИЗ ИККИНЧИ ФАСЛ

**СУЛТОН САИДХОННИНГ ЁРКАНДГА
ЮЗ КЕЛТИРГАНИ ВА БАЪЗИ ҲИКОЯТЛАРИКИ
АНГА ТААЛЛУҚДУР АНИНГ ЗИКРИ**

Вактеки Муҳаммад қирғиз Мирзо Абобакрнинг хабарини келтирди. Ҳамма маслаҳат қилғучилар андоқ кўрдиларки, Ёркандга борғайлар, агар Мирзо Абобакр чиқиб масоф қилишса, фаҳувал

мурод ва агар чиқмаса Ёрканднинг атрофида фалла ва асбоби майшатлар тұладур, Ёрканднинг шаҳрини қабоб турмоқ лозим. Вақтеки Ёрканд фатҳ бұлса, Кошқар ва Янгиҳисор ҳам фатҳ бұлур, деб Ёрканд тарафига юрдилар, то Сувкат деган ерга тушдилар. Янги Ҳисор Сувкатта үн фарсах йўлдур. Ангача баъзи

2686 одамлар Мир Аюбга қочиб кириб // Қоратегин ва Ҳисор тарафига қочишнинг дағдағасини қилдилар. Булардин воқиға бұлдилар, агарчи улар қочолмайдур ушбу гўфтугўнинг кунларида Микада баҳодир арз қилдики, Каттабекму ушбу муддаони қилиб юрибдур деб. Вақтеки Мир Аҳмад Қосим Тошкандни биродари Кўхбаротга қўйиб эрди, ул Сайрамда эрди, ул Сайрамни бир йил сурди. Вақтеки подшоҳ Кобулға кетди, ҳеч тарафдин анга умидвор қолмади. Мир Аҳмад Қосимхоннинг қошиға киши йибориб эрди, Сайрамни Қосимға топшириди. Ондин Қосимхонни Тошканд тўғасига олиб келди, бу ҳикоятнинг шарҳи футулган эрди. Вақтеки Қосимхоннинг хизматида эрди, бу жиҳатдин ҳамма умаролар Микада қочишиға рағбат қилғони рост деди. Анинг учунки Микада Бобур подшоҳнинг халқи эди, анинг қочишини таҳқиқ қиласа ўлтиргани хўб деб. Бу сўз муқаррар бўлди. Хон айттики, ман анга ўзим кафил бўламен, агар қочса, мен зомин, деди. Хон Каттабекни чорлатди, айттики, сендин ушбу ривоят қилдилар, сен марду мардона бўлсанг, санга қочмоқлиқнинг важхи йўқ. Мен санга умаролардин кафил бўлдим, агар бу ишга ўзингнинг арзинг бўлса, ани манга айтғил. Сенинг ризолиқинг бирла иш қиласай. Агар мени умаролар олдида шармисор қиласай деб қочсанг, ихтиёр сендадур, деди. Ул айттики, мен шумдоқ номард эмасменки, шумдоқ хору зорда қочғайман, деб турмоглиқда нечанд сўзларни айтди. Шумчалик сўзлар бирла Хоннинг қошида тұхтади. Ушбу халалнинг борасидин Ёркандга боришининг маслаҳатини қилмадилар. Эртаси Янги Ҳисорға азм қилиб, туш вақтида

269а етдилар. Мұхолиғларнинг ниғоқининг бири ул әрдики, // Кошқарға Хон лашқар тортиб келганини Ѓеркандга англатди. Янги Ҳисорға ҳам киши йиборди. Айттики, Ѓерканндан кошқарликлардин бир мунчаси қўчиб келса, Янги Ҳисордаги жарида қолғон лашқарлар хўб бўлур эрди. Мундаги лашқар бирла чиқиб улар бирла урушмоқ ташвишдур, деб эрди. Ул вақтдаки Кошқардин қўчириб борғон халқни яна қўчириб йиборди. Булар Янги Ҳисорнинг суйидин ўтиб эрди, Хоннинг лашкарига учради. Буларнинг ҳаммасини ўлжа қилиб олдилар, Хонға келтурдилар. Ондин Янги Ҳисор халқи ҳаммалари пиёда ёрнинг аросида сув кечиб, жанг қилғоли турдилар. Ул халққа ҳамла қиласурғон ер тор йўл эрди. Бир тарафи Янги Ҳисорға борадурғон сув дарёнинг суйи улғайғон вақт эрди. Ёрнинг тарафи уч отлиқ потқучача [сиғарли] ер эрди. Ул ёрнинг ичидаги нечандаги пиёда совут кийиб ҳаммаси ўқ отмоққа машгул бўлди.

Вақтеки бу икковлан ҳамла қилдилар, бу пиёдалар орқасига ёниб қочди. Каттабекнинг оти Микаданинг отидин илгари юрди. Микада отини неча қамчи урди, юрмади. Каттабек яқин етиб эрди, ул пиёдалар ўқ бирла Каттабекнинг отифа урди, от ул ерда ўйқилди. Каттабек отидин жудо бўлиб пиёда қолди. Орқасидин Микада етиб келиб айттики, раҳмат сангаки, баҳодирлиқ шумдоқдур, ёнғил деди. Каттабек айтди, то сен ёнмоғунча мен ёнмасмен, деди. Вақтеки ўқ ёрнинг ўқи тӯфасига ёмғир қатрасидек келди, улар билдики, агар ул ерда мундин зиёда турсақ ҳар иккаламиз зое бўламиз, деб ёндилар. Хон Каттабекка навозишлар қилди. Халойиқ

269б Микадага сарзанишлар қилди. Микада // айттики, мен жойени топиб ҳамла қилоли дедим, Каттабек нодонлик қилиб борди. Агар мен ҳам борсам ўлмакдин бўлак иш йўқ эрди, деди. Бу узр баъзиларга маъқул кўринди. Ҳосили қалом Янги Ҳисорнинг атроф маҳаллаларини ҳар кишига мўлжал бериб эрди, тутиб ўлтиридилар. Ондин кейин неча кундин кейин Мир Аюб истисқои тибли илла-

тига гирифтор бўлиб, вафот топадурғон ҳолатида Ҳон анинг қошиға келиб эрди, Ҳонга айтики, Бобур подшохнинг **хукуқ** намакини ва хизматини сақламадим, бу жамоаларнинг тааррузи бирла Янги Ҳисорда фитна машруҳ бўлиб эрди. Улар бирла онт ичишдим, уларнинг онтлари менинг **қўрқоқимни** оширди. Уларнинг ҳамма феъли менинг жонимга етди. Улар тўнгуз **хирсларға** ўхшаш юурлар деб, Мир Аюб вафот бўлди. Бу вафот топғондин кейин мунинг мансабини биродари Мухаммадбекка буйрудилар. Шул кунларда ҳар куни жанг эрди. Ҳар кишининг дилида шижоатнинг жавҳари бўлса, зоҳир бўлди. Ул жамъдин Абдулоҳид ва Ҳудоқули шиговул, Мухаммадали туман ўз **ҳимматларидин** илғаниб чиқдилар.

Ўзга халқ бир маротаба ё икки-уч маротаба баҳодурлук кўрсатдилар. Аммо бу тўрт киши ҳар кунлареда жанг қилур эрди. Вақтеки маълум бўлди, Мирзо Абобакр Ёркандин келмади. Ҳаммалари иттифоқ қилдиларки, Янги Ҳисорнинг қалъасида зўр қилсак, деб. Бурайъға қарор олиб Ҳожа Али баҳодирни Ёркандинг сарҳадидаги чўлу манзилларида қаровуллик қилса, Мирзо Абобакрнинг келиш хабарини кўз тутиб турса, агар бу қалъани қабоб турган вақтда Мирзо Абобакр келса хўб эмас,

270а андин илгари хабар еткургайлар деб, Ҳожа Алини Ёркандага // ийбордилар.

ЮЗ ЎТТИЗ УЧИНЧИ ФАСЛ

**ЯНГИ ҲИСОРНИНГ ҚАЛЬАСИ КОШҚАРНИНГ
МУЛКЛАРИНИНГ ОЧҚУСИ ЭРДИ,
АНИНГ ФАТҲИННИНГ ЗИКРИ**

Парихқа тўқкуз юз йигирма ражаб ойининг аввалида (1514 й. август) эрди, Янги Ҳисор шаҳрининг атрофига мўлжал бериб

Хон ўзи қалъасининг қошиға тушди. Яна лашкарлар мўлжал қилдиларки, агар йуқфоридин уқ отсалар Хон үлтурғон ерга етур деб. Хон ўз қўшини бирла мағриб тарафидаги буржига мутасадди бўлдилар. Ушбу тариқа бирла Хоннинг ёнида бурж бу бандага муқаррар бўлди. Бу банданинг ўнг тарафидаги бурж Мирзо Али Тоғай ва Кутлук мирак, Мирзо Баҳрака, Мирзо Турдилар, яна бир тарафидин Бобо Сариқ ва Шаҳбоз мирандо баҳриннинг жамоати бирла жонкандалик қилдилар. Уларнинг бир тарафида Мирзо Муҳаммадбек ва Бекмуҳаммад бир нақбни ихтиёр қилдилар. Яна бир буржида Жонка мирандо ва Бишкак миранолар турди. Яна бир ёнида Мумқабек ва Мирмуҳаммадлар турди. Яна бир тарафида Мир Қанбар, Али мирий барлос, яна бир тарафида Мир Доим Али, яна бир тарафида Қароқулоқ мирандо, яна бир тарафида менинг аммим турди. Муддати беш кеча-кундуз жонкандалик қилиб қўрлаб чиқмоқнинг машғуллуқини қилдилар. Ул нақбеки Хонға бўлиб эрди, баҳодири баттолларнинг кучининг зарбидин ярим кеча эрдики бу бурж фалак буржиға ўхшаш равон бўлди, йиқилиб ер бирла яксон бўлди. Ул куни ҳамма саёй қилғучилар зиёда саёй қилдики, озгина саёй бирла томнинг мадори бир-биридин ажрағай. Ҳамма халқдин маҳкамроқ буржеки Жонка мирандо ва Бишкак миранолар туриб эрди, тахминан олти газ томнинг ҳаммаси чок кетди. Бу ҳолда Хожа Али баҳодир кишиси бирла кириб нечанд киши бирла Алика отлиқ сардорини олиб чиқди. Алика бу

2706 қалъанинг бегининг ўғли эрди. Амин доруга // отлиқ бир киши Мирзо Абобақрнинг мўътабар одамларидин эрди ва Янги Ҳисорнинг қалъадорлиқини анга бериб эрди, ўз халқидин неча кишини буйрудики, Мирзо Абобақр Ёрканда тўла лашкарга тартиб бериб шоядки келиб Янги Ҳисорни халос қилғай, деб. Мир Алибекки Валибекнинг биродари эрди, илгари анинг шарҳини зикр қилиниб эрди, бу жамъга сардор бўлиб

Қизилға келдилар, хабар топдиларки, мұғулийларнинг қаровуллари ушбу ердадурмиш деб. Шул кече Хожа Али баҳодирнинг бошиға шабихун келтурди. Буларни үйқунинг ғафлати элитиб кетиб әрди, урғыл ва сүқғыл деб наъра бирла шовқин чиқди. Уйқудин бедор бұлдилар, саросимаи бехуш, на ақл бұлғай ва на ўзидин хабари бұлғай, ночор музтарлик бирла ҳаммалари қочдилар, магар Хожа Али баҳодир дилини қўлидин бермай ва яна ўрнидин юткалмай ўзининг тобеларини оти-оти бирла қичқириб әрди, нечанд қиши олдиға жамъ бұлди. Булар ҳам тутғыл ва сүқғыл деган овозни қилдилар. Ул халқлареки, мадхұш ва бехушлиқдин қочиб әрди, ҳушиға келиб бу овозни әшитиб Хожа Али баҳодирға улашдилар. Ушбу қоронғулуқда ўқ отдилар, вақтеки субҳ бұлди, бир-бирларининг озу тұлалиқини қўрдилар. Мир Алибек юз қиши бирла әрди, Хожа Али баҳодир уч юз қиши бирла әрди. Мир Алибек айттики, ўлимдин қочмоқлиқ номардликдиндур деб, жанг қилиб ул юз қишидин икки қиши қочиб қутилди. Бу хабарни Мирзо Абобакрға олиб борди. Алика бошлиғин сардорларининг бошини Хоннинг нусратпоясиға йибордилар, нисфи рўзда етиб келди. Тирик тутиб йиборгандардин сўрдики, Мирзо Абобакр на иш қиласур? Улар айттики, Мирзо Абобакр лашкар тартибининг асбобларини қиласур. Ҳамма

271а халойикқа маълумдурки // отдин ва силоҳдин жубаву жавшанинг ҳеч камлиги йўқ, аммо лашкарларнинг сардорларини ва амирларини үлтуриб әрди. Бу вақтда хоҳ дехқон, хоҳ косиб, аҳли бозорлардин бұлсин, шулардин лашкар тартиб бериб турадур. Булар умр ичида сипоҳгарчиликнинг ишини қилмағон халқ бұлсалар, бу замонда нечук шамширнинг қабзасини тутуб баҳодирлуқ қиласур. Агарчи буларни бу ишга саъй қилур, аммо биламанки, қўлидин иш келмас деб, Мирзо Абобакрнинг қелмасликида тўла муболағалар кўрсатди. Аммо тасдиқ қилмадилар. Яна намози шом вақтида Хожа Али баҳодирнинг қишиси яна бир қишини етқузиб келди. Анинг сўзи улки, Мирзо Абобакр

лашкари ороста қилиб, икки фарсах ерга келди, мен қочдим деди. Муни ҳам баъзилар рост сўз демадилар. Гумон қилдиларки, Мирзо Абобакрнинг ҳийласидур деб. Ул кишини қийна дедилар, анча қийин тортти, бу сўздин бўлак сўз қилмади, ондин тасдиқ қилдилар.

Ҳамма умаролар маслаҳатни шумдоқ кўрдиларки, бу кеча шаҳарни қабоғон ердин қўзғолсақ, лашкар бирла Мирзо Абобакрнинг олдиға пешвоз борсақ, Кошқар, Янги Ҳисор лашкари қўшилмасдин илгари анинг бирла саф тузсак дедилар. Ҳон буйрудиларки, мен бу ёрнинг тагида ўлтиурмен, модомики Мирзо Абобақр келса, бир ўқни Мирзо Абобақрга, бир ўқни қалъага отамен, то ушбу ерда ўлтурадурмен ҳар киши мундоқ қилмаса ўзи билганини қилсун, деди. Умаролар ҳаммалари тизларига қоқиб айтдиларки, бизнинг минг жонимиз бўлса, Ҳазратнинг йўлида фидо бўлсун. Қайси беҳиммат ўзининг олуда вужудини Ҳазратингизнинг муборак нафсидин баланд билгай, бу амра ўзининг халослиқини хўброқ билгай деб, ҳаммалари сафил кўрлагали турдилар.

2716 Олтинчи куни Ҳон фатҳи нусрат топиб шаҳаншоҳлиқ /
/ тариқасини изҳор қилиб отландилар. Ҳар мўлжалга етса, умароларга саъй эҳтимом қўргуздилар, ул одамларнинг жидду жаҳди зиёда бўлди. Ҳар кишики коҳиллик қиласа ани қўрқутиб таъзир қилдилар. Ушбу тариқада қалъанинг чурасини чурилдилар. Вақтеки аммимнинг мўлжалига етдилар, қалъанинг тӯфасидин бир киши қичқирдики, Саид Муҳаммад мирзонинг халқидин бир киши яқин келсунки, сўзим бор айтамен, деди.

Бир кишини йибордилар, анга айттики, Мирзо Саид Али ушбу ерда бўлса келсун, дар маҳал Али Саид мирзони йибордилар. Али Саид келиб айттики, амини даруға айтадурки, Саид Муҳаммад мирзо Мирзо Абобакрнинг биродари дур. Ота-бобом батнан-батнан буларнинг бандазодалари динтуур. Туз ҳаққини сақлаб уч ойдин бери жону дилим бирла қўшиш қилиб дур-

ман, анинг бирлаки, ҳеч вақтда бу қирқ йил ичиде Мирзо Абобакрдин жонимга омон йўқ эрди. Ул кишиларники, ўлтириди, ўлиб кетдилар, қолғонларининг ҳар бирини бир уқубатга мубтало қилди, ахта қилди ва қўлини кесди, баъзини футини кесди, баъзиларини кўзини ўйди, мунинг ғайри ҳам бор, албатта бир балога мубтало қилди. Бовужуди бу сифат кору бори туруб туз ҳаққини сақладим, ҳоло эмди бизнинг ишимиз жонимиэфа етди. Агар муҳолифатнинг асарини бу қўрқонларнинг хотиридин йироқ қилиб хотирини эмин қилсалар, молимиз ва жонимизни ўзимизга берсалар, бизнинг жон, пул, молимизнинг саломат қолмоқликиға бу Саид мирзо кафил бўлса, ани наввобларга топшируб хизматкорининг қаторида бўлсақ деди. Бу арэни Ҳонға еткузди. Ҳон зиёда хуш бўлиб, Саид Алини яна йибориб уларнинг илтимосларини қабул қилдилар.

ЮЗ ЎТТИЗ ТЎРТИНЧИ ФАСЛ

**МИРЗО АБОБАКРНИНГ КОРИНИНГ ХАЛАЛ
ТОПГОНИ ВА УНИНГ КОРИНИНГ ТУГАГАНИ
ВА НЕЧАНД МУҚАДДАМАЛАРИКИ АНГО
ТААЛЛУҚИ // БОРДУР, АНИНГ ЗИКРИ**

272a

Мирзо Абобакрнинг уч одати: учунчиси бу эрдики нечандрасми ва қоидаси бор эрдики, зиёда мушқул. Ҳар кишики ушбу расми ва қоидасида андак саҳзу хато бўлса, ани ўлтурмакдин бўлак кори йўқ эрди.

Ўзга ишға рози эмас эрди. Ул азоб бирла ўлтирур эрди. Ул кишининг ҳашаму ишратидин таваҳхум қилур эрди. Андоқ қарор берур эрдики, ул жамоат ҳаргиз салоҳ топмайдур ва дер эрди, ул жамоадин эмадурон бола ва ҳомиладор хотун бўлсаму, ҳаргиз саломат қўймас эрди.

Хоҳ чўнг киши бўлсун, хоҳ кичик бола бўлсун ҳар бирини бир уқубатга гирифтор қилур эрди. Ондин кейин минг маротаба ўлимга рози бўлиб миннатдорлиқ бирла ўлур эрди. Алқисса охири ҳолда тамом лашкарарининг муҳиммотларини Мир Валига қўйиб эрди, тамом мулк ва раийатни Шоҳдоно Кўкалдошига топшириб эрди. Бу иккиси мунинг олдидаги эътиқодлиқ улуг эрдилар. Бу икки кишининг саъйиси бирла ҳар ғаройиб ишларни зухурға келтирур эрди. Чунончи йўқғори озроқ зикр қилинғон эрдики, Мир Вали Оқсу ва Мўгулистонни шундоқ соғ қилдики, мўгулдин ва қирғиздин уч ойлиқ ергача тасарруф қилди. Мўгулнинг тамомисини, Турфон Жарбадир ва Қирғиз ва Исиққўлни ўзининг холисига берди.

Фарғона ва Ўзганд ва Ўш ва Моду ва Черак Андижондин йўқғори ҳаммани билқатъий тасарруф қилиб эрди; Қойиртеркиннинг атрофи ва Бадахшонларни ҳам забт қилиб эрди. Балурнинг ҳудудида Тибат ва Кашимирни ҳам забт қилиб эрди, бу ҳаммаси Мир Валининг амалидин бўлиб эрди. Тутлуқда аммим сайъ қилдики, Мир Валига мулоқот бўлиб,

272б сулҳининг борасида машварат қилғай. Бу сўз // хуш келди, тамаъ қилдики мулоқот бўлиб, бир фиреб бирла аммимни қўлға келтурса, Мирзо Абобакрнинг қошиға олиб борса, ҳеч хизмат мунингдин улуғроқ бўлмағай. Ушбу саф бирлан икки тарафдин нечанд кишини ҳамроҳ қилиб, мулоқот бўлдилар, нечанд сўзларни қилишдилар. Шул аснода аммим Мир Валига ҳамроҳ бўлиб келган халқларға айттики, менинг Мир Валига нечанд сўзим бор, сизлар чиқинглар, деди. Улар чиқдилар, Мир Вали танҳо қолди. Икковлан нечанд сўзларни айтиб, ондин бир-бирларидин жудо бўлдилар.

Ҳар қайсиси ўз лашкарига кетди. Андин кейин Тутлуқнинг воқеаси бўлди. Ул сўз анга гуноҳ бўлди. Мирзо Абобакрнинг қоида ва услубининг тарозусида Мир Валининг ҳийласига посанг бўлди. Андин Мир Валидин Мирзо Абобакр сўрадики, мулоқотда нима сўз бўлди, ўтган сўзларни баён қилди. Мирзо

Абобакр айттики, менинг хаёлимда анча бор эрди, ушбу эди деди. Ондин кейин Саид Мұхаммад мирзо бирла хилват қилиб, Мир Вали бирла сұзлаштилар. Ул маълум әмаски, нима дейишилар. Вақтеки Мир Вали яна Мирзо Абобакрнинг қошиға келди, сурдики, Саид Мұхаммад мирзо нима деди? Мир Вали анга аммим айтиб эрди анга айтти. Мирзо Абобакр айттики, бу сүзни жамъенинг орасида айтибдур, бу сүзни такрор қылмоқға важқ үйідур, деди. Зиёда сүз қымади, ушбу миқдор иш бирла Мир Валидин бадгумон бўлиб, таваҳхум қилдики, анча Саид Мұхаммад махфий сүз қилди, манга айтмади. Маълум бўладурки, Саид Мұхаммад Мирзо душманлик қўрсатиб, менинг ишимға халал пайдо бўлғай деб, Мир Валининг тобелари бирла тутди. Ондин зинданга ташлади. Оға-иниси бирла баъзисини ахта қилди, ҳар қайсисини бир азобга мубтало қилди. Бу иш Мирзо Абобакрнинг феълининг ёмонлиқининг бири эди. Яна бири улки, Шоҳдоно Кўкаaldoш мамлакат ва раийалар ва хазиналарга

273а // мутасадди эрди, ани андоқ ўстуруб эрдики, ҳисобдин ташқари эрди. Вақтеки Мир Валининг корини барҳам урди, Шоҳдонодин ҳам мутаваҳхум бўлди. Ушбу таваҳхум бирла Шоҳдонони тутди. Айттики, анчаки моллар тўла эрди, сен ани йўқ қилибсен деб девонхонанинг олдида сақолларини юлиб, ахта қилди. Жароҳати сихҳат бўлғондин кейин хизматга солди. Бу икки кишининг ўрнида арозил қавмларидин киши қўйиб тарбият қилди. Моли илгарикидин ўбданроқ тарбият топди. Аммо лашкарнинг муҳимлари саранжом топмади, анинг учунки, Мир Валидек сардорга неча йил керакки, анинг пайида бўлғай. Ушбу ахволнинг орасида Ҳон Андижондин Кошқарга юз келтурганини англаб, Кошқарни ораста қилиб, ондин Янги Ҳисорга бориб, силоҳи жанг асбобини тайёр қилиб, эътимодлиқ халқларидин Амин доруга ва Ҳон Ҳасан қорлуқ ва Элқули иторчи ва Ажмака ахта, Ҳонибек ахта ва Мир Вали ва Шоҳдоно, Мұхаммадбек буларни қўйиб ҳар қайсисига яроқ, жабдуқ берди. Айттики, сизлар қайсинглар ақидаи ихлос бирла хизмат қилсанглар, тарбият

қилурмен, деди. Бу васиятларни қилиб, Ёркандга борди. Уларга ваъдалар қилиб эрдики, Ёркандин лашкар тартиб қилиб келурмен деб. Вақтеки Ёрканда тушиб лашкар тартибига машғул бўлди, от ва яроғ ва силоҳ моли тамом вилоятнинг моллари моломол эрди. Усто Абдал Шайх устоди комил эрди, буларнинг навъларида Мирзо Абобакрнинг хосларидин эрди, Мир Валини ва Шоҳдонони хароб қилғондин кейин бу Абдал Шайх Шоҳдононинг ўрнида бўлиб эрди. Анингдин эшитдимки олтмиш минг жибажиба-

273б хонада // саноғлиқ ва ўн икки минг кийим ва асбоб силоҳларни мунга қиёс қилмоқ керак. Аммо сипоҳининг тўла-роқини ахта қилиб эрди, риоя аҳли, ҳирфа аҳли, дехқонларга лашкар тартиб бермакни буйруди. Ул кишики, сипоҳгарчиликни ўбдан билса, ани Мирзо атади. Юз икки кишини ул Мирзоза тобе қилиб берди. Ул кишики ондин камроқ бўлса, анга от-яроқ, силоҳ берди. Ушбу қисм халқлардин лашкар жам қилиб, Ёркандинг икки фарсах ерига чиқди. Бу лашкардин муҳлис ва эътиқодликларидин илваб муқаддимаи лашкар қилиб, илгари йиборди. Улар Жожа Али баҳодирга Қизилда муқобала бўлдики, анинг шарҳи йуқғори ўтди. Ул одамларники Янги Ҳисорнинг қалъасини кўрларонда Хоннинг олдига олиб келиб эрди, қийин бирла ўлди. Ул рост айтиб экан анинг учунки, ул одамлар қочроң вақтда Мирзо Абобакр лашкар тартиб бериб, Ёркандинг икки фарсах ерига чиқиб, муқаддамаи лашкарни йибориб экан, анчаки кўриб экан, айтибдур вақтики шаҳарнинг икки фарсах ерига чиқиб тушди, хоҳладики лашкар яроини кўргай ва ясол қилғай. Ончаки саъй қилди, мұяссар бўлмади. Анинг учунки умаролар тамом умрини турғуттармак бирла, ясол қилмоқ бирла ўтказур эрдилар. Бу халқ турғуттармакликни, ясол қилмоқни ҳунар қилмоқ ва ҳирман топмақлик хаёл қилдилар, бир-бирининг чурасида юрур эрдилар. Ростни чабдин фарқ этмас эрди. Вақтеки уларнинг баҳодурлиқини ўлтиromoқ ва қўбмоқлиқга келди. Сакунбий нишонлари отнинг тўфасида

ўлтириди. Жонларининг ваҳмидин қўрқиб, отнинг жиловини маҳкам тортдилар. Вақтеки Мирзо Абобакр бу чобуксуворлиқ ва сарбозлиқ ва тийрандоэлиқни кўрди, айттики бу

274а лашкаркашлиқ // бирла қўғун ўғирилиқиға борса ҳам хатар топар деб навмед бўлиб ёниб қочмоқнинг фикрини қилди, тўхтамоқни хўб кўрмади. Латиф қумошлар ва нафис матоъларнинг сарасини олиб, мамлакатни ташлаб, Ёркандни ўзининг чўнг ўғли Жаҳонгир мирзога қўйиб чиқиб кетди. Жаҳонгир мирзо завоятин ва қойиматинга үхшаш ваҳми ҳароснинг бўлунгларида гўшанишин бўлди, бир лаҳза тахти мамлакатфа чиқмади. Мамлакатнинг низоми интизомдин қолди. Отасидин кейин беш кун таваққуъ қилди, ондин хазиналарнинг қолғонини олиб, ҳукми ом қилдики, ҳар киши ҳар нарсани хоҳласа олсун деб чиқиб кетди. Қолғон халойиқлар хазиналар ва онборларга йиқилди, булаб ва талаб олиб кетди. Мирзо Жаҳонгир кетиб тўрт кундин кейин Хожа Али баҳодир етди. Андин икки кун кейин Хон етиб борди, бу сўзнинг шархи яқинда келур. Мирзо Жаҳонгир Тибатнинг Санжу деган йўлининг бошиға борди. Мирзо Абобакр Хўтангга борди. Хўтангнинг қалъасида турушнинг ҳам жойини топмай, Коронфутогга борди. Вақтеки Коронфутогға борди, орқасидин мўғул лашкарининг хабари етди. Йўллар танг бўлди, охир юкларни олиб юрмак машаққат уза машаққат бўлди. Ҳар юкеки борди ҳаммасини йигиб, анга ўт қўйди. Ул юкларнинг муаккиларидин эшитдимки, тўққуз юз хачир юк зарбофтда қилғон эгинёёқ эрди. Анинг тўласи фаранг матои ва румий ва хитойи эрди. Бу либосларни олtingга мурассаъ қилғон лаъл жавоҳир навънавъ қийматбаҳо нарсаларни ҳаммасини куйдурди, кумуш ва тиллода мурассаъ қилғон қопчаларни Коронфутогнинг дарёсида-ги кўприкнинг

274б тўфасидин // ташлади. От ва хачирларни ўлтурди.

Анчаки йўлга сирадурғон нарсаларни олиб, Тибатта равон бўлди. Вақтеки Тибатта етди, ул юк ва асбоблареки илгари халқаридин йибориб эрди, ул халқлар ҳам ани ташлаб қочиб кетибдур. Бу

хазина ва дафиналарни Тибат кофирлари олиб кетибдур. Бу талотуми маввожи обгун чархнинг гардишидин меҳнатлар мавжурди. Наузу биллоҳи минҳо ҳеч важъе бирла тадбирнинг тахта пораси қўлға келмадики, анга қўл уриб бу дарёйи ғамнинг канорасига чиқғай ва нажот топғай ва билжумла ул вақтда Мирзо Абобакр қирқ саккиз ёшда эрди, ҳар нарсаики бор эрди дунёдин сарф қилди. Бермаки андоқ тұла бўлдики, қалам анинг шарҳидин оқиздур, агарчи зоҳирда охиратнинг сўзини қилур эрди, аммо охират учун ҳаргиз бир феъл қилмас эрди. Анча анинг ёмон феъл ва ёмон сўзларининг натижаси ушбу эрди. Ал-илму индоллоҳи ва анинг ёмон феълларининг дарахти бу ёмон ҳолни мева берди. Анинг корининг хотимаси ва ҳолининг оқибати мундоғ ёмон бўлдики, Тибатда бўлмоқлиқ ҳам мұяссар бўлмади. Ўлим ҳаётлиқиға ғолиб бўлди. Аҳли аёлинни Тибатда қўйғай, ўзи Ҳон қошиға келгай. Агар хон қаҳри бирла үлтиrsa, менинг ўлукимни ўтганларнинг марқадларида қўйғайлар, агарчи мен Саид Мұхаммад мирзо ва Мирзо Ҳайдарларга бевафолиқ қилсам, шоядки улар силаи раҳми бирла бевафолик қилмаслар. Агар мени үлтирмаса, орқамдин сизларму етиб келурсизлар, деб бу хаёл бирлан зимиstonнинг ўтросида Ҳоннинг маломатига равон бўлди. Йўлнинг нисфида бир мунча ҳалқлар бирла рӯбарў бўлди. Мир Абобакрнинг мулоғимларидин эрди ва уларни аммим йиборган эрдики, Тибатга сиёsat қилиб айтдики, Мирзо Абобакрни

275а йиборинглар, ва агар йибормасанглар // ўзингларга хўб бўлмайдур деб. Вақтеки бу жамоаларга қўшилди, ҳамма ахволни сўрди.

Булар айттики, бизларни сизнинг учун йибориб эрди, неча ёлғон сўзларни айтиб тасалли хотир берди. Аммо тасдиқ қилмади, айттики менинг илтимосим улдурки, мени тирик Ҳоннинг ва Саид Мұхаммад мирзолар қошиға олиб боринглар, то ҳар нарса қилса, улар қилсун, деди. Бу жамоа ул сўзларни қабул тутиб фиреб берди. Вақтеки кеч бўлди, намози хуфтонни адо қилиб, уйқуға

кетди, бу жамоалар маслаҳатни андоқ кўрдиларки, муни ўлтириб бошини Ҳонға олиб боргаймиз, бизлар эътимодлиқ бўламиз. Ҳарчандки Мирзо Абобакр ёмон эрди, бу жамоалар туэзининг ҳаққини сақламади. Уйқуда Мирзо Абобақрнинг бошини кесиб ёнди. Мунинг шарҳи кейин келадур. Тамом зулм етган халқлардин чунг, кичик, ёшу қари ҳаммаси халос топди. Андоқ айтубдурларки, одил подшоҳнинг ўлгани ўзига ҳаётлиқ ва яхшиларга ўлимдур ва золим подшоҳнинг ўлгани ўзига ўлим ва яхшиларга тириклиkdir. Ва подшоҳи одил ҳар кишига назар қилса, анинг заминида бир фойда ҳосилдур, ул тажриба бирла ҳамма халқларга фойда кўрсатур ва солиҳ амалларга мойил бўлур. Ҳар нарсаеки нуқсон қиладур анингдин йироқ бўлур ва ўзини анингдин сақламоқлиқни вожиб билур, токи бу дунёда яхши от кўтариб, охиратда аҳли саодатлардин бўлур.

ЮЗ ЎТТИЗ БЕШИНЧИ ФАСЛ

КОШҚАРНИНГ ШАРҲИ ВА ЯНГИ ҲИСОРНИНГ ФАТҲИНИНГ ЗИКРИ

Янги Ҳисор ул важҳ бирлаки баён қилиниб эрди, Ҳон Кошқарнинг муҳимининг қасдини қилди. Учунчи куни хабар бўлдики, Кошқар ўзи бошқа бўлиб, от ва улоқларини олиб, ҳар тавредаки ўзларининг халослиқини кўзлаб, ҳар тараф чиқиб кетдилар, деб.

2756 Вақтехи Ҳоннинг / хотири Кошқарнинг муҳимидин дилжамъ бўлди. Ондин Ёрканд тарафига аэм қилдилар. Ҳожа Али баҳодирни илгари юритдилар. Янги Ҳисордин юриб Сойлиқ мавзеига тушдилар. Ҳабар етдики, Мирзо Ёркандни ўз ўғли Жаҳонгир мирзога топшируб, ўзи Ҳўтанга кетди деб. Булар илдам юриб Қизилға етдилар. Яна хабар етдики, Жаҳонгир

мирзо ҳам чиқиб кетди деб. Ҳожа Али баҳодир Ёрканда кирди. Ражаб ойининг охирида тарихқа тўққуз юз йигирма (1514 й. VIII—IX) эрди, Ҳон Ёрканд шаҳрида таҳтда ўлтурди. Ҳоннинг тифи обдорининг шамоли золимларнинг гарди фуборини кўкка совурди. Бу фатҳдин зулм етган ҳалқларнинг забони шукру саногўйлукга гўё бўлди. Ондин Мир Доим Али ва Бекмуҳаммадни Ҳўтанинг ҳукуматига йибордилар. Қароқулоқ мирзо, Ҳожи мирзо, Султон мирзо, Назар мирзо, Амир Қанбар, Мирзо Али Тоғай, Бек қули бу етти кишини Мирзо Абобакрнинг пайида йибордилар. Бу жамоалар ҳам хуш кўриб равон бўлди. Вақтеки Ҳоннинг хотири дилжамъ бўлди, амр қилдики, ҳар киши ҳар тарафга бориб, ўлжа олғайлар деб. Умаролардин ўзга лашкарлар ўлжага югурдилар. Ондин Ҳон фатҳи нусрат бирла аркка кирди.

Аркда иморати касир рафиъ ал-наботлар бор эрди. Ҳар қайси иморатларда неча ҳужра ва неча уй нақшинкор қилғон, анинг тўлалиқидин қарагучининг қўзи хира бўлур эрди. Анинг ҳаммасида қумошлар ва матолар бисотлари ва агар тақдим анча улуғлар-фа лозим бўлур эрди, пурмол эрди. Ҳон буларни талонга буйруди. Икки ойгача талон бўлди. Ҳаммасини олдилар. Анчаки Мирзо Абобакр қирқ саккиз йилнинг ичида меҳнату машаққатлар бирла жамъ қилиб, баҳиллик ва хасислик бирла сақлаб эрди, охири юз ҳасрат ва надоматда қолди. Ул

276а ашёларни ҳаммасини Ҳон бар // қуллия рухсат бирла тарожнинг шамолига совурди. Анчаки булар ўлжа олиб келиб, Ҳонга мулоқот бўлурда пешкаш қилиб олдиға кирдилар. Аммо Ҳон уларни хотирларини сақлаб, ҳаммаларининг мол-ғаниматларини лашкарларга илтифот қилиб бердилар. Баъзи умаролар Қоронгутоғқа бориб эрди, мис мисона ахчалардин бўлак Андижон фатмонида бир фатмон олтин ҳонга пешкаш қилди. Қолғон ашёларни мунга қиёс қилмоқ керак.

ЮЗ ҮТТИЗ ОЛТИНЧИ ФАСЛ

**МИРЗО АБОБАКРНИНГ ОРҚАСИДИН
БОРГОН УМАРОЛАРНИНГ ЗИКРИ**

Вақтеки Хон тўқкуз гуруҳ умарони Хўтанга Мирзо Абобакрнинг хабарига йибориб эрди, улар орқасидин тезу тунд юриб Хўтанга етдилар. Хўтан халқи умароларнинг олдига чиқдилар. Анчаки хазина ва амборларда от, коло, қўй ва ошлиқ ҳаммасини буларга таслим қилдилар.

Мир Доим Али ва Мир Бекмуҳаммад хоннинг амри бирла Хўтандаги қолди ва Хўтанинни забт қилдилар. Етти сардорки, ҳар бири жанг қилиб эрди, Қоронфутогқа чопдилар. Вақтеки Қоронфутогқа етдилар, маълум бўлдики Мирзо Абобакр Қоронфутогдин ёнибдур. Ул ердаки, Мирзо Абобакр мол ва хазиналарни тўкиб эрди, кўрдиларки от-увловларини ўлтуруб, қумош ва матолариға ўт қўйғонни кўрдилар. Хирмон-хирмон куллар турибдур, анчаки ул матолар олтиндин эрди, матолар куйиб, олтинлари эриб қолибдур. Кулдин айириб олдилар, жавоҳир, ёқут, сурхлар тағийир топмабдур. Ўзга жавоҳирлар куйиб кетибдур. Андин умаролар хотирларини фориғ қилиб, кўприк бошига бордилар. Кўрдиларки, тиллоларнинг ранги сувда шуъла уродур. Олтун жом ва кумушлар офтобага ўхшаш сувнинг тагидин рўшнолик бериб турадур. Андоқки, бу сувдин бу асбобларни

2766 // олмоқка анча саъий қилдиларки, ҳеч навъда мумкин бўлмайдурки, ани олғай. Узун ёғочларни олиб келиб, ичига илмак қилиб ул илмакларни асбобларга ўрадилар. Ҳуржун бирла ташлагон молларни олғали бўлди. Ҳуржун бирла ташламоғон молни ҳеч важхи бирла ололмадилар.

Бу олғон моллар юз мингдин бири ва тұладин андаки эрди. Бовужуди ул миқдор олдилар, бу олғонлари яна күнглига мувофиқ келмади. Ва мақсұдлариңек бўлмади. Ул моллар бу замондаки олғон молларнинг андакидур.

ЮЗ ҮТТИЗ ЕТТИНЧИ ФАСЛ

МИРЗО АБОБАКРНИНГ ФАРЗАНДЛАРИНИНГ ХОТИМАСИНИНГ ЗИКРИ

Жақтдин кейинки хотими замон ва ҳокими жаҳон ҳазрати Хон Ёрканда мухим ишлардин фориғ бўлди, маълум бўлдики Мирзо Жаҳонгир отасининг орқасидин Тибатга кетиб эрди, Сонжуниң ҳудудида туриб эрди. Хон аммимни йибордики, биродар-зодангни ҳар нечукда бўлса олиб келгил деб. Вақтеки аммим Санжуга етди, Мирзо Жаҳонгир давлат ва шараф билиб истиқболиға чиқди, тўла пешкашлар қилди. Ва арз қилдики, додамнинг подшоҳлиқ вақтида, мен бандаи заиф додамдин ҳамиша қўрқиб, ваҳми ҳарос бирла кунж бўлунакларда гўша тутиб эрдим. Жонимнинг фикрида дармонда эрдим. Манга бу муддатда ҳаргиз хушлуқ ва фароғат йўқ эрди, ҳамиша қўлимни узлатнинг енгига тортиб юриб эрдим, тамғамнинг кўзи бирла мулк ва чохни кўрмақдин пўшида тоқатимнинг нисбаси тааддининг етмакидин тошқари эрди. Вақтеки отамнинг давлатининг ихотасидин асосий завол мартабасида юз келтурди, Хоннинг лашкари додамнинг лашкари узра фатҳи нусрат топди, мени

277а узлатнинг гўшасидин тортиб тахтда ўлтиргуэди. // Мен банда ўттуз икки йил умримда ўзимни узлатга тортғон бўлсам, бир замонлиқ салтанатнинг фурсатига нечукдин мутасадди бўлолғайман. Бовужуди шумдоқ юрсам, отамнинг аладдавом

одати ул эрдики, фарзандини ҳаётлиқ либосида ялонгоч қиласа эрди. Ба менинг ҳузуримда афсус ер эрдики, бу ёшиға етди ва камол топди. Агар мен муни йўқ этмасам, бу манга андоқ қилурки Ширия Ҳусравга ва Абдуллатиф мирзо Улугбекка қилғондек қилур.

Вақтеки мен бу сўзни эшитдим, ўзимнинг саломатлигимга ва вақтимнинг сустлуқига қўшиш қилур эрдим. Салтанатнинг корини отам ўзи хароб қилғон бўлса, мен ани обод қилғаймен ва яна отамнинг қилғон ишидин менинг хабарим йўқ эрди. Мендин ҳеч кишига озор етмаб эрди, агар етса, отамдин етган, ояти кариманинг далили бирлаки, «Ва лаа тазиру ваазиротун визро ухроо (Ҳеч бир кўтаргувчи (яъни гуноҳкор жон) ўзга жоннинг юкини (яъни гуноҳини) кўтармас» 6; 164) бу гуноҳни мени қилди демасалар. Ҳоннинг мулоғиматига борсам, қолғон умрими Ҳоннинг хизматида ўтказсам деб уэрлар қилди. Бу ажзи инкисор сўз бирла аммим анга тасаллии хотир берди. Молу хаэина ва марқаблар бирла Ҳоннинг хизматига еткурди. Бу Мирзо Жаҳонгир Эсан Буғохоннинг қизидин бўлиб эрди. Буғохон Юнусхоннинг кичик иниси эрди. Олачахоннинг тўртунчи қизи Мирзо Абобакрға тушиб эрди. Ани ўбдонлик бирла сақлаб эрди, ҳадди камолига етганда ани Жаҳонгир мирзога бериб эрди. Вақтеки Жаҳонгир мирзо ҳоннинг хизматига мушарраф бўлди, бу Олачахоннинг тўртунчи қизи Ҳадича султонхоним Дошткелихонға мулҳақ бўлди. Бу Ҳадича султонхоним Ҳон бирла ота ва она бир

2776 туқдан эрди. Ҳон Мирзо Жаҳонгирни тўла яхши кўриб сақладики // гуноҳи дигарон бар ту наҳоҳанд навишт. Отасининг қабиҳ ишларини мунинг ҳақида эътибор тутмадилар. Ҳоннинг ақраболарининг улуғлукининг қаторида қилди. Ваъда қилдики, Ҳадича султонхонимни янги бошдан тўй қилиб бергай. Мирзо Абобакрнинг тўла фарзандлари бор эрди.

Ўзининг неча солиҳ ўғилларини уқубатга сазовор қилди. Отаси ўз гуноҳи бирла ўлтирилди. Ҳар авлодеки, боқий қолди, ҳаммасидин яхшироқи Жаҳонгир мирзо эрди. Мунинг ҳоли йўқори айтилди. Яна икки ўғли бор эрди. Мирзо Султон Абу Сайднинг ўғли, Мирзо Султон Маҳмуднинг қизидин бўлғон, бирининг оти Тавонгир, яна бирининг оти Бўстонгир. Андин Мирзо Абобакрнинг аҳли аёлини олиб келгали Тибатга киши буйруб олдириб келиб, Мирзо Абобакрнинг аҳлияси Хонзода бегимни никоҳига олди. Тавонгир мирзо хоннинг хизматида бўлиб, сувга ғарқ бўлди. Кичик ўғли Бўстонгир Мирзо онаси бирла Тибатдин келмай Кашмирга бориб, ондин Ҳиндистонга борди, ондин Кобулға келди, Бобур подшоҳнинг қошига кирди. Бўстонгир Мирзо Бобур подшоҳнинг амакининг қизининг ўғли эрди. Бовужуди отасининг ёмонлиқи жиҳатидин илтифотга етмади. Анда туролмай, ночор Мирзохоннинг қошига Бадахшонга келди.

Мирзохон тоғаси эрди. Мирзохон ҳам Мирзо Абобакрнинг адовати бирла тоғалик шафқатини қилмади. Бу ердин қочиб, ўзбек Шайбонға борди. Суюнчикхон анга эъзоз-икромлар қилиб, ҳар на бўлса одамизотлиги бор деб илтифот айлади. Ўз хоҳишича Тошканд ва Андижонларда умр ўтказди.

ЮЗ ЎТТИЗ САККИЗИНЧИ ФАСЛ

**КОШҚАРНИ ФАТҲ ҚИЛҒОНДИН КЕЙИН
ХОННИНГ АҲВОЛОТИНИНГ // ЗИКРИ**

278а

Вақтеки Хоннинг хотири мамлақат ишларидин саранжом топди, инъом ва эҳсонға қўл очдилар. Ато ва қарам бошлади. Ҳусусан ул жамоаларики душманга муқобала бўлиб, шижоат бир-

ла жонбозлиқ қилиб имтиёз топғонларга андоқ инъом ва эхсон айладики, булатнинг ёмғир қатраларидин зиёда ва адолатларининг юзидин зулм ва фасод раийатлардин андоқ йўқ бўлдики, масалан, бир заифа бошида бир табоқ тилло кўтариб борса, ҳеч офат етмас эрди. Бирор йўлда бир нарса қўйиб, яна ёниб келса, асло кам бўлмас эрди. Тамоми мулки мамлакатнинг низоми сипоҳ ва раийатларга бу қоида бирла интизом топдики, айшу ишрат дарвозаси ва фарорат эшиги очиқ эрди. **Ҳар** гурӯҳ ҳалойиқ хотири хоҳиш қилгунча бодаи ишратни жомға олур эрди. **Ҳар** уйда жамъе ўз жононаси бирла нағмаи дилкаш таронаси бирла журъа-кашлик қилур эрди.

Умуман жамъи ҳалойиқлар ва хусусан хон ҳамнишинлари қадаҳ чекмак зиёдасидин кечани кундуздин, кундузни кечадан фарқ қилолмас эрди. Ва гардиши рўзгорнинг келганидин хабари, вақтнинг ўтиб кетганидин асари йўқ эрди. Ва ҳушёрлиқни ўзларига ор билур эрдилар ва мастиликни шиъор. Бу маноҳий ишларни камоли тарихқа тўккуз юз ўн эрди то йигирма саккизигача (1504—1522), ондин кейин Хонга **Ҳақ** таоло тавфиқ ва ҳидоят бериб, манҳийот ва мамнуъот ишларидин тавба қилиб, қўл йирди. Ўз маҳалида зикр қилинур.

ЮЗ ЎТТУЗ ТЎҚКИЗИНЧИ ФАСЛ

**ЭМИН ХОЖА СУЛТОН ТУРФОНДИН
ХОННИНГ ХИЗМАТИГА КЕЛГАНИНИНГ ЗИКРИ**

Вақтеки Эмин Хожа султон Хоннинг хизматига келди. Бу сўзнинг шархи будирки, Султон Аҳмадхоннинг ўғлонларининг зикрида мазкур бўлдики, Эмин Хожа султон хон бирла бир туқғон биродари эрди.

2786 Султон // Аҳмадхон ўлгандин кейин Оқсуда Амир Жабборнинг мухолифатининг жиҳатидин Мирзо Абобакрнинг тасарруфиға тушди. Султон Аҳмадхоннинг ҳамма фарзандлари, ҳалқлари Турфон ва Чолишға бордилар. Мансурхон отаси Султон Аҳмадхоннинг ўрнида подшоҳ бўлди. Ҳамма биродарлари хизматида эрди. Ул вақтеки Эмин Ҳожа ёшлиқ камолиға етди. Ёшлиқ тақозосидин аҳли фитна ва маккорлар сўзи бирла подшоҳлик дағдагасини тузди ва фасодлар чиқарди. Мансурхон нечанд насиҳатлар қилиб, афв қилди аммо Эмин Ҳожа султон бу даъвадин тұхтамади. Охирул амр Мансурхон ўлтиրмакка буйруди. Барока отлиқ хоннинг эътимодлиқ бир кишиси бор эди, мунинг ишини мен қилай деб уйига олиб бориб бир қудук қўрлаб* шунда сақлади, Ўлтирдум деб шуҳрат берди. Неча муддатдин кейин хоннинг Мирзо Абобакрдин Кошқарни халос қилғон хабари етди, Мансурхон қилғон ишиға пушаймон бўлди, афсусу надоматлар қилди. Барока ота арз қилдики, хилоғи амр қилиб эҳтиётан Эмин Ҳожа султонни ўлтирмай сақлаб эрдим, деди. Мансурхон зиёда хуш бўлиб, Бароканинг уйидин олиб келиб рухсат берди. Эмин Ҳожа султон Бабожоқ султоннинг қошиға келдики, Мансурхоннинг она бир туққони эрди, анингдин рухсат олиб Кошқарға юз келтирди. Вақтеки бу хабар хонға етди, хонға ниҳояти хушлуқ юз келтурди. Байт:

Ҳар даме бу боғдин бар топғамен
Тозарақ тоза самардин топғамен,—

деб ҳамма аркони давлатлари бирла олдиға чиқдилар. Ҳаддин зиёда тарбият ва шафқат бирла салтанат авжига еткурди. Ул қишини ҳамиша хушхол бирла ўтказдилар. Вақтеки баҳор бўлди, Эмин Ҳожа султонга подшоҳона тўй қилдилар.

279a // Мўғул одамларини айриб Мир Жабборбердининг ўғли Сарик мирзо дуғлотдин Улусбекни ҳамроҳ қилиб, ва яна

* Кавлаб деган маънода

Назар мирзо қаторлиқ неча кишиларни мұғулнинг улусларидин илғаб Оқсуға равон бўлдилар. Оқсунинг раийатларидин Мирзо Абобакр голиб бўлғонда кўчириб Кошқарға олиб келиб эрди, уларга рухсат бериб Оқсуға ёндириди. Тарихқа тўққуз юз йигирма бири (1515—1516 й.)да Эмин Хожа султон Оқсуға юз келтурди. Мирзо Абобакр Оқсуни олғон вақтда шаҳарни вайрон қилиб эрди. Учнинг қалъаси маҳкам эрди, Эмин Хожа султон Учға бориб тушиб тобеларини зироат қилдириб иккинчи йили Оқсуға борди. Оқсу шаҳрини янги бошдин қалъа қилдурди. Эмин Хожа султоннинг ахволоти ўз маҳалида келур.

ЮЗ ҚИРҚИНЧИ ФАСЛ

ХОННИНГ КУДУРОТИКИ ИЛГАРИ ЎТИБ ЭРДИ МАНСУРХОНҒА МУЛОҚОТИНИНГ БОИСИ ВА ИТОАТ ҚИЛГОНИНИНГ ЗИКРИ

*Ҳ*ақ субҳонаҳу ва таоло ҳар одамни яхши сифат ва хулқи ҳасана бирла яратибдур. Ҳар вақтда ул кишидин яхшилиқдин ўзга иш келмайдур. Агарчандеки ҳамма олам халқи бу кишига ямонлиқ қилғон бўлса, мунинг муқобаласида ўбданлиқдин ўзга иш келмас. Алҳосил бу воқеанинг шарҳи китобнинг аввалисида баён ва тақрир топиб эрдики, Ҳон биродари бирла Мўгулистонда эрди, қирғиз бу икки биродарнинг хизматида эрди, авқотларини филжумла ўтиб эрди. Баҳар ҳол жоннинг саломатлигини ғанимат билур эрди. Вақтеки Мансурхон лашкар тортиб Ҳоннинг тӯфасига келди, икки лашкар рўбарў бўлди. Жанги азим бўлди. Охири Ҳон биродари бирла шикаст топди. Бу жиҳатдин мунда туролмай, ночор биродари бирла

2796 Фарғонага келди, Шоҳибекхоннинг қўлида бандга тушди. // Ҳоннинг биродари Султон Ҳалил Аҳси дарёсида

фарқ бўлди. Охири Хон қочиб қаландар суратида бўлиб Кобулга борди. Бу сўзнинг тафсили бирла мазкур бўлди. Бу воқеа, балолар Мансурхондан Ҳонға воқиъ бўлди. Вақтеки Ҳонға давлат асоси ул миқдор устувор бўлдики, лашкари жаррорнинг тўлалики ҳамма найзадор ва тигузор ва баҳодири номдорлар ончунон жамъ бўлдики, бу қувватнинг шавкатидин атрофдаги подшоҳларга ваҳму ҳарос пайдо бўлди. Ҳусусан Мансурхон Мирзо Абобакрдин қочиб Турфон ва Чолишда туриб эрди, бу замонда на қувват муқовамат бўлғай на турғоли ер топғай ва яна қочғоли тоқат бўлғай. Бовужуди Эминхожа сulton Ҳонға мулоқот бўлғонда Мансурхоннинг қилғон ишларини бир-бир тақрир қилиб, жароҳати қадимани янги қилиб эрди. Ҳамма арқони давлат Ҳонға маслаҳат бирла арз қилдики, Мансурхон фурсат топғон маҳалида ул ишлариники қилди ҳоло ҳам йўл қўйиб турсақ яна қилғуликни қилур, бас лойиқ ҳол ушбуки, агар Ҳон рухсат берсалар, биз анинг саранжомини бериб, билкуллия фориғбол бўлсақ, деб иттифоқ қилди. Ҳон иноят қилиб айттики, ҳар вақтда кичиклардин итоат ва улуғлардин иноят, агар кичиклардин бу маъни мавжуд бўлмаса, улуғларга вожибдурки, адаб бергай, ул суратда эоҳири ҳол ҳақ, биз икки биродардурмиз. Аммо ҳақ улдурки, хизмат ва итоатларини қилмоқда, биздин тақсир ўтиб эрди. Бизга вожиб ушбуки, ул тақсирнинг азалини бу замонки, Ҳудойи таоло қудрат берибдур, бу тақсирот хижолатини хизмат ва түхфалар бирла ўтгаймиз. Улуғ оғо — отанинг ўрнидадур, ҳар ишики ота қиласадур, болага шифодур деб

280a нома бирла // элчи йибордилар. Номанинг мазмуни бу эрдики, оғамиз Мансурхондин ҳар ишики воқеъ бўлди, бизнинг тақсиримиэдин эрди. Агар ҳам андоқ бўлмаса, улуғ оғо ота ўрнидадур. Ҳар нечанд ота инояти оз бўлса, аммо кичик ини фарзанд ўрнидадур. На ҳадди имкон бўлғайки, амридин тажовуз қилиб пешволиқда қадам қўйғай. Илтимосим ушбуки, ул тақсиротеки илгари ўтиб эрди, биздин афв қилғайлар. Ва рухсат қиласаларки,

банда осто nabuслуқ саодатини қилғаймен ва фойдаи касир топғоймен. Ул жумладин бири улки, агар бири тақсиротдин амал либосини мулаввас қылса, ризо сүйи бирла ювиб, пок қылсалар, яна бири ушбуки, биҳамдиллоҳ агарчандики бу фатҳдин дўстларға фажр ва мубоҳот, душманларға ажэ ва синуғлиқ ҳосил бўлди. Агар иттифоқи мулоқот бўлса, бадҳоҳларнинг авжоси буюқдин зиёдароқ синур ва ўзга фойдаларни айтмоқ ҳожат эмас.

Вақтеки бу нома ва пешкаш матолар Мансурхонға етди, жони лабига етиб эрди. Бу хабардин тоза жон топиб ниҳоятсиз шоду хуррам бўлди.

ЮЗ ҚИРҚ БИРИНЧИ ФАСЛ

МАНСУРХОННИНГ АҲВОЛИНИНГ ЗИКРИ

Вақтеки сўзининг зайди Мансурхонға етди, баён қилмоқ муносиб кўринди. Мансурхон Султон Аҳмадхоннинг чўнг ўғли, улар Юнусхоннинг ўғлидур. Вақтеки Султон Аҳмадхоннинг чўнг акаси Султон Маҳмудхонга воқелареки бўлди, китобнинг йуқорисида мазкур бўлди.

Ҳосили калом ушбуки, қадим умароларни Юнусхон ташлади, уларнинг ўрнида ароэиллар халқларидин умаро кўтариб ҳамма мамлакат ишларини топширди, булар ўзларини оқил чөглаб, хоннинг районни суст кўриб дўсти қадимиий ўзбек, чиратой ва қазоқларнинг шоҳларини хор

2806 тутдилар, душмани қадимийларни дўст билди // ва уларни кўтардилар. Андин Шоҳибекхон Чигатойға ғолиб бўлди ва Мовароуннаҳрони халос қилди. Султон Маҳмудхон Тошканда хон эрди. Мунинг қасдига тушди. Вақтеки Султон Маҳмуднинг танг бўлғонини Султон Аҳмадхон эшитти, биродарлиқ меҳри

кўнглида жўшга келди. Тарихқа тўққуз юз етти (1501—1502) эрди оғасининг хизматига юз келтурди. Ўз ўрида чўнг ўғли Мансурхонни Чолиш ва Турфон ва Кусан ва Бой, Оқсу ва Мўгулистонда подшоҳликқа қўйди.

Ўзи Тошканд тарафига борди. Вақтеки Султон Аҳмадхон Тошкандин шикаст еб касал бўлиб, Оқсуга ёниб келди, ўғли Мансурхон отасининг истиқболига чиқиб, шаҳарга туширди. Хон ўз касалини мушкул қўриб, Мансурхонни Турфонга йиборди. Ва Мансурхон Турфонда эрди, отаси Султон Аҳмадхон пок оламиға риҳлат қилди. Мансурхон Турфондин келиб Оқсуга хон бўлди. Оқсунинг хонлиқини саҳл билиб, Оқсуни қўйиб Мўгулистонга келди. Амир Жабборберди Учда эрди. Ул улусбеги эрди ва Султон Аҳмадхоннинг олдида азиз номдор эрди. Алҳақ ўзида доно киши эрди ва тадбири мамлакат ишида бебадал эрди. Мундоқ одамлар фитнаву фасод кунларида корга келуб эрди. Аммо Мансурхон Амир Жабборбердининг қасдига тушиб, ўлтирмақка хоҳиш қилди. Токи ани ўлтирасам, салтанат манга қарор топмайдур деб. Амир Жабборбердини ўлтиргани турди. Амир Жабборберди ҳар неча нола ва

281а зори қилди. Умаролар манъ қилдилар. Сўзини қабул // қилмади. Билдики ўлтирмақдин бўлак ишга рози эмас. Бас ўз ишининг чорасига қадам қўйди, Амир Жабборберди дарҳол Мирзо Абобакрга киши йиборди. Мирзо Абобакр ҳам шу фикрда эрди. Дармаҳал ўттуз минг лашкар бирла етиб келди. Амир Жабборберди истиқболига чиқиб, лашкарбоши бўлиб, олдида равон бўлди. Мирзо Абобакр орқасидин юрди. Вақтеки Мансурхон бу ишдин хабар топди олдига лашкар чиқорди, ўзи беклар бирла Оқсу қалъасини сақлади. Охири Мирзо Абобакр Оқсуни олди. Амир Жабборбердига лашкар жамъ қилиб бериб Бой ва Кусанга йиборди. Бой ва Кусанни олиб қўчириб Оқсуга олиб келди. Андоқки ул ерларда ҳеч ободонлиқ қолмади. Ва яна Амир Жабборберди арэ қилдики, агар рухсат бўлса, подшоҳ

Мұғулияга юз келтурсам. Ул яхшиликни мен уларға қилдим, киши кишиға қилмас, менинг аҳли аёлим бунда турса, мен Чолиш ва тоғлардаги халқтарни күчириб, хизматларига олиб келсам, тоинки, Мұғулий подшохларининг ишини саранжом бериб, хотиримизни уларнинг вахидин фориғ айласак деб арз қилди. Мирзо Абобақр хуш күрди, маңқул тутиб аҳли аёлинин садақати жон сипар қилиб топшириб, икки үғлидин бұлак ҳамма нақди амволини Кошқарға йиборди. Амир Жабборбердининг бу ишидин Мирзо Абобақрға ороми хотир ҳосил бўлди. Амир Жабборбердини йўлға солиб ўзи Кошқарға ёнди. Тамоми шаҳар ва диёргарни халқлардин холи қилиб, қушларға ошён қилди ва сахроларда чуғзи ватан қилди.

Мирзо Абобақр неча навъ мол-амвол, ганжларни олиб, камоли азимат ва шавкат бирла Кошқарға тушди. Амир Жабборберди Мирзо Абобақрнинг лашкари бирла ҳар тарафларга бориб ҳамла қилиб,

2816 оқибат Мирзо Абобақрнинг // лашкарлари жудо бўлиб, Кошқарға ёнди. Амир Жабборберди Мұғулистанға борди. Аммо Мансурхон ул қасдники Амир Жабборбердига қилиб эрди, пушаймон бўлди. Ва билдики бундек одамлар бўлмай, мулкнинг истиқрори бўлмас экан, деб. Амир Жабборбердига киши йиборди ва узрлар айтиб таклиф қилди. Мансурхон Амир Жабборбердининг синглисининг үғли эрди, билдики Мансурхон қилғон ишига пушаймон бўлибдур, низони қутарибдур деб қошиға келди. Бу ерда бир ҳикоят муносиб кўриндики, Талхак деб бир киши бор эрди. Термизда улди. Васият қилдики, мени йўл тепасига қўйиб, қабримни баланд қилинглар ва қабримга футунгларки, ҳар кишики бу ердин ўтса, менинг руҳимга фотиха ўқиса, шул кишига лаънат бўлсин! Агар фотиха ўқимаса отасига лаънат бўлсин, деб хат футунглар деб васият қилди. Ҳуззори мажлислар кулдилар ва айттиларки, халқ бу икки лаънатдин қандок халос бўладур? деди: Ҳалослиқ улки, асло мунинг қабристонининг қошиға киши келмагай. Термиздаги сўз Мұғулистандаги

хонларнинг дуглотининг чўнгларига ўхшашдурки, агар Амир Жабборбердига ўхшаш қилса ва жонини уларнинг қўлидин халос қилса бадном қилурларки, тузҳаромилик қилди, бадзод экан дейдурлар. Агар амакимга ўхшаш ўлган Хоннинг қабрисининг бошида одамиятчилик қилиб, нола зори қилса, тутиб ўлтуриб, номард қўлидин иш келмаган, дейдурлар. Бас буларнинг хизматининг натижасидин охирул амр номардлик оти ё тузҳаромилик исми бирла мавсуфдур. Илож улки, улардин йироқ бўлғайлар. Анга ўхшашки, хони бузрукворим Султон Маҳмудхонға айтибдурларки,

Байт:

Оlam aҳли birla olamdin vafo topmas kiши,
282a // Эй xush, ul ozodakim, olam bila buлmas iши.

Биҳамдиллоҳи таоло ул одамларики, бу жамоадин канора тутибдур, бу мақуладин йироқ бўлмоқлиқ авлодур. Ва ёндуқ сўзнинг аслигаки, Мансурхон ҳар важҳ бирла Амир Жабборбердига тасалли бердики, то Амир Жабборберди Мансурхон қошиға келмагунча, ишлари интизом топмади. Мансурхоннинг безобита вақтида тарихқа тўққуз юз ўн (1504—1505) эрди, то йигирма иккигача Мансурхон Чолиш ва Турфонда эрди. Бу вақтда воқеалар тўла бўлди. Ҳосили калом ушбуки, бир түққонлари муҳолифат қилди, мўгулийлардин тўла фитна пайдо бўлди. Ушбу сабабдин арлот беклари буларни ташлаб ва қирғизларни макри бирла қўлига тушириб тўласини ўлтуруб эрди. То Амир Жабборберди келди, яна салтанатнинг кори-бори Мансурхонға пайдо бўлди. Бу ишларнинг ҳаммаси Амир Жабборбердининг вазирлиқидин эрди. Кейин Бабожоқ султон тобелари бирла Мансурхондин айрилиб Кусанга борди. Мансурхон орқасидин бориб, жангি муҳосара қилиб ололмай андин сулҳ илтимос қилди.

Бабожоқ султон айттики, Эмин Ҳожа султон биродари эрди, анга нималар қилди, қайси ишиға эътимод қилиб, «сулҳ қиласман» деб, унамади.

Мансурхон шарманда бўлиб, қилғониға пушаймон қилди. Барока Отаға Эмин Ҳожа султонни үлтиргил деб амр қилғонда, Борока ота Эмин Ҳожа султонни ер кўрлатиб сақлаб эрди. Бабоҷоқ султон ушбу мазкур ишларни айтти, Мансурхон зиёда хижл бўлди. Охири Эмин Ҳожа султонни олиб келиб, Бабоҷоқ султониға топширди. Ва сулҳ қилдилар.

2826 //Мансурхон ёниб тушди. Бабоҷоқ султон Кусанда қолди. Бу воқеалардин хоннинг элчиси ошнолиқ борасидин Мансурхоннинг қошиға келди. Мансурхон Амир Жабборбердини Хоннинг қошиға йиборди. Арбот деган ерда мулоқот бўлдиларки, шарҳ қилинур.

ЮЗ ҚИРҚ ИККИНЧИ ФАСЛ

ИСКАНДАРХОННИНГ ТУҒУЛГОН ЗИКРИ

Историк тўккуз юз йигирма бирида жумодул охир ойининг аввалисида (1515 йил июлнинг ўрталари) эрди. Искандархон вужудга келди. Она тарафи Искандар Зулқарнайн наслидин эрди, табаррукан Искандархон от қўйилди. Мавлоно Мухаммад Шерозий уламойи изом ҳам табиби ҳозиқ эрди. Ўттуз йил бўлиб эрдики, мўгулий хонлар хизматида яхши ишлар бажо келтируб эрди. Хонларнинг садри судури эрди. Анинг баъзи ҳолини зикр қилинур.

Ул киши тарихни «Шоҳ Искандар»дин топибдур. Ҳожа Нуриддин Абдулвоҳид Таҳурий тарихни «нахли Эрам»дин топибдур. Ва баъзи фузалолар «лашкаршикан» тарих чиқарубурлар. Ҳон ул вақтда майни тўла истеъмол қилғонидин мизожига тафйир пайдо бўлди. Ҳавонинг латофати бирла табъига тақво қилмоқ учун Мўғулистонга келди. Мўғулистондин

ёнғондин кейин Хон бу фақир бандага айттики, сен менинг фарзандимга үхшаш, менинг ҳамширам хонлиқ садафининг гавҳаридур, сенинг ақди никоҳингта нисбат қилиб бердим. Мақсуд ул эрдики, бир натижа топғаймиз, деб анинг ўнг кўзи менинг оталиқим бирла бино бўлғай ва сўл қўзи сенинг шафқатингнинг жамоли бирла мунаввар бўлғай. Ва ул фарзанд иккимизнинг оталиқи бирла хурсанд бўлғай ва иккимиз анинг бирла хуррам бўлғаймиз, эмди мен сендин кўз тутаманки, бу фарзандимни фарзанд атамоқ лозим, сен мендин ҳар ишки кўз тутасен, ул мендин

283а // зуҳурға келур. Агар мундин кейин сендин фарзанд вужудға келса, бу фарзандимға биродар бўлур. Ва агар фарзанд келмаса, бўлак фарзандға муҳтоҷ бўлмағайсен, шумдоқ сўзларни иноят қилди. Ўз ҳамширасига ҳам айтти, биз иккаламиз миннатдорлик бирла қабул қилиб, Хонға пешкашлиқ қилинди. Мундин кейин Искандархоннинг аҳволини шарҳ қилинур.

ЮЗ ҚИРҚ УЧИНЧИ ФАСЛ

ОҚСУНИ ТАЪМИР ҚИЛМОҚНИНГ ЗИКРИ

Воқеалардаки бу муддатда элчилар тараддуди Мансурхоннинг ва хоннинг орасида бўлди. Ул вақтда Оқсуга равон бўлдилар.

Ул баҳорда Оқсуни таъмир қилмоққа машғул бўлдилар. Хонға тўла майхорлиқдин мизожи табдил бўлди, тобистонда мизожи ҳадди эътидолидин ўтиб охири табъларэа бўлди. Мавлоно Мұхаммад Шерозийки, табиби ҳозиқ эрди, айттики, табдили ҳаво қилмоқ лозим. Хон Мұғулистоннинг баъзиси сарҳадига юз келтурууб Кошқарнинг тоғларига саёҳат қилмоқчи бўлиб, мен бандани

Ёрканда қўйиб, ўзи Кошқарға тушдилар. Мен банда вилоятнинг ишларини зabit қилиб турдим. Кузнинг охирида Хон Мўгулистандин келди. Хоннинг мизожининг ҳарорати Мўгулистаннинг латофати ҳавосидин ва ҳавоий Кошқар жаннатнишондин эътидолига келиб, касал билкулмийа зойил, сиҳатлик маснадида ўлтуруб. Ёрканд тахтига тушдилар.

ЮЗ ҚИРҚ ТЎРТИНЧИ ФАСЛ

ҲАЗРАТИ МАВЛОНО МУҲАММАД ҚОЗИННИНГ ВАФОТЛАРИ ЗИКРИДА

Ҳазрати иршодмаоб бизларнинг маҳдумимиз ва санадимиз ва хожамизнинг улуғлуқларининг аҳволоти. Илгари зикр қилиниб эрдики, Ҳазрати Мавлоно Аҳсида ҳар ергаки хотири шарифлари хоҳиш қиласа,

2836 ул ерда юрур эрдилар. Ва тобелари ҳам бирла борур // эрдилар ва тўла одамлар улардин баҳраманд эрдилар. Ва муриду мухлислари тўла эрди. Вақтеки Суончикхон келиб, Ҳазрати Мавлоноға мулоzимат қилди ва мұътақиди хос бўлиб, Тошкандга таклиф қилди, Эшон Тошкандга бордилар. Оз вақтдин кейин пок шариф хотирлари бу тийра хокдин тийра бўлиб, поклиқ сарҳадида манзил тутдилар. «Иннаа лиллаҳи ва иннаа илайҳи ро жиъун («Албатта биз Оллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз У зотга қайтгучилармиз». 2; 151), алайҳир раҳмату вал мағфирату вар ризвон. Ул Ҳазратга мухлис ва мұътақидлар «Нақди Ҳожа Убайдуллоҳ» тарих топдилар. Умири шарифлари олтмишдин ўтиб, етмишга етмаб эрди. Илми зоҳир ва илми ботинда комил ва мукаммил эрди ва таснифоти мўътабарлари бор эрди. Аҳли тариқатлар дастурул амал билур эрдилар. Бу жумладин «Силсилатул орифин» китобидурки, камоли хўбликда уч қисм бирла тартиб берилди. Аввалки қисми шайхлиқ одоби-

да ва муридлиқ шароитлари баёнида, иккинчи қисми Ҳазрати Эшон, яъни Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳорор Вали қуддиса сиррухунинг ахволотларининг баёнида, учинчи қисми баъзи аҳлуллоҳдинки, қароматлар воқеъ бўлибдур аниг баёнида. Бу андоқ китобдурки, тавсиф қилмоқда забон ожиз ва қосирдур. Тамоми аҳли сулукларнинг мақбул ва матлубидур. Миқдори эллик жузвдур. Булардин бўлак ҳам расойиллари бордур. Баъзи масойиллареки, мен банда улардин сўраб эрдим, уларни ҳам қайди китобатга келтуриб эрдилар. Аммо фурсат бўлмадики, мен банда анга сарафroz бўлғаймен. Эшон алайҳир раҳма вафот бўлғондин кейин, ўғлонлари халифайи мутлақ маҳдумзода Мавлоно Қутбиддин Аҳмад ул рисолани манга йибориб эканлар, мен бандай бебизоат иститоатим йўқ, таҳкиқ биламенки бу

284а мусаввада ғафлат қаламидин // жаҳолат сиёҳи бирла битилди бўлғай, соҳиби назарлар назарига анча кўргучилиги йўқ. Магар бу рисолани уларнинг табаррук ва тайаммуналуғи бирла соҳиби назарларға мақбул бўлса, бу бандай каминанинг қалами тақрирининг пастлигини бу рисолаи шарифнинг баракоти бирла афв этакини ёпғайлар. Ва агар хато ва халали воқеъ бўлса, Ҳазрати Фаффору зунуб ва саттор ул-уюб жалла жалолуҳу ул хато ва халални бу рисоланинг ростлиқ туфайлидин ўтгай. Вақтеки Ҳазрати Мавлононинг вафотларининг хабари Ҳонға етти, бу хабардин оташангез муҳлислар жониға туташди. Бу мақулалар бирла тараннум қилдиларки,

Байт:

Дариғо, бу жаҳоннинг покбози даҳодин кетди,
Келиб поку яна ҳам пок жаннат қасриға етди.

Бу аламдин чашмлар гирён ва сийналар бирён бўлди. Субхи фароғатнинг кунлари шомга мубаддал бўлди. Бу факир бандага ул вақт бу рисола етди. Ани ўз жинси бирла нақл қилинди. Таржимаси будур: Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. Ҳамду санову ситойиш азалдин абадга хосдур. Ҳудованди оламиёнғаким хос қилибдур. Ул Оллоҳи таоло тоифани аҳли кашфлар улуғларидин

ҳақиқат ва маърифатнинг бўйига яроғ қилибдур. Уларни ғафлат ва маҳрумлиқ муҳлиқотларидин зийнат берибдур. Улар дилла-риға ҳидоят ва яқин нурлари бирла ва дуруди номаъдуд ул **Хожайи** коинот саллаллоҳу алайҳи васалламгаким йиборибдур. **Худойи** таоло инсу жиннинг ҳаммасига қавий қилибдур. Ул **Муҳаммад** саллаллоҳу алайҳи васалламнинг амрларини **Қуръон-**нинг оятларининг далиллари бирла олу асҳобнинг жамиъларига ва жамеъи аҳли илм ва аҳли имонга. Аммо баад, айтур пойшикаста ва сукут зовиясида

2846 ўлтурғон гумном **Муҳаммадки Бурҳониддиннинг** // **Муҳаммад** Қози от бирла машҳурдур, бир куни мажлисида арз қилиндики, ул подшоҳзодаи фаридуниқдор, хоқони комкор, шаҳаншоҳи кишваркушойдин диндор уламоларға тарбият қилгучи ва заифоларға иъонат қилгучи дўстнавоз ва душмангудоз зиллulloҳи л-малик ад-дайён **Муҳаммад** Ҳайдар ибн **Муҳаммад** Ҳусайн Қурагон даввана **Оллоҳу** таоло давлатаҳу ва зодоллоҳу муҳлисаҳуки бир нусхаени арбоби салтанат тариқиға қаламға келтургай-мен деб нечанд калимаи гуноҳи кабиралар баёнида ва уламолар аҳволини танумоқ салтанат шароитлари эрди, футулди. Үмид улки ул **Ҳазратнинг** илтифоти бениҳоятларини подшоҳона меҳрибон-лиқдин бу тухфа нишонани ризо кўзи бирла қараб мулоҳаза қилғайлар. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ул олийи жуд валийи сужуд жаҳонгирни замоннинг оғатидин сақлағай баҳакқин набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва алад давом давлат офтобини ва саодат соясини ожиз раийатлар бошиға тобандада ва поянда қилғай. **Дарҳақиқат** поклиқ улдурки, бу давлати фонийни писанд қилмагайки бу навбатдур, давлат эмас, давлат улдурки, адлу эҳсон тавғиқи бирла имон давлатини топиб, бу тийра хоқдон оламидин беҳишт оstonига еттай.

Эмди аҳли каломни баён қилмоқ лозимки, билгил эй толиби содик, **Оллоҳу** таоло сени мұқарраб бандаларига шерик қилибдурки, аҳли кашфлар улуглари ва аҳли мушоҳадалар равиши ушбуки, одам яратмоқдин гараз **Парвардигори** оламға муҳаббат пайдо

қилмоқлуқдур. Ҳеч давлат бу давлатдин улуғ әмаски, банда бу оламдин борса, Ҳудойи таолонинг муҳаббатини бирла олиб борғай. Вақтеки толиби дилнинг заминини хасу ҳошоқдин холи айлаб муҳаббати илохий тухмини сочмоқга қабул бўлиб, жаноби аҳадиятга етмакликка саъю қушиш қилғай ва замини дилни гуноҳнинг хасу ҳошокидин пок муҳаббати илохийнинг тухмини ундириб

285а риёзати шоққа ва мужоҳадаи //тақво сүйи бирла сероб қилғай, то тараққий бирла парвариш тониб мартабаи ишқға етгай ва ҳар нимарсаеки файри маъшуқдур ани куйдургай.

Назм:

Ишқ бир ўтдурки ҳар ким жаҳд айлаб ёндуур,
Ҳар нима маъшуқдин ўзга бўлса, они куйдурур.

Бас билгил, эй азиз, гуноҳи кабирада ихтилоф тўладур. Баъзи уламолар Расул алайҳис саломдин нақл қилибурки, гуноҳи кабира еттидур Ул Ҳудоға ширк келтирмак — наъузу биллоҳ, иккинчи бир кишини ноҳақ ӯлтиրмак, учинчи — пок мазлумни зиноға ташбиҳ қилмоқ, тўртунчи етимларнинг молини ноҳақ емаклик, бешинчи — ҳазона пулни емаклик, олтинчи — коғир бирла жанг қилурда бир мўъмин икки коғирдин қочмоқлиқ, еттинчи — отаонасини норози қилмоғлиқ. Баъзи уламолар айтибурларки, гуноҳи кабира улдурки, соҳиби шаръ анга нимарсаи тайин қилмабдур, бовужуди ушбуки, ваъидға тасриҳ қилибурлар. Яъни, азоби дўзахға муайяндур. Аммо Шайх Абу Толиб Маккий раҳматуллоҳи алайҳи «Қут ал-қулуб» деган китобларида келтирубдурларки, акмал аҳдуллоҳлар иттифоқ қилиб таҳқиқига етибурларки, гуноҳи кабира ўн еттидур. Ва ҳар киши бу ўн етти гуноҳдин парҳез қиласа, қолғон гуноҳлар сафирадур. Саккизинчи Ҳудонинг даргоҳидин ноумид бўлмоқлиқ, ҳарчанд гуноҳи тўла бўлса. Тўқкузинчи эмин бўлмоқлиқ Ҳудонинг ғазабидин, ҳарчанд тоати зиёда бўлса, ўнунчи — гуноҳни ҳамиша қилмоқ, ўн биринчи — ёлғон гувоҳлик бермак, ўн иккинчи — ёлғон қасам қилмоқ, Ҳақни ботил суратида, ўн учунчи — сехогарлик қилмоқ, ўн тўртунчи — ўғирлик

қилмоқ, ўн бешинчи — шароб ичмак, ўн олтинчи — зино қилмоқ, ўн еттинчи — лавот қилмоқ. Ҳар киши бу ўн етти гуноҳдин парҳез қилса, ўзга гуноҳлар йўқ бўлғучидур. Ва бу калом забтга яқинроқдур. Ва баъзи орифлар айтибдурларки, ҳар ҳафта

2856 жума адо қилмоқ то яна жума кунигача гуноҳи сафирага // кафоратдур. Вақтеки кимарсаннинг дилига гуноҳнинг қаролики етса, тавбаю истиғфор бирла Ҳудойи таолонинг мұхаббати барқарор бўлур, дилнинг зангини эритур ояти кариманинг далили бирлаки «*Иннал ал-мулүүка иззәа дахолуу қориатан*» («Аниқки, подшоҳлар қачон бирон қишлоққа (бостириб) кирсалар, уни вайрон этурлар». 27; 34) илгарики низомларни барҳам берадур. Баңдалик мақомида мутамаккин бўлиб, ағёрнинг музоҳамати бўлмай, маҳбубнинг васли мұяссар бўладур.

ЮЗ ҚИРҚ БЕШИНЧИ ФАСЛ

ҲАЗРАТИ МАВЛОНО МУҲАММАД ҚОЗИ АЛАЙХИР РАҲМА ВАР-РИЗВОН ВАФОТИ

Мир Ҳайдархонға насиҳат қилронлари ва ул насиҳат подшоҳлиқ борасидин эрдики агар кимарсага Ҳудойи таоло подшоҳлиқ, яъни ўз бандаларига эгадорлиқ қилмоқнинг насиб айласа, подшоҳлиққа нечанд шартлар бордур. Бу шартлар мавжуд бўлмай подшоҳлиқ иши дунё ва охиратда низом топмас. Мамлакатнинг раийатлариға подшоҳ ҳакқида ҳуқуқлар бордур. Ушбу ҳуқуқларни адо қилмай азоби охиратдин нажот топмас. Бу тақрир баёнини бар сабили ижмол мухтасар баён қилинур. Аммо подшоҳлиқ шароити ўн ишдур. Аввали улдурки, бир воқеа пеш келса, подшоҳ ва ҳоким ўзини раийатнинг бирига тасаввур қилғай.

Яна бировни ўзига ҳоким билғай, анинг ҳукмиға унағай ва ҳар ҳукмики бировдин бўлибдур, ўзига раво қўрмаса шумра ўз ҳукми-

ни яна бирорга раво қўрмагай. Иккинчи — мусулмонларнинг ҳар қисми ҳожати бўлса ани ўзи адо қилмоқни тоатларнинг афзали билгай. Хабарда келибдурки, «Қолаан-набиийу алайҳи салом, ид-холус-сурори фи қолби муъмин ювазий, амалас-сақолайн» (ҳадис), яъни Расул алайҳис салом айтибдурларки, бир мўъминнинг кўнглини хуш қилмоқлик инсу жиннинг тоати бирла баробардур. Бас, подшоҳларға лозимдурки ҳамиша мусулмонларнинг ҳожатига мунтазир бўлғай. Билгайки, бир мусулмонунинг эшикида мунтазир ва муҳтоҷ бўлса, аниңг ҳожатини раво

28ба қилмай, ҳеч // ибодатға машғул бўлмағай. Ўз нафсининг роҳатини истаб мусулмонларнинг ҳожатини таъхир қилмағай. Учунчи — емак ва киймақда халифаи рошидин разиаллоҳу анҳум қилғонлариға иқтидо қилсун, нафсини тўла лазиз таомларға ва ўбдан либосларға одат қилмасун. Ривоят қилибдурки, амирул мўъминин Али каррамаллоҳу важҳаҳу тахти хилофатта ўлтурдилар ва бозорға бориб, бир қўнглак сотиб олдилар, аниңг енги ва этаки қўлларидин ва пойчаларидин зиёда эрди. Шу ерда кесдилар. Ҳалқ айттики, нима учун мундоқ қиласиз? Бу покликқа яқин ва тавозега лойиқдур. Мўъминлар иқтидо қилмоқиға лойиқ ва сазоворроқдур, — дедилар. Тўртунчи — ҳукм қилмоқлиқда мулойимлик бирла ҳукм қилғай, дурушт қилмағай. Додҳоҳ тўла сўзлаб ҳужжат этса малул бўлмағай. Ожиз мискинларға сўз айтмоқдин нанг қилмағай. Нақлдурки, бир кимарса Маъмун халифа вақтида бир гуноҳ қилиб эрди, ул қочди, — амалдорлар аниңг биродарини Маъмуннинг олдиға солиб келди. Маъмун ҳукм қилдики бу биродарини топсун, магар топмаса, шумни ўлдиринглар деб. Бу киши айттики, сизнинг амалдорингиз бир кишини ўлтиромакни ҳоҳласа, сиз ўлтиромасин деб бир нишон берсангиз, амалдорингиз ани ўлтирамдур, ё қўя берамдур? Маъмун айттики, қўя берадур. Бу киши айттики, мен ҳукм олиб нишон келтурдум, Ҳудойи таоло сизни мунча ҳалойиққа ҳоким қилибдурки, «Ва ла тазиру ваазиротун визро ухро» («Ҳеч бир кўтаргувчи — (яъни гуноҳкор жон) — ўзга жоннинг юкини, яъни гуноҳини кўтармас» 35,18) деб бу оятни

үқиди. Маъмун айттики, таслим қилдим деб, бу кишини қўя берди. Бешинчи — халқнинг ризоси учун ҳукмда сустлуқ қилмағай. Кишининг хушнудлуқи учун шариатта мухолифат қилмагай. Ҳукуматнинг хосиятини билгайки ҳамиша халқнинг навозишида бўлғай.

2866 Ҳудойи таолонинг ризолиқининг талабида // бўлғай. Ва халқнинг хашмидин андиша қилмағай. Ҳудойи таоло рози бўлғай ва халқ ҳам ул ҳокимдин рози бўлғай. Чунончи, Расул алайхис салом айтибдурларки, «Ман толаба ризо-а Оллоҳи бисахат ан-наси розия Оллоҳу ъанҳу» (ҳадис) яъни кишига Ҳудойи таолонинг хушнудлиқини талаб қилса, халқ оччиридин (жаждидин) андиша қилмағайки, Ҳудойи таоло ул кишидин хушнуд бўлур.

Олтинчи — ҳукуматнинг хатаридин ва вилоятнинг хатаридин ғофил бўлмағай ва яқин билгайки, подшоҳлиқ ва ҳокимлиқ мансаби Ҳақ таолонинг ҳоким сифатининг асаридурки, ушбу асар бирла саодати абадий ҳосил бўладур ва тўла подшоҳ ва ҳокимлар бу тариқададурки фонийнинг давлатига мағрур бўлиб ва ҳавоий нафсоний бирла ўзини вайрон ва динларини хароб айлаб нангут номус бирла иймонини барбод берибдурлар. Магар Ҳудойи таоло сакласа бугунки ихтиёр жиловиси қулидадур, жидду жаҳд қилмоқ лозим, то дунё ва охиратнинг давлатини савоб ва адл йўли бирла ғанимат билмак лозимдур. Ҳабарда келибдурки, ҳашр куни одил ҳокимнинг аддини бир тарозуға солурлар. Жамъ тоатлар бирла вазн қилинур, ўзга тоат бирла баробар келур. Жидду жаҳд қилиб ўзини бу саодатдин маҳрум қилмағай. Еттинчи — диндор олимлар бирла ҳамсұҳбат бўлғай ва уларни қўрмакликка ҳарис бўлғай. Мундоқ уламоларнинг насиҳатларини рўзгорининг саодати билгай. Ва жоҳил, омий ва фосиқлар сұхбатидин юз уйругай, аниг учунки, мундоқ халқлар динни вайрон қилғучидур. Ҳорун ар-Рашиддин ривоят қилинубдурки, шайх Шафиқ Балхийни таклиф қилиб айттики, эй шайх манга насиҳат қилсангиз. Шайх айтти, эй амирул мўъминин, Ҳудойи таолонинг саройи бордурки, аниг оти дўзахдур, сизни ул саройға дарвозабанд қилибдур ва сизга уч нимарса берубдурки, токи бу уч

287a // нарса бирла халойиқни ёндурасиз, мол ва тозиёна ва шамшир сизга лозимдурки, мол бирла фақир ва муҳтожларни ҳожатидин чиқарғайсиз. Музтар бўлиб, шубҳа ва ҳаром ишларни лозим тутмагайсиз. Ва золимларни шамшир бирла дафъ қилғайсиз. Ва фосиқларга тозиёна бирла адаб бергайсиз. Агар ушбу ишларни қилсангиз сиз ҳам нажот топасиз, ҳалқ ҳам нажот топадур. Агар бу ишларни қилмасангиз, ҳаммадин илгари дўзахга киравсиз. Ҳалқ орқангиздин кирав. Саккизинчи — улуғлиқ ва такаббурлик бирла ҳалқни вахшатлик қилмағай, балки адлу эҳсон бирла чўнг ва кичикларга маҳбуб бўлғай.

Расул алайхис салом айтибдурларки, подшоҳ ва ҳокимларнинг ўбдони улки, сизларни дўст тутса ва сизлар уларни дўст тутсанглар. Подшоҳ ва ҳокимлар ёмони улдурки, сизларни душман тутса, ва сизлар уларни душман тутсанглар. Тўқкузунчи — подшоҳ бекларнинг хиёнатидин ва золим доругалардин ўғифл бўлмағай. Бўри ва айиқ сифат золимларни раоё мазлумларға қушмағай. Вактеки бирда-биридин зулм ва хиёнат зоҳир бўлса, ани мувахазаи уқубат қилғайки, ўзгаларга ибрат бўлғай. Подшоҳлиқ сиёсатида суҳулатлик қилмағай. Хизмат қиласурғонларни сиёсат, насиҳат бирла қўрқутғай. Ўнунчи — фаросатдурки подшоҳ ва ҳокимларга вожибдурки, ҳаводис пайдо бўлғон вақтда андиша бирла тахтиға қарагай. Ақлу фаҳмнинг ниҳоятича ҳар ҳукмнинг ҳақиқатига еткай. Басорат кўзи бирла шул ишнинг далилига лойиқ йўл топғай.

Агар ул иш сарих ва равшан бўлса, масалаи шаръийа бирла айригай. Агар маҳфий ишлардин бўлса, ул иш асрорини фаросат нури бирла идрок

287б қилғай. // Ва бу ишда кишининг сўзига эътимод қилмағай, анинг учунки ҳаводис пайдо бўлмоқи ҳамиша тугамайдур. Ҳокимларга билмак лозимки, мусулмонларға роғиб бўлмоқнинг ҳаққи бордур. Ул ҳақни адо қилмоқ ҳоким ва подшоҳларга вожибдур. Жобир ва оммаларнинг сўзларини бири-бирининг ҳакқида эшиитмагай, анинг учунки булар ҳамиша ғарази фосид бирла сўзлайдур. Ҳазрати Али каррамаллоҳу важҳаҳудин нақл қилибдурлар-

ки, бир киши олдиларига келиб, бир кишини ёмонлиқини айтмоққа машғул бўлди. Амирул мўъминин Али каррамаллоҳу важҳаҳу айттиларки бу сўзни таҳқиқлайман, агар рост айтғон бўлсанг сұханчинлик қилған сабабдин сени душман тутаман, агар ёлғон айтғон бўлсанг, санга уқубат қиласмен, агар тавба қиласанг, афв қиласмен дедилар. Айтти, тавба қилдим, афв қилдилар. Ва дигар лозим улки, бир мусулмонга гуноҳи ё тақсири сабабидин ғазаб қилмоқ лозим келса ба қадри имкон афв қилғай. Магар ғазаб диндорлиқ тарағидин келса, ғазаб қилғай, аммо дунё ишиға афв авлодур. Агар бу ишда афв қилса, Худойи таоло анинг гуноҳини афв қилур. Хабарда келибдурки, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло Юсуф алайҳис саломға вахй қилди, эй Юсуф, ул афвники сен оғаларингга қилдинг, мен отингни баланд қилдим, вассалом.

ЮЗ ҚИРҚ ОЛТИНЧИ ФАСЛ

СУЛТОН САИДХОН МАНСУРХОН БИРЛА МУЛОҚОТ БЎЛИБ, ОШНОЛИҚ ҚИЛГОНИНИНГ ЗИКРИ

Вақтеки Ҳон ул қишини айшу тарабда ўтказдилар, Турфон, Кошқардин бир ойлиқ йўлдур, токи элчилар ўтрода тараддуд қилиб мулоқот жойини таъйин қилдиларки, бир йил ўтди. Тарих-қа тўққуз юз йигирма икки (1516—1517) эрди, Ҳон Оқсуға бориб яна Кошқарға келдилар. Мен банда отдин йиқилиб, қўлим чиқиб зиёда мажруҳ бўлиб эрдим, неча кун менинг сиҳатим учун

288а Кошқарда таваққуф қилди. // Вақтеки фот соғаймади, Ҳон равон бўлди. Мен неча кун Кошқарда қолдим. Қўлим соқайганда орқадин юриб, Жойтубада Ҳонга етдим. Неча манзил юриб, Учға етдилар. Эмин Ҳожа султон Учда эрди, истиқболлариға чиқиб, Ҳонни таклиф қилди. Ҳон ўрдасиға тушдилар. Пеш-

каш тортти. Неча кун туриб бу ердин шоду хуррам равон бўлиб, Оқсуға келдилар. Оқсу ҳануз обод эмас эрди. Ондин ўтиб Жомфа тушдилар. Мансурхон ҳам Турфондин етиб келиб, Ароботга тушдикни етти фарсах йўлдур. Ондин Мир Жабборберди келиб Хоннинг мулоzиматига мушарраф бўлди. Муқаррар қилдикни, икки тарафдин лашкар ораста бўлиб турсун, ҳар иккала тарафдин нокора-карнай жўшика келтурсин. Ондин ҳар икки хон ўттуздин киши йибориб, саф ўтросида мулоқот қилсан, деди.

Бу маслаҳатни муқаррар қилиб, бу бандани Мансурхоннинг истиқболиға йиборди. Фақир Мансурхоннинг ҳузурига етдим. Анвоъ меҳро-шафқат бирла навозишлар қилди. Ондин иккала хон орадаки ихтилофни қўтардилар ва сулҳ қилишдилар. Мунозаат иши дафъ бўлди. Ва Мансурхон равон бўлиб келиб, Хоннинг қароргоҳига етдилар. Бабоjoқ султон ва Шоҳ Шайх Муҳаммад султон Мансурхоннинг она бир, бир туқон биродари эрди, буларни чарлаб, ҳар бирига жаэм ва эҳтиёт борасида сўзлар қилди. Ва Азиэбердини ўттуз киши бирла йўл тўфасида қўйди. Колғон лашкарларни ёндуруди. Мир Жабборбердининг синглиси Соҳиб Давлат бегим Мансурхоннинг онаси эрди. Моҳимхон Мансурхоннинг синглиси эрди,

Хон ҳам бу тарафдин ўтгуз киши бирла келиб, боргоҳ тикдилар.

2886 Мансурхон // ҳам келиб тушиб, хонлиқ маснадининг тўрида ва жаҳонбонлиқ маснадида ўлтурди.

Назм:

Аёгин тахти зар устида қўйди.

Халойиқ тахтига бошини қўйди.

Ондин икковлан қўришдилар ва навозишлар бирла қучоқлашдилар. Ондин Хон қўфиб, кейин туруб мўгулий қоидаси бирла тавозеъ қилиб, мундоқ подшоҳга на тариқалиқ нарса лойиқрок эрди, пешкаш қилди.

Амир Жабборберди муболагалар бирла узр айтди. Мансурхон бу сўзнинг ҳаммасини англади ва тамомий пешкашни қабул

қилди. Ҳон тавозеъ бирла ура туриб эрди, Мансурхон таклиф қилиб ёнига үлтурғизуб айтдики, агарчандеки ман ёшда чўнг бўлсаму, аммо мартабада сиз отам мартабасида, мунча тавозеъ лозим эмас деди. Ҳон яна ура қўфиб Мансурхоннинг ҳурматини камо янбаги бажо келтириб, ондин үлтириди. Мансурхон аввалки сўзларни иъода қилиб, ўбдан сўзлар бирла муҳаббат қилди ва айтдики, инқилоб замонининг заҳри рўзгорнинг пархундафаржом комифа етди, нечук кун ўткардингиз деди. Ҳон арз қилдики, вақтеки чапнинг иши ўнгга уйрулса, фироқнинг охири васлга анжом топса, охирининг ҳаловати илгаркисининг заҳрини фаромуш қилдиур.

Байт:

Тотса юз заҳрени ҳижрон кўйида,
Бирга минг роҳат шаробин ичгай ул
Оқибат васлин мұяссар айласа,
Шавқини оғоз айлаб неттай ул.

Алҳамдуиллоҳки ул мушкуллареки бошимдин ўтиб эрди, бу бирлаҳзада аниңг тадоруки бўлди. Ва дигар анча мамлакат ва салтанат ишларида лойик сўзларни қилишиб, қасам қилишдилар. Ва яқдил ва яқжиҳатлик тарғибида дўстлук силсиласи интизом топди. Ва

289а Мансурхон ҳам Ҳонға пешкаш қилди. Ондин видолашиб // жудо бўлиб, ҳар бирлари ўз лашкарлари тарафига равон бўлдилар. Лашкаргоҳдин то ўрдага келиб тушгунча ушбу сўзларни айтиб келдилар. Ва айтдиларки, шавқнинг ташналиги ва мулоқотнинг очлиқи бу миқдор васлни майи бирла ҳануз таскин топмади, дейди. Ул кеча ўтди ва тонг отди. Мансурхондин киши келиб мен бандани чарлади. Хизматларига бордим. Анвоъи меҳр-шафқатлар кўргизди. Ранго-ранг зиёфатлар қилиб рухсат берди, факир йўлга равон бўлиб, эртаси Ҳоннинг қошиға келдим. Мансурхон айтган сўзларни баён қилдим. Бу сулҳдин тамоми сипоҳ ва раийатлар рафоҳийат топди. Ҳар киши ўз корида фориулбол бўлди. Икки подшоҳнинг камолининг давлатига дуога қўл кўтардилар. Ва фузалои устодкор тарих айтилар. Ул жумладин бири: «ду лашкари ба нишот» (икки қўшин хурсанд) тарих 922 (1516) эрди.

ЮЗ ҚИРҚ ЕТТИНЧИ ФАСЛ

**ХОН СУЛҲ ҚИЛИШИБ ЁНГОНИНИНГ
ВА УЛ ИШЛАРЕКИ МУНДИН КЕЙИН ВОҶЕЪ
БЎЛИБДУР АНИНГ ЗИКРИ**

Вақтеки Хон Ёркандга юз келтирди, Сўнгтош деган ер Учдин бери Кошқар тарафига уч қунлук йўлдур, шу ердин лашкардин жудо бўлиб, олти қунда Ёркандга етдилар ва Ёрканд тахтида ўлтиридилар. Аҳли базмлар, яна оҳанги ишратни рост қилдилар. Айшнинг навосини фароғатсоз айладилар.

Байт:

Соқиё, бода кетургил айлали ишрат шиор,
Чунки шоҳ келди сафардин, топди тахт узра қарор.
Рўзи иқбол тийра эрдики саодат буржидин,
Мехро яннлиғ равшан этти, бўлди бизга баҳт ёр.

Ул тариқа бирлаки илгари зикр қилиниб эрди, ҳар киши ўз ҳолиға яраша ишратга машғул бўлди. Ҳар кишининг гуллари очилди даврон

2896 боғида. Хон Ёркандга қадам ташриф келтурганда, савр // буржи эрди. Ҳонгули хаймасини саҳроға тикиб, тахти сабз узра ўлтириб эрди. Абри найсонлар торам миноға солиб ва лола чатри лаълни зумурадгун фаршида ўлтириб, қумри ва фохтаклар ишқибозлиқда соз айлаб, булбул гулнинг шавқида ҳазордастанлиқ бирла жилва берур эрди.

Бу ўлтиromoқ бирла то икки йилгача Ёркандинг арк ўрдасида икки йил ўлтириди. Аммо бу йилда хотири кимётаъсирларини фориғбол айлаб шаҳардин Мирзо Абобакрнинг иморати Гулбоққа юз келтурди.

Баҳор айёмининг эътидоли тобистон ҳарорати бирла қизиди. Бу ҳароратдин мизожлариға дараҳт соясидин ўзга чора топмади-

лар. Ва Гулбоққа келдилар. Ондин ҳамма умаролар кенгаш қилиб, Хоннинг боргоҳида жамъ бўлдилар ва арз қилдиларки, бу кунларда Ҳақ таолонинг инояти бирла давлат бозуси қувватини лозим қилмоқ керакки, душманлар тўладур ва ани йўқ этмаклик бир ҳамла бирла кифоядир. Агар ушбу маҳалда биз душмандин интиқом олмасак, қачон олгаймиэ?

Бу душманларни ҳали йўқ қилмасак, қачон йўқ қилгаймиз, дедилар. Бу сўздин Хонга қадимқи доиялари янги сурат боғлади. Амр қилдиларки, лашкар тайёр бўлғай деб. Лашкарлар жамъ бўлди. Ёзинг охирисида Андижонга Суюнчикхон бирла жанг қилмоққа азм қилдилар.

Кошқарға тушиб, жамъи асбоби жангни ороста қилиб, ондин юриб Тўйишибошиға етдилар. Бу ерда шикор қилиб, шикордин фориғ бўлиб, бу ердин юриб, Чодирқўлға боргоҳларини тикдилар. Бу ҳолда хабар бўлдики, Бабожоқ султон келди, деб. Бабожоқ султон Мансурхоннинг биродари эрди. Ани Мансурхон лашкариға сардор қилиб эрди. Мансурхон бирла мулоқот бўлганда Хон бирла қўришмаб эрди. Куз

290а фаслида // Мансурхондин рухсат олиб, агар улуғ оғам Султон Сайдхон бирла қўришмасам беадаблик бўлур деб, ўз жойи Бой ва Кусандин сафар ихтиёр қилиб, Кошқарға келиб Хоннинг Андижонга Суюнчикхон бирла жанг қилголи отланғонини анғлаб орқасидин юриб, Чодирқўлда етди. Хон ҳам биродарлик шавқидин меҳрибонлик силсиласи ҳаракатга келиб, ҳарчанд Бабожоқ султон кичик инилари бўлсаму, истиқболига бориб қучоқлашиб қўришди. Турлик-турлик биродарлик шафқатини аниг ҳаққида адо айладилар.

Назм:

Ажабки келмакингиз баҳт марҳабо қилди.

Жамолингизни малаклар қўруб, дуо қилди,—

деб бу байтни ўқиб, айттиларки, бу маҳалда хотирим душмандин интиқом олмоқ хоҳишини қилиб эрди, бу ишда сизни олиб келмак

мушкул эрди, алхамдуиллоҳки, онча орзум бор эрди, икки тарафнинг холис нияти зоҳир бўлиб, хоҳишдин зиёда **Ҳақ** таоло мұяссар қилиб берди.

Сизнинг мундоқ келмакингиз фатҳу нусратнинг ибтидосидур. Бу икки биродар ҳамионон бўлиб, Андижонга равон бўлдилар. Пориябози деган ерга етиб шикор қилиб, ҳарқура ва гавазн ва мундин бўлак нарсаларни олиб лашкарларига тақсим қилиб бердилар. Вақтеки шикордин фориғ бўлиб, бир ерга тушдиларки, ул ернинг таровати Эрам боғидин нишона берур эрди. Ул ерда мажлиси дилкашни ниҳояти шодлиқ бирла тузатдилар. Мажлис охирига ҳам етди. Бабожоқ султон **Хонға** арз қилдики, ул тақсиротеки баҳорда мендин воқеъ бўлди, шундин

2906 бери давлат мулоғиматларини солҳои сол излаб юур эрдим, мұяссар бўлмас // эрди. Ул ишни адабга лойиқ кўрдумки, ул тахтга давлатпаноҳки, Ёрканнададур хизмат мулоғиматларига етсам қўзимни даргоҳнинг хокира сурсам, деб Кошқарға келиб эрдим, қадами шарифларини бу ерга келди, деб англаб, дар маҳал бу ерга келиб эрдим. Бу маротабада лашкар тўхтаса яна бориб асбоби лашкарни мураттаб қилиб, озгина фурсатда яна хизматларига келсам, андоғ иш юз бергайки, ададсиз жонсипорлик қилғаймиз, то дўст-душманга ва дўстга зоҳир бўлғай. Ва агар мундоқ бўлмаса, қасди азиматим андоғдурки, ани буэмоқға эҳтимоли йўқ. Фақир ҳар вақтда нусрати марқабларига жонсипориш қилғумдур. Вақтеки бу сўзларни **Хон** эшишиб амр қилдиларки, йиллар ўтиб эрдики, бу азиз инимнинг орзуси жонда коргар эрди ва бу неъматнинг шуқронасиға муносиб улки, бу сафар ёнсақ. Неча муддат бирла умр ўткарсак, токи яна баҳорда асбоби жангларни муҳайёй айлаб келсак деб Пориябози деган ердин ёниб, Кошқарға тушдилар, ондин Ёркандга келдилар. Бабожоқ султон мирзо ўрдалариға тушиб кундузи айшу фароғатда жашни ом туэдилар. **Хон** ададдин зиёда инъом ва эҳсонлар қилдилар. Мехмондорлиқдин фориғ бўлиб, ўз ватанларига азм қилди. Бу иш тийрамоҳнинг охирисида эрди.

ЮЗ ҚИРҚ САККИЗИНЧИ ФАСЛ

**ХОННИ САРИҚ УЙГУРҒА ФАЗОТТА БОРИБ
ФАЗОТДИН ЁНИБ КЕЛГАНИНИНГ ЗИКРИ**

Вақтеки бу зимистонни айшу ишратда, комронлик бирла ўтказдилар, вақтеки баҳор вақти бўлуб, бурж саврға етиб, дараҳтлар сабзадор булиб, чечаклар пайдо қилди, Хоннинг ҳиммати олийлари фазот қилмоқни хоҳиш қилди. Умаролар бирла маслаҳатлашиб, охир муқаррар қилдиларки,

291а Хўтан ва Хитой орасида // кофирлар бордурки, сариқ уйғур отлиқ, шулар бирла фазот қилмоқға юз келтурдилар. Ёркандин Хўтан ўн кунлик йўлдур, тўла манзиллари обод ва маъмурдур. Вақтеки Хўтанға етдилар, Хоннинг мизожига табдил пайдо бўлди. Фазот қилмоқ аркони исломнинг бир руқни фарзи кифоядур, деб хоҳладики, бу бир руқни исломни бажо келтурсам, бу иш бирла мизожимға футур етгай, деб баъзи умароларни бу ишга таъян қилиб, фарзи кифояни адo қилиб ёндилаr. Бу сафарнинг тамомисида вақти субҳ дамида қилса, мастлик уйқусидин жонсўз хумори бирла уйрониб, жоми заррин ва бодаи гулгунни қўлдин қўлға олур эрдилар. Ул вақтда хушёрлиқ оти димоғ сафҳасидин маҳв ўлиб эрди, аксари авқотда кундузни кечадин ва кечани кундуздин фарқ қилолмас эрди.

Байт:

Нигоро, мен кўйинга масти мажнунвор келмишмен,
Эмас огаҳ нечук келдим, нечук бўлдим йиқилимешен.

Вақтеки Ёрканга тушдилар, бу йилнинг куз фаслида қирғизға лашқар йибордилар. Аммо ўз амирларини лашқар бирла сариқ уйғурға йибориб эрди, икки ой Хўтан ва Хитой орасида юриб, тараддуд қилдилар, кофирдин ном-нишон топмай, саломат ёниб келди.

ЮЗ ҚИРҚ ТҮҚҚИЗИНЧИ ФАСЛ

**ҚИРГИЗ ЛАШКАРИНИНГ ГУФТОРИ ВА
МУҲАММАД ҚИРГИЗНИНГ ГИРИФТОР БЎЛГОНИ
САБАНИНИГ ЗИКРИ**

Кошғар фатҳ бўлғон тақорир аросида мазкур бўлдики, Муҳаммад қирғиз Мўгулистондин келди. Ул кунларда ходим кушо-кашу ва жадаллар зуҳурга келтурди. Мен банда фатҳ бўлғондин кейин улжа, ганиматларни тўла олдим, хон ҳам тўла нарсаларни қўлға олиб Муҳаммад қирғизга инъоми вофирилар бериб, ёнмоқға рухсат берди.

Рубоий:

Айлади инъоми вофирдин гарон,
Лутғайлаб ошкороу ниҳон.
Тожу қуббаву музаххабдин чунон,
Бердилар ҳаддин бурун шоҳи замон.

2916 // Вақтеки Муҳаммад қирғиз Мўгулистонға борди, қирғизларинг ҳаммаси итоат қилди. Ондин Туркистон ва Сайрам ва Тошкандни чопдилар ва ўлжалар олди. Анинг атрофида шайбоннинг подшоҳлари бор эрди. Ани дафъ қилмоқдин танг бўлди. Баякбора Туркистонни чопиб, ўлжа олиб ёниб эрдики, Кўчум султоннинг ўғли Убайдулло султон ҳануз хон бўлмаб эрдики, Туркистонға ҳоким эрди, дарҳол Муҳаммад қирғизнинг орқасидин юриб, бир пора йўл юриб етди. Муҳаммад қирғиз ёниб рӯбарў бўлиб жанг қилди. Жангдин фориғ бўлиб, Хоннинг олдига қанча от ва сипоҳларни йиборди ва уэр айттики, назр қилиб эрдимки, агар подшоҳлардин қўлумға киши тушса, ани қўйғаймен деб, ўз назримга вафо қилдим. Умид афвдир деб киши йиборди.

Вақтеки бу хабар Хонға етди, аниң ишлариға Хон ошуфта бўлди. Ул баҳорнинг қишида тарихқа тўққуз юз ўн уч (1507—1508) эрди, Мухаммад қирғизнинг адаби учун Мўгулистан тарафига лашкар тортди. Хожа Али баҳодир бу лашкарда бузрук эрди, мўғул иборати бирла бузрукни бабодил дерлар. Вақтеки Кофир йорига етиб эрди, Эмин Хожа султон Сариқ Отхўри йўли бирла Оқсудин етиб келди. Лашкари нусратнинг губорини сурма қилди, аҳли раъйлар андоқ маслаҳат қилдиларки, Хон Порс Қовун йўлидин киргай ва Эмин Хожа султон Жовқур йўлидин киргай, деб. Эмин Хожа султон Жовқур йўли бирла юрди. Хон Порс Қовун йўли бирла равон бўлди. Порс Қовун довонидин ўтиб эрдики, Хожа Али баҳодир икки киши қирғиздин олиб йиборди. Маълум бўлдики, Иssiққўлнинг ёнида Порс Қовуннинг оғзида соғил ётибдурлар. Иssiққўл Кошқардин бир ойлиқ йўлдур. Ул куни суръат бирла яқин бориб тушдилар.

292a Хон ўзи нечанд мўътабар // одамларни бошлаб йироқдин уларнинг чарогоҳисининг қаросини кўриб келди. Тавочилар жар солдиларки, ҳар киши ўз асбобини муҳайё қилсан деб. Ярим кечада равон бўлдилар. Вақтеки субҳ ӯрлади, олам равшан бўлди, ясол ороста қилдилар. Тушган ердин ҳеч киши бир-биридин илгари қадам қўймай «Суммун ва буқмун» («Кар-сақов» 6,39) оятини ўқур эрдилар. Бир соат тўхтадиларки, токи лашкарлар бир-бирига қовушғай, деб.

Ул вақт аламларни қўтариб, табл уриб ҳамма баякбора жангга юрдилар.

Байт:

Етти жанг авжифаким ернинг юзи бўлди губор,
Амвож урди баҳро, жангे бўлди гўё лолазор.

Вақтеки офтоб ҳадди ишроқга етиб эрди, Хожа Али баҳодирнинг биродари Мухаммад қирғизни боғлаб Хоннинг қошиға олиб келди.

Хон амр қилдики, ҳарчанд санга тўра ясоқнинг қоидасини еткузмак лозим эрди, аммо муруватнинг иқтизоси бирла санга

багишиладим, деб үлтиромай банд торттилар. Ондин аммимга топширди. Лашкарлар от, қўй ва коло ва тевалардин ғаний бўлдилар. Анчаки қирғизлардин тушиб эрди уларни қўябердилар. Фатҳи давлатнинг камолида неча кун анда турдилар. Ондин дорул мулк Кошқарға равон бўлдилар. Зимистоннинг аввалида Кошқарға етдилар.

ЮЗ ЭЛЛИГИНЧИ ФАСЛ

ЮНУСХОННИНГ ҚИЗИ ДАВЛАТ СУЛТОН ХОНИМ БАДАХШОНДИН КОШҚАРҒА КЕЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Юнусхоннинг фарзандларининг зикрида мазкур бўлиб эрдики, ҳаммадин кичик фарзанди Давлат сulton хоним эрди. Тошканд бузулронда Шоҳибекхоннинг ўғли Темур сultonга тушиб эрди. Анинг ҳарамида эрди. Вақтеки Бобур подшоҳ Қундузни олонда подшоҳга лоҳиқ бўлиб эрди. Ондин яна подшоҳ Кобулға борди. Подшоҳ Давлат сulton хонимнинг хоҳарзодаси эрди, Мирзоҳон ҳам хоҳарзодаси эрди,

2926 Бадахшонда қўйиб кетиб эрди. // Мирзоҳон онаси ўрнида кўриб тарбият қилди.

Вақтеки хон Оқсудин ёнронда Давлат сulton хонимни олиб келгали киши буйурди, Хоннинг аммаси эрди. Тўла пешкашлар иборди. Давлат Султон хонимни Ёркандга олиб келдилар. Хон аммаи муҳтарамасининг дийдорига мушарраф бўлди. Андоқки хоним ҳамма уруғ туқғонларға амма ва хола бўлур эрди. Ҳаммалар дийдорларини кўруб шоду хуррам бўлдилар. То охир ҳаётигача азиз ва аржуманд бўлди. Хонимнинг шарҳи ва хотимасини Хоннинг охириқи ҳолида шарҳ қилинур.

ЮЗ ЭЛЛИК БИРИНЧИ ФАСЛ

ЭМИН ХОЖА СУЛТОН ВА ШОҲ МУҲАММАД СУЛТОНЛАРНИНГ ТЎЙЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Вақтеки Эмин Хожа султон Турфондин келди, аммимнинг қизини Эмин Хожа султонға бермакка ихтиёр қилдилар. Йуқори мартабада ҳурмат тутмоқни лозим тутиб, аммимнинг иши ушбу асбобни муҳайё қилмоқда эрди. Бу зимиstonни бу тўй бирла ўтказдилар. Шоҳ Муҳаммад султон Султон Муҳаммад султоннинг ўғли, булар Султон Маҳмудхоннинг ўғли эрди, ул вақтеки додасини ва бобосини Шоҳибекхон шаҳид қилиб эрди, анда Шоҳ Муҳаммад султон кичик эрди, анинг ҳолига раҳм қилиб ўзбекнинг подшоҳларидин бири олиб қолиб эрди. Бобур подшоҳ Кобулдин Қундузға келганда, Шоҳ Муҳаммад султонни ул ўзбек қочируб, Қундузға йибориб эрди. Андин Шоҳ Муҳаммад султон подшоҳға қўшилди. Вақтеки подшоҳ Кобулға келганда рухсат олиб Хоннинг хиэматига Кошқарға келди. Хон ани фарзанд қаторида қўрди. Бу кунларда Эмин Хожа султонға аммимнинг қизини бермакчи бўлган эрди. Ўзининг ҳамшираси Ҳадича султон хонимки анинг аҳволи мазкур бўлди, Мирзо Абобақрни ўлтириб, бу Ҳадича султон хоним анингдин қолиб эрди, ҳануз хоннинг ифрат

293а никобида эрди, ани Шоҳ Муҳаммад султонға // никоҳ қилиб берди. Бу икки шаҳзоданинг тўйларини баланд тутиб, тўйнинг муқаддимотини тартиб бермақда ва подшоҳларни чарламоққа гуфтагу қилдилар. Андоқки подшоҳларнинг расми мансабининг ўз муносибатида иш тутмоқ эрди. Андоқ қилдилар, кундузларда умаройи олий миқдор ва жамоат аъёнсардор бирла қадимки подшоҳи гардун иқтидор баэмларни қилур эрди. Ва кечаларда хос ва соҳиби

ихтисосларнинг замзамаси базми хосдаким Зухро фалак тоқида ул базмнинг шавқидин жуйрулуб ва Ой осмон тұфасида ул базмдин нигорон әрди. Нече муддат бу навъ комронлик бирла үтказдилар ва аммимнинг қизини Эмин Хожа султонға ақди никоҳ қилиб бердилар. Хоннинг ҳамшираси Хадича султон хонимни Шоҳ Махмуд султонға бердилар. Улугу азиз ҳалойиқлар буларнинг ҳақида дуои хайр қилиб фотиҳа ва ихлос үқидилар. Бу подшоҳзодалар ва хонимлар кечалар зиофнинг лозимини тутдилар. Мен банда бир иморат бино қилиб әрдим, таклиф қилдим, фузалолар тарих айттики, Рубоий:

Ин хонаки медиҳад зи фирмавс хабар,
Дар рўйи замин мисоли ў нест дигар.
Тарихи бинои ин хужаста манзил
Ҳар ду шуда «бо давлати Мирзо Ҳайдар».

ЮЗ ЭЛЛИК ИККИНЧИ ФАСЛ

МАКР ВА МУНОҚАШАЛАРЕКИ ХОННИНГ ВА МИРЗОХОННИНГ АРОСИДА ВОҚЕЬ БЎЛИБ ХОН БАДАХШОНҒА ЛАШКАР ТОРТИБ БОРГОНИНИНГ ЗИКРИ

Вақтеки Хон Бадахшонға лашкар тортиб борди, сабаби ул эрдики, Мирзо Абобакрнинг зикрида үтдики, Ҳусравшоҳнинг замонида Мирзо Абобакр Бадахшоннинг чўнг вилоятларидин Сариқ Чўпон ва Гунуд ва Роз ва Сараж ва Ясор ва Сайва ва Шугнонларни тасарруф қилиб әрди. Мундин илгари Ҳусравшоҳга Шоҳибекхон ғолиб келиб, тобеъ

2936 шаҳарларини олиб, Шоҳибекхон // қаттиқ забт қилиб әрди. Аммо Бадахшоннинг амирзодалари анга бўйсунмадилар. Нече маротаба жанг бўлди. Охир Шоҳибекхон ғолиб бўлди. Ушбу кунларда Бадахшоннинг Тангиболово деган вилоятлари Мирзо Абобакр-

га мутасарриф бўлиб эрди. Андин кейин Бадахшонни Мирзохон олди. Шоҳибекхон муқовамат қилмоқдин танг бўлди. Мутлақан Мирзо Абобакрнинг тасарруфидаги вилоятларга дахл қиломади. Тангиболодин то Сариқ Чўпонғача Кошқар девонига тааллуқ эрди. Муддати ўн икки йил Тангиболодин тортиб Бадахшондин хориж бўлиб, Кошқарға дохил бўлиб эрди. Мирзо Абобакрға хон голиб бўлғонда ул вилоятларни Кошқар вилоятининг ҳисоби бирла умароларға қисмат қилиб Мир Бекмуҳаммадни анда юборди. Хоннинг ҳукуматининг тобесидаги Бадахшоннинг Ҳазоржот деган вилоятини Бадахшон ҳалқи Розувухон дерлар. Кошқар ҳалқи Сариқ Чўпон дерлар ва хонлиқлар анга муноқаза қилиб Мирзохон тарафига бордилар. Мирзохон ҳам йуқфори тааммул қилмай, ул вилоятларни тасарруф қилди. Бу борада Хоннинг сўзи ушбуки, бу Бадахшоннинг вилоятларини Мирзо Абобакр зўр бирла олиб эрди. Вақтеки Мирзо Абобакрнинг иши охирига етди. Андин бу вилоятлар ўз аслига ёниб эрди.

Мисра:

Ёнгуси аслига ҳама ашё.

Вақтеки Подшоҳ алалитлоқ жалла жалолуху ҳукми қоҳираси-нинг иқтизоси бирла Мирзо Абобакр тасарруф қилғон шаҳарларни базарби шамшир ўз тасарруфимға киргизиб эрдим, агар санга аммизодалик ва биродарлик даъвидин бу мамлакат орзунг бўлса, мўътабар одамлардин йибориб, илтимос қилсанг бўлмамдур? Агар бу мамлакатларни бизга берсалар, деб илтимос қилсанг, илтимосингни қабул қилур эрдим. Ул вилоятларни

294а тифи жаҳонқушой // бирла ажиб мусаххар қилсам, ани сен беадабона тасарруф қилмоқинг адабдин йироқдур ва ёмонлиқға яқиндур.

Бу сўз икки тарафдин неча воқеъ бўлди. Охирул амр бу ерга еттики, Хон бу тобистонда Бадахшон тарафига борди. Аммим бирла азм қилиб эрди, вақтеки Мирзо Абобакрнинг ўғлонларидин бирини аммим ўғил қилиб сақлаб эрди, бу ҳолда ул қочди. Халқнинг оғзида шуҳрат бўлдики, «Суюнчикхон қошиға кетди

бўлғай» деб. Бу сабабдин хон коҳ эди. Ондин ман бандани Кошқарға йиборди. Ман Кошқарнинг атрофларини забт қилмоққа машғул бўлдим. Ул Мирзо Абобакрнинг ўғли йўлда қуғлаб борган ҳалқнинг қўлида ўлибдур.

Вақтеки Хон Бадаҳшонға борғонда Мирзоҳон ожиз бўлиб, қалъаи Зафарға кириб қилғонидин пушаймон бўлди. Хон бунинг аҳволини кўриб, раҳм қилиб ёниб келди. Ондин кейин Мирзоҳон ўз ҳаддини билиб, ўз эътидоллигидин ташқари фут қўймади. Ондин ул вилоятлар Кошқарнинг девонига дохил бўлди. Бу икки тукроҳнинг орасида аниг учун ғуборати ваҳшатлар ангез қилиб, охир аҳд қилишдилар, илгарики расм бирла бўлди. Аммо мусорифатнинг сафоси филжумла хотирлари малолатнинг кудуроти бирла мукаддар бўлди. Охир на Мирзоҳонға ва на Хонға ҳеч вафо қилмади.

Байт:

Бу жаҳон гўёки бир мурдор эрур,
Зофу каркас чурасида зор эрур.
Суръат айлаб ҳар бири минкор уруб,
Жанг қилиб ҳар биридин безор эрур.
Ўтқучидур зоф, каркаслар яна,
Ул нажас жойида истиқор эрур.

Алқисса хон Бадаҳшондин камоли шоду хуррамлик бирла Ёркандга келиб тушдилар. Айшу ишрату фарогатда машғул бўлдилар.

ЮЗ ЭЛЛИК УЧИНЧИ ФАСЛ

**СУЛТОН САИДХОН ИККИНЧИ МАРОТАБА
МАНСУРХОНҒА МУЛОҚОТ БЎЛГОНИНИНГ ЗИКРИ**

2946

// Яна бир йили Хон ўз аммаси Давлат султон хонимни Мансурхонга мулоҳимат қилмоқи боис бўлди. Магарки, отасининг фархундаосор дийдоридин таскин ҳосил қилғай. Хон бу йилнинг

тобистонида Оқсуга азм қилдилар. Яна аввалқи мулօқот бүлғон ерда шул тариқалик мулօқот бўлиб, дўстлик истеҳкомини маҳкам қилиб, яна ҳар бирлари ўз дорул мулкларига ёндила. Тарихқа тўқкуз юз йигирма олти (1519—1520) эрди то тўқкуз юз йигирма саккиз (1521—1522) гача хоннинг ва ҳалойиқнинг авқоти камоли фароғат бирла ўтди.

ЮЗ ЭЛЛИК ТЎРТИНЧИ ФАСЛ

**БОБУР ПОДШОҲ КОБУЛАҒА БОРҒОНДИН КЕЙИН
БЎЛГОН ВОҶЕАЛАРНИНГ, БИРОДАРЛАРИ
СУЛТОН НОСИР МИРЗОНИНГ
ВАФОТЛАРИНИНГ ВА БОБУР ПОДШОҲНИНГ
УМАРОЛАРИНИНГ МУХОЛИФАТ
ҚИЛМОҚЛАРИНИНГ САБАБИНИНГ ЗИКРИ**

Бобур подшоҳнинг воҷеалари йўқори ушбу ерга етиб эрдики, подшоҳ Қундуздин Кобулга борди. Биродари Султон Носир мирзога Кобулни берди. Тарих тўқкуз юз йигирма бирда (1515—1516) Султон Носир мирзо вафот бўлди. Газнин султон Носир мирзодин қолди. Андин Газнин тўфасида подшоҳлар низо қилди. Тиф тортмоқ ҳаддига еттики, мўғул подшоҳларидин қолғон ҳалқлардин ҳар кимки қолиб эрди, ҳаммаси ёғий бўлди.

Подшоҳнинг тоғасининг ўғли Мир Ширим анинг биродари Мир Мазид ва Жонака ва Қулназар, Чиратойнинг ва тожик умароларидин Мавлонойи Бобойи Пашорари мунинг биродари Бобо Шайх ва мунингдин ўзгалари мухолифат қилдилар. Бу Мавлоно Бобо Самарқанднинг Пашорар қариясидин эрди. Анга Подшоҳ андоқ риоя қилиб эрдиларким, Мовароуннаҳони олғонда Самарқанд ва Ўратепа ва Ҷаҳорпора Кўхистонни анга

бериб эрди. Мир Аҳмад Қосим ва Каттабекларни йуқори зикр қилинди, бири Тошкандга, яна бири Сайромға ҳоким эрди. Ва Мақсуд Карк ва Султон Али Чуноқ улар умарои мўътабарлардин ҳар бири

295a // лашкарга сардор эрди, шайтон буларнинг димогига кириб, ақли салимнинг ўрнида жой топиб булар исён қилабошлиди. Подшоҳ неча саф тузиб жанг қилди. Охири Амир Қосим Али Қувчиннинг ўғли Амир Қанбар Али Қундуздин лашкари жаррор бирла етиб келиб, ёғийларға шикаст бериб ва баъзисини тутиб жазо берди. Ва баъзиси қочиб Кошқарға келди. Ул жумладин Мир Ширим биродари бирла Хоннинг мулоzиматига келди. Ва Мир Маэид умиди ғанимат бирла Гибатга кетди. Мир Ширим яна мунда туролмай Подшоҳнинг қошиға борди. Подшоҳ мурувват қилиб, ғазаб қилмай илгари хизматга қўйиб, эъзоз бирла тутди. Ондин подшоҳ Кобулдин Қандаҳорға юз келтурди. Қандаҳор Шоҳбек ибн Зуннун Аргуннинг қўлида эрди. Бу сўз йуқори мазкур бўлиб эрдики, шаҳарни қабади, охири туролмай қочиб Суди шаҳрига кетди. Ул ерга бориб, Татта ва Уча ва Бақрни олдики, анинг ахволи кейин келур. Подшоҳ Қандаҳорни олиб ондин Ҳиндистонға борди. Неча маротаба чопиб ёнди. Ул вақтда Ҳиндистонға Султон Иброҳимнинг ўғли Султон Искандар афғон подшоҳ эрди. Дари Понипат деган ерда саф тузиб, рўбарў бўлиб жанг қилди. Анинг лашкари бир лакка яқин эрди. Подшоҳ ўн минг киши анга шикаст берди. Подшоҳнинг ва лашкарларнинг қўлиға нечанд ҳазиналар тушди. Улуғ нафис матолар, ул ерда кам эрди. Аммо Ҳиндустонда харвор-харвор қўллариға тушурдилар. Мунинг шарҳи яқинда келур.

ЮЗ ЭЛЛИК БЕШИНЧИ ФАСЛ

МҮГУЛИСТОН ВА ҚИРГИЗНИНГ ЗАБТИНИНГ ВА РАШИД СУЛТОННИНГ ИШИНИНГ ИБТИДОСИНИНГ ЗИКРИ

Парихқа түккүз юз ўн саккизда (1512—1513) Ҳонға боис бўлдики, Мўгулистанга боргай ва қирғизларни забт қилгай. Мунга боис ул

2956 эрдики // илгари мазкур бўлиб эрдики, Муҳаммад қирғиз Кучумхоннинг ўғли Абдуллахон бирла жанг қилиб, қўя бериб эрди. Бу жиҳатдин Муҳаммад Қирғизни олиб беш йил бандга солғон эрди. Туркистон ва Сайром ва Андижон ва Аксининг чурасини чофиб андулук қилиб юрар эрди. Ҳар чандки бу мамлакатлар Шайбоннинг тасарруфидаги Шайбоннинг Ҳонға адовати қадимий бор эрди. Ул иш Ҳонға оғир келур эрди. Ниҳояти диндорлиқдин хоҳладики бу балоларни мусулмонларнинг бошидин дафъ қилғаймен, токи мужиби рифъати иккила олам бўлғай. Яна бириси ул эрдики, Ҳожа Али баҳодирнинг тақозоси Мўгулистанга бормоққа зиёда эрди. Шаҳарнинг ўлкасидин Мўгулистаннинг биёбониға нигорон эрди. Ҳалил султоннинг ўғли Бобо султоннинг биродарининг ўғли эрди. Ҳожа Али баҳодир отабеки расми бирла етти ёшдин ўн беш ёшғача тарбият қилиб эрди. Ҳонға арз қилдики, биҳамдиллоҳ улуси мўрулийнинг ҳавошию мавшийлари ҳаддига етдиким, эмди фармон бўлса, фақир Бобо султонни олиб Мўгулистанга борсам, тамомий Мўгулистанни олиб ва қирғизларға сомон кўрсатсам, токи халойиқнинг ўтадурғон йўллари булардин хотири фарор ҳосил қилса деб.

Хонға бу сўз мувофиқ тушди. Умароларнинг ҳаммаси муни маъқул кўрди. Магар аммим айтдики, бу раъйнинг асли саводбур, аммо Бобо султонни юбормак маслаҳатдин эрмас, аниг учунки, асли улусда мӯгулнинг Мӯгулистанифа майли бор. Ҳар вақтеки, Мӯгулистон забтининг иҳотасига кирса, тамом Мӯгулнинг халқи бу тарафга ёнур. Қачон Бобо султон ул ерда бўлса, манъдин хотири кўфта бўлур. Агар манъ қилолмаса, мӯғул халқи тамоми ўён кетур. Аниг сабабидинки, уларнинг кўнгли ниқорнинг

296а // раҳгузаридин ғубор бўлиб эрди.

Вақтеки ўғлингиз чўнг бўлиб қувват топса, сизга оғир келмас. Агар маслаҳат билсангиз халқларни Мӯгулистанга йиборманг деди. Бу ҳол орасида Хожа Али баҳодирга арақ пайдо бўлиб тамури куйиб вафот бўлди. Бу иш Рашид султонга қарор топди. Бовужудики аммимнинг қизини Бобо султонга нисбат қилғон эрди. Шумнунлуқ бирламу давлатхоҳлиқ қилиб, анга хоҳдамади. Куюв ўғиллик тарафини риоя қилмади. Мұхимни Рашид султонға қарор берди. Бу сабабдин Бобо султон аммимдин озурда бўлди. Аммо аммим бок тутмай Рашид султоннинг ишига ривож бермакни муболага қилдики, кейин мазкур бўлур. Вақтеки сўз бу ерда еттики, Мӯгулистаннинг авзойини тақоир қилмоқ лозим келди. Мӯгулистаннинг гаройиб воқеалари ва кенглиги ҳеч китобда йўқ. Магар баъзи тарихларда футубдурки, уламо ва ҳукамолар иқлимини сурат қилишда шаҳарларнинг таърифида келтирубдиларки, голибан буларға аниг вазъи маълум бўлмабдур. Ул миқдорки уларнинг олдида таҳқиқ топибдур. Ани футубдурлар. Бу банда ани тафсил қила дур.

ЮЗ ЭЛЛИК ОЛТИНЧИ ФАСЛ

**«ТАРИХИ ЖАҲОНҚУШОЙ»НИНГ НАҚЛИ,
ҲАЗРATИ СОҲИБ ДЕВОН ВА ФАРИДУД ДАВРОН
ХОЖА АТОМАЛИК АЛОУДДИН МУҲАММАД
ЖУВАЙНИЙ ТАҒАММАДАЛЛОҲУ БИ-ҒУФРОНИҲИ
МЎҒУЛИСТОННИНГ ТАЪРИФЛАРИДА ФУТУБДУРКИ
АНИ ЎЗ ЖИНСИ БИРЛА НАҚЛ ҚИЛИНУР**

Тарихи жаҳонқушой»да андоқ келтирубдурки, Тотар деган мавзенинг иқомати ва маншай ва вусъати аизз завиул эҳтиром экан. Анинг туғриси ва узуни ва журулиши етти-саккиз ойлик ўйл эркан. Машриқ тарафи Хитой ютиға муттасил, шимол тарафи Қароқайрум ва Солингойға ва Мағриб тарафига Уйғур вилоятига ва жануб тарафи Тунгут тарафига муттасил экан. Бу ҳудуди арбаъни «Тарихи

2966 // жаҳонқушой»да тақирир қилибдурки, бу замонда ҳеч ерда маълум эмаски, Уйғур вилояти қайси тарафдадур. Қорақайрум ва Солингойдин ҳам ҳеч нишона йўқ. Ва Тунгут деб мӯғул тарихларида тўла мазкурдур. Чингизхоннинг аввалқи ғолиб бўлғонида ул тарафга лашкар йибориб эрди. Ва Ўқтой қоон қаторлиқ неча мамлакатларни забт қилмоқда ҳар ерга киши йиборди. Бири Тунгут эрди, анинг тарих ҳавосидин маълум бўладурки, ул вилоят чўнг вилоят экан. Ул замонда анинг подшоҳини Шадарқуном от бирла атаб экан. Ани саккиз юз лашкари бор экан. Аммо бу замонда ҳеч нарса маълум эрмас. Аммо китобларда ул ҳудудларни бутибдурлар. Ҳоло анинг ҳеч асари йўқ. Шунга ўхшаш Мўғулистонда шаҳарлар бор эканки, оти китобларда футулубдур. Ул шаҳарларнинг таърифи тўла. Анинг жумласидин Болосақунни иқлимлар суратида Хитой шаҳарларидин ушбу Ҳонбалиқ шаҳрини футубдурлар. Бу Болосақуннинг тарихларини мўътабар китобларда

Афросиёб туркнинг биноларидин деб футубдур. Аниг чўйглукини тулароқ таъриф қилибдур. «Мажмаъут таворих»да келтирибдурки, Балосоқун то Қорахитой замонигача Афросиёбнинг наслининг тасарруфида экан. Ондин Гўрхон, Қорахитой Афросиёбнинг насли Иликхоннинг қўлидин олиб ўзига пойтахт қилиб экан. Муддати тўқсон йил Қорахитой анда пойтахтда ўлтириб ул тарафдаги тамоми мамлакати шарқиянинг хирожини шу ерга еткузиб берур эканлар. Балосоқунни мўгул Қаролиғ, дебдур. Бу замонда ҳеч ер Болосақун деб ё Қаролиғ деб маълум эмас. Баъзи китобларда футулубдурки, мўгулни Янги дер экан. Бу Янги

297а Мўгулистанда муайяндур. // Янгининг халқидин Мовароуннаҳода тўладур. Ҳамма халқ ул халқларни Янгилик дейдурлар. Аммо ул биёбонники ани Янги дерлар, нечанд шаҳарларнинг асари боқийдур. Масалан, гумбаз ва минора ва хонақоҳ ва мадрасалардин осору аломатлар бор. Аммо билгали бўлмайдурки, бу шаҳарлардин қайсиси кўхна ва қайсиси янгидур. Бу шаҳарлардин Олмалиқ бу замонда муайяндур. Туғлуқ Темурхоннинг марқади ул ердадур. Марқадлари баланд, ҳаммасига коши қўйғон хатлар футуклук. Анингдин бир мисра хотиримда қолибдурки, «Ин боргоҳи санъат устоди шаърбоф». Мунингдин маълум бўладурки, бу устод ироқий экан. Аниг учунки, Ироқда жомабоғни «шашарбоф» дерлар.

Ул гумбазнинг тарихида етти юз олтмиш (1358—1359) касрий деб футубдур. Чу деган ерда бир чўнг шаҳарнинг асари бор. Минора ва гумбаз ва мадрасалар неча ерда боқий қолибдур. Ул шаҳарнинг отини ҳеч ким билмайдур. Мўгул халқи Минора, дейдур. Яна шу ерда бир гумбазда лавҳе бор, тошдин. Шул тошга хат футубдурки, бу имону л ажал шайх ал-муҳаққиқ ҳодий ул-манқул ва л маъқул раису л-фуруъ ва л-усул имом Мухаммад фақиҳ Балосоқунийнинг қабридур, вафоти 711/(1311—1312) йил. Ла залат давлатуҳу ал-васал би-маканиҳи носириҳи ва ӯййуни л макари-ми илайҳи нозирҳу тываффа фи санати иҳда ҳашаро ва сабъа миатин катабаҳу Умархожа ҳаддод” деб нақш қилибдур. Мўгу-

ли斯顿нинг мавзеларидин Чу деганининг узуни бир ойлиқ йўлдур. Мунга ўхшаш шаҳарлар тұладур. Яна Мўғалистонда Юмғол деб бир мавзе борки, машхур. Ул ерда бир гумбаз бор, анингда футуклук қўрдимки, Шоҳ Жалил ибни Қусам ибн Аббос дебдурлар. Саккокий соҳиби «Мифтоҳ»нинг қабрида гунбаз бор.

2976 Оби Янгининг канорасида Бойқулдин // кириб келадур. Ул гумбаздин бўлак яна ҳеч асар йўқ. Ани Чигатойхон ўлтироғонда бу таъмирни қилған бўлғай, валлоҳу аълам. Ҳоло анча ҳудудеки Мўғалистонда бордур, узуни ва тўғриси етти-саккиз ойлиқ йўлдур. Ҳадди шарқи қалмоқнинг ерига муттасилки, Порсқўл ва Эмил ва Эртиш бўлғай. Ва ҳадди шимоли у Кўкча тенгиз ва Бумниш ва Қоратол муттасилдур. Ҳадди ғарби Туркистон ва Тошканд деган ерларга муттасилдур. Ҳадди жануби Фарғона ва Кошқар ва Оқсу ва Чолиш ва Турфонга муттасилдур. Бу тўрт ҳудуддин бу банда анинг ҳудди жанубини қўрдим. Тошкандин Андижон ўн кунлик йўлдур. Андижондин Кошқар ўн беш кунлук. Кошқардин Оқсу ўн беш кунлик, ондин Чолиш йигирма кунлук йўлдур. Чолищдин Турфон ўн кунлик йўлдур. Турфондин Порс ўн беш кунлик йўлдур. Порсқўл Мўғалистоннинг ҳудди шарқидур. Ўзга ҳудудини фақир кўрмадим. Мунинг тўлароқ мавзеларининг ҳавоси ёз куни эътидолида бўладур ва баъзи мавзеларининг ҳавосининг совуқ тарафига ўтибдур. Мўғалистоннинг дарёлари борки, чўнги Жайхундек Ила ва Эмил ва Иртиш ва Чўплик ва Норин. Бу дарёлар Жайхун ва Сайхундин асло ками йўқ. Бу дарёларнинг тўласи Кўкча тенгиз кўлига тушадур.

Фосила Мўғалистон ва Ўзбекистоннинг орасида анинг узуни саккиз ойлиқ йўлдур. Ва тўғриси қиёсан ўттуз фарсаҳдур. Зимистон бу Кўкча тенгиз музлайдур. Аммо зимистоннинг охирида мухотара тўла бўладур. Муз синуб кетиб, неча ўлик киши музнинг таҳтида қоладур. Ул миқдор сув анга кирадур, тошқари чиқмайдур. Бу сувларнинг бир миқдор суйи Ўзбекистонға борадур, озроқи Қулзумга

298а борадур. // Яна Мўғалистоннинг ажойибларидин Иссиқкўллурки, ул миқдор сувки, Кўкча тенгизга қуйиладур, ондин

ўтиб Иссиқкүлга қүйиладур. Бу сувнинг ҳеч ерда чиқадурғон ери йўқ. Атрофи тоғ, бу ҳамма тотлиқ сувлар анга кирған замон аччиқ бўладур. Мутлақан таҳорат олғали бўлмайдур. Ўзи бағоят сузук, аммо аниңг чурасида бағоят латофатда гули раҳон, чечаклар ва мевалик дараҳтлар ва жониворлар бордур. Мўгулистон мавзела-рида аниңдин хушҳаво жойе озроқдур.

ЁНДУҚ ҲИКОЯТНИНГ АСЛИГА: Вақтеки тарихқа тўққиз юз йигирма олти (1519—1520) да ҳеч мӯғул Мўгулистонда қолмади, қирғизларнинг ҳаросидин лозимотлари бирла қўчдилар. Тўққиз юз йигирма олтида Хоннинг ҳиммати жўшға келдики, қирғизларни тасарруф қилғай. Аниң учунки, қирғизларнинг тўласи имони исломнинг тариқасидин йироқдурлар.

Тамоми ният ва амаллари ботилдурлар. Туркистон ва Шош ва Фарғонанинг атрофида мусулмонларни чопиб, аниңг зулмидин мусулмонлар паришон эрди. Ҳарчандки ул вилоятлар ўзбек ва шайбоннинг тасарруфида эрди, аммо адовати қадимий бор эрди. Аммо Хоннинг ҳимматидин ва мусулмонларға шафқат қилғонидин агарчи ўзбекка оғир келсаму хоҳладики мусулмонлар манфаат олғай ва коғирлар йўқ бўлғай. Вақтеки Қирғизға отландилар, Ҳожа Али баҳодир тўла умаролар бирла Бобо султон тарафига бўлдики, Мўгулистон ва Қирғизларнинг муҳими анга ружуъ қилғайлар. Аниң учунки, Бобо султоннинг отаси қирғизларни тутғон эрди. Бу иш Бобо султонға лойиқ эрди. Аммим танҳо Хоннинг ўғли Рашид султон бирла бўлди, бу муҳимни анга қарор қилғай. Охирул амр додхоҳлар мутамаккин ва давлатхоҳлар мутамаххин бўлди.

2986 Охирул амр Мирзо // Али Тоғайни улусбегилик мансабига қўйди. Муҳаммад қирғизни банддин чиқариб, қирғизларнинг ҳокимлиқиға қўйди. Мўгулнинг иш биладурғон мўътабар умароларини илғадилар. Хонлиқ асбоби тантанасини ва султонлик асоси дабдабасини, турғ нақкоралаордин анча муҳайё қилдилар. Умаро ва лашкар халқига жашн бердилар. Ва ҳаммаларини сафсаф ишлар бирлан хушвақт ва сарафroz қилдилар. Ваъзу наси-

ҳатлар бирла жаҳонбонлиқ ва жаҳондорлиқ қилинглар буйурдилар. Ваъзу насиҳатлар қилғондин кейин Рашид сultonни юргузуб Хон мен бандага амр қилдики Рашид сultonнинг эгинини кийдuriб тиркашни ва қилични белига боғлагил, бу сенинг шогирдинг бўлсин, сен устоди бўлгил дедилар. Мен андоқ қилдим, андин Хон Кошқарға равон бўлди. Вақтеки Рашид сulton Мұхаммад қирғизнинг олдиға Мұғулистанға кетди, зимиston бўлғонда озроқ халқлар қочиб кетди. Бу зимиstonдин кейин Кўчкор деган ерда қишлоқ солиб мунда мутамаккин бўлдилар.

ЮЭ ЭЛЛИК ЕТТИНЧИ ФАСЛ

ХОН ҲАЗРATИ ФАФФОРУЛ ЗУНУБНИНГ ИНОЯТИ БИРЛА ТАВБА ҚИЛҒОНЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Подшоҳи вожибул изъон Ҳазрати малик ур-раҳмон жаллат ва аззамаҳу ўз қаломида хабар берибдурки, «Тубу ила Оллоҳи тавбатан насухан» («Эй мўминлар, Оллоҳга холис тавба қилинглар». 66,8) ҳар соҳиби нафсга лозимдурки, «ат-Тавфиқ шайъун азимун, ло йўто илло би-абдин азизин» («Тавфиқ улуғ нарсадир, уни фақатгина азиз бандага ато қилинур» — Ҳикмат)нинг муждаси бирла тавба қилмоқ ҳар кўтоҳдастта осонлик бирла қўл бермайдурки, магар ул кишиларга ҳидояти азалий ва тавфиқи ламязалий дастгирилик қилса.

Шеър:

Илоҳи, фазли лутфунг дастгир эт,
Қиласай тавба, бу тавбамни пазир эт.
Қилибмен неча тавба синдурубмен,
Қўзимнинг гарди бирла тиндурубмен.
Ани оҳим сүйидин шустушу қил,
Ки бу бадхўлугимдин некхӯ қил.

299а Ҳар соҳиби давлатеға // бу давлат мұяссар бұлса, ул Парвардигорнинг үзининг бахшиши бұлғай. Ҳоннинг ахволи хужастаси бу ҳолға мұвоғиқ ва бу мақолға мұтобиқ бўлди. Шароб ичмақда ҳаддиға етиб эрдики, агар ҳушёриқни уйқуда қўрса, аниг таъбирини мастилик бирла олур эрди. Бу мақолни үзининг ҳолининг баёни билуб эрди.

Байт:

Ичгуча жоми ажал қўнглумда ул соқийдуур,
Тўлғуча паймонам ул соқий била боқийдуур.

Аммо вақтеки тавфиқи субҳоний ва ҳидояти раббоний етиб эрдики, саодат шақоватнинг яқосини йиртти, ҳамма кайфқунандалардин Ҳон тавба қилди.

Байт:

Туман минг шукрким Гаффордин чун бўлди ул мағфур,
Ки яъни айт Тубубу илал-Лоҳдин бўлуб маъмур.

Мундин кейин ҳамма кайфқунандалардин йироқ бўлиб, охири умригача тавбани итмолиға еткурдилар ва номашруъ ишларни қилмадилар. Ҳазрати Нурон Махдумнинг хизматларида бўлдилар ва машойихи Яссавиййага ирода қилиб, парҳезкорлиқ бирла умр ўтказдилар.

Вақтеки Ҳон ўтган ишларидин пушаймон бўлиб, бу маслаҳатни ораға солиб, йиғлаб муболага кўргузиб, кечаси ҳарифлари мажлисга кирсалар, ҳар бирлари ўз сармасстлигига мағрур ўлибдурлар. Ҳон ҳар кимга буйурдиларки тарабу суҳбат асбобларининг ҳаммасини ушотинглар деб. Умаролардин майхона уйларига кириб даф, рубоб ва чанг ва қабоқларни уриб ушотдилар. Бу майхўрлар хижолатдин бошларини тубан солдилар. Зоҳиду обидлар фирқаси шоду хуррам бўлиб, шукрғузорлиқ қилиб, дуога қўл кўтардилар.

Наэм:

Солиб кибру пиндорни навжавон,
Ки пирдек ибодат сорига равон.

Ҳазрати Расул саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларики

2996 // «ан-Нос ало дини мулукихум» мұқтазоси бирла тамом ҳалойиқ ибодатға машғул бўлди, фисқ йўллари боғланиб, тоат эшики очилди. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло Ҳоннинг тавбасини қабул қилиб, охиратда ажри азим бергай. Биҳаққи Мұхаммад ва олиҳи вал амжод.

ЮЗ ЭЛЛИК САККИЗИНЧИ ФАСЛ

ХОН САЛТАНАТ КИБРИНИ ТАРҚ ЭТИБ, ДАРВЕШЛИҚ ТАРИҚАСИНИ ИХТИЁР ҚИЛМОҚИННИНГ ЗИКРИ

Вактеки хон тавбага мушарраф бўлди, «Инна Оллоҳа йухиббу ат-тавваабийна» («Албатта Оллоҳ тавба қилгувчиларни севади». 2; 222) зумрасига дохил. Мўгулистонға бориб, Қўчқорда Рашид сultonға қўшилди. Хон ўзи Қўчқорда туриб, Рашид сultonни ўз беклари бирла Мұхаммад қирғизни Мўгулистонга йиборди. Атрофи Мўгулистонға келиб тафриқа қирғизларни жамъ қилиб, хотирларини қирғизлар коридин фориғ қилдилар. Андин Хон баҳор вақтида Кошқарға келдилар. Андин кейин Мўгулистоннинг корини саранжом бермақ учун Рашид сulton қошиға борди. Аксари мўғулнинг улуслари ўз майли хоҳиши бирла Ҳоннинг олдига чиқдилар. Ул йили хон Рашид сulton бирла Қўчқорда қишлоадилар. Яна баҳор бўлғонда аҳли аёлларини Қўчқорда қўйуб, Ёркандга юз келтириди. Сабаб ул эрдики, Ҳон тавбадин кейин сўфия китобларини кўриб уларнинг сўзларини тўла фикр қилиб, ул китоблардин фазл топиб эрди. Сайдул тоифа Абул Қосим Жунайд Бағдодий раҳматуллоҳи алайҳи «Тазкиратус солиҳин» деган китобларида андоқ айтибдурларки, «Жундун мин жунудиллоҳи таоло» (Авлиёлар Оллоҳ-

нинг лашкарларидан бир лашкардур!») бу мазмундин Хонға таъсири азим пайдо бўлди. Ҳамиша ушбу амрга машғул эрди. Бир куни ҳаэррати Ҳожаи Бузрукнинг китобларини, «Жоме ал-мақомот»ни ўқидилар. Сўз ушбу ерига еттики, ҳазрати Ҳожи Бузрук айтибдурларки, ибтидои ҳолда сийратимга нидо қилдики: Эй

300а Баҳоуддин, бу йўлға на тариқада кирдингки, бизнинг // айтғон тариқа бирла кирмақ лозим деб. Мен айттимки, андоқ киролмадим, деб жавоб айтдим. Охирул амр биз айғон тариқа бирла кирмак хўб деган нидони эшитиб андин зиёда жиҳду жаҳд қилдимки, аҳли мажлис ажиб олийхиммат эканлар, дедилар. Ҳон бу сўэни эшитиб, бир таъсири азим пайдо бўлдики, бир пири комилға иродат қилмағунча бу иш муяссар бўлмайдур, деб. Ушбу жиҳатдин салтанатни тарқ этиб дунёдин узилди. Яссавия машоийхлариға ирода қилиб сулукка дохил бўлди. Бу ҳолда Ҳонга тўла киши маҳдом бўлолмайди. Уч-тўрт киши бирла ҳамнишин бўлур эрди. Охирул амр иш анга қарор топдики, ўз биродари Эмин Ҳожа султонни Оқсудин олиб келиб, Ёрканда тахтда ўлтурғиэди. Раийатларни анга топшириб, Ҳон ўзи тажрид ва мусофириқни ихтиёр айлади. Амаким ва Шоҳ Муҳаммад султон мен банда Ҳоннинг хизматида әдук, сафар ихтиёр қилиб турғонда Ҳожа Муҳаммад Юсуф ибн Ҳожа Муҳаммад, Абдулло ибн Ҳожа Носириддин Убайдуллоҳ раҳимаҳум Оллоҳу таоло Самарқандин Кошқарға чиқиб келдилар, ондин Ёркандга бордилар. Ҳон бу хабарни англаб, ниҳояти шоду хуррам бўлиб, айттики, шояд мақсуднинг фунчаси ушбу азизнинг қўлида очилса керак деб. Бу азизнинг истиқболлариға чиқиб, ўрдага тушуриб арз қилдики, ниҳояти ўбдан келдингиз, деб. Ўтган воқеаларни баён қилди. Ҳожа айттики, бу бобда улуғлар тўла сўз айтибдурларки, назм:

Сен ўзинг тахтда ўлтур, шоҳ бўл,
Хулқи дарвешлик ила огоҳ бўл!
Ҳар либос ичра амал даркор эрур,
Ҳоҳ тож аҳли, аламбардор эрур.
Ҳақ йўлида бериё қиласанг амал,
Шоҳ бўлсану в-ар гадо йўқдур халал.

Амри салтанат тариқатнинг улуғроқ ва яқинроқ василасидур. Аммо подшоҳларнинг тўлароқи лаззати шаҳвоний ва феъли шайтонийга боис

300б // қилибдурлар. Анча подшоҳларға бир лафзда бўлған савоб дарвешларға умр ичидаги ҳосил бўлмайдур. Башартеки яхши амал қилмоқ бирла дарвешлик амалига шарт эди, гўшанишинлик тариқатининг лозимасидур. Аммо пири комилнинг хизматида шайх Нажмиддин Кубро айтибдурки, агар муриди содик иродатда расо бўлиб мағрибда бўлса, мурид^{*} машриқда бўлса, Худойи таоло пирни икки қадам бирла муридга еткузадур. Агар мурид содик бўлмаса, пир бирла бир йўда бўлса ҳам, бу давлатға васл бўлолмайдур. Аммо толибларға муҳимроқ иш ушбуки, кам емак ва кам сўзламак ва кам уйқуламоқдур, деб Хонга бу миқдор тасаллии хотир берди. Тариқаи марзияни ва адлу эҳсонни ўзига лозим тутди. Бақадри имкон анга машғул бўлди. Андин кейин Ҳазрати Нурон келдилар. Ҳар нарсаки хоҳлаб эрди, мұяссар бўлди. Ушбу аснода Ҳожа Тожиддин Турфондин келиб, Ҳожа Тожиддин Мавлоно Аршадиддиннинг наслидин, улар Ҳожа Шижууддин Маҳмуднинг насли, улар Мавлоно Ҳожа Ҳофизуддиннинг насли ва уларни Ҳожа Кабир Бухорий, дер эрдилар, мужтаҳидларнинг охирисидур, Чингизхоннинг вақтида Мавлоно Шижууддин Маҳмуд келиб эрдилар, Мавлоно Аршадиддин уларнинг ўғли, мӯғуллар исломи буларнинг қўлида фатҳ бўлди. Бу воқеанинг шарҳини асли тарихда энкор қилинди. Ҳожа Тожиддин оталирининг хизматида Мовароуниҳога келдилар. Мавлоно Али Арон Тусийнинг олдида илм таҳсил қилдилар. Мен бандада Ҳожа Тожиддиндин эшиттимки, шубҳалик луқмадин парҳез лозим.

Мулоҳаза қилиб билдимки, бу сўзни манга айтди, ондин парҳезкорликни ўзимга лозим тутдим. Ҳодимларим маъзур билдиларки, ҳеч кимарсаннинг зиёнинда таом емадим. Ондин кейин нечанд муддат Ҳазрати Эшоннинг хизматларида бўлдим. Вақтеки Ҳожа Тожиддин Турфонға ёнди, Султон Аҳмадхон уларға ўбдан жойлар қилиб берди ва азиз тутди.

* Бу ерда — муршид (-О.Ж.)

ЮЗ ЭЛЛИК ТҮҚҚИЗИНЧИ ФАСЛ

301а

ХОЖА ТОҲИР ҚАЗОҚ, ЎЗБЕК БИРЛА ЯРОШИБ БЎЛГОН ВОҚЕАЛАР ЗИКРИ

Вақтеки ул эимистонда Рашид султонга Толиш отлиқ қалмоқнинг умароларидан келиб шарафи ғазотга мушарраф бўлиб, Қўчкорда қишлиди. Илгари қазоқ хонларининг зикрида мазкур бўлғон Тоҳирхон зимистоннинг ўтрасида Хонға мулоғимат қилғоли элчилар йиборди. Султонхоннинг аммаси Нигор хонимни хонға еткузди. Султон Нигор хонимнинг зикри илгари ўттики, Юнусхоннинг тўртинчи қизи эрди, Абу Сайд мирзонинг ўғли Султон Маҳмуд ўлгандин кейин қазоқ хони Жонибекнинг ўғли Адик султонга бердилар. Султондин бир фарзанд вужудга келди, отини Мирзоҳон қўйди. Ул Бадаҳшонға подшоҳ эрди. Тарихқа тўққуз юз ўн еттида (1511—1512) вафот қилди. Ондин ўғли Сулаймон шоҳ Бадаҳшонға подшоҳ бўлди. Адик султон ўлгандин кейин Нигор хонимни Адик султоннинг иниси Қосимхон олди. Қосимхон ўлгандин кейин Тоҳир султон хонимни зиёда иззатикром бирла тутуб ўз туғилғон онасидин зиёда кўрди. Хоним Тоҳир султондин ижозат талаб қилди, Сизнинг фарзанду аржуマンларингиз ҳам бор. Ёшим қўхна бўлди, ҳиммат ва қувват кетди, хоҳларманки, биродарзодам Султон Саидхон қошига йиборсангиз. Охири умримда шаҳрда бўлғаймен. Сиз Ўзбекистонға боролмай туриб қолдингиз. Султон Саидхоннинг лашкари тўрт лакка етибдур. Сиз оз лашкар бирла анга баробарлик қилолмасиз. Мен ораға тушиб яратшуруб мўғулнинг подшоҳлиқини олиб берай деб эрди. Бу маслаҳат Тоҳирхонға хўб эшитилди. Мўгулистонға келиб Хонға мулоқот бўлди. Хон аммасининг туфайлидин маъоф қилди.

3016 Айттики: Ярашмоқнинг эҳтимоли йўқ эрди. // Аммо бузрукворимни еткузиб берган Жонибекдин маъоф тутдим, деб келган элчини инъом-эҳсон бирла шоду хуррам қилди, ҳамиширасининг қизи эрди. Рашид сultonға никоҳ қилиб бердилар. Анингдин неча фарзандлари бор, ҳар қайсиси ўз жойида зикр қилинур. Андин Муҳаммад қирғизни боғлаб Кошқарға олиб келдилар. Ул сабабдинки анингдин мухолифат пайдо бўлиб эрди, Хон вафот бўлғондин кейин қуя бердилар. Мен бандани ҳалойикка таскини хотир бермак учун Мўғалистонда қўйиб эрдилар. Мен анча сайъ қилдим.

Қирғизлар тинжорқомади, ондин келиб Хонға қўшилдим. Бу йилда Хондин бир фарзанд вужудга келди. Тарихнинг тўққуз юз ўттузи шаввал ойида (1524 йил август) эрди, отини Султон Иброҳим қўйдилар.

Назм:

Юзидин билгурур хуршиду моҳи,
Шарофат авжида чун нури моҳи,
Зухур айлаб чиқибдур тахтгоҳи,
Саодат ёргуининг нури шоҳи.

Хилофот сипеҳрининг меҳри ва салтанат осмонининг бадри Султон Иброҳимға Бобо Сариқ мирзо оталиқ бўлди. Неча турлук зиёфатлар бирла тўй қилдилар. Бу фарзандларига ўзга фарзандларидин меҳрибонроқ эрди. Туғилғон кунларига уламолар тарих айттилар, ул жумладин бири ушбутир.

Байт:

Келибдур боғи дилға равзадин гул,
Ки туркон ҳайқали шаҳзода сунбул
Ажаб йўқ деса зиллуллоҳ сен бил,
Туғилғон вақтининг тарихидур «эил».

Султон Иброҳимнинг ахволини ўз жойида зикр қилинур.

ЮЗ ОЛТМИШИНЧИ ФАСЛ

ХОН АНДИЖОНГА ИККИНЧИ МАРОТАБА БОРГОНИНИНГ ЗИКРИ

Вақтеки баҳористон бўлди, вазиру акобирлар андоқ маслаҳат қилдиларки, Мўғулистонга бориб, Рашид сultonнинг ишини маҳкам қилиб, ондин Андижонга борсақ деб. Ёрканддин Мўғулистонга бориб, ондин Кошқарға келдилар. Ул аснода Андижон тарафидин Ҳазрати Хожа

302а Нуро // келди. Хон Ҳазрати Хожа Нуронинг дийдорлариға мушарраф бўлди. Ондин Хожа Нуро Ёркандга равон бўлдилар. Хон Иссиққўл тарафига юз келтируб Иссиққўлга еттилар. Ул аснода Мўғулистонга қалмоқ келди деб хабар етди. Хон ояти карима «Жаахадуу фи сабиyllи Оллоҳи» (Оллоҳ йўлида курашган зотлар — ана ўшалар Оллоҳнинг раҳматидин умидвордирлар». 2,215—218) амал қилиб суръат бирла ғазотға таважжужуҳ қилдилар. Қалмоқ Иссиққўлдин ўн кунлик йўл эрди. Ул ерга етдилар. Ондин Суюнчикхон ўлди. Ўзбек бошсиз бўлиб қолди, деб хабар келди. Бурунқи интиқомиға мундин яхшироқ боис пайдо бўлмас, ул қундин бери бу ишнинг интизорида эрдим, деди. Бу ҳолда амакимнинг тилиға калолат пайдо бўлиб, лақва касал воқеъ бўлди. Амакимни Кошқар шаҳрида қўйиб, Хон Мўғулистонга бориб, ондин юриб Қўнгор Үланг бирлан Андижонга келдилар.

Шеър:

Қўзғолиб лашкар ҳаддидин афэун,
Тирини тебратиб каманддин узун.

Ондин юриб Үзгандга бордилар. Үзганд қалъаси анча маҳкам эрди. Ани фатҳ қилиб, ондин Модуга келдилар. Тамом вилояти Фарғона лашкарининг ҳайбатидин осонлиқ бирла қўлға келди.

Ондин Ўшга келдилар. Ўшнинг уламо ва фузало раийалари истиқболларига чиқди. Вақтеки Суюнчикхон ўлиб эрди, ўзбеклар иттифоқ қилдиларки, қачон Ҳон бу ерларга келса, мамлакатларни қўйиб бериб, ўзимиз тонгнинг гўшасида ўлтурали, қальяларни қабоб олса, олур дейишдилар. Бу аснода ўзбеклар Ҳоннинг Ўшга келганини англади. Ҳар киши ўзи қарор қилган ерларга кетди. Еттинчи куни лашкар мўру малаҳдек етиб келди. Ҳоннинг лашкарини йигирма беш минг қиёс қилди. Аммо ўзбекнинг лашкари юз мингдан зиёда эрди.

3026 // Назм:

Токи тадбиркор бўлмай мў бамў,
Бўлмагил ўз душманингра рўбарў.

Нечанд одамларни қўчириб Кошқарға йибориб, аҳли аёли Мўғалистоннинг Ўтлуқ деган ерида эрди, келиб қўшилуб Рашид султонни Мўғалистонда қўйиб ўзи Кошқарға келди.

ЮЗ ОЛТМИШ БИРИНЧИ ФАСЛ

**ХОН МЎҒАЛИСТОНДИН АҲЛИ АЁЛЛАРИНИ
КОШҚАРҒА ОЛИБ КЕЛИБ БЎЛГОН
ВОҚЕАЛАРНИНГ ЗИКРИ**

Вақтеки Рашид султон Мўғалистонда эрди, Тоҳирхон Ўзбекистондин келиб ҳодиса юз келтурди, Қўчкорға яқин келди. Қирғизнинг нисфи тобе бўлди. Рашид султон йўл берди, ул жихатдинки, Тоҳирхондин ваҳми бор эрди. Зимистоннинг ичидаги Қўчкордин қочиб, Отбошига борди.

Вақтеки бу хабар Ҳонга етди. Суръат бирла Отбошига равон бўлиб, фарзандлариға қўшилди. Ҳалойиққа тасалли бериб, Рашидхондин жудо бўлғон қирғизларни келтуруб, мен бандани

Рашидхонға ҳамроҳ қилиб қирғизларни Юмғол ва Қўчқордин кўчириб Рашид сultonға топшириб, Отбошида қўйиб, ўзи Кошқарға келиб, халқни тамом кўчириб, ўзбекнинг иши бир тараф бўлғунча Мўгулистанда қўйдилар. Банда мен Рашид сultonға ҳамроҳ эрдим. Кошқардин яна Отбошиға бориб бизга қўшилиб banda менга рухсат бердики, аммаси Нигорхонимни Мўгулистандин олиб келгай, токи Тоҳирхоннинг орасида мусолаҳа бўлиб, муҳимиға саранжом бергай. Мен бориб хонимни келтурдим. Хон Оқсойда экан. Ондин қирғизлар ўзбек бирла жудо бўлғони хабари келди. Андоқ маслаҳат қилдиларки, әмди ул қирғизларни қўлға келтурмак лозим деб. Оқсойдин отланиб бир манзил мангиб эрдилар, Рашид сultonга касал ориз бўлди.

Вақтеки Ҳазрати Эшоннинг Исо нафаслари бирла уч кунда 303а сихчатка мубаддал // бўлди. Мен хонимни етқуэуб келгандин мени Рашид сultonға ҳамроҳ қилиб, беш минг киши бирла қирғизға йибордилар. Ўзлари юриб Бокқуёсға кетдилар. Қирғизлар Ориш деган ерда эрди, ул ерга етдук. Қирғизлар йўқ, у ердин кўчиб кетибдур. Гумон қилиндики, хабар олиб қочибдур деб. Илгарироқ бориб кўрдукки, нечанд ўликлар ётибдур. Ўқ теккан отлар ҳам бор. Бир ярим жон бўлғон кишини кўрдук. Маълум бўлдики, Кусандин Бабожоқ сulton келиб чофибдур. Уч кун илгари Бабожоқ сulton қаттиқ жанг қилиб, яна ўзи шикаст еб қочибдур. Қирғизлар юкини ўзбек тарафиға юбориб, ўзи Бабожоқ сultonнинг орқасидин қуғлаб кетган экан. Бир мунча йўл юриб хоннинг хизматлариға бордук. Тоҳирхон бирла мужодала бўлди. Мунинг лашкари икки юз минг киши эрди. Аммо давлат кунлари ёниб, ўн лак лашкари икки лакка етиб қолди. Абулқосим деб иниси бор эди, халойиқ зоҳирлан Хоннинг зулму тааддисини шунингдин билиб тутиб ўлтирдилар. Ҳамма халойиқ бир дафъада нафрат қилиб Тоҳирхондин қочди. Кошида ҳеч ким қолмади. Ўғли бирла бориб қирғизға қўшилди. Хон Кошқарға келди, сабаб ул эрди-

ки, Мўгулнинг халқи арз қилдики, қирғиз ўзбек бирла бир тараф бўлдилар, улар ўз ватанига борди. Адовати қадимий бор, бу зимистонда Мўгулистанда турмоқлик хатардур деб эрди. Бу жиҳатдин Хон Рашид султонни олиб тамом мўгуллар бирла Кошқарға келди. Бу хабар ўзбекка етди. Тоҳирхон қирғизларни ҳамроҳ қилиб келиб, Мўгулистанда қолғон халқларнинг отулоқ, нарса кераки бирла олиб кетди.

ЮЗ ОЛТМИШ ИККИНЧИ ФАСЛ

БОБО СУЛТОН ҚОЧИБ АНИНГ ИШИ ТАМОМИФА ЕТҒОНИНИНГ ЗИКРИ

3036

// **Б**обо Султоннинг зикри йўқори мазкур бўлдики, Хоннинг биродарининг ўғли эрди, додасини Жонибек султон тарихнинг тўққуз юз ўн тўртида сувда фарқ қилди. Хон Андижонни олғонда Бобо Султон Хонға қўшилиб эрди, мунинг шарҳини илгари баён қилинди.

Бобо Султон хоннинг хизматида азиз ва мукаррам турди. Бу жиҳатдин Хоннинг фарзандлари ҳусуд қилди. Бобо султон бирла Хожа Али баҳодир иттифоқ эрди, Мўгулистанға олиб бормоққа тарғиб қилди. Амаким бу ишга тағиیر бердики, бу муҳими Рашид султонға қарор берди. Бу жиҳатдин Бобо султон озурда бўлди. Хон чандон илтифотлар қилди, қундин-кунга озурдалики зиёда бўлди. Анинг учунки Рашид султон ҳар неча улуғроқ эрди, аммо ҳasad томури Бобо султон учун ҳаракатга келди. Одамий шайтонлар васваса қилиб, нифоқ уруғини анинг кўнглиға сочди. Мухолифат ва қабоҳат ишларига турди. Ҳарчанд андиша қилиб, қочмоқдин ўзга тадбир топмади. Мазид отлиқ бир бадфеъл бир киши бор эрди. Хон анга риоя қилур эрди ва

муҳим ишларини анга топширур эрди. Ул муҳимларнинг уҳда-сидин чиқолмай, аниг ул мартабадин маъзул қилди. Бу ерда туролмай жаҳл, нодонлиқ қилиб, Бобо сultonни ҳамроҳ қилиб қочди. Мазиднинг Бобо сultonга айтган афсонасининг бири ушбуки, мунча қобилият Ҳоннинг қошида зоёв ва муаттил туриб қолдилар. Сизлардек яхши подшоҳга ҳамма олам ҳалқи талабгор, қайда борсалар сиздин миннатдор бўлиб подшоҳлиққа қабул қиласадур.

Сulton Увайс Ҳутталон Ҳисорда бор, сизнингдек яхши подшоҳни қўлга келтиролмайдур. Ўз бошиға ўлтирубдур ҳеч кимга инқиёд

304а қилмайдур, Агар сиз аниг // олдиға борсангиз подшоҳ қиласадур. Кошқар ва Мўғалистоннинг подшоҳлиқига қаронда Ҳурросон Мовароуннаҳони подшоҳлиқи мўътабардур, деб муболага бирла айтиб эрди. Бобо сulton маъқул кўриб Мазиднинг афсонасиға фиреб бўлиб, Ёркандин қочди. Ҳон орқасидин қуғлотмади. Айттики агар мендин ўбдан киши топса топсун, қачон тополмаса ёниб келур деди. Ушул қочғонича Сulton Увайснинг қошиға борди. Ул тамаъ қилғон муддаоси қўлга келмай, пушаймон бўлиб, ёниб Кошқарға келди. Аниг келганига Ҳон хушнуд бўлмади. Мунинг шарҳи яқинда келур. Ондин ночор Ҳиндистонга борди. Анда ҳам ҳеч мамлакатнинг жиловини қўлиға ололмай, Бобур подшоҳнинг қошиға борди. Бобур подшоҳ Ҳисори Ферузани берди. Яна феъли ношоистани лозим тутди. Ул кунларда исҳол бўлиб, сув ул мизожга эврулуб тарихқа тўқкуз юз ўттуз еттисида (1530—1531) вафот бўлди. Ёши йигирма тўрт ёшға етиб эрди. Ҳон кичиклигига азиз тутиб, устодға бериб эрди ўзининг бадфеъллигидин ҳеч илмни касб қилмаб эрди, кейин пушаймонлар қилди. Надомат суд қиласади. Жасадини олиб келиб, Бадахшонда Бобо сultonнинг мўмосининг бобоси Сulton Муҳаммад Бадахшийнинг гумба-зида дағн қилди.

ЮЗ ОЛТМИШ УЧИНЧИ ФАСЛ

ШОҲ МУҲАММАД СУЛТОННИНГ ИШИ ТАМОМИФА ЕТГАНИНИНГ ЗИКРИ

Шоҳ Муҳаммад султон Султон Муҳаммад султоннинг ўғли, Султон Муҳаммад Султон Султон Маҳмуднинг ўғли, Султон Маҳмуд Юнусхоннинг ўғлидур. Вақтеки Султон Маҳмудхонни ўғлонлари бирла Шоҳибекхон шаҳид қилдики, анинг зикри йўқори мазкур бўлди. **Шоҳ**

3046 Муҳаммад султон кичик эрди. // Шоҳибекхоннинг умароларидин бири раҳм қилиб ўлтирмаи, пинҳон сақлади. Вақтеки Бобур подшоҳ Мовароуннаҳога ғолиб бўлиб Шоҳибекхонни ўлтурди, ўзбекнинг умаролари **Шоҳ** Муҳаммад султонни Бобур подшоҳнинг қошига олиб борди. Подшоҳнинг мулоzиматида бўлди. Вақтеки подшоҳ яна бир маротаба келиб ўзбеклардин ғолиб бўлиб, Кобулға кетди, **Шоҳ** Муҳаммад султон Бадаҳшонда Мирзохоннинг қошида қолди. Яна ондин Хон Кошқарни фатҳ қилғонини англаб, Хоннинг мулоzиматига келди. Хон ани ўз фарзандларидин азиз тутди.

Вақтеки жавонлиқ ҳолатига етди, Хоннинг бобосининг ҳамширасини анга ақди никоҳ қилиб бердилар. Мен банданинг ва анинг аросида андоқ муҳаббатнинг робитаси боғландиди:

Назм:

Мен бўуб жонон, жонон мисли ман,
Гўё бир руҳ келибмиз икки тан.

Ҳамма вақтларни ҳамсүҳбатлик бирла ўтказур эрдик. Муддати түккуз йил Хоннинг хизматида турди, ҳеч вақтда амри мулоzимат ходисасидин зойил бўлмади, алалумум ончаки Хоннинг дунёлиқидин бор эрди, ҳаммасига эга қилди. Ва агар иш қилсалар миннатта лойиқ

бүлгудек ва агар ҳар нарсаки хайру шардин воқеъ бўлса, анга рози бўлур эрди. Ҳамма бобда шукр айтур эрди. Воқеъда ушбу сифатлиқ муҳаббат собит бўлди. Вақтеки бу чархи қажрафторнинг феъли ва фалаки ғаддорнинг одати будурки, ҳаргиз икки дуст бир-бирларига восил бўлмайдурки, охир ани жудолиқ ҳанжари бирла хаста қилмай қўймас. Ул вақтки Бобо султон қочди деб зикр қилинди, Шоҳ Муҳаммад султонга ажиб ишлар даст бердики, бу зикр қилинғоннинг орасида Бобо Саид отлиқ бир киши бор эрди, Мирза Муҳаммад Бекчикнинг хоҳарзодаси эрди, Шоҳ Муҳаммад султоннинг

305а хотири // анга майл пайдо қилди. Вақтеки жавонлиқ эътидоли ҳаддин ўтди ва фунчага үхаш пироҳан пардасини пора қилди. Икки тарафнинг дўстлиқи қарорига етди.

Мисра:

Ал-фироқ, эй зуҳду тақво, ал-фироқ, эй ақлу дин!

Хон чандон насиҳатларни қилди ва қувват қўргузди, ҳеч суд қилмай Бобо Саиднинг ташналиги бу миқдор насиҳат бирла таскин топмади. Ондин салтанат ишига далолат қилди. Кундин-кунга зиёда бўлди. Шоҳ Муҳаммад султонни йўлдин чиқармоқдин ўэга чора қолмади. Охирул амр Шоҳ Муҳаммад султонни Бобо Саид бирла нечанд мулоғимларни қўшиб, Қоратегин тарафига йибордилар. Умаролардин бирининг оти амир Жонака, бирининг оти Муҳаммадий барлосий эрди. Амир Жонака хоҳлади-ки Шоҳ Муҳаммад султонни жойига етказиб қўйиб, Бобо Саидни Муҳаммадийнинг илкидин олғай. Бобо Саидни ҳалос қилмоқ учун Шоҳ Муҳаммад султонга рағбат қўрсатдики, ул сизнинг давлатхоҳлиқингиз учун ушбу меҳнатта мубтало бўлди, Муҳаммадийнинг қўлидин зўр бирла олмоқ лозим. Муҳаммадий сизга нималар қилмоқни хоҳлади деди. Шоҳ Муҳаммад султон бу сўз бирла ёнғоли турди. Нисфи шабда Султон силоҳини кийиб қичқирдики, ҳар киши бўлса ёнсин, магар ёнмаса ўқ отмоқни хоҳлагаймиз деб. Булар бу сўзни англамади, ондин ўқ отишғоли турди. Ногоҳ бир ўқ Султоннинг мақталига тегди. Ондин Муҳаммадий амир Жонакани тутиб олди, Султонни ўлтириб саросима ёниб келди.

Рўзгорнинг кажлиқи бирла қилғон ишлари ушбу расволиққа етди. Олам халқининг аросида шўру ғавро пайдо бўлди. Баъзи одамлареки Султонга сўз қилиб эрдилар, ҳаммаси қоча бошлади. Аммо Шоҳ

305б Муҳаммад султоннинг // аҳлияси Хоннинг ҳамшираси эрди, Хоннинг аҳлияси Зайнаб султон хоним Шоҳ Муҳаммад султоннинг аммаси эрди, бу хонимлар Хонга мулзам қилдиларки, нима учун Шоҳ Муҳаммад султонни ўлтиրмакка ҳукм қилдингиз деб. Хон қаттиқлик бирла айттики, мен ҳукм қилмадим деб. Хонимлар айттиларки, андоқ бўлса Муҳаммадийни бизга топшурунг, ани қасос қиласиз, дедилар. Хон бу ишга рози бўлди. Муҳаммадий аммамга ва манга илтижо қилдики мени холос қилгайсиз деб, ҳам Муҳаммадий Рашид султоннинг мулоzими эрди, Хонни холи ерда топиб, арз қилдуқки султонлар тамом сизга жамоа эрди, ҳаммаси кетди. Бир фарзандингиз Рашид султон қолди. Бу ҳам озурдана факир каминанинг Муҳаммадийга қайошлиқим бор. Бу ишдин бирга озурдалик етар деди. Хон ул амредин мен бандага топшириди. Бу зикр қилғон хонимлар аммамга ва манга хола ва холазода эрди. Ҳаммалари сарзанишлар қилиб айттики, Муҳаммадий бар-лоснинг қайошлиқи оламда нима бўлмоқни пайдо қилди. Анинг учун хатти амрни тўхтаттингизлар, Шоҳ Муҳаммад султоннинг қайошлиқи Муҳаммадийдин яқин эрди. Агар Муҳаммадий отангизнинг холаси бўлса, Шоҳ Муҳаммад сизнинг холангиз, ҳам дўстунгиз. Бовужуди ушбу робиталар жониби бўлса Муҳаммадийга нима сурат бўлғай, анинг аросига киргайсиз, дедилар. Бовужуди ушбу уруқ-туғонларимнинг сўзи асло қулоқимизга кирмадики, ҳақни ботилға муқобала қилиб, албатта қасосга рози бўлмадуқ. Мен Муҳаммадийни аммимга топширдим. Токи Кошқарда маҳфий сақлагайсиз деб. Ушбу жиҳатдин факирнинг ва хешу ақраболарнинг аросида озору ранжалар пайдо бўлиб, ушбу навъда неча муддат ўтди ва

306а шиддат ародин қўпди. Ушбу суратлар бирла //Муҳаммадийни қутқаздим. Аммимни ва уларни ўлтурмакка жаллод пайдо қилибдурман.

Мисра:

Билмайин жонимга бир қотилни тайёр айладим.

Астагфируллоҳки ушбу ноҳақ ишларни қилдим. Ул вақтдаки Ҳудойи таоло Мұхаммадийни ғолиб қилди. Ноҳақ қыммоқдин ва ёмонлиқ қыммоқдин ўзга бизнинг тарафимиз тарафига бўлмади ва бизнинг авлодимиизга риоя қилмади. Ҳадис: Қолан-набиийу алайҳиссалом: «Ман аъона золиман фа-қод соллаташу Оллоҳу таоло». Пайғамбар алайҳис салом айтибдурларки, кимдаким золимга ёри берса, бас батахқиқ Ҳудойи таоло шул кишига мусаллат қилур, наузу биллоҳки ботилни ҳаққа муқобила қыммоқдин ва золимларга ёре бермақдин илоҳо ҳамма мусулмонларга, золимларга ёрий бермақдин, ҳақни ботил бирла ёпмоқдин паноҳ бергил ва ҳамиша тавғиқу ҳидоятта мувоғиқ қилгайсен.

ЮЗ ОЛТМИШ ТЎРТИНЧИ ФАСЛ

РАШИД СУЛТОН БИРЛА ФАҚИР БАНДА
БАЛУРГА ФАЗОТГА БОРГОНИНИНГ ЗИКРИ

Вақтеки ул йил эимистонда Ҳон Рашид султонга мени ҳамроҳ қилиб Балурга ғазотга йиборди. Мен ҳам ақраболарнинг хижолати бирла миннатдор бўлдум. Ғазотга шуруб қилиб Балурга етдук. Балур деган коғиристон экан. Ҳеч ерида улардин дини маэҳабда йўқ ва ҳеч нимарсадин парҳез қилмас экан. Анча хоҳламади, аммо хушомад бирлан хизматга еткурди. Балурнинг машриқ тарафи Кошқар ва Ёркандга, шимол тарафи Бадаҳшонга, мағриб тарафи Кобилга, жануб тарафи саводи Кашмир экан. Буларнинг ораси гирдо гирдо тўрт ойлиқ йўл экан. Батамом тор ва унгўр ва тикликдурки, бир фарсанг ери туз эмас. Ҳалқи тӯла, ҳеч сахросининг бирбири билан маслаҳати йўқ. Ҳамиша кажлиқ ва жанг-жадал бирла уларнинг жадалининг тӯласи ушбудурки, маэлум ҳалқи

3066 // иморатка ва зироатга машгулдур. Уларнинг эр халқи урушға машғул экан. Вақтеки уларнинг хотин халқи уйида таом этиб, чарласа бир-биридин жудо бўлиб яна таом еб бўлғондин кейин урушга борур эркан. То намози дигаргача ёниб келиб яна ўз уйида кўнгли тинмай уйларни маҳкам қилиб ётур экан. Батамому уларнинг умри ушбу тариқада ўтар экан. Саҳроларида ўтлари оз. Бу жиҳатдин улоқлари кам ва қўйларининг юнгидин либоси бор. Филжумла калонинг^{*} сути топиладур. Бундин бўлак ҳеч нарсаси йўқ. Ҳар қайси қавмларининг забони бўлак, бири-бирининг забонини билмайдур. Аммо боғлари тўла, емишлари кангир^{**}, ва алал хусус анор тўла бўладурғон экан. Бу навъ анор Балурдин ўэга ерларда кўрмадим. Буғдойларининг донаси оқ, асал ҳам тўла. Алқисса ул қиши Балурда турдуқ. Каттиқ жанглар бўлди. Охир зафар топиб, мол-ғаниматлар олиб ёниб, Сариф Чўпонга келдук. Ондин юриб баҳорнинг аввалида тўқкуз юз ўтгуз тўртинчи (1528) йилида Хоннинг мулоэмитига келдук. Ондин Султон Нигор хоним таб касал бўлиб, вафот бўлди. «Жовазаллоҳу таоло зунубаҳо» («Аллоҳ таоло унинг гуноҳларини кечирсин»), уларнинг вафотлариға «хулдаш»дин тарих (934/1527—1528) қилинди.

ЮЗ ОЛТМИШ БЕШИНЧИ ФАСЛ

ХОННИНГ ИККИНЧИ МАРОТАБА БАДАХШОНГА БОРҒОНЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Парихқа тўқкуз юз ўтгуз бешида (1528—1529) Бобур подшоҳ Ҳумоюн Мирзони Ҳиндистонга чорлади. Бу воқеъа андоқ-дурки, Мирзоҳон Султон Махмуд Мирзонинг ўғли, булар Султон Сайд Мирзонинг ўғли, Бадаҳшонда вафот бўлди. Йуқори шарҳ

* Кало — сигир.

** Кангир — мўл, кўл.

қилиндики, аниңгдин бир кичик үгул қолди, Сулаймон отлиқ. Бобур подшоҳ ул үгулни қошида тутиб, Бадаҳшонни

307а // үзининг чўнг ўғли Ҳумоюн подшоҳга бериб эрди. Тарихнинг түккүз юз йигирма олтисидин (1519—1520) то ўттиз бешгача (1528—1529) Ҳумоюн Мирзо Бадаҳшонга подшоҳ эрди. Ул вақтда подшоҳнинг ўғлонларидин иккиси камолға етди. Бири Ҳумоюн Мирзо, бириси Комрон Мирзо. Ҳумоюн Мирзони қошиға чорлаб айттики, бу фарзандларидин бири мулоzиматда турғай, мабодо қазои қадар даст берса, ўрнида ўлтурғай. Ушбу боисдин Ҳумоюн Мирзона Ҳиндистонга чорлатиб борди. Бадаҳшон халқи Ҳумоюн Мирзога арз қилдики, ўзбекнинг Бадаҳшонга адовати қадимий бор, мунинг муҳофазати умароларнинг қўлидин келмас деб. Ҳумоюн Мирзо айттики, онча сизлар деганинглар ростдур, лекин отанинг ҳукмидин тажовуз қилмағайменки, бориб биродарларимдин бирини юборай деб, халойикқа тасалли бериб Ҳиндистонга равон бўлди. Ҳалқлар маъюс бўлди. Бадаҳшон умаролари изтироб бирла Султон Увайсга ва Ҳонга киши йиборди. Ҳумоюн Мирзо Ҳиндистонга кетди, бу вилоятларни Фақир Алига топширди. Фақир Алининг ҳукмронлиқи бирла ўзбеклардин Бадаҳшонга амният ҳосил бўлмайдур. Агар Ҳон келсалар фаҳувал мурод, агар Ҳон келмаса ўзбекни чорлаб келамиз, аниң учунки ўзбек бу вилоятга юз келтирадур, аниң бирла ҳеч ким баробар келомас. Илгари анга илтижо қилғонмиз, шоядки бизга амният бўлгай ва дигар Шоҳбегим Ҳоннинг авладидиндор, мерос бирла уларға етгай. Бу кунларда Ҳондин лойиқроқ киши йўқ деб, чандон муболага бирла киши йиборди. Ул замон Ҳонга жазм бўлдики, агар мен бормасам, ўзбек келгай. Ҳон муҳаррам ойида ўттуз олтинчи йили

307б // Бадаҳшонга юз келтурди. Рашид султонни Ёркандга қўйди. Йуқори мазкур бўлдики, Тоҳирхон ёлғиз қолди, зимистонда мўруллар пароканда бўлди деб. Кейин хабар бўлдики, нечанд қирғизлар ўзбекка ружуъ қилиб, ўттиз мингча киши жамъ бўлибдур. Ҳар тарафга қўл ва пут узатса, қўл узатқучилиги бор деб

уларнинг жиҳатидин Рашид Султон эҳтиёт қилиб Ёркандин Кошқарға келди.

Вақтеки Ҳон Сариқ Чўпонга етдилар, ондин мени илгари йибординлар. Вақтеки мен банда Бадахшонга етдим, маълум бўлдики, Ҳиндол Мирзони, Бобур подшоҳнинг кичик ўғли эрди, шуни йиборибдур. Вақтеки қиши фасли эрди, ёнмоқлиқ душвор бўлди, қалъани холи топиб кирдук. Улар чандон яхши сўзлар бирла сулҳа қарор қилиб эрди, Ҳон ёнмоқлиқка ружуъ қилди. Улар бу сўзга тасдиқ қилмадилар. Балки гумон қилдиларки, бу мақрдур деб. Охирул амр жанг қилмоқлиқка қарор топди. Ҳон қалъани уч ой қабадилар. Охирул амр тўла кишиларни чиқориб узрга келдиларки, агар Ҳиндол мирзо келмаса эрди, ҳар ония биз сизнинг мулоzиматингизда бўлур эдук, дедилар. Ҳон айттики, биэдин Бобур подшоҳнинг муҳолифати ҳаргиз сурат боғламас эрди, вақтеки сизлар муболага бирла киши йибордингларки, биз ўзбекни чорлаб келамиз деб, ўзбекнинг келмаклиги бирла ҳар иккала тарафга халал пайдо бўлмоқ лозим деб келиб эдим. Андоқ бўлса ҳар киши ўз жойига ёнсин деб қалъани қўйиб, Кошқарға юз келтирдилар. Вақтеки Ҳоннинг Ёркандин Бадахшонга келгани Ҳиндистонга етди, Бобур подшоҳ англаб, тўла аламнок бўлди ва тўла фикрлар мутолаа қилиб Сулаймоншоҳ Мирзони йиборди. Ва ҳонга нома футудики, бовужуди шумдоқ ишлар сизлардин ажибдур, ҳоло биз

308а Ҳиндол Мирзони // чорлаб Сулаймоншоҳ Мирзони йибордик. Агар мерос ҳакқини риоя қилсалар, Сулаймоншоҳ Мирзонинг сизларга ва бизларга фарзандлиги бор. Раҳм кўрсатиб Бадахшонни шунга берсалар, ўбдан бўлғай. Агар биз гарданимиздин соқит қилдуқ деб, Бадахшонни ўз ҳукми бирла Сулаймоншоҳ Мирзоға топширдилар. Сулаймоншоҳ Бадахшонда мутаваттин бўлди. Ҳон ондин Ёркандга равона бўлдилар. Амаким йўлда касал бўлиб, кейин қолиб Кошқарға келди. Борганча касали зиёда бўлиб, токи ноумидлик даст берди. Ҳамма табиблар муолажага ожиз келдилар. Ул ҳолда Ҳазрати Маҳдуми Нуро Турфондин ёниб келди. Аммимнинг ҳоли ул ерга еттики, тўла аъзолари ёрилиб, зардоблар оқди.

Вақтеки Ҳазрати Эшон келиб кўриб, мутаважжих бўлдилар. Ондин кейин андак ахволлари яхши бўлди. Анчаки муолажа қилиб эрдилар, нафъ қилди Батахқиқ маълум бўлдики, бу сихҳат дору важҳидин бўлмади, маҳзи қароматдин бўлди. Ҳеч табиб илож қилолмогон касал, Ҳазрати Эшоннинг қароматлари бирла яхши бўлиб дафъ ўлди. Бу ҳол орасида Ҳазрати Эшоннинг ва биродарлари Ҳожа Мухаммад Юсуфнинг ўтрасига низоъ пайдо бўлди. Бу мунозиъат ва гиналар зиёда бўлди. Бир куни фақир банда уларнинг қошлирига бориб эрдимки, биродари Ҳожа Мухаммад Юсуф хизматларида ўлтируб эканлар, Ҳазрати Ҳожа Маҳмуд Нуро иниларига қараб, ғазаб қилиб, айттиларки, Эй Мухаммад Юсуф, Сиз нима учун ушбу ишларни қиласиз, агар сиз отамизнинг муриди, мен Ҳазрати Аҳроор қуддиса сиррухунинг муридлари, мундин бўлакму, сизга менинг тўла нисбатим бор. Менинг қавийлиқим Расули Ҳудонинг наздида, сиз менинг бирла нима мундоқ жадал қиласиз деди. Ҳожа Мухаммад Юсуф

3086 айттики, //менинг ҳам Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи васалламдин умидим бор деди. Ҳазрати Эшон айтиларки, сиз рози бўломсиз Онҳазрат саллалоҳу алайҳи васаллам иккимизнинг орасида ҳукм қилғай деди. Ҳожа Мухаммад Юсуф, рози бўлдим, деди. Ҳазрат Эшон, мен ҳам рози бўлдим, деди. Яна ҳеч нима демай ондин Ҳазрат Эшон Нурон Бадаҳшонға равон бўлди. Бир куни киши келдики Ҳожа Мухаммад Юсуф касал бўлди деб. Фақир ани иёдат қилғали бордим. Ҳожа Мухаммад Юсуф айттики, Ҳожа Маҳмуд Нуро муддатидурки, манга мутаважжих эрди. Манга мундин илгари Ҳазрат Рисолатпеноҳдин навозишлар етур эрди. Ҳоло билмайманки, нима бўлди, навозиш асари зоҳир эмас. Манга яқинидурки, халос бўлмагаймен. Ҳожа Маҳмуд биродар эрди, балки отамнинг ўрнида эрди. Мехро шафқату биродарлик ва оталиқ бартараф бўлди деб, манга надоматлар қилиб фақир бандага эгин-оёқ фўта бериб, қолғон тааллукотларини топшириди. Олтинчи куни касали зиёда бўлиб, тарихқа тўқкуз юз ўттуз етти (1530—1531) сида моҳи сафарнинг ўн тўрти оламдин борди.

Алайхи р-раҳмату вал мағфира. Фақир банда анга «тойири беҳишт»дин тарих топдим. Андин Хон фақир бандани Ҳазрати Маҳдуми Ҳожа Нуронинг хиёматлариға йибординар. Фақир бориб дуову салом еткүздим. Улар дуони қабул ёнмоқға ружувь қилдилар. Вақтеки етиб келдилар, Хон истиқболлариға чиқиб, эъзоз бирла уларни туширдилар. Ондин Ҳожа Маҳмуд Нуро Янги Ҳисорни ихтиёр қилдилар. Хон ҳам хиёматларида бўлиб, Ёркенддин Янги Ҳисорға келиб ул қишида бирла бўлдилар. Мурид мухлислари жамъ бўлди. Таажжуб ҳолатлар улардин пайдо бўлди.

ЮЗ ОЛТМИШ ОЛТИНЧИ ФАСЛ

**ХОННИНГ ВА ЭМИН ҲОЖА СУЛТОННИНГ
ОРАСИДА БЎЛГОН ВОҚЕАЛАРНИНГ ЗИКРИ**

309а

Вақтеки Мирзо Али Тогайнинг зикри Кошқарнинг // ясол зикрида ўтди, аммимнинг борасида ҳасадни ҳаддин фузун қилди-ки, аммо ошкора қиломади. Чандон кўшиш қилиб суханчинлик ва ғаммозлиқни жойига еткуролмади, андоқки мазкур бўлибдур. Хон аммимнинг қизини Эмин Ҳожа султонға нисбат қилиб бердилар. Улардин бир фарзанд вужудра келди. Дўстлиқнинг занжири Хоннинг ва аммимнинг аросида ниҳояте маҳкам бўлди. Мирзо Али Тогайнинг хотириға етдики, Хоннинг ва Мирзонинг аросига ҳасад кор қилмади. Бошини Эмин Ҳожа султонға эгмак лозим, токи икки биродарлар орасида тафриқалик губори қўзролғай, анинг учунки Саид Мұхаммад мирзо домодлик ва фарзандлик тарафи-ни тутса, Хондин жудо бўлур ва агар Хон тарафини риоя қилса, Эмин Ҳожа султондин оталиқ ва фарзандлик қўзини юмар. Филжумла озор етурки Эмин Ҳожа султоннинг муҳими кифоят бўлур, аз важхи Мирzonинг учаси синар.

Ушбу фитна ва васвасаларга бино қўйиб, чандон фитналар пайдо бўлди. Эмин Ҳожа султон бирла Ҳоннинг вахималари пайдо бўлди. Бу тафсилнинг мужмали илгари зикр қилиниб эрдики, Мирзо Али Тоғай Эмин Ҳожа султонга айттики, мен давлатхоҳлиқдин шумдоқ кўрдимки, Ҳон сизга ғайридир, анинг учунки, сизнинг ўрнингизга Оқсуга Рашид султонни хоҳлади. Сиздан эҳтиroz лозим, ўз корингизга машғул бўлинг, анчаки фақир банда сизга ростини айтдим. Анга амал қилғайсиз деб, ондин Ҳонга айтадурки, Эмин Ҳожа султон сиздин тўла таваҳхумдадур. Эҳтимол борки, сизга мухолифат қилғай деб. Ҳон ани рост билмак учун айттики, агар менинг ушбу шафқатим бирла бу сўз рост бўлса, анинг аломати улдурки, Эмин Ҳожа султон фалон ишни қилсун, деди. Андин // Эмин Ҳожа

3096 султонфа маҳфий киши йибордики, фалон ишни қилғайсиз деб. Ул соддалиқдин бу ишни қилди. Мирзо Али Тоғай Ҳонга арэ қилдики, мен илгари айтиб эрдимки, Эмин Ҳожа султон фалон ишни қиладур деб. Бу йил шул ишларни қилибдур, сўзим рост келди деди. Ондин Ҳонга тағирири ҳол даст берди. Аммим, фақир Эмин Ҳожа султонга, сиз нима учун бу ишни қиласиз, бу ишингиз хатодур, дедук. Эмин Ҳожа султон ҳеч жавоб этмади. Бу ишнинг важхи бизга маълум бўлдики, бу иш Ҳожа Али Тоғайнинг ўйинидур деб. Вақтеки Мирзо Али Тоғай Ҳоннинг мижозида тағирири фоҳишани топди, айттики Эмин Ҳожа султон Оқсуда учун ушбу фитналар пайдо бўладур. Беҳтари улки анинг ўринида Рашид султон ўлтурсин, Эмин Ҳўжа султонга Бадаҳшонни бермак лозим деди. Анда фақири банда мен айттимки, Мирзо Али Тоғайнинг сўзи бирла Эмин Ҳожа султонга тағирири бермаклик нолойиқ бўлғай, мен банда анга рози бўлмасмен. Анинг зоти қаробатда биз бандаларга баробардур. Аммимнинг қизи анинг уйида бўлғондин кейин сизнинг фарзандингиз бўлғай. Ҳонимнинг қизи сизнинг ҳарамингиздур. Йигирма уч йилдурки мен сизнинг хизматингизда бўлдим, оталиқ ва меҳрибончиликнинг навъи бирла қайошлар аросида шуҳрат топдим.

Сизнинг ва Эмин Ҳожа султоннинг муҳимини баробар тутдим ва анча давлатеки муносиб эрди, еткурдим, дедим. Андин Ҳон бу

сўзларни аммимнинг олдига солди. Аммим айттики, раъйенинг равшан ва зоҳирроқи улки, ҳар вақтда биз давлатхоҳдурмиз, бир лаҳза сизнинг вужудунгиз бўлмаса бизга ҳётлиқ мамотлиққа эвруладур, нима ҳад бўлғайки, Эмин Ҳожа султон давлатга халал бергай деб. Вақтеки бу сўзлар мазкур бўлди,

310а Ҳон мен бандага амр қилдики. // Мирзо Ҳайдар Рашидни Оқсуга олиб бориб қўйиб, Эмин Ҳожани бунда йиборгай. Ани ўз жойига йиборгайманки, ондин вилоятлар қарор олгай деб. Анда аммим айттики, мен ҳам қабул қилдим. Тонгласи Оқсуға юрдик, бориб Учга тушдук. Шоҳ Мирзо бизнинг истиқболимизыва келди.

Вақтеки Учдин юрдик, тамом халойиқлар Эмин Ҳожа султоннинг олдида турибдилар. Эмин Ҳожа султон фақирга неча киши йибордики, нима бўлғай. Охири бизнинг хешу биродарлигимиз бор, бир бора мулоқот бўлсанак деб. Фақир жоиз қўрмадим. Айттимки, мулоқотнинг фойдаси бўлса эрди, қўришмак муносиб эрди. Бас фойдаси йўқ ишға мулоқот лозим эмас деб киши қўйдумки, сафарнинг ва қўчмакнинг саранжомини қилсун, деб. Тамоми Оқсунинг раийатлари тасалли берди. Муддати олти кун анда бўлдим. Вақтеки муҳимлар Рашид султоннинг мақсадидек бўлди. Фақирнинг бу ишида меҳр-муҳаббат нисбати мушоҳада бўлди. Рашид султон манга андоқ риштаи муҳаббат қилдики, бир лаҳза жудо бўлмадим. Ҳеч қулфат ва такаллуфе арода пайдо бўлмади. Анчаки мен сўз айтсам, бажонидил қабул қилдим. Ондин фақир бандага амр қилдики, мундин илгари Мўгулистонда менинг ва сизнинг аронгиэда Ҳон додамнинг ҳукми бирла дўстлиқ бўлиб эрди. Ҳоло хоҳлайманки, қаттиқлиқ бирла қасам қилғаймиз ва дўстлуқни янги қилғаймиз, деди. Мен ҳам қабул қилдим. Аҳду паймоннинг шартини ушбу тариқада қилиндики фақир банданинг тарафидин мөдомики бирор хон бўлса, сизнинг мулоғиматингиздин бўлак орзу да бўлмағаймен. Наузу биллоҳки агар Ҳон кетса, сизнинг ғайрингиэга илтижо қилғаймен ва сизни Ҳоннинг ўрнидаги хон билгаймен. Ва Рашид султон тарафидин шарт улки,

3106 додамдин кейин // қолсам, сизни улуғ биродар билгай-мен. Манга жамъенинг ҳузурида Хоннинг ўрида таъзим қилмоқ лозим бўлса, холида шундоқ бажо келтургаймен, анча риойат ва ҳурмат бобида Хоннинг қилғонидин эзида қилгаймен ва хешу ақраболарингизга мундоқ амал кўрсатгаймен, деб қаттиқ ахду пай-мон қилдилар. Ондин кейин манга рухсат бердиларки, Хоннинг мулоzиматига келдим. Хон Янги Ҳисорда экан, навъ-навъ наво-зишлар қилди. Ушбу хушлуқ бирла шикорга чиқдилар. Вақтеки шикор ҳудудига етиб эрдук, Рашид султон Оқсу тарафидин етиб келди. Иккавлан шикор қилиб юрур эрдилар, Хоннинг қадимқи касали ориз бўлиб Кошқарға ҳукамоларға киши йиборди. Ҳука-молар келиб, даво қилди. Касали шифо бўлди. Рашид султонни чорлатиб айттики, мен бу касалдин тўла қўрқаменки, ҳар йили бир маротаба воқеъ бўлур эрди.

Бу йил икки маротаба воқеъ бўлди. Ҳоҳлайманки, Рашиднинг аросида аҳдлар бўлиб эрдики, ани изҳор қилмоқ ҳожат эмас. Ҳар икковлан дўстлуқ қилинглар, деб Рашид султонға ва амакимга ва манга айтиларки, агар манга амр воқеъ бўлса, сизлар Рашид султонни менинг ўрнимда кўринглар, Рашид султон ҳам мирзони ва сиэни манга ўхшаш кўрсун деб бу таомилларни адо қилдилар. Хон ёниб тушиб Янги Ҳисорда турдилар. Фақир банда Ёрканд-га бордим. Хон Ҳазрати Маҳдуми Нурони иродатлариға маш-ғул бўлдилар.

ЮЗ ОЛТМИШ ЕТТИНЧИ ФАСЛ

**ХОН ҲАЗРАТИ МАҲДУМИ НУРОГА
ИРОДАТ ҚИЛҒОНЛАРИНИНГ ЗИКРИ**

Вақтеки Хон Ҳазрати Маҳдуми Нуро қуддиса сиррухува иродат қилдилар, андоқки бу ишнинг талабида эрдики, тарки

салтанатни хоҳлағаймен. Бир муршиди комилнинг қадамига ет-каймен, деб. Ҳудойи таоло Ҳазрати Ҳожа

311a // Нурони етказди. Уларнинг хизматида бўлдилар. Ба-қадри истеъдод уларнинг назари саодатлариға манзур бўлди. Айтти агар манга бу ишда истеъдод қобилияти ҳосил бўлса, Ҳазрати Махдуми Нуронинг илтимосидин иноятларини хоҳлаймен. Агар манга бу ишда қобилият бўлмаса, менинг илтимосимнинг фойдаси бўлмас. Умидвордурманки, Ҳақ субҳонаҳу буларни бевосита етказибдур ва манга бундоқ давлат даст бўлса, қўнглимга ором ҳосил бўладур, деб чандон муболага сўзларни адо қилди, ондин фақир бандани Оқсуға буйрудилар. Вақтеки Оқсуға етдим, неча ойдин кейин фақир бандага нишон йиборибдурки, Оқсунинг муҳимларидин анинг ҳошиясида хатлар футулибдур. Ул хатнинг жумласидин байт:

Сенсизин бу танда жоним бўлмағай,
Файридин ҳаргиз амоним бўлмағай, —

деб бу мазмунни адо қилибдурлар. Ондин Ҳожа Нуро салламаллоҳу таоло Бадахшон йўли бирла Ҳиндистонга юз келтурдилар. Фақир банда Оқсуда бўлиб қолиб, уларнинг сұхбатларидин маҳрум қолдим. Ондин Ҳон Ҳазрати Махдуми Нуронинг силсилаи шарифларини ўзига лозим тутдилар. Уларнинг ахволларининг зикрини вожиб тутмоқ неча қоидага бино қўйилди. Бири буки, китобнинг сўзи уларнинг муборак таэкираларидин равшан ва ҳувайдо бўлғай. Яна бири улки, китобнинг аввалида неча ерда зикр қилиндики, шарофат ва латофатлари бу китобда маълум бўлғайки, ул баргузиданинг сўзининг жиҳатидин қадру қиммати бўлғай, андоқки саводгар ҳалқи нечанд матоларни дўконида очсалар, ул матоларнинг орасида бир мато соҳибназарнинг назарига келса, бир матонинг туфайлидин ўзга матолар корга келадур. Ва яна улки ушбу

311b тоифаларнинг китобларида келтурубдурларки, тонгла қиёмат куни // тамом ҳалойиқ ишининг охириси ё беҳиштга борур ё дўзахқа борур. Ҳар киши аҳли шафоатдин яна бирорвга шафоат

қилур, бир киши қолурки анга ҳеч киши шафоат қилмас, маҳрумлиқнинг доди сийнасида қарор олиб бечора бўлғай. Мақоми ҳайратда турғонда ҲазратиFaффор уз-зунубдин фармон келгайки, эй бандаи гуноҳкор, сен дунёи фонийда менинг дўстларимдин ҳеч бирининг отини биламсен, деб. Ул банда айтгайки мен фалон бузрукни биламан деса, фармон бўлгайки беҳиштга борғилки, сени дўстларим отиға бағишлидим, дегай. Мен ҳам ҳар баҳона ва ҳар тариқада бўлсам, ушбу баргузидаларнинг зикрини қилдим. Шоядки мени уларнинг отиға бағишилағай. Шайх Али Даққоқ раҳматуллоҳи алайҳи айтибдурки, Ҳудовандо, агар мен сенинг раҳмат ва мағфиратингга лойиқ бўлмасамму ва манга дўстларингнинг қаторида беҳиштда ер бермасангму ва қўлимни умид сийнамга уриб дўзахга йиборсангму, бори шукуҳи асони қўлимдин олмагил, токи шукуҳи асо сўфиларнинг сурати ва сенинг дўстларингнинг либосидур. Дўзахқа борғаймен ва қўйгаймен. Ва агар уларнинг сийрат мартабасини тополмасамму, суратидин бўлибмен, мени ташқори қилмогил! Вақтеки улардин бўлолмадим, бори уларни ёд қилгучи бўлдим. Субҳоналлоҳи ғалат айтдим, бу давлат манга лойиқ эмаски, бу баргузиданинг отини футубдурман ва тилимра суриб ва қўнглимни хуш қилибдурман.

Рубоий:

Жоноки, сенинг висолинг ўлди матлуб,
Гар матлуб эмас хаёлинг ўлмиш марғуб.
В-ар давлати фикрингки дилимға етмас,
Шукреки отинг қаламда эттим мактуб.

Ва дигар улки, нури дийдаларнинг варақ дафтарлари ва кунларининг ўтган

312а аҳволлари хотира сафҳасидин маҳв бўлсаму, // хоқон ва салотинлар отидин нишон қолмасаму, маълум бўлгайки, фалон хон ва фалон хоқон бузруклар силсиласига дохил бўлибдур. Диљари рашқ қилмай қабуллиқни лозим тутибдур. Бу қабуллиқнинг умиди мағфиратнинг сабаби бўлғай дегайлар. Ва дигар улки, ҳоло улар фанонинг пардаси ичida бўлғай. Кимарсанинг назари салафларнинг

ҳолига тушса, вактида қилса, ушбу баргузидаларнинг давлатига мушарраф бўлиб, то қиёматгача хоҳлаб бу китобни мақбул билғай. Ва муктадиларга савоб ҳосил бўлиб, футугучиларга баҳра етгай.

ЮЗ ОЛТМИШ САККИЗИНЧИ ФАСЛ

ҲАЗРАТИ ХОЖА ХОВАНД МАҲМУДНИНГ НИСБАТ ВА АҲВОЛЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Бу китобда ҳар ерда Ҳазрати Маҳдуми деб мазкур бўлса, мақсад улар бўлғай. Уларнинг исми шарифлари Шаҳобиддин Маҳмуддур. Таъзим ва ҳурматдин Хожа Хованд подшоҳ деб машҳур бўлибдур. Буларнинг оталарининг исми Эшон Маҳмуддур, боболарининг исми Шаҳобиддиндур. Уларнинг халаф фарзандлари халифайи Сиддиқ Хожа Муҳаммад Абдуллоҳдур. Хожаго хожалиқ деб машҳурдур. Улар вактнинг олимроқи ва пархезкорроқи эрдилар. Тарихқа тўккуз юз саккиз (1502—1503)ида Фарғона вилоятида риҳлат қилди. Тошкандга олиб келдилар. Хожа Муҳаммад Абдуллоҳ Ҳазрат қутби доирайи Хожа Аҳор Носириддин Убайдуллоҳ қаддасаллоҳу таолонинг фарзандлари-дур. Фақири банда Ҳазрати Маҳдуми Нуронинг ўз забонлари-дин эшииттим, айттики: вактеки Ҳазрати Хожа Аҳор оламдин кетганларида йигирма етти ёшда эрдим. Улар айтиб эрдики, Самарқандда бир боғ бордур, ул ерда дарахти туте бор, Ҳазрати Хожа бузрук Нақшбанд қуддисса сирруҳу ул дарахтга такяқилиб

3126 ўлтурғон. Мен ул боғни табаррukan сотиб олиб, олдиға кўл // қозидим. Бир кеча қўлнинг ёқасида ётиб эрдим, манга меъда оғриқи ориз бўлди. Табиблар илож қиломади.

Охири Ҳуросонға бордим, Ҳазрат Шайхулислом Мавлоно Абдураҳмон Жомий раҳматуллоҳи алайҳи мени ўз ҳовлисига ту-

шурдилар. Мен уларнинг хизматларида бўлиб, нечанд китоблари-ни ўтказдим дедилар. Мунингдин маълум бўладурки, Ҳазрати Мавлавийдин ҳам тарбият топиб эканлар, ҳам китоби мутадовила-ни ўтказиб эканлар. Ҳазрати Ҳожа Аҳроҳ вафот бўлғандин кейин Ироқға бориб Қози Мир Ҳусайн Яэдий ва Мир Садриддин Муҳаммад бирла ҳамроҳ бўлиб муддати олти йил Шерозда Мавлоно Амодиддиннинг олдида «Шарҳи тажрид»да шерик бўлдилар. Шарҳму хабарда Мавлоно Жалолиддин бирла шерик бўлдилар. Ва Доруш-шифои Шерозда Мавлоно Амодиддиндин илми тибни таълим олдилар, андин Мисрға бориб, ҳажга азм қилдилар. Андин Жидда йўли бирла юруб дарё бирла Ҳиндга келдилар. У ердин Кобулра келиб, Бобур подшоҳ бирла кўришти-лар. Ул вақтда фақир Кобулда эрдим. Бу йуқори мазкур бўлиб эрди. Вақтеки Бобур подшоҳ Самарқандни олди, улар Самарқанд-га келди. Ондин юриб Кошқарға келди. Ушбу тариқада зикр қилинубдурки, муддати икки йил Кошқарда бўлди. Уларнинг ба-ракотидин неча муриду муҳлислар баҳраманд бўлди. Ондин Ман-сурхон киши йибордики, Турфон гўшаларида оталарининг мурид-зодалари бор, маҳдумзодалардин ҳеч киши келган эмас, бу диёр-нинг халойиқлари, уларнинг қадам ташрифларига мушарраф бўлрон эмас. Муриду муҳлисларининг юки оғир. Агар ўзларига мушар-раф бўлса, шоядки шу бандачилиқдин йироқ бўлмағай, деб илти-мос қилди. Ҳазрати Эшон қабул тутиб, Турфонға юз келтурди.

313а Турфонда уч йил турдилар. Муриду муҳлислар саодат қадами // бирла баҳраманд бўлдилар.

Вақтеки Ҳон Бадахшон лашкаридин ёнди, Ҳазрати Ҳожа Нуру Турфондин келди, Янги Ҳисорда турдилар. Ул қиш улардин ажиг аҳвол мушоҳада бўлдики, Ҳазрати Ҳожа Нуру Турфонда эрдилар. Мендин хатолар воқе бўлди. Ул хатоларға ўзим огоҳ эмас эрдим.

Вақтеки уларнинг эзоҳири бўлди, мен ул хатоларимға огоҳ бўлдим. Андоқ айтибдурларки, бу тоифа бузрукларнинг мақомининг бири улки, гуноҳкор халқлар узрига муҳтоҷ эмасдур, аммо, улар огоҳ

қилурлар. Фақири банда давом уларнинг хизматларида бўлдум.
Бир рубоий айттимки,

Эй хуш одамеки майқадада жо қилса,
Нақд борини гарови соқиу саҳбо қилса.
Руҳи қудси файзигаким ҳамнафасе мен бўлсам,
Мен ҳам ул корни хоҳлайменки Масихо қилса.

Вақтеки уларнинг назари саодатларини тобдим ва раҳм афвали
башараларидин зоҳир бўлди, ул кунларда фақир бандага амр
қилдиларки, Ҳазрати Мавлавийи Жомий қуддиса сирруҳу вафот
бўлғондин кейин, такяларининг остидин бу мусаввадаларни топиб
эрдим, ул жумладин бир мусаввадани сизга бергаймен, деб манга
бердилар. Мазмуни буки: Бисмилоҳир раҳмонир раҳим. Ло илоҳа
иллаллоҳидурки ҳидоят боғида аҳадиятнинг алифини майл қилиб
ул мукахҳалада қўйубдур. Ул майли мукахҳала бирла дили кўр
бўлғонлар иллоллоҳи мушоҳадаси бирла рўшнолиқни берибдур.
Илло бирла ишорат ҳам Аллоҳдур.

Рубоий:

Дар сурати лоилоҳа иллоллоҳ бин,
Дар шакли ду ҳо чаҳоргун чашми яқин.
То аз алифу лом шавад даҳ илмат
Машҳур сарафрохта бар Арши барин.

Ва Муҳаммад Расулуллоҳ Ҳудои таолонинг булоқидур, шаҳо-
дат шаробини күшода қилиб, анингдин бир қатра сувни гумроҳлик
даштида ташна бўлғонларга тоттирибдур.

Назм:

3136 Байни чашмасорҳойи // ҳувиятки рашҳи он,
 Аз чашмайи ду мими Муҳаммад бувад равон.

Бу калимаи шариф йигирма тўрт ҳарфдур. Кечаю кундуз со-
атига баробардур. Ва ҳар калима ва ҳар ҳарфидин юмни баракот
бисёрдур.

Назм:

Гуфтам сухане гарат шунидан ҳавас аст,
Дар хона агар кас аст, як ҳарф бас аст.

Нүқтай макс суратидурки, бу калимаи шариф нуқатдин холий-
дур, анинг учунки, бу бир шаҳдедур. Магас табълар алишмоқидин
безордур.

Макун ангушти шаҳодат сўи он шаҳд дароз,
Бошад ойи зи ҳавасҳои магастабъон боз.

Вассалом.

ЮЗ ОЛТМИШ ТҮҚКИЗИНЧИ ФАСЛ

ҲАЗРАТИ МАҲДУМИ НУРОНИНГ БАДАХШОН ТАРАФИГА БОРГОНЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Вақтеки ул баҳорда Ҳазрати Маҳдуми Нуро Бадахшон йўли бирла Ҳиндистонга азм қилдилар, Ҳон буларни узатмоқ учун Шаҳноз мавзегача бордилар. Ҳожа Нуродин дуо илтимос қилдилар. Ҳонға дуо қилди. Ёниб тушдилар. Мен ул вақтда Оқсуда эрдим. Умаролар айттиларки, неча манзилгача Ҳон Эшон Ҳожа Нурова ҳамроҳ бўлиб борди. Алад давом кўнгли бузилар эрди. Ҳар вақтеки Ҳазрат маърифат бошлиса, Ҳон беихтиёр йиглар эрдилар. Ҳоннинг тўла йиглагонидин бизга ҳам асар қилиб, бизларму йиглаб эрдик. Ҳонға Ҳожанинг бу мулоқотлари охири экан. Бори дигар кўришмай, Ҳон оламдин борди. Вақтеки Ҳазрати Ҳожа Нуро Ҳиндистонга кетди, Ҳиндистоннинг аввалки шаҳарлари Кобул ва Лоҳурдур, бу шаҳарлар Комрон мирзонинг тааллуқида эрди, пешвоз олдига чиқиб, Лоҳурға таклиф қилди. Ҳожа Нуро айттиларки, аввал подшоҳи муқимамнинг мулоэмита ирода қилиб эрдук, анинг учунки, Бобур подшоҳнинг таъзиятини Ҳумоюн мирзоға еткурмак бизга

314а лозимдур. Анда бориб ёнсоқ бу илтимосингизни // қабул қилиб, ондин Лоҳурға келсак, деб ваъда бериб Аграга бордилар. Агра деган ҳиндунинг доруссалтанасидур, анда бориб подшоҳи муқимам бирла мулоқот бўлиб, ондин ҳол ахвол сўрашдилар. Ҳумоюн мирзо Ҳожанинг қадам ташриф келтурганларига тұла хуш бўлиб, эъзозу икром бирла мулоқот бўлдилар. Онда Мавлоно Муҳаммад балки подшоҳ ва умаролар, Ҳазрати Ҳожанинг хизматларида сустлук қилди. Мунингдин мақсадуд уларнинг ботинларидағи тақаббурларининг аломатидур. Ондин Комрон мирзо зиёда илтижо қилдики, Ҳазрати Ҳожа мунда ватан қиласа деб, қабул қилмадилар. Тарихҳа түқкуз юз қирқ учи (1536—1537)да Лоҳурға келиб эрди, факир бандада улар Лоҳурға келишидин илгари мен бориб туриб эрдим, икковлан мулоқот бўлдуқ. Муборак лафзларидин эшигитимки, бир воқеъа кўрдимки, бир дарёе пайдо бўлди. Бизлардин бўлак Аградаги ва Ҳиндистондаги ҳамма халқларни ғарқ қилди. Бизлар юз ташвиш бирла халос топдуқ дедилар. Воқеъадин уч йил кейин ушбу воқеъалар пайдо бўлди. Бу сўзни кейин шарҳ қилинур. Ҳиндустон вайрон бўлғондин кейин Ҳазрати Ҳожа сиҳат-саломат Мовароуннаҳо тарафига юз келтурди ва Ҳазрати Эшоннинг меҳрибонлик соясини ҳамма муҳлисларининг бошиға узоқ муддат солғай. Баҳаққи Муҳаммад ва олиҳи в-ал-амжад.

ЮЗ ЕТМИШИНЧИ ФАСЛ

ҲАЗРАТИ ҲОЖА НУРОН КАРОМАТЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Факир бандада Ҳазрати Ҳожа Нурунинг мажлисларида ҳозир эрдимки, Аградин Ҳумоюн подшоҳнинг қошидин Мавлоно Муҳаммад элчиликка келди. Ҳазрати Ҳожа тушида кўрган воқеаи мазкурни баён қилдилар.

314б Мавлоно Мұхаммад йиглаб, узр тақсирлар // қилиб айттики, Ҳумоюн подшоҳға бир хат берсалар деб. Анда Ҳазрати Ҳожа бу байтни ўқиди:

Чу ҳар ерга Ҳумоюн соя солмас,
Ки анда тұтидин зөғ бўлса бисёр.

Бу каромат ажабдурки, Ҳумоюн подшоҳ ул диёрда қорғадин кам бўлса, нечук шарофат соясини сололғай. Мавлоно Мұхаммад саргардон бўлиб ёниб кетдилар.

Фақир банда Янги Ҳисорда дуо ойида рўза ният қилиб эрдим, бир куни Ҳазрат Ҳожанинг хизматларида үлтириб эрдим, Ҳазрати Ҳожанинг олдига бир киши таом олиб келди. Мен рўзани изҳор қилмай ифтор қилдим. Тонгласи қазосини ният қилдим. Яна Ҳазрат Ҳожанинг қошиға келиб эрдим, яна таом келди. Яна таом едим. Яна тонгласи рўза ният қилиб Ҳожанинг (қошиға) келсам яна таом келди. Таомдин бир мунча насиба айриб, менинг қошимға йибориб айттики, неча кун рўзангиэни зое қилдуқ, деди. Ваҳоланки ҳеч киши менинг рўзадор эканимдин хабари йўқ эрди.

Яна бир кароматлари: бир куни Лоҳурда эрдик. Қандахор Комрон мирзонинг қўлида эрди. Шоҳ Исмоилнинг ўғли Шоҳ Таҳмосп Ироқ шаҳридин келиб, Қандахорни олиб, ўзининг халқларини қўйиб ёнди. Бу воқеадин Комрон мирзо зиёда ғамнок бўлди. Комрон мирзо фақирға айттики, бу ҳолдин кўнглим паришондур. Ҳазрати Ҳожага арз қилсангиз деб эрди, фақир Ҳазрати Ҳожага арз қилдим. Яна бир куни Ҳазрати Ҳожанинг хизматларига бориб эрдим, нима учун паришон бўлдингиз деди. Фақир айтгимки, Комрон мирзо учун паришондурмен, Қандахорни Комрон мирзодин туркманлар олиб кетибдур деб. Ҳазрати Ҳожа айттиларки, ғам емагил, воқеъада қўрдим, осонлиқ бирла қўлға келадур

315а деди. Охир деган сўзлари // рост келди. Яна бир кароматлари: подшоҳнинг ҳамшираси Ҳонзода бегим касал бўлди. Мен бандани буйрудиларки, Ҳазрати Ҳожа қошиға

бориб, касалга илож қилсангиз деб. Бир пора хат қилиб берди. Мен бу хат муносиб эмас деб, бўлак хат футуб Ҳазрати Ҳожа Нуронинг қошиға олиб бордим. Улар илтифот қилиб айттиларки, Ҳонзода бегим берган хатни манга беринг деди. Ваҳоланки ул хатни хилват жойда қилиб эрдим, ҳеч кишининг хабари йўқ эрди. Фақир Ҳазрати Ҳожжанинг неча қисм кароматларини кўрдим, ани нақл қилдим. Ҳалойиқдин англафонни баён қилмадим.

ЮЗ ЕТМИШ БИРИНЧИ ФАСЛ

ҲАЗРАТИ ШАЙХ НУРОНИНГ ЗИКРЛАРИНИ ХАТМ ҚИЛМОҚНИНГ ЗИКРИ

Фақир Ҳазрати Нуронинг зикрларини қилмоқка ҳаддим йўқ эрди. Уларнинг тарихларини қилғон сўзининг зайдидин бир мунча силсилаи олийларини баён қилмоқ лозим келди. Аҳлулоҳнинг силсилаларида зикр қилинибдурки, зикр уч қисмдур. Зикри қалбий, зикри хуфия ва зикри жаҳрий. Ҳазрати Эшон ҳаётликларида муридларидин икки кишига зикри қалбий ва зикри хуфяни ҳавола қилиб шайхлиқ маснадида ўлтурғузуб асҳобларининг тўлароқини ҳидоят қилмоқ учун уларға топширдилар. Зикри қалбийни Абобакр Сиддиқ ва зикри хуфяни Ҳазрати Али разиаллоҳу анҳумо қилғон, дедилар. Зикри жаҳрийни муршидлар вақтнинг маслаҳати учун Расули Ҳудо баъзи ҳолда баланд такбир айтғоннинг далили бирла ихтиёр қилибдурлар. Ийди қурбонда такбири баланд айтғонға Ҳазрати Ҳожа Абу Юсуф Ҳамадоний мақомотларида Ҳазрати Ҳожа Абдуҳолиқ Фиждувоний ушбу иборатлар бирла келтирубдурларки, зикри дил ибтидода Расули акрамнинг дилларидин Ҳазрати Абобакр Сиддиқ разиоллоҳу анҳунинг дилларира

3156 ҳосил бўлди. Улардин // Ҳазрати Қосим бин Муҳаммаднинг диллариға ҳосил бўлди. Улардин Жаъфар Содиқ бин Имом Бақирнинг диллариға ҳосил бўлди. Улардин Султон Боязиднинг диллариға ҳосил бўлди. Улардин Шайх Абул Ҳасан Ҳарақонийнинг диллариға ҳосил бўлди. Улардин Шайх Абул Қосим Кирмонийнинг диллариға ҳосил бўлди. Улардин Шайх Абу Али Фармодийнинг диллариға ҳосил бўлди. Улардин Имом Ҳожа Абу Юсуф Ҳамадонийнинг диллариға ҳосил бўлди. Улардин менки Абдухолиқ бин Жамилдурмен, менинг дилимга ҳосил бўлди, дедилар. Ва яна ҳар кишини машойихлардин зикри дилга машғуллиқ қиласа, ул кишининг иқтиdosи Ҳазрати амирул мўъминин Абобақр Сиддиқғадур. Ва яна Ҳазрат Ҳожа Нуронинг улуғ боболари Ҳожа Носириддин Убайдуллоҳнинг муридларидурур. Улар Мавлоно Яъқуб Чархийнинг муридларидурур. Улар Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанднинг муридларидурур. Улар Мир Қулолнинг муридларидурур. Улар Ҳожа Бобои Самосийнинг муридларидурур. Улар Ҳожа Али Ромитонийнинг муридларидурур. Улар Ҳожа Маҳмуд Анжир Ғағнавийнинг муридларидурур. Улар Ҳожа Ориф Ревгарийнинг муридларидурур. Улар Ҳожа Абдухолиқ Гиждувонийнинг муридларидурур. Қаддасаллоҳу арвоҳаҳум бу тоифа бузрукворларнинг ҳар бирларидин бир нақл жамъ қилмоқ лозим эрди. Анча тааммул қилиб тополмадим.

Алқисса Ҳазрати Маҳдум Нуро Ҳиндистонга борғондин кейин Ҳон Эмин Ҳожа султонни Оқсудин олиб келиб, Ҳиндуға ижозат бериб, анда йиборди. Бу иш салтанат ва мамлакатдорлиқ жиҳатидин эрди. Эмин Ҳожа султон Ҳиндга бориб касал бўлиб, оламдин кетдилар. Чўнг ўғли Масъуд султон отасидан кейин қолиб, ул ҳам Ҳиндуда оламдин кетди. Ва Ҳизр Ҳожа султон ва Маҳди султон ва Давлат султон булар ҳар бирлари Ҳиндунинг тафриқалиқида саргардан бўлиб, Ҳудонинг иродаси қандоғ бўлса, шундое зуҳурға келди.

ЮЗ ЕТМИШ ИККИНЧИ ФАСЛ

316а

ПОДШОҲ БОБУРНИНГ // АҲВОЛИНИНГ ТАМОМИФА ЕТКАНИНИНГ ЗИКРИ

Бобур подшоҳнинг аҳволининг тарихини андак баён қилиниб эрдики, Бобур подшоҳ неча мамлакат ва неча хазиналарни олиб, аҳли олам ҳаммаси баҳраманд бўлдики, ҳаммасини шарҳ қилинди. Фақир Ҳиндга келдим. Шу вақтда Бобур подшоҳ Султон Искандарнинг тасарруфидаги афонни олди. Ҳинднинг Рано Синго ража деган мавзеларига келиб жанг қилди, уларға ҳам шикаст берди. Ондин жануб тарафига бориб, қаттиқ жангларни қилиб, батамом фатҳ қилиб ёнди. Ондин Ҳиндустонга келиб батамом Ҳиндистонни олиб забт қилди. Охирул амр тарихнинг тўқуз юз ўттуз етти(1530)сида Бобур подшоҳнинг мизожи шарифларига касал ориз бўлди. Табиблар анча илож қилди, даво бўлмади.

Назм:

Ҳукм етса минг табиблардин анга бўлмас илож,
Шоҳ бўлсун, гар гадо жонини бергайлар хирож.

Вақтеки касал зиёда бўлди, Ҳумоюн Мирзони Бадахшондин чорлатиб келиб, ҳамма умаро ва халойиқфа мамлакатдорлиқни топшириб бериб, жон баҳақ таслим қилди. Ондин Ҳумоюн Мирзо отасининг таҳтида ўлтириб эрди, Бобур подшоҳнинг куёв ўғли Муҳаммад Замон Мирзо бошлигин ҳамма умаролар Ҳумоюн Мирзоға муҳолифат қилди. Ҳумоюн подшоҳ уларни лутф тадбири бирла мувофиқ қилди. Ул ерлареки отаси фатҳ қилмай Ҳиндин боқий қолиб эрди. Ҳаммани фатҳ қилдилар. Ондин Гужаротта бориб, Гужаротни фатҳ қилди. Умаролар муҳолифат қилғон жиҳатдин Гужаротда турмай ёниб келди. Ўзга аҳволини мундин кейин айтиладур.

ЮЗ ЕТМИШ УЧИНЧИ ФАСЛ

ХОННИНГ ТИБАТГА БОРГОНЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Вақтеки Рашид султон Оқсуға кўчиб борди, шул замонда Хонға Тибатга ғазотга бормоқнинг дағдағаси бўлди. Мундин илгари умаролар

3166 бориб мол-ғаниматлар // олиб келган эди. Аммо умаролар борғон бирла Тибат исломни қабул қилмоб эрди. Хоннинг кўнглида Тибат бирла ғазот қилмоқнинг завқи тўла эрди. Хусусан, тариқи илайҳига дохил бўлғоннинг бу юзи ҳимматлари зиёда бўлиб, айтур эрдиларки, ғазот деган аъзами аркони исломдур, деб тарихқа тўқкуз юз ўттуз саккизинчи(1531—1532)да Тибатнинг ғазотига юз келтурдилар. Вақтеки сўз бу ерга еттики, Тибатнинг авзоъларини шарҳ қилмоқ лозим бўлди. Анинг учунки, Тибатнинг йўллари камоли хатарлиқ бўлғон жиҳатидин анда одамлар оз борибдур. Тоғлари икиз, хатарлари тўла, ҳавоси совуқ, суйи ва ўтун ва алафзори кам, одамлари бебош ва беэътидолдур ва қароқчилари тўла. Ушбу жиҳатдин мўътабар китобларда «Муъжам ул-булдон» ва «Жоми гетина-мо» ва «Мулҳақоти суроҳ» қаторлиқ китобларда ўзга вилоятларни шарҳ қилғонға ўхшаш Тибат вилоятларини шарҳ ва баён қилмабдур. Ночор вилояти Тибатни шарҳ ва баён қилмоққа ирода қилинди.

ЮЗ ЕТМИШ ТҮРТИНЧИ ФАСЛ

**ТИБАТ ВИЛОЯТИНИНГ ВАЗЪЛАРИНИ ВА
ТОГЛАРИНИ ВА САҲРОЛАРИНИ ВА АҚИДА ВА
МАЗҲАБЛАРИНИ ШАРҲ ҚИЛМОҚНИНГ ЗИКРИ**

Жибатнинг заминининг узунлиқи Ракандин Бақангачадур. Рақан деган шимолнинг ва мағрибнинг оралиқида ва Бақан деган жануб ва машриқнинг орасидадур. Бу икки ернинг оралиқи саккиз ойлиқ йўлдур ва тўғриси бир ойлиқдин зиёда эмасдур, ондин ҳам кам эмас. Рақаннинг ҳадди Балурға муттасил. Балурнинг авзоъиларини зикр қилинди. Бақаннинг ҳадди Ҳўжу била Солорға яқиндур. Хитойнинг Канжон ва Фуй деган шаҳарларининг тобеъларидур. Ҳамма тоғларининг асли Мұғалистаннинг тоғларидур. Ҳамма тоғлари шул тоғдин жудо бўлиб,

317а Кошқарнинг шимол тарафидин тоғларға келиб, яна // Кошқарнинг мағриб тарафига бориб, яна жануб тарафига борадур. Фарғона вилояти мағриб тарафидадур, мазкур бўлган тоғ ўтросидадур. Ва ул мавзеки Фарғона ва Кошқарнинг аросидадур, ани Олой дерлар. Ва яна бу тоғ Бадахшон ва Ёркандинг ўтросидадур, ани Помир атабурлар. Помирнинг тўғриси саккиз кунлик йўлдур. Вақтехи Помирдан ўтса, Ёркандинг аёқ тоғларидурки, Балурға муттасилдур, Росиком ва Тоғдумбошға ўхаш. Вақтехи ондин ўтса, замини Тибатдур. Кашмир Ёркандинг зимистон фаслидаги мағриб тарафидадур ва яна бу тоғ Ёрканд бирла Кашмирнинг аросидадур. Ул мавзе Тибатдур. Ул ерни Болти атабурлар. Болтида ҳам ул миқдор тоғлар бордурки, Олой ва Помирнинг тоғларидин қушодарак, саккиз кунлик йўлдур. Ёрканд тарафидин чиқадурғон тоғ Ақаба Санжундур ва Кашмир тарафига тушадурғон Аскорду тоғидур. Бу тоғдин ул тоғқа йигирма кунлик йўлдур. Ҳиндунинг баъзи шаҳарларики, Лоҳур ва Сул-

тонпур ва Божуворадур, Хўтанинг зимиston фаслидаги мағриб тарафидадур. Бу шаҳарнинг ва Хўтанинг орасида мазкур бўлган тоғлар бордур. Ул жоеки Хўтан бирла Лоҳур ва Султонпурнинг орасида эрди, Урдуқ ва Кўка ва Аснабийдур. Булар тобеи Тибатдур. Охири бу мазкур тоғ Хитойда тамом бўладур. Ва бу торнинг мағриб ва жануб тарафи Хиндустондур. Баҳра ва Лоҳур то Банголагача ушбу тоғнинг доманидадур ва Хинднинг тамом дарёлари ушбу тоғдин қўйилодур. Ул тоғларнинг тобеълари Тибатдиёридур. Тибатнинг шимол тарафи ва машриқ тарафи Ёрканд ва Хўтан ва

3176 Журжон ва Луб ва Катак ва Сариқ Уйғурлардур. // Ондин ўтгандин кейин бир қумистонидурки, ул қумнинг ҳадди Хитойнинг Қомжу ва Сакжуй деган ерларига муттасил. Ва ҳар суйлареки Тибатнинг тоғларидин чиқиб, мағриб тарафига борадур, ва баъзи жануб тарафига борадур. Хинднинг дарёларидурки, Нийлаб ва Баҳра ва Жаноб ва Оби Лоҳур ва Оби Султонфур ва Оби Божувора — буларнинг ҳаммаси Хинду дарёсидур. Ва Жаван ва Кефак мундин бўлак дарёлар ҳаммаси Банголага қўйиладур. Ондин дарёи Мухит улашадур. Ва ҳар си Тибатнинг тоғларидин машриқ ва шимол тарафига борадур, Ёрканднинг ва Оққош ва Қорақош ва Керия ва Журжоннинг сувларидур. Булардин ўтиб бориб, Кўкнаварга қўйиладур. Кўкнавар деган бир кўлдирки, мазкур бўлрон қумистоннинг ичидаги кўлни уч ойда давр қилиб бўлғоли бўладур, дебдулар. Ул кўлнинг аёғидин Хитой Қаронаврон дарёси шулдур. Мунингдин маълум бўладурки, Тибат деган ҳамма ерлардин баландроқ экани, анинг учунки Тибатнинг ҳамма суйи бир ерга борадур. Ҳар тарафлардин Тибатга бормоқни қасд қиласа, икиз тоғлар бирла ва икиз ерлар бирла борадур, то Тибатка борғучалиқ бу жиҳатдин Тибатнинг ерлари совуқдур. Анча совуқки баъзи ерларида арфадин ва чомғирдин бўлак зироат бўлмайдур. Тибатнинг ҳавосининг аксари шумдоғдорки, зироатлари қирқ кунда фишадур. Қачон қирқ кунда пишмаса ушуб кетадур. Баъзи ерларида ўт икки ойдин зиёда қўкли-

майдур. Баъзи ерларида ёз қирқ кун бўладур. Ондин бир кун ўтса уйларида муз тутиб қоладур. Тибат вилоятларида дарахтлар ва ўтлар икиз бўлмайдур, ниҳояти совуқ бўлғон жиҳатдин. Аммо Тибатнинг халқи икки

318а // тоифадур. Бирини бўлпо дейдур, яна бири жания, яъни саҳролик дейдур. Аммо ул одамлареки саҳронишиндур, буларнинг ажойиб авзоъи бордирки, ҳеч одамларда бу вазъ йўқдур. Аввал улар гўшт емайдур ва ҳар нарсаки ейдур, хом ейдур ва отлариға бўғузнинг ўрнида гўшт берадур ва ҳамма оғир юкларни қўйларига юклайдур. Бу қўйларнинг ўз миқдорида хуржун ва туш ва қурушқонлар этиб юклаб қўядур. Ҳожат бўлмаса хоҳ ёз, хоҳ куз қўйларнинг учасидин олмайдур. Ва яна жания тоифасининг одатлари бу тариқа биландурки, мазкур бўлғон тоғнинг мағриб тарафи ва жануб тарафи Ҳиндустондири. Хитойнинг Тибатнинг Ҳиндустонга лозим бўладурғон молларидин олиб Ҳиндустонга бориб, Ҳиндустонлиқларни саҳролиқлари бирла савдо қилишадур. Ва яна Ҳиндустоннинг Тибатга ва Хитойга лозим бўладурғон мол-матоларидин олиб, қўйларға юклаб баҳорда Тибатга келадур. Ондин қўйларини хайдаб яна бир зимиstonда Хитойға борадур. Хитойда савдо қилиб, матоларини юклаб баҳорда Тибатга келадур. Тибатда савдо қилиб, қўйларға ул матоларни юклаб, яна бир зимиstonда Ҳиндустонға борадур. Бу қўйларға на ерда юк қўйса, яна шу манзилга етганда оладур. Ўн минг қўй ўзидин асло жудо бўлмайдур. Ҳар қўйға шаръи фотмонида ўн икки фотмон юк қўядур. Қанча бўлса ҳисоб қилса бўладур. Шунча юк бирла ҳар ерга борса, уларға асло меҳнат ва машакқат бўлмайдур. Ҳосили калом бу вазълар бу тоифалар бор ҳеч ерда мундоқ бор деб эшитилмабдур, ва баъзи ерларда тасдиқму

318б қилмайдур. Жания деган тўла халқлардурки ул жумладин // бир қабиласини «дўлба» дейдур. Уларни эллик минг уйлукдин зиёда дейдур. Мундин бўлак қабилалари тўла фақир. Мўътабарларидин сўрдимки, адад қилроли бўлмайдур дейдур. Яна бир қабиласини Бўлба дейдир. Ул неча шаҳар масалан: Буряқ ва

Холула ва Ашкор ва Аскор ва Валдақас. **Ҳ**ар бирининг неча саҳроси бор. Масалан, Фалоъ ва Рабоъ ва Қарёт, фақир ул вилоятларни кўрмаб эрдим. Вақтеки Ҳон ул вилоятларнинг тўласини зўр бирла олиб жузяга қўйди, шунда кўрдим, Болтининг тобеъларидин Зондикор ва Морийўл ва Вардуқ ва Кўка ва Лу ва Бурош ва Зунка ва Минкоб ва Зир ва Сув ва Комкор ва Нисон, ва ҳам Валолой, Ватук то Банголағача йигирма тўрт кунлик йўлдир. Ва баъзиси Урсангдур. Анингда бутхоналари тўла бор деб англадуқ. Ўзим кўрмаган жиҳатдин футулмади. Аммо нечанд ажойибларини фақир кўрдимки ва ҳам эътимодлиқ халқидин англадим, Жанияния деган мавзеларнинг тўла ерларида тилло ва олтинларнинг кони бор. Яна ул жумладин икки кор борки, ани мўгул халқи «олтунчи Тибат» дейдур. Жаниянинг халқи дўлба дейдур. Ул ерда совуқ ва унгурлар тўла жиҳатдин киши узоқ туролмайдур. Ўз тоифасидин уч юз уйлукча киши ул унгурларда ҳамиша турадур. Баъзи мўгуллардин ул ерга борса, одамларни йироқдин кўриб унгурларга қочиб кирадур. Ҳеч қайсисини топғоли бўлмайдур. Ул унгурларда қўйларнинг ёғини куйдурив, чироқ қилиб юруйдур. Ўзга ёғлар қуимайдур. Ул унгурларни кўрлаб юрса олтин ҳосил бўладур дебдурлар. Бир киши ўзи кўрлоғон тўфасини ғарболда ювса қирқ мисқол олтин чиқориб оладур, дейдур. Ва яна Тибатнинг бу ажойиботлари ушбуки Кўка деган икки юз [қалъа ва қишлоқлари бор] шаҳар ва

319а саҳроудур. Мунинг ҳамма ерлари олтиндур. // **Ҳ**ар ерини кўрлаб, тўпасини ерга ёйиб боқса, мошдек олтинлар чиқадур ва баъзи олтинлари қўй жигаридек чиқадур, дейдур. Вақтеки фақир Кўкага бориб, жуэя таъйин қилғонда Кўканинг улувлари ҳикоя қилдики ушбу замонда бир киши қўш ҳайдаб юриб, бир ерга етганда бир қўрс қоплашиб туриб қолибдур. Ул дехқон анча саъй қилиб чиқаролмабдур, охири кетмон бирла кўрлаб боқса бир тош чиқибдур, ичида бир тилло бу қўрси шул тошға қоплашиб туриб қолғон экан. Ани шумдоқ қўйиб ўз ҳокимиға хабар қилибдур. Ул ҳоким тобеълари бирла келиб ул тошни синдуриб экан

минг беш юз мисқол тилла чиқибдурки, Тибатнинг муҳрини босқон экан. Қўқанинг тиллоси Ҳудойи таоло оғарида қилроннинг бу юзи муҳре қилиқлиқдур. Вақтеки ул тиллони Тўфадин олиб бўтаға солиб ҳар нечанд эарб қилса, асло кам бўлмайдур. Бу оламда ҳеч ерда бу нишона ва бу ишлар йўқдур. Ва яна Тибатнинг аксарида Ҳитой ва Ҳиндунинг матолари тўла топиладур ва яна Тибатнинг ажойибларидин бири дамгирдур. Мўғул халқи ани Осс дейдур. Бу дамгир Тибатнинг ҳамма вилоятларида тўла бордур. Аммо ободонлиқ ерларида кам бўладур, дейдурлар.

ЮЗ ЕТМИШ БЕШИНЧИ ФАСЛ

ТИБАТ ХАЛҚИННИНГ АҚИДАСИНИНГ ЗИКРИ

Мибат уламоларини лома дейдурлар. Улар уламолариға ҳар қайсисининг илмининг бўлак жиҳатдан муҳталифот қўйибдурлар. Андоқки бизнинг забонларимизда бордурки, имоми мужтаҳидни «тўнгба қаҳжуро» дейдурлар. Ғақир улар бирла тўла сўзлашдим. Уларнинг ақидаларидин маълум бўлдики, шумдоқ айтадурларки, Ҳудойи таоло азалда ибтидоий хилқатда арвоҳларни пайдо қилронда ҳар руҳни поклик мақомига восил бўлмоқни, беҳиштга дохил бўлмоқни ва дўзахдин халос топмоқни

3196 // беком ва безабон ва бевосита талқин қилиб ва руҳларни неча дафъа тушурибдур, ондин туфроқға иштирубдур. Ул жиҳатдин тупроқда ўтлар унадур, чўнг бўладур. Вақтеки руҳни йуқориги мартабадин тубангта тушириб эрди, анингда соғлиқ қолмади, беҳушлук ва фаромушлиқға далолат қилди. Тупроқға алишиб, неча кун ўтгандин кейин руҳ жисми хасисадин яна бир танга юткалур. Агарчи хасислиқ мартабасида бўлсаму тупроқға қўшилғон жиҳатдин тараққий ҳосил қиласадур. Андоқки ҳар танда бўлиб

тараққийни варзиш қилиб, ул варзишни тамомиға еткуриб, ул тандин ўбданроқ танга киргай. Агар тақсир қылғон бұлса, забунроқ танга киргай, агар ул тан дойимонлиқ қылғон бұлса, яна тупроқға алиштирулур, неча вақт анда туур. Ондин тандин таңга үтиб тараққий ҳосил қилиб, то одамиятчилик мартабасига етадур, ул мартабада амал қылған бұлса онга огоҳлик пайдо бұлур. Билгайки ҳар танда нима қилиб тараққий ҳосил қилди, нима қилиб таназзулға тушди, бу огоҳлық валоят мартабасидур, андоқки риёзатни тұла қымоқтық бирла бу мартабага етарки, азалдаги талқын ёдиге келгай. Анчаки Ҳудойи таолодин беком, бевоситай забон әшитиб әрди, ёдиге етар. Бу мартабай нубувватдур, анчаки Ҳудойи таолодин әшитиб әрди ани халойиқға әшиттурди. Ушбудин миллат бұлғай, нубувват шумнунгдин иборатдир. Бу навъ зотға ўлмак үйідур. Аниң тирик бұлмоқи ҳамиша бұлғай. Аниң ниҳояти модомики жисмоният құввати соқит бұлмоғон бұлса, аниң бадани туур.

Вақтеки жисмониятнинг құввати соқит бұлса, аниң бадани турмас, маҳз рухи қолур, ҳар кишининг құввати руҳонияти шумдоқ бұлса ани күргали бұлур. Агар андоқ бұлмаса күргали бұлмас. Ва бу Шакомунининг

320а ақидасидур. // Тамоми Ҳитойнинг дини ушбудур. Ҳитой лафзыда «Шақе Муни» дейдурлар, Тибатда «Шақо Тубо» ва «Шақо Муни» дейдур. Аммо «Шакомуни» тарихларда футудурларки, «Шақо Муни» деган ҳинд анбиёларидин, дебдурлар. Баъзи ҳукамодин айтибдурки уларнинг ақидаси улдурки, киши дин ва миллатни қабул қымак бирла беҳиштта кирмайдур, балки амал бирла кирадур. Агар мусулмон ўбдан амал қылса, аниң ўрни беҳиштдур, ёмон амал қылса дүзахда бұлур. Кофира ҳам ушбудир, дейдур. Бизнинг пайғамбаримизни улуғ биладур, аммо қойил эмасдурлар. Айтурларки, Шакомуни айтибдурки, мендин кейин юз йигирма түрт минг пайғамбар келур, уларнинг охирисининг оти Жонгсаба бұлғай. Ота ва онасидин етим қолур. Тамом оламни аниң дини тутар. Вақти бўлиб келса тамоми олам халқиға

анинг итоатида бўлмоқ фарз бўлур. Саодатманд уммати улдурки анга илгари иймон келтирса ва мен ўз умматларимга васият қила-манки, қарндин қарнгача балодин балоға, менинг васиятимни тут-фай ва бир-бирларига айтгай. Уларнинг муборак зуҳур замонига-ча бу пайғамбарнинг суврати шумға ўхшаш бўлур, деб бир суврат берибдурки ҳамма киши бу сувратни сақласун. Ушбу сувратда пайғамбар келса, ҳамма халойиқдин илгари анга иймон келтурсин деб, бу замонда тамом бутхоналарда бутнинг аслининг олдида турғузадурлар. Ва ҳамма сувратларни анга боқдурурларки бу Жонг Сабанинг сувратидур, деб Жонг Сабани навъ бирла таъриф қиладурларки, мунинг тўлароқи бизнинг пайғамбаримизга яқин келадур.

Фақир айттимки, анча Шақомуни айтибдур, бизнинг пайғамба-римиздур, саллаллоҳу алайҳи васаллам. Улар айтадурларки, Ша-қомуни айтибдурки, юз йигирма тўрт минг пайғамбардин кейин деб эрди.

3206 Мунингдин ози пайдо бўлибдур, // Тўласи пайдо бўлмаб-дур. Фақир улар бирла тўла гуфтутгў қилишиб айттимки, пайдо бўлдилар.

Улар бу сўзни қабул қилмади. Тибат вилоятидин мўътабар юртини Зунка дер экан. Анда Хитой подшоҳининг нишонини кўрдимки, мазмунини Хитой хати бирла ва Тибат хати бирла футубдур. Яна бир тарафида форсий лафзи бирла насх хатида таржима қилибдурки Шакомуниға уч минг йилдин зиёдроқ бўлиб-дурки, бутпаратлик миллатини пайдо қилибдур. Зеҳнлар фаҳм қилолмайдурғон сўзларни айтибдур, деб. Бу тарих бизнинг ора-мизда машҳур эмас. Фақир тарихға тўқкуз юз қирқ рабиул аввал ойида Зункага бордим. Анда ҳар қўтослар бордурки, бир қўтосни ўлтириб етмиш киши улашиб олдуқ. Ҳар кишиға ул миқдор гўшт қисмат бўлдики, тўрт кунлик физо бўлди. Бу жонивор Тибатнинг бўлак ерларида йўқ. Тибатнинг бокий қолғон аҳволларини яқин-да зикр қилинур.

ЮЗ ЕТМИШ ОЛТИНЧИ ФАСЛ

**ХОННИНГ ТИБАТГА ФАЗОТГА
ЮЗ КЕЛТУРГАНЛАРИНИНГ ЗИКРИ**

Аркон ва аҳқоми исломнинг руқнларида диннинг аслиларини маҳкам қилиб разот қилмоқлиқ аркони азимдур ва разотнинг фарз бўлмоқлиқида Қуръонда оятлар далолат қилур, ҳар ибодатда нафснинг риёзати миқдори биландур, ва бу ибодатда нафси ҳалок бўлмоқлиқка юз келтурурки ҳеч ибодат бунга баробар бўлмас. Анинг учунки мунинг бирла динни сақламоқлиқ ва миллатни ошкора қилмоқлиқдур. Яна бир фазилати улдурки, разот қилмоқ маҳзи дини Аҳмадийдур. Пайғамбари Ҳудодин илгари ўтган подшоҳлар ва умматларидин бу навъ иш бўлмабдур. Агар баноғоҳ разотга амр бўлса, коғирларнинг ҳеч нарсаси уларға ҳалол бўлмас

321а эрди, Магар хун тўқмаклик. Даргоҳи илоҳийнинг жонбоз ошиқлари // ва муқарраблари ҳамиша бу саодатга етмакликни орезу қилиб, ихлоснинг пешонасида қўйубдурлар.

Байт:

Гар сенинг васлингни жон нақди била олмоқ бўлур,
Толиби васлинг бўлур эрди кишининг жони бор.

Бу муқаддимадин мақсад улдурки, кейин Ҳон тавба қилдилар. Ҳамиша умид тутар эрдики, савоб ишларда ташналиқ ва очлиқни нафси нағисларига муҳайё ва лозим тутғай. Бовужуди ҳар йили разотга лашкар йибормаклик бирла кўнгли ором топмай, тарихқа тўккуз юз ўттуз саккизида (1531) Тибатта разотга юз келтирдилар. Андоқки Тибатнинг вилоятларидин Болти, Болур тарафлари-га Искандар султон бирла фақир бандани йибориб, ўзи Ҳўтан йўли бирла Олтунчи Тибатга юз келтурдилар.

ЮЗ ЕТМИШ ЕТТИНЧИ ФАСЛ

**МУСАННИФИ КИТОБ ТИБАТГА КЕЛГАНИ
ВА АНЧАКИ УЛ КУНЛАРДА ВОҚЕЪ
БЎЛИБДУР АНИНГ ЗИКРИ**

Фақир банда тарихи мазкурда азм қилиб Тибатнинг Нубра деган вилоятига етиб, ул ҳудуднинг атрофига ҳаммани даъват қилмоқ учун киши йиборилди.

Байт:

Салоҳ барчагадур келса дини Аҳмадга,
Хуш ул кишики бу динға келиб наслб ўлғай.

Ул тоифаларнинг тўлароқи фармонбардорлик қилиб, итоатни қабул қилдилар, магар Нубранинг сипоҳлари саркашлик қилиб ҳар қайсилари қўрғонларини маҳкам қилиб олди. Бўрқиё деган коғир уларнинг сардори экан, Хундор деган қалъасига кириб, беркиб олди. Фақир ул қалъани қуршоб неча мужодала қилдим. Охир ислом тарафи анга шикаст берди. Ондин коғирлар қалъасини қўйиб, ҳар ерга пароканда бўлди. Орқасидин қуғлоб сардори Бурқиёни тобелари бирла тутиб, ўлтириб уларнинг бошлари

3216 бирла баланд минора бунёд // қилдуқ.

Бу сиёsatдин ул ҳудуднинг коғирларидин жеч киши саркашлик қилурға мажоли қолмади. Нубранинг вилоятини тамом олиб, уларнинг қалъаларида умароларидин ўлтиргузиб қўйиб Морийўл деган вилоятта тушдик. Морийўл деган ерда икки ҳоким бор экан. Бирининг оти Тажкуғдон, яна бирининг оти Тошикун. Булар иккавлан хизматкорлик бажо келтурди. Ул вақтда мезон таҳвил қилиб эрди. Ул вақтда қаттиқ совуқ бўлур экан. Умаролар ул ерда улоқлариға алаф мавжуд эмас экан, деб маслаҳатлашиб Кашмир вилоятига қарор қилдиларки, зимистонда Кашмирда бўлгаймиз.

Агар фатҳ бўлса хўб ва агар фатҳ бўлмаса, зимиstonни ўтказиб, баҳорға ёнсақ, деб Каширга юз келтурганимизда Хоннинг ясовулларидин Абдалқули ясовул хабар келтурдикি Хон ҳам бу тарафга келди деб. Фақир лашкарни ул жойда қўйиб, суръат бирла Хон тарафиға равон бўлдим.

ЮЗ ЕТМИШ САККИЗИНЧИ ФАСЛ

**МУСАННИФИ КИТОБ ХОННИНГ ОРҚАСИДИН
БОРИБ ОНДИН ХОН БОЛТИГА КЕЛИБ
МУСАННИФИ КИТОБ КАШМИРГА БОРГОНИНИНГ
ЗИКРИ**

Сўзининг аввалида ўтдики, Хон Ҳўтан йўли бирла Дўлба тарафига аэм қилиб, ман бандани Тибат тарафиға юритганда офтоб асад буржида эрди. Вақтеки Хон бир ой йўл юриб Ҳўтанинг тоғларидин ўтиб эрди, халойиқлар Хонга арз қилдиларки, мундин кейин ҳамма сувлар музлайдур андоқки асло сув топғали бўлмайдур. Бу ерларда ўтин ҳам йўқ, эмди ёнсоқ деб. Хон айттики ғазот ишини бузмоқлик савоби азимлардин маҳрум қўядур. Агар бу йўлда душворлиқ бўлса Мирзо Ҳайдарнинг орқасидин бориб ғазот муҳимларини анда саранжом қиласи, деб фақир банда келган йўлга азм қилибдур. Йўлда хоннинг мизожи дамгирлиқда

322а беҳуд // бўлиб, рамаки жондин бўлак аҳвол қолмабдур. Табиблар илож қилиб табиатни мулоим қиладурғон дорулардин корга келтирубдур. Табиати мулоим бўлса, ҳушиға келиб табиати қаттиқ бўлса, беҳуддуқ юз келтирубдур. Умаролар айтибдурларки, қувват мизожлари ғазотга вафо қилмади. Бори азиматда қусурлар бўлиб турадур, ёнсалармикин, деб экан. Хон айтибдурки, дўстлар жумласидин чиқиб, душманлар жумласидин бўлғаймен. Жонимнинг борича азиматни фасҳ қилмай албатта ушбу йўлда жон бергаймен. Вақтеки бу жондин асар қолмаса ихтиёр сизлардадур

деб фақирни сўраб, ондин фақирнинг тарафига азм қилибдурлар. Ва шеърларни ўқибдурларки, бу байт ул жумладиндор.

Байт:

Жонимдин бир рамақ бор орзум юзингни кўргаймен,
Менинг қатлим учун ул номусулмон мунча кеч қолмиш.

Бовужуди бу Хоннинг зиёда бўлмоқлиқи бирла бир ерда тавақкуф қилмай менинг кейнимдин азм қилибдурлар. Бу ерда маслаҳатлар қилдуқки, Хон бу жойларда турсалар касаллари зиёда бўлиб қоладур. Бу навъ бирла бир жоега олиб бормоқ лозимки, дамгирилик иллати кам бўлғай, деб. Хоннинг бир жойга еткиздиларки, ул куни Хоннинг дамгирилиқи кам бўлиб, худига келди. Айтдиларки, алҳамдулилоҳки сени кўрган замон манга ҳеч таъалуқи қолмади деб бу шеърни адо қилдилар.

Байт:

Пайки ажал етса Худо наздидин,
Бормоқимиз ҳақдур анинг сорига.

Андин соат басоат мизожи табиатлари сихҳат топмоқлиқка яқин бўлди. То Нубрага боргунча мизожига сихати тамом ҳосил бўлди. Ондин отланиб Нубрага етдилар. Ондин умаролар кенгаш қилиб, арз қилдиларки

3226 бу Тибат ҳудудининг кентларига // мингдин оз киши бўлса қўлга келадурғон ерлари йўқ. Минг киши бирламу уларға саркашлиқ қилурға маҳол эмас, деб Кашмир йўлидаму экиз давонлар бор. Сизнинг мизожингиз улардин ўтмакликка ҳам вафо қилмайдур. Агар амр бўлса Болти тарафига азм қилсалар Болти тарафида ҳеч дамгирилик давонлари йўқ, дедилар. Банда мен арз қилдимки, бирмунча лашкарни зиёда қилиб фақирни Кашмир тарафига буйрусалар, зимистонда Кашмирда бўлиб баҳоргача яна етиб келгаймен деб эдим. Хон бу маслаҳатни хўб кўриб, ижоза бердилар. Уч минг киши Хоннинг мулоzиматида бўлиб, Болтига юз келтурдилар. Тўрт минг кишини мен бандага қўшиб Кашмир тарафига равон қилди. Амир Доим Али ва Бобо Сариқ мирзо, нечанд мўътабар умаролар бирла равон бўлдум.

ЮЗ ЕТМИШ ТҮҚКИЗИНЧИ ФАСЛ

ХОНГА БОЛТИДА БҮЛГОН ВОҚЕАЛАРНИНГ ЗИКРИ

Вақтеки Хон мезон фаслининг охирида Болтига келди. Болтининг улуғларидин Баҳром Жў итоат тавқини фармонбардорлик гарданига қўйуб, Хоннинг пойбўслиқини қилиб, Болтининг тамом Жўларини олдиға солиб Баҳром Жўни йўл бошлатиб Болтининг ўрдаси бор, Қалъайи Шикорға келдилар, Ани фатҳ қилиб, эр халқларини лашкарларға қўшиб бериб, хотин ва норасида халқларини ўлжа, ғанимат қилдилар ва яна ҳар жойегаки лашкарнинг қадамлари етиб эрди, тақсир бўлмади. Ҳаммаси тасарруфлариға кирди. Баъзи маҳкам қалъалиари бор эрди, уларға мужодала қилмай боқий қолди. Қорзиёда ёғиб эрди, Кашмир тарафига ҳеч хабар бўлмади. Саркаш коғирлар ёлғон сўзлаб, воқеъ бўлмагон хабарларни еткузди. Зимистоннинг охирида Кашмирдин суръат бирла киши йибордуқ. Кашмирнинг фатҳ бўлғон хабарини англаб, Хон бошлиқ умаролар

323а // шоду хуррам бўлибдурлар. Ондин ул зимистонда Болтиға ружуъ қилдуқ. Нубранинг вилоятларини Амир Қанбар ва қўкалдошларға топшириб эрдилар. Кенгаш ва муомалада сустлук қилғон жиҳатидин ул вилоятларни хароб қилибдур. Андоқки ул вилоятнинг халқи саркашлиқ қилиб ҳар бири бир маҳкам ерга биркиб олиб фармонбардорлик қилмабдур. Ушбу жиҳатдин Нубрада бўлмоқлиқни маслаҳат кўрмай Морйўлға келиб қалъасини олиб, халқини қатл қилиб Хон равон бўлғон ҳолатда мен мулоэмматлариға етиб бордимки, анинг шарҳи фотина келур.

ЮЗ САКСОНИЧИ ФАСЛ

МУСАННИIFI КИТОБ КАШМИРГА КЕЛГАНИ ЗИКРИ

Вақтеки мен банда Нубрада Хондин лашкар тилаб олиб эдим, Морйўл бирла лашкарларни ҳамроҳ қилиб суръат ва изтироб бирла Кашири тарафига қадам қўйиб, Тибатнинг йўлидаги кентларининг умароларини тасарруфимга киргузиб, бавзи халқини ўз лашкаримга қўшиб Болтийлардин йўл бошлатиб тарихга тўқуз юз ўттуз тўқуз жумодиу сонийда (1532 йил 29 декабрь — 1553 йил 27 январь) Каширига келдим. Каширининг подшоҳи бу тарафдин лашкар борғонини англаб экан, мен тоғдин ўтиб тажрибадор тўрт юз сипоҳни илгари ёибориб эдим, бу гурухнинг сардори Туман баҳодир ва Колужи эрди, вақтеки булар Тангига борса Кашири лашкари Танги деган ерда экан. Субҳа вақтида бўлғонда бу жамънинг бошиға бизнинг жамоалар осмондин борон ёққандек ҳамла қилибдурлар. Бу ҳолда Тангининг лашкарлари қочибдурлар. Буларнинг орқасидин мен банда етиб бордим. Кеча-кундуз юриб Кашири шаҳрига тушдук. Вақтеки сўз бу ерга етдиким Каширининг авзоъларидин ва султонларидин филжумла баён қилингай токи сўз равшан бўлгай.

ЮЗ САКСОН БИРИНЧИ ФАСЛ

КАШМИР АВЗОЪЛАРИНИНГ ЗИКРИ

3236

Кашмир оламдаги шаҳарларнинг // машҳурларидиндур. Навъ-навъ латифалар бирла турфа-турфа забонлар бирла оламда маз-

курдур. Бовужуди шумнинг бирла мутақаддиминлардин билмайдурки уларнинг ахвол ва авзоъларини футубдурлар деб. Ул жумладин уларнинг ахвол ва авзоълари жуда-жуда маълум бўлмайдур. Ул кунда тарихқа түккоз юз эллик эрди, моҳи муҳаррамда (1543 йил апрель — май) бу шаҳарларнинг куллиси мушоҳада ва муойана маълум бўлди. Анииг латофатида ичанд латифалар бордур. Вақтеки иккинчи маротаба Кашмирга келдук, Таги куллийа мутассариф бўлмаб эрдим, Каломуллоҳдин фол олдимки бу оят келди: *Кулуу мин ризки раббикум вашкуруу лаҳу балдатун тойийбатун ва роббун ғофурүн»* (Парвардигоримиз (берган) ризқу рӯздан баҳраманд бўлинглар ва У зотга шукр қилинглар! (Шаҳрингиэ) покиза шаҳардур. (Парвардигоримиз) мағфират қилувчи Парвардигордур» 34, 14—15) деб шоду хуррам бўлуб шукр бажо келтурдим. Кашмир анча замини мусаттаҳдорки узуни юз курухға яқиндорки, иборат ўтгуз уч фарсангдиндур. Тўғриси йигирма куруҳдин озроқ. Ушбу ҳудудларнинг заминларида тамомиси тўрт қисм бирландур. Зироатлари сув бирла ё лалми, ё боғ, ё майдон тузса баргка, бинафшага муттасидур, турлук ариқлар канорасидадур. Заминлари рутубатлик, зироати хўб, ҳавосининг ҳарорати тобистонда камоли латофатлик, боғлари тўла, мевалари зиёда, булбул жониворлари ҳамиша достонсаролик қилмоқ, зимистони эътидолида бовужуди қор тўла ёғмоқлиқ бирла жуббага муҳтоҷ бўлмайдур. Саҳролари сабзазорлиқ, булоқлари бор. Тоғларида гуллар очилиб, хушбулиқ бирла гулистони Эрамдин ёд берадурлар.

Рубоий:

Гулобға ўхшаш сувлари бўлди равон,
Жаннат еридин тупроқи келтурди нишон.
Гулнори анингки нори Мусои калим,
Ҳам боди сабо бўйи эрур рухи равон.

324а Ул латофатларики Кашмирда бордур, камоли эътидолида // киши Кашмирга ўхшаш шаҳарларни кўролмабдур, балки эшит-

мабдурлар. Шаҳарларида баланд иморатлари ҳаддидин зиёдадурки ножу яғочларидин қилғон, ерлари сабаъларга марғуб ва маҳкамадурки, ҳарчанд аниг саъйларида жидду жаҳд қилсалар ҳам муяс-сар бўлмайдур. Ҳар кишининг назарига келса, ҳайрат қўлини таажжуб тишиси бирла тишлар. Шаҳар бозорлариға ўтадурғон йўллариға тошлардин фарш қилибдур. Қисм-қисм дўконлардин бозорларида резафурушлардин бўлак ерлардин осонлиқ бирла ўтғали бўлмайдур. Бакколлар ва ейдурғон нарсаларни сотадурғон нарсаларнинг дўконлари навъидин билжазм расм бўлмабдур. Емишлари навъидин нашбати ва шоҳтут ва айнолудин узга тамом мевалар бор. Аммо ужмалари* тўла, аниг учунки аниг барги бирла абрешим оулурлар. Аммо ани емак расм бўлмабдур, балки айб биладур. Улар боғлариға том этмайдур, аниг учунки меваларини манъ қилмоқдин расм бўлмабдур. Кашмирнинг ажойибларидин улки аввали аниг бутхоналаридурур. Кашмирга тобеъ юртларнинг тамомида қиёсан беш юзга яқин, балки зиёда бутхоналари бор. Тошларни тарош қилиб таҳтига ва устунига қўйибдурлар. Ҳар тош уч газдин, қалинлиқи бир газ, ул тошларни келтирмак ва иморат узасига чиқмоқдин ақл бовар қилмабдур. И хотаси турт бурчлук, баъзисининг баландлиги ўттиз газ бўлғай. Ҳудуди оз ва зиёда. Уч юз газ ичида устунлар қўйибдурларки, ҳаммаси нақшлар бирла ва суратлар бирла гарқурларки шарҳга рост келмайдур. Баъзи суратлари йиглаб турадур, баъзи суратлари кулиб турадур. Ва яна бири

3246 Кашмирнинг машриқ тарафида Фарнак деб // бир вилояти бордурки, пуштанинг узасида қўлга ухшаш ерлари борки, аниг таҳтида тушуклари бордур. Йилнинг охирисида қуриб қоладур. Ҳар вақтеки савр фасли бўлса анингдин сув чиқиб, бир маротаба ё икки маротаба қайнаб, ул кўл пур бўлиб бир тошлиқ ё икки тошлиқча сув ул пуштанинг атрофидин жорий бўладур, яна тўхтайдур. Вақтеки йил яна савр фаслидин ўтса ондин қуриб қоладур. Яна бири Ноком деган мавзеда бир дарахт бор. Ниҳояти икиз ва баланд, андоқки агар ўқ отса ул дарахтга етмайдур.

* Ужма — тут.

Агар бир киши анинг бир ингичка шохини тутуб тебратса, бовужуди шумдоқ баландлиги бирла тамом тебрайдур.

Яна бири Девсар деган мавзеда бир чашма бор, күлга үхшаш, ҳар тарафи йигирма газдин бўлгай. Анинг атрофларида дарахтлари ва сабзалари бор. Кўзанинг ичига гурунч солиб оғзини беркитиб, ул кишининг отини тутуб ул чашмага солса таҳтига ўлтирур. Гоҳе беш йил қолур, гоҳе бир кунда ҳам чиқар. Анинг вақти муайян эмас. Вақтеки чиқса гурунч пухта ва гарм бўлса, ани ўбдан фол оладур. Агар табдил топиб, лой ва қум ишиб чиқса, ани забун фол оладур. Яна бири Каширида бир кўл борки ани Алур дейдурлар, атрофи етти фарсах. Анинг канорасига Каширининг подшоҳи Султон Зайнобиддин бир иморат қилдуруубдурки, таҳтига тошларни тўкиб тўфасига чорсу суфа қилибдур. Узунлуқи ўн газ, суфа тошларининг тўфасига фарш қилиб, узасига ранго-ранг иморатларни қилдируубдур. Даражтлари ниҳояти назокат, ул тариқадаги иморат оламда кам бўлгай, яна бири шаҳарда Султон Зайниддин ўзи учун бир иморат қилдуруубдур, Кашири лафзида Рождан дейдур. Ўн икки ошёнаси бор. //

325а Анинг баъзи ошёналари эллик ҳужралиқ. Иморати андок баландки ҳаммаси ёғочдин, «Боги зорон» ва «Боги сафед» шаҳри Ҳиротда бордур, «Оқсарой» ва «Кўк сарой» ва «Боги Дилкушой» ва «Боги Бўлду»ки Самарқандда бордур, улардин баландроқдур. «Зафарнома»да Мавлавий Шарафуддин Яэдий Кашири таърифида неча нарсалар исбот қилиб футубдур. Тафовути шумра үхшаш воқеъ эмас. Анинг учунки Мавлави ўзи кўрмабдур. Борганилардин сўраб, анинг тақрири бирла футубдир. Ул халқ ростини билмай айтган бўлгай.

НАҚЛЕДУР «ЗАФАРНОМА»ДИН: Кашири маъмураи оламнинг машхурларидиндур. Бу вилоят тўртинчи иқлимининг ўтрасига яқин бўлгайки, ул иқлимининг аввали ул ердурки, тўғраси ўттуз уч даражжа, эллик тўрт дақиқадур. Каширининг тўғраси хатти истиводин ўттуз беш даражадур. Узуни Жазоир Саъддин бир юз беш даражадур. Ул вилоятнинг сахниси тулоний тушибдур. Жамиъ жонибларин

хәёли маҳкам бирла, күхү жануби Дөхли жонибиға ва замини күхү шимол жониби Бадахшон жонибиға ва Ҳурросон атрофлариға ва мағриб тарағи бир ерларигадурки, ул ерда бир қавмларнинг қурадурғон жойлари ва юртлари бўлур. Машриқ тарағи Тибат заминининг бодияларига борур. Ул арсаларнинг узуни мусаттаҳ туз воқеъ бўлибдур. Ҳадди шарқидин то Мағриб тарағигача қирқ фарсахга яқиндур ва тўғриси Жануб тарағидин ҳадди шимолигача йигирма фарсах. Анингда ҳамвора күхсор ва мозор ва саҳро, тотлиқ булоқлар, сабзалири беҳад зиёдадур. Ва юз минг қария ва жой иморатлар ва зироатлар ва хушруйлар назаргоҳи ва ҳўбларнинг латиф ва шамойили деб суханварлар забонларида навъ масаллар бирла машҳурдур.

325б Андоқки // айтилибдур.

Рубоий:

Шоҳи ҳама дилбарони Кашмир сенсен
Хуррам дилу ул шоҳки Кашмир сенсен.
Ул ҳурларин лойиқи диллар дейилур,
Пойи кафининг нозикида мир сенсен.

Ва ўлтурадурғон жойлари Бағдод тариқаси бирла улур дарёлари жорийдур. Суйининг миқдори дарёи Дажладин ўтур. Суйининг жамъи бир чашмадин чиқар, чашмаси ҳам ул вилоятдадур. Ани Чашмаи Чайер дейилур. Ул наҳронинг тӯфасида ўтизга яқин қўприклар бор. Занжир бирла беркитилган, йўли кушодадур. Бу жумладин Шаҳри Нагар деган вилоятларнинг миёнасибур. Анда ҳокимлари бор. Бу сув Кашмир ҳаддидин ўтгандин кейин мұътабарлари Дандана суюи, Жумла суюи дейилур, Шаҳри Мултон узасидин ўтар. Ондин Қорасу анга қовушур ва бу ҳаммасини Оби Синд дейилур. Татта деган ернинг домонида Уммон дарёсиға қўшилур. Ул вилоятларнинг ом йўллари бири Ҳурросон тарағи биландур. Ва ул машаққат йўлдур. Андоқки оғир юкларни ул йўлда улоққа (юқ)лагали бўлмайдур. Ул ернинг халқи ул ишга одат бўлибдурки, юкларини нечанд кунлук йўлга учасида кўтариб борур. Ондин улоққа юклар, яна бир йўли Ҳиндистон тарағи

билиандур. Бу ҳам мاشаққатдур. Бу йўл Тибат тарафидаги икки йўлдин осонроқ. Аммо бу йўлларда улоқларга алафлар тўладур. Ва лекин заҳар табиатлиқдур. Улоқларга ул йўлдин юрмаклик душвордурки тўласи ҳалокатга етадур.

326а // НАҚЛ «ЗАФАРНОМА»ДИН: Шаҳзода Султон Ҳалил мирзо бир гуруҳ ҳалқни топшурдики, ани ҳеч доно писанд қилмади. Уларнинг ҳар бирини жуда-жуда зўр бирла бир кишига бердики, уларнинг хизматкорликға қобилияти йўқ эрди. Ҳуру фариштаниҳодларни Аҳориманнинг домига ташлади. Ва дурданаи қиймат баҳо уларни муҳрайи кам баҳонинг риштасига тортди.

Байт:

Ҳеч вақт бўлмағай гардун бу янглиғ шармсор,
Хоҳ махлуқ ишларидин, хоҳ амри кирдигор.
Номус айлаб шоҳ фориғ бўлса, доду аддин,
Мамлакат кетгай қўлидин, йиғлагай чун зор-зор.

Ложарам табыи майлон қилмайдурғон ҳикоялардин оммаи ҳалойиқ риоёдин ва лашкардин парокандалик бўлди, андоқки Рашид Султоннинг ўз аммаларига, Шомуҳаммад Султоннинг фарзандлари онасидур, уларнинг зикри илгари неча ерларда ўтди, воқеаи шадиду кудуротлардин ҳеч дақиқани қўюлмади. Шоҳ Муҳаммад Султоннинг ҳарами Ҳадича Султонхоним, Мансурхоннинг отасининг ҳамшираси эрди, уларни ва фарзандларини Бадахшон тарафиға чиқорди. Онаси Бадахшонга етишдин илгари йўлда машаққатлар бирла вафот бўлди. Анинг фарзандлари Исмоил Султон ва Исҳоқ Султон ва Яъқуб Султон ва Мухтарам хоним ва баъзиси сут эмадурғон чоғи эрди, фурбат бирла Кобулга келдилар. Илгари зикр килинғон Темур Султон Ҳиндда Комрон Мирзонинг қошида эрди. Буларни чорлатиб ўз отасидек шафқат қилиб ҳамширэodalарини ўз ҳужрасида сақлади. Исмоил Султон Ҳинди斯顿нинг жангларида ўлди. Ва Яъқуб Султон марги табиий бирла ўлди ва Мухтарам хонимни фақир

326б банда Комрон Мирзога // нисбат қилдим. Ани зикр қилинур. Ва Исҳоқ Султон Комрон Мирзонинг қошида турди.

ЮЗ САКСОН ИККИНЧИ ФАСЛ*

**КАШМИРНИНГ ИСЛОМФА ДОХИЛ БЎЛГОНИ.
КАШМИРДА ЎТГАН МУСУЛМОН ПОДШОҲЛАР
МУЖМАЛ АҲВОЛИ БАЁНИДА**

2166

Билмак керакки, Кашмир яқин замонда ислом бўлубдур. Илгари ҳамма Ҳинду эканлар. Ва бараҳма динида эканлар. Султон Шамсиддин отлиқ бир қаландар сурат киши келибдур. Ул вақтда Кашмир вилоятида бир ҳоким бор экан ва бир малика бор эканки, Султон Шамсуддиннинг ақдига кирмакка рағбат қилиб, ақди издивожга дохил бўлубдур. Бу иш вуқуъға келгандин кейин, Султон Шамсуддин тамом Кашмирни тасарруфиға киргизибдур. Андин ўғли Султон Алоуддин анинг ўрнида салтанатта ўлтирубдур. Анингдин кейин Султон Қутбуддин жонишин бўлубдур. Ул Султон Қутбуддиннинг замонида Ҳазрати амири Кабир Али ас-соний Сайид Али Ҳамадоний қуддиса сирруҳу Кашмирга келибурлар. Қирқ кундин тўла турмабурлар. Султон Қутбуддиндин кейин ўғли Султон Искандар отасининг ўрнида ўлтуриб, исломфа ривож бериб, бутхоналарни вайрон қилибдур. Ва андин ўғли Султон Зайнулобиддин аммисининг ўрнида жонишин бўлуб, эллик йил салтанатда ўлтирубдурки, Кашмирни таъмир қўлмоққа кўшиш айлабдур ва анинг замонида Кашмир шаҳар бўлубдур. То бу замон-

* «Тарихи Рашидий»нинг ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар хазинасида сақланаётган Р. 10191 раҳамли қўлёзмасида тушиб қолган, Инв.№1430 раҳамли форсча нусхасида мавжуд 100—106-фаслларни Россия Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг С-Петербург бўлими қўлёзмалар фондида D 138 (590°) раҳамда сақланаётган муаллифи номаълум таржиманинг 216⁶—229^a варагларидан олдик.

гача асари зоҳир турур. Ҳар синф ҳунарманд аксари шаҳарларда камёбдур. Масалан, ҳак ва сангтарош, шишакор ва тобадонтарош ва

217а заргар. // Бу қисм ҳунарманд Каширида тўла турур. Бозорлари касод турур. Тамоми Мовароуннаҳо, Бухоро, Самарқанддин қолса ҳеч ерда бу қисми ҳунарманд йўқдур. Бу ҳамма Султон Зайнулобиддиннинг саъйу кўшишининг самараси турур. Ва яна Султон Зайнулобиддин(дин) кейин Каширидинг салтанат иши таназзулга юз қўйубдур. Ва умаролари қувват топиб, Кашири салотинлари салтанатидин бир номе қилибдурлар. Ул мартабага етибдурки, умаролари риойаи зоҳирини ҳам тарқ қилибдур. Ва ул султонлар жонларини саломат сақлаб, жалойи ватан бўлмаслиқни ғанимат билиб, умаролар саркашлигига таҳаммул қилибдурлар. Ва султон Нодир алҳол фақир Муҳаммад Ҳайдарнинг суҳбатимда турур. Анга Каширидинг умаролари қилғон риойадин фақир риойани зиёдарак қилдим. Булар то Султон Зайнулобиддингача неча киши султон отини қўтарибдур. Аммо бил истиқдол салтанат қилолмабдур.

ЮЗ САКСОН УЧИНЧИ ФАСЛ

КАШМИР АҲЛИНИНГ МАЗҲАБИ БАЁНИДА

Махфий қолмағойким, Кашири аҳли ҳанафий мазҳабида эканлар. Зафарфатҳ шоҳким бу Султон Нодирнинг отосидур. Анинг замонида Ироқ заминидин Шамс отлиқ бир киши келибдур. Ўзини Нурбахшиға нисбат берибдур. Ва Султон мазҳаби фужури ошкоро бўлубдур, Нурбахши от қўйубдур. Ва андоқ куфру зиндиққа ошкора айлабдур. Ва «Фикҳи ахват» отлиқ бир китобни ҳалқ ичра шуҳрат берибдур. Ва мазҳабига на аҳли суннат ва жамоат ва на шиа ва равоғиз мазҳаби ҳеч бирига мувоғиқ эмас.

Ҳазрати Оиша разиаллоҳу анҳоға ва асҳоби киромға носазолар айтмоқки рофизийларнинг шиоридур. Наузу биллоҳ үзларига лозим тутарлар, аммо шианинг ақидасининг хилофида эътиқод қилурлар. Шианинг ақидаси хилофида Амир Сайид Мұхаммад Нурбахши ни соҳиби замон ва маҳдии мавъуд эътиқод қилурлар ва акобири авлиёуллоҳға батамом шианинг хилофида эътиқод қилурлар. Аммо ақидаларини рост билурлар. Наузу биллоҳ мин ақоидил куфр ва зиндиқа. Ва зиндиқаи маҳзга «Нурбахши» от қўйубдурлар. Фақир Нурбахши машойихларидин нечаларини Бадаҳшонда кўрдум ва ҳамма аҳволларини кўрдумки, батамоми амал ва эътиқодлари мувофиқи аҳли суннат ва жамоат ва зоҳирлари мутобиан суннати Он ҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирла ораста турур.

Ҳазрати Амир Сайид Мұхаммад

2176 Нурбахшнинг // фарзандларидин бири манга бир рисола кўрсатдиларким, Сайид Мұхаммад Нурбахшининг таснифотлари экан. Ул рисолада футубдурларки, подшоҳ ва умароларнинг жоҳиллари гумон қилурларки, салтанат сувари таҳорату тақво бирла жамъ келмайдур, дерлар. Бу ғалат гумон турур. Зероки, улуғ пайғамбарлар пайғамбарликлари бирла улуғ подшоҳлиқ ҳам қилюбдурлар. Салтанат ишига ҳам саъӣ қилибдурлар. Чунончи, Ҳазрати Юсуф ва Ҳазрати Мусо ва Довуд ва Сулаймон алайҳим ассалоту вассалом, Ҳазрати рисолат паноҳ саллаллоҳу алайҳи вассалам, авлиёлар улувларидин Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ ва Ҳазрати Умар Форуқ ва Ҳазрати Усмон ва Ҳазрати Али ризвоноллоҳи таоло алайҳим ажманн дебтурлар. Мақсад улки, Миршамс мазкурнинг мазҳаби мазҳаби Нурбахшга мувофиқ эмас экан. Ва тариқи аҳли суннат ва жамоатта мухолифатдур. Фақир ул «Фихки ахват»ни Ҳиндистон уламолари наздига йибордим. Бас Ҳиндистон уламолари ул китобни пуштиға фатво фитиб йибордилар. Ул фатво бу турур: Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Оллоҳумма аринал ҳаққа ҳаққан ва аринал ботила ботилан ва аринал ашяя камоҳия». Бу китобни мутолаа қилиб ва масойилга тааммул қилрондин кейин маълум бўлдики, бу китобнинг мусаннифи

ботил динда экан ва китоб суннати машхур ва ижмоъи умматнинг хилофиға борибдур. Ва аҳли ҳақнинг мазҳабларидин бирда бир мазҳабида дохил эмас экан. Ва инналлоҳа амараний ан арфаъал ихтилофа мин байнин ҳазихил уммати. Аввалан фил фуруъи байнаш шарифатиал Муҳаммадия камо конат фи замониҳи мин гайри зиёдати ва нуқсонин. Ва сониан фил усули мин байнил уммати ва коффати аҳлил олами. Яъни таҳқиқи Парвардигори олам манга амр қилди мунинг аввалан уммати Муҳаммаднинг орасидаги фуруоти диндаги ихтилофларини қўтаргайман ва шариати Муҳаммадия Ҳазрати саллаллоҳу алайҳи вассалламнинг замонларида эрди ондин каму зиёда қилмай шу зайлда баён қилгайман. Ва сониан умматлар аросидин ва ҳамма аҳли олимлардин усули диндаги ихтилофларини қўтаргайман, деб бу китобнинг мусаннифи қилған даъвоси батаҳқиқ ҳарому кизбдур. Ва зандиқфа мойил бўлубдур. Бу нав китобни манъ қилмоқ ва оламдин йўқ этмакка қудрати

218а етадурғон ҳалқка // вожибдурки, бу китобни маҳв қилғайлар ва оламдин нопадид этгайлар. Ва бу навъ мазҳабни манъ қилмоқ ва дафъ этмоқ заруроти диннинг жумласидинтуур. Бу китобга амал қиласурғон ва бу мазҳабга эътиқод қиласурғон изосини дафъ қилмоқ фарздор. Агар бу китобга амал қилмоқдин ва бу мазҳабга эътиқод қилмоқдин тўхтамасалар мусулмонлар тариқидин буларнинг изосини дафъ қилмоқ, мусулмонларни улар шарридин ҳалос қилмоқ қатли сиёsat бирла вожибдур. Нусратун лид-дийнил қавим ва ҳифзон лит-тариқин мустақимин. Чун, улар тавба қилсалар, бу мазҳаб ботилидин ёнсалар, амр қилғайларки, ҳазрати Абу Ҳанифа разиоллоҳу анхұнинг мазҳабларига амалу матобиат қилғайлар. Ҳоло Кашмирда ҳар кимки сўфийдур, зиндиқийда боҳайдурки ҳалол ва ҳаромдин ҳеч хабарлари йўқдурким уйқуламоқ ва кам таом емоқни тақво ва иродат от қўйубдурлар. Бас ҳар нарсаки, топсалар олувлар. Ҳеч ибо ва таҳоши қилмаслар. Ҳалол қайсию ҳаром қайси, ани фарқ қилмаслар. Ҳаммалари вақфи авқофни беважхи шаръий тасаррuf қилмоқга ҳирси тамом-

лари бордурлар. Аладдавом туш қўрмак ва таъбир этмак ва изҳори каромат қилмоқки, бу йил андоқ воқеа бўлодур ва мундоқ ҳодиса зуҳурга келадур ва келадурғон замонда келадурғон аҳволот ғойибдин хабар бермақдан ўзга ишлари йўқдур. Ва бирбирларига сажда қилурлар. Ва бу навъе расвониқ билан арбайн ўлтуурлар ва аҳли илмни бағоят қўрарлар ва шариатни тариқатдин жудо қилурлар. Ва чунонки аҳли тариқатнинг асли шариат билан иши йўқтур дерлар. Ва бу навъе мулхид, бадмазҳабларни ҳеч ерда киши қўрмаган бўлғай. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло аҳли исломни бу навъе оғату баётдин ўз паноҳи исматида маҳфуз ва масун асрағай ва ҳамма мўминлар шариати роҳи ростида пойдори мустақим тутғай ба ҳаққи Муҳаммад ва олиҳи ал амжод ва Алҳамдуиллоҳи ҳоло Кашмирда бу маэҳаби ботилни ҳеч киши ошкора қилолмайдурлар ва ҳаммалари мункири мутлақдур. Ва ўзларини аҳли суннат ва жамоат қўрсатурлар. Ва фақир Муҳаммад Ҳайдарнинг шиддату сиёсатим уларға маълум ва зоҳир

2186 дурким улар зарра ул маэҳабнинг асари ҳар кишида// зоҳир бўлса ани қатл қилмоқдин ўзга муомала қилмагумдур. Умидим улки Ҳудои таолонинг тавфиқи бирла ва фақирнинг саъйим бирла ул бадбаҳтлик уларнинг ниҳодидин оҳиста-оҳиста қўтарилгай. Ҳаммалари қандоғки ҳоло зоҳиран ўзларини мусулмон қўрсатурлар, ботинларини ҳам ислом нури бирлан мунаvvар қилғай. Омин, раббул оламийн. Офтобфараст коғирлардин бир тоифа бор эканларки, уларни «Самошин» атар эканлар. Уларнинг мазҳаби улки офтобнинг вужудининг нуронийлиқи бизнинг ақидамизни соғлиқи жиҳатидиндур. Ва бизнинг вужудимиз офтобнинг нуронилиқидин турур. Агар ақидамиз соғлиқини анингдин қўтарсак, анингда нуронийлик қолмас. Агар офтобнинг нуронлиқи бўлмаса, бизнинг ҳам нуроний вужудимиз қолмас. Ул бизнинг мавжуд турур. Биз анинг бирла мавжуд турурми. Бизсиз анинг вужуди йўқдур. Ва анингсиз бизнинг вужудимиз йўқдур. Вақтеки офтоб маълум, бизнинг ҳам ахволимиз анга равшан турур. Силоҳ ва ҳўбулукдин ўзга иш қилроли бўлмас. Ватқтеки кеча бўлса ул бизни

кўрмас. Ва ҳеч аҳволимизни билмас. Чунки ул кечанинг аҳволотига воқиғ эмасдур. Кечаси бир навъ иш қилса, ҳеч гуноҳ вубол бўлмайдур дерлар. Бу фирқанинг отини «Самошин» атарлар. Бу муқаддимани баён қилмоқда бир латифа бордурки, Ҳазрати Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам айтибдурлар «Алқобу танзилу минас само» саддақа Расулуллоҳ, яъни лақаб осмондин нузул қилинур дебдурлар. Ва чун ул Миршамс калла Каширида пайдо бўлубдур, халойиқни гумроҳ қилубдур. Лақаби Шамасуддин экан бўлғай. Голиб улки аниг лақаби Шамасуддин бўлғайки Кашири халқи ани ғалат қилиб Шамс деган бўлғайлар. Таҳфиф учун чунончи Миршамс дерлар.

ЮЗ САКСОН ТЎРТИНЧИ ФАСЛ

АСЛИ ҲИҚОЯТГА РУЖУ ҚИЛМОҚ

Билмак керакки Каширининг авзоъи ва аҳволини тақдирига келтуришдин илгари сўз бу ерга етиб эрдики, уларнинг teng еридин осонлиқ била ўтуб шаҳарга дохил бўлдуқ, эрса лашкари Кашири

219а мутафарриқа бўлди. Шаҳар халқи ҳамма уйларини // ташлаб төғ ва дарёға қочтилар. Аниг ҳамма асбоблари уйларида жой бажо қолиб эрди. Ва факир Рождан иморатики мазкур бўлди, анда туштум ва Рожданнинг ихотасига мулжари лашкарни тушуриб неча кун анда турдук. Кашири лашкаридин ҳеч асар зоҳир бўлмади. Токи йигирма кун анда турдуқ. Токи от-улоғ мондалиқдин чиқти ва илгарики ҳолига келди. Аммо лашкари Кашири шаҳарнинг жануб тарафиға, икки фарсанг шаҳардин йироқ, Лой деган ерда ўлтуриб эканлар токи анда зоҳир бўлдилар. Аҳли райълар маслаҳат қидиларки бизнинг шаҳарни сақла-моқимизнинг ҳеч фойдаси йўқтур. Ислоҳ улки шаҳардин чиқғай-

миз то муҳорабага фурсат топгаймиз. Чунки Кашмир лашкари тұлолиқда ва қувватда бизнинг лашкаrimиздин зиёда туур. Бир фурсатни топиб ҳийла бирла шикаст бергали бўлур. Назм:

Чу тадбир ила мушкул үлғуси ҳалл,
Беҳуда тобма, адувдин ҳалал.

Бас соҳиби райълар машваратига амал айлаб, шаҳардин кўчуб, Кашмир лашкарининг олдидин ясол бирла ўтуб, Кашмирнинг машриқ тарафида Бакалта отлиқ ерда манзилгоҳ қилдуқ. Ҳосилул фаҳво улки, тарихга моҳи жумодул охирнинг куз вақтининг охири то шаъбон ойигача, ким эрта ёз фасли эрди, бу муддат ичида бу муддат Кашмир лашкаридин қочиб юрур эдик. Кашмир лашкари бу жиҳатдан ғарра бўлдилар. Чунки ул ҳолда ҳар вақтики биз кўчсак улар бир неча қун таваққуф қилур эрдилар. Ва бизнинг муқобаламизда бир маҳкам жой топиб аввал пинҳона ул жойни мазбут қилиб, кечаси кўчиб келиб, ул жойга маҳкам бўлур эрди. Охир ҳолда андоқ далир бўлдики, ҳар вақтики биз кўчсак, улар ҳам орқамиздин бетахоши кўчуб келур эдилар. Охирул амр Бориун деган ерда улар кўчиб туз ерга чиқиб эдилар. Фақир ясол қилиб уларнинг олдини тўстум. Ул жангнинг воқеаси тўла туур. Мужмали улки, бир лаҳзада инояти беиллат Ҳазрати Каримул фаттоҳ алтоғи муҳаббатидин фатҳи феруз насими вазида қила бошлади. Ва сарсар идбори губори хоккорни душманлар кўзига сочғали турди. Назм:

Ўлуклар тану бошидин ушбу чор
Бўлуб зоҳир ул размгоҳ ичра боғ.

2196

// Кашмир подшоҳларининг улуғи Малик эрди ва яна неча мулуки мўътабарларки Кашмир сардорлари эрдилар, ул жангда мақтул бўлғонларга сардор бўлдилар. Колғонлар қочиб тоққа чиқтилар. Аммо аксаллари мажруҳ эрдилар. Ва уларки саломат эрдилар, уларнинг диллари ҳам хавфу ваҳшатдин дуним эрди. Ва қочмоқ фикрида саргардону ҳайрон эрдилар. Аммо тақдирни ило-

хий бирла бир ажиб иш содир бўлди. Ул иш андоғ эрдики, Мирзо Али Тогайнинг шайтонлиқи ва хabis табиатини фақир билур эрдим. Чунки ул макру таэвирида шайтондин машҳурроқ туур. Ва билжумла воқеа улки Мирзо Тогай фақирнинг наздига келиб маслаҳат қўрсатти. Ҳосил улки, бу лашкар қочиб мутафарриқа бўлиб тоққа чиқтилар. Зоҳир улки, ул ерда маҳкам жой қиладурлар. Ва бизнинг тоққа чиқиб жанг қилмоқимиз маслаҳатдин эмас. Мунча обруимиз тўқмакимиз нодонликтур. Душманларнинг лашкарини вайрон қилмоқнинг тариқи улки, биз илгор олиб Кашмирнинг оёғига уларнинг бола-борқаси узасига боргаймиз. Вақтеки аҳли аёлининг узасига борсақ улар тоғда туролмай ночор бола-борқаларини муҳофазат қилмоқ учун тоғдин тубан тушар ва ҳар қайсилари болаларини тоғ узасига олиб чиққан бўлса, улар бола-борқасини ташлаб тоғдин тушмакка майл қилмаслар. Бил зарура уларға тафриқа етмак лозим келадур. Бас бу тадбир била уларнинг баъзиси тоғда қолур ва баъзиси тубан тушар. Улар тафриқа бўлсалар дуввўм бора яна жамъ бўлмоқлари мушкулдур. Бизга ҳам жанг қилмоқга ҳожат бўлмагусидур, деб бу навъ маслаҳат қўрсатди. Анинг бу дамдамасиким замзамаи шайтонат эри, дабдабаи салтанат хаёл қилдим. Бу ботил райъни хайр гумон этдим, ва фосид маслаҳатни қабул туттим ва муқаррар қилдимки тонгла алас сабоҳ илгорни тубан тарафиға олиб боргаймиз. Назм:

Чу шайтон манга берди мундоқ фусун,
Йиқилдум оёқ остиға сарнигун.

Бас алас сабоҳ тубан тарафиға туштук. Ул соат Мир Доим Али келди ва манга дурушт айттики биз на меҳнату машаққатларни чектукки бу иш бу йўлга анжом топти. Ҳолоки бу ҳамма душманни пароканда қилдуқ ва бу тоғқа сўладуқ. Эмди

220а буларни қўюб на ерга борурмиз деди. // Фақир анинг сўзидин мардуд бўлуб туруб айтдимки Мирзо Али Тогай кўчуб келди ва бизнинг тўхтаб турғонимизнинг сабабини сўради. Мир Доим Алики ўзлари манга деб эди, Мирзо Али Тогайга ҳам

деди. Бас, Мирзо Али манга боқиб айтики: Қавли қарордин ёнмоқ ва маслаҳатни тағиир бермак гүдаклар ишидур. Кенгаш улдурки тунокун муқаррар қилиб эрдук деди. Мир Доим Алиниң андишалиғи ва маслаҳати айни савоб эрди, анга қулоқ солмадим ва ул бадкешнинг сўзики айни хато эрди, ани қабул тутдим.

Назм:

Сен дўст ила душманни баробар қилма,
Ҳар ким санга сўз деса бовар қилма.
Душман била дўстини керак фарқ этмак,
Фарқ этмай улар ишини абтар қилма.

Алқисса ул бадкешнинг сўзи бирла чоҳи Ҳобилнинг олдидин ўтуб ул ноқобилнинг афсуни бирла кўчуб Ноком ҳаддиға бордуқ. Ва Мирза Али Тоғай илгари борур эрди. Иккинчи манзилда хабар англадики тубан тарафида йўл йўқдур. Агар бўлса ҳам лашкар Мёнгруча йўл эмас дедилар. Ноchor на орқамизға йўнолмай, ё илгари боролмай Хорура отлиқ ерга туштук. Аммо Кашмир лашкари бизнинг кўчуб кетганимиэни кўруб форигулбол бўлиб ҳар қаён қочқон ва тафриқа бўлғонлари жамъ бўлуб тоғдин тубан тушуб, бир жой маҳкам қилиб ихоталарини шох бирла беркитиб ўлтурубдурлар. Бу воқеа тарижқа тўққуз юз ўттуз тўққуз шаъбон ойининг тўртида эрди. Фузалолардин бири «рўзи чаҳорўм аз шаъбон» деб тарих топиб эрди. Чун моҳи шаъбон ўтди савр фасли охириға етди. Ва анчаки тоғлар узасига қиши совуқлиқидин жадий фасли субҳоний гарболидин кофур сочиб эрди, офтоб тобишики савр буржидин тушар эрди. Ҳаммасини гудоз қилди ва Мирза Али Тоғай хabis умароларидин сўз олур эрди ва ўзи Кашмирнинг фатҳлиқининг душворлиқини шарҳ қилмоқда тўла муболага қилур эрди. Токи билқуллия лашкару умароларнинг кўнглини Кашмирдан ёндуруди. Магар Мир Доимки шижаат ва нек андишлиқда событқадам эрди, бас тамоми мӯғул лашкар ва акобирлари жамъ бўлуб Мир Доим Алиниң наздига келиб ҳаммалари муттафиқул лафз вал маъногулу ва равро Мир

2206 Доим Алиға дебтурки, фалон кишига, яъни фақир Мұхаммад // Ҳайдарга арзға еткурғилки, биз мұғул халқы туурмиз ва ҳамиша Мұғулистон мұхимиға машгултуурмиз ва мұғул ахлининг мувоғиқ табыи ва улфат тутодурқон ери саҳроиқи анда ҳеч ободонлиқ бўлмағай, ҳамиша чуғз вайронасининг қаҳқасини булбул борининг таронасидин беҳроқ қўрармиз ва ободонлиқ ичида буншумға ўхшаш манзил тутмайдурмиз. Маскани маълуфимиз тоғ қалъаларидир. Киймакимиз ҳайвонотлар терисидур ва емакимиз вуҳуш ва туйурдур деб анвойи аҳли жуйуш балки жамиъ коғир беҳуш ва Кашмирки боғи Эрам балки намунаи фирдавси аълодур. «Ло йадхулу-л-мушриқуна фи-л-жаннати», яъни коғирлар биҳиштга кирмас деган бўлур. Ҳукмдин Кашмирда турмоқдин дилгир бўлдилар ва анинг узасига то Кошқарнинг ароси тўла узоқ масофатдур, масофоти узоқлиқининг тӯфасига йўлининг суубати ҳадди имкондин ташқари турур. Ва аҳли аёлимиз ҳама мол чорпойимиз анда қолибдур. Бизлар анингдин айрилиб ҳаётлиқ қилолмасмиз, бас беҳроқ улки бу лашкар ва бу мұхиммоти мұътабарни вайрон қилиб Хоннинг жанобига борғаймиз. Агар Ҳон бизни ўлтурса ҳам бор ашёмиғни аҳли аёлимиз ўз қўли бирла дағн қилғусидур. Агар бизни ўлтурмаса минбаъд орзу инонини Мұғулистондин ўзга тарафга тортмағаймиз. Бас Амир Доим ҳам фақирнинг наэдимга келди ва ул жоҳиллар ҳар наки деб эрди манга деди, фақир ул нокасларнинг бу атворига таажжубға қолдим. Нақл қилибдурлар-ким, бир канносе атторнинг дўконидин ўтуб борур эрди, чун атрнинг бўйи димогига етти эрса беҳуш бўлуб йиқилди. Ул ерда бир ҳукамо ҳозир эрди дағъятан ул канноснинг димогига бир мунча најкосатнинг бўйин еткурди. Ул каннос филҳол ҳушиға келди. Ва айтдиким йиллар эрдики англар эдимман, атри анбар иси эмиш, марғуб этти, ул бўйиким ул дўкондин, ондин эркан, басе најкосати ҳуб. Ва бир жумла Мир Доим Алиға айтдимки, агар Кашмирни билкуллия фатҳ қилмоқка саъи қилсам, бу мардуми нокаслар салтанат асосига ҳалал еткурмакка қадам қўёдурлар дедим. Мир Доим Али айтдиким манга рухсат берур вақтда

221a андоқ фармон қилиб // эрдики, Мирэо Али Төғай салтнинг кулли ишларида ўз ишининг сирфасини зарур биладур. Ўзининг жузвий иши учун куллиёти умури салтанатни барҳам уродур. Борҳо маъзур тутуб бу навъ афъоли қабиҳаларини афв этаги бирла ёпдим. Ўз салтанатим ишига аниг муроди ҳосил бўлмоқ учун халал етишига рози бўлдум. Бу навъ ишлар тўла бўлса албатта кўнглумга паришонлиқ ва салтанат ишига вайронлиқ етадир. Агар бу мартаба Мирэо Али Төғай ул одати қадимийсини қилса, ўғлум Искандар султоннинг ионати бирла аниг жузв-жузвини ҳаёт куллиётидин ажратинглар, албатта таъхир қилманглар деб ёслиф қилиб эрди. Алҳолки аниг гарданида гуноҳ собитдур. Агар Хоннинг ёслирини тутуб ани йўқ этулса, яна ҳеч кишига хилоф ва нифоқ қилмоққа ҳадди йўқдур. Ва иттифоқи тамом ҳосил бўладур. Ва Кашмир мамлакати ҳеч вақт мўғул хоқонларининг тасарруфиға кирган эмасдур, осонлиқ бирла тасарруфга кирадур. То қиёмат яхши от ва овози баланд сизнинг отингизга бўладур. Ва мўғул хонлари хонадони зиммасига сиздин миннати азим пайдо бўладур. Чунки бу вилоятни ҳеч замонда улар қабзи тасарруфиға келтурган эмас деди. Фақир жавоб бердики ҳоло бу қунғача йиғирма йил бўлубдурки Ҳазрати Хон тамоми муҳим ва умури ас-карни батамом ва камоли мутлақ фақирга берибдур. Ва ҳар маҳалда маслаҳат мұқтазоси бирла умаролар фақирга ҳамроҳ қиласадур. Биҳамдуиллоҳки то бу вақтгача ҳамма муҳим хайрия бирла итномира етиб турадур. Ҳеч ишига эътиroz ангуштин анга қўйғали бўлғай, вуқуъға келмади. Агар алҳол бу ишни қилсак, албатта бу ёмон от фақирнинг отимға собит бўладур ва мундин кейин умаролардин ҳар кишики манга ҳамроҳ бўлса кўнглида филжумла васва-са вахимаси бўлса ювуқ билгусидурки ани манга ҳамроҳ қилмоқдин ғараз фақирнинг Малак ул-мавт амалин зухурга қелтурмагим бўлғай. Бас албатта ўзини нажот қилмоққа саъиу қўшиш қиласидур. Ва менинг ҳамроҳлиқим ҳар кишини жон ваҳмига солмоқға боис

221b бўлғусидур. Бу тариқа мусулмончилик тавриға лойиқ // эмастур. Ва аниг узасига шаръи шариф ҳисоби бирла бир му-

сулмонни қатл қилмоқ дуруст эмастур дедим. Чун фақир мулоҳаза кўзи бирла тааммул оинасида кўрдимки, бу иштин бирини ихтиёр қилмоқдин ўзга чора маълум эмас. Бири улки Мирзо Али Тоғайни ўлтурмак ва Кашмирни олмак, ва яна бири ани ўлтурмаслик ва Кашмирни тасарруф қилмай ёнмоқ. Фақир Кашмирни қўюб ёнмоқка ризо бердим. Ва Кашмир подшоҳлари бирла сулҳ сўзин орага солдим. Ва оқиллар пандини англамадим, ул сабабдин не меҳнатлар тордим ва не суубатларни кўрдум. Ҳар кишики душманга даст топибдур, агар ани қатл этмагай, ўзига душманлик қилибдур.

ЮЗ САКСОН БЕШИНЧИ ФАСЛ

КАШМИРДИН ЁНГОНИМИЗ ЗИКРИ,
УЛ КУНЛАРДА ВУҚУҒА
КЕЛГАН ВОҚЕАЛАР БАЁНИДА

Махфий қолмағайки, ул кунларда Кашмирнинг подшоҳлиқ оти Мұхаммад Шоҳда эрди. Ва сардорларидин Малик Алики бизнинг илкимизда ўлди, анинг тубанидагилар Малик Абдол Мокрий ва Кажичак Лоҳурый, Моҳирий ва Бекчак эрдилар. Фақир сулҳ сўзини орага солдим. Улар жону диллари бирла миннатдор бўлдилар. Балки, бовар қилмайдурки, бу навъ латофатлик мамлакатни олиб яна ташлаб кетмак оқиллар иши эрмас дер эрдилар. Ҳосилки, сулҳ муқаррар қилдуқ ва сиккани Ҳоннинг отиға музайян қилдурдум. Кашмирнинг молидин анчаки мӯгулға лоэзимлиқ эрди олдуқ. Ва Мұхаммад Шоҳнинг пардаи исматдаги қизларининг бирини Искандар сultonға нисбат қилдуқ. Ва умароларидин ҳар кишига ўз мартабасига яраша Кашмир сultonларидин бирига мулоқот бўлдилар. Чунончи фақир Мұхаммад Шоҳга мулоқот бўлуб, мӯғул расми бирла дўст бўлишиб, бир-биримизни дўст аташдуқ. Мир Доим Али Абдол Мокрий билан, Мирзо Али Тоғай Лоҳурый билан ва Бобо Мирзо Кажичак била ва торамнинг ўғли

Махмуд Мирзога анинг ахволи фот фурсатда мазкур бўлғусидир, Янгичак билан мулоқот бўлишилар. Ва бир-бирларига мұяссар бўлишича пешкашлар қилишилар. Шаввол ойининг охири эрдиким, келишимизда келган йўл бирла мангдуқ. Вақтеки Тибат сарҳадига етиб

222а келдук. Ул ҳудуднинг аксари истиқбол қилиб // пешкашлар олиб келдилар. Магар Камрасаки Тибатнинг бир вилояти туур. Уларнинг бир даралари бор эканки, баҳилнинг кўнгли янглиқ танг ва бир тарафи чуқур борки гўёки сифлидак, тӯфаси анчаки қувватда ҳамма идрок этолмас эрдилар. Ва йўли андоқ борикки рўзи равшан гўёки шаби ториқдек кўринур эрди эрса курси бу даргоҳ эътимод хаёл қилдиларки ҳеч оғариданинг бу дарани тасаррүф қилмоққа қудрати етмас деб тамарруди саркашлиқ айлаб молу пешкаш тутмоқда суҳулат қилдилар. Намози пешин вақтида уларға ёвуқ етиб туштук. Ва кечаси ҳамма киши асбоби жангни омода қилдилар. Алас сабоҳки турки дарин саржаҳонкүшолиқ қилиб машриқ тарафидин габро майдонига юз келтурди эрса, ҳама жуюш бонгу хуруш чектилар ва мусаллаҳ қилдилар. Алқисса жангу ҳарифаи азим бўлди. Неча маротаба юқоридин тош юмолотиб йубордилар. Лашкари исломни қочирдилар. Яна ислом лашкари марданалик этакини ижтиҳод этакига маҳкам қилиб сабот оёғин ғазот торига қўйдилар. Охирул амр насими сарсари ислом коғирлар асосиники маҳкамлиқда кўҳ янглиғ эрди, гўё коҳ янглиқ фанона учурди. Чунончи ул коғирларнинг сардор ва муборизлари аксари мақтул бўлдилар, қолғонлари қочиб ногадид үлдилар. Уларни тамоми ашё ва чаҳорпой мол ва аҳли аёллари лашкари исломга насиб бўлди. Бу воқеа узасидин қолгон атрофдаги коғирларнинг кўнглида ҳарос пайдо бўлди. Зан ва фарзандлари молу жонлари саломат қолғонига рози бўлуб ҳамма ашёларини пешкаш қилдилар. Пурик вилоятики Тибатнинг мўътабар вилоятларидин туур. Анинг тамоми амволларини жамъ қилиб умаро ва лашкарга қисмат қилиб бердук. Ва бир мунча нафис матолардин Ҳонға пешкаш олиб Мориўлға мутаважжих бўлдук.

ЮЗ САКСОН ОЛТИНЧИ ФАСЛ

**СУЛТОН САИДХОННИНГ МОРИЙУЛДИН
ЁРКАНД ДОРУЛСАЛТАНАТИГА ЁНГОНИ ВА
ФАҚИР МУҲАММАД ҲАЙДАРНИ УРСАНГ
ТАРАФИГА БУЮРГОНИ**

На хуш бўлса манга васлинг муюссар,
Жамолингдин кўзим бўлса мунаввар.
Халос ўлсам фироқинг кечасидин,
Висолинг субҳи бўлғай нургустар.

2226 *Х*ижроники анинг моҳи висоли бирла ихтитом бўлғай. //
 Ва фироқинг анинг ниҳояти иттисолига анжом топғай. Улувлар аборлар назарида ул ҳажру фироқининг шиддатининг ҳеч вужуди бўлмағай. Ва шавқу муҳаббат шевасининг форислари ва ишқу муваддат тариқининг соликлари бу навъ хижронни афзал билиб дурлар. Ул вислдинки анинг охири ҳажрга мубаддал бўлғусидур. Ва ул хижрондаги висол умидини васл ўрнида қойими мақом билдибурлар. Фақирнинг ахволи гаройиби маолимдурки, анинг ажо-йиблиқи ууллаборлар басарларини хира қилғусидир. Ул ахвол шарҳи бутуурки, чун фақир фатҳи нусрат била етиб келиб Хоннинг останаи давлат губорини сурма янглиғ кўзумга сурдум. Вактехи Хоннинг назари саодатасари манга тушти, фараҳи беҳжат асари Хоннинг муборак башарасига зоҳир бўла бошлади. Файзбахш илкини манга сунди ва инбисот бағалин очти. Фақир бандалик адабини батамом бажо келтурдум ва Хон ҳам илгари келиб муонақа саодатига мушарраф қилди, эрса Хон муддати муонақа ҳайъатида мани қучоғлаб туруб шафқат дуррари қатраларини фақирнинг кифтимга томизди. Фақир ҳам сидқу сафо сидқидин хулуси эътиқод лолаларидин ёмғур қатралари янглиғ нисор айлаб давлат этагин ва саодат каноринборвар айладим. Бас бу таъзим ва

тавқир адо бүлғондин кейин Ҳон мо ҳувал воқеъни истифсөр айлади. Ҳамма ахволотини хабару сайот ва қуллиёт бирла батафсил арзга еткүрдүм. Ҳон дуввум бора авотиф ҳоқонини Каҳрабо айлаб фармон қылдики, хонлар хонадони ва султонлар дармони зыммасига сендин миннати азим событ бүлдики, мундин кейин султони жаҳонгирлар то Чингизхондин бу замонгача ҳеч бирлари тасарруф илкин Кашмир гирибонига еткүролмабдур. Алхол сенинг саъйу қүшишинг бирла Кашмир минбарлари мүғул хонлари алқоби бирла музаййан бўлибдур. Кашмир султонларики қадимул айёмдин ўзга салотин ва ҳуккомларини итоат ва инқиёд қилдуруб келгандурлар. Алхол мүғул хонларига мутеъу мунқод ўлубдурлар. Бу андоғ амри азими жалил, шаъни рафиул қадртуурки анга миннатдор

223а бўлмоқ манинг зыммамга // ва балки тамоми мўғул хонларига фарзи айн турур. Муруват тариқасида асҳоби давлатга айни қарз турур. Ҳусусан манинг фарзандларимгаки, бу яхши от менинг фарзандларимга ва бизнинг отимиэға событ бўлубдур. Мунинг фахри буларга оид бўлғусидир деб бу навъ дурафшонлиқлар қилди. Аммо факир ёрлиғ ҳукми бирла лашкардин илгарилаб келиб Ҳонға мулозамат қилиб эрдим. Искандар султон бирла қолрон умаролар тонгласи пойбўслукға мушарраф бўлдилар. Икки лашкарнинг бир-бирига қовушқони гўё *Марожа албахрайни йалтақийаан*» (У зот икки денгиз — дарёни бир-бирлари билан учрашадиган ҳолларида (ёнма-ён) оқизиб қўйди». 55; 19) мисдоқи эрди. Бас анчаки лашкар молу матоларидин ва яна бир мунча олтин-кумуш пулларики Ҳоннинг отига сикка урдуруб эрдим, ҳаммасини Тибат ҳудудидин олиб келган амвол бирла қўшуб Ҳонға пешкаш қилдим эрса, Ҳон ҳаммасини назари қабулият бирла манзур қилди. Ва мажмуасини барсабили одат тақсим қилиб берди. Бас умаро ва сардорларга ва лашкарларга яраша илтифотлар бирла пурсиши ҳол қилғондин кейин мўътабар умаролар ва аркони давлатини қичқиртиб машварат ароға солди. Ҳар киши ўз ҳолига яраша кўнглиға еткан маслаҳатни арз қилдилар. Чун тамоми умароларнинг раъйу кенгаши Ҳоннинг самъи

шарафиға етти эрса, Ҳон лаҳза фикр қилиб факирға хитоб қилдиким, санга маълум ва муҳакқақдурким доим ихлосим тили нотиқ ва ниятим содиқ эрдиким газот ишини ўзим холисан лиллоҳи таоло адо қилғайман, бу фарзи кифояни оммаи аҳли ислом жонибидин ўзум кифоят қилғайман. Ва анинг бутхонаи Урсангки хитойнинг қиблагоҳидир, анинг ҳароб қилғайман. Чунки подшоҳи исломлардин ҳеч бирига бу иш мұяссар бўлмайдур. Балки аҳли исломнинг қўзлари ул ерга тушмабдур, деб бу ниятни жазм қилиб эрдим. Афсуски, мизожимнинг қуввати анга вафо қилмади. Чунончи, қавоми зоҳиримдин ҳам зоҳир бўлғусидир. Эмди керакки Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг канифи исматики сипориш қилғайсен ва сен анинг учун ваколатан ижтиҳод этагини жиҳод камарига маҳкам айлаб ва тоғамки иккаламиз бир

2236 бўлдуқ ва сен бутхонаи Урсангни ҳароб қилмоққа қадам қўйғайсен. // Ва ман ватани маълуфға ёнгайман. Ва қолғон куллий ишларимизни ҳам санга топширдим. Ва тоғамки иккаламиз бир гўшада ибодатга шуғл қилғаймиз. Ганжи роҳат кунжи ибодатдадур. Бу давлати муҳиммотига сен мутасадди бўлғайсен. Ва биз дуои хайр бирла мадад етқургаймиз. Ва сен кори хайрға мадад бергайсан деб. Ушбу мазмунда насоиҳи дилпазир ва мавоизи беназирлар тақрир берди. Ва андин кейин ёрлиғ бердики, Мирзо Ҳайдарни соҳиб ихтиёр қилдимки, умаролардин ва лашқарлардин кимни хоҳласа олиб қоладур. Ҳеч бир киши бу бобда маним ёрлиғимға муқайяд эмастур деди. Чун ёрлиғ бу навъи содир бўлди, эрса улуғ умароларни Ҳон бирла ёнмоққа рухсат бердим. Ва тоғам Абдуллоҳнинг ўғли Махмуд мирзони ўзумга ҳамроҳ қилдим. Ва Жонака мирзо ва Баҳрика мирзоларни бу лашқарга муқаррар айладим. Қолғон мажмуи лашқардин икки минг кишини илғаб олиб, бас бу муҳимни... мутаважжих бўлдум. То бу ишларни саранжом бергунча зулхижжа ойидин олти кун ўтти. Фақир Ҳоннинг мулозаматида бўлғон муддати ушбу олти кун эрди. Алқисса фақир Ҳон бирла видоъ қилур вақтида мени хилватта қичқиртди. Ва ҳозир иликларидин фақирға сарупо, от инъом айлади. Ва айтдики, муни

батарики ёдгор санға топшурадурман. Агар саломат келсанг ва мени ҳәётлиқ доирасида боқий топсанг, яна манга топшурурсен деди эрса тақрим ва таъзим қилдим. Аммо сабрим илкидин тоқат инони жудо бўлди. Фаму андуҳ пайвастидин дил доғ, ичдаги рутубатлар кўз йўли бирла чиқа бошлади. Ва сабру суқун биносиға қалақу изтироб пайдо бўлди. Чунончи Ҳонға ҳам риққат ру берди. Ва ашқ дурларини соча бошлади. Токи тақаллуф бирла таскини хотир топдук, эрса арзга еткурдумки, эй Ҳони олийшон, қайси қўнгулнинг қуввати бирла таскини хотир топгайман, бовужудки ҳазратингиздин бу навъ андуҳлиқ сўзларни эшитиб туруғлиқ, нечук сизнинг мулозаматингиздин йироқ бўлғайман. Илтимосим улки, фақир то дорулмулки Ёркандгача рикоби саодатманобингизда соя янглиғ эрошиб борғайман. Ва сиз сиҳат-саломат таҳтгоҳи саодатта ижлол

224а қилғайсиз. Ул вақт хотиржамъ // бўлуб сиэдин рухсат олиб бу муҳимни адо қилмоққа қадам қўйғайман. Алҳол мунда қоладурғон лашкарга буюргайманки, Тибатнинг ёйлоқларида отларни боқиб мен ёниб келгунча осойиш олғай деб арзимни адо қилдим, эрса Ҳон айтдиким, бир муҳим мушкул ишни суст тутмоқ ва таъхир қилмоқ ақли тадбирдин эмастур. Ул сўзларки ман айтдим анга ғалат маъни илтибсен, чунки менинг ул сўзумнинг маъноси улки, ҳечрайхони йўқдурки оламда боқий қолғай ва ажал шарбатини ичмагай. Шак йўқтур ҳар райхоники бордур оқибат шарбати маргни чашандა қилурлар. Ажалга касал ва иллат шарт эмастур. Манга ҳам ул ажали муқаддар бордурки, анингдин халос бўлғали бўлмайдур. Бу сафарда сиҳат-саломат бориб Ёрканда барқарор бўлсам ҳам ўлимдин эмин бўлғоли бўлмайдур. Агар бу сафарда тақдир етадурғон бўлса, алҳолки сенинг бирла сўзлашгунча фурсат бордур, вақт ғаниматдур ва сенинг менинг била бормоқимиз муқаддар бўлғон иш тағиyr топмайдур. Ҳамма ҳолда Ҳудои таоло билан бўлмоқ керак. Ҳамма ишни Ҳудои таолоға тафвиз қилмоқ керак. Ва сени Ҳудои таолоға топшурадурман. Ва умид тутадурманки, иншиоolloҳ саломат мулоқот бўлсақ ва бу муҳим ишки санға тафвиз қилдим, ани адо қилмоққа сидқи

дил била ружу қилғайсен. Ва жону дилинг била саъйи қўшиш битгайсен, токи Каширни фатҳ қилған анинг ўзасига нур ало нур бўлғай ва манга ҳам дунёда яхши от, охиратда ҳасанот ҳосил бўлғай. Ва менинг жонимга сендин миннати азим бўлғай, деб бу мазмунда қалимоти шириналар тақоир айлаб манга ижозат бериб ўзи мурожаатта мутаважжих бўлди.

ЮЗ САКСОН ЕТТИНЧИ ФАСЛ

СУЛТОН САИДХОННИНГ ИХТИТОМИ КОРИ ВА МУЖМАЛИ АҲВОЛИ БАЁНИДА

Кубарои орифиналар айтибдурларки, Ҳақ жалла ва жалоло-нинг мосивоси ҳама маърази фано заволда турур, ҳақиқати маъ-лумдур. Маъдум ва сурати мавжудедур. Мавҳуми тун-кун набуд, бор эрди ва на намуд. Бу кун намудедур ва бебуд, зоҳирдурки, тонгла мунунгдин на ҳосил бўлғусидур. Улдурки ҳамиша бор эрди, ҳамиша бўлғусидир. Ва бақоси чехраси ҳеч

2246 ҳодиса хори харошинда // қилолмагусидур. Ҳазрат офаридақор таоло ва тақаддасининг ҳукми бу навъ жорий бўлуб-дур. Ҳар зинафас ночор «Кулли нафсин зоиқатул мавт» косаси-дин журъа нўш этгусидур. Ва ҳаёт паймонасидин марг шароби талхини ложарам дам тортгусидур. Дўстлик бедорлиқдин адамлик уйқусира боргусидур.

Байт:

Иўқлуқға ўшул хайлки ҳамдаст ўлмиш,
Ким кўйи фано ичра ҳам маст ўлмиш.
Кўп ичгач улар мажлиси инс ичра шароб,
Бу важҳ ила биздин илгари маст ўлмиш.

Ҳаргиз бақо ҳадиқасидин гул очилмайдур. Ул гулдин ҳеч киши бўйе топмайдур. Магарки, фано живоридин ўтган ул вақт

бақо ҳадиқасиға йўл топқусидур. То бу жасад хокини фано бодиға совурмағунча ҳарифларға қачон еткали бўлғай. Ҳамманинг қароргоҳи дорул бақодур. Ва ҳамманинг қароргоҳи дашти фанодур. Мажалли фирорда қарор қилмоқ айни хатодур. Байт:

Ким сели фано гузаргоҳин хона қилур.
Оқил қилмас магарки девона қилур.

Бу муқаддима тартибидин матлуб ва бу маъқула тамҳидидин мақсаддур. Ҳоннинг рўзгори саодатосори ихтитомин таҳрирга келтурмакдур. Пўшида қолмағойким, ул маҳалики муҳиммоти мазкурани саранжом бериб, Ҳон ўзи Морийўлдин Ёркандга мутаважжих бўлди, фақир соя янглиғ бир манзилгача ирашиб бордим. Эрса ул манзилдин видо доғин инқитоъ жонига қўюб ёнур бўлдум. Ноумидлиқ ўтди. Умидворлиқ шуъласин кўнгил ичра урап эрди. Алқисса фақир Ҳондин жудо бўлиб тўрт кундин кейин озардасти мубораки бирла бир иноятнома футуб фақирга йиборган экан. Бу мазмундаки: «Сокори добонидин осонлиқ била ўттим. Табиатимга гумон қилғон янглиғ зарьф юзланмади. Алҳамдуиллоҳ сиҳат-саломат Нубрага нуузул қилдук. Ийди қурбон намозидин ёниб Ёрканд тарафига равон бўлғумиздур. Вассалом». Ул мактуби шарифга ўз табиий мубораки натойижидин бу туркий рубоийни сабт қилибдур.

Рубоий:

Аэм айла, сабо, гули хандонимга,
Не гулки қуёшдек маҳи тобонимга.
// Футкил иштиёқи манзил мандин,
Зинҳор дегил салом тукконимга.

225a

Ҳоннинг фақирга охирин мактуби ушбу эрдиким, бу мактубдин кейин ирсоли китобат қилмоққа қазо фурсат бермади. Билжумла Нубрада ийди аэҳони адo қилғондин кейин сўнгра тезу тунд равон бўлубдурлар. Чун Музрот давонидин ўтуб эканларки Ҳоннинг мизожи шарифига ул маконнинг ҳавои дўзах нишо-

ни самумидин заъф ориз бўлибдур. Ул ердин то тутақи йўқ ернинг ораси саккиз кунлуқ йўлтурур ва тутақи оғриғининг шарҳи Тибат аҳволотида мазқур бўлди. Бас умаролар иттифоқ қилибдурки бу иллат ориз бўлғонда хоҳ тез ва хоҳ охиста юрмак ҳар иккаласи хавфноктурур. Баҳар тариқеки бўлса йилдамроқ тутақи йўқ ерга етсак керак. Ул ерга етқунча шояд касал шиддатига табиат қуввати муқовамат қилғай. Агар тутақи бор ерда охиста юриб ҳаял бўлсақ хатарнок турур. Умароларнинг сардафтари Мирзо Али Тоғайдир. Бу навъи касал бўлғон подшоҳни отқа миндириб тўрт тарафдин йўллаб олиб юрибтурлар. Агарчи ул ерларда турмоқ ҳам хатари азимдур. Аммо муҳофаза қилмоқ лозим экан. Ҳосилки саккиз кунлик йўлни тўрт кунда босиб намози пешин бирла бир мавзөфаки ул ердин тутақи йўқ ерга уч фарсанглик қолиб эрди. Шул мавзега етиб эрдики, ажал пайки ҳам етти.

Етса ул вақт агарки бу таркиб,
Муталоши бўлур ҳама ажзо.
Қийлу қол анингда сиғмағуси,
Кимсага йўқ мажоли чуну чаро?

Бас бу воқеали ҳоилаи жонсўз зулҳижжанинг ўн олтиси куни тарихқа тўқкуз юз ўттуз тўқкуз (1533 йил 10 июл)да эрди. Бу воқеадин кейин айёми нофаржом ва палангута наҳангу хомати анжом ажаб шўбадалар зуҳурга келтурубдурки анинг зикри фот фурсатда мазқур бўлгусидур. Махфий қолмағайки Ҳоннинг нисбати шарифининг тафсили буки, Абулфатҳ Султон Саидхон Фозий ибн Султон Аҳмадхон ибн Султон Юнусхон ибн

2256 Султон Вайсхон // ибн Шералихон ибн Муҳаммадхон ибн Ҳизэр Ҳожахон, ибн Туглуқ Темурхон сақа оллоҳу асрорадум. Туглуқ Темурхондин то Ёфас ибн Нух алайҳиссаломғача нисбатнинг тартиби «Мажмаъут-таворихда» ва «Зафарнома»нинг муқаддимасида мазкурдур. Анинг тарихи аслда мазқур қилумиздур, иншооллоҳ. Ул жиҳатдин мунда такрор қилмадуқ. Билмак

керакки, Султон Сайдхон тарихқа саккиз юз түқсон иккода (1486—1487) Мўгулистанда таваллуд топиб эрди. Муборак отини бобоси Юнусхон қуюб эрди. То ўн тўрт ёшға киргунча Мўгулистанда отасининг қунафу ва ҳажар тарбиятида эрди. Чун Султон Аҳмадхон биродари бузруквори билан мулоқот бўлмоқ учун Тошкандга келди. Хонни ҳам ҳамроҳ олиб бориб эрди. Вақтеки, Шоҳибекхон била хонлар орасида Аҳсида жанг бўлди, хонларға шикаст етди. Ул жангда Султон Сайдхон захмнок бўлди. Аҳсининг ҳокими Шайх Боязиднинг қўлиға гирифтор бўлди. Шайх Боязиднинг Шоҳибекхон била ошнои жинсияти бор эрди. Юқори мазқур бўлиб эрди, эрса Хонни Боязид бир йил бандда сақлади. Келур йили Шоҳибекхон Шайх Боязиднинг иниси Танбални ўлтурди. Бас Фарғона вилоятини тасарруфига келтуруб Хонни банддан чиқориб ўзи бирла ҳамроҳ қилди. Ва Ҳисор ва Қундузни олғон сафарида ҳам Шоҳибекхон била ҳамроҳ эрди. Чун ул лашкаркашлиқдин ёниб, Хоразмга мутаважжих бўлдилар. Ул вақтда Хон ўн олти яшар эрди. Самарқанддин ўн етти киши била қочиб Мўгулистанға тоғоси Маҳмудхоннинг наздига борди. Охир Мўгулистандин бир жангда қочиб Андижонга келди. Андижонда Шоҳибекхон қўйган ҳоким Хонни ўлтурмак қасдида тутуб бандга тортди. Хон ондин ажраб қочиб, Кобулға аммизодаси Бобур подшоҳнинг наздига борди. Вақтеки Подшоҳ Мовароуннаҳрони мусаххар қилмоқ учун Ҳисорға мутаважжих бўлди. Хонни Андижонга йиборди, эрса хон Андижонға келди. Тоғам Хонға Андижонни таслим қилиб бериб, ўзи Хоннинг муловозаматин тутти. Вақтеки ўзбек истило тоғтилар, Хон

226а Андижонни ташлаб // Кошқарға келиб муҳораба айлаб, Кошқарни тасарруфига келтуруб йигирма уч йил бил истиқдол подшоҳлиқ қилди. Ва охири ҳолда холисан лиллоҳ разот ниятида Тибатта бориб тарихқа тўккuz юз ўттуз тўккuz (1533)да тутақ иллати бирла оламдин риҳлат қилди. Умри шарифи қирқ етти ёшқа етиб эрди. Ва або ан жадди пушт-пуштигача ҳанафий

мазхаб әрди. Авойили ҳолу авони шабобда арбоби малоҳи ва анвои маноҳийға тұла роғиб әрди. Аъмоли марзия ва афъоли ҳасанага камрак шурүр қилур әрди. Вакти умри үттүз етти жамиъ малоҳий ва тамомий маноҳийдин тавба қилиб, үзини Ҳазрати иршодфаноҳ маҳдуми Ҳожа Шаҳоб ул-милла ваддин муштахир ба Ҳожахованд салламаллоҳу таолонинг жанобларига еткуруб дохили тариқаи алайҳи бўлди. Ул амри шарифга ҳамиша машғуллуқ қилур әрди. Ва ҳамма авқотда сиёми явм ва қиёми лайлни тарқ қилмас әрди. Ва ҳамма мажлисда сулук сўзидин ўзга сўз камроқ мазкур бўлур әрди. Ва сулуки тасаввуф сўзи бафоят мутаассир бўлур әрди. Ва шаръи шариф ривожига ва адли адолатга ниҳояти саъиу қўшиш қилур әрди. Шариат ҳукмига амал қилмоқда ҳеч маҳал сухулат қилмас әрди. Аксари муомалоти дорул шаръийда файсал топар әрди. Ва уламога андозадин берун иззат қилур әрди. Ул мартабаки салотини аср бу навъ уламога беандоза иззат қилғонига эътиroz қилдилар. Ҳон жавоб бердики бир-бирига иззат қилмоқ баробарлик ва ҳамжинслиқнинг лозимасидур. Ва тоифаи уламо ўз зоти ҳисоби била камтарин муллаларимиз бирла баробар туур. Бас уларға қиладурғон иззатим ўзи учун эмас, балки илми учундур деб жавоб берур әрди. Ва сўфия солиҳларидин бир кишиники кўрса гўёки биродари ҳукмиди билур әрдики улардин ҳеч таҳоши ва такаллуф қилмас әрди. Ва хуш хулқлуқи ҳаммага ом ва яксон әрди. Агарчи тұла халқ салтанат мартабасун риоя қилур, аммо Ҳон андоғ хулқу лутғ қилур әрдики андин зиёдаси мутасаввир эмас әрди. Фақир йигирма тўрт йил

2266 Ҳоннинг хизматида бўлдим. Бу муддат ичиди Ҳоннинг // бир кишига фахш бирла сўз қилғонини эшитмадим. Агар бир гуноҳ бирла дашном қилмоқ лозим бўлса наҳс ё мурдор дер әрди. Мундин зиёда сўз оғзидин чиқмағон бўлрай.

ЮЗ САКСОН САККИЗИНЧИ ФАСЛ

ХОН ВАФОТ БЎЛГОНДИН КЕЙИН КОШҚАРДА ВУҚУГА КЕЛГАН ВОҚЕАЛАР БАЁНИДА

Билжумла Хон амонатин қобиз ул-арвоҳга топшурғондин кейин Мирзо Али Тоғайки шайх уш-шаётин эрди. Ва Ҳожа Шоҳ Муҳаммад девонки уммуш-шаётин эрди. Бу иккавлари йиллар эрдикни ҳасад рамидин кўзлари ичидаги нур янглиғ жой бериб эрдилар, бас иккавлан иттифоқ бирла Ёдгор мирзога, Мирзо Алининг домоди эрди, ани Оқсуга Рашид сultonнинг наэдига йибордилар. Ва бу арздош таҳорир қилдиги аз сар то по кизбларим онга Ҳоннинг васияти от қўйдилар. Мазмунни улки Ҳон назукжон вақтида эрдикни менинг Тибатга бориб газот қилмоқ гаразим йўқ эрди, Сайд Муҳаммад мирзо билан Мирзо Ҳайдар мени тўла саъиу далолатлар қилиб бу ахволга мубтало қилди. Агар фарзандим Абдурашид ул иккисини ўлтирмаса ман ҳаргиз рози бўлмайдурман. Сайд Муҳаммад мирзо бирла Мирзо Ҳайдарни қатл қиласа гўёки менинг қасосим бўладур. Ва мунинг узасига Сайд Муҳаммад мирзо била Мирзо Ҳайдарки бордур ўрлим Абдурашидга хонлиқ мусаллам бўлмағусидир. Бу навъ гуногун ёлғон сўзлар била тартиб берибдурларки неча йиллардин бери уларнинг кўнглида нақш топқон эрди. Ул аризани ирсол қилибдурлар. Бир кишини тоғам наэдига йиборибдурларки, Ҳонга бу навъ воқеа бўлди. Маслаҳат на туурор? Нечукки амримиэнни онгласақ ул навъ амал қилғоймиз деб неча ёлғон қисм бирлан муаккил қилибдур. Чун бу хабар тоғамга етибдур. Тўладин тўла изтироби бетоқатлик рўй бериб камолига етган маҳал эрди. Ҳонни жасади муборакини суръат била олиб келиб девонхонанинг ҳужрасида дағн қилибдурлар. Бу ҳол асносида тоғам Кошқардин етиб келиб, олиёт хонимлар ва аҳли ҳарамларға таъзият еткурубдур. Ва тоғам

ҳам умаройи ҳозирлардин аҳду паймон илтимос қилиб умароларнинг

227а ҳузурида аввал тоғам аҳд қилибдурки // биз ҳам некоҳдлик ва якжиҳатлик расмини илгарикидин неча маротаба зиёда зуҳурга келтургаймиз дебтурлар. Алалхусус Мирзо Али Тоғай хизматкорлиқда эътиқод ва якжиҳатлик даъвосин ғализ қисмлар бирла муаккад қилиб бу ишлардин хотиржам бўлғондин кейин Абдурашидхонни хон қўтармаклик ва таъзия еткурмакни кенгаш қилиб ани ҳам муқаррар қилибдур. Бас Рашид султоннинг қудуми нусратлузумига мунтазир турибдурлар, эрса зулҳижжа ойининг охирида (1533 йил июлнинг 20 дан кейин) Рашид султон етиб келган хабари англанибдур. Биз тоғам акобири уламо ва умароларни истиқболиға чиқариб азанинг қоида тартибларин мушаххас айлаб йиборилибдурки, ҳам ойининг оёғи, ҳам йилнинг оёғи чоршанба куни ташрифи қудум келтурганлари ҳуб эмасдур. Керакки бу кеча шаҳар тошида таваққуф қилғайлар. Тонгла пайшанба муҳаррам ойининг бири, ҳам тўқкуз юз қирқинчи йилнинг ибтидоси ниҳояти муборак кун турур ташрифи қудум келтургайлар (1533 йил июлнинг 23) дебтур. Бас умаролар истиқболиға борибдур. Тоғамнинг сўзини Рашид султонга арз қилибдур. Аммо Мирзо Али маҳфий Рашид султонга йиғлаб туриб арз қилибдурки ҳаққи намаки гарданимиэда тўла турур хоҳлайдурманки аҳдимни сўндириб ул аҳди паймонларки Саид Муҳаммад мирзо манга, умароларга берди, ани арзга еткургайман, токи вақтида бу фикрни қилғайлар. Ул арзим будурки, Саид Муҳаммад мирзо ҳаммамизга аҳд қилдурдики, Рашид султон келмаки ҳамон било таваққуф отасининг ёнида ётқузғаймиз ва хонлиқ тахтига Искандар султонни ўлтургузғаймиз деб бу машваратта муқаррар қилдик, деб бу навъ неча ёлғон сўзлар бирла Рашид султонни фирибта қилибдур. Ва муқаррар қилибдурларки Саид Муҳаммад мирзони мулоқот бўла замон сўз сўрмай ўлтурғайлар. Алқисса пайшанба куни муҳаррамнинг бири, тарихқа тўқкуз юз қирқинчи йилининг ибтидоси эрди, ас-сабоҳ Рашид султон отасининг марқади сори мутаваж-

жих бўлибдур. Аммо тагом либоси мотам кийиб Ҳон наввараллоҳу марқадаҳунинг ўрдасида ўлтуруб экан чун Рашид султон етиб

2276 келибдур. Бас тогам олдига чиқибдур во ҳасрато вовайло деб зор-зор // чун абри навбаҳорлар йиғлаб турубдур. Бас Рашид султоннинг кўзи тогамга тушмак ҳамон тутунглар деб буйрубдур, эрса ҳар тарафдин тутубдур. Ва мусулмонлик тифини ул мусулмоннинг гарданига сурибдур. Ва бошини танидин жудо қилибдур. Ва Али Сайдки юқори мазкур бўлиб эрди ани ҳам шаҳодатга еткурубдур. Чун бу икки бечора бегуноҳдарни шахид қилиб бўлибдурлар. Андин кейин Рашид султон отдин тушиб отасининг турбати узасига борибдур. Ондин фориғ бўлуб олиёт хонимлар наздига борибдур. Бу аҳвол асносида Мирзо Али Тоғайни Кошқарға йиборибдур. Тоғаларининг фарзандларики Ҳусайн Мансур мирзо ибн Сайд Мухаммад мирзо ва Мирзо Абобакрнинг ўғли Султон Мухаммад мирзо, Маҳмуд мирзо ҳар уч кишининг умри ҳануз йигирма ёшқа етмаб эрди ҳаммасини ўлтурибдур. Колғонларки тогамнинг аҳли аёллари эрди, уларга ниҳояти ихонат қилибдур. Тоғам Рашид султонга яхшиликлар қилиб эрди. Анинг муқобаласида қатли тарож била муомала қилибдур. Ва олам аҳли ичра расмедурки улуғлардин ҳар кимки вафот бўлса молларики покрофи ни анга ҳарж қилиб чаҳорпони ҳалолрокидинки бўғизлаб, хатм қилурлар. Яъни Рашид султон отасининг вафотида Али Сайдни ва тогамни фарзандлари билан қатл қилибдур.

Назм:

Золименинг отаси ўлмиш эди,
Килди хатмини хуни мардум ила.

Ҳазрати Мавлоно Шарафуддин Али Яэдий раҳматуллоҳи алайхи «Зафарнома»да Ҳалил мирзоки Амир Темурнинг набириларидин эрди. Амир Темурдин кейин Самарқанд тахтида бобосининг ўрнида ўлтуриб эрди. Анинг аҳволини шарҳ қилибдурлар. Бас бу Султон мирзонинг афъолини «Зафарнома»даги қис-

сасини мунда нақлан баён қилинодур. Ҳамонки Султон Ҳалил мирзодин кейин Рашид султондин бўлак яна ҳеч афроди инсоний мундоғ қабоҳат зулмни қилмағон бўлғай. Рашид Султоннинг афъолики ани шарҳ қилмоққа шарму хижолат монеъ бўлғусидур.

228а Ул жиҳатдин Султон Ҳалил Мирзонинг нақлини ба тариқайи // мисол бу китобга футулди. То оқиллар Рашид Султоннинг афъолини Султон Ҳалил мирzonинг нақли қиёсидин фаҳум эттайлар. Мавлоно Шарафуддин Али Яздийнинг Султон Ҳалил мирzonинг ул афъоли қабиҳасини зикрга келтурмақдин мақсадлари ул эрдики, кейинги аҳли давлатларга натижае бўлғай, то яхши ишға қадам қўймоққа рағбат қилгайлар, бу навъи ёмон афъолдин эҳтиёт ва ижтиnob эттайлар.

ЮЗ САКСОН ТЎҚКИЗИНЧИ ФАСЛ

РАШИДХОННИНГ УМАРОСИ МУҲАММАДИЙНИНГ ЗИКРИ

Муҳаммадий Али Миракнинг ўғли, улар Дарвеш Ҳусайн Барлоснинг ўғли. Вақтеки хон Фарғона вилоятида эри Рашид султон ўзбекнинг асиридин халос топиб, отасига улашди. Рашид султоннинг отабекликини Муҳаммадийнинг амакзодаси Фурий барлосга берди. Ондин Фурий барлос марги табиий бирла ўлди. Мунинг отабекликини Али Мирак барлосга берди. Неча йилдин кейин Али Мирак Тибатнинг газотида жангда кетди. Ондин Рашид султоннинг отабеклики Муҳаммадийфа қарор топди. Фот фурсатда Рашид султонни Мўғулистанга йибориб Мўғулистаннинг амирлиқини Мирзо Али Тоғайға берди ва қирғизнинг ишларини Муҳаммад қирғизға топширди. Бу ҳолда Муҳаммадий Рашид султоннинг мулоғиматида бўлди. Ва аммимнинг холаси Али Мирак барлоснинг ривожида аммим ва фақир банда саълар қилур эрдук. Аммо

бу саъйни Мирзо Али Тогай ва Али Мирак барлослар хуш кўрмас эрди. Ондин анинг ниятининг хубслиқидин ва ақидасининг нуқсонидин хабардор бўлдуқ. Аммим Мирзо Али Тогайга тўла озор бергали турди. Ва Мұхаммадий аммимнинг ҳимоятида бўлди. То Шоҳ Мұхаммад султонни ўлтургунча Мұхаммад султоннинг фарзандлари ва хонумонларининг қаттиқ қунлари Мұхаммадийнинг қасосида мазкур бўлдики, ани биз аммим бирла ул муҳлиқадин қутқазиб эрдук. Мұхаммадийни қутқузғон сабабдин уруғ-туққонлар орасида кудуратлар воқеъ бўлди. Рашид султон ҳаргиз бу маломат ишга қадам қўймади. Балки Мұхаммадий онча хубси ботинлиқ бирла Рашид султонни ҳар навъ ишега ишорат қилса, агарчи ул

327а ишда куфр бўлса ҳам // деганидин ўзга қилмас эрди. Мунинг мундоқ хубси ботинлиқ бирла Рашидхонга отабеги бўлмоқлигининг сабаби Рашид султоннинг волидасининг сабабидин эрди. Анинг учун бу ишға Мұхаммадийни таклиф қилди. Вагарна Хон ҳам мунга рози әмас эрдилар. Охири Мұхаммадийнинг иши тарож ва барож қилмоқлиққа етди. Рашидхоннинг ҳамшираси Бадиул Жамол хонимни Бовиш Султон ўзбек-қазоққа нисбат қилғон эрди. Бўйдош султонни ўзбек Шайбон шикаст берганда эътимод бирла Рашид султоннинг қошига келиб эрди, ани қўрқутуб, талоқ қилдируб Бадиул Жамол хонимни шумдоқ номуносиб бад асл Мұхаммадийга берди. Ҳамма умаролар бу ишни нолойиқ кўрдилар. Рашид султон куфрни риоя қилмай, ўз хонадонлариға иҳонат еткуэди. Рашид султонни Мұхаммадий ўз тасарруфиға олди. Бўлмаса Мұхаммадийда на кенгаш бўлгай, ва на ақл ва на шижоат бўлгай, балки юзи қаро, айтғон сўзи тамом ботил ва шум ёлғончи эрди. Бунинг борасидин Рашид султонга ҳеч ким эътиroz қилолмас эрди. Ушбу қунларда хабар бўлдики, Мұхаммадий ҳаётлиқдин видоъ қилди, деб. Агар ўлгани рост бўлса, йироқ әмаски Рашид султонға ўбданлиқнинг жилваси юз келтуриб, ўтган ёмон ишларидин огоҳ бўлгай ва пушаймон қилгай.

ЮЗ ТҮҚСОНИНЧИ ФАСЛ

**МУСАННИФИ КИТОБ УРСАНГГА БОРГОНИ
ВА БИРОДАРИМ АБДУЛЛО АНДА ВАФОТ
БЎЛГОНИНИНГ ВА УЛ ИШКИ УЛ ЛАШКАРДА
ВОҚЕЙ БЎЛИБДУР АНИНГ ЗИКРИ**

Вақтеки хон Ёрканд тахтига юз келтурди, фақир бандага рухсат бердик тўққуз юз ўттуз тўққузинчи йилида зулҳижжанинг ўни куни (24.06.1533) ийди азхони Морийудан ўтаб Урсангнинг бутхоналарини

3276 хароб қилғоли равон бўлдим. // Вақтеки йигирма уч кунда етдим, Тибат кофирларидин ҳеч киши йўқ. Магар баъзи қалъалар борки, сифаллари маҳкам. Ул қалъаларни олғон машаққатларига анинг ўлжа-моллари арзимас эрди. Искандар султон ва биродарим Абдулла мирзо аммимнинг ўғли Маҳмуд мирзоларни қўшда қўйиб, ўзим суръат бирла равон бўлдим. Охир Борёнг деган мавзега бориб, анда тўла ҳалқини топиб чопдуқ. Уч мингга яқин қўй лашкарларнинг қўлига тушди. Бунда от ва матоларни ҳам ўлжа қилиб олдуқ. Яйлоқда қўйғон Искандар султонлар ҳам орқамдин юриб етиб келди. Яна бир қалъага равон бўлдуқ. Ангача Ҳиндустоннинг роёнлариға илтижо қилиб, уч мингча ҳиндуни пиёда етказиб келди. Абдулло мирзо жавонмард эрди, ваҳшат қилмай уч минг кишига ўзини урди, буларни тутиб олдилар. Аммимнинг яна бир ўғли Маҳмуд мирзо биродарими ни ул ҳолда қўрди, бу ҳам ҳамла қилди. Ул ҳолда биродаримни пора-пора қилиб эрди. Андоқки ҳар парчаси бир кофирнинг қўлида эрди. Нечанд кун ул ерда тўхтаб турдим. Олғон ўлжаларимни юритиб, тўққуз юз лашкар бирла Урсангта юз келтурдум. Гибатнинг Морийидин то ул ерча икки ойлиқ йўл эрди. Бир ойлиқ ерни тай қилиб эрдимки, ул мавзеда бир қўл пайдо бўлди. Ул қўлнинг чураси қирқ

фарсахча бор. Анинг қошида бир қалъа бор эканки, ани Тўқвалбул дер экан. Ул ерда бир кеча турдум. Вақтеки субҳ бўлди, ҳамма отлар ўлибдур, магар озроқи яримжон турадурлар. Фақирнинг йигирма етти оти бор эрди, бир от ўз ҳоли бирла қолибдур. Бу ер дамгир ер экан, шунинг сабаби бирла ўлибдур. Саҳар у ердин равон бўлдуқ. Лашкарларнинг тұласи пиёда. Иккинчи куни Нимном деган ерга етдук. Нимномнинг халқи айттики, бу

328а ердин то Банголагача // йигирма тўрт кунлик йўлдур деб, йўлга солиб қўйди. Ондин юриб Истакбаракга чиқдуқ, неча минг қўй, неча юз қўтос қўлга туширдук. Ондин Урсанг саккиз кунлик йўл эрди. Лашкарларнинг оти ўлган учун ночор ёниб, олти кунда Бознимға келиб, кейин қолғон лашкарларга улашдук. Ондин Томлиқ деган ерга келдук. Ул ер Мориўлга йигирма кунлик йўл эрди. Тибатнинг вилоятларидин Кўканинг халқи келиб илтимос қилдики, биз ҳаммамиз жузяни қабул тутамиз, ўзлари келиб жузяни қарор қилсалар деб. Андин Кўкага равон бўлдуқ. Томлиқдин юриб, ярим кечада етдук. Улар лойиқ хиэмматларини бажо келтурди. Кўкада уч кун туриб, уларни уч минг мисқол олтинға қарор қилиб, ёниб келдук. Йўлда лашкарларға бўлон воеалар фот фурсатда шарҳ қилинур.

ЮЗ ТЎҚСОН БИРИНЧИ ФАСЛ

**ТИБАТДА ЎТГАН ВОҚЕАЛАРНИНГ
ҚАТТИҚЛИҚИНИНГ ВА АММАМНИНГ ЎҒЛИ
МАҲМУД МИРЗОНИНГ ВАФОТЛАРИНИНГ ЗИКРИ**

Вақтеки чархи вожгун ва фалаки буқаламун дуруялиқни оғоз қилса, навъ-навъ балолар юз келтиурки, анга ҳеч кишининг дахли йўқ ва ҳеч қўлда анингдин амал йўқ. Ул қаттиқ кунларнинг туфайлики, Ҳоннинг воқеаларидин кейин даст бериб эрди бар сабили ижмол лойиқ кўрунадурки, бу қаттиқ кунларнинг тафсилини мутолаа қилғучиларнинг назарига тушса тажовуз ўз ҳаддига

келгай. Вақтеки Рашид султон аммим ва ақрабо ва аёлларининг қатл ва озоридин саранжом топиб, Тибатга киши юбордики, нечанд нишон футубдур. Бирини биродари Искандар султон учун мазмуни улки Тибат вилоятини санго бердим. Мирзо Ҳайдар ва Маҳмуд мирзолар ҳам шунда турсун. Ҳар қайсисининг

3286 Тибатда бўлсанг, уларнинг хотин ва аҳду аёлларини қирғизға // сотсун! Ушбу ҳукм бирла вайрон бўлиб Ёркандга келгай деб. Вақтеки бу нишони баднишон етиб келганда ман банда Кўкаға бордим, ани зикр қилинди. Вақтеки бу воқеалар лашкарларга маълум бўлди, нишоннинг мазмунини фаҳм қилиб, баяқбора суръат бирла Ёрканд равон бўлди. Искандар султон ва аммимнинг ўғли Маҳмуд мирзунча халқлар бирла қочиб шунда қолдилар. Мен икки кундин кейин ул вайрон бўлғон ерга етдим. Искандар султон ва Маҳмуд мирзолар айттиларки, бу кеча бу ерда бўлсак керак, анинг учунки қочқонлардин баъзисиnochор кетдилар. Эҳтимоли борки, баъзиси яна келиб бизга қўшулғай. Фақирнинг юздин эйёда баҳодир ва қувватлик халқларидин Жон Аҳмад Атака ва Шоҳмуҳаммад бошлиғ етиб келдилар. Филжумла ёлғизлиқнинг ваҳшати тасалли топди. Яна бир соатдин Искандар султон ва Маҳмуд мирзоларнинг халқларидин элликча киши етиб келдилар. Ул ердин Морийўлға юз келтурдук. Зими斯顿нинг ибтидоси эрди, қирқча кишининг қўл ва фут ва қулоқ ва бурнини совуқ элтти. Ушбу уқубатлар бирла йигирма беш кунда Морийўлға етдук. Жуён ва Бошикун ва Волта ва Чуғдонки, бу ерларнинг оти неча ерда мазкур бўлди, бу ерларнинг халқи хизмати шоиста қилди. Бовужуди уларнинг борасида шиддатлар ва горатлар ва қатллари ўтиб эрди. Фақир булардин хабардор эрдим. Ул жафокорларнинг бадалида булар навъ-навъ хизматлар қилиб, маъзурутлар қилдиларки, тўрт юз йилнинг ота-боболаридин бошлаб сизлар подшоҳ бизлар раийат эрдук. Ва агар мамлакатнинг сабаби бирла бир тақсир бўлса адабга лойиқ қилиб эрдилар, бу раийатларнинг датьбидур, деб. Аммо Тибатнинг халқидин ҳар кишики ул замонда итоат ва хизмат

329а қилсалар // қўрқунчидин хизмат қилур эрди. Эмди бу замонада қилғон хизмати эътиқод юзидин бўлди. Андин Морйўлнинг дорулмулки Шийъга бордуқ. Булар ҳам пешкашлиқ қилдилар. Ул ерда лашкарлардин Маҳдум Ҳожа, Мавлоно Дарвешнинг ўғли Муҳаммад султон бошлиқ неча лашкарлар қолиб эрди, Тибатнинг тилини бағоят ўбдан билур эрди. Улар келиб қўшилди. Ондин Кашмирдин Ҳожи отлиқ бир киши келиб мулоэмнатни лоэзим тутди. Олтмиш нафардин эйёда киши жамъ бўлди. Аммо вайрон бўлғон лашкарлар кетиб эрдилар. Йўлда уларға ҳавонинг совуқлиқидин анча душворлиқ юз келтурдикি тўласининг улоқлари ҳалок бўлубдур. Юз элликга яқин киши муэлаб ўлибдур. Колғони яримжон бўлиб Ёркандга тушибдур. Бир мунча жамоа Морйўлдин ёниб ҳоли хароб бўлиб етиб келдилар. Аллаҳазо ўн беш мингча киши жамъ бўлдилар. Ўн мингга яқин қўй ҳосил бўлди. Жамияти тамом даст берди. Морйўлдин илгари Жон Аҳмад Атака ва Шоҳмуҳаммад қўкалдошни нечанд тухфалар бирла Рашид султон қошига йибордим.

Вақтеки эзимистон охирига етиб эрди. Рашид султон Жон Аҳмад Атака ва Муҳаммадшоҳ қўкалдошларға Ҳасан девонани қотиб узрлар қилиб йиборди, ул ишлареки ўтиб эрди. Хижолатдин бошини тубан солиб надоматлар қилиб яна Мавлоно Қудошни икки юз киши бирлан йиборди. Айтибдурки, ҳар кишики мулоэмлардин бу ерга келса, ҳеч монеъ бўлмагай деб. Нечанд тухфалар бирла йиборибдур. Бу хабарларни изҳор қилмоқ учун Болтиға ва Кашмирнинг ҳудудига юз келтурдум. Суруга деган Болтининг бир мавзеларидин эрди, ҳалойиқлари мол-амвол бирла

329б хизмат адо қилдилар. Ўзгалари ҳам молларини // ушбу ерда таъзимра олиб келди. Вақтеки рўзгорнинг тамомининг донасини ажалнинг домига қўйса, ҳеч зийрак қуш ул домдин қутулмоқи йўқ бўлур, рухсат олиб ёнди. Сурунинг халқи танг йўлға бориб, йигирма тўрт мўътабар киши бирла ўлтириди. Агарчи лашкар яна юзга яқин бўлсаму, иститоатнинг йўқлиқининг ва олатнинг озлиқидин интиқом мұяссар бўлмади. Андин

юриб Зангискор тарафига юз қўйдуқ. Зироатларини оладурғон вақт эрди, бизлар етиб бордуқ. Ул замонда Паскоб отлиқ бир киши қадимдин ушбу тарафда хизматлари бор эрди, ул етиб келиб, айттики, Қудошни үлтириб уларнинг халқини банд қилиб олғон халқларни қасос қилиб келсалар деди. Дарҳол яна Морйўлға равон бўлдуқ. Ул халқларнинг ҳаросидин бир кунлик ерда қўрқинч бор эрди. Аммимнинг ўғли Маҳмудни йибордим. Ул хатарнок ерга етиб кечаси ўзини отини яқин қўйиб туриб экан, бошиға дабтепгали турибдур. Отини ҳой дейиши ҳамон пешонасига бир тепиб экан, бошининг сўнгагига отнинг туёқи бир миқдори кириб кетибдур. Тонглasi мен келиб захмини қўриб давога машгул бўлдум. Бу ҳолни Паскобга айтиб эрдим, жавоб бердики агар уларнинг келмаки мушкул бўлса, нечанд кишиларни иборсалар Суруни олиб ул миқдорки мол ҳосил бўлса, ани мулоэзиматларига олиб келсак, бу хизмати лойиқдур, деди. Зангискорнинг ва Паскобнинг ватанининг оралиқи беш кунлик йўл эрди. Нур Али девонани ва Пуштани сардор қилиб, етмиш кишини уларга қотиб йибордим. Элчиларнинг тараддуди ва қарори то ушбу йўлга еткунчалик

330a // икки ой бўлди. Маҳмуд мирзонинг захми зиёда бўлди. Ночор Маҳмуд мирзони Морйўлға йибориб, ўзим Зангискорда тавакқуф қилиб турдимки, Маҳмуд мирзо Морйўлға саломат етгай деб. Маҳмуд мирзо оти тефган ерга тушиб қўниб, эртаси бошиға малҳам қўйғоли ётиб экан, ҳавонинг совуқи диморидин жой олиб, ғашён бўлиб йиқилибдур. Намози пешин вақти бирла манга хабар етди. Мен суръат бирла юз келтируб, ярим кечада етдим. Ман келганда беҳуд экан, эртаси ҳушига келди. Яна эртаси ҳар ранг сўзлагали турди. Иккинчи куни аҳробларнинг суҳбатидин фанонинг йўлиға равон бўлди. Ва Рашид султон мени ўз ўрнида кўрар эрди, охир зулмнинг тифи бирла аммимнинг ва авлодларининг қатли бирла жон-жигарини афгор қилди. Ҳануз анинг жароҳатлари ҳеч тариқа бирла футмаб эрди. Билмайманки, бу фалаки носозкор жафокорлиқни анга таълим бердимикин,

мунинг узасига Абдуллоҳнинг аламларининг дөфини қўйди. Ҳеч қўли узун йўқ эканки, анинг яқосига қўли етгай. Ва фарёдрасе йўқ эканки, анинг ситамини бартараф қилғай.

Рубоий:

Фигон, во ҳасрато, зулмунгдин, эй даврони кажрафтор,
На ул аҳли вафо бўлсун, на ул аҳлики бадкирдор.
На туз ҳаққини билмассен, на хизмат қадрин ҳам билмай,
Қилурсен сийнасин мажруҳ ҳамиша еткуриб озор.

Умрумнинг маъоди ўттуздин ўтиб қирққа етмаб эрди, бош чиқорғон вақтимда куну булуңларни манга ҳамхона қилди. Ушбу ҳолда ул лашкарларники Сурукиға йибориб эрдим, етиб келиб хабар бердики, Нур Али девона ҳамроҳлари иттифоқ қилишиб Мавлоно Қароторни тутиб

3306 Тогоннинг олдига олиб кетди, деб. Бу золимлар ул мусулмонни // ул кофиirlарға пешкашлик қилиб, ижоза тилаб Ёркандга кетдилар. Мавлоно Қараторни ул кофиirlар ягоч сихи бирла оғзиға қоқиб ўлтириди. Фақир Маҳмуднинг жанозасини Мориўлдин ота-боболарнинг хотирагоҳи Кошқарға йибордим, бу ишларнинг воқеаси ақраб фаслида Тибатнинг қаттиқ совуқ вақти эрди. Мориўлда анча душворлиқ бўлдики, анинг шарҳини зикр қилинди. Баҳорда отлар учун Тибатнинг саҳроси Қути Алаф деган ерга келиб харғур ва қутоси саҳроининг шикори бирла авқот ўтказиб ёниб келдим. Искандар султон Мориўлда қолиб эрди, ҳаммамиз жамъ бўлдуқ. Ва отлар семиз бўлди. Тўла ҳалқ фалокатликка қолиб, Ёркандга қочдилар. Ул жумладин эллик киши қолди. Жон Аҳмад Атакани бу икки йилдин илгари Урсанг лашкаридин ёнадурғон вақтида Рашид султоннинг олдига йибориб эрдим, мазкурдур, Ёркандин келди. Ва сўз олиб келдики сизларга лозимдурки Тибатда турманглар деб. Бу жиҳатдин та-ваққуф қилиб эрдук, агар ўз таврим бирла Ёркандга келсан, ўз аҳдидин ёниб, мени ҳалок қилур эрди. Зоҳирида дўстлуқ қилиб, эмди парокандаликка ҳукм қиладур.

ЮЗ ТҮҚСОН ИККИНЧИ ФАСЛ

МУАЛЛИФИ КИТОБ ТИБАТДИН БАДАХШОНГА ЮЗ КЕЛТУРҒОНИНИНГ ЗИКРИ

Вактеки етти юз эллик киши қолди, узгаси бир навъ бирла Ёркандга қочдилар ва ҳам мазкур бўлдики, Тибатнинг йўллари-нинг душворлиқи ва алафнинг камлиги қаттиқ кунларини тил бирла баён қилса табъи салим ани қабул қилмайдур. Ул жихатдин Тибатда дубора турмоқлиқни маҳол билинди. Ул суубатда кетмакликда бўлғай, анда турмоқлиқнинг ниҳоятини тасаввур қилвали бўлмайдур. Ва ҳар тарафларга кетсак, хоҳ Кошқар,

331а // хоҳ Турфон, хоҳ Хиндустон ҳаммаси айни муҳол. Аммо Бадахшонга бормоқлиқ ҳўб қўринди. Тибатдин то Бадахшонгача йўл борки, Кошқарға кирмай борғали бўладур. Аммо Ёркандга қочиб кетган халқлардин Жаҳоншоҳ деб бир киши бор эрди, шу киши ҳикоя қилдики, агар киши Мориўлдин Бадахшонға борур бўлса, шул йўл бирла борса осон борадур, деб. Мен банда кўрмаган йўлга кириб равон бўлдум. Яна эллик кишидин нечаси истеъоди йўқ Тибатда қолди. Ҳавонинг қаттиқ совуқ бўлғон ҳолатида йигирма етти киши бирла юриб Қорақурумға етиб эдик, тушган ер тамом музлаб қолди. Ҳар ерни кожқўл қилса, сув топилмайдур, отлар сувсиз ва алафсиз бадҳол бўлди. Нечаси ҳалок бўлди. Қаён борса, йўлнинг душворлиқидин бўлак иш йўқ. Охир мунга Искандар султон чидаёлмай айттики ҳар на қилса Рашид султоннинг олдига борай, агар биродарчилиқни раҳм-шафқатини қилиб соясини бошимға солса фаҳувал мурод. Агар андоқ бўлмай, ҳар на бўлсан шунда бўлғумдур деб эрди. Мен айттимки, сенинг биродарингдин ҳаргиз силаи раҳмни умид тутқали бўлмайдур.

Рубоий:

Дунё элининг меҳру вафоси бўлмас,
 Зоҳирдаву ботинда сафоси бўлмас,
 Мундоқ кишидин бирор тилар аҳду вафо,
 Файр аз ситаму жавру жафоси бўлмас.

Шумдоқ мақулалардин нечанд далил сўзлар айтдим. Охир йўлнинг суубатидин ва Тибатнинг фалокатидин жон лабга етди, nochor тўрт кишини ҳамроҳ қилиб ижозат бердим. Мен ҳам йиғирма икки киши бирла йўлга равон бўлдум. Отларнинг тақоси уфраб қолмади. Бир қўtos ўлтириб гўштини озуқ қилиб, терисида отларнинг футуни йўрқаб монгдуқ. Колрон ўзуқимиэму бир кунлукча арфа толқонимиз қолиб эрди. Олти

3316 кунда ободон // ерга етдук. Ул ерни Хонадори дер эканлар. Ул ернинг халқи олдимиэра чиқди. Ва хизматлар бажо келтирдилар. Йўлни сўраб эрдук, айттики бу ердин Помиргача беш кунлик йўлдур, деб. Ориқ бўлғон отларимизни олиб, ўрнига семиз отлар ростлаб бериб, зоди роҳила бирла жабдулатуб, йўлга солиб қўйди. Ондин йиглашиб айттики, шукрки тўрт юз йиллиқ подшоҳзодалардин сен қолибсен, биэларни ҳаммамиз сизнинг аҳли ва аёлингиzinинг садақаси бўлсин, деб маъзират қилди. Ҳар мавзега етсам ул мавзенинг халқи ҳамроҳ бўлишди. Охирул амр Помирга иззату оброй бирла етиб бордук. Ондин уларға рухсат бериб, Бадахшонга бордик. Мирзохоннинг ўғли Сулаймоншоҳ мирзо менинг холим эрди, ани неча ерда тамоми бирла зикр қилдуқ. Вақтеки Сулаймоншоҳ англаб истиқболимга чиқди, қўлидин келадурон тарбиятни қилди. Ҳар ҳолда Худога шукр бажо келтурдумки, ул муҳликалардин мундоқ амниятта етдим. Мундин илгари Бадахшоннинг кенти Бодожонга етиб келганимда Рашид сulton хизматга буйругон бир киши ул ерда рўбарў бўлди. Мен анга бир туркий шеър айтиб, Рашид сultonга йибордим.

Шеър:

Шарти аҳду вафову меҳрингни,
 Барчасини ажаб адам қилдинг.
 Мазҳабингда жафо карам эрмиш,
 Боракаллоҳ ажаб карам қилдинг.

Бу сўздин мақсад гина ва жафокор халқларнинг озори учун эрмас, балки мақсад ушбуки, ҳар жойда сўз ўтиб эрдики, сўзнинг зийнати учундир. Агар жафокорлиқдин шарҳ қилсан эрди, анга неча мусаввада лозим бўлур эрди. Ани қалам бирла шарҳ қилғали бўлмагай. Рашид сultonнинг аҳволини зикриму тарихи аслда келур. Иншоolloҳ анинг такрори хуш

332а келмайдур. Филжумла бу жоннинг // аросида фақирнинг аҳлияси Абдуррашид сultonнинг аммаси эрди, маслаҳат кўрсатдики, Искандар сultonни қошига йибордингиз, яна бири улки, ворат ва тарож қилмади, деб ушбу маслаҳат бирла аҳволи тангликда таълувқотлар бирла Бадаҳшонға келиб эрдук, Бадаҳшонда турфа фориғулбол авқот ўтди. Зимиstonни ўтказиб ондин Кобулға келдик. Хоннинг ҳарами Зайнаб сulton хонимнинг фарзандлари Иброҳим сulton ва Муҳсин сulton ва Муҳаммад Юсуф сultonларни ҳам ихроj қилиб Кобулға йиборган экан, бу жамоалар бирла кўруштук. Андин фақир банда Ҳиндустонға бордим. Вақтеки Лоҳурга етиб эрдим, Бобур подшоҳнинг ўғли Комрон мирзо Лоҳурда эрди, фақир тушган ерга истиқболимизга келди. Андоқ ҳурмат ва иззатта етдимки, навъ-навъ илтифотлар қилди, андоқки меҳнат ва аламнинг тўлалиқидин тортган заҳарлар илтифотнинг тарёки бирла шифо берди. Бу ҳолда Шоҳ Исмоилнинг авлодларидин бир киши келиб Қандаҳорни олди, деб хабар келди. Бу воқеанинг шарҳи андоқдурки, Шоҳ Исмоилнинг авлодларидин Сом мирзо деган ўғли акаси шоҳ Тахмоспдин қочиб, ўз жамоаларини бошлаб Сеистон худудига келди. Ул ердин Қандаҳорға юз келтуруб, Қандаҳорда Мавлоно Муҳаммаднинг ўғли Амир Ҳожа Калон бор эрди, Бобур подшоҳнинг қошида туриб, улуғ ишларни тутқон киши эрди, анинг яхши сифотлари бизнинг хонадонларнинг ичидаги тўладур. Андоқки, олти биродари бўлак-бўлак подшоҳнинг хизмати учун жангларда ўлди. Бу бир биродари Амир Ҳожа Калон қолиб эрди. Подшоҳнинг Ҳиндустонни олмоқлиқи ба тақдир илоҳий анинг саъий иждиходи бирла эрди. Анинг

3326 учун Қандаҳорни анга бериб эрдики, // Сом Мирзо ҳеч важҳ бирла Қандаҳорнинг қалъасини олмоқка мұяссар бўлмади. Саккиз ойдин кейин Комрон Мирзо Ҳиндустондин келиб Қандаҳорға саф тортиб борди. Амир Ҳожа Калоннинг шиҷоати бирла Комрон Мирзонинг қадами етканидин фатҳ Комрон Мирзо тарафига бўлди.

Ва Сом мирзо шикаст еб, Ироқға кетди. Ондин Комрон мирзо Лоҳурға келди. Фақир банда ул ҳолда Лоҳурда эрдим. Зимиstonни ўтказиб, баҳорда мени Амир Ҳожа Калоннинг муҳими учун Қандаҳорға буйруди. Анғача Шоҳ Тაҳмосп ҳам биродарининг интиқоми учун Қандаҳорға келган экан, Шоҳ Таҳмосп андоқ киши эрдики, ҳар вақтеки Ҳурносонға юз келтурса, Убайдуллохон ва ўзбеклар аниңг қасратидин қочмоққа иҳтиёр қиласди. Амир Ҳожа Калон Шоҳ Таҳмоспнинг қувватидин қалъани сақлаёлмади. Ўтган йили қалъани сақлағонда жангнинг асбоби зое бўлиб эрди. Умид йўқки, Комрон мирзо келиб, Шоҳ Таҳмоспнинг қулидин қутқорғай. Ушбу жиҳатдин Қандаҳорни ташлаб, Уча деган ерга келди. Ондин Лоҳурға келди. Вақтеки бу хабар Комрон мирзоға етди, Қандаҳорнинг тарафига юз келтурди. Ҳиндустоннинг ҳудудини ва асҳоби девон ва арбоби амални фақир бандага топшириб, ўзи Қандаҳорға юриб кетди. Ул ҳолда Таҳмосп Қандаҳорни тасарруғифа олиб, муваккиларини Қандаҳорда қўйиб, ўзи Ироқға кетди. Бу сафарнинг муддати бир йил бўлди. Фақир банда забти мамлакатнинг ишларини камо янбаги зуҳуриға келтурдим. Вақтеки Комрон мирзо Қандаҳордин ёниб, ўз дорул мулки Лоҳурға келди, фақир банданинг мулоғимлари ўн беш лак эрди, эллик лакра муқаррар бўлди. Мехроғончилиқни зиёда қилмоқлиқ бирла ҳалойиқнинг аросида мумтоз бўлдум. Ҳиндустоннинг бир лаки шоҳрухийнинг йигирма минги бўладур. Шоҳрухий деб ройиж ул-вақт, бир мисқол кумушдур.

ЮЗ ТҮҚСОН УЧИНЧИ ФАСЛ

333а

БОБУР ПОДШОҲНИНГ ЎҒЛИ // ҲУМОЮН ПОДШОҲНИНГ ВОҶЕАЛАРИ ВА АНИНГ ИШИ ҲАЛАЛИНИНГ ЗИКРИ

Ҳумоюн подшоҳ Бобур подшоҳнинг фарзандларининг улуроқи эрди. Фақир банда фитратнинг баландлигида ва мизожининг хўбликода анга ўхшаш киши кўрмадим. Ва анинг зоти балки сифоти навъ-навъ фазллар бирла вобаста эрди. Ва жангнинг истиқоматида тоққа ўхшаш, базмнинг латифаларида дурбор, сўзлари дарёға ўхшаш эрди. Ва анинг соф кўнгли жавоҳирларнинг кони ва саховатда базлнинг булоқи эрди. Вақтеки мулоғимларнинг жумласидин муқаддам ва улугроқи Мавлоно Муҳаммад Парғарий мухолифат қилди, ҳалойиқлар айтурлар эрдики, Ҳумоюн подшоҳнинг подшоҳлики ва азамату шавқати мундин илгари анча бор эрдики ҳеч қолмади деб. Ул куниги жанг кунларида тамом мамлакатнинг ишларини манга топшириб эрди, ўн етти минг шогирдлешани тафсил қилиб эрдим, ўзга тажаммулотни мунингдин қиёс қилинадур. Бу воҷеанинг мужмали улки, аввалқи маротаба Комрон мирзо Қондаҳорға бориб, ондин келиб Гужоротға бориб, носозкорлиқнинг жиҳатидин Гужоротни қўйиб ёниб келиб эрди. Бу ҳолда подшоҳнинг камоли давлатининг вақти эрди. Вақтеки подшоҳнинг давлати ва ҳайбату салобати ҳалойиқнинг дилларидин камрак бўлди, ондин кейин Банголага юз келтурди. Банголани олиб, анда узоқ турди. Кичик биродари Ҳиндол мирзо Аграда эрди. Ул ҳолда Шерхон Руҳистоннинг ҳудудларидин Аграға юз келтурди. Икковлан Шайх Баҳдни тутиб ўлтириди. Ҳутбани ўз отига ўқитиб, салтанатнинг таблинни сўқди. Вақтеки бу хабар Банголага етди, подшоҳ Банголани Иброҳимнинг ўғли Бекчикра топшириб, беш юз киши бирла

333б Аграга юз келтурди. Вақтеки Ҳиндол мирзо хутбани ўз (отифа) // ўқитди, аммо подшоҳнинг халқи шаҳарнинг атрофларини қўрадурки, ҳеч киши итоат қилмабдур. Ҳиндол Мирзога ул иш давлатининг заволига сабаб бўлди. Шерхонни Аграда қўйиб, Ҳумоюн подшоҳнинг мулкларини мусаххар қилмоққа юз келтурди. Аввал Ҳиндустоннинг мўътабар вилояти Дехлига келди. Дехлининг ҳокими подшоҳнинг умароларидин эрди, Дехлини бермадилар. Икки тараф жанги саҳт қилди. Ҳиндол мирзо мунга машғул эрди. Ангача Ҳумоюн подшоҳ Жусава Фоякға етди. Шерхон вақтни ғанимат санаб подшоҳнинг йўлини тўсди. Подшоҳнинг отлари Банголада зое бўлиб, лашкарлари қувватдин қолиб эрди, подшоҳ уч ой Шерхоннинг муқобаласида турди. Бу хабарни Комрон мирзо англаб, лашкар тортиб Ҳиндол мирзонинг тепасига келди. Ондин Ҳиндол мирзо қочди. Комрон мирzonинг келганидин халойикқа филжумла қувват ҳосил бўлди. Ондин аҳли тажрибалар Жчавса тарафига бориб, подшоҳга қўмак бўлмоқлиққа сайъ қилди. Аммо ноқис алаклар Жчавсага бориб подшоҳнинг халослиқини ва душманни йўқ этмакликни хоҳиш қилмоқ гирифторлиқнинг лозимасидур, деб унамади. Комрон мирзо бетажриба гўдаклигидин буларнинг сўзини маъқул кўрди. Яна аҳли тажрибалар айттики, бу бормоқлиқда лашкарнинг асбоб ва олатларини оз бўлса, ҳар киши ўз уйига ёниб асбобларини камо янбари муҳайё қилсун, агар Шерхон Ҳумоюн подшоҳга шикаст берса бизлар тайёр, ва агар подшоҳ Шерхонни йўқ этса, фахувал мурод, дедилар. Комрон мирзо мунга ҳам рози бўлмади. Охир айттиларки, агар Шерхон подшоҳни йўқ этса, бизларга ранж етар деб эрди. Ночор Аграга борди, бир ойдин тўлароқ Аграда туриб эрдики, подшоҳ Шерхондин шикаст еб етиб келдилар.

334а // Биродарлари бирла бир жойда бўлдилар. Бу воқеа сафар ойида тарихқа тўқкуз юз қирқ олти(1539 йил июнь-июль)-да эрди.

ЮЗ ТҮҚСОН ТҮРТИНЧИ ФАСЛ

ГАНГНИНГ ЖАНГ ВОҚЕАЛАРИДАГИ СЎЗЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Вақтеки Ҳумоюн подшоҳ ҳамма биродарлари бирла жамъ бўлиб, жангнинг маслаҳатида кенгаш қилишдилар. Маслаҳатлари тўла узоққа тортди. Муқаддамлар андоқ айтибдурларки, вақтеки рўзгор тийра бўлса, ақл хира бўлур, деб. Ондин Комрон мирзо ёнмоқлиқ орзусида бўлди. Подшоҳ ани мабзул тутиб ёндуорди. Етти ойдин кейин Шерхон Гангга жангнинг даъвосига келди. Комрон мирзоға йўлда неча касал ориз бўлди. Ҳиндустоннинг ҳавоси хуни фосидани лозим тутди. Иштиҳоси баста бўлди. Таом сингмай бавосири варам пайдо бўлди. Вақтеки бу касалнинг муддати икки-уч ойға тортди. Иккала қўли ва фути ҳаракатдин қолди. Мир Абул Бақо деган табиб киши эрди, даво қилди. Доруси андак манфаат қилиб эрди айттики Комрон мирзо Лоҳурға ёнғай деб. Касали яна қаттиқ бўлиб Лоҳурға ёнмоқға монеъ бўлди. Ҳумоюн мирзо чандон муболагалар қўрсаттики, кўмак бўлғали лашкар юборсун деб. Комрон мирзо унамади. Бу ҳолда Шерхон Гангнинг суйини канорасига келди ва лашкарлари суйдин ўтди. Шерхоннинг ўғли Қутбхон Атова ва Копли тарафига келди. Колпининг бир парча вилоятини Комрон мирзоға бериб эрдилар, Комрон мирзо ул вилоятга ўз жонибидин Искандар сultonни, Ёдгор мирзоки, Султон Носир мирзонинг ўғли эрди, ани лашкарға сардор қилиб йиборди. Бу уч киши Қутбхоннинг муқобаласига борди. Жанг қилиб Қутбхонни ўлтурди. Ҳумоюн подшоҳ Агадин Шерхоннинг

3346 мужодаласи учун Ганг тарафига равон бўлди. // Ва фақир бандани ўз мамлакатларининг ишларида қўйиб, айттики,

вақтеки сиз Кошқардин фалакнинг носозлиқидин, хизматини қилғон халқлардин озор еб, менинг қошимға келдингиз, курдингизки, улар на ишлар қилди, мен қаробатлик жиҳатидин биродарлардек тутдим. Ва менинг олдимда халойиқларга мухтарам бўлдинг, мамлакатларнинг ишини ўбдан забт қилинг деб топшириди.

Ва дигар улки, вақтеки судин ўтдилар, икки тарафдин хандақларни тортдиларки, ҳар куни ўз ҳавоси бирла жанг қилғайлар. Ушбу ҳолатда борон ёғди. Ул маҳал лашкарлар чодир тикадурғон ерлар сув бўлди*.

3376 Ул мавзедин // кўчмаклик лозим келди. Лашкарнинг ҳаммасини селобнинг мавжи музтараблиқда саргардон қилди. Керакки мухолифларнинг муқобаласида селоб селон қилмайдурғон ер бўлса, анда тушмак лозим деб арз қилдилар. Фақир банда айттимки, мухолифларни азмуда қилмоқлиқнинг бўгасида имтиҳон қилалики, биз кўчадурғон вақтда ул мухолифлар танг келамдур ё келмамдур. Агар тақобил келса, лашкар кўчадурғон вақтда лашкарларнинг сафига тартиб бериб, ниҳояти забт қилиб илгари юборали. Агар улар хандақдин чиқиб, олдимиэга келса, жанг қилоли, ҳаммадин бу иш лойиқроқ кўринадур. Биз ўзимизни рост қилоли. Асбобу олатларимиз мухолифларнинг муқобаласида турғай. Шерхон беш минг туфангчисини аробаларнинг аросида мұқаррар қилди. Агар улар келиб, ўзини бизга урсалар, бизларму жанг қилурмиз. Мунингдин ўбдан иш йўқдур. Ва агар улар хандақдин чиқиб келмаса, биз то нисфи шабгача саф тортиб туроли. Ангача келмаса, маълум бўладики, улар келмайдур, ул куни ёниб тушгаймиз. Тонгласи яна шул тариқалик лашкарнинг сафини тартиб берали! Мухолифлар сафнинг орқасида бир ерга тушса, бизларму орқасидин ул манзилга бориб тушалики, ушбу маъқул кўринадур, деб айтдим. Лашкарлар ҳаммаси бу сўёни маъқул кўрдилар. Ашур ойида ул

* Р-10191 — қўлёзманинг 335а 337а варажларидағи маълумотлар тақрори бўлгани учун қисқартирилди.

зикр қилинғон тариқалиқ сувора бўлиб, саф тортилар. Жамиъ лашкарлар равон бўлдилар. Ул ишлариники мазкур бўлғон тариқада қазон ва тўғангчиларни арова турғизди. Ҳар қайсиси қазон, асбоб, олот ва

338а тўғангчиларнинг // сардори Муҳаммадхон Румийнинг таалуқларидин эрди, Муҳаммадхон Румийнинг ўғли Устод Алиқули ва Устод Аҳмад Румий ва Ҳасан, булар тўғангчиларнинг сардорларидин эрди. Ҳар киши ўз ишига машғул бўлдилар. Мундин ўзгаму отини зикр қилмоғон умаролари ҳам бор эрди. Аммо, факир бандани подшоҳзода ўзининг чап тарафига муқаррар қилдилар. Яна фақирнинг сўл тарафидин тўрт юз илғоб олғон баҳодирлар бор эрди. Ҳаммалари жангнинг маъракаларини азмуда қилғон ва жадал қунларини ўтказган, ҳаммаси түғичноқсавор жеба ва дубулға кийиб, жанг силоҳини ҳамроҳ қилғон. Мунинг ичида йигирма етти амалдорлар бор эрди. Ўзга тарафларни ҳам шумдоқ қиёс қилмоқ лозим. Ондин Шерхон ҳам тўғтўғ лашкарлар бирла чиқиб келдилар. Ҳеч улур умароларедин ўйқки, туг тутмогон бўлграй. Шерхоннинг лашкари беш тўғ эрди. Ҳар тўфи уч минг кишидин зиёдароқ, факир Шерхоннинг лашкарини ўн беш минг қиёс қилдим. Аммо Чигатойнинг лашкарини қирқ минг киши чоғладим. Ҳаммаси тўғичноқсавор ва зарринпўш, дарё мавж ургондек етиб келдилар. Вақтеки бу Шерхоннинг лашкари хандақдин чиқиб келди, илғонғон икки тўғ лашкар хандақнинг олдида турди. Колғон уч тўп лашкар ҳам юз келтурди. Лашкарларни ҳаракатга келтириб аввалки кенгаш қилғон ерга равон бўлдиқ. Вақтеки ул ерга етдик, ул ерда турмоқлиқ лозим эрди, мұяссар бўлмади. Аниң учунки, хоҳ амирзода бўлсин, хоҳ раийат ҳаммаси Чигатой лашкарининг гуломидек бўлиб

338б кетдилар. Андоқки, умаролиқ // сифатидин ўтдилар. Алқисса ул ерда турғоли бўлмай, гуломларнинг орқасидин сурдиларки, лашкарларнинг қошига олиб келдилар. Ани мунга, буни анга урдилар. Ҳар кишининг баробарида занжир қўйуб эрдилар. Беихтиёр занжиродин чиқиб кетдилар. Тартиб берган саф вайрон бўлиб, лашкарнинг аҳволи бу тариқалик бўлди. Аммо Шерхоннинг ўнг тарафи

даги уч түп лашкар етиб келди. Улар үк отишидин илгари ери бүрөн супургандек сурдилар. Андоқки, илронрон сафларини саф қошира еткизиб қўйди. Умароларининг тобеъ халки ҳам баякбораги қочдилар. Баъзилари аробаларидин ўтиб кетди ва баъзилари аробаларидин оллида қолди. Саф барҳам еди. Умаро халқидин, халқ умароларидин жудо бўлди. Бу ҳолни аросида ўнг тарафдаги лашкарлари қочди. Булар ҳам сафга борди. Ҳануз душманга үк отмай пароканда бўлдилар. Баякбораги лашкарга шикастлик тутиди. Чигатойнинг лашкари анча мусаллаҳ эрдики, навкарларидин бўлак қирқ мингча чорлаб эрдим, ўн кишидин ўзгаси қочди. Андоқ жанг бўлдики, Шерхон дўстдин ё душмандин захм емай эафар топди ва Чигатойга шикастлик етди. Вақтеки Чигатойга шикастлик етиб андоқки қочмоқликка юз келтурди, саф тортюон ердин то дарёйи Гангтacha бир фарсах эрди, шул ергача қочдилар. Умаро ва баҳодирларининг бирлари захм емай ва асбоб, олотларини ташламай дарёning лабига бордилар. Чигатой отини эгар тўқими бирла ва жебалари бирла ўзини дарёга ташлади. Дарёning тўғраси беш үк отими бор эрди, улуғ умаролари ва номдор баҳодирлари тамоми дарёда фарқ бўлди. Мундоқ номардлик қилдилар ва ҳар кишики кетди-кетдилар ва ҳар кишики қолди-қолдилар. Вақтеки сувдин ўтдук, шаҳзоданинг корхонасида

339а ўн // етти минг киши хизматида бор эрди. Куннинг нисфида барбод кетди. Агар булардин бир киши отланса, ўн киши отланур эрди. Фақир банданинг мулоғимларидин ўн минг^{*} киши бор эрди, сувдин саломат ўтдук. Қолғон лашкарларининг ҳаммасини шумдоқ қиёс қилмоқ лозим. Чигатойнинг лашкарлари ғаму андуҳ, хотири малол бирла Лоҳурға кетдилар.

Байт:

Агар сен истасанг Ҳақдин мулуки жовидон бокий,
Худо амрини маҳкам тутки, ондин ўзгаси фоний.
Худонинг амрини тутсангки, шаҳсен икки оламда,
Бўлурсен рўзи маҳшардаки ҳавзи узра сен соқий.
Даги қилсонг набийға пайравийлик бермайин қўлдин,
Ки сен андор шаҳесенким ҳама шаҳлар шаҳаншоҳи.

* Р-1430, С. 0759 рақамли қўлёзмаларда «минг» ёзилган.

ЮЗ ТҮҚСОН БЕШИНЧИ ФАСЛ

**ЧИҒАТОЙНИНГ ҲИНДУСТОНДИН
ЛОҲУРҒА ҚОЧМОҚЛИГИНИНГ ЗИКРИ**

Парихқа түккүз юз қирқ етти рабиул аввал ойи (1540 йил июль)да ҳама подшоҳлари ва умаролари ва сипоҳлари жамъ бўлдилар. Бовужуди Комрон подшоҳ шунча лашқарнинг тӯлалиқи бирла яна кетмакликда ва турмоқликда танг бўлиб, ҳар қайси бир тариқалик макр ва ножинс фикрларни сурат боғлаб тараддуdda қолди. Бу жумладин Муҳаммад мирзо деган ўз тобелари бирла илгари қочиб эрди. Муҳаммад мирзо ҳеч ерда тўхтаб туролмай, расвониқ бирла Лоҳурға келиб, канораларда бўлди. Комрон мирзо ушбу фикрни қилдики, на тариқалик ҳийла ва тадбир қилса бўлур экин деб. Ўзи танҳо Кобулға борди. Ҳумоён подшоҳ неча вақт иттифоқнинг фикрида бўлди. Аммо ул иш вуқуъга келмади. Охири ноумид бўлиб, охиратнинг фикрини қилмоқликка ўltтурди. Асли оқиллик охиратнинг ишларини қилмоқдур. Ушбу ҳолда гоҳи жамиятини йигиб,

3396 улуғ орифларни гувоҳ қиласур. // Гоҳе иттифоқ бўлмоқлиқни хоҳлайдурки, улуғлар жамъ бўлғай ва бу бобда ўбдан фикр қилғайлар ва хато бўлмағай ва акобирлар англағай. Ондин ул иттифоқдин ҳеч ким чиқмағай деб. Ул Ҳазрати Маҳдумимзода ва сарҳайли хонзода, ал-олам бил-фурӯъ вал-усул, ҳодиул манқул вал-маъқул, иршодпаноҳ, вилоят дасттоҳ, қиблат ул соликин ва қудватул муҳаккиқин зайнул атқиё ва қутбул авлиё саййиди сиддиқ ва форуқий, шаҳобул милла ва д-дин, маҳмуд ал-муштаҳир Ҳожа Хованд толи Оллоҳу зиллу иршодиҳи. Ул Ҳожа Ховандинг камтарин биродарларики, муршид ас-салотин ва мұнтақид ал-хавоқин Ҳожа Абдулҳоҳ ва бандаги бор эрдилар. Бу кунларда рубъи маскунда ул Ҳожа Хованд маҳдум ва мавлавиятлик мағху-

мида жамъи аҳли олимларни хожаси эрдилар. Ва яна ўзга улуғлардин ҳам жамъ бўлдилар. Ва салотин ва умаролареки бор эрди, ҳаммаси жамъ бўлдилар. Андин иттифоқфа туриб хатти васиқа қилдилар. Ул хатти васиқанинг канорасида гувоҳларни исбот қилиб, ондин кейин муҳим ишларни иттифоқ ва қенгаш қилмоқни ораға солдилар. Ул подшоҳзода банда тарафига ишорат қилдилар, на тариқалик маслаҳат хотирға келса, ораға солмоқ лозим деб. Фақир бандага арз қилдимки, вақтеки Султон Ҳусайн мирзо Ҳурросон шаҳрига тушдилар, Султон Ҳусайн мирзонинг ўгуллари, якжиҳат бўлмағон жиҳатидин Ҳурросонни Шоҳибекхонға берди. То ушбу вақтгача халойиқ таъна этадурлар. Бовужуди бу ғаму андуҳ бирла васл бўлмоқни талаб қилибдурлар, андоқки Бадиуззамондин ўзгаси бир йилнинг ичидаги Румга кетибдурлар, ҳеч қайсидин Ҳурросонда

340а қолмабдур. Бобур подшоҳ неча кенгравлик бирла // Ҳиндустонда анча машаққатлар тортибдурки, неча маротаба жанги саҳт қилибдур. Анга ўҳшаш ўзлариму Ҳиндустонни Шерхонға қўйиб берамдурлар. Ё жанг қиломдурлар. Мулоҳаза қилсунларки, Ҳиндустондин то Ҳурросонгача на тариқалиқ тафовутлар бордур. Шерхондин то Шоҳибекхонғача қанча тафриқалар бўлибдур. Халойиқнинг ғарази қайси ишни хоҳлайдур, эмди ихтиёр бирла ўзларида бу бобда ниҳояти тасаввур қилмоқ лозимки, файратнинг яқосидин ҳимматнинг бошини чиқарсунлар, токи халойиқнинг аросида бош кўтармак ҳосил бўлграй. Бу ишни мушкул ва душвор бўлмоқлиқи суҳулатлик қилрондин ва якжиҳат бўлмағондин бўлди. Эмди машаққат тортмағунча мақсадро еткали бўлмас. Ул нимарсаки менинг хотирамға етди, борисини айттимки, иш мушкул бўлди. Аммо маслаҳатнинг ўбдони ушбуки, иш душворлиқиға уйрулмасдин илгари қилмоқ. Агар бу душворликка сабр қилсалар мундинму зиёдароқ душвор бўлур. Шерхон Лоҳурға келгали тўрт ой бўлибдур. Ҳар киши ўз қучу қувватига лойик бир ишни қўлиға олмоқ лозим. Фақир бандага амр қилсалар Кашмирни икки ойда халос қилмоқлиқка ўҳда олай деб, бу сўзларни

Комрон мирзога баён қилиб эрдим, ҳар киши ўзига бир ишни қарор қилиб, уҳда кўтариб олди. Фақир банда Кашмирға равон бўлдим. Бу хабар Кашмирға етиб келди. Қенгашни мунга қарор қилдуқки, Кашмирға бориб шаҳарға бормай тор доманасини маҳкам қиласи. Анинг учунки, Шерхоннинг асбоб-олоти жанг яроғи ва юки аробададур, аробани торға олиб келмайдур. Асбоб-олотиз

340б жанг қилолмас. // Шерхоннинг лашкари тұла бўлғон бирла ақлнинг йўқлигидин вайрон бўлур, дедим. Комрон мирзо айттики, ҳар сўэзи, сиз дерсиз, аммо манга мушкул кўринадур деди. Фақир банда айттимки, агарча иш мушкулдур, осон ишлар кетиб, мушкул ишлар қолди. Агар бу ишдин осонроқ иш бўлса, ани ароға солмоқ лозим деб. Комрон мирзо айттики, ҳоло икки юз минг уйлукра яқин киши бордур, агар бу маслаҳатга қадам қўйсан, агар бу иш вуқуъга келса, хўб ва агар вуқуъга келмаса, эҳтимоли борки, бу жамиълар халок бўлур. Яхшироқи улки, подшоҳзодалар ва Мирзодалар холи бўлғай, хоҳ тонга хоҳ Кашмирға борсун, мен аҳли аёлларни олиб Кобулға еткурсам, буларни анда қўйиб яна сизларга қўшилсам деди. Ҳаммалари бу раъйга ҳайрон бўлиб қолиб айттики, бу замон ҳаммамиз ўлтуриб иттифоқликка қасам қилғон, бу нима сўздурки, нечук аҳли аёлларни Кобулға еткурмак бўлсин. Подшоҳзода ва умарозодалар тамом холи бўлса, Лоҳурдин Кобулға борғунча неча дарё ва неча қароқчилар ва төвлар бўлса, бу иш маҳолдур, дедилар. Бу бобда неча гуфту гў бўлди. Комрон мирзо мутлақ бу сўздин асло ёнмади. Яна иттифоқнинг аҳли ихтилофра табдил топди. Жамъиятлар пароканда бўлдилар. Ондин Шерхон Султон Пурнинг суйининг канорасига келди. Ҳар киши ўз жойига қарор олди. Комрон мирзо яна маслаҳат солдики, муни нечук қилғаймиз деб. Фақир банда яна айттики, ҳали муҳим бўладур, илгариғи маслаҳатни қабул тутиб, фақир бандани Кашмирға буйрусалар, банда мен зоминки албатта Кашмирни фатҳ қилғаймен, иншооллоҳ. Ондин Комрон мирзо бу сўзга унаб бақадри ҳол мадад бериб манго ижозат

341а берди. Фақир тўрт юз // киши бирла Кашмирға юз келтурдум.

ЮЗ ТҮҚСОН ОЛТИНЧИ ФАСЛ

**МУСАННИФИ КИТОБ КАШМИРГА
БОРМОҚЛИҚИННИНГ САБАБИННИНГ ЗИКРИ**

Иуқори зикр қилиндики, Кашмирнинг подшоҳлари умароларнинг қўлида ожиз бўлдилар. Ҳар киши ўз қўнгли нимаки хоҳиш қилса, шуни қилди. Шул кунларда Комрон мирзо Шоҳ Исмоилнинг ўғли бирла жанг қилмоқ учун Қандаҳорга борони мазкур бўлди. Тоинки Кашмирнинг подшоҳлари муҳолифат қилди. Кожижак Абдол Мокри Кашмирдин бир хат йиборибдурки, ул хатни Кўхпояи Хиндуда манга етказиб бериб илтижо келди. Тибатнинг воқеасида зикр қилинғон Ҳожи ародада василага турди. Фақир банда Кашмирнинг борасида тақрор бирла ва балки муబолага бирла Комрон мирзога саъйлар кўрсатиб эрдимки, Дехли тарафига юз келтирган вақтида Агра мавзейдин лашкар тартиб берган Бобо Жужак отлиқ кишини Кашмирнинг лашкарига сардор қилғон экан. Ҳожи Аградин Бобо Жужак бирла ҳамроҳ бўлиб Кашмир лашкарини борасидин Лоҳурға келиб эрди. Бобо Жужак ақлсизлиқдин ва қобилиятнинг камлигидин бу муҳимнинг узасида туролмай, лашкарлар ўз ҳолига дармонда бўлдилар. Бобо Жужак Кашмир лашкари бирла бормоқлиқдин халос бўлди. Ул вақтда тўла одамлар Лоҳурға жамъ бўлғон эрди. Ҳожи фақир бандани ва Абдол Мокрининг аросида неча маротаба бу муҳим учун Лоҳурға келиб эрди. Уларнинг сўзларини қўнгил хоҳиш қилғондек қарор қилдим. Фақир банда бу жиҳатдин бу борада муబолагалар қилиб эрдимки, шоядки Кашмирни олғаймен деб. Мокри Кашмир йиборган хатни Комрон мирзога кўрсатдим. Бо мужарр radi ушбу бормоқлиғим бирла Кашмирни осонгина фатҳ қилдим.

ЮЗ ТҮҚСОН ЕТТИНЧИ ФАСЛ

3416

ЧИГАТОЙ ҲИНДГА КЕЛГАНДИН КЕЙИН ҲИНДДАГИ АҲВОЛИНИНГ ЗИКРИ

Фақир банда Комрон мирзоға шундоқ қарор бериб эрдимки, аввалан мен кишидин кам бўлмағаймен то Кашмирнинг подшоҳлари манга тааллуқ бўлмағай деб юриб Нав шаҳриға етиб эрдикки, ангағача Амир Хожа Калон ҳам Нав шаҳриға етиб келди. Вақтеки фақир Кашмирға кирдим, Амир Хожа Калон Кашмир давонининг тубан тарафига юз келтурди. Комрон мирзо ҳар киши ҳар тарафға борса борғай деб қарор қилиб эрдикки, ондин фақир банда Нав шаҳри тарафига юз келтурдум. Кашмирнинг подшоҳларининг ҳаммаси келиб қўшилдилар. Искандар Тўйчи Нав шаҳрида эрди, Амир Хожа Калон Сиёлкутда эрди. Шул фақир Искандар Тўйчиға киши йибориб эрдим ул киши хабар олиб келдики, ҳамма ҳалқ Лоҳурдин келдилар деб. Фақир суръат бирла равон бўлдум. Кашмир давонининг олдига етиб эдимки, Кожижак бир йўлидин чиқиб келди. Икковлан мулоқат бўлдук. Ондин Лоҳур вайрон бўлди деб Искандарға, Амир Хожа Калонға хабар етди. Искандар Тўйчи Басорангта илтижо келди. Басоранг деган Ҳиндустоннинг Кўҳпоя деган вилоятларининг подшоҳларининг бири эрди. Ва Амир Хожа Калон Сиёлкутдин қочғон ҳалқка қўшилди. Комрон мирзо чандон саъй кўрсатдики, Кашмир тарафига келсун деб. Ақлининг камлигидин Комрон мирзонинг сўзи ни қабул қилмади. Вақтеки Комрон мирзо Ҳиндол мирзо ва Ёдгор Насир мирзоларни умаролар бирла Ватта тарафига олиб кетди. Ондин Ҳиндол мирзони Қандаҳорға йиборди. Қандаҳорнинг ҳокими Ҳиндол мирzonинг олдига чиқди. Ондин кейин Ёдгор Носир мирзо ва Қосим ва Ҳусайн

342а Султонлар // келиб Ҳиндол мирзога құшулди. Ондин Ҳумоюн подшоҳ ҳаддин фузун меңнатлар тортыб Ироқ тарафига юрди. Бу замонда маълум әмаски, Ҳумоюн подшоҳнинг ахволи на тариқалиқ бұлды. Ҳумоюн подшоҳнинг фараҳлик күнларида Комрон мирзо дармонда әрди. Вақтеги Ҳумоюн подшоҳни дабдаба ва азимати жаҳонда оз кишиларга даст берган әрди. Бундоқ подшоҳқа бу тариқалиқ риёзат ва меңнат машаққатлар воқеъ бұлды. Улғ ишларға сардор лозимдур, агар сардор бұлса, ҳар нечук улғ ишлар мавжуд бўлур. Агар подшоҳ ҳалок бўлишидин саломат қолса, албатта аниңг саломатлики Ҳудойи таолонинг ҳукмиға шомилдур. Андоқки, китобнинг аввалисида мазкурдур, Ҳумоюн подшоҳнинг отаси Бобур подшоҳға неча маротаба Самарқанднинг подшоҳлиқи мұяссар бўлиб, яна неча маротаба шикаст еб, шул шикаст етган вақтда боши саломат қолиб әрди. Охирул амр Ҳудойи таоло андоқ давлатка мушарраф қилдики, ҳамма олам аниңдин баҳраманд бўлдилар. Бобур подшоҳнинг яхши оти подшоҳларнинг орасида боқий қолди. Анга үхаш Ҳумоюн подшоҳға ҳам Ҳазрати ҳаким ул-иттилоқ ҳалок бўлишидин сақлабдур. Саломат қолмоқлигида бир ҳикматни хоҳлоғондур, иншооллоҳ ал-азиз.

ЮЗ ТҮҚСОН САККИЗИНЧИ ФАСЛ

**ҲУМОЮН ПОДШОҲДИН МУСАННИФИ
КИТОБ ЖУДО БЎЛИБ КАШМИРҒА
ЮЗ КЕЛТУРҒОНИНИНГ ЗИКРИ**

Вақтеки фақир банда Ҳумоюн подшоҳдин жудо бўлиб, Ҳудойи таоло тавфиқ бериб ҳамма умароларнинг иттифоқи бирла Кашмир тарафига равон бўлдим, шархилари бирла йуқори мазкурдур. Ражаб ойининг

342б // йигирма иккиси добондин ўтиб Кашмирға кириб, Ҳақ субҳонаху ва таолонинг инояти Ҳумоюн подшоҳнинг юмни барако-

тидин Кашмирнинг дорулмулкида ўлтурдим. Подшохнинг ўрнида ноиб бўлгучига чарх қору ёмғирларнинг қатрасидек муборакбодлиқға дурру марваридларни бошларидин нисор қилди ва душманларнинг кўзига қоралиқ тикилди. Ул зимиштон Худойи таолонинг иноятидин ўбдоилиқ бирла ўтди. Аммо Кожижак Кашмирнинг хаёлатини талоқ қилиб, аҳли аёлинин Абдал^{*} ва Зангичакнинг ҳимоятига қўйиб, узи хаёл қилғон тарафга кетди. Илгаркидек узлатда бўлиб ҳам қарор тополмади. Анга үхшашки, филвож олти ой мода бўладур ва олти ой нар бўладур. Кашмир халқининг ҳаммаси филвожқа үхшаш расм, одат қилибдур. Ҳазрати маликул алломнинг насси қадимиики: *Кул Оллоҳумма малика ал-мулки тўти ал-мулка ман ташаа-у ва танзиъу ал-мулка мимман ташаа-у...*" («Айтинг: Эй мулку давлат эгаси бўлган Оллоҳим, сен истаган кишига мулк ато қилурсан ва истаган кишингдан бу мулкни тортиб олурсен». 3; 25-26) анинг маъносидин хабар олмайдур. Ҳамма мулкларнинг подшохининг подшохи Ҳақ субҳонаҳу ва таолодур, хоҳласа ҳар кишига мулкини берур, хоҳламаса тортиб олур. Кожижак хаёл қилдики, Шерхон қувватлик ва тавонодур деб. Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг тақдириға тағийир бериб, Шерхонга илтижо келди. Аввал баҳорда булуғлар соиқа бўлиб, борон ёққандек тир тортиб бош кўтарди ва Шерхондин кўмак, мадад ҳосил қилиб гуруҳе жамъийати бирла жанг қилмоқлиқға юз келтурди. Вақтеки бу хабар фақир бандага етди. Ушбу ҳол оросида Малик Абдал бу мужодаланинг ишига қувват бермакка келди. Ул ҳам истисқо иллати бирла дорул фанодин дорул бақоға риҳлат қилди.

343а // Кожижакка муҳим ишлар воқеъ бўлиб, аҳли аёлинин Қўл деган ерга қўйиб, муқобала бўлмоққа юз келтурди. Алқисса муддати уч ой қалъага сўлониб тақобул бўлди. Охирул амр Кожижак Шерхоннинг лашкарини ҳикоя қилмоқдин юз уйруди. Баланд жойи маҳкамдин тубан тушди. Кашмирнинг лашкарининг суврати зохирини кўруб, мунга жамъийат лозим бўлгудек, деб лашкарлар ҳар тарафга пароканда бўлиб кетиб эрди, ул куни ҳеч киши жанг қилмади. Йкки юз элликка яқин киши қолиб эрди,

* С.0759, Р.1430 раҳамли қўлёзмаларда Малик Абдал.

жанг қилиб Кашмирнинг халқи мӯгулларга кўмаки қилибдур. Бу лашкарлар ҳам андоқ қилди. Ондин Шерхон беш минг сувора киши, икки филсувор, беш минг пиёда кишини Кашмирни талон ва тарож қилмоққа буйруди. Бу жангнинг душворлиқи андоқ қаттиқ бўлдики, ҳаддига етди. Мутолаа қилғучининг андишасидин тошқари. Агар тафсил бирла зикр қилинса, сўз узундур, ноchor сўзни муҳтасар қилинди. Ҳосили қалом тарихқа тўққуз юз қирқ саккиз рабиул-охир ойининг саккизи (1541 йил 4 август)да эрди, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ўз фазли қарами бирла уч юз киши Шерхоннинг шунча лашкарига шикаст берди. «Худонинг наздидин ҳар кимга саъду нусрате етди». (61; 13). Кўрунгким бу ажойиб лашкари хайлга мулк етди, саодат машриқидин чун зафар субҳи тўлуъ этди. Кўрунг бу муддаийлар бошиға ялдо кечаси етди. Ажаб ҳолдурки Ҳақ субҳонаҳу ва таолоға шукр этмоқ вожибдур. Банда ул шукрки адo қилмоқдин қосирдур. Зероки дўстони Ҳақ шукрини адo қилолмаслиқға қойилдурулар. Қусурға уэр айтмоқға бас бизларга ўхшаш беадаблардин на ҳад бўлғай. Ҳосили қалом Кашмирнинг хотиби Мавлоно Муҳаммад Юсуф Кашмирни икки

3436 маротаба фатҳ бўлғон, деб // тарих футубдур. Бу жангдин илгари жанг бўлғондаму фатҳ бўлғон эрди, шумдоқ маэкурдур.

ЮЗ ТЎҚСОН ТЎҚҚИЗИНЧИ ФАСЛ

МУНОЖОТИ ҲАЗРАТИ РАББУЛ АРБОБ

Илохи, сенинг зотинг вожибул вужуддур. Ва сенинг караминг жудға сазовордур. Яъни ҳамиша бордур, зоти сифотинг ҳеч махлуққа ўхшамас ва ҳеч бирорга мушорикатлик йўқдур. Ва сенинг иноятингга иллат йўқдур ва атойингра тафийир йўқдур.

Атову инояting тұлалиқиға адад қылмоқлиқ үйідур. Ва андин ташқаридур, балки атову инояting тұлалиқидин ва аниң маърифатидин жамиш мавжудот жохилдурмиз. Бу жаҳолатдин анга шукр айтмоқлиқдин ғофилдурмиз. Бандаға ҳар нафасда шукр айтмоқлиқ вожиб әрди. Агарчи неъматларингни мунча тұла еб, шукр келтурмабдурмиз ва неъматни танимоқлиқ ва шукр айтолмаслиқға иқрор қылмоғлиқму шукрнинг бир навъидур. Банданинг жаҳолати ул ҳаддидадурки, ҳамма орифларнинг маърифати ул бандада бұлсаму то неъматта шукр айтолмаслиқға иқрор бұладурлар. Бу жаҳолати зулм бұлғай үз нафсиға. Ҳудовандо, залуму жаҳулдин нима келадур ва нима очиладур. Үз зулмидин фасод ишларда үйік бұлғон ва үз жаҳолатидин огох әмас ул нимарсанники үзим андиша қилдим. Ва үз маслаҳатимда күрдимки бошдин оёғимғача ҳамма ишларим ямоналиқдур. Ул нимарсаки сен биэзга қилибсен ҳаммаси үбдондур. Агар сен қылғон феълимни мулоҳаза қылсанг феълимнинг сабаби бирла халос бўлолмаймен. Илоҳи, ҳар нимарсаки үзим андиша қилдим, хатодур. Ва ул нимарсанники сен қилдинг, ҳаммаси атодур. Наузы биллоҳ үзлукимдин ва хоҳлаймен сенинг ризолиқингни, ул нимарсада сенинг ризолиқинг бўлғай. Ва менинг умидим сенинг Ҳазратингға муҳкамдур. Ул нимарсаеки қилиб эрдинг қылғил ва манга

344а тавғиқ бергил. Ул // нимарсаеки қилиб эрдим, ани қылмағаймен ва агар менинг толеим мадад қиласа, саодат ёрий берур. Бу муҳтасарни соҳибназарларнинг ҳузурига олиб келсалар бандай фақир ал-ҳақир Мұхаммад Ҳайдар илтимос қила дурки, бу муҳтасар бошдин аёқ хато ва халалдур, иститоати үйік, бизоати кам, ҳар жойидаки хато ва нисён бўлса афвнинг тароши бирла қариб этсалар, бу бечоранинг ҳолига раҳм қиласа ва дуои хайр бирла ёд қилсалар, умид улдурки шоядки ул некуқорларнинг дуосининг баракоти бирла афву мағфират бўлғай. Иншо оллоҳу таоло.

ИЗОХЛАР



КИШИ НОМЛАРИ ИЗОХИ

Аббос Баҳодир (амир) — Соҳибқирон Амир Темурнинг 1374 йилги Жеталарга қарши «Лой жанги»да фаол иштирок этган баҳодирлардан.

Абдулазиз — Султон Саидхон қўшини таркибидаги барлослар сардори, Мирзо Ҳайдарнинг амакиси Али Мирак мирзонинг наҳлавонларидан бири.

Абдурашидхон — 1510 йили туғилган, Ёрканд хони (1533—1569—1570) Султон Саидхон (1514—1533)нинг ўғли, Султон Аҳмаднинг (вафоти 1508) невараси, Султон Юнусхоннинг (1415—1487) чевараси, Амир Фури Барлос ҳарбий имт устаси, Али Мирак Барлос, ўрданинг бош ёзувчisi Маҳмуд Шерозий, атоқли сиёсий ва ҳарбий қўмондон, тарихнавис Мирзо Ҳайдар Қўрагоннинг шогирди, мутафаккир олим, шоир, мусиқашунос, илм-маърифат ҳомийси, «Ишрат ангиз» мақомининг муаллифи, бастакор. У ўз ҳукмронлиги даврида Чигатай хонлари билан дўстлик муносабатини ўрнатган.

Абобакр мирзо (Мирзо Абубакр) — Дуғлот Амир Буложи авлоди, Сонсиз мирzonинг ўғлидир, у отасининг вафотидан кейин дуғлот улусбеги таҳтига ўлтириб, 1465 йили Шарқий Туркистанда Ёрканд хонлигига асос солган ва Ёркандни пойтахт қилиб, 1514 йилгача 48 йил ҳукмронлик қилган. Ёрканд хони Абобакр мирzonинг дастлабки ҳукмронлик доираси Ёрканд билан Когилик ўртасидаги ҳудуд эди. У тахминан 1477 йиллар Ҳутанни Холназар ва Қулна зар мирзодардан тортиб олганидан кейин, 1480—1481 йиллар Мухаммад Ҳайдар мирзодан Кошқар ва Янги Ҳисорни тортиб олади. Кейинги йиллари Моролбоши, Оқсу, Учтурфон, Бой, Кусан, Иссик кўл атрофини ўз ҳукмронлиги остига киритади. Мовароуннаҳрга кўз тикиб ўш ва Ўзгандни ишғол қилади. Бадаҳшонга юриш қилиб, Воҳон, Ҳазоржатнинг кўп қисмини қўлга киритади. Қашмир беклигини ўзига бож тўлайдиган қилиб, ўз таъсир доирасини Тибатнинг гарбий қисми ва Лодоҳ тоги атрофигача кенгайтиради. Мирзо Абобакр бойликка эришиш ўлида ҳеч қандай вахшийликдан қайтмайдиган очкӯэ, раҳмсиз, золим ва қонхўрлиги билан донг чиқарган хон. У ислом шариати, дин пешволарининг фатволари билан иш юргизиб, ибодат қилиб ва закотлар бериб, олимларнинг мажлисларига иштирок этиб, қувлик-шумлик билан ҳалқни бошқаради. У Қашқарда Тиман дарёси бўйида жуда катта янги қалъя, Ёркандда ажойиб машҳур сарой ва бутун хонлиқда бир неча минг бор-роғ барпо эттирган,

мадраса ва масжидлар қурдирган. Золимлиги ҳокимиятдан айрилишига сабаб бўлган. У 1514 йили Султон Сайдхоннинг амалдорлари томонидан қатл этилган.

Абобакр Сиддиқ (Абу Бакр ас-Сиддиқ) — Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан кейин ўтган тўрт халифанинг бири. У зот 632—634 йиллар, икки йилгина, халифалик қилган.

Абоқоҳон — Ҳулокуҳондан кейин Эрон ва Ироқни 17 йил бошқарган хон, вафоти 1267 йил.

Абулхайрхон — ўзбек улусининг юрик ҳукмдорларидан бири, ҳукмронлик даври (1428—1468) ҳақида Маъсуд ибн Усмон Кўҳистонийнинг «Тарихи Абулхайрхоний» асарида жуда яхши маълумот берилган.

Абу Саъид миরзо — Амир Темур Кўрагоннинг ўғли Мироншоҳ миরзонинг (1366—1408) невараси, Султон Муҳаммад мирандинг ўғлидир. Миরзо Ҳайдар «Тарихи Рашидий»да Султон Абу Саъид мириз (1424—1451—1469) подшолик даврида Султон Юнусхонни хон тайинлаб Мўғулистанга юборгани ва Юнусхон ўз қизларини Абу Саъиднинг ўғилларига — Қутлуқ Нигор хонимни Андижон ҳукмдори Умар Шайх миризога, Мехр Нигор хонимни Самарқанд ҳукмдори Султон Аҳмад миризога никоҳлаб бериб, Темурийлар билан дўстлик ва тувишганлик муносабатларини мустаҳкамлаганини ёзади.

Авдий Султон хоним — Султон Юнусхоннинг аммаси, Дуғлот улусбеги Мир Сайид Алининг (1435—1458) аёли.

Али Мирак мириз — Султон Сайдхоннинг Қашқарга 912 йилги юришида иштирок этган барлосларнинг сардори, Рашид Султоннинг отабеги ҳам Султон Сайдхоннинг энг ишончли баҳодири Хожа Алининг биродари бўлган.

Алоуддин Ҳўтаний — тўла оти И мом Алоуддин Муҳаммад ал-Ҳўтаний, Ҳўтандага ўтган машҳур олим бўлиб, унинг мақбараси XVI асрларгача сақланиб қолган. «Тарихи жаҳонкушой»да берилган маълумотга қараганда, Найманхоннинг ўғли Найманлар хони Кушлук Қашқар ва Ҳўтанини ўзига бўйсундирганидан кейин халқни бутпарастликка даъват этиб, дин ҳақида И мом Алоуддин Муҳаммад Аттор Кушлук билан баҳслашган ва олим голиб келгач, жаҳд билан уни мадраса олдида чаҳор мих қилиб дорга остирган. Кушлук 1218 йили Қашқардан Бадахшонга ўтиладиган йўлда Сориқул деган жойда мўгуллар томонидан ўлдирилганлиги эътиборга олинса, Алоуддин Ҳўтанийнинг вафоти ўшандан олдинги йилларга тўғри келади.

Амир Абдулали Тархон — аргун қабиласига мансуб Султон Аҳмад миризо Мовароуннаҳо подшоҳи бўлган даврда у Бухоройи шарифда подшоҳ эди. Шайбоний султонларидан Шайбонийхон Мирзо Абдулали Тархоннинг муло-

зимлари қаторида бўлган. «Бобурнома»да кўрсатилишича, унинг қўл остидаги навкарлари 3000 га етган.

Амир Абдукудус — Юнусхоннинг энг ишончли амалдорларидан, Шайх Жамол хар бандидан халос қилгани учун кўрагонлик ва Дуғлот Туман мансабига эришган, кейин Қашқарда Мұхаммад Ҳайдар мирzonинг қизи Оғо Султон хонимга уйланиб, Мирзо Або Бакрга қарши урушларда иштирок этган. Сўнгра Мирзо Султон Маҳмуднинг хизматида бўлиб, Қундуз хокимлигига эришган ва у ерда кофирлар қулида қатл этилган.

Амир Алишер — Амир Алишер Навоий (1441—1501) буюк мутафаккир, шоир ва атоқли, адолатли давлат арбоби, Марказий Осиёдаги туркий халқлар адабий тилининг асосчиси, мумтоз адабиётимиёнинг машҳур вакили, Марказий Осиё маданиятининг ривожига катта ҳисса қўшган, фаннинг турли соҳаларига бағишланган кўплаб машҳур асарларнинг муаллифи.

Амир Аргун оқо — Уйрот қавмидан чиққан машҳур амир, Чингизхоннинг Хуросонга қўйган доругаси, яъни ҳокими. У ердаги солиқда тортиладиган аҳолининг рўйхатини тузиш ва солиқни йиғиши вазифасини бажарган.

Амир Аҳмад — Амир Аҳмад Қосим деб ҳам аталган, Сайром ҳокими, Бобур подшоҳ даврида унинг хизматида бўлган.

Амир Бекчик — Туғлуқ Темурхоннинг содик умароларидан, Туғлуқ Темур уни Мовароуннаҳрда Илёс Ҳожанинг ёнида қолдирган. У Соҳибқирон Амир Темур ва Амир Ҳусайнларга қарши жангларда фаол иштирок этган. Бекчик табақасининг амири.

Амир Бобдоғон — дуғлот амири. Чингизхон ўз тасарруфидаги ерларни ўғилларига тақсимлаб берганида, кўрсатган катта хизматлари учун Амир Бобдоғонга Манглай субе ерларини бошқариш топширилган, тархон эди. Мирзо Ҳайдар маълумотига кўра, то Мирзо Абобақр давригача бу авлоддан авлодга мерос бўлиб келган. Амир Бобдоғон — Турфон уйғур қабиласидан бўлиб, оёғи оқсоқ бўлгани учун уни Дуғлот деб аташган. Дуғлот лақаби ана шундан келиб чиққан. Мир Бобдоғонга етти мансаб — яъни ҳукуқ берилган. У доим хоннинг ёнида юргани, ёзув-чиズув ишларида иштирок этгани учун Мирзо, ўз қабиласининг беги бўлгани учун амир, бир неча бекларнинг беги бўлгани учун улусбеги ҳисобланган.

Амир Боязид — жалойир қабиласи амирларидан, Соҳибқирон Амир Темурнинг хижрий 761 (1359—1360) йилги Туғлуқ Темурхон кўшинига қарши урушида ўз қавми билан иштирок этган.

Амир Буложи (Булатж) Дуғлот — дуғлот амирларидан Амир Тўлакнинг ўғли. Чингизхон замонида уларга берилган еттита амал — ҳукуқлар, ерлар Манглай субе улусбеглигининг меросхўри бўлиб, Туғлуқ Темурхонни хонлик

тахтига олиб чиққани учун яна қўшимча иккита имтиёз берилган, жами туққиз хукуқ, яъни имтиёзга эга бўлган.

Амир Доим Али — Султон Саидхон қўшинидаги Духтуй қавми лашкар-боиси, хоннинг Қашқарга, китоб муаллифи Мирзо Ҳайдарнинг Каширига юришларида фаол қатнашган.

Амир Жабборберди — дувлот амирларидан. У Мансурхоннинг кўзга кўринган саркардаларидан. Улусбегилик ҳам қилган. Турфонни Хитой босқинчиларидан тортиб олишда қаҳрамонлик кўрсатган. Мансурхоннинг хатоси билан бироз Мирзо Абобакр хизматида бўлиб қайтган, охири хитойларга қарши жангда ҳалок бўлган.

Амирзода Жаҳонгир — Амир Темурнинг ўғли Муҳаммад Жаҳонгир мирзо, 1356 йили туғилган, 1376 йили Соҳибқироннинг Жетага қарши юришида касалланиб, Самарқандда вафот этган. Ундан Хоразм ҳукмдори Ҳусайн Сўфининг қизи, Ўзбекхоннинг набираси Хонэодабегимдан туғилган Муҳаммад Султон мирзо (1370—1403), Пирмуҳаммад мирзо (1376—1407) исмли ўриллари қолган.

Амирзода Умар Шайх — Амир Темурнинг иккинчи ўғли, Умар Шайх мирзо Баҳодир 1356 йили Тўлин Оғодан туғилган. У ёшлигиданоқ ҳарбий юришларга иқтидорли бўлиб, моҳир чавандоз ва толмас жангчи бўлиб етишади. Амир Қамаруддинга, Ҳусайн ибн Мусаллабга қарши юришда, Истахр, Фараҳ, Шаҳриёр қалъалари забтида иштирок этган. Курдистонда Хармоту қалъаси ёнида 1394 йили ҳалок бўлган.

Амир Саид Али (Мир Сайд Али) — Сайд Муҳаммад мирзонинг ўғли, у Амир Худойдоднинг ўғлидир. У, Мирзо Ҳайдар таърифи билан айтганда, ҳашаматда ва ақлу донишда ва баҳодирликда ҳам тенги йўқ бўлгани учун Амир Худойдоднинг унга муҳаббати зўр эди. Аммо Амир Сайд Али Мовароуннаҳора келаётганда уни Улугбек тутиб қамоққа олади, оғир касаллиги туфайли қамоқдан озод этилади, тузалгандан кейин, Самарқандга юборганида у ердан қочиб Тошкентга, у ердан Мўгулистонга, Амир Худойдоднинг ёнига келади, маслаҳат билан Увайсхоннинг ёнига боради, у ерда Увайсхоннинг ҳамшираси Узун Султон хонимга уйланади. Кўрагонликка эришади. Увайсхонни ўлимдан кутқаргани учун унга беш аймоқни «жулду» қилиб берган. Улар Туркот, Ҳайбат, широнут, ўзбек аймори, доруга аймори, Кукумат аймори, уларнинг ҳаммаси Ҳўтанда эди. Қашқарни Улугбек юборган Пирмуҳаммад барлосдан олиб, Мир Сайд Али Манглай субеда 24 йил ҳукмронлик қилди. Жудаadolatли эди. Ундан уч ўрил, икки қиз қолган. Юнусхоннинг Қашқарга ҳужумини қайтариб, 62 ёнда (1457—1458) Қашқарда вафот этган. Гумбазли мақбараси бор.

Амир Саид Аҳмад — Амир Ҳудойдоднинг невараси, маълум муддат Қашқарни бошқарган, лекин тили каллак ва қулоғи карлиги ҳамда қобилиятсизлиги туфайли ҳукмронликдан маҳрум бўлган.

Амир Тарагай — барлос амирларидан, Соҳибқирон Амир Темур Қўрагоннинг отаси. У ҳақда манбаларда маълумот сақланмаган, эҳтимол, давлат ва сиёsat ишларига аралашмагандир.

Амир Темур — Соҳибқирон Амир Темур Қўрагон, Темурийлар сулоласининг (1370—1858) асосчиси. Жаҳон тарихидаги буюк сиймолардан бири, Марказий Осиё ҳалқарининг иқтисодий-сиёсий ва маънавий тараққиётига улкан ҳисса қўшиган улуғ давлат арбоби ва саркарда, фан ва маданият ҳомийси. Амир Темур бин Тарагай Муҳаммад Баҳодир 1336 йили Шаҳрисабз (Кеш)дан ўн уч чақирим масофада жойлашган Ҳўжа Илғор қишлоғида (Ҳозирги Яккабоғ туманида) барлос урурининг нуфузли бекларидан бирининг оиласида туғилиб, 1405 йили 18 февралда Ўтрор шаҳрида вафот этган. Унинг авлодлари рўйхати ҳозирга кунгача 195 га етди. Темур ва Темурийлар сулоласи Мовароуннаҳо, Хурсон, Ироқ, Афғонистон ва Ҳиндистонда 488 йил ҳукмронлик қилган.

Амир Ҳудойдод — дуғлот улусбеги Амир Буложининг ўғли. Отасидан кейин етти ёшида улусбегилик мансабига эришган. Бироқ укаси Амир Қамаруддин билан улар ўртасида улусбегилик мансаби талашда бўлди. Ҳизр Ҳожахон унга яна икки уч ҳуқуқ бериб, жами 12 мансабга эга бўлган.

Амир Шайхим Аҳмад — Султон Мирзо Ҳусайннинг улуғ умароларидан, Суҳайлий тахаллуси билан ижод этган шоир ва давлат арбоби.

Амир Қамаруддин — беш ака-ука дуғлот амирларидан бири. Ака-укала-ри Амир Тулак, Амир Буложи, Амир Шамсиддин, Амир Шердавлат. Амир Буложи вафот этганидан кейин дуғлот улусбегилик мансабини унинг бошқа ўғли — Амир Ҳудойдодга берганидан Мўғулистан хони норози бўлиб, 18 мўғул шаҳзодаларини бир кунда қатл этиб, хонликни қўлига олади. Амир Ҳудойдод онаси Мир Оро билан Тұрлук Темурхоннинг чақалоқ қолган ўғли Ҳизр Ҳожахонни Қашқар билан Бадахшон орасидаги тоғларда сақлаб қолади. Ҳўтган тоғлари, Сариқ уйғур, Журжон, Lub, Катак тарафларида 12 йил яшайди. Узоқ замонлар Амир Темур билан уруш олиб боради. Тўхтамишхон ва Юсуф Сўфилар (1373—1380) билан иттифоқ тузади. Лекин Амир Темур Жета-Мўғулистанга беш марта юриш қилиб, охири ғалаба қиласи. Жароҳатланган Амир Қамаруддин тўқайзорга кириб кетиб, ном-нишонсиз ўқолади. У Мўғулистанда 1362/63—1388/89 йилларда ҳукмронлик қилган.

Амир Ҳусайн — Чингизийлар сулоласига мансуб ҳукмдор, Амир Қозоннинг (1347—1358) невараси. Амир Темурнинг иттифоқчиси ва қайин оғаси. Жетага қарши юришларда иштирок этган. Бироқ кейинчалик уларнинг ораси-

даги иттифоқ бузилади. 1366—1370 йилларда улар ўртасида урушлар бўлиб турган. Балх атрофидаги жангда енгилиб, қалъага қамалган, асир тушган. Кайхусрав иниси Кайқубоддинг хунини талаб қилиб, Ҳусайнни қатл қилдирган.

Афросиёб — муаллиф Муҳаммад алайҳиссаломгача ўтган тўрт табака подшоҳлардан Пешодийлар табакасига кирган ўн бир подшоҳнинг бири Афросиёб, деб қўрсатади. Афросиёб Туркнинг наслидан бўлиб, мӯғуллар уни Буқоҳон дер эдилар деб, насабини: Афросиёб Пишангнинг ўғли, улар Доднишиннинг ўғли, улар Турнинг ўғли, улар Афридуннинг ўғли, ва бу ривоят тарихларда мазкурдур, деб ёзади. Яна Қашқар ва Балх, Мовароуннаҳор подшоҳлари, жумладан, Сатук Буқроҳон ҳам Афросиёб наслидан ҳисобланади.

Бабоjoқ султон — Мұтулистон хони Султон Аҳмад — Олачахоннинг ўғли, Мансурхоннинг (1503—1565) хизматида бўлган саркардалардан. Бой ва Кусаннинг ҳокими, Султон Сайдхон Ёрканд таҳтига ўтирганидан кейин унинг олдига келиб дийдорлашган ва хизматига тайёрлигини билдирган.

Байзол мирзо — Ҳиндол мирзо (1518—1551) бўлса керак, Захиридин Муҳаммад Бобурнинг ўғли.

Бароқхон — Чиратой улусини бошқарган чигатойлардан. Бароқхон (Наврӯз Аҳмадхон) — Шайбоний Абулхайрхоннинг невараси Суюнчожахоннинг ўртанча ўғли. Туғилган юли номаълум. У XVI аср ўрталарида Бухоро хонлигига кучайиб кетган феодал курашлардан фойдаланиб, Мовароуннаҳори қўлга киритган. Бу борада Шайбонийхоннинг жияни Муҳаммад Раҳим, унинг ўғли Бурҳон Султон, Абдулатифхон кучларидан фойдаланган. Бароқхон Абдулатифхон вафотидан (1551) кейин Самарқандни ҳам эгаллади. Натижада 1551—1556 йилларда Бароқхон Мовароуннаҳори Наврӯз Аҳмадхон номи билан идора қилди. Ўз номидан пул забт эттироди. Кўп шаҳарларда унинг номи хутбага қўшиб ўқилди. Тошкентда ҳашаматли мадрасалар қурдирди. У 1556 йилда Дарғам сойига яқин Работи Хожа деган жойда вафот этди.

Баҳром жалоийир — жалоийир халқиbekларидан бўлиб, соҳибқирон Амир Темурнинг Жетага юришларида иштирок этган.

Беркахон — Олтин Ўрда хони (1257—1267). Чингизхоннинг невараси, Жўжихоннинг учинчи ўғли. Давлатнинг иқтисодий қудратини ошириш мақсадида 1257 йилда босқоқлик деб аталган маҳсус ҳарбий-сиёсий ташкилот тузган. Бу ташкилот Олтин Ўрдага қарам ерларда маҳаллий ҳокимиятнинг фаолияти устидан назорат ўрнатган. Аҳоли рўйхатини туэиб, шафқатсиз солиқ йиғган. Бунга қарши солиқ тўловчилар 1259, 1262 йилларда Новгородда, Ростов, Суздаљ, Ярославлда қўзғолон кўтаришган.

1264 йилда Кура дарёси соҳилида Беркахон қўшинлари билан Ҳулокуҳон (1256—1265) қўшинлари ўртасида шиддатли жанг бўлиб, Беркахоннинг қули

баланд келган. 1265 йили у Озарбайжон устига юриш бошлаб, Тифлисдан утгандан кейин 1267 йилда йўлда вафот этди.

Олтин Ўрда Миср билан музокара бошлаб, уни ўзига иттифоқчи қилиб олишга уринди. Шундан бошлаб Олтин Ўрда аҳолиси Ислом динига киритила бошлади.

Беҳзод — Камолиддин Беҳзод (1455—1537) — Шарқ халқларининг муштарак ифтихори, забардаст наққош ва ажойиб миниатюрасоз, «Шарқ Рафаэли».

Камолиддин Беҳзод Ҳиротда тахминан 1455 йилда камбағал ҳунарманд оиласида туғилган. Ота-онасининг исми ҳам номаълум. У ота-онасидан жуда эрта ажраган. Ҳиротда Мирак Наққош ўз тарбиясига олиб, санъат академияси «Нигористон»да унга наққошлиқ санъатини ўргатган. Беҳзод Мир Алишер Навоийнинг қўллаши билан камолотга етган. 1487 йили Султон Ҳусайн Бойқаронинг (1469—1506) фармони билан Ҳиротдаги салтанат китобхонасига бошлиқ этиб тайинланади. Фармонда Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро Беҳзодга «Аср нодири, мусаввирлар пешвоси» деган юксак ном беради. Ҳусайн Бойқаро вафотидан кейин Шайбонийлар саройида ишлайди. 1510 йили Шоҳ Исмоил Сафавий Ҳиротни босиб олгандан сўнг 1512 йили Ҳиротдаги бир неча истеъоддли санъаткорлар қатори Беҳзодни Табризга олиб кетади. 1522 йилда Шоҳ Исмоил Сафавий уни Табриздаги салтанат китобхонасига бошлиқ қилиб тайинлади. 1524 йил Шоҳ Исмоил вафот эттач, тахтга Шоҳ Таҳмосп (1524—1576) ўтириди. Беҳзод 1537 йили Ҳиротга қайтади ва ўша йили вафот этади.

Беҳзод ижоди серкірра бўлиб, у Жомий, Амир Хисрав Дехлавий, Саъдий, Низомий Ганжавий, Ҳотиғий асарларига тасвиirlар, миниатюралар, Ҳусайн Бойқаро, Шайбоний, Навоий, Жомий, Шоҳ Исмоил ва Шоҳ Таҳмосп тасвирини чизган. Турли мавзуларда муракқа (альбом)лар қилган. Беҳзод Ҳирот ва Табриз тасвирий санъат Сафавий мактабини яратди. Мактабнинг Султон Муҳаммад Қосим Али, Дарвиш Муҳаммад, Устод Муҳаммадий, Музаффар Али, Юсуф Мулло, Рустам Али шоҳзода Ҳурросоний, Шоҳ Музаффар, Мир Сайд Али Муҳаммад Музаҳиб каби истеъоддли ва машҳур рассом, миниатюрачи, наққош, шоирлари бўлган.

Биноий — (Камолиддин Биноий) — Алишер Навоий даврида Ҳиротда ижод этган истеъоддли шоирлардан. У Алишер Навоийнинг туркий тилда замонавий асарлар яратишга қилган ҳаракатларини кўпол равища масхаралаш билан шуҳрат қозонган. Восиғий ўзининг хотираларида Биноийга ва унинг Навоий билан бўлган мулоқотларига катта эътибор берган.

Бобо султон — Султон Ҳалилнинг ўғли, Аҳсида Жонибек султон унинг отасини ўлдирганидан (1508) кейин Султон Саидхон Ҳожа Али Баҳодирга отабегилик мансабини бериб, Бобо султонни унинг тарбиясига топширган. У Мўгулистан қирғизларини бошқаришни Бобо Султонга беришни илтимос қил-

ганида Султон Сайдхон бермай, Рашид султонга берган. Шундан хафа бўлгач, кишилар васвасасига учиб, Хоннинг ёнидан қочиб, Султон Вайснинг ҳузурига, у ердан Ҳиндистонга Бобур подшоҳ ҳузурига қочиб бориб, ҳеч мансабга эришолмаганидан сўнг касалланиб, Бадахшонда 937 (1530—1531) йили 24 ёшида вафот этди.

Бобур Подшоҳ (Задириддин Мұхаммад Бобур) — темурийлардан Умар Шайх мирзонинг (1456—1494) Юнусхоннинг қизи Қутлуқ Нигор хонимдан бўлган катта ўғли. 1483 йил февралда Андижонда туғилган, 1530 йил 26 декабрда вафот этган. 1494 йил 12 ёшида Фарғона улусининг ҳукмдори бўлган. Ҳиндистонда Буюк Бобурийлар империясига асос соглан, машхур саркарда, олим, шоир, маданият ҳомийси.

Бойсунғур мирзо (Бойсунқур мирзо) — Темурий Султон Маҳмуд мирзо (1453—1495)нинг ўғли. 1477 йил Пошибо бегимдан туғилган. Отаси даврида Бухорода, сўнг Самарқанд таҳтида ўтирган, инилари билан чиқишолмай, Ҳисравшоҳ ҳузурига кетган. Одилӣ таҳаллуси билан ғазаллар ёзган. Самарқанддаги ҳукмронлигини сақлаб қолиш учун кўп жанглар олиб борган; 1499 йил вафот этган.

Бўстонгир мирзо — Мирзо Абобакрнинг Абу Сайднинг қизидан бўлган ўғли, Мирзо Султон Абобакр вафотидан кейин онаси билан Кашмир, Ҳиндистон ва Қобулга бориб, қариндошлари олдида туролмай, Суюнчикон ёнига борган. Аммазодаси бўлгани учун ундан муруват кўриб, Тошкент ва Андижон вилоятларида умр кечирган.

Вайсхон (Увайсхон), (1418—1420, 1427—1429) — Увайсхон Шерали ўғлоннинг ўғли, улар Мұхаммадхоннинг ўғли, улар Ҳизр Ҳожанинг ўғли, улар Туғлуқ Темурхоннинг ўғлиди. У Нақши жаҳонни ўлдириб, Мўгулистан таҳтига эришган эди, бироқ 1421 йил Шермуҳаммадхон томонидан хонлик тортиб олинганди. Шермуҳаммадхон ўлганидан кейин 1427 йили иккинчи марта таҳтга чиқади. У умр бўйи қалмоқларга қарши 61 марта жанг олиб борди. 1429 йил жангда ҳалок бўлди. Шарқий Туркистоннинг Гулжа шаҳри шарқидаги Мозор деган жойига дағн этилган.

Гирайхон (Кирайхон) — Бароқхоннинг ўғли. Абулхайрхон Бароқхоннинг ўғиллари Гирайхон ва Жонибеклар ва уни қувватлаган қабила зодагонлари билан душманлик муносабатида бўлади. Улар XV асрнинг 50-йиллари Абулхайрдан узоқда бўлиш учун бир гурӯҳ кишилари билан Мўгулистаннга кетади. У ернинг хони Эсан Буғон (1447—1462) Гирай билан Жонибекка Чу дарёси водийисидан яйлов ажратиб беради. Янги жойга кўчиб келган уруғлар Гирай бошчилигида бирлашма тузади. Уларга Абулхайр ерларидан кўчиб келган кишилар қўшилиб, ҳокимиёт тузишади. Унинг аҳолиси ўзларини ўзбек-қозоқлар,

кейинчалик фақат қозоқлар деб атайдилар. Улар Орол бўйидаги даштларга кўчиб келиб, 1465 йиллар қозоқ давлатини барни этдилар.

Давлат султон хоним — Мўгулистон хони Султон Юнусхоннинг (1415—1487) еттинчи фарзанди. Тошкентни Шайбоний эгаллаганидан кейин уни ўғли Темур Султонга олиб берган. Ундан бир қиз туғилган. Бобур подшоҳ ва Мирзохонлар Давлат Султон хонимнинг онаси ning ўғиллари. Давлат Султон хоним Султон Саидхоннинг аммаси әди, шу боисдан улар хонимга ўз онаси дай иззат-эҳтиром билдиришган. Давлат Султон хонимнинг қизи Самарқанддан Бадахшонга, у ердан Қашқарга, Султон Саидхон олдига кетган.

Дилшод оғо — Амир Шамсиддиннинг қизи, Соҳибқирон Амир Темурнинг канизаги.

Дўстмуҳаммадхон — чигатоийлардан у Эсан Бугахоннинг ўғли, 1462—1463 йиллар Оқсуда хонлик таҳтига чиққан, Шарқий Туркистанда дуғлот амирларининг таъсирини пасайтириш учун курашган. Унинг ҳукмронлик доираси Оқсу ва Кусандан нарига кенгая олмади. 1468—1469 йилларда вафот этган.

Жонибек султон — Андижонни бошқарган ўзбек султонларидан. У Жожа Мухаммад Султоннинг ўғли, Абулхайрхоннинг невараси. У 1526 ёки 1528 йил Карманада вафот этган.

Жонибекхон — Жўжихон авлодларидан еттинчи хон. Қозоқ хонлигининг асосчиларидан бири. Оқ Ўрда хони Бараканинг (1423—1427) ўғли. У акаси Гирайхон билан XV аср ўрталарида Абулхайрхондан норози бўлиб, Мўгулистонга бориб, Чу водийсида хонлик ташкил этган.

Заҳир Фарёбий — Табризлик машҳур шоир Салмон Соважийга ўхшаган қасида устаси, вафоти 1202 йил.

Илёс Жожа — Мўгулистон хони Турлуқ Темурхоннинг (1348—1363) ўғли. Турлуқ Темур Мовароуннаҳони қўл остига киритганда уни бошқариши Илёс Жожага топширади. Барлос қабиласининг амири Темурбек ва Қозоғон хоннинг невараси Амир Ҳусайнлар иттифоқ тузиб, Мовароуннаҳони ундан тортиб олади. Илёс Жожа Мўгулистонга қайтиб келганда у ерда ички жангларда — дуғлот улусбегилигини талашиб, охири Қамаруддин Турлуқ Темурхоннинг 18 авлодини, шу қаторда Илёс Жожани ҳам қатл этиб, Қашқарда ўзини хон деб эълон қилди.

Искандар Зулқарнайин бин Файлақус — Филиппнинг ўғли Македониялик Александр. Шарқда шундай аталган.

Искандар султон — Султон Саидхоннинг ўғли, Абдурашидхон ва Мирзо Ҳайдарнинг Бадахшон, Қашмир ва Тибатта юришларида иштирок этган. Қашмирнинг подшоҳи Муҳаммад шоҳнинг қизига уйланган.

Кебек (Кепак) султон (1468—1473) — чигатоийлардан Дўстмуҳаммадхоннинг ўғли. Отасининг вафотидан кейин отасининг тарафдорлари уни Оқсудан Турфонга олиб кетади, лекин тўрт йилдан кейин сунқасд қилиб қатл этилади. Юнусхон уни кўмиб, душманларидан қасос олган.

Кебек (Кепак)хон — Дувахоннинг (1291—1306) ўғли. Чигатой улусининг машҳур хонларидан (1318—1326) бўлиб, мамлакатда маъмурӣ ва пул ислоҳотлари ўтказган. Пули кепакий деб аталган. Бир кепакий 2 мисқол кумуш ёки 6 диরҳамга тенг бўлган.

Мирзо Ҳайдарнинг маълумотича, Кебекхон Насаф билан Нахшабнинг икки фарсанглик ерида битта қаср бино қилган экан, мӯғуллар қасрни қарши деб атар эди, шу сабабли қасрнинг оти Қарши бўлиб қолган.

Комрон мирзо — Захириддин Муҳаммад Бобурнинг Гулрухбегимдан туғилган ўғли (1509—1557), унинг Иброҳим Султон мирзо (1530—1553) ва Абулқосим мирзо (1528—1559) исмли ўғиллари бўлган. У қимишли ва билимдон бўлган Комрон мирзо табиатан ўжар, такаббур ва шуҳратпараст бўлиб, журъатли, қатъиятли ва жангталаб киши эди. Бироқ илм аҳлига хайриҳоҳ бўлиб, ўзи ҳам туркий, ҳам форсийда ғазаллар ёзган. Қандаҳор, Лоҳур ва Кобулнинг ҳукмдори ҳисобланган. Ҳабиба бегим ва Ойиша Султон бегим номли икки қизи бўлган. Ўз қўлостидаги вилоят ва Кашмир учун жангларда фаол иштирок этган. Отаси Бобур вафотидан кейин ота таҳтига ўтирган акаси Ҳумоюн шоҳга нисбатан душманлик кайфиятида бўлган. Ҳокимият учун жанглар олиб борган. Ҳумоюн шоҳ унинг қўзларига мил тортишга мажбур бўлган.

Кучум султон — Кучкунжи султон деб ҳам аталган. Шайбонийхоннинг амакиси бўлиб, 1510—1530 йиллар Туркистонда ҳукмронлик қилган.

Кучумхон (1563—1598) — XV асрнинг 20-йиллари ташкил топган Сибир хонлигининг сўнгги хони. У Шайбоний наслидан Маҳмудаконнинг ўғлидир. У Туро вилоятида қирқ йил ҳукмронлик қилган, узоқ умр кўрган, 1595 йилда Туро ҳокимлиги руслар қўлига ўтган. 1598 йили манғитлар орасида вафот этган.

Мавлоно Абдураҳмон Жомий (Нуруддин Абдураҳмон б. Низомиддин Аҳмад Жомий) — форс-тожик мумтоз адабиётининг машҳур шоири ва таниқли мутафаккири, қўплаб насрый, назмий, илоҳий, фалсафий асарларнинг муаллифи. 1414 йили турилиб, 1492 йили вафот этган.

Мавлоно Абдуғафур Лорий (вафоти 912/1306) — ўз даврининг олими, Абдураҳмон Жомийнинг таниқли шогирди. У тасаввуфга оид қатор асарларнинг муаллифи.

Мавлоно Абу Саид Убәзий — асли Убаҳлик (Хуросон). Ёшлигода Самарқандга келган, Улубек мадрасасида аниқ фанлар билан шуғулланган, кейинчалик Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳроғининг издоши бўлган.

Мавлоно Жалолуддин Яэдий («Нафаҳот»да Абу Яэд Пуроний) — вафоти 862 зулқаъда ойида (1464 й. июнь) У Жомий билан яқин бўлган.

Мавлоно Лутфий — исми Умар бўлиб, Лутфий адабий тахаллусидир. У тахминан 1366 йилда туғилиб, 1465 йили Ҳиротда вафот этган машҳур мутафаккир шоир. Лутфий туркий ва форсий тилда баробар ижод этган сўз санъаткори. Ўз ижоди билан улуг Алишер Навоийга таъсир кўрсатган «маликул калом» («сўз подшоси»). XVIII асрда яшаган Мужизийнинг «Тарихи мусикиюн» асаридан маълум бўлишича, шоир 20 дан кўпроқ асар ёзган. Аммо бизгача етиб келмаган. Бизга етиб келгани «Девони Лутфий»дир.

Мавлоно Саъдуддин Тафтазоний — тўлиқ исми Саъдуддин Маъсуд б. Умар ат-Тафтазоний, атоқли олим, мантиқ ва илоҳӣтта оид ишлари Шарқда машҳур бўлиб, кенг қўлланилган. Амир Темур тарафидан Самарқандга келтирилган. Тахминан 792 (1389—1390 йил) вафот этган.

Мавлоно Саъдуддин Кошғарий — асли қашқарлик бўлиб, ҳәётининг асосий қисмини Ҳиротда ўтказган ва ўша ерда 860 (1455—1456) йили вафот этган мутасаввиф олим. Нақшбандия тариқатининг буюк вакили. «Калимоти Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд», «Рисолати латоиф», «Фужуднома» каби ўнга яқин асар яратган машҳур шайх. Абдураҳмон Жомийнинг пири муршиди ва укасининг қайнатаси. Навоийнинг ҳам устози бўлиб, «Насойим ул-муҳаббат», «Ҳамсат ул-мутаҳайирин» асарларида у ҳақда жуда муҳим маълумот беради.

Мавлоно Соҳиб — Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида: «Мавлоно асли Кабуджома уруғидан, муаммо ёзарди ва истеъододли шатранҷчи (шахматчи) эди», — деб ёзади, унинг ижодидан намуналар келтиради.

Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Румий (Завжий) — 820 йил шаъbon ойида (1471 йил сентябрда) Ҳиротдан 9 фарсах гарбдаги Завжи қишлоғида дунёга келган. Мавлоно Саъдуддин Кошғарийнинг муриди.

Мавлоно Яъқуб Чархий — Бадахшон ва Чарониёнда ўз даврининг таникли шайхи, Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳорнинг устози. Ҳожа Аҳор билан Яъқуб Чархийнинг учрашуви «Рашаҳот»да баён этилган.

Мамошон (Момошон) — Қосимхоннинг ўғли, 924/1518 йилдан 928/1521—1522 йилларгача ҳукмронлик қилган.

Мансурхон — Чигатой авлоди, Султон Аҳмадхоннинг ўғли. Муғулистон хони Юнусхоннинг невараси. Отасининг номидан хон унвонини олган. 1504 йилдан 1544 йилгacha Турфон, Чолиш, Қомулнинг, Бой, Кўчорнинг ҳукмдори. Укаси Султон Саидхон Ёрканд, Қашқарни эгаллаб, Ёрканд хонлигининг Олий ҳукмдори бўлиб қолди.

Мансурхон ўз ҳокимияти ва чегараларини мустаҳкамлаш мақсадида Ҳитойнинг аввал уйғурлар яшаган Санчжоу, Гуочжу ва Ганъжоу вилоятларига юриш

қилиб, 20 йил давом этган жангларга бошчилик қилган. Бу юришлар хонликнинг шарқий чегараларини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнаган.

Маҳдий Султон Шайбоний — Ҳамза Султоннинг биродари, Шайбонийхон қўшинлари келгунига (907/1510 йил) қадар у Қоракўлнинг ҳукмдори бўлган. 907/1511 йилда Бобур тарафидан ўлдирилган.

Маҳмуд Султон — Шайбонийхоннинг укаси. Шайбонийхон унга Қундузни берганлиги ҳақида Бобур маълумот беради.

Меҳр Нигор хоним — Юнусхоннинг Эсон Давлат бегимдан бўлган катта қизи. Султон Абу Саъид мирзонинг ўғли Султон Аҳмад мирзога турмушга берган. Лекин ундан фарзанд кўрмаган. Султон Аҳмад мирзо ўлгандан сўнг (1494), Шайбонийхон Самарқандни забт эттак, Меҳр Нигорхонимни ўз никоҳига олади. Шайбонийхон Захириддин Муҳаммад Бобурнинг опасини никоҳига олгандан кейин у хонимни талоқ қиласи. Жияни ўтай бувиси Шоҳбегим билан Кобулга олиб кетади. Бироқ Бадаҳшон ўйлида Ёрканд хони Абобакр қўлига асирга тушиб қолади. Чўрилиқда аянчли ҳаёт кечириб, ўша ерда вафот этади.

Мирзо Бойсунгур — Шоҳруҳ мирzonинг (1377—1447) учинчи ўғли, 1397 йилда туғилган. 1433 йил 20 декабрда вафот этган. 1414—1416 йиллар Мозандарон, Астробод ва Журжон вилоятларига ҳокимлик қилган. 1446 йилдан 1420 йилгача Ҳиротда Шоҳруҳ мирzonинг вазири бўлган. Вазирлик даврида Ҳиротда кутубхона ташкил қилиб, у ерда замонасининг машҳур хаттот, наққош мусаввирлари, саҳроф ва заркорлари илмий-ижодий ишлар олиб борганлар. Фирдавсий «Шоҳнома» асарининг мукаммал нусхасини тузэдирган. У 1420 йилда Эрон Озарбайжонига, кейинчалик 1431 йилда Астрободга ҳоким бўлган. Машҳадда қурилган Гавҳаршод бегим масжидининг деворларига китобат биттирган.

Бойсунгур мирзо Ҳирот тасвирий санъат мактабига асос соглан. Ундан Алоуддавла мирзо, Абулқосим Бобур мирзо ва Султон Муҳаммад мирзо отли ўғиллар қолган.

Мирзо Султон Маҳмуд — Темурий Султон Абу Саъиднинг ўғли, 1453 йил туғилган. 1494—1500 йиллари Мовароуннаҳода ҳукмронлик қилган.

Мирзо Умар Шайх — Темурий Султон Абу Саъиднинг ўғилларидан бири, Фарғона вилоятини отасидан суюргол сифатида олган ва қарийб марказий ҳокимиятдан мустақил ҳолатда бошқарган.

Мирзоҳон — асли исми Султон Вайс, Юнусхоннинг Шоҳбегим Бадаҳший исмли аёлидан туғилган Султон Нигор хонимнинг, Султон Абу Саъид ўғли Мирзо Султон Маҳмуддан турилган ўғли. У Бадаҳшонни 12 йил бошқариб, 1520 йили вафот этган. Ҳокимият ўғли Сулаймоншоҳга ўтган.

Мирзо Шоҳруҳ — Амир Темурнинг тўртинчи ўғли. У 1377 йил төрлиқ Туркон оғадан туғилган. Отасининг ўлимидан (1405 й.) кейин ҳокимиятни мерос қилиб олган ва номигагина темурийлар давлатининг ягона ҳукмдори. Темур вафотидан сўнг у ҳукмронлик қилиб турган ҳудудда икки давлат ташкил топди. Бу давлатларнинг бири Ҳурсонда бўлиб, унинг маркази Ҳирот эди. Бу давлатни Шоҳруҳ идора қиласди, иккинчи давлат Мовароуннаҳода бўлиб, унинг маркази Самарқандда эди, бу давлатни Шоҳруҳнинг ўғли Улуғбек идора қиласди. Шоҳруҳ ўғли Улуғбекни ўзининг ноиби ҳисоблар эди. Бироқ Улуғбек Шоҳруҳдан мустақил эди.

1446 йили Қазвин, Рай ва Қум вилоятларининг ҳукмдори Султон Муҳаммад мирзо Узага қарши бош кўтарган набирасига қарши юриш қилиб, қўзғолон айборларини жазолади. 1447 йил 12 марта сафар асносида 70 ёшида вафот этган.

Мир Нажм (соний) — VII аср охиридаги араб қўмондони шарафига берилган фахрий лақаб. Шоҳ Исмоилнинг тажрибали ҳарбий лашкарбошиларидан бири бўлган амир Нажмиддин Ёр Аҳмад Исфаҳоний, қисқача Нажмий соний 918/1512 йилда Бобур подшоҳга ёрдам бериш учун Мовароуннаҳога юборилган.

Мир Сайд Шариф Журжоний — тўлиқ исми Али бин Муҳаммад ас-Сайдид аш-Шариф Журжоний — атоқли олим, қонуншунослик, фалсафа, астрономия ва бошқа фанларга оид асалар муаллифи. Шерозда мадрасаларнинг бирида мударрислик қилган. Амир Темур тарафидан Самарқандга келтирилган. Темурнинг вафотидан кейин у Шерозга қайтиб, у ерда 816/1413 йил вафот этган.

Мирхонд (Муҳаммад б. Ҳованд шоҳ) — 837/1433 йилда туғ. — 902/1498 йилда вафот этган) — дунёнинг яратилишидан то муаллифгача бўлган даврлар умумий тарихига оид кўп жилдли «Равзат ус-сафо» асарининг муаллифи. Унинг набираси Ҳондамир (Ғиёсиддин бин Ҳумомиддин) — 942/1535 йилда вафот этган, бир қанча тарихий асаларнинг муаллифи. Асосий асари «Ҳабиб ас-сийар» (Дўстларнинг таржимаи ҳоли) — афсонавий даврдан то XVI асрнинг бошигача (бўлган) умумий тарих бўлиб, Алишер Навоий тавсияси билан ёзилган. Ҳирот адабий мухитига тегишли бўлган. Навоий иккала тарихчининг илтимоси билан ўз кутубхонасини уларнинг ихтиёрига бериб қўйди ва уларнинг иши билан (чин) кўнгилдан қизиқди.

Мир Ҳусайн Муаммойи — Ҳусайн бин Муҳаммад ал-Ҳусайний ан-Нишопурӣ (вафоти 904/1498—1499 й.) асли Нишопурдан, умрининг асосий қисмини Ҳиротда ўтказган. Унинг машҳур муаммога доир рисоласи — «Муъаммийат-и Ҳусайнийи» Алишер Навоийнинг илтимосига кўра ёзил-

ган. Асар билан танишган Абдурраҳмон Жомий уни жумбоқ таснифига кирилди.

Мұхаммадхон — Хизр Ҳожахон (1383-1399)нинг иккىнчи ўғли, 1408—1416 йиллар ҳукмронлик қылган. У Мұғулистондаги мұғуллар үртасида исломни кенг тарқатған хонлардан бири.

Мұхаммад қыргиз — қыргизларнинг бошлиғи, Мұғул хони Султон Сайдхонга (1514—1533 йилларда) құмаклашған, Шайбоний хонлар хонадони вакилларига хайрихоҳлик муносабатида бұлғани учун иккى марта ҳибс қилинған, биринчи марта 923/1517 йилда озод қилинған, иккىнчи марта қўчманчى ўзбеклар ҳимоясига таянғанда фақат Султон Сайдхоннинг (1533 йилда) вафотидан кейин озод этилған.

Мұхаммад Қозий — Мавлоно Мұхаммад бин Бурхониддин Самарқандийнинг тахаллуси, машхур шайх Ҳожа Аҳоронинг атоқлы шогирди, Ҳазрати Махдуми аъзам Ҳожа Аҳмад Косоний Даҳбедийнинг пири устоди. 847/1491—1492 йилларида ёзилған «Силсилат ул-орифин» ва «Тазкират ас-сiddиқин» номли асарларининг муаллифи. Мұхаммад Қозий 922/1516 йилда вафот этган.

Сайфий — Алишер Навоий маълумотига кўра, Сайфий Бухородан Ҳиротга таҳсил учун келған. Бу ерда у шеърлар ёзған. Мисол тариқасида Алишер Навоий ҳам, Мирзо Ҳайдар ҳам битта шеърни көлтиришади. Захириддин Мұхаммад Бобур Сайфий Бухорийни «муллолиги бор эди. Үқиғон китобларининг мағсалини элга кўрсатиб, муллолигини исбот қилур эди. Девон тартиб қилибтур. Яна бир девони ҳам борки, ҳирфагарлар учун айтибтур, масални кўп айтиур... Бисёр камсухандур, бир ҳисоб била асрү пурсухандур...» — деб ёзған.

Сом мирзо бин Шоҳ Исмоил Сафавий (1517—1576). Тарихчи, шоир ва адабиёт тарихчиси сифатида маълум. Форс шоирларининг таржимаи ҳоли ва ижодига бағишенланған «Тұхфаи Сомий» номли асарнинг муаллифи.

Сонсиз мирзо — дүгөттөн улусбеги Амир Сайд Алининг (1434—1458) ўғли. Отасининг вафотидан сүнг 1458 йили Манглай субе таҳтига ўтириб, иниси Мұхаммад Ҳайдарга Қашқар ва Янги Ҳисорни бошқариши топширган, ўзи эса Ёркандни пойтахт қилиб, ҳукм юриттган. 1465 йили вафот этган.

Суюнч Ҳожахон (Суюнж Султон) — Шайбоний Абулхайрхоннинг ўғли. У Ҷаънатшайхнинг ўғли. Шайбонийхон үлганидан (1510) кейин у Шайбонийлар суоласи бошлиғи қилиб сайланған бұлса ҳам, ўз үрнини хон авлодидан энг каттаси Кўчкунчихонга (1510—1530) ўтинган. 1525 йили 23 июлда вафот этган.

Сулаймон — Қуръони каримда тилга олинған тақвадор ва донишманд қадимги подшоҳ, пайғамбар Довуд алайхиссаломнинг ўғли. Ривоятларга кўра, у буюк подшоҳ Оллоҳ унга шамолни бўйсундирған, дев ва жинларни унга хиэмат қилишга мажбур этган.

Султон Абу Саъид миরзо — Султон Мұхаммад миэрзонинг иккинчи ўғли. У 1424 йилда туғилған. Самарқанд таҳтини Абулхайрхон ёрдамида 1451 йилда Иброҳим миерзо ўғли Абдулло миэрзодан тортиб олиб, 1457 йилгача бошқарған. Ўша иили Ҳиротни босиб олиб, Самарқанд таҳтини ўғли Султон Аҳмад миэрзога берип, ўзи Ҳиротни пойтахт қиласы. Султон Абу Саид Мирзо шафқатсиз, маккор, тадбиркор ва донишманд, бироқ табиатида оламгирик васвасаси устун бүлгани учун темурий шаҳзодалардан анчасининг қотили бүлған. У 1469 йилда Фарбий Эрон (Ироқ)ни забт этиш мақсадида юриш бошлаб, Оққүйунлы туркманлар билан жангда халок бүләди. Ҳиротдаги Темурийлар дахмасига дағн этилади. Султон Абу Саид миэрзодан ўн бир ўғил, ўн түрт нафар қызы қолади.

Султон Аҳмад миерзо — Султон Абу Саъид миэрзонинг ўғли, 1451 иили Самарқандда туғилған. Онаси Ўрда Буға тархоннинг қызы. Ҳазрат Ҳожа Убайдуллохга мурид эди. Шижаатли, мерган эди. Отаси Самарқанд ва Бухоро вилоятларини унга берган. Шайх Жамол вафотидан кейин Тошкент, Шоҳрухия ва Сайрамни ўз тасаррүфига кирилган. Ҳўжанд билан Ўратепа ҳам бир неча вақт унга қараган.

Кейинроқ Тошкент ва Сайрамни укаси Умар Шайх миерзога берган.

1493 йилда Султон Аҳмад миерзо қуёви, Тошкент ҳукмдори Султон Махмудхон билан иттироқ тузиб, Андижон вилояти ҳукмронлигини тортиб олиш учун жанглар олиб борган.

Султон Аҳмад миэрзонинг олти хотини бүлған (Меҳр Нигор хоним Юнусхон қызы; Тархон бегим; Қутлуг бегим; Ҳонзода бегим; Латифа бегим Аҳмад Ҳожибек қызы; Ҳабиба Султон бегим). У хотинларидан 2 ўғил ва беш қызы кўрган. Ўғиллари ёшлигига ёкига қилған. Ўзи 1494 йил июль ойида Оқсуда вафот этган.

Султон Аҳмадхон — Юнусхоннинг кичик ўғли. Олачаҳон (ўлдиргувчи-хон) деб ном чиқарған. Бобур Султон Аҳмадхон бир неча бор қалмоқларни мағлубияттага учратиб, уларни қириб ташлагани учун, мӯгулча олача — «ўлим» маъносидаги сўзни унга лақаб қўйганини ёзади. Султон Аҳмадхон Мӯгулистаннинг Оқсудан Турфон, Кумулгача бүлған оралиқдаги ерларининг ҳукмдори (1484—1504) эди.

Султон Ёқуб бин Узун Ҳасан (883/1478—896/1490) — Оққүйунлу туркман сулоласига мансуб ҳукмдор.

Султон Зайн ал-Обидин — Султон Зайнобиддин (823/1420—875/1470 йиллар) тарихга маърифатли ҳукмдор сифатида кирган, ҳиндуизм динидаги кишиларга диний эркинлик берганлиги билан ажralиб турган. Унинг жамиятларида санскритдан форс тилига «Махабхорат» ва «Ражатарангни»даги шеърлар таржимаси амалга оширилган эди.

Султон Искандар Афғон (Искандар бин Баҳдул) — 1451—1489 йиллари ҳинд Лудий сулоласининг иккинчи ҳукмдори бўлган.

Султон Маҳмудхон (1388—1402) — Амир Темур ёнидаги иккинчи сохта қўғирчоқ хон, Суйурғатмишнинг ўғли.

Султон Маҳмудхон — Султон Юнусхоннинг тўнгич ўғли, 1487—1502 йиллар Тошкентни пойтахт қилган Фарбий Мўгулистанни бошқарган хон. 1509 йилда Ҳўжандда Шайбонийхоннинг буйруғига кўра олти ўғли билан бирга қатл этилган.

Султон Саидхон — Султон Аҳмад Олачаҳоннинг ўғли, Султон Юнусхоннинг набираси. Тахминан 1484 йилда туғилган. Болалигидан бошлаб замонасининг номдор олим-адибларида илм таҳсил қилган. Қиличбоэзлик, мерғанлик, чавандозлик, хаттотлик ҳамда бошқа турли ҳунарларни эгаллаган. Даврининг машҳур қиличбоз мерғани, қобил саркарда сифатида танилган. Султон Маҳмудхон Шайбонийга қарши олиб борган жангларда қатнашган. Отаси вафотидан кейин акаси Мансурхоннинг таъқибидан қочиб, 1509 йили Бадаҳшон орқали Афғонистонга, Кобулга аммасининг ўғли Захиридин Муҳаммад Бобурнинг олдига боради. Шайбоний ўлгандан кейин Андижонга бориб ҳокимиятни эгаллайди. Мирзо Або Бақрнинг Андижонга ҳужумини қайтаради. Бироқ яна Шайбонийлар Андижонга бостириб кирганда Ёркент хонига қарши юриш қилиб, 1514 йилда у ер аҳолисининг қўллаши билан хонлик таҳтини меросхўр сифатида эгаллайди. 1516 йили акаси Мансурхон билан ярашиб, феодал тарқоқликка барҳам беради. У ерда марказлашган давлат ташкил этади. Ёркент хонлигига сиёсий, иқтисодий, молиявий ислоҳотлар ўтказиб, мамлакатни ҳар томонлама равнақ топтиради. Ҳалқни ўн йилгача солиқлардан озод қиласди. Маданий-маърифий, диний ишларга кенг йўл очиб беради. Ислом динини ёйиш, сиёсий чегарасини кенгайтириш мақсадида қўпша Тибат, Бадаҳшон, Сариқ үйғур кабиларга юриш қиласди. 1533 йили Тибатта юришда бўғма касаллигидан вафот этади.

Султон Саидхон ҳимматли, сахий, шизжоатли ва хуштабиат, одил, мусулмон, шоир, подшоҳ эди.

Султон Ҳусайн мирзо Бойқаро — 1438 йил Ҳиротда туғилган. Отаси Фиёсиддин Мансур мирзо ва онаси Феруза бегимлар наасаби Амир Темур Қўрагонга туташади. 1454 йил отаси вафотидан кейин 14 ёшида онаси билан бирга Абулқосим Бобур мирзо саройига хизматга киради. 16 ёшида унинг Самарқандга юришида иштирок этади. У Самарқанд ҳукмдори Султон Абу Саъид мирзо саройида қолади. Бироқ Султон Ҳусайн мирзо Султон Абу Саъидга қарши исёнчилар қаторида бўлгани учун, 13 нафар шаҳзодалар қаторида ҳибсга олинган. Онасининг гарови билан озод этилади. Самарқандга келиб,

Абулқосим Бобур мирзо саройида хизмат қилади. Абулқосим мирзо 1456 йилда вафот этгач, Марв, Жом, Моҳон вилоятларининг ҳукмдори Санжар Мирзо Марвий ёнига боради. Ҳукмдор яхши кутиб олиб, 15 ёшли Бека Султон бегимни унга никоҳлаб беради.

1461 йил баҳорида Султон Ҳусайн мирзо Астрободга ҳужум қилиб, уни ёш шаҳзода Султон Махмуд Мирзодан тортиб олади.

1464 йил Хоразмни босиб олади, бироқ тезда уни қўлдан чиқаради. 1467 йил Хоразмга бостириб кириб, уни ҳаробага айлантиради. Нур Сайид шаҳар мудофаасини ташкил қилишда хатога йўл қўйиб аввал ҳокимиятдан, сўнгра ҳаётдан маҳрум бўлади.

1469 йил марта Султон Абу Саъид мирзо Ироқда туркманлар билан бўлган жангда ҳалок бўлади. Шу йил марта Султон Ҳусайн мирзо Ҳиротни эгаллайди ва унинг номига хутба ўқилади.

1469 йил Машҳад орқали Астрободга юриш қилиб, Ёдгор Муҳаммад миранзи енгиг, унинг вилоятини ўзига қаратиб олди.

Султон Ҳусайн мирзо Темурий шаҳзодалар орасида жасоратли, мард, одил ва тадбиркор салтанат соҳиби бўлган. «Ҳусайнний» таҳаллуси билан девон ҳам тузган. У ўз қарамоғидаги барча вилоят, шаҳар ва туманларда маъмурий бошлиқларни янгидан тайинлади, қозилик ва додхоҳлик мансабларига одил ва фозил кишиларни белгилади. Масжид ва мадраса ишларини етук уламою фузалоларга тошириди. Мамлакат ичиди тартиб ўрнатишда шариат аҳкомларидан усталик билан фойдаланди. Алишер Навоийнинг саъй-ҳаракатлари билан Ҳурсонда илм-фан, маданият, адабиёт, бинокорлик ривожланди. Султон Ҳусайн Бойқаро Ҳурсонни ички ва ташқи душмандан тозалагач, беғамликка берилиб, ишрат ўлига киради. Кўплаб хотинларни ўз никоҳига киритиб, ҳарамини гулчеҳраларга тұлдиради. Ҳусайн Бойқаронинг ўн бир хотини бўлиб, улардан ўн тўрт ўғил, ўн икки қызы кўрган. Ҳирот ҳамда Эроннинг шарқий қисмида ҳукмронлик қилиб, 40 йилга яқин шаҳаншоҳлик даражасига эришган Ҳусайн Бойқаро 1506 йил 5 майда 69 ёшида сактайи қалб (апоплексия) касали билан оламдан ўтади. Бадиуззамон мирзо билан Музаффар Ҳусайн мирзолар таҳтига бошқаришга киришадилар.

Сутуқ (Сотуқ) Буғроҳон — 300 йил ҳукм сурган турк хоқонлиги Қорахонийлар сулоласининг илк намояндаси (вакили). Абу Наср Сомонийнинг даъвати билан исломни қабул қилган ва мусулмонча Абдукарим исмини олган. Ислом динини давлат дини даражасига кўтарган. Сотуқ Арслон Буғро Қорахон унвонини олган. 25 ёшларида Қорахонийлар таҳтига ўтирган. Ҳижрий 344 (956) йили вафот этган, Қашқарнинг шимолидаги Отушга (Машқашқаратига) дағн этилган.

Темур султон — Шайбонийхоннинг ўғли Мұхаммад Темур, 1514 йил вафот этган.

Тоҳирхон — Жонибекхон ўғли Адик султоннинг ўғли. 930/1523—1524 йилда Мамошхоннинг ўлемидан кейин хон деб эълон қилинган. Бениҳоят қаттиққўллилиги билан ажралиб турган, на дипломатик хусусиятга, на ҳарбий талантга, на обрусиага эга бўлган. 1526 йилда ўғли ҳамда бир қанча қозоқлар билан қирғизлар орасига кетган ва ўша ерда 938/1531—1532 йилга яқин ўлган.

Туғлук Темурхон — Муғулистоннинг хони, 1347—1363 йилларда уни бошқарган. Ислом динини қабул қилиб, уни ёйишда катта хизмат кўрсатган. Чигатойхонга қараган жойларни ўзига бўйсундириш максадида Мовароуннаҳоға юриш қилиб, Самарқанд, Шаҳрисабз, Қарши каби вилоятларни эгаллаган бўлса ҳам, ниятига етолмай, касаллиги сабабли 1363 йили вафот этган.

Убайдуллохон — Мұхаммад Шайбонийнинг укаси Маҳмуд султоннинг ўғли. У 1533 — 1539 йиллар ҳукмронлик қилган.

Узун Ҳасан (1453—1478) — Оқкуйунлу сулоласининг энг машҳур вакили, бутун Эрондан Ҳурросонгача, Ироқдан Форс кўрфазигача ҳокимият юргизган.

Улубек — Шоҳрухнинг ўғли. 1394 йилда туғилган. 1409 йилдан отасининг Самарқанддаги ноibi, 1411 йилдан эса ҳақиқий мустақил ҳукмдор. Отасининг ўлемидан кейин 1447 йилдан 1449 йилгача ҳокимиятни бошқарган темурйлардан. Машҳур қомусий олим.

Халил Султон мирзо — Мироншоҳ мирзо (1363—1408)нинг учинчи ўғли, Амир Темурнинг набираси. 1384 йилда туғилган. Онаси Ўзбекхоннинг набираси бўлмиш Ҳонзода Севин бека бегим эди. 15 ёшидаёқ бобоси Амир Темурнинг Ҳиндистонга ва 1399—1403 йил Фарбга юришида иштирок этиб, ажойиб ҳарбий санъатини намойиш этган. Лекин ундан фойдалана олмади. Унинг жасорати, истеъододи ва ҳарбий салоҳиятини зимдан кузаттан Амир Темур Халил Султонни валиаҳд набираси Султон Мұхаммад мирзо билан бир қаторда кўради. Амир Темур вафотидан кейин пойтахт Самарқандни ўз тасарруфига киритиб, 1409 йилгача ўз қўлида сақлаб турди. Шоҳрух мирзо билан Халил Султон мирзо ўртасида қарама-қаршилик бўлиб, сулҳ тузилади. Халил Султон мирзо Мовароуннаҳо ҳукмдорлигидан воз кечади. Унга Рай вилояти ҳокимлиги берилади. Бироқ 1411 йил 4 ноябрь чоршанба куни касалликдан вафот этади.

Хизр Ҳожахон — Туғлук Темурнинг ўғли. 1387—1400 йилларда Муғулистонни бошқарган. Туғлук Темурхон вафот этганда у норасида эди. Онаси Мир Оро хотун ўғлига ваколатан давлатни бошқарар эди. Амир Камаруддин Хизр Ҳожани ўлдирмоқчи бўлганида Бадаҳшонда, Ҳўтанд тофлари, Чарчан ва

Лутнур ўрмонарида 12 йил саргардонликда ҳаёт кечиради. Отабек Амир Худойдод ёрдамида 1387 йил 24 ёшида Олмалиқ шаҳрида Муғулестон таҳтига ўтиради. Таҳтни эгаллашида Амир Темур ва Жаҳонгир мирзо бошчилигида Амир Қамаруддинга қарши олиб борилган жанглар унинг йўқотилишига зур имкон туғдирган эди.

Хизр Ҳожа ўз даврида давлат тизимини яхшилади. Ҳудойдодга имтиёзлар берди. Амир Темур билан қариндошлиқ муносабати ўрнатди. 1391 йил минг суоласи ҳоқони билан дипломатик муносабат ўрнатди. Идикут уйғур хонлигини ўзиға (866—1393 йилларда ҳукм сурган) бўйсундириб, бу ҳудудга ҳам исломни ёди. Тангритоннинг шимоли билан жанубидаги уйғурларни бирликка келтириди. 1405 йили Хизр Ҳожаҳон касалланиб вафот этди.

Ҳожа Алоуддин Аттор (вафоти 802/1400 йил) — асли хоразмлик Муҳаммад бин Муҳаммад ал-Бухорийнинг ўғли, нақшбандийлик жамоасининг таниқли шайхи, Баҳоуддин Нақшбанднинг шогириди ва күёви. Ҳожа Алоуддин Аттор Бухорода яшаган, у ерда ҳовлиси бўлган. Устоzinинг айттанларини бажариб, ўзида роса хокисорликни касб этганда Баҳоуддин уни тариқатта олиб киради ҳамда ботиний ишлардан таълим беради. Ҳожа Алоуддин Аттор устоди вафоти (1389 й.) гача Бухорода яшайди, сўнгра 1389—1396 йиллар орасида Чагониён вилоятига кўчиб боради, 1393 йили июнь-июлда Баҳоуддин Нақшбанд қабрини зиёрат қилиш мақсадида Бухорога сафар қилган. Ундан бизга ёзма мерос қолмаган. Аммо у нақшбандия тариқатининг намояндаси ва тарғиботчиси сифатида фанга маълум. Ҳожа Муҳаммад Порсонинг «Рисола-и қудсия», Салоҳ ибн Муборакнинг «Анис ат-толибин» асарлари Атторнинг ташаббуси билан ёзилган. У Нақшбандия тариқатининг давомчиси Мавлоно Яъқуб Чархий билан жуда яқин дўст бўлган. Ҳожа Алоуддин Атторнинг мурид-мухлислари кўп бўлган. Мавлоно Ҳисомуддин Порсо Балхий — халифалари, Ҳожа Абдулло Алайний Исфаҳоний, Шайх Умар Мотуридий, Мавлоно Аҳмад Маска, машҳур олим Низомуддин Хомуш кабилар Атторнинг асҳоблари бўлган.

Ҳожа Алоуддин Аттор 1400 йил 18 марта Дехнав (ҳозирги Сурхондарё вилоятидаги Денов шаҳри) яқинида вафот этган ва ўша ерда дағн этилган. Қабри бор жой «Шайх Аттор Валий» ёки «Остона бова» деб аталган зиёраттоҳ.

Аттордан шайх Ҳасан Аттор Валий қолган. «Рашаҳот айн ал-ҳаёт» асарида Ҳожа Алоуддин Атторнинг 27 та таълимот-ўтити келтирилган.

Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд — Бухоролик машҳур шахс, тасаввупнинг нақшбандия тариқатининг асосчиси.

Ҳожа Муҳаммад бин Ҳасан бин Алоуддин Аттор — Алоуддин Атторнинг набираси, сўфийлар нақшбандия жамоасининг асосчиси бухоролик шайх Баҳоуддин Нақшбанднинг (вафоти 791/1389) давомчиси. Давлатшоҳ «Тазки-

ра»сида Ҳасани Аттор Улугбек даврида ишлаётганларнинг раҳбари сифатида тилга олинади. Ҳожа Аҳрор унинг муриди бўлган. Ҳожа Ҳасани Аттор 1423 йилда Шерозда вафот этган.

Ҳожа Муҳаммад Порсо (вафоти 822/1419) Муҳаммад бин Маҳмуд ал-Ҳофизун ал-Бухорий, Ҳожа Муҳаммад Порсо исми билан машҳур, тасаввупнинг нақшбандия жамоасининг асосчиси машҳур шайх Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанднинг сафдоши.

Ҳожа Шариф Кошқарий — бу тахминан Ҳожа Муҳаммад Шариф Ҳазрат Ҳожа, XVI асрда Қашқар сўфийлари увайсия жамоасининг бошлиғи.

Ҳожа Ҳусрав — дехлилик Амир Ҳусрави Дехлавий. Машҳур ҳинд-форс шоири.

Ҳожа Ҳофиз — Шамсиддин Муҳаммад Ҳофизи Шерозий (вафоти 791/1389) — машҳур лирик шоир, донгдор ғазал устаси.

Ҳонзода Бегим — Умар Шайх мирзонинг қизи (1456—1494). Бобурнинг тувишган опаси. У 1478 йилда Андижонда туғилган. Онаси — Тошкент хони Юнусхоннинг қизи Қутлуғ Нигор хоним, отаси вафотидан кейин 12 ёшида таҳтга ўтирган Захириддин Муҳаммад Бобурнинг дарбадарлик ва подшоҳлик даврини бирга кечирган, дид-фаросатли, ўткир зеҳнли ва ақл-заковат соҳибаси, малика.

1501 йил Шайбонийхон Самарқандни қамал қилганда, Бобур билан туэзган сулҳга биноан Ҳонзода бегим Шайбонийхон никоҳига киради ва ундан Ҳуррамбек исмли фарзанд кўради. Шайбоний қатлидан кейин Бобуршоҳ саройига қайтиб келган Ҳуррамбек кўп ўтмай вафот этади. Ҳонзода бегим Бобуршоҳ ва унинг ўғли Ҳумоюншоҳ саройида маслаҳатчи вазифасини бажарган. 1544 йил Кобулҳақ деган жойда оламдан ўтади. Орадан уч ой ўтгач, унинг хокини Кобулга келтириб, Бобуршоҳ маъбарасига дафн қилишади.

Ҳўб Нигор хоним — Мўгулистон хони Султон Юнусхоннинг учинчи қизи. Мирзо Ҳайдарнинг онаси, Үратепанинг ҳокими дуғлот Мирзо Муҳаммад Ҳусайнга турмушга чиққан. Ундан олти фарзанд бўлган. Улардан икки нафари болалигидаёқ вафот этган. Үғиллари Мирзо Абдулло, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Қизларидан Ҳабиба Султон Ҳоним аввал Убайдулло Султонга, кейин Султон Сайдхонга турмушга чиққан.

Ҳусравшоҳ — туркистонлик қипчоқлардан. У ёшлигига бекларнинг хизматига киради, кейинчалик Мазидбек Арғуннинг навкари бўлади. Бироқ кейинроқ Султон Маҳмуд мирзо бин Султон Абу Саъид мирзога қўшилиб, катта обрў қозонади. Султон Маҳмуд мирzonинг даврида унинг шахсий навкарларининг сони бир неча мингга етади ва унга Амударёдан то Ҳинди-

куш төригача бўлган Бадахшондан ташқари барча вилоятлар тобеъ бўлади. Бобур уни ақлсиз, нопок, ахлоқсиз (фоҳишабоз) ва хиёнаткорликка тайёр одам сифатида тасвирлайди. Ўзининг валинеъмати Султон Маҳмуд мирзо-нинг ўлимидан кейин у ўзининг ҳокимиятидан хавотирланиб, уни ўлдиради ва Султон Масъуд мирзони кўр қиласди. Ҳусравшоҳ 910/1504—1505 йилда вафот этган.

Шайбонийхон (Шоҳибекхон) — 1502 йили Тошкентга ҳужум қиласида катта ўғли Мансурхонни Турфонда қолдириб кичик ўғли Султон Сайдни олиб, Султон Маҳмудхонга ёрдам бериш учун Тошкентга борган. Жангла ака-укалар асир тушишган. Тошкентни эгаллагандан кейин уларни қўйиб юборган. Султон Аҳмадхон Оқсуга қайтиб келиб 1504 йили вафот этган.

Шайх Зайнуддин Ҳавофий — атоқли ҳиротлик шайх Фасих Ҳавофий маълумотларига кўра, 1435 йил 1 майда вафот этган ва Ҳиротда дафн этилган.

Шайх Шаҳобуддин Суҳравардий (вафоти 632/1234) — бафоддлик атоқли сўфий, тўлиқ исми — Шайх Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар бин Мухаммад ал-Бакрий ас-Суҳравардий.

Шермуҳаммад ҳон бин Муҳаммадхон — Мўгулистон хони, 824/1421 йилдан то 828/1424—1425 йилларгача ҳукмронлик қиласди.

Шоҳ Исмоил — Эрондаги Сафавийлар давлатининг асосчиси 907/1501, 930/1524 йиллар ҳукмронлик қиласди. 1510 йилда Марв яқинидага ўзбекларни тор-мор қилиб, Шайбонийхонни ўлдирган эди. Шоҳ Исмоил Сафавий 1524 йил Табризда вафот этади.

Шоҳ Таҳмосп 1 — Сафавийлардан бўлиб, отаси Шоҳ Исмоилнинг ўлимидан кейин Эронда (1524—1576) йиллар ҳукмронлик қиласди.

Шоҳ Ҳусайн Аргун — аргунлар суоласининг учинчи ва охириги вакили: ҳукмдорлиги 1524 йилдан 1554 йилгача.

Эсан Буюхон — Вайсхоннинг кичик ўғли. 1429—1461/1462 йиллар ҳукмронлик қиласди Мўгулистон хони.

Эсан Давлат бегим — Бобур ва Мирзо Ҳайдарнинг она тарафдан энагаси. Бобур у ҳақда: «Менинг энагам Эсан Давлат бегимдек ақллилиги ва мулоҳазакорлиги аёллар ўртасида кам топилади. У жуда ақлли ва мулоҳазали аёл, кўпгина ишлар унинг маслаҳатлари орқали ҳал қилинар эди», — деб ёзган.

Юнусхон (1415/16—1487) — Мўгулистон хони Вайсхоннинг катта ўғли, Задириддин Муҳаммад Бобурнинг она томондан буваси. — 1462 йилда Мўгулистоннинг фарбий қисмида, 1472 йилдан бошлиб бутун Мўгулистонда ўз ҳокимиятини қарор топтирган. 1485—1487 йиллар Тошкентда ҳоким бўлган.

Юнусхон укаси Эсан Буғохон 1434 йил Мұғалистон таҳтига чиқиб олғандан кейин унинг тарафдорлари, амалдорлардан Ирозон Байрин ва Туркман мираклар Юнусхонни 30 минг киши билан Мовароуннаҳога — Самарқандга Улугбек ҳузурига олиб келади. Улугбек эса уни күп үлжва ва совғалар билан Ҳурросонга Шоҳрух олдига олиб боради. Шоҳрух отадорлик қилиб, 12 ёшли бола — Юнусхонни Мавлоно Шарағиддин Али Яздийга шогирдликка топширади. У 24 ёшигача Мавлоно хизматида бўлиб таълим олиб, кўп илмларни ўрганади. Мавлоно вафотидан сўнг Ироқ ва Эронга бориб, умрининг қўпроғини ҳунар-касб эгаллаш билан ўтказади. Шерозда ўтроклашиб, уламолар мажлисларида бўлади. Неча турли ҳунарлар билан шуғулланиб, «Уста Юнус» деб ном чиқаради. Мирзо Абу Саъид Юнусхонни Шероздан чақиририб Етгикент (Фарғона, Еттисув) ҳудудига бориб, уни бошқаришини топширади. Фарбий Мұғалистоннинг хонлик таҳтига ўтказади. Темурийлар билан Мұғалистон дўстлигини қариндошликка айлантириш мақсадида Султон Абу Саъиднинг уч ўғлига — Султон Маҳмуд мирзо, Султон Аҳмад мирзо ва Умар Шайх мирзоларга Юнусхон қизлари Мехр Нигор хоним, Кутлуг Нигор хоним ва Султон Нигор хонимларни турмушга беради. Юнусхон Фарғона ҳокими Умар Шайх мирзо билан ота-боладай яқин эди. Бир-бирларининг юртларига бориб-келиб туришар эди.

Юнусхон қиши фаслини Мовароуннаҳорда ўтказарди. Абу Саъид мирзонинг ўғиллари, яъни куёвлар ўртасидаги ҳокимият Самарқанд ёки Тошкент учун бўлган уруш-жанжал можароларини тинч-сулҳ йули билан ҳал қилишда Юнусхон Ҳазрати Ҳожа Аҳфор билан бирга катта хизматлар қилган. Хизматлари эвазига Сайрамни суюргол қиласи. Ахсидан ер ажратиб беради, у ерга бир кент қуради. Тошкентга ҳоким қилиб тайинланади. Юнусхон ҳокимлик даврида Тошкентда мадраса, масжидлардан ташқари Тупроқ қалъа номли бир қалъа қурдиргани ҳақида маълумотлар мавжуд. Юнусхон шол касаллигидан вафот этган ва Шайх Хованд Тахур қабристонига дағн этилган ҳамда мақбара бино қилинган.

Қарокӯз бегим — Султон Аҳмад мирзо бин Султон Абу Саъид мирзонинг тўнгич қизининг лақаби, асли исми Робия Султон бегим. Қоракӯз бегимнинг тақдирни ҳақида Бобур (шундай) маълумот беради: У Султон Маҳмудхон бин Султон Юнусхоннинг хотинларидан эди, унинг ўлимидан кейин ўғли Бобохон билан Жонибек султонга хотинликка беради.

Қосимхон — Жонибекхоннинг ўғли, 1445 йилга яқин тугилган, вафот йили ҳақида турли тарихчилар бир-бирига зид маълумотлар келтиришади. Бир ҳисобда 1518 йил, бошқа бир маълумотда 1524 йилда вафот этган. 1511 йилда хон бўлган. У ўзининг ҳарбий таланти ва бошқарувчилик қобилияти билан ажralиб

турган. Қабилаларнинг катта бир қисмини бирлаштириб, хон ҳокимиятини мустаҳкамлаган.

Кутлук Нигор хоним — Мўгулистан хони Юнусхоннинг иккинчи қизи, Умар Шайх мирзонинг аёли, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг онаси, 911/1505—1506 йилда вафот этган.

Ҳабиба Султон — Мирзо Ҳайдарнинг синглиси, Султон Сайдхоннинг аёли.

Ҳайдар Қолича — Хуросонда туғилган: шоҳ Ислом I (907/1502—930/1524) ва Тажмосп I (930/1524—984/1576) ҳукмронлиги даврида Эронда яшаган. Бирмунча вақт Синд — Ҳиндистон ҳукмдори Мирзо шоҳ Ҳусайн саройида бўлган, умрининг охирида у ердан кетган ва Сеистонга жойлашган тарихий шахс.

Ҳамза султон (вафоти 917/1511 йил) — Шайбоний Султон Баҳтиёр бин Хизрхоннинг ўғли. Ҳусайн Бойқарога, кейинчалик Бобурга хизмат қилган. 906/1500 йилда Шайбонийхон тарафидан ўлдирилган.

Ҳумоюн мирзо — Захириддин Муҳаммад Бобуршоҳнинг тўнгич ўғли. 1508 йил март ойида Кобулда Моҳим бегимдан туғилган. Яхши маълумотли, юмшоқ табиатли, қаҳрамонликка хос хислатта эга, бироқ қатъиятсиз шахс. У 1530 йил 23 ёшида таҳтга ўтиргандан бошлаб ҳукмрон шоҳ деб аталган. Унинг ҳукмронлик даврида укалари жанжал бошлайди. Жанжални тинччиш мақсадида вилоятларни уларга бўлиб беради. Бу тадбир марказий салтанатни мушкул аҳволга солиб қўяди. Иқтисодий марказлардан маҳрум бўлади. Муҳаммад Лўдий бошлиқ афғон феодалларининг қуролли ҳужумларига ва бўйсунмаётган укаларига қарши курашлар олиб боради. Бунда Эрон шоҳи Тажмосп (1524—1576) ёрдамига суюнади. 1530 йилдан 1556 йилгача танаффус билан подшоҳлик қилиб, пиллапояда оёғи тойиб, юмалаб тушиб, 1556 йил 24 январда 49 ёшида вафот этади.

ЖУГРОФИЙ НОМЛАР ИЗОХИ

Агра — Ҳиндистоннинг Уттар-Прадеш штатидаги Жамна дарёси бўйига жойлашган, XVI—XIX асрларда ҳукм сурган Бобурийлар империясининг пойтахти бўлган тарихий шаҳар. Шаҳар XVI асрда барпо этилган бўлиб, тарихий ёдгорликларга жуда бой.

Ажлол — Қарши билан Бухоро орасида жойлашган аҳоли яшайдиган жой.

Азарбайжо(и) — тўртинчи иқлимда, Кавказнинг шарқига жойлашган мамлакат, вилоят.

Андижон — Мовароуннаҳрининг шаҳарларидан, у Фарғона вилояти (мамлакати) маркази, мевали дарахтлари, сабзавотлар кўп, сабзавот ва полиз экинлари жуда мазали, об-ҳавоси яхши. Қадимда Андижон олим ва машҳур машойихлари йигиладиган жойи бўлган. Ҳозир илм ва олимларни етишитирадиган манба. Мадраса ва хонақоҳлар сон-саноқсиз, деб ёзди Махмуд ибн Вали.

Арбот — Турфондан 7 фарсаҳ нарига жойлашган, Оқсу билан Бой йўлида, Жомнинг шарқидаги қишлоқ.

Ардуй — Бу ерда Ардабил-Оқсу кўзда тутилган бўлса керак.

Аскор — Тибатнинг Булба қабиласи яшайдиган шаҳар (туман).

Аслонбоги — Ёрканд вилоятига қарашли қишлоқ.

Астробод — тўртинчи иқлимда, Бахомга яқин шаҳар бўлиб, унинг Каспий дengизининг жануби-шарқий тарафида, Мозандарон чегарасида. Шарқида «Жабал Тахти Сулаймон» деб аталган тоғ жойлашган.

Асҳобул каҳф — Шарқий Туркистоннинг Турфонида жойлашган юр.

Афросиёб турк (Афросиоб) — милоддан аввалги VI асрдан милодий XIII асргача мавжуд бўлган, ҳозирги Самарқандда харобаси сақланган шаҳар.

Аҳси (Аҳсикент) — Косонсойнинг Сирдарёга қўйилишида, Сирдарёning ўнг қирғоғида жойлашган Фарғонанинг қадимги шаҳри. Ўз вақтида X асрларда ҳам Фарғонанинг марказий шаҳри бўлган, ҳозир Намангандаги яқинида харобаси сақланган.

Аштор шаҳри — Тошкент вилоятидаги шаҳар, жуда мустаҳкам қалъаси бўлган.

Бадажшон — Амударёning юқори оқимида, унинг ҳар икки соҳилида жойлашган тоғли мамлакат, пойтахти Файзобод бўлган. У Кўкча дарёси ҳавзасини ўз ичига олади. Савдо йўли сифатида аҳамиятли бўлган.

Балх — Ҳуросоннинг Ҳирот, Нишопур ва Марв каби вилоятларидан бири. Балх беклиги ҳам бўлган.

Бангола — Жанубий Осиёдаги тарихий вилоят. У Ганг дарёсининг қуий оқими ва Брахмапутра воҳаларида жойлашган. У ерда Бенгал дарёси ҳам бор.

Бешбалиқ — Ўйғур хоқонлигининг пойтахти. Дастреб бутун хоқонлик шу ном билан аталган. Вайроналари ҳозирги Шинжонг — Шарқий Туркистоннинг Урумчи шаҳридан 150 чақирим масофага жойлашган.

Бодожон(кент) — Бадахшоннинг кентларидан бири. У Файзобод яқинидаги жойлашган.

Божувора — Ҳиндистоннинг Ҳинду шаҳарларидан.

Бой — ҳозирги Оқсу вилоятига қарашли ноҳия (уезд) маркази, Оқсудан 205 чақирим шимоли-шарқда жойлашган.

Болосагун (Боласагун, Болосақун, Балосогун) — Чу воҳасида ҳозирги Түкмок шаҳридан 22 км. жануби-ғарбда жойлашган, улкан қадимий шаҳар. Ўйғур Идиқут давлати, Қорахонийлар давлати ва Қорахитойлар давлати пойтахти бўлган. Мўфуллар уни Гоболиф (яхши шаҳар) деб атаганлар.

Болти — Болтистон ёки Кичкина Тибат деб ҳам аталган, унга Ҳўтан ва Бадахшон Воҳон орқали ийл үтган.

Болур (Болуристон) — Қуэнлуннинг шимолий ҳалқаларининг қадимги номи, ҳозирги Сориқул ва Қашқар яssi тоғлари. У шарқда Қашқар ва Ёрканд билан, шимолда Бадахшон билан, ғарбда Кобул ва Ламғон билан ва жанубда Кашмир билан чегараланади. Мирзо Ҳайдар маълумотича, Балурга Тошқўрғон, Ҳунзу, Нагар, Гильгит, Паниал, Ясин, Читрол кирган.

Бухоро — Мовароуннаҳрининг ўирик шаҳарларидан ва унинг пойтахти. Бешинч иқлимда. У илм-фан ва олимлар макони, исломнинг қуббаси, жаҳонда тенги ўйқ шаҳар. Бухоро ўн туманга бўлинган.

Вилояти Кеш — бешинч иқлимда, Мовароуннаҳро вилоятларидан бири. Пойтахт шаҳарларидан бири Шаҳрисабз. Ям-яшил чаманзор ва кўзни қамашибидиган гулзорлари билан машҳур Шаҳрисабз.

Дарёйи Жайхун — Амударё, ўрта асрларда Амуя, яъни ҳозирги Чоржўй номи билан аталган.

Дарёйи Ҳужанд — ўрта асрларда Сирдарё шундай аталган.

Дашти қипчоқ — (Қипчоқ дашти) — Иртиш дарёсидан Днепропетровск чўзилган, кўп қисми даштлик бўлган мамлакат. Унга ҳозирги Қозоғистон, Волга бўйи ва Жанубий Рус ерлари кирган. X—XV асрларда ҳозирги Украина, Қозоғистоннинг ҳамма чўлликларини ўз ичига олган.

Дехли — Ҳиндистоннинг пойтахти, Жамна дарёсининг ўрта соҳилида жойлашган. XIII асрда Дехли сultonлигининг, XVI асрда Мўгул империясининг пойтахт шаҳарларидан бири бўлган.

Дўлба — Тибатнинг аҳоли яшайдиган бир тумани.

Дўлон — Олматудан ўн беш кунлик ийлда жойлашган туман.

Ёрканд — Такли макон чүлининг жануби-ғарбий чеккасига жойлашган. Милоддан ав. II — милодий II асрлар давомида Хун империяси остида бўлган. Милодий 25—220 йиллар алоҳида хонлик бўлган. Шарқий Туркистоннинг катталиги жиҳатидан иккинчи ўринда турган шаҳри. Ёрканд дарёсидан 12 чақирим шимолда, воҳанинг шимоли-шарқига жойлашган. XV—XVIII асрларда ҳукм сурган Ёрканд хонлигининг пойтахти. У Буюк ипак ўзли чорраҳасида бўлиб, савдо-маданий алоҳада катта ўрин тутган.

Жония — мавзе — Тибатнинг дўлба ҳалқи (кабиласи) яшайдиган, «Олтунчи Тибат» деб ном чиқарган олтин конига бой мавзе.

Ила (Или) — Шарқий Туркистон (Шинжонг)нинг бир вилояти. У ерда Или дарёси бор. Или дарёси Текас ва Кунас (Кунчас) дарёларининг қўшилишидан ташкил топган. У Балхаш қўлига қўшилади.

Катак — Лўбнур қўли атрофида, қўлдан З кунлик йўлда, яъни Ҳўтанга кетаётганда жанубда, Керия дарёси соҳилида жойлашган шаҳар.

Кашмир — Осиёдаги учинчи иқлимга мансуб йирик тарихий вилоятлардан, XIV—XVI асрларда Бобурийлар империяси таркибида бўлган, пойтахти Кашмир шаҳри.

Келурон — XVI аср манбаида қўрасатилишича, қирғиз вилояти билан Селенга ўртасига жойлашган улкан юрт.

Кермон (Кармана) — Самарқанд билан Бухоро ўртасида жойлашган, ҳозирги Навоий вилоятидаги туман маркази.

Кобул — ҳозирги Афғонистоннинг пойтахти. Маҳмуд ибн Валининг маълумотига қараганда, у учинчи иқлимдан бўлиб, Заххак-тазининг авлоди Кобулшоҳ асос солган, у тахминан эфталитлар ҳукмронлигидан сўнг ҳукм сурган. Кобул қалъаси ҳужум қилиб олиб бўлмайдиган даражада мустаҳкам қалъя. Қалъя баланд тоғларга тулашиб кетган баланд девор билан ўралган. Тоғнинг энг баланд жойига Болоисор деб аталган баланд қўргон қурилган. Қалъанинг ташқарисига маҳаллалар, сарой ва бошқа иморатлар қурилган. Шаҳарнинг ўртасидан дарё оқиб ўтади.

Кобулда кўплаб боғ ва далалар бор. Жумладан, Боги шаҳароро ва Боги жаҳонороларни худди жаннат боянининг нусхаси деб аташ мумкин. Масжид, мадраса ва хонақоҳ кўп.

Карвонсарайлар, работлари ва ўтланлар^{*} эллиқдан кўпроқ. Кобулнинг иқлими ёзда иссик, қишида совуқ. Ери маҳсулдор. Кобул вилоятига кўп районлар қарайди. Жалолобод, Пешовар, Парвон, Панҷхир, Ҳарбанд, Газна кабилар шулар жумласидандир.

* Карвонсарай.

Кобул қалъаси — Кобулнинг изоҳига қаранг.

Косон — қадимий шаҳар. Наманган вилоятида Косон дарёси соҳилига жойлашган. Асримизнинг VIII—IX асрларида Фарғонанинг пойтахти бўлган.

Кофиристон — бу Балуристоннинг ўзгинаси. Болурнинг изоҳига қаранг.

Кусан — Шарқий Туркистондаги Кучор шаҳри. Манбаларда Кучан, Кошон тарзида ҳам учрайди. Кусон Тарим пасттексалигининг шимолига жойлашган. Буюк ипак йўлида қадимий маданият марказларидан, бир неча минг йиллик тарихга эга.

Кўкдуба (Кўктепа) — Еттисувда, Олмату ёнида, Олатов этагида жойлашган, яйлов жой.

Кўкча тенгиз — Балхаш кўли.

Кўҳистон — Афғонистоннинг тоғлиқ вилоятларининг шарқида, Ҳурсоннинг шимолида жойлашган тоғлиқ вилоят.

Лоҳур — Покистоннинг VII асрдан бери маълум бўлган иккинчи катта шаҳри. Бобурийлар ҳукмронлиги даврида XVI—XVII асрларда гуллаш даврини бошидан кечириди.

Лўб ва Катак — Лўбнур кўли районига жойлашган. Лўб шаҳри қўлнинг жануби-ғарбида жойлашган.

Мадина — Саудия Арабистонининг тарихий шаҳри. Қадимий номи Ясриб (Ятриб) бўлиб, Мұхаммад алайхиссалом 622 иили Мадинага қўчиб келган. Пайғамбаримизнинг муборак қабрлари мана шу шаҳарда бўлгани учун мусулмонларнинг Макка, Каъбадан кейинги олий зиёратгоҳи.

Макка — Маккан шариф — Саудия Арабистоннинг маъмурий маркази, қадимий тарихий шаҳар. Ислом оламининг маркази, ҳаж қилинадиган зиёратгоҳи. Ҳазрати Мұхаммад пайғамбарнинг туғилган юрти.

Мамлакати Татар (Мамлакати Тотор) — Туркистондаги туркий қабилалардан тоторлар яшайдиган юрт. У ерлар Ҳитой яқинига жойлашган. Ҳозирги кунгача Рум ва Шом ҳалқи, Мовароуннаҳо ва Туркистоннинг ғарбий мамлакатларидаги бошқа аҳолиси тотор деб аталиби, деб ёзди Маҳмуд ибн Вали.

Мамлакати Туркистон — кенг ва ёқумли мамлакат. У қўплаб шаҳарлар, чўл ва текисликлардан ташкил топган. Унинг ҳудудлари бешинчи, олтинчи ва еттинчи иқлимга тарқоқ жойлашган. Унинг узунлиги Сир дарёсидан Қорамурун дарёсигача чўзилган... Бошқача айтганда, Туркистон мамлакати қадимдан Ёфас ўғли Тур авлодлари яшайдиган ер ҳисобланади.

Мамлакати Үйғур — манбаларда уйғурлар яшаган жойлар, асосан Шарқий Туркистон, Ёрканд хонлиги мамлакати үйғур деб аталган. Идиқут үйғур давлати ҳам шундай номда учрайди. Баъзан үйғур ҳолатида ҳам ишлатишган. Маҳмуд ибн Вали ёзишича, дунёнинг одам яшайдиган қисмининг шарқий ярми

бешинчи ва олтинчи иқлимдан, Мовароуннаҳдан шарқда жойлашган бўлиб, Турон ерининг чегарасидир. Унда бир қанча улкан шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган ерлар жойлашган. Олмалиқ, Бешбалиқ, Холмук, Чигил, Форуб, Кошон, Кум ва Тотор шулар жумласига киради.

Манглай субе — қүёшли — офтобрўй деган маънода, Мўгулистоннинг жанубий қисмини билдирган. Мирзо Ҳайдар маълумотича, у ерларга Қашқар, Ёрканд ва Ҳўтан кирган, уларни бошқариш дувлот амирларига Чингизхон давридан мерос қилиб берилган экан.

Марв — Ўрта Осиёнинг сиёсий-иқтисодий ва маданий пойтахти. Марказий Осиёнинг қадимий шаҳарларидан, манбаларда Марви Шоҳижоҳон деган ном билан ишлатилади. Харобалари Туркманистоннинг Байрам Али темириўл бекати яқинида. У, айниқса, Салжуқийлар даврида равнақ топган. Марвга Султон Санжар асос соглан.

Марғилон (Марғинон) — Фарғонанинг энг қадимий шаҳарларидан. Марғилонсойнинг бўйида, Олой тоғи этагида, Фарғона шаҳридан 12 километр узоқликда жойлашган.

Машҳад — Эроннинг шимоли-шарқида жойлашган шаҳар, маъмурий марказ.

Мовароуннаҳ — араблар Аму билан Сирдарё оралигини (ўртасини) шундай атаганлар. Бу ном XIX асргача сақланиб келган. Қадимги грек географлари Троншуҳиёно деганлар. Бу кенг минтақада жуда кўп катта ва кичик шаҳар ҳамда қишлоқлар, кентлар бўлган, «Термиз, Фарғона, Ҳутталон, Қабодийон, Вахш, Соғонион, Насаф, Кеш, Самарқанд, Бухоро кабилар унинг таркибига кирган...», деб ёзганди Маҳмуд ибн Вали.

Мўгулистон — Чиратой давлати емирилганидан кейин XIV асрда ташкил топган. Шарқда Қора шаҳар ва Юлдуз водийсидан бошлаб Жунгфор ўрмонлигини ўз ичига олган жанубий ва шимолий Тангритоғ районлари, шимолда қангли ва кирайт қабиласининг юрти бўлган Еттисув райони (ҳозирги Балхаш кўлининг шарқи ва жануби), жанубда Қорақурум тоғлари, фарбда Бухоронинг шарқидан бошлаб Қундуз, Амударёнинг жанубидан то Ҳиндукуш тоғларигача бўлган кенг ҳудудларни ўз ичига олган мустақил давлат. У туркий ва туркийлашган мўғул қабилаларини бирлаштирган феодал давлат бўлиб, пойтахти Оқсу эди. Аммо, Мўгулистон чегаралари ўзгариб турган. Туғлук Темурхон (1348—1362/63) вафотидан кейин Мўгулистон Олмалиқ ва Манглай субе районини ўз ичига олган Шарқий ва Мовароуннаҳ районларини ўз ичига олган Фарбий қисмларга бўлинниб кетган.

Мўгулистон тоғлари — бу ерда Тангритоғ тоғлари кўзда тутилади.

Нав шаҳри — Ҳиндистондаги Рожавўли (Рожавўри) тоғи этагида жойлашган шаҳарча.

Нил — Нил дарёси.

Нишопур — Машҳаддан ғарбда, шимоли-шарқий ҳудуддаги йирик шаҳарлардан, XIII асрда Ҳуросоннинг марказий шаҳри.

Олмалиқ — ўрта асрларда Или водийсидаги йирик савдо шаҳарларидан, у Гулжа шаҳрининг шимоли-ғарбида Сайром кӯли ва Талки довонининг жанубида жойлашган. XIV асрдаги ўзаро феодал урушлар натижасида вайронага айланган.

Ортуж — бу ерда Мұғалистаннинг Эртиш деган жойи ҳақида гап юритилмоқда.

Отбоши — Норин дарёсининг ирмоги. Отбоши Қорақойин дарёси қўйилишида жойлашган қадимиш шаҳар.

Оқсамун (Оқсума) — Қоратовнинг жанубидаги баланд минора.

Оқсој — Иссиққўл жанубида, Буғоч довонининг қўйисига жойлашган сой, Оқдарё деб ҳам аталган.

Оқсу — Шарқий Туркистаннинг Оқсу вилояти марказий шаҳри. Оқсу шаҳри Оқсу ва Кўкшол дарёларининг қўйилишида жойлашган.

Оҳангарон — Тошкент вилоятининг Оҳангарон дарёси воҳасига жойлашган мавзе.

Пискант (Пискент) — Тошкентнинг жануби-шарқида жойлашган ўрта аср шаҳарларидан бири, ҳозир ҳам шу номда туман мавжуд.

Порқовун йўли — Иссиққўлнинг ёнида.

Работи Малиқ — Малиқ чўлида Кармананинг ғарбида жойлашган, 1078—79 йилларда Шамсулмулк томонидан қурилган.

Работи Қатагон — Афғонистоннинг шимолида жойлашган.

Рум — ўрта асрлар адабиётларида Византия империяси, кейинроқ Кичик Осиё ва Туркия шундай аталган. Унинг подшоҳи «Қайсари Рум» дейилган.

Рўҳистон — Агра чегараси Яқишига жойлашган Рўҳтос деган жой.

Сайром — (1) Қадимги Исфижоб шаҳри, Сирдарёнинг ўрта оқимида, Тувалиқ ва Сайромсув дарёларининг қўшилиш ерида, ҳозирги Чимкентдан 20 километр шарқда жойлашган қишлоқ. Сайром 1482 йилдан Юнусхонга қараган. (2) Кучор вилоятидаги Бойдан 40 км. шарқда жойлашган Сайром қишлоғи ҳам мавжуд.

Сайхун — Сирдарё.

Секизёғоч — Толос водийсида бўлса керак, деб фараз қилинади.

Сакжуй — Сак ариқ, Сак канал маъносида бўлиб, Толос водийсида бўлиши мумкин.

Самарқанд — Мовароуннаҳоннинг энг қадимий шон-шарафга эга шаҳри, тўртинчи ва бешинчи иккимизга киради. Ҳозир ҳам дунёга машҳур.

Сариқ кўл — Шарқий Туркистаннинг ғарбий ва жануби-ғарбий томонларида жойлашган вилоят; Туманчи, Тошқўрғон дарёлари ҳавзасидаги ва улар-

нинг таркибига киравчи ерларда, Помир тоғи этакларининг Сариқ күл төғизмалари шарқий ёнбағри бўйлаб жойлашган водий.

Сариқ уйғур — Шарқий Туркистоннинг жануби-шарқий чегараси ва Лубнур кўли жанубида жойлашган Сариқ уйғурлар вилояти.

Сарман(д) — Қашқарнинг шимоли-ғарбига жойлашган.

Сеистон — Эроннинг Афғонистон билан чегарадош вилояти.

Сойлиқ мавзәи — ҳозирги Бўстонлиқ туманидаги Сойлиқ бўлса керак.

Соли сарой — Амударёнинг шимолий қирғоғида жойлашган, ҳозирги Сарой қишлоғи. У Кўкчадан 12 км. пастроқда, Термиздан юқорида.

Султонпур — дарё номи. Шу номда шаҳар ҳам бўлиб, у Варонгал шаҳрининг янги номи. Телинганининг пойтахти. Деҳли султони Мухаммад Туғлок 1321—1323 йилги Тулага қылган ғалабали юришидан кейин Султонпур номини ўзгартирган экан.

Тангут — Тибатнинг шимоли-шарқига жойлашган вилоят. Хитой Халқ Республикаси Ганьсу ва Шаньси вилояти ғарбий қисмида, 982—1227 йилларда ўзукм сурган.

Текас-ху — Текас кўприк. Текас Или вилояти ноҳияларидан бири. Текас номли дарё ҳам бўлуб, Тангритоғдан бошланади. Текас-ху ўша дарёнинг кўприги.

Тибат (Тубат) — XXРнинг жануби-ғарбига, Хитой Халқ Республикаси Тибат Автоном райони. Тибат тоғ тизмаларига жойлашган. Тибатда милодий VII асрда илк феодал давлат ташкил топган, буддиzm уларнинг давлат дини бўлган.

Тиман (Туман) — Қашқар дарёнинг бир ирмоғи, у Кукуйин тоғидан сув олади. Чодирқул кўли шимоли-ғарбига. Тиман дарёси Қашқар шаҳридан оқиб ўтади.

Тозгун — Қашқар вилоятидаги битта қишлоқ. Тозгун дарёси ҳам бор. Кусон Тозган дарёси деб ҳам аталган.

Торим — Шарқий Туркистондаги йирик дарёлардан бири.

Тотор (татар) — туркий халқлардан татар қабиласи яшайдиган жой ёки юрт. Татар атамаси «Култегин обидаси»да, IX асрнинг 40-йилларига оид хитой (хансу)ча ҳужжатларда тиља олинади. Фазуллоҳ Рашидуддин (1247—1318) ўзининг «Жоме ут-таворих» номли асарида татар қабиласини «ҳозир мунғул деб аталадиган туркий қабила» деб ёзади. 732 йили ўрнатилган «Култегин мангу тоши»да улар ўтгиз татар деган ном билан қайд этилади.

Татарлар оқ татар, қора татарга бўлинган, қора татарлар мўнгуллар қабиласи бўлиб, оқ татарлар туркийлашган мунгуллардир. Татар, татар қабила иттифоқидаги қўнғирот, ўнфут, жалойир, меркет тўра каби қабилалардан ташкил топган.

Татарлар булғор, қипчоқ ва мунғул каби қатор бир неча қабилаларнинг қўшилишидан шаклланган.

XIII асрға келиб, мунғул истиочилари Волга дарёси ва Манас дарёси атрофидаги Булғор қабила иттифоқини ҳалок қилиб, Волга дарёси атрофига Олтин Ўрда хонлигини барпо этган. XV аср ўрталарига келиб у хонлик заволга юз тутиб, Волга ва Манас дарёлари бўйларида Булғор қабилалар иттифоқининг заминида Қозон хонлиги вужудга келган. Бу хонликнинг асосий ахолиси булғорлар, улардан ташқари бошқа туркӣ тилда сўзлашадиган қипчоқлар,чувошлар ва мулвияликлар ҳам бўлган. Тарихий тараққиёт давомида ўтрок иқтисодий турмушнинг шаклланишига эргашиб ўтрок маданиятта ва тарихий алоҳидаликка эга бўлган бу миллатлар татар миллиатини шакллантирган.

Тошкент — Туркистоннинг қадимий шаҳарларидан, Шош, Чоч, Бинкент деб ҳам аталган. У Сирдарёning шимолида жойлашган, беш ва олтинчи иқлимда. Шошда Фанокат шаҳристони бўлиб, араб ва мўгуллар истилоси даврида вайронага айланган. Соҳибқирон Амир Темурнинг фармони билан қайта қурилган бу шаҳарга Амир Темурнинг ўғли Мирзо Шоҳруҳ шарафига «Шоҳруҳия» деб ном қўйилган. Тошкент номли вилоят ҳам бўлиб, у Туркистоннинг энг йирик вилоятларидан бири. Тошкент Ўзбекистон Республикасининг пойтахти. У 2200 йиллик тарихга эга.

Тошработ — работнинг ва дарёнинг номи.

Туркистон (Турон) — кенг ва ёқимли мамлакат, кўплаб улкан шаҳарларга эга; ҳукмронлигидаги ерлар бешинчи, олтинчи ва еттинчи иқлимининг шарқига тарқоқ ҳолда жойлашган. Сирдарёning шимолий қирогидан Қорамурон дарёси қирюқларигача чўзилган. Ҳозирги Туркистон, оддий халқ Ясси деб атаган Сокси шаҳридир.

Бир сўз билан айтганда, Туркистон мамлакати қадимдан ва ундан кейин ҳам Тур ибн Ҷофрас авлодларининг юрти бўлган.

Турон — Туркистонга қаранг.

Турфон — Шарқий Туркистондаги воҳа ва шаҳарнинг номи. Бу воҳа Лукчун чукурлиги билан Тангритоғ тизмалари орасига жойлашган. Қадимдан Хитой билан Фарб ўртасидаги савдо муносабатларида муҳим аҳамиятта эга бўлган.

Тус — Ҳуросондаги вилоят. Ҳаробалари Машҳаддан 25 километр шимоли-ғарбида жойлашган.

Туюнбоши (Тўйунбоши) — Ортиш дарёсининг жанубида, Чодирқул кўлини атрофидан ўтадиган, Туруроғ чўққисидан сув оладиган, Туюнбоши водийсига чиқадиган жойи.

Тұққузоқ — Қашқар вилоятига қарашли қишлоқ.

Үйгур вилояти — Маҳмуд ибн Вали бу вилоят ҳақида жаҳоннинг ахоли яшайдиган шарқий ярмидаги мамлакатлардан бири, бешинчи ва олтинчи иқлимда, Мовароуннаҳронинг шарқида жойлашган, Туранзамииннинг чегараси. Бир неча кенг шаҳарлари ва қишлоқлари (қасабаси) бор. Олмалиқ, Бешбалиқ, Ҳоллук, Чигил, Фороб, Кошон, Қум ва Татар унинг шаҳарларидан ҳисобланади, деб ёзган.

Урдук — шаҳар. У Кашмирдан Тибатга, у ердан Шарқий Туркистонга Қоракурум довони орқали борадиган мухим савдо транзит жойи.

Үрсанг — Шарқ муаллифларининг ишларида Гурсанг шаклида ҳам учрайди. Ҳар иккалови ҳам Лхасса шаҳрини англатади.

Үч — Оқсунинг фарбига жойлашган Шарқий Туркистоннинг қадимий мухим шаҳарларидан бири. Ҳозирги Учтурфон шаҳри.

Үчбалиқ — болиқ шаҳар маъносини билдиргани учун бу ерда Учтурфон шаҳрини англатса керак.

Үчбурҳон — Ортиш ёнига жойлашган мавзе. Қашқарнинг уч номдор фарзандлари номига берилган. Қашқардан уч чақирим масофада.

Үч қалъа — гаи Учтурфон шаҳри ҳақида кетаётир.

Фалоъ — Гибатнинг будма қабиласи яшайдиган саҳроларидан бири.

Фанокат (Бенокент) — мӯгуллар тарафидан вайрон этилган шаҳар. У Амир Темур томонидан қайта тикланган ва катта ўғли шарафиға Шоҳрухия деб аталган. Ҳозир Шоҳрухия шаҳар харобаси Сирдарёning ўнг қирғозида, Ангрен дарёсининг қўйилишидан 15 км. юқорига жойлашган.

Фарах — Фарах мавзеи.

Фарғона — Маҳмуд ибн Вали маълумотига кўра, бешинчи иқлим вилоятларидан. Унинг кўпчилик районлари Мовароуннаҳо ҳудуди таркибида. Фарғонага адолатпарвар Ануширвон асос соглан. Сўнгра у ерга ҳар вилоятдан биттадан кўчиб боришганлиги учун Ҳархона деган ном олган, оддий ҳалқ — Фарғона деб атаган.

Мӯгуллар ҳукмронлигининг дастлабки йиллари Қайду бин қоонга, ундан кейин Чигатайхон авлоди Дувахон ибн Бароқхонга қараган, у вилоятни ривожлантирган. Бир сўз билан айтганда, Фарғонага кенг ҳудудлар кирган. Улардан машҳурлари Ахсикент, Косон ва Сайийд Бурҳониддин Қиличнинг муқаддас мозори жойлашган Ўзгандир. Яна бири ҳозирги вилоят маркази — Андижон.

Фарғонанинг об-ҳавоси салқин, Сирдарёдан сув олади. Ҳосили яхши. Мевалардан: олма, ўрик, шафтоли, сабзавотчилик жуда яхши ривожланган, қовунлари ҳам ширин. Аҳолиси аралаш, дид-фаросатли. Ҳарбийларидан оддий фуқароларигача жанговар, тадбиркор ... Бу вилоятнинг олимлари қўп, қўплаб фақих олимлар ана шу Фарғонадан чиққан.

Фарғона водийиси олтин, кумуш, мис, нефть, симон ья сурма каби ер ости бойликларига эга.

Форс — Жанубий Эрондаги вилоят.

Фуй — Хитой Ҳалқ Республикасига қарашли шаҳар.

Хитой Қамули — Кумул. Шарқий Туркистон чегарасига жойлашган тарихий шаҳар. XVI аср бошларида бирор вакт Хитойга бўйсунгани учун Хитой Қамули деб эслатилган. Ҳозирги Кумул шаҳри.

Хонбалиқ — Хитой Республикасининг пойтахти Бейжин шаҳри.

Хундор (қалъа) — Тибатнинг Нубра вилоятидаги бир қалъа.

Хутталон — Помирдаги Вахш ва Панҷ дарёлари орасига жойлашган вилоят. Номи қадимги араб ва форс манбаларида Хуттал ёки Хутталон шаклларида учрайди.

Хўжанд — Сирдарё бўйидаги қадимий шаҳарлардан бири, ҳозир Тожикистоннинг Сурд вилоятининг маркази.

Хўжанд сўйи — Сирдарё ўша даврда шундай аталган.

Хутан — Шарқий Туркистоннинг жанубидаги вилоят ва Торим дарёси оқимида Ўрунқош дарёсининг чап қирғофида жойлашган шаҳар номи.

Чашмаи Зайер — Кашмир вилоятидаги машҳур чашма. Дажла дарёси бошланиши ём ўша чашмадан.

Чагирак (Чектирак) — Андижондан юқорироқда қирғизларнинг чагирак кўчманчи қабиласига мансуб аҳоли яшайдиган жой.

Чиноз (Чинос) — Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилоятига қарашли туман маркази, кичкина шаҳар.

Чодирқўл — Фарғона тизма тогига жойлашган кўл, худди шу номда довон ём бор.

Чолак (Челак) — Қозоғистон Республикаси Олмату вилоятига қарашли Чилак районининг маркази. Или дарёсининг Чилак деган ирмоғи ём мавжуд.

Чолиш — Шарқий Туркистоннинг (ҳозирги Шинжонг Уйғур Автоном Районидаги) Қораشاҳар шаҳри.

Чолиш дарё — Қорашаҳар дарёси.

Чорун — Или дарёсининг ўнг ирмоқларидан бири, Қозоғистон Республикасининг Олмату вилояти Челак райони ёхудудларида. Чорун Челак (Чилак) деб аталган.

Чоч — Тошкентнинг ўрта асрлардаги номи. Сирдарёнинг ўрта оқимлари ём шундай ном билан аталган.

Ёзма манбаларда келтирилишича, Тошкентнинг қадимий номи «Чоч» бўлган. Тошкент араблар тасаррӯфига ўтгач, араб алифбосида «Ч» ҳарфининг ўқлиги боис арабий асарларда «Шош» деб юритилган. Илк ўрта асрларда у «Чоч», «Шош», «Шошкент», «Мадинат аш-Шош», «Бинкат» ва «Таркан» деб номланган.

«Худуд ул-олам» («Оламнинг чегаралари») китобида: «Чоч бу катта вилоят, ҳалқи жанговар ва сахийдир. У ерда камон ва ўқ-ёй ясалади. Бинкат

Чочнинг пойтахти ҳисобланади. Бу катта шаҳар айни вақтда подшохнинг қароргоҳидир,— деб таърифланади. Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида Чоч ўзининг камони Шоший (ўқ-ёйлари) билан машҳурлиги ҳакида мисралар бор. Тошкент ҳакидағи дастлабки аникроқ маълумотлар мил.ав. II аср — милодий V асрларга мансуб Ҳитой манбаларида учрайди, уларда Тошкент вилояти қадимда Лоюсни, Юни, сўнгра Чжеше, Чжечжи, Чжеси ва Ши деб номланган. Бу атамалардан аввалги иккисидан ташқариси Чоч сўзининг Ҳитойча талаффуз этилиши натижасида келиб чиқкан («ЎзМЭ», 8-т., 514—515 б.).

Чу — дарё. У Терской — Олатов тоғидан бошланиб, Боом дарёсини ёриб ўгади. Унинг ўрта оқими Қўчкор деб аталади.

Чўпон — (сариқ чўпон) — Бадахшонга қарашли туманлардан бири.

Шаҳри Нагар — Кашмир вилоятининг ўртасида жойлашган шаҳар.

Шаҳрисабз — Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилоятидаги шаҳар. У Қашқадарё шаҳридан 140 км. шарқда жойлашган.

Шероз — Жанубий Эрондаги шаҳар. Темурийлар даврида йирик савдо маркази ва Эроннинг энг катта шаҳарларидан биттаси ҳисобланган. Форс ўлкаси маркази.

Шом — Сурия.

Шош — ҳозирги Тошкент ва унинг атрофлари қадимда (арабча талаффузда) Шош деб аталган. XV асрлар охирида Тошкент Юнусхонга тобе бўлган.

Шоҳноз — Қашқарнинг ғарбида. Бадахшонга кетадиган йўлда жойлашган мавзе, яна шу номда дарё ва довон ҳам бор.

Эмил — Или вилоятидаги ҳозирги Чугучакка яқин жойлашган ўрта аср шаҳри, унинг ҳаробаси сақланмаган.

Эртиш (Иртиш) — дарёнинг номи. У Ҳитой Ҳалқ Республикаси Шинжонг Уйғур Автоном Райони — Шарқий Туркистондан бошланиб, Россия ҳудудидаги Зайсан кўлига қўйилади.

Яздий — қадимий Эрон шаҳри, Яздий форс вилоятига қарашли округ. У сиёсий аҳамиятга эга бўлмаган, лекин савдода ҳозиргача ўз аҳамиятини сақлаб қолган.

Яман — Араб ярим оролининг жануби-ғарбий ва жанубий қисмларини ўз ичига олган ҳудуд. Милоддан аввалги II — I минг йилликларда у ерда бир қанча давлатлар ташкил топган. Қадимий мамлакатлардан, 1962 йил 2 сентябрда Яманнинг шимолида Яман Араб Республикаси ташкил топган. 1970 йил 30 ноябрда эса Жанубий Яман Ҳалқ Демократик Республикаси ташкил топган.

Ўзганд — Фарғонанинг қадимий шаҳри. X асрда бирор вақт Қораҳонийлар давлатининг пойтахти бўлган. Ҳозирги Қирғизистон Республикаси Ўш вилоятининг район марказий шаҳарчаси.

Үратепа — савдо ва стратегик аҳамиятга эга бўлган қадимий шаҳар, азалдан унинг орқали Фарғонадан Самарқандга савдо йўли ўтган.

Ўтрор — Сирдарёning ўнг қирғоғида жойлашган қадимий шаҳар. У Орис дарёсининг Сирдарёга қўйилишига яқин жойлашган. X—XIII асрларда қарvon йўлларини боғловчи ва жуда катта аҳамиятга эга савдо маркази бўлган. Мўғуллар томонидан вайрон қилинган, кейин тикланган бўлса-да, аслига қайтмаган ва XVI асрларга келиб изини ўқотган.

Ўш — Фарғона водийсидаги қадимий шаҳарлардан. Ўрта Осиёдан Хитойга борадиган йўлда жойлашган. Қирғизистон Республикасининг вилоят маркази.

Қалъайи Зафар — Кўкча дарёсининг чап қирғоғида жойлашган қалъа.

Қандаҳор — иккита жойнинг номи. Улардан биттаси Фазнининг жануби-ғарбига яқин жойлашган. Афғонистоннинг маркази бўлган. Учинчи иқлимда жойлашган. Қандаҳор деб аталган жойнинг иккинчиси Ҳиндистон Канужининг шимолида, Тибатнинг жанубида ва Хитойнинг жануби-ғарбига жойлашган.

Қандаҳор қалъаси — Фазнининг жануби-ғарбига яқин, Қандаҳорда Кулуонинг шарқий томонида жойлашган. Қалъа жуда ҳам мустаҳкам бўлиб, унинг айланаси 6000 м.га тенгdir. Қалъанинг бурчагида яна бир қалъага ўхшаган арк жойлашган. У жуда ҳам баланд бўлиб, юз зирга тенг.

Қарокарум — Қарокурумга қаранг.

Қароқайрун — Қароқасмоқ. Қирғизистондаги Қаро Кастикхи.

Қароқош — Ҳутан дарёсининг ирмоги. У Карапутоннинг жанубидан, Куэн-Лун тоғ тизмасидан бошланади.

Қароқурум — Монголияда, Урхун бўйидаги шаҳар. XIII асрда Үгадай томонидан асос солинган, дастлаб Үрдуболиқ деб аталган. Қароқурумдан қўйида қадимий уйғурларнинг пойтахти Үрдуболиқ харобасига жойлашган.

Қарши — Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилоятининг маркази, Қашқадарё водийсида, Бухородан 150 км. жануби-шарқда жойлашган. Қадимда бу шаҳар Нахшаб, Насаф деб аталган.

Қашқар (Кошқар), Кошқар — Шарқий Туркистон — Шинжонгдаги катта водий, вилоят ва шаҳарнинг номи. Қашқар вилоятининг маркази бўлиб, ўнг қирғоғида Тиман дарёси жойлашган. Қашқар Корахонийлар давлатининг пойтахти бўлиб, Урдукент деб аталган.

Махмуд ибн Вали ёзишича, Қашқар (Кошқар) оламнинг одам яшайдиган шарқий қисмининг катта вилояти. Уйгурестонга қарайдиган ер, учинчи иқлим билан тўртинчи иқлимининг кесишган жойида жойлашган. Исломнинг маълум ўлкаси ва чегараларидан. Қашқар Мўғулистоннинг паст текислиги, Хитой, Тибат билан, Болуристон, Бадаҳшон ва Фарғона билан чегараланади. Унинг катта

шахарлари: Ёрканд, Оқсу, Ҳўтан, Чолиш, Турфон, Пой ва Кавсан. Унинг пойтахти ҳам Қашқар деб аталади.

Қиёлиқ — Илининг шимолидаги Еттисувнинг ғарбида жойлашган аҳоли яшайдиган жой.

Қизил — Янги Ҳисордан 45 км. шарқда жойлашган қишлоқ.

Қоражик (Қарожиқ, Қорачик) — тоғ тиэмаси. Еттисув Олатов бош тепаликлари тиэмасининг тоғ тармоқлари.

Қоратегин — Кайиртегин. Ваҳш дарёсининг Сурхоб деб аталган ўрта оқими водийсидаги Даrbоза аҳоли яшайдиган жойнинг жанубига жойлашган. Ҳозир Тожикистон Республикаси Гарм вилоятининг бир қисмини ташкил этади.

Қоратозгун — Қашқар қалъасининг жанубий томонидан уч фарсах нарида оқадиган дарё.

Қоронғу тоғ — Қорақош ва Ўрунқош дарёлари ёриб чиққану боши довонигача бўлган Марказий Куиндузнинг бош тоғ тиэмаси.

Қундуз — Панжга қуйилувчи Сурхоб дарёсининг ўнг қирғофида жойлашган ўрта аср шаҳарларидан бири. У Афғонистоннинг Қатағон ўлқасига қарашли. Ҳозирги Файзобод шаҳри.

Қўйсуй — аҳоли яшайдиган жой номи, Иссиққўлнинг шимолий қирғофида жойлашган. Қўктол ва Чўлпон бекатларининг орасида, унча катта бўлмаган сойнинг қуин оқимида жойлашгани учун ҳам шундай аталган.

Қўчқор — Чу дарёсининг асосий ирмоқларидан бири. У Иссиққўлнинг жануби-ғарбида.

Ҳамадон — қадимги Эқботон, Фарбий Эрондаги шаҳар. Остона Ҳамадоннинг маъмурий маркази. Милоддан аввалги XI асрларда тилга олинади, милоддан аввалги VII — VI асрларда Мидиянинг, милодий XII асрда Ироқ Салжуқийларининг пойтахти бўлган.

Ҳисор — (Ҳисор вилояти). Бухоро хонлигига қарашли вилоят ва шаҳар, у Ҳисор тоғ тиэмасининг жануби-ғарбидаги водийга жойлашган. Ҳисор вилояти ҳозир Ўзбекистон ва Тожикистон Республикаси ҳудудида. Ҳисор Ҳисори Шодмон қалъаси номидан олинган.

Ҳисор шаҳри — Ҳисор вилоятининг энг катта шаҳри. Амударёнинг ирмоғи Кофарниҳон дарёси водийсининг юқори қисмига жойлашган. Ҳисор шаҳри Ҳисори Шодмон деб ҳам аталган, ҳозир у Тожикистон Республикасининг Ҳисор районининг марказидир.

Ғазни (Ғазнин) — Маҳмуд ибн Вали маълумотича, Зобулистон шаҳарларидан бири, Ғазнавийлар даврида бир қанча вақт унинг пойтахти бўлган. Бир

қанча китобларда ёзилишича, бу вилоятда ўн икки минг масжид, ўн икки минг мадраса, ўн икки минг ҳаммом бўлган экан. У ерда Султон Махмуднинг уйи ва мақбараси, разнавий сultonларнинг ҳам мозорлари бўлини мумкин. Унинг халқи сoddадил, камбағал ва беозор. Ҳаким Санойи, Шайх Али Лола ва бошқа тариқат раҳнамолари ўша ердан... Ҳозир Кобул вилояти ҳудудида, унинг ғарбидаги тоғлар орасидаги бир қишлоқ (Махмуд ибн Вали. Море тайн. — Т., «Фан», 1977, с. 61—62).

Фиждуон — Бухородан 4 км. шимоли-ғарбда жойлашган унча катта бўлмаган шаҳар, ҳозир Ўзбекистон Республикаси Бухоро вилоятидаги туман марказидан бири, шаҳарча.

Фурӣ (Fур) — Қазвинийнинг 1340 йилларга оид маълумотига кўра, Ҳирот мулки таркибига кирган туман.

ЭТНИК НОМЛАР ИЗОХИ

Аймоқ — 1) Мұғул ва туркий халқларда қадимий уруғларнинг парчаланишидан келиб чиққан турли тармоқдаги үзаро қон-қариндош оила бирлашмаси ёхуд иттифоқи; үрта асрларда мұғулларда йирик ер-мулк, баъзан хонлик.
2) Мұғулистонда асосан йирик маъмурӣ бирлик.

Аймоқлар — Афғонистонда ва Ўзбекистонда яшовчи бирқанча туркий қабила, уруғларнинг умумий номи.

Арлот, арлат, алот — келиб чиқиши мұғулларга туташадиган үзбек уруғларидан бири. Абулроzi Баходирхон «Шажарайи түрк» асарида: «Арлотнинг маъниси отанинг севар ўғли темак бўлур. Арлот бир кишининг оту турур. Ани отаси кўп севар эрди. Анинг учун Арлот тедилар. Барча арлот эли анинг насли турур», — деб ёзган. Манбаларга кўра, Чингизхон томонидан Чигатой улусини бошқариш учун ажратилган 4 минг кишилик қўшин бошлиқларидан бири ҳам арлот уруғидан (қолгани жалоийир, барлос, қавчин) бўлган. Арлотлар Амударёдан жанубда, Шимолий Афғонистон ҳудудида ўрнашганлар. Кейинги асрларда ҳозирги Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари, шунингдек, Хоразмга кўчиб турганлар. Бу ном ҳозирги вақтда этномим ва баъзан топоним сифатида Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида кўпроқ учрайди. Бухоро вилоятидаги Олот шаҳрининг номи ҳам «арлот» сўзининг фонетик үзгарганидир. Үрта Осиёнинг XVI—XVIII асрлар тарихига оид асарларда арлот үзбек халқига мансуб қабила сифатида тилга олинади. Султон Юнусхон даврида (1462—1487) улар Сайрамда яшаган; уларнинг Шукурбек, Содикбек, Дарвешбек каби кадхудо ва беклари бўлган. Арлотлардан Мирзо Мұхаммад, Мирзо Мансур, Мирзо Кепек арлотлар Жунгорлар билан Ёрканд хонлиги ва Россия ўртасидаги муносабатларда салмоқли ўрин туттан.

Аргун — Аргун — үзбек халқи таркибиға кирған қадимий уруғлардан бири. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луготит түрк» асарида «арғу» тарзида учрайди. Қозоқ, қирғиз халқлари таркибида салмоқли ўрин эгаллаган Аргун Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразмда ҳам этномим ва топоним сифатида учрайди.

Барлос — Бабулос — баллос — үзбек халқи таркибиға кирған қабилалардан бири. XIII аср 2-ярмида Ила (Или) дарё бўйларидан Қашқадарё воҳасига кўчиб келган. XIV—XV асрларда шу воҳа аҳолисининг сиёсий-иктисодий ва

маданий ҳаётида мухим роль ўйнаган. Амир Темур барлос қабиласидан бўлиб, саркарда ва вилоят амирларини шулардан тайинлаган. Буларнинг бир гурухи темурийлар ва бобурийлар даврида Афғонистон ва Ҳиндистон ҳудудига кўчиб ўтган. XIX асрда биргина Дехли шаҳри атрофида 15 минг барлос яшаганлиги тарихий манбаларда қайд этилган. Аммо барлос қабиласининг асосий қисми Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида қолиб, дехқончилик ва чорвачилик билан машрут бўлган. Барлослар туркий тилнинг қорлуқ-чигил лаҳжасида сўзлашган.

Боғлажи қабиласи — Боғраж Буғрохоннинг Қорахонийлар сулоласига мансуб давлат бўлиб, Қашқадарёда бўлган. Боғражга асли бағраж қабиласи асос солган бўлиши мумкин.

Булғор — X — XV асрларда Волга бўйи булғорларининг пойтахти бўлган қадимиш шаҳар. Олтин Ўрданинг мухим шаҳарлардан бири бўлган. Булғор тили қадимги булғор халқининг тилидир. Аҳолиси туркий қабилалар уюшмасидан иборат бўлган. Булғор давлати ҳозирги Волга ва Кама дарёларининг бўйларида X асрда вужудга келган.

Булғор — Волга — Кама Булғорияси пойтахти. Ҳаробалари Татаристон Республикасининг Булғор (Булғорлар) қишлоғи яқинидаги сақланиб қолган.

Булғорлар — VII асрдан бошлаб ўрта Волга бўйларида яшаган туркий қабилалар. X—XIV асрларда булғорларнинг асосий аҳолиси. Уларнинг авлодлари чувошлар, қозон татарлари ва бошқа қабилалар (Волга булғорлари) (ЎзМЭ. 2-том. 248-б.).

Доруга, мӯгулча дараху — назоратчи (шаҳар бошлири) — ўрта асрларда Олтин Ўра, Ўрта Осиё ва Эрон вилоят, ўлка, шаҳар ҳокимларининг номи. Доруга аҳолини умумий рўйхатга олиш ва солиқ тўплаш билан шуғулланган. Баъзан бир шаҳарга (пойтахт шаҳарга) иккитадан доруга тайинланган. XIX асрда Эронда катта ва кичик шаҳарлардаги бозор назоратчилари ҳам доруга деб аталган. Демак, доруга — назоратчилик билан шуғулланадиган уруғлар гуруҳи-аймоги.

Дурлот — қадимиш қабилалардан бири. Булар XIII асрда Чиратой улусининг шарқий минтақаларида яшовчи етакчи қабилалардан бўлган. Дурлотлар Шарқий Туркистонда Иссиққўл жанубида, Фарғона водийсининг шимолидаги районларда кўчиб юришган. Асосий машғулоти чорвачилик бўлган. Мӯгулiston давлатига итоат қилмаган. Дурлотлар ўз мустақилларни учун тўхтовсиз курашиб, 1427—1428 йилларда Қашқарни эгаллаган ва XVI асрнинг 1-чорагигача шу вилоятни идора қилган. «Тарихи Рашидий» муаллифи Мирзо Муҳаммад Ҳайдар дурлотлардан бўлган. XV—XVI асрлар давомида дурлотлар бир қанча гуруҳларга бўлиниб кеттан. Улар Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Қоратегин ва Ҳисор вилоятларига келиб жойлашган. Дурлотлар ҳозирги ўзбек, қозоқ, қирғиз, уйғур халқлари таркибига сингиб кеттан.

Жалойир, жалоирлар — туркий қабилалардан бири. Рашидуддиннинг ёзишича, жалойирлар XII асрда Онон ва Керулан дарёлари бўйида яшашган. Улар ўн булакка (қабилаларга) бўлинган, ҳар бир қабиланинг ўз саркардаси (қабила бошлиғи) бўлган. Жалойирнинг катта қисми кидонлар билан бўлган уруща енгилгач, Чингизхон аждодларига тобе бўлган. Чингизхон ҳукмронлиги даврида жалойирлардан бир қанча эътиборли беклар ва лашкар бошилар етишиб чиққан. XII асрнинг охири — XIII асрнинг бошларида жалойирларнинг катта қисми Еттисув ва Мовароуннаҳронинг айрим вилоятларига (Оҳангарон водийси ва Хўжанд тумани) кўчиб келиб ўнашган. 1370 йилда Амир Темур бу гуруҳни ўзига тобе этади, аммо жалойирлар тез-тез қўзғолон кўтариб туришган. 1376 йилдаги қўзғолон бостирилгач, улар бир қанча гуруҳларга ажратилиб, бир бўлаги Тошкентда қолдирилган, қолганлари Мовароуннаҳронинг бир қанча туманларига (асосан Зарафшон бўйларига) кўчирилган. Шу тарзда Амир Темур жалойирларнинг Оҳангарон ва Хўжанд улусини тарқатиб юборади. Ўзбекистонда Жалойир номли қишлоқлар бор.

XIII аср давомида жалойирларнинг катта бир гуруҳи Озарбайжон ва Ироққа кўчиб, ўз давлатини барпо этишган.

Ўрта Осиё ва Қозоғистонда яшовчи жалойирлар кейинчалик ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ ва қирғизлар тартибига кирганлар. Қозоқлар таркибидаги жалойирлар йирик уруғларга бўлинган: сирмоноқ, ориқтиним, бойчегир, қойчили, сигирчи, болғали кучук, қорачопон, андас, қалпа, мирза, ўроқ, оқбўйим.

Кирғизлар таркибida жалойирларнинг кучук, минғитой, супатой уруғлари бўлган.

Ўзбеклар таркибida жалойирларнинг икки йирик — қайчили ва болғали уруғлари ҳамда бир қанча уруғ бўлимлари бўлган (қарғали, бошқирд, қаробудали, қоракўли, қорачопон,чувулдоқ, жастабан ва б.).

Жата ҳалқи қавми — Чигатой улуси икки қисмга бўлиниб кетгандан кейин (1269 й.) Шарқий Туркистон Еттисув, Чу воҳасини ўз ичига олган, унинг Шарқий қисми шу ном билан аталган. Бу ерда ўша ҳудудда яшайдиган аҳоли — қабила-уруғлар деган маънени англатади.

Жония — Жонийлар, яъни Аштархонийлар — 1601—1757 йилларда ўзбек давлатчилигини бошқарган сулола. 1601 йил Аштархонийлардан Боки Муҳаммадхон Бухоро ҳокимиятини қўлга олгач, Шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги тутатилган.

Аштархонийлар Жўчихон наслидан бўлиб, XIV асрнинг 80-йиларидан бошлаб Ҳожи Тархон — Астрахон ва унинг атрофидаги ерлар, ҳалқлар устидан ҳукм-

ронлик қилган. 1556 йилда Астрахон Россия томонидан босиб олингач, Астрахондан Ермуҳаммадхон оиласи билан Бухорога күчіб келган Boқихони Мұхаммадхони Искандархон (1563—1583) қизи Зуҳро хонимни унинг ўғы Жонибек Султонга берган. Зуҳро хоним ундан уч ўғыл: (Динмуҳаммад, Boқи Мұхаммад, Вали Мұхаммад) күрган. Динмуҳаммад Абдуллахон II замонида (1583—1598) Нисо ва Обивард ҳокими бўлди. Абдулмўминхон ўлдирилгандан кейин (1599) эса Boқи Мұхаммадхон (1601—1605), Вали Мұхаммадхон (1605—1611), И момқулихон (1611—1642), Нодир Мұхаммадхон (1642—1645), Абдулазиз (1645—1680), Субҳонкули (1680—1702), Убайдуллахон II (1702—1711) Абулфайзхон (1711—1747), Абдулмўминхон (1747—1751), Убайдуллахон (1751—1754), Шерғозихон (1754—1757)лар ҳукмронлик қилган.

Мўғул (мўғуллар, мунғул) — бу ном VII асрдан тилга олинади. Улар тунгус тили оиласидаги ширий қабиласининг битта катта уруғи эди ва ҳозирги Хитой Ҳалқ Республикаси Ички мунғул автоном райони Эргина дарёси водийсида яшар эди. Кўп ўтмай улар Чингиз авлоди Курчина бошчилигида Эргина дарёси водийсидан ҳозирги Шарқий Сибириядаги Унун ва Кирулун дарёлари водийлари ва Урхун дарёси водийсидаги Бурҳон тоғлари атрофига кўчиб келиб, кўчманчи чорвачилик ва овчилик билан шурулланишган. 630 йилдан кейин тонг сулоласи таъсис этган ҳозирги Уланботур атрофида таъсис қилинган Янран Духу маҳкамасига қараган. 679 йилдан кейин Турк ҳоқонлиги қўл остида бўлган. Фазлulloҳ Рашидуддин (1247—1318) «Жомеъ ут-таворих» асарида Тотор қабиласини ҳозирги мунғул деб аталадиган туркий қабила, деб ёзади. Милодий 732 йили ўрнатилган «Култегин мангут тоши»да улар «Ўттиз тотор» деган ном билан баён қилинган. Демак, кейинги турк ҳоқонлиги ташкил топғандан кейин ... баъзи мунғул уруғлари туркий тилда гаплашадиган бўлган. 645 йили Ўрхун уйғур ҳоқонлиги барпо этилгандан кейин мунғул ва тотор қабилалари Шарқий Сибир ўрмонларидан яна Уланбер қўли ва Урхун дарёси водийсидаги Бурҳон тоғлари атрофига кўчиб келган. 840 йили бу хонлик яна ағдарилгандан сўнг, мунғуллар Енисай қирғизлари қўл остига ўтади.

Х аср бошларида тоторлар кучайиб, иккига — оқ тотор ва қора тоторга бўлениб кетади; улар ўртасида ҳокимият учун кураш узоқ давом этди. Х асрда қора тоторлар ғолиб келиб, тотор деган номни амалдан қолдириб яна мунғул деган номни қўллана бошлишди. XIII асрнинг бошларида қўнғирот қабиласи қора тоторлар билан бирлашиб, Олтой хонлигига қарши курашиб, кўп ерларни босиб олди. Қўшни уйғур, қирғизларнинг кирай (гирай), наймон, ўйрот қабилалари билан қалин муносабатда бўлиб, мунғулларнинг янги иттифоқини ташкил этди. Шундай қилиб, улар мунғул яйлоқларидағи энг кучли қабилалар иттифоқига айланди.

«Жомеъ ут-таворих»даги маълумотларга қараганда, мунггул қабилалар иттифоқидаги қабилалар «нурун мунггуллар» ва «аралашма мунггуллар»дан иборат икки қисмга бўлинган. Нурун мунггуллар мунггулларнинг ривоятларида баён қилинган аждоди Аланқувадан туғилган соф қонли мунггуллардан иборат экан.

Софқонли деб аталган қабилалар асосан: қатқин (қатағон), солчнут (солчит), тейчут (тейт), хортқон, счиут (сегат), уйқин, орут, монғит, дубон, борин, барлос (борлос), қодирқин, чуройнт, будот, дуғлот, босут, суқон, кинкитот қабилаларидан иборат. Бу қабилалар ўз ичидаги яна бир қанча ўн урурга бўлинган. «Жомеъ ут-таворих»даги маълумотларга ва бошқа тадқиқотларга кўра, соф қонли деб аталадиган бу мунггул қабилаларининг баъзилари туркий қабилаларнинг мунггууларга сингиб кирган қабилалари бўлса керак. Шунинг учун мазкур асарда бу олтмиш соф қонли қабилалар яна «нурун деб аталадиган туркий қабилалар» деб баён этилади. Демак, бу давр мунггул қабилалари туркий қабилалар билан аралашуви орқали кучайган бир давр экан, деган холосага ҳам олиб келади.

XII асрнинг биринчи ярмида қора тоторларга бурчин қабиласининг бошлиғи Ясуқай Ботур бошчилик қилиб, Унун дарёси водийсидаги кучли сиёсий кучга айланди. 1164 йил оқ тоторлар Ясуқай Ботурни заҳарлаб ўлдириши. 1155 йил туғилган тўққиз ёшли Темучин етим қолди, Қора тоторлар бурчинлар ҳамда Кираи қабиласининг бошлиғи Товубхон (Ўнгхон) ҳузурида яширинади. «Темучин унинг тарбиясига ўтади. Товулхоннинг ташқи душманларга қарши барча урушларига қатнашиб, қаҳрамонлик кўрсатади, «Темучин ботур» деб шуҳрат қозонади. Товулхон уни қора тоторларга бошлиқ қилиб тайинлайди. Қора тоторлар эса уни хон қилиб кўтаришади.

Милодий 1206 йили мунггул қабила бошлиқлари Унун дарёси водийсида катта кенгаш чақириб, майдонга тўққиз дона катта оқ түфтикиб, Буюк мунггул хонлигини барпо этишини эълон қилишади. Чингизхон хонлик барпо этганлигини эълон қиласди. Чингизхон хон кўтарилиб, оламнинг хони деб аталди. У вақтда унга шарқда Хивон тоғлари, фарбда Олтой тоғлари, шимолда Сибирия тоғларининг жануби, жанубда даштлар бўйсунган эди.

Мунггул-монгул дегандага ҳозирги Монголия ва XXР даги Ички монгулия тушунилади. Тарихий асарларда эса уларнинг ҳаммаси мўғул деб берилади. Бу мўгуллар XIV асрда ташкил топган Мўгулистон аҳолиси бўлиб, туркийлашган мунггуллар ҳам унинг ичидаги тушунилиб келинмоқда. Ҳатто Чингиз ва унинг ўғиллари ҳамда Чингизийлар ҳам мўғул деб аталиб келинмоқда.

Сакий — Тангутлар таркибидаги қабила, Сакий номли шаҳар ҳам мавжуд.

Тангут — 1) Тибет — Бирма гурухига мансуб ҳалқ. X асрда Шимолий Хитойда Си-Ся давлатини барпо этишган. Тибет Хитой билан тез-тез урушиб

турган. Хоро-Хотодаги Ганфут археологик қазишмаларидан маълум бўлишича, тангутлар ўз ёзуви ва маданиятига эга бўлган. Мўгуллар томонидан Си-Ся давлати яксон этилгач (1227 й.) улар билан қўшилиб кетган бир қисм тангутлар Цинхай вилоятидаги тибетликлар таркибига кирган. 2) Даشتি Қипчоқ ўзбеклари таркибида ҳам тангут қабиласи бўлган.

Толиш, толишлар — Озарбайжоннинг жануби-шарқи (21,1 минг киши, 1939 й.) ва Эроннинг шимолида (100 минг киши, 1990-йиллар ўрталари) яшайдиган халқ. Улар толиш тилида сўзлашади. Толиш тили эроний тилларнинг шимоли-ғарбий гуруҳига мансуб тил. Россияда яшайдиган толишлар Озарбайжон тилини ҳам билади. Диндорлари ислом динининг шиа мазҳабига, бир қисми сунний мазҳабига эътиқод қилишади. Толишларнинг асосий хўжалиги дехқончилик, чорвачилик.

Толишлар моддий-маънавий маданияти билан Озарбайжонларга яқин бўлиб, уларга деярли сингиб кетган.

Турк, туркийлар — жаҳондаги энг қадимий ва йирик этнослардан бири-нинг номи. Жаҳон олимлари тадқиқотларидаги ва қадимги Хитой манбаларидаги маълумотларга кўра, ушбу атама бундан 3,5—4 минг йил муқаддам расмсизмон иероглифлар билан ёзилган битикларда «тиск» ва «тиаук» шаклида учрайди. «Тиск» сўзи бақувват, баркамол, одиллик каби маъноларни англатади, деган фикрлар мавжуд.

Бир неча минг йиллар давомида туркий қабилалар кўп марта бирлашгани ва парчалангани туфайли уларнинг қабилавий таркиби ўзгариб турган.

Милоддан аввали II асрдан — милодий III асртаги бўлган даврда турклар Ҳун хоқонлиги таркибида бўлганлиги учун Хитой манбаларида Сионну Ҳунну деб аталган. Мазкур хоқонлик емирилгандан кейинги 300 йилга яқин давр давомида хитойлар туркманларни тпеклолэ (замонавий тилда теле) деб аташган. VI асрда турклардан бўлган амина авлоди Турк хоқонлигини барпо этган. Хитой манбаларида IX асрда тилга олинадиган турк қабилалари 58 та ном билан ажратилган. Шулардан 22 таси уйfur (иттифоқчилар) деб номланган. Туркиялик олимлар асрларида турк қабиласи қўктурк (осмонга эътиқод қилган турклар) деб ҳам аталади, уларнинг тотеми кўк бўри бўлган.

Турк ибн Ёфас ўғлон, Туркхон — қадимий диний ақидаларга кўра, Ёфаснинг тўнгрич ўғли. Отаси вафотидан сўнг туркий ўлкаларни бошқарган хон (ЎзМЭ. 8-том. 640-б.).

Туркман — туркман сўзи ҳақида турли фикрлар мавжуд. У туркмон ёки трикманди ва ё «турк — эмон»дан ясалган, кимсан деган саволга турк манда, деган жавобдан келиб чиқкан. Туркман номи тегирмон, ботман, кетмон, олмон, сазмон сўзлари каби — мон — ман» қўшимчаси ёрдамида ясалган.

Туркий тилларнинг ўгуз гуруҳига мансуб халқ. Бу тил ўз тараққиёти жараёнида қипчоқ гуруҳига хос баъзи хусусиятларни ўзлаштирган. Туркманларнинг тарихи қадимги туркий халқларнинг тарихи билан борланган. Милоддан аввал туркманлар яшаган ҳудудда Марғиёна, Парфия каби қўчма давлатлар бўлган. Милодий V асрда у ерларни эфталитлар, VI асрда турк хоқонлиги забт қилган, VII асрда араблар босиб олган. IX — X асрларда туркманлар ҳудуди Тоҳирийлар ва Сомонийлар таркибига кирган.

Орол ва Каспий денгизи соҳилларида яшаган ўғузлар XI асрнинг 40-йилларида Салжуқий туркманлар яшаган ҳудудларни эгаллаб, туркман халқининг шаклланишига замин яратган. Туркманлар XIII — XVI асрларда Чингизхоннинг ўғли Жўчи улуси ва Темурийлар давлати таркибида бўлган. XIX асрнинг II ярмидан Россияга қўшиб олинган.

Туркман халқи ва тили ҳам Кўк турк даврларида бери ҳозирги Туркманистонда, Эроннинг шимоли-шарқий қисмida яшаган йигирма тўрт ўғуз гуруҳи вакиллари ҳамда буларга қисман қипчоқ қабила гуруҳлари қўшилиши натижасида ҳозирги туркман халқи ташкил топган, туркманлар таркибига така, ёвмут, чуглон, солор (солир, солур), сарик, эрсори, човдур, ола эли каби қабилалар киради.

Тўрт қавм — бу ерда Чингизхоннинг тўрт ўғли, тўрт улусга мансуб қабила-уруглар устида фикр юритиляпти.

Ўйрот — ўйрот сўзи XIII асрларда пайдо бўлган. У уюшма, бирлик деган маънога эга бўлиб «ўйро» сўзидан келиб чиққан. XIV асрнинг иккинчи ярмида ўйротлар Хушут, Жунғор, Бирет, Турғут қаторли уруғлардан ташкил топган. XVII асрда турғутлар фарбга қўчиб кетгандан кейин уларнинг ўринини хуйт уруғлари эгаллаган. XVIII асрда уларга яна Чурус ва Эмут уруғлари қўшилган. Ўйротлар Жунғор хонлигининг (1635—1757) асосчилари дир. Чингиз қўшининг сўл қаноти Шарқий Туркистоннинг шимолида жойлашган эди. Жунғор шундан келиб чиққан.

Ўйғурлар — «Ўғузхонга ёрдам берган қабилаларга Ўғузхон ёпишувчи, уйишган», уйган маъносини англатадиган «ўйғур» деган ном берган деган, маълумотлар бор, сутни уйтса қатиқ бўлади.

Япон (Ютянхенг), француз (Клапрот) олимлари фикрича, «ўйғур» атамаси милоддан аввалги III—II асрлардан маълум.

Ўйғур этногенези Хитой манбаларида 4—5 минг йил аввал тилга олинган «ди» (турк)ларнинг «чиди» (қизил ди — жанубий турк)сига бориб тақалади. Хитойнинг шимолида мавжуд бўлган Чиди давлати мил. аввалги 594 йилда Цзинь (Жин) хонлиги томонидан тутатилгач, чидилар шимолга кетишига мажбур бўлишган. Ўйғурлар Ҳун қабилавий иттифоқи мил.ав. III аср, милоднинг III—IV асрларида муҳим роль ўйнаганлар. VII асрга қадар ўйғурлар таркибида ёғлиқор (Хон авлоди), кутуртурлош, вийбур, буқосқир, овчар, ҳазар, қосар, ҳўғурсу,

яғмо, аёвир каби 9 қабила мавжуд бўлган. Кейинчалик уларга Сирдарёнинг юқори қисми (Ясса дарёси) бўйида яшаган азиз қабиласи қўшилиши билан ўн уйғур иттифоқи шакллангани (баку, ҳун, байирғу, тунгро, сижие, чибни, изғил (саж), босмил (бошими), қорлук, (гэлүү), сиртадуш, тува, құвурқон, барсуқ, қифиз) қайд этилган. У вақтда уйғурлар жами 122 қабилага бўлинган. Мил. 5—8 асрларда уйғурлар Жўужан (Авар) хонлиги, кейинчалик Улуғ турк хоқонлиги (мил. 551—745), уйғур Ўрхун хоқонлиги (745—840) даврида унинг барча фуқаролари уйғур деб аталган, яна Қангсу (Гансу) уйғур хоқонлиги (850—1028 й.). Идиқут уйғур хоқонлиги (850—1335 й.), Қорахонийлар давлати (850—1212 й.)ни ташкил этишган. Ўрхун, уйғурларнинг Идиқут (Турфон) давлати Хитой манбаларида «Кужу хонлиги» деб номланган. XI асрда унинг ҳудуди фарбда Кучор, шимолда Буюк Хитой деворигача чўзилган бўлиб, араб манбаларида «Билод уйғур» ёки «Йўғур» (ал-Марвазий) деб қайд этилган. Уйғурлар Мўгулистон хонлиги (1348—1465), Ёрканд хонлиги (1465—1759)ни барпо этиб, ўз давлат тизимиға эга бўлган.

Уйғур мамлакати қадимий маданият ўчоқларидан ҳисобланган; бу ҳудудда кўпілаб қадимий давлатлар, шаҳарлар мавжуд бўлган. У қадимдан турли ёзувлардан (26 та) фойдаланган. Улар V—VI асрлардан бошлаб маҳсус уйғур ёзуви ишлата бошлишган. Уйғур ҳалқи юксак санъатга, 12 мақом мусиқасига эга бўлган. Уйғурларнинг аксарияти деҳқончилик билан шугулланиб, ўтроқ ҳаёт кечирган. Тоғли ўлкалардаги чорвачилик билан шугулланган қисми кўчманчи ҳаётга мослашган. Ҳунармандчилиқда тош, суяқ ва металлардан турли буюмлар ишлаб чиқариш, тўқимачилик, қоғоз ишлаб чиқариш ҳам ривожланган.

Уйғур Турфон қабиласи — бу ерда Идиқут уйғурлари деган маънода.

Урус — Шарқ тарихчиларининг асарларида ёзишича, Ёфаснинг ўн бир ўғрининг бири урусадир. Шарқий славян қабилаларидан. Қадимда Киев атрофида давлат ташкил этиб, XIV—XV асрларда ҳалқ сифатида шаклланган.

Угротий аймоқи — мўғул ҳалқини ташкил этган аймоқлардан бири.

Чигатой — Чигатой улусининг шарқий қисмини бошқарган чигатой авлодидан бўлган хонлар қўл остидаги кўчманчилар ўзларини мўғул, давлатини эса Мўгулистон деб атаган. Чигатой улусининг фарбий қисмини ташкил этган Мовароуннаҳр аҳолиси кўчманчилари ўзларини чигатоийлар деб аташган.

Чурос — Чурос деган этник ном қўлёзма манбаларда Чурос уруғи, тумани, табақаси, қавми, аймоғи, ҳалқи, баъзан мардуми чурос шаклида учрайди. Улар турк-мўғул қабиласига мансуб этнос.

Чурослар Мўгулистан давлати (1348—1465)*, Ёрканд хонлиги (1465—1759) ички ва ташқи сиёсатида муҳим роль ўйнаган. Туғлуқ Темурхон ҳукмронлиги даврида (1348—1363) исломни қабул қилишган. Султон Увайсхон ўғиллари Эсан Буғоҳон (1434—1462), Юнусхон (1472—1487) ўртасидаги ҳокимият учун курашларда, Султон Саидхон (1514—1533)нинг ҳарбий юришларида иштирок этган.

Хон ғалабасидан кейин чуросларга қўрсатган ёрдамлари учун инъом тарикасида давлатининг шимоли-шарқидаги Оқсу ва Уч вилоятлари ҳудудларидан ер ажраттан бўлса керак. Чурос аҳолисининг ўша ерларга жойлашиб қолганлиги маълум. Манбаларида Султон Саидхон (1514—1533), ўғли Абдурашидхон (1533—1560) ва Абдукаримхон ҳукмронлиги даври охиригача (1560—1591) бу уруғ вакиллари хонлар саройида бир кўринарли ўринда хизмат қўрсатмаган. Лекин хонликнинг ташқи сиёсатида, жумладан, у хонларнинг Андижон ва Ўратепа ўзбекларига қарши юришида, Мўгулистандаги қозоқ ва қирғизларга қарши юришларида, шунингдек Чолиш, Турфон, Бўлур ва Бадаҳшонга юришларида қатнашган. Унда ҳам иккинчи даражали ўринда турган. Шу боис тарихчилар ўз асрларида чуросларга унчалик эътибор билан қарашмаган.

Мавжуд манбаларга қараганда, ушбу уруғнинг юксалиши ҳамда Ёрканд хонлигининг обру́-эътиборли гуруҳлари сафига кириши Мухаммадхон (1591—1609) даврида бошланиб, унинг ўғли Шоҳ Шужоиддин Аҳмадхон (1609—1618) даврида эса мазкур уруғнинг вакиллари бир қатор муҳим амалларни эгаллай бошлашган. Турли даврларда чурослар бир қатор асосий юқори нуфузли ҳарбий, маъмурий ҳамда давлат амалларини эгаллаб келишган. Улар Ёрканд, Қашқар, Ҳўтган, Оқсу, Чолиш, Кусон, Борчук ҳокимлари бўлишган, амирул-умаро, таҳт ворислари Темур Султон ва Оғоқ Султон оталиги вазифаларига тайинланишган ҳамда ҳукмдорларнинг шахсий маслаҳатчилари бўлишган.

Ўзбеклар — алоҳида этник бирлик, элат бўлиб, Ўрта Осиёнинг марказий вилоятлари — Мовароуннаҳода, Хоразмда, Еттисувда, қисман Шарқий Туркистоннинг Фарбий минтақаларида шаклланган. Ўзбек халқининг асосини Ўзбекистон ҳудудида қадимдан ўтрок яшаб, суформа дехқончилик, ҳунармандчилик билан шуғуланиб келган маҳаллий сурдийлар, баҳтарийлар, хоразмийлар, фарғоналиклар, ярим чорвадор қанғиллар, кўчманчи сак-массагет каби этник гуруҳлар ташкил этган. Шунингдек, Жанубий Сибирь, Олтой, Еттисув, Шарқий Туркистон ҳамда Волга ва Урол дарёси бўйларидан турли даврларда Мовароуннаҳрга кириб келган этник компонентлар ҳам ўзбеклар этногенезида иштирок этди.

* Қавс ичидаги рақамлар ҳукмронлик қилган даврни қўрсатади.

Амударё ва Сирдарё оралиғида сұнгти жез даврида ёқ юқорида номлари зикр этилган қабила ва әлатларнинг этник жиҳатдан дастлабки аралашуви содир бўлганлиги ва ассимиляция жараёни натижасида антик даврга келиб, ўтрок ҳаётга мослашган туркий ҳудудий майдон таркиб топғанлиги ҳамда ўзбек халқига хос антропологик типнинг макон ва замони аниқланди. Милоддан ав. III асрда Сирдарёнинг урта оқимида туркий ва сүфдийлар иттифоқи асосида ташкил топған Қанғ давлати даврида Мовароуннаҳро ва унга туташ минтақалардаги халқарнинг иқтисодий, сиёсий ва этномаданий алоқалари тобора ривожланиб бориши натижасида туркийзабон этнослар устуворлик қилиб, ўзига хос үйғунлашган маданият шаклланди. Ўрта Осиё икки дарё оралиғи антропологик типи (қиёфаси) тулиқ шаклланди.

Ўзбекларнинг этногенезида қатнашган навбатдаги этник компонентлар — күшонлар ҳамда IV — V асрларда Ўрта Осиёнинг марказий вилоятларига Жанубий Сибирдан, Жунгориядан, Шарқий Туркистондан силжиган хионийлар, кидарийлар ва эфталийлардир.

Ўзбек этногенезига фаол таъсир ўтқазган туркий этник компонентлар асосан Турк хоқонлиги (VI—VIII асрлар) даврида Ўрта Осиёнинг марказий минтақалари (Тошкент, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё воҳалари, Фарронаводийси) ва Хоразмга келиб жойлашиб, бу этник компонентнинг аксарият қисми маълум бир тарихий давр мобайнида ўтроклашди. Турк хоқонлиги даврида кириб келган компонентлар ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги этник-маданий муносабатларнинг ривожи ҳудуддаги этник жараёнлар тараққиётига катта таъсир ўтқазди. Бу давр туркий-сүфдий симбиознинг ҳал қўйувчи босқичларидан бири бўлган.

VIII асрдан араб ва ажам (араб бўлмаган Яқин ва Ўрта Шарқ) халқларининг Ўрта Осиёга кириб келиши минтақадаги этник жараёнларга унча кучли таъсир этмаган.

IX асрдан бошлаб Мовароуннаҳро минтақасида яхлит туркий этник қатлам, жонли туркий тил муҳити вужудга кела бошлади ва, ўз навбатида, сүфдийлар ва бошқа маҳаллий этносларда ҳам туркийлашиш жараёни жадаллашиб давом этди.

Қорахонийлар даврида (XI — XII асрлар) давлат доирасида ҳозирги ўзбекларга хос туркий этнос қарор топди ва мазқур даврда ўзбек халқига хос этник аломуватлар шаклланди. Бу даврда ўзбекларнинг умум әлат тили қарор топди. Мовароуннаҳро ва унга туташган минтақаларда яшовчи туркийзабон аҳоли — қарлуқ, чигил, яғмо, тухси, ҳалас, аргин, ўғуз, қипчоқ, ўз, қанғли сингари уруғлар ўзларини бир ҳалқ сифатида англий бошлишади.

Умуман олганда, XI — XII асрнинг 1-ярмида ўзбеклар ҳалқ сифатида шаклланган. XIII аср бошларида, Чингизхон истилоси даврида мўғул қўшинлари таркибида кўп сонли туркий этнослар ҳам кириб келди.

XV асрға қадар эса ушбу этносларнинг кўп қисмида маҳаллий аҳоли билан аралашув жараёни содир бўлди ва улар шаклланган ўзбек элатининг кейинги тараққиётида маълум даражада из қолдирилар. XV асрда Чигатой улуси тили ривожланиб, қарлуқ, қипчоқ ва ўғуз диалектларига асосланган туркий ёки «чиғатой турк» тили деб номланган адабий тил шакланиб, энг юқори нуқтага кўтарилди. Ўзбекларнинг этник тарихида XV аср охири — XVI асрларда Ўрта Осиёга манғит, қўнғирот, наймон, уйғур, сарой, қайоғон, қўшчи, дўрмон, кенагас, қирқ, юз, минг, баҳрин ва бошқа дашти қипчоқ ўзбек этник гуруҳларининг навбатдаги тўлқини кириб келди. Натижада Мовароуннаҳо аҳолиси-нинг этник қиёфасида уларнинг аломатлари фаоллашди. Дашти Қипчоқдан икки дарё оралиғи ва Хоразмга келиб ўрнашган этник гуруҳлар «ўзбек» номи остида маҳаллий аҳоли этник ранг-баранглигини бир мунча кўпайтирган бўлсалар-да, лекин унинг этник таркибини тубдан ўзгартириб юбормаган. Ушбу этнослар шаклланган ўзбек халқининг таркибиға келиб қўшилган навбатдаги этник компонент эди, холос. Ўзбек этномининг келиб чиқиши бўйича фанда ягона фикр мавжуд эмас. Айрим муаллифлар Даشت Қипчоқда кўчиб юрган турк-мўғул қабилаларининг бир қисми ўзларини эркин тутганликлари сабабли «ўзбек» яъни «ўз-ўзига бек» деб атаган десалар, бошқалар ўзбек этноминини Олтин Ўрда хони Ўзбекхон (XIV аср) номи билан боғлайди. Бошқа бирлари Даشت Қипчоқнинг шарқий қисмида кўчиб юрган турк-мўғул қабилаларига таалуқли бўлган, деган фикрни билдирадилар. Бироқ бу ном шахс номи сифатида Насавий, Жувайний ва Рашидуддин (XIII аср) асарларида қўлланади. Олтин Ўрда хони Жўчи наслига мансуб Ўзбекхон ҳамда Илдезидлар сулоласидан бўлмиш Озарбайжон отабекларидан бири Ўзбек номи билан аталган. Хоразмшоҳ (1200—1220) амирларидан бирининг исми Ўзбек эди. Венгерларда Қушбеги, Отебеги каби унвон мавжуд. Чингизхон аскарлари таркибида, Тўхтамиш қўшинларида ҳам «ўзбек» қабилалари бўлган. Демак, юқоридаги фикрларнинг бирортаси ўзбек атамасининг келиб чиқишига жавоб бўломмайди. Тарихий манбаларда келтирилган 92 ўзбек уруғлари нафакат Ўзбекистон ҳудудида, балки бутун Ўрта Осиё ҳудудларига тарқалган. Бу 92 ўзбек уруғига мўғул истиносидан олдинги ва истило даврида ҳамда шайбонийлар даврида келган этник гуруҳлар ҳам киради. Шунингдек, Ўрта Осиёда қадимдан яшаб келаётган чигил, яғмо, усун, тухси, халаҷ ва бошқа этник гуруҳлар ҳам 92 ўзбек элати таркибиға кирган.

Қавм — жамоа, қабила-уруғ; улус, аҳоли маъносида ишлатилади.

Қазоқ (қозоқ) — бу атама айрилди, ажралди, қайрилди ва чўл, дашт, тоғларда кўчиб дайдиб юрувчи, деган маъноларни англашади. Аввал қозоқларни қирғиз-қайсоқлар деб аташган.

Қозоқлар мұрақкаб этник тарихга әга. Уларнинг қадимги авлодлари Үрта Осиё ва Қозогистон ҳудудида яшаган сак қабилалари бұлған. Мил.ав. III — II асрларда Жанубий Қозогистонда усун қабилалар уюшмаси, жануби-ғарбда эса Қанғли қабилалар иттифоқига мансуб қабилалар яшаган. Шунингдек, мил. I асрда Орол дengизидан ғарбда қозоқ этногенезига юқоридаги қабилалар сингари таъсир күрсатған аланлар яшаган. VI — VII асрларда Қозогистоннинг жанубий қисмiga жойлашған қабилалар Farбий Турк хоқонлиги ҳукмронлиги остида бұлған. Бу даврда Қозогистон ҳудудига шарқдан тиркаш, қарлуқ ва бошқа қабилалар келиб жойлашған. Қозогистоннинг турли районларыда қисқа мұддатли илк феодал сиёсий уюшмалар тиркаш ва қарлуқ (VIII — X асрлар) хоқонликлари, үғузлар уюшмаси (IX — XI асрлар), кимак ва қипчоқлар (VIII — XI асрлар) уюшмалари вужудға келди. Қипчоқлар ҳозирги Қозогистон даштларини әгаллаб, кейинчалик бу жойлар ҳам Даشتı Қипчоқ деб аталған. Қорахитойлар давлатининг пайдо бўлиши маҳаллий қабилаларнинг этник жипслашувига имкон берди. XII аср бошида Қозогистон ҳудудига қорахитойлар бостириб кирди. Улар маҳаллий туркий тилли аҳоли билан аралашиб кетди.

XIII аср бошида Қозогистон ҳудудига Мұғулистон ва Олтойдан Чингизхон құшинлари томонидан тор-мор этилган наймон ва керайит қабилаларининг қолдиқлари келиб ўрнашдылар.

Мұғуллар истилосидан кейин, қабилага мансуб аҳолининг қүчиши, уюшуви натижасида турли этник уюшмалар XV асрнинг ўрталари ўзбек сулолалари ўртасидаги кураш натижасида Mұғулистонға ўтиб жойлашды. Улар XV асрнинг 70-йилларида яна ғарбға қайтди. XV аср охири — XVI аср бошларида қозоқ хонлиги тузилди. Шу билан қозоқ әлатининг шаклланиш жараёни тутади.

Қазоқ этник атамаси XVI асрнинг 20—30-йилларидан ўзбек хонлиги таркибида ва үндан шарқдаги районларда яшаган барча чўл зоналардаги аҳолига нисбатан қўлланилди.

Қазоқ әлати таркибида учта жуз — йирик қабила гурухлари — таркиб топди. Уларнинг ҳар бири мустақил кўчманчи хўжалик ва алоҳида ҳудудға әга бўлған. Катта ғулли жузга дулот, олбон, суан, қанғли, жалойир, сирғали, сари, усун ва бошқалар; Үрта жузга асосан аргин, наймон, қитроқ, керайит, қўнғирот қабилалари; Кичик жузга алимули қабиласи кирган.

Қалмоқ (Қалимоқ) — мунгул ҳалқининг уйрот этник қабила-уруг гурухига туркийлар томонидан берилған атама; улар Үрта Осиёning Или водийсида ташкил топған. Жунғор хонлигининг (1635—1757) асосчиси. Қалмоқлар буддиzmга эътиқод қилған. «Мажма ат-таворих»да берилған маълумотта кўра, ўзбекларни ташкил этган қабилалардан бири ҳисобланади. Farбий мұғуллар-

нинг этник номи **ҳам қалмоқ** деб аталган. Волга, Дон ва Урол дарёлари соҳиларида яшайдиган қалмоқларда **ҳам** бу ном сақланиб қолган.

Қизилбош — бу ерда эронийлар маъносида.

Қипчоқ — В.В. Бартольд сўзларига қараганда, Даشتি Қипчоқ аҳолиси шарқ манбаларида қипчоқлар; рус солномаларида половецлар, Византия хроникаларида кумонлар деб аталган. 1030 йилларда Хоразмга қўшни бўлган, 1050 йили рус ерларига бостириб кирган. Сирдарёning қуий оқими ва Балхаш кўлидан то Днепр дарёсининг қуий оқимларигача бўлган худуд XI асрдан бошлаб Даشتি Қипчоқ деб аталган. Маҳмуд Кошгарий Иртишдаги иймакларни қипчоқларнинг бир бўлаги (қисми) деб, диалектида сўз бошидаги «й»ни «ж» деб талаффуз қиласидиган қабила эканлигини; уларнинг қипчоқлар билан бирлигини эслатади. Ҳасан Ато Абуний қипчоқлар «кубоний» — «кумоний» деб ҳам аталган. У Осиёдаги жуда эски турк қабилаларидан бири бўлиб, қўчманчилик ва қисман ўтроқ ҳаёт кечирган, деб ёзади. Рӯзбехон ёзишича, Даشتি Қипчоқ ўзбеклари Шайбонийлар замонидан уч тоифадан ташкил топган. Улар Шайбон улусида кўчиб юрган ўзбеклар — шайбонийлар, қозоқлар ва мангийлар.

Қирғиз — бу атама ҳақида турли фикрлар мавжуд. Қирғиз сўзи Қирқ ўғуздан келиб чиқкан бўлиб, қирда яшовчи уйғурлар деган маънени англаради. «Еван сулоласининг тарихи» китобида: қадимги замонда 40 ханзу қизнинг ўғуз районири (Хитой) бориб тўй қилишгани, уларнинг авлоди қирқ ўғуз деб аталганидан келиб чиқкан, дейилган. Қирғиз деган ном қадимги хитой тарихий маълумотларида милоддан аввалги III асрда биринчи марта тилга олинган. Бу чоғда улар хитойча «гийқун», «жиянқун» деб аталган. Улар ҳуналарнинг шимоли, яъни ҳозирги даврда Фарбий Сибирдаги Енисей дарёсининг бош оқимида яшаганлар. Улар динг линглар билан жуда яқин муносабатда бўлган. Мил. ав. 209 йилдан кейин ҳуналар тобелигига тўлиқ ўтиб қолган. Мил. ав. 127 йили ҳуналар қўлидан қутулган бўлса-да, милоддан аввалги 36 йили ҳозирги Толос дарёси бўйларида ҳуналар исканжасидан тамоман қутулган. Мил. III асрда қирғизлар кучайиб, тахминан, 150 минг аҳоли, 30 минг қўшинга эга зўр қабилага айланган. Толос водийсида ўтроқлашган бўлса керак, шундан кейин тарихий материалларда қирғизлар «Шарқий қирғизлар» (Енисей қирғизлари) ва «Фарбий қирғизлар» (Тангритоғ қирғизлари)га бўлиниб баён қилинадиган бўлган. II асрдан кейин ўғузлар билан Тангритоғ қирғизлари жуда яқин алоқада бўлиб, ўғузлар қирғизлар ичига сингиб кетган, яъни тулас қабиласи қирғизлар билан қўшилиб, қирғиз «тўлуси — дулус» қабиласи юзага келган. Қанғли ва уйсун қабилалари билан қалин муносабат натижасида қирғизлар таркибига ҳам уйсу ва қанғ-

лилар кириб қолган. Милодий 552 йили қурилган Күктурк хонлиги 582 йили иккига бўлингандан кейин Фарбий ва Шарқий Турк хоқонлиги таркибида бўлди. 659 йилдан сўнг улар Туркаш, қарлуқ хонлиги, Қораҳонийлар сулоласи, Қора Қитонлар хонликлари таркибида бўлди. Чингизхон авлоди ҳукмронлиги даврида қирғизлар Тўлуй ва Чигатой улусига кирган. Чингизхон авлодлари ҳукмронлиги даврида ҳам қирғизлар этник таркибида катта ўзгаришлар юз берди. Толос, Норин, ҳатто, Самарқанд атрофига кўчиб келиб қариндошлиарига қўшилишди. Чингиз авлодларининг ҳокимият учун курашларида иштирок этишди. Қутлайхон мўғул хонлиги номини «Еван» деб ўзгартирганда, унга қарам бўлди.

Еттисув, Мовароуннаҳодаги туркий қабилалар: уйғур, қарлуқ, мұғул, қозоқ, нўғайнинг бир қисми қирғиз халқининг шакланишида алоҳида роль ўйнаган.

Қолужи — Қолучи — туркий қабила, Мұғалистонда Султон Сайдхон даврида мамлакат ҳаётида муҳим мавқега эга бўлган.

Қорахитойлар — олтой тил системаси монжур тунғус тиллари оиласидаги (баъзилар туркий тиллар оиласи деб қарайди) қадимги бир улуснинг номи. Милодий X асрнинг бошларида Лиёв хонадонини барпо этган, XII аср биринчи ярмида емирилгандан сўнг унинг бир қисми фарбда Еттисув ва Тангрифор этакларида Қорахитой давлатини барпо этган. Бу давлат Хоразмшоҳлар томонидан емирилган.

Қўнғирот — қўнғирот-турк мўғул қабила-уруг номи. Қўнғирот ўзбек, нўғой, қорақалпоқ ва мұғул халқларининг этник таркибига кирган. Қорақалпоқ қўнғиротлари катта этник гуруҳ бўлиб, улар сегиз тамғали шуллук ва жети тамғали жовунғурдан иборат иккига бўлинган. Биринчисига қиёт, очомойли, кулдовли, қўштамғали, болғали, хондакли, қорамуюн қабилалари кирган. Жовунғурга терстамғали, боқонли, тиёқли, эрғоқли, буймоқли, қозоёқли уйғурлардан иборат етти уруғ кирган.

Қўшчи — қирғиз халқини ташкил этган уруғлардан бири.

АТАМАЛАР ВА ИЗОҲ ТАЛАБ СЎЗЛАР ШАРҲИ

Авранг тош — тахт равоқлар учун ишлатиладиган гўзал тош — қоштош — нефрит.

Ажам — араб этник халқлари ва мамлакатларидан бошқаси, (кўпинча) Эрон мамлакати ва халқи шундай аталади.

Амир (арабча) — фармон берувчи, бошлиқ, ҳоким; араб халифалари томонидан ўз тасарруфидаги мамлакатларнинг маҳаллий ҳокимларига бериладиган юксак унвон, Эрон, Ўрта Осиёда IX—XV асрларда ҳукмронлик қилган подшоҳлар амир деб аталган, жумладан, Соҳибқирон Темурбек ҳам ўзини амир деб атаган. 1756—1920 йилларда Бухоро хонлигини бошқарган манғит сулоласидан бўлган подшоҳлар ҳам ўзларини «амир» деб аташган.

Амирул умаро — лашкарлар бошлиғи — амири; қўшин қўмондони.

Атрок — арабча турк сўзининг кўплиги.

Аҳли суннӣ — Суннӣ мазҳабидаги кишилар.

Баковул — Бухоро хонлигига сарой дастурхончиси, хонга дастурхон ёзиш олдидан овқатни тотиб кўрувчи бош ошпаз.

Битуқчи — 1. Девон, иншоҳат ёзувчи, ҳукмдорнинг маҳкамасида хизмат қилувчи кичик мансабдор котиб. 2. Қабила номи.

Буқаламун — 1. Ранг-баранг товланадиган қуш, хамелеон. 2. Ўзгарувчан, товланма; сўзида турмайдиган.

Вақоиъеъ — воқеанинг кўплиги, — воқеалар.

Вобира — эвара.

Волий — ҳоким, ҳукмдор, подшоҳ.

Вонг — Хитой маъмурий тузумида иккинчи даражали амал. Хитой тилида феодал князъ деган маънони англатган.

Ганҷхазина — ганж форсча олтин, қумуш, жавҳирот каби қиммат баҳо ашёлар тўплами. Ганҷхона — хазинахона.

Даракчи — хабар олиб келувчи хабар етказувчи. Тарихий асарларда ай-роқчи, жосус маъносида ҳам ишлатилган.

Дарҳон — ўрта асрларда солиқдан ва ҳар қандай мажбуриятлардан озод қилинган, имтиёзли, дахлсиз (қабила, ургу, зот ёки мансабдор).

Девон — Шарқ мусулмон мамлакатлари олий амалдорларининг мажлиси, давлат ёки вазирлик маҳкамаси — идораси девон дейилган. Давлат бош идораси котиби ҳам девон деб аталган.

Девони олий — олий девон, яъни девонлар бошлиғи, бош девон.

Динори шоҳрухий — пулнинг номи. У таҳминан XIV асрларда олтиндан, XV асрнинг охиридан кумушдан зарб қилинган (сўқилган). Олтин динор уртача 4,25 грамм олтинга тенг бўлган.

Шоҳрух даврида юритилган динорлар шоҳрухия ёки динори шоҳрухий деб аталган.

Дирам — пул бирлиги, 3,235 граммга тенг кумуш танга.

Ўрта асрлардаги араб кумуш тангаси, Ироқ ва Мароккашда муомалада бўлган танга пул.

Домод — куёв.

Ёрлик (турк) — ўзбек, мўгул-татар, умуман туркий хонликларда хоннинг ёзма фармони.

Жуэзъя (арабча) — Ислом дини қоидасига қўра, шу динни қабул қилмаган ва бошқа диндаги кишилардан олинган солик, ўтмишда мусулмонлар орасида яшовчи маҳаллий яхудийлар ва бошқа диндагилардан ундирилган солик.

Зикри жаҳрия — зикр этиш, тилга олиш, баён айтиш, эсламоқ, ёд айтмоқ. 1-дан Оллоҳни ёд айтмоқ. 2-дан Оллоҳ қалимасини ёки «Лоилоҳа иллаллоҳ» жумласини айтмоқ, такрорламоқ. Зикр икки турли бўлади. 1. Зикри жаҳрия — ошкора зикр айтиш, очиқ тилга олиш, яъни овози зикр. 3. Зикри хуфия — фақат ўзигина эшитгудай паст овозда қилинган зикр.

Зикри хуфия (хуфи). Фақат ўзигина эшитгудай паст овозда қилинган зикр.

Кайоний — Каёний (форсча). Эроннинг каён сулоласига мансуб бўлган шоҳларнинг лақаби.

Қари — узунлик ўлчам бирлиги, таҳминан 100—365 см.

Кашф ал-маҳжуб — Кашф — очмоқ, қилмоқ маъносини, маҳжуб — пардаланган, ўралган, беркинган, уялган, уятли маъносини англатади. Парадани, бекинган нарсани очиб ташлаш, бирор сирни ошкор этиш, уялмаслик.

Қўкалдош — (Кўкалтош) — сут эмишган (асли бегона бўлса ҳам, бир онани эмиб қариндошлашган) киши.

Лак — бир лак юз мингта тенг.

Мавлоно — мусулмон шарқида олим ва фозил кишиларни, устозларни улуғлаб, уларнинг номларига қўшиб ишлатиладиган сўз.

Манглай расми — манглай шарқ, кунчиқар маъносида бўлиб, манглай расми шарқ расми деган маънони англатади.

Матлаъ — чиқадиган жой, Қуёшнинг чиқиш жойи; 2. Шеърий асарнинг аввалги икки мисраси, бошламаси.

Маоф — тамом бўлмоқ, тутамоқ, озод бўлмоқ.

Махрам — 1. Бир-бирига никоҳ раво бўлмаган энг яқин қариндош. 2. Улфат, ҳамдам, сирдош; 3. Ҳусусий хизматчи, ички хизматчи.

Минг бош кумуш — бу ерда минг ёмби кумуш маъносида келган бўлса керак. Қўйма олтин ёки кумуш ёмби деб аталган. У пул ўрнида ҳам ишлатилган.

Мир — амир сўзининг қисқарган шакли. Бу ерда Мир киши номи.

Мирбоши — Амирлар бошлиғи.

Мирзо — 1. Ёзув-чиезув ишларини олиб борган лавозимли киши; котиб. 2. Амирларнинг ўғиллари.

Мироҳур — хонликларда сарой отхоналарига бошчилик қиласидан мансабдор.

Мисқол — оғирлик ўлчов бирлиги, бир қадоқнинг 48дан бир қисми, тахминан 4,1 ёки 4,6 грамм.

Модари Кошқар — Она Кошқар.

Мутавалли — диний муассасаларнинг хўжалик нозири, жумладан, мадраса, масжид, вақф мулкларининг кирим-чиқимларини бошқарувчи.

Мутобаат (арабча) — Бирорнинг кетидан эргашиш, изидан бориш, пайровлик, тобеълик.

Муқарраб — яқин турувчи, яқин дуст.

Мўътиқид (арабча) — Эътиқод қиласидан мансабдор.

Навкар — 1. Ходим, хизматчи, 2. Аскар, отлиқ аскар йигит.

Насх таълиқ — араб ёзувида хатнинг бир тури. У насх хати билан таълиқ хатидан ҳосил бўлган.

Оталиқ — ота сўзидан олинган: 1. Уруг таркибига кирган гуруҳнинг бошлиғи; 2. Ўзбек, туркий хонликларда хоннинг бош кенгашчиси, олий сарой мансабдорларидан бири. Хонларнинг фарзандларини тарбияловчи ва маслаҳатчиси. Оталиқлар Отабек деб ҳам ишлатилган.

Садр — XII — XIII аср бошларида Бухорода диний ва дунёвий ҳокимият ҳукмдори унвони. Мусулмон мамлакатларида монархга яқин бўлган сарой аъёнлари, вақф ва диний ишлар билан шуғулланувчи руҳонийларга берилган фахрий унвон. XI — XII асрлардан бошлаб Садр унвони вазирга тенг бўлган. Садрларга вилоят ёки бутун мамлакат вақфини бошқариш вазифаси юкланаради.

Сардафттар (форс.адаб.) — олдинги, пешқадам, илғор.

Сардор (форсча) — бошлиқ, етакчи, йўлбошчи.

Саф ясол — саф қатор, саф тузмак.

Сикка (арабча) — 1. Олтин, кумуш ва чақа пул устига урилган тамра.

2. Тамра урилган ақча.

Сипоҳ (форсча) — 1. Аскар, қўшин; 2. Амалдор.

Солиёна — йиллик маъносида, бир йил ҳисобидан олинадиган тўлов маъносини ҳам англатади.

Сосоний — 224—651 йилларда ҳукмронлик қиласидан Арадашир асос солган Эрон шоҳлар сулоласи.

Судур (арабча) — Диний маросимларни текширувчи катта мансабдор.

Сулук (арабча) — 1. Йўл тутиш; яхши ўлга кириш, равиш; 2. Суфийларда — худога яқинлашиш ўли.

Тавочи — подшонинг бўйруқ ва топшириқларини тегишли ерга етказувчи ва амалга оширувчи амалдор, адъютант.

Тоброҷ — товғоч — Ўрта паст текисликдаги давлатнинг номи. Баъзи адабиётларда Хитой маъносидаги ишлатилиб келинмоқда.

Туман — ўн минг; ўн минг лашкардан ташкил топган ҳарбий қисм; ҳозир маълум маъмурий ҳудуд маъносидаги ишлатилмоқда.

Тур — байроқ, алам.

Тұфакчи — тұфанды, ов қуроли, ов мильтифи, тұфакчи — мильтиқчи маъносидаги.

Улус — бир катта жамоа, ҳалқ, қабила — уруғларнинг этник-сиёсий гурухи ва улар яшаётган ҳудуд. Мамлакатнинг бир бўлاغи.

Улусбеги — улусни бошқарувчи. Улусбеги Мўғулестон давлатида хоннинг маслаҳатчиси, бир неча вилоятдан ташкил топган ҳудудни — улусни бошқарувчи ҳукмдор бўлган. Улус бегига амир, беклар, бийлар бўйсунган. Ёрканд хони Абдуррашидхон даврида (1533—1560) улусбеги амали бекор қилинган.

Улуси Чигатой — Чигатой улуси.

Халифа (халаф, халифа) — ўринбосар.

Хатти қўфий — қўфий хати. Қўфа шаҳрида VII асрда ижод этилгани учун Қўфага нисбат берилиб, қўфий дейилган. Қуръон нусхалари дастлаб қўфий ҳарфларда кўчирилган. Мазкур ёзув X асрдагача такомиллашади. XIV асрда келиб бу ёзув фақат меъморчиликдаги китобат ишларида, танга ва бошқа амалий ҳунармандчилик буюмларини безагандагина ишлатиладиган бўлди.

(Хатти) насх — насх хати, эски арабча ёзув (хат)нинг бир тури, насх бекор қилиш маъносидаги бўлиб, хаттотлар томонидан кенг қўлланилиб, беш хат турларини четта чиқаргани учун ҳам шундай аталган. Ушбу хат тури X асрда кенг тарқалган бўлиб, унинг ўзига хос ҳусусиятларидан бири «алиф», «дол», «лом» ҳарфлари «тажак» қилинмай тез ва равон ёзилишидир. Аслида насх хатида ҳам кўплаб қўлләзмалар ёзив қолдирилган.

Хатти таълиқ — форс ёзувига мансуб хатнинг бир тури. Таълиқ, осилиб турувчи, илинган ёзув услуби бўлиб, аслида риқоъ хатидан келиб чиқсан. XIV асрда ижод этилган. Таълиқ хати насх хатидан олинган.

Хатти шикаст — форс хати номи билан айтиладиган хат турларидан бири.

Хатти қитъа — араб ёзувидаги хатларнинг бир тури.

Хирож — 1. Урушаб олинган, қарам қилинган мамлакатдан енгтан подшоҳ томонидан олинадиган солик; 2. Ҳалқдан ундирилган солик.

Хислати ҳамида — яхши хислат, яхши фазилат.

Хожа — 1. Бошлиқ, соҳиб, эга; уй эгаси, оила бошлиғи; 2. Катта сандогар.

Хоқон — хонлар хони, шаҳаншоҳ.

Хутба (арабча) — 1. Жўумъа ва ҳайит намозларида хатиб (хутба ўқувчи) томонидан минбарга чиқиб, диний панд-насиҳат сўзлар айтиш; 2. Никоҳ қилиш пайтида имом томонидан ўқиладиган дуолар; 3. Китобнинг бошидаги ҳамд қисми.

Чарх — фидирак; айланиш; осмон; қўк; фалак; тақдир, толеъ, ип йигирадиган чарх.

Чобуксувор — чавандоз, отни усталик билан бошқарувчи, улокчи.

Шайх — 1. Суфийлар бошлиғи, эшон; 2. Қари, кекса диний одам; 3. Мозорларга қараб, унинг ишларини бошқарувчи. Қўргина араб мамлакатларида олий руҳонийлар вакили, диний ақидаларни билувчи, ваъз-насиҳат қилувчи, айрим мамлакатларда дарвишлар жамоасининг раҳбари, князликни бошқарувчи олий палак аъзоси; қишлоқ оқсоқоли.

Шайхулислом (арабча) — купчилик мусулмон мамлакатларида олий ҳукмдор, шоҳсултон, хон, амирлар томонидан тайинланадиган руҳонийлар бошлиғи, давлат ва ижтимоий масалалар бўйича фатво чиқарувчи, ҳатто, диний суд бошлиқларидан бири — диний маросимларнинг аниқ бажарилиши устидан назорат қилувчи амалдор. Бухорода амирнинг сўл томонида ўтириш ҳуқуқига эга бўлган.

Шаҳна — қўриқчи, соқчи, посбон.

Шийъа — ислом динидаги икки мазҳаб йўналишининг бири. VII асрнинг иккинчи яромида вужудга келган.

Шоҳрухий — Шоҳроҳ ҳукмронлиги даврида зарб қилинган танга пул. (*Динори шоҳрухий изоҳига қаранг*).

Ясовул — туркий хонликларда, жумладан, Бухоро ва Хива хонликларида вазирлар ҳузурида турли вазифаларни бажарувчи; Хива хонлигига солиқ тўловчилардан тўланмай боқиманда бўлиб қолган пулларни ундириш ёки шу ҳақдаги хабарларни аҳолига етказиш вазифаларини ҳам ясовуллар бажарган. Ясовулларнинг вазифаси ҳозир замондаги полиция, милиция вазифасига тўғри келади.

Конун — 1. Бир турли мусиқа асбоби; 2. Усул, расм, низом; 3. Тартиб, қоида, кўрсатма.

Қоон — хон, подшоҳ.

Ғўл лашкар — қўшиннинг кўпинча подшоҳ ва хоннинг ўзи бош бўлиб турадиган марказ қисми.

Ҳоким — 1. Ҳукм қилувчи, ҳукм юритувчи; 2. Шаҳар ҳукумат бошлиғи, вилоят ҳукумат бошлиғи. Волий, амир, ҳатто, подшоҳ маъноларини англатади.

Ҳофизи Қуръон — Қуръони каримни қироат билан ёд ўқувчи қори.



КИШИ НОМЛАРИ КҮРСАТКИЧИ

-*A*-

Аббос Баҳодир	97а, 996, 1006
Абдалқули Ясовул	321б
Абдал Шайх	273а
Абдулвоҳид	267а, 2696
Абдулвоҳид Баҳодир	250б
Абдулвоҳид Тахури	282б
Абдулазиз	266а
Абдухалибек	246а
Абдуллатиф мирзо	277а
Абдуллахон	187а
Абдуллоҳ	170а, 223б, (Д138), 330а
Абдуллоҳ Марварид	201б
Абдулло мирзо	187б, 327б
Абдулло султон	226б
Абдулло Саффоҳ	77а
Абдулҳай	200а
Абдулҳай Вали	201а
Абдурраззоқ мирзо	206б
Абдуррашид	226б(Д138)
Абдуррашид султон	332а
Абдуррашидхон	81а, 149б, 155а, б
Абдулқуддус	135а
Абил Ос	153б
Абобакр Сиддиқ	315а
Абобакр мирзо	229б, 122(C569)
Абоқохон	77а
Абул Қосим	303а
Абубакр	100а
Абу Жаҳл	83а



Абул Маоний Термизий	103а
Абулхайрхон	126а, 127а, 133а, 6; 1596, 1676, 168а, 2426, 246а
Абулмузаффар Абдуррашидхон	
ибн Султон Сайдхон	82а
Абу Саъид Кўрагон	179а, 200а
Абу Саъид мирзо	2036, 301а
Абу Саъидхон	1656, 2546
Абу Ҳанифа	218а, (Д138)
Адик султон	301а
Азизберди	1826, 1836, 184а, 288а
Айровсун	716
Алику	1246
Али	2066
Али барлос	150а
Али дарвиш	1066
Али ибн Абу Толиб	2006
Али Мирак	150а, 1836
Али Мирак мирзо	2656
Алим шайх Баҳодир	119 (С569)
Али Сайид	2276(Д138)
Али Сино	2066
Али Тогай	
Али Халифа	203а
Алика	2706
Али қурчи	267а
Али Ҳоғиз Басир	2016
Аловуддин Муҳаммад Жувайнин	296а
Аловуддин Муҳаммад ал-Ҳўтаний	259а
Аловуддин Ҳўтаний	2626
Алонқуқўрклук	83а, 836
Алоқон беки	83а, 836
Амасанжи Тайши	126а
Амин доруга (Эмин Дурға)	273а, 2706
Амир	1256
Амир Аббос	1116
Амир Абдуали тархон	1676
Амир Абдулқуддус	135а, 1396

Амир Алишер	172a, 198a
Амир Арвас	2236
Амир Аргун оқо	736
Амир Аҳмад	170б, 230а, 235а
Амир Аҳмад Қосим	203а
Амир Баён сұлдуз	89а
Амир Барқул	87а
Амир Баҳром жалойир	102а
Амир Бекчик	89б, 93б, 94б
Амир Бобдоғон	260б
Амир Боязид	87а
Амир Буложи	84б, 90а, 101б, 114а, 159а
Амир Буложи дүгелот	84а
Амир Бўлжининг ўғли Амир Оқбуғо	107а
Амир Довуд	96а
Амир Доим	220б (Д138)
Амир Доим Али	265б, 322б
Амир Дўст	235а
Амир Жаббор	279а
Амир Жабборберди	265б, 281б, 282а, б;
Амир Жабборберди ўғли	
Муҳаммад Имин мирзо	164б
Амир Жаҳонгир	110б
Амир Жоку	94б, 186б
Амир Жоку барлос	92а
Амир Жонака	305а
Амир Жонвафо	187а
Амир Жонвафонинг ўғли Амир Ёғ	187б
Амир Жубон	79а, б
Амирзода Жаҳонгир	104б, 109б
Амирзода Сайфуддин	110б
Амирзода Умар Шайх	111а
Амир Кабир	231а
Амир Қанир	221б
Амир Кабир Сайд Али	231а
Амир Муайид	108б
Амир Мурод Барлос	97а
Амир Мусо	103а

Амир Мусо ўғли Мұхаммадбек	1116
Амир Навruz	78а, б
Амир Навруз ибн Аргун оқо	776
Амирзода Пирмуҳаммад	110а
Амир Рой	2216
Амир Сайд Али	1166, 117а, 118а, 1376, 231а
Амир Сайд Али Күрагон	1146
Амир Сайд Аҳмад	116а, б
Амир Сайид	77а
Амир Сайид Сулаймон	766
Амир Сайфуддин	92а, 946, 96а, 97а
Амир Сарбуғо қипчоқ	118а
Амир Сори Буғон	97а
Амир Тарагай	876
Амир Темур	1026, 112а, 1136а, 118а, 1226, 1276, 128а, 171а, 200а
Амир Тулак	1016
Амир Тумон Темур	1116
Амир Тумон Ўзбекий	1116
Амир Тўқтемур	936
Амир Убайдулла Султон	2096
Амир Улжойтуберди	96а
Амир Тулак	1016
Амирул-мўминин	766
Амирзода Умар Шайх	111а
Амир Учқоро	1096
Амирхон	119а
Амир Ҳожи	876
Амир Ҳудойдо (Ҳудойдод)	1016, 112а, б; 1136, 114а, 1196 116а, б; 1176, 120а, 1206, 138а
Амир Ҳожа Калон	3326, 3416
Амир Шамсiddин	105а, 112а
Амир Шайхим Аҳмад (Суҳайлий)	1986
Амир Элигир	87а
Амир Қамаруддин	101а, б; 102а, 104а, 1116, 1126
Амир Қанбар Али	295а
Амир Қанбар мирзо	2756
Амир Қарокулоқ	265а

Амир Қосим Али Кужин	295a
Амир Қуддус	135a
Амир Ҳайдар	956
Амир Ҳайдар андхуйи	956
Амир Ҳамид	926, 936, 946, 96a
Амир Ҳусайн	89a,6; 90a,6; 92a,6; 936, 946, 95a, 96a,6; 97a, 98a, 996, 100a
Анкут	736
Ардашер	70a
Ардашер бинни Бобак	70a
Ардашер бинни Ҳармиз	70a
Арзам	70a
Ариқбуқа	756
Арханг	906
Аргун хон	776
Асил Ғулод	1836
Атака	240a
Афридун	2566
Афросиёб	696, 2566, 257a, 2636
Афросиёб Усмон	72a
Ахриман	
Аштари Абдал (Амир Саид Алини қаландарлар шундай атаганлар)	1176
Ақлий	1196
Аҳмад Амр	229a
Аҳмад бин ал-Алқамий	76a, 6
Аҳмадхон	233a

- 6 -

Бабожоқ султон	164a, 1436, 2496, 282a, 282б, 2896, 303a, 1776
Бабожоқ султон мирзо	2906
Баён Темур	1036
Бани Аббос	766
Барка ясовул	267a
Бартон Баҳодир	70a

Бароқхон	77а, 80б, 81а
Бахрика мирзо	265б, 223б (Д138)
Бахман	69б
Бахром	69б
Бахром жалойир	92а, 104а, 106а
Бахром бинни Ҳармиз	70а
Бахросиб	69б
Бекчик	84б, 89б, 126а, 129а, 180б, 218а, 237а,б; 238а, 253а, 266а,б, 221Б(Д138)
Бекмуҳаммад	266б, 275б
Бектемир	98а
Бекқули	266б
Беркахон	75а
Беҳзод	201а
Биноий	198б, 199а
Биродари Норминг	107а
Бишкак Мирзо	270а
Бишкак Мирзо ўғли	
Рашидбек	266а
Бобоалишоҳ	195а
Бобо Ҷужук	341а
Бобо Мирзо Кажичак	221б (Д138)
Бобо Сайд	304б, 305а
Бобо Сариқ	270а
Бобо Сариқ мирзо	266а, 322б
Бобо Сариқ мирзо оталиқ	301б
Бобо султон	150а,б; 151а, 153а, 231а, 289а, 303а,б; 304а
Бобошайх	294б
Бобокулон	267а
Бобо Ҳожи сураттар	201а
Бобур	172а
Бобурхон	230б
Бобур подшоҳ	144б, 145а,б; 149б, 161а, 171а, 172а, 186а, 203а,б; 204а, 215б, 224а,б; 226б, 248а, 253а, 266а, 268б, 269б, 277б, 292а, 294б, 304а,б;

Бобуршоқ	307а,б; 312б, 313б, 316а, 332а,6,
Бобуялошхон	333а, 342а
Бовиш султон	145а, 163а, 202б
Бойду	164б
Бойдухон	327а
Бойдухон ибн Тарқоӣ ибн Ҳулогухон	78а
Бойсунғур мирзо (Бойсунқур мирзо)	776
Бойсуқаро	172б, 248а
Борий	80б
Борхон (Бурхонхон?)	204а
Боту	218а
Боту хон	73а, 75а
Боязид жалойир	75а
Бойғур	88б, 106б
Буёнқули	80б
Бузанжирхон	129б
Буйунсиз Ҳасан	83а
Буруж (Буруч) ўғлон	220а
Бурундуқ	133а,б
Буға	127а
Буғохон	97а, 98а
Бурҳон қолдун	248б, 277а
Бўйлаш	73б
Бўзтакирхон	127а
Бўрта қужин	83б
Бўрта қужин ғунграт аймоқ	75а
Бўргул нўён	73а
Бўстонгир мирзо	71б
Бўстонгир	335а
	277б

-Б-

Вайроний Ирозон	123а
Вайсхон	116а, 119б, 122а,б; 132б
Вафодор (лақаб)	117б
Восифий	198б

-Ж-

Гадой (мирзо)	266а
Гирайхон	127а, 133а, 242б
Гударз	69б
Гулханий	199б
Гулшаний	199б
Гумном Мухаммад (Бурхониддин)	284а
Гўрхон (Кўрхон)	72а

-Д-

Давлатбегим	173а, 246б
Давлат султон	315б
Давлат султон бегим	246б
Давлат султон хоним	161а, 294б
Давондор Кўчак	76б
Дарнишин	256б
Дилшод оғо	105а,б
Довуд хожа	100а
Доим Али	220 (С569)
Доро	69б
Дуожихон	83а
Дувохон	80б, 263а, б
Дувохон Бароқхоннинг ўғли	263а,б
Дўстмуҳаммадхон	130б, 132а, 137а, 138а, 231б
Дўстмуҳаммадхон ўғли Кебек Султон	135б

-Ҷ-

Ёдгор	341б
Ёдгор баҳодир	267а
Ёдгор мирзо	226а, 236а, 266б, 334а, 226б (Д138)
Ёрока	282б
Ёфас ибн Нуз	225б (Д138)

-Ж-

Жаброил алайхиссалом	83б
Жаждор жийжон (ал кунут қавмининг подшоҳи)	73б
Жажкон	73б
Жайзуберди	96а
Жайту	96а
Жаллодхон	79б
Жалол	217б
Жамшид	69б, 157б
Жамҳар	176а
Жаноби бандаги Мирабдулбақо	196б
Жаҳонгир	105а, 108а
Жаҳонгир барлос	122 (С569)
Жаҳонгир мирзо	110а, 164б, 173а, 204а, б; 205б, 206а, 274а, 275б, 3 35а
Жаҳонгир мирзо ғазнин	202б
Жаҳоншоҳ	331а
Жаъфар Содик бин Имом Бокий	315б
Жиба (жуба) султон	149б, 187а, 208а, 240б
Жоваржи	99б
Жодар	73а
Жомосит	70а
Жонаҳмад	227б, 240а
Жонаҳмад Атака	328б, 329а, 330б
Жонибек	216б, 225б
Жонибек ахта	273а
Жонибекнинг ўғли Бодик султон	301а
Жонибек султон	163б, 196б, 178а, 186а, 215а, 216а, 217а, 225б, 226б, 229б, 231а, 232б, 235б, 238а, 252б, 254б
Жонибекхон	75а, 127а, 144б, 216б
Жонибекхон қозоқий	133а
Жонка мирзо	229а, 270а
Жонҳасан корлуқ	273а
Жумок оғо	130б, 139а

Жуматой	716
Жуком Барлос	886
Жўржи	73a
Жўчи	71a
Жўчихон	73a, 74a, 75a, 796, 160a

-З-

Зиёуддин	121 (C569)
Зиёуддин Кошқарий	122 (C569)
Зайнаб султон хоним	1546, 332a
Захирiddин Муҳаммад	172a
Захирiddин Муҳаммад Бобур	2466, 2476
Зинда Чашм	103a
Зигул Баҳодир	182a
Зуннун	2056
Зуҳҳок	696

-И-

Иброҳим	1326
Иброҳим Барлос	121
Иброҳим султон	332a
Ижил	87a
Илёс	1326
Илёс Басурий	110a
Илёсхон	1016
Илёс Ҳожа	896, 936, 946, 101a
Илёс Ҳожаҳон	90a, 98a, 138a
Илёшшоҳ	138a
Имом	260a, 2586
Имом Алоуддин Муҳаммад ал-Ҳўтаний	2586
Имом Жаъфар Содик	2626
Имом Зобиҳа	2626
Имом Ҳожа Абу Юсуф Ҳамадоний	3156
Ироzon бойрин	123a, 1236
Искандар	696, 122 (C569)

Искандар Зулкарнайн	1786, 2826
Искандар султон	1436, 147a, 152a, 164a, 121 (C569), 223a(Д138), 227a(Д138), 321a, 327б, 328а, б; 3306, 331a, 332a, 334a
Искандар Түйчи	3416
Искандархон	2826, 283a
Искандар ўғлон	96а, б
Исмоил	144б, 145б, 235б
Исмоил султон	326a
Иғдак Темур	866

-И-

Йиликүт Гүрхон	72a
Йүлтемур	92a

-К-

Кажичак	2216 (Д138)
Кайковус	69б
Кайхусрав	69б, 91a
Кайқубот	69б
Калиннushi	71б
Каттабек	242б, 268б
Кепак султон	131б, 135б
Кепак Темур	100a
Кепакхон	81a, 101a
Киюмас (Каюмас)	69б
Кобилшоҳ	95a, 95б
Кокибек	266a
Комрон мирзо	307a, 313б, 314б, 326а, б; 332б, 333б, 334a, 339a, 340a, 341a, б; 342a
Кулагу	
Кунжайту	77б
Кунжу хотин	

Кутубхон	334a
Кучлук (Кушлук)	72a, 257a,б; 258a,б; 2596
Кучлукхон (Кушлукхон)	72a
Кучум султон	163a
Кучум султоннинг ўғли	
Кучумхон	2296, 2956
Кучтемур Бекчик	91a
Кушкашуй девон	267a
Куштост	69б
Куфра	102a
Қўйикхон	75б
Қўрхон (Гўрхон)	257a,б; 258a,б;
Қўрбасун хотин	73a

-М-

Мавлоно Абдуллоҳ	200a
Мавлоно Абдурраззоқ	158a
Мавлоно Абдурраҳмон Жомий	196б
Мавлоно Абдурраҳмон Кордгор	195a
Мавлоно Абдурафур Лорий	196б, 197б
Мавлоно Абу Саид Убехий	194б
Мавлоно Али	193a
Мавлоно Али Эрон Тусий	300б
Мавлоно Алоуддин	193a, 201a
Мавлоно Амодиддин	312б
Мавлоно Аршадиддин	75a, 81a, 85a, 86б, 300б
Мавлоно Асомиддин Иброҳим	196a
Мавлоно Аҳмад Амир Калоний Табиб	196б
Мавлоно Аҳмад Ҳайбарий	196б
Мавлоно Аҳмад Румий	196б
Мавлонои Бобоий Пашокари	294б
Мавлоно Бобо Самарқандий	294б
Мавлоно Бурҳониддин	191a
Мавлоно Вали	201a,б
Мавлоно Дарвиш	201a
Мавлоно Дарвиш ўғли	
Муҳаммад султон	329a

Мавлоно Довуд Ҳисорий	191a
Мавлоно Жалолиддин Пуроний	193б, 312б
Мавлоно Жаъфар	200а,б
Мавлоно Жунайд	201б
Мавлоно Зайниддин Маҳмуд	
Мавлоно Иброҳим Шервоний	196б
Мавлоно Изҳар	200а,б; 201а
Мавлоно Исфаҳоний	196а
Мавлоно Камол Муаммоӣ	200а
Мавлоно Лутфий	199а
Мавлоно Маҳмуд Тазҳиб	201б
Мавлоно Мирак Наққош	201а,б
Мавлоно Муаййин Воъзиз	194б, 196б
Мавлонзода Фароҳий	194б
Мавлоно Муаййин Табризий	196б
Мавлоно Мунир Марғилоний	172а
Мавлоно Муҳаммад	209а, 210а, 213б, 214б, 215а, 219а, 314б
Мавлоно Муҳаммад Абриший	201а
Мавлоно Муҳаммад Амин	211б
Мавлоно Муҳаммад Аттор	131а, 189б
Мавлоно Муҳаммад Кенжа	196б
Мавлоно Муҳаммад Котиб Самарқандий	200а
Мавлоно Муҳаммад Нақшибий Муаммоӣ	200а
Мавлоно Муҳаммаднинг	
ӯғли Амир Ҳожа Калон	332а
Мавлоно Муҳаммад Парғарий (Ғуррий)	333а
Мавлоно Муҳаммад Румий	193б
Мавлоно Муҳаммад Садр	219б
Мавлоно Муҳаммад Шерозий	150а, 282б, 283а
Мавлоно Муҳаммад Юсуф Каширий	343а
Мавлоно Муҳаммад Қози	210б, 252а
Мавлоно Садрдин Муҳаммад Қандиҳорий	196б
Мавлоно Саъдуддин	190б, 195б
Мавлоно Саъдуддин Кошқарий	193а
Мавлоно Саъдуддин Кошқарий	
ӯғли Ҳожа Калон	210б
Мавлоно Соҳиб	199а,б

Мавлоно Шаҳоб Муаммоий	200a
Мавлоно Султон Али	200б
Мавлоно Султон Али Машҳадий	200а, б
Мавлоно Тафтазоний	195б
Мавлоно Ҳожа Аҳмад	119б, 120б, 263а
Мавлоно Ҳожа Кӯҳий	195а
Мавлоно Ҳожа Ҳофизуддин	300б
Мавлоно Ҳўрдак Бухорий	100а
Мавлоно Шайх Абдуллоҳ Ҳораэмий	200а
Мавлоно Шайх Муҳаммад Ҳанифий	200а
Мавлоно Шайх Ҳусайн Муҳтасиб	191а
Мавлоно Шамс Муҳаммад Мурғобий	195а
Мавлоно Шамсуддин Баҳрободий	191а
Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Баҳрободий	196а
Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Румий	193а
Мавлоно Шарафуддин Али Яздий	128б, 158а, 263б, 228а (Д138)
Мавлоно Шарафуддин Яздий	123б
Мавлоно Юсуф Кошқарий	217б
Мавлоно Яъқуб Чархий	315б
Мавлоно Қози Муҳаммад	162а, 244а, 245а
Мавлоно Қосим	212б
Мавлоно Қутбиддин Аҳмад	283б
Мавлоно Қоратогий	330а, б
Мавлоно Ҳожи Табризий	196б
Мавлоно Ҳайдар Ҳарсувор	216б
Мавлоно Фиёс Баҳрободий	196б
Мазид	303б
Майкада	269б, 269а
Майкада баҳодир	268 а
Малик Абдал	342б
Малик	219б(Д138)
Малик Али	221б(Д138)
Малик Ашраф (Миср подшоҳи)	78б
Малик Баҳодир	96б
Малик Носир	78б
Малик Фиёсуддин	79б
Малик Ҳусайн	99а
Мамошхон (Момошхон) Қосимхон ўғли	127а, 251а

Мамоҳ султон	228a
Мансурхон	1326, 141a,6; 142a, 143a, 144a,6; 146a,6; 1496, 154a, 162a, 164a, 1776, 180a, 1856, 225a, 233a, 2496, 2786, 279a,6; 280a, 2816, 282a,6; 283a, 2876, 288a,6; 289a,6; 294a,6; 3126, 326a, 2276 (Д138)
Манучехр	696
Марям	228a
Маъсудбек	74a, 76a
Маъсуд Султон	3156
Маҳмуд Ҳожа (тиббий тилни биларди)	329a, 1936
Машҳади Жаъфар	2626
Мақсад Али	148a
Мақсад Карк	2946
Мақсад Ҳофиз	266a
Маҳдий султон	836, 178a, 2236, 2266, 229a
Маҳмуд	1786
Маҳмуд мирзо	3276, 328a,6; 330a,6
Маҳмуд султон	1696, 170a,6; 171a, 174a, 1786,
Маҳмудхон	2126, 2256 (Д138)
Маҳмуд Яловачнинг ўғли	
Мулкат ота	1176
Муҳаммад Яловач	74a
Маҳтумхоним	1326
Менгликхон	836
Менглик хотун	84a
Мехро Нигор хоним	1296, 1346, 1606, 1716, 202a, 203a, 205a, 234a, 2466
Мир	125a,6
Мир Абдукарим	126a
Мир Абдуқодир	243a
Мир Абдуқодир Машҳадий	1966
Мир Абдулқудус	140a
Мир Абул Бақо	334a
Мир Аваз Барлос	226a
Мир Алибек	2706

Мир Али Табриз	200а
Мир Али Табризий	200а
Мир Алишер	197а, 6, 198а, 6, 199а, 199б, 201а
Мир Алишер Навоий	70а
Мираюб	226а, 239а, 253а, 269б
Мирак туркман	123б, 128б
Мир Атаяллоҳ	196б
Мир Аҳмад	242, 268б
Мир Аҳмад Қосим	294б
Мир Барҳақберди	129а
Мир Бекмуҳаммад	226а, 276а, 293б
Мир Вали	167а, 272а, б; 273а
Мир Доим Али	226а, 275б, 276а, 220а, б (Д138), 119б (Д138)
Мир Доим Али духтуй	229б
Мир Жабборберди	140а, 141а, 6, 142а, 288а, б
Мир Жабборбердининг ўғли	
Сариқ мирзо дуғлот улусбеги	279а
Мир Жамолиддин мухаддис	196б
Мир Жаҳонгир	159б
Мирзо	129б, 207б, 270а, 273б
Мирзо Абобакр (Або Бақр)	130б, 131а, 137б, 138а, 139а, б, 140а, 141б, 145а, 146а, 164б, 167б, 171б, 180б, 206б, 219б, 230а, 231а, 232а, 232а, б; 233а, 235а, 249б, 255б, 256а, 264б, 268а, 269б, 270а, 270б, 271а, б; 272а, б; 273а, 274а, б; 275б, 276а, 276б, 277б, 278б, 279а, б; 292б, 293а, б, 294а, 334а, 336а, 117 (С569), 119 (С569), 121 (С569)
Мирзо Али	229а, 227а (Д138)
Мирзо Али Тоғай	150б, 153а, 154а, 265б, 268а, 270а, 219б (Д138), 226б (Д138), 327а, б (Д138)
Мирзо Али Кўчак	126б
Мирзо Аҳмад турк	217б
Мирзо Баҳрака	270а

Мирзо Бадиуззамон	2026
Мирзо Бойсунгур	1276, 200a
Мирзо Жаҳон	160a
Мирзо Жаҳонгир	203a, 276a, 277a, 334б
Мирзо Зуннун	207a
Мирзо Муҳаммад	226a
Мирзо Муҳаммадбек	270a
Мирзо Муҳаммад Бекчик	229a
Мирзо Муҳаммад Туманбеги	266б
Мирзо Муҳаммад Ҳусайн	213б
Мирзо Султон	129б, 200a
Мирзо Султон Абу Саид	128б, 129б, 134a, 200б, 277б, 335a
Мирзо Султон Али	129б
Мирзо Султон Аҳмад	135б, 136б, 209б, 244a, 245б, 247a
Мирзо Султон Маҳмуд	161a, 165б, 203б, 243a, 301a
Мирзо Султон Саид	129a
Мирзо Султон Ҳусайн	187б, 206a, 207a, 255a
Мирзо Турди	270a
Мирзо Улугбек	116б, 117a, 120б, 121a, 123a, 6; 124a, 6; 128a, 6; 158a, 277a
Мирзо Умар	232б
Мирзо Умар Шайх	162б, 135б, 136a, 6; 172б, 245б, 246б
Мирзо Умар Шайх Кўрагон	159б
Мирзо Фозил	165б
Мирзоҳон	61a, 174a, 6; 203б, 204a, 6, 205a, 206a, 6, 207б, 214б, 215a, 6; 217б, 218a, 6; 219a, 223б, 227б, 228a, 237б, 243б, 246б, 292б, 293a, 6, 294a, 301a, 304б, 306б,
Мирзоҳон Султон Маҳмуд ўғли	306б
Мирзо Шоҳруҳ	123б, 128б, 200a, 116a, 127б, 191a
Мирзо Ҳайдар	157a, 232a, 241a, 274б, 310a, 321б, 328a, 223б(Д138), 226б(Д138)
Мирзо Ҳусайн Кўрагон	165б

Мир Иброҳим	128а, б 196б, 226а, 239а
Мир Каримберди	129а, 132б
Мир Каримберди дуғлот	135а
Мир Кулол	315б
Мир Мирзоид	294б, 295а
Мир Муҳаммад	196а, 226а, 236а, 239а, 270а
Мир Муҳаммад Бурундуқ барлос	202а
Мир Муҳаммад Солиҳ	207б
Мир Муҳаммадшоҳ	126а
Мир Муғул	194а, б
Мир Нажим	239б, 240б, 242а, 253а, б, 254а
Мир Садриддин Муҳаммад	312б
Мир Сайид	129б, 130б
Мир Сайид Али	116а, б; 117а, 119а, 125а, б; 129а, б; 130а, 138а, 189б
Мир Сайид Шариф Журжоний	195б
Мир Сатирим	226а
Мир Темур	127б, 208б, 122(С569)
Мир Темур Барлос	229а
Мир Тумурхон	128а
Мир Фаридун	226а
Мирхонд Ҳаравий	122 (С569)
Мир Ҳудойдо (Мир Ҳудойдод)	114а, 121а, б, 122а, 123а
Мир Ширим	226а, 294б, 295а
Мир Эсан Бугоҳон	125б,
Мир Юсуф	196а, б
Мир Аваз барлос	226а
Мир Қанбар	226а, 239а
Мир Қанбар Али	270а
Мир Ҳайдархон	285б
Мир Ҳусайн Муаммойӣ	199б
Мирғурий барлос	253а
Мироншоҳ Мирзо	227б
Мир Пир Ҳожи кунчи амир	129а
Мирхонд Ҳиравий	122 (С569)
Модари Калон	203б
Мозор Давоҳон подшоҳ	263а, б
Мозори пиру анвар Шайх Ҳабиб Кубравия	265а

Момакай	79б, 80а, 83а
Моҳим хоним	164б
Муборак шоҳ	80, 105а, 215а
Мужда Султон Ҳусайннинг ўғли	339б
Музроб барлос	122 (С569)
Муъинуддин Парвона	77а
Мулло Аъмодий	197б
Мулло Боқий	201а
Мулло Вали	201б
Мулло Ёрий	201б
Мулло Рўйи	201а
Мулло Фирдавсий	194а
Мулло Юсуф	201а
Мулло Шодий Қосим	201а
Мунка	75а, 112а
Мунка Темур	75а
Мункахон	75б, 76а
Мункабек	266а
Мустасим халифа	76а
Мутаххир Удий	201б
Муқим ибн Зуннун	205б
Муқим ибн Зуннун аргун	175а
Муҳаммад	217б (Д138), 218а (Д138)
Муҳаммадали Тумон	267а
Муҳаммад Бадаҳшӣ	304а
Муҳаммадбек	269б
Муҳаммадвали мирзо	266а
Муҳаммад Дӯлоний	235а
Муҳаммад Замон мирзо	316а
Муҳаммадий	150б, 265б, 305а, б; 306а, 326б 327а
Муҳаммадийя	217б (Д138)
Муҳаммад мазид Тархон	247а
Муҳаммад мирзо	182а, 339а
Муҳаммад Мустафо	110б
Муҳаммад подшоҳ Басурий	87б
Муҳаммад султон	110а, 201а
Муҳаммад Фиқхий Боласоқуний	297а

Мұхаммад Ҳандон	201a
Мұхаммадхон	116a, 1120a, 338a
Мұхаммад Ҳоразмшоҳ	2576, 258a
Мұхаммадшоҳ	234a, 2216 (Д138)
Мұхаммадшоҳ Қўкаaldoш	329a
Мұхаммад қирғиз	1466, 1516, 268a, 291a, 2916, 2956, 2986, 2996, 291a, 3016
Мұхаммад Қози	2846
Мұхаммадқули	229a
Мұхаммад Ҳайдар	1496, 157a, 344a, 217a (Д138)
Мұхаммад Ҳусайн Кўрагон	2846
Мұхаммад Ҳайдар ибн Ҳусайн Кўрагон	69a
Мұхаммад Ҳайдар мирзо	131a, 132a, 137a,6; 1386, 1396, 140a, 146a, 231a, 243a,6; 245a,6 117(C569)
Мұхаммад Ҳожи мирзо	118(C569), 120(C569), 123, 124(C569), 125(C569), 127(C569), 266a, 2106, 231a, 243a, 2456, 123(C569)
Мұхаммад Ҳусайн мирзо Кўрагон	1146, 1866, 187a, 2466, 121 (C569)
Мұхіб Султон хоним	2526
Мұхтарам хоним	326a

-Ж-

Назар мирзо	236a, 2666, 2756, 279a
Накдор (Некдор)	776
Намрук	2536
Нарсо	70a
Накши Жаҳонхон	115a, 120a
Наргисий	1996
Наср мирзо	2306, 3416
Нигор хоним	301a
Нудар (Навдар)	696

Нуён	75а
Нуралы девона	329б, 330а
Нурбахши	217а (Д138)
Нурмуҳаммадшоҳ	125б
Нуширвон	176а, б
Нуширвон бинни Кубот	70а

-О-

Одилшоҳ	104а, 106б, 108а, 111а
Одилшоҳ Баҳром жалойир	106а
Одилшоҳ жалойир	106а, 107а, 110б
Одил Мўмин мирзо	124а
Ойтолун	73б
Ойша	222а
Ойша Султон хонум	163б
Олачахон	161а, б; 164б, 168а, 177б, 249а
Оллоберди Ясовул	217а
Оллоқули кўкалдош	266а
Олтойхон	72а
Оқ Баҳодир	
Оқтемур	108б
Оқбуғон	103б
Оҳий	198б
Аҳлий	199б
Оға Султон хоним	140а

-Ӣ-

Паскоб (шахс)	329б
Пешка мирзо	270а
Паёмий	199б
Пирмуҳаммад барлос	124б, 125а
Подшоҳ	95б, 203а, б, 204а, б, 205а, 224а, 225б, 227б, 228а, б; 230б, 239б, 240а, б; 242б, 252б, 225б (Д138)

Подшоҳ Бобур	203а, 218а
Подшоҳ Бойфур	226б
Подшоҳ Низомуддин	203а
Пойсунфур	82а, 87а
Пўлат	107а
Поячи Мирохўр	267а
Путожи	267а
Пуштани сардор	329б

-Р-

Рашид	310а
Рашидхон	127б, 147а, 152б, 153б, 154а, б; 326б, 327а
Рашид султон	150а, 151а, б; 153а, 255б, 196а, 226б (Д138); 227а, б (Д138), 298а, б, 299б, 301б; 302б; 303а, б, 305б, 306а, 307б, 327а, 328а,
Рустам	69б

-С-

Сайд	230б, 231б
Сайд Али	271б
Сайд ал-Тоифа Абу ал-Косим	299б
Жунайд Бағдодий	189а
Сайд Аҳмад	124а, 224б, 226б (Д138), 227 (Д138)
Сайд Маҳмуд мирзо	180б, 271б
Сайд Мирзо	139а, 145а, 149б, 239а, 243а, 256а, 271б, 272б, 274б, 309а
Сайд Муҳаммад мирзо Амир Ҳудойдо ўғли	116а
Сайд Ҳоди	224б
Сайид Али	121(С569)
Сайид Али Ҳамадоний	216б (Д138)

Сайди Мұхаммад Нурбахши	217а (Д138)
Сайди Шоҳ Бузург Архонгий	122 (С569)
Сайди Мұхаммад Мирзо	226б (Д138)
Сайфий (таяллуси Күйи)	1996
Сакун бий	2736
Сулдуз	926
Салой бегим	1246
Салоҳ	129а
Саман	1086
Санқун	706, 71 а,б
Сарман ўстанги	2076
Сароймулк хоним	103а
Сатуқхон	1226
Собур мирзо	266а
Сом мирзо	3326
Сонжи тайши Эсон тайши ўғли	1326
Сонсиз мирзо	130а,б; 132а, 137а, 139а, 231а, 121 (С569)
Сорбуғо	107а, 108а
Сотилмиш хотун	836
Соҳибқирон	876, 906, 91а, 926, 93а,б; 97а, б; 99а, 946, 95а,б, 966, 986, 100а, 101а, 102б, 103а, б, 104а, б, 105б, 109а,б, 110а,б, 111а,б; 106а,б, 107а,б, 108а,б
Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон	87а
Субишхон	251а
Сутойим баҳодир	249а
Суйунчикхон	2396, 2406, 242а, 251а, 2776, 2836, 2896
Суйунч Султон	163а, 2266
Сулаймоншоҳ Мирзо	3316
Султоко	267а, 125 (С569)
Султон Абу Саъид	2036
Султон Абу Саъидхон	796, 2036
Султон Абу Саъид Кўрагон	1596
Султон Абу Саъид мирзо	1276, 171а, 2126, 122(С569)
Султон Али барлос	121а, 122а

- | | |
|-------------------------------------|---|
| Султон Али мирзо | 1596, 1726, 1806, 202a, 238a, 239a. |
| Султон Алоуддин | 2166, (Д138) |
| Султон Ахмад | 776, 1356, 1646 |
| Султон Ахмад мирзо | 134a, 1356, 136a, 1376, 138a, 1606,
166a, 1676, 1716, 194a, 2436,
244a,б; 245a,б; 246a,б; 2476,
127(C569) |
| Султон Ахмад Танбал | 1626 |
| Султон Ахмадхон | 141a, 1436, 161a,б; 164a, 1776,
203б, 2326, 238a, 2436, 248a,б;
249a,б; 250a, 2526; 278a,б;
280a,б, 300a,б; 123 (C569),
125 (C569), 2256 (Д138) |
| Султон Ахмадхон ўғли Султон Саидхон | 1436 |
| Султонбегим | 166a, 170a |
| Султон Боязид | 315б |
| Султон Вайсхон | 119a |
| Султон Давлатхоним | 1636 |
| Султон Ёқуб | 199a |
| Султон Зайн ул-Обиддин | 3246, 2166 (Д138), 217a(Д138) |
| Султон ибн Ҳасан | 2206 |
| Султон Иброҳим | 3016 |
| Султон Иброҳим ўғли | 316a, 2166 (Д138) |
| Султон Искандар | 295a |
| Султон Искандар афрон | 122 (C569) |
| Султон Масъуд Кобулий | 1656, 174a |
| Султон Масъуд мирзо | 113a |
| Султон Мақсуд | 134a, 160a, 1636, 170a, 1726,
178a,б; 179a,б; 187a, 201a,
2036, 208a, 225a, 123 (C569) |
| Султон Маҳмуд | 1276, 1716, 1726, 2096 |
| Султон Маҳмуд мирзо | 1656 |
| Султон Маҳмуд мирзо | 128a, 1406, 142a, 144a, 159a,б
166a,б; 160a, 165a, 1676, 168a,
170a, 173a, 1776, 179a,б; 180a,б;
181a, 1856, 1866, 187a, 209a, 2126, |
| ўғли Бойсунғур мирзо | |
| Султон Маҳмудхон | |

Султон <u>Маҳмуд</u> ўғли Султон	215б, 216а, 224б, 225а, б; 244а, б;
Муҳаммад султон	245а, б; 246а, б; 247а, 248а, б;
Султон <u>Маҳмуд</u> Фозон	252б, 280а, б; 281б, 304а, 336б,
Султон <u>Маҳмуд</u> Фазнавий	337а, 121(С569), 123 (С569).
Султон Мирзо	215б, 227б (Д138)
Султон Мирзо <u>Ҳусайн</u>	195а, б; 198б
Султон Муҳаммад мирзо	243а
Султон Қутбуддин	216а (Д138)
Султон Муҳаммад султон	304а
Султон Муҳаммад <u>Хоразмшоҳ</u>	257а
Султон Муҳаммад <u>Худобанда</u>	78б
Султон Муҳаммад <u>Худобандахон</u>	79а
Султон Нигор хоним	161а, 171б, 203б, 246б, 306б
Султон Нодир	217а (Д138)
Султон Носир Мирзо	206а, 208а, 237б, 238а, 294б, 334а
Султон Пур	340б
Султон Рашид	115а
Султон Сайд мирзо	126а, 135б, 172б
Султон Сайд султон	177б
Султон Сайдхон Султон Аҳмадхон ўғли	81б, 114б, 141б, 143б, 144а, б; 145а, б; 147б, 149а, б; 150а, 152б, 154б, 164а, б; 171а, 175а, 177а, б; 180а, 207а, 215б, 217а, 225б, 242а, 249б, 255а, 267а, 225а, б (Д138), 287б, 294а, 301а, 222а (Д138), 224(а), (Д138)
Султон Сайдхон Фозий ибн Султон Аҳмад	
Вайсхон ибн Шермуҳаммадхон	
ибн Муҳаммадхон ибн Ҳизёр	
Хожахон ибн Туғлук Темурхон	225б (Д138)
Султон Салим	253б
Султон Увайс	303б, 304а, 122(С569)
Султон Увайсхон	116а, 117б

Султон Усмон	257а
Султон Ҳалил	1416, 144а, 1496, 150а, 180а, 6; 2306, 2796
Султон Ҳалил мирзо	2276 (Д138), 228а(Д138)
Султон Ҳалил султон	180а, 186а, 225б, 238а
Султонхон	301а
Султон хоним	130а
Султон хотун (Увайсхоннинг оналари)	1196
Султон Чингизхон	258б
Султон Шамсуддин	216б (Д138)
Султон Яъқуб	160а
Султон Юнусхон	159а, 160б, 161б, 231а, 243а, 246б, 121(C569)
Султон Фиёсиддин	806, 263б
Султон Ҳусайн	203а
Султон Ҳусайн мирзо	1666, 175а, 1876, 2016, 121а, 160а, 202а, б; 203а, б; 2056, 3396, 122 (C569)
Сулунқо	76а
Суоргатмишхон	127б

-III-

Таёнгхон	71а, 72а, 73а
Тавангир мирзохон	277б
Такина бону	87а
Талҳақ (шахс)	281б
Тамос	69б
Тамҳурс	69б
Тангриберди (Қўнурчи)	267а
Танкум	91а
Танрут аймоқи	71б
Таруниз бинни Ҳамраз	70а
Таъба Абубакр	264а
Темур	125б, 138а
Темур Кироит	102а
Темур султон	163б, 164б, 169б, 203б, 208а, 221б, 222а, 226б, 227а, 229а, 292а

Темур тумакон	91a
Темучин	706, 71a
Темурхожа ўғлон	97a, 996, 100a
Тобон баҳодир	986
Тоймонхон ўғли Кучлук	257a
Тойхон	906
Тойрасун	73a
Тоштемур	84a
Тоҳир амир Эзҳиддин	69a
Тоҳирхон	301a, 3026 ,303a, 3076
Тоғожар	78a
Тубра	239a
Тубра мирзо	2296
Тубра ноғут	238a
Тукурхон	736
Туламахон, Чингизхоннинг	
тўртинчи бобоси	87a
Туман амири Қарожар	88a
Туман оғо	105a
Тунгут	2966
Тур	2566
Туркон	107a
Туркон Арлот	106a, 107a
Тус	696
Туминахон	87a
Туркий Суйурғатмиш хон	128a
Туролжи Кўрагон	736
Түрлук Сулдуз	91a
Түрлук Темур	85a
Түрлук Темурхон	74a, 75a, 806, 81a, 83a,6, 866, 876, 88a, 90a, 926, 112a, 113a, 115a, 128a, 1496, 297a
Тўлуйхон	73a, 74a, 75a, 756
Тўсий	1996
Тўхта Бую султон	1646
Тўхтамиш ўғлон	1116
Тўхтағон	75a

Тұқабек	72a
Тұқтой (амир)	2576
Тұқбит Буйруқхон	716
Тұқтемур	94a

-Ж-

Убайдулло	208a
Убайдуллохон	1646, 2126, 228a, 2366, 237a, 2406, 2546, 255a, 266a, б, 3326
Убайдулло султон	208a, 2216, 222a, 229a, 2916
Увайсхон	1176, 118a, б; 119a, 1286, 159a
Ужибий	108a
Узунсоқол Тұхтоқули	267a
Узун Султонхон	1176
Узун Ҳасан	160a, 2206
Улжайту	97a
Улұбек	172a
Улұбек Мирэо Қобулий	1746
Улұғ Тұғтемур	926
Умар Мирэо	1306, 1376, 1386, 139a, 231a, 2556
Умар Шайх	108a, б; 172a, 2456
Умар Шайх мирэо	1356, 1446, 1716, 243a, б, 244a, б; 2456, 2476
Умар Шайх Құрагон	172a
Устод Ахмад Румий	338a
Устод Бобоҳожи	201a
Устод шайх Ахмад	201a
Уста шайх Найи	2016
Уста Саид Мұхаммад Чангий	2016
Уста Юнус	1286
Уста Қулмуҳаммад	2016
Уста Ҳайдар	2016
Устод Ҳисомуддин	201a
Үрдүйхон	1336
Үрұсхон	108a
Үяк султон	1646

-Ф-

Фазосам	225а
Фаложаран Рашидий	81а
Фарвонқули	267а
Фариудун	69б
Фаромиз	69б
Фарруҳ	70а
Фарҳод	97а, 98а
Файҳуддин курд	76б
Фирӯз бинни Язиджарт	70а
Фироун	155б
Фиръавн	253б

-Ҳ-

Ҳадиҷа бегим	
Ҳадиҷа султон хоним	164б, 277б, 292б, 293а, 326а
Ҳалил султон	295б
Ҳалил султон ўғли Бобо султон	295б
Ҳалифаи рошидин	286а
Ҳалифайи Аббосий	76б
Ҳалифайи Сиддиқ ҳўжа Муҳаммад Абдуллоҳ	312а
Ҳизр Басурийнинг ўғли Абу Исҳоқ	103а
Ҳизр Басурийнинг ўғли Амир Сайфиддин	103б
Ҳизр Ҳожаҳон	113а, 114а, 115а, 119б, 128б, 138а, 159а
Ҳизрхожа султон	315б
Ҳизршоҳ	138а
Ҳисрав бинни Ялош	69б
Ҳитой Баҳодир	102а, 107а, 108б
Ҳованд Ҳиравий	122 С(569)
Ҳожа Абдукарим	122б
Ҳожа Абдулазиз Жомий	193б
Ҳожа Абдуллоҳ	339б
Ҳожа Абдуҳолиқ Фиждувоний	315б
Ҳожа Абуюсуп Ҳамадоний	315а

Хожа Али	181a,б; 182a, 183a,б; 184a, 196a, 216б, 250б, 267б, 269б, 291б
Хожа Али баҳодир	150a,б; 153a, 180б, 215б, 216a, 217a, 271a, 273б, 274a, 275б, 292a, 295б, 298a, 303б
Хожа Али Ромитоний	315б
Хожа Алишоҳ Хаталон	78б
Хожа Алоуддин Атмалик	77a
Хожа Алоуддин Аттор	189a
Хожа Аҳрор Носириддин Убайдуллоҳ	312a
Хожа Баҳоуддин Маҳмуд	149a
Хожа Баҳоуддин Нақшбанд	190a
Хожа Баҳоулҳакқваддин	189a
Хожа Бобои Самосий	315б
Хожа Бузрук	299б
Хожажаҳон Ҳазрати Хожа	
Абдулҳолиқ Фиждувоний	193a
Хожа Зоҳид маҳрам	120б
Хожа Кабир Бухорий	300б
Хожа Калон	134б
Хожа Карим ал-Нафис	163б
Хожакўнгилдош	111a
Хожа Маҳмуд Анжир Фарнавий	315б
Хожа Маҳмуд Нуровъ	308б
Хожа Муҳаммад Абдуллоҳ	312a
Хожа Муҳаммад Косоний	119б
Хожа Муҳаммад Порсо	190a
Хожа Муҳаммад Шариф	69б a
Хожа Муҳаммад Юсуф	308a,б
Хожа Нақшбанд	190a
Хожа Носириддин Убайдуллоҳ	210б
Хожа Нуриддин Абдулвоҳид Тахурний	282б
Хожа Нуровъ	311a
Хожа Ориф Ревгарий	315б
Хожа Рашидуддин Фазлумлоҳ	158a
Хожа Солирий	92б
Хожа Солиҳ	217б
Хожа Соқий Али Мушриф девони олий	267б

Хожа Рашид	79a
Хожа Рашидуддин	256б
Хожа Тожиддин	163б, 300б
Хожа Тоҳир	301a
Хожа Убайдуллоҳ	283б
Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Вали	283б
Хожа Фаҳриддин Ортужий	125a
Хожа Хованд	339б
Хожа Хованд маҳдум	149a, 339б
Хожа Хованд подшоҳ	312a
Хожа Ҳусрав	197б
Хожа Шамсиiddин	93a
Хожа Шамсиiddин Муҳаммад девон	77б
Хожа Шариф	116a, 124б
Хожа Шариф Кошқарий	131б
Хожа Шаҳоб	226a (Д138)
Хожа Шаҳобулдин маҳдум	190б
Хожа Шиҷоуддин Маҳмуд	300б
Хожа Шоҳмуҳаммад девон	226б (Д138)
Хожа Ҳабибуллоҳ	213б, 214a
Хожа Ҳасан	149a
Хожа Ҳасан Аттор	119б
Хожа Ҳофиз	197б
Хожибек	91a
Ҳон (киши номи ўрнида келган)	117 (С569), 118(С569), 119(С569), 125a, 220a, 6 (Д138), 223(a,6) (Д138), 225(a,6) (Д138), 226a, 6 (Д138)
Ҳонзода	103б, 110a
Ҳонзода бегим	173a, 202б, 224a, 246б, 315a
Ҳонишиҳон	251a
Ҳонназар	138a
Ҳон Султоним	130б
Ҳораэмшоҳ	223a
Ҳудодод	105a
Ҳудокули шиговул	267a, 269б
Ҳуморхотун	233б
Ҳушкелди	183б

Хүшкелди Күнгилдош	1826
Хусравшох	1656, 166a, б; 167a, 1686, 1696, 1726, 1736, 174a, б, 2056, 206a, б
Хүб Нигор хоним (Хүп Нигор хоним)	1596, 161a, 2466, 247a
Хүшанг	696
Хүршох	76a

- Ү -

Чингиз	121a
Чингизхон	716, 72a, б; 736, 74a, 80a, 87a, 90a, 115a, 156a, 257a, 2586, 2606, 2966
Чингизхоннинг ўсли Жўжихон (Жўучихон)	133a
Чинтемур султон	164a
Чинтемур хитой	736
Чингкуй	736
Чигатой	83a, 1246, 1606, 3386, 3416
Чигатойхон	73a, 74a, 796, 866, 95a, 115a, 2606, 2976, 338a, 339a
Чоқор (шахс)	1226
Чироқкуш (шахс)	2146

- Ш -

Шабдоқ султон	1596
Шайбон	1546, 2516, 253a, б; 254a, б; 2916, 2956, 298a
Шайдарку	716, 726
Шайлош бинни Фируз	70a
Шайх Абдулкарим	193a
Шайх Абдуллоҳ	122 (C569)
Шайх Абу ал-Қосим Қирмоний	3156
Шайх Абу ал-Ҳасан Ҳарақоний	3156
Шайх Абулайс	1036
Шайх Абулайс Самарқандий	103a
Шайх Абу Толиб Макий	285a

Шайх Али баҳодир	102а, 108б
Шайх Али Даъқоқ	311б
Шайх Баҳоуддин Умар	193б
Шайх Боязид	143б, 168а, 225б (Д138)
Шайх Боязид Пуроний	200а
Шайх Бурҳониддин Қилич	109а
Шайх Жамол	134а, б
Шайх Жамол хар	135а, 139б
Шайх Жамол хар Тошкандий	134а, 243б
Шайх Зайниддин (Ҳавофий)	195а
Шайх Ибодуллоҳ	122 (С569)
Шайхим мирзо	235б
Шайх Мажзуб	193б
Шайх Муҳаммад Миёнсулдуз	106а
Шайх Муҳаммад Сулдуз	104а, 106б
Шайх Нажмуддин Кубро	300б
Шайх Нуруддин	118а
Шайх Нуруддин Абдурраҳмон	195а
Шайх пул	333а
Шайх Пурон	193б
Шайх Сайд Қозуний	153а
Шайх Сайд Коридгар	189а
Шайх Сирож	189б
Шайхулислом	195б, 220б
Шайх Шафиқ Балхий	286б
Шайх Шаҳобиддин Сухравардий	195а
Шайх Шодибек	117б
Шайх Ҳабиб	264а
Шайх Ҳижозий	264а
Шаҳбоз Мирзо	266а
Шаҳбоз Мирзо баҳрин	270а
Шаҳзода Жаҳонгир	104б
Шаҳзода Зафарқари	104а
Шаҳидий	199б
Шамси Абдал	130а
Шамсуддин	98а, 101б
Шамъи Жаҳонхон	115а, 119б
Шаҳзода Султон Ҳалил мирзо	326а

Шебарту	100б
Шерали	128б
Шерали үғлон	115б, 116а
Шербаҳром	90б, 94б, 97а, 98а
Шердавлат	101б
Шероз	128б
Шермуҳаммадхон	115б, 117а, 118а, 120а
Шерхон	333а, б; 334а, 337б, 328а, 340а, б; 342б, 343а
Шижоъ баҳодир	76а
Ширамчеҳрахон	169б
Ширин тоғай	219а
Шировул	84а, 98б, 100а
Шировул дұхтүй	84а
Ширия	70а
Шос	69б
Шофур ибн Ардашер	70а
Шофур бинни Ҳармиз	70а
Шоҳбегим	179а, 202а, 203б, 204а, б, 206а, 234а, 246б, 307а, 122 (C569)
Шоҳ бинни Ялоч	69б
Шоҳбудоқ султон	167б
Шоҳ Гудор	69б
Шоҳдоно (Шоҳ Доно)	273а
Шоҳдоно Қўкаaldoш	272а
Шоҳжалил ибн Қосим ибн Аббос	297а
Шоҳибекхон	143б, 144а, б; 159б, 161а, 162б, 163а, б; 165а, б; 166а, 167а, б; 168а, б; 169а, б; 170а, б, 171а, 174а, 178а, б; 179а, 180а, б; 185б, 186а, б; 194а, б; 202а, 204а, 225б (Д138) 206а, б; 207а, б; 208а, б; 209а, б; 210а, 218б, 219б, 220а, б; 221а, б; 222а, б; 223б, 224а, б; 225б, 232б, 246а, 247а, 248а, б; 249б, 250а, 252а, 253а, 254а,

Шоҳ Искандар	266б, 279б, 280б, 292а, 293б, 304а,б; 339б, 340а
Шоҳ Исломил	282б
	195б, 196а, 220б, 221а,б; 222а,б; 223а, 224а,б; 225б, 226б, 228б, 230б, 235а, 252а, 253а,б; 314б, 332а
Шоҳмирак мирзо	182а
Шоҳмирак Қаландар	267а
Шоҳ Мирзо	310а
Шоҳ Музаффар Мирзо	229а
Шоҳ Музаффар Уста Мансур ўғли	201а
Шоҳ Мухаммад	122 (С569)
Шоҳ Мухаммад Кўкаaldoш	329б
Шоҳ Мухаммад султон	151б, 164б, 165б, 292б, 293а, 304а,б, 305а, б, 326б, 327а
Шоҳ Назар Мирзо	226а, 265б
Шоҳнак бий	214б
Шоҳобиддин	312а
Шоҳ Мухаммад Султон Бадахший	121 (С569), 122 (С569)
Шоҳризоиддин Чироқкуши	214а,
Шоҳ Розиуддин	214а,б; 218б
Шоҳ Тахмосп	253б, 314б, 332б
Шоҳхон	143а
Шоҳ Шайх Мухаммад султон	164а
Шоҳ Ҳусайн	121а
Шуҳдий	199б

-Ҳ-

Элхон	77а
Элчи Буғо	111а
Элқули итарчи	273а
Эминхожа	147а, 278а
Эмин Ҳожа вонг	69а

Эмин Хожа султон	153a, 279a, 282a, 288a, 2916, 2926; 293a, 308б, 309б, 310a, 315б
Эсан Буғо	116б
Эсан Буғохон	83a,б; 84a, 86б, 115a, 123б, 128б, 129a,б; 130a, 132a, 138a, 171a,б; 242б, 277a,
Эсан Давлат бегим	129a,б; 134б
Эсон Тайши	118б, 126a
Эшон Махмуд	312a
Эшон Хожа Нурун	313б

-Ҳ-

Юнусхон	123a,б; 125б, 126б, 127б, 128a,б; 129a,б; 130a, 131б, 132a, 134a,б; 135a, 136a,б; 137a, 149б, 152б, 154б, 159a, 160a,б; 161a,б; 163б, 171a, 172a, 174a, 203a,б; 232a,б; 243б, 244a,б; 245a, 247б, 248б, 264б, 277a, 280a, 292a, 301a, 117 (С 569), 118 (С569), 121 (С569), 122 (С569), 123 (С569), 125 (С569), 223б (Д138)
Юнусхон қизи Давлат Султон хоним	292a
Юсуф алайхиссалом	287б
Юсуф баковул	267a
Юсуф хожа	94б
Юэфон отлиқ	264б

-Ҷ-

Яэдижарт Шаҳриёр	70a
Ясукай баҳодир	70a,б
Яъқуб Султон	326a

-Ж-

Ўзбекхон	75a
Ўлжайту	786
Ўнгхон	71a
Ўнгхон ўғли Санкун	706
Ўрдахон	726
Ўрун Султон хоним	130a
Ўрусхон	1116
Ўтмуқ	185a
Ўқтойхон	73a, 756
Ўқтой Коон	74a,6; 75a, 796, 2966

-Қ-

Қазвин	76a
Қайду	83a
Қайир тегин	154a
Қаландар котиб	201a
Қамаруддин	104a,6; 105a, 108a,6; 1096, 1106, 111a,6
Қамоси	726
Қанбар Кўкалдош ўғли Ҳайдар	229a
Қаробошбек	266a
Қаробош мирзо	266a
Қаровуннос	1566
Қарожар Нўён	87a
Қарожар Нўён Суужамин	87a
Қарокуз бегим	245a, 246a
Қарокулоқ мирзо	1826, 265a,6; 2756
Қасри	70a
Қилич Қора	71б
Қожуйи баҳодир	87a
Қозий Мир Ҳусайн	3126
Қозоқхон	2806
Қолуж	1836
Қоон Жаҳонгир Чингизхон	70a

Қоракүл Аҳмад мирзо	123a
Қосим Али Чехракушой	201a
Қосимхон	2196, 220a, 235a, 2426, 250a,b; 2516, 253a, 268б, 301a
Қубот	176a
Қубот бин Фируз	70a
Қубулайхон	75б
Қубулай қоон	75б
Қудош	329б
Қужинбеги	73б
Қулназар	294б
Қулназар мирзо	138a, 226a
Қулон Хотун	73a
Қунжи Қулназар мирзо	229a
Қурайш сардор	153б
Қутлуқ Мирак	270a
Қутлуқ Мирак мирзо	226a, 265б
Қутлуқ Нигор хоним	161a, 171б, 202б, 231a, 246б
Қутлуқ Нигор хоним бинти Юнусхон ибн Увайсхон ибн Мухаммадхон ибн Хиэрхўжахон ибн Түрлүқ Темурхон	172a
Қутлуқ хоним	163б, 252б
Қутлуғ шоҳ Нүён	78a
Қўлон хотин	73a

-F-

Ғабий	195б
Ғозон	77б
Ғозонхон	78a

-Х-

Ҳажрий Мир Мухаммад Солих	119б
Ҳаэррати Абобакр Сиддик	315a, 217б (Д138)
Ҳаэррати Али	287б, 315a
Ҳаэррати Амири қабир Али ас-соний	216б (Д138)

Ҳазрати амир Сайид Мұхаммад	2176 (Д138)
Ҳазрати Борий хұжа Абдулла Анзорий	188a
Ҳазрати Вөҳаб ал-атоёт	162a
Ҳазрати Довуд	2176 (Д138)
Ҳазрати Мавлоно	85a,б; 123б, 162б, 191a,б; 192a,б; 197б, 212б, 213a, 252a,б; 283б
Ҳазрати Мавлоно Абдурраҳмон	191a
Ҳазрати Мавлоно Абдурраҳмон Жомий	175б, 188б, 191a, 197б
Ҳазрати Мавлоно Абдуғафур	192б
Ҳазрати Мавлоно Алоуддин мактабдор	193a
Ҳазрати Мавлоно Ақсида	283a
Ҳазрати Мавлоно Жомий	189a, 211б
Ҳазрати Мавлоно Ёқуб	190б
Ҳазрати Мавлоно Мұхаммад	213a
Ҳазрати Мавлоно Мұхаммад Қози	252б, 283a, 285б
Ҳазрати Мавлоно Низомиддин Хомуший	189a
Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин	191a, 193б
Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин Кошқарий	189a, 193a
Ҳазрати Мавлоно Ҳожа Мұхаммад	122б
Ҳазрати Мавлоно Шарафуддин Али Яздий	80б, 160б
Ҳазрати Маҳдуми Нуров	190б, 308a, 310б, 311a, 313a,б
Ҳазрати маҳдуми аршод паноҳ	
Шаҳобуддин Ҳожахованд Маҳмуд қулдиса сирриху	263a
Ҳазрати Мусо алайхиссалом	175б, 217б (Д138)
Ҳазрати Мұхаммад Мустафо	153б
Ҳазрати Мұхаммад Расулуллоҳ	69б
Ҳазрати Носириддин ҳожа Убайдуллоҳ	160б
Ҳазрати Нуров	300б
Ҳазрати Одам	69б
Ҳазрати Одам алайхиссалом	221a
Ҳазрати Расулиллоҳ	188б
Ҳазрати Соҳибқирон	87б, 88a, 89б, 91б, 94a,б; 98a, 103a, 104a, 106б, 107a, 108a, 110a,б
Ҳазрати Соҳибқирон Тойхон	90a
Ҳазрати Сулаймон	217б (Д138)

Ҳазрати Султон шайх Маҳмуд Фазон	78a
Ҳазрати Умар	2176 (Д138)
Ҳазрати Усмон	122a
Ҳазрати Ҳожа	314a,6; 315a
Ҳазрати Ҳожа Абдухолик Фиждувоний	315a
Ҳазрати Ҳожа Аҳрор	3126
Ҳазрати Ҳожагон	149a
Ҳазрати Ҳожа Нуро	3016, 301, 302a, 3106, 312a, 313a, 314a, 315a,6
Ҳазрати Ҳожа Убайдуллоҳ	1906
Ҳазрати Ҳожа Хизрон	112a
Ҳазрати Шайхулислом Мавлоно	
Абдураҳмон Жомий	3126
Ҳазрати шайх Муслиҳиддин Ҳўжандий	2096
Ҳазрати шайх Носириддин Убайдуллоҳ	1366
Ҳазрати Эшон	1366, 1616, 162a, 1726, 1906, 1916, 192a, 211a,6; 212a, 2446, 245a, 246a, 252a,6; 263a, 308a,6; 314a, 315a
Ҳазрати Юсуф	93a
Ҳазрати Қодир	237a
Ҳазрати Қосим бин Муҳаммад	3156
Ҳайбат широнут	119a
Ҳайдар	816
Ҳайдар Қолича	1996
Ҳамза султон	178a, 214a, 224a, 2266, 228a, 229a, 2306, 240a, 253a
Ҳари Malik	1066
Ҳармиз бинни Нарсо	70a
Ҳармиз бинни Нуширвон	70a
Ҳармиз бин Ялош	696
Ҳарроҳ	93a
Ҳасан	338a
Ҳасан девон	329a
Ҳафт Муҳаммадон	263a
Ҳақназар Қуғучи	267a
Ҳиндол мирзо	3076, 333a, 3416, 342a

Ҳинд шоҳ	100a
Ҳожи	329a
Ҳожи барлос	886
Ҳожибек	98a, 104a
Ҳожи мирзо	266a, 268a, 277б
Ҳожи Мұхаммадий Шоиста	124б
Ҳорун ар-Рашид	286б
Ҳофиз Басир	201б
Ҳофиз Зайниддин	222a
Ҳофиз Маҳмуд зиёратгоҳи	195a
Ҳофиз Миррахим	208б, 209a
Ҳофиз Нут	200a
Ҳофиз Ҳасан Али	201б
Ҳофиз Ҳожи	201б
Ҳулогухон (Ҳалогухон)	75б, 76a, 77a, 79a
Ҳумоюн мирзо	313б, 316a
Ҳумоюн подшоҳ (Бобур подшоҳнинг ўғли)	307a, 314б, 333a, б, 342a, б
Ҳусайн	99a, 105a
Ҳусайн жалойир	198б
Ҳусайн мирзо	227б (Д138)
Ҳусайн Музаффар мирзо	202б
Ҳусайн султон	341б
Ҳусайн Сүфи	207a
Ҳусайн Фазлуллоҳ хўжা	264a
Ҳусн Нигор хоним	131a
Ҳурхон	77a

ЖҮФРОФИЙ НОМЛАР КҮРСАТКИЧИ

-A-

Аббос	100а
Агра	333а, б
Ажам	79а
Ажлол	2286
Азарбайжо(н)	76а
Айтикент	146а
Алобуга	126а
Аму	213а, 223б
Амуя дарёси	170а, 1876, 253а, 1296, 134а, 1366, 1446, 1626, 167а, 172а, б; 1826, 1856, 2156, 216а, б
Андигон	108а, б
Андижон	108а, б; 120а, 124а, 126а, б, 2246, 2256, 2266, 229а, 2296, 230а, б; 2326, 237а, 238а, 239а, б; 240а, б; 242а, 2456, 2476, 252а, 253а, 255а, 2656, 266а, 273а, 276а, 2776, 2896, 290а, 301б, 3036, 2256 (Д138), 226а (Д138)
Андижон вилояти	242а
Араб	79а
Арбот	288а
Ардуй	106а
Арк	1266
Армон	76а
Аскор (шашар)	3186
Аскорду төри	317а
Аслонбоги	268а
Астробод	208а
Асҳобул қажғ	1176

Атоқим	110a
Афросиёб	2966
Афросиёб турк	2966
Ахси	1436, 144a, 178a, 180a, 2166, 2246, 2296, 239a, 250a, 252б, 253a, 2796, 3356, 2256 (Д138)
Аштор шаҳри (Тошкент вилояти)	2456
Ақор (жүғ.)	97a,
Ақсамун мавзай	111a
Ахси қалъаси	242a

- 6 -

Бадахшон	90a,б; 140a, 146б, 147a, 165б, 178б, 206a, 215б, 218б, 232б, 243a, 245a, 293a,б; 294a, 301a, 304б, 306б, 307a,б; 311a, 313a,б; 316a, 317a, 326a, 330б, 331a,б; 335a, 2176 (Д138)
Баёбон қавми	102б
Бакан	316б
Балх	73б, 80a, 168a, 171a, 100a, 207a
Бандохини	228a
Басаранг	341б
Бақолон	173б
Бағдод	74a,б; 76a,б; 77a, 325б
Баҳра	317a,б
Бешбалиқ	73б, 74a, 257a
Бингола (дарё)	317б, 328a, 333a
Бодожон (кент)	331б
Божувора	317a
Бозним	328a
Бой	120a, 124a, 141a, 280б,
Бойқул	297б
Болжун (Чашма)	71a
Болосагун (Боласагун, Болосакун, Балосоқун)	72a, 73б
Болти	147б, 317a, 318б, 321б, 322б, 329a

Болур	147a, 232б, 321a
Бомиён	223б
Бомиён қалъа	80a
Бом сүйи	94б
Бошикун	328б
Боқкүёс	303a
Боги зогон ва Боги сафед (шаҳри Ҳиротда ҳам бор)	325a
Богиун	219a (Д138)
Боги эрам	220б (Д138)
Буро	318б
Буряк (шахар)	318б
Бухоро	73б, 145б, 152б, 159б, 164a, 6; 167б, 168a, 208a, 209б, 210a, 212б, 228a, 235a, 240б, 248a, 252a, 253б, 263б,
Бўрқиё	321a

-B-

Валта	328б
Вардуқ	318б
Вахш	223б
Вахш сүйи	89б
Вилояти Кеш	87a
Вилояти Фарғона	225б

-J-

Ганг	334a
Гужарот	316a
Гўзари Бодғиз	191a

-D-

Дарвозохон	259a
Дарёи Аму	214б

Дарёи Дажла	3256
Дарёи Жайхун	2976
Дарёи Карёз	1136
Дарёи Хўжанд	2486
Дари Понипат	295a
Дашти қўлак	906, 926, 224a, 240a
Дашти Қипчоқ	75a, 127a, 1456, 160a, 165a, 168a, 208a, 2426, 2646
Девсар мавзαι	3246
Дехли	3336
Дизақ (булбули шикор)	95a
Дўлба	3216
Дўлон	1806

-Б-

Ёрканд	120a, 130a, 6; 1376, 139a, 146a, 152a, 6; 232a, 6; 2336, 2496, 2566, 262a, 6; 2646, 268a, 6; 2706, 273a, 6, 275a, 283a, 269a, 6; 289a, 6; 2906, 2926, 2946, 2996, 3016, 302a, 304a, 306a, 3076, 308a, 6; 3106, 317a, 6; 329a, 3306, 331a, 3346, 2236 (Д138), 224a, 6 (Д138) 2896, 117(C569), 118(C569), 123(C569)
Ёрканд арқ ўрдаси	

-Ж-

Жаван (дарё)	3176
Жавод (мавзә)	251a
Жайхун	88a, 101a, 107a, 110a, 2976
Жангду (шахри)	72a
Жангсаба	320a
Жаноб	3176
Жар Бадир	272a

Жета	76a
Жидда	312б
Жинуж	258a
Жойтуба	288a
Жом	288a
Жония мавза	318б
Жувайин шаҳри	88б
Жур	76a
Журжон	317a
Журжон суви	317б
Жуса	333б

-З-

Занжир Сарой	106a
Зарафшон	301б
Зарозкент	87б
Зонгискор	318б
Зунка	320б

-И-

Ила	297б
Ироқ	73б, 122a, 124a, 126б, 128б, 134a, 158a, 196a, 199a, 220a,b; 221a,b, 230б, 253б, 312б, 314б, 217a (Д138)
Ироқ вилояти	199a
Иртиш	73б, 74a, 297б
Иссиқкўл	124a, 126a, 260б, 291б, 298a, 302a
Иторчи	170б

-К-

Калифжук	261б
Кандбодо	97a, 169a

Канжон	3166
Карбот	2576
Карот	706
Катак	261a, 3176
Кашмир	1156, 147a,6; 152a, 2326, 242a, 272a, 2776, 306a, 307a, 3226, 3236, 324a,6; 3256, 329a, 3306, 335a, 340a, 341a,6; 343a, 342a,6, 2166(Д138), 217a(Д138), 218a,6 (Д138), 219a(Д138), 2206(Д138), 220(Д138), 2226(Д138), 224a(Д138)
Кашмир вилояти	2166(Д138)
Каъба	205a
Келурон	72a, 736, 74a
Керия	3176
Кермон	76a
Кетистон	886
Кефак (дарё)	3176
Кеш	876, 88a, 89a, 92a,6; 996
Кеш вилояти	886
Кеш шаҳри	926
Кобул	736, 175a, 185a, 2026, 2046, 205a,6; 206a,6; 2076, 2156, 218a,6; 226a, 2256, 227a, 2306, 2376, 2396, 240a, 254a, 292a,6; 2946, 3046, 3406, 306a, 3126, 3136, 3146, 2256 (Д138)
Кожижак	3426, 343a
Конг	1196
Косон	2246, 2296, 230a
Косон қалъаси	2296
Кофиристон	147a
Кошқар (Қошқар)	72a, 736, 856, 112a, 116a, 120a, 124a,6; 1266, 129a, 130a,6; 1356, 137a,6; 138a,6; 1396, 140a, 141a,6; 146a,6; 147a, 1526, 153a, 1646, 167a, 175a, 1806, 1826, 1836,

Кубравия	265а
Кулоб	209а
Кумала	185а
Кусан	141а, 280б, 282а, 303а
Кучо	164б
Кўка	318б, 319а, 328а
Кўқдуба	113б
Кўкнавар	317б
Кўкработ	262а
Кўктуба	104а
Кўкча тенгиз	297б, 298а
Кўл	343а
Кўлзум	297б
Кўли	76а
Кўлма Қочуро	112а
Кўл музофоти	235а
Кўҳак	145б
Кўхистон	105а, 203б, 214а, 294б
Кўҳпоя	341б

-А-

Лаби дарёи Хўжанд	248б
Ламкон масжиди	191а
Лашкари Мансур	111а
Лоҳур (Лоҳӯр)	313б, 314а, б; 332б, 333б, 334а, 339а, 340а, 221б(Д138)
Лоҳуф	262б
Лу	318б
Луб	117б, 118а, 119б, 261а, 317а
Лютрит	192а

-М-

- Мадина 1216, 1536
- Макка (шахри) 796, 120а, 121а, 122а, 1536
- Маккай шариф 1196
- Мамлакати Тотор 72а
- Мамлакати Туркистан 95а
- Мамлакати Уйнур 72а
- Мамокант 144а
- Манглай субе 260б
- Марв 144б, 220б, 221а, б; 222а, 223б, 224а, б
- Марғилон 136б, 168б, 242а, 247б
- Масжиди Маликон (Хитойда) 222а
- Машҳад 200б
- Миёй (мавзे) 220а(Д138)
- Миёнғуча 118б
- Минглоқ 76а, 78б
- Миср 73б, 74а, 76а, 79б, 86б, 87б, 89а, б; 95а, 113а, 126а, 135а, 137а, 145а, 158а, 163б, 167б, 191а, 206б, 208а, 235б, 226б, 229а, 235а, б; 237б, 239б, 250а, 257а, 260б, 280б, 294б, 300б, 314а, 217а (Д138), 225б(Д138)
- Моду 232б, 302а
- Мозу 234б
- Молий сарой 90б
- Мочин 76а
- Музот довони (Музэрот довони) 84б, 225а(Д138)
- Мұхит 260б
- Мұғул 128б, 129б, 168б, 171а, 186б, 121 (С569)
- Мұғулий 90а, 130а
- Мұғулистон 73б, 84а, б; 103б, 112а, 116б, 117б, 121а, б; 122а, б; 123а, б; 124а, 125б, 126б, 129а, б; 131б, 132а,

135б, 136а, б; 141а, б; 142а,
144а, б; 146а, б; 148а, 149б,
150а, б; 151а, б; 153а, 157а, б;
158а, 163б, 164а, 168а, 171а, б;
172а, 178б, 179а, 180а, 182б, 186б,
202а, 208б, 224б, 225а,
238б, 242б, 243а, 243б, 244а,
248а, б; 249а, б; 250а, 251а,
252б, 264б, 280б, 282б, 291а, б;
295а, б; 298б, 301б,
302а, б; 303а, б; 304а,
335б, 220б(Д138), 225б
(Д138); 118 (С569), 121
(С569), 121 (С569), 123
(С569), 124 (С569), 124
(С569), 126(С569)

Мұғалистон төблари

261а

Мұғалия

80б, 81а, 120б

-Ж-

Нав шаҳори	341б
Намкинг (шахори)	72а
Нахшаб	226б
Нийлаб (дарё)	317б
Нил	237а
Нимон	327б
Нишопур	208а
Ноком (мавзә)	324б
Норин	182б
Норин (дарё)	297б
Нубра	321а, 322а, 323а, 224б (Д138), 225а(Д138)

-О-

Оби Божувара	317б
Оби Борон	204а

Оби Лохур	3176
Оби Раҳмат	1806
Оби Султонфур	3176
Оби Синд	3256
Оби Янги	297a
Озарбайжон	79a
Ойшахотун сут	102a
Олмалиқ	72a, 736, 74a, 2576
Олмату	102a, 1806
Олой	317a
Ортуж	265a
Осс	319a
Отбоши	105a, 3026
Отбоши (мавзе)	1086
Оқсамун (Оқсума, мавзе)	111a
Оқсоӣ	3026
Оқсу	84a, 85a, 120a, 124a, 1256, 126a, 1306, 1316, 137a, 146a, 147a, 1516, 1646, 165a, 225a, 233a, 251a, 272a, 2786, 279a, 2806, 283a, 288a, 2926, 2976, 3096, 310a, 6; 311a, 3156, 316a, 121 (C569), 123 (C569), 125(C569), 126 (C569), 2266(Д138)
Оққош	3176
Оҳангарон	2506

-И-

Пискант	2396
Пойтоқ	1046
Помир	317a, 3316
Порисқӯл	2976
Пориябози	2906
Порсқовун йўли	2916
Пулисанги	2266
Пурик вилояти	222a, (Д138)
Путал	2186

-P-

Работи Малик	108а
Работи Катафон	104а
Работчи	262а
Рабоъ (саҳро)	318б
Ракан	316б
Раъно (Санго ража)	316а
Рождон	219а(Д138)
Роз	293а
Рудхона	252б
Рум	76а, 77а, 79а, 253б, 260б
Рустоқ	215а
Рӯҳистон	333а

-C-

Саводи Кашмир	306а
Сайром	102б, 104а, 126а, 170б, 179а, 242б, 243б, 244а, 268б, 291б, 295а, б
Сайхун	97а, 297б
Сайхун сүйи	133а
Сайхуннинг музи	133б
Сакжуй	317б
Саккизёғоч	109б
Самарқанд	73б, 74а, 76а, 89а, 90а, 95а, 100а, 103б, 104а, б; 106а, 107а, 109б, 111а, 113а, 116б, 117а, 123а, б; 124а, 128а, б; 134а, 135б, 138б, 145а, 159б, 162б, 165б, 168а, 169б, 172б, 173а, б; 178б, 179а, 180б, 189б, 192а, 202а, б; 207а, 208а, 220а, 225б, 228а, б; 232б, 235а, б; 238а, 239б, 240б, 243а, 244а, б; 245а, 248а, 252а, 253б, 257а, 267а, 294б, 312а, б; 325а, 342а

Санжобдур	261a
Санжу	2766
Сарбуғо	111a
Сариқкүл	2626
Сариқ от хүри йүли (жүг.йүл)	2816
Сариқ уйгур	2606, 2906
Сариқчүпон	259a, 293a,б; 3066
Сарман(д)	267a
Сарой	74a
Сатон	886
Сеистон	205a
Сиёлкут	3416
Сингарража (мавзе)	316a
Сипоя	107a
Сойлиқ (мавзе)	2756
Солинбай	2966
Соли сарой	1006
Соқри добони	2246 (Д138)
Соғунлиқ	267a
Сулдуз	1066
Султонпур	317a
Суруки	330a,б
Султонкент	2166
Сүлот	216a

-III-

Тавочи	292a
Тана	3256
Танг боло	2936
Танги	323a
Тангут	726
Татар (мавзе)	296a
Текас-ху (құпрық)	136a
Темурия	1626
Терамоҳи	220a
Төрмиз	2816, 2926

Тибат (Тубат)	716, 147а, 152а, 232б, 261а, 262б, 274а, б; 313а, 320б, 321а, 325а, 327б, 328а, б; 329а, 330а, б; 331а, 222а (Д138), 223а (Д138), 224а (Д138), 225а, б (Д138), 226а, б (Д138), 335а
Тибат вилояти	316б
Тимон	261б
Тобистон	294а
Тожари	112б
Тоэгүн дарёси (Кусан Тоэгүн дарёлар)	261б
Толқон	73б, 80а
Топхай (жүғ.)	184б
Торим	119б
Тошариқ	93б
Тошкент	94б, 97а, 117б, 126а, 134а, б; 145а, 161а, 163а, 165б, 166а, 168а, б; 170б, 178а, 212б, 225а, 235а, 242б, 243а, б; 244а, б; 245а, б; 247а, 248а, б; 250а, б; 251а, 255а, 277б, 280б, 283б, 291б, 292а, 297б, 225 (Д138)
Тошкент вилояти	159а, б
Тошкент саҳроси	86б
Тошкүмир	91а
Тошработ	115б
Тоғ Аҳаба Санжун	317а
Тубат (Тибат)	76а, 272а, 274б, 277б, 316а, б; 318а, 319а
Туман	100а, 106б
Турбат	152б
Туриқшорон (ўн кўри)	169а
Туркистон	72а, 73б, 74а, 113а, 118а, 120а, 126а, 128б, 133а, 144а, 146а, 167б, 168а, 170б, 220а, 228б, 230б, 235а, 247а, 260б, 291б, 295б, 297б
Турон	73б, 260б
Турфон	80а, 113а, 119а, 131б, 144а, 164б, 182а, 225а, 261а, 272а, 278б, 280б,

Туршиз	282a, 2876, 288a, 2926, 2976,
Түс	3006, 308a, 3126, 313a, 331a, 336a
Тутак мавзай	208a
Тутлуқ	2006
Түйлүк (жүр.)	1476, 272a
Түйунбоши	2556
Түккүзөк	231a
	265a, 2896
	268a

-Ж-

Үйғур вилояти	296a,6
Үрдүк	317a
Үрсанг	1526, 317a, 3186, 327a,6, 328a, 3306, 2236 (Д138)
Үч	80a, 279a, 2806, 288a
Үчбалиқ	74a
Үчбүрхон	1246, 265a, 267a
Үчбүрхон мавзеи	265a
Үч қалъаси	141a

-Ф-

Фалоъ (саҳро)	3186
Фанокат	736, 74a, 357a
Фараҳ	2076
Фарона	126a, 1286, 134a, 136a, 1466, 1596, 1626, 163a, 167a, 1686, 2296, 231a, 244a,6, 251a, 272a, 298a, 312a, 317a, 2246, 2526, 253a, 2256 (Д138), 55a, 317a,
Форс (Форс)	76a, 79a
Фояқ	3336
Фуй (шахар)	3166
Фулод буға	906



-Х-



Хазоржот вилояти	2936
Хасак (жуғ.)	2296
Хатталон (Хутталон)	3036
Хитой	72б, 73а, б; 74а, 76а, 113а, 1326, 291а, 317б, 318а, 320а, б;
Хитой Караванарон дарёси	3176
Хитой Қамули	1466
Хонадори	3316
Хонариқ	1226
Хонбалиқ	2966
Хоразм	72а, 736, 796, 1066, 107а, 171а, 1866, 202а, 207а, 2256 (Д138)
Хорура	220а (Д138)
Хундор (қалъа)	321а
Хуресон	73б, 76а, 776, 786, 796, а; 886, 87а, б; 121а, 122а, 126а, 1276, 1286, 1296, 134а, 137а, 158а, 160а, 1686, 171а, 175а, 1866, 187а, б; 1896, 191а, 192а, 194а, б; 196а, б; 197а, 2016, 203а, б; 2056, 2076, 210а, 211б, 212б, 220а, 225а, 2276, 224а, 237а, 3126, 325а, 3326
Хуресон шаҳри	3396
Хутталон дашти	2236
Хўжанд	73б, 74а, 87а, 886, 106а, 173а, 209а, 2446
Хўжанд дарёси	165а
Хўжанд суйи	946
Хўжанд шаҳри	144а
Хўтсан	73б, 74а, 120а, 138а, б; 146а, 2336, 2576, 258а, б; 259а, 260б, 2626, 2756, 276а, 291а, 317а, 321а
Хўтсан вилояти	263а
Хўтсан тоғ	1126



- Ү -

Чашмаи Зайер	3256
Чарирак	2346
Чин	716
Чиноз	97a
Чироқ (жур.)	1126, 1156
Чодиркул	2896
Чолак	2606, 142a, 144a
Чолиш	1316, 143a, 144a, 6; 1646, 2786, 2806, 2976
Чолиш Сайёдий (қалъаси)	1126
Чорун	104a, 1446
Чоч	2606
Чоҳарпора	2946
Чу	127a, 197a
Чўплик (дарё)	2976
Чўпон	293a

- Ш -

Шадор қунон (жур.)	2966
Шақё Муни (Хитой тилида)	320a
Шақо Муни	320a
Шақо Тубо	320a
Шаҳноз мавзеи	3136
Шаҳри Мултон	3256
Шаҳри Нагар	3256
Шаҳрисабз	87a, 88a, 171a, 1866, 187a, 6
Шаҳри Харидон	1686
Шероз	129a, 171a, 3126
Шом	76a
Шош	736, 74a, 120a, 1286, 2606, 261a, 2646 298a
Шоҳноз	2616

-Ә-

Әгиздуба	126a
Әмил	736, 2976
Әрон	736, 76a, 260б

-Ӣ-

Ӣомрол (мавзә)	3026
----------------	------

-Ӣ-

Ӣаздий	200a
Ӣаман	76a
Ӣанги Ҳисор	130a, 139б, 249б, 261б, 262a, 264б, 268а, 269a, 6; 270a, 6; 273a, 308б, 310б, 313a
Ӣанги Ҳисор Қўрғони	261б
Ӣасоқ	89б

-Ӯ-

Ӯзбекистон	126a, 2976, 301a, 302б,
Ӯзганд	74a, 106a, 232б, 272a, 302a
Ӯзганд қалъаси	302a
Ӯзуқ	180б
Ӯра	224a
Ӯратепа	159б, 162б, 163a, 166a, 247a
Ӯтрор	736, 113б
Ӯш	74a, 233a, 243б

-Қ-

Қаёқ	2576
Қазоро	133б
Қайир (Қалмоқ таркин)	2176
Қайроқ	164б

Қалимоқ	302a
Қалъайи Зафар	215a, 2176, 219a
Қалъайи Қундуз	1696
Қандахор	206a, 2076, 238a, 314б, 332а, б; 333a, 341a,
Қандахор қалъаси	206a
Қаранг қоянглиғ	118a
Қарёт	3186
Қаро бойсун	83a
Қарожанак	76a
Қарожиқ тоги	111a
Қаромил	128a
Қаромон	103a
Қаросангүр	766
Қаросув	3256
Қаротай	133a, 134a, 1546
Қароту	111a
Қарохұжа	113a
Қарочоноқ	2616
Қароқасмоқ	105a
Қароқош	2626, 3176
Қарокурм	72a, 736, 74a, 76a, 2606, 2966
Қарши	87a, 101a, 160a, 117a, 2286, 2356
Қиёлик	736
Қизил	262a, 2736
Қолуғоч ёри	118 (С569)
Қоратегин	166б, 305a
Қоратозғун	2616, 268a
Қорахитой	2966
Қора тұқой	179a
Қорбоб сүйи	107a
Қоронғутօғ	274a, 276a
Қокум (Қоқам)	261a
Құддус	1476
Қундуз	736, 89a, 90а, б; 1196, 1446, 1496, 1496, 1656, 174a, 1786, 1866, 222a, 223а, б; 2256, 236a, 2376, 240a, 266a, 292a, 2946, 295a, 2256 (Д138)

Құнғор Үланг	302a
Қўйсуй	126a
Қўчқор	2996, 301a, 3026
Қўчқор мавзей	1116

-Ҳ-

Ҳазора	204a, 220a
Ҳамадон	77a
Ҳатталон	906, 926
Ҳакмомалоқкент	866
Ҳинд	316a, 3126
Ҳиндистон	76a, 164a, 2776, 295a, 304a, 3066, 307a, 311a, 3136, 314a
Ҳинду	3126, 326a, 3416
Ҳиндустон	147a, 2966, 2056, 2646, 3156, 316a, 318a, 331a, 3326, 333a, 334a, 335a, 339a, 340a, 341a, 6
Ҳинду дарёси	
Ҳиндукуш	89a, 2046
Ҳирот	1966, 199a, 207a, 6; 2086, 2206, 222a, 264a
Ҳисор	71a, 786, 145a, 6; 1476, 149a, 166a, 178a, 1696, 170a, 2236, 224a, 228a, 2356, 236a, 6; 237a, 6; 240a, 6; 242a, 6; 248a, 252a, 253a, 3036, 304a
Ҳисор вилояти	2266
Ҳисор шаҳри	1736
Ҳовон (мавзе)	253a
Ҳолула (шахар)	3186

-Ҷ-

Ғазнин	736, 2946, 2306, 2376
Ғиждувон	2356, 236a, 2536
Ғунуд	293a
Ғури	1736



ЭТНИК НОМЛАР КҮРСАТКИЧИ



Аймоқ	716
Аймоқи канут	866
Аймоқи Қонеъли	866
Аймори дүрлөт	104a
Арду вон	696
Арлот	106a
Арлот халқи	2486
Арғун	776
Барлос	806
Боялајки	126a
Булғор	74a
Бўлба (қабила)	3186
Доруга аймоқ	119a
Дўрлөт	124a, 1376, 2606, 2656, 2816
Ёнри	297a
Жалойир	87a, 104a, 106a
Жалойир халқи	104a
Жета	76a, 876, 886, 896, 91a, 936, 966, 996, 1006, 100a, 1036, 107a, 108a, 111a, 1566
Жета халқи	976
Жета қавми	95a
Жония (халқ)	318a, б
Итойчи	1126
Кунжи	126a
Кўкумат аймоқи	119a
Муғул	836, 746, 866, 114a, 1266, 133a, 138a, 156a, б; 1626, 1636, 2216, 2236, 222a, 224a, 2256, 226a, 229a, 231a, 2326, 236a, 244a, 253a, 2586, 279a, 2986
Мўғулий	836, 90a, 101a, 1136, 1156, 120a, б, 123a, б; 144a, 244a, 259a, 266b, 272a, 282a, б



Мүғулий ҳалқи	84a, 118a, 1616, 1236
Мүғул ҳалқи	137a, 2476, 249a, 303a, 3186, 319a
Ноймон қабиласи	258a
Сакий	716
Сарық уйғур	1126, 118a
Сақот	836, 120a
Тангут	716
Түрк	2566
Түркман	1286, 2246, 3146
Түркот (аймок)	119a
Түрт қавм (Улуси арбаъа)	156a
Үйрот қавми	72a, 736
Үйғур	72a, 1256
Үйғур турфон қабиласи	1256
Улуси Мүғулий	2436
Урус	74a
Угротий аймоқи	866
Чигатай	156a,6, 2556, 280a
Чигатай ҳалқи	1586
Чурос	126a, 231a
Чурос аймоқи	71a
Шиқомуни	320a
Ўзбек	75a, 81a, 102a, 1236, 1336, 1456, 151a, 1546, 1876, 219a, 2236, 207a, 215a, 2246, 2256, 2266, 227a, 228a,6; 229a,6; 230a, 231a, 235a, 236a, 237a, 238a, 240a, 242a,6; 247a,6; 248a, 250a, 253a, 254a, 255a, 2776, 280a, 298a, 2996, 301a, 302a,6; 303a, 307a,6; 327a, 3326, 2256(Д138)
Ўзбек аймоқи	119a
Ўзбек ҳалқи	1586,166a
Қавм	166a
Қавми шаҳидон	2626
Қалмоқ (Қалимоқ)	261a, 2646, 1186, 119a, 135a, 249a, 2976, 301a
Қизилбош	222a, 229a

Қипчоқ	74a, 118a, 127a, 185б
Қипчоқ қавми	97а
Қирғиз	144а, 156б, 279а, 292а, 295а, 298а, 302а
Қожуро	185а
Қоюқ	75а, 127а, 144б, 219б, 242б, 247а, б; 250а, 252а, 301а, 327а
Қолужи	126а
Қолужи халқи	249а
Қолужи қавми	248б
Қорахитой	72а, 159а, 257б, 258а, 260б
Құнғирот	73б
Қүшчи	112б
Ҳазора	105а
Ҳарроэ	92б
Ҳинду	315б, 316а



АТАМАЛАР ВА ҚАДИМИЙ СҮЗЛАР КҮРСАТКИЧИ

Авранг тош	262б
Ажам	76а
Аймоқ	264а
Алам	292а
Амир	129а, 292а
Амир ул-умаро	228б
Атрок	69а
Аъраф	264б
Ашконий	69б
Аҳли сунний	76а
Аҳод ун-нос	156б
Баковул	267а
Банди Оҳанин	178а
Битукчи	109б
Брахма	216б (Д138)
Булунг	274а
Бутпараст	320б
Буқаламун	72б
Вазир	76б, 79а
Вақойиъ	172б
Вобира	69а
Вожгун	72б
Волий	95а
Вонг	69а
Ганчхазина	262а
Даракчи	342б
Дархон	71а
Девон	147а, 267а
Девоний олий	267б
Динори шоҳрухий	194а
Дирам	74а
Домод	73б
Доруга (дорға)	73б, 163а



Доф, рубоб, чанг, қабоқ	299а
Ёрлиқ	1036, 1046, 1066, 1206
Жаллы (хат тури)	2006
Жоми гетинамой (тарихий асар)	2606
Жонг (табл ва жонг сүқдилар)	267а
Жу	322б
Жузъия	3186
Жулду	119а
Исма	127а
Итарчи	266а
Ишпак	221а
Зикри жаҳория	315а
Зикри хуфия	315а
Кайоний	696
Кашф ул-маҳжуб	826
Китоб	2006
Коённий	696
Кўкалдош	112б
Лак	73а, 74а
Лашкар	88а, 219а (Д138), 220а(Д138), 120 (С569)
Ломаъ	319а
Мавлоно	2176
Манглай субе	124а
Манглай расми	866, 104а
Матлаъ	199а, 6
Маоф	301а
Маҳрам	1206
Минг бош кумуш	74а
Мир	1336, 2666
Мирбоши	
Мирзо	136а, 266а
Мирохўр	267а
Миришкорлик	82а, 149а
Мисқол	72а, 74а, 319а
Модари Кошқар	2646
Мунодий	2586
Мутавалли	1626

Мутобаат	211a
Мухотаб	212a
Мұттақид	210a
Муқарраб	212a
Навкар	766
Нақора	104б
Насх талиқ	201a
Нүқса	2336
Олтунчи Тибат	3186
Отабек	3256, 327a
Оталиқ	2826, 3016
Оқ алам	227a
Партазвир	766
Пешдод	696
Пешдодий	696
Пештох (Паштох)	265a
Подшох	135a
Садри судур	2826
Силох	1246
Силох ва хұблук	2186 (Д138)
Самошин (фирқа)	2186 (Д138)
Сарбозлик	2736
Сардағтар	2476
Сардор	1826
Саф ясол	2676
Сикка	1466
Саф-саф ишлар	2986
Сипох	87a,6; 886, 89a, 92a,6; 936, 94a,6; 100a, 1026, 1216, 125a
Солиёна (йиллик ҳосил маңносида)	1196
Сосоний	696, 70a
Судур	2826
Сулук	2116
Табал	267a
Табақай Ѓеркүй	266a
Табақай чuros	2666
Таважжұх	886
Тавочилар	265a

Тева	1196
Тийрандозлик	2736
Тиркаш	2986
Тибат хати	3206
Торихот	1576
Тулок	266a
Туман	264a
Туркий	1976
Түр	114a, 2736, 2986
Түфакчи	338a
Улус	145a, 127a
Улусбеги	164б, 279a, 2986
Улуси арбаъа	156a
Улуси Чигатой	263б
Улуфа	766
Умаро	217a (Д138)
Фавж-фавж фарсанг	225a (Д138)
Фақхи ахват	217a (Д138)
Хайф	1206
Халифа-и Мустасим	76a
Хамсай мустажир	191a
Хатти жалли	200б
Хатти китоб	200б
Хатти хафий (кўфий бўлиши мумкин)	263a
Хатти насх	200a
Хатти таълиқ	200a
Хатти шикаст	201a
Хатти қитъа	200б
Хитой хати	3206
Хислати Хамида	263б
Хирож	72a
Хожа	2176
Хоразмшоҳ	224a, 257a
Хоқон	81a, 156a
Хутба	146б
Чарх	221a
Черик	796
Чирак ном (одамлар)	167a

Чобуксувор	2736
Шайх	1176, 222а, б
Шахна	72а, 736
Шийа (Шийъа)	
Шиннакор	2166 (Д138)
Эролар (ёронлар)	158а
Ясол	2676
Ясовул	217а
Үрдабеги	266а
Қалъа	119 (С569)
Қасида	2986
Қонун	2016
Қоон	746
Қошин (лақаб)	726
Қурчи	267а
Қүшбеки	1256
Құғурчи	267а
Ҳафиъ (хати)	2006
Ҳоким	247а
Ҳофизи Қуръон	2086
Ғазот	306а
Ғұл лашкар	2676





ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. II жилд, биринчи қисм. Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Асомиддин Ўринбаев. — Т., 2008.

Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. II жилд, иккинчи қисм. Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Асомиддин Ўринбаев. — Т., 2008.

Абрамзон С.М. Киргизы и их этнические и историко-культурные связи. — Л., 1971.

Акимушкин О.Ф. К вопросу о внешнеполитических связях могольского государства с узбеками и казахами в 30-х годах XVI — 60-х годах XVII вв. //Палестинский сборник. Вып. 21 (84). Ближний Восток и Иран. — Ленинград, 1970.

Акимушкин О.Ф. Хронология правителей восточной части Чагатайского улуса (линия Туглук Тимур хана) //Восточный Туркестан и Средняя Азия /Под ред. Б.А. Литвинского. — М., 1984.

Анвар Бойтур. Шинжонгдики миллатларининг торихи. Миллатлар нашриёти. — Бейжинг, 1991.

Алмас Түргүн. Уйгурлар. Том I. — Алматы, 1992.

Алмас Түргүн, Уйгурлар. Том II. — Алматы, 1993.

Ахмедов Б.А. Государство кочевых узбеков/Отв. редактор Петрушевский И.П. — М., 1965.

Ахмедов Б.А. Улугбек и политическая жизнь Мавераннахра первой пол. XV в. //Из истории эпохи Улугбека. — Т., 1965.

Ахмедов Б.А. Улугбек. — Т., 1989.

Ахмедов Б.А. Ўзбек улуси. — Т., 1992.

Ахмедов Б.А. Тарихдан сабоқлар/Масъул мұхаррир Ҳамид Зиёев. — Т., 1994.

Бабур-наме (Записки Бабура) /Перевод М. Салье. Отв. ред. С.А. Азимджанова. — Т., 1958.

Бартольд В.В. Абулхайр. Соч. Т. II (ч. 2). — М., 1964.

Бартольд В.В. Бадахшан. Соч. Т. III. — М., 1965.

- Бартольд В.В.* Балхаш. Соч. Т. III. — М., 1965.
- Бартольд В.В.* Борак-хан. Соч. Т. II. (2). — М., 1964.
- Бартольд В.В.* Дуглат. Соч. Т. V. — М., 1968.
- Бартольд В.В.* История культурной жизни Туркестана. Соч. Т. II. (ч. 1). — М., 1963.
- Бартольд В.В.* Кара-китай. Соч. Т. V. — М., 1968.
- Бартольд В.В.* Кипчаки. Соч. Т. V. — М., 1968.
- Бартольд В.В.* Очерк истории Семиречья. Соч. Т. II. (ч. 1). — М., 1963.
- Бартольд В.В.* Тибет. Соч. Т. III. — М., 1965.
- Бартольд В.В.* Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т. I. — М., 1963.
- Бартольд В.В.* Тюрки. Соч. Т. V. — М., 1968.
- Бартольд В.В.* Чагатайская культура. Соч. Т. V. — М., 1968.
- Бартольд В.В.* Чу. Соч. Т. III. — М., 1965.
- Бичурин (Иоакинф) Н. Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Соч. Т. I- II. М.; Л., 1950; т. III. — М.; Л., 1953.
- Босворт К.Э.* Мусульманские династии. Справочник по хронологии и генеалогии. — М., 1971.
- Джалилов А.* Список тюркских рукописей произведения Мирзо Мухаммад Хайдара Дуглата «Тарихи Рашиди», хранящихся в институте Востоковедения АН РУз. Мухаммад Хайдар Дуглати — государственный деятель, выдающийся ученый-историк. — Тараз, 1997.
- Жалилов О.Х.* Мирзо Мухаммад Хайдарнинг «Тарихи Рашидий» асарининг туркий қўлэма нусхаси, Шарқшунослик мажмуаси. — Т., 1997.
- Зафар-наме. Шарафаддин ‘Али Йазди. Зафар-наме/Подготовка к печати, предисловие, примечания и указатели А. Урунбаева. — Т., 1972.
- Захириддин Мухаммад Бобур.* Бобурнома. — Т., «Юлдузча», 1986.
- Из истории Средней Азии и Восточного Туркестана XV—XIX вв. Отв. редактор Ахмедов Б.А. — Т., 1987.
- Ислам.* Энциклопедический словарь. — М., 1991.
- Ислом.* Энциклопедия. — Т., 2004.
- Исмаилова Э.М.* Искусство оформления среднеазиатской рукописной книги XVIII—XIX вв. — Т., 1982.
- История Казахской ССР. В 5-ти томах. Т 3. — Алма-ата, 1979.
- История Киргизской ССР. 5-ти томах. Т.1 — Фрунзе, 1984 й.

- История народов Узбекистана. Т. II. — Т., 1947.
- Казиев А.Ю.* Художественно-технические материалы и терминология средневековой книжной живописи, каллиграфии и переплетного искусства. — Баку, 1966.
- Кононов А.Н.* Родословная туркмен. Сочинение Абу-л-Гази хана хивинского. — М.; Л., 1958.
- Куттибаев Э.* Ходжа Ахрор Валий/Отв. редактор Ахмедов Б.А. — Т., 1996.
- Кутлуков М.* Рукописи и документы по истории Восточного Туркестана XVI- 60 гг. XIX в. И его взаимосвязь со Средней Азией //Актуальные проблемы советского уйгуроисследования. — Алма-Ата, 1983.
- Кутлуков М.* История взаимоотношений Яркендского ханства и Китая в XV—XVII вв.
- Кутлуков М.* Место и роль Яркендского ханства в истории Центральной и Средней Азии. Основные итоги и задачи Советского китаеведения. Вып.2. История и историография ч.1. История. — М., 1983.
- Люзишов.* Уйгур торихи, биринчи қисм (1), Миллатлар нашриёти, — Байжин, 1987.
- Люзишов. (Лю Чжисяо).* Уйгур торихи, 1 қисм (2)), Миллатлар нашриёти, Байжин, 1988. Материалы по истории Средней и Центральной Азии X-XIX вв./Отв. редактор Ахмедов Б.А. — Т., 1988.
- Материалы по Киргизии. — Материалы по истории киргизов и Киргизии/Под ред. В.А. Ромодина. Вып. 1. — М., 1973.
- Материалы по Туркмении. — Материалы по истории туркмен и Туркмении XVI — XIX вв. Иранские, бухарские и хивинские источники Т. II/Под ред. акад. В.В. Струве., А.К. Боровского, А.А. Ромасевича и П.П. Иванова/Труды ИВ, VIII. Источники по истории народов СССР. — М.; Л., 1938.
- Материалы по этнической истории тюркских народов Центральной Азии/Отв. редактор Ахмедов Б.А. — Т., 2003.
- Махмуд б. Вали.* Баҳр ал-асрас — *Махмуд ибн Вали.* Море тайн относительно доблестей благородных. (География)/Введение, перевод, примечания, указатели Б.А. Ахмедова. — Т., 1977.
- Мингулов Н.* Мухаммад Хайдар Дуглат//Великие ученые Средней Азии и Казахстана. — Алма-ата, 1965.
- Мирза Мухаммад Хайдар.* Та'рих-и Рашиди. Введение, перевод с персидского А. Урунбаева., Р.П. Джалиловой., Л.М. Епифановой. — Т., 1996.
- Мирзо Мухаммад Хайдар Аёзий.* Жаҳоннома, Нашрға тайёрловчилар: С.А. Азимжонова, А. Ўринбоев, О.Ҳ. Жалилов. Т., 1999.

- Мирзо Мухаммад Ҳайдар.* Тарихи Рашиди. — Алмату, 2004.
- Мирзо Мухаммад Ҳайдар* Кургон. Тарихи Рашидий. Нашрға тайёлиғучи: Мұхаммадтурді Мирзо Ахмат, Шинжонг халқ нашриёти, — Урумчи, 2008.
- Мирзо Улугбек.* Түрт улус тарихи/Б. Ахмедов кириш сүзи, изоҳлари ва таҳрири остида. Форс тилидан Б. Ахмедов, Н. Норқулов ва М. Ҳасанийлар таржимаси. — Т., 1994.
- Моисеев В.А.* Джунгарское ханство и казахи XVII—XVIII вв/Отв. редактор Пищулина К.А. — Алма-ата, 1991.
- Мурзаев Э.М.* Природа Синьцзяна и формирование пустынь Центральной Азии. — М., 1966.
- Мулло Мусо Сойрамий.* Миллатлар нашриёти. — Бейжин, 1986.
- Мулло Мусо Сойрамий.* Тарихи Аминия Шинжонг халқ нашриёти. — Урумчи, 1989.
- Мұхаммад Содиқ Қашқарий.* Қашқар уйғур нашриёти, 1988.
- Навоий замондошлари хотирасида/тузуви Б. Ахмедов. — Т., 1986.
- Народы мира. Этнографические очерки. Народы Средней Азии и Казахстана. Т. 1/Под ред. Толстова С.П., Жданко Т.А., Абрамзона С.М., Кислякова Н.А. — М., 1962.
- Новое в изучении Китая. М., 1988.
- Норқулов Н.* Темурнийлар даври маданияти тарихидан лавҳалар/Масъул муҳаррир Сайдбек Ҳасан. — Урганч, 1996.
- Общественные науки в Узбекистане. Вып. 3. — Т., 1993.
- Памятники культуры Востока. Тарих-и Кашигар. — Санкт-Петербург, 2001.
- Письма-автографы 'Абдаррахмана Джами из «Альбома Навои»/Введение, перевод, примечания и указатели А. Урунбаева. — Т., 1982.
- Пищулина К.А.* Юго-Восточный Казахстан в середине XIV— начале XVI в. — Алма-ата, 1977.
- Пўлат Қодирий.* Ўлка тарихи. Қисм 1. — Урумчи, 1947.
- Рашид ад-дин. Переписка,* Перевод, введение и комментарий А. И. Фалиной. Памятники письменности Востока XVII. — Москва, 1971.
- Собрание восточных рукописей АН УзССР. Т. VI/Под ред. и при участии докт. ист. наук проф. Семенова А.А. и канд. истор. наук Вороновского Д.Г. — Т., 1963.
- Семенов А.А.* Очерк устройства центрального административного управления Бухарского ханства позднейшего времени //Материалы по истории таджиков и узбеков Средней Азии. Вып. II. Труды АН Тадж. ССР. Стalinабад, 1954.
- Симочиян.Торихий хотирилар.* 24 тарихтики Ўттуро Осиёга доир материаллар тўплами. Шинжонг халқ нашриёти, 1989.

Султанов Т.И. Некоторые замечания о начале казахской государственности // Известия АН КазССР. Серия общ. наук № 1. — Алма-ата, 1971.

Тарих-и Кашгар/Анонимная тюркская хроника владетелей Восточного Туркестана по конец XVII века/Факсимile рукописи Санкт-Петербургского филиала Института востоковедения Академии наук России. Издание текста, введение и указатели О.Ф. Акимушкина. — Санкт-Петербург, 2001.

Темурнома/Нашрға тайёрловчи, сұзбоши ва луғат мұаллифи Поён Равшанов. — Т., 1991.

Темур тузуклари/Форсчадан Алихон Согуний ва Ҳабибулло Кароматов таржимаси. Б.А. Ахмедов таҳрири остида. — Т., 1991.

Тихонов Д.И. Хозяйство и общественный строй уйгурского ханства X—XIV вв. — М.; Л., 1966.

Ўзбекистон ҳалқлари тарихи/1- жилд. Аҳмадали Асқаров таҳрири остида. — Т., 1992.

Ўзбекистон ССР тарихи. Биринчи том. — Т., 1970.

Уйгурларнинг қисқича торихи. Шинжон ҳалқ нашриёти. — Урумчи, 1990.

Файзиев Турғун. Темурийлар шажараси/Масъул мұхаррир Асрор Самад. — Т., 1995.

Фасих Ахмад б. Джалаладдин Мухаммад ал-Хавафи. Муджмал-и Фасихи (Фасиховский свод)/Перевод, предисловие, примечания и указатели Д.Ю. Юсуповой/Отв. редактор Урунбаев А. — Т., 1980.

Хинц В. Мусульманские меры и весы с переводом в метрическую систему. — М., 1970.

Ходжаев А. Цинская Империя и Восточный Туркестан в XVIII в./Под ред. Б.А. Ахмедова. — Т., 1991.

Ходжаев А., Ходжаев К. Қадимги манбаларда ҳалқымиз ўтмиши. — Т., 2001.

Цыбульский В.В. Современные календари стран Ближнего и Среднего Востока/Синхронистические таблицы и пояснения/Отв. редактор Беляев Е.А. — М., 1964.

Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа/Историко-этнографическое исследование на материалах кипчакского компонента/Отв. редактор Жданко Т.А. — Т., 1974.

Шаниязов К. Ш. Узбеки-карлуки (историко-этнографический очерк)/Отв. редактор Потапов Л.П. — Т., 1964.

Шах-Махмуд ибн Мирза Фазил Чурас. Хроника/Критический текст, перевод, комментарии, исследование и указатели Акимушкина О.Ф. — М., 1976.

Шараф-наме-иे шахи Ҳафиэз-и Таниш Бухари/Факсимиле рукописи, перевод с персидского, введение, примечания и указатели М.А. Салахетдиновой. Ч. 1. — М., 1983.

Шарафуддин Али Йаэдий. Зафарнома /Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари Ашраф Аҳмад, Ҳайдарбек Бобобеков. — Т., 1997.

Шинжонгнинг қисқича тарихи. Шинжон ҳалқ нашриёти. — Урумчи. 1984.

Юдин В.П. О родоплеменном составе монголов Могулистана и Могулии и их этнических связей с казахскими и другими соседними народами//Изв. АН КазССР. Серия общ. наук. Вып. 3. 1965.

Яркан Сайдийа хонлиқнинг қисқича тарихи. Шинжонг ҳалқ нашриёти. — Урумчи, 1993.

Qozoqboy Mahmudov. Qadimgi Turkiston. — Т., 2003.

Ҳасан Ато Абуший. Туркий қавмлар тарихи/Нашрга тайёрловчи, сўнгсўз ва лугат муаллифи Пойн Равшанов. — Т., 1995.

МУНДАРИЖА

Нашрга тайёрловчидан	3
Кириш	5

ТАРИХИ РАШИДИЙ

Биринчи дафтар

Биринчи фасл

Ҳазрати Одам Сафиоллоҳнинг замоналаридин то	
Ҳазрати Муҳаммад Расулуллоҳгача ўтган Ажам подшоҳларининг	
бар сабили ижмол зикри	35

Иккинчи фасл

Достони қоон Жаҳонгир Чингизхоннинг зикри	36
---	----

Учинчи фасл

Ўқтай қооннинг зикри. Улар Чингизхоннинг ўғлидур	42
--	----

Тўртинчи фасл

Жўчихоннинг зикри. Улар Чингизхоннинг ўғлидур.	44
---	----

Бешинчи фасл

Тўлдиҳоннинг зикри. Улар ҳам Чингизхоннинг ўғлидур	45
--	----

Олтинчи фасл

Подшоҳи ислом Фозонхоннинг зикри. Улар Аргунхоннинг ўғлидур	49
---	----

Еттинчи фасл

Чигатойхоннинг ва анинг авлодларининг зикри	52
---	----

Саккизинчи фасл

Сабаби таснифи «Тарихи Рашидий»	53
---------------------------------------	----

Тўққизинчи фасл

Гуфтори Туғлуқ Темурхоннинг ибтидоий ҳоллари баёнида	60
--	----

Ўн биринчи фасл

Нақл «Зафарнома»дин: Туғлуқ Темурхоннинг Мовароуниҳор	64
---	----

мамлакатига лашкар тортварининг баёни	
---	--

Ўн иккинчи фасл

Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг ҳасаб ва насабларининг зикри	65
--	----

Ўн иккинчи фасл

Нақл «Зафарнома»дин: гуфтори ҳазрати Соҳибқироннинг амир Ҳожи	66
---	----

барлос бирла машварат қилиб дарёйи Жайхундин ёниб Туғлуқ	
--	--

Темурхоннинг умаролари бирла мулоқот бўлғонлари	66
---	----

Ўн учинчи фасл	
Нақл «Зафарнома»дин: Туғлуқ Темурхон Мовароуннаҳрининг вилоятиға иккинчи навбат лашкар тортмоқининг баёнида	68
Ўн тўртинчи фасл	
Нақл «Зафарнома»дин: Туғлуқ Темурхоннинг ўз тахттоҳлариға ёнмоқларининг баёни	70
Ўн бешинчи фасл	
Илёс Ҳожаҳоннинг зикрлари	71
Ўн олтинчи фасл	
Нақл «Зафарнома»дин: гуфтори ҳазрати Соҳибқироннинг Тошқўпрук лабидин ўтганлари ва Жета лашкарининг қочғонларининг зикри	74
Ўн еттинчи фасл	
Нақл «Зафарнома»дин: гуфтори Соҳибқироннинг туш кўрмакликлари ва ул тушдин фол олиб Илёс Ҳожаҳон бирла жанг қилмоққа шурӯй қилғонларининг баёни	77
Ўн саккизинчи фасл	
Нақл «Зафарнома»дин: гуфтори Амир Ҳусайн ва Соҳибқироннинг Жета лашкари бирла жанг қилмоқлари ва уларға зафар топмоқнинг баёни	78
Ўн тўйқизинчи фасл	
Нақл «Зафарнома»дин: Амир Ҳусайн ва Соҳибқирон машварат қилиб Кобилшоҳ ўғлонни хон кўтарганининг баёни	81
Йигирманчи фасл	
Нақл «Зафарнома»дин: гуфторларининг лой жангидаги аниңгайфияти шарҳида ва Соҳибқироннинг ҳоллари жорий бўлмоқлиқи	85
Йигирма биринчи фасл	
Гуфтори Илёс Ҳожаҳоннинг иши хатм бўлмоқлиғи ва анча ул вафот қилғондин кейин бўлрон воқеалар, Амир Қамаруддин волиб бўлмоқлиқи ва мухолифатчилиги баёнида	93
Йигирма иккинчи фасл	
Гуфтори Амир Қамаруддиннинг аҳволи зикри	95
Йигирма учинчи фасл	
Нақл «Зафарнома»дин: гуфтори Жетага учинчи навбат юз келтирмакликлари, Жета иборати Мўғулистондиндур	99
Йигирма тўртинчи фасл	
Нақл «Зафарнома»дин: гуфтори Соҳибқироннинг Дилшод оғо билан тўй қилмоқларининг баёни	101
Йигирма бешинчи фасл	
Нақл «Зафарнома»дин: гуфтори ҳазрати Соҳибқироннинг учунчи навбат Ҳоразмга юз келтурганлари ва ҳам йўлдан ёнғонлари	104
Йигирма олтинчи фасл	
Нақл «Зафарнома»дин: гуфтори Соҳибқирон Жета тарафига тўртунчи навбат юз келтурмакларининг баёни	107

<i>Йигирма еттинчи фасл</i>	
Нақл «Зафарнома»дин: гуфтори амирзода Жаҳонгирнинг вафотлари экирида	110
<i>Йигирма саккизинчи фасл</i>	
Нақл «Зафарнома»дин: гуфтори ҳазрати Соҳибқирон Қамаруддиннинг узосига лашкар йиборгандари баёни	111
<i>Йигирма тўққизинчи фасл</i>	
Нақл «Зафарнома»дин: гуфтори ҳазрати Соҳибқироннинг Ҳумоён дабдабалар ва гардун асьасалар ва юлдуз сифат лашкарлар била Жета тарафига бешинчи навбат юз келтурганлари	113
<i>Ўттизинчи фасл</i>	
Гуфтори амир Қамаруддиннинг рўзгори ихтитоми баёни	114
<i>Ўттиз биринчи фасл</i>	
Зикри ҳазрати Ҳожа Хизрхон	115
<i>Ўттиз иккинчи фасл</i>	
Мухаммадхоннинг зикри	120
<i>Ўттиз учинчи фасл</i>	
Шермуҳаммадхоннинг зикри	121
<i>Ўттиз тўртинчи фасл</i>	
Увайсхоннинг зикри	125
<i>Ўттиз бешинчи фасл</i>	
Вайрони Ирозоннинг зикри	133
<i>Ўттиз олтинчи фасл</i>	
Юнусхон ва Ирозон Самарқандга Мирзо Улубекнинг олдига борғоннинг зикри	134
<i>Ўттиз еттинчи фасл</i>	
Вайсхоннинг ўғли Эсан Буюхон хон бўлронининг зикри	135
<i>Ўттиз саккизинчи фасл</i>	
Мир Эсан Буюхон мухолифати ва ул кунларда бўлрон воқеалар зикри	138
<i>Ўттиз тўққизунчи фасл</i>	
Юнусхоннинг хон бўлрон ибтидосининг зикри	141
<i>Кирқинчи фасл</i>	
Юнусхон Мўгулистонга келганининг зикри	142
<i>Кирқ биринчи фасл</i>	
Юнусхон Мўгулистонга келганининг зикри	143
<i>Кирқ иккинчи фасл</i>	
Сонсиз мирзонинг Кошқар таҳтида ўлтуррони ва отаси	
Мир Сайд Алининг иши тамомира етронининг зикри	145
<i>Кирқ учинчи фасл</i>	
Дўстмуҳаммадхоннинг хон бўлрон зикри	147
<i>Кирқ тўртинчи фасл</i>	
Юнусхоннинг иккинчи маротаба Султон Абу Саъиднинг олдидин Мўгулистонга келгани зикри	149

<i>Кирқ бешинчи фасл</i>	
Дўстмуҳаммадхон ўлгандин кейин бўлғон воқеаларнинг зикри ва Юнусхон муставлий бўлғон воқеаси ва Буруж ўғлонни ўлтургани зикри.....	151
<i>Кирқ олтинчи фасл</i>	
Шайх Жамолнинг ва Юнусхон аниг қулида бандга тушканининг зикри.....	152
<i>Кирқ еттинчи фасл</i>	
Шайх Жамол харни ўлтиргандин кейин бўлғон воқеаларнинг Юнусхоннинг ва умароларининг орасида... ва Мовароуннаҳо подшоҳларининг зикри	154
<i>Кирқ саккизинчи фасл</i>	
Сонсиз мирзонинг вафотидин кейин Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг Кошқарда соҳиброй бўлғонининг зикри	157
<i>Кирқ тўққизинчи фасл</i>	
Мирзо Абобакрнинг ибтидоий ахволининг зикри	158
<i>Эллигинчи фасл</i>	
Хўтан мирзоларининг зикри ва Хўтан машриқ шаҳарларининг машхурларидиндур, аниг шарҳи	159
<i>Эллик биринчи фасл</i>	
Мирзо Абобакр Ҳўтани олиб ва Ҳўтан мирзоларининг наслини йўқ қилғони	160
<i>Эллик иккинчи фасл</i>	
Абобакр мирзонинг Муҳаммад Ҳайдар мирзоға мақр қўймоқликининг зикри ва Муҳаммад Ҳайдар мирзо ўз умароларини	
Мирзо Абобакрнинг сўзи бирла қўғлонининг зикри	161
<i>Эллик учинчи фасл</i>	
Юнусхон Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг мадади бирла Мирзо Абобакрнинг тўғасига бориб шикаст топғонининг зикри	163
<i>Эллик тўртинчи фасл</i>	
Юнусхоннинг ўз қўшини билан иккинчи марта Ёркандга Муҳаммад Ҳайдар мирзоға ёрдамга бориб, Мирзо Абобакрдан шикаст топғонининг зикри	165
<i>Эллик бешинчи фасл</i>	
Султон Маҳмудхон бин Юнусхон умрининг аввалғи даври	167
<i>Эллик олтинчи фасл</i>	
Юнусхон билан Муҳаммад Ҳайдар мирзо орасида Оқсуда содир бўлган жанг ва ваҳшатли воқеанинг зикри	169
<i>Эллик еттинчи фасл</i>	
Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг Кошқарга бориб Мирзо Абобакр Муҳаммад Ҳайдар мирзони бандга солронининг зикри	173
<i>Эллик саккизинчи фасл</i>	
Юнусхоннинг ва улуси мўғулийнинг Тошкандга келиб Султон Аҳмад мирзо ва Султон Маҳмудхоннинг орасида сулҳ қилғони	174

<i>Эллик тўққизинчи фасл</i>	
Юнусхоннинг корининг тамом бўлронининг зикри. Хон Тошканда мутамаккин бўлиб ўз ўғли Султон Маҳмудхон учун Султон Аҳмад мирзонинг қизи Қарокўзебегимни хосткорлик қилғони	177
<i>Олтмишинчи фасл</i>	
Султон Аҳмад мирзо бирла Султон Маҳмудхоннинг орасида жанг воқеъ бўлронининг зикри	178
<i>Олтмиши биринчи фасл</i>	
Отам Муҳаммад Ҳусайн Кўрагон Султон Маҳмудхонға муносиб ишлар бирла мулоғиматида бўлронининг зикри	180
<i>Олтмиши иккинчи фасл</i>	
Султон Маҳмудхонға Тошканда бўлғон воқеалар зикри ва аниңг иши халал топронининг ва рўзгорининг тамомига етганининг баёни	181
<i>Олтмиши учинчи фасл</i>	
Султон Аҳмадхоннинг зикри	184
<i>Олтмиши тўртинчи фасл</i>	
Султон Аҳмадхоннинг чўнг ўғли Мансурхоннинг зикри	186
<i>Олтмиши бешинчи фасл</i>	
Мансурхоннинг ўғли Шоҳхоннинг зикрлари	189
<i>Олтмиши олтинчи фасл</i>	
Султон Аҳмадхоннинг ўғли Султон Сайдхоннинг зикри	190
<i>Олтмиши еттинчи фасл</i>	
Султон Сайдхоннинг ўбдан фазилат ва хислатларининг зикри	197
<i>Олтмиши саккизинчи фасл</i>	
Султон Сайдхоннинг ўғли Абдурашидхоннинг зикри	200
<i>Олтмиши тўққизинчи фасл</i>	
Тарихи Рашидийдан дафтари аввалнинг тамомининг сўзи	211

ТАРИХИ РАШИДИЙ

Иккинчи дафтар

<i>Етмишинчи фасл</i>	
Иккинчи дафтардаги ҳикоятлар	215
<i>Етмиши биринчи фасл</i>	
Юнусхоннинг хон бўлғон зикри ва уларнинг аҳволлари ва уларнинг фарзандларининг ададини ижмол таригаси бирла зикр қилмоқ	220
<i>Етмиши иккинчи фасл</i>	
Юнусхоннинг хонлиқ корининг тамом бўлронининг зикри ва уларнинг фарзандларининг адади ва Султон Маҳмуднинг подшоҳ бўлронининг ва аниңг подшоҳлиқига халал етканининг зикри	222

<i>Етмиши учинчи фасл</i>	
Шоҳибекхон Самарқанд ва Бухороға Султон Маҳмудхоннинг мадади бирла муставлий бўлғони, Темуриялар султонларининг шиказ топрони	224
<i>Етмиши тўртинчи фасл</i>	
Бу камина Хожа Тожиддин Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳининг ходимларидин	226
<i>Етмиши бешинчи фасл</i>	
Султон Маҳмудхоннинг ва фарзандларининг шаҳодат топронининг зикрининг баёни	228
<i>Етмиши олтинчи фасл</i>	
Отам Мирзо Ҳусайн Кўрагоннинг боқий аҳволларининг зикри	229
<i>Етмиши еттинчи фасл</i>	
Ва яна Шоҳибекхоннинг аҳволларининг зикри	232
<i>Етмиши саккизинчи фасл</i>	
Бобур подшоҳнинг ва уруг қайошларининг ва мӯгул хоҷонларининг аввалқи ҳолининг зикри	238
<i>Етмиши тўққизинчи фасл</i>	
Султон Саидхон Султон Аҳмадхоннинг ўғли, булар Султон Юнусхоннинг ўғли бало ва меҳнатларики уларга аввалқи ҳолларида пеш келиб эди, аниг шарҳининг зикри	245
<i>Саксонинчи фасл</i>	
Додам Муҳаммад Ҳусайн Кўрагон анораллоҳу бурҳонаҳу Шоҳибекхоннинг қошидин Ҳурсонға борғони ва нечанд суз аниг интизомига тааллукдур, аниг зикри	262
<i>Саксон биринчи фасл</i>	
Маҳдумий шайхулислом ҳазрати Мавлоно Абдурраҳмон Жомий алайҳир-раҳма вал мағfirанинг зикри	266
<i>Саксон иккинчи фасл</i>	
Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин Кошқарий алайҳи раҳманинг зикрлари	267
<i>Саксон учинчи фасл</i>	
Ҳазрати Хожа // Алоуддин Аттор навароллоҳу марқадаҳунинг зикри	268
<i>Саксон тўртинчи фасл</i>	
Ҳазрати Мавлоно Алоуддин мактабдорнинг зикри	274
<i>Саксон бешинчи фасл</i>	
Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Рўмий раҳматуллоҳи алайҳининг зикрлари	274
<i>Саксон олтинчи фасл</i>	
Хожа Абдулазиз Жомийнинг зикри	275
<i>Саксон еттинчи фасл</i>	
Мавлоно Абу Санд Убехийнинг зикри	277

<i>Саксон саккизинчи фасл</i>	
Мавлоно Муин Вөйизнинг зикри	278
<i>Саксон тўққизинчи фасл</i>	
Мавлоно Хожа Күхийнинг зикри	278
<i>Тўқсонинчи фасл</i>	
Хофиз Маҳмуд Зиёратгоҳийнинг зикри	279
<i>Тўқсон биринчи фасл</i>	
Шуаролар жумласидин	282
<i>Тўқсон иккинчи фасл</i>	
Мир Алишер навараллоҳу марқадаҳунинг зикри	283
<i>Тўқсон учинчи фасл</i>	
Ҳусайн жалойирнинг зикри	285
<i>Тўқсон тўртинчи фасл</i>	
Сайфийнинг зикри	288
<i>Тўқсон бешинчи фасл</i>	
Устод Бобо Ҳожининг зикри	291
<i>Тўқсон олтинчи фасл</i>	
Бобур подшоҳнинг Ҳуросонга бормоқининг ва муноқаша ва ваҳшатларининг баёни, воқеъ бўлди, анинг зикри	294
<i>Тўқсоң еттинчи фасл</i>	
Бобур подшоҳнинг Ҳуросонга бормоқи ва Ҳуросондин ёниб Кобулға келмакининг баёни	296
<i>Тўқсон саккизинчи фасл</i>	
Подшоҳ ул вақтеки Кобулда эрди бўлғон воқеаларнинг баёни	298
<i>Тўқсон тўққизинчи фасл</i>	
Шоҳибекхон Ҳоразмға борғони ва Мовароуннаҳр тарафига ёнрони ва Ҳуросон тарафига юз келтургони	301
<i>Юзинчи фасл</i>	
Отам Муҳаммад Ҳусайн Қўрагон анораллоҳу бурҳонаху Шоҳибекхоннинг олдира борғонининг сабаби ва анга тааллуқи бор сўзларнинг баёни ва Султон Маҳмудхоннинг ва отамнинг шаҳид бўлғонлари	302
<i>Юз биринчи фасл</i>	
Бу китобни тасниф қўилғучининг воқеаларининг баёни	306
<i>Юз иккинчи фасл</i>	
Мавлоно Муҳаммад Қози алайҳир-раҳма ва-л-марғиранинг зикри	308
<i>Юз учинчи фасл</i>	
Эмди қиссанинг аввалига ёнмоқ лозимки ҳазрати Мавлононинг аҳволиятини зикр қилишдин илгари сўз бу ерга етиб әрдики	312
<i>Юз тўртинчи фасл</i>	
Султон Сайдхон Андижонға келгани, бандга тушуб банддин халос бўлрони ва ондин ўтуб Кобулға Бобур подшоҳнинг қошиға борғонининг зикри	316

<i>Юз бешинчи фасл</i>	
Мирзохоннинг Бадахшондаги аҳволи, Бадахшондин Кобулға келганининг зикри.....	321
<i>Юз олтинчи фасл</i>	
Шоҳибекхоннинг қазоққа борони ва ани ишининг халал топронининг зикри	323
<i>Юз еттинчи фасл</i>	
Шоҳибекхон Шоҳ Исмоил бирла жадал қилронларининг ибтидоси ва Шоҳибекхон Шоҳ Исмоилнинг қўлида ўлганининг зикри	325
<i>Юз саккизинчи фасл</i>	
Шоҳибекхоннинг Шоҳ Исмоилнинг қўлида ўлганининг хабари еттани ва подшоҳ Бобур Қундузға азимат қилрони	329
<i>Юз тўққизунчи фасл</i>	
Вақтеки сўзнинг сиёки аммим Муҳаммад мирзога етти	331
<i>Юз ўнинчи фасл</i>	
Сайд Муҳаммад мирзонинг фатҳининг хабари подшоҳга еткани, султон Сайдхонни Андижонға аммимнинг олдига йиборганининг зикри	333
<i>Юз ўн биринчи фасл</i>	
Мовароуннаҳрда Бобур подшоҳнинг ўлтурмоғлигининг зикри	335
<i>Юз ўн иккинчи фасл</i>	
Ҳон Андижонға бориб анда бўлғон воқеаларнинг зикри	339
<i>Юз ўн учинчи фасл</i>	
Мирзо Абобакрнинг Амир Сайд Алиға наسابининг аҳволининг зикри	342
<i>Юз ўн тўртинчи фасл</i>	
Мирзо Абобакрнинг кичиклигидаги аҳволининг гуфтори, буйруон ишларнинг ижмолининг зикри	345
<i>Юз ўн бешинчи фасл</i>	
Убайдуллохоннинг Туркистондин Бухорога келгани. Бобур подшоҳнинг муқоталага бориб, Қўл музофотида шикаст егани ва анчаки анингдин даст бергани	349
<i>Юз ўн олтинчи фасл</i>	
Аммим Сайд Муҳаммад мирзо тағаммада Аллоҳу би-ғуфраниҳининг аҳволининг зикри	354
<i>Юз ўн еттинчи фасл</i>	
Мусаннифи китобнинг бар сабили ижмол аҳволининг зикри	357
<i>Юз ўн саккизинчи фасл</i>	
Султон Сайдхон Суюнчикхондин шикаст топғондин кейинги воқеалар зикри	361
<i>Юз ўн тўққизинчи фасл</i>	
Қазоқ ва анинг сultonлари хусусияти ва уларга бу отни итлоқ қилмоқнинг сабаби ва уларнинг корининг оқибатлари	362

<i>Юз йигирманчи фасл</i>	
Суюнчикон жанги мұхорабага юз келтурғандын кейин бұлрон өңеаларнинг ва Султон Сайдхон Қосимхоннинг олдига қазоққа борганининг зикри	362
<i>Юз йигирма биринчи фасл</i>	
Мавлоно Мұхаммад Қози алайхир-раҳматта ва-л-марғираннинг каромуатларининг зикри ва анчаки өңеа бу ҳикоятта тааллұқдур ағыннан баёни	365
<i>Юз йигирма иккинчи фасл</i>	
Баъзи ахволнинг хосиятларынан бу ҳикоятларнинг зийнатыға тааллұқ бұлғай, анығ зикри	366
<i>Юз йигирма учинчи фасл</i>	
Шоҳ Исмоилнинг кори тамомига еттаниннинг зикри	367
<i>Юз йигирма түртінчи фасл</i>	
Мовароуннахрда Шайбоннинг подшоҳ бұлғони, ондин кейин бу құнларғача бир-бирләрі бирла салтанат ишларини қылмоқтарнинг зикри	369
<i>Юз йигирма бешинчи фасл</i>	
Султон Сайдхон виляти Фарғонадын чиқиб Кошқарға юз келтирмакининг сабабининг зикри	371
<i>Юз йигирма олтынчи фасл</i>	
Кошқарнинг вазъларининг гүфтори	374
<i>Юз йигирма еттінчи фасл</i>	
«Тарихи жаһонқушай»дін нақлдаруки	375
<i>Юз йигирма саккизинчи фасл</i>	
Нақли «Тарихи жаһонқушай»дін имом Алоуддин Мұхаммад ал-Хұтанийнинг раҳматуллоҳ алайхини күшлүк үлтүрганиннинг зикри	378
<i>Юз йигирма түккизинчи фасл</i>	
Чингизхоннинг ҳикояти	381
<i>Юз үттисинчи фасл</i>	
Харазмати хони Ҳужаста маолнинг зикрларини таҳrir қылмоқда сүз бу ерга етиб әрдеки	388
<i>Юз үттис биринчи фасл</i>	
Султон Сайдхоннинг Кошқарда Мирзө Абобақрнинг лашкари бирла масоғ қылғоннинг зикри	392
<i>Юз үттис иккинчи фасл</i>	
Султон Сайдхоннинг Еркандың юз келтирғаны ва баъзи ҳикоятларынан анга тааллұқдур ағыннан зикри	394
<i>Юз үттис учинчи фасл</i>	
Янги Ҳисорнинг қалъаси Кошқарнинг мулкларининг очқуси әрди, ағыннан фатжининг зикри	397
<i>Юз үттис түртінчи фасл</i>	
Мирзө Абобақрнинг корининг халал топрони ва уннинг корининг тутаганы ва нечанд мұқаддамаларынан анга тааллұқи бордур, ағыннан зикри	401

<i>Юз ўттиз бешинчи фасл</i>	
Кошқарнинг шарҳи ва Янги Ҳисорнинг фатҳининг зикри	407
<i>Юз ўттиз олтинчи фасл</i>	
Мирзо Абобакрнинг орқасидин борғон умароларнинг зикри	409
<i>Юз ўттиз еттинчи фасл</i>	
Мирзо Абобакрнинг фарзандларининг хотимасининг зикри	410
<i>Юз ўттиз саккизинчи фасл</i>	
Қошқарни фатҳ қылғондин кейин хоннинг ахволотининг зикри	412
<i>Юз ўттиз тўққизинчи фасл</i>	
Эмин Ҳожа султон Турфондин хоннинг хизматига келганининг зикри	413
<i>Юз қирқинчи фасл</i>	
Хоннинг кудуротики илгари ўтиб эрди Мансурхонга мулоқотининг боиси ва итоат қылғонининг зикри	415
<i>Юз қирқ биринчи фасл</i>	
Мансурхоннинг ахволининг зикри	417
<i>Юз қирқ иккинчи фасл</i>	
Искандархоннинг туғулрон зикри	421
<i>Юз қирқ учинчи фасл</i>	
Оқсуни таъмир қымоқнинг зикри	422
<i>Юз қирқ тўртинчи фасл</i>	
Ҳаэррати Мавлоно Муҳаммад Қозининг вафотлари зикрида	423
<i>Юз қирқ бешинчи фасл</i>	
Ҳаэррати Мавлоно Муҳаммад Қози алайхир-раҳма ва-р-ризвон вафоти	427
<i>Юз қирқ олтинчи фасл</i>	
Султон Сайдхон Мансурхон бирла мулоқот бўлиб, ошнолиқ қылғонининг зикри	431
<i>Юз қирқ еттинчи фасл</i>	
Хон сулҳ қилишиб ёнғонининг ва ул ишлареки мундин кейин воқеъ бўлибдур анинг зикри	434
<i>Юз қирқ саккизинчи фасл</i>	
Хонни сариқ уйғурга газотта бориб газотдин ёниб келганининг зикри	437
<i>Юз қирқ тўққизинчи фасл</i>	
Қирғиз лашкарининг гуфтори ва Муҳаммад Қирғизнинг гирифтор бўлрони сабабининг зикри	438
<i>Юз эллигинчи фасл</i>	
Юнусхоннинг қизи Давлат Султон хоним Бадахшондин Кошқаря келганининг зикри	440
<i>Юз эллик биринчи фасл</i>	
Эмин Ҳожа султон ва Шоҳ Муҳаммад султонларнинг тўйларининг зикри	441
<i>Юз эллик иккинчи фасл</i>	
Макр ва муноқашалареки хоннинг ва Мирзохоннинг аросида воқеъ бўлиб хон Бадахшонга лашкар тортиб борғонининг зикри	442

<i>Юз эллик учинчи фасл</i>	
Султон Саидхон иккинчи маротаба Мансурхонга мулоқот бўлронининг зикри	444
<i>Юз эллик тўртинчи фасл</i>	
Бобур подшоҳ Кобулга борғондин кейин бўлғон воқеаларнинг, биродарлари Султон Носир мирзонинг вафотларининг ва Бобур подшоҳнинг умароларининг муҳолифат қилмоқдарининг сабабининг зикри	445
<i>Юз эллик бешинчи фасл</i>	
Мўгулистон ва Қирғизнинг забтининг ва Рашид султоннинг ишининг ибтидосининг зикри	447
<i>Юз эллик олтинчи фасл</i>	
«Таърихи жаҳонкушой»нинг нақли, ҳазрати соҳиб девон ва Фаридуд даврон Ҳожа Атомалик Алоуддин Мұхаммад Жувайний Тағамадаллоҳу би-ғуфрониҳи Мўгулистоннинг таърифларида футубдурки ани ўз жинси бирла нақл қилинур	449
<i>Юз эллик еттинчи фасл</i>	
Хон ҳазрати ғаффорул зунубнинг инояти бирла тавба қилғонларининг зикри	453
<i>Юз эллик саккизинчи фасл</i>	
Хон салтанат кибрини тарқ этиб, дарвешлик тариқасини ихтиёр қилмоқининг зикри	455
<i>Юз эллик тўққизинчи фасл</i>	
Хожа Тоҳир қазоқ ўзбек бирла ярошиб бўлрон воқеалар зикри	458
<i>Юз олтмишинчи фасл</i>	
Хон Андижонга иккинчи маротаба боронининг зикри	460
<i>Юз олтмиш биринчи фасл</i>	
Хон Мўгулистондин аҳли аёлларини Кошқарга олиб келиб бўлғон воқеаларнинг зикри	461
<i>Юз олтмиш иккинчи фасл</i>	
Бобо Султон қочиб анинг иши тамомига етронининг зикри	463
<i>Юз олтмиш учинчи фасл</i>	
Шоҳ Мұхаммад султоннинг иши тамомига еттанининг зикри	465
<i>Юз олтмиш тўртинчи фасл</i>	
Рашид султон бирла фақир банда Балурға ғазотга боронининг зикри	468
<i>Юз олтмиш бешинчи фасл</i>	
Хоннинг иккинчи маротаба Бадахшонга борғонларининг зикри	469
<i>Юз олтмиш олтинчи фасл</i>	
Хоннинг ва Эмин Ҳожа султоннинг орасида бўлғон воқеаларнинг зикри	473
<i>Юз олтмиш еттинчи фасл</i>	
Хон ҳазрати Маҳдуми Нурова иродат қилғонларининг зикри	476
<i>Юз олтмиш саккизинчи фасл</i>	
Ҳазрати Ҳожа Хованд Маҳмуднинг нисбат ва ахволларининг зикри	479

<i>Юз олтмиши түккизинчи фасл</i>	
Ҳазрати Маҳдуми Нуронинг Бадаҳшон тарафиға борғонларининг зикри	482
<i>Юз етмишинчи фасл</i>	
Ҳазрати Ҳожа Нурон кароматларининг зикри	483
<i>Юз етмиши биринчи фасл</i>	
Ҳазрати Шайх Нуронинг зикрларини хатм қилмоқнинг зикри	485
<i>Юз етмиши иккинчи фасл</i>	
Подшоҳ Бобурнинг аҳволининг тамомига етканининг зикри	487
<i>Юз етмиши учинчи фасл</i>	
Хоннинг Тибатта борғонларининг зикри	488
<i>Юз етмиши тўртинчи фасл</i>	
Тибат вилоятининг вазъларини ва тоғларини ва саҳроларини ва ақида ва мазҳабларини шарҳ қилмоқнинг зикри	489
<i>Юз етмиши бешинчи фасл</i>	
Тибат ҳалқининг ақидасининг зикри	493
<i>Юз етмиши олтинчи фасл</i>	
Хоннинг Тибатга газотга юз келтурғанларининг зикри	496
<i>Юз етмиши еттинчи фасл</i>	
Мусаннифи китоб Тибатга келгани ва анчаки ул кунларда воқеъ бўлибдур аниңг зикри	497
<i>Юз етмиши саккизинчи фасл</i>	
Мусаннифи китоб хоннинг орқасидин бориб ондин хон Болтига келиб мусаннифи китоб Кашмирга бороннинг зикри	498
<i>Юз етмиши тўйқизинчи фасл</i>	
Хонға Болтида бўлрон воқеаларининг зикри	500
<i>Юз саксонинчи фасл</i>	
Мусаннифи китоб Кашмирга келгани зикри	501
<i>Юз саксон биринчи фасл</i>	
Кашмир авзоъларининг зикри	501
<i>Юз саксон иккинчи фасл</i>	
Кашмирнинг исломға доҳил бўлғони. Кашмирда ўтган мусулмон подшоҳлар мужмал аҳволи баёнида	507
<i>Юз саксон учинчи фасл</i>	
Кашмир аҳлининг мазҳаби баёнида	508
<i>Юз саксон тўртинчи фасл</i>	
Асли ҳикоятта ружу қилмоқ	512
<i>Юз саксон бешинчи фасл</i>	
Кашмирдин ёнғонимиз зикри, ул кунларда вуқуъга келган воқеалар баёнида	518
<i>Юз саксон олтинчи фасл</i>	
Султон Сайдхоннинг Морӣӯлдин Ёрканд дорулсалтанатига ёнғони ва фақир Мухаммад Ҳайдарни Урсанг тарафиға буюргони	520

<i>Юз саксон еттинчи фасл</i>	
Султон Сайдхоннинг ихтитоми кори ва мужмали аҳволи баёнида	524
<i>Юз саксон саккизинчи фасл</i>	
Хон вафот бўлғондин кейин Кошқарда вуқуъга келган воқеалар баёнида	529
<i>Юз саксон тўққизинчи фасл</i>	
Рашидхоннинг умароси Муҳаммадийнинг зикри	532
<i>Юз тўқсонинчи фасл</i>	
Мусаннифи китоб Урсангта борғони ва биродарим Абдулло анда вафот бўлғонининг ва ул ишки ул лашкарда воқеъ бўлибдур анинг зикри	534
<i>Юз тўқсон биринчи фасл</i>	
Тибатда ўтган воқеаларнинг қаттиқлиқининг ва аммамнинг ўғли	
Махмуд Мирзонинг вафотларининг зикри	535
<i>Юз тўқсон иккинчи фасл</i>	
Муаллифи китоб Тибатдин Бадаҳшонга юз келтурғонининг зикри	540
<i>Юз тўқсон учинчи фасл</i>	
Бобур подшоҳнинг ўғли Ҳумоюн подшоҳнинг воқеалари ва анинг иши халалининг зикри	544
<i>Юз тўқсон тўртинчи фасл</i>	
Гангнинг жанг воқеаларидаги сўзларининг зикри	546
<i>Юз тўқсон бешинчи фасл</i>	
Чифатойнинг Ҳиндустондин Лоҳурға қочмоқлиғининг зикри	550
<i>Юз тўқсон олтинчи фасл</i>	
Мусаннифи китоб Кашмирға бормоқлиқининг сабабининг зикри	553
<i>Юз тўқсон еттинчи фасл</i>	
Чифатой Ҳиндға келгандин кейин Ҳинddаги аҳволининг зикри	554
<i>Юз тўқсон саккизинчи фасл</i>	
Ҳумоюн подшоҳдин мусаннифи китоб жудо бўлиб Кашмирға юз келтирғонининг зикри	555
<i>Юз тўқсон тўққизинчи фасл</i>	
Муножоти ҳазрати Раббул Арроб	557

ИЗОҲЛАР

Киши номлари изоҳи	561
Журофий номлар изоҳи	584
Этник номлар изоҳи	598
Атамалар ва изоҳ талаб сўзлар шархи	612
Киши номлари кўрсаткичи	617
Журофий номлар кўрсаткичи	658
Этник номлар кўрсаткичи	677
Атамалар ва қадимий сўзлар кўрсаткичи	680
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	685

Аёзий, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар.

A34 Тарихий Рашидий (Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий; нашрға тайёрловчи, сўз боши, тадбил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи О.Э. Жалилов; масъул муҳаррир С. Ҳасанов; ЎзРФА, Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти. –Т.: O'zbekiston», 2011. 704-б.

ISBN 978-9943-01-372-8

УДК: 94(575)
ББК 63.3(5Ў)

Илмий нашр

Муҳаммад Ҳайдар Мирзо Аёзий

ТАРИХИ РАШИДИЙ

Нашриёт муҳаррири *Ш. Мансуров*

Рассом *Х. Медмонов*

Бадиий муҳаррир *Р. Зуфаров*

Техник муҳаррир *Т. Харитонова*

Компьютерда тайёровчи *Н. Бегматова, Г. Қулназарова*

Нашр. лиц. А1 158. 14.08.09. Босишга рухсат этилди 10.02.2011.
Офсет қорози. Бичими 70×100¹/₁₆. «AcademyUz» гарнитурасида оғсет
усулида босилди. Шартли бос. т. 56,76. Нашр т. 37,48.
Нусхаси 3 000. Буюртма 09-10.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи,
100129, Навоий кўчаси, 30-уй.


Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20.

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.


e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz


www.iptd-uzbekistan.uz

27000c









«О'ЗВЕКИСТОН»

ISBN 978-9943-01-372-8

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-01-372-8.

9 789943 013728